МАҲМУД КОШҒАРИЙ

# ДЕВОНУ ЛУҒАТИ-Т-ТУРК
# [ТУРКИЙ СЎЗЛАР ДЕВОНИ]

## كِتَابُ دِيوَان لُغَاتِ التُرک

تاليف مَحمُود بن الحُسَين بن مُحمّد الكَاشغَرى

**МАҲМУД КОШҒАРИЙ**

# ДЕВОНУ ЛУҒАТИ-Т-ТУРК
# [ТУРКИЙ СЎЗЛАР ДЕВОНИ]



Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент – 2017

УЎК 811.512.161'374.3(038)
КБК 81.2-03
Қ 64

**Солиҳ Муталлибов** *таржимаси асосида қайта ишланган, тўлдирилган, ўзгартишлар киритилган мукаммал нашри*

Нашрга тайёрловчи: **Қосимжон Содиқов**

**Масъул муҳаррир:**
**Неъматуллоҳ Иброҳимов,** *ЎзР ФА академиги, филология фанлари доктори, профессор*

**Таҳрир кенгаши:**
**Алибег Рустамий,** *ЎзР ФА академиги, филология фанлари доктори, профессор*
**Эркин Воҳидов,** *Ўзбекистон халқ шоири*
**Нурислом Тўхлиев,** *иқтисод фанлари доктори, профессор*
**Зокиржон Орипов,** *филология фанлари номзоди, профессор*

**Тақризчилар:**
**Азизхон Қаюмов,** *ЎзР ФА академиги, филология фанлари доктори*
**Салимахон Рустамий,** *филология фанлари номзоди, доцент*

**Қошғарий, Маҳмуд.**
Девону луғати-т-турк (Туркий сўзлар девони) / М.Қошғарий. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017. – 488 б.

Дунё илм-фани ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган ушбу китоб XI асрда яшаб ижод этган буюк бобокалонимиз – улуғ тилшунос Маҳмуд Кошғарий (Маҳмуд бин ал-Ҳусайн бин Муҳаммад ал-Кошғарий) қаламига тегишли "Девону луғати-т-турк" ("Туркий сўзлар девони") асарининг ўзбек тилидаги янги нашридир. Уни тайёрлашда асар қўлёзмасига таянилди. Сўнгги йилларда туркологияда юзага келган ўзгаришлар, янгича қарашларни инобатга олиб, асарнинг аввалги нашрида йўл қўйилган камчиликлар, хатолар тузатилди, тушиб қолган ўринлар тикланди. Энг муҳими бугунги кун ўқувчисига тушунарли бўлиши учун сўзлар қавс ичида кирилл алифбосида берилди

Нашр кенг илмий оммага – филологлар, тарихчилар, манбашунослар ва шунга ёндош соҳа эгаларига, талабаларга ҳамда кенг китобхонларга мўлжалланган. Асар 1963 йилдан буён илк бор нашр қилинмоқда.

**УЎК 811.512.161'374.3(038)**
**КБК 81.2-03**

**© Қосимжон Содиқов (нашрга тайёрловчи)**
**© Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017**

**ISBN 978-9943-03-972-8**

## МАҲМУД КОШҒАРИЙ ВА УНИНГ "ДЕВОНУ ЛУҒАТИ-Т-ТУРК" АСАРИ

"Девону луғати-т-турк" асари туркий тилшуносликнинг бизга маълум бўлган илк йирик, шунинг билан бирга, тенги йўқ улуғ ёдгорлигидир. Ўз замонида асар арабларга, қолаверса, араб тили орқали Шарқу Ғарб халқларига қадимги туркларнинг тили, маданияти, тарихи тўғрисида тўлиқ маълумот берувчи қомусий китоб сифатида яратилган.

Асар арабчада *"Dīvānu luğāti-t-türki"* деб аталган. Ушбу атамада: *dīvān* – "девон"; бу ўринда "сўзларнинг муайян изчилликдаги тўплами" тушунилади; *luğāt* – "сўзлар" дегани; унинг изоҳловчиси бўлмиш *türki* – "турк" маъносида бўлиб, ўша замондаги туркий тилни билдиради. *"Dīvānu luğāti-t-türki"*нинг сўзма-сўз таржимаси "Турк сўзлари девони" бўлади.

Маҳмуд Кошғарий асарнинг кириш қисмида бугунги кунимизгача сақланмаган бошқа бир асари –*"Javāhiru-n-naḥvi fi luğāti-t-türki"* тўғрисида сўз юритади (9b). Бу ўринда муаллиф *luğāt* сўзини "тиллар" маъносида қўллаган. Шунга кўра, ўша номаълум китоб номининг таржимаси: "Турк тилларининг наҳвига оид гавҳарлар" бўлади.

"Девону луғати-т-турк" асарининг биттагина қўлёзмаси маълум, у ҳам бўлса, дастлабки эмас, кейинги даврга тегишли. Уни Муҳаммад бин Абу Бакр Дамашқий отли котиб Шомда ҳижрий 664 йил, шаввол ойининг йигирма еттинчи куни (милодий 1266 йил августининг биринчисида), ўзининг [яъни, котибнинг] ёзишига қараганда, Маҳмуд Кошғарий ўз қўли билан ёзган қўлёзмадан кўчириб тугаллаган. Ушбу нодир қўлёзма хозир Истанбулдаги Миллат кутубхонасида (Millet Genel Kütüphanesi. Kayıt No. Ar. 4189) сақланмоқда.

Қўлёзма 320 варақ (639 саҳифа)дан иборат[1]. Ҳар бетига ўн етти қатордан қилиб матн битилган. Хати чиройли. Деярли бутун бошли матн қорада, орадаги боб ва фаслларнинг сарлавҳаси, бошланишда туркий мисоллар, шунингдек, сарлавҳа қилиб берилган ҳарфлар қирмизи рангда. Баъзи сарлавҳалар тўқ қорада ажратиб ёзилган. Матн бўйлаб туркий мисоллар қорада ёзилиб, устидан қирмизи чизиқ тортиб қўйилган. Мисол-тўртликларнинг қаторлари доирачалар билан ажратилган.

Тўғри ўқилишини таъминлаш учун туркий мисолларга ҳаракатлар изчил қўйиб борилган. Луғатдаги сўз-мақолалар ўртаси нуқтали япроқсимон белги билан, мисол-тўртликларнинг қаторлари эса доирачалар билан ажратилган.

Муҳими, асарга Ер куррасининг харитаси ҳам киритилган бўлиб, ундаги тоғлар, чўллар, сувлик ва пасттекисликлар, шаҳарлар қирмизи, сариқ, тўқ кўк рангларда ажратиб кўрсатилган.

Китобнинг саҳифа кўрсаткичлари икки хил: биринчи саҳифанинг тепа қисмига араб рақамларида уларнинг кўрсаткичи қўйиб чиқилган; иккинчи тартиб кўрсаткичи эса ҳар варақнинг бошланишида, матннинг чап томонида янгича рақамларда қўйилган.

Варақларнинг тугашига пойгир белгилари қўйилмаган.

Қўлёзмада асар бошланишига йирик ҳарфлар билан *"Kitābu dīvāni luğāti-t-turki"* ["Турк сўзлари девони" китоби"] деб сарлавҳа қўйилган (1l). Ўрта асрлар туркий китобатчилигида йирик асарларни *kitāb* [яъни: *"асар; китоб"*] сарлавҳаси билан бошлаш русум бўлган.

---

[1] *Қўлёзманинг факсимиль нашрларига қаралсин: Kaşgarlı Mahmud.* Dīvānü Lügati't-Türk. Tıpkıbasım / Facsimile. Ankara, 1990. *Ёки яна:* مه همؤد كاشغه ربي. تورکيي تيلار ديؤانۇ لۇغه ت التۇرك). فاكسيميل. 2008 شينجاڭ خه لق نه شريياتي. Қўлёзма тўғрисидаги кейинги маълумотлар асарнинг ана шу факсимиль

Афтидан котиб туркий китобатчилик анъанасини яхши билган ва ўзи кўчирган нусхани ана шундай бошлаган.

Сарлавҳадан кейин кичик ҳарфларда асар муаллифи қайд этилади: *Ta'līf: Maḥmūd bin al-Ḥusayn bin Muḥammad al-Kāšğarî raḥimahu-l-lahu"* [яъни: "Тузувчи: Маҳмуд бин ал-Ҳусайн бин Муҳаммад ал-Кошғарий (*Оллоҳ у кишини Ўз раҳматига олсин*)"] (11).

Шундан сўнг котибнинг қисқача сўзбошиси берилган. Сўз бошидан кейин басмала билан асар мукаддимасига кўчилади.

"Девону луғати-т-турк" асари эски туркий тилнинг, туркий луғатчиликнинг тенги йўқ ёдгорлигидир. Ушбу асари билан олим туркий лексикография илмининг тамал тошини қўйиш билан бирга, бу соҳани юқори босқичга олиб чиқди. Қолаверса, Маҳмуд Кошғарий туркий тилшунослик ривожигагина эмас, Шарқ тилшунослиги, хусусан, луғатшунослигига ҳам катта ҳисса қўшган олимлардан.

Асар туркий тилшуносликнинг тарихий грамматикаси, шунинг билан бирга, қомусий характердаги ёдгорлиги ҳамдир. Асарда туркий тиллар илк бор араб тилшунослиги методологияси доирасида баён қилинган. Асарнинг илмий қиймати, муаллифнинг ютуқлари шуларнинг ўзи билан чекланмайди. Таъкидламоқ керак, олим туркий сўзларнинг тузилиши, тилнинг ўзига хосликларини инобатга олиб, луғат тузишнинг ўзига яраша янги бир усулини ишлаб чиқди. Шунинг билан у луғатчиликда катта кашфиёт қилди. Ютуқларидан яна бири, асарда эски туркий тилларнинг луғат бойлиги этнолингвистик, лингвокультурологик, қиёсий-типологик йўналишларда тадқиқ этилган.

Маҳмуд Кошғарий туркий фонетика ва фонологиянинг ўткир билимдони, ўз даврининг буюк фонетистларидан эди. У араб хатини туркий тилга биринчилардан бўлиб татбиқ этган, араб хати асосидаги туркий ёзувнинг имло қоидаларини ишлаб чиққан, унинг илмий асосларини баён этган олимдир. Маҳмуд Кошғарий томонидан ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий қилинган ёзув принциплари асрлар оша то XX юзйилликнинг бошларига қадар айтарли ўзгаришсиз давом этди. Туркий тиллар тарихида тўққиз асрдан ортиқроқ давр мобайнида яратилган араб ёзувли матнчилик амалиёти ана шу анъанага таянади.

Қадимги халқ мақоллари, халқ достонлари ва қўшиқларидан олинган парчалар, иборалар, кўплаб мисоллар, шунингдек, шева материаллари асар учун манба бўлиб хизмат қилган. Ишда сўз маъносини ойдинлаштириш мақсадида тарихий ва этнографик маълумотлар, сўз билан боғлиқ ривоятлар ҳам келтирилади. Келтирилган мисоллар ниҳоятда бой ва турли туман бўлиб, улар халқ ижодидан сайлаб олинган. Сўзлар ўрни билан фонетик, морфологик, стилистик, баъзан этимологик жиҳатдан ҳам таҳлил этилган. Бу хусусиятларига кўра, ўтмишда яратилган луғатлар орасида туркологиядагина эмас, бутун шарқ лексикографиясида ушбу асарга тенглашадигани топилмайди.

Маҳмуд Кошғарий туркий тилларни иккига ажратади: бири, барча туркий қавмлар учун тушунарли бўлган, расмий ишларда ва ёзма адабиётда қўлланувчи, ўтмиш ёзма тил анъаналарини сақлаб келаётган *ёзма-адабий тил,* буни муаллиф "туркча", "хоқония тили" деб атайди: "Буларнинг ичида энг очиқ ва равон тил хоқония ўлкасида яшовчилар тилидир" деб ёзади у. Луғатга асос қилиб ёзма-адабий тилда қўлланувчи сўзлар олинган. Иккинчиси турли туркий шевалар бўлиб, диалектал лексика ана шу луғат қатлами теварагида, унга чоғиштириб борилади. Шунга кўра, асар эски туркий ёзма адабий тилинигина эмас, эски туркий диалектларни ўрганишда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шундай қилиб, Маҳмуд Кошғарий туркий тилларни илмий таснифлаган, эски туркий шеваларни ўрганиб, туркий тилнинг йирик, фундаментал илмий грамматикасини яратган биринчи олимдир.

"Девону луғати-т-турк" китоби икки – муқаддима ва луғат қисмларидан тузилган. Муқаддимада китобнинг яратилиш сабаби, ўша замонда турклар ишлатган ёзув, от ясалиши, отлар ва феъллардаги орттирмалар, луғатнинг тузилиш принциплари, туркий қавмларнинг баёни, жойлашув ўрни, туркий тилнинг хусусиятлари, лаҳжалардаги фарклар тўғрисида сўз юритилади.

Луғат қисми саккиз бўлимдан иборат. Бўлимларнинг ҳар бири *kitāb* деб аталган.

Асар муқаддимаси ва ҳар бир китоб басмала билан бошланган. Луғатда сўзлар қатъий кетма-кетликда: аввал исмлар, сўнг феъллар келтирилади. Исмлар ҳам, феъллар ҳам сўз қолипи ва ёзилиш усулига қараб муайян тизимга солинган: икки ҳарфлилардан бошланиб, сўнг уч ҳарфлилар, шу тариқа олти ҳарфлиларга қадар давом этади. Етти ҳарфлилар санокли.

Луғат сўз-мақоласида феълларнинг берилиш тартиби ҳам ўзига хос: феълли бирикмалар ёки феъл қатнашган жумлалар ўтган замон шаклида берилган. Охирида сўз юритилаётган феълнинг келаси замон ҳамда *-maq, -mäk* аффиксли масдар шакли келтирилади.

Маҳмуд Кошғарий "Девону луғати-т-турк"да эски уйғур ёзуви ҳақида маълумот бериб, унинг алифбосини ҳам келтирган (*қўлёзманинг 3b–4b, 102b- бетларида*). Олимнинг туркий ёзув ҳақидаги маълумотлари ва у келтирган алифбо ўта муҳим аҳамиятга эга. Ўтмишдан қолган бундан бошқа уйғур алифболари ҳам бор. Лекин уларнинг ҳеч бири Кошғарий алифбосига ва у келтирган изоҳларга тенглаша олмайди.

Кошғарий ўз лугатида туркий сўзларни ҳамда уларнинг маъносини изоҳлаш учун келтирилган мисолларни араб хатида берган. Лекин, ўша замонда турклар қўллаган алифбо тўғрисида маълумот берар экан, бошқа бир ёзув – уйғур хатини келтиради; уни "туркча ёзув" деб атайди олим. Уйғур ёзувини Алишер Навоий ҳам ўшандай атаган эди. Жумладан, у Ҳусайн Бойқаронинг ўғли Бадиуззамонга битган мактубида ёзувларнинг турлари тўғрисида сўз юрита туриб, уйғур хатини эслайди ва уни *türkčä xaṭ* дейди.

Кошғарийнинг таъкидлашича, уйғур алифбосида ҳарфлар сони ўн саккизта. Муаллиф алифбода ҳарфларнинг бош шаклини кўрсатиб, тагида араб ҳарфлари билан уларнинг ўқилишини (транслитерациясини) беради (3b). Уйғур ҳарфларининг вазифаси тагидаги ана шу изоҳларга қараб тушунилади.

Кошғарий алифбосида ҳарфлар кетма-кетлиги қуйидагича: *a,w, x, ν, z, q, y, k, δ, m, n, s, b, č, r, š, t, l.*

Олимнинг таъкидлашича, тилнинг товуш тизими шунинг билан чекланмайди; туркий тилда ишлатиладиган еттита товуш уйғур ёзувида махсус белгисига эга эмас. Булар: [*p*], [*ž*] (сирғалувчи), [*ğ*], [*g*], [*ŋ*] ҳамда [*č*], [*w*] лардир. Ушбу товушлар юқорида кўрсатилган ҳарфлар воситасида ифода этилган ёки улар сингари ифодаланиб, қўшимча белгилар билан фарқланган. Ушбу маълумотдан уйғур хатида қуйидаги товушлар бир хил ифода этилганлиги аён бўлади: [*k*]–[*g*], [*x*]–[*ğ*], [*č*]–[*j*]–[*ž*], [*w*]–[*f*]. Сонор [*ŋ*] эса ёзувда икки ҳарф (ں *nūn*+ک *kāf*) билан берилган.

Кошғарий уйғур алифбосидаги ҳарфларнинг отини ҳам келтирган: ҳарфларнинг оти, улар ифодалаган товушга *fatḥa* қўшиб ҳосил қилинган: *a, wa, xa, va, za, qa, ya, kä, δa, ma, na, sa, ba, ča, ra, ša, ta, la*. Бу кетма-кетликни эсда сақлаш учун улар учта-учтадан бирлаштирилиб, *awaxa, vazaqa, yakäδa, manasa, bačara, šatala* тарзида ўқилган. Бу шакллар китобда алифбо ва унинг изоҳларидан кейин алоҳида-алоҳида қилиб берилган.

Муаллифнинг ёзишига кўра, "Барча хоқонлар ва султонларнинг китоблари, ёзувлари қадимги замонлардан то шу кунгача, *Käšğar* дан Юқори Чингача – ҳамма турк шаҳарларида шу ёзув билан юритилган" (4b).

Маҳмуд Кошғарий унлиларнинг тўлиқ ёзилиши тўғрисида тўхталиб, талаффузда ўрни йўқлигига қарамай (бунда қисқа унлилар назарда тутилмоқда – Қ.С.) *fatḥa* ўрнида *alif*, *ẓamma* ўрнида *vāv*, *kasra* ўрнида *yā* ёзиш қоида эканлигини таъкидлайди. У мисол тариқасида айрим сўзларнинг уйғур ва араб ёзувларида ёзилиш тартибини ҳам берган: араб хатида – KeLiN, уйғур хатида – KELİN; араб хатида – TaPaN, уйғур хатида – TAPAN (туя товони) (102b).

Муҳим жиҳатларидан бири, асарда туркий тилнинг товушлар тизими, унинг ўзига хос хусусиятлари тўлиқ очиб берилган. Бундай ўринларда олим араб тилшунослигида мавжуд бўлган терминологиядан фойдаланади. Уларни ишлатганда муаллиф туркий тилнинг фонетик белгиларини назарда тутади.

Айтмоқ ўринлики, ҳозирги таржима ва тадқиқотларда маъноси очилмай қолаётган атамалар ҳам бор, бу нарса тортишувларга олиб келмоқда. Масалан, орқа қатор, йўғон [*a*] ни ифодалаш учун *išbā'* (яъни "йўғон"), олд қатор [*ä~e*] учун эса – *išmām* (яъни "ингичка") атамаси қўлланган. Жумладан, ات сўзидаги *alif* ҳарфини икки хил талаффуз қилиш мумкин: агар уни йўғон унли сифатида талаффуз қилинса, "от (ҳайвон)" тушунилади, агар уни ингичка ўқилса, "эт, гўшт" бўлади. Ушбу фонетик ҳолат луғатда шундай берилган: ات ***at*** – от; йўғон ўқиладиган *alif* билан (*bi'išbā'i-l-alifi*) (15ı); ات ***et*** – ингичка ўқиладиган *alif* билан (*bi'išmāmi-l-alifi*); эт, гўшт (15a). Яна мисол: اڤ ***ew*** – уй; ингичка *alif* (яъни [*e*]) билан (*bi'išmāmi-l-alifi*) (27ı).

Унлининг йўғонлигини билдирадиган *išbā'* билан изоҳланган сўзларга яна мисол: أُچ ***Uč*** – йўғон *alif* билан (*bi'išbā'i-l-alifi*); машҳур бир шаҳарнинг оти (15b); تو ***to*** – йўғон унли (яъни [*o*]) билан (*bi-l-'išbā'i*), ундан тайёрланадиган овқатнинг оти (268a).

Ёки *vāv* ҳарфи туркий матнларда тўрт хил унлини англатади [*o*]–[*ö*] ёки [*u*]–[*ü*]. У ингичка унлиларни англатганда *išmām* атамаси билан изоҳланади. Луғатда берилишига мисол: أوت ***öt*** – девор ва тахтадаги ёриқ; *vāv* ингичка талаффуз қилинади *(bišammati-l-vāvi)* (17b); أوذ ***öð*** – вақт, замон; *vāv* ҳарфи ингичка ўқилади *(bišammati-l-vāvi)* (17b).

Маҳмуд Кошгарий ишлатган *imāla* атамасининг маъносини ҳам англаш керак. Масалан, луғатда سيشْ шаклида ёзилган сўзга *bi-l-'imālati* (яъни, "*imāla* билан") дея изоҳ берилган. Арабча *imāla* атамасининг маъноси "оғдирмоқ; сингдирмоқ" бўлиб, чўзиқ *alif* ва қисқа *fatḥa* нинг [*e*] га мойил талаффуз қилинишини билдиради. Муаллифнинг ушбу изоҳида эса *yā* нинг *fatḥa* (яъни, [*e*]) қилиб ўқилишига ишора этилмакда. Шунга таянган ҳолда, уни ***seš*** деб ўқиганимиз дуруст, бу сўз "кафолат" дегани. Масалан: ***men aŋar seš berdim*** – мен унга кафолат бердим (249a). Яна мисол: كيشْ ***keš*** – *imāla* билан (*bi-l-'imālati*); ўқдон (249b).

Асарда келтирилган туркий ўрнакларда ундошларнинг ифодаланиши ҳам эътиборни ўзига тортади. Жумладан, [*v*] ундоши, Маҳмуд Кошғарийнинг изоҳига қараганда, икки хил вариантга эга: лаб-тиш [*v*] ва лаб-лаб [*w*] товуши. Матнда [*w*] ундоши [*v*] дан фарқли ўлароқ, ڤ ёки ف ҳарфлари билан берилади. Муҳими шундаки, ف билан берилганлари асарнинг ҳозирги замон нашрларида [*f*] деб ўқилган. Бироқ, шуни унутмаслик керак, туркий сўзларда [*f*] товуши бўлмаган, у ўзлашган сўзлардагина келади. Шундан келиб чиқиб, туркий сўзларда келган ف ни [*f*] эмас, [*w*] деб ўқилгани маъқул. Бу фикрнинг тўғрилигини бир сўзнинг икки хил ёзилиши ҳам исботлай олади: اڤ (27ı) // اف ***ew*** – уй (268b); اڤت (19ı) // أفت ***uwut*** – уят (268b) сингари.

Чамаси, туркий сўзларда [*w*] товуши [*v*] га қараганда устун эди. Шуни кўзда тутган шекилли, Маҳмуд Кошғарий китобда келтирган ўн саккиз ҳарфли уйғур алифбосида (*қўлёзманинг 3b- бетида*) ҳарфлардан бирининг вазифаси этиб ڤ *wā* ни кўрсатган. و *vāv* ҳарфининг вазифасига келсак, алифбода изоҳланишига кўра, у фақат лаб унлиларини (*o–ö, u–*

*ü*) ифодалашга хизмат қилган, тўғрироғи, алифбода унинг ана шу вазифасига ишора қилинган.

Туркий ўрнакларда, жарангсиз [*k*] дан фарқли ўлароқ, жарангли [*g*] ни ифодалаш учун айрим ўринларда *kāf* нинг устига уч нуқта қўйиб кетилган. Масалан: أگا ***ögä***, яъни "доно" сўзида (5a). Ёки *ğunna* ли *ŋ* товуши ҳам ана шундай ҳарф билан берилган: انڭ ***aŋ*** – яноқ; قزل انڭ ***qïzïl aŋ*** – қизилмағиз (16b); انڭ ***aŋ*** – қуш номи (16b); أنڭ ***öŋ*** – ўнг, олд (16b); أنڭ ***öŋ*** – ранг (16b); أنڭ ايش ***oŋ īš*** – ўнг иш (16b); أنڭ ***oŋ*** – ўнг ("сўл" нинг тескариси) (16b).

Муаллиф жарангли [*g*] келган ўринларда, шунингдек, *kāfun rakīkatun* атамасидан ҳам фойдаланган. Арабча *rakīka* "ингичка" дегани, лекин ушбу атамада "жарангли"ни билдиради. Луғатда берилишига мисол: كوك ***küg*** – жарангли *kāf* (яъни, [*g*] билан) (*bikāfin rakīkatin*); шеър ўлчови, вазни; масалан: ***bu yïr ne küg üzä-ol*** – бу шеър қандай вазнда? (250b). Жарангсиз [*k*] га келсак, уни аввалгиси билан қориштириб юбормаслик учун, *kāfun ṣulbatun* атамаси билан берилади; *ṣuluba* асли "йўғон" дегани, лекин бу ўринда "жарангсиз"ни билдиради. Масалан: كوك ***kök*** – жарангсиз *kāf* (яъни, [*k*]) билан (*bi-l-kāfi-ṣ- ṣulbati*); "кўк, осмон". Бу сўз қуйидаги мақолда ҳам келган: ***Kökkä süδsä, yüzkä tüšür.*** – "Кўкка тупурса, юзга тушади" (251).

Туркий сўзларда тишора [*δ*] товушининг ифодаланиши ҳам муҳим. Бу товуш матнда ذ ҳарфи билан берилади. Таъкидлаш жоизки, тишора [*δ*] товуши туркий сўзларда [*d*] га вариант сифатида қўлланган. Бу фикрнинг тўғрилигини бир сўзнинг икки хил ёзилиши ҳам исботлай олади. Яна юқорида қайд этганимиз уйғур алифбосида ҳам <*δ*> ҳарфи берилган, <*d*> эса йўқ.

Баъзи тадқиқотларда, қўлёзмада туркий намуналарнинг ёзилишида хатолар кўп; уни туркий тилни яхши билмаган киши кўчирган, деган қарашларни ҳам ўкиб қоламиз. Бундай қарашларга умуман қўшилиб бўлмайди. Аксинча, котиб эски туркийни жуда яхши билган, ўзи ҳам туркийлардан экани аниқ (буни котибнинг асарга битган сўзбошисидан ҳам билса бўлади). Матн қунт билан кўчирилган, билимли ва юксак кўникмага эга хаттотнинг иши бу. Афтидан, битгучи асарни кўчириб бўлгандан кейин ҳам, туркий намуналарни қайта-қайта кўриб чиққан кўринади; тузатиш киритилган ўринлар ҳам бор. Хаттот ҳатто эски уйғур хатини ҳам яхши билган, дея оламиз: бир неча ўринда ёзган мисоллари ўта чиройли. Уйғур хатини ҳар кимса ҳам бундай ёза олмайди. Қўлёзмани кўчиришда узоқ ишлагани, анча тер тўккани билиниб турибди. У кишини Оллоҳ раҳмат қилсин.

Энг муҳими, қўлёзмада туркий мисолларнинг тўғри ўқилишини таъминлаш учун уларга турли диакритик белгилар (ҳаракатлар) изчил қўйиб борилган. Ушбу график ишоратлар сўзлар талаффузини, уларнинг ўқилишини аниқлашда қўл келади, қўлёзма қадрини янада оширади.

Шу ўринда матн имлоси, туркий мисолларга қўйиб кетилган диакритик белгилар билан боғлиқ бир хусусиятга эътибор қаратмоқчимиз. Қизиғи шундаки, қўлёзмада айрим ўринларда муайян ҳарф устига ва остига бирйўла икки хил ҳаракат: *fatḥa* ва *kasra* ёки *ẓamma* ва *kasra* қўйиб кетилган. Бугина эмас, бир сўзнинг ўзи бирйўла икки хил ҳарф билан ёзилган ўринлар ҳам бор. "Девону луғати-т-турк"нинг ҳозирги замон нашрларида, қўлёзмадагисини янглиш санаб, улардан бири қабул қилинмоқда. Луғатда берилган сўзларнинг бир хиллигини сақлаш, ўқувчининг кўпда чалғимаслиги учун бу яхши йўл. Лекин қўлёзмада сўзга бериб кетилган иккинчи ишоратнинг маъниси нима? Муаллиф нимага ишорат қилмоқда бу билан? Бизнингча, ҳарфий ишоратларнинг бундай тарзда қўйиб борилгани, бир сўзнинг икки хил ёзилгани бежиз эмас. Чамаси, ушбу сўзлар икки хил талаффуз қилинган; муаллиф сўзнинг ёзма адабий тилдаги кўриниши билан бир қаторда, унинг талаффузи, шевалардаги фонетик

вариантини ҳам кўзда тутган чоғи. Матнда турли ҳаракатлар аралаш ишлатилганининг сабаби ҳам шу. Қўлёзмани кўчириш чоғида котиб янглишган эмас.

Энди буни мисолларда кўриб чиқамиз.

*Биринчиси, бир ҳарфга бирўула fatḥa ва kasra белгиларининг қўйилиш ҳолати.*

Сўз бошида *alif* ҳарфига *fatḥa* ва *kasra* белгиси қўйилган. Бу ишорат икки хил вазифани ўтайди. Биринчиси, у ингичка [*e*] товушининг ифодаси бўлиб, бир сўзни икки хил – ундай ҳам, бундай ҳам ёзиш мумкинлигига ишора қилади. Масалан: اَقَاك / اِقَاك ***ewäk*** – шошқалоқ, اَقَاك اَر / اِقَاك ***ewäk er*** – шошқалоқ киши. Ёки яна: اَلُوك / اِلُوك ***elük*** – масхара; ҳазил (371).

Иккинчиси, йўғон ўзакли сўзларда ушбу ишора бир сўзнинг [*a*] билан ҳам, [*ï*] билан ҳам талаффуз этилганлигини англатади. Бунинг мисоли: اَتِنْجُو نانَك / اِتِنْجُو ***atïnču / ïtïnču näŋ*** – ташланган, отилган нарса (40a).

***Tašïqtï*** (ташқари чиқди) сўзини ёзишда сўз бошидаги *ta* ҳарфига бирўула ҳам *fatḥa*, ҳам *kasra* белгиси қўйиб кетилган. Шунга кўра, бу сўзни ***tašïqtï*** ҳамда ***tïšïqtï*** шаклларида ўқиш мумкин бўлади. Мана мисоли:

اَر اَقدِنْ تَشقتِی / تِشقتِی ***er ewdin tašïqtï / tïšïqtï*** – киши уйдан ташқари чиқди (163b).

*Taš* сўзининг *ï* ли варианти ҳозирги айрим туркий тилларда ҳам сақланган. Жумладан, турк тилида *tïš* сўзининг *d* лашган варианти кенг қўлланади: "ташқари чиқди"ни туркlар *dışarıya çıktı / dışarı çıktı* дейди; ёки *Dış İşler Bakanlığı* – "Ташқи ишлар вазирлиги" дегани; ёки ҳаво йўлларида: "ички йўллар" – *iç hatlar*, "ташқи йўллар" эса *dış hatlar* бўлади. Яна чоғиштиринг, Хоразм топонимларидан: *İçänqala* – "ички қалъа" дегани; *Dïšanqala* – "ташқи қалъа, яъни шаҳар ташқарисидаги ўрда".

*Бир ҳарфга бирўула ẓamma ва kasra белгиларининг қўйилиш ҳолати.* Бунда *ẓamma* лиси сўзнинг лабланган [*u*], [*ü*], [*o*] [*ö*] товушлари билан, *kasra* лиси эса [*ï*] ёки [*i*] билан ўқилишига ишора қилади. Буларнинг мисоли:

اُل اَنی اِلِكْلادِی / اَلْكْلادِی ***ol ani eliklädi / elüklädi*** – у уни масхара қилди, мазах қилди (اِلِكْلادْ / اَلْكْلادْ ***eliklär / elüklär***, اِلِكْلامَاك / اَلْكْلامَاك ***eliklämäk / elüklämäk***) (781).

Ёки яна:

اُل بُو اَشِغْ چِقْكِنْلَنْدِی / چِقْكِنْلَنْدِی ***ol bu ašïğ čiwkünländi / čiwkinländi*** – у бу овқатни баданни енгиллатадиган [баданга фойдали] деб билди (چِقْكِنْلَنْوُرْ / چِقْكِنْلَنْوُرْ ***čiwkünlänür / čiwkinlänür***, چِقْكِنْلَنْمَاك / چِقْكِنْلَنْمَاك ***čiwkünlänmäk / čiwkinlänmäk***) (2031).

اُنَكْ / اُنَكْ ***öŋük / öŋik*** – попук; ёстиқнинг ипаклик қулоқлари, боғичлари (40b).

تُرُغ / تُرُغ ***turuğ /turïğ*** – тоғлардаги қалъа, турар жой (941).

سِرُقْ / سِرُقْ ***siruq / suruq*** – чодирнинг устуни (96b).

Матнда *бир ҳарф устига остин-устун fatḥa ва ẓamma белгиларини қўйиш ҳолати ҳам учрайди.* Масалан, *tat* сўзини ёзишда сўз бошидаги *tā* ҳарфининг устига *fatḥa* ва *ẓamma* қўйилган. Бу ишора ушбу сўзнинг [*a*] билан ҳам, [*u*] билан ҳам талаффуз қилинганини англатади:

تَتْ / تُتْ ***tat / tut*** – қилич ва пичоқлар устида пайдо бўладиган занг (2041).

Яна бир эътиборли жиҳати, айрим ўринларда муайян бир сўз икки ҳарф билан ҳам ёзилган. Масалан, ***qoy*** сўзи тушум келишигида келганда *ya* ҳарфининг устига *nūn* нинг нуқтасини қўйиб, ундан кейин *ẓamma* белгиси қўйилган. Шунга кўра, ушбу сўзни ***qoy*** ва ***qon*** шаклларида ўқиш мумкин:

اُل قُوُنْغ اَزْكْلادِی / قُوُيْغ ***ol qoyuğ / qonuğ özüklädi*** – у қўйнинг ўқ томирини кесди (77b);

اُل قُوُيْغ بَاتُرْدِی / قُوُنْغ بَاتُرْدِی ***ol qoyuğ / qonuğ baturdï*** – у қўйни боғлатди (2651);

اَر قُوُنْغ سُيْدِی / قُوُيْغ سُيْدِی ***er qonuğ / qoyuğ soydï*** – киши қўй терисини шилди (276b);

اَرْ قُوْنُغْ / قُوْيُغْ سَادِى *er qonuğ / qoyuğ sadï* – киши қўйни санади (277b).

Туркий шеваларда бундай сўзларнинг икки хил ишлатилишини Маҳмуд Кошғарийнинг ўзи ҳам алоҳида таъкидлаб ўтган. Жумладан, ***butaq*** сўзига изоҳ берар экан, ёзади: بُتَقْ / بُتَقْ ***butaq / butïq*** – бутоқ; бир шевада. Бу сўздаги *tā* ҳарфининг *fatḥa* ли ўқиладиган тури бўлганидек, *kasra* ли ўқиладиган тури ҳам бор [яъни بُتِقْ *butïq* ва بُتَقْ *butaq* тарзидаги талаффузлари] (95a).

Ёки яна:

سَرْقِيَقْ / سَرْقِيِقْ ***sarqïyïq / sarqïnïq*** – ҳар қандай нарсанинг ичи. Муаллифнинг таъкидлашича, бу сўзнинг *nūn* билан ёзиладиган سَرْقِنِقْ ***sarqïnïq*** шакли ҳам бор (262l).

Юқоридаги мисоллардан Маҳмуд Кошғарий туркий намуналарни беришда сўзларнинг фонетик вариантлари, уларнинг шевалардаги талаффуз шаклларига алоҳида урғу бергани кўриниб турибди. Бу товуш ҳодисасини у турли график воситалар, ишоратлар билан аниқ ва ихчам кўринишда ўз луғатида акс эттира олган. Шунга кўра, туркий намуналарни ўқиганда, айниқса, асарнинг илмий нашрларини яратишда уларнинг иккала шакли ҳам эътиборга олинмоғи керак.

Яна бир жиҳати, қўлёзмада кўп ўринда ҳошияга ҳам ёнбошлатиб мисоллар ёзиб қўйилибди (масалан, 58b, 80b, 114b, 128b, 144b, 159b, 165l, 171l, 193l, 295l ва бошқа ўринларда). Буларни тасодифан тушиб қолган, устидан ўқиш чоғида тузатиб чиқилган, деб бўлмайди. Тўғри, бундай ерлари ҳам бор: матнда тасодифан тушиб қолган бир-икки сўз ҳошияга ҳам чиқариб қўйилган. Лекин, биз сўз юритаётганимиз ёзувлар луғатнинг бутун бошли сўз-мақолаларидир. Уларни йўл-йўлакай унутиб қолдириб, кейин қўшиб қўйилуви мумкин эмас. Бу қўшимчалар кейинчалик бошқа олимлар томонидан тўлдирилган деб ҳам бўлмайди: тили, хат услуби бир. Демак, ҳошиядаги ёзувларни котибнинг ўзи кейинчалик асарнинг бошқа бир қўлёзмасидан олиб тўлдиргани ойдинлашади.

Тахминимизча, котиб ушбу қўлёзмани кўчиришда унинг икки қўлёзма нусхасига таянган кўринади. Бошда у асарни бир қўлёзмадан олиб, тўлиқ кўчириб чиққан. Кейинчалик, қўлёзмани тугаллагандан сўнг, унинг қўлига асарнинг эски, аввалгисига қараганда тўлиқроқ нусхаси тушиб қолган. Бу нусха, ҳарқалай, унинг ўзи асар якунида таъкидлаганидек, луғат муаллифи ўз қўли билан тузган илк қўлёзма бўлиши керак. Котиб ана шу илк қўлёзмага таяниб, ўзи кўчирган матн устидан қайта кўриб, аввалгисида учрамаган, тушиб қолган ўринларни ана шу нусхадан олиб, ҳошияларга ёзиб чиққан. Ҳатто, бир ҳарфга қўйилган икки хил диакритик белгини ҳам кўпроқ ўша, ўзи таъкидлаган, муаллиф нусхасига таяниб, қўйиб чиққан бўлуви ҳам мумкин. Шундай қилиб, "Девону луғати-т-турк"нинг фанга таниқли, ҳозирча ягона саналаётган ишончли қўлёзмаси яратилди.

Хулоса қилиб айтганда, Маҳмуд Кошғарий туркий луғатчиликка, туркий тилларнинг фонетикаси ва илмий грамматикасига асос солди, лингвистиканинг семасиология ва қиёсий типология соҳаларини бошлаб берди. Олим томонидан бошлаб берилган тилшуносликнинг айни йўналишлари, тадқиқот методологияси ўзбек тилшунослигининг кейинги такомилини ҳам белгилаб берди.

"Девону луғати-т-турк"нинг ўзбекча таржимаси[2] нашр этилганига ҳам яқин олтмиш йил бўлди. Китоб ўзбек илмидагина эмас, дунё туркшунослигида ҳам кенг эътироф этилган. Тан олмоқ керак, Солиҳ Муталлибов таржимаси икки-уч авлод олимларига илмий манба бўлиб

---

[2]*Маҳмуд Кошғарий.* Туркий сўзлар девони (Девону луғотит турк). Таржимон ва нашрга тайёрловчи С. Муталлибов. I–III томлар. Тошкент, 1960–1963.

хизмат қилиб келди. Ҳозир ҳам ушбу нашрнинг мавқеи юқори. Бироқ, китоб ўша чиққанича қайта чоп этилмади. Ҳозир уни ахтариб топиш ҳам мушкул. Бу китоб ҳатто шу соҳа мутахассисларида ҳам йўқ. Йиллар ўтган сайин ноёб китобга айланиб бормоқда. Фанда асарга бўлган талабни, туркшуносликнинг янги ютуқларини инобатга олган ҳолда асарни қайта нашр этиш эҳтиёжи юзага келмоқда. Девоннинг қўлингиздаги ушбу янги нашри ана шу зарурат тақазоси билан яратилди.

## МАТННИ НАШРГА ТАЙЁРЛАШ ПРИНЦИПЛАРИ

Янги нашрни тайёрлашда асар қўлёзмасига таянилди. Туркшуносликда ўша давр туркийсига бўлган янгича қарашлар, асарнинг сўнгги йиллардаги талқинларини инобатга олиб, аввалги нашрда йўл қўйилган камчиликлар тузатилди, тушиб қолган ўринлар тикланди. Асарда берилган туркий мисоллар қўлёзмага бирма-бир солиштирилиб, транскрипцияга қайта ўгириб чиқилди.

Асар қўлёзмасида айрим ўринларда муайян ҳарф устига ва остига бирйўла икки хил ҳаракат қўйилган ўринларда ҳар икки варианти чизиқча билан бериб кетилди. Масалан: / اِیتِنْجُو *atïnču / ïtïnču:* اِیتِنْجُو نانکْ / اِیتِنْجُو *atïnču / ïtïnču näŋ* – ташланган, отилган нарса (40a); / اُنکُکْ اُنکِکْ *öŋük / öŋik* – попук; ёстиқнинг ипакдик қулоқлари, боғичлари (40b).

Арабча матнда келган киши отлари, жой, сув отлари транскрипцияда келтирилди.

Асарда қўлланган тилшуносликка тегишли арабча атамалар транскрипцияда берилди.

Ингичка айтиладиган сўзларда жарангли ундошлар, унли ва сонорлардан кейин ҳам жўналиш келишиги қўшимчасининг фақат *-kä* варианти танланди: ***ewkä, bizkä, sizkä, börkčikä*** сингари. Чунки асарда кечган туркий намуналарда йўғон айтиладиган сўзлар фақат *-qa* билан келган: ***awqa, oğulqa, xanqa*** сингари. Яна бир сабаб, "Қутадғу билиг"нинг араб ёзувли Наманган нусхасида ҳам жўналиш қўшимчаси *-qa, -kä* шаклида, маснавий тилида *-ğa* варианти учрамайди.

Шахс-сон қўшимчалари сўзловчи ва тингловчи бирлигида ингичка айтилувчи феълларда ҳам, йўғон айтилувчи сўзларда ҳам *-men; -sen* шаклларида берилди: ***keligli-men, barïğlï-men, qayda-men, barïrmu-sen*** сингари. Чунки, кўктурк ёзувли битигларда улар ана шундай ифодаланган.

Маҳмуд Кошғарий туркий сўзларни кўп ўринда бирикма ҳолида ёки гап таркибидаги шаклини келтирган. Бундай ҳолатларда, қайси сўзга ишора этилаётгани кўзда тутилиб, ўша сўзни сўз-мақола сарлавҳаси шаклида бурчакли қавсда намунанинг бошланишида ҳам бериб кетилди. Масалан:

[اَتَکْلِکْ ***etäklik*** (**этиклик**)] ***etäklik böz*** – этак қилинадиган бўз.

Бу принцип, айниқса, феълларни беришда кенг қўлланилди. Чунки луғат бўлимидаги феъллар, асосан, бирикма ҳолида ёки гап таркибида келтирилган. Масалан:

[اَتْلَدِی ***otuldï*** (**ўтулди**)] ***tarïğ otuldï*** – экин ўталди, ўтоқ қилинди.

Бурунги нашрдаги баъзи бир янглиш кетган ўринлар тузатилди. Масалан, бурунги нашрда Тошкентнинг эски номи *Tärkän* деб янглиш берилган. Нашрда шундай:

تَرْکَنْ *Tärkän* – Шош [Тошкент]нинг исми. Унинг асли تَاشْ کَنْدْ *Taš kand* бўлиб, тошдан қурилган шаҳар демакдир. ... (I том, 414- б.).

Аслида Тошкентнинг *Tärkän* деган оти бўлмаган. Луғатдаги сўз *terkin* дир; у "тўпланган, йиғилган" дегани. Луғатда бу сўз *Taškän* сўз мақоласидан аввал берилган бўлиб, *Taškän* га боғлиқлиғи йўқ. Арабча "Тўпланган ҳар нарсага ҳам تَرْکِنْ *terkin* сўзи қўлланади" ( وَ کُلُّ شَیْ مُجْتَمِع

(فهو تُرْكِنْ) жумласида *terkin* сўзи жумла якунида туради. Таржимада эса ана шу сўз кейинги – *Taškän* билан боғлиқ жумлага қўшиб юборилган.

Бунинг қўлёзма бўйича тузатилгани шундай бўлади:

[تُرْكِنْ ***terkin*** (**теркин**)] ***terkin sü*** – тўпланган аскар. Тўпланган ҳар нарсага ҳам ***terkin*** сўзи қўлланади.

تَشْكَنْ ***Taškän*** (**Ташкан**) – *Šaš* нинг оти. Унинг асли ***Taškend*** бўлиб, "тошдан қурилган шаҳар" демакдир. *Abu Bakri Qaffāl Šašī* шу шаҳарда туғилиб ўсган (111b).

Қўлёзмада шундай берилган:

يُقَالُ أَلْ سِرْكَا اِجِتّى اى انهُ حَمَضَ الخلّ وَ غيرَهُ (56b)

Ушбу жумла аввалги нашрда икки жумла шаклида: "*ol sirkä ačïttï* – у сирка ачитди. Бошқаларига ҳам бу сўз қўлланади" деб берилган (I том, 215- б.).

Буни биз арабча матнга мувофиқ ҳолда бир жумла шаклида: "Айтиладики, ***ol sirkä ačïttï***, яъни сирка ва ундан бошқа (бирор нарса)ни ачитди [нордон қилди]" деб бердик.

Ёки бошқа бир мисол. Қўлёзмада шундай берилган:

يُقَالُ سُو كُجْتِى اىْ رَجِلَ العَسْكرُ وَ غيرُهم (133b)

Буни биз таржимада: "Айтиладики, ***sü köčti***, яъни қўшин ва улардан бошқа(лар) яёв юрди [бир жойдан иккинчи жойга кўчди]" деб бердик.

Асарда туркий сўзлар маъносини очиб бериш учун, ўрни билан, шеърий узиндилар ва халқ мақолларидан келтирилган. Қўлёзмада ушбу шеърий узиндилар وَقَالَ, мақоллар эса وَفى المَثَلِ жумлалари билан бошланган. Ушбу бошламалар асарнинг ҳозирги таржималарида турлича берилмоқда. Жумладан, Бесим Аталай ўз таржимасида шеърий узиндилар олдида келган وَقَالَ жумласини *Şu parçada da gelmiştir, Şu parçada dahi gelmiştir, Şu beytte de gelmiştir, Şu kıt'ada da gelmiştir;* мақоллар олдидаги وَفى المَثَلِ жумласини эса *Şu savda da gelmiştir, Şu savda dahi gelmiştir* сингари жумлалар шаклида келтирган[3].

Инглизча нашрида эса шеърий узиндилар *Verse* (яъни, "Шеър"), мақоллар эса *Proverb* (яъни, "Мақол" ) сўзлари билан бошланган[4].

З.-А. М. Ауэзова нашрида шеърий узиндилар *Было сказано* (яъни, "Шундай дейилган"), мақоллар эса *Пословица* сўзлари билан бошланган[5].

А.Б. Эржиласун ва З. Аккўюнлу нашрида шеърий узиндилар *Şöyle derler, Şiir,* мақоллар эса *Şu atasözünde geçer* жумласи ёки *Atasözü* деб бошланган[6].

Биз ўз нашримизда шеърий узиндилар олдида келган وَقَالَ жумласини матн мазмунига мувофиқ ҳолда *(Шоир) шундай деган, (Билимли) шундай деган, (Кўпни кўрган) шундай деган* сингари жумлалар, шеърлардан кейинги يَقُولُ сўзини эса *Айтмоқдаки* деб ўгирдик. Шунинг сингари мақоллардан олдин келган وَفى المَثَلِ жумласини *Мақолда (шундай келган)* деб, мақолдан кейинги مَعْنَاهُ жумласини эса *Маъноси* деб ўгирдик.

---

[3] Divanü Lugat-it-Türk Tercümesi. I-III. Çeviren Besim Atalay. Ankara, 1985.

[4] *Maḥmūd al-Kāšgarī.* Compendium of the Turkic Dialects (Diwān Luγat at-Turk). Edited and Translated with Introduction and Indices by R. Dankoff in collaboration with J. Kelly. Part I. Printed at the Harvard University Printing Office. 1982.

[5] *Махмуд ал-Кашгари.* Дивăн Лугăт ат-Турк. Перевод, предисловие и комментарии З.-А.М. Ауэзовой. Алматы, 2005.

[6] *Kāşgarlı Maḥmud.* Dîvânu Lugâti't-Türk. Giriş – Metin – Çeviri – Notlar – Dizin. Hazırlayanlar A.B. Ercilasun – Z. Akkoyunlu. Ankara, 2014.

## МАТНДА ҚЎЛЛАНГАН ТРАНСКРИПЦИЯ БЕЛГИЛАРИ

Матн барча мутахассисларга тушунарли бўлиши учун асарда келган туркий мисоллар лотин алифбоси асосидаги транскрипцияда берилмоқда. Асарни транскрипцияга ўгиришда қуйидаги ҳарфлардан фойдаланилди.

Унлилар учун:

*a* – тилнинг тагидан чиқадиган (орқа қатор), “йўғон”, кенг, лабланмаган унли;

*ā* – тилнинг учидан чиқадиган (олд қатор), “ингичка”, кенг, лабланмаган унли;

*e* – тилнинг учидан чиқадиган, “ингичка”, “ёпиқ”, лабланмаган унли.

*ï* – тилнинг тагидан чиқадиган, “йўғон”, тор, лабланмаган унли;

*i* – тилнинг учидан чиқадиган, “ингичка”, тор, лабланмаган унли;

*o* – тилнинг тагидан чиқадиган, “йўғон”, кенг, лабланган унли;

*ō* – тилнинг учидан чиқадиган, “ингичка”, кенг, лабланган унли;

*u* – тилнинг тагидан чиқадиган, “йўғон”, тор, лабланган унли;

*ū* – тилнинг учидан чиқадиган, “ингичка”, тор, лабланган унли.

Ундошлар учун туркшуносликда қабул қилинган *b, p, d, t, q, k, ğ, g, x, z, s, č, š, y, l, m, n, ŋ, r* ҳарфларини қўлладик. Буларнинг ичида: *ğ* ҳарфи ўзбекча кирилл хатидаги *г* га, *č* – *ч* га, *š* – *ш* га тўғри келади. Шунингдек, матнда *ɔ* билан келган сўзлар – *v*, ڤ / ف билан келган сўзлар – *w*, ڤ билан келган сўзлар эса *ẑ* билан берилди. Туркий сўзларда сўз ичи ёки сўз охирида келган ذ ҳарфи транскрипцияда *ð̂* билан ифодаланди.

Муаллиф қўллаган тилшунослик атамалари (терминлари) ўзбекчага ўгирилмади, арабчада кандай бўлса, ўшандайлигича транскрипцияда келтирилди.

Арабча атамаларни транскрипцияда беришда араб тилигагина хос бўлган айрим товушлар учун қуйидаги белгилардан фойдаланилди: ذ ҳарфи учун – *δ*; ه учун – *h* ; ح учун – *ḥ* ; ث учун – *s̱* ; ع учун – *ʿ*; ظ учун – *ẓ* ; ط учун – *ṭ*; ض учун – *ḍ* ; ص учун – *ṣ*.

Шунингдек, араб тилидаги чўзиқ унлиларни беришда ўша унлини ифодалаган ҳарфнинг устига чизиқча тортиб кетилди: *ā, ī, ū* сингари.

Асарнинг барча китобхонларга тушунарли бўлиши учун қавс ичида сўзларнинг кирилл алифбосида ўкилишини ҳам келтирдик. Девоннинг ушбу нашри илим кишилари эътиборини қозонишини жуда-жуда истаймиз.

Шу ўринда “Девону луғати-т-турк”ни нашрга тайёрлашни менга топшириб, узоқ йиллик иш жараёнида илмий маслаҳатлар бериб келган ва китобнинг чоп этилишига бош-қош бўлган ҳурматли олим, ЎзР ФА академиги, филология фанлари доктори, профессор Неъматуллоҳ Иброҳимовга чексиз ҳурматимни билдираман.

Шунингдек, асарни нашрга тайёрлаш чоғида арабча атамаларнинг маъноларини аниқлашда, арабча матннинг қийин ўринларига аниқлик киритишда ўз фикрлари билан кўмаклашган Тошкент давлат Шарқшунослик институти арабшунос мударрислари Салимахон Рустамий ва Азизбек Исамутдиновга чуқур ташаккуримни билдираман.

**Қосимжон СОДИҚОВ,**
*филология фанлари доктори, профессор.*

**“KITĀBU DĪVĀNI LUĞĀTI-T-TÜRKI”**
**Ta‘līf: Maḥmūd bin al-Ḥusayn bin Muḥammad al-Kāšğarî raḥimahu-l-lahu**

**[“DĪVĀNU LUĞĀTI-T-TÜRKI” [“ТУРК СЎЗЛАРИ ДЕВОНИ”] КИТОБИ**
**Тузувчи: Маҳмуд бин ал-Ҳусайн бин Муҳаммад ал-Кошғарий (*Оллоҳ у кишини Ўз раҳматига олсин*)]**

## [С Ў З Б О Ш И][7]

Биз “бу китоб туркман тилидадир” дейдиган кишининг фикрига қўшилмаймиз. Бундай дегувчи киши турк тилини ҳам, туркман тилини ҳам билмайди. Отам туркман тилини биладиган кишини олиб келиб, юқоридаги гапни айтган кишининг туркман тилини билмаслигини (шундай) исботлади: унга китобдаги сўзлардан ўқиди. Агар у киши “бизнинг гапимизда бу сўз йўқ” деб инкор қилса, билдимки, “бу китоб туркман тилидадир” дегувчи киши туркман тилини билмайди. Бу шундайки, қипчоқча сўзни туркманлар талаффуз қилса, қипчоқча қилиб чиқара олмайди. Бу ҳолат туркманлар қипчоқдан олиб ишлатган кўпгина сўзларда юз берган. Бу кишининг қипчоқчани ва бу тилдаги шеърлар, масалларни билмаслигига келсак, албатта, ўша ўлкалардан келадиганларнинг кўпчилиги ёшлик чоғида келади ва, маълумки, ўз қавмининг тилини ёш болагина эмас, балки катта киши ҳам тўлиқ қамраб ололмайди. Чунки биз араб ўлкаларида туғилган ва илм билан машғул бўлганларнинг кўпига араб тилидан кўп сўзлар ўтганлигини кўрганмиз. Уларнинг маъносини ҳатто китоблардан қидириб тополмайсан. Бундагина эмас, балки Қуръондаги баъзи сўзларни ҳам китоблардан тополмайсан. Қасам ичиб айтаманки, агар араблашиб кетганлардан, балки фақиҳ кишилардан Оллоҳ таолонинг: فضحكت فبشرناها باسحق [Кулди – хурсанд бўлди. Шунда Биз (фаришталаримиз воситасида) у аёлга Исҳоқ (исмли ўғил кўриши) ҳақида ва Исҳоқдан кейин Яъқуб (исмли набира кўриши) ҳақида хабар бердик][8] оятидаги сўзининг маъносини ва أتبنون بكل ريع اية تعبثون [Сизлар ҳар бир тепаликка ўйин-кулгу учун бир белги – баланд бино қураверасизларми?!][9] оятининг маъносини сўрасанг, билмайди. Бунда ريع *ri’un* сўзи “баланд жой”, الاية *al‘āyatu* эса “аломат” маъносидадир. Бунга ўхшаган мисоллар кўп. Бундай ҳодиса Оллоҳ таолонинг сўзини тушунишда рўй бермоқдами (ваҳоланки, Оллоҳ таоло сўзларининг маъноларини билишга кишилар жиддий ҳаракат қилган), ҳар бир сўзнинг маъносидан Оллоҳ таолонинг Ўзи хабардор бошқа халқнинг тилини сен била олмайсан.

---

[7] Ушбу сўз боши девонни кўчирган котиб томонидан битилган.
[8] Ҳуд сураси, 71-оят; шайх Алоуддин Мансур таржимаси.
[9] Шуаро сураси, 128-оят.

## [МУҚАДДИМА]

**بسم الله الرحمن الرحيم**
**وبه العونُ**

**[(Сўзимни) раҳмдил ва меҳрибон Оллоҳнинг номи билан (бошлайман). Барча кўмак Ундандир.]**

Тўлиқ фазлу санъат эгаси бўлмиш Тангри таъолога ҳамду санолар бўлсин. У тўғрилиқ, янглишликни очиқ ва равшан баён қилган Қуръонни Жаброил орқали Муҳаммад алайҳис-саломга юборди. Замоннинг энг соғлари касал ва энг бурролари соқов бўлган бир вақтда Муҳаммад алайҳис-саломга юқори минбар берди. Ҳужжатларини юқори тутди. Муҳаммад алайҳис-саломга ва барчага пешво бўлган хонадонларига салоту салом бўлсин.

Энди ҳамду салотдан сўнг бу камина, *Maḥmūd bin al-Ḥusayn bin Muḥammad* сўзларини тинглангиз.

Худо давлат қуёшини турклар буржида яратди. Фалакни ҳам шулар мулкига мослаб айлантирди. Уларни *türk* деб атади, мулкка эга қилди, уларни замонамизнинг хоқонлари қилиб кўтарди. Замон аҳлининг ихтиёр жиловини шулар қўлига топширди, халққа бош қилди, буларни тўғри йўлга юришга қодир қилди. Буларга қарашли кишиларни ғолиб қилди. Уларга қарашли кишилар мақсадларига етиб, бебошлар ҳалокатидан қутулди. Уларнинг (туркларнинг) ўқларидан сақланмоқ учун уларнинг хатти-ҳаракатларини маҳкам тутмоқ ҳар бир ақлли кишига лойиқ ва муносибдир. Буларга яқин бўлиш учун энг асосий йўл – уларнинг тилларида сўзлашишдир, чунки улар бу тилда сўзлашувчиларга яхши қулоқ соладилар, ўзларини яқин тутадилар, уларга зарар бермайдилар. Ҳатто улар ўз паноҳида турган бошқаларнинг гуноҳини ҳам кечиб юборадилар.

Ишончли бир бухоролик олимдан ва нишопурлик бошқа бир ишончли олимдан шундай эшитган эдим, улар бу сўзни пайғамбар алайҳис-саломга нисбат бериб, санади билан айтган эдилар: Пайғамбар алайҳис-салом қиёматнинг белгилари, охирзамон фитналари ва ўғуз туркларининг хуружи ҳақида гапирганда, шундай деган эди: تعلّموا لِسَانَ التُّركِ فانّ لَهُم مُلكا طوَالا (“Турк тилини ўрганинг, чунки уларнинг ҳукмронлиги узоқ давом этади”).

Ҳадиснинг тўғри ёки тўғри эмаслигининг жавобгарлиги айтган кишилар бўйнига. Агар тўғри бўлса, турк тилини ўрганиш вожиб (зарур)дир; ҳадис тўғри бўлмаган тақдирда ҳам уни ўрганиш зарурлигини ақл тақазо қилади.

Мен турклар, туркманлар, ўғузлар, чигиллар, яғмолар, қирқизларнинг шаҳарларини, қишлоқ ва яйловларини кўп йиллар кезиб чиқдим, луғатларини тўпладим, турли хил сўз хусусиятларини ўрганиб, аниқлаб чиқдим. Мен бу ишларни тил билмаганлигим учун эмас, балки бу тиллардаги ҳар бир кичик фарқларни ҳам аниқлаш учун қилдим. Бўлмаса, мен тилда уларнинг энг етукларидан, энг катта мутахассисларидан, хушфаҳмларидан, эски қабилаларидан, жанг ишларида уста найзадорларидан эдим. Уларга шунча диққат қилдимки, турклар, туркманлар, ўғузлар, чигиллар, яғмолар ва қирқиз қабилаларининг тиллари бутунлай дилимга жо бўлди. Уларни ҳар томонлама пухта бир асосда тартибга солдим.

Бу асар абадий ёдгорлик бўлсин деб, Худога сиғиниб, бу китобни туздим. Китоб *“Divāni luğāti-t-türki”* [“Турк сўзлари девони”] деб аталди.

Буни улуғ пайғамбар алайҳис-салом мартабасидаги хошимийлар сулоласидан, аббосийлар авлодидан бўлмиш саййидимиз ва улуғимиз *Abu-l-Qāsim 'Abdullāh bin Muḥammadi-l-Muqtadā biamrillāh* га армуғон қилдим. Тангри унга узоқ умр, абадий эҳтиром, бахту саодатли ҳаёт ато

қилсин. Унинг салтанатининг асосларига ҳеч завол етмасин. Унинг фармон доиралари кенгайсин ва юксалсин. Одам ўғиллари унинг мўл карами билан юлдузлар сингари юксак мартабага эришсинлар. Қаҳр залолатига тўлган душманга уни ғолиб қилсин. Унинг соясини, кўркини, қудратини, фазлини, улуғлиғини мусулмонлар устидан холи қилмасин.

Мен бу китобни махсус алифбо тартибида ҳикматли сўзлар, сажълар, мақоллар, қўшиқлар, ражаз ва наср деб аталган адабий парчалар билан безадим. Қаттиқ жойларини юмшатдим, қийин ва қоронғу жойларини ёритдим. Бу иш устида сўзларни ўз жойига қўйиш, керакли сўзларни осонлик билан топиш учун бир неча йил машаққат тортдим. Ниҳоят, керакли сўзларни ўз жойида кўзлайдиган, қийинчиликсиз топа оладиган бир ҳолга келтирдим.

Луғатни саккиз асосий бўлим (*kitāb*)да чекладик.

Биринчиси, *Kitābu-l-hamzi* [яъни, *hamza* (*alif*) билан бошланадиган сўзлар китоби]. Оллоҳ таолонинг Китоби (*Kitābu-l-lahi taā'lā*)га таянган ҳолда [яъни, унда *alif* ҳарфи бош ўринда тургани боис], уни [*alif* ни] бош ўринга қўйдик[10].

Иккинчиси, *Kitābu-s-sālimi* [яъни, таркибида *sālim* (*alif, vāv, yā* ҳарфлари бўлмаган сўзлар) китоби].

Учинчиси, *Kitābu-l-muḍā'fi* [яъни, икки ундоши бир хил бўлган сўзлар китоби].

Тўртинчиси, *Kitābu-l-miṣāli* [яъни, *vāv* ёки *yā* билан бошланган сўзлар китоби].

Бешинчиси, *Kitābu-ð-ðavāti-ṣ-ṣalāṣati* [яъни, қисқа унли сифатида ўқиладиган *alif, vāv, yā* ҳарфлари бор бўлган сўзлар китоби].

Олтинчиси, *Kitābu-ð-ðavāti-l-arba'ti* [яъни, *alif, vāv, yā* ҳарфлари қисқа унли сифатида ёки [*v*], [*y*] деб ўқиладиган сўзлар китоби].

Еттинчиси, *Kitābu-l-ğunnati* [яъни, *ğunna* лилар (таркибида бурун (димоғ) товушлари келган сўзлар) китоби].

Саккизинчиси, *Kitābu-l-jam' bayna-s-sakinayni* [яъни, ёнма-ён келган ҳаракатсиз икки ундошли сўзлар китоби].

Ҳар бир бўлим (*kitāb*)ни отлар (исмлар) ва феъллар тарзида икки қисмга ажратиб бердим. Отларни олдин, феълларни эса отлардан кейин ўз сирасига қараб, бобларга ажратиб, ўз ўрнида олдинма-кетин кўрсатдим. Тушунилиши осон бўлсин учун асарда арабча истилоҳлар қўлладим. Китобни тузиш олдида Халил ибни Аҳмаднинг "Kitābu-l-'ayni" асарида тутган тартибини қўллаш, истеъмолдан чиққан сўзларни ҳам бера бориш фикри менда туғилган эди. Бу тартиб араб тили билан икки улоқчи от сингари тенг пойга қилиб ўзиб бораётган турк тилини тўлиқроқ ёритиш жиҳатдан ҳам яхши эди. Лекин мен ўқувчиларнинг фойдаланиш масаласига асосландим. Мен истеъмолдаги сўзларнигина бердим, истеъмолдан чиққанларини ташладим. Мен тутган тартиб тўғрироқдир.

Туркий тилларда қўлланилаётган сўзлар билан истеъмолдан чиққанларини танитиш учун қуйидаги намуналарни кўрсатаман:

***arïq*** – "анҳор"; қўлланилади; ***aqur*** – "отхона"; қўлланилади; ***qar*** – "қор"; қўлланилади; ***qara*** – "қора"; қўлланилади; ***raqa*** – ноаниқ; ***-raq*** – (чоғиштириш қўшимчаси); қўлланилади; ***azuq*** – "озиқ-овқат"; қўлланилади; ***aquz*** – ноаниқ; ***qozï*** – "қўзи"; қўлланилади; ***qïz*** – "қиз"; қўлланилади; ***zïqï*** – ноаниқ; ***zïq*** – ноаниқ.

---

[10] الله сўзининг ҳамда Қуръони каримдаги Фотиҳа сурасининг *alif* билан бошланишига ишора этилмакда.

Турмушда қўлланиладиган ва қўлланилмайдиган сўзлар шу билан чекланмайди, уч ҳарфли, тўрт ҳарфли ва бошқа сўзларда ҳам улар кўпдир. Биз бу ерда "қадам изи биров юрганлигини билдиради" дейилгани каби, улардан баъзи намуналарнигина кўрсатиб, бошқаларини шунга қиёс қилишни ўқувчиларнинг ўзларига ҳавола қилдик.

Қисқартиш ва енгиллатиш мақсадида бу асарни мендан олдин ҳеч ким тузмаган ва ҳеч кимга маълум бўлмаган алоҳида бир тартибда тузди. Бу ишда мен асарнинг қийматини ошириш, бошқаларга (фойдаланувчиларга) эса осонлик туғдириш мақсадида, пухта қўлланма бўлсин деб, ҳар бир қабиланинг ўзига хос хусусиятларига кўра қиёсий қоидалар тузди. Бу масалага қизиққан мутахассисларга бу асарни қўлланма қилдим. Илгарилаб кетганларга етиш учун мен (бу китобимни) пойгачи отдек уларнинг кетидан юбордим, уларга етиб олиш учун йўл очиб бердим, жуда юқорига чиқиш учун нарвон ясадим. Сўнгра мен ҳар бир қабилага мансуб сўзларнинг ясалиш хусусиятларини ва қандай қўлланишини қисқача изоҳлаб кўрсатиш учун алоҳида йўл тутдим. Бу ишда мисол тариқасида туркларнинг тилида қўлланилиб келган шеърларидан, шодлик ва мотам кунларида қўлланадиган ҳикматли сўзларидан, мақолларидан келтирдим, токи улардан фойдаланувчилар нақл қилувчиларга (тингловчиларга), нақл қилувчилар эса, ўз навбатида, шу тилда сўзловчиларга етказсин. Шунинг учун ҳам буларнинг ҳаммасини мазкур асарда тўпладим. Бу китоб янгиликлар беришда қиёмига, қиймат ва муҳимликда эса поёнига етди.

### Туркча сўзларнинг тузилишида қўлланадиган ҳарфлар ҳақида

Туркий тилларда қўлланадиган асосий ҳарфлар сони ўн саккизта. Туркча ёзувда шулар қўлланилади. Уларнинг ҳаммасини қуйидаги сўзлар қамрайди:

اخوک، لفّ، سمج، نزق، بذر، شتيّا

Айириб кўрсатилса, қуйидагича бўлади:




Арабчада бу ҳарфларнинг тенгдош сираси ا ب ت ث сингаридир. Бу асосий ҳарфлардан бошқа талаффуздагина (ёзувда эмас) ифодаланувчи яна еттита ҳарф борки, туркий сўзлар бу ҳарфларсиз ишлатилмайди. Булар жарангсиз *pā* ҳарфи, арабча *jīm* ҳарфи – арабча *jīm* (бу луғатда, яъни туркчада) кам қўлланилади, *zā* билан *sīn* оралиғида талаффуз этиладиган *zā* ҳарфи (яъни [*ž*]); арабча *fā* (яъни, [*w*]) ҳарфи; нуқтали *ğayn* ҳарфи; *qāf* билан *kāf* ҳарфлари оралиғида талаффуз этиладиган жарангли *kāf* (яъни, [*g*]), *kāfu-l-ğunna* билан *ğayn* оралиғида ҳамда *qāf* билан *nūn* оралиғида талаффуз этиладиган ڭ (яъни, [*ŋ*]) ҳарфларидир.

Бу ҳарфларни талаффуз қилишда турклардан бошқалар қийналадилар. Бу ҳарфлар ўша юқоридаги ҳарфлардек ёзилади, тепасига нуқта қўйилиб айрилади.

Бирор қабила тилида *s̱ā* ҳарфи йўқдир. Итбоқ ҳарфлари (*ḥurufu-l-itbāqi*)дан бўлмиш *ṭā, ẓā, ṣād, ḍād* ҳарфлари ҳам туркий тилларда йўқдир. Шунингдек, бўғиз товушлари (*ḥurufu-l-ḥalqi*)дан бўлмиш *ḥā, hā, ʻayn* ҳарфлари ҳам туркий тилларда йўқдир. ***ükki*** сўзини ***ühi***

дегувчилар жуда камдир. ***ükki*** сўзини *kāf* билан талаффуз қилиш қипчоқчадир. "Тутантирик ёғочи"ни канжаклар ***čähä*** дейдилар. Бу сўз тил хусусиятига мос эмасдир; кўз оғриғини ***ävāh*** дейдилар, бу сўз ҳам юқоридагидек мос эмасдир.

Булардан бошқа баъзан, вақф ҳолатида сўзнинг охирига қўшилиб келади. Масалан, лочин қушини чақиришда ***tah-tah*** дейдилар, отнинг боласини чақиришда ***qurrïh-qurrïh*** дейдилар. Аммо *hā* қўлланган ҳеч бир сўз йўқ. Гоҳо хўтанликлар сўзида бу ҳарф учрайди, чунки бу ҳинд тилининг таъсиридир. Канжаклар тилида ҳам *hā* ҳарфи учрайди, дейиш мумкин. Чунки бу ҳам туркча эмасдир. Агар *ṣā* ҳарфини ёзиш керак бўлса, туркча *ðāl* суратида ёзилиб, устига нуқта қўйилади; *ḍād* ҳарфи ҳам *ðāl* шаклида ёзилиб, устига нуқта қўйилади; *ṣād* ҳарфи ҳам *sīn* шаклида ёзилиб, устига нуқта қўйилади; *ḥā, hā, 'ayn* ҳарфлари туркча *xā* шаклида ёзилиб, айрим белги билан айрилади. Чунки бу ҳарфлар арабчага хосдир. Бу ҳарфлар туркча ёзилса, шаклда ўхшашлик сақланса ҳам, нуқта ва белгилар билан фарқ қилинади. Бу ҳарфларнинг ҳаммаси тўпланса, қуйидаги шакл ҳосил бўлади:



Бу хатни ёзишда, талаффузда ўрни йўқлигига қарамай, ёзувда бир турли белгилар орттирилади. Масалан, *ẓamma* ўрнида *vāv, kasra* ўрнида *yā, fatḥa* ўрнида *alif* белгиларини ёзиш қоидадир. Арабчада اخ اب сўзлари бошқа сўзлар билан қўшилиб келганда, талаффузда аниқ сезилмайдиган *alif, vāv, yā* ҳарфлари қўшилиши шунга мисолдир: هذا ابوک و رأيت اباک و مرّرت بابيک

Барча хоқонлар ва султонларнинг китоблари, ёзувлари қадимги замонлардан шу кунгача, *Kāšğar* дан Юқори Чингача – ҳамма турк шаҳарларида шу ёзув билан юритилган. Туркий сўзларда уч ҳаракат билан келиш *išbā', imāla, išmām, ğunna, xayšūm* ҳарфи, икки ундошнинг қатор келиши, *qāf* билан *čīm* ҳарфларининг жам келиши, *bā* билан *mīm*, *nūn* билан *lām* ва бошқа ҳарфларнинг алмашиниш ҳоллари ҳам учрайди. Булар ҳаммаси ўз ўрнида гапирилади.

### Феъллардан ясалган отлар ҳақида

Отлар икки турлидир: ясама от ва туб от. Феъллардан ясалган отлар феъл охирига ўн икки ҳарфдан бирини қўшиш билан ясалади.

***qïlïč, oq*** каби отлар туб отлардир. Бу хил отлар бошқа сўзлардан келиб чиқмаган. Ясама отлар бошқа сўзлардан келиб чиқади. Буларнинг баъзилари турмушда қўлланиб, эшитилиб юрилган бўлса, баъзилари аниқ эмас, қиёсий асосдадир. Мен истеъмолдагиларини бериб, муҳмалларини ташладим. Лекин муҳмалларни солиштириб аниқлаш мумкин бўларли қилиб, қуйидагича бир қоида яратдим: феъллардан ясалувчи отлар қуйидаги ўн икки ҳарфдан бирининг қўшилиши билан тузилади. Булар: *alif, tā, čīm, šīn, ğayn, qāf,* аниқ *kāf, qāf* билан *kāf* оралиғида талаффуз этиладиган жарангли *kāf* (яъни, [*g*]), *lām, mīm, nūn, vāv* ҳарфларидир.

*alif*

"Олим, доно; ақлли" маъносидаги ***bilgä*** сўзи ***bildi*** феълига *alif* қўшилиб ясалгандир. Тажрибада, ақлда катта бўлганларга нисбатан қўлланадиган ***ögä*** сўзи ҳам шундай ясалгандир. Бу сўз ***ödi näŋni*** (нарсани яхши тушунди) иборасидаги ***ödi*** феълининг ўзагидан ясалган.

"Бир турли таом" маъносидаги ***uva*** сўзи ҳам шундай ясалган. Бу сўз "бурдалади; уватди" маъносидаги ***uvdï*** феълидан ясалган.

Кўпинча *alif* ёлғиз келмай, *mīm* билан бирга (*-ma, -mä*) шаклида учрайди: "кокил" маъносидаги ***kesmä*** сўзи ***kesdi*** феълидан олингандир. Кўзни беркитмасин, деб сочни кесиладиган жойга ҳам ***kesmä*** дейилади.

***örmä sač*** сўзи ҳам шундай. Бу сўз ***ördi*** феълидан ясалган.

*tā*

"Қочувчи" маъносидаги ***qačut*** сўзи ҳам шундай. Бу сўз ***qačdï*** феълидан ясалган. ***keδüt*** сўзи ҳам шундай. Бу сўз ***keδti*** феълидан ясалган.

*čīm*

"Нон" маъносида келган ***kömäč*** сўзидаги *čīm* каби. Бу сўз кул ва бошқаларга ***kömdi*** деганда қўлланувчи ***kömdi*** феълидан ясалган.

***sewinč*** сўзи ҳам шундай. Бу сўз ***sewindi*** феълидан ясалган.

*šīn*

Таниш кишига нисбатан қўлланувчи ***biliš*** сўзидаги *šīn* каби. Бу сўз ***bildi*** феълидан ясалган.

"Жанг" маъносида қўлланувчи ***uruš***, ***toquš*** сўзларидаги *šīn* каби. Бу сўз ***urdï*** ва ***toqïdï*** феълларидан ясалган.

*ğayn*

*ğayn* ҳарфида уч хусусият бордир:

Биринчидан, феълларга қўшилиб, уларни отларга айлантиради. "Нарса тозаланди" маъносидаги ***arïndï näŋ*** жумласидаги ***arïndï*** феълининг ўзагига *ğayn* қўшилиб ясалган; ***arïğ*** (соф, тоза) сўзи шунга мисолдир.

"Қуруқ" маъносидаги ***quruğ*** сўзи ҳам ***qurïdï*** феъли ўзагига *ğayn* қўшиб ясалган отга мисолдир.

Иккинчидан, отларга қўшилиб, уни ўрин отига айлантиради:

"Сайлгоҳ" маъносидаги ***yaylağ*** сўзи ***yay*** оти охирига *ğayn* қўшиб ясалган. Шунингдек, ***qïš*** сўзидан ясалган ***qïšlağ*** сўзи ҳам ***qïš*** сўзи охирига *ğayn* қўшилиб ясалган.

Учинчидан, феълларга *ğayn* ва *vāv* (яъни, [*u*]) ҳарфлари бирликда, яъни *-ğu* қўшилиб, уни қурол отига айлантиради. Бу хусусият туркий тилларнинг ҳаммаси учун умимий. ***bïčdï*** (кесди) феълининг ўзагига *-ğu* қўшилиб ясалган "нарсаларни кесувчи асбоб" маъносидаги ***bïčğu*** сўзи шунга мисолдир.

***urdï*** феълидан ясалган ***urğu näŋ*** (урадиган нарса) ҳам (худди) шундай.

Шу маънода *ğayn* ўрнида жарангли *kāg* (яъни, [*g*]) қўллаш (ходисаси) ҳам учрайди: ***kesdi*** феълидан ясалган ***kesgü näŋ*** (кесадиган нарса) шунга мисол бўлади.

***ewüsdi*** (совурди) феълидан ясалган ***ewüsgü*** (совурадиган) сўзи шунга мисолдир.

*ğayn* билан *kāf* (яъни, [*g*])нинг алмашиниш масаласига келганда, йўғон талаффузли сўзларда *ğayn* қўлланиб, унинг зидди ингичка сўзларда *kāf* (яъни, [*g*]) қўлланади.

Бу хил сўзлар охиридаги *kāf, qāf, ğayn* ҳарфлари арабча феъллар олдига қўшилиб, курол оти ясовчи *mīm* ҳарфига ўхшайди. "Ўроқ" маъносидаги مِنْجَل *minjal* сўзи, "ўт ўрди" маъносидаги نَجَل *najala* феъли олдига *mīm* қўшилиб ясалган. "Элак" маъносидаги مُنْخُل *munxul* сўзи "элади" маъносидаги نَخَل *naxala* феъли олдига *mīm* қўшиб ясалган.

"Супурги" маъносидаги مِنْسَفْ *minsaf* сўзи ҳам шундай. Яъни نَسَفَ *nasafa* (супурди) феълидан *mīm* орттириб ясалган.

Ўғузлар *ğayn* ёки *qāf* ўрнида *alīf* ҳамда *vāv* [*u, ü*] ўрнида *sīn* ва *yā* (*-sï, -si*) қўллаб ўзгартирадилар: ***yïğač bïčasï näŋ*** – ёғоч кесадиган нарса; ***otuŋ kesäsi baldu*** – ўтин кесадиган болта, каби.

Замон ва макон отлари ва масдар [инфинитив]ларда ҳам қоида шу хилда.

Хоқония турклари билан бошқалар орасида, ўғуз туркманлар билан бошқалар ўртасида пайт оти, ўрин оти ва масдарларда ҳам шундай фарқ бор. Улар (ҳам) ўз ўрнида кўрсатилади.

*qāf*

"Тароқ" маъносидаги ***tarğaq*** сўзидаги *qāf* ҳам шундай. Бу сўз ***sač taradï*** гапидаги ***taradï*** феълидан ясалган.

"Ўроқ" маъносидаги ***orğaq*** сўзидаги *qāf* ҳам шундай. Бу сўз ***ot ordï*** гапидаги ***ordï*** феълидан ясалган.

*kāf* (аниқ *kāf*)

"Бирор нарсанинг бўлаги" маъносидаги ***kesäk näŋ*** иборасида келган ***kesäk*** сўзидаги *kāf* ҳам шундай. Бу сўз ***kesdi*** феълидан ясалган.

"Ёпинчиқ" маъносидаги ***ešük*** сўзи "ёпди, ўради" маъносидаги ***ešüdi*** феълидан ясалган.

*g* (жарангли *kāf*)

***tirildi*** феълидан ясалган ***tirig*** сўзи каби. ***öldi*** феълидан ясалган ***ölüg*** сўзидаги *kāf* каби.

*lām*

***bïčğïl yer*** – ковак, ёриқ ер иборасидаги ***bïčğïl*** сўзида келган *lām* ҳам шундай. Бу сўз ***bïčïldï näŋ*** иборасидаги ***bïčïldï*** феълидан ясалган.

Оқ ва қора рангларнинг алмашинувидан ҳосил бўлган "човкар" мазмунида келган ***tarğïl*** сўзидаги *lām* ҳам шундайдир. Бу сўз ***tarïldï*** феълидан ясалган.

*mīm*

"Намат" маъносида келган ***yaðïm*** сўзидаги *mīm* каби. Бу сўз ***yaðtï*** феълидан ясалган. "Бир тилим қовун маъносида" келган ***bir bïčïm qağun*** иборасидаги ***bïčïm*** (тилим) сўзи ***bïčdï*** (кесди) феълидан ясалган.

*nūn*

"Сел" маъносидаги ***aqïn*** сўзида келган *nūn* каби. Бу сўз ***suw aqdï*** гапидаги ***aqdï*** феълидан ясалган. "Тупроқ уюми" маъносида келган ***yïğïn tupraq*** иборасидаги ***yïğïn*** сўзи ***tupraq yïğdï*** гапидаги ***yïğdï*** феълидан ясалган.

*vāv* (яъни, [*u*], [*ü*])

Бу ҳарф қўшилиб ясалувчи сўзлар, асосан, бирикмада келади; бу ёлғиз ҳолда жуда оз учрайди. “Қортуқ-корук” (қон олинадиган асбоб) маъносидаги ***sorğu*** сўзи “ҳайвон сутини ёки қонини сўриш” маъносидаги ***sordï*** феълидан ясалган. “Турадиган ер” маъносидаги ***turğu yer*** сўзи ҳам шундай.

Бу қоидалар фалак қутб юлдузи атрофида айланиш қоидаси каби ҳар қандай сўзга татбиқ этиладиган умумий қоидалардир. Бу қоидалар икки ҳарфли, уч ҳарфли, тўрт ҳарфли, беш ҳарфли ва ундан кўп ҳарфли феълларнинг ҳаммаси учун ҳам умумий. Биз бу ерда қисқа маълумот бердик, бошқа ерларда, Худо хоҳласа, бу ҳақда яна сўзланади.

## Сўзларнинг тузилиши ҳақида

Сўзлар икки ҳарфли бўлади: اَتْ ***at***, اَرْ ***er*** сўзлари каби.

Уч ҳарфли бўлади: اَزُقْ ***azuq***, يَزُقْ ***yazuq*** (айб) сўзлари каби.

Тўрт ҳарфли бўлади: يَغْمُرْ ***yağmur***, چَغْمُرْ ***čağmur*** (шолғом) сўзлари каби.

Беш ҳарфли бўлади: قُرُوغْسَاقْ ***quruğsaq*** (меъда, курсоқ), قُدُرْغَاقْ ***quđurğaq*** (этакнинг бир томони) сўзлари каби.

Олти ҳарфли бўлади: كُمُلْدُرُكْ ***kömüldürük*** (отнинг кўкрагига тақиладиган зийнат безаги) ва قُدُرْغُونْ ***quđurğun*** (куюшқон) сўзлари каби.

Етти ҳарфли бўлади: زَرْغُنْجُمُودْ ***zarğunjmud*** (хушбўй бир ўсимлик, тангагулли бўлади) каби.

Етти ҳарфли [сўз]лар отларда кам, лекин [сўзлар] етти ҳарфлидан ортиқ бўлмайди.

## Отлардаги орттирма белгилар ҳақида

Отларга орттириладиган белгилар: *madd* (чўзиш белгиси)[11], *līn* (юмшатиш белгиси)дир. Масалан, تَغَارْ ***tağar*** (қоп, тўрва), چَغَارْ ***čawar*** (тутантирик) сўзларига орттирилган *alif* чўзиш белгисидир. قُرِيغْ ***qorïğ*** (қўрилган, бегоналардан эҳтиёт сақланган) ва اَرِيغْ ***arïğ*** (тоза, поқ) сўзларидаги *yā*, اَنُوقْ ***anuq*** ва تَنُوقْ ***tanuq*** (гуноҳ) сўзларидаги *vāv* юмшатиш белгисидир. اَدَغِيرْ ***ađğïr*** (айғир), اِشْغُنْ ***ïšğun*** (равоч ўти) сўзларидаги *hamza*, بَزْغَانْ ***bazğan*** (яссн бурунли), قَزْغَانْ ***qazğan*** (ковак ер) сўзларидаги *nūn* ҳарфи, تُرْقُو ***turqu*** (ипак кийимлик), قُرْغُو ***qurğu*** (шошқалоқ киши) сўзларидаги *vāv*, كُتْكِى ***kütki*** (кичик тепа), بُرْقِى ***burqï*** (қаттиқ юзли киши) сўзларидаги *yā* ҳарфлари отлардаги ортиқча белгилардир.

Бу сўзлардан *fa'āl, fi'āl, fa'ūl, fa'īl* тарзидаги сўзларда чўзғи ҳарфларни тушириш мумкин: يِغَاجْ ёки يِغَجْ шаклида ёзилиши мумкин. “Дарё ва водийнинг нариги томони” маъносидаги сўзни يُغُوجْ ёки يُغُجْ шаклида ёзиш мумкин. Шунингдек, قُرِيغْ ёки قُرُغْ шаклида ёзиш фарқсиздир.

Сўзнинг қисқаси узунидан яхшироқ. Қолганлари, Худо хоҳласа, китобнинг бошқа ерида айтилади.

## Феъллардаги орттирмалар ва уларнинг тузилиши ҳақида

Феъллар икки ҳарфли, уч ҳарфли, тўрт ҳарфли, беш ҳарфли, олти ҳарфли бўлади. Феълларга сўнг орттириладиган ҳарфлар ўнтадир:

---

[11] Араб тилида *madd* ҳарфлари учта: *alif, vāv, yā*. Бу ҳарфларнинг ҳар бири ўзи қўшилган ҳарфларни чўзиб талаффуз қилишга хизмат қилади.

*alif* ([a], [ā]), *tā, rā, sīn, šīn, qāf, kāf, lām, nūn, lām alif* (*-la, -lā*), *yā*.

Буларнинг ҳар бири феълларда бирор қўшимча маънони орттиришга хизмат қилади.

*alif*

"Ҳасад қилди" маъносида келган ***tepzädi*** сўзидаги *alif* каби. Бу сўз ***tepiz*** сўзидан ясалган.

"Қўбуз чалди" маъносидаги ***qobzadï*** феъли ҳам ***qobuz*** сўзига *alif* қўшиш йўли билан ясалган.

*tā*

*tā* ҳарфи ўтимли феъл ясайди. "Буғдой тозалади" маъносида келувчи ***tarïğ arïtdï*** жумласидаги ***arïttï*** феъли ***arïdï*** феъли ўзагига *tā* қўшиб, ўтимли феъл ясалган сўзга мисолдир.

***ton qurutdï*** (кийимни куритди) гапидаги ***qurïdï*** сўзидаги *tā* ҳам шундайдир.

*rā*

Кўпинча ўтимли феъл ясашда *rā* ҳарфи *tā* ҳарфи билан бирикиб, *tur* шаклида келади. Чунончи, ***bardï***, ***barturdï***, ***keldi*** (келди), ***keltürdi*** (келтирди) мисоллари каби.

*sīn*

Феълларга *sīn* қўшилиб, орзу ва истак маъноларини билдиради, масалан: ***suw ičsädi*** – сув ичмоқ истади; ***aš yeyisädi*** – ош емоқ истади каби. *sīn* ҳафи баъзан арабча تفاعُل бобидаги каби феълларда бошқа шахсларга нисбатан ишнинг бўлганга ўхшаб кўринганини, аслида у бўлмаганини билдиради: ***ol mendin yarmaq alïmsïndï*** – у ўзини мендан танга олгандек қилиб кўрсатди; ***ol meŋä külümsindi*** – у ўзини менга кулиб қарагандай қилиб кўрсатди.

*šīn*

*šīn* феълларга қўшилиб, (арабча *mafā'ala* бобидаги каби), ишда икки киши шерик эканлигини билдиради: ***urdï***, ***urušdï***, ***turdï***, ***turušdï*** каби.

Феълларга *šīn* қўшилиб, баъзан ёрдамлашиш, баҳслашиш мазмунларида ҳам қўлланилади. Бу ҳақда ўз жойида гапирилади.

*qāf*

*qāf* феълларга қўшилиб, енгилиш, хўрланиш маъноларини билдиради ва ***maf'ūl***[12] ўрнида қўлланади: ***er ačïqdï*** – қамалгани, айрилиб қолгани учун одам оч қолди; ***yïlqï yutuqdï*** – йилқи хашаксизликдан ўлар ҳолга келди.

Бу масалада кўпинча *qāf* ҳафи *sīn* билан қўшилиб қўлланади: ***er arsïqdï*** – киши алданди, ***er suysuqdï*** – кишининг моли ўғирланди.

*kāf*

Ингичка талаффуз қилинадиган [таркибида ингичка унлилар келадиган] ва ёки таркибида *kāf* ҳарфи бўлган сўзларда *kāf* ҳарфи *qāf* вазифасида қўлланади.

***qačğïn er yetsikti*** – қочган кишига етиб олинди; ***ol er bilsikti*** – у киши билинди [у кишининг ўзи ва яширин тутган нарсаси маълум бўлди].

---

[12] *maf'ūl* – сифатдош шаклида қўлланувчи сўзлар.

*lām*

Бу мажҳул феълларда қўлланади: ***oq atïldï*** ва ***er oq attï*** жумлаларидаги каби. ***böz toqïdï***, ***böz toqïldï*** каби.

*nūn*

*nūn* ҳарфи феълларга қўшилиб, биринчи шахс орқали (бошқалар аралашмай туриб) ишнинг бажарилишини билдиради: ***ol yarmaqïn alïndï*** – у пулини ўз бошича (бошқалар аралашмай туриб) олди; ***ol mendin tawarïn qulundï*** – у молини мендан ўз бошича (бировнинг аралашувисиз) олмоқни истади, сўради.

*lām alif* (*-la, -lā*)

*-la, -lā* қўшимчаси отларга қўшилиб феъл ясайди: ***beg qušladï*** – бек қуш овлади иборасидаги каби. Бу гапдаги ***quš*** сўзи от бўлиб, феълларга ўхшаш тусланмас эди, лекин *-la* қўшилиб, бутун хусусиятлари билан феълга айланди. Бу – асосий қоида. Буни эсингда тут. ***beg kenddä qïšladï*** – бек шаҳарда қишлади гапидаги ***qïšladï*** феъли ҳам ***qïš*** сўзига *-la* қўшимчасини қўшиб, феъл ясалган отга мисолдир.

*yā* (яъни, [*ī*] ва [*i*])

*yā ҳарфи lām* билан бирликда [*-lï, -li* шаклида] қўлланади. Феълга қўшилиб, иш бажарилишига яқинлашиб, сўнг ишланилмаганини англатади: ***ol turğalï qaldï*** – у тураёзди; ***ol barğalï qaldï*** – у бораёзди.

Бу қоидаларни яхши ўрган.

## Сўзларнинг олдинма-кетин келиш тартиби

Олдин икки ҳарфлилардан бошладик, сўнг уч ҳарфли, сўнг тўрт ҳарфли, сўнг беш ҳарфли, сўнг олти ҳарфли [сўз]ларни берамиз.

Ўртаси *sukun* ли[13] сўзларни ўртаси ҳаракатли[14] сўзлардан олдин берамиз, сўнг ўртаси ҳаракатлилар яна ўзларининг ҳаракатларига мос равишда олдинма-кетин берилади. Сўнг олдига *hamza* ва бошқа шунга ўхшаш ҳарф орттирилган сўзлар берилади. Сўнг биринчи ва иккинчи ҳарфлари орасига ҳарф орттирилган сўзлар ўз ўрни билан бериб борилади. Сўнг учинчи ҳарфдан кейин ҳарф орттирилган сўзлар берилади. Бундан ташқари, бу сўзларнинг боши билан охирини назарда тутамиз. Китобимизнинг ҳамма бўлимларида ҳам отлар юқоридаги тартибда кўрсатилади.

## Ҳарфларни олдинма-кетин қўшиш тартиби ҳақида

Сўзларни беришда биз кейинги ҳарфи *pā* бўлган сўзлардан бошлаймиз. Сўнг қолган ҳарфларни берамиз. Бу тартиб илгариги адиблар тартибига мос бўлиб, араб луғатлари тузилишига ҳам мувофиқдир. Ундан кейин бошида *hamza* ва *hamza* га яқин ҳарфли сўзларни бошқалардан олдин қўямиз. Биз ўз асаримизда *vāvi 'ātifa* [боғловчи *vāv*]ни кўрсатмадик, чунки унга бу тил (туркий тил) да ўрин йўқ. Буни яхши тушунинг.

---

[13] *sukun* ли – ҳарфнинг узилиш, чўзғисизлик белгиси.

[14] *ҳаракатли* – ҳарфларнинг ўзидан кейинги ҳарфга уланиши.

## Девонда зикр қилинмайдиган сифатлар ҳақида

Сифатлар турли бўлимларда ҳар хил мақсадлар билан учрайди.

Биринчи: иш қилувчи шахс ўз ишининг баъзан бажарилишини билдиради. Чунончи, ***bardï er – киши борди*** гапидаги ***bardï*** феълидан шу маънода қўлланган сифат ***bardačï er*** (борувчи киши)дир. ***keldi er – киши келди*** гапидаги ***keldi*** сўзидан ясалган ***keldäči er*** ҳам шундай сифатдир. Бу хил сифатлар зикр қилинмайди.

Иккинчи: ҳаракатнинг давом қилишини, кўп марта такрорланишини билдирувчи сифат ***ol er-ol ewkä baraġan*** – у киши уйига кўп борадиган, бораверадиган; ***ol kiši-ol bizkä kelägän*** – у киши бизга кўп келадиган, келаверадиган жумласидаги ***kelägän*** сифати ҳам шундай. Бу хил сифатлар ҳам зикр қилинмайди.

Учинчи: "ишни қилишга қасд қиладиган, истайдиган" мазмунини билдирувчи сифатлардир: ***ol er-ol ewkä barïġsaq*** – у киши уйга боришга интилувчи, истовчидир; ***ol kiši-ol bizkä keligsäk*** – у киши бизларга келишга интилувчи, истовчидир. Бу сифат ҳам берилмади.

Тўртинчи: бир ишни қилиш унинг вазифаси эканидан хабар беришни билдирувчи сўз ***ol ewkä barġïlïq erdi*** – уйга бориш унинг вазифаси эди. Ўғузлар ҳар қандай сўзда ҳам бу *lām* ни *sīn* га алмаштирадилар.

Яна мисол: ***ol yigit bizkä kelgülük erdi*** – йигитнинг вазифаси бизга келиш эди.

Бешинчи: ишни қилиш шарафи унга оид бўлгани таъриф қилинади: ***men ewkä barïġlï-men*** – мен уйга кетиш устидаман [(мен) кетмоқчи бўлиб турибман].

***men sizkä keligli-men*** – мен сизга келиш устидаман.

Булар ҳам девонда келтирилмайди. Бу хил сифатларнинг ҳаммаси феълдан олинади. Бошқа ҳамма феъллардан ҳам шу тарзда сифат ясалади.

Қилинган иш унинг устига бўлганини билдирувчи мавсуфлар ҳам махсус кўрсатиб ўтирилмади. Фақат қоидалар баёни орасидагина унинг хусусиятларини кўрсатиш, бу сифатнинг тузилиш равишини билдириш мақсадида кўрсатилади.

Бирлик, кўплик, ошириш, чоғиштириш, кичрайтириш, келишиклар масаласи ва бошқалар ҳам зикр қилинмади. Чунки биз буларни *"Javāhiru-n-naḥvi fi luġāti-t-turki"* ["Турк тилларининг наҳвига оид гавҳарлар"] отли алоҳида асаримизда бердик. Наҳвга оид қоидалар у асардан қаралиши керак.

## Зикр қилинмаган масдарлар ҳақида

Масдарлар икки хилдир: биринчи: туб масдар. Бу хил масдарлар феъллар бўлимида ўтган замон, келаси замон феъллари билан баробар кўрсатилди. Иккинчи: аслида масдар бўлмай, бирор сўз қўшиш билан ясалган масдарлардир. Бу хил масдарлардан ҳол маъноси ҳам англашилади. Буларни мен бермайман, фақат жуда зарур ўринлардагина кўрсатаман.

***bardï***, ***barïr***, ***barmaq***, ***keldi***, ***kelir***, ***kelmäk***. Булар туб масдарлардир. ***meniŋ barġïm bolsa meŋä tušġïl*** – борадиган вақтимда менга учра, деганда ***barġïm*** – ясама масдар. ***keyik keligi bolsa oqta*** – кийик келар вақтида от, жумласидаги ***keligi*** – ясама масдар. ***Taz keligi börkčikä*** – "Калнинг келиш ери дўппифуруш дўконидир", деган мақолдаги ***keligi*** сўзи ҳам шундай. Бу хил масдарлар йўғон ўзакли сўзларга *qāf*, *ğayn* орттириб тузилади: ***barïġ bardï*** – у боришда қаттиқ ҳаракат билан борди; ***ol qulïn uruġ urdï*** – у қулини қаттиқ урди, демакдир. Бу гаплардаги ***barïġ***, ***uruġ*** сўзлари ясама масдарлардир. *qāf* ҳарфи ҳам, *kāf* ҳарфи ҳам ҳар вақт изофа ҳарфи ҳисобланадиган [аниқловчига орттириладиган] *yā* [яъни, *ï*, *i*] ҳарфи билан

биргаликда қўлланади. Булар *ğayn* га ўхшаш ёлғиз ўзи қўлланмайди: ***anïŋ yoruqï netäg?*** – унинг йўриғи қандай? деган гапда ***yoruqï*** сўзидаги *qāf* харфи *ğayn* ўрнига алмашгандир.

Ингичка, яъни таркибида *kāf* бўлган сўзларда ясама масдарга *kāf* қўшиб ясалади.

***anï sökük sökti*** – уни қаттиқ сўкди; ***ol qulïn tepig tepdi*** – у қулини қаттиқ тепкилади гапларидаги ***sökük***, ***tepig*** сўзлари *kāf* қўшиб ясалган масдардир. Бу хил таркиблардаги масдарларда таъкид, пухталаш мазмуни ифодаланади. Чунончи, وَكَلَّمَ اللهُ مُوسى تَكْلِيمًا оятидаги каби.

Қоидалар шундай қисқа қилинди. Бошқа сўзларга солиштириб тушуниш учун ишорат қилинди, холос. Бу ерда мен кўрсатган қоидалар, мен ишорат қилган асослар ҳамма туркий тиллар учун умумий. Буни ўз ўрнида тушуниш мумкин.

### Китобда айтилган ва айтилмаган нарсалар ҳақида

Китобда кўрсатилган тоғ отлари, кўл, водий, денгиз отлари фақат мусулмон шаҳарлардаги номлардир. У номлар ҳар вақт қўлланадиган ва машҳур бўлганлари учун ёздим. Машҳур бўлмаганларининг кўпларини тушириб қолдирдим. Мусулмон бўлмаганлардан баъзиларининг шаҳар номларини ҳам ёздим, баъзиларини қолдирдим. Машҳур бўлмаганларини ёзишдан фойда йўқ. Тилга кейин кирган сўзларни ҳам ёзмадим. Эркак ва аёллар номи ҳам шундай, фақат энг кўп қўлланадиган, одамларга тўғри шаклларини билиб олиш зарур бўлган бир қисмигина кўрсатилди.

### Турк табақалари ва қабилаларининг баёни ҳақида

Турклар аслида йигирма қабиладир. Улар ҳаммаси *Nūḥ* пайғамбар ўғли *Yāfiṯ*, *Yāfiṯ* ўғли *Türk* ка бориб тақаладилар.

Булар *Rūm* авлодининг *İbrahīm* пайғамбар ўғли *İsḥaq*, *İsḥaq* ўғли *'Īyṣū* нинг *Rūm* га бориб тақалишига ўхшайди. Ҳар бир қабиланинг саноқсиз аллақанча уруғлари бор. Мен булардан асосини, она уруғларини ёздим, шаҳобчаларини ташладим. Фақат ўғуз туркманларининг майда уруғларини ҳам, уларнинг молларига қўйиладиган белгиларини ҳам ёздим, чунки одамларда буларни билишга эҳтиёж бор эди. Шарқдан бошлаб ҳар бир қабиланинг турар жойларини бирин-кетин тартиб билан кўрсатдим. *Rūm* дан кун чиқарга бўлган мусулмон ва бошқаларни зикр қилдим. *Rūm* га яқин биринчи қабила ***päčänäk***, сўнг ***qïwčaq***, сўнг ***oğuz***, сўнг ***yämäk***, сўнг ***bašğïrt***, сўнг ***basmïl***, сўнг ***qay***, сўнг ***yabaqu***, сўнг ***tatar***, сўнг ***qïrqïz*** келади. ***qïrqïz*** лар *Ṣīn* яқинидадирлар. Бу қабилалар ҳаммаси *Rūm* дан кун чиқаргача чўзилгандир. Сўнг ***čigil***, сўнг ***tuxsï***, сўнг ***yağma***, сўнг, ***ïğraq***, сўнг ***čaruq***, сўнг ***čumul***, сўнг ***uyğur***, сўнг ***taŋut***, сўнг ***xïtay***. ***Xïtay*** – *Ṣīn* дир. Сўнгра ***Tawğač***; бу *Māṣīn* дир.

Бу қабилалар Жануб ва Шимол ўртасидадир. Бу қабилаларнинг турар жойларини бу доирада[15] кўрсатдим.

---

[15] "Доира" деганда Маҳмуд Кошғарий асарга киритилган Ер харитасини кўзда тутмоқда. Фикримизча, харитани Кошғарийнинг ўзи тузган.

## Турк тили хусусиятларининг баёни

Энг тўғри ва аниқ тил фақат биргина шу тилни биладиган, форслар билан аралашмайдиган ва шаҳарларга бориш-келиш қиладиган одами бўлмаган кишиларнинг тилидир. [Улар] ***suğdaq***, ***känčäk***, ***arğu*** лар каби икки тилда сўзлашувчилардир; ***xotan*** ликлар, ***tüpüt*** лар ва ***taŋut*** ларнинг баъзилари каби икки тилда сўзлайдиганлар ва бошқа шаҳарларга бориб юрганлар тилида бузуқлик бор. Булар бу ерларга сўнгроқ келишган. Мен уларнинг ҳар бирларининг тилларини ўз ўрнида сўзлайман. Лекин ***čabarqa*** ликларнинг узоқда туриши, *Māṣīn* билан уларни катта денгиз айириб тургани учун уларнинг тиллари билинмайди.

*Māṣīn* ликлар ва *ṣīn* ликларнинг алоҳида тиллари бор бўлса ҳам, шаҳарликлар туркчани яхши биладилар, бизлар билан ёзишмалари туркчадир. *Yājūj* ва *mājūj* лар узоқда тургани, орада *Māṣīn* яқинидаги денгиз тўсқинлик қилиши натижасида уларнинг тиллари ҳам маълум эмас. *Tüpüt* ларнинг тиллари алоҳидадир. Шунингдек, *xotan* ликларнинг ҳам айрим ёзувлари ва айрим тиллари бор. *Tüpüt* ликлар ҳам, *xotan* ликлар ҳам туркчани яхши билмайдилар.

***Uyğur*** ларнинг тиллари туркчадир, лекин ўзлари бир-бирлари билан сўзлашадиган бошқа бир тиллари ҳам бор. Ёзувда китобнинг бош қисмида кўрсатилган 24 ҳарфли туркча ёзувни қўлловчилар, хатларини шу ёзув билан ёзадилар. ***Uyğur*** ларнинг ҳам, *ṣīn* ликларнинг ҳам яна бошқа бир ёзувлари бор. Китобларини, идора ишларини у хат билан юритадилар. *Ṣīn* ликлар ва мусулмон бўлмаганлардан бошқалар у хатни ўқий олмайдилар. Мен бунгача сўзлаганларим шаҳар халқларидир. Саҳройилардан бўлган ***čumul*** ларнинг тиллари алоҳидадир. [Улар] туркчани ҳам биладилар. Шунингдек, ***qay***, ***yabaqu***, ***tatar***, ***basmïl*** қабилаларининг ҳар бирининг тили ўзига хосдир. Шу билан бирга, улар туркчани ҳам яхши биладилар. Сўнгра ***qïrqïz***, ***qïwčaq***, ***oğuz***, ***tuxsï***, ***yağma***, ***čigil***, ***ïğraq***, ***čaruq*** тиллари фақат туркчадир. ***Yämäk*** ва ***bušğïrt*** тиллари буларга яқиндир. *Rūm* гача чўзилган ***bulğar***, ***suvar***, ***päčänäk*** лар тили бир хилдаги сўзларнинг охири қисқартирилган бир туркчадир.

Тилларнинг енгили ўғузча, энг тўғриси, яхшиси ***yağma***, ***tuxsï*** кабиларнинг тили ва, шунингдек, *Ïla* (Или), *Ertïš* (Иртиш), *Yamar*, *Etil* водийларидан ***uyğur*** шаҳарларигача бўлган жойларда яшовчилар тилидир. Буларнинг ичида энг очиқ ва равон тил – хоқония ўлкасида яшовчиларнинг тилидир. *Balasağun* ликлар суғдча ва туркча сўзлайдилар. *Tïrāz* (Талас) ва *Madīnatu-l-bayḍa* шаҳарларининг халқлари суғдча ҳам туркча сўзлайдилар. *Ïspïjāb* [Испижоб – ҳозирги Чимкент]дан то *Balasağun* гача бўлган ***arğu*** шаҳарларининг ҳаммасида яшовчиларнинг тилида ҳам камчилик бор. *Kāšğar* да канжакча сўзлашадиган қишлоқлар бор. Шаҳар ўртасида турувчилар хоқония туркчасида сўзлайдилар. *Rūm* дан *Māṣīn* гача бўлган турк шаҳарларининг ҳаммасининг бўйи беш мингдан саккиз минг фарсаҳгача етади. Бу шаҳарлар ўрнини аниқлаш мақсадида уларнинг ҳаммасини ер шаклидаги доирада кўрсатдим.

## Лаҳжаларда бўлган фарқлар ҳақида

Туб сўзларда ўзгаришлар кам бўлади. Сўзлардаги ўзгариш ҳарфларда, баъзи ҳарфларнинг алмашувида, тушувидадир. Масалан, *yā* билан бошланган от ва феълларнинг бош ҳарфини ўғуз ҳам қипчоқлар *alif* га ёки *jīm* га айлантирадилар. Чунончи, турклар “мусофир”ни ***yelkin*** десалар, улар [ўғузлар] ***elkin*** дейдилар; турклар ***yïlïğ suw*** десалар, улар ***ïlïğ (suw)*** дейдилар. Шунингдек, турклар “дур, марварид”ни ***yinčü*** десалар, ўғузлар ***jinčü*** дейдилар. Турклар “туянинг узун юнги”ни ***yuğdu*** десалар, улар ***juğdu*** дейдилар. Сўз ўртасида ёки охирида келган *yā* [*y*] ни арғулар *nūn* га алмаштирадилар. Масалан, турклар ***qoy*** (қўй) десалар, улар ***qon***

дейдилар. Турклар "камбағал"ни ***čïğay*** десалар, улар ***čïğan*** дейдилар. Турклар ***qayu näŋ*** (қайси нарса) десалар, улар ***qanu*** дейдилар.

Сўз бошидаги *mīm* ҳарфини ўғузлар, қипчоқ ва суворинлар *bā* га айлантирадилар. Масалан, турклар ***men bardïm*** десалар, улар ***ben bardum*** дейдилар. Турклар "шўрва"ни ***mün*** десалар, улар ***bün*** дейдилар. Сўздаги *tā* ни ўғузлар ва улар яқинидагилар *dāl* га айлантирадилар, чунончи, "туя"ни ***tewä*** десалар, ўғузлар ***dewä*** дейдилар. Турклар "тешик"ни ***öt*** десалар, улар ***öd*** дейдилар.

Туркий қабилаларнинг кўпгина сўзларидаги *dāl* ҳарфи ўғузларда *tā* бўлади. Масалан, "ханжар"ни турклар ***bügdä*** десалар, улар ***büktä*** дейдилар. "Жийда"ни турклар ***yigdä*** десалар, ўғузлар ***yigtä*** дейдилар. Шунга ўхшаш яна кўпгина сўзлар бор. Улар ҳаммаси шу асосдадир. Мен уларнинг ҳаммасини айтиб ўтирмадим.

*bā* билан *fā* махражлари орасидаги ڤ *w* ҳарфини ўғузлар ва уларга яқин турувчилар *و vāv* га айлантирадилар. Чунончи, турклар "уй"ни ***ew*** десалар, ўғузлар ***ev*** дейдилар. Турклар "ов"ни ***aw*** десалар, улар ***av*** дейдилар. Мен энг тўғри шаклларнигина бераман. Айрим қабилаларнинг тилларида ҳарфларнинг алмашиб келишини ўқувчининг ўзи шунга қиёс қилиб аниқлай олади.

*Yağma, tuxsï, qïwčaq, yabaqu, tatar, qay, čumul* ва ўғузлар ҳар вақт *zā* ни сўзда *yā* га айлантирадилар ва ҳеч маҳал *dāl* билан сўзламайдилар. Чунончи, улардан бошқалар "қайин дарахти"ни ***qaδïŋ*** десалар, бу қабилалар ***qayïŋ*** дейдилар ва ҳеч маҳал *dāl* билан сўзламайдилар. Бошқа қабилалар "қайни"ни, "яқинлар"ни ***qaδïn*** (қайнаға) десалар, булар ***qayïn*** дейдилар. *Čigil* ва бошқа туркий қабилалар тилида *dāl* билан айтилган сўзлар *qïwčaq, yämäk, suvar, bulğar* лар ҳамда русларга ва *Rūm* га қадар бориб тарқаладиган бошқа қабилаларда *zā* га алмаштирилади. Масалан, турклар "оёқ"ни ***aδaq*** десалар, улар ***azaq*** дейдилар. Чигил туркларн ***qarïn toδtï*** – қорин тўйди десалар, улар ***tozđï*** дейдилар. Бошқа от ва феълларда ҳам шунга қиёс қилиш керак. Хулоса қилиб айтганда, чигилларда *dāl* билан айтиладиган сўзлар *yağma, tuxsï*, ўғузларда ва *Šīn* га қадар чўзилган ерларда яшовчи баъзи арғуларда *yā* билан алмашади.

*Rūm* гача бўлган *qïwčaq* ва бошқа қабилаларда бу ҳарф *zā* га айлантирилади. Буларнинг ҳаммасини ўз ўрнида кўрсатамиз.

Сўз бошидаги ҳар бир *alif* [унли товуш]ни *xotan* ликлар, *käntäk* лар *hā* га алмаштирадилар. Биз уларни турклардан деб ҳисобламаймиз, чунки улар туркий сўзларда йўқ товушни киритганлар. Масалан, улар ***ata*** ни ***hata*** дейдилар; ***ana*** ни ***hana*** дейдилар. *rā* ҳарфи баъзан *lām* га алмашади. Бу ҳақда ўз ўрнида сўзланади. Баъзан *zā sīn* га *sīn zā* га алмашади. Булар ҳам қуйида келади.

Вақт отлари ва жой отларида қўлланувчи *ğayn* ҳарфини ўғузлар *alīf* га алмаштирадилар: ***barğu yer*** ўрнида ***barasï yer*** дейдилар. Турклар ***turğu oğur*** – "туриш вақти" десалар, ўғузлар ***turasï oğur*** дейдилар.

*qāf* ҳарфи *kāf* га ва *kāf* ҳарфи *qāf* га алмашади. Булар ўз жойида келади. Ҳарфлар алмашуви ҳақидаги маълумот шулардир.

Сўзларда ҳарф тушириш хусусиятига келганда, ўғуз ва қипчоқлар отлар ва ишнинг кўп қайта ишланганини билдирувчи феълларнинг ўртасида келган *ğayn* ни ҳамма ерда ҳам тушириб қолдирадилар. Масалан, "олақарға"ни турклар ***čumğuq*** десалар, улар бу сўздаги *ğayn* ни тушириб ***čumuq*** дейдилар. Турклар "томоқ (бўғиз)"ни ***tamğaq*** десалар, улар ***tamaq*** дейдилар.

Феълларга мисол: турклар “у киши уйига ҳадеб кетаверадиган” маъносида ***ol ewkä barağan-ol*** десалар, ўғузлар шу маънода ***ol (ewkä) baran-ol*** дейдилар. Турклар “у киши кулини ҳадеб ураверадиган” маъносида ***ol er qulïnï urağan*** десалар, ўғузлар шу гапдаги ***urağan*** сўзини ***uran*** деб талаффуз қиладилар.

Талаффузда енгиллик бўлсин учун ўғузлар отлардаги *kāf* (яъни, [*g*])ни ҳам туширадилар. Феълларда ҳам шу маънодаги сўзларда *ğayn* ўрнига алмашган *kāf* (яъни, [*g*])ни ҳам туширадилар.

Ҳамма туркий тилларда ҳам шу ёзилган қоидалар асосдир. Қўшимча қоидалар ўз ўрнида айтилади. Мен *ẓamma* ли, *fatḥa* ли, *kasra* ли сўзларни, яъни *alif* билан бошланган сўзларни китобимни ихчамлаштириш, қисқартириш, енгиллатиш мақсадида бир ерда бердим.



بسم الله الرحمن الرحيم

**[(Сўзимни (раҳмдил ва мехрибон Оллоҳнинг номи билан (бошлайман)]**

## БУ *HAMZA* БИЛАN БОШЛАНГАН ИСМЛАР[16] КИТОБИДИР

### ИККИ ҲАРФЛИ СЎЗЛАР БОБИ

ب ***p*** [ҳарфи]:

أَبْ ***ep // äp // ap*** **(эп // ап)** – таъкид ва кучайтириш кўмакчиси); бирор нарса жуда ошириб мақталса, ***ep еδgü näŋ*** дейилади, "жуда яхши нарса" демакдир. Жуда оқ, оппок нарсани ўғузчада ***ap-aq*** дейилади.

أَبْ ***ap*** **(ап)** – "йўқ, эмас, на" маъноларида қўлланадиган кўмакчи; ***ap bu ap-ol*** – на бу, на у; бу ҳам эмас, у ҳам эмас.

أَبْ ***äp // ap*** **(уп)** – ранг ҳақида қўлланадиган ошириш кўмакчиси. Чигилчада ***äp ürüŋ*** дейилади, "жуда оқ, оппоқ" демакдир.

أَبْ ***op-op*** **(ўп)** – эшакнинг оёғи тойиб кетганда ўрнидан турғазиш учун қўлланадиган сўз бўлиб, "тур-тур" деган маънони билдиради. Арабларнинг لعأ *la'an* деган сўзига тўғри келади.

أُبْ ***op*** **(ўп)** – жарангсиз *bā* билан; хирмон янчувчи ҳўкизларнинг етакчиси (арғуча).

ت ***t*** [ҳарфи]:

أَتْ ***at*** **(ат)** – от; йўғон талаффуз қилинадиган *alif* билан. Мақолда (шундай келади): ***Quš qanatïn, er atïn.*** Маъноси: "Қуш қаноти билан, эр оти билан".

أَتْ ***et*** **(эт)** – ингичка талаффуз қилинадиган *alif* билан; эт, гўшт.

[أَتْ ***et*** (эт)] ***et yer*** – юмшоқ ер, юмшоқ тупроқ.

أُتْ ***ot*** **(ўт)** – ўт, ўсимлик; ***ot ündi*** – ўт унди, ўт ўсди.

أُتْ ***ot*** **(ўт)** – ҳайвонлар ейдиган ҳар турли ўт, хашак; ***atqa ot bergil*** – отга ўт [хашак] бергил.

أُتْ ***ot*** **(ўт)** – дори, даво; ***ot ičtim*** – дори ичдим; "табиб" маъносидаги ***otačï*** сўзи шу сўздан ясалган.

أُتْ ***ot*** **(ўт)** – оғу, заҳар; ***beg aŋar ot berdi*** – бек унга заҳар берди.

إِتْ ***ït*** **(ит)** – ит, кўппак.

ج ***č*** [ҳарфи]:

أَجْ ***ač*** **(ач)** – "ҳой, ҳой, ҳе" маъноларида қўлланадиган ундов сўз; ***ač berü kel*** – ҳой, бери кел; ҳай, тез кел.

أَجْ ***üč*** **(уч)** – уч (сон); ***üč yarmaq*** – уч танга.

أَجْ ***Uč*** **(Уч)** – йўғон талаффуз қилинадиган *alif* билан; машҳур бир шаҳар оти.

أَجْ ***uč*** **(уч)** – тоғда ўсадиган дарахтлардан бири; туркларда қалам шу дарахтдан ясалади; бундан дуг, ҳасса ҳам қилинади.

إِچْ ***ič*** **(ич)** – ҳар нарсанинг учи.

[إِچْ ***ič*** **(ич)**] ***ič qur*** – ичдан боғланадиган белбоғ.

[إِچْ ***ič*** **(ич)**] ***ič söz*** – кўнгилдаги, дилдаги яширин нарса, сир.

[إِچْ ***ič*** **(ич)**] ***ič et*** – жигарга ёпишиб турадиган нозик эт.

ر ***r*** [ҳарфи]:

---

[16] Яъни *alif* билан бошланувчи отлар.

اِرْ ***er*** **(эр)** – эр, эркак. Бу сўзни кўпликда ***erän*** шаклида ҳам қўллайдилар. Лекин бу кам учрайдиган ҳол бўлиб, қоидага ҳам хилофдир. Чунки кўплик қўшимчаси [аслида] *-lar // -lär* тарзида бўлади.

اِرْ ***ïr*** **(ир)** – уялиш, изза бўлиш, ҳижолат тортиш маъноларида қўлланади; ***er ïr boldï*** – киши изза бўлди; киши уялди.

ز ***z*** [ҳарфи]:

اُزْ ***üz*** **(уз)** – ёғ; ***üzlüg mün*** – ёғли шўрва.

س ***s*** [ҳарфи]:

اُسْ ***us*** **(ус)** – ўғузчада ёмон ва яхшини бир-биридан фарқлаш; ***ol us boldï*** – у яхши-ёмонни айирди, фарқига етди.

اَسْ ***es*** **(эс)** – йиртқич ҳайвонларга теккан парча гўшт; ўлимтик.

اُسْ ***us*** **(ус)** – карсак қуши; бургут. (Шоир) шундай деган:

***Keldi meŋä tat,***
***Aydïm emdi yat.***
***Qušqa bolup et,***
***Seni tilär us, böri.***

Айтмоқдаки: "Менга бир тот (ҳужум қилиб) келди; унга мен: энди қушларга ем бўл, қушлар, қуртлар сени қутаётирлар деб (уни ўлдирдим)". [Менинг олдимга бир уйғур кофири (ҳужум қилиб) келди. Мен: сени йиртқичлар, бўрилар бурдаласин, қушларга ем бўл, деб уни ўлдирдим].

ش ***š*** [ҳарфи]:

اُشْ ***uš*** **(уш)** – шундай, худди; ***uš mundağ qïl*** – худди шундай қил.

اُشْ ***uš*** **(уш)** – ҳозиргина, шу онда; ***uš keldüküm bu*** – ҳозиргина келиб турганим.

اُشْ اُشْ ***oš-oš*** **(ўш-ўш)** – "уш-уш" ёки "ҳуш-ҳуш"; хўкизни суғоришда қўлланадиган сўз.

اُشْ ***öš*** **(ўш)** – ҳар қандай дарахт, шох, бутоқнинг ўртаси, ўзаги; ***möŋüz öši*** – шох (мўнгиз) ўртаси; шунингдек, қуш ва отларнинг дум суякларига ёки дум чиқадиган ўринларига ҳам ***öš*** дейилади.

اِشْ ***ïš*** **(иш)** – ис, чироқ иси ва деворлардаги тутун иси, қуруми; ***ton ïš boldï*** – тўн исланди, кирланди.

ق ***q*** [ҳарфи]:

اُقْ ***oq*** **(ўқ)** – ўқ.

اَقْ ***oq*** **(ўқ)** – тўсин ёки хари; ***ew oqï*** – уй ўқи, болор, уйнинг тўсини.

اَقْ يِلاَنْ ***oq yïlan*** **(ўқ йилан)** – ўқ илон; ўзини одамга отувчи илон.

اَقْ ***oq*** **(ўқ)** – ер ва бошқа ҳиссаларни ажратишда ишлатиладиган чек (куръа).

اَقْ ***-oq*** **(-ўқ)** – феълларда таъкидни билдирувчи қўшимча; ***barğïl-oq*** – албатта, бор.

اَقْ ***-oq*** **(-ўқ)** – ҳолга яқин маъно берувчи бир қўшимча (юклама); ***baya-oq keldim*** – бояёқ келдим, яъни бу соатдан олдинроқ келдим; ***emdi-oq aydïm*** – ҳозир, ҳозироқ айтдим; ҳозиргина айтдим.

اِقْ ***ïq*** **(иқ)** – нафас олиш қийинлиги, чунончи, муздек сув ичиб, устидан нон егандан кейин нафас олиш қийинлашиб, тўсатдан кўкракдан чиқадиган ўқчиқ, ҳиқичоқ; ***anï ïq tuttï*** – уни ҳиқичоқ тутди.

ل ***l*** [ҳарфи]:

اُلْ ***ol*** **(ўл)** – "у" англамида; ***ol andağ aydï*** – у (киши) шундай деди.

اُلْ ***ol*** **(ўл)** – у (ишорат); ***ol er*** – у киши.

اُلْ ***-ol*** (**-ўл**) – от ва феълларга қўшиладиган таъкид қўшимчаси; ***ol meniŋ oğlum-ol*** – у ҳақиқатан менинг ўғлимдир; ***ol ewkä barmïš-ol*** – у уйга ҳақиқатан боргандир.

م ***m*** [ҳарфи]:

اَمْ ***em*** (**эм**) – эм, даво, дори; даволовчига ***emči*** дейилиши шундан.

اَمْ ***am*** (**ам**) – хотинлар аврати (ўғуз ва қипчоқларда).

اُمْ ***üm*** (**ум**) – иштон, лозим, шалвар.

اِمْ ***im*** (**им**) – шоҳ аскарларига қўйилган (тайинланган) яширин белги, пароль; бу белги қуш ёки қурол номи ёки бирор сўздан иборат бўлиши мумкин; тўқнашганда уни айтиб ўзларини танитадилар. Мақолда (шундай келган): ***İm bilsä, er ölmäs.*** Маъноси: "Им билса, эр ўлмас" [Киши яширин белгини билса, ноҳақ ўлмайди].

ن ***n*** [ҳарфи]:

اُنْ ***ün*** (**ун**) – ун, товуш; бу сўзни اُونْ ***ün*** тарзида чўзиброқ талаффуз қилиш ҳам мумкин.

## Бу бўлимнинг *muḍā'af* лари

اَرَّ ***ärrä*** (**арра**) – сийдик; бу сўзни эшаклар жуфтлашиш вақтида икки-уч марта айтилади; сўнг улар жуфтлашадилар. Бу сўзда арабчага ўхшашлик бор, чунки арра арабча *jamā'* маъносида.

اُرَّ ***urra*** (**урра**) – эркаклардаги "чурра, дабба" (ўғузча).

اِرَّ ***ïrra*** (**ирра**) – изза, уялиш; бу сўз икки *rā* билан ***ïrra***, шунингдек, бир *rā* билан ***ïra*** деб ҳам талаффуз қилинади.

## Бу бўлимнинг тўрт ҳарфлилари

اَ اُ اِ ***a:*** (**а:**) – ҳайронлик ва таажжубни билдирувчи сўз; ***ol meni a: qïldï*** – у мени ҳайрон қилди, таажжубда қолдирди.

اُدُو ***uду*** (**уду**) – уйқу; ***uдïdïm*** – ухладим; бу ерда *vāv* ҳарфи *ḍamma* (*u*) билан *kasra* (*ï*) орасида келгани учун тушириб қолдирилган.

اُوَا ***ova*** (**ўва**) – чақирувчига жавобан, жавоб тариқасида "ҳа" деб айтилган сўз. "Эй Муҳаммад" деб чақирганда чақирилувчининг ***ova*** – "ҳа, лаббай?" деган жавоби, "нима дейсиз?" деганидир.

اُوقَا ***uqa*** (**уқа**) – кафиллик, кафолат; ***men anï uqa aldïm*** – мен уни кафилликка олдим; мен унга кафил бўлдим.

اَوْ ***av*** (**ав**) – йўғон талаффуз қилинадиган *alif* билан; буюрувчининг буйруғини писанд қилмаслик, бўйсунмаслик ўрнида қўлланувчи "а?", "нима деяпсиз?", мазмунидаги ёрдамчи сўздир.

اَىْ ***ay*** (**ай**) – тўқ сариқ рангдаги бир ипак кийимлик.

اَىْ بِتِكِى ***ay bitigi*** (**ай битиги**) – аскарларнинг оти ва озиғи ёзилган дафтар.

اِىْ ***ey*** (**эй**) – ***av*** сўзи каби буйруқни менсимасликни, инкор қилишни билдирадиган бир сўз.

## Бу бўлимнинг *ğunna* лари

اَنڭْ ***eŋ*** (**энг**) – юз яноғи; ***qïzïl eŋ*** – қизил юз яноғи.

اَنڭْ ***aŋ*** (**анг**) – қуш оти; унинг ёғидан дори сифатида фойдаланилади. Агар ёғи кафтга суртилса, кафтнинг оркасига ҳам ёйилиб кетади.

أنڭ ***aŋ*** **(анг)** – “йўқ” ёки “эмас” маъносида (ўғузча). Бирон юмушга буюрилганда, буюрилган киши ***aŋ-aŋ*** дейди. Бу “йўқ-йўқ” демакдир.

أنڭ ***öŋ*** **(ўнг)** – олд; ***ol mendä(n) öŋdün bardï*** – у мендан олдин борди.

أنڭ ***öŋ*** **(ўнг)** – ранг; бир нарсанинг ранги; ***yašïl öŋlüg ton*** – яшил рангли кийим.

أونڭ ايش ***oŋ iš*** **(ўнг иш)** – осон иш, қулай иш. Бу сўз ***oŋay*** сўзининг қисқартирилгани.

[أنڭ ***oŋ*** **(ўнг)** – ўнг] ***oŋ elig*** – ўнг қўл, соғ қўл (чигилча).

Икки ҳарфлилар тугади.

**БУ УЧ ҲАРФЛИЛАР БОБЛАРИДИР**

***fa’l, fu’l, fi’l*** **қолипларидаги ўрта ҳарфи *sukun* ли сўзлар**

ب ***p*** [ҳарфи]:

ألپ ***alp*** **(алп)** – алп, ботир, қаҳрамон. Мақолда (шундай келади): ***Alp yağïda, alčaq čoğïda*** Маъноси: “Ботир ёв билан тўқнашганда (олишганда), ювош тиришишда синалади”. Бу сўз қуйидаги парчада ҳам келган:

***Alp Er Toŋa öldimü?***
***Esiz, ažun qaldïmü?***
***Öδläk öčin aldïmu?***
***Emdi yüräk yïrtïlur.***

Маъноси: *Alp Er Toŋa = Afrāsiyāb* ўлдими? Эсиз, дунё (ундан айрилиб) қолдими? Фалак ундан ўчини олдими? Энди юраклар яраланмоқда [Алп Эр Тўнга ўлдими? Эсиз, дунё ундан айрилиб қолдими? Замона ундан ўчини олдими? Энди (уни эслаб) юраклар қайғу чекмоқда].

ت ***t*** [ҳарфи]:

أرتْ سَچ ***art sač*** **(арт сач)** – орқа соч, гардан мўйи, чунки ***art*** “орқа; бўйин” демакдир.

أرتْ ***art*** **(арт)** – тоғ тепаси. Мақолда (шундай келади): ***Ermägükä ešik art bolur.*** Маъноси: “Ялқовга эшик остонаси ҳам тоғ тепасидек кўринади” демакдир.

أرتْ ***urt*** **(урт)** – игна тешиги.

أرتْ ***ört*** **(ўрт)** – ўт; ёнғин.

أستْ ***ast*** **(аст)** – тор йўл; тор кўча (чигилча).

د ***d*** [ҳарфи]:

أندْ ***and*** **(анд)** – онт, қасам; ***anδïq*** – қасам ич.

ق ***q*** [ҳарфи]:

أرقْ ***arq*** **(арқ)** – чиқит, чиқинди; ***temür arqï*** – темир чиқиндиси.

أرقْ ***urq*** **(урқ)** – ***uruq*** сўзининг қисқартирилган шакли (ўғузча). Арабча عنقْ *'unuq,* عنقْ *'unq* сўзлари каби.

ارقْ ***ïrq*** **(ирқ)** – мўлжал қилиш, фол очиш, бировнинг қўнглидагини айтиш.

ك ***k*** [ҳарфи]:

أركْ ***erk*** **(эрк)** – эрк; подшолик ва буйруқ ўткирлиги.

أركْ ***örk*** **(ўрк)** – қорамолларнинг бошвоғи ва от оёгининг боги (тушов).

إركْ ***irk*** **(ирк)** – қўй; тўрт ёшга қадам қўйган қўй.

إلكْ ***ilk*** **(илк)** – олдин, аввал; ***ilk sen barğïl*** – олдин сен бор.

**Уч ҳарфлиларнинг *manqūṣ* лари**

ب ***p*** [ҳарфи]:

**اوپ** ***op-op*** **(ўп-ўп)** – бирон ишда ҳовлиқиб ва мақтаниб, сўнг уни исботлашдан ожиз қолганларга ***op-op*** дейдилар.

**ت** ***t*** [ҳарфи]:

**اوت** ***ot*** **(ўт)** – ўт, олов. Мақолда (шундай келади): ***Ot tesä, ağïz küymäs.*** Маъноси: "Ўт" деган билан оғиз куймайди" демакдир. Бу мақол сўзлашдан тортинганларга нисбатан ишлатилади.

**اوت** ***öt*** **(ўт)** – девор ва тахта тешиги; *vāv* ҳарфи ингичка [*ö* тарзида] талаффуз этилади.

**اوت** ***öt*** **(ўт)** – аччиғлиқ, ўт қопчаси; *vāv* ҳарфи юқоридагидан ҳам ингичка талаффуз этилади.

**چ** ***č*** [ҳарфи]:

**اوچ** ***öč*** **(ўч)** – ўч, интиқом, кек. (Шоир) шундай деган:

***Öč-kek qamuğ kišiniŋ yalïŋuq üzä alïm bil,***
***Edgülügüg uğanča eligiŋ bilä telim qïl.***

Айтмоқдаки: Ўч, кек деган нарсалар одамга қарз кабидир. Буни бил-да, кучинг етганча қўлинг билан кўп-кўп яхшилик қил [Ўч, кек деган нарсалар одамга қарз кабидир, олмай қўймаслар, ундан чекин. Шуни бил-да, мусофирларга, бегоналарга кучинг етганича, қўлингдан келганча яхшилик қил].

**اوچ** ***uč*** **(уч)** – нарсанинг учи; ***butaq učï*** – бутоқнинг учи, шохнинг учи.

[**اوچ** ***uč*** **(уч)**] ***Uč el*** – чегара, эл, мамлакат чегарасидаги вилоят.

**اوچ** ***uč*** **(уч)** – бирор нарсанинг тугалланиши, битиши (ўғузча). ***Boyda nä uč bar,*** дейдилар. Маъноси: "Халқ (қавмда) шу қадар кўпки, унда тугаш йўқ" демакдир.

**د** ***d*** [ҳарфи]:

**اوذ** ***öð*** **(ўд)** – (*vāv* ҳарфи ингичка [*ö* тарзида] талаффуз этилади); замон, давр. Мақолда (шундай келган): ***Öð kečar, kiši tuymas, yalïŋuq oğlï mäŋgü qalmas.*** Маъноси шундай: "Замон кечар, киши туймас, инсон боласи мангу қолмас".

**اوذ** ***ud*** **(уд)** – сигир (чигилча). Туркларнинг қабул қилган ўн икки йилидан бирига ҳам ***ud yïlï*** (сигир йили) дейилади.

**ر** ***r*** [ҳарфи]:

**اوزاث** ***or at*** **(ўр ат)** – тўқ қизил ва сариқ ранглар орасидаги от.

**اوز** ***ör*** **(ўр)** – (*vāv* ҳарфи ингичка [*ö* тарзида] талаффуз этилади): кафтан ёки камзулнинг қўлтиқ ости қисми.

**ایر** ***er*** **(эр)** – тешиш ускунаси.

**ایر** ***er*** **(эр)** – ер; баъзи тил(лар)да ***yer*** ҳам дейди.

**ز** ***z*** [ҳарфи]:

**اوز** ***üz*** **(уз)** – (ингичка талаффуз этиладиган унли [яъни, *ü*] билан): ёғ; ***üzlüg aš*** – ёғли ош; ёғли овқат.

**اوز** ***üz*** **(уз)** – сағир; ***üz kiši*** – сағир киши.

**اوز** ***öz*** **(ўз)** – ўз; ўзи. (Шоир) шундай деган:

***Körklüg tonuğ özüŋkä,***
***Tatlïğ ašïğ aðïnqa,***
***Tutğïl qonuq ağïrlïğ,***
***Yaðsun čawïŋ boðunqa.***

Айтмоқдаки: Кўркли кийиминг ўзингга, тотли овқатингни бировга илин. Қўноқларни хурматла, токи довруғинг эл-юртга таралсин [Чиройли кийимни ўзинг кий, ширин таомингни бошқаларга тут. Меҳмондўст бўл, токи шуҳратинг оламга ёйилсин].

اُوز ***öz*** (**ўз**) – дара, тоғлардаги водий; буни ***tağ özi*** (тоғ дараси) ҳам дейдилар.

[اُوز ***öz*** (**ўз**)] ***öz kiši*** – яқин одам; ***bu biznіŋ öz kiši-ol*** – бу бизнинг яқин кишимиз.

اُوز ***öz*** (**ўз**) – юрак ва қоринга тегишли аъзолар; ***özüm ağrïdï*** – қорним [яъни, ичим] оғриди.

اُوز ***öz*** (**ўз**) – дарахтнинг ўзаги; ***yïğač özi*** дейдиларки, "хурмо ва бошқа дарахтларнинг ёғи" демакдир.

اُوز كشى ***uz kiši*** (**уз киши**) – қўли ишга қовушадиган, ўз ҳунарига моҳир киши.

[اُوز ***öz*** (**ўз**)] ***öz qonuqï*** – гавда ичида ҳаракат қиладиган нарса, руҳ. (Шоир) шундай деган:

***Bardï közüm yaruqï,***
***Aldï özüm qonuqï.***
***Qanda erinč qanïqï,***
***Emdi udïn uδğurur.***

Айтмоқдаки: Кўзимнинг нури кетди, менинг руҳимни ҳам олиб кетди. У ҳозир қаерда экан? Энди мени уйқудан уйғотади [Кўзимнинг қорачиғи (суюклигим) кетди. У менинг руҳимни ҳам ўзи билан олиб кетди. Энди у қаерда экан? Унинг йўқлиги учун уйқум ҳаловатсиз, уйқуга йўл бермайди].

ش ***š*** [ҳарфи]:

اِيشْ ***iš*** (**иш**) – иш; ***ne išіŋ bar?*** – нима ишинг бор?

اِيشْ ***eš*** (**эш**) – эш; ўртоқ; ҳамроҳ; жини бор, алоҳида табиатли кишиларга ҳам ***ešlig*** дейилади. (Шоир) шундай деган:

***Anïŋ išïn kečürdüm,***
***Ešin yemä qačurdum.***
***Ölüm otïn ičürdüm,***
***Ičti bolup yüzi türün.***

Айтмоқдаки: Унинг ишини битирдим, ҳамроҳини ҳам қочирдим. Ўлим оғусини ичирдим, юзини буриштирган ҳолда ичди [Уни ўлдириб, ишини бартараф қилдим ва шеригини ҳам қочирдим. Ўлим шарбатини тоттирдим, юзини буриштирган ҳолда ичди].

غ ***ğ*** [ҳарфи]:

اُوغ ***oğ*** (**ўғ**) – чодирнинг [ўтовнинг] юқори қисмида бўлган увуқлар [яъни, чодир ёғочлари].

ق ***q*** [ҳарфи]:

اُوق ***oq*** (**ўқ**) – мерос улуши; ***aŋar bir oq tegdi*** – унга меросдан бир улуш тегди.

ك ***g*** [ҳарфи]:

اُوگ ***ög*** (**ўг**) – ақл ва зийраклик. Ёши улуғ ва ақллиларга ***ögä*** лақаби берилади. Бу сўз ўрта ёшга етиб, улғайган ҳар бир ҳайвонга нисбатан ҳам ишлатилади. Шунингдек, тўрт ёшдан ошган отларга ***ög at*** дейдилар.

اِيگ ***ig*** (**иг**) – дуг; шу маънода бу сўз ***yig*** ҳам дейилади.

اِيگ ***ig*** (**иг**) – касаллик.

ل ***l*** [ҳарфи]:

اُولْ ***ul*** (**ул**) – девор ва уйларнинг пойдевори; ***tam ulï*** – девор ости, девор пойдевори.

[اُولْ ***öl*** (**ўл**)] ***öl näŋ*** – ҳўл нарса; ***öl ton*** – ҳўл, нам кийим. Ўғузлар буни билмайди.

اِيلْ ***el*** (**эл**) – эл, вилоят; ***beg eli*** – бек эли, бек вилояти.

اِيلْ ***el*** (**эл**) – очиқлиқ, бўшлиқ; ***qapuğ eli*** – эшик ёнидаги бўш жой, очиқ майдон.

اِيلْ ***el*** (**эл**) – бир турли от номи, чунки от туркларнинг қанотидир. Отбоқарни ***el baši*** дейдилар. Бу "вилоят бошлиғи" демакдир. Лекин бундан "отбоқар"ни тушунадилар.

اِيلْ ***el*** (**эл**) – икки шоҳ орасидаги келишув, ярашув; ***iki beg birlä el boldï*** – икки бек бир-бири билан ярашди.

[اِيلْ *il* (**ил**)] ***il kiši*** – паст одам; бахил киши.

اِيلْ قُوشْ ***il quš*** (**ил қуш**) – қузғун.

م ***m*** [ҳарфи]:

[أُومْ ***um*** (**ум**) – меъда бузуқлиги] ***er um boldï*** – кишининг меъдаси бузилди; кўп гўшт ейишдан кишининг меъдаси бузилди.

ن ***n*** [ҳарфи]:

أُونْ ***on*** (**ўн**) – ўн.

أُونْ ***ün*** (**ун**) – ун, товуш (чўзиқ ва қисқа талаффуз қилиш ҳам мумкин).

أُونْ ***un*** (**ун**) – ун.

[اِينْ ***en*** (**эн**)] ***en yer*** – ўнқир-чўнқир ер; ***en yoq*** – паст-баланд жой, дейилиши шундан.

اِينْ ***en*** (**эн**) – эн, ҳар бир нарсанинг эни; ***bu böz eni neča?*** – бу бўзнинг эни қанча?

اِينْ ***in*** (**ин**) – ин; шер, тулки ва бошқа йиртқичлар уяси; ***yin*** шакли ҳам бор.

اِينْ ***in*** (**ин**) – қўй қийи; бу сўзнинг ***yin*** шакли ҳам бор.

**Бу бобдаги тўрт ҳарфлилар**

ي ***y*** [ҳарфи]:

أُويْ ***oy*** (**ўй**) – ердаги чуқурлик, ўйдим-чуқур.

[أُويْ ***oy*** (**ўй**)] ***oy at*** – қора от.

Ўрта ҳарфи *sukun* ли сўзлар тугади.

***fa'al, fa'ul, fa'il*** **каби ўрта ҳарфи ҳар хил шаклда қўлланувчи сўзлар бўлими**

ت ***t*** [ҳарфи]:

[أَدْتْ ***aδut*** (**адут**)– кафт; бир кафтга сиғарли] ***bir aδut nänŋ*** – бир кафт нарса.

[أُرْتْ ***orut*** (**ўрут**)] ***orut ot*** – бир йил турган ўт; қуруқ хашак.

أُچْتْ ***öčüt*** (**ўчут**) – ўч, қасос; душманлик; бу сўзнинг асли ***öč*** дир.

أُغْتْ ***uğut*** (**уғут**) – бўза тайёрлашда ишлатиладиган ачитқининг оти. Бу кўп дорилардан иборатдирки, унлари ундирилган арпа уни билан аралаштирилади. Кейин қориштирилиб, ғўлакларга ўхшатиб кесилади, сўнг қуритилади. Кейин буғдой ва арпани қайнатилади. Ўша хамир ўғитни (ғўлакни) янчиб, ҳар бир буғдойга бир бўлакдан сепилади, сўнгра қайнатилган буғдойни тоза бир нарсага ўраб, уч кунгача димлаб қўйилади. Шундан кейин хумга солинади ва етилгунча ўн кун қўйилади. Сўнг устига сув қуйиб сузилади. Бу буғдой шароби [бўза]дир.

أَڤْتْ ***ewät*** (**эват**) – "тўғри; маъқул" деган маънони англатувчи сўз. Бу сўзнинг уч хил талаффузи бор: ягмо, тухси, қипчоқлар ***ewät***, ўғузлар ***emät*** ёки ***evät*** дейдилар. Бошқа турклар эса ***yemät*** дейдилар.

أَقْتْ ***uwut*** (**увут**) – уялиш, ҳаё.

أَقْتْ ***owut*** (**ўвут**) – таомга ёки подшо ҳузурига чақириш.

أَكِتْ ***egit*** (**эгит**) – ярадан, шунингдек, кўз тегишидан сақлаш учун болаларнинг юзига суртиладиган бир дори. Бу дори заъфаронга бир қанча нарсалар қўшиб тайёрланади.

أُكْتْ ***ögüt*** (**ўгут**) – ўгит, насиҳат. (Шоир) шундай деган:

***Alğïl ögüt mendin, oğul, erdäm tilä,***
***Boyda uluğ bilgä bolup, bilgiŋ ülä.***

Айтмоқдаки: Ўғил, мендан ўгит ол, фазилат тила. Эл-юрт орасида улуғ олим бўл, илмингни тарқат [Эй ўғлим, мендан ўгит ол, одабли ва тарбияли бўлишга интил. Эл ичида кучли олим бўлиб танил, унинг орасида илмингни тарқат].

اُگِتْ ***ügit*** **(угит)** – буғдой ва шунинг кабиларни янчиш.

اُگِتْچِی ***ügitči*** **(угитчи)** – бугдой ва бошқа донларни янчувчи кимса, тегирмончи.

اَگَتْ ***egät*** **(эгат)** – никоҳ кечаси келин ёнида хизмат қилувчи хотин, янга.

اِیگِتْ ***igit*** **(игит)** – ёлғон (ўғузча); ***igit söz*** – ёлғон сўз.

اُلُتْ ***ölüt*** **(ўлут)** – бир-бирини ўлдириш. Ўлдирувчи кимсани ***ölütči*** дейилади.

[اُلُتْ ***ölüt*** **(ўлут)**] ***ölüt er*** – куч-қуввати кетган катта ёшли киши.

ج ***č*** [ҳарфи]:

[اَتَچْ ***atač*** **(атач)**] ўзини катта кишилардек улуғсифат (кекса-қари) қилиб кўрсатувчи болага ***atač oğul*** дейилади.

اَتِچْ ***etič*** **(этич)** – болалар ёнғоқ ўйнайдиган чуқурча.

اِشِچْ ***ešič*** **(эшич)** – қозон. Бу сўз куйидаги мақолда ҳам келган:

***Ešič ayur: tübüm altun.***

***Qamïč ayur: men qayda-men / qanda-men?***

Маъноси: Қозон айтур: тубим олтин. Чўмич айтур: мен қайдаман [Қозон: "Тубим олтин", деб мақтанса, чўмич: "Ундай бўлса, мен қайдаман?" – дейди].

Бу масал кимлигини (ҳамма яхши) билади-ю, (лекин) танишлар олдида мақтанувчи кишига қарата айтилади.

اَگَچْ ***egäč*** **(эгач)** – ўзининг ортиқ зийраклиги билан одамларга худди ўз синглисидек туюлувчи ёш қиз; бу сўз ёш қизларни севиш, эркалаш учун қўлланади.

اَمَچْ ***amač*** **(амач)** – нишон, мўлжал.

اَمَچْ ***amač*** **(амач)** – омоч, омоч-бўйинтуруқ; деҳқончилик асбобларидан.

اُلِچْ ***ulič*** **(улич)** – болаларни севиб, эркалаб айтиладиган сўз; ***ulïčïm*** – ўғилчам, қарағим (қарлуқча).

اَنَچْ ***anač*** **(анач)** – она қиз, яъни ўзининг зийраклиги билан ҳамманинг онасидек бўлиб қолган ёш қиз. Бу сўз қизларни эркалаш учун айтилади.

اُنُچْ ***enüč*** **(энуч)** – кўзга тушган парда, нохина.

ر ***r*** [ҳарфи]:

اَغِرْ ***ağïr*** **(ағир)** – оғир, ҳар нарсанинг оғири. Халқ ёки бек томонидан ҳурмат қилинадиган кишига ***ağïrlïğ kiši*** деб айтилади; ***Täŋri meni ağïrladï*** – Худо мени сийлади, қадрлади; ***ağïr aδaq amruldï*** – оғир оёқ кечадан бир мунча муддат ўтгандан кейин тўхтади дейилмоқда, яъни "оғир оёқли киши секин ва суст юрса ҳам манзилга етади" деган маънода.

[اَغِرْ ***ağïr*** **(ағир)**] ***ağïr näŋ*** – нархи баланд нарса, қимматбаҳо нарса.

[اُغُرْ ***uğur*** **(уғур)**] ***uğur at*** – пешонасида оқи бор (қашқа) от; бу сўз ҳам шаклан, ҳам мазмунан арабчага мос; фақат бу сўзнинг бош ҳарфи арабчада *fatḥa* ли (*a*), туркчада *ẓamma* ли (*u*) дир.

اُغُرْ ***oğur*** **(ўғур)** – вақт; ***ne oğurda keldiŋ?*** – қай вақт келдинг?

اُغُرْ ***oğur*** **(ўғур)** – давлат, даргоҳ; ***beg oğurïnda meniŋ išïm etildi*** – бек давлатида (даргоҳида) менинг ишим ўнгланди.

اُغُرْ ***oğur*** **(ўғур)** – ишнинг ўрнида бўлиши, жойида, вақтида бўлиши; ***bu iš oğurluğ boldï*** – бу иш вақтида бўлди.

اُغُرْ ***oğur*** **(ўғур)** – бадал, эваз; ўринма-ўрин, бошма-бош; ***atqa oğur aldïm*** – от эвазига [бошма-бош] олдим (ўғузча).

أغز ***oğur*** (**ўғур**) – яхши ва муваффақиятли; хайрли; бу сўз фақат сафарга ёки сафарга чиқувчига нисбатан қўлланади: ***yol oğur bolsun*** – сафар бехатар бўлсин.

أكر ***egir*** (**эгир**) – ийир, қорин оғриғини даволаш учун қўлланадиган ўсимлик. Бу сўз ушбу мақолда келган: ***Egir bolsa, er ölmäs.*** Маъноси: "Ийир бўлса, киши ўлмайди" [Кишининг ёнида ана шу дори бўлса, ўлимдан сақланади]. Чунки қорин оғриғига дучор бўлган одам уни еса, тузалади. Бу мақол ҳар ишга олдиндан ҳозирланиш керак, деган маънода қўлланади.

أكر ***ügür*** (**угур**) – тариқ. Бу сўз – туркча; ўғузлар билмайдилар.

[أكر ***ögür*** (**ўгур**)] ***yağ ögüri*** – кунжут (ўғузча).

أكر ***ügür*** (**угур**) – пода; қўй, эчки, кийик; ёввойи ўрдакнинг кичик хили – чуррак дейилган қуш; туялар подасига нисбатан ҳам қўлланади.

أمر ***emir*** (**эмир**) – туман; булут (ўғузча).

ز z [ҳарфи]:

أبز ***opuz*** (**ўпуз**) – қаттиқ ер; ***oy opuz*** – паст ва саҳроли ер.

أتز ***atïz*** (**атиз**) – икки дара орасидаги чегара.

[أجز ***učuz*** (**учуз**) – жўн; арзон баҳо] ***učuz näŋ*** – арзон нарса. Ҳар бир тубан, паст нарсага ***učuz*** дейдилар. ***beg anï učuzladï*** – бек уни ерга урди, хўрлади.

أدز ***uδuz*** (**удуз**) – қўтир. Мақолда (шундай келган): ***Tilkü öz inikä ürsä, uδuz bolur.*** Маъноси: "Тулки ўз инига қараб улиса [ирилласа, ҳурса], қўтир бўлади". Бу мақол ўз элини, уруғини ва мамлакатини ёмонловчиларга қарата айтилади.

أذيز ***eδiz*** (**эдиз**) – баланд ер ва бошқа баланд нарсалар.

[أذيز ***eδiz*** (**эдиз**)] ***eδiz tağ*** – баланд тоғ ёки ошиб ўтиш мумкин бўлмаган тоғ.

أغز ***ağuž*** (**ағуз**) – оғиз; оғиз сути; бу сўз охиридаги товуш ***z̄ā*** билан ёки ***žā*** билан ёзилиши ҳам мумкин.

أغز ***ağïz*** (**ағиз**) – ариқ оғзи; чарм идиш ёки қовғанинг оғзи; хум оғзи; қудуқ оғзи.

أغز ***ağïz*** (**ағиз**) – одам ва ҳайвонлар оғзи. Мақолда шундай келади: ***Ağïz yesä, köz uyaδur.*** Маъноси: "Оғиз еса, кўз уялур". Бу мақол бировнинг бирор нарсасини еганлар унинг ҳожатини чиқаришдан тортиниши мумкин эмаслигини кўрсатиш учун айтилади.

أغز ***oğuz*** (**ўғуз**) – туркларнинг бир қабиласи. Ўғузлар туркманлардир. Улар йигирма икки уруғдир. Уларнинг ҳар бирининг махсус белгилари, молларига мос тамғалари бордирким, уруғларни шу тамғаларига қараб айирадилар.

Биринчиси ва бошлиқлари ***qïnïq*** – қиниқлардир. Замонамизнинг хоқонлари шу қиниқлар уруғидандир. Молларининг тамғаси шундай:

Иккинчиси, ***qayïğ*** – қайиғлардир. Тамғаси шундай:

Учинчиси, ***bayundur*** – байундурлардир. Тамғаси шундай:

Тўртинчиси, ***ïwa*** – ивалардир. Уларни ***yïwa*** лар ҳам деб атайдилар. Тамғаси шундай:

Бешинчиси, ***salğur*** – салғурлардир. Тамғаси шундай:

Олтинчиси, ***awšar*** – авшарлардир. Тамғаси шундай:

Еттинчиси, ***begtili*** – бегтилилардир. Тамғаси шундай:

Саккизинчиси, ***bügdüz*** – букдузлардир. Тамғаси шундай:

Тўққизинчиси, ***bayat*** – байатлардир. Тамғаси шундай:

Ўнинчиси, ***yazğïr*** – йазғирлардир. Тамғаси шундай:

Ўн биринчиси, ***eymür*** – эймурлардир. Тамғаси шундай:

Ўн иккинчиси, ***qarabölük*** – қарабўлуклардир. Тамғаси шундай:

Ўн учинчиси, ***alqabölük*** – алқабўлуклардир. Тамғаси шундай:

Ўн тўртинчиси, ***igdär / igdir*** – игдарлардир. Тамғаси шундай: 

Ўн бешинчиси, ***ürägir*** – урагирлардир; ***yürägir*** – йурагир ҳам дейдилар. Тамғаси шундай:

Ўн олтинчиси, ***tutïrqa*** – тутирқалардир. Тамғаси шундай: 

Ўн еттинчиси, ***ulayundluğ*** – улайундлуғлардир. Тамғаси шундай:

Ўн саккизинчиси, ***tögär*** – тўгарлардир. Баъзан *vāv* ҳарфи туширилиб, تُكز шаклида ҳам ёзадилар. Тамғалари шундай:

Ўн тўққизинчиси, ***päčänäk*** – пачанаклардир. Тамғаси шундай:

Йигирманчиси, ***čuvaldar*** – чувалдарлардир. Тамғаси шундай:

Йигирма биринчиси, ***čepni*** – чепнилардир. Тамғаси шундай:

Йигирма иккинчиси, ***čaruqluğ*** – чаруқлуғлардир. Буларнинг сони оз, тамғалари номаълумдир.

*Maḥmūd* (Кошғарий) айтади: Бу қабилаларни билишга кишиларнинг эҳтиёжи борлиги учун бирма-бир изоҳ бердим. Бу тамғалар уларнинг моллари ва подаларининг белгисидир. Моллари аралашиб кетганда ҳар қабила ўз молини шу тамғалардан айириб олади.

Булар асосий қабилалардир. Уларнинг ҳар бирининг аймоқлари бор. Қисқартиш учун уларни ёзмадим. Бу номлар қабилаларнинг энг қадимги боболарининг исмидир. Арабларда *Banu Salim,* яъни "Салим авлодлари", *Banu Xafāja,* яъни "Хафожа авлодлари" деб юритилгани каби. Булар ҳам қадимги оталарига нисбат бериб юритадилар.

أُغُز ***ögüz*** (**ўгуз**) – *Jayḥūn, Furāt* каби дарёларга берилган ном. Ўғузлар бу сўзни ўзларининг шаҳарлари жойлашган *Banākat* водийси маъносида қўллайдилар. Уларнинг кўчманчилари ҳам шу дарёнинг икки қирғоғига жойлашганлар. Турк мамлакатларидаги бир қанча бошқа дарёлар ҳам шу ном билан юритилади.

*Īla* (Ила) ва *Yawīnč* (Ёвинч) саҳролари орасидаги шаҳар ***İki ögüz*** деб аталади.

أُكز ***öküz*** (**ўкуз**) – ҳўкиз. Мақолда (шундай келган): ***Öküz aδaqï bolğïnča, buzağu basï bolsa yeg.*** Маъноси: "Ҳўкизнинг оёғи бўлгунча, бузоқнинг боши бўлган яхшироқ". Бу мақол "мустақиллик бўйсунишдан яхши" деган маънода қўлланилади.

س ***s*** [ҳарфи]:

أَوْس ***awus*** (**авус**) – мум (булғорча).

[أُولاس ***ulas*** (**улас**)] ***ulas köz*** – сузилган, ёқимли кўз; хумор кўз. (Шоир) шундай деган:

***Bulnar meni ulas köz,***
***Qara meŋiz, qïzïl yüz.***
***Anδïn tamar tükäl tüz,***
***Bulnap yana ol qačar.***

Айтмоқдаки: Бу хумор кўзли (севиклим) порлоқ юзидаги ёқимли қора холи билан мени асир қилади. Худди (гўзал) яноқларидан ширинлик томаётгандай мени асир қилади-да, сўнг мендан қочади [Мастона кўзли, кўркам юзли, коп-қора холли севиклим, ёноқларидан ёқимлилик томаётгандек мени асир қилади. Асир қилади-да, сўнг қочади].

**ш *š*** [ҳарфи]:

***öpüš*** (**ўпиш**) – ўпиш. Икки киши орасида.

***atïš*** (**атиш**) – отиш; отишма.

***Atïš / Ataš*** (**Атиш / Аташ**) – эркак кишиларнинг исмларидан.

***Utuš*** (**Утуш**) – эркак кишиларнинг исмларидан.

***ötüš*** (**ўтуш**) – (ингичка талаффуз этиладиган *alif* (*ӥ*) билан); ўйинда ютиш. Бу шундайки, болалар халқа (давра) бўлиб ўтирадилар. Болалардан бири ёнидаги бир болани туртади ва унга ***ötüš-ötüš*** дейди, яъни "ёнингдагини ҳам турт" дейди.

***itiš*** (**итиш**) – икки киши орасида ўзини қўл билан ҳимоя қилиш.

***öčäš*** (**ўчаш**) – ўчакишиш. Ушбу мисолда ишлатилган: ***ol meniŋ birlä öčäšdi*** – у мен билан ўчакишди.

***adaš*** (**адаш**) – дўст, ўртоқ.

***idiš*** (**идиш**) – қадаҳ; пиёла; яғмо, тухси, ямак, ўғуз ва арғулар тилида тос, обдаста, товоқ ва лаганларнинг ҳаммаси ***idiš*** деб юритилади.

***ariš*** (**ариш**) – ўриш; ***ariš arqaġ*** – ўриш-арқоқ деб қўлланилади.

***uruš*** (**уруш**) – талашиш, тортишиш; уришиш.

***aġïš*** (**ағиш**) – кўтарилиш.

***uğuš*** (**уғуш**) – қавм, қариндош.

***uwuš*** (**увуш**) – ушоқ, нарсанинг майда бўлаги; ***uwuš etmäk*** – ушатилган нон, бурдаланган нон.

***uquš*** (**уқуш**) – уқиш, англаш; идрок этиш; тушуниш; ***uqušluġ kiši*** – уқувли киши, фаҳм-фаросатли киши.

[***öküš*** (**ўкуш**) – кўп] ***öküš näŋ*** – кўп нарса; ҳар нарсанинг кўпи. Мақолда (шундай келган): ***Tirig esän bolsa, taŋ öküš körür.*** Маъноси: "Киши эсон [соғ] бўлса, қизиқ нарсаларни кўп кўради".

[***öküš*** (**ўкуш**)] ***öküš yïlqï*** – қайсар от, саркаш ҳайвон.

***alïš*** (**алиш**) – сувнинг ҳовузга қуйиладиган ўрни.

***Aluš*** (**Алуш**) – *Kāčğar* даги бир қишлоқ оти.

***alïš*** (**алиш**) – олиш, ҳисоблашиш; ***alïš-beriš*** – олиш бериш; оладиганни олиш, берадиганни бериш.

***ülüš*** (**улуш**) – улуш, ҳисса (*šīn* ҳарфи аслида *kāf* (яъни, [*g*]) дир).

***ülüg*** (**улуг**) – улуш, ҳисса; бу сўз охирида *kāf* (яъни, [*g*]) бўлиши асосдир. Бу араб тилида *kāf* нинг *šīn* га алмашиниши кабидир. Чунончи, Мажнуннинг فعيناشِ عيناها وجيدش جيدها мисрасидаги عيناش و جيدش сўзлари عيناک و جيدک ўрнида қўлланган.

***uluš*** (**улуш**) – қишлоқ (чигилча); *Balasağun* ва уларнинг юқори ёнидаги арғулилар тилида "шаҳар" демакдир. Шунинг учун *Balasağun* шаҳрини ***Quzuluš*** ҳам дейилади.

***ülüš*** (**улуш**) – халқ орасида "ҳисса", "тақсимлаш" ёки "улашмоқ". Сўз охирдаги *šīn* ҳарфи *kāf* (яъни, [*g*]) га алмашган. Чунончи, قد جعل ربّش تحتش سرّيًا ربّک و تحتک сўзлари ўрнида қўлланганда *šīn kāf* га алмашгани каби.

**ғ *ğ*** [ҳарфи]:

***ačïğ*** (**ачиғ**) – хон ёки шоҳнинг бахшишномаси, мукофоти; ***xan meŋä ačïğ berdi*** – хон менга мукофот берди.

***ačïğ*** (**ачиғ**) – ноз-неъматлар ичида яшаш, ноз-неъматлардан баҳраманд бўлиш; ***özüŋni ačïğlïğ tut*** – ўзингни яхши тут. Ноз-неъматлардан баҳраманд бўл, озиқлан, демакдир.

***ačïğ*** (**ачиғ**) – аччиқ; аччиқ бўлган ҳар бир нарса.

أَدْغ ***adïğ*** **(адиғ)** – айиқ. Мақолда (шундай келади): ***Awčï nečä al bilsä, adïğ anča yol bilir.*** Маъноси: "Овчи қанча ов ҳийлаларини билса, айиқ ҳам шунча қочиш йўлларини билади". Бу мақол икки тажрибали киши ўзаро тортишиб қолганда айтилади.

أَدْغ ***adïğ*** **(адиғ)** – мастликдан ҳушига келган киши; ***esrüg adïğ*** – маст ва ҳушёр.

أَدْغ ***Adïğ*** **(Адиғ)** – биздаги бир қишлоқ номи.

[أُدْغ ***uduğ*** **(удуғ)** – уйғоқ; ҳушёр] ***uduğ er*** – уйғоқ одам; зийрак кишига ***uduğ köŋüllüg er*** дейилади, "сезгир табиатли киши" демак.

أَرْغ ***arïğ*** **(ариғ)** – чодир пардаси (барсғанча).

[أَرْغ ***arïğ*** **(ариғ)**] ***arïğ näŋ*** – тоза нарса.

أُرْغ ***uruğ*** **(уруғ)** – уруғ, ҳар бир нарсанинг уруғи; (экиладиган) уруғни ҳам шундай дейдилар. ***uruğ ekti*** – уруғ экди, дон сочди. Қариндош-уруғни ҳам бунга ўхшатиб ***uruğ-tarïğ*** дейдилар.

أَزْغ ***azïğ*** **(азиғ)** – озиқ, ҳайвоннинг озиқ тиши.

أَسْغ ***asïğ*** **(асиғ)** – фойда.

أَسْغ ***osuğ*** **(ўсуғ)** – бир ишнинг бошқа ишга айланиши; ***bu ïš osğï mundağ*** – бу ишнинг айланиши шундай.

أَلْغ ***alïğ*** **(алиғ)** – ҳар нарсанинг қайтарилиши (ўғузча ва қипчоқча).

أُلْغ ***uluğ*** **(улуғ)** – улуғ, ҳар нарсанинг улуғи, каттаси. (Шоир) шундай деган:

***Uluğluquğ bulsa-sen edgü qïlïn,***
***Bolğïl kišig beglär qatïn yaxšï ulan.***

Маъноси: Даража ёки мартаба топсанг, хулқингни чиройли қил, амирлар олдида яхшилиқ етказувчи, халқнинг ишларини яхши қабул (қилувчи бўл).

[إِلْغ ***ïlïğ*** **(илиғ)**] ***ïlïğ suw*** – илиғ сув; асли *yā* билан ***yïlïğ*** бўлиши керак.

ق ***q*** [ҳарфи]:

أَچْق ***ačuq*** **(ачуқ)** – очиқ; ***ačuq qapuğ*** – очиқ эшик; ***ačuq kök*** – очиқ ҳаво; ***ačuq ïš*** – аниқ ва равшан иш.

أَچْق ***očaq*** **(ўчақ)** – ўчоқ.

أَچْق ***ačïq*** **(ачиқ)** – катта ака; хоқоний туркlари катта акаларини ***ačïqïm*** дейдилар, *qāf* ҳарфи фақат сўзловчи бирлиғи *mīm* билан қўшилиб келади. Лекин тингловчига кўра ***ačïqïŋ*** шакли қўлланилмайди.

أَدَق ***adaq*** **(адақ)** – оёқ.

[أَدُق ***aduq*** **(адуқ)**] ***aduq näŋ*** – номаълум нарса; ***aduq*** нинг асли ***ağduq*** (ўзгарувчи) деган маънодадир; ***anïŋ meŋzi ağdï*** иборасидан олинган, маъноси "унинг ранги ўзгарди" демак. Енгиллатиш учун *ğayn* ҳарфи туширилган.

[أُدُق ***udïq*** **(удиқ)**] ***udïq er*** – уйқучи киши; мудровчи киши.

إِدُق ***ïduq*** **(идуқ)** – ҳар бир қутлуғ нарса; ўз ҳолига қўйилган ҳайвонга ***ïduq*** дейдилар. Унга юк ортилмайди, сути соғилмайди, юнги олинмайди. Эгаси уни назр қилгани учун шундай қилинади.

إِدُق ***ïduq*** **(идуқ)** – узун, чўзиқ; ***ïduq tağ*** – ўтиш мумкин бўлмаган чўзиқ тоғ.

أَرُق ***arïq*** **(ариқ)** – ариқ; наҳр. Мақолда (шундай келган): ***Ağïlda oğlaq tuğsa, arïqda otï ünär.*** Маъноси: "Оғилда бузоқ туғилса, ариқда ўти унади". Бу мақол овқат ёки ризқ учун ортиқча уриниш ва қайғуриш керак эмаслигини англатиш учун айтилади.

[أَرُق ***aruq*** **(арук)**] ***aruq er*** – орик, чарчаган киши ва шу кабилар.

اَرُقْ تُرُقْ ***Aruq turuq*** **(Арық турық)** – *Farğāna* билан *Kāčğar*[17] ўртасидаги баланд бир тепаликнинг оти.

اَرِقْ / اَرِقْ ***arïq /aruq*** **(арик / арук)** – ориқ, заиф (ўғузча ва қипчоқча).

اُرُقْ ***uruq*** **(урук)** – аркон.

[اُزُقْ ***uzuq*** **(узук)**] ***uzuq oq*** – яширин ўқ. Ким отганлигини аниқлаш қийин бўлган ўқ.

[ اَزُقْ ***azuq*** **(азук)**] ***azuq munq*** – қочган; йўлдан озган; адашган.

اَزَقْ ***Azaq*** **(Азақ)** – ўғуз бекларидан бирининг оти.

اَزُقْ ***azuq*** **(азук)** – озиқ, озиқ-овқат. Мақолда (шундай келади): ***Sartnïŋ azuqï arïğ bolsa, yol üzä yer.*** Маъноси: "Савдогарнинг моли тоза, бешубҳа бўлса, йўл устида ейди". Бу мақол айтган сўзининг уддасидан чиқа олмаган, қуруқ мақтанчоқларга нисбатан ишлатилади.

[اَزَقْ ***uzaq*** **(узак)** – узоқ] ***uzaq iš*** – чўзилган иш; бир ерга юборилган одамнинг кечикишига ҳам шу сўз қўлланади: ***yalavač uzaq bardï*** (юборилган киши кечикди) каби.

[اُزُقْ ***ozuq*** **(ўзук)**] ***ozuq at*** – ўзар от; улоқ пойгасида олдин борувчи чопқир от.

اَشَقْ ***ašaq*** **(ашақ)** – тоғ этаги (ўғузча).

اَشُقْ ***ašuq*** **(ашук)** – одам ва бошқа жонзотларнинг тўпиғи.

[اَشَقْ ***ušaq*** **(ушақ)**] ***ušaq näŋ*** – кичик, майда нарса. Шунингдек, ёш болаларни ҳам ***ušaq oğlan*** дейдилар. Ўтиннинг майдасига ***ušaq otuŋ*** дейдилар. Бу сўз бирлик эмас, жамлик ҳолати учун қўлланади.

اَشُقْ ***ašuq*** **(ашук)** – темир қалпоқ, дубулға. Бу сўзда *alif yā* ўрнига алмашган. Арабча المعى و يلمغى каби.

أُغُقْ ***uğuq*** **(уғук)** – маҳсини аяб, устидан кийиладиган пайтавага ўхшаш нарса.

اِوِقْ ***ïwïq*** **(ивик)** – қир ва тошлоқ ерларда яшайдиган кийик.

[اَلُقْ ***aluq*** **(алук)** – жоҳиллик] ***aluq er*** – жоҳил киши (ўғузча).

اُولُقْ ***oluq*** **(ўлук)** – чора; дарахт кундасини ўйиб тарошланган, охурга ўхшаш нарса; (унда) ҳайвонлар суғорилади; узумдан сиқиб олинган шинни кабилар совитилади.

[اُلُقْ ***uluq*** **(улук)**] ***uluq ton*** – эскириб, увадаси чиққан кийим; ҳар бир эскирган нарсага ҳам ***uluq*** дейилади.

اُلُقْ ***uluq*** **(улук)** – кичик қайиқ; қайиқ. Бу тамоман аввалги сўздир [яъни, аввалги сўзнинг омонимидир].

اُلُقْ ***uluq*** **(улук)** – от курагининг олд қисми. Мақолда (шундай келган): ***Uluq yağïrï oğulqa qalïr.*** Маъноси: "Отнинг курагидаги яғир болаларига мерос бўлиб қолади". Чунки пай томирлари у ерга тўпланган учун тез тузалмайди.

اَلِقْ ***alïq*** **(алик)** – қуш тумшуғи (ўғузча).

[اَنُقْ ***anuq*** **(анук)**] ***anuq näŋ*** – бор нарса. Мақолда (шундай келади): ***Anuq otru tutsa, yoqqa sanmas.*** Маъноси: "Меҳмонга бор овқат тақдим қилингач, кўрмадим демайди". Бу мақол уй эгаси бор нарсасини меҳмонга тақдим қилиши зарурлигига ишорат қилиб айтилади.

ک ***k*** [ҳарфи]:

اَبَکْ ***ebäk*** **(эбак)** – болалар тилидаги "нон" ёки "нанна" дегандек.

اَتَکْ ***etäk*** **(этак)** – этак.

اَتُکْ ***etük*** **(этук)** – этик.

اُوتُکْ ***ötüg*** **(ўтуг)** – ҳикоя, эртак; бирор мақсадни шоҳга билдириш, ҳикоя қилиш учун ҳам шу сўз қўлланади. Асли бир нарсани ҳикоя қилишдан олинган.

اُتُکْ ***ötüg*** **(ўтуг)** – ич кетиш ва қусиш касали; ***aŋar ötüg tuttï*** – уни ич кетиш ва қусиш тутди.

---

[17] Қўлёзмада бу жой оти худди шундай ёзилган.

اُتُگ ***ütüg*** **(утуг)** – дазмол; андавага ўхшаш темир (ускуна) бўлиб, уни қиздирадилар ва кийимнинг чок ҳамда бахяларини ва тукларини бостириб силлиқлайдилар.

اِچُک ***içük*** **(ичук)** – сувсар, олмахон ва бошқа ҳайвонларнинг терисидан қилинган пўстин.

اُدِیک ***üδik*** **(удик)** – ишқ ва шавқнинг қўзгалиши, ҳаяжонга келиши. (Шоир) шундай деган:

***Üδik meni qumïtï,***
***Saqïnč meŋä yumïtï.***
***Köŋlüm aŋar emitti,***
***Yüzüm meniŋ sarğarur.***

Айтмоқдаки: Суюкли бўлган ишқ ва муҳаббат мени ҳаяжонга солди. Қайғулар менга тўпланди. Кўнглим унга мойил бўлгани учун юзим сарғаймоқда.

اَرُک ***erük*** **(эрук)** – шафтоли, ўрик, олхўри меваларининг умумий номи; улар бирор сифати билан бир-биридан фарқ қилади.

تُولُکْ اَرُک ***tülüg erük*** **(тулуг эрук)** – шафтоли.

سَارِغ اَرُک ***sarïğ erük*** **(сариғ эрук)** – ўрик.

قَرَا اَرُک ***qara erük*** **(қара эрук)** – олхўри.

[اُرُک ***örüg*** **(ўруг)**] ўрилган ҳар нарсага ***örüg*** дейдилар; ***örüg sač*** – ўрилган соч.

اُرُک ***örük*** **(ўрук)** – бир ерда бир қанча вақт туриб қолиш; ***sü on kün örük boldï*** – аскарлар бир ерда ўн кун туриб қолди, яъни қўзғалмади ҳам, урушмади ҳам. Бек ёки қавм (бир жойда) туриб қолса ҳам, шу сўзни қўллайдилар.

[اِرِک ***irig*** **(ириг)**] ***irig näŋ*** – ириган, чириган нарса; ***irig otuŋ*** – чириган ўтин.

[اَرِک ***erig*** **(эриг)**] ***erig näŋ*** – ёғ ва бошқа эрийдиган нарса; қотгандан сўнг эриган ҳар бир нарсага ҳам ***erig näŋ*** дейдилар.

اِرُک ***irük*** **(ирук)** – девор ва бошқа нарсалардаги ёриқ. Мақолда (шундай келган): ***Kündä irük yoq, begdä qïyïq yoq.*** Маъноси: "Қуёш кулчасида тешик йўқ бўлганидай, бекнинг ваъдасида ҳам қайтиш йўқ". Бу мақол бекларни ўз ваъдаларига хилоф қилмасликка ундаш мақсадида қўлланади.

اَرُک / اَرِک ***erük / erik*** **(эрук / эрик)** – терини ошлайдиган ҳар бир нарса; ***teri erüklädi / eriklädi*** – терини ошлади.

[اَرِک ***erig*** **(эриг)**] ***erig yïlqï*** – йўрға; ***erig at*** – йўрға от. Ўғузлар буни билмайдилар.

[اَرِک ***erig*** **(эриг)**] ***erig er*** – тиришқоқ, ғайратли киши. Мақолда (шундай келган): ***Erig irini yağlïğ, ermägü basï qanlïğ.*** Маъноси: "Тиришқоқнинг лаби ёғли, эринчоқнинг боши қонли". Чунки тиришқоқ кўп ишлаб, яхши таом, гўшт, ёғ топади. Шунинг учун у мой ошайди. Эринчоқ ўзининг ялқовлиги билан ишдан қочади. Хафаликдан бошига уради, уни қонатади. Бу матал ялқовликни ташлашга, ғайрат билан ишлашга ундаб айтилади.

[اِرِک ***irig*** **(ириг)**] ***irig näŋ*** – қаттиқ, дағал нарса; янтоқнинг бошига ҳам ***irig*** дейдилар.

اَزِک ***ezik*** **(эзик)** – терида узунасига тирналишдан ҳосил бўлган чизиқ.

اُزُک ***özök*** **(ўзўк)** – хотинлар лакаби; "соф; олтин каби тоза; пок хотин" мазмунида ***altun özök*** дейдилар. Бадани марварид каби тоза бўлган хотинга ***ertini özök*** дейдилар. Чунки ***erdini*** деган сўз дурриғалтон демакдир. Бу сўзнинг *dāl* ҳарфи *tā* ҳарфининг алмашинганидир. Чигил қабиласида бу сўз қўлланади. Асли ***öz-ök***, яъни "худди; ўз-ўзи" маъносидадир, ***ol erni-ök keldür*** – у кишининг ўзинигина келтир. Таркибида *qāf* ва *ğayn* ҳарфлари бўлган сўзларда ***-ök*** ўрнида ***-oq*** қўлланади.

اُزُک ***özük*** **(ўзук)** – ердан сизиб чиқиб ҳовузга айланган сув, сизот сув; шунингдек, водийлардан ажраб чиққан ариқни ***özük suw*** дейилади.

أُزَك / أُوزَاك ***özäk*** (**ўзак**) – белнинг ички қисмидаги томир, пайғамбарнинг مازالت أكلة خيبر تعاودنى فى كلّ عام حتّى كان هذا اوان قطعه ابهرى ҳадисидаги ابهر *abhar* сўзи ана шудир.

أُژك ***üžük*** (**ужук**) – бўғин, ҳижо; ***bitig üžüklädi*** – ҳарфларни ва китобни ҳижжалади. Ҳижо ҳарфларининг ҳар бирига ҳам ***üžük*** дейдилар. ***bu ne üžük-ol?*** – бу қандай ҳарф? *zā* ҳарфи икки махраж ўртасида талаффуз қилинади.

[اِسِكْ ***isig*** (**исиг**)] ***isig yer*** – қовжираб ётган ер.

[اِسِكْ ***isig*** (**исиг**) – иссиқ, қизиган] ***isig näŋ*** – қизиб турган нарса; ***isig kün*** – иссиқ кун.

أَشُكْ ***ešük*** (**эшук**) – устки кийим.

أَشُكْ ***ešük*** (**эшук**) – хон ва беклар ўлганда уларнинг ҳурмати учун қабрлари устига ёпилиб, сўнг фақирларга бўлиб бериладиган ипаклик мато, йиртиш.

أُشِكْ ***üšik*** (**ушик**) – меваларни урувчи, уларни ўсишдан тўхтатиб қўювчи совуқ.

اِلِكْ ***elig*** (**элиг**) – қўл; ***oŋ elig*** – ўнг қўл. Ўғузлар ***sağ elig*** (ўнг қўл) дейдилар. Чап қўлни ҳамма турклар бир хилда ***sol elig*** (сўл қўл) дейдилар.

أُولُكْ ***ölüg*** (**ўлуг**) – ўлик.

أُولُكْ ***ülüg*** (**улуг**) – ҳисса; қисмат; насиба (ингичка талаффуз қилинадиган *alif* [*ü*] билан).

اِلِكْ ***ilig*** (**илиг**) – илик (ўғузча); бошқа бир туркларда ***yilig*** дейдилар. Ўғузчадаги *alif* ҳарфи ўрнига *yā* ҳарфи алмашган.

اَمِكْ ***enig*** (**эмиг**) – эмчак; эркаклар эмчаги ҳам ***emig*** дейилади.

[اَمِكْ ***emik*** (**эмик**)] ***emik kün*** – имиқ кун, илиқ кун; совуқдан кейин исиган, лекин ҳарорати ошмаган ҳар нарсага ҳам ***emik*** дейдилар.

اَنُكْ ***enük*** (**энук**) – ёш арслон (арслон боласи); ёлли бўри, тулки; ит болалари.

Калитнинг тиши ҳам ***enük*** дейилади; ***kiritlig enüki*** дейилгани каби.

ل ***l*** [ҳарфи]:

اَبْلْ ***Apul*** (**Апул**) – бизнинг элда бир қишлоқ оти.

اَتِلْ ***Etil*** (**Этил**) – *Qïwčaq* элларида бир дарёнинг оти. У *Bulğar* денгизига қуйилади. Унинг *Rūs* ерларига қуйиладиган бир ирмоғи ҳам бор. (Шоир) шундай деган:

***Etil suwï aqa turur,***
***Qaya tübi qaqa turur,***
***Balïq telim baqa turur,***
***Kölüŋ taqï kösärür.***

Айтмоқдаки: *Etil* суви қаттиқ тоғ этакларига урилиб оқмоқда. У сувлардан пайдо бўлган ясама кўлчаларда балиқлар, бақалар кўпаймоқда [Этил суви қоялар тубига зарб билан урилиб оқмоқда. Тошган сувлардан ҳосил бўлган кўлчаларда балиқлар, бақалар кўпаймоқда].

أَغِلْ ***ağïl*** (**ағил**) – оғил; кўй оғилхонаси. Ўғузлар кўйнинг қийини ***ağïl*** дейдилар. Бир-бирига яқин туриши натижасида келиб чиққан. Чунончи, ёмғирни ҳам, булутни ҳам سَمَاء *samā'* деб айтилгани каби.

أُغُلْ ***oğul*** (**ўғул**) – ўғил. Ўзининг ўғли бўлмаса ҳам, эр болаларга ***oğul*** дейдилар; ***bu oğul ne ter?*** – бу бола нима дейди?

Қоидага хилоф равишда ***erän*** сўзига ўхшаш ***oğlan*** деб ҳам жам қиладилар. Аслида бу сўзнинг кўплик шакли ***oğullar*** бўлиши керак эди. Буларнинг ҳар иккисини бирлик шаклида қўллайдилар.

أُكِلْ ***ökil*** (**ўкил**) – кўп (қипчоқча); ***ökil kiši*** – кўп киши.

اَمُلْ ***amul*** (**амул**) – ҳар бир тинч ва барқарор, турғун, қимирламайдиган нарсага ***amul*** дейилади. Шунга кўра, юмшоқ феълли ювош кишиларни ҳам ***amul*** дейилади. (Шоир) шундай деган:

***Qanča bardïŋ ey oğul?***
***Erdiŋ munda inč amul,***
***Attïn emdi sen töŋül,***
***Qïldïŋ ersä qïlmağu.***

Илгари ўзи ёнида яшаб, сўнг отини ташлаб кетиб, кейин отни сўраб келган йигитга отни бермаслик учун хитоб қилиб айтяпдики: Менинг ёнимда саломат ва тинч эдинг, аҳволинг яхши, шод ва мамнун эдинг, нега мендан юз ўгирдинг? [Нега кетдинг, эй ўғил, бу ерда тинч ва мамнун эдинг. Нолойиқ ишни қилганинг учун сен энди отдан умидингни уз].

م ***m*** [ҳарфи]:

[أَيْمْ ***öpüm*** (**ўпум**) – ютум, қултум] ***bir öpüm mün*** – бир қултум шўрва.

[أَتِمْ ***atïm*** (**атим**)] ***atïm er*** – ўқ отишга уста одам, мерган.

[أُرُمْ ***orum*** (**ўрум**) – ўрим; тутам; сиқим] ***bir orum ot*** – бир ўрим ўт; бир тутам ўт.

أُزُمْ ***üzüm*** (**узум**) – узум.

[أَغِمْ ***ağïm*** (**ағим**)] ***bir ağïm yer*** – юқорига бир ҳатлаб чиқиш мумкин бўлган ер.

[أَقِمْ ***aqïm*** (**ақим**) – оқим, бир оқишли] ***bir aqïm suw*** – бир оқишли [яъни, бир ариқ] сув.

[أَكِمْ ***ekim*** (**эким**) – экишли] ***bir ekim yer*** – бир экишли жой, бир экишда экиладиган жой.

[أُكُمْ ***ügüm*** (**угум**) – тўда] ***bir ügüm yarmaq*** – бир тўда танга. Сўз охиридаги *mïm* ҳарфи *nūn* ўрнига алмашгандир.

أَلِمْ ***alïm*** (**алим**) – (айрим) кишилардан олинадиган нарса; қарз. Мақолда (шундай келган): ***Alïmčï – arslan, berimči – sïčğan.*** Маъноси: “Қарз берувчи – арслон, қарз олувчи – сичқон” [Қарз берувчи (пулдор) ҳужум қилишда гўё арслон, қарздор эса қўрқув, ваҳима босганидан сичқон кабидир].

أُلُمْ ***ölüm*** (**ўлум**) – ўлим.

ن ***n*** [ҳарфи]:

أَتَنْ ***atan*** (**атан**) – ахта қилинган туя. Мақолда (шундай келган): ***Atan yüki aš bolsa, ačqa az körnür.*** Маъноси: “Атан (ахта қилинган туя)нинг юки озиқ-овқат бўлса ҳам, оч кишига оз кўринади”.

أُچُنْ ***üčün*** (**учун**) – сабабни билдирувчи сўз – *учун*; ***seniŋ üčün keldim*** – сенинг учун келдим.

إِچِنْ ***ičin*** (**ичин**) – “ўзаро, ўз ишларида, ўз ораларида” деган тушунчани ифодаловчи сўз; ***olar ičin etišdilär*** – улар ўзаро келишдилар, битишдилар.

أُدُنْ ***Udun*** (**Удун**) – *Xotan* шаҳрининг номи; *Xotan* да турувчиларга ҳам ***udun*** дейдилар.

أَدِنْ ***adïn*** (**адин**) – бошқа, бўлак, айрим (чигилча).

[أَرَنْ ***erän*** (**эран**)] ***Erdäntüz*** – юлдузлардан *Mīzān* номи; бу ой манзилларидан бири.

أَرَنْ ***erän*** (**эран**) – эрлар, эркаклар. Баъзан кўплик шаклида шундай қўлланади.

أَرَنْ ***aran*** (**аран**) – йўғон талаффуз қилинадиган *alif* [а] билан; отхона.

أَرَنْ ***örän*** (**ўран**) – ҳар нарсанинг ёмони, бузилгани, вайрон бўлгани (ўғузча). Бу сўзни мен форсчадан олинган деб гумон қиламан. Чунки хароб бўлган нарсага форсчада *vayrān* дейдилар. Ўғузлар форслар билан жуда аралашиб кетганлари учун бир қанча туркча сўзларни унутиб, уларнинг ўрнига форсча сўзларни қўллайдилар. Бу ҳам шундайдир.

إِرِنْ ***irin*** (**ирин**) – лаб.

أُزُنْ ***uzun*** (**узун**) – узун бўлган ҳар нарса.

أَژُنْ ***ažun*** (**ажун**) – дунё (икки махраж орасидаги *žā* билан); ***bu ažun*** – бу дунё; ***ol ažun*** – у дунё, охират (чигилча).

أَسَنْ ***esän*** **(эсан)** – эсон, соғ; ***esänmü-sen*** – эсонмисан? Соғмисан? Саломатмисан? Ушбу мақолда ҳам келган: ***Esändä ewäk yoq.*** Маъноси: "Соғликда шошилиш йўқ". Бу ибора ишлаганда шошилмаслик, ҳовликмаслик кераклигини билдириш учун қўлланади.

أَسِنْ ***esin*** **(эсин)** – шамол, шабада ("эсадиган" деган маънода).

أَشْنْ ***öšün*** **(ўшун)** – кифтнинг бош қисми, тепаси.

[أَغْنْ ***ağan*** **(аған)**] ***ağan er*** – димоғи билан сўзловчи, манқа киши. Бу сўз талаффузда ҳам, маънода ҳам арабчага мос келади.

أُغَنْ ***uğan*** **(уған)** – ҳар нарсага қодир; кучли; қудратли; ***uğan Täŋri*** – қудратли Худо.

أَقِنْ ***ewin*** **(эвин)** – дона; уруғ.

أَقِنْ ***aqïn*** **(акин)** – сел; тўсатдан келган селга ***munduz aqïn*** дейдилар. Тўсатдан, кечаси сел каби келган аскарларга ***aqïnčï keldi*** дейдилар, яъни аскарлар селдай келди, демакдир.

أِكِنْ ***egin*** **(эгин)** – эгин; елка; кифт.

أِكِنْ ***ekin*** **(экин)** – экин; экин экиладиган ер (ўғузча).

أِكِنْ ***ekin*** **(экин)** – эни бир ярим қарич, бўйи тўрт газли бўз; бу билан сувор қабиласи савдо-сотиқ қилади.

أُكُنْ ***ügün*** **(угун)** – пул (танга, чақа), гул ва бошқа нарсалар тўдаси, уюми. Бир ерга тўпланган тупроқ уюмига ***ügün tupraq*** дейилади.

أَلِنْ ***alïn*** **(алин)** – пешона, манглай.

أَلِنْ ***alïn*** **(алин)** – тогнинг юмалоқ ва баланд томони.

أُلُنْ ***ulun*** **(улун)** – ўқ учларининг синиши. Учсиз ўқ.

## Бир ҳарфи такрорланган (*muḍā'af*) сўзлар

ب ***p*** [ҳарфи]:

أُبُبْ ***üpüp*** **(ўпуп)** – попишак қуш; буни ***üpkük*** тарзида ҳам талаффуз қиладилар.

ك ***k*** [ҳарфи]:

[أَكَكْ ***ekäk*** **(экак)**] ***ekäk ešlär*** – фоҳиша хотинлар.

أُكَكْ ***ükäk*** **(укак)** – сандиқ ва тобут.

أُكَكْ ***ökäk*** **(ўкак)** – шаҳарнинг қалъа деворида уруш учун тайёрланган буржлар.

ل ***l*** [ҳарфи]:

إِلَّلْ ***iläl*** **(илал)** – ҳа, албатта; хоқонийлар лаҳжасида хоқон ва бекларга жавоб учун қўлланувчи сўз.

## *Miṯāl*[18] бўлими

ت ***t*** [ҳарфи]:

أَاتْ ***a:t*** **(а:т)** – от, исм.

أَاتْ ***a:t*** **(а:т)** – лақаб; унвон; ***beg aŋar a:t berdi*** – бек унга унвон берди. Қабиланинг улуғи ёки бошлиғини ҳам ***atliğ*** дейиш шундан.

چ ***č*** [ҳарфи]:

أَاچْ ***a:č*** **(а:ч)** – оч. Мақолда (шундай келган): ***A:č ne yemäs, toq ne temäs.*** Маъноси: "Оч нималар емайди, тўқ нималар демайди".

ذ ***δ*** [ҳарфи]:

[18] *Alif, vāv, yā* ҳарфлари билан бошланган сўзлар бўлими.

اَاذْ ***e:δ*** **(э:д)** – ипак кийимли ва бошқаларга ўхшаш ҳар бир тўқима ва ясама нарса. Баъзан қисқарган ҳолда ***еδ*** ҳам дейдилар. Тўғриси ҳам шу. Яхши ишланган нарсани ***еδгӣ еδ*** дейилади.

اَاذْ ***e:δ*** **(э:д)** – яхши фол; натижаси яхши сўз; яхши ният. ***İglig tutzuğï e:δ bolur,*** дейилади. Маъноси шундай: "Касалнинг васият қилиши унинг учун яхшилиқ келтиради". Бу мақолни касалнинг васият қилишига ишорат қилиб, унинг олдида айтилади.

ر ***r*** [ҳарфи]:

[اَار ***a:r*** **(а:р)] *a:r böri*** – ёлдор бўри, сиртлон. (Шоир) шундай деган:

***Körüp nečüg qačmadïŋ?***
***Yamar suwïn kečmädiŋ?***
***Tawarïŋnï sačmadïŋ?***
***Yesü seni a:r böri.***

Енгиб асир қилинганга қарата айтмоқда: Нега мени кўришинг биланоқ қочмадинг, нега *Yamar* сувини кечмадинг, нега бошингни қутқариш учун молларингни ташлаб кета қолмадинг? Мана энди ўлдирилдинг. Энди сени сиртлон есин [Нега мени кўриш биланоқ қочмадинг, нега Ямар сувини кечмадинг? Нега бошингни қутқариш учун молларингни сочмадинг? Энди сени сиртлонлар есин].

[اَار ***a:r*** **(а:р)] *a:r näŋ*** – қўнғир ранг. Гоҳо у сўзга кичик бир қўшимча қўшиб ***ersig*** тарзида ҳам талаффуз қилинади.

ز ***z*** [ҳарфи]:

[اَاز ***a:z*** **(а:з)** – оз] ***a:z näŋ*** – оз нарса.

اَاز ***a:z*** **(а:з)** – оқ сувсар пўстин. Бу сўзни *sīn* билан ***a:s*** тарзида талаффуз қилиниши ҳам бор. Бу яхшироқдир.

اِز ***iz*** **(из)** – ерда ва терида узунасига бўлган қирилиш, сидирилиш изи.

[اُز ***öz*** **(ўз)] *Qïzïl öz*** – *Kāšğar* тоғларининг биридаги қишлоқ.

س ***s*** [ҳарфи]:

اَاسْ ***a:s*** **(а:с)** – оқ сусар пўстин. Бу сўзнинг ***zā*** ли варианти ҳам бор. Бу сўз чўриларга ҳам қўлланади.

ش ***š*** [ҳарфи]:

اَاشْ ***a:š*** **(а:ш)** – овқат; ош, таом. Томизғига ҳам ***aš*** дейдилар. ***ayaq ašla*** – идишга томизғи сол.

غ ***ğ*** [ҳарфи]:

اَاغ ***a:ğ*** **(а:ғ)** – икки сон орасидаги бўшлиқ, чов, чот; ***yüz at meniŋ ağdïn kečti*** – менинг оёғим остидан юз от ўтди. Бу бармоқлар орасидаги бўшлиққа ҳам қўлланади.

ۋ ***w*** [ҳарфи]:

اَاۋ ***a:w*** **(а:в)** – ов; ***beg awqa čïqtï*** – бек овга чиқди.

اُۋ ***üw*** **(ув)** – уй; ингичка *alif* (яъни, [*ü*]) билан талаффуз қилиш яхши.

ق ***q*** [ҳарфи]:

اَاق ***a:q*** **(а:к)** – оқ. Ҳар нарсанинг оқи (ўғузча). Туркий қабилалар чипор отга ***a:q at*** дейдилар.

[اَاق ***a:q*** **(а:к)] *a:q saqal er*** – оқ соқол, соч-соқоли оқарган киши (ўғузча).

سَاىْ اَاقْ ***A:qsay*** **(А:қсай)** – бир жойнинг оти.

تَرَاكْ اَاقْ ***A:qterāk*** **(А:қтерак)** – *Yağma* шаҳрида *Ïla* суви устидаги бир кўприк.

ل ***l*** [ҳарфи]:

آآلْ ***a:l*** **(а:л)** – тўқ сариқ рангдаги ипак кийимлик; ундан хон байроқлари ва амалдорларнинг отларига ёпиладиган ёпиқ қилинади. Шунинг каби тўқ сариқ ранга ҳам ***a:l*** дейдилар.

آآلْ ***a:l*** **(а:л)** – ҳийла; фириб; макр. Мақолда бу шундай қўлланган: ***A:lïn arslan tutar, küčün uyuq tutmas.*** Маъноси: Ҳийла билан арслон тутилар, куч билан уюқ тутилмас. Куч билан полизларда ўтқазиб қўйилган қўғирчоқ-қўриқчини ҳам тутиб бўлмайди. Бу мақол куч билан ишни битира олмаганларга алоҳида тадбир қўллаш керак, деган маънода қўлланади.

لا ***lā*** [ҳарфи]:

آلا ***ala*** **(ала)** – пес, ола танли киши.

[آلا ***ala*** **(ала)**] олача рангли отга ***ala at*** дейдилар.

[آلا ***ala*** **(ала)**] ***beg xanqa ala boldï*** – бек хонга қарши чиқди, хоннинг душмани бўлди, хоннинг душмани билан топишди.

آلا ***Ala*** **(Ала)** – *Farğāna* яқинидаги бир яйлов.

آلا يغاچ ***Alayïğač*** **(Алайиғач)** – чегарага яқин бир жойнинг оти.

**Бу бўлимнинг бошқа бир тури**

آاي ***a:y*** **(а:й)** – ой, ўн тўрт кунли ойга ***tolun ay*** (тўлин ой) дейилади.

آاي ***a:y*** **(а:й)** – ой (30 кундан иборат бўлган вақт, муддат). (Шоир) шундай деган:

***Qïšqa etin kelsä qalï qutluğ yay,***
***Tün, kün, kečä alqïnur ödläk bilä a:y.***

Айтмоқдаки: Баракали ёз келса, қишга тайёрлан, чунки кеча ва кундузнинг ўтиши билан ой ва замон кечади (ёз кетиб, қиш келади).

Ўттиз кунлик ой муддатини ҳам ***ay*** деб аташга сабаб шуки, уни ойнинг ўтиши ***ay*** билан билинади. Мақолда (шундай келади): ***A:y tolun bolsa, eligin imlämäs.*** Яъни: "Тўлин ойни қўл билан кўрсатилмайди. Чунки у ҳар кимга аниқ кўрина беради", деганда ***ay*** ана шу маънода қўлланган. Бу мақол ҳар бир аниқ ва машҳур нарсага қўлланади.

## *Manqūš*[19] бўлими

ت ***t*** [ҳарфи]:

أوت ***avut*** **(авут)** – ховуч; ***aδut*** тарзида ҳам талаффуз қилинади.

أوت ***uvut*** **(увут)** – уят; бу сўзни ***uwut*** ҳам дейдилар.

أوت ***evät*** **(эват)** – тўғри, маъқул; ***ewät*** ҳам дейилади. Бу ердаги икки махраж орасида талаффуз қилинадиган ڤ *wa* ҳарфи ҳар қандай ўринда *vāv* билан ўрин алмашиши мумкин: "пайғамбар" маъносидаги يلاوچ ёки يلافچ ***yalavač*** – ***yalawač*** каби; турсус мевасини ***yava*** дейилганидай ***yawa*** ҳам дейилади. *Sayram* (*İspijāb*) ликларда "дарахт" маъносидаги ***a:vun*** сўзи ҳам шундайдир (яъни, *vāv* ва ڤ *w* билан талаффуз қилинади). "Дона" маъносидаги ***ewin*** сўзи ҳам шундай икки хил талаффуз қилинади.

**Бу бўлимнинг бошқа бир тури**

أيز ***üyäz*** **(уйаз)** – майда чивин (ўғузча).

غ ***ğ*** [ҳарфи]:

---

[19] Таркибида *alif, vāv, yā* ҳарфларидан бири бўлган сўзлар.

اَيِغْ ***ayïğ*** (**айиғ**) – айиғ; ўғуз, қипчоқ, ягмо тилларида ***aδïğ*** тарзида қўлланади.

اَيِغْ ***ayïğ*** (**айиғ**) – "қандай яхши, қандай ёмон" маъноларида қўлланувчи сўз. Бу сўз "ёмон", "яхши" сўзларини таъкидлаш учун қўлланади: ***ayïğ eδgü*** – қандай яхши; ***ayïğ yawuz näŋ*** – қандай ёмон нарса.

ق ***q*** [харфи]:

اَيِقْ ***ayaq*** (**айақ**) – идиш; коса; пиёла; ўғузлар буни билмайдилар. Улар ***ayaq*** ўрнида ***čanaq*** дейдилар.

اَيِقْ ***ayaq*** (**айақ**) – оёқ; ***aδaq*** тарзида ҳам талаффуз қиладилар.

اَيِقْ ***ayïq*** (**айиқ**) – ваъда; ***anïŋ teŋä ayïqï bar*** – унинг менга ваъдаси бор.

اُيُقْ ***oyuq*** (**ўйуқ**) – хаёл; (шарпа; соя; қора); белги тоши (ўғузча). (Шоир) шундай деган:

***Bardï erän qonuq körüp, qutqa saqar,***
***Qaldï yawuz oyuq körüp, ewni yïqar.***

Айтмоқдаки: Меҳмонни давлат ва барака деб биладиганлар ўлиб кетди, сахроларда кўринган қораларни ва манзилларни белгилаш учун қўйилган тошларни кўриб, одам деб ўйлаб, у келиб қўниб қолмасин, деб чодирини бузувчиларгина қолди.

ك ***k*** [ҳарфи]:

اُيُكْ ***üyüg*** (**уйуг**) – тепага ўхшаш баландлик, кир-тепаликлар (ўғузча).

[اُيُكْ ***öyüg*** (**ўйуг**)] ***öyüg yer*** – сув ва бошқа нарсалар кўплигидан оёқ босганда ботиб, уни суғуриб олиш қийин бўлган қумлик жой.

اِيكْ ***ig*** (**иг**) – ип йигирадиган дуг; ***yig*** ҳам дейилади.

ن ***n*** [ҳарфи]:

اُيُنْ ***oyun*** (**ўйун**) – ўйин.

## Охири *alif* ([*a*], [ä]) билан тугаган сўзлар бўлими

ى ***y*** [ҳарфи]:

اَيَا ***aya*** (**айа**) – кафт; қўл кафти.

اَيَا ***uya*** (**уйа**) – қуш уяси, ини.

اَيَا ***uya*** (**уйа**) – биродар, яқин. (Шоир) шундай деган:

***Tawar üčün Täŋri eδlämädip,***
***Uya, qadaš, oğlïnï čïnla boğar.***

Биродарлар орасидаги шафқатсизлик тўғрисида шундай демоқда: Мол учун Тангрини эсламай, яқин биродарининг ўғлини чиндан бўғади. Яъни мол учун Тангрини эсламай (уялмай), бу суқликда ўз жигарининг ўғлини ҳам аямай бўғади.

## Тўрт ҳарфлилар[20]

ب ***b*** [ҳарфи]:

اَبَا ***ebä*** (**эба**) – она (ўғузча). Қарлуқ туркманлари жарангсиз ***pä*** билан ***epä*** дейдилар.

اَبَا ***apa*** (**апа**) – йўғон *alif* (яъни, [*a*]) билан; айиқ (қипчоқча).

[20] Бу ерда ҳарфлари учта бўлса ҳам, лекин охирги товуши чўзиб, тўлиқ айтиладиган, яъни ўша унлиси икки товушга тенг бўлган сўзлар кўзда тутилмоқда.

ابا ***aba*** (**аба**) – ота (тупутлар тилида). Бу араб тилининг изи бўлса керак. Чунки тупутлар *Yaman* дан қочиб, туркlар шаҳрига келиб, бола-чақа қилиб қолган бир кишидан тарқаганлар. Улар *Banū Ṣābit* нинг авлодларидир.

باشی ابا ***aba bašï*** (**аба баши**) – тоғларда бодринг шаклида ўсувчи бир ўт; унинг пояси тиканли бўлади. Тоғликлар уни ейдилар.

ابی ***Abï*** (**Аби**) – эркаклар оти.

اوبا ***oba*** (**ўба**) – қабила (ўғузча).

اوبو ***obu*** (**ўбу**) – упа.

ت ***t*** [ҳарфи]:

اتا ***ata*** (**ата**) – ота.

[اتا ***ata*** (**ата**)] ***atasağun*** – табиб.

ج ***č*** [ҳарфи]:

اجا ***ečä*** (**эча**) – ача, яъни "эгачи" маъносида. Бу сўз ***egä*** ҳам дейилади. Бу ердаги *čīm* ҳарфи *kāf* дан ўзгарган. جُرْمْ ва جُنْبُذْ كُرْمْ ва كُنْبُذْ сўзларидаги каби.

اچی ***ačï*** (**ачи**) – кекса хотин. Барсғанликлар тилида.

اجا ***uča*** (**уча**) – орқа.

اچی ***ičï*** (**ичи**) – ёши катта биродар, ака.

د ***δ*** [ҳарфи]:

اوده ***ödü*** (**ўду**) – уюм, тепа; ***qum ödü*** – қум уюми, тепа. Арғулар шаҳрини ***Ödükend*** дейиш ҳам шундан.

اوذ ***uδu*** (**уду**) – орқа, кет; ***men anïŋ uδu keldim*** – мен унинг орқасидан келдим; ***men seniŋ uδu bardïm*** – мен сенинг кетингдан келдим, орқангдан бордим.

ایذی ***eδi*** (**эди**) – хўжайин, эга; ***eδim ne ter?*** – эгам (хўжайиним) нима дейди?

ایذی ***Eδi*** (**Эди**) – Худо; ***Eδimiz yarlïğï*** – Эгамиз буйруғи.

ر ***r*** [ҳарфи]:

ارا ***ara*** (**ара**) – нарсанинг ўртаси, ораси; ***kiši ara kirdim*** – кишилар, халқ орасига кирдим.

اری ***arï*** (**ари**) – ари, асалари. Бу сўзда арабчага ўхшашлик, мослик бор. Чунки арабча *arï* – асал демакдир; туркчадаги асал – аридан чиқадиган ҳосил. Чигил туркlари асални ***arï yağï*** (ари ёғи) дейдилар.

اوروو ***oru*** (**ўру**) – ўра. Буғдой, шолғом ва бошқа нарсаларни сақлаш учун қазилган чуқур.

اری ***orï*** (**ўри**) – товуш; бақириқ; ҳураш; фарёд. Мақолда (шундай келган): ***Orï qopsa, oğuš aqlïšur, yağï kelsä, imrām tebräšür.*** Маъноси: "Фарёд кўтарилса, уруғлар тўпланадилар, душман келса, ҳамма йиғилади". Яъни, фарёд чиқса, унга ёрдам бериш учун уруғлар тўпланадилар; ёв келса, ҳамма уни ўлдириш учун отланади. Бу мақол ишларда уйғоқлик ва меҳрибонлик, бирдамликка ундаб айтилади.

اری ***urï*** (**ури**) – ўғил бола; ***urï oğlan*** – ўғил болалар.

ز ***z*** [ҳарфи]:

ازو ***azu*** (**азу**) – икки нарса орасида икковидан бирини ажратиб, танлаб олишда ихтиёр ва майлни билдирувчи сўз; ***üzüm yegil azu qağun yegil*** – узум егин ёки қовун егин. Кўпинча, бу сўз сўраб билиш зарур бўлган ўринларда қўлланади: ***kelirmü-sen azu barïrmu-sen?*** – келасанми ёки кетасанми?

ازا ***oza*** (**ўза**) – ўтган асрлар; ***ozaqï bilgä anča aymïš*** – ўтган донолар шундай деганлар. (Шоир) шундай деган:

***Erdi oza eränlär,***
***Erdäm begi bilig tağ.***

***Aydï öküš ögütlär,***
***Köŋlüm bolur aŋar sağ.***

Айтмоқдаки: Илгарилар илмли, ҳикматшунос, фазилатли кишилар бор эди. Улар кўп насиҳат сўзлар эдилар. Уларни эслаш билан кўнгил сафо топади [Илгари илм чўққисини эгаллаган, фазилат устодлари бор эди. Улар кўп-кўп насиҳат сўзлар эдилар, (ўша хотиралар) кўнгилга хузур бағишлайди].

ﺯ ***özi*** (**ўзи**) – икки тоғ орасидаги кенг йўл (чигилча).

ﺯِ ***izi*** (**изи**) – келгуси йилдан кейинги йил, келажак йил; ***arqïn izi*** – келар йил.

ﺵ ***š*** [ҳарфи]:

ﺃَﺷُﻮ ***ašu*** (**ашу**) – қизил тупроқ; қизил кесак.

ﻍ ***ğ*** [ҳарфи]:

ﺃَﻏُﻮ ***ağu*** (**ағу**) – заҳар, оғу.

ﺃَﻏِﻰ ***ağï*** (**ағи**) – ипак кийимлик. Уни сақлаган хазиначига ***agïčï*** дейилади.

ﯞ ***w*** [ҳарфи]:

ﺃَﻗَﺎ ***awa*** (**ава**) – аламланишни билдирувчи сўз. Киши бирор нарсадан хафа бўлса ва ачинса ***awa-awa*** дейди [“Афсус”, “аттанг”, “эсизгина” демакдир].

ﺃُﻗَﺎ ***uwa*** (**ува**) – бир таом оти. Гуручни қайнатиб, сўнг совуқ сувга солинади, кейин суви тўкилиб, шакар солинади, совуқлик учун ейилади.

ﺇِﻗَﺎ ***ïwa*** (**ива**) – ўғузлардаги бир уруғ.

ﻕ ***q*** [ҳарфи]:

ﺃَﻗِﻰ ***aqï*** (**ақи**) – сахий, қўли очиқ.

ﺇِﻗِﻰ ***aqï*** (**ақи**) – тоза нарса; ***aqï yağaq*** – пўсти тозаланган ёнғоқ.

ﻙ ***g*** [ҳарфи]:

ﺃَﮔَﺎ ***egä*** (**эга**) – эгачи, опа. Ўғузлар ***ezä*** дейдилар.

ﺃُﮔَﺎ ***ögä*** (**ўга**) – тажрибали, ақлли, кўп яшаган одам. Суқалардан[21] бўлиб, тегин мансабидан бир даража қуйи мансаб. Бунинг асоси бор. Бу шундайки, *δū-l-qarnayn Šīn* га келиб етганда турклар хони урушиш учун ёш йигитлардан иборат бир гуруҳ аскарни йўллади. Вазир шоҳга айтди: “Сиз бутунлай ёшларни чиқардингиз, аслида катта ёшли, уруш ишларида тажрибаси бор одамларни юбориш керак эди, – деганда ***ögä*** сўзини “тажрибали; катта ёшли” маъносида қўллади. Шунда шоҳ тўғри дейди ва катта ёшли кишиларни йўллайди. Улар кечаси *δū-l-qarnayn* нинг олдинги аскарларига ҳужум қилдилар ва енгдилар. Турк аскарларидан бири *δū-l-qarnayn* аскаридан бирини қилич билан уриб киндигигача иккига ажратиб юборди. Ўлган аскарнинг белбоғида олтин ҳамён бор эди. Ҳамёнга қилич тегиб кесилди. Ундан қонга бўялган олтинлар ерга сочилди. Эртаси эрталаб турк аскарлари қонга бўялган олтинларни кўриб, бир-бирларига “бу нима?” дейишар ва ***altun qan*** (“қонли олтин”) деб айтишар эди. Бу жойдаги катта тоғ шу исм билан аталди. Уйғурлар яқинидаги бу тоғ атрофида кўпгина саҳройи турклар яшар эдилар. Шундан сўнг *δū-l-qarnayn* турк шоҳи билан сулҳ тузди.

ﻝ ***l*** [ҳарфи]:

ﺃَﻟَﺎ ***ala*** (**ала**) – ола; оқ; танасида оқи бор одам. Мақолда (шундай келган): ***Kiši alasï ičtin, yïlqï alasï taštïn.*** Маъноси: “Кишининг оласи (бузуқ фикри) ичида; йилқиники ташида, сиртида”. Бу мақол дилидаги хиёнатни яшириб, ёқимли муомала қилувчиларга нисбатан қўланади.

---

[21] *Суқа* – оддий халқ.

اِلا ***elä*** (**эла**) – секин, шошилмай; ***elä-elä*** дейдилар, “секин-секин, аста-аста” демак. Бу сўзга *kāf, lām* қўшиб ***elägil*** ҳам дейилади.

اُلا ***ula*** (**ула**) – чўл ва саҳроларда йўл кўрсатиш учун қўйиладиган тош. Мақолда (шундай келган): ***Ula bolsa yol azmas, bilig bolsa, söz yazmas.*** Маъноси: “Белги бўлса, одам йўлдан адашмайди, ақли бўлса, киши сўзда янглишмайди”.

اِلا ***Ïla*** (**Ила**) – бир дарё оти. У турк шаҳарларининг *Jayḥūn* идир. Унинг икки қирғоғида икки турк қавми: яғма, тухси ва баъзи чигиллар яшайдилар.

[اِلی ***ili*** (**или**)] ***ili qapuğ*** – илгакланган эшик; илгаги илинган эшик, калитсиз очилиши мумкин бўлган эшик.

م ***m*** [ҳарфи]:

اُمَا ***ümä*** (**ума**) – она (тупутлар тилида); (бу атама) араблардан ўтган бўлса керак.

اُمَا ***ümä*** (**ума**) – уйга келган қўноқ, меҳмон. Мақолда (шундай келган): ***Ümä kelsä, qut kelir.*** Маъноси: “Меҳмон келса, қут келар”. Яъни, “Сенга меҳмон келса, у билан бирга, барака, қут, бахт келади”. Қўноқни яхши қарши оладилар, малол олмайдилар. (Шоир) шундай деган:

***Kelsä qalï yarlïğ bolup yunčïğ ümä,***
***Keldür anuq bolmïš ašïğ tutma uma.***

Айтмоқдаки: Бечора, ожиз, ғариб меҳмон келса, ҳозир бўлган [ўзингда бўлган] нарсани меҳмонга тезлик билан тақдим қил, кечиктириб, бепарволик қилиб меҳмонга малол келтирма.

ن ***n*** [ҳарфи]:

اَنَا ***ana*** (**ана**) – она.

اِنِی ***ini*** (**ини**) – ини, кичик биродар, ука.

## ***Ğunna*** ли товушлар бўлган сўзлар бўлими

ت ***t*** [ҳарфи]:

اَنگُتْ ***aŋït*** (**ангут**) – фламинго, ғозга ўхшаш пушти рангли бир қуш.

اَنُتْ ***aŋut*** (**ангут**) – шароб қуядиган воронка. Мақолда (шундай келган): ***Yurt kičig bolsa, aŋut bedüg ür.*** Маъноси: “Идишнинг тешиги кичик бўлса, катта воронка қўй”. Бу мақол кичик ишни катта қилиб кўрсатадиган кишига нисбатан қўлланади.

ر ***r*** [ҳарфи]:

اَنگَرْ ***aŋar*** (**ангар**) – “унга” демакдир; ***aŋar aydïm*** – унга айтдим. (Шоир) шундай деган:

***Aydïm aŋar sewüg / sewig,***
***Bizni tapa ne elüg,***
***Kečtiŋ balzay kerig,***
***Qïrlar eδiz beδüg.***

Севиклисини кўргани ҳақида айтилмоқдаки: Эй севиклим, бизнинг томонга қандай ўтдинг-у, узун чўллар, буюк қирларни қандай кечдинг, дедим [Эй севикли, дедим унга мен, бизнинг томонга қандай ўтдинг-у, кенг саҳро, баланд қирларни қандай кечдинг?].

اُنگَرْ ***öŋür*** (**ўнгур**) – ўнгур; ғор.

اِنگَرْ ***iŋir*** (**ингир**) – ёруғлик билан қоронғуликнинг бир-бирига аралашиши, қўшилиши; ўғузлар буни ***imir*** дейдилар.

ز ***z*** [ҳарфи]:

اَنگَزْ ***aŋïz*** (**ангиз**) – ангиз; бугдой ва бошқа донлар ўрилиб олингач, ерда (сочилиб) қолганлари.

س ***s*** [ҳарфи]:

[إنگَسْ ***iŋäs*** (**ингас**)] бошқа юртлик каби ҳайрат билан ўнг-чапга анграйиб юрувчи кишига ***iŋäs kiši*** дейдилар.

ل ***l*** [ҳарфи]:

[أنگِلْ ***aŋil*** (**ангил**) – ланг очиқ] ***aŋïl ačuq qapuğ*** – ланг очиқ эшик.

ن ***n*** [ҳарфи]:

أنگِنْ ***öŋin*** (**ўнгин**) – бошқа; ***bu atta öŋin keldür*** – бу отдан бошқасини келтир.

*Mujarrad* сўзлар бўлими тугади.

**БУ ОРТИҚЧА ҲАРФЛИЛАР БОБЛАРИДИР**

## Ҳар турли ҳаракатларда қўлланувчи *af'al* қолипидаги сўзлар бўлими

ت ***t*** [ҳарфи]:

أرْمُتْ ***armut*** (**армут**) – нашвати, олмурут.

چ ***č*** [ҳарфи]:

أرْتُچْ ***artuč*** (**артуч**) – ар-ар дарахти, қора арча; *Kāšğar* да бу исмда иккита қишлоқ бор.

أُچْلُچْ ***üčlüč*** (**учлуч**) – қуён тузоғи; бу учлари темир билан бирлаштирилган уч новдадан иборат.

أُدْغُچْ ***oδğuč*** (**ўдғуч**) – ўт шуъласи, аланга.

أرْغُچْ ***arğuč*** (**арғуч**) – кишини мағрур қилувчи, ҳовлиқтирувчи нарса; ***arğuč ažun*** – мағрурлантирувчи дунё.

أرْكَچْ ***erkäč*** (**эркач**) – така, эркак эчки. Мақолда (шундай келган): ***Erkäč eti em bolur, ečkü eti yel bolur.*** Маъноси: "Таканинг эти эм бўлади, ургочи эчкининг эти ел бўлади". Яъни: "Така гўшти даво бўлади, эчки эти қоринни дам қилади".

أرْكُچْ ***örküč*** (**ўркуч**) – мавж, тўлқин; ***suw örküčländi*** – сув тўлқинланди.

أرْگُچْ ***örgüč*** (**ўргуч**) – ўрилган соч, хотинлар кокили.

أرْكُچْ ***örküč*** (**ўркуч**) – устига қозон ёки идиш қўйиб таом пишириладиган учоёқ, дала ўчоғи.

ر ***r*** [ҳарфи]:

أدْغِرْ ***aδğïr*** (**адғир**) – айғир.

أُلْكَرْ ***Ülkär*** (**Улкар**) – Ҳулкар. Жангларда ***ülkär čerig*** дейиладиган бир ҳийла бор: аскарлар ҳар тарафдан тўда-тўда бўлиб тўпланадилар. Бир тўда илгарилагач, қолганлар ҳам унга эргашади. Шу ҳийла ишлатилганда, енгилиш камдан-кам бўлади.

ز ***z*** [ҳарфи]:

أرْفُزْ ***Erwüz*** (**Эрвуз**) – эркаклар оти.

[أرْكُزْ ***erküz*** (**эркуз**) – эрима сув] ***erküz suw*** – илк кўкламда қор ва музларнинг эришидан ҳосил бўлган сув. (Шоир) шундай деган:

***Yay barupan erküzi,***
***Aqtï aqïn nunduzï,***
***Tuğdï yaruq yulduzï,***
***Tïŋla sözüm külgüsüz.***

Айтмоқдаки: Кўклам тонги ёришди, музлар эриб, сел сувлари каби қаттиқ оқа бошлади. Ёруғ тонг юлдузи ҳам нур сочиб чиқди. Ажойиб сўзимни жиддий тингла [Баҳор келиб, музлар суви эриб, селдай оқа бошлади. Ёруғ юлдуз туғди. Сўзимни жиддий тингла].

أُگْسُزْ ***ögsüz*** (**ўгсуз**) – етим; нима қиларини билмовчи, ўксиз. Аслида ***ögsüz*** сўзи "ақл, идрок" маъносидаги ***ög*** сўзидан ясалган.

ش ***š*** [харфи]:

أَتَمِش ***Ötämiš*** (**Ўтамиш**) – эркаклар оти.

أَدْرِش ***aδriš*** (**адриш**) – иккига айрилган йўлнинг боши.

أُدْرُش ***öδrüš*** (**ўдруш**) – икки нарсанинг бирини танлаш ўз ихтиёрида бўлишлик.

أَدْغِش ***Aδğiš*** (**Адғиш**) – бир жойнинг номи.

أُدْكِش ***öδgiš*** (**ўдгиш**) – аслида ***ögδiš*** бўлиб, харфлар [товушлар] ўрни алмашиб кетин. *Özjänd* да турувчи туркий қабилалардан бири.

أَرْتِش ***Ertiš*** (**Эртиш**) – *Yämäk* саҳросида оқадиган бир сув (дарё)нинг оти. Бир неча тармоқ (ариқ)лардан иборат бўлган шу сув (дарё) ўша ер (қир)даги бир кўлга қуйилади. Уни ***Ertiš suwï*** дейилади. Бу сўз сувдан ўтишда "ким тез ўтар" маъносида қўлланадиган ***ertiš*** сўзидан олинган.

اِرْتِش ***irtäš*** (**ирташ**) – талашиш, тортишув. Бирор иш устида халқ ўртасида воқе бўлган баҳслашиш, тортишув; ***irtäš qopdï*** – баҳс, мунозара қизиб кетди.

أَرْقِش ***arqiš*** (**арқиш**) – карвон. Мақолда (шундай келган): ***Yïraq yer sawïn arqiš keldürür.*** Маъноси: "Узоқ шаҳар [ер] хабарини карвон келтирар". Бу мақол арабларнинг وَيَاتِيكَ بِالْأَخْبَارِ مَنْ لَمْ تُزَوِّدِ мақолига ўхшаб кетади.

أَرْقِش ***arqiš*** (**арқиш**) – юртидан узоққа кетган бир кишига юборилган [хабар етказувчи] одам; ***anïŋ arqïšï keldi*** – унинг элчиси, хабарчиси келди. Бу сўз "мактуб, нома" маъносида ҳам қўлланади.

أَلْقِش ***alqiš*** (**алқиш**) – олқиш, мақташ; дуо қилмоқ; табрик; бировнинг яхши хислатларини эслаш; ***ol begkä alqiš berdi*** – у бекка дуои санони йўллади, яъни: у бекни [унинг яхши сифатларини эслаб] олқишлади; ***yalawačqa alqiš bergil*** – пайғамбарга саловот айт [яъни, уни олқишла].

غ ***ğ*** [харфи]:

أُرْغ ***otruğ*** (**ўртуғ**) – орол, жазира.

[أَتْلِغ ***atlïğ*** (**атлиғ**)] ***atlïğ er*** – отлиқ эр.

[أُتْلُغ ***otluğ*** (**ўтлуғ**)] ***otluğ tağ*** – устида ўт ўсган тоғ.

[إِتْلِغ ***ïtlïğ*** (**итлиғ**)] ***ïtlïğ ew*** – итли уй, ити бор уй.

أَرْتِغ ***artïğ*** (**артиғ**) – хотинлар киядиган нимча.

أَرْتِغ ***artïğ*** (**артиғ**) – ҳайвонлар устига ортилган юкнинг бир томони.

أَغْرِغ ***ağrïğ*** (**ағриғ**) – барча турдаги оғриқ. Умуман ҳар бир аъзода юзага келган оғриқлар ҳам шу сўз билан ифодаланади.

[أَغْرُغ ***ağruğ*** (**ағруғ**)] ***ağruğ sögüki*** – умуртқа суякларининг биринчиси.

أُغْرُغ ***uğruğ*** (**уғруғ**) – сойнинг кесилиши, узилиши; ***tağ uğruğï*** – тоғнинг узилиш ўрни.

ق ***q*** [харфи]:

أَتْلُق ***Atluq*** (**Атлуқ**) – *Ṭarāz* [Авлиёота] яқинидаги бир шаҳар оти.

أَتْلُق ***atluq*** (**атлуқ**) – уларнинг [*Ṭarāz* аҳолисининг] тилида "отхона".

أُچْغُق ***učğuq*** (**учғуқ**) – тумов, шамоллаш, учиниш.

أَدْرِق ***aδrïq*** (**адриқ**) – бир хил ўсимлик, араблар ثِيل ***sīl*** дейдилар.

أَدْرُق ***aδruq*** (**адруқ**) – бошқа, бўлак (ўғузча); турклар буни ***aδïn*** дейдилар. Мақолда (шундай келган): ***Aδïn kiši näŋi näŋsinmäs / näŋ sanmas.*** Маъноси: "Бошқа бировнинг моли қўлингда бўлса ҳам, сеники ҳисобланмайди. Чунки у қайтарилади".

أَدْلُق ***uδluq*** (**удлуқ**) – билак сўнгагининг йўғон жойи.

أَدْلُق ***uδluq*** (**удлуқ**) – сигирларнинг кечаси ётадиган жойи. Оғил, молхона (арғуча).

أَدْمَق / أُدْمُق ***uδmaq / uδmuq*** (**удмақ / удмуқ**) – эргашувчи; ёлланган киши.

أَرْتُق ***artuq*** (**артук**) – ортиқ; зиёда.

أُرْتَق ***ortaq*** (**ўртақ**) – ўртоқ; шерик. Мақолда (шундай келган): ***Ortaq erdän artuq almas.*** Маъноси: "Ўртоқ ўртоғидан [тақсимда ҳиссасини] кўп олмайди". Бу мақол инсофга чақириш мақсадида қўлланади.

أَزْمُق ***ažmuq*** (**ажмук**) – оқ аччиқтош; калнинг бошини ҳам шунга ўхшатиб ***ažmuq taz*** дейилади [Чунки калнинг бошидаги шўралари аччиқтош билан сувалганга ўхшаб туради]. Бу сўздаги ***žā*** икки махраж орасидан чиқади.

إِسْرِق ***ïsrïq*** (**исрик**) – исириқ; болаларнинг бошига тошадиган яраларни ёки кўз тегишидан болаларни даволаганда айтиладиган сўз; (исириқни) тутатилади ва боланинг юзига тутунини ***ïsrïq-ïsrïq*** ("эй жин, эс-хушини йўқот") деб тутилади.

أُسْرُق ***osruq*** (**ўсрук**) – ичдан чиқадиган ел.

أُسْرِق ***usrïq*** (**усрик**) – уйқули киши, мудровчи, кўзи сузилган киши.

[أَغْدُق ***ağduq*** (**ағдук**)] ***ağduq kiši*** – нотаниш киши. Ҳарфларини алмаштириб ***adğuq*** тарзида ҳам талаффуз этилади.

أَغْرُق ***ağruq*** (**ағрук**) – оғирлик; юк, мато; ***ağïr ağruq qayuda qaldï?*** – юк ва оғирликлар қаерда қолдирилди?

إِفْرِق ***ïwrïq*** (**иврик**) – кўзача. Май ичиладиган жўмракли идиш. Бу сўз талаффузда ҳам, маънода ҳам арабчага мос келади, фақат *bā* ҳарфи туркча ف *wā* ҳарфига алмашади. (Шоир) шундай деган:

***Ïwrïq bašï qazlayu,***
***Sağraq tolu közläyü,***
***Saqïnč quδï kezläyü,***
***Tün-kün bilä sewndälim.***

Айтмоқдаки: Иврик [май идиши]нинг боши гоз боши каби тикдир, қорни [май турадиган қисми] кўз (косаси) каби тўлган. Қайғуни унинг тагига кўмайлиг-у, кеч-кундуз севинайлик [Май идишининг боши ғоздек, туби кўз (косаси) каби тўлган. Қайғуларни куйи кўймайлик-да, кеча-кундуз севинайлик].

أَقْرُوق ***oqruq*** (**ўқрук**) – арқон. Мақолда (шундай келган): ***Tağïğ oqruqïn egmäs, teŋizni qayğïqïn bükmäs.*** Маъноси: "Тог арқон билан эгилмайди, денгиз қайиқ билан бекилмайди". Бу мақол катта ишни арзимаган сабаб билан тўхтатиб бўлмаслик мазмунида қўлланади.

أَقْلُق ***oqluq*** (**ўқлук**) – ўқ солинадиган асбоб, соғдоқ.

أَلْچَق ***alčaq*** (**алчақ**) – юмшоқ табиатли, ювош; нозик; зариф.

أَلْدُق أَتْ ***ulduq at*** (**улдуқ от**) – тақасиз от. Бошқа ҳайвонларга нисбатан ҳам ишлатилади.

أَلْغُق ***Alğuq*** (**Алғуқ**) – *Kāšğar* да бир қишлоқнинг оти.

[أَمْرَق ***amraq*** (**амрақ**)] ***amraq köŋül*** – соф ишқ билан исиган кўнгил.

ك ***k*** [ҳарфи]:

إِبْرُك ***iprük*** (**ипрук**) – қатиқ билан сутнинг аралаштирилгани; бу қуртоба ичишдан ичи қотган кишига сурги учун бериладиган доридир.

أَبْمَك ***ebmäk*** (**эбмак**) – нон; яғмо, тухси ва баъзи ўғуз ва қипчоқлар сўзи. Бу сўзда арабчага ўхшашлик бор, чунки арабчада махражлари бир-бирига яқин бўлгани учун *vāv* ни *bā* ва *tā* га алмаштириш бор. Чунончи, بالله و تالله каби бир сўзни уч ҳарф билан алмаштириб айтадилар. Лекин туркий сўзларни араб сўзларига ўхшатиш узоқдир.

أَتْلِك ***etlik*** (**этлик**) – канора (гўшт осиладиган темир); сўйишга тайёрланган қўйга ҳам ***etlik qoy*** дейдилар; ***etlig kiši*** – этли киши. Яъни, семиз, сергўшт киши. Гавдали киши ўрнида ҳам

жарангли *kāf* билан ***etlig kiši*** қўлланади. Менинг мақсадим сифатларни кўрсатмаслик эди. Фақат жуда зарур ўринлардагина кўрсатилди.

اَتْرَكْ ***etrāk*** (**этрак**) – ранги сариқ киши (ўғузча).

اُتْرُكْ ***ötrük*** (**ўтрук**) – ҳийлагар, алдамчи, айёр, ёлғончи (ўғузча). (Шоир) шундай деган:

***Ötrük utun oğrïlayu yüzkä baqar,***
***Elkin tüšüp bermiš ašïğ bašra qaqar.***

Айтмоқдаки: Эрларнинг ҳийлакори, пасти, бахили қолди, меҳмон унинг олдида ўғридек кўринади, мусофир меҳмонга ейдиган нарсасини миннат қилиб, берган нарсаси билан меҳмоннинг бошига уради (қоқади).

اُتْلُكْ ***ötlüg*** (**ўтлуг**) – ўгит, насиҳат; шу маънода ***övüt*** (сўзи) ҳам қўлланади. Асли ***ögüt*** дир.

اَتْمَكْ ***etmäk*** (**этмак**) – нон.

اِچْلِكْ ***ičlik*** (**ичлик**) – эгарнинг тагидан қўйиладиган ички тўқим.

اِچْمَكْ ***ičmäk*** (**ичмак**) – қўзи терисидан қилинган пўстин.

اِدْرِكْ ***iδrik*** (**идрик**) – қаттиқ нарса; (бу сўз) арғуча бўлиб, асли ***irik*** дир.

اُدْلَكْ ***öδläk*** (**ўдлак**) – замон, вақт. (Шоир) шундай деган:

***Öδläk qamuğ küwrädi,***
***Erdäm arïğ sewrädi.***
***Yunčïğ yawuz tawradï,***
***Erdäm begi čertilür.***

Айтмоқдаки: Замон заифланди, фазилат камайди, озғин ва ёмонлар кучланди. (Булар) фазилатли шоҳ *Afrāsiyāb* ўлгани учун бўлди [Замон бутунлай озди. Илм, ҳикмат, поклик камайди. Тубан, ёмонлар кўпайди, фазилат эгалари йўқолаётир].

[اُدْرَكْ ***üδrāk*** (**удрак**)] ***üδrāk näŋ*** – кўпаювчи нарса; аввал оз бўлиб, сўнг кўпайган ҳар бир нарса.

[اَدْلَكْ ***eδlik*** (**эдлик**)] ***eδlik näŋ*** – фойдаланиладиган ҳар нарса.

اُرْپَكْ ***ürpäk*** (**урпак**) – ҳурпайганлик; тукларнинг ҳурпайганлиги (одам ва ҳайвон ҳақида).

اَرْتِكْ ***ertik*** (**эртик**) – юриладиган йўл.

اُرْتُكْ ***örtüg*** (**ўртуг**) – парда, ўртуқ; масалан: эгар пардаси (ёпиғи); катта одамларнинг қабрлари устига ёпилган ипаклик ва ёпиладиган бошқа ҳар нарсага ҳам шундай дейилади.

اُرْچُكْ ***örčüg*** (**ўрчуг**) – ўрилган соч (ўғузча); бу сўз ***örgüč*** (сўзи)нинг ўзгартирилганидир.

اُرْدَكْ ***ördäk*** (**ўрдак**) – ўрдак. Мақолда (шундай келган): ***Qaz qopsa, ördäk kölig igänür.*** Маъноси: "Ғоз (сувдан) кўтарилса, кўлни ўрдак эгаллайди". Бу мақол халқ орасидан бирор улуғ киши кетгандан кейин, унинг ўрнига тубан бир кишининг кўтарилганига ишора қилиб айтилади.

[اَرْسَكْ ***ersäk*** (**эрсак**) – эрсак, эрсираган] ***ersäk ešlär*** – бузуқ ва адашган хотин. Мақолда (шундай келган): ***Ersäk erkä tegmäs, ewäk ewkä tegmäs.*** Маъноси: "Эркакка рағбатли, эр учун шошилган хотин эрга ёлчимайди, шошма-шошар киши уйига етолмайди". Чунки шошилиш натижасида (бу ишда) кутилган шароитларни ҳисобга олмайди. Шунингдек, шошилган эркак ҳам уйига етолмайди. Чунки шошилинч билан отини ҳалокатга етказади-да, ўкиниб қолади: Бу إن المنبت لاأرضا قطع و لاظهرا أبقى дейилган ҳадисга ўхшайди. Бу мақол шошилмасликка ундаб айтилади.

اَرْلِكْ ***erlik*** (**эрлик**) – эрлик, мардлик.

اَرْنَكْ ***ernäk*** (**эрнак**) – бармоқ; ***erŋäk*** деб ҳам қўлланади.

اِيزْلِكْ ***izlik*** (**излик**) – туркий халқларнинг ҳайвон терисидан ясалган чориғи. Мақолда (шундай келган): ***İzlik bolsa, er uldïmas, ičlik bolsa, at yağrïmas.*** Маъноси: "Чорик бўлса,

кишининг оёғи оғримайди, тўқим бўлса, от яғир бўлмайди". Бу мақол ҳар ишнинг кетини ўйлашга ундаб айтилади.

أسْرُكْ ***esrük*** **(эсрук)** – маст, сархуш.

أَفْشُكْ ***ewšük*** **(эвшук)** – киши (ҳаёти)да кейинроқ юзага келган вазият, аҳвол.

إلْرُكْ ***ilrük*** **(илрук)** – исириқ; *uč* қабиласи тилида.

أمْزُكْ ***ömzük*** **(ўмзук)** – эгарнинг олд ва орқа тарафлари.

إكْدُكْ ***igdük*** **(игдук)** – сут ва қатиқдан ишланган, суздмага ўхшаш, ейиладиган нарса.

أكْرِكْ ***egrik*** **(эгрик)** – йигирилган ип.

أُكْرُكْ ***ögrük*** **(ўгрук)** – бола бешигини тебратиш.

أكْشِكْ ***ekšik*** **(эксик)** – (таъми) нордон-чучук нарса; масалан, нордон анор.

أكْسُكْ ***eksük*** **(эксук)** – ўксик; нуқсонли; етишмаган; нуқсонли нарса; ***eksük yarmaq*** – ўтмас, сийқа, нуқсонли танга.

أُكْمَكْ ***ögmäk*** **(ўгмак)** – хотинларнинг кўйлакларига тақиладиган олтин ёки кумушдан қилинган халқа, зирак. Бу сўз, аслида, масдардир.

أُگْمَاكْ ***ügmäk*** **(угмак)** – тўдаланган нарса. Бу ҳам, аслида, масдардир.

أنْدَكْ ***endäk*** **(эндак)** – сатҳ; бир нарсанинг юзи, уст томони (ўғузча).

ل ***l*** [ҳарфи]:

أجْكُلْ / أجِكِلْ ***üčgül / üčgil*** **(учгул / учгил)** – уч бурчак; уч бўлак; уч қиррали нарса.

[أرْسَلْ ***arsal*** **(арсал)**] ***arsal sač*** – қизилга мойил соч.

[أشْتَلْ ***aštal*** **(аштал)** – кенжа] ***aštal oğul*** – кенжа ўғил.

[أنْدِكْ ***endik*** **(эндик)** – аҳмоқ, бефаҳм] ***endik er*** – ҳовликма киши. Мақолда (шундай келган): ***Endik ümä ewligni ağirlar.*** Маъноси: "Бефаҳм меҳмон уй эгасини ҳурматлайди". Бу мақолга кўра, аслида меҳмон ҳурматланиши кераклиги таъкидланади. (Шоир) шундай деган:

***Endik kiši tetilsün,***
***El törü yetilsün,***
***Toqlï-böri qatïlsun,***
***Qaδğu yemä sawïlsun.***

Маъноси: Қиличимиз билан қайғуни очайликки, аҳмоқлар эсини топсин, мамлакат (иши) тузалсин, қўзилар билан бўрилар тинч-тотув яшасин, биздан қайғу-ғам кетсин [Ёмонлар титилсин, мамлакатда (адолатли) тузум етилсин, қўзи билан бўри бирга юра олсин-у, қайғулар ҳам тугасин].

م ***m*** [ҳарфи]:

أتْرُمْ ***ötrüm*** **(ўтрум)** – сурги дори; ***süt ötrüm*** – сутли бир ўт. Бу ўт арабчада شُبْرُمْ *šubrum* дейилади.

أخْشَمْ ***axšam*** **(ахшам)** – кеч; оқшом; кунботар вақти.

أدْرِمْ ***aδrïm*** **(адрим)** – эгар остига икки тарафдан қўйилган жазлиқ. У наматдан бўлади.

أدْرُمْ ***üδrüm*** **(удрум)** – ҳар нарсанинг танлангани, яхшиси.

أرْدَمْ ***erdäm*** **(эрдам)** – одоб, ахлоқ, тарбия. Мақолда (шундай келган): ***Erdäm bašï til.*** Маъноси: "Одобнинг боши тил". Ширин тилли бўлган киши юқори мартаба топади.

أستَمْ ***üstäm*** **(устам)** – камар, тўқа ва эгарнинг бошига ўрнатиш учун олтин-кумушдан ишланган зийнат. Ўғузлар уни ***sāxt*** дейдилар.

[إسْرِمْ ***ïsrïm*** **(исрим)**] ***ïsrïm kiši*** – пешонаси тиришган, қовоғи солиқ киши.

إشْكُمْ ***išküm*** **(ичкум)** – шоҳлар учун махсус қўлланувчи катта бир коса шаклидаги хонтахта; унинг оёқлари бўлмайди.

[أقْتَمْ ***oqtam*** **(ўқтам)**] ***bir oqtam yer*** – бир ўқ отарли узоқликдаги ер.

أِگْرِمْ ***egrim*** (**эгрим**) – сув тўпланган жой.

اِمْرَمْ ***imräm*** (**имрам**) – бирор ишга мамлакат одамларидан тўпланган ҳар бир тўда; ***imräm terišti*** – халқ йиғинга тўпланди.

**ن *n*** [ҳарфи]:

أُتْغُنْ ***otğun*** (**ўтғун**) – эгарнинг чап томонидаги энли бир қайиш; унга айилнинг халқаси ўтказилиб, тили боғланади.

أَرْقُنْ ***arqun*** (**арқун**) – ёввойи отдан қочган хонаки байтал боласи; у пойгаларда энг чопқир от бўлади.

أُرْكَنْ ***örkän*** (**ўркан**) – қайиш (ўғузча).

أَرْكَنْ ***erkän*** (**эркан**) – экан; бу сўз ҳаракатнинг ҳолини англатади; ***ol kelür erkän, kördüm*** – уни келаётган ҳолда, у келаётганда кўрдим, демакдир.

[اِرْكِنْ ***irkin*** (**иркин**)] ***irkin suw***– сув тўплами; ҳар бир тўпланган нарсага ҳам ***irkin*** сўзи қўлланади. Қарлуқларнинг катталарига ***köl irkin*** дейиши ҳам шундандир. Бу лиммо-лим кўл каби ақли кўп, ақли тўлган, ақли тўлишган киши демакдир.

[اِرْكِنْ ***irkin*** (**иркин**)] ***irkin yağmur*** – кунлаб давом этувчи ёмғир; бир неча кун тўхтамай ёғадиган ёмғир.

أَرْقُنْ ***arqun*** (**арқун**) – келгуси йил номи; ***arqun izi*** – келар йил.

أُرْكُنْ ***ürkün*** (**уркун**) – ёв томонидан тушган қўрқув натижасида ва тўполондан халқда пайдо бўлган саросима. Хавотирда истеҳкомларга ва қўрғонларга бекинадилар.

أُتْرَنْ ***otran*** (**ўтран**) – иштон. Буни яғмо қабиласида эшитдим.

[اِچْكِنْ ***ičkin*** (**ичкин**)] ***ičkin er*** – ёвга таслим бўлиб, у томонга ўтган ва омонлик берилган киши.

أُسْتُنْ ***üstün*** (**устун**) – уст, баланд; ***anda(n) üstün*** – ундан баланд.

أَسْتِنْ ***astïn*** (**астин**) – ост, куйи демакдир. Бу сўз тўғри эмас. Тўғриси ***altïn***.

أَلْتِنْ ***altïn*** (**алтин**) – куйи, тубан.

أَوْرَنْ ***ewrän*** (**эвран**) – темирчи ўчоғининг қўрасига ўхшатиб қурилиб, унда нон пиширилади. Ертандир.

اِشْغُنْ ***išğun*** (**ишғун**) – равоч.

[اَشْكِنْ ***eškin*** (**эшкин**)] ***eškin tupraq*** – тўпланган тупроқ ва қум. Чўзиқ йўлга ***eškin*** дейилади. Тез юрадиган отлиқ чопарига ***eškinči*** дейиш ҳам шундандир.

اَمْشَنْ ***emšän*** (**эмшан**) – пўстин қилинадиган тери.

اَنْدَنْ ***andan*** (**андан**) – сўнг, кейин (ўғузча); ***andan aydïm*** – ундан кейин айтдим. Турклар ***anda*** дейдилар, "у ерда" демакдир; ***men anda erdim*** – мен у ерда эдим.

## *Muḍā'af* сўзлар

**ت *t*** [ҳарфи]:

أَرْتُتْ ***artut*** (**артут**) – бек ва шу каби кишиларга тортиқ қилинадиган от ва бошқа нарсалар; сўнг бу сўз ҳар бир тортиққа ҳам қўллана бошлаган.

**ق *q*** [ҳарфи]:

[أَرْقُقْ ***arquq*** (**арқуқ**)] ***arquq kiši*** – сўз тингламайдиган, сўзга кирмайдиган ўжар одам.

أَرْقُقْ ***arquq*** (**арқук**) – устун, икки девор ёки устун орасига қўйилган ёғоч.

**ك *k*** [ҳарфи]:

أُبْكُكْ ***öpkük*** (**ўпкук**) – сассиқпопишак (чигилча).

اَمَكَكْ ***emgäk*** **(эмгак)** – эмгак, меҳнат, машаққат. Мақолда (шундай келган): ***Emgäk ekindä qalmas.*** Маъноси: "Меҳнат бўш кетмайди". Бу мақолнинг мазмуни إِنَّ مَعَ الْعُسرِ يُسرا оятининг мазмунига ўхшайди. (Шоир) шундай деган:

***Aydï seniŋ uδu,***
***Emgäk telim ïδu,***
***Yumšar qatïğ öδü,***
***Köŋlüm seŋä yügrük.***

Севиклисини кўриш ҳақида айтмоқда: Эй севиклим, бизнинг томонга қандай ўтдинг-у, узун чўллар, буюк қирларни қандай кечдинг, дедим [Эй севикли, дедим унга мен, биз томонга қандай ўтдинг-у, кенг саҳро, баланд қирлардан қандай ўтиб келдинг].

اُمَكَكْ ***ömgük*** **(ўмгук)** – болалар бошидаги юмшоқ жойи.

اَشْكَكْ ***eškäk*** **(эшкак)** – эшак; икки тилнинг бирида ***ešyäk*** дейилади; бунда *yā* ҳарфи такрорланган ҳарфларнинг бири ўрнига алмашган. Бу хусусият араб тилида ҳам учрайди. Масалан, تَقْضى البَارى иборасидаги تَقْضَ сўзининг асли تَقْضَضَ бўлиб, икки ض билан ҳам келади. Шунингдек, улуғ Тангрининг وَقَدْخَابَ مَنْ دَسّاهَا ثم ذهب الى اَهْله يَتَمَطى ва деган сўзларида ҳам шундай ҳолат бор. Булардаги يَتَمَطى ва دَسّاهَا сўзларининг асли يَتَمَطط ва دَسَسَها дир.

اَرْكَكْ ***erkäk*** **(эркак)** – ҳайвоннинг эркаги. "Хўроз"ни ***erkäk taqağu*** дейилади.

اِنَكَكْ ***iŋäk*** **(ингак)** – сигир; ўғузлар тошбақанинг урғочисини ***iŋäk*** дейдилар.

## ***Miṣāl*** бўлими

ر ***r*** [ҳарфи]:

اُيغُرْ ***Uyğur*** **(Уйғур)** – *δū-l-qarnayn* турк шоҳи билан сулҳ қилганда қурган беш шаҳарли вилоят исми.

*Niẓāmuddīn Isrāfīl ṭoğan tigin bin-Muḥammad Jaqir ṭonqaxan* отасидан менга шундай хабар қилди: *δū-l-qarnayn Uyğur* вилоятига яқинлашгач, турк хоқони унга тўрт минг одамни йўллади. Уларнинг бошларидаги баланд қалпоқ парлари худди лочин қанотидай эди. Ўқни олдиндан қандай отсалар, орқадан ҳам шундай усталик билан отар эдилар. Буларга *δū-l-qarnayn* ҳайрон қолди ва *inān xuδ xurand* – булар ўзи топиб егувчилар, бошқаларга муҳтож бўлмовчилар, яъни булардан ов қочиб қутулолмайди; қачон хоҳласалар отиб ейдилар, деди. Шундан сўнг вилоят *Xuδxur* деб аталди.

*xā alif* га (яъни [*u*] га) алмашди. Шунга ўхшаш бўғиз ҳарфлари ҳам бир-бирига алмашади. Айниқса, *xā* нинг *alif* га ва *alif* нинг *xā* га алмашиниш ҳоллари кўп учрайди.

Китоб муаллифи *Maḥmūd* айтди: Боболаримизнинг ***amïr*** ни ***xamïr*** дейишлари шунга мисолдир. Чунки ўғузлар *alif* ни *xā* ҳарфига алмаштириб, ***amïr*** ни ***xamïr*** дейишади. Турк шаҳарларини сомонийлардан қўлга олган боболаримиз бекни بحر كين дер эдилар. Бунда ҳам ***uyğur*** сўзида алмаштирганлари *alif* ҳарфини *xā* ҳарфига алмаштирганлар. ***uyğur*** деган сўзда *xā* ни *alif* га алмаштиргач, ***xuδ*** даги *δāl* ни *yā* га алмаштирдилар. Сўнг ***xur*** даги *xā* ни *ğayn* га алмаштирдилар. *xā* нинг *ğayn* га алмашиб келиши кўп учрайдиган ҳодисадир. خُتر غَدر дегандаги каби (Шундай қилиб, ***xuδxur*** сўзи ***uyğur*** ҳолига келди).

У вилоятда бешта шаҳар бўлиб, у ернинг аҳолиси ғирт кофирлар ва ниҳоят моҳир отувчилардир. У шаҳарларни *δū-l-qarnayn* бино қилган. (Булар) *Sülmi,* сўнг *Qoči,* сўнг *Čanbalïq,* сўнг *Bešbalïq,* сўнг *Yaŋïbalïq* шаҳарларидир.

ش ***š*** [ҳарфи]:

اَيتِشْ ***aytïš*** **(айтиш)** – икки кишининг бир-биридан ҳол-аҳвол сўрашиши.

غ *ğ* [ҳарфи]:
اَيتِغ ***aytïğ*** (**айтиғ**) – ***aytïš*** нинг бошқа бир шакли; соглиқ, саломатлик сўрашишдир.
ق *q* [ҳарфи]
اَيرُق ***ayruq*** (**айруқ**) – "бошқа, айрим" маъносидаги сўз бўлиб, ўғузчадир.
اَيرِق ***ayrïq*** (**айриқ**) – ажриқ; у юмшоқ бир ўт. Турклар ***aδrïq*** дейдилар. Ўғузлар *δāl* ҳарфини *yā* га алмаштирадилар.
اَيلُق اَيلُق ***ayluq-ayluq*** (**айлуқ-айлуқ**) – "шундай-шундай" демакдир (ўғузча).

### *Maṭvī*[22] сўзлар бўлими

ل *l* [ҳарфи]:
اَيلا ***ayla*** (**айла**) – шундай (ўғузча); ***ayla qïlğïl*** – шундай қилғил, демакдир.
اَيلا ***öylä*** (**ўйла**) – пешин, туш вақти (ўғузча); қипчоқлар *yā* ни *zā* га алмаштириб, ***özlä*** дейдилар.

### Шуларнинг бошқа бир тури

ق *q* [ҳарфи]:
اَجلِق ***a:člïq*** (**а:члиқ**) – очлик, овқатсизлик.
اَشلِق ***ašlïq*** (**ашлиқ**) – ошхона (ош ейиладиган жой); ўғузлар "буғдой"ни ***ašlïq*** дейдилар.
ک *k* [ҳарфи]:
اَشيَک ***ešyäk*** (**эшйак**) – эшак; ***eškäk*** шакли ҳам бор. Биринчиси тўғрироқ.
ۋ *w* [ҳарфи]:
اَوِيا ***awïya*** (**авийа**) – беҳи, баъзи бир луғат[шева]да.

### Шуларнинг тўрт ҳарфлилари

ت *t* [ҳарфи]:
اِكتُو ***iktü*** (**икту**) – қўлда боқиладиган ҳайвон; бўрдоқи.
ر *r* [ҳарфи]:
اَقرُو ***aqru*** (**акру**) – секин; ***aqru-aqru*** – секин-секин ёки акрин-акрин.
ک *g* [ҳарфи]:
اَدگو ***eδgü*** (**эдгу**) – яхши, чиройли нарса. (Шоир) шундай деган:

***Qošnï-qonum ağïšqa,***
***Qïlğïl anar ağïrlïq,***
***Artut alïp anunğïl,***
***Eδgü tawar oğurluq.***

Айтмоқдаки: Қўни-қўшниларга яхшилик қил, уларни ҳурматла. (Улардан) бирор совға олсанг, (ундан) яхшироқ мукофот ҳозирла [Қариндошларга, қўни-қўшниларга яхшилик қил, улардан олган совғанг эвазига қадрлироқ нарса ҳозирла].

### Бу бўлимнинг бошқа бир тури

[22] Ҳарфлардан боши ва охири *alif* бўлган сўзлар.

أَمْشُوْ ***amšuy*** **(амшуй)** – бир хил сариқ олхўри.

### ***Ğunna*** лилар бўлими

ز ***z*** [ҳарфи]:

أَنْكُدُزْ ***aŋduz*** **(ангдуз)** – росан; ердан қазиб олинадиган ўсимлик илдизи. Отларнинг корин оғриғи касалига даво бўлади. Мақолда (шундай келган): ***Aŋduz bolsa, at ölmäs.*** Маъноси: "Росан ўти ёнингда бўлса, от йўлда корин оғриғидан ўлмайди". От оғриб қолган тақдирда, у билан даволаш мумкин. Бу мақол сафарга чиқувчиларни пухта ҳозирланишга ундаб айтилади.

چ ***č*** [ҳарфи]:

إِنْكْلِچْ ***iŋlič*** **(инглич)** – сассиқ саримсоққа ўхшаган бир тоғ ўти; кабоб билан ейилади.

ك ***k*** [ҳарфи]:

أَنْكْلِكْ ***eŋlik*** **(энглик)** – хотинлар юзларига (ёноқларига) суртадиган пушти қизил ранг, упа-элик.

ن ***n*** [ҳарфи]:

أَنْكُدُنْ ***öŋdün*** **(ўнгдун)** – тўғридан, олдиндан; ўғузлар *dāl* ва *nūn* ни ташлаб, ***öŋ*** дейдилар. Ўғузлар учун бу бир қоидадир. ***öŋdün yurut*** – (отингни) тўғридан сол, олдиндан юргиз, демакдир.

### Охири ***ğunna*** ли сўзлар

أُلْدَنْكْ ***uldaŋ*** **(улданг)** – поча. Мақолда (шундай келган): ***Ïtqa uwut etsä (yetsä?), uldaŋ yemäs.*** Маъноси: "Итга уят келса, орият қилса, поча ташласанг ҳам емайди". Бу мақол [ориятли,] уятчан бўлишга ундаб, кишини номувофиқ ишлардан қайтишга даъват қилиб айтилади.

ل ***l*** [ҳарфи]:

أُژْلَنْكْ ***užlaŋ*** **(ужланг)** – икки махраж орасида талаффуз қилинадиган *zā* билан; буқаламун (ўғузча).

د ***d*** [ҳарфи]:

إِزْدَنْكْ ***izdäŋ*** **(изданг)** – балиқ тутадиган бир хил тўр; шундайки, анҳорнинг бир ерига чўплардан тўғон қилинади. Ўрта еридан тешикча қолдириб, тешик оғзига тўр-тузоқ қўйилади. Балиқ тушган заҳоти дарров тўр кўтарилади.

س ***s*** [ҳарфи]:

أَخْسُنْكْ أَرْ ***axsuŋ er*** **(ахсунг эр)** – мастликда тўпалон қиладиган киши; жанжалкаш. Бу сўзни ***axsum*** тарзида ҳам қўлланилади.

### Бу бўлимнинг ***miŝāl*** тури

ب ***b*** [ҳарфи]:

[أَيْبَنْكْ ***aybaŋ*** **(айбанг)** – кал] ***aybaŋ er*** – кал киши (чигилча).

أَيْدِنْكْ ***aydïŋ*** **(айдинг)** – ойдин, ой ёруғлиғи.

### Тўрт ҳарфлилар бўлими

[أَرِنْكَانْ ***eriŋän*** **(эринган)** – бўйдоқ] ***eriŋän er*** – бўйдоқ киши. Мақолда (шундай келган): ***Eriŋäŋä elik qarï bözün / bözin üm tikämäs / tükämäs.*** Маъноси: "Бўйдоққа эллик газ бўз ҳам

иштонликка етмайди", чунки бегоналар унга ён босмайди. Бу мақолни уйланишга ташвиш қилаётган йигитга нисбатан айтилади.

### Ўртаси турли ҳаракатли *af'āl, uf'āl, if'āl* қолипидаги сўзлар бўлими

ر ***r*** [ҳарфи]:

أَرْقَارْ ***arqar*** **(арқар)** – тоғ эчкиси; унинг шохидан пичоққа соп қилинади.

أَشْبَارْ ***ašbar*** **(ашбар)** – терт (сомон билан кепакни аралаштириб бериладиган мол еми).

إِشْلَارْ ***ešlär*** **(эшлар)** – хотин; асли ***ešilär*** (хонимлар) демакдир. Кўп қўлланганидан, енгиллик учун *yā* ҳарфи туширилган. Бу сўз кўпликдадир, лекин бирликда ҳам қўлланади. Бунинг аталиш воқеаси узоқдир.

غ ***ğ*** [ҳарфи]:

أَخْشَاغْ ***oxšağ*** **(ўхшағ)** – ўхшаш; ***anïŋ oxšağï*** – унинг ўхшаши, демакдир.

أَرْقَاغْ ***arqağ*** **(арқағ)** – арқоғ [бўз, шол, гилам ва бошқалар тўқилганда ёнламасига қўйилади].

أَفْرُوغْ ***owruğ*** **(ўвруғ)** – бу сўзни ***oğruğ*** ҳам дейилади. Суякларнинг бўғинли жойи; тоғнинг ён бағри, тугаш жойи.

أَفْرُوغْ ***owruğ*** **(ўвруғ)** – умуртқа суягининг бўйинга тушган жойи.

Бу сўзларнинг энг тўғриси ***oğruğ*** шаклидир.

أُغْرَاغْ ***uğrağ*** **(уғрақ)** – мақсад ва ният.

أَنْدَاغْ ***andağ*** **(андағ)** – шундай; ***andağ aydïm*** – шундай дедим (чигилча).

أَنْدِغْ ***andïğ*** **(андиғ)** – элак, ғалвир каби нарсаларнинг гардиши.

ق ***q*** [ҳарфи]:

أُبْرَاقْ ***opraq*** **(ўпрақ)** – сузук (сузилган) ва эскирган нарса. Сузилган, эскирган кийимга ***opraq ton*** дейилади.

أَتْغَاقْ ***atğaq*** **(атғақ)** – қоринда сариқ сув йиғилиш касаллиги; қуланж. Сариқ рангдаги бир турли ўсимликка ҳам ***atğaq*** дейилади. Қайғудан ранги сарғайганларга ҳам ***atğaq*** дейилади.

أُجْمَاقْ ***učmaq*** **(учмақ)** – жаннат. (Шоир) шундай деган:

***Türlüg čečäk yazïldï,***
***Barčïn yaδïm kerildi.***
***Učmaq yeri körüldi,***
***Tumluğ yana kelgüsüz.***

Кўкламни таърифлаб айтмоқда: Ҳар турли чечаклар очилди, худди (сернақш) ипак ғиламлар ёзилгандай. Жаннат ери кўрилди. Совуқ қайтиб келмас даражада ҳаво исиди [Гулдор ипак гилам ёзилгандай, (ерларни) турли чечаклар безади. Жаннат ери кўрилди. Совуқ сира қайтиб келмайди].

أَخْسَاقْ ***axsaq*** **(ахсақ)** – оқсоқ, чўлоқ.

[أَرْتَاقْ ***artaq*** **(артақ)** – бузуқ, бузилган] ***artaq näŋ*** – бузуқ нарса, бузилган нарса.

أُرْغَاقْ ***orğaq*** **(ўрғақ)** – ўроқ.

أُغْرَاقْ ***oğraq*** **(ўғрақ)** – *Qarayïğač* деб аталган чегарадаги шаҳарда яшовчи бир турк аймоғи.

[أَغْلَاقْ ***ağlaq*** **(ағлақ)**] ***ağlaq yer*** – овлоқ, кишисиз ёки холи ер.

أُغْلَاقْ ***oğlaq*** **(ўғлақ)** – улоқ, эчки боласи. Мақолда (шундай келган): ***Oğlaq yiliksiz, oğlan biligsiz.*** Маъноси: "Эчки боласида илик йўқ, ёш болада ақл йўқ".

ك ***k*** [ҳарфи]:

اِستاک ***istäk*** (**истак**) – истак; сўраш; суриштириш, пайидан бўлиш; ***istäk qopdï*** – истак туғилди, талаб пайдо бўлди.

اُستاک ***üstäk*** (**устак**) – бир нарсада ортиқчалик, орттириш; мингнинг устига юз орттириш каби. ***men üstäk berdim*** – мен устига уст бердим, мен ортиқча бердим.

ن ***n*** [ҳарфи]:

اُپلان ***oplan*** (**ўплан**) – сичқон(лар) жинси[оиласи]дан бўлган кичик бир жонивор.

اُرغون ***arğun*** (**арғун**) – узунлиги ярим газ келадиган сичқон(лар) жинси[оиласи]даги бир жонивор, девор ёриқларидан чумчуқларни овлайди, қўйга отилса, гўштини сарғайтириб юборади. Уйқудаги одамга отилса, у кишининг сийдиги тутилади.

اُلتون ***altun*** (**алтуи**) – олтин, тилла.

اُمگان ***ömgän*** (**ўмган**) – гардан томири.

اِنگان ***iŋän*** (**инган**) – урғочи туя. Мақолда (шундай келган): ***İŋän iŋrasa, botu bozlar.*** Маъноси: "Урғочи туя инграса, бўта бўзлайди". Бу мақол "Яқинлар доим бир-бири ҳақида қайғурадилар", деган мазмунда қўлланади.

### Бу бўлимнинг *misāl* лари

ش ***š*** [ҳарфи]:

اُیناش ***oynaš*** (**ўйнаш**) – ўйнаш; бегона киши билан гаплашадиган, юрадиган хотин.

ق ***q*** [ҳарфи]:

[اُیناق ***oynaq*** (**ўйиақ**)] ***oynaq ešlär*** – ўйноқи, шўх хотин.

ن ***n*** [ҳарфи]:

اُیران ***ayran*** (**айран**) – айрон.

### *vāv* ҳарфи қўшилган сўзлар бўлими

غ ***ğ*** [ҳарфи]:

[اُیناغو ***oynağu*** (**ўйнағу**)] ***oynağu yer*** – ўйналадиган жой.

### Уларнинг *manqūṣ* и

ن ***n*** [ҳарфи]:

اُلیان ***ulyan*** (**улйан**) – хушбўй бир ўсимликнинг илдизи бўлиб, уни ейилади.

### *Ğunna* лилар бўлими

ک ***k*** [ҳарфи]:

اِرنگاک ***eriŋäk*** (**эрингак**) – бармоқ. Мақолда (шундай келган): ***Beš eriŋäk täz ermäs.*** Маъноси: "Беш қўл (бармоқ) баробар эмас". Шунга ўхшаш, кишилар ҳам бир-бирларидан фарқ қилади.

اُرنگاک ***ürüŋäk*** (**ўрунгак**) – ганч, гипс.

### *fa'āl* ва *fa'ūl* қолипидаги сўзлар бўлими

چ ***č*** [ҳарфи]:

أَلوچ ***aluč*** **(алуч)** – совуқ нарса, совутилган нарса.

ر ***r*** [ҳарфи]:

أَلار ***ular*** **(улар)** – какликнинг эркаги.

ز ***z*** [ҳарфи]:

[أوسوز ***usuz*** **(усуз)** – уйқусиз] ***usuz kiši*** – уйқусиз киши.

إسيز ***isiz*** **(исиз)** – сўзга кирмайдиган бебош, шўх бола.

أذيز ***eδiz*** **(эдиз)** – ҳар нарсанинг баланди.

ش ***š*** [ҳарфи]:

إگيش ***igiš*** **(игиш)** – маъданлар эритилганда чиқадиган чиқинди.

إگيش ***igiš*** **(игиш)** – бўйсунмайдиган қайсар ҳайвон (от).

ک ***k*** [ҳарфи]:

[أفاک / أفاک ***ewäk / iwäk*** **(эвак / ивак)** – шошқалоқ] ***ewäk / iwäk er*** – шошқалоқ киши.

أَلوک /أَلوک ***elük / ilük*** **(элук / илук)** – масхара; ҳазил.

غ ***ğ*** [ҳарфи]:

أَلاغ ***ulağ*** **(улағ)** – бекнинг буйруғи билан юрувчи почтачининг маълум бекатларда айрибошлаб миниладиган оти.

أَلاغ ***ulağ*** **(улағ)** – ямоқ; тўн ямоғи.

ق ***q*** [ҳарфи]:

اُخاق ***uxaq*** **(ухақ)** – ўрик – туршакдан сиқиб олинадиган сув; уни ичилади.

أشاق ***ušaq*** **(ушақ)** – чақимчилик; ***ušaq söz*** – чақимчилик тарзида сўзланган сўз, майда ва туҳматли сўз.

ل ***l*** [ҳарфи]:

[أسال ***osal*** **(ўсал)**] ***osal kiši*** – иш билмаган киши, ғафлатда қолган одам.

إنال ***İnal*** **(Инал)** – онаси катта уруғдан, отаси оддий халқдан туғилган бола исми. Бу асосдир.

ن ***n*** [ҳарфи]:

أجان ***očan*** **(ўчан)** – икки елканли қайиқ (қипчоқча).

**Бу бўлимнинг *misāl* лари**

[أياس ***ayas*** **(айас)**] ***ayas kök*** – тиниқ осмон. Чиройли қулларни ҳам ***ayas*** деб атайдилар; юзнинг тиниқлигини унга ўхшатадилар.

ن ***n*** [ҳарфи]:

أتون ***utun*** **(утун)** – тубан, паст.

**Тўрт ҳарфлилар**

ک ***g*** [ҳарфи]:

[أگای ***ögäy*** **(ўғай)** – ўгай] ***ögäy ata*** – ўгай ота; ***ögäy oğul*** – ўгай ўғил; ***ögäy qïz*** – ўгай қиз.

م ***m*** [ҳарфи]:

أمای ***umay*** **(умай)** – йўлдош (туққан хотинлар қорнидан чиқувчи нарса). Уни боланинг қорнидаги ҳамроҳи – йўлдоши дейилади. Мақолда (шундай келган): ***Umayqa tapïnsa, oğul bolur.*** Маъноси: “Кимки бунга хизмат қилса, у ўғил кўради”, демакдир. Хотинлар яхшилик кутадилар.

ب ***p*** [ҳарфи]:

أَرْپَا ***arpa*** **(арпа)** – арпа. Мақолда (шундай келган): ***Arpasïz at ašumas, arqasïz alp čerig sïyumas.*** Маъноси: "Арпасиз от қир ошолмайди, ёрдамчисиз йигит (баҳодир) жангда енга олмайди". Бу мақол ишда ҳамкорликка чақириш маъносида қўлланади.

ت ***t*** [ҳарфи]:

أُرْتُو ***ortu*** **(ўрту)** – ҳар нарсанинг ўртаси; ***ortu er*** – ўрта ёшли киши; ***ew ortusï*** – уй ўртаси. ***kün ortu*** – кун ўртаси, туш (чигилча).

أِرْتَا / أَرْتَا ***ertä / irtä*** **(эрта / ирта)** – эрта, тонг, саҳар вақти.

ج ***č*** [ҳарфи]:

أَرْچِی ***arčï*** **(арчи)** – тўрва.

د ***d*** [ҳарфи]:

أُرْدُو ***ordu*** **(ўрду)** – шоҳ турадиган шаҳар; ўрда. Шунинг учун *Kāšğar* ни ***Ordukend*** дейдилар, яъни "шоҳлар турувчи шаҳар" демакдир.

أُرْدُو ***Ordu*** **(Ўрду)** – *Balasağun* яқинидаги бир шаҳар; шунинг учун *Balasağun* ни ***Quzordu*** ҳам дейилади.

[أُرْدُو ***ordu*** **(ўрду)**] ***ordu bašï*** – шоҳлар хизматидагиларнинг оти.

أُرْدُو ***ordu*** **(ўрду)** – сичқон, каламуш каби ер остида яшовчи ҳайвонлар ини.

[أُرْدُو ***ordu*** **(ўрду)**] ***ordutal*** – мўйни тушириш учун ҳаммомда ишлатиладиган аралашма; оҳак. Ёш кўкракка урилган тамға. Бу сўз икки тилнинг бирида (ўғуз ёки турк тилида) қўлланади.

أَكْدُو ***ekdü*** **(экду)** – қилич қини ва бунга ўхшаш нарсаларни ўйиш учун қўлланадиган учи эгри пичоқ.

أَكْدِی ***ekdi*** **(экди)** – мол сўйиладиган жой, кушхона.

أَمْدِی ***emdi*** **(эмди)** – ҳозир, энди; ***emdi keldim*** – "ҳозир келдим" ёки "энди келдим". Ўғузлар *alif* ни *kasra* қилиб ***imdi*** деб талаффуз қиладилар. (Шоир) шундай деган:

***Öpkäm kelip oğradïm,***
***Arslanlayu kökrädim,***
***Alplar bašïn toğradïm,***
***Emdi meni kim tutar?***

Айтмоқдаки: Ёвга қарши ғазаб билан, нафрат билан хезландим, арслонлар каби наъра тортдим, ботирларнинг бошларини тилимладим, сўнг маърака ўртасида, "Энди мени ким тута олади?" деб бақирдим [Ачичиғим келиб (ёвга қарши) хезландим, арслон каби ўкирдим, ботирларнинг бошларини кесдим, (қани) энди мени ким тута олади?].

أُمْدُو ***umdu*** **(умду)** – умид қилиш; сўраш, таъма қилиш; сўровчи (гадой)га ***umdučï*** дейдилар.

أَنْدَا ***anda*** **(анда)** – у ерда, унда.

ر ***r*** [ҳарфи]:

أُپْرِی ***oprï*** **(ўпри)** – чуқур (ўпирилган жой).

أُتْرَا ***otra*** **(ўтра)** – ўрта, ҳар томонлама (кўп қиррали) нарсанинг ўртаси; бу сўз ***ortu*** нинг ҳарф алмашганидир.

أَيْرُو ***ayru*** **(айру)** – бошқа, йўқ эса, бўлмаса; ***munï tilämäsä-sen, ayru ne keräk?*** – сен буни истамасанг, бошқа яна ким керак?

أَدْرِى ***aδrï*** **(адри)** – айри; буғдой совуриш учун қўлланадиган асбоб. Икки шохли ҳар бир нарсани ҳам ***aδrï*** дейдилар. Бу сўз кишиларга нисбатан ҳам қўлланади: ***aδrï butluğ*** – айри бутли (одам).

أُتْرُو ***otru*** **(ўтру)** – (ҳар нарсанинг) қаршиси, рўпараси; ***ol meŋä otru keldi*** – у менга рўпара келди.

أَسْرَا ***asra*** **(асра)** – қуйи, ост.

إِسْرَا ***isrä*** **(исра)** – қуйи, сўнг; ***ol andan isrä-ol*** – у бундан сўнг ва қуйи, демакдир.

أَسْرِى / إِسْرِى ***esri / isri*** **(эсри / исри)** – қоплон; икки рангли чипор ипга ***esri / isri yasïğ*** дейилади. Икки рангдаги ҳар бир чипор нарсага ҳам, қоплон рангига ўхшагани учун ***esri / isri*** дейилади.

أُغْرِى ***oğrï*** **(ўғри)** – ўғри. Аслида *ğayn kasra* ли бўлиши керак эди; енгиллатиб *sukun* ҳолида талаффуз қилинади. Арабчада إبل ҳам, إِبِل ҳам, أُذُن ҳам, أُذن ҳам дейилгани каби. ***bu näŋ anïŋ oğrï-ol*** – бу нарса ундан сўнг, демакдир.

أَكْرِى ***egri*** **(эгри)** – ҳар қандай эгри ва қийшиқ нарса. Мақолда (шундай келган): ***Yïlan kendü egrisin bilmäs, tewäy boynïn egri ter.*** Маъноси: "Илон ўзининг эгрилигини билмайди-да, туянинг бўйнини эгри дейди". Бу мақол бировнинг айбидан сўз очувчи ғийбатчиларга нисбатан қўлланади.

أُكْرَا ***ügrä*** **(уғра)** – угра оши. Бу тутмочдан майинроқ, лаззатлироқ.

أِلْرِى / أَلْرِى ***elri / ilri*** **(элри / илри)** – эчки боласининг териси; бир *dāl* орттирилиб, ***eldiri / ildiri*** ҳам дейилади.

ز ***z*** [ҳарфи]:

أَزْرُو ***ažru*** **(ажру)** – шоқол, чиябўри дейилган йиртқич бир ҳайвон; икки махраж ўртасидаги ***zā*** билан талаффуз қилинади. Кишилар бир нарса теварагида тўпланса, ***kiši ažrulayu qurdï*** дейдилар. Яъни "Кишилар шоқол одамни емоқ учун тўпланган каби йиғилдилар", демакдир.

س ***s*** [ҳарфи]:

أَرْسُو ***ersü*** **(эрсу)** – ҳар бир жўн нарса (ўғузча).

غ ***ğ*** [ҳарфи]:

أَرْغُو ***arğu*** **(арғу)** – икки тоғ ораси; *Ţirāz* ва *Balasağun* орасидаги шаҳарларга ҳам ***Arğu*** дейдилар. Чунки у икки тоғ орасидадир.

أُرْغَا ***urğa*** **(урға)** – катта дарахт (ўғузча); арғу тилида ҳам шундайдир.

إِمْغَا ***ïmğa*** **(имға)** – мол (солиқ) йиғувчи амалдор.

[أَنْغَا ***anğa*** **(анға)**] ***anğa er*** – қадрсиз, жўн одам; ҳар қандай қадрсиз, жўн, ташландиқ нарсага ҳам ***anğa*** дейилади.

ۋ ***w*** [ҳарфи]:

[إِرْقِى ***irwi*** **(ирви)**] ***irwi qulaq*** – ингичка, узунқулоқ.

إِرْقِى ***irwi*** **(ирви)** – касалларни даволашда қўлланувчи ҳиндча бир дорининг оти.

ق ***q*** [ҳарфи]:

أَرْقَا ***arqa*** **(арқа)** – орқа, сирт.

أَرْقَا ***arqa*** **(арқа)** – кийин вақтларда ёрдам берувчи киши; орқа куч; ҳийла ва тадбирлар билан ёрдам берувчи киши. Айтиладики: ***Arqasïz alp čerig sïyumas.*** Маъноси: "Ёрдамчисиз қаҳрамон жанг сафларини синдиролмайди".

ك ***k*** [ҳарфи]:

أُبْكَا ***öpkä*** **(ўпка)** – ўпка, оқ жигар.

***öpkä*** **(ўпка)** – ғазаб; унинг шундай айтилишига сабаб ғазабнинг ўпкада пайдо бўлишидир. Бу сўзнинг шу маънода қўлланиши сўзнинг пайдо бўлиш ўрнига кўра келиб чиққандир. Чунончи, "ёмғир"ни "осмон" дейилгани каби.

***ötki*** **(ўтки)** – эваз, бадал (чигилча); ***bu atqa ötki berdim*** – бу отнинг эвазини, бадалини бердим, демакдир.

***ečkü*** **(эчку)** – эчки.

***ičkü*** **(ичку)** – ичкилик; ҳар бир ичиладиган нарса.

***eδgü*** **(эдгу)** – яхши, эзгу. (Шоир) шундай деган:

***Kelsä kiši atma aŋar örtär külä,***
***Baqqïl aŋar eδgülügün ağzïn külä.***

Айтмоқдаки: Сенга кулар юзли бир киши келса, сен унинг юзига иссиқ – қайноқ кул сочма, яхшилик қил, хуш муомала бўлиб ҳурматла.

***erki*** **(эркн)** – иккиланиш, шубҳани билдирувчи сўз; сўроқ мазмунини ифодалайди; ***ol kelirmü erki?*** – у келармикин ё йўқ. Бу сўроқ олмоши ўрнида.

***örkü*** **(ўркy)** – туянинг ўркачи.

***eskü*** **(эскy)** – элак, ғалвир.

***eski*** **(эски)** – эски; ***eski ton*** – эски кийим.

***ülgü*** **(улгу)** – аҳд, ваъда.

[***elkä*** **(элка)**] ***elkä bulaq*** – бир турк қабиласининг оти.

***l*** [ҳарфи]:

***oğla*** **(ўғла)** – ёш йигит (арғуча).

***oğlï*** **(ўғли)** – *Kāšğar* да экиладиган оқ ва ширин сабзи; уни ейилади.

***m*** [ҳарфи]:

[***aδma*** **(адма)**] ***aδna yïlqï*** – ёшлиги учун юк ортилмай, ўз ҳолига қўйиб қўйилган ҳайвон.

[***örmä*** **(ўрма)**] ***örmä sač*** – ўрилган соч.

***azma*** **(азма)** – бичилган қўчқор; мояклари терисидан ажратиб олингани учун қўйларга чополмайдиган қўчқор.

***üžmä*** **(ужма)** – тут дарахти. Икки махраж орасидаги *zā* билан талаффуз қилинади.

[***usmï*** **(усми)**] ***Usmï tarïm*** – ислом шаҳарларидан уйғурларгача оқадиган катта бир сув. У ерларда (уйғурларга етгач) қумга сингиб кетади.

***egmä*** **(эгма)** – уйнинг тоқиси.

[***ügmä*** **(угма)**] ***ügmä tupraq*** – тўпланган тупроқ. Ҳар бир тўпланган нарсага ҳам ***ügmä*** сўзи қўлланади.

***alma*** **(алма)** – олма (ўғузча). Турклар ***almïla*** дейдилар.

***ulma*** **(улма)** – буғу тузоғи.

***n*** [ҳарфи]:

***ötnü*** **(ўтну)** – қарз; ***men yarmaq ötnü berdim*** – мен танга қарз бердим.

***ašnu*** **(ашну)** – олдин, илгари; ***men anda ašnu keldim*** – мен ундан олдин келдим.

***anda*** **(анда)** – у ерда. Ўғузлар "сўнг" маъносидаги сўз учун *alif* ни *nūn* га алмаштирадилар. "У ерда" маъносида бошқалар билан бир хилда ***anda*** деб ҳам қўллайдилар.

*Alif* ни *nūn* га алмаштириш араб тилида ҳам бор. Чунки Қуръонда Мусо алайҳиссалом ҳикоясидаги وما رب العالمين иборасидаги ما *ma* сўзи من *man* маъносидадир. Яъни, *nūn* ўрнида *alif* алмашгандир. Чунки араб тилида "нима?" маъносидаги сўроқ олмоши жонлиларга *man*,

жонсизларга *ma* дир. Шунингдек, لنسفعا بالناصيه деган оятда ҳам *alif nūn* га алмашгандир. *'Ašā* деган шоирнинг қуйидаги шеърида:

ولا الناصب المنصب لا تعبدنه
لعا قبه والله ربک فاعبدا

فاعبدا сўзининг асли فاعبدن дир. Яъни, бу ерда ҳам *nūn* ўрнига *alif* алмашади.

### *fa'lā* қолипидаги сўзлар бўлими

اِكِى ***iki*** **(ики)** – икки.

### *fu'ul* қолипидаги *čīm* билан ясалган *ğunna* ли сўзлар бўлими

ت ***t*** [ҳарфи]:

اُتُنْجْ ***ötünč*** **(ўтунч)** – қарз; ***men aŋar yarmaq ötünč berdim*** – мен унга танга қарз бердим, демакдир.

[اُتُنْجْ ***utunč*** **(утунч)]** ***utunč iš*** – уяладиган иш. Асли ***uwut*** (уят) сўзидан олинган.

ج ***č*** [ҳарфи]:

اُچُنْجْ ***üčünč*** **(учунч)** – учинчи.

اِكِنْجْ ***ikinč*** **(икинч)** – иккинчи. Ўзидан олдинги соннинг давоми экани ва маълум сира-тартибда эканини билдириш учун ўндан кам бўлган сон сўзлари ўзагига *nūn* ва *čīm* орттириш қоидадир: ***törtünč*** (тўртинчи), ***bešinč*** (бешинчи) каби. Буларнинг асли ***tört, beš*** эди. Юкоридаги мақсадда бу сўзларга *nūn, čīm* орттирилди. Буни ҳар қандай сон сўзларига қўшиш ҳам мумкин: ***onunč*** – ўнинчи, ***yigirminč*** – йигирманчи каби. Бу қатъий қоидадир.

اِرِنْجْ ***erinč*** **(эринч)** – эҳтимол, зора, балки; ***ol keldi erinč*** – балки у келгандир. У келган чиқар.

اُرُنْجْ ***urunč*** **(урунч)** – пора.

اِرِنْجْ ***erinč*** **(эринч)** – маишат билан кун кечириш. Яхши яшаш. Баъзи лаҳжаларда икки махраж орасидаги *zā* билан ***erinž*** деб айтилади.

ۋ ***w*** [ҳарфи]:

اَوِنْجْ ***awïnč*** **(авинч)** – овуниш, бир нарсага унс олиш; ***meŋä awïndï*** – (у) мен билан овунди, мен билан унслашди.

ك ***k*** [ҳарфи]:

اِكِنْجْ ***ikinč*** **(икинч)** – сонда иккинчи нарса.

اُكُنْجْ ***ökünč*** **(ўкунч)** – ўкинч, пушаймон; ***ol telim ökünč ökündi*** – у кўп пушаймонлар қилди, демакдир.

اُگُنْجْ ***ögünč*** **(ўгунч)** – мақташ; ***bu išqa***[23] ***ne ögünč kerāk?*** – бу ишга мақтаниш нима керак?

ل ***l*** [ҳарфи]:

[اِيلِنْجْ / اَيلِنْجْ ***aylïnč / ïlïnč*** **(айлинч / илинч)** – қингир-қийшиқ, нотўғри] ***aylïnč / ïlïnč yol*** – қингир-қийшиқ йўл, текис бўлмаган йўл. Ҳар бир нотекис нарсага ҳам шу сўз қўлланади.

اِلَنْجْ / اَلَنْجْ ***elänč / ilänč*** **(эланч / иланч)** – маслаҳат берувчи кишининг маслаҳатида янглишлик маълум бўлгач, уни айблаш.

م ***m*** [ҳарфи]:

اُمُنْجْ ***umunč*** **(умунч)** – умид, хоҳиш; ***ununč Täŋrikä tut*** – умидингни Худога қил.

---

[23] Араб ёзувида *iška* ёзилиб, кейин *kāf qāf* га ўзгартирилган.

[أُنْنچ *onunč* (**ўнунч**) – ўнинчи] ***onunč yarmaq*** – ўнинчи танга. Бошқалари ҳам шундай.
إِنَنچ ***ïnänč*** (**инанч**) – ишончли; ***ïnanč beg*** – ишончли бек.

**Бу бўлимнинг *fa'inlā* қолипида бўлган сўзлар тури**

ت ***t*** [ҳарфи]:
[إِتَنْجُو / أَتِنْجُو ***atïnču / ïtïnču*** (**атинчу / итинчу**)] ***atïnču /ïtïnču näŋ*** – ташланган, отилган нарса.
[إِتَنْجُو ***itinčü*** (**итинчу**)] ***itinčü näŋ*** – қайтарилган, йўқотилган, йитилган нарса.
د ***δ*** [ҳарфи]:
[إِدَنْجُو ***ïδïnču*** (**идинчу**)] ***ïδïnču sač*** – кейинчалик соч қўйган кишининг сочи. Бошқаларга ҳам қўлланади. Ёшлиги учун юк ортилмай, ўзича ўтлаб юрувчи ҳайвонга ***ïδïnču yïlqï*** дейилади.
إِرِنْجُو / أَرِنْجُو ***erinčü / irinčü*** (**эринчу / иринчу**) – гуноҳ, хато.
ۋ ***w*** [ҳарфи]:
[أَوَنْجُو ***awïnču*** (**авинчу**)] ***awïnču näŋ*** – овуниладиган, улфатланиладиган, унс олинадиган нарса. Шунинг учун қўшниларга ҳам ***awïnču*** дейилади.
ق ***q*** [ҳарфи]:
أَقِنْجِى ***aqïnčï*** (**ақинчи**) – кечаси бориб, ёвни бостирадиган аскар.

**Бу бўлимнинг *kāf* ли *ğunna* лилари**

أَبَنَكْ ***apaŋ*** (**апанг**) – агар; ***apaŋ sen barsa-sen*** – агар сен борсанг.
ت ***t*** [ҳарфи]:
أُتُنَكْ ***otuŋ*** (**ўтунг**) – ўтин.
ر ***r*** [ҳарфи]:
أُرُنَكْ ***örüŋ*** (**ўрунг**) – ҳар бир оқ нарса. Ўғузлар ***ақ*** дейдилар.
أُرُنَكْ ***örüŋ*** (**ўрунг**) – ёш болаларнинг тирноқлари юзида бўладиган оқ нуқта. Уни ***tïrïŋaq örüŋi*** – тирноқ оқи дейилади.
أُرُنَكْ ***ürüŋ*** (**урунг**) – фолбинга бериладиган музд пул; ***elig ürüŋi ber*** – қўл ҳақини бер.
أُرَنَكْ ***Uraŋ*** (**Урунг**) – *Rūm* вилояти яқинида, шимолий чегарасидаги бир жой оти. Бу сўзнинг ***Varaŋ*** тарзида ўқилиши яхшироқ.
إِرِنَكْ ***iriŋ*** (**иринг**) – йиринг.
ش ***š*** [ҳарфи]:
[أَشَنَكْ ***ušaŋ*** (**ушанг**)] ***ušaŋ taš*** – текис тош; ***yušaŋ / yušuŋ*** ҳам дейилади.
ل ***l*** [ҳарфи]:
[أَلَنْكْ ***alaŋ*** (**аланг**)] ***alaŋ yazï*** – текис майдон, яланг саҳро. Бу сўз ***aŋïl*** – ланг очиқ эшик сўзининг ҳарф алмаштирилган шаклидир.

***Muḍā'af* сўзлар бўлими**

أَنَكْ ***eŋäk*** (**энгак**) – жағ; оғизнинг икки чеккаси.
أَنَكْ ***eŋäk*** (**энгак**) – хотинлар бош ёпинчиқларига боғлайдиган ип, богич.
أُنِكْ ***öŋük*** (**ўнгик**) – эчки юнгидан қилинадиган ясама соч; ***öŋük yörgäyäk*** – улама соч. Буни бошқа маънодаги ***öŋi*** сўзидан олингандир.

أُنگُك / أُنگِك ***öŋük / öŋik*** **(ўнгук / ўнгик)** – попук; ёстиқнинг ипаклик қулоқлари, боғичлари.

**Бу бўлимнинг тўрт ҳарфлилари**

أُنكى ***öŋi*** **(ўнги)** – бошқа. Бу сўз охиридаги *yā* ҳарфи *nūn* ҳарфидан ўзгарган, ***öŋin*** дир. Бу хусусият араб тилида ҳам бор. Масалан, "яширинди" маъносида араблар إِنْكَمَنْ *inkamana,* إِنْكمى *inkama* сўзларини қўллайдилар.

**Шу бўлимнинг бошқа бир тури**

أَرِنكَيُو ***eriŋäyü*** **(эрингайу)** – олти бармоқли одам.
أَرِنكِيُو ***eriŋäyü*** **(эрингайу)** – бўйи икки газли, жуда пакана киши.

***fa'ālū, fu'ālū*** **ва** ***fi'ālū*** **қолипларидаги сўзлар бўлими**

ت ***t*** [ҳарфи]:
أُلاتُو ***ülätü*** **(улату)** – бурун артадиган ипаклик (дастрўмол). Қўйинда сақланади.
چ ***č*** [ҳарфи]:
أَلاچُو ***alaču*** **(алачу)** – олажуқ. Бошпана, чодир, капа.
أَباچى ***abačï*** **(абачи)** – олабўжи. Болаларни қўрқитиш учун ***abačï keldi*** – олабўжи келди, дейдилар.
أَغْنچى ***ağïnčï (ağïčï?)*** – ипакли кийимларни сақловчи, хазиначи.
غ ***ğ*** [ҳарфи]:
[أُلاغُو ***ulağu*** **(улағу)**] ***ulağu näŋ*** – бир нарсага улангудай нарса, уланадиган нарса (тўн ямоғи каби).
[أُليغُو ***ulïğu*** **(улиғу)** – улийдиган] ***bu oğur-ol böri ulïğu*** – бу вақт чиябўри (ва бошқалар ҳам) улийдиган вақт.
ق ***q*** [ҳарфи]:
أَباقى ***apaqï*** **– (апақи)** кўз тегмасин учун боғча ва полизларга қўйилган қўриқчи.
أَتاقى ***ataqï*** **(атақи)** – "отагинам, отажоним" маъносидаги меҳрибонликни билдирувчи сўз.
ك ***g*** [ҳарфи]:
إِتاكُو ***itägü*** **(итагу)** – тегирмон тоши ўрнатилган ёғоч паррак. Унни йирик қилмоқчи бўлганда, у ёғоч билан тошни бироз кўтариб қўйилади. Майда қилмоқчи бўлганда, тошни қуйи туширилади.
إِچاكُو ***ičägü*** **(ичагу)** – қовурға суякларининг ич тарафида бўлган қисмлар оти.
أُليكا ***öligä*** **(ўлига)** – елим олинадиган ўсимлик.
إِناكُو ***inägü*** **(инагу)** – киндикнинг ички томони тўғрисида пайдо бўлувчи қуланжга ўхшаш бир касал.
ك ***k*** [ҳарфи]:
أَپاكى ***epäki*** **(эпаки)** – бир нарсани кам кўрилганда айтиладиган сўз. "Кўрар кун бор экан-а" дейилгани сингари.
م ***m*** [ҳарфи]:
أَنُومى ***anumï*** **(ануми)** – мохов касаллиги.
إِكامَا ***igämä*** **(игама)** – бир турли чолғу.

**Бу бўлимнинг ҳарфи иллатидан иккитаси қўлланган сўзи**

ك ***k*** [ҳарфи]:

اَيَاگُو ***eyägü*** (**эйагу**) – ён, тараф. Чодир ёнларига ҳам ***eyägü*** дейилади. Тоғнинг ўртасидаги ерга ***eyägü yer*** дейилади.

**Охирида *nūn* орттирилган сўзлар**

اشْجَانْ ***Ašcan*** (**Ашчан**) – *Šīn* га боришдаги қўноқ қўниб ўтиладиган жой оти.

اَلُو چِينْ ***alučīn*** (**алучин**) – ейиладиган сербўғин бир ўсимлик.

د ***δ*** [ҳарфи]:

اُرُمْ دُونْ ***urumδun*** (**урумдун**) – бўёқ, ранг.

غ ***ğ*** [ҳарфи]:

اُرَاغُونْ ***urağun*** (**урағун**) – касалларга қўлланадиган ҳиндча бир дори.

ك ***k*** [ҳарфи]:

اُتُوكَانْ ***Ötükän*** (**Ўтукан**) – татар саҳроларидаги бир ернинг оти, уйғурларга яқиндир.

**Бу бўлимнинг бошқа бир тури**

اَلْمِلا ***almïla*** (**алмила**) – олма.

ك ***g*** [ҳарфи]:

اَرْمَكُو ***ermägü*** (**эрмагу**) – эринчоқ, ялқов. Мақолда (шундай келган): ***Ermägükä bulït / bulut yük bolur.*** Маъноси: "Ялқовга булут сояси ҳам юк бўлади".

غ ***ğ*** [ҳарфи]:

اُغْلاغُو ***oğlağu*** (**ўғлағу**) – тўқлик, мўл-кўлчиликда ўсган киши; ***oğlağu qatun*** – саида хотинлар, демакдир.

اُخْشاغُو ***oxšağu*** (**ўхшағу**) – ўйинчиқ. Хотинларга ҳам ***oxšağu*** дейилади.

***afā'ūl* қолипидаги ҳар хил ҳаракатли сўзлар бўлими**

ت ***t*** [ҳарфи]:

اَرُوبَاتْ ***arubat*** (**арубат**) – тамари ҳиндий.

اُرَاغُوتْ ***urağut*** (**урағут**) – хотин.

اَرَامُوتْ ***aramut*** (**арамут**) – уйғурлар яқинда яшовчи бир турк қабиласи.

اَرَامُوتْ ***Aramut*** (**Арамут**) – бир жой оти.

ج ***č*** [ҳарфи]:

اِقِيلاجْ ***ïqïlač*** (**иқилач**) – шўх учқур от. Мақолда (шундай келган): ***Alp erig yawrïtma, ïqïlač arqasïn yağrïtma.*** Айтмоқдаки: "Ботирларни ранжитма ва ҳолсизлантирма, учқур от орқасини яғир қилма". Бу сўзлар билан бекларга насиҳат қилинади. (Шоир) шундай деган:

***Ïqïlačïm erig boldï,***
***Erig bolğu yeri kördi.***
***Bulït örüp kök örtüldi,***
***Tuman türüp tolï yağdi.***

Маъноси: Шўх, ўйноқи отим суръат билан чопди, югуришда ўзди. Булут кўтарилиб, туман тушиб дўл ёққани учун у шундай шўхланишни муносиб топди [Ўйноқи отим кишнаб,

пишқириб, шўхлик қила бошлади. Кўкни булут қоплаб жала қуйиши – кўклам ҳавоси унда шўхлик ҳавасини қўзғатди].

اَلَوَان ***alavan*** **(алаван)** – тимсоҳ.

### *af'alān* қолипидаги сўзлар бўлими

اَرْبَغَان ***arpağan*** **(арпаған)** – арпага ўхшаган бир ўсимлик. Бошоғи бўлса ҳам, дони бўлмайди.

اَرْمَغَان ***armağan*** **(армаған)** – сафардан фойда топиб қайтган кишининг қариндош-уруғларига келтирган совғаси, армуғон (ўғузча). Бу сўзни ***yarmaqan*** дегучилар ҳам бор. Бу ***amuč*** (совға) дир.

### *fi'inlī* қолипидаги сўзлар бўлими

ت ***t*** [ҳарфи]:

[اِتِنْدِی ***itindi*** **(итинди)**] ***itindi näŋ*** – ташландиқ нарса.

ق ***q*** [ҳарфи]:

[اَقِنْدِی ***aqïndï*** **(ақинди)**] ***aqïndï suw*** – оқар сув.

[اَكِنْدِی ***ekindi*** **(экинди)**] ***ekindi tarïğ*** – экилган уруғ.

[اَكُنْدِي ***ögündi*** **(ўгунди)**] ***ögündi kiši*** – ҳамманинг тилида мақталган киши, оғизга тушган одам.

[اِكِنْدِی ***ekindi*** **(экинди)**] ***ekindi näŋ*** – иккинчи нарса. Сира сон.

اِكِنْدِی ***ekindi*** **(экинди)** – намози аср (кун ботишидан олдинги намоз) вақти.

Уч ҳарфлилар бўлими тугади.

**БУ ТЎРТ ҲАРФЛИЛАР БОБЛАРИДИР**

### *af'āl* қолипида бўлиб, бир ҳарфи қайталанган [*muḍā'af*] сўзлар бўлими

اَرْغَاغ ***arğağ*** **(арғағ)** – балиқ тутиладиган қармоқ.

اِرْغَاغ ***ïrğağ*** **(ирғағ)** – сувдан музни музхонага тортиб олинадиган темир чангал.

### Бу бўлимнинг *miṯāl* тури

ل ***l*** [ҳарфи]:

[اِمْتِلِی ***imtili*** **(имтили)** – ўйламаслик, мулоҳазасизлик] ***bu ïšïğ imtili qïldï*** – бу ишни ўйламай қилди (чигилча).

ج ***č*** [ҳарфи]:

اَمْدُوجِی ***umdučï*** **(умдучи)** – тиланчи, гадой.

اَرْقُجِی ***arqučï*** **(арқичи)** – воситачи. Икки киши орасида турган киши. Бу сўз қиз томон билан куёв томон ўртасидаги совчига ҳам қўлланади.

د ***d*** [ҳарфи]:

اَرْدِنِی ***erdini*** **(эрдини)** – тоза марварид; дурри ғалтон. Хотинларга ***ertini özök*** дейиш билан дурри ғалтон танали хотин маъноси англашилади. Бу сўзда *dāl tā* га сингиб кетган. Арабча مُذَكِّر *muddakir* сўзининг асли مُذْتَكِر *muðtakir* бўлгани каби.

ر ***r*** [ҳарфи]:

***üspiri*** أُسْپِرِی (**успири**) – иссиқ кулда пиширилиб, ёққа тўғраб, устига шакар сепиб ейиладиган нон.

### Ўртасидаги ҳарфи иккиланган *fa'ūl* қолипидаги сўзлар бўлими

[أُتُّز ***ottuz*** (**ўттуз**)] ***ottuz yarmaq*** – ўттиз танга ва бошқа ҳар қандай нарса. "Уч"ни ***ottuz*** сўзи билан ҳам юритилади. Мен буни *Künüt* да ягмолардан эшитдим. Улар ***ottuz ičälim*** деб, учтадан ичганларини ўз кўзим билан кўрдим.

(Шоир) шундай деган:

***Ottuz ičip qïqralïm,***
***Yuqar qopup sekrälim.***
***Arslanlayu kökrälim,***
***Qačtï saqinč, sewnälim.***

Айтмоқдаки: Уч қайтадан ичайлик, тикланиб, арслон каби наъра тортайлик. Қайғу-алам биздан йўқолганини кўрсатайлик [Уч қайтадан ичиб қайтарайлик, парвоз қилиб сакрайлик, арслон каби наъра тортайлик, қайғу кўтарилди, севинайлик]. Шу шеърдаги ***ottuz ičip qïqralïm*** иборасида ***ottuz*** сўзи "уч қайтадан, учта-учтадан" маъносида қўлланган.

[إِسِّز ***essiz*** (**эссиз**)] ***essiz kiši*** – юзсиз, уятсиз, яхшиликни билмайдиган киши. Бу сўзда *sīn* ҳарфининг такрорланиши муболаға учундир.

أَسِّز ***essiz*** (**эссиз**) – ҳайф, афсус. Арабча يا أسفا ***yā asafā*** деган сўз каби ачиниш, ҳайфсинишни билдирувчи сўз. ***essiz anïŋ yigitligi*** – ҳайф унинг ёшлигига.

اِكِّز أُغْلَانْ ***ikkiz oğlan*** (**иккиз ўғлан**) – эгизак бола.

غ ***ğ*** [ҳарфи]:

[أَرِّغ ***arrïğ*** (**арриғ**)] ***arrïğ näŋ*** – жуда тоза нарса; *rā* нинг такрорланиши муболаға учундир.

ک ***k*** [ҳарфи]:

[أَلِّک ***ellig*** (**эллиг**)] ***ellig yarmaq*** – эллик танга ва бошқа ҳар қандай нарса.

### *fa'lal* қолипидаги учинчи ҳарфи *sukun* ли бўлган сўзлар бўлими

غْ ***ğ*** [ҳарфи]:

أَوِچْغَا ***awïčğa*** (**авичға**) – қари чол.

### Бош ҳарфи *ẓamma* ли бўлган сўз

م ***m*** [ҳарфи]:

اُدْتْمَا ***uðïtma*** (**удитма**) – сузма, янги панир (пишлоқ).

### Бош ҳарфи *kasra* ли бўлган сўз

غِ ***ğ*** [ҳарфи]:

اِلِمْغَا ***ïlïmğa*** (**илимға**) – шох мактубларини турк хати билан ёзувчи котиб.

### *af'ālil* қолипидаги сўзлар бўлими

ت *t* [ҳарфи]:

أَلْبَاغُتْ ***alpağut*** **(алпағут)** – енгилмас курашчи, ботир, баҳодир, паҳлавон.

(Шоир) шундай деган:

***Buδrač yemä qudurδï,***
***Alpağutïn öδürdi.***
***Süsin yana qaδïrδï,***
***Kelgälimät irkäšur.***

Айтмоқдаки: *Buδrač* – ябақулар бегининг оти, у аскарларига юзланди, ботирларини саралади, келиш учун тўплади [Ябақулар бошлиғи Бузрач яна қутурди, ботирларини танлаб аскарларини қайтариб келиш (юриш) учун тўпланишмоқда].

ق *q* [ҳарфи]:

أَدْغِرَاقْ ***aδğïraq*** **(адғирақ)** – қулоқлари оқ, танасининг баъзи жойлари қора бир турли кийик. У эчки, така суратидадир.

[أَدْغِرَاقْ ***Aδğïraq*** **(Адғирақ)**] ***Aδğïraq suwï*** – яғмолар шаҳридаги бир сув (дарё)нинг оти.

أَرْقَجْقْ ***arqačuq*** **(арқачуқ)** – оғизнинг ичига дори қуйиш учун қўлланадиган ичи ковак бир асбоб, у сукурражага ўхшайди.

ل *l* [ҳарфи]:

أَرْدُوتَالْ ***arδutal*** **(ардутал)** – мўйни тўктиришга қўлланиладиган аралашма. Оҳак, зирних.

### *fa'lūlī* қолипидаги сўзлар бўлими

ت *t* [ҳарфи]:

أَشْكُرْتِى ***ešgürti*** **(эшгурти)** – нақшли (гулли) хитойча ипак кийимлик.

ز *z* [ҳарфи]:

أَفْزُورِى ***awzurï*** **(авзури)** – аралаштирилган овқат, чунончи, буғдой, арпа уни аралаштирилиб қилинади.

### *fa'landï* қолипидаги сўзлар бўлими

د *d* [ҳарфи]:

[أُدْرُنْدِى ***öδründi*** **(ўдрунди)**] ***öδründi näŋ*** – танланган, сараланган нарса.

[أَفْدِنْدِى ***ewdindi*** **(эвдинди)**] ***ewdindi näŋ*** – ҳар насанинг қириндиси. Бу сўз тури арабча فَعالَه бобидаги феълдан ясалган исмга ўхшайди. Бир нарсанинг ортиғини билдиради.

### *fu'ūlīn* қолипидаги *ğunna* лилар бўлими

ن *n* [ҳарфи]:

أُنْكُوزِينْ ***oŋuzïn*** **(ўнгузин)** – чўлларда одамни ўлдирувчи жинлар.

Тўрт ҳарфлилар бўлими тугади.

### БУ БЕШ ҲАРФЛИЛАР БОБЛАРИДИР

### *fa'al'al* қолипидаги сўзлар бўлими

Бу бўлим ёлгиз от ва сифатларни ҳамда *ismü-l-makān* – жой отларини ўз ичига олади. Аслида жой отлари ва сифатларни солиштиришга – қиёсга ҳавола қилиб, унинг айтилишига

боғлиқ ҳоллардагина кўрсатилиши керак эди. Бу ерда уларни шу мақсадда, киёс қилувчига қулайлик яратиш учун кўрсатилди.

**ғ** [ҳарфи]:

[أُتْلُغ] ***uwutluğ*** **(увутлуғ)]** ***uwutluğ kiši*** – уятли, уятчан киши.

[أَغْرلغ] ***ağirlïğ*** **(ағирлиғ)]** ***ağirlïğ er*** – одамлар орасида ҳурматли, севимли киши.

[أُغْرلغ / أَغْرلغ] ***oğurluğ / oğurlïğ*** **(ўғурлуғ / ўғурлиғ)]** ***oğurluğ / oğurlïğ ïš*** – ўз вақтида, маҳалида бўлган иш.

[أُبْزلغ] ***opuzluğ*** **(ўпузлуғ)]** ***oy opuzluğ yer*** – ўйдим-чуқур ер.

[أُدْزلغ] ***uδuzluğ*** **(удузлуғ)]** ***uδuzluğ kiši*** – қутир ярали киши.

[أُغْزلغ] ***ağuzluğ*** **(ағузлуғ)]** ***ağuzluğ er*** – оғизи бор киши, огизли киши.

[أُغُشْلغ] ***oğušluğ*** **(ўғушлуғ)]** ***oğušluğ er*** – қариндошлари бор киши.

[أُقُشْلغ أَرْ] ***uqušluğ er*** **(уқушлуғ эр)** – закий киши, тушунадиган, уқувли киши.

[أَجِغْلغ أَرْ] ***ačïğlïğ er*** **(ачиғлиғ эр)**– маишатли, айшга берилган киши. Мақолда (шундай келган): ***Ačïğlïg er šebük qarïmas.*** Маъноси: "Маишатли киши тез қаримайди".

[أَجِغْلغ] ***ačïğlïğ*** **(ачиғлиғ)]** ***ačïğlïğ küb*** – қуйилган нарсани ачитиб қўядиган, ўзига шундай бир хусусият ўрнашиб қолган хум, куб.

[أَزغْلغ] ***aδïğlïğ*** **(адиғлиғ)]** ***aδïğlïğ tağ*** – айиқли тоғ, айиғи кўп тоғ.

[أُرُغْلغ] ***uruğluğ*** **(уруғлуғ)]** ***uruğluğ altun*** – тамға урилиб, пул қилиниб кесилиб, муҳр босилган олтин (олтин акча) ва шу кабилар.

[أَزغْلغ] ***azïğlïğ*** **(азиғлиғ)]** ***azïğlïğ at*** – озиғини ёрган от ва озиғини ёрган ҳар қандай ҳайвон.

[أَجَقْلغ] ***očaqlïğ*** **(ўчақлиғ)]** ***očaqlïğ ew*** – ўчоқли уй.

[أَجُقْلغ] ***ačuqluğ*** **(ачуқлуғ)]** ***ačuqluğ kiši*** – очиқ киши, яхши хулқли киши.

[أَسِغْلغ] ***asïğlïğ*** **(асиғлиғ)]** ***asïğlïğ ïš*** – фойдали иш.

[أَدَقْلغ] ***aδaqlïğ*** **(адақлиғ)]** ***aδaqlïğ näŋ*** – оёқли нарса.

[أَرِقْلغ] ***arïqlïğ*** **(ариқлиғ)]** ***arïqlïğ yer*** – ариқли ер.

[أُرُقْلغ] ***uruqluğ*** **(уруқлуғ)]** ***uruqluğ qova*** – арқонли челак.

[أَزُقْلغ / أَزْقُلغ] ***azuqlïğ / azïqlïğ*** **(азуқлиғ / азиқлиғ)]** ***azuqlïğ / azïqlïğ er*** – озиғи бор эр. Мақолда (шундай келган): ***Azuqlïğ / azïqlïğ aruq armas.*** Маъноси: "Озиғи бор эр сафарда толмайди, чарчамайди".

[أَرَنْلغ] ***aranlïğ*** **(аранлиғ)]** ***aranlïğ ew*** – отхонаси, оғилхонаси бор уй.

[أَتَنْلغ] ***atanlïğ*** **(атанлиғ)]** ***atanlïğ er*** – бичилган, ахта қилинган туяси бор киши.

[أُلَرْلغ] ***ularlïğ*** **(уларлиғ)]** ***ularlïğ tağ*** – каклиги кўп бўлган тоғ.

[أَلِمْلغ] ***alïmlïğ*** **(алимлиғ)]** ***alïmlïğ er*** – олими, оладигани бор киши.

[أَلِنْلغ] ***alïnlïğ*** **(алинлиғ)]** ***alïnlïğ er*** – пешонаси кенг, пешонали киши.

[أُلُنْلغ] ***ulunluğ*** **(улунлуғ)]** ***ulunluğ er*** – камонга мос ўқи бор киши.

**ق** ***q*** [ҳарфи]:

أُرُنْجَق ***orunčaq*** **(ўрунчақ)** – омонат. Бу сўзни أُرُنْجَاق шаклида қўллаш ҳам мумкин. (Шоир) шундай деган:

***Orunčaq alïp yermädi,***
***Alïmlïğ körü armadï,***
***Adašlïq üzä turmadï,***
***Qalïn erän tirkäšür.***

Бир кишига ситам қилиб айтмоқда: У киши омонатларни олишдан тўхтамади, омонатни эгасига беришни ўйламади, уни қуруқ қайтара беришдан зерикмади. Дўстликка риоя қилмади, ҳозир кўп аскарни бириктириб менга қасд қилмоқчи, деди.

أُغْلْچُقْ ***oğulčuq*** (**ўғулчуқ**) – хотинлар бачадони.

أُغْرْشُقْ / أُغْرْشُقْ ***oğuršuq / oğïršuq*** (**ўғурсуқ / ўғирсуқ**) – урчуқ; ип йигириладиган чарх дугини тутиб турадиган айрили чўп-чалмак.

أُغْلْمَقْ / أُغْلْمَقْ ***uğulmuq / uğulmïq*** (**уғулмуқ / уғулмиқ**) – устига тўсин қўйиш учун тикка турғазилган ёғоч.

أُجْزْلُقْ ***učuzluq*** (**учузлуқ**) – киймати арзонлик.

أُجْزْلُقْ ***učuzluq*** (**учузлуқ**) – пастлик ва кичиклик.

أَدَشْلُقْ / أَدَشْلُقْ ***adašlïq / adïšlïq*** (**адашлиқ / адишлиқ**) – содиқлик, самимийлик.

أَدَقْلُقْ ***adaqlïq*** (**адақлиқ**) – токзорларда сўрига ишлатиладиган ёғоч.

أُدُقْلُقْ ***uduqluq*** (**удуқлуқ**) – кишининг бир нарсадан ғофиллиги, ҳушёр эмаслиги, хабарсизлиги.

أُدُغْلُقْ ***uδuğluq*** (**удуғлуқ**) – уйғоқлик, ишда ҳушёрлик, сезгирлик.

أَرِغْلِقْ ***arïğlïq*** (**ариғлиқ**) – тозалик, поклик.

[أُرُغْلُقْ ***uruğluq*** (**уруғлуқ**)] ***uruğluq buğday*** – уруғлик буғдой, уруққа сақланган буғдой. Ҳар қандай уруққа сақланган донга ҳам қўлланади.

أَچِغْلِقْ ***ačïğlïq*** (**ачиғлиқ**) – аччиғлик.

[أَچُقْلُقْ ***ačuqluq*** (**ачуқлуқ**)] ***yüz ačuqluqï*** – очиқ юзлилик.

[أَچِقْلِقْ ***ačïqlïq*** (**ачиқлиқ**)] ***qapuğ ačïqlïqï*** – эшик очиқлиги.

[أَچُقْلُقْ ***očaqlïq*** (**ўчақлиқ**)] ***očaqlïq yer*** – ўчоқли ер, ўчоқ жойи; ***očaqlïq titik*** – ўчоқ қилинадиган лой ва бошқа нарсалар.

أَرُقْلُقْ ***aruqluq*** (**аруқлуқ**) – чарчаганлик, ҳорғинлик.

[أُرُقْلُقْ ***oruqluq*** (**ўруқлуқ**)] ***oruqluq yüŋ*** – арқон учун тайёрланган юнг.

أَزُقْلُقْ / أَزُقْلُقْ ***azuqlïq / azïqlïq*** (**азуқлиқ / азиқлиқ**) – озиқлиқ, овқатлиқ.

أَزَقْلُقْ ***uzaqlïq*** (**узақлиқ**) – ишда сустлик, судралиш.

أَشَقْلُقْ ***ušaqlïq*** (**ушақлиқ**) – ишда ёшлик қилиш; ***ušaqlïq qïlma*** – ёшлик қилма.

أُلُغْلُقْ ***uluğluq*** (**улуғлуқ**) – улуғлиқ ва баланд даражалилик; ***uluğluq Täŋrikä*** – улуғлиқ Тангрига хос.

أُلُغْلُقْ ***uluğluq*** (**улуғлуқ**) – ёши улуғлик, катта ёшлилик.

[أَمَچْلِقْ ***amačlïq*** (**амачлиқ**)] ***amačlïq yer*** – отиш машқи ўтказиш учун тайинланган майдон.

أَنُقْلُقْ ***anuqluq*** (**ануқлуқ**) – ишларда қобилиятлилик, ишга ҳозирланганлик.

ك ***k*** [ҳарфи]:

أُزُتْلُكْ ***üzütlük*** (**узутлуқ**) – бахиллик.

[أَكَتْلِكْ ***egätlik*** (**эгатлиқ**)] ***egätlik qarabaš*** – янга. Никоҳ кечаси келин ва куёвга хизмат қилишга буюрилган хизматчи. Келиннинг ўзига ҳам ***egätlik*** дейилади. Отларга қўшилган жарангсиз *kāf* баъзан ўрин отини билдиради, баъзан нарса қўйилган жойни билдиради ва баъзан масдар бўлади. Бу уч ҳолдан ташқари, *kāf* эгалик маъносини билдиради. Масалан, юқоридаги ***egätlik*** сўзида *kāf* келин-куёвларга хизмат қилиш учун тайинланган кимсани билдиради. Бу ўринларда *kāf* жарангсиздир. Эга маъносини билдирган сўзларда *kāf* заиф, бўшроқ товушдир), яъни [*g*] каби жаранглидир. ***egätlig*** сўзи "хизматчиси бор, хизматчига эга" маъносида келади. Бу ҳамма сўзлар учун умумий қоидадир.

أَتْچْلِكْ ***etčlik*** (**этчлиқ**) – ёнғоқ ўйнаш учун қазилган чукурча (дўл).

أَدْرْلِكْ ***eδärlik*** (**эдарлиқ**) – устига эгар қўйилган ёғоч. Сўз охирида заиф *kāf* билан айтилса, "эгар эгаси" маъносини билдиради.

أُگْرْلُكْ ***ügürlük*** (**угурлук**) – тариқ қўйилган жой. Охирги *kāf* заиф талаффуз қилинса, "тариқ эгаси" маъносини билдиради.

اُگُرْلُکْ ***ügürlüg er*** (**угурлуг эр**) – қўй ва бошқа ҳайвонлардан подаси бор киши. Байталлари бор айғирга ***ügürlüg aδğir*** дейилади.

اَذْزِلِکْ ***eδizlik*** (**эдизлик**) – баландлик, адир.

اِسِزْلِکْ ***esizlik*** (**эсизлик**) – ёмонлик.

[اَتَکْلِکْ ***etäklik*** (**этаклик**)] ***etäklik böz*** – этак қилинадиган бўз. Бирон кийимнинг этакли эканини англатиш учун заиф *kāf* билан ***etäklig ton*** – этакли тўн дейилади.

اَتْکُلُکْ سَغْرِی ***etüklük sağrï*** (**этуклук сағри**) – маҳсилик сахтиён тери.

[اُتْکُلُکْ ***ötüglüg*** (**этуглуг**)] ***ötüglüg kiši*** – шоҳга ҳожатманд киши.

اُزْکُلُکْ ***üzüklük*** (**узуклук**) – узилганлик, кесилганлик.

اُرْمْجَکْ ***örümčäk*** (**ўрумчак**) – ўргимчак.

اِلَرْسُکْ / اَلَرْسُکْ ***ilärsük / elärsük*** (**иларсук / эларсук**) – иштон боғи.

اِسِکْلِکْ ***isiglik*** (**исиглик**) – иссиқлик, ҳарорат.

اِسِکْلِکْ ***isiglik*** (**исиглик**) – севги, муҳаббат; ***köŋül isigligi kerāk*** – кўнгил муҳаббати керак.

اَرُکْلُکْ ***erüklük*** (**эруклук**) – шафтоли ўсадиган жой, шафтолизор.

اِرِکْلِکْ ***eriglik*** (**эриглик**) – хайвонларнинг тезлиги, қизғинлиги.

[اَشِکْلِکْ ***ešiklik*** (**эшиклик**)] ***ešiklik yïğač*** – эшик ва бошқа нарсалар учун ишлатиладиган, уларга мўлжалланган ёғоч.

[اَشُکْلِکْ ***ešüklik*** (**эшуклик**)] ***ešüklik barčïn*** – устки кўйлак учун ишлатиладиган ипак кийимлик. Охири заиф *kāf* билан талаффуз қилинса, "кўйлак эгаси" маъносидадир.

اَڤَکْلِکْ ***ewäklik*** (**эваклик**) – ишларда шошилиш.

اَکَکْلِکْ ***ekäklik*** (**экаклик**) – хотиннинг юзсизлиги, орсизлиги.

اَکَکْلِکْ ***ükäklik*** (**укаклик**) – сандиқ ясаладиган ёғоч. Устига қуббалар ишланган деворга ***ükäklik tam*** дейилади.

اِلِکْلِکْ ***eliglik*** (**элиглик**) – қўлқоп.

[اِمِکْلِکْ ***emiglig*** (**эмиглиг**)] ***emiglig ešlär*** – эмизикли хотин. Мақолда (шундай келган): ***Emiglig urağut küsägči bolur.*** Маъноси: "Эмизикли хотин иштаҳали бўлади". Шунинг учун унга истагани берилади.

[اُنْکُلُکْ ***enüklüg*** (**энуклуг**)] ***enüklüg arslan*** – болали арслон.

## *fa'al'ān* қолипидаги биринчи ва иккинчи ҳарфлари ҳар хил ҳаракатли сўзлар бўлими

Бу бўлим сифатларнинг сифатланувчилардан кўп ҳосил бўлишини кўрсатадиган ўриндир. Бунда қилинган ишлар жуда кўп, тўхтовсиз бўлаётганини билдирувчи махсус сўзлар келтирилади. Бу сўз туркими арабча *mif'āl* шаклидаги сўзларга тўғри келади. Чунончи, "кўп овқат едирадиган" маъносидаги مِطْعَام ёки "кўп уришадиган" маъносидаги مِخْرَابْ сўзлари каби. Бу сўзлар ишнинг кўп қайталаб бўлишини англатади.

Бу хил сўзларнинг охирида *nūn* келади, бироқ кўпчилик ўғузлар ва баъзи қипчоқлар *nūn* ни *qāf* га алмаштириб, *ğayn* ни тамоман туширадилар. Улар "ичи, юраги сиқилаверадиган" маъносидаги ***bušğan*** ўринда ***bušaq*** деб ишлатадилар. Бу асосли қоидадир.

ت ***t*** [ҳарфи]:

[اَبِتْغَانْ ***abïtğan*** (**абитған**) – овлоқ тутадиган, четда тутадиган] ***ol er-ol özin kišidän abïtğan*** – у одамлардан ўзини четга оладиган, яширинадиган кишидир.

[اَجِتْغَانْ ***ačïtğan*** (**ачитған**) – ачитадиган] ***ol küb-ol sücigni ačïtğan*** – у ичига қуйилган ширин нарсани доим ачитадиган куб (хум)дир.

[أُدُتْغَانْ *uδïtğan* (**удитган**) – кўп ухлатадиган] ***ol bu ot-ol kišini uδïtğan*** – бу ўша, кишини ухлатиб қўядиган доридир.

[أَرِتْغَانْ *arïtğan* (**аритган**) – тозалайдиган] ***ol kiši-ol tarïğ arïtğan*** – у буғдой ва бошқа нарсаларни доим тозалайдиган кишидир.

[أَزِيتْغَانْ *azïtğan* (**азитган**) – адаштирадиган] ***ol kiši-ol yoldan azïtğan*** – у одамларни доим йўлдан оздирадиган кишидир.

[أَزِيتْغَانْ *azïtğan (uzutğan?)* (**азитган (узутган?**) – чўзадиган] ***bu er-ol išïğ azïtğan (uzutğan?)*** – бу ишни доим чўзадиган кишидир.

[أَزِتْغَانْ *ozïtğan* (**ўзитган**) – ўзадиган, илгари кетадиган] ***bu er-ol atïn ozïtğan*** – бу отини ўздирадиган кишидир.

[أَسِتْغَانْ *usïtğan* (**уситган**) – иситадиган] ***bu quyaš-ol kišini usïtğan*** – бу кишини иситадиган, чанқатадиган қуёшдир.

(Шоир) шундай деган:

***Usïtğan quyaš qapsadï,***
***Umunčlïğ aδaš yaysadï,***
***Ertiš süwïn kečsädi,***
***Bodun anïn ürküšür.***

Айтмоқдаки: Қаттиқ иссиқ бизни ўраб олди – қоплади. Умид қилинган дўст бизга душманларча қарай бошлади. Ёв *Ertiš* сувини ўтишга яқинлашди, бунинг учун халқ орасида фитна, вағима пайдо бўлди [Қиздурувчи қуёш қоплади, умидли дўст бизни кўролмай, бизга ёмонлик истаб қолди. У Эртиш сувини кечаёзди, шунинг учун халқ ҳуркаётир].

[أَغِتْغَانْ *ağïtğan* (**ағитган**) – чиқарадиган] ***bu keyik-ol ïtïğ tağqa ağïtqan*** – бу итни доим тоққа чиқарадиган кийикдир.

[أَقِتْغَانْ *aqïtğan* (**ақитган**) – оқизадиган] ***bu tağ-ol tawraq aqïn aqïtğan*** – бу тоғ ёмғирни селдек оқизгани-оқизган.

[أَقِتْغَانْ *oqïtğan* (**ўқитган**) – ўқитадиган] ***bu bitig-ol kišini oqïtğan*** – бу ҳажми катта бўлгани учун кишиларни кўп ўқитадиган китобдир.

[أُلِتْغَانْ *ulïtğan* (**улитган**) – вовуллатгани-вовуллатган; улитган] ***bu er-ol ïtïn ulïtğan*** – бу киши итини улитгани-улитган.

[أُنِتْغَانْ *unïtğan* (**унитган**) – унутадиган] ***bu er-ol söz unïtğan*** – бу, сўзини унутадиган кишидир.

[أَنُتْغَانْ / أَنِتْغَانْ *anutğan / anïtğan* (**анутган / анитган**) – доим келиштирадиган, ҳозирланадиган] ***bu er-ol išïğ anutğan / anïtğan*** – бу, ишларга яхши ҳозирланадиган кишидир.

[أُجُرْغَانْ *učurğan* (**учурган**) – учирадиган] ***bu er-ol qušïğ učurğan*** – бу киши қушни учиргани-учирган.

[أَجُرْغَانْ *ačurğan* (**ачурган**) – очирадиган] ***bu aš-ol kišini ačurğan*** – бу, кишининг қорнини тез очирадиган, тез ҳазм бўладиган овқатдир.

[أَسُرْغَانْ *asurğan* (**асурган**) – акса урувчи, аксирадиган // чучкурадиган] ***bu er-ol telim asurğan*** – бу кўп аксирадиган кишидир.

[أُسُرْغَانْ *osurğan* (**ўсурган**) – ўсирувчи, ўсирок] ***bu er-ol osurğan*** – бу, кўп ўсирадиган, ўсироқ кишидир.,

[إِسِرْغَانْ *ïsïrğan* (**исирган**) – қопадиган (қутурган ит)] ***ïsïrğan ït*** – қопағон ит.

غ ğ [харфи]:

أَوُزْغُونْ *awuzğun* (**авужгун**) – териларни ишлашда ишлатиладиган салам дарахтининг барги.

[اَتِشْغَانْ *atišğan* (**атишган**) – отишадиган, отишга одат қилган] ***ol menің birlä oq atišğan-ol*** – мен билан ўқ отишиш унинг одатидир.

ك ***g*** [ҳарфи]:

[اُبْرْكَانْ ***öpürgän*** (**ўпурган**) – кўп ичирадиган] ***bu er-ol süt öpürgän*** – бу кишининг одати бошқаларга доим сут ичиришдир.

[اِچْرْكَانْ ***ičürgän*** (**ичурган**) – доим ичиради] ***bu er-ol telim süčig ičürgän*** – бу кишининг одати кишиларга доим шарбат ичиришдир.

[اَدْرْكَانْ ***eδärgän*** (**эдарган**) – доим излайдиган] ***bu ït-ol keyikni eδärgän*** – ов излаш бу итнинг одатидир. Доим ҳақини талаб қилувчи кишига ҳам шу сўз қўлланади.

[اَوْرْكَانْ تَوْرْكَانْ ***ewürgän-tewürgän*** (**эвурган-тевурган**) – ағдариб-тўнтариб юрадиган] ***bu er-ol išiğ ewürgän-tewürgän*** – бу, доим ишларни ағдариб-тўнтариб юрадиган кишидир.

[اُدْرْكَانْ ***öδürgän*** (**ўдурган**) – ажратадиган, биладиган, фарқ қиладиган] ***bu er-ol tegmä näŋni öδürgän*** – бу, нарсалар орасидан яхшисини ажратадиган кишидир.

[اُشْرْكَانْ ***üšärgän*** (**ушарган**) – кўзи тинаверадиган] ***bu er-ol közi üšärgän*** – бу, очлик ва бошқа сабаблардан кўзи тинаверадиган кишидир.

اَكْرْكَانْ ***ekürgän*** (**экурган**) – бир ўсимлик. Уруғи бор. Қарлуқ туркманлари уни ейди.

[اِگْرْكَانْ ***egirgän*** (**эгирган**) – кўп йигирувчи] ***bu ešlär-ol telim yïp egirgän*** – бу, кўп, доим ип йигирувчи хотиндир.

[اَتِلْكَانْ سَيِلْغَانْ ***etilgän-sayïlğan*** (**этилган-сайилған**) – кўп кириб-чиққан] ***bu er-ol etilgän-sayïlğan*** – бу (эшикма-эшик) кўп кириб-чиққан кишидир.

اَتِلْكَانْ ***etilgän*** (**этилган**) – отларда бўладиган без касаллиги. У ёрилиб тузалади. Форсча خُنَام ***xunām*** ёки خُنَام ***xunnām*** деб аталади.

[اَتِلْكَانْ ***etilgän*** (**этилган**) – тузаладиган] ***menің išim eδgülügün etilgän-ol*** – менинг ишим доим яхшиликка юзланган, ўнгидан келади.

[اَزْلْكَانْ ***üzülgän*** (**узулган**) – тез узиладиган] ***bu yïšïğ-ol üzülgän*** – бу, тез узиладиган арқондир.

[اُرْلْكَانْ ***ürülgän*** (**урулган**)] ***bu er-ol öpkän ürülgän*** – бу, ғазаби сув тўлдирилган мешдек тўлиб тошган кишидир.

[اَشْلْكَانْ ***ešilgän*** (**эшилган**) – чўзиладиган] ***bu yïp-ol ešilgän*** – бу чўзиладиган ипдир.

[اَشْلْكَانْ ***ešilgän*** (**эшилган**) – оқиб тўкиладиган] ***bu qayïr-ol ešilgän*** – бу, оқиб тўкиладиган қумдир.

[اَگْلْكَانْ ***egilgän*** (**эгилган**) – эгилиб турадиган] ***bu butaq-ol egilgän*** – бу доим эгилиб турадиган бутоқдир.

[اَگْلْكَانْ / اَكْلْكَانْ ***ügülgän / ügilgän*** (**угулган / угилган**) – тўдаланадиган, уюладиган] ***bu näŋ-ol tutčï ügülgän / ügilgän*** – бу доим тўдаланадиган нарсадир.

**Бу бўлимнинг бошқа бир тури**

د ***d*** [ҳарфи]:

اُرْمَدَايْ ***urumday*** (**урумдай**) – заҳарнинг зарарини йўқотиш учун ишлатиладиган тош.

***af'alal*** **қолипидаги сўзлар бўлими**

اَرْسَلِيْقْ ***arsalïq*** (**арсалиқ**) – ҳайвонларнинг хунасаси (ўғузча).

**Бош ҳарфи *zamma* ли сўзлар**

ج ***č*** [ҳарфи]:
اُسْكِچ ***üskič*** **(ускич)** – майиз.
ك ***k*** [ҳарфи]:
اُكْرَيُك ***ögräyük*** **(ўграйук)** – одат. *Afrāsiyāb* замонини тасвирловчи марсияда шундай дейилган:

***Ögräyüki mundağ-oq,***
***Munda aδïn tïldağ-oq,***
***Atsa ažun oğrap oq,***
***Tağlar basï kertilür.***

Айтмоқдаки: Замонанинг одати бундай, бундан бошқа унинг ҳалокатли сабаблари ҳам бор. Агар замон тоғлар бошига ўқ отса, парча-парча бўлиб кетади [Замонанинг ўрганган одати шундай, бундан бошқа баҳоналари ҳам бор, агар дунёга мўжаллаб ўқ отса, тоғлар боши кертилади].

***fu'ālil*** **қолипидаги сўзлар бўлими**

[اُسَايُق ***usayuq*** **(усайуқ)**] ***usayuq er*** – ғофил киши.

**Бу бўлимнинг *manqūṣ* тури**

ق ***q*** [ҳарфи]:
[اُيَدْسِلِق ***uyadsïlïq*** **(уйадсилик)**] ***uyadsïlïq er*** – жуда уятчан киши.

**Бу бўлимнинг бошқа бир тури**

ه ***h*** [ҳарфи]:
اُوهِى ***ühi*** **(уҳи)** – укки. Кўп турклар бу сўзни *kāf* билан ***üki*** дейдилар. Тўғриси шудир, чунки туркий тилда бўғиздан чиқадиган *hā* йўқдир.

***Ğunna*** **лилар бўлими**

ج ***č*** [ҳарфи]:
اُتْكُنچ ***ötkünč*** **(ўткунч)** – ҳикоя; ***ötkünč ötkündi*** – ҳикоя айтди.

***fa'ālil*** **қолипидаги *ğunna* лилар бўлими**

ر ***r*** [ҳарфи]:
اَلانكِر ***alaŋïr*** **(алангир)** – каламуш жинсидан бўлган ***yarbuğ*** – қўшоёқ деб аталган кичик бир ҳайвон. Туркманлар уни ейдилар.
ق ***q*** [ҳарфи]:
[اُنكَامَق ***oŋamuq*** **(ўнгамук)**] ***oŋamuq er*** – овсар, чапақай киши.
ك ***k*** [ҳарфи]:

[أنكايۈك ***öŋäyük*** **(ўнгайук)**] ***öŋäyük näŋ*** – бир нарсага хос нарса. Бирор кишига хос ҳар нарсага ҳам ***öŋäyük*** дейилади.

**Бу бўлимнинг бошқа бир тури**

ق ***q*** [ҳарфи]:
أتۇغلۇق ***otuŋluq*** **(ўтунглуқ)** – ўтинхона, ўтин турадиган жой.
Тангрига шукрлар бўлсин, *hamza* билан бошланган отлар бўлими тугади.



بسم الله الرحمن الرحيم

**[(Сўзимни) раҳмдил ва меҳрибон Оллоҳнинг номи билан (бошлайман)]**

## БУ (БОШДА *HAMZA* КЕЛГАН) ФЕЪЛЛАР КИТОБИДИР

### ИККИ ҲАРФЛИЛАР БЎЛИМИ

Билгинки, биз феъл бобларининг ҳаммасини ҳам ўтган замон, келаси замон феълларини ва масдарни берамиз, лекин фақат ўтган замон феълларинигина изоҳлаймиз. Аслида келаси замон феъли ва масдарларни бермасак ҳам бўлар эди. Лекин уларнинг талаффузини ва ёзилишини ўрганиш учун берилди. *qāf* ли масдар *qāf* ли сўзни ёки йўғон ҳарфли сўзни ёки *ğayn* ли сўзни тақазо қилади. *kāf* ли масдар *kāf* ли сўзни ёки ингичка ва ингичкага мойил қилинган сўзни тақазо қилади. Бу асосий қоидадир.

**پ *p*** [ҳарфи]:

[اُپْدِی ***öpdi*** (**ўпди**) – ўпди] ***ol meni öpdi*** – у мени ўпди (***öpär***, ***öpmäk***).

Мақолда (шундай келган): ***Tašïğ ïsrumasa, öpmiš keräk.*** Маъноси: “Тошни чайнашга қодир бўлмаган киши, уни ўпиши керак”. Бу мақол мақсадга эришиш учун киши иш устида юмшоқ муомалада бўлишига ундаб айтилади.

[اُپْدِی ***öpdi*** (**ўпди**) – ичди] ***mün öpdi*** – шўрва ва бошқа (шунга ўхшаш) нарсаларни ичди (***öpär***, ***öpmäk***).

**چ *č*** [ҳарфи]:

[اَچْدِی ***ačdï*** (**ачди**) – очди] ***qapuğ ačdï***, яъни эшик ва бошқа нарсаларни очди (***ačar***, ***ačmaq***).

[اُچْدِی ***učdï*** (**учди**) – учди] ***quš učdï*** – қуш учди; ***anïŋ qutï učdï*** – унинг қути, бахти, давлати учди; ***er atdan quδï učdï*** – киши отдан йиқилиб тушди. Ҳаммасида: ***učar***, ***učmaq***.

[اُچْدِی ***očdï*** (**ўчди**) – ўчди] ***ot očdï*** – ўт, олов ўчди.

***erniŋ öpkäsi očdï*** – кишининг ғазаби сўнди.

***er tïnï očdï*** – кишининг нафаси ўчди. Бу феълларнинг ҳаммасида ***očar***, ***očmaq*** шакли қўлланади.

[اِچْدِی ***ičdi*** (**ичди**) – ичди] ***er suw ičdi***, яъни киши сув ва бошқа нарса ичди. Ҳар бир ичадиган ёки сўрадиган нарса учун ҳам шу сўз қўлланади (***ičär***, ***ičmäk***).

**ر *r*** [ҳарфи]:

[اَرْدِی ***erdi*** (**эрди**) – эрди, эди] ***ol andağ erdi*** – у шундай эди; у ундай эди (***erür***, ***ermäk***).

[اُرْدِی ***ürdi*** (**урди**) – пуфлади] ***ol ot ürdi*** – у олов ва бошқа нарсаларни пуфлади.

[اُرْدِی ***ürdi*** (**урди**)] ***it ürdi*** дейилади, яъни ит ҳурди демакдир (***ürär***, ***ürmäk***).

[اُورْدِی ***urdï*** (**урди**) – қўйди, ташлади; урди] ***elgindäki näŋni yerdä urdï*** – қўлидаги нарсани ерга қўйди. Шундай мақол бор: ***Kümüš künkä ursa, altun aδaqïn kelir.*** Маъноси: “Кумуш қуёшга қўнса, олтин ўз оёғи билан келади”. Бу мақолни маълум мақсадни амалга ошириш учун пулни аямай сарф қилишга ундаб айтилади.

[اُرْدِی ***ürdi*** (**урди**)] ***ol qulïn urdï*** – у қулини ва бошқаларни урди (***urur***, ***urmaq***).

[اَزْدِی ***ezdi*** (**эзди**) – қиртишлади] ***ol yerni ezdi*** – у ерни қиртишлади (***ezär***, ***ezmäk***).

[اُزْدِی ***üzdi*** (**узди**) – узди] ***ol yïp üzdi*** – у ип, арқон ва шунга ўхшаш бошқа нарсаларни узди (***üzär***, ***üzmäk***).

**ش *š*** [ҳарфи]:

[اَشْدِی ***ešdi*** (**эшди**) – чўзди] ***ol yïšïğ ešdi*** – у арқон ва (шунга ўхшаш) бошқа нарсаларни чўзди (***ešär***, ***ešmäk***).

[أسْدِی *esdi* (эсди) – эсди] ***esin esdi*** – майин шамол эсди.

[أسْدِی *esdi* (эсди) – совурди] ***tarïğ esdi*** – буғдой ва бошқа нарсаларни совурди. Шамол тупроқни қўзғатишига ҳам шу сўз ишлатилади. Бу феъл ҳам ўтимли, ҳам ўтимсиздир.

[أسْدِی ***usdï*** (усди) – сувсади, ташна бўлди] ***er usdï*** – киши ташна бўлди (***usar***, ***usmaq***).

[أسْدُمْ ***usdum*** (усдум) – гумон қилдим, ўйладим] ***men ayla usdum*** – мен шундай гумон қилдим (ўғузча). Масдари ҳам шундай.

ش ***š*** [ҳарфи]:

[أشْدِی ***ešdi*** (эшди) – тўкди] ***ol qayïrnï ešdi*** – у қумни тўкди. Унни қоп ва бошқаларга солиш учун ҳам шу сўз қўлланади; ***atlïğ ešdi*** – отлиқ чопди, ўзди.

***qaynar ešič ešdi*** – қайнаётган қозон, қайнаб турган қозон тошди (***ešär***, ***ešmäk***).

[أشْدِی ***üšdi*** (ушди) – тешди] ***ol oq üšdi*** – у ўқни ва бошқаларни парма билан тешди; ***etmäkkä telim kiši üšdi*** – нон учун кўп киши тўпланди (***üšär***, ***üšmäk***).

ۋ ***w*** [ҳарфи]:

[أقْدِی ***uwdï*** (увди) – увалади, ушатди] ***ol etmäk uwdï*** – у нонни ва бошқа нарсаларни увалади, бурдалади (***uwar***, ***uwmaq***[24]).

[أقْدِی ***ewdi*** (эвди) – тўпланди] ***körünčkä kiši ewdi*** – кўриш учун кишилар нарса теварагига тўпланди (***ewär***, ***ewmäk***).

[إقْدِی ***ewdi*** (эвди) – шошди] ***er ewdi*** – киши шошди.

(Шоир) шундай деган:

***Uδu barïp öküš ewdim,***
***Telim yurïp küči kewdim.***
***Atïm birlä tegü ewdim,***
***Meni körüp yesi ağdï.***

Чиябўри ҳақида айтмоқдаки: Уни қўлга олиш учун шошилдим. Унинг кетидан тўхтовсиз қувлайвериб, кучдан толдирдим. Отим билан унга етиб олдим. Мени кўриб юнглари ҳурпайиб кетди [Уни излаб, кетидан кўп юрдим. Кўп қувлаб, ҳолдан тойдирдим. Отим билан теграсида айланиб турган эдим, мени кўриб эси оғди] (***ewär***, ***ewmäk***).

ق ***q*** [ҳарфи]:

[أقْدِی ***aqdï*** (акди) – оқди, келди] ***suw aqdï*** – сув ва бошқа нарсалар оқди; ***yağï aqdï*** – ёв келди (***aqar***, ***aqmaq***).

[أقْدِی ***uqdï*** (укди) – укди, тушунди, англади] ***ol er išïn uqdï*** – у киши ўз ишини тушунди (***uqar***, ***uqmaq***).

ک ***k*** [ҳарфи]:

[أكْدِی ***ekdi*** (экди) – экди] ***ol tarïğ ekdi*** – у дон экди. Шунингдек, бир нарса устига сепилган ва қуйилган дори учун ҳам шу сўз қўлланади (***ekär***, ***ekmäk***).

[أكْدِی ***ügdi*** (угди) – тўплади] ***yarmaq ügdi*** – у пул ва бошқа нарсаларни тўплади (***ügär***, ***ügmäk***).

[أكْدِی ***egdi*** (эгди) – эгди] ***ol butaq egdi*** – у бутоқ ва бошқа нарсаларни эгди (***egär***, ***egmäk***).

ل ***l*** [ҳарфи]:

[ألْدِی ***aldï*** (алди) – олди] ***ol alïmïn aldï*** – у қарзини олди; ***beg el aldï*** – бек эл (вилоят, мамлакат)ни олди (***alïr***, ***almaq***).

[ألْدِی ***uldï*** (улди)] ***et pišïp uldï*** – гўшт ҳил-ҳил пишди. Шунингдек, кийилавериб эскириб, чириган тўнга ҳам шу сўз қўлланади (***ulur***, ***ulmaq***).

---

[24] Бу сўз *kāf* ва *qāf* билан ёзилган (أقْماكی).

[اِلْدِی ***ildi / ïldï*** (**илди**) – илди; тушди] ***tikän tonuğ ildi*** – тикан кийим ва бошқа нарсаларни илди; ***er tağdan quδï ïldï*** – киши тог ва бошқа ердан қуйи тушди. Бу феълнинг келаси замон шакли "тикан илиниш" маъносида келса, *lām* ҳарфи *fatḥa* билан ***ilär***, "тушиш" маъносида келса, *lām* ҳарфи *ẓamma* билан ***ïlur*** бўлади. Олдингисининг масдари *kāf* билан ***ilmäk***, сўнггисининг масдари *qāf* билан ***ïlmaq*** бўлади.

**م *m*** [ҳарфи]:

[أَمْدِی ***emdi*** (**эмди**) – эмди] ***gänč anasïn emdi*** – бола онасини эмди. Ҳайвонларнинг эмишига ҳам шу сўз қўлланади (***emär***, ***emmäk***).

[أُمْدِی ***umdï*** (**умди**) – умид қилди] ***ol mendän näŋ umdï*** – у мендан бирор нарса умид қилди (***umar***, ***ummaq***).

**ن *n*** [ҳарфи]:

[أُنْدِی ***ündi*** (**унди**) – унди] ***ot ündi*** – ўт унди, кўкарди; ***ol ewkä ündi*** – у уйга кетди (уйғурча) (***ünär***, ***ünmäk***).

[اِنْدِی ***indi*** (**инди**) – инди, пастга тушди] ***ol tağdan quδï indi*** – у тоғ ва бошқа ерлардан қуйи инди [яъни, тушди]. Бу сўзда *nūn* ҳарфи *lām* дан ўзгарган. Арабчада ҳам шу хусусият бор. Масалан: رجلٌ شَثْنُ الا صابع و شَثْله و كبِنُ الذّلو و كبله

## *Muḍā'af* сўзлар бўлими

**ت *t*** [ҳарфи]:

[أَتّی ***attï*** (**атти**) – отди] ***er oq attï*** – киши ўқ ва бошқа нарсаларни отди; ***taŋ attï*** – тонг отди, ёриди; ***ol attï näŋni*** – у нарсани отди, ташлади (***atar***, ***atmaq***).

[أُتّی ***uttï*** (**утти**) – ютди] ***ol anï uttï*** – у уни ўйин ва бошқа нарсаларда ютди (***utar***, ***utmaq***).

(Шоир) шундай деган:

***Qïš yay bilä toquštï,***
***Qïŋïr közün baqïštï.***
***Tutušqalï yaqïštï,***
***Utğalïmat oğrašur.***

Айтмоқдаки: Қиш ёз билан тўқнашди, улар бир-бирига ёмон кўз билан қарашди, бир-бирини тутиш учун яқинлашдилар. Уларнинг ҳар бири ютиш ва енгишни истар эди [Қиш ёз билан урушди, бир-бирларига ёмон кўз билан боқишди, тутишга яқинлашишди. Улар бир-бирини енгишга интилишар эди].

[أَتّی ***ötti*** (**ўтти**)] ***oq keyiktän ötti*** – ўқ кийик ва бошқа ҳайвонга тегиб, уни тешиб ўтди. Ҳар бир нарса бошқа биридан тешиб ўтишига ҳам шу сўз қўлланади. ***qarïn ötti*** – қорин бўшалди, ич ўтди (***ötär***, ***ötmäk***).

[أُتّی ***ütti*** (**утти**)] ***ol bašïğ ütti*** – у бошининг сочларини ва шунга ўхшаш нарсаларни куйдирди (***ütär***, ***ütmäk***).

[إِتّی ***itti*** (**итти**) – йиқитди] ***ol anï itti*** – у уни йиқитди, қўли ёки оёғи билан туртиб, итариб ерга йиқитди (***itär***, ***itmäk***).

[إِيتّی ***etti*** (**этти**)] ***Täŋri meniŋ išïm etti*** – Худо менинг ишимни яхшилади, ўнглади; ***ol yükünč etti*** – у намоз ўқиди (ўғузча). Бир нарса қилсалар, ўғузлар ***etti*** дейдилар, турклар ***qïldï*** дейдилар. Бу сўз жинсий алоқа қилишга [яъни қўшилишга] ҳам қўлланади (***etär***, ***etmäk***). Бу сўзни *miṣāl* бобига киритиш ҳам мумкин.

**ب** ***p*** [ҳарфи]:

[اُوپدِي ***opdï*** (**ўпди**) – ҳўплади, ичди] ***er suw opdï*** – киши сувни ва бошқа нарсаларни ичди (***opar***, ***opmaq***).

**چ** ***č*** [ҳарфи]:

[اَاِجْتِي ***a:čtï*** (**а:чти**) – очиқди] ***er a:čdï*** – киши ва бошқалар очиқди (***a:čar***, ***a:čmaq***).

**ر** ***r*** [ҳарфи]:

[اَارْدِى ***a:rdï*** (**а:рди**) – ҳориди, чарчади] ***er a:rdï*** – киши ва бошқалар чарчади; ***ol a:rdï*** – у (уни) алдади (***a:rar***, ***a:rmaq***).

[اُورْدِى ***ördi*** (**ўрди**) – ўрди] ***ol sač ördi*** – у сочни ва бошқа шунга ўхшаш нарсаларни ўрди (***örär***, ***örmäk***).

[اُورْدِي ***ordï*** (**ўрди**) – ўрди] ***ol ot ordï*** – у ўт ўрди. Экин ва бошқа нарсаларни ўришга ҳам шу феъл қўлланади (***orar***, ***ormaq***).

[اِيرْدِى ***erdi*** (**эрди**) – зерикди] ***er erdi*** – киши ҳамроҳсизликдан зерикди; ***ol tam erdi*** – у деворни ва бошқа жойларни тешди, ёрди (***erär***, ***ermäk***).

[اُورْدِى ***ördi*** (**ўрди**) – пайдо бўлди, чиқди] ***bulït ördi*** – булут чиқди, пайдо бўлди; ***qoy ördi*** – қўй оғилдан чиқиб ўтлоққа юрди. Кечалари (ҳайвонларни) бошвоқсиз қўйиб юборишга ҳам шу сўз қўлланади.

[اُورْدِى ***ordï***] ***ol sawdïč ordï*** – у сават ва замбил тўқиди. Тизимча ва новдадан қўл билан тўқилган ҳар нарсага ҳам шу сўз қўлланади (***orar***, ***ormaq***).

**ز** ***z*** [ҳарфи]:

[اَازْدِى ***a:zdï*** (**а:зди**) – озди, адашди] ***ol yol a:zdï*** – у йўлидан адашди (***a:zar***, ***a:zmaq***).

[اُوزْدِي ***ozdï*** (**ўзди**) – ўзди, илгарилаб кетди] ***anïŋ atï ozdï*** – унинг оти ўзди. Бошқа нарсалардан ўзишга ҳам шу сўз қўлланади (***ozar***, ***ozmaq***).

**س** ***s*** [ҳарфи]:

[اَاسْدِى ***a:sdï*** (**а:сди**) – осди] ***ol et a:sdï*** – у гўшт ва бошқа нарсаларни осди. Осилган одамга ҳам шу сўз қўлланади (***a:sar***, ***a:smaq***).

**ش** ***š*** [ҳарфи]:

[اَاشْدِى ***a:šdï*** (**а:шди**) – ошди] ***ol tağ a:šdï*** – у тоғ ва бошқа нарсаларни ошди (***a:šar***, ***a:šmaq***).

**غ** ***ğ*** [ҳарфи]:

[اَاغْدِى ***a:ğdï*** (**а:ғди**) – чиқди, кўтарилди] ***ol tağqa a:ğdï*** – у тоққа ва бошқа тепаликларга кўтарилди (***a:ğar***, ***a:ğmaq***).

[اَاغْدِى ***a:ğdï*** (**а:ғди**)] ***bulït a:ğdï*** – булут чиқди, пайдо бўлди; ***anïŋ yüzi a:ğdï*** – унинг ранги ўзгарди.

**ۋ** ***w*** [ҳарфи]:

[اَاۋْدِى ***a:wdï*** (**а:вди**) – тўплади] ***aŋar kiši a:wdï*** – унинг теварагига киши тўпланди (***a:war***, ***a:wmaq***).

**ك** ***g*** [ҳарфи]:

[اُوگْدِى ***ögdi*** (**ўгди**) – мақтади] ***ol meni ögdi*** – у мени мақтади (***ögär***, ***ögmäk***).

**Шу бўлимнинг тўрт ҳарфлилари**

[اَيْدِى ***aydï*** (**айди**) – айтди] ***ol meŋä söz aydï*** – у менга сўз айтди (***ayur***, ***aymaq***).

[اُوِدِی *oydï* (**ўйди**)] ***ol qağun oyđï*** – у қовун ва бошқа нарсаларни ўйди [қовун сўйишда думидан озгина бўлакни ўйиб олди] (***oyar, oymaq***).

[اُدِی *uyđï* (**уйди**) – уйди, босди] ***ol unuğ uyđï*** – у ун ва бошқа нарсаларни босди, уйди. Ун босилиб қаттиқлашиб кетди (***uyar, uymaq***).

**Бу бўлимнинг *ğunna* лилари**

ك ***g*** [ҳарфи]:

[اَنْكْدِی *eŋdi* (**энгди**) – гангиб қолди] ***er eŋdi*** – киши гангиб қолди (***eŋär, eŋmäk***).

[اَنْكْدِی *öŋdi* (**ўнгди**) – тешди] ***ol yïğač öŋdi*** – у ёғоч ва бошқа нарсаларни тешди. Девор таги ва бошқаларни тешишга ҳам шу сўз қўлланади (***öŋär, öŋmäk***).

[اَنْكْدِی *oŋđï* (**ўнгди**) – ўзгарди, ранги айниди] ***barčïn buduğï oŋđï*** – ипакли кийим ва бошқа нарсаларнинг ранги айниди (***oŋar, oŋmaq***). Айни маънода ***oŋuqtï*** ҳам дейилади.

**Қоида**

Бу бобнинг буйруги икки ҳарфлидир: ***yarmaq al*** (тангани ол), ***attïn ïl*** (отдан туш) гапларидаги ***al-***, ***ïl-*** буйруқлари сингари.

Билгинки, бу тилда феъллар буйруқдан ясалади. Буйруқ шакли ўзак бўлиб, тилда қўлланувчи ҳар турли феъл шакллари буйруқ охирига турли қўшимчалар қўшиш билан ясалади. Ҳамма феълларнинг бўлишсизлик шакли ҳам буйруқ охирига *mïm* ва *alif* қўшиб ясалади: ***alma*** (олма), ***ïlma*** (тушма) сингари.

Бошқа қоидаларнинг ҳаммаси, Худо хоҳласа, *sälim* бобида кенг изоҳланади. Шунинг учун бу ерда қисқа қилинди.

Икки ҳарфлилар тугади.

**БУ УЧ ҲАРФЛИЛАР БЎЛИМЛАРИДИР**

**Ҳар хил ҳаракатлар билан *fa'al* қолипида қўлланувчи сўзлар бўлими**

ر ***r*** [ҳарфи]:

[اَبُرْدِی *öpürdi* (**ўпурди**) – ичирди, ҳўплатди] ***ol meŋä süt öpürdi*** – у менга сут ва бошқа нарсаларни ичирди (***öpürür, öpürmäk***).

[اَتُرْدِی *ütürdi* (**утурди**) – чалди] ***ol sïbuzğu ütürdi*** – у сибизға (най) ва бошқа нарсаларни чалди (***ütürür, ütürmäk***).

[اَتُرْدِی *uturđï* (**утурди**) – кесди] ***ol sač uturđï*** – у соч, кийим ва бошқа нарсаларни кесди (***uturur, uturmaq***).

[اَتُرْدِی *ötürdi* (**ўтурди**) – тешди] ***ol tam ötürdi*** – у девор ва бошқа нарсаларни тешди (***ötürür, ötürmäk***).

[اَجُرْدِی *učurdï* (**учурди**) – учирди] ***ol quš učurdï*** – у қуш учирди; ***ol anï attïn učurdï*** – у уни ва бошқа нарсаларни отдан туширди (***učurur, učurmaq***).

[اَجُرْدِی *öčürdi* (**ўчурди**) – ўчирди] ***ol otuğ öčürdi*** – у ўтни ўчирди; ***anïŋ öpkäsin öčürdi*** – унинг ғазабини пасайтирди; ***ol anï urup, tïnï öčürdi*** – у уни уриб, нафасини, товушини ўчирди (***öčürür, öčürmäk***). Мақолда (шундай келган): ***Otuğ uđğuč birlä öčürmäš.*** Маъноси: "Ўтни

аланга билан ўчирилмас". Бу мақол "Тўполонни [фитнани] тўполон [фитна] билан эмас, сулҳ билан бостириш мумкин" деган мазмунда қўлланади.

[إِچْرْدِى] ***ičürdi*** (**ичурди**) – ичирди] ***ol aŋar suw ičürdi*** – у унга сув ва бошқа нарсаларни ичирди (***ičrür, ičürmäk***).

[أَدِرْدِى] ***eðirdi*** (**эдирди**) – айирди] ***ol eðgüni yawlaqtan eðirdi*** – у яхшини ёмондан айирди (***eðirür, eðirmäk***). Мақолда (шундай келган): ***Etli tirŋaqlï eðirmäs.*** Маъноси: "Эт тирноқдан айрилмас". Бу мақол яқинларга қарата айтилади. Яъни яқин кишилар бир-бирларидан айрилмайдилар, чунончи, эт билан тирноқни бир-биридан айириб бўлмагани сингари.

[أَدِرْدِى] ***eðirdi*** (**эдирди**) – танлади] ***ol eðirdi näŋni*** – у нарсани танлади (***eðirür, eðirmäk***).

[أَدَرْدِمْ / إِدَرْدِمْ] ***üðärdim / iðärdim*** (**удардим / идардим**) – изидан бордим] ***men anï üðärdim / iðärdim*** – мен унинг изидан бордим (***üðärür-men / iðärür-men, üðärmäk / iðärmäk***).

[أَسُرْدِى] ***asurdï*** (**асурди**) – аксирди] ***er asurdï*** – киши аксирди (***asrur, asurmaq***).

[أُسُرْدِى] ***osurdï*** (**ўсурди**) – ўсирди] ***er osurdï*** – киши ўсирди (***osrur, osurmaq***).

[إِسِرْدِى] ***ïsïrdï*** (**исирди**) – қопди, тишлади] ***ït ïsïrdï*** – ит ва бошқа нарсалар қопди. Мақолда (шундай келган): ***Ït ïsïrmas, at tepmäs temä.*** Маъноси: "Ит қопмайди, от тепмайди дема". Чунки бу одат уларнинг табиатида бордир (***ïsrur, ïsïrmaq***).

[أُشَرْدِى] ***üšärdi*** (**ушарди**) – кўзи тинди] ***anïŋ közi üšärdi*** – очликдан ёки интизорликдан унинг кўзи тинди ва аранг боқди (***üšärür, üšärmäk***).

[أُغُرْدِى] ***uğurdï*** (**уғурди**) – айирди] ***er söŋäk uğurdï*** – киши сўнгакни бўлак-бўлак қилиб айирди (***uğurur, uğurmaq***).

[أَقَرْدِى] ***ewürdi*** (**эвурди**) – қайтарди] ***ol meni yoldïn ewürdi*** – у мени йўлдан қайтарди; ***ol ayaq ewürdi*** – у идиш ва бошқа нарсаларни тўнкарди, ағдарди (***ewürär, ewürmäk***).

[أَگِرْدِى] ***egirdi*** (**эгирди**) – ўради, қуршади] ***beg kend egirdi*** – бек шаҳарни ўради; ***urağut yïp egirdi*** – хотин ип йигирди; ***suw kemini egirdi*** – сув кемани айлантирди (***egirär, egirmäk***). ***ol meni ïsqa egirdi*** – у мени ишга солди, йўллади.

[أَلَرْدِى] ***alardï*** (**аларди**) – ранг келтирди] ***talqa alardï*** – узум ва бошқа хом мева ранг келтирди, ранг берди; ***kiši yini alardï*** – киши ва бошқаларнинг бадани ола [пес] бўлди.

[أَلَرْدِى] ***alardï*** (**аларди**)] ***anïŋ közi alardï*** – унинг кўзи олайди, бўзарди (***alarur, alarmaq***).

[إِلَرْدِى] ***ilärdi*** (**иларди**) – илашди (аниқсиз нарсалар кўринди)] ***meniŋ közümä näŋ ilärdi*** – менинг кўзимга узоқда ёки қоронғида бир нарсалар кўринди, илашди [яъни, элас-элас кўзга ташланди].

(Шоир) шундай деган:

***Qaqlar qamuğ kölärdi,***
***Tağlar baši ilärdi,***
***Ažun tïnï yïlïrdï,***
***Tü-tü čečäk čerkäšür.***

Айтмоқдаки: Сувлар кўпайиб, чукурлар кўлга айланди. Тоғлар боши хаёлий нарса каби (кўзга аранг) илашди [яъни, элас-элас кўзга ташланди]. Дунёнинг нафаси илиди, дарахтлар гуллади, йилқилар уюр олди. Ҳар хил гуллар саф тортди [Қоқ ерлар ҳаммаси кўлга айланди; тоғ бошлари кўзга ташланди; дунё илиқ нафас олди; турли чечаклар бош кўтариб тизилишди].

**ز** ***z*** [ҳарфи]:

[أَمُزْدِى] ***emüzdi*** (**эмузди**) – эмизди] ***urağut oğlïŋa süt emüzdi*** – хотин ўғлига сут эмизди (***emüzür, emüzmäk***).

**ش** ***š*** [ҳарфи]:

[اُپْشْدِی **öpüšdi** (**ўпушди**) – ўпишди] ***ol meniŋ birlä öpüšdi*** – у мен билан ўпишди (***öpüšür, öpüšmäk***).

[اَتْشْدِی ***atïšdï*** (**атишди**) – отишди] ***ol meniŋ birlä oq atïšdï*** – у мен билан ўқ отишди. Ҳар нарсани отишга нисбатан ҳам шу сўз қўлланади (***atïšur, atïšmaq***).

[اُتْشْدِی ***utušdï*** (**утушди**) – ютишди] ***ol aniŋ birlä yarmaq utušdï*** – у унинг билан қимор ўйнади; пул ва шунга ўхшаш нарсаларни ютишди (***utušur, utušmaq***).

[اِتْشْدِی ***itišdi*** (**итишди**) – йўқотишди] ***ol aniŋ birlä itišdi*** – у унинг билан бирга йўқотишди. Ҳар нарсани йўқотишда кўмаклашиш ёки баҳслашишга ҳам шу сўз қўлланади (***itišür, itišmäk***).

[اَچْشْدِی ***ačïšdï*** (**ачишди**) – очишди] ***ol meŋä qapuğ ačïšdï*** – у менга эшикни очишди, эшик очишга кўмаклашди. Баҳслашишга ҳам шу сўз қўлланади (***ačïšur, ačïšmaq***).

[اَچْشْدِی ***ačïšdï*** (**ачишди**) – ачиб кетди] ***üzüm ačïšdï*** – узум ачиб кетди (***ačïšur, ačïšmaq***).

[اَچْشْدِی ***öčäšdi*** (**ўчашди**) – талашди, ўчакишди] ***ol meniŋ birlä öčäšdi*** – (бир ишда) у менинг билан ўчакишди (***öčäšür, öčäšmäk***).

[اِچْشْدِی ***ičišdi*** (**ичишди**) – ичишди] ***ol meniŋ birlä süt ičišdi*** – сут ва бошқа нарсани ичишда у мен билан баҳслашди. Ичишга кўмаклашганда ҳам шу феъл қўлланади (***ičišür, ičišmäk***).

Бу хил феъллар икки турлидир: биринчисидан арабча *mufā'ala* шаклидаги икки даражали, икки ишловчига эга бўлган ўтимли феъл ясалиб, кўмаклашиш ёки талашиш, баҳслашиш маъноларини англатади. Феълдан англашилган мазмун эганинг ҳамма қисмига бўлиниб, сингиб кетганини англатади. Чунончи, ***sirkä ačïšdï*** гапида "сирканинг ҳар ерида ачиш юз берди", демакдир; ***ton terni ičišdi*** – кийим терни ўзининг бутун бўлакларига шимиб олди, демакдир. Кўп феъллар шу хилда тусланади.

[اَدْشْدِی ***aδïšdï*** (**адишди**) – айрилишди] ***er aδaqï aδïšdï*** – кишининг икки оёғи керилди. Бир-биридан ажралган ҳар икки нарсага ҳам шу сўз айтилади (***aδïšur, aδïšmaq***).

[اُدْشْدِی ***uδïšdï*** (**удишди**) – ухлашди] ***ol meniŋ birlä uδïšdï*** – у мен билан ухлашди [ким кўп ухлашга баҳслашди]; ***aδaq uδïšdï*** – оёқ уюшди; ***yoğrut uδïšdï*** – қатиқ увиди (***uδïšur, uδïšmaq***).

[اِدْشْدِی ***ïδïšdï*** (**идишди**) – тортиқ қилишди] ***ol meŋä artut ïδïšdï*** – у менга тортиқ қилди, мен унга тортиқ қилдим. Биров билан ҳар бир нарса ҳақида баҳслашувда ҳам шу сўз қўлланади (***ïδïšur, ïδïšmaq***).

[اَرْشْدِی ***arïšdï*** (**аришди**) – алдашди] ***olar ikki arïšdï*** – улар бир-бирини алдашди (***arïšur, arïšmaq***).

[اَرْشْدِی / اُرْشْدِی ***erüšdi / erïšdi*** (**эрушди / эришди**) – эриди] ***yağ erüšdi / erïšdi*** – ёғ ва бошқа нарсалар эриди (***erüšür / erïšür, erüšmäk / erïšmäk***).

[اُرْشْدِی ***urušdï*** (**урушди**) – урушди, жанг қилди] ***aniŋ birlä urušdï*** – бир-бирлари билан урушди. Амир ва бошқалар бир-бири билан урушганда ҳам шу сўз қўлланади (***urušur, urušmaq***). Мақолда (шундай келган): ***Alplar birlä urušma, beglär birlä turušma.*** Маъноси: "Ботирлар билан урушма, беклар билан хусуматлашма, тиклашма".

(Шоир) шундай деган:

***Erän alpï oqïštïlar,***
***Qïŋïr közün / közin baqïštïlar,***
***Qamuğ tolmun toquštïlar,***
***Qïlïč qïnqa küčün sïğdï.***

Маъноси: Йигитлар бир-бирларини чақиришди, бир-бирларига қинғир кўз билан ўқрайиб қарашди. Ҳар хил жанг қуроллари билан урушдилар. (Қиличларнинг юзи қон билан қалинлашиб), қинига аранг сиғди [Ботирлар бир-бирларини чақиришди. Бир-бирларига

қинғир кўз билан қарашди. Турли жанг қуроллари билан урушдилар. (Қиличларнинг юзи қон билан қалинлашиб), қинига зўрға сиғар эди].

[أُرْشْدِى **ürüšdi** (**урушди**)] ***ol meŋä ot ürüšdi*** – у ўт пуфлашда менга кўмаклашди. Талашиш, баҳслашиш учун ҳам шу сўз қўлланади (***ürüšür***, ***ürüšmäk***).

[أُرْشْدِى **örüšdi** (**ўрушди**)] ***ol meŋä yïšïğ örüšdi*** – у менга арқон ўришда кўмаклашди. Бирон нарсани ўришда баҳслашишга ҳам шу сўз қўлланади (***örüšür***, ***örüšmäk***).

Бу феълларда кўмаклашиш, баҳслашиш мазмунлари уларнинг ёнидаги қўшимча сўзлардан билинади. Феълга ***meŋä*** қўшилиб келса, кўмаклашишни, ***meniŋ birlä*** қўшилиб келса, баҳслашишни билдиради.

Бу ҳол икки киши ўртасидаги [биргалик даражасидаги] ҳамма феъллар учун ҳам умумий.

Учинчи шахсда ёрдамни билдириш учун ***aŋar*** (унга) қўлланади, баҳслашишни билдириш учун ***anïŋ birlä*** қўлланади. Бу қоидани пухта ўрган.

[أُزْشْدِى ***üzüšdi*** (**узушди**) – узишди] ***ol meŋä üzüm üzüšdi*** – узум узишда у менга кўмаклашди. Арқон ва бошқа нарсаларни қирқишда кўмаклашишга ҳам шу сўз қўлланади, баҳслашишга ҳам шу сўз қўлланади (***üzüšür***, ***üzüšmäk***).

[أُزْشْدِى ***özüšdi*** (**ўзушди**) – ўздиришди] ***ol meniŋ birlä at özüšdi*** – у мен билан от ўздиришда баҳслашди. Кўмаклашиш маъносида ҳам шу сўз қўлланади (***özüšür***, ***özüšmäk***).

[اسِشْدِى ***asïšdï*** (**асишди**) – осишди] ***ol meŋä et asïšdï*** – у менга гўштни (қозиққа) осишда кўмаклашди (***asïšur***, ***asïšmaq***).

[اسِشْدِى ***esišdi*** (**эсишди**) – чекишди, тортишди] ***ol meŋä yïp esišdi*** – у менга арқон тортишда кўмаклашди. Баҳслашувга ҳам шу сўз қўлланади (***esišür***, ***esišmäk***).

[اسِشْدِى ***isišdi*** (**исишди**)] ***isišdi näŋ*** – нарса исиди. Нарсанинг ҳамма ёғига иссиқ тарқади, ўтди (***isišür***, ***isišmäk***).

[اَشِشْدِى ***ešišdi*** (**эшишди**) – чиқаришди] ***ol meŋä tupraq ešišdi*** – у менга тупроқ чиқаришда, уйишда кўмаклашди. Баҳслашишга ҳам шу сўз қўлланади (***ešišür***, ***ešišmäk***).

[اَغِشْدِى ***ağïšdï*** (**ағишди**)] ***ol meniŋ birlä tağqa ağïšdï*** – у тоғ ва бошқа ерларга чиқишда мен билан баҳслашди (***ağïšur***, ***ağïšmaq***).

***ol meniŋ birlä bir altunda ağïšdï*** – у мен билан нархни бир олтинга ошириш учун тортишди [у мен билан бир олтин устида тортишди]; ***beglär bir ekindi birlä ağïšdï*** – беклар бир-бири билан тортишдилар.

[اَقْشْدِى ***uwušdï*** (**увушди**) – бурдалашди, майдалашди] ***ol meŋä etmäk uwušdï*** – у менга нон ва бошқа нарсаларни бурдалашда кўмаклашди. Баҳслашишга ҳам шу сўз қўлланади (***uwušur***, ***uwušmaq***).

[اَقْشْدِى ***ewišdi*** (**эвишди**) – шошилишди] ***kišilär ïšqa ewišdi*** – кишилар ишга шошилишди (***ewišür***, ***ewišmäk***).

[اَقْشْدِى ***aqïšdï*** (**акишди**) – оқишди] ***suwlar aqïšdï*** – сувлар ҳар томондан оқа бошлади.

(Шоир) шундай деган:

***Qar, buz qamuğ erüšdi,***
***Tağlar suwï aqïšdï.***
***Köksin bulït örüšdi,***
***Qayğuq bolup egrišür.***

Ёзни таърифлаб айтмоқда: Қор ва музлар ҳаммаси эриди, тоғларнинг суви оқди. Кўкда кўк булутлар пайдо бўлди. Улар қайиқлар сувда ўйнагани сингари сузишди.

[أُقْشْتِيلَرْ ***uquštïlar*** (**уқуштилар**) – тушундилар] ***olar bu ïšïğ uquštïlar*** – улар бу ишни тушундилар (***uqušurlar***, ***uqušmaq***).

[اُقْشْتِيلَارْ *oqïštïlar* (**ўқиштилар**) – чақиришдилар] ***olar bir ekindi birlä oqïštïlar*** – улар бир-бирларини чақирдилар (***oqïšur, oqïšmaq***).

[اُقْشْدِى *oqïšdï* (**ўқишди**) – ўқишди] ***ol meniŋ birlä bitig oqïšdï*** – у мен билан китоб ўқишда баҳслашди. Кўмаклашишга ҳам шу сўз қўлланади.

[اَكِشْدِى *ekišdi* (**экишди**) – экишди] ***ol meŋä tarïğ ekišdi*** – экин экишда у менга кўмаклашди. Баҳслашиш учун ҳам шу сўз қўлланади (***ekišür, ekišmäk***).

[اَكِشْدِى *egišdi* (**эгишди**)] ***ol meŋä čögän egišdi*** – у менга човган ва бошқа нарсаларни эгишда кўмаклашди. Баҳслашишда ҳам шу сўз ишлатилади (***egišür, egišmäk***).

[اُكُشْدِى *ögüšdi* (**ўгушди**) – мақтанишди] ***ikki erän ögüšdi*** – икки киши (бир-бирига) мақтанишди (***ögüšür, ögüšmäk***).

[اُكُشْدِى *ügüšdi* (**угушди**)] ***ol meŋä tarïğ ügüšdi*** – у менга буғдой ва бошқа нарсаларни туйишда кўмаклашди (***ügüšür / ügišür, ügüšmäk / ügišmäk***). Баҳслашишда ҳам шу сўз қўлланади.

[اِگَشْدِيلَارْ *igäšdilär* (**игашдилар**) – суянишдилар] ***kišilär ïšta bir-birikä igäšdilär*** – кишилар ишда бир-бирига суянишдилар (***igäšür, igäšmäk***).

[اِگَشْدِى *igäšdi* (**игашди**) – эговлашди] ***ol meŋä temür igäšdi*** – у менга темир ва бошқа нарсаларни эговлашда кўмаклашди (***igäšür, igäšmäk***).

[اِكَشْدِى *igäšdi* (**игашди**) – курашди, кеклашди] ***ikki buğra igäšdi*** – икки эркак туя курашди, урушди. Мақолда (шундай келган): ***İkki buğra igäšür, otra kökägün yenčilür.*** Маъноси: "Икки эркак туя олишади, ўртада пашша янчилади". Бу мақол "икки амир урушиб, орада кучсизлар янчилади" деган маънода ишлатилади.

[اَلِشْدِى *alïšdï* (**алишди**) – ундиришди] ***ol meŋä alïm alïšdï*** – у менга қарзни ва бошқа нарсаларни ундиришда кўмаклашди (***alïšur, alïšmaq***).

[اِلِشْدِى *ilïšdi* (**илишди**) – илинишди] ***ikki näŋ birlä ilïšdi*** – икки нарса бир-бирига илинишди, боғланишди (***ilïšür, ilïšmäk***).

[اِلِشْدِى *ilïšdi* (**илишди**) – чақишди [итларга нисбатан]] ***qanjïq ilïšdi*** – қанжиқ билан эркак аъзоси бир-бирига илинишди, чатишди; ***aδğïr ilïšdi*** – айғир от ва туянинг иккиси бир-бирини тишлашди.

[اُلِشْدِى *ulïšdï* (**улишди**) – улишди] ***böri barča ulïšdï*** – бўри ва бошқа ҳайвонлар улидилар. (Шоир) шундай деган:

***Ulïšïp erän börläyü,***
***Yïrtïn yaqa urlayu.***
***Sïqrïp üni yurlayu,***
***Sïğtap közi örtülür.***

Айтмоқдаки: *Afrāsiyāb* нинг ўлимига ачиниб, кишилар бўрилардек увлашдилар, ёқа йиртишиб бақиришдилар. Баъзан чолғучилар чолғусининг чинқириғи каби бақиришдилар. (Улар шунчалик йиғладиларки, кўз ёшлари) кўзларини қоплади [Эрлар бўрилардек улишди, улишиб ёқа йиртишди. Чолғу товуши сингари овозларда бақиришди. Уларнинг кўзи (ёшдан) қопланди] (***ulïšur, ulïšmaq***).

[اَلَشْدِى *ülädi* (**улашди**) – улашди, бўлишди] ***olar ikki tawarïn üläšdi*** – уларнинг иккови молни айириб, ўз улушларини олдилар (***üläšür, üläšmäk***).

[اَلَشْدِى *ulašdï* (**улашди**) – бирлашди, улашди] ***bir näŋ birkä ulašdï*** – бир нарса бошқасига улашди, ёпишди (***ulašur, ulašmaq***).

[اُلِشْدِى *ölïšdi* (**ўлишди**) – ҳўл бўлди] ***ölïšdi näŋ*** – ҳўл бўлган нарса, ҳамма ери ҳўл бўлиб кетган нарса (***ölïšür, ölïšmäk***).

[إِلِشْدِى *ilïšdï* (**илишди**) – тушишди] ***ol meniŋ birlä tağdïn quδï ilïšdï*** – у мен билан тоғдан тушишда баҳслашди (***ilïšur, ilïšmaq***).

[إِلِسْدِى ***ilisdi*** (**илишди**) – осишди] ***ol meniŋ birlä topïq ilisdi*** – у мен билан тўпиқ осишди. Бу масалада қай биримиз уста эканимизни синашиш ҳақида талашдик (***ilišür, ilišmäk***).

[أَمُشْدِى ***amušdï*** (**амушди**)] ***amušdï er*** – тинган, тинчиган, кутулган киши [Одамларнинг ҳар хил аччиқ сўзлари ва бошқа нарсалардан индамай қутулган киши] (***amušur, amušmaq***).

[أُنَشْدِيلَرْ ***unašdïlar*** (**унашдилар**) – кўнишдилар, унашдилар] ***bu ïšïğ olar qamuğ unašdïlar*** – бу ишга ва бошқа нарсаларга уларнинг ҳаммаси унадилар (***unašurlar, unašmaq***).

[إِنِشْدِى ***ïnïšdï*** (**инишди**) – қуйи тушишди] ***ol meniŋ birlä tağdïn ïnïšdï*** – тоғдан тушишда у мен билан баҳслашди (***ïnïšur, ïnïšmaq***).

ق ***q*** [ҳарфи]:

[أَچِقْتِى ***ačïqtï*** (**ачиқти**) – очликдан эзилди, қийналди] ***er ačïqtï*** – киши очликдан қаттиқ эзилди, қийналди (***ačïqar, ačïqmaq***).

[أُجُقْتِى ***učuqtï*** (**учуқти**) – охирига етди] ***ïš učuqtï*** – иш охирига етди (***učuqar, učuqmaq***).

[أُسُقْتِى ***usuqtï*** (**усуқти**) – чанқади, сувсади] ***er usuqtï*** – киши чанқади (***usuqar, usuqmaq***). Мақолда шундай келган: ***Usuqmïšqa saqïğ qanmğ suw körünür.*** Маъноси: "Чанқаган кишига ҳар бир сароб сув бўлиб кўринади". Бу мақол "Муҳтож кишилар ҳар бир нарсадан ўз ҳожатининг чиқишини ўйлайди" деган мазмунда ишлатилади.

[أَشُقْتِى ***ašuqtï*** (**ашуқти**) – шошилди, ошиқди] ***ol ewkä ašuqtï*** – у уйга ёки бошқа жойга шошилди. Ҳар бир нарсага чанқоқ, муштоқ кишига ҳам шу сўз қўлланади (***ašuqar /ašïqar, ašuqmaq / ašïqmaq***).

[أَغُقْتِى ***ağuqtï*** (**ағуқти**) – заҳарланди] ***er ağuqtï*** – киши заҳарланди. Бу феъл ўтимсиздир. Чунончи, حم الرجل من الحمى дейилгани сингари (***ağuqar, ağuqmaq***).

[إِلِقْتِى / أَلِقْتِى ***alïqtï / ïlïqtï*** (**алиқти / илиқти**) – пастлашди] ***er alïqtï / ïlïqtï*** – киши пастлашди; ***baš alïqtï / ïlïqtï*** – яра қаварди ва фасодланди. Шунингдек, ой кўрган ёки янги туққан ёхуд жунубнинг қарашидан бузилган ҳар бир нарсага ҳам шу сўз қўлланади (***alïqar / ïlïqar, alïqmaq / ïlïqmaq***). (Шоир) шундай деган:

***Bašï anïŋ ïlïqtï,***
***Qanï yüzüp turuqtï.***
***Baliğ bolup tağïqtï,***
***Emdi anï kim yetär?***

Қони тўхтаган яра дор ҳақида айтмоқда: Унинг яраси қавариб, фасодланди; тоққа чиқди: яра қонга беланган, аҳвол оғирлашган эди. Энди унга ким ҳам етиша оларди.

ك ***k*** [ҳарфи]:

[إِتْكِتِى ***etikti*** (**этикти**)] ***oğlan etikti*** – бола етилди ва улғайди (***etikär, etikmäk***).

[إِچْكِتِى ***ičikti*** (**ичикти**)] ***er ičikti*** – эр жангда ўз хоҳиши билан таслим бўлди ва ўз истаги билан яна жангга кирди (***ičikär, ičikmäk***).

[أُچْكِتِى ***öčükti*** (**ўчуқти**)] ***er tïnï öčükti*** – эрнинг товуши жангда кесилди, устига совуқ сув тўкилганидан ёки қаттиқ калтакдан нафаси ўчди (***öčükär, öčükmäk***).

ل ***l*** [ҳарфи]:

[أُبْدِى ***öpüldi*** (**ўпулди**)] ***süt öpüldi*** – сут ва бошқа нарсалар ичилди. Бу асосий қоидадир, чунки ўтган замон феълига *lām* ҳарфи орттирилса, мажҳул [ишловчиси айтилмаган, кўрсатилмаган] феъл ясалади (***öpülür, öpülmäk***).

[أَتِلْدِى ***atïldï*** (**атилди**)] ***oq atïldï*** – ўқ отилди (***atïlur, atïlmaq***).

[اَتِلدِی *atïldï* (**атилди**)] *čečäk ağzï atïldï* – гул, ғунча оғзи очилди. Очилиб, бир-биридан айрилиб кетмаган гул ва бошқаларга ҳам шу сўз қўлланади.

[اَتَلدِی *ötäldi* (**ўталди**)] *ol bu išta ötäldi* – у бу ишга қаттиқ киришди, кўп тиришди (*ötälür, ötälmäk*).

[اَتُلدِی *otuldï* (**ўтулди**)] *tarïğ otuldï* – экин ўталди, ўтоқ қилинди. Экин орасида ўсиб, экинга зарар етказувчи ўтлар юлиб ташланди (*otulur, otulmaq*).

[اَتُلدِی *ütüldi* (**утулди**) – юнги куйдирилди, утилди] *qoy bašï ütüldi* – қўй ва бошқа ҳайвонлар калласининг туки куйдириб олинди (*ütülur, ütülmäk*).

[اَتِلدِی *etildi* (**этилди**)] *etildi näŋ* – нарса йўқотилди, даф қилинди.

[اَتِلدِی / اَتَلدِی *etildi / itildi* (**этилди / итилди**)] *oğlan etildi / itildi* – бола ўсиб, эмаклаб юра бошлади (*etilür / itilür, etilmäk / itilmäk*).

[اَچِلدِی *ačïldï* (**ачилди**) – очилди] *kök ačïldï* – ишнинг таги очилди, маълум бўлди. Ҳаво очилишига ҳам шу сўз қўлланади.

[اَچِلدِی *ačïldï* (**ачилди**)] *köŋül ačïldï* – кўнгил ёришди. Ҳар бир очилган нарсага ҳам шу сўз қўлланади (*ačïlur, ačïlmaq*).

[اِچِلدِی *ičildi* (**ичилди**) – ичилди] *suw ičildi* – сув ва бошқалар ичилди (*ičilür, ičilmäk*).

[اَدِلدِی *adïldï* (**адилди**) – ҳушёрланди] *esrüg adïldï* – маст ва ҳушини йўқотган ўзига келди (*adïlur, adïlmaq*).

[اِدِلدِی *ïdïldï* (**идилди**) – қутулди] *tutğun ïdïldï* – туткун, асир ва бошқа кимсалар қутулди (*ïdïlur, ïdïlmaq*).

[اُرُلدِی *uruldï* (**урулди**) – урилди] *er uruldï* – киши ва бошқалар урилди (*urulur, urulmaq*). *tergi uruldï* – дастурхон ёзилди, солинди; *tuğ uruldï* – навбат довули, ноғораси чалинди.

[اُرُلدِی *oruldï* (**ўрулди**) – ўрилди, йиғиб олинди] *tarïğ oruldï* – экин, дон ўриб олинди.

(Шоир) шундай деган:

*Qurvï čuvač quruldï,*
*Tuğum tikip uruldï,*
*Süsi otun oruldï,*
*Qančuq qačar, ol tutar.*

Жангни таърифлаб айтмоқда: Хоннинг қуббали чодири қурилган [Бу чодир ипакдан ишланиб, қаттиқ иссиқдан ва қор-ёмғирдан сақлаш учун фойдаланилади]; жанг туғлари тикилиб, навбат чалиниб, ёв қўшини экиндек ўрилди. Энди ёв бошлиғи мендан қандай қоча олади [Хоннинг қуббали чодири қурилди, туғ – байроқлар тикилиб, довуллар чалинди. Ёв қўшини ўтдек ўрилди. Қаёққа қочса, у тутади].

[اُرُلدِی *oruldï* (**ўрулди**) – ўрилди] *örgän oruldï* – тасма ва бошқа нарсалар ўрилди (*orulur, orulmaq*).

[اُرُلدِی *ürüldi* (**урулди**) – ғазабланиб шишди] *er öwkäsindä ürüldi* – киши ғазабдан шишди; *qap ürüldi* – меш пуфланди, шиширилди; *ot ürüldi* – олов пуфланди. Бу феъл ҳам ўтимли, ҳам ўтимсиз ҳолда қўлланади. Мақолда (шундай келган): *Yalïŋuq ürülmiš qap-ol, ağzï yazlïp alqïnur.* Маъноси: "Инсон пуфлаб шиширилган меш сингаридир, оғзи очилса, ел уни йўқотади, сўндиради".

[اِرِلدِی *irildi* (**ирилди**)] *er irildi-sarïldï* – киши қайғудан эсанкираб қолди, жони сиқилди, ўзини қойиди (*irilür, irilmäk*).

[اِزِلدِی *ezüldi* (**эзулди**)] *anïŋ eti ezüldi* – унинг эти узилди. Узунасига узилган ҳар бир нарсага ҳам қўлланади (*ezülür, ezülmäk*).

[اَزِلدِی *azïldï* (**азилди**) – озилди] *yol azïldï* – йўлдан озилди, адашилди (*azïlur, azïlmaq*).

[اُزْلدی **üzäldi** (**узалди**) – чарчади] ***er üzäldi*** – киши чарчади; тез кутула олмайдиган бир ишда узун оғриқда қолди; ***iglig üzäldi*** – касалнинг жон бериши қийин бўлди. Чунки қийналганидан (жон бериши ҳам) оғирлик қилиб қолди [Ўлимнинг оғирлигидан қутулмайдигандек кўринди] (***üzälür***, ***üzälmäk***).

[اُزْلدی **üzüldi** (**узулди**) – узилди] ***üzüldi näŋ*** – нарса узилди (***üzülür***, ***üzülmäk***).

[اسِلدی **esildi** (**эшилди**)] ***yašïğ esildi*** – арқон ва бошқа нарсалар чўзилди. Чўзиладиган ҳар нарсага ҳам шундай (***eslür***, ***esilmäk***).

[اسِلدی **asïldï** (**ашилди**)] ***bir näŋ birkä asïldï*** – бир нарса бир нарсага осилди, ёпишди, боғланди (***aslur***, ***asïlmaq***).

[اشَلدی **ušaldï** (**ушалди**)] ***etmäk ušaldï*** – нон ва бошқа нарсалар бурдаланди, ушалди (***ušalur***, ***ušalmaq***).

[اشَلدی **ešüldi** (**эшулди**)] ***anïŋ üzä yuğurqan ešüldi*** – унинг устига кийим ёпилди. Нарса устига нарса қопланиши, ўралишига ҳам шу сўз қўлланади (***ešülür***, ***ešülmäk***).

[اشِلدی **ešildi** (**эшилди**)] ***qum ešildi*** – қум ва бошқа нарсалар йиғилди, тўдаланди (***ešlür***, ***ešilmäk***).

[اشِلدی **ešildi** (**эшилди**) – мослашди, келишди] ***anïŋ eligi ïšqa ešildi*** – унинг қўли ишга ва бошқа нарсаларга мослашди, келишди, қовушди (***ešlür***, ***ešilmäk***).

[اشَلدی **üšäldi** (**ушалди**)] ***anïŋ ewi üšäldi*** – унинг уйи қидирилди. Қидирилган ҳар бир нарсага ҳам шундай дейилади (***üšälür***, ***üšälmäk***).

[اقَلدی **uwuldï** (**увулди**) – бурдаланди, уваланди] ***uwuldï näŋ*** – бурдаланган, уваланган нарса (***uwulur***, ***uwulmaq***).

[اقَلدی **uquldï** (**уқулди**) – уқилди, тушунилди] ***bu söz uquldï*** – бу сўз уқилди, тушунилди (***uqulur***, ***uqulmaq***).

[اقَلدی **oqïldï** (**ўқилди**) – ўқилди] ***bitig oqïldï*** – китоб ўқилди (***oqïlur***, ***oqulmaq***).

[اكِلدی **ekildi** (**экилди**) – экилди] ***tarïğ ekildi*** – уруғ экилди. Ҳар бир экилган нарсага ҳам шу сўз қўлланади (***ekilür***, ***ekilmäk***).

[اكِلدی **egildi** (**эгилди**) – эгилди] ***yïğač egildi*** – шох ва бошқа нарсалар эгилди (***egilür***, ***egilmäk***). Мақолда (шундай келган): ***Quruğ yïğač egilmäš, qurmïš kiriš tügülmäs.*** Маъноси: "Қуруқ ёғоч эгилмайди, қуриган кириш [новда] боғланмайди, тугулмайди". Бу мақол бирон нарсани ишлатишда ҳаддан ошириб юборилгандан кейин у нарса бурунги ҳолига қайтмайди, деган мазмунда ишлатилади.

[اكُلدی **ügüldi** (**угулди**) – уюлди] ***tupraq ügüldi*** – тупроқ ва бошқа нарсалар уюлди (***ügülür***, ***ügülmäk***).

[اكُلدی **ögüldi** (**ўгулди**) – мақталди] ***er ögüldi*** – киши мақталди (***ögülür***, ***ögülmäk***).

[اپَلدی **upandï** (**упанди**) – яширинди] ***mendin upandï*** – у мендан яширинди (***upanur***, ***upanmaq***).

[اپُلدی **öpündi** (**ўпунди**)] ***ol mün öpündi*** – у шўрва ичаётгандай кўринди, аслида эса ичмади (***öpünür***, ***öpünmäk***).

Таркибида ***nün*** қўшилиб келган баъзи феъллар икки хил маънода қўлланади: биринчидан, ишловчи қилмаган ишни қилган каби кўринишини англатади; иккинчидан, ишловчининг ўзи бошқаларнинг кўмагисиз бажарганини англатади.

[اتِلدی **etindi** (**этинди**)] ***ol naru etindi*** – у нари (бир томонга) сурилгандай кўринди. Бир нарса бошқа нарсанинг кучи билан юмалатилди (***etinür / etnür***, ***etinmäk***).

[اتِلدی **atïndï** (**атинди**) – отгандек кўринди] ***ol oq atïndï*** – у ўқ отгандек кўринди, аслида эса отмади (***atïnur***, ***atïnmaq***).

[اُتَنْدِی ***utandï*** (**утанди**) – уялди] ***ol mendin utandï*** – у мендан уялгандай кўринди (ўғузча) (***utanur, utanmaq***).

[اُتُنْدِی ***ötündi*** (**ўтунди**) – ҳикоя қилди] ***ol xanqa ötüg ötündi*** – у хонга ва бошқаларга ўз воқеасини сўзлади. Бу сўзнинг асли ***ötkündi***, яъни "эшитгандай ҳикоя қилди", демакдир (***ötünür, ötünmäk***).

[اَچِنْدِی ***ačïndï*** (**ачинди**) – сийлади] ***beg erin ačïndï*** – бек аскарлари ва бошқаларни сийлади, уларга еб-ичирди, марҳамат қилди.

[اَچِنْدِی ***ačïndï*** (**ачинди**)] ***er atïn ačïndï*** – киши отига ғамхўрлик қилди, ем-хашакка тўйдирди.

[اَچِنْدِی ***ačïndï*** (**ачинди**) – ечадигандай бўлди] ***er qoyïn ačïndï*** – киши қўйнини очгандек туюлди. Касал кишининг уст ёпинчиғини ечишга ёки бешикда ётган бола пардасини очишга ҳам шу сўз қўлланади (***ačïnur / ačnur, ačïnmaq***).

[اُدُنْدِی ***uδundï*** (**удунди**)] ***er uδundï*** – киши уйқусидан уйғонди (***uδunur, uδunmaq***).

[اُدُنْدِی ***oδundï*** (**ўдунди**) – ўчди] ***ot oδundï*** – ўт ўчди ва сўнди; ***yula oδundï*** – чироқ ва бошқалар ўчди (***oδunur, oδunmaq***).

[اُدُنْدِی ***uδundï*** (**удунди**)] ***anïŋ qutï uδundï*** – унинг кути ўчди. (Шоир) шундай деган:

***Emdi uδun uδundï,***
***Kedin telim ökündi,***
***El bulğalï igändi,***
***Andağ erig kim utar?***

Айтмоқдаки: Ёв уйқусидан энди уйғонди, кейин (эл бўлишдан бош тортганидан) кўп ўкинди. Ундай одамни мендан бошқа ким ҳам енгарди?

[اَرِنْدِی ***arïndï*** (**аринди**) – тозаланди, ювинди] ***er arïndï*** – киши тозаланди; киши махсус оҳак билан қовуғидаги юнгни тушириб, покланди, яъни поки қилди (***arïnur, arïnmaq***).

[اُرُنْدِی ***urundï*** (**урунди**)] ***ol özin urundï*** – у бир ишга пушаймон қилиб, ўзини урди. Ургандай кўринишга ҳам шу сўз қўлланади.

[اُرُنْدِی ***orundï*** (**ўрунди**)] ***er suwluq orundï*** – киши бошига салла ўради; ***urağut bürünčük orundï*** – хотин пешонабоғ (дакана) ўради (***orunur, orunmaq***).

[اُرُنْدِی ***üründi*** (**урунди**) – қўзғалди] ***er siki üründi*** – кишининг олати қўзғалди (***ürünür, ürünmäk***).

[اَرِنْدِی ***erindi*** (**эринди**) – эринди] ***er išqa erindi*** – киши ишга эринди, ундан қочди (***erinür, erinmäk***).

[اَسِنْدِی ***esindi*** (**эсинди**) – тортиб узаёзди] ***at esindi*** – от қутулиш учун арқонни тортиб узаёзди.

[اِسِنْدِم ***isindim*** (**исиндим**)] ***men aŋar isindim*** – мен уни севдим, дўст бўлдим; ***ol otqa isindi*** – у ўтга исинди; ***ol kün(dä) isindi*** – у қуёшда исинди (***isinür, isinmäk***).

[اِشَنْدِی ***išändi*** (**ишанди**) – ишонди, суялди] ***ol meŋä išändi*** – у ишда менга ишонди, суялди, орқа қилди (***išänür, išänmäk***).

[اَشُنْدِی ***ašundï*** (**ашунди**) – ошди, ўзди] ***ol mendin ašundï*** – у мендан ўзди (***ašunur, ašunmaq***).

[اَوِنْدِی ***awïndï*** (**авинди**) – овунди] ***ol meŋä awïndï*** – у мен билан чиқишиб, улфатлашиб қолди (***awïnur, awïnmaq***).

[اُوُنْدِی ***uwundï*** (**увунди**) – ушатди] ***ol özinä etmäk uwundï*** – у ўзигагина нон ушатди (***uwunur, uwunmaq***).

[اُوُنْدِی ***uwundï*** (**увунди**) – қўлларини ишқалади] ***ol eligin uwundï*** – у бошига тушган мусибат сабабли ёки маълум бўлган фожиали хабар сабабли қўлларини ишқалади.

[أُقَنْدِى *oqïndï* (**ўқинди**) – ўкилди] ***bitig oqïndï*** – китоб ўқилди; ***ol bitig oqïndï*** – у ўзини китоб ўқиётгандек қилиб кўрсатди, аслида эса ўқимаётган эди (***oqïnur, oqïnmaq***). Бу сўзда *nūn lām* ўрнига алмашган.

[أَكَنْدِى ***ekindi*** (**экинди**)] ***ol özinä tarïğ ekindi*** – у ўзи учун экин экди ва ерга уруғ сепди (***ekinür, ekinmäk***).

[أُكُنْدِي ***ökündi*** (**ўкунди**) – ўкинди; пушаймон бўлди] ***ol yazuqïŋa ökündi*** – у гуноҳига ўкинди, пушаймон бўлди. Ҳар бир пушаймонлик ҳақида ҳам шу сўз қўлланади (***ökünür, ökünmäk***).

[أُكُنْدِى ***ögündi*** (**ўгуиди**)] ***ol özin ögündi*** – у ўзини мақтади (***ögünür, ögünmäk***). Мақолда (шундай келган): ***Ögüngüči ümindä artatur.*** Маъноси: "Мақтанчоқ иштонини булғаб қўяди". Яъни, мақтанчоқ кўпинча гапнинг уддасидан чиқолмай, хижолат тортади, ҳатто иштонини булғаб юради. Бу мақол ўзни мақтамасликка ундаб айтилган.

[إِكَنْدِى ***igändi*** (**иганди**) – саркашланди] ***at igändi*** – от ва бошқа (жонивор)лар бўйсунмади, саркашлик қилди (***igänür, igänmäk***).

[إِكَنْدِى ***ikändi*** (**иканди**) – бўғоз бўлди] ***qïsraq ikändi*** – байтал бўғоз бўлди.

[إِلَنْدِى ***alïndï*** (**алинди**)] ***ol alïmïn alïndï*** – у оладиганини бировнинг кўмагисиз ўзи олди (***alïnur, alïnmaq***).

[أُلَنْدِى ***ulandï*** (**уланди**) – уланди] ***ulandï näŋ*** – бир нарса иккинчисига уланди (***ulanur, ulanmaq***).

[أُلُنْدِى ***ulundï*** (**улунди**) – ўралган, чирмалган] ***ulundï näŋ*** – дарахт атрофига ўралган арқондек ёки кулча бўлган илондек чирмалган, ўралган нарса; ***yol ulundï*** – йўл айланди (***ulunur, ulunmaq***).

[إِلَنْدِم ***ulïndïm*** (**улиндим**) – зерикдим, кўнглимга тегди] ***men bu ïšta ulïndïm*** – мен бу ишда кўп қийналганим учун зерикдим, чарчадим (***ulïnur-men, ulïnmaq***).

[إِلَنْدِى / إِلَنْدِى ***iländi / elindi*** (**иланди / элинди**)] ***ol aŋar iländi / elindi*** – у уни топширган иши устида иш кутгандек бўлиб чиқмагани учун айблади. Маломат учун ҳам ***ilänč*** деб айтилиши шу асосдадир (***ilänür, ilänmäk***).

[إِلِنْدِى ***ilindi*** (**илинди**)] ***tikän tonqa ilindi*** – тикан кийимга илинди (***ilinür, ilinmäk***). (Шоир) шундай деган:

***Tabdu meŋä ilindi,***
***Emgäk kerü ulïndï.***
***Qïlmïšïŋa iländi,***
***Tutğun bolup ol qatar.***

Айтмоқдаки: Ёв менга асир тушди, машаққатлардан қийналди, ҳатто жонидан тўйди. Қилган ишига пушаймон бўлди. Қилган иши учун ўзини ўзи ёзғирди, борган сайин алами ортди [Табду (киши оти) менга асир бўлди, қийналиб, азобланди; қилган ишига пушаймон бўлди. Асир бўлиб сиқилмоқда].

[إِلِنْدِى ***ilindi*** (**илинди**)] ***er yağïqa ilindi*** – киши ёвга асир бўлди; ***keyik tuzaqqa ilindi*** – кийик тузоққа илинди.

[أُمُنْدُم ***umundum*** (**умундум**) – умидландим] ***men Täŋridin umundum*** – мен Тангридан умид қилдим (***umunur, umunmaq***).

[أُنُنْدِى ***anundï*** (**анунди**) – ҳозирланди] ***ol yağïqa anundï*** – у ёв ва бошқаларга (уларни даф қилиш учун) ҳозирланди (***anunur, anunmaq***).

[إِنَنْدِم ***inandïm*** (**инандим**) – ишондим, инондим] ***men aŋar inandïm*** – мен унга ишондим (***inanur, inanmaq***). "Ишончли бек" маъносидаги ***inanč beg*** шу сўздан олингандир.

ب ***b*** [ҳарфи]:

[أَبَتَّى ***ubattï (ubïttï?)*** (**убатти (убитти?)**)] ***ol özin mendin ubattï (ubïttï?)*** – у ўзини мендан яширди. Яширилган ҳар нарсага ҳам шундай дейилади (***ubïtur, ubïtmaq***).

ت ***t*** [ҳарфи]:

[أَتَّى / أَتَّى ***atattï / atïttï*** (**ататти / атитти**) – от бўлди] ***tay atattï / atïttï*** – той от бўлди, той улғайиб, отлар қаторига ўтди, от аталди. Арабчадаги فتيت الجارية яъни "чўрилар қаторига кирди" ибораси каби. Мақолда (шундай келган): ***Tay atatsa / atïtsa, at tïnur, oğul eräδsä, ata tïnur.*** Маъноси: "Той улғайса, от тинади [яъни, от минишдан қутқарилади], ўғил ўсса, ота тинади. (Шоир) шундай деган:

***Tegür meniŋ sawïmnï bilgälikä ay,***
***Tïnur qalï atatsa / atïtsa, qïsraq sanï tay.***

Айтмоқдаки: Менинг сўзимни етказ, ақллиларга айтгин, агар той боласи от бўлса, отлар қаторига кирса, байтал тинади.

[أَتَّى ***etätti*** (**этатти**) – сиқувга, қийинчиликка солди] ***ol anï etätti*** – у уни сиқувга солди (***etätür, etätmäk***).

[أَجَّى ***ačïttï*** (**ачитти**) – ачитди] ***ol sirkä ačïttï*** – у сирка ва бошқа нарсаларни ачитти; ***ol aniŋ köŋlin ačïttï*** – у унинг кўнглини бир аламли ҳолат билан ранжитди, оғритди (***ačïtur, ačïtmaq***).

ذ ***δ*** [ҳарфи]:

[أَذَّى ***uδïttï*** (**удитти**) – ухлатди] ***ol meni uδïttï*** – у мени ухлатди (***uδïtur, uδïtmaq***).

[أَذَّى ***uδïttï*** (**удитти**)] ***ol yoğrut uδïttï*** – у қатиқ ивитди; ***ol uδïtma uδïttï*** – у пишлоқ қилди; ***ol ot uδïttï*** – у ўтни ўчирди.

ر ***r*** [ҳарфи]:

[أَرَّى ***arïttï*** (**аритти**)] ***ol tariğ arïttï*** – у дон ва бошқа нарсаларни тозалади (***arïtur, arïtmaq***).

[أَرَّى ***arïttï*** (**аритти**)] ***ol qozï arïttï*** – у қўзи ва бошқа ҳайвонларни ахта қилди [моягини чиқариб олди]. Боланинг хатна қилинишига нисбатан ҳам шу сўз қўлланади.

[أَرَّى ***erätti*** (**эратти**) – эрлар қаторига кирди] ***oğlan erätti*** – бола эрлардан саналди, эрлар қаторига ўтди. Асли ***eräδti*** дир. Бу ерда сўзнинг сўнгги товуши олдинги товушга сингиши натижасида ***erätti*** ҳолига келган. Арабча ذكر *δikr* дан مذكّر *muδakkir* тузилгани каби (***eräδür, eräδmäk***).

[أَرَّى / أَرَّى ***erütti / eritti*** (**эрутти / эритти**) – эритди] ***ol yağ erütti / eritti*** – у ёғ ва бошқа нарсаларни эритди (***erütür / eritür, erütmäk / eritmäk***).

ز ***z*** [ҳарфи]:

[أَزَّى ***azïttï*** (**азитти**) – адаштирди, оздирди] ***ol aŋar yol azïttï*** – у унинг йўлини адаштирди (***azïtur, azïtmaq***).

[أَزَّى ***ezitti*** (**эзитти**)] ***ol oğlan qulaqïn ezitti*** – у боланинг [қул ўғлоннинг] қулоғига тамға урди, тилди. Узунасига тилиниш ва тирмаланишдан бўлган ҳар бир доққа ҳам шу сўз қўлланади (***ezitür, ezitmäk***).

[أَزَّى ***uzattï*** (**узатти**) – узайтирди, чўзди] ***ol yïšïğ uzattï*** – у арқон ва бошқа нарсаларни чўзди.

[أَزَّى ***uzattï*** (**узатти**)] ***ol ïšïğ uzattï*** – у ишни чўзди ва кечиктирди (***uzatur, uzatmaq***).

[أَزَّى ***üzitti*** (**узитти**) – гаранг қилди] ***ol aniŋ qulaqïn üzitti*** – у кўп сўзлаб, унинг қулогини огир қилди, гаранг қилди.

[أَزِتّى *üzitti* (**узитти**)] ***sirkä kübni üzitti*** – сирка ачишидан кубни, хумни терлатди, кубнинг ташқарисига сизиб чиқди. Шунингдек, бошқа (суюқликларнинг сизиб чиқиши)га ҳам шу сўз қўлланади (***üzitür***, ***üzitmäk***).

**س** ***s*** [ҳарфи]:

[أَسِتّى *esitti* (**эситти**) – чўздирди] ***ol uruqnï esitti*** – у арқонни ва бошқа нарсаларни чўздирди (***esitür***, ***esitmäk***).

[أَسِتّى *usïttï* (**уситти**) – чанқатди, ташна қилди] ***tuzluğ et meni usïttï*** – тузли гўшт мени сувсатти, чанқатди (***usïtur***, ***usïtmaq***).

[أَسِتّى *isitti* (**иситти**)] ***ol mün isitti*** – у шўрвани иситди. Темир ва бошқа нарсаларни қизитишга ҳам шу сўз қўлланади; ***er isitti*** – киши исиди. Бу феъл ўтимсиздир. Олдингиси *muta'addi* эди (***isitür***, ***isitmäk***).

**ش** ***š*** [ҳарфи]:

[أَشَتّى *ašattï* (**ашатти**)] ***ol meŋä aš ašattï*** – у менга ош ошатди, у менга овқат едирди. Бу сўзни туркий қабилаларнинг кўпи хонлар ва улуғлар таоми тўғрисида (гап кетганда) қўллайдилар. Лекин ўғузлар таомларнинг барча турига нисбатан қўллайдилар. Ўғузларнинг сўзни қўллаши қоидага мувофиқдир (***ašatur***, ***ašatmaq***).

[أَشَتّى *ešütti* (**эшутти**) – пардалашга, ўрашга буюрди] ***ol meŋä yuğurqan ešütti*** – у менга бошқа бировни ёпишга буюрди. Ҳар бир нарсани бошқа бировга беркитишга, буюришга ҳам шу сўз қўлланади (***ešütür / ešitür***, ***ešütmäk / ešitmäk***[25]).

(Шоир) шундай деган:

***Ïδu berip bošuttum,***
***Tawar yuluğ tašuttum.***
***Erän essin ešittüm,***
***Yükün barča özi čïğdï.***

Бир асирни тасвирлаб айтмоқдаки: Мол бериб, ўзини қутқазсин дея, уни бўшатдим. Топган-тутганларини ўз жойига ташишга буюрдим. Эрлар айбини ер тагига кўмишга, ёпишга буюрдим. Уларнинг бошлиқлари кўмакчисиз ҳамма юкни ўз қўли билан боғлади [Озодлик бериб, бўшатдим. (Бўшатиш учун тўлайдиган) молларини ўзига ташитдим. Эрларнинг айбини ёпиб кетдим. Ҳамма юкини ўзи ташиди].

[أَشِتّى *üšitti* (**ушитти**) – совуққа қолдирди] ***ol meni tumlïğqa üšitti*** – у мени совуқда қалтиратди, уюштирди; ***ol süčig üšitti*** – у ичиладиган шарбатни совутиш учун совуққа қўйди, совутди. Бу бир хил ичимликдир (***üšütür***, ***üšütmäk***).

[أَشَتّى *ušattï* (**ушатти**) – ушатди, бурдалади] ***ol etmäk ušattï*** – у нон ва бошқа нарсаларни ушатди, синдирди. Ҳар бир нарсани майдалашга, ушатишга ҳам шу сўз қўлланади (***ušatur***, ***ušatmaq***).

[أَشَتّى / أَشِتّى *ešitti / üšättï* (**эшитти / ушатти**)] ***ol anïŋ evin ešitti / üšättï*** – у унинг уйини текшириш учун кишига ва бошқаларга буйруқ берди. Шунингдек, ҳар бир нарса тўғрисида баҳслашиш, тортишиш ҳақида ҳам шу сўз қўлланади (***ešitür / üšätür***, ***ešitmäk / üšätmäk***). Мақолда (шундай келган): ***Qulaq ešitsä, köŋül bilir, köz körsä, üdik kelir.*** Маъноси: "Қулоқ сўзни эшитса, кўнгил билади; аммо кўз севиклисини кўрса, шавқ қўзғалади".

**غ** ***ğ*** [ҳарфи]:

[أَغِتّى *ağïttï* (**ағитти**) – юқори чиқарди] ***ol anï tağqa ağïttï*** – у уни тоққа ва бошқа ерларга чиқарди; ***Täŋri bulït ağïttï*** – Тангри ҳавода булут пайдо қилди (***ağïtur***, ***ağïtmaq***).

---

[25] Масдар шакли *kāf* билан ҳам, *qāf* билан ҳам ёзилган (اَشْتَماكْ).

ق ***q*** [ҳарфи]:

[أقّتى ***aqïttï*** (**ақитти**)] ***Täŋri aqïn aqïttï*** – Тангри оқин [сел] оқизди; ***ol suw aqïttï*** – у сув оқизди; ***beg aqïnčï aqïttï*** – бек ёвга қарши қуролли куч юборди (***aqïtur, aqïtmaq***).

[أقّتى ***oqïttï*** (**ўқитти**) – ўқитди] ***ol meŋä bitig oqïttï*** – у менга китоб ва бошқа нарсаларни ўқитди (***oqïtur, oqïtmaq***).

ك ***k*** [ҳарфи]:

[أكّتى ***ekitti*** (**экитти**) – эктирди] ***ol tariğ ekitti*** – у уруғ септирди, дон эктирди. Униб чиқадиган ҳар бир ўсимлик(ни эктириш, уруғ септириш)ка нисбатан ҳам шу сўз қўлланади (***ekitür, ekitmäk***).

[أكّتى ***ügitti*** (**угитти**)] ***ol tariğ ügitti*** – у буғдой ва бошқа нарсаларни (тегирмонда тортиб), ун қилди (***ügitür, ügitmäk***).

[إكّتى ***igitti*** (**игитти**)] ***ol anï igitti*** – у уни тарбия қилди. Аслида ***igiδti*** дир; ***δāl*** ҳарфи ***tā*** га сингиши натижасида ***igitti*** бўлган (***igiδür, igiδmäk***).

ل ***l*** [ҳарфи]:

[أولّتى ***ulattï*** (**улатти**) – улатди] ***ol yïp ulattï*** – у унга ип улатди (***ulatur, ulatmaq***).

[أولّتى ***ulïttï*** (**улитти**) – улитти] ***ol anï urup ulïttï*** – у уни уриб, бўри каби улитди (***ulïtur, ulïtmaq***).

[أولّتى ***olïttï*** (**ўлитти**) – қайириб букди] ***ol anïŋ boynïn olïttï*** – у унинг бўйнини ва бошқа нарсани қайирди, букди. Ҳар қандай нарсани қайириб бурашга нисбатан ҳам шу сўз қўлланади (***olïtur, olïtmaq***).

[ألّتى ***ölitti*** (**ўлитти**) – ивитди] ***ol ton ölitti*** – у кийим ва бошқа нарсаларни ивитди, ҳул қилди (***ölitür, ölitmäk***).

[إلّتى ***ilätti*** (**илатти**) – элтди, олиб борди] ***ol qağun ewkä ilätti*** – у уйига қовун ва бошқа нарсаларни элтди, олиб борди (***ilätür, ilätmäk***).

[ألّتى ***ülätti*** (**улатти**) – улаштирди] ***ol čïğayqa yarmaq ülätti*** – у фақирларга пул, тангалар улашишга, тарқатишга буюрди (***ülätür, ülätmäk***).

م ***m*** [ҳарфи]:

[أمّتى ***emitti*** (**эмитти**)] ***tam emitti*** – девор ва бошқа нарсалар қийшайди, йиқилаёзди; ***köŋlüm aŋar emitti*** – кўнглим унга мойил бўлди (***emitür, emitmäk***). (Шоир) шундай деган:

***Qulan tügäl qumuttï,***
***Arqar, soqaq yumuttï / yumïttï.***
***Yaylağ tapa emitti,***
***Tïzgïq turup sekrāšür.***

Кўкламни таърифлаб айтмоқда: Кўклам қулон, кийикларни ҳаяжонга солди, тоғ эчкилари ва кийикларни тўплади, улар яйловларга майл қилдилар. У ерларда шодликдан саф тортиб, сакрашиб ўйнамоқдалар [Бутун қулонларни қўзғатиб юборди. У (кўклам) тоғ эчкилари ва кийикларни тўплади. (Уларни) яйловларга йўллатди, саф-саф бўлишиб сакрашаётирлар].

ن ***n*** [ҳарфи]:

[أنّتى ***anuttï*** (**анутти**) – мослади, ҳозирлади] ***ol yağïqa tolum anuttï*** – у ёвга қарши қурол-яроғ ҳозирлади. Ҳар бир тайёрланган нарсага ҳам шу сўз қўлланади (***anutur / anïtur, anutmaq***). Мақолда (шундай келган): ***Tolum / tolïm anutsa, qulun bulur, tolum unutsa, bolun bolur.*** Маъноси: "Ёвга (қарши) қурол ҳозирлаган киши қулун [той] топади, қурол ҳозирлашни унутган киши асир бўлади". Бу мақол ишларда олдиндан ҳозирлик кўриш керак эканлигига ундаб айтилади.

[أَنَّى *unatti* (**унатти**) – унатди, кўндирди] ***men unamas erdim, ol unatti*** – мен бу ишга унамас эдим, у мени унатди (***unatur, unatmaq***).

[أُنْتَى *unïtti* (**унитти**) – унутди] ***ol sözin unïtti*** – у сўзини ва бошқа нарсаларни унутди (***unïtur, unïtmaq***).

[إِنَّى *inätti* (**инатти**) – тамғалатди] ***ol qoyïn inätti*** – у қўйни тамғалашга буюрди. Бу қўйнинг қулоғидан бир оз кесишдир (***inätür, inätmäk***).

**Бу бўлимнинг *manqūṣ* тури**

[أَيَّى *aytti* (**айтти**) – сўради] ***ol meŋä söz aytti*** – у мендан сўз сўради. Ўғузлар ***men aŋar söz ayïttïm*** (мен у билан сўзлашдим) дейдилар, лекин бу қоидага мос эмас (***aytur, aytmaq***).

[أُيَّى *uyatti* (**уйатти**) – уялди] ***ol mendin uyatti*** – у мендан уялди. Асли ***uyaðti*** дир. Бу сўз *iðğam* [регрессив ассимиляция] натижасида ***uyatti*** бўлгандир (***uyaður, uyaðmaq***).

**Бу бўлимнинг тўрт ҳарфлилари**

ب ***b*** [ҳарфи]:

[أَبِدَى *abïddi* (**абидди**) – қочирди, яширди] ***ol anï kišidin abïddi*** – у уни одамлардан яширди ва сақлади. Яширилган ҳар бир нарсага ҳам шу сўз қўлланади (***abïtur, abïtmaq***).

**Бу бўлимнинг *ğunna* лилари**

[أُنْقَى *uŋuqti* (**унгуқти**) – унникди, ўнгди, айниди] ***er yüzi uŋuqti*** – кишининг юзи унникди; ***barčïn uŋuqti*** – ипак кийимлик ва бошқа нарсаларнинг ранги айниди, унникди (***uŋuqar, uŋuqmaq***).

ل ***l*** [ҳарфи]:

[أُنْكُلْتَى *oŋulti* (**ўнгулти**) – ўнгалди, ўнгланди] ***sögäl oŋulti*** – касал соғайди; ***iš oŋulti*** – чалкаш иш ўнгланди (***oŋulur, oŋulmaq***).

Уч ҳарфлилар бўлими тугади.

**БУ ТЎРТ ҲАРФЛИЛАР БОБЛАРИДИР**

**Ўртаси ва охири *sukun* ли бўлган *fa'laldï* қолипидаги сўзлар бўлими**

ر ***r*** [ҳарфи]:

[أُرْبَدِى *ürpärdi* (**урпарди**) – уҳ тортди] ***er ürpärdi*** – киши ғазабдан (бўғриқиб) уҳ тортди; ***taqağun ürpärdi*** – хўроз урушишга чоғланиб ҳурпайди; ***anïŋ tïnï (yini?) ürpärdi*** – унинг туки (сўзма-сўз "териси") ҳурпайди (***ürpärür, ürpärmäk***).

[أُبْتُرْدِى *öptürdi* (**ўптурди**) – ўптирди] ***ol anï öptürdi*** – у уни ўптирди (***öpturür, öptürmäk***).

[أَتْرْدِى *atturdï* (**аттурди**) – оттирди] ***ol oq atturdï*** – у ўқ оттирди; у ҳам отди. Ҳар бир нарсани оттиришга ҳам шу сўз қўлланади (***atturur, atturmaq***).

[أُتْرْدِى *öttürdi* (**ўттурди**) – чалдирди] ***sïbuzğu öttürdi*** – сибизға (сурнай) чалдирди. Бирон таъсир орқали овоз чиқарадиган ҳар бир нарсага нисбатан ҳам шу сўз қўлланади (***öttürür, öttürmäk***).

[إِيتْرْدِى *ettürdi* (**эттурди**) – тузаттирди] ***ol meniŋ išim ettürdi*** – у менинг ишимни тузатишга буюрди; ***ol etük ettürdi*** – у маҳсини, этикни ва бошқа нарсаларни ямашга буюрди (***ettürür, ettürmäk***).

[أَچْتُرْدِى *ačturdï* (**ачтурди**) – очтирди] ***ol qapuğ ačturdï*** – у эшикни очишга буюрди. Очишга буюрилган ҳар нарсага нисбатан ҳам шу сўз қўлланади (***ačturur, ačturmaq***).

[إِچْتُرْدِى *ičtürdi* (**ичтурди**) – ичтирди] ***ol meŋä suw ičtürdi*** – у менга сув ва бошқа нарсаларни ичтирди (***ičtürür, ičtürmäk***); ***ičürdi*** ҳам шу маънода қўлланади. Мақолда (шундай келган): ***Suw ičürmäskä süt ber.*** Маъноси: "Сув ичирмасга сут бер". Яъни, "Сенга ёмонлик қилганга ҳам яхшилик қил".

Бу феълларда ишда икки шахснинг борлиги қоидага мувофиқдир. Бири – буюрувчи, иккинчиси бажарувчидир. Бу феъллар икки ҳарфлидир. Бу мақсад учун ўзакка икки ҳарф орттириб ясалади. Бу хил қоидалар қиёс қилиш билангина тушунилмайди. Шунинг учун бу ўринда айтилди.

[أَخْتَرْدِى *axtardï* (**ахтарди**) – ағдарди] ***er tašïğ axtardï*** – киши тошни ағдарди; ***tüpi yïğačïğ axtardï*** – шамол дарахтни ағдарди. Бирон нарсани ағдарадиган ҳар бир нарсаға ҳам шу сўз қўлланади. Бу сўздаги *x̄* ҳарфи *ğayn* ҳарфи ўрнига алмашиб келгандир. Чунончи, арабчадаги خَتَّار *xattār* غَدَّار *ğaddār* ва خمار النّاس *ximāru-n-nāsi* ва غمارهم *ğimāruhum* сўзларидаги сингари. ***ol yer axtardï*** – у ер ағдарди, ер ҳайдади, шудгор қилди (***axtarur, axtarmaq***).

[أَرْتُرْدِى *arturdï* (**артурди**) – орттирди] ***on yarmaq üzä bir arturdï*** – ўн танга устига бир танга орттирди; ***er arturdï*** – киши ҳаддидан ошди (***arturur, arturmaq***). (Шоир) шундай деган:

***Keldi berü arturu,***
***Berdi elin ertürü.***
***Munda qalïp olturu,***
***Bükri bolup ün bütär.***

Асир бўлган бек ҳақида айтмоқда: Бек ҳаддан ортиқ кеккайиб, ҳаддидан ошиб, мағрурланиб, кўп қўшин билан бизга келди. Кейин мамлакатини ҳадя қилди. Ёнимизда бўғилиб, мункайиб ўтириб қолди [Бизга тизилган аскарлари билан келди. Бизга мамлакатни топширди. Ўзи бу ерда ўлтириб қолди. Икки букилиб қолгач, товуши ҳам чиқмас эди].

[أَرْتُرْدِى *ertürdi* (**эртурди**) – кечирди] ***aniŋ yazuqïn ertürdi*** – унинг гуноҳини кечирди; ***aniŋ išïn ertürdi*** – унинг ишини ўтказди, қабул қилди. Гап бир ердан иккинчи ерга бирон нарсани кўчирган киши тўғрисида борганда ҳам шу сўз қўлланади (***ertürür, ertürmäk***).

[أَزْتُرْدِى *eztürdi* (**эзтурди**)] ***ol oğlï qulaqïn eztürdi*** – у ўғлининг қулоғини тилдирди. Тери ёки ердаги узунасига тилиб чизилган ҳар бир чизиққа ҳам шу сўз қўлланади (***eztürür, eztürmäk***).

[أَزْتُرْدِى *üztürdi* (**узтурди**)] ***ol yïp üztürdi*** – у ип ва бошқа нарсаларни уздирди (***üztürür, üztürmäk***).

[أَسْتُرْدِى *asturdï* (**астурди**) – остирди] ***ol er asturdï*** – у кишини ва бошқа нарсаларни остиришга буюрди; ***ol et asturdï*** – у гўшт остирди, гўштни қозиққа, канорага осишга буюрди (***asturur, asturmaq***).

[أَسْتُرْدِى *estürdi* (**эстурди**)] ***oruq estürdi*** – у арқон ва бошқа нарсаларни чўздирди.

[أَسْتُرْدِى *estürdi* (**эстурди**)] ***ol qawïq estürdi*** – у кепак элатди. Элanадиган ҳар бир нарса учун шу сўз қўлланади (***estürür, estürmäk***).

[أَسْتُرْدِى *üstärdi* (**устарди**)] ***ol meŋä üstärdi*** – у бир ишда мени енгиш учун тиришди.

[أَسْتُرْدِى *üstärdi* (**устарди**)] ***ol qïlmïš išïn üstärdi*** – у қилган ишидан тонди, инкор қилди. Ҳар қандай иш устидаги тонишга, инкор қилишга ҳам шу сўз қўлланади (***üstärür, üstärmäk***). Мақолда (шундай келган): ***Tüzün birlä uruš, utun birlä üstärmä.*** Маъноси: "Ювош одам билан

уриш, чунки сен уни босишинг мумкин. Уятсиз, юзсиз одам билан уришма, чунки у сени шарманда қилади".

[إِشْتُرْدِى / أَشْتُرْدِى *eštürdi* (**эштурди**) – эшиттирди] ***ol meŋä eδgü söz eštürdi*** – у менга яхши сўз эшиттирди. Аслида икки *tā* билан ***ešittürdi*** дир (***eštürür, eštürmäk***).

[أَشْتُرْدِى *eštürdi* (**эштурди**) – тўплатди] ***ol qum eštürdi*** – у қум ва тупроқни тўплатди, тўплатишни буюрди. Уни идишга солиш, тўплашни буюришга ҳам шу сўз қўлланади (***eštürür, eštürmäk***).

[أَشْتُرْدِى *üštürdi* (**уштурди**) –ештирди] ***ol oq üštürdi*** – у камонга ўрнатилган ўқ темирини тешишга буюрди. Ҳар бир тор тешикни тешишга буюришга ҳам шу сўз қўлланади (***üštürür, üštürmäk***).

[أَقْتُرْدِى *aqturdï* (**ақтурди**) – оқтирди, оқизди] ***ol suw aqturdï*** – у сув оқизишга буюрди (***aqturur, aqturmaq***).

(Шоир) шундай деган:

***Aqturur közüm yolaq,***
***Tüšlänür ördäk, yuğaq.***

Айтмоқдаки: Кўзларимнинг ёши булоқ сингари оқади, ҳатто унда ўрдак каби сув қушлари йиғилади, шўнғишади.

[أَقْتُرْدِى *uqturdï* (**уқтурди**) – уқтирди] ***ol meŋä anïŋ sözin uqturdï*** – у менга унинг сўзини ва бошқа нарсаларни тушунтирди, уқтирди (***uqturur, uqturmaq***).

[أَكْتُرْدِى *ektürdi* (**эктурди**) – эктирди] ***ol tarïğ ektürdi*** – у уруғ эктирди. Экишга буюрилган ҳар бир уруққа нисбатан ҳам шу сўз қўлланади (***ektürür, ektürmäk***).

[أَكْتُرْدِى *egtürdi* (**эгтурди**)] ***ol čögän egtürdi*** – у човган эгдирди. Ҳар бир нарсани эгишга нисбатан ҳам шу сўз қўлланади (***egtürür, egtürmäk***).

[أَكْتُرْدِى *ögtürdi* (**ўгтурди**)] ***ol meni ögtürdi*** – у мени мақташни бировга юклади, тайинлади (***ögtürür, ögtürmäk***).

[أَكْتُرْدِى *ügtürdi* (**угтурди**) – тўплашга буюрди] ***ol miŋ yarmaq aŋar ügtürdi*** – у унга минг танга ва бошқа нарсаларни тўплашга буюрди (***ügtürür, ügtürmäk***).

[أَلْتُرْدُمْ *alturdum* (**алтурдум**) – олдирдим, олишга буюрдим] ***men andan yarmaq alturdum*** – мен уни танга олишга буюрдим (***alturur-men, alturmaq***).

[أَلْتُرْدِي *olturdï* (**ўлтурди**)] ***ol ešič ičrä et olturdï*** – у қозонда гўшт ивитди, ҳўллади. Шунингдек, кийим ва бошқаларни ҳўллаш, намлашга нисбатан ҳам шу сўз ишлатилади (***olturur, olturmaq***).

[أَلْتُرْدِى *olturdï* (**ўлтурди**) – ўтирди] ***ol er olturdï*** – у киши ва бошқалар ўтирди (***olturur, olturmaq***). Мақолда (шундай келган): ***Bütün ümlüg qanča qulsa olturur.*** Маъноси: "Бутун иштонли [иштони бутун] қандай хоҳласа, шундай ўтиради". Бу мақол "Гуноҳсиз киши ҳеч қандай туҳмат билан қораланмайди", деган мазмунда қўлланади.

[أَلْتُرْدِى *iltürdi* (**илтурди**)] ***ol meŋä keyik iltürdi*** – у менга кийикни тузоққа илинтиришга буюрди. Ҳар қандай нарсани илинтириш, осишга қарата ҳам шу сўз ишлатилади (***iltürür, iltürmäk***).

[أَلْدُرْدِى *öldürdi* (**ўлдурди**) – ўлдирди] ***ol oğrïnï öldürdi*** – у ўғрини ва бошқаларни ўлдирди (***öldürür, öldürmäk***).

[إِلْدُرْدِى *ïldurdï* (**илдурди**) – туширди] ***ol anï tağdïn ïldurdï*** – у уни тоғдан ва бошқа ердан туширтирди (***ïldurur, ïldurmaq***[26]). Бу сўз *nūn* билан ***indürdi*** деб ҳам қўлланади.

---

[26] Бу сўз *qāf* ва *kāf* билан ёзилган (إِلْدُرْماكْق).

[أُونْدُرْدِى ***ündürdi*** **(ундурди)** – ундирди] ***Täŋri ot ündürdi*** – Худо ўт ва бошқа ўсимликларни ундирди.

[أَنْدُرْدِى ***öndürdi*** **(ўндурди)** – йўлатди] ***ol anï ewkä öndürdi*** – у уни уйга йўлатди. Бу уйғурлар сўзидир, ўғузлар буни билмайдилар (***öndürür***, ***öndürmäk***).

[أَتْغَرْدِى ***atğardï*** **(атғарди)**] ***ol meni atğardï*** – у от ва бошқа нарсаларга минишимга кўмаклашди ва миндирди (***atğarur***, ***atğarmaq***).

[أُتْغَرْدِى ***otğardï*** **(ўтғарди)** – ўтлатди] ***at otğardï*** – у от ва бошқа ҳайвонларни ўтлатди (***otğarur***, ***otğarmaq***).

[أُدْغُرْدِى ***uδğurdï*** **(удғурди)** – уйғотди] ***ol meni uδğurdï*** – у мени уйқудан уйғотди (***uδğurur***, ***uδğurmaq***).

[أُدْغَرْدِى ***oδğardï*** **(ўдғарди)** – билди, эслади] ***ol anï kedin oδğardï*** – у уни бир қанча вақтдан кейин ўйлаб билди, эслади (***oδğarur***, ***oδğarmaq***).

[أَرْغُرْدِى ***arğurdï*** **(арғурди)** – чарчатди] ***ol atïn arğurdï*** – у отини чарчатди (***arğurur***, ***arğurmaq***).

(Шоир) шундай деган:

***Köŋlüm aŋar qaynayu,***
***İčtin aŋar oynayu,***
***Keldi meŋä boynayu,***
***Oynap meni arğurur.***

Маъноси: Уйнинг ичида суюклигим билан ўйнашганимда кўнглим унга жўш урди. У менга ғурур билан келди ва чарчагунимча мен билан ўйнади [Кўнглим унга жўш уриб, уйда унинг билан ўйнаб, менинг ёнимга нозланиб келиб, ўйнаб мени чарчатади]. Ҳар бир чарчаган ҳайвонга қарата ҳам шу сўз қўлланади.

[أَنْغَرْدِى ***anğardï*** **(анғарди)** – онт, қасам ичирди] ***ol anï anğardï*** – у унга онт, қасам ичирди. Асли ***andğardï*** бўлиб, енгиллик учун *dāl* туширилгандир. Бу хусусиятни оятда ҳам кўрилади. Масалан, فظلتم تفكهون *fazaltum tafakkahūn* иборасидаги فظلتم *fazaltum* нинг асли فظللتم *fazaliltum* дир. Бунда *lām* енгиллик учун туширилган (***andğarur***, ***andğarmaq***).

[أَلْوِرْدِى ***elwirdi*** **(элвирди)**] ***ol anïŋ yüziŋä elwirdi*** – у унинг юзига (у билан урушаётгандек) бир сўз билан отилди (***elwirür***, ***elwirmäk***[27]).

[أَتْكُرْدِى ***ötkürdi*** **(ўткурди)** – ўткизди, сурди] ***ötrüm qarïn ötkürdi*** – сурги ўт ични сурди.

[أَتْكَرْدِى ***ötkürdi*** **(ўткурди)**] ***ol ewkä bitig ötkürdi*** – у уйига хат юборди. Бирор бир нарсани кимдандир бериб юборишга ҳам шу сўз қўлланади (***ötkürür***, ***ötkürmäk***).

[إِچْكَرْدِى ***ičkärdi*** **(ичкарди)** – ичкари киритди] ***ol atïn ewkä ičkärdi*** – у отини уйга ва бошқа ерга киритди (***ičkärür***, ***ičkärmäk***).

[إِچْكَرْدِى ***ičkärdi*** **(ичкарди)**] ***ol anï begkä ičkärdi*** – у уни бекка кириб чақди. Уни қоралаб сўзлади. Бошқа (хабарни чақиш)га ҳам шундай дейилади.

[أَدْكَرْدِى ***eδgärdi*** **(эдгарди)**] ***ol kičig sözüg eδgärdi*** – у арзимас, қийматсиз сўз(лар)ни тинглади, унга амал қилди. Бу сўз кўпинча бўлишсиз, инкор шаклида қўлланади: ***anïŋ sözin eδgärmädi*** – унинг сўзига қўшилмади, қулоқ солмади, қадрламади.

[أَدْكَرْدِى ***eδgärdi*** **(эдгарди)**] ***ol yawuz näŋni eδgärdi*** – у бузуқ нарсани тузатди (***eδgärür***, ***eδgärmäk***).

[أَرْكُرْدِى ***ergürdi*** **(эргурди)** – эритди] ***ol yağ ergürdi*** – у ёғ ва бошқа нарсаларни эритди (***ergürür***, ***ergürmäk***).

---

[27] Бу сўз *qāf* ва *kāf* билан ёзилган (أَلْوِرْماكْ).

[أرْگُزْدِی / أرْگُزْدِی *ürgürdi / ergürdi* (**ургурди / эргурди**) – улгурди] ***ašqa ürgürdi / ergürdi*** – у ошга улгуриб келди. Ҳар қандай нарса тугамай туриб улгуриб келишга нисбатан ҳам шу сўз қўлланади (***ürgürür / ergürür, ürgürmäk / ergürmäk***).

[أسْكِرْدِی *eskirdi* (**эскирди**) – эскирди] ***ton eskirdi*** – кийим ва бошқа нарсалар эскирди (***eskirür, eskirmäk***).

[أشْكُرْدِی *üškürdi* (**ушкурди**) – қичқиртди, ўшқиртди] ***ol ïtïğ keyikkä üškürdi*** – у итни кийикка қичқиртди, ўшқиртди. Шунингдек, киши бир нарсага ўшқирса ҳам шу сўз қўлланади.

[أشْكُرْدِی *üškürdi* (**ушкурди**)] ***yïlan üškürdi*** – илон вишиллади. Кишининг ҳуштак чалишига, бургут қушнинг қичқиришига ҳам шу сўз қўлланади. Мақолда (шундай келган): ***Us üškürsä, ölür.*** Маъноси: Бургут бировнинг бетига қараб сайраса, ўшқирса, ўлимнинг аломати деб ҳисоблайдилар (***üškürür / üškirür, üškürmäk / üškirmäk***).

[أشْكُرْدِی *üškürdi* (**ушкурди**) – эслади] ***ol unutmïš / unïtmïš sözüg üškürdi*** – у унутилган сўз ва бошқа нарсаларни эслади (***üškürür, üškürmäk***).

Ўтимсиз феълдан ўтимли феъл ясаш, ўтимли феъллардан икки фоилга ўтувчи феъл ясаш учун ўтган замон феълининг қўшимчаси бўлган *dāl* ҳарфи *tā* га айлантирилади. (Бундай ҳолда) феълда икки *tā* ҳарфи пайдо бўлади: бири, ўтимли феъл ясаш учун орттирилган *tā*, иккинчиси, *tā* га айланган ўтган замон феъли қўшимчаси *dāl* дир. Масалан, ***söz üškürdi*** гапида ***üškürdi*** феъли "эслади" маъносида бўлса, ***üškürtti*** феъли "эслатди" демакдир. ***anïŋ atïn arğurttï*** (унинг отини чарчаттирди) икки фоилга ўтувчи феълга мисолдир. Бу феълларнинг ***üškirtürdi, arğurturdï*** вариантлари ҳам бор. Аввалгиси яхшироқ ва тўғрироқдир.

ش *š* [ҳарфи]:

[أرْبَشْتِی *ürpäšti* (**урпашти**) – ҳурпайишди] ***erän ürpäšti*** – ботирлар ва бошқалар бўлак-бўлак бўлиб, бир-бирларини ғазаб билан қувардилар, бир-бирларига ҳурпаярдилар (***ürpäšür, ürpäšmäk***).

(Шоир) шундай деган:

***Erän arïğ ürpäšür,***
***Öčin, kekin irtäšür.***
***Saqal tutup tartïšur,***
***Köksi ara ot tutar.***

Айтмоқдаки: Ботирлар бир-бирларига ёмон кўз ва ғазаб билан қарайдилар, улар бир-бирларидан ўч олмоқ истайдилар, ғазаб ўти кўкракларида ёнаётгандай соқолларига осилишар, тортишардилар [Эрлар ўч олиш учун (бир-бирларига) ғазаб билан боқишар эди, ўч олмоқ истар эдилар. Кўкракларида ғазаб ўти ёнаётгандай, соқолларига чангал солиб тортишар эдилар].

[إرْتَشْتِيلَارْ / إرْتَشْتِيلَارْ *irtäštilär / irtištilär* (**ирташтилар / иртиштилар**) – текширишдилар, излашдилар] ***olar bu sözüg irtäštilär / irtištilär*** – улар бу сўзни ва бошқа нарсаларни текширишдилар (***irtäšür, irtäšmäk***).

[أرْتَشْدِی *artašdï* (**арташди**)] ***yalïŋuq için artašdï*** – кишилар бир-бирларини кўриб бузилишди. Бир-бирининг таъсирида бузиладиган ҳар қандай нарсага ҳам шу сўз қўлланади (***artašur, artašmaq***).

[أرْتُشْدِی *örtüšdi* (**ўртушди**) – пардалашди, яширишди] ***olar bu išïğ örtüšdi*** – улар бу ишни яширишди. Ҳар қандай ишни яшириш учун бировга кўмаклашган кишига ҳам шундай дейилади (***örtüšür, örtüšmäk***).

[اُرْتَشْدِی **örtäšdi** (**ўрташди**) – ўрташди, куйдиришди] ***boδun bir ekindiniŋ ewlärin örtäšdi*** – халқ бир-бирининг уйини куйдиришди. Бошқа (нарсаларни куйдириш)га ҳам шу сўз қўлланади. Бу феъл шакли кўмаклашиш, баҳслашишга ҳам қўлланади (***örtäšür, örtäšmäk***).

[اَرْتِشْتِی **ertišti** (**эртишти**) – узишди, баҳслашди] ***ol meniŋ birlä arslandan ertišti*** – у мен билан арслон ёнидан ўтишга баҳслашди. Шунингдек, ҳар бир хавфли нарса олдидан ўтишга ҳам шу сўз қўлланади (***ertišür, ertišmäk***).

[اَرْتِشْدِی ***artïšdï*** (**артишди**) – ортишди] ***ol meŋä arčï artïšdï*** – у менга туяга юк ортишда ва ташишда кўмаклашди (***artïšur, artïšmaq***). Бу сўз тортишиш ва баҳслашишга ҳам қўлланади.

[اُقْتَشْتِی ***oqtäšti*** (**ўқташти**) – ўқ отишди] ***ol anïŋ birlä oqtäšti*** – у унинг билан ўқ отишди. Қуръа сокқасини ташлашга ҳам шу сўз қўлланади (***oqtašur, oqtašmaq***).

[اُنْدَشْدِی ***ündäšdi*** (**ундашди**) – чақиришди] ***ol anïŋ birlä ündäšdi*** – улар бир-бирларини чақиришди, ундашди (***ündäšür, ündäšmäk***).

[اُبْرَشْتِی ***oprašti*** (**ўпрашти**)] ***tonlar oprašti*** – тўнлар тўзий бошлади, тўзишга юз тутди. Бошқа (нарсаларнинг тўзиши)га ҳам шу сўз қўлланади (***oprašur, oprašmaq***). Мақолда (шундай келган): ***Keŋäšlig bilig üδräšür, keŋässiz bilig oprašur.*** Маъноси: “Маслаҳатли иш борган сари яхшилашиб боради, маслаҳатсиз иш борган сари бузилишга юз тутади”.

[اُبْرُشْدِی ***öprüšdi*** (**ўпрушди**)] ***ol meŋä mün öprüšdi*** – у менга шўрва ва бошқа нарсаларни ичишда кўмаклашди (***öprüšür, öprüšmäk***). Бу феъл шакли баҳслашишга ҳам қўлланади.

[اَتْرُشْدِی ***ötrüšdi*** (**ўтрушди**)] ***olar bir-birkä bitig ötrüšdi*** – улар бир-бирларига хат ва бошқа нарсаларни юбордилар (***ötrüšür, ötrüšmäk***). Бу сўзнинг асли ***ötkürüšdi / ötkürišdi*** дир. Бу сўз кўмаклашишга, баҳслашишга қарата ҳам қўлланади.

[اُتْرُشْدِی ***otrušdï*** (**ўтрушди**)] ***ol aŋar otrušdï*** – у унга бир ишда тескари турди, хусумат қилди.

[اُتْرُشْدِی ***otrušdï*** (**ўтрушди**)] ***ol meŋä otrušdï*** – у менга юзланди; мен билан бетма-бет турди (***otrušur, otrušmaq***).

[اُتْرُشْدِی ***utrušdï*** (**утрушди**)] ***ol meŋä kesmä utrušdï*** – у менга соч кесишда кўмаклашди. Ортиқчаси қайчи билан қийиладиган ҳар қандай нарсага ҳам шу сўз қўлланади (***utrušur, urtušmaq***).

[اُچْرُشْدِی ***učrušdï*** (**учрушди**) – учиришди] ***ol meŋä quš učrušdï*** – у менга қуш учиришди, қуш учиришда кўмаклашди. Баҳслашишга ҳам шу сўз қўлланади (***učrušur, učrušmaq***).

[اُچْرُشْدِی ***öčürüšdi*** (**ўчрушди**)] ***ol anïŋ öpkäsin meniŋ birlä öčürüšdi*** – у унинг ғазабини бостиришда менга кўмаклашди. Бу сўз ўт ўчиришда кўмаклашишга ҳам қўлланади (***öčürüšür, öčürüšmäk***).

[اِچْرُشْدِی ***ičrüšdi*** (**ичрушди**)] ***ol meŋä suw ičrüšdi*** – у менга сув ичишда кўмаклашди. Баҳслашишга ҳам шу сўз қўлланади (***ičrüšür, ičrüšmäk***).

[اَدْرِشْدِی ***aδrïšdï*** (**адришди**) – айрилишди] ***olar ikki aδrïšdï*** – улар иккови айрилишди (***aδrïšur, aδrïšmaq***).

(Шоир) шундай деган:

***Tümän čečäk tizildi,***
***Bükündän ol yazïldï.***
***Öküš yatïp üzäldi,***
***Yerdä qopa aδrïšur.***

Ёзни мактаб айтмоқда: Турли-туман чечаклар тизилди, ғунчасидан, куртагидан ёзилиб кўринди. Улар ер остида узоқ ётиб эзилган эди, ердан бош кўтариб бир-биридан

айрилишаётир [Турли-туман чечаклар тизилиб, ғунчалари ёзилди. Узоқ вақт (ер тагида) ётиб эзилган эди. Ердан бош кўтариб айрилишаётир].

[أُدُرُشدِى] ***ödürüšdi*** (**ўдурушди**) – айиришди] ***ol meŋä tavar ödürüšdi*** – у менга газмол ва бошқа нарсаларни танлашда кўмаклашди (***ödrüšür, ödrüšmäk***).

[إسرِشتِى] ***isrištï*** (**исриштй**) – тишлашди, тўқнашишди] ***ikki aδğïr birlä isrištï*** – икки айғир ва бошқа ҳайвонлар бир-бири билан тишлашди (***isrišur, isrïšmaq***). Кўмаклашиш ва баҳслашишга ҳам шу сўз қўлланади.

[أسرُشدِى] ***asrušdï*** (**асрушди**) – аксиришди] ***ikki er asrušdï*** – икки киши ким кўп аксиришда баҳслашди (***asrušur, asrušmaq***).

[أسرُشدِى] ***osrušdï*** (**ўсрушди**) – ўсиришди] ***olar ikki osrušdï*** – улар иккови ўсиришди; ким кўп ўсириш ўйнашди (***osrušur, osrušmaq***).

[أغرَشدِى] ***oğrašdï*** (**ўғрашди**) – ўқрайишди, тикилишди] ***ikki yağï oğrašdï*** – икки ёв бир-бирига тикилишди, бир-бирига қасд қилишди. Бошқа (шунинг сингари ҳолат)да тикилиш ва ўқрайишга ҳам шундай (***oğrašur, oğrašmaq***).

[أغرِشتِى لار] ***ağrïštïlar*** (**ағриштилар**)] ***olar bu ïšqa ağrïštïlar*** – улар бу ишга оғринишди, хафа бўлишди, ачинишди (***ağrïšur, ağrïšmaq***).

[أغرُشتِى] ***oğrušti*** (**ўғрушти**)] ***ol meŋä söŋük oğrušti*** – у менга сўнгакни бўлак-бўлак қилиб айиришда кўмаклашди. Баҳслашишга ҳам шу сўз қўлланади (***oğrušur, oğrušmaq***).

[أفرِشتِى] ***ewrišti*** (**эвришти**)] ***anïŋ birlä telim ewrišti*** – унинг билан кўп айланишди, кўп машғул бўлди; ***ol anïŋ qačmïš atïğ ewrišti*** – у унинг қочган отини қайтаришга кўмаклашди; ***ol meŋä tavar ewrišti*** – у менга молни ағдаришда [яъни астарини ўнгга ағдаришда] кўмаклашди (***ewrišür / ewrüšür, ewrišmäk / ewrüšmäk***).

[أقُرشدِى / أقَرشدِى] ***oqrašdï / oqrušdï*** (**ўқрашди / ўқрушди**) – кишнашди] ***yund qamuğ oqrašdï / oqrušdï*** – (ўтлоқни кўриб) бутун отлар подаси кишнади (***oqrašur, oqrašmaq***). (Шоир) шундай деган:

***Yašïn atïp yašnadï,***
***Tuman turup tüšnädi.***
***Aδğïr, qïstr kišnädi,***
***Ügür alïp oqrašur.***

Кўкламни тасвирлаб айтмоқда: Яшин яшнади, булут қўзғалиб, ҳаяжонга тушди. Айғир ва биялар кўклам келганидан завқланиб, шодлик билан кишнашди ва яйраб уюр олишди, насл тарқатишди [Яшин яшнади, булут қўзғалиб, қайнади. Айғир, биялар кишнашди. Уюр олиб шодланишмоқда].

[أكرِشتِى] ***egrišti*** (**эгришти**) – ўрашга ёрдам берди] ***ol begkä kend egrišti*** – у бекка қўрғонни ўрашга, муҳосара қилишга кўмаклашди.

[أكرِشتِى] ***egrišti*** (**эгришти**)] ***qïz anasï birlä yïp egrišti*** – қиз онаси билан ип йигиришда баҳслашди. Кўмаклашишга ҳам шу сўз қўлланади (***egrišür, egrišmäk***).

[أكرِشتِى] ***ögrišti*** (**ўгришти**)] ***ol aŋar bešik ögrišti*** – у бешик тебратишда унга кўмаклашди (***ögrišür, ögrišmäk***).

[أمرِشتِى] ***emrišti*** (**эмришти**)] ***etim barča emrišti*** – кўтир ва бошқалардан бутун аъзойи баданим қичишди (***emrišür, emrišmäk***).

[أرْفشدِى] ***arwašdï*** (**арвашди**) – аврашди] ***qamlar qamuğ arwašdï*** – сеҳргарлар аврашди, бир турли сўзлар айтишди. Жин чалиши ва бошқаларга қарши авраш ҳам шундай (***arwašur, arwašmaq***).

[أَرْقَشْتِی] ***arqaštï*** **(арқашти)** – орқалашди] ***ol anïŋ birlä yük arqaštï*** – у унинг билан юк орқалашди [яъни у ўртоғининг юкини орқасига қўйиб, кўтариб борди] (***arqašur, arqašmaq***).

[أَلْقِشْتِی] ***alqïštï*** **(алқишти)** – йўқ қилишди] ***boy ikki bilä alqïštï*** – икки уруг (қабила) бир-бирини йўқ қилди. Ҳар қандай нарсани йўқ қилиш учун баҳслашишга ҳам шу сўз қўлланади (***alqïšur, alqïšmaq***).

[أَلْقَشْدِی] ***alqašdï*** **(алқашди)** – алқашди, олқишлашди] ***ol meniŋ birlä alqïš alqašdï*** – у мен билан мақташди, олқишлади, алқашди. Алқашда кўмаклашишга ҳам шу сўз қўлланади (***alqïšur / alqašur, alqïšmaq / alqašmaq***). (Шоир) шундай деган:

***Alplar arïğ alqïšur,***
***Küč bir qïlïp arqašur,***
***Bir-bir üzä alqašur,***
***Eδgärmäδip oq atar.***

Жангни таърифлаб айтмоқда: Ботирлар бир-бирини ўлдиради, йўқ қилади, кучларини тўплаб, бир-бирига ёрдамлашади, кўмак бериб мақташади, уларнинг ҳар бири ўлимдан қўрқмай ўқ отади [Ботирлар роса урушдилар, (бир-бирига) кўмак учун кучларини бириктирдилар. (Улар) бир-бирларини мақташар эди, (уларнинг ҳар бири) ўлимдан қўрқмай ўқ отади].

[إِرْكِشْتِی] ***irkišti*** **(иркишти)** – тўплашди] ***ol meŋä tavar irkišti*** – у менга мол ва бошқа нарсаларни тўплашда кўмаклашди. Баҳслашишга ҳам шу сўз қўлланади (***irkšür, irkišmäk***).

[أَلْكَشْتِی] ***elgäšti*** **(элгашти)** – элашишди] ***ol aŋar un elgäšti*** – у менга ун элашда кўмаклашди. Баҳслашишга ҳам шу сўз қўлланади (***elgäšür, elgäšmäk***).

[أَمْكَشْتِی] ***emgäšti*** **(эмгашти)** – қийналишди] ***bu ïšta boy emgäšti*** – бу ишда одамларнинг баъзиси баъзиларининг сабабидан чарчашди, қийналишди (***emgäšür, emgäšmäk***).

[أُپْلَشْدِی] ***üpläšdi*** **(уплашди)** – ҳўплашди, нобуд қилишди] ***bodun ekindi tawarïn üpläšdi*** – халқ бир-бирининг молини нес-нобуд қилди, ғорат қилди (***üpläšür, üpläšmäk***). Бу сўз ўғирлашга нисбатан ҳам қўлланади.

[أُتْلَشْدِی] ***ötläšdi*** **(ўтлашди)**] ***ötläšdi näŋ*** – нарсалар тешилиб ёрилди (***ötläšür, ötläšmäk***).

[أُتْلَشْدِی] ***ötläšdi*** **(ўтлашди)**] ***alplar ötläšdi*** – ботирлар талашишди, урушишди (***ötläšür, ötläšmäk***).

[إِتْلِشْدِی] ***itlišdi*** **(итлишди)** – йўқолишди] ***itlišdi näŋ*** – нарсалар йўқ бўлди, йўқолди (***itlišür, itlišmäk***).

[أَچْلِشْدِی] ***ačlišdï*** **(ачлишди)** – очилишди] ***qapuğlar ačlišdï*** – эшиклар баробар очилди. Ечилмаган масаланинг ечилишига ҳам шу сўз қўлланади (***ačlišur, ačlišmaq***).

[أَدْلَشْدِی] ***eδläšdi*** **(эдлашди)** – йўқотишди] ***olar bir ekindini eδläšdi*** – улар бир-бирига бўлган ҳурматни йўқотишди (***eδläšür, eδläšmäk***).

[أَدْلَشْدِی] ***uδlašdï*** **(удлашди)** – изма-из юришди] ***ïwïq bir-birkä uδlašdï*** – кийиклар бир-бирининг орқасидан юришди (***uδlašur, uδlašmaq***).

[أَرْلَشْدِی] ***erläšdi*** **(эрлашди)** – мардликда баҳслашишди] ***olar ikki erläšdi*** – улар иккиси эрликда, мардликда баҳслашишди (***erläšür, erläšmäk***).

[أُرْلَشْدِی] ***urlašdï*** **(урлашди)** – бақиришди, қийқиришди] ***bodun qamuğ urlašdï*** – бутун халқ бақириб-чақирди. Асли ***urïlašï*** дир (***urlašur, urlašmaq***).

[أُزْلَشْدِی] ***üzlüšdi*** **(узлушди)** – узилди] ***üzlüšdi näŋ*** – нарса узилди; ***begi kiši üzlüšdi*** – эр-хотинлик (муносабатлари) узилди.

[أُزْلَشْدِی] ***üzlüšdi*** **(узлушди)**] ***alïmlïğ-berimligdin üzlüšdi*** – (олувчи билан берувчи) олди-бердидан узилишди (***üzlüšür, üzlüšmäk***).

[اِشْلَشْدِی *išläšdi* (**ишлашди**) – ишлашди, ишда баҳслашишди] ***ol meniŋ birlä išläšdi*** – у менинг билан ишда баҳслашди. Ишда кўмаклашишга ҳам шу сўз қўлланади (***išläšür, išläšmäk***).

[اِغْلَشْتِی *ïğlaštï* (**иғлашти**) – йиғлашди] ***oğlan ïğlaštï*** – болалар йиғлашди. Бу сўзнинг *ы уă* билан келган ***yïğlaštï*** шакли ҳам бор (***ïğlašur, ïğlašmaq***).

[اَفْلَشْدِی ***awlašdï*** (**авлашди**) – тўпланишди] ***kiši awlašdï*** – кишилар бир жойда тўпланишди (***awlašur, awlašmaq***).

[اَفْلَشْتِی ***ewläšti*** (**эвлашти**)] ***beg birlä ewläšti oynap*** – у бек билан уйини ўртага қўйиб (уйдан) қимор ўйнашди. Бу махсус қоидадир. Қимор ўйнашни билдириш учун ўртага қўйиб қимор ўйналадиган сўзнинг ўзаги олиниб, охирига *-läštï / -läšti* қўшимчаси қўшилади (***ewläšür, awlašmaq (ewläšmäk?)***).

[اَگْلَشْدِی ***üglüšdi*** (**углушди**) – тўпланди, йиғилди] ***bir näŋ bir üzä üglüšdi*** – бир нарса бир нарса устига йиғилди. Масалан, қум тўпланиши, чигиртканинг қамиш устига тўпланиши ёки кишиларнинг иш атрофига тўпланиши сингари (***üglüšür, üglüšmäk***).

[اَقْلَشْدِی ***aqlïšdï*** (**ақлишди**)] ***tekmä yaŋaqtïn bodun aqlïšdï*** – ҳар ёқдан кишилар йиғилишди, халқ йиғилди. Шунга ўхшаш ҳар ёқдан сув оқишига ҳам шу сўз қўлланади (***aqlïšur, aqlïšmaq***).

[اَگْلَشْدِی ***eglädi*** (**эглашди**)] ***olar qamuğ aδaq eglädilär*** – уларнинг бари бир ишда якдиллик билан иттифоқ бўлдилар, демакдир. Бир-бирларига бирон нарсани оёқ билан босиб янчиб кўмак беришда ҳам қўлланади (***eglädür, eglämäk***).

[اِگْلَشْدِی ***igläšdi*** (**иглашди**)] ***yïlqï arïğ igläšdi*** – йилқи ва бошқа ҳайвонлар касалланди (***igläšür, igläšmäk***).

[اَمْلَشْدِی لَرْ ***emläšdilär*** (**эмлашдилар**) – даволандилар, эмландилар] ***baliğlar emläšdilär*** – яралар даволанди (***emläšürlär, emläšmäk***).

[اَمْلَشُو ***ümläšü*** (**умлашу**)] ***ol anïŋ birlä čögän urdï ümläšü*** – у унинг билан иштонни ўртага қўйиб чавгон ўйнашди (***ümläšür, ümläšmäk***).

[اِمْلَشْدِی ***imläšdi*** (**имлашди**) – имлашди] ***ol anïŋ bilä elgin imläšdi*** – у унинг билан қўл ила имлашди (***imläšür, imläšmäk***).

ق ***q*** [ҳарфи]:

[اُتْسُقْتِی ***utsuqtï*** (**утсуқти**)] ***ol yarmaq utsuqtï*** – у (қимор ўйнаб) танга ютқизди. Бошқаси ҳам шундай (***utsuqar, utsuqmaq***). Мақолда (шундай келган): ***Sïnamasa, arsïqar, saqïnmasa, utsuqar.*** Маъноси: "Синамаса, киши алданади, бошда ишнинг охири тўғрисида ўйламаса, енгилади (ютқизади)". Бу мақол ишда тажрибага суяниш кераклигига, ўйлаб иш қилишга ундаб айтилади.

[اَرْسِقْتِی ***arsïqtï*** (**арсиқти**) – мағрурланди] ***er arsïqtï*** – киши мағрурланди, керилди (***arsïqar, arsïqmaq***).

[اَرْسُقْتِی ***ursuqtï*** (**урсуқти**)– енгилди] ***er ursuqtï*** – киши курашда енгилди ва калтак еди (***ursuqar, ursuqmaq***).

[اَلْسِقْتِی ***alsïqtï*** (**алсиқти**)] ***ol tawarïn alsïqti*** – унинг моли тортиб олинди (***alsïqar, alsïqmaq***).

[اَنْدِقْتِی ***anδiqtï*** (**андиқти**) – онт ичди] ***er anδiqtï*** – киши онт ичди (***anδiqar, anδiqmaq***). (Шоир) шундай деган:

***Qoyğašïp yatsa aniŋ yüziŋä,***
***Alsïqar ögin aniŋ sözіŋä.***
***Miŋ kiši yuluğï bolup özіŋä,***
***Bergälär öδin aniŋ közіŋä.***

Айтмоқдаки: Унинг қўйнида унга қараб ётган киши майин ва ёқимли сўзларига ўзини йўқотади. Бир жонни эмас, мингта жонни унинг ҳуснига бахш этадилар [Унинг билан бирга ётса, унинг юзига қараса, унинг сўзларини эшитса, киши ўзини йўқотади. Унинг ҳуснига мингларча кишилар жон беришга рози бўлади].

ك ***k*** [харфи]:

[اِنْچِكْتِى ***inčikti*** (**инчикти**)] ***er inčikti*** – совуқ сувни устига қуйишдан кишининг сезгиси йўқолди, худди ҳушдан кетгандек бўлди; ундан титраб қақшади (***inčikär, inčikmäk***).

[اُسْتُكْتِى / اُسْتِكْتِى ***üstükti / üstikti*** (**устукти / устикти**)] ***ol bu ïšqa üstükti / üstikti*** – у бу ишга қаттиқ истак билдирди (***üstükär, üstükmäk***). Асли ***üztikti*** дир.

[اِرْبَلْدِى ***irpäldi*** (**ирпалди**)] ***yïğač irpäldi*** – ёғоч арраланди (***irpälür, irpälmäk***). Мақолда (шундай келган): ***Oŋäkäy irpäldi ïš.*** Яъни: "Ишнинг тузалишига қасд қилинган бўлса ҳам, лекин бузилди".

[اَرْتَلْدِى ***artïldï*** (**артилди**) – ортилди] ***er at üzä artïldï*** – киши от устига ортилди, ташланди. Яъни киши ярми отнинг бир ёнига ва ярми отнинг иккинчи ёнига ташлангани ҳолда ортилди. ***tağar ešyäk üzä artïldï*** – қоп ва бошқа нарсалар эшак устига ортилди (***artïlur, artïlmaq***).

[اُرْتُلْدِى ***örtüldi*** (**ўртулди**) – пардаланди, ноаниқ қолди] ***ïš er üzä örtüldi*** – иш кишига ноаниклигича қолди; ***kök örtüldi*** – кўк булутланди. Аслида бирон нарса остига яширинган ҳар бир нарсага нисбатан ҳам шу сўз қўлланади (***örtülür, örtülmäk***).

[اُرْتَلْدِى ***örtäldi*** (**ўрталди**)] ***bük örtäldi*** – чакалакзор ва бошқалар ёндирилди (***örtälür, örtälmäk***).

[اِرْتَلْدِى ***irtäldi*** (**ирталди**)] ***irtäldi näŋ*** – нарса сўралди, суриштирилди, талаб қилинди (***irtälür, irtälmäk***).

(Шоир) шундай деган:

***Köŋlüm ičin örtädi,***
***Yetmiš (bitmiš?) yašïğ (bašïğ?) qartadï.***
***Kečmiš ödüg irtädi,***
***Tün-kün kečip irtälür.***

Ўлган бир киши тўғрисида айтмоқда: Тушган мусибат билан кўнглим ўртанди, юрак-бағримни яралади, ўтган кунларни қўмсатди, кеча-кундуз излатди [(Унинг мусибати) кўнглимни ўртаб юборди, юрак-бағримни яралади. Ўтган кунларни қўмсатди, кеча-кундуз излатди].

[اُپْرُلْدِى ***öprüldi*** (**ўпрулди**) – ичилди] ***mün öprüldi*** – шўрва ва бошқа нарсалар ичилди (***öprülür, öprülmäk***).

[اُسْتَلْدِى ***üstäldi*** (**усталди**) – ортди, кўпайди] ***suw üstäldi*** – сув кўпайди. Қўшиб орттирилишга ҳам шу сўз қўлланади. Бошқа нарсалар(нинг ортиши)га нисбатан ҳам шундай дейилади (***üstälür, üstälmäk***).

[اِسْتَلْدِى ***istäldi*** (**исталди**) – исталди, сўралди] ***istäldi näŋ*** – нарса сўралди, исталди (***istälür, istälmäk***).

[اَشْتِلْدِى ***eštildi*** (**эштилди**) – эшитилди] ***bu söz eštildi*** – бу сўз ва бошқа нарсалар эшитилди (***eštilür, eštilmäk***).

[اَغْتِلْدِى ***ağtïldï*** (**ағтилди**) – ерга урилди, ағдарилди] ***er ağtïldï*** – киши ерга урилди, йикитилди. Асли ***ağtarïldï*** дир (***ağtïlur, ağtïlmaq***).

[اَقْدِلْدِى ***ewdildi*** (**эвдилди**)] ***ewdildi näŋ*** – нарса тўпланди (***ewdilür, ewdilmäk***).

[اِگْدِلْدِى ***igdildi*** (**игдилди**) – тарбияланди] ***oğul igdildi*** – бола ва бошқалар тарбияланди (***igdilür, igdilmäk***).

[اُتْرُلْدِی *ütrüldi* (**утрулди**) – чалинди] ***sïbïzğu ütrüldi*** – сибизға [най] ва бошқа нарсалар чалинди (***ütrülür***, ***ütrülmäk***).

[اُتْرُلْدِی *utruldï* (**утрулди**) – кесилди, қирқилди] ***sač utruldï*** – соч ва бошқа нарсалар кесилди, олинди (***utrulur***, ***utrulmaq***).

[اَدْرِلْدِی *aδrïldï* (**адрилди**) – айрилди] ***yol aδrïldï*** – йўл айрилди. Икки улфат айрилишига, узоқлашишига ҳам, йиллар айрилишига ҳам шу сўз қўлланади (***aδrïlur***, ***aδrïlmaq***).

[اُدْرُلْدِی *ödrüldi* (**ўдрулди**)] ***ödrüldi näŋ*** – нарса айирилди, ажратилди, танланди. Бир тўда кишиларнинг бир томонга ажралишига ҳам шу сўз қўлланади; ***anïŋ eräni ödrüldi*** – унинг кишилари бир тарафга ажралди (***ödrülür***, ***ödrülmäk***).

[اِسْرِلْدِی *ïsrïldï* (**исрилди**) – чайналди] ***etmäk ïsrïldï*** – нон ва бошқа нарсалар чайналди (***ïsrïlur***, ***ïsrïlmaq***).

[اَشْرُلْدِی *ašruldï* (**ашрулди**) – оширилди] ***yük arttïn ašruldï*** – юк тепадан ва бошқа жойлардан ўтказилди, оширилди (***ašrulur***, ***ašrulmaq***).

[اُغْرَلْدِی *oğraldï* (**ўғралди**) – қарор қилинди] ***ol yerkä oğraldï*** – у ерга ва бошқа ерларга боришга қарор қилинди (***oğralur***, ***oğralmaq***).

[اُغْرُلْدِی *oğruldï* (**ўғрулди**)] ***söŋük oğruldï*** – суяклар айрилди ва бўлак-бўлак бўлиб қолди (***oğrulur***, ***oğrulmaq***). (Шоир) шундай деган:

***Balčïq, balïq yuğrulur,***
***Čïğay, yavvuz yïğrïlur.***
***Eriŋäkläri oğrulur,***
***Azğuč bilä ewrišür.***

Ёз билан қишнинг тортишуви ҳақида айтмоқда: Қишда лой, балчиқлар уюлиб кетади. Камбағал, юпун кишилар эзилади. Бармоқлари совуққа қотиб қовушмай, тарвақайлаб кетади, зирқирайди, бир парча ўт билангина овунади [(Қишда) лой, балчиқлар уюлади, камбағал, қашшоқлар эзилади. (Совуқда қотган) бармоқларини ҳуҳлаб иситадилар].

[اَقْرِلْدِی *ewrildi* (**эврилди**) – ўгирилди, айланди] ***er ewrildi*** – киши кетаётган йўлидан қайтди, ўгирилди. Ўз йўналишидан изига қайтган ҳар бир кишига нисбатан ҳам шу сўз қўлланади (***ewrülür***, ***ewrülmäk***).

[اُگْرِلْدِی *egrildi* (**эгрилди**) – ўраб олинди] ***kend egrildi*** – шаҳар ўраб олинди; ***yïp egrildi*** – ип йигирилди (***egrilür***, ***egrilmäk***).

[اُگْرِلْدِی *ögrildi* (**ўгрилди**) – тебратилди] ***bešik ögrildi*** – боланинг бешиги тебратилди (***ögrilür***, ***ögrilmäk***).

[اَمْرُلْدِی *amruldï* (**амрулди**)] ***qaynar ešič amruldï*** – совуқ сув қуйилишидан қозоннинг қайнаши тўхтади; ***er tïnï amruldï*** – кишининг нафаси ўчди ва ўлди. Қўзғала қўзғала тинчиган ҳар бир нарсага ҳам шу сўз қўлланади (***amrulur***, ***amrulmaq***).

[اِرْغَلْدِی *ïrğaldï* (**ирғалди**) – силкитилди] ***yïğač ïrğaldï*** – дарахт силкитилди. Силкитилган ҳар қандай нарсага ҳам шу сўз қўлланади (***ïrğalur***, ***ïrğalmaq***).

[اَرْقَلْدِی *arwaldï* (**арвалди**) – авралди, ўқилди] ***arqïš (arwïš?) arwaldï*** – авраш, афсун сўзлари ўқилди (***arwalur***, ***arwalmaq***).

[اَلْقَلْدِی *alqaldï* (**алқалди**)] ***begkä alqïš alqaldï*** – бекка олқиш, яхши дуо айтилди (***alqalur***, ***alqalmaq***).

[اِرْكِلْدِی *irkildi* (**иркилди**) – тўпланди] ***sü telim irkildi*** – кўп аскар тўпланди. Тўпланиб кўпайган ҳар бир нарсага ҳам шу сўз қўлланади (***irkilür***, ***irkilmäk***). Бошқа (нарса ёки кишилар) тўпланса ҳам шу сўз қўлланади. Бу феъл ўтимли ва ўтимсиз шаклларда ишлатилади.

[أُرْكُلْدِى *ürküldi* (**уркулди**)] ***ürkünč bolup ürküldi*** – шов-шув кўзғалди, ҳатто қочиш бошланди (***ürkülür, ürkülmäk***).

[أَلْگَلْدِى *elgäldi* (**элгалди**) – эланди] ***un elgäldi*** – ун ва бошқа нарсалар эланди (***elgälür, elgälmäk***).

**ڭ *n*** [ҳарфи]:

[أَرْتِنْدِى *artïndï* (**артинди**) – ортди] ***er arčïsïn artïndï*** – киши тўрвасини уловга ортди. Бошқа нарсага (ортса) ҳам шу сўз қўлланади (***artïnur, artïnmaq***).

[أُرْتُنْدِى *örtündi* (**ўртунди**)] ***uraġut yüzin örtündi*** – хотин юзини очди. Юзни бекитишга ҳам шу сўз қўлланади (***örtünur, örtünmäk***).

[أُرْتَنْدِى *örtändi* (**ўртанди**) – куйди, ўртанди] ***örtändi näŋ*** – нарса куйди (***örtänür, örtänmäk***). Кун ботгандан сўнг булут қизарса, ***bulït örtändi*** дейилади. Туркlар буни яхшиликка йўядилар. Мақолда (шундай келган):

***Tünlä bulït örtänsä,***
***Ewlüg urï keldürmiščä bolur,***
***Taŋda bulït örtänsä,***
***Ewkä yaġï kirmiščä bolur.***

Маъноси: "Кечқурун булут қизарса, хотин ўғил туққандек, эрталаб булут қизарса, ёв уйга киргандек бўлади". Кейингисини яхшиликка йўймайдилар.

[أَوْدِنْدِى *ewdindi* (**эвдинди**) – тўплади] ***öziŋä yemiš ewdindi*** – ўзига мева ва бошқа нарсаларни тўплади ([***ewdinür***], ***ewdinmäk***).

[أُتْرُنْدِى *otrundï* (**ўртунди**) – қаршиланди, юзланди] ***ol meŋä otrundï*** – у менга юзланди; ***yel yïġačqa otrundï*** – шамол дарахтга юзланди (***otrunur, otrunmaq***).

[إِسْرِنْدِى *ïsrïndï* (**исринди**) – қаттиқ хафаланди] ***er ïsrïndï*** – киши бир иш тўғрисида жаҳли чиқиб, хафаланди. Аслида бу сўз қайнаб пишмаган гулкарам ва шунинг сингари бошқа нарсалар устидан совуқ сув қуйиб қайноғи тиниб, хомлигича қолган нарсага нисбатан айтилади. Юмшоқ кўнгилли кишининг ғазабланишига ҳам қўлланади (***ïsrïnur, ïsrïnmaq***).

[أَغْرِنْدِى *ağrïndï* (**ағринди**) – аламланди] ***balïġ ağrïndï*** – яра оғриди, яра дор ярасининг оғриғидан азобланди, алам чекди. Унга ярасининг оғриғи сезилди. Бу сўз бошқа нарсалар(нинг оғриши)га ҳам қўлланади (***ağrïnur, ağrïnmaq***).

[أُگْرَنْدِى *ögrändi* (**ўгранди**) – ўрганди] ***ol bilig ögrändi*** – у билим, ҳикмат ва бошқа (фазилат)ни ўрганди (***ögränür, ögränmäk***). (Шоир) шундай деган:

***Erdäm tilä, ögränin bolma küwäz,***
***Erdämsizin ögünsä eŋmägüdä aŋar.***

Айтмоқдаки: Билим, ҳикмат ўрган, ўрганишда ҳавойилик ва такаббурлик қилма, ҳеч нарса ўрганмай, ўзини билимдон кўрсатиб мақтанган киши имтиҳон чоғида уялади, ачинади.

***er uzluq ögrändi*** – киши ҳунар ва бошқа (фазилат)ни ўрганди.

[أَگْرِنْدِى *egrindi* (**эгринди**)] ***uraġut yïp egrindi*** – хотин ўзи учун ип йигирди. Ёки асли йигирмагани ҳолда, ип йигиргандек кўринди (***egrinür, egrinmäk***).

[أُخْسِنْدِى *oxsïndï* (**ўхсинди**) – ўксинди] ***ol qïlmïš üčüŋa oxsïndï*** – у қилган ишига ўксинди, пушаймон еди (***oxsïnur, oxsïnmaq***).

[أَرْسِنْدِى *ersindi* (**эрсинди**) – эркаклашди, балоғатга етди] ***oġul ersindi*** – ўғил балоғатга етди (***ersinür, ersinmäk***).

[أَوْسِنْدِى *ewsindi* (**эвсинди**)] ***ol bu ewni ewsindi*** – у бу уйни ўз уйидек кўрди, ҳатто кириб жойлашди (***ewsinür, ewsinmäk***).

[إِچْغَنْدِى *ičğïndï* (**ичғинди**) – учирди] ***ol qušnï elgidin ičğïndï*** – у қушни қўлидан бехос учириб юборди, қўлидан чиқарди. Мақолда (шундай келган): ***Yaqadaqï yalğağalï elgidägi ičğïnur.*** Маъноси: "Ёқасига тўкилган овқат юқини ялаш билан овора бўлган киши қўлидаги коса ва шу каби нарсалардан айрилади". Бу мақол бирон (арзимас) нарсага алаҳсиб, қўлдагини эҳтиёт қилмаган кимсага қарата айтилади; ***er ičğïndï*** – кишилар орасида ел тўхтатиб қола олмай, беихтиёр чиқариб юборди ва бундан уялди (***ičğïnur, ičğïnmaq***).

[إِرْغَنْدِى *irğandï* (**ирғанди**)] ***yïğač irğandï*** – дарахт силкинди, қимирлади. (Силкинган) бошқа нарсаларга ҳам шу сўз қўлланади (***irğanur, irğanmaq***).

[أَشْغَنْدِى *ašğïndï* (**ашғинди**)] ***taš ašğïndï*** – тош қирилди [ишқаланди]. Ҳар бир қаттиқ нарсанинг қирилишига ҳам шу сўз қўлланади (***ašğïnur, ašğïnmaq***).

[أَلْقَنْدِى *alqïndï* (**алқинди**) – тугади, тамом бўлди] ***alqïndï näŋ*** – нарса бутунлай тугади, тамом бўлди; ***er alqïndï*** – киши ўлди, тугади, йўқ бўлди (***alqïnur, alqïnmaq***).

[أَتْكَنْدِى *ötkündi* (**ўткунди**)] ***ol meŋä ötkündi*** – у менинг ишимда менга тақлид қилди. Баҳслашишга ҳам шундай дейилади (***ötkünür, ötkünmäk***). Мақолда (шундай келган): ***Qarğa qazqa ötkünsä, butï sïnur.*** Маъноси: "Қарға кучаниб, учишда ўзини ғозга ўхшатса, бути синади". Бу мақол қўлдан келмаган ишга беҳуда уринмаслик, ўз ҳолига яраша иш кўришга ундаб айтилади.

[إِرْكِنْدِى *irkindi* (**иркинди**) – тўплади] ***ol özïŋä näŋ irkindi*** – у ўзига мол ва бошқа нарсаларни тўплади, йиғди (***irkinür; irkinmäk***).

[إِسْكَنْدِى *iskändi* (**исканди**) – юлди, суғурди] ***at ot iskändi*** – от оз-оздан ўт чимдиди. Бу сўз жун ёки майса ўтни юлишга ҳам қўлланади (***iskänür, iskänmäk***).

[أَلْكَنْدِى *elgändi* (**элганди**) – элади] ***urağut un elgändi*** – хотин ўзига ун элади (***elgänür, elgänmäk***).

[أَمْكَنْدِى *emgändi* (**эмганди**)] ***ol bu ïšta telim emgändi*** – у бу ишда кўп қийналди, чарчади; ***xan qaršïqa emgändi / emgindi*** – хон саройга тушди, дейилади. Маъноси: хон йўл юриб чарчаб, саройга тушди, демакдир. Бу сўз амирларга ва улуғларга лутф-марҳамат юзасидан қўлланади (***emgänür, emgänmäk***). Ўғузлар буни билмайдилар.

[أَپْلَنْدِى *üplәndi* (**упланди**) – нес-нобуд бўлди] ***anïŋ tawarï üplәndi*** – унинг моли нес-нобуд бўлди ёки ғоратга учради (***üplänür, üplänmäk***).

[أَتْلَنْدِى *atlandï* (**атланди**)] ***er atlandï*** – киши отга минди; ***ol tağqa atlandï*** – у тоққа чиқди (ўғузча). Ҳар нарсага чиқишга ҳам шу сўз қўлланади (***atlanur, atlanmaq***).

[أَتْلَنْدِى *etländi* (**этланди**) – этланди] ***oğul etländi*** – бола эт олди, семирди. Ҳар бир орик нарсанинг кейинчалик семиришига ҳам шу сўз қўлланади (***etlänür, etlänmäk***).

[إِتْلَنْدِى *itlindi* (**итлинди**) – итқитилди] ***taš itlindi*** – тош ва бошқа нарсалар итқитилди, улоқтирилди (***itlinür, itlinmäk***). Бола эмаклай бошлаганда ҳам шу сўз ишлатилади. Шундан олиниб, ***meniŋ yüzdin itlin*** (мендан узоқлаш, ёнимдан кет) деган маънода ҳам қўлланади. Бу сўз жаҳл чиққанда, аччиғланганда ишлатилади.

[أَچْلَنْدِى *ačlïndï* (**ачлинди**) – очилди] ***qapuğ ačlïndï*** – эшик ва бошқа нарсалар очилди. Бу маънода бошқа бир луғатда ***ačïldï*** ҳам дейилади (***ačlïnur, ačlïnmaq***).

[أُچْلَنْدِى *üčländi* (**учланди**) – учта бўлди] ***üčländi näŋ*** – нарса учта бўлди; ***ikki qaz üčländi*** – иккита ғоз ва бошқа нарса учта бўлди (***üčlänür, üčlänmäk***).

[إِچْلَنْدِى *ičländi* (**ичланди**) – дон чиқарди] ***tariğ ičländi*** – экин дон боғлади, доналанди. Бу сўз ўртаси ейиладиган нарсанинг ейилган ҳолатига ҳам қўлланади (***ičlänür, ičlänmäk***).

[أُچْلَنْدِى *učlandï* (**учланди**) – учли бўлди] ***učlandï näŋ*** – нарсанинг учи, қирраси юзага келди (***učlanur, učlanmaq***).

[اَدْلَنْدِى ***eδländi*** **(эдланди)**] ***eδländi näŋ*** – нарса бекорга ташлаб қўйилмади, бирор мақсадда олинди. Чунончи, теридан пўстин қилиш ва наматдан маҳси қилиш каби (***eδlänür, eδlänmäk***).

[اُدْلَنْدِى ***üδländi*** **(удланди)** – куюкди] ***yïlqï üδländi*** – йилқи куюкди ва айғирни истади (***üδlänür, üδlänmäk***).

[اَرْلَنْدِى ***erländi*** **(эрланди)** – эрли бўлди, эрланди] ***uraġut erländi*** – хотин эрга тегди, эрли бўлди (***erlänür, erlänmäk***).

[اُرْلَنْدِى ***örländi*** **(ўрланди)** – пайдо бўлди] ***bulït örländi*** – булут ўрлади, пайдо бўлди (***örlänür, örlänmäk***). Бу сўз ўрнида ***ördi*** ни қўллаш яхшироқ. (Шоир) шундай деган:

***Ay qapup ewlänüp,***
***Aq bulït örlänüp,***
***Bir-bir üzä öklünüp,***
***Sačlïp suwï aŋrašur.***

Айтмоқдаки: Ой чиқиб, теваракни булут доираси (ўтови) ўраганда, булутлар бир-бирининг устига мингашиб, гулдурос билан сувини тўкадилар. (Ойнинг бу хилда туришини кишилар ёмғир ёғишига йўядилар) [Ой чиқиб, оқ булут мавжланиб, (булутлар) бир-бирининг устига тўдаланганда, гулдурос чалиб суви сочилади].

[اُوزْلَنْدِى ***üzländi*** **(узлунди)** – узилди] ***oruq üzländi*** – арқон ва бошқа нарсалар узилди (***üzlünür, üzlünmäk***).

[اُزْلَنْدِى ***üzländi*** **(узланди)**] ***ešič / ešäč üzländi*** – қозоннинг қора кўпиги кўтарилди (***üzlänür, üzlänmäk***).

[اَسْلَنْدِى ***aslïndï*** **(аслинди)** – осилди] ***aslïndï näŋ*** – бир нарса бир нарсага осилди (***aslïnur, aslïnmaq***).

[اَقْلَنْدِى ***ewländi*** **(эвланди)**] ***ay ewländi*** – ой буржланди.

[اَقْلَنْدِى ***ewländi*** **(эвланди)**] ***ol bu ewni ewländi*** – у бу уйни уй санади, ўзини шу уйда турувчи деб билди (***ewlänür, ewlänmäk***).

[اَكْلَنْدِى ***ögländi*** **(ўгланди)**] ***aruq er ögländi*** – ҳориган, чарчаган киши дам олди (***öglänür, öglänmäk***). Киши бирон нарсани олдин тушунмай, кейинроқ тушуниши ҳам шу сўз билан ифода этилади. Бу сўзнинг асли اُوكْلَنْدِى дир.

[اِكْلَنْدِى ***igländi*** **(игланди)** – дард тутди, дардланди] ***uraġut igländi*** – хотин дардланди, уни дард тутди. Бу сўз касали енгил эркакка нисбатан ҳам қўлланади.

[اَمْلَنْدِى ***emländi*** **(эмланди)**] ***er emländi*** – киши ўзини даволади (***emlänür, emlänmäk***).

## Бу бўлимнинг *muḍā'af* лари

[اُرْبَتَّى ***urpatï*** **(урпатти)** – ҳурпайтирди] ***er bašïn urpattï*** – киши сочини ҳурпайтирди. Бошқа (нарсаларнинг ҳурпайиши)га ҳам шундай дейилади (***urpatur, urpatmaq***).

[اِرْبَتَّى ***irpätti*** **(ирпатти)** – арралатди] ***ol yïġač irpätti*** – у арра билан ёғоч ва бошқ нарсаларни арралашга буюрди, ёғочни арралатди (***irpätür, irpätmäk***).

ت ***t*** [ҳарфи]:

[اَرْتَتَّى ***artattï*** **(артатти)** – бузди] ***ol artattï*** – у нарсани бузди (***artatur, artatmaq***).

[اِرْتَتَّى ***irtätti*** **(иртатти)**] ***ol anï irtätti*** – у уни истатди, қидиртирди (***irtätür, irtätmäk***).

[اُرْتَتَّى ***örtätti*** **(ўртатти)** – ўт қўйдирди] ***ol bük örtätti*** – у чакалакзор ва бошқа жойларни ёндиришга буюрди, ёқтирди (***örtätür, örtätmäk***).

[اِسْتَتَّمْ ***istättim*** **(истаттим)** – истатдим] ***men anï istättim*** – мен унинг орқасидан киши юбориб, излатдим (***istätür, istätmäk***).

[أُقْتَتَّى *oqtatti* (**ўқтатти**) – ўқ оттирди] ***beg anï oqtatti*** – бек унга ўқ оттирди (***oqtatur, oqtatmaq***).

خ ***x*** [харфи]:

[أُلْخُتَّى ***olxutti*** (**ўлхутти**) – ўтқизди] ***ol meni olxutti*** – у мени ўтқизди (***olxutur, olxutmaq***). Аслида *ğayn* билан ***olğuttï*** дир. Чунки феъл *xā* билан эмас, *ğayn* билан ўтимли бўлади; ***uðğurdï*** (уйғотди), ***toðğurdï*** (тўйдирди) феъллари *ğayn* билан ўтимли бўлган феъллардир.

ر ***r*** [харфи]:

[أُبْرَتَّى ***opratti*** (**ўпратти**)] ***ol tonïn opratti*** – у тўнини ва бошқа нарсаларини тўздирди (***opratur, opratmaq***).

[أُدْرَتَّى ***üðrätti*** (**удратти**) – урчитди] ***ol tawarïğ üðrätti*** – у молини урчитди, кўпайтирди, ўстирди (***üðrätür, üðrätmäk***).

[أُغْرِتَّى ***ağrïtti*** (**ағритти**) – оғритди, алам берди] ***ol anï ağrïtti*** – у уни оғритди, алам берди (***ağrïtur, ağrïtmaq***).

[أُغْرَتَّى ***oğratti*** (**ўгратти**)] ***ol meni ïšqa oğratti*** – у мени бир ишга юборди, йўллади (***oğratur, oğratmaq***).

[أُكْرَتَّى ***ögrätti*** (**ўгратти**) – ўргатди] ***ol meŋä bilig ögrätti*** – у менга билим, ҳикмат ва бошқа (фазилат)ни ўргатди (***ögrätür, ögrätmäk***).

[أُكْرِتَّى ***ögritti*** (**ўгритти** – тебраттирди, тебратишга буюрди] ***ol aŋar bešik ögritti*** – у унга бешик тебраттирди, терватишни топширди (***ögritür, ögritmäk***).

[أَمْرِتَّى ***emritti*** (**эмритти**)] ***qašïnmaq meniŋ yenim emritti*** – қашиниш бутун баданимни қитиқлади. Қўлтик ёки томоқ қашилганда, кишининг қитиғи келиб, кула бошлайди (***emritür, emritmäk***).

س ***s*** [харфи]:

[أُتْسَتَّى ***etsätti*** (**этсатти**)] ***ol meni etsätti*** – у гўштга менинг иштаҳамни қўзғатди (***etsätür, etsätmäk***).

[أَخْسَتَّى ***axsatti*** (**ахсатти**) – оқсатди] ***ol anï axsattï*** – у уни оқсатди (***axsatur, axsatmaq***).

[أَشْسَتَّى ***ašsatti*** (**ашсатти**)] ***ol anï ašsattï*** – у ошга унинг иштаҳасини қўзғатди (***ašsatur, ašsatmaq***).

[أَفْسَتَّى ***ewsätti*** (**эвсатти**)] ***oğlum meni ewsätti*** – ўғлим уйга бўлган меҳримни оширди (***ewsätür, ewsätmäk***).

ش ***š*** [харфи]:

[أُخْشَتَّى ***oxšatti*** (**ўхшатти**) – ўхшатди] ***ol meni atama oxšattï*** – у мени отамга ўхшатди (***oxšatur, oxšatmaq***).

[أَفْشَتَّى ***uwšatti*** (**увшатти**) – ушатди, бурдалатди] ***ol etmäk uwšattï*** – у нон ва бошқа нарсаларни ушатди (***uwšatur, uwšatmaq***). Бу сўзнинг ***ušattï*** шакли ҳам бор. Олдингиси тўғри(рок)дир.

[أُلْشَتَّى ***ölšätti*** (**ўлшатти**)] ***ol anï ölšätti*** – у уни оч қолдирди, очликдан ҳатто боши айланиб, кўзлари тинди (***ölšätür, ölšätmäk***).

غ ***ğ*** [харфи]:

[إِرْغَتَّى ***irğattï*** (**ирғатти**) – силкитди] ***ol yïğač irğatti*** – у дарахт ва бошқа нарсаларни силкитди (***irğatur, irğatmaq***). (Шоир) шундай деган:

***Yigitlärig išlätü,***
***Yïğač yemiš irğatu,***
***Qulan, keyik awlatu,***
***Bäðräm qïlïp awnalïm.***

Ўйин-кулгуни тасвирлаб айтмоқда: Йигитларни ишлатиб, дарахтлардаги меваларни қоқтирайлик. Қулон ва кийикларни овлатиб, (бир неча кун) байрам қилиб яйрайлик.

[اَغْلَتّي] ***ulğatti*** (**улғатти**) – улғайди] ***oğlan ulğatti*** – бола катта бўлди, улғайди. Асли ***ulğaδti*** дир. Ҳарфлар сингиб, ***ulğatti*** бўлган (***ulğatur, ulğatmaq***).

**ك *k*** [ҳарфи]:

[اُرْكَتّي] ***ürkütti*** (**уркутти**) – ҳуркитди] ***ol qoy ürkütti*** – у қўй ва бошқа жониворларни ҳуркитти (***ürkütür, ürkütmäk***).

[اَمْكَتّي] ***emgätti*** (**эмгатти**) – чарчатди] ***ol anï emgätti*** – у уни чарчатди (***emgätür, emgätmäk***).

[اَلْكَتّي] ***elgätti*** (**элгатти**) – элатди] ***ol un elgätti*** – у унга ун элатди, ун элаттирди (***elgätür, elgätmäk***).

**ل *l*** [ҳарфи]:

[اُبْلَتّي] ***üplätti*** (**уплатти**) – нес-нобуд қилди] ***ol anïŋ tavarïn üplätti*** – у унинг молини нес-нобуд қилдирди (***üplätür, üplätmäk***).

[اَتْلَتّي] ***etlätti*** (**этлатти**) – гўшт қилдирди] ***ol qoy etlätti*** – у қўйни сўйдириб, гўшт қилдирди (***etlätür, etlätmäk***).

[اُكْلَتّي] ***öklütti*** (**ўклутти**) – кўпайтирди] ***ol näŋni öklütti*** – у молини кўпайтирди (***öklitür, öklitmäk***).

[اَدْلَتّي] ***eδlätti*** (**эдлатти**) – тартибга солди] ***ol tavarïn eδlätti*** – у молини тартибга солди. Аралаш-қуралаш бўлиб ётган молини тартибга солишни буюрди (***eδlätür, eδlätmäk***).

[اُدْلَتّي] ***uδlatti*** (**удлатти**)] ***ol oğlïn uδlatti*** – у ўғлини изма-из юборди. Бошқа (кимсани изма-из йўллаш)га ҳам шу сўз қўлланади (***uδlatur, uδlatmaq***).

[اِشْلَتّي] ***išlätti*** (**ишлатти**) – ишлатди] ***ol aŋar üš išlätti*** – у уни ишлатди (***išlätür, išlätmäk***).

[اَشْلَتّي] ***ašlatti*** (**ашлатти**)] ***ol ayaq ašlatti*** – у турли идиш, лаган-товоқларни чегалатди, қадоқлатди (***ašlatur, ašlatmaq***).

[اَغْلَتّي] ***ağlatti*** (**аглатти**) – узоқлатди] ***ol kišini ağlatti*** – у мақсадга эришиш учун кишиларни ўзидан узоқлатди (***ağlatur, ağlatmaq***).

[اُغْلَتّي] ***uğlïtti*** (**уғлитти**) – ўстирди, кўпайтирди] ***ol tavarïn uğlïtti*** – у молини ўстирди, кўпайтирди (***uğlïtur, uğlïtmaq***).

[اَوْلَتّي] ***awlatti*** (**авлатти**) – овлатди] ***ol meŋä ïwïq awlatti*** – у менга кийик ва бошқа ҳайвонларни овлатди (***awlatur, awlatmaq***).

[اِكْلَتّي] ***iklätti*** (**иклатти**) – бостирди] ***ol aŋar yer iklätti*** – у унга ер ва бошқа нарсаларни бостирди, тепкилатди (***iklätür, iklätmäk***).

[اِغْلَتّي] ***iglätti*** (**иглатти**) – касаллатди] ***bu yer anï iglätti*** – бу ер унга ёқмай, маъқул келмай, касал қилди (***iglätür, iglätmäk***).

[اَمْلَتْتُم] ***emlättim*** (**эмлаттим**) – эмлатдим, даволатдим] ***men anï emlättim*** – мен уни даволатдим, унга дори қилишга буюрдим (***emlätür, emlätmäk***).

[اِمْلَتْتُم] ***imlättim*** (**имлаттим**)] ***men anï imlättim*** – мен уни имлатдим, ишора қилдирдим, қўл ёки кўз қисиш билан имо-ишора қилдирдим (***imlätür-men, imlätmäk***).

**ن *n*** [ҳарфи]:

[اَدْنَتّي] ***aδnatti*** (**аднатти**) – ўзгарди] ***er aδnatti*** – киши аввалги ҳолидан ўзгарди. Бир ҳолдан иккинчи ҳолга кўчган ҳар бир нарсага кўра ҳам шу сўз қўлланади (***aδnatur, aδnatmaq***).

[اُرْنَتْتُم] ***ornattïm*** (**ўрнаттим**) – ўрнатдим] ***men näŋ ornattïm*** – мен нарсани жойига қўйдим, ўрнатдим (***ornatur-men, ornatmaq***).

[اَسْنَتّي] ***esnätti*** (**эснатти**) – эсдирди, шамол қўзғатди] ***Täŋri esin esnätti*** – Тангри шамол эсдирди; ***yek anï esnätti*** – шайтон уни эснатди (***esnätür, esnätmäk***).

[أسْنَتْمْ ***usnattïm*** (**уснаттим**) – ўхшатдим] ***men aŋar usnatfim*** – мен уни унга ўхшатдим, уни у деб гумон қилдим (***usnatur, usnatmaq***).

[أغْنَتّى ***ağnattï*** (**ағнатти**) – ағанатди] ***ol atïn tupraqqa ağnattï*** – у отини ва бошқа уй ҳайвонларини тупроққа ағанатди.

[أغْنَتّى ***ağnattï*** (**ағнатти**)] ***yağaq anïŋ tilïn ağnattï*** – ёнғоқ ейиш унинг тилини чақа қилди, ҳатто сўзлаши қийин бўлди, тутилди (***ağnatur, ağnatmaq***).

[أنْتّى ***ulnattï*** (**улнатти**) – тузаттирди] ***ol oqïn ulnattï*** – у ўқнинг тиғини тузаттирди, юкорисини қуйи қилди (***ulnatur, ulnatmaq***).

### *Manqūş* нинг бошқа бир тури

[أوتُرْدِى ***ötürdi*** (**ўтурди**) – эслатди] ***ol meŋä söz ötürdi*** – у менга сўз ва бошқа нарсаларни эслатди (***ötürür, ötürmäk***).

[إيتّرْدِى ***ettürdi*** (**эттурди**) – қилдирди, эттирди, йигиртирди] ***ol aŋar pilig ettürdi*** – у унга пилик йигиртирди, ҳимартирди (***ettürür, ettürmäk***). Ҳар бир йигириладиган ва ҳимариладиган нарсага ҳам шу сўз қўлланади.

ر ***r*** [ҳарфи]:

[أجْرْدِى ***ačurdï*** (**ачурди**) – очиқтирди] ***ol anï ačurdï*** – у уни очиқтирди, қорнини очқатди (***ačurur, ačurmaq***).

ش ***š*** [ҳарфи]:

[أيُشْدِى ***oyusdï*** (**ўйушди**) – ўйишди] ***olar ikki qağun oyušdï*** – улар иккови қовун думини кесишда, чақмоқлашда баҳслашди. Кўмаклашишга ҳам шу сўз қўлланади (***oyušur, oyušmaq***).

[أيُشْدِى ***uyušdï*** (**уйушди**) – уюшди] ***ol aŋar qapqa un uyušdï*** – у унга қоп ва бошқа нарсаларга ун босишда кўмаклашди, ун уюшди (***uyušur, uyušmaq***).

ك ***k*** [ҳарфи]:

[أيْكْتِى ***üyükti*** (**уйукти**) – кўмилди, ботди] ***anïŋ aδaqï qumda üyükti*** – унинг оёғи кумга ботди, кўмилди.

[أيْكْتِى ***üyükti*** (**уйукти**)] ***anïŋ aδaqï üyükti*** – унинг оёги тошга қадалиб оғриди. Тош оёғини безиллатиб юборди (***üyükär, üyükmäk***).

ل ***l*** [ҳарфи]:

[أيِلْدِى ***ayïldï*** (**айилди**) – айтилди] ***aŋar söz ayïldï*** – унга сўз айтилди (***ayïlur, ayïlmaq***).

[أيُلْدِى ***oyuldï*** (**ўйулди**) – ўйилди] ***yer oyuldï*** – ер ўйилди; ***kötü oyuldï*** – ёмғирдан майдон ўйилди (***oyulur, oyulmaq***).

[أيُلْدِى ***uyuldï*** (**уйулди**)] ***uyuldï näŋ*** – ун қопга шиббалаб босилгандай, нарса босилди (***uyulur, uyulmaq***).

[أيَلْدِى ***uyaldï*** (**уйалди**) – уялди] ***ol mendin uyaldï*** – у бир ишда мендан уялди; у тортинди (***uyalur, uyalmaq***).

ن ***n*** [ҳарфи]:

[إيِنْدِى ***ïyïndï*** (**ийинди**)] ***ol er ïyïndï*** – у киши кучанди (***ïyïnur, ïyïnmaq***).

### Бу бўлимнинг тўрт ҳарфлилари

ر ***r*** [ҳарфи]:

[أيْتُرْدِى ***ayturdï*** (**айтурди**)] ***ol meŋä söz ayturdï*** – у мени у билан сўзлаштирди (***ayturur, ayturmaq***).

[اُيْتُرْدِى *oyturdï* (**ўйтурди**) – ўйдирди] ***ol meŋä qağun oyturdï*** – у менга қовун ва бошқа нарсаларни ўйдирди (***oyturur, oyturmaq***).

[اُيْتُرْدِى ***uyturdï*** (**уйтурди**) – уйдирди] ***ol un uyturdï*** – у коп ва бошқа идишларга ун уйдирди, ун бостирди (***uyturur, uyturmaq***).

[اُيْغُرْدِى ***uyğurdï*** (**уйғурди**) – уйғотди] ***ol meni uyğurdï*** – у мени уйғотди; *ðāl* билан талаффуз этилувчи ***uðgurdï*** варианти ҳам бор (***uyğurur, uyğurmaq***).

ش *š* [ҳарфи]:

[اِيرِشْدِى ***ayïrïšdï*** (**айиришди**) – айрилишди] ***olar ikki ayïrïšdï*** – улар иккови бир-биридан айрилишди (***ayrïšur, ayrïšmaq***); *ðāl* билан ҳам талаффуз қилинади.

ل *l* [ҳарфи]:

[اَيْتِلْدِى ***aytïldï*** (**айтилди**) – айтилди] ***söz aytïldï*** – гап ва бошқа нарсалар тўғрисида савол берилди, сўралди (***aytïlur, aytïlmaq***).

ن *n* [ҳарфи]:

[اَيِتِنْدِى ***ayïtïndï*** (**айитинди**) – сўранди, сўради] ***ol söz ayïtïndï*** – у сўз сўрашни ўз бўйнига олди (***ayïtïnur, ayïtïnmaq***).

[اَيْمَنْدِى ***eymändi*** (**эйманди**) – ийманди, уялди] ***ol mendin bu ïšta eymändi*** – у мендан бу ишда уялди ва унга киришишга ботинолмади, олдин боришдан тортинди (***eymänür, eymänmäk***).

ل *l* [ҳарфи]:

[اِيرِلْدِى ***erildi*** (**эрилди**)] ***tam erildi*** – девор ва бошқа нарсалар дарз кетди, тепа қисми нуради (***erilür, erilmäk***). Шунинг сингари тўлин ойнинг ой охирлаган сари аста-секин камая боришига ҳам ***ay erildi*** дейилади.

[اِيسِلْدِى ***esildi*** (**эсилди**) – озайди] ***esildi näŋ*** – нарса озайди (***esilür, esilmäk***).

[اِيوِلْدِى ***ewildi*** (**эвилди**) – шошилди] ***ïšqa ewildi*** – ишга шошилди (***ewilür, ewilmäk***).

### Бу бўлимнинг *muḍā'af* тури

[اُيْنَتْتِى ***oynatti*** (**ўйнатти**) – ўйнатти] ***ol anï oynatti*** – у уни ўйнатти (***oynatur, oynatmaq***).

### Унинг бошқа бир хили

[اَيَادِى ***ayadï*** (**айади**) – аяди] ***ol tonïn ayadï*** – у кийими ва бошқа нарсаларни аяди.

[اَيَادِى ***ayadï*** (**айади**)] ***xan aŋar ayağ ayadï*** – хон унга лақаб (унвон) берди (***ayar, ayamaq***).

### Тўрт ҳарфлиларнинг уч ҳарфлиси

ب *b* [ҳарфи]:

[اِرْبَادِى ***irpädi*** (**ирпади**) – арралади, кесди] ***ol yïğač irpädi*** – у ёғоч ва бошқа нарсаларни кесди.

[اِرْبِدِى ***irpädï*** (**ирпади**)] ***ol ïšïğ irpädi*** – у ишни тузатаман, деб бузди (***irpär, irpämak***).

ت *t* [ҳарфи]:

[اَرْتَادِى ***artadï*** (**артади**) – бузилди] ***artadï näŋ*** – нарса бузилди (***artar, artamaq***).

[اُرْتَادِى ***örtädi*** (**ўртади**) – ўртади, ёқди] ***ol otuŋ örtädi*** – у ўтин ва бошқа нарсаларни ёқди, ёндирди (***örtär, örtämäk***).

[اِرْتَادِى ***irtädi*** (**иртади**) – истади] ***er ïšïğ irtädi*** – киши ишни истади, ишнинг кетидан юрди (***irtär, irtämäk***).

***istädi*** (истади) ҳам ***irtädi*** сингаридир (***istär, istämäk***). (Шоир) шундай деган:

***Yïğlap uδu irtädim,***
***Bağrïm basïn qartadïm.***
***Qačmïš qutuğ irtädim,***
***Yağmur köni qan sačar.***

Айтмоқдаки: Севгилимнинг кетидан йиғлаб, истадим, битиб қолган бағрим ярасини қайта тирнадим, (узоқлаб) кетган бахтни изладим, кўзим ёмғирдай қон сочади [Севгилимни йиғлаб истадим, бағрим ярасини янгиладим, (узоқлаб) кетган бахтни истадим. Кўзим ёмғирдай қон сочади].

[اُنْدَادِی ***ündädi*** (**ундади**) – ундади, чақирди] ***ol meni ündädi*** – у мени чақирди (***ündär, ündämäk***).

[اَقْدِیْدِی ***ewdidi*** (**эвдиди**) – терди, йиғди] ***ol yinčü ewdidi*** – у инжу, марварид ва шу шаклда меваларни бирма-бир тўплади (***ewdir, ewdimäk***).

[اَلْدَادِی ***aldadï*** (**алдади**) – алдади] ***ol yağïnï aldadï*** – у ҳийла-найранг билан ёвни алдади (***aldar, aldamaq***).

[اُلْدِیْدِی ***uldïdï*** (**улдиди**)] ***at uldïdï*** – от ва бошқа ҳайвонлар тоқатсиз бўлди (***uldïr, uldïmaq***).

ر ***r*** [ҳарфи]:

[اُپْرَادِی ***opradï*** (**ўпради**)] ***ton opradï*** – кийим ва бошқа нарсалар эскирди (***oprar, opramaq***).

[اُدْرَادِی ***üδrädi*** (**удради**) – кўпайди] ***üδrädi näŋ*** – нарса кўпайди (***üδrär, üδrämäk***).

[اَغْرُوْدِی ***ağrudï*** (**ағруди**) – оғир бўлди] ***ağrudï näŋ*** – нарса оғир бўлди, оғирлашди; ***iglig ağrudï*** – касал оғирлашди ва ёмонлашди (***ağrur, ağrumaq***).

[اَغْرِیْدِی ***ağrïdï*** (**ағриди**) – оғриди] ***aniŋ basï ağrïdï*** – унинг боши оғриди. Бошқа ҳар қандай яра аламига ва аъзонинг оғришига ҳам шу сўз ишлатилади (***ağrïr, ağrïmaq***). Бошқа хил оғриқларга ҳам шундай дейилади. Мақолда (шундай келган): ***Bir toyïn basï ağrïsa, qamuğ toyïn basï ağrïmas.*** Маъноси: "Бир роҳибнинг боши оғригани билан, бошқа роҳиб(лар)нинг ҳам боши оғриб қолмайди". Бу мақол ўртоқлари мувофиқ топиб истаганлари, еган-ичганлари ҳолда, баъзи бирлари буни истамаганликларини англатиш учун қўлланади.

[اُغْرَادِی ***oğradï*** (**ўғради**) – қасд қилди, сўради, истади] ***beg aŋar oğradï*** – бек ва бошқалар уни йўқлаб келди (***oğrar, oğramaq***). Ҳар нарсага қасд қилиш ва уни йўқлашга ҳам шу сўз қўлланади. (Шоир) шундай деган:

***Qulsa qalï oğrayïn / oğrapan,***
***Bergil taqï azuqluq.***
***Qarğïš qïlur ümälär,***
***Yunčïğ körüp qonuqluq.***

Айтмоқдаки: Қўноқ сенга сўраниб келса, уни озиқ-овқат билан сийла, агар меҳмондорчилик ёмон бўлса, меҳмон қарғаб кетади.

[اُقْرَادِی ***oqradï*** (**ўқради**) – кишнади] ***at oqradï*** – от овқат ейиш вақтида кишнади (***oqrar, oqramaq***).

[اُگْرِیْدِی ***ögridi*** (**ўгриди**) – тебратди] ***urağut bešik ögridi*** – хотин бешик тебратди. Шунингдек, бу сўз бошқаларга ҳийла-найранг билан хушомадгўйлик қилишга нисбатан ҳам ишлатилади: ***ol anï ögridi*** дейилади, у уни ёш боладек лақиллатди, айлантирди, демакдир (***ögrir, ögrimäk***).

[اَمْرِیْدِی ***emridi*** (**эмриди**) – қашиди] ***meniŋ yenim emridi*** – у менинг баданимни қашиб қўйди (***emrir, emrimäk***).

ر ***r*** [ҳарфи]:

[اَوْرَادِى *ewrädi* (эвради)] ***ol sözni aŋar ewrädi*** – у уни бу сўз билан ёмонлади, туҳмат қилди (***ewrär, ewrämäk***).

س ***s*** [харфи]:

[اَبْسَادِمْ *öpsädim* (ўпсадим – ўпмоқ истадим] ***men anï öpsädim*** – мен уни ўпмак истадим (***öpsär-men, öpsämäk***).

[اَتْسَادِى *etsädi* (этсади)] ***er etsädi*** – киши гўштсиради (***etsär, etsämäk***).

[اَتِسَادِى *atïsadï* (атисади) – отмоқ истади] ***ol oq atïsadï*** – у ўқ ва бошқа нарсаларни отишни истади (***atïsar, atïsamaq***[28]).

[اُتْسَادِى *ötüsädi* (ўтусади) – ўтмак истади] ***ol öttin ötüsädi*** – у тешикдан ўтмак истади (***ötüsär, ötüsämak***). Ҳар қандай нарсадан ўтишга нисбатан ҳам шу сўз қўлланади.

[اَتِسَادِى *etisädi* (этисади) – ағдармоқ истади] ***ol tašïğ etisädi*** – у тош ва бошқа нарсаларни юмалатмоқ истади (***etisär, etisämäk***).

[اَچْسَادِى / اَجِسَادِى *ačïsadï / ačsadï* (ачисади / ачсади) – очмоқ истади] ***er qapuğ ačïsadï / ačsadï*** – киши эшикни очмоқ истади. Ҳар нарсани очишга ҳам шу сўз қўлланади (***ačïsar / ačsar, ačïsamaq / ačsamaq***).

[اِچْسَادِى *ičisädi* (ичисади) – ичишни истади] ***ol suw ičisädi*** – у сув ва бошқа нарсалар ичишни истади (***ičïsär, ičisämäk***).

[اَخْسَادِى *axsadï* (ахсади) – оқсади] ***at axsadï*** – от ва бошқа жонзотлар оқсади (***axsar, axsamaq***).

[اِدْسَادِى *ïðïsadï* (идисади) – юбормоқ истади] ***ol qulïn meŋä ïðïsadï*** – у қулини менга юбормоқ истади (***ïðïsar, ïðïsamaq***).

[اُرْسَادِى *urusadï* (урусади) – урмоқ истади] ***ol anï urusadï*** – у уни урмоқ истади, урмоқчи бўлди (***urusar, urusamaq***).

[اُزْسَادِى *üzüsädi* (узусади) – узмоқ истади] ***ol yïšïğ üzüsädi*** – у арқонни узмоқчи бўлди (***üzüsär, üzüsämäk***).

[اَشْسَادِى *ašïsadï* (ашисади)] ***ol art ašïsadï*** – у чўққидан ошмоқ истади, чўққини ошмоқчи бўлди. Худди шунингдек, овқат ейишни исташга ҳам шу сўз қўлланади (***ašsar, ašsamaq***).

[اَغْسَادِى *ağïsadï* (ағисади)] ***ol tağqa ağïsadï*** – у тоққа ва бошқа жойларга чиқмоқ истади (***ağïsar, ağïsamaq***).

[اَقْسَادِى *ewsädi* (эвсади)] ***er ewsädi*** – киши уйига муштоқ бўлди, уйини истади, қўмсади (***ewsär, ewsämäk***).

[اَقْسَادِى *ewisädi* (эвисади)] ***er ewisädi*** – киши шошилишни, тезлатишни истади (***ewisär, ewisämäk***).

[اُقْسَادِى *uqusadï* (уқусади) – уқмоқ, тушунмак истади] ***er sözüg uqusadï*** – киши сўзни уқмоқ, англамоқ истади (***uqusar, uqusamaq***).

[اِكْسَادِمْ *egisädim* (эгисадим)] ***men butuq egisädim*** – мен бутоқ ва бошқа нарсаларни эгишни истадим (***egisär-men, egisämäk***).

[اُكْسَادِى *ögüsädi* (ўгусади) – мақташни истади] ***ol meni ögüsädi*** – у мени мақташни истади, мақтамоқчи бўлди (***ögüsär, ögüsämäk***).

[اَكْسُودِى *eksüdi* (эксуди) – камайди] ***eksüdi näŋ*** – нарса камайди, шикастланди (***eksür, eksümäk***).

[اُكْسَادِى *ügüsädi* (угусади) – тўплашни истади] ***ol tupraq ügüsädi*** – у тупроқ, буғдой ва бошқа нарсаларни тўпламоқ истади (***ügüsär, ügüsämäk***).

---

[28] Бу сўз *qāf* ва *kāf* билан ёзилган (اَتِسَاماقْ).

[اَلِسَادِى **alïsadï** (**алисади**) – олмоқ истади] ***ol at alïsadï*** – у от ва бошқа нарсаларни сотиб олмоқни истади, сотиб олмоқчи бўлди (***alïsar***, ***alïsamaq***).

[اَلسَادِى **ölüsädi** (**ўлусади**) – ўлмак истади] ***er ölüsädi*** – киши ўлмак истади, ўлгиси келди (***ölüsär***, ***ölüsämäk***).

[اِلسَادِى **ilïsadï** (**илисади**)] ***er tağdïn ilïsadï*** – киши тоғ ва бошқа ерлардан энишни истади (***ilïsar***, ***ilïsamaq***).

[اَمِسَادِى **emisädi** (**эмисади**) – эмишни истади, эмгиси келди] ***gänč anasïn emisädi*** – бола онасини эмгиси келди, эммакчи бўлди (***emisär***, ***emisämäk***).

[اِنِسَادِى **inisädi** (**инисади**) – қуйи тушишни истади] ***er kötüdin inisädi*** – киши том ва бошқа ерлардан тушмоқчи бўлди, тушишни истади (***inisär***, ***inisämäk***). Бу сўздаги *nūn* ҳарфи *lām* ўрнига алмашгандир.

**Қоида**

Билгилки, *sīn* ва *alif* қўшимчаси (*-sa, -sä*) икки ва уч ҳарфли от ҳам феълларга қўшилиб, ҳозирча қилинмаган ишни ишловчи бажаришни истаганини англатиш учун қўлланади. Бу қўшимча икки ва уч ҳарфлардан ортиқ от ва феълларга қўшилганда ҳам, истак феъли ясалади, лекин булар оздир. Икки ҳарфли исмларга келсак, улар қуйидагичадир: ***er etsädi*** (киши гўшт ейишни истади) гапидаги ***etsädi*** феъли икки ҳарфли ***et*** отига *sīn* ва *alif* қўшилиб ясалган истак феълидир. ***er ewsädi*** (киши уйини қумсади) гапидаги ***ewsädi*** феъли ҳам икки ҳарфли ***ew*** отига *sīn* ва *alif* қўшилиб ясалган истак феълидир. Уч ҳарфли отлардан ясалган истак феълига мисоллар: кишининг табиати аччиқ ва нордон нарсани истаганда ***er ačïğsadï*** дейилади. Яъни "киши табиати аччиқни истади" демакдир; ***er tatïğsadï*** – киши ширинлик, тотли нарса истади. Уч ҳарфдан ортиқ бўлган отдан ясалган истак феълига мисол: ***er qağunsadï*** – киши қовун истади; ***er činištürüksädi*** – киши чиништур, яъни Чинда бўладиган эртапишар, фундуққа ўхшаш бир мева емак истади. Бу қоидани (деярли) ҳамма сўзларга татбиқ қилиш мумкин. Лекин биз баъзи мисоллар бериб, қолганларини қиёслашга ишорат қиламиз. Икки ҳарфли феъллардан ясалган истак феъллари қуйидагичадир: ***er qïzïn öpsädi*** – киши қизчасини ўпишни истади; ***ol ya atïsadï*** – у ёй отишни истади; ***öpsädi*** феълининг асли ***öpdi***, ***atïsadï*** феълининг асли ***attï*** дир. Уч ҳарфли феъллардан ясалганлар қуйидагича: ***er yük kötürsädi*** – киши юк кўтаришни истади; ***ol quš učurusadï*** – у қуш учурмоқ истади. Кўп ҳарфли сўзлардан ясалган феъллар мисоли қуйидагичадир: ***ol Täŋrikä kirtkinsädi*** – у Худонинг яккалигини иқрор қилишни истади. Охирида *rā* ҳарфи бўлган сўзларда истак феълини ясаш қоидаси бироз бошқачадир. У ҳолда қалин ҳарфли сўзларда *ğayn*, ингичка ҳарфли сўзларда *kāf* ҳарфи [яъни *g*] қўшилади: ***ol ewkä barïğsadï*** – у уйга бормоқ истади; ***men seni körügsädim*** – мен сени кўрмак истадим. ***barïğsadï*** ўрнига ***barïsadï***, ***körügsädi*** ўрнига ***körüsädi*** деб қўллаш ҳам мумкин. Лекин, асосан, юқоридагисини қўллаш одатдир. Буларнинг асли ***bardï***, ***kördi*** дир. Сўзнинг охири *lām* бўлган сўзларда ҳам *ğayn* ҳарфи қўлланади: ***ol andïn yarmaq alïğsadï*** – у ундан танга олишни истади. Бу икки ҳарф (*-sa, -sä*) қўшимчаларидан истак мазмунининг келиб чиқиши, "нарсани санади" дейилган ***sadï näŋni*** иборасидан олингандир. Шундай ҳаракатни ишловчи шу ишни ўз истак-орзуларидан ҳисоблаганини англатади. Масалан, ***er suwsadï*** – киши сувни ўз хоҳишидан санади, хоҳлади, истади, демакдир. Агар *-sa* қўшимчасидаги *alif yā* га алмашса, у ҳолда мазмун ўзгаради. Яъни қўшимча қўшилган ўзак табиати ўзгарганини, у ўзига нисбат берилган нарса ҳолини, хусусиятини ўзига олганини англатади. Масалан, ***süčig suwsïdï*** – шароб сув хусусиятини ўзига олди, унда сувлик хусусияти ортди, демакдир. ***üzüm***

***ačīgsïdï*** – узум ачиди, аччиқлиқ ширинликни кесди. Бу ҳолни суюқликларга ва бир ҳолдан иккинчи ҳолга ўтувчи нарсаларга қиёс қилиш мумкин. Феъллардаги бу хусусият ***sïdï näŋni*** (нарсани синдирди) гапидаги ***sïdï*** феълидан олингандир. Юқоридаги мисолда сувлик хусусияти шароблик хусусиятини, аччиқлиқ ширинлик хусусиятини сингдиргандир.

Бошқа феълларга ҳам бу қоидани татбиқ этиш мумкин. Бу қоида бутун туркий тиллар учун умумийдир.

**ش *š*** [ҳарфи]:

[أَخْشَادِمْ ***oxšadïm*** **(ўхшадим)** – эркалатдим, ўйнашдим] ***men anï oxšadïm*** – мен уни эркалатдим, унинг билан ўйнашдим. Хотинлар ўз боласини эркалагани каби. Мақолда (шундай келган): ***Saqaq bïčar, saqal oxšar.*** Маъноси: "Яширинча энгак кесади-ю, соқолни ўйнайди". Бу мақол кишини алдаш учун бузуқ ниятни яшириб, ширин сўзловчилар тўғрисида айтилади.

[أَخْشَادِى ***oxšadï*** **(ўхшади)** – ўхшади] ***bir näŋ birkä oxšadï*** – бир нарса бир нарсага ўхшади.

[أَخْشَدِى ***uxšadï*** **(ухшади)**] ***at uxšadï*** – от ухлади. Бу сўз отга хосдир, бошқаларга қўлланилмайди. Бу сўз ямак, ябаку ва кўпчилик саҳролилар сўзидир (***uxšar***, ***uxšamaq***).

[أَلْشَادِى ***elšädi*** **(элшади)**] ***er ačïp elšädi*** – киши очиқиб ош-ош деди, ош сўради. Қаттиқ очликдан кўзи тиниб, ҳушдан кетаёзди (чигилча) (***elšär***, ***elšämäk***).

**غ *ğ*** [ҳарфи]:

[إِرْغَادِى ***ïrğadï*** **(ирғади)** – қокди, силкитди] ***ol yïğač ïrğadï*** – у мевасини олиш учун дарахтни қокиб силкитди. Бошқа (нарсани силкитиш)га ҳам шу сўз қўлланади (***ïrğar***, ***ïrğamaq***).

**ۋ *w*** [ҳарфи]:

[أَرْقَادِى ***arwadï*** **(арвади)**] ***qam arwaš arwadï*** – коҳин авраш сўзлар билан авради (***arwar***, ***arwamaq***).

**ق *q*** [ҳарфи]:

[أَرْقَادِى ***arqadï*** **(арқади)**] ***ol anïŋ ewin arqadï*** – у унинг уйини ва уйдаги гумон қилган нарсани текширди (ўғузча).

[أَرْقَادِى ***arqadï*** **(арқади)**] ***ol anï qarğadï, arqadï*** – у уни қарғади, ёмонлади, ёмон қиликларини гапирди. Бу икки сўз қўшалоқ ҳолда ишлатилади. Бу сўз мақташ учун қўлланувчи олқиш сўзидан олингандир. Аслида яхшиликка қўлланувчи бу сўзни ***qarğadï*** сўзи билан қўшма ҳолда кўп қўллаш натижасида ***alqadï*** сўзи ҳам ёмонлик маъносида қўллана бошлаган. Бу сўздаги *ra* ҳарфи *lām* ўрнига алмашгандир. Бу хусусият арабча كانهم بنيان مرصوص оятидаги кабидир. Бу гапдаги مرصوص ***marṣūṣ*** сўзининг ملصوص ***malṣūṣ*** варианти ҳам бор (***arqar***, ***arqamaq***).

**ك *k*** [ҳарфи]:

[إِسْكَادِى ***iskädi*** **(искади)** – титди] ***ol yüŋ iskädi*** – у юнг ва бошқа нарсаларни титди (***iskär***, ***iskämäk***).

[أَلْكَادِى ***elgädi*** **(элгади)** – элади] ***ol un elgädi*** – у ун ва бошқа нарсаларни элади (***elgär***, ***elgämäk***).

[أَمْكَادِى ***emgädi*** **(эмгади)** – машаққатланди] ***er emgädi*** – киши машаққат тортди (***emgär***, ***emgämäk***).

[أُبْلَادِى ***üplädi*** **(уплади)** – нес-нобуд қилди] ***ol anïŋ tawarïn üplädi*** – у унинг молини нес-нобуд қилди, ҳўплаб кетди, талон-торож қилди (***üplär***, ***üplämäk***).

[أَتْلَادِى ***etlädi*** **(этлади)** – гўшт қилди, этлади] ***ol qoyïğ etlädi*** – у қўйни сўйиб, гўшт қилди (***etlär***, ***etlämäk***).

[أَتْلَادِى ***otladï*** **(ўтлади)** – ўтлади] ***at otladï*** – от ва бошқа ҳайвонлар ўтлади (***otlar***, ***otlamaq***).

ن ***n*** [ҳарфи]:

[اَتْلَنْدِی ***atlandï*** (**атланди**) – отга минди] ***ol at atlandï*** – у отга минди (***atlanur, atlanmaq***). (Шоир) шундай деган:

***Yïlqï yarïn (yazïn?) atlanur,***
***Otlap anïn etlänür.***
***Beglär semüz atlanur,***
***Sewnüp ügür ïsrïšur.***

Кўкламни таърифлаб айтмоқда: Кўкламда ҳайвонларнинг аҳволи яхшиланади, эт олиб семирадилар. Беклар семиз от минишлари мумкин бўлади. Йилқилар севинишиб, бир-бирларини тишлашади.

[اِتْلَادِی ***ïtladï*** (**итлади**) – ит деб сўкди] ***ol anï ïtladï*** – у уни ҳақорат қилди ва ит деб сўкди (***ïtlar, ïtlamaq***).

[اِچْلَادِی ***ičladi*** (**ичлади**) – астар қилди, ичлади] ***ol tonuğ ičladi*** – у тўнига астар қилди (***ičlär, ičlämäk***).

[اَدْلَادِی ***eδladi*** (**эдлади**) – энлади, энига қўшди] ***ol eδladi näŋin*** – у нарсани энли қилди, энига чўзди (***eδlär, eδlämäk***).

[اُزْلَادِی ***özladi*** (**ўзлади**) – кулда пиширди] ***ol unuğ özladi*** – у хамирни иссиқ кулда пиширди (***özlär, özlämäk***).

[اَسْلَادِی ***eslädi*** (**эслади**) – айирди, ажратди] ***ol eslädi näŋni*** – у яхшини ёмондан айирди (ўгузчадир) (***eslär, eslämäk***).

[اَشْلَادِی ***ašladï*** (**ашлади**) – тузатди] ***ol ayaq ašladï*** – у коса ва бошқа идишларни чегалатди (***ašlar, ašlamaq***).

[اِشْلَادِی ***išladi*** (**ишлади**) – ишлади] ***er išladi*** – киши ва бошқа кимса ишлади (***išlär, išlämäk***).

غ ***ğ*** [ҳарфи]:

[اِغْلَادِی ***ïğladï*** (**ығлади**) – йиғлади] ***oğlan ïğladï*** – бола йиғлади; ***yïğladï*** талаффузи ҳам бор (***ïğlar, ïğlamaq***).

ف ***w*** [ҳарфи]:

[اَفْلَادِی ***awladï*** (**авлади**) – овлади] ***beg aw awladï*** – бек ов овлади.

[اَفْلَادِی ***awladï*** (**авлади**)] ***aŋar kiši awladï*** – унга кишилар тўпланди (***awlar, awlamaq***).

ک ***k*** [ҳарфи]:

[اُکْلِیدِی ***öklidi*** (**ўклиди**) – ортди, ўсди] ***öklidi näŋ*** – нарса ортди, ўсди, кўпайди (***öklir, öklimäk***).

[اِکْلَادِی ***iklädi*** (**иклади**) – босди, қадам қўйди] ***ol yerig iklädi*** – у ер ва бошқа нарсаларни босди, қадам қўйди (***iklär, iklämäk***).

[اِگْلَادِی ***iglädi*** (**иглади**) – касал бўлди] ***er iglädi*** – киши ва бошқалар касал бўлди (***iglär, iglämäk***).

ل ***l*** [ҳарфи]:

[اَمْلَادِمْ ***emlädim*** (**эмладим**) – даволадим] ***men anï emlädim*** – мен уни тузатдим, даволадим (***emlär-men, emlämäk***).

[اِمْلَادِمْ ***imlädim*** (**имладим**) – имладим] ***men aŋar imlädim*** – мен унга имладим, кўз ёки қўл билан ишорат қилдим (***imlär-men, imlämäk***). Мақолда (шундай келган): ***Ay tolun bolsa, eligin imlämäs.*** Маъноси: “Ой тўлин бўлса, уни бармоқ билан имланмайди”. Бу мақол машҳур бўлган нарса тўғрисида айтилади.

ن ***n*** [ҳарфи]:

[اَدْنَادِی *aδnadï* (**аднади**) – ўзгарди] ***yer aδnadï*** – ер ва бошқалар ўзгарди, айнади (***aδnar, aδnamaq***).

[اُرْنَادِمْ ***ornadïm*** (**ўрнадим**) – ўрнашдим] ***men bu yerdä ornadïm*** – мен бу ерда ўрнашдим, ватан қилдим; ***ornadï näŋ*** – нарса ўрнашди, қарор топди; ***kün ornadï*** – кун ботди (***ornar, ornamaq***).

[اُزْنَادِی ***öznädi*** (**ўзнади**) – бўйсунмади] ***oğul ataqa öznädi*** – бола отасига бўйсунмади, такаббурлик қилди. Бошқаларга ҳам шу сўз қўлланади (***öznär, öznämäk***).

[اَسْنَادِی ***esnädi*** (**эснади**) – эсди] ***esin esnädi*** – шамол эсди.

[اَسْنَادِی / اِسْنَادِی ***esnädi / isnädi*** (**эснади / иснади**)] ***er esnädi / isnädi*** – киши ва бошқалар эснади (***esnär / isnär, esnämäk / isnämäk***).

[اُسْنَادِی ***üsnädi*** (**уснади**) – ўхшади] ***bir näŋ bir näŋkä üsnädi*** – бир нарса бир нарсага ўхшади (***üsnär, üsnämäk***).

[اَغْنَادِی ***ağnadï*** (**ағнади**) – ағанади] ***at ağnadï*** – от тупроққа ва бошқага ағанади; ***er ağnadï*** – киши сўзлашда тутилди (***ağnar, ağnamaq***). Бу сўзнинг асли *ğunna* лидир.

## *Ğunna* лилар бўлими

ر ***r*** [ҳарфи]:

[اُرْنَکْرْدِی ***örüŋärdi*** (**ўрунгарди**) – оқарди] ***örüŋärdi näŋ*** – нарса оқарди (***örüŋärür, örüŋärmäk***).

[اَسْنَکْرْدِی ***asŋardï*** (**аснгарди**) – ялқовлик қилди, бўйни ёр бермади] ***er asŋardï*** – киши бўйни ишга ёр бермади (***asŋarar, asŋarmaq***).

ش ***š*** [ҳарфи]:

[اَنْکْرَشْدِی ***aŋrašdï*** (**анграшди**)] ***oğlan aŋrašdï*** – болалар ва бошқалар қийналди (***aŋrašur, aŋrašmaq***).

[اِنْکْرَنْدِی ***ïŋrandï*** (**ингранди**)] ***iŋän ïŋrandï*** – урғочи туя ва бошқалар ингради (***ïŋranur, ïŋranmaq***).

[اَنْکِنْدِی ***öŋindi*** (**ўнгинди**) – ранг келтирди, ўнгланди] ***üzüm öŋindi*** – узум ранг келтирди, узумга ранг кирди. Касалдан кейин ранги кирган кишига ҳам шу сўз қўлланади (***öŋlänür, öŋlänmäk***).

[اَنْکْتُرْدِی ***eŋtürdi*** (**энгтурди**) – ҳайрон қолдирди] ***erni eŋtürdi*** – кишини ўз ишида ҳайрон қолдирди (***eŋtürür, eŋtürmäk***).

[اَنْکْتُرْدِی ***üŋtürdi*** (**унгтурди**) – тештирди] ***ol aŋar yïğač üŋtürdi*** – у унга ёғоч тештирди (***üŋtürür, üŋtürmäk***).

## *Ğunna* лиларнинг бошқа бир тури

[اَنْکْلَادِی ***aŋladï*** (**англади**) – англади] ***ol sözüg aŋladï*** – у сўз ва бошқа нарсаларни англади, тушунди (***aŋlar, aŋlamaq***) (ўғузча).

Тўрт ҳарфлилар бўлими тугади.

### БУ БЕШ ҲАРФЛИЛАР БОБЛАРИДИР

ر ***r*** [ҳарфи]:

[اُوْتُغَرْدِی ***uwutğardï*** (**увутғарди**) – уялтирди] ***ol meni uwutğardï*** – у мени уялтирди (***uwutğarur***, ***uwutğarmaq***).

ك ***k*** [ҳарфи]:

[اِسِرْكَنْدِی ***isirkändi*** (**исирканди**) – қизилча тошди] ***anïŋ baši isirkändi*** – узоқ вақт сочини олдирмагани учун юз берган иситма натижасида унинг бошига қизилча тошди (***isirkänür***, ***isirkänmäk***).

[اَسِرْكَنْدِی ***esirkändi*** (**эсирканди**)] ***er tawarïŋa esirkändi*** – киши молининг кетганига ачинди, қайгурди (***esirkänür***, ***esirkänmäk***).

ن ***n*** [ҳарфи]:

[اُوْتْلَنْدِی ***uwutlandï*** (**увутланди**) – уялди] ***er uwutlandï*** – киши уялди. Ўғузлар бир неча ҳарфни тушириб, ***utandï*** дейдилар (***uwutlanur***, ***uwutlanmaq***).

[اَگَتْلَنْدِی ***egätländi*** (**эгатланди**) – хизматчили бўлди] ***qïz egätländi*** – қиз хизматчига эга бўлди. Яъни келин ўзи билан юборилган жорияга эга бўлди (***egätlänür***, ***egätlänmäk***).

[اَشِجْلَنْدِی ***ešičländi*** (**эшичланди**) – қозонли бўлди] ***er ešičländi*** – киши қозонли бўлди, қозонга эга бўлди (***ešičlänür***, ***ešičlänmäk***).

[اَنْجُلَنْدِی ***enüčländi*** (**энучланди**) – парда босди, нохина чиқди] ***anïŋ közi enüčländi*** – унинг кўзини парда босди, кўзига нохина чиқди (***enüčlänür***, ***enüčlänmäk***).

[اَغِرْلَنْدِی ***ağïrlandï*** (**ағирланди**) – ҳурматланди] ***er ağïrlandï*** – киши ҳурматланди, қадрланди. Бу сўздаги *nūn lām* ўрнига алмашгандир. ***ol bu atnï ağïrlandï*** – у бу отни қимматбаҳо санади (***ağïrlanur***, ***ağïrlanmaq***). Бу сўз бир нарсанинг оғир ва вазмин эканлиги маъносида ҳам қўлланади.

[اُغُرْلَنْدِی ***oğurlandï*** (**ўғурланди**)] ***oğurlandï näŋ*** – нарсанинг вақти келди, яқинлашди; ***yol oğurlandï*** – йўл яхши, муборак бўлди; ***at oğurlandï*** – тақдим қилинган отнинг қиймати берилди (ўғузча) (***oğurlanur***, ***oğurlanmaq***).

[اُگُرْلَنْدِی ***ügürländi*** (**угурланди**)] *yund ügürländi* – от тўдаси айғирли бўлди (***ügürlänür***, ***ügürlänmäk***). Тўда-тўда бўлган бошқа ҳайвонларга ҳам шу сўз қўлланади.

[اَتْزُلَنْدِی / اِتْزُلَنْدِی ***atïzlandï / atuzlandï*** (**атизланди / атузланди**)] ***yer atïzlandï / atuzlandï*** – ер экилишга мўлжаллаб тақсимланди, ажратилди (***atïzlanur / atuzlanur***, ***atïzlanmaq / atuzlanmaq***[29]).

[اُجُزْلَنْدِی ***učuzlandï*** (**учузланди**)] ***bu näŋni učuzlandï*** – у бу нарсани қадрсиз санади (***učuzlanur***, ***učuzlanmaq***).

[اِدْزْلَنْدِی ***eδizländi*** (**эдизланди**)] ***ol tağnï eδizländi*** – у тоғни буюк тўсиқ деб билди (***eδizlänür***, ***eδizlänmäk***).

[اِسِزْلَنْدِی ***esizländi*** (**эсизланди**) – бемаза қилиқли бўлди] ***oğlan esizländi*** – бола ёмон ва ёқимсиз қилиқли бўлди (***esizlänür***, ***esizlänmäk***).

[اُغُزْلَنْدِی ***oğuzlandï*** (**ўғузланди**) – ўғузлашди] ***er oğuzlandï*** – киши ўғузлашди, ўғуз қиёфасига кирди (***oğuzlanur***, ***oğuzlanmaq***).

[اُگُزْلَنْدِی ***öküzländi*** (**ўкузланди**) – ҳўкизли бўлди] ***er öküzländi*** – киши ҳўкизга эга бўлди (***öküzlänür***, ***öküzlänmäk***).

[اُغُشْلَنْدِی ***oğušlandï*** (**ўғушланди**) – бола-чақали бўлди] ***er oğüšlandï*** – киши қариндош-уруғли, аҳли аёлли бўлди (***oğušlanur***, ***oğušlanmaq***).

---

[29] Бу сўз *kāf* ва *qāf* билан ёзилган (اَتْزُلْنَماكْ).

[أُرْغُنْدِى ***uruğlandï*** (**уруғланди**) – уруғланди, дона боғлади] ***tarïğ uruğlandï*** – экин уруғланди; ***käpäz uruğlandï*** – пахта уруғланди, ғўза чигитланди. Ҳар бир мевага кўра ҳам шу сўз қўлланади (***uruğlanur, uruğlanmaq***).

[أُجْقَنْدِى ***očuqlandï*** (**ўчуқланди**) – ўчоқ қурилди] ***ew očuqlandï*** – уйга ўчоқ қурилди (***očuqlanur, očuqlanmaq***).

[اَدَقْلَنْدِى ***aδaqlandï*** (**адақланди**)] ***aδaqlandï näŋ*** – нарса оёқли бўлди, оёқ чиқарди. Мақолда (шундай келган): ***Alïm keč qalsa, aδaqlanur.*** Маъноси: "Олинадиган нарса қарздорда узоқ қолиб кетса, оёқ чиқаради. Яъни қарз берган киши қарзини ундириш учун унинг кетидан юради" (***aδaqlanur, aδaqlanmaq***).

[أَرِقْلَنْدِى ***arïqlandï*** (**ариқланди**)] ***suw arïqlandï*** – сув ариқ солди. (Ёмғир ва сел натижасида) ерлар ювилиб, ариқча бўлиб қолишига ҳам шу сўз қўлланади (***arïqlanur, arïqlanmaq***).

[أَزُقْلَنْدِى ***azuqlandï*** (**азуқланди**)] ***er azuqlandï*** – киши озиқли бўлди (***azuqlanur, azuqlanmaq***).

[اَتَكْلَنْدِى ***etäkländi*** (**этакланди**) – этакли бўлди, этакланди] ***ton etäkländi*** – кийим этакли бўлди (***etäklänür, etäklänmäk***).

[اَتُغْلَنْدِى ***etügländi*** (**этугланди**) – этикли, чориқли бўлди] ***er etügländi*** – киши этикли (чориқли) бўлди (***etüglänür, etüglänmäk***).

[أَرُكْلَنْدِي ***erükländi*** (**эрукланди**) – мева қилди] ***yïğač erükländi*** – дарахт мева (ўрик, шафтоли, олхўри) қилди (***erüklänür, erüklänmäk***).

[إِسِكْلَنْدِى ***isigländi*** (**исигланди**) – иссиқ саналди] ***ol bu oğurda yarmaqqa (barmaqqa?) isigländi*** – у бу вақтда боришни иссиқ деб билди (***isiglänür, isiglänmäk***).

[أَنُكْلَنْدِى ***enükländi*** (**энукланди**)] ***it enükländi*** – ит болалади (***enüklänür, enüklänmäk***).

[اَتَنْلَنْدِى ***atanlandï*** (**атанланди**)] ***er atanlandï*** – киши бичилган туяли бўлди (***atanlanur, atanlanmaq***).

[أُزُمْلَنْدِى ***üzümländi*** (**узумланди**)] ***paδïč üzümländi*** – ишком узумли бўлди (***üzümlänür, üzümlänmäk***).

**Бу бўлимнинг кам ишлатиладиган *muḍā'af* лари**

[أُبْلَنْدِى ***üplädi*** (**уплалди**) – нес-нобуд бўлди] ***er tawarï üplädi*** – кишининг моли нес-нобуд қилинди (***üplälür, üplälmäk***).

[اَتْلَنْدِى ***etlädi*** (**этлалди**) – гўштланди] ***qoy etlädi*** – қўй ва бошқа ҳайвонлар (сўйилиб) гўшт бўлди, гўшт қилинди (***etlälür, etlälmäk***).

[اَدْلَنْدِى ***eδlädi*** (**эдлалди**) – тузатилди] ***eδlädi näŋ*** – нарса тузатилди (***eδlälür, eδlälmäk***). Нарсанинг изланиши ва қидирилишига ҳам шу сўз қўлланади.

[اَشْلَنْدِى ***ašladï*** (**ашлалди**)] ***ayaq ašladï*** – идиш чегаланди, тузатилди, уланди (***ašlalur, ašlalmaq***).

[اِشْلَنْدِى ***išlädi*** (**ишлалди**) – ишланди] ***iš išlädi*** – иш ишланди (***išlälür, išlälmäk***).

[اَفْلَنْدِى ***awladï*** (**авлалди**) – овланди] ***keyik awladï*** – кийик овланди (***awlalur, awlalmaq***). (Шоир) шундай деган:

***Awlalur özüm anïŋ tüziŋä,***
***Emlälür közüm anïŋ tozïŋa.***

Севгилисини таърифлаб айтмоқдаки: Унинг гўзаллиги билан борлигим овланади, оёғининг тўзони билан кўзим даволанади.

[إِكْلَنْدِى ***iglädi*** (**иглалди**)] ***tegmä türlüg ig iglädi*** – ҳар турли касаллик билан оғриди (***iglälür, iglälmäk***).

[اَمْلَلْدى *emläldi* (**эмлалди**) – эмланди, даволанди] ***iglig emläldi*** – касал даволанди (***emlälür, emlälmäk***).

[اِمْلَلْدى *imläldi* (**имлалди**) – имланди] ***kiši imläldi*** – киши кўз қири ва бошқа ҳаракат билан имланди (***imlälür, imlälmäk***).

### *Manqūş* лардан беш ҳарфлилар

ت ***t*** [ҳарфи]:

[اَرْپَلَنْدى ***arpalandï*** (**арпаланди**) – арпали бўлди] ***at arpalandï*** – от ва бошқа ҳайвонларга арпа берилди (***arpalanur, arpalanmaq***).

د ***d*** [ҳарфи]:

[اَرْدُولَنْدى ***ordulandï*** (**ўрдуланди**)] ***beg bir yerig ordulandï*** – бек бир ерни ўзига ўрда қилдирди (***ordulanur, ordulanmaq***).

[اَتْرُولَنْدى ***otrulandï*** (**ўтруланди**) – рўпара бўлди] ***ol aŋar otrulandï*** – у унга рўпара бўлди (***otrulanur, otrulanmaq***).

ق ***q*** [ҳарфи]:

[اَرْقَلَنْدى ***arqalandï*** (**арқаланди**) – орқа қилди] ***ol meni arqalandï*** – у менга орқа қилди, суянди.

[اَرْقَلَنْدى ***arqalandï*** (**арқаланди**)] ***ol tağnï arqalandï*** – у тоққа суялди (***arqalanur, arqalanmaq***).

م ***m*** [ҳарфи]:

[اَرْمَلَنْدى ***üzümländi*** (**ужумланди**)] ***yïğač üzümländi*** – дарахт тут берди, тут ҳосилга кирди (***üzümlänür, üzümlänmäk***).

### Бу бўлимнинг бошқа бир тури

ت ***t*** [ҳарфи]:

[اُوتْلَنْدى ***otlandï*** (**ўтланди**)] ***at otlandï*** – от юриш натижасида қизишди; ***er otlandï*** – киши ғазабдан ўтланди, қизишди (***otlanur, otlanmaq***).

ز ***z*** [ҳарфи]:

[اَازْلَنْدى ***a:zlandï*** (**а:зланди**) – оз ҳисоблади] ***ol bu yarmaqïğ a:zlandï*** – у бу тангани ва бошқа нарсаларни оз деб билди (***a:zlanur, a:zlanmaq***).

[اُوزْلَنْدى ***uzlandï*** (**узланди**) – ҳунарини кўрсатди] ***er uzlandï*** – киши ўз ҳунарида усталик кўрсатди (***uzlanur, uzlanmaq***).

ش ***š*** [ҳарфи]:

[اِيشْلَنْدى ***išländi*** (**ишланди**)] ***er išländi*** – киши ўзини иш қилаётгандек қилиб кўрсатди.

[اِيسْلَنْدى ***ïslandï*** (**исланди**)] ***ew ïslandï*** – уй тутундан қорайди. Тутундан қорайган тўн ва бошқа нарсаларга ҳам шу сўз қўлланади (***ïslanur, ïslanmaq***).

ۏ ***w*** [ҳарфи]:

[اَاۏْلَنْدى ***a:wlandï*** (**а:вланди**)] ***er öziŋä a:wlandï*** – киши ўзи учун ов қилишга киришди (***a:wlanur, a:wlanmaq***).

ك ***g*** [ҳарфи]:

[اُوگْلَنْدى ***ügländi*** (**игланди**)] ***aruq er ügländi*** – чарчаган киши ва бошқалар дам олди. Боланинг улғайишига ҳам шу сўз ишлатилади (***üglänür, üglänmäk***).

ت *t* [ҳарфи]:

[اَدْتَلادِى *aδutladï* (**адутлади**) – ҳовучлади, чангаллади] ***er yarmaq aδutladï*** – киши кафти билан тангани ҳовучлаб олди. Ҳовучга сув тўлдиришга ҳам шу сўз қўлланади (***aδutlar, aδutlamaq***).

[اُزْتَلادِى *üzütlädi* (**узутлади**)] ***ol anï üzütlädi*** – у уни бахилликка нисбат берди, бахил деди (***üzütlär, üzütlämäk***).

[اُگْتَلادِى *ögütlädi* (**ўгутлади**) – насиҳат қилди, ўгитлади] ***ol oğlïn ögütlädi*** – у ўғлига ва бошқаларга насиҳат қилди, ўгитлади (***ögütlär, ögütlämäk***).

[اَگْتَلادِى *egätlädi* (**эгатлади**)] ***ol qïzïn egätlädi*** – у қизи билан бирга эрининг уйига оқсоч [жория]ни қўшиб жўнатди (***egätlär, egätlämäk***).

[اُلْتَلادِى *ölütlädi* (**ўлутлади**)] ***er ölütlädi*** – киши урушди, жанжаллашди, ҳатто ораларидаги муносабат уриб ўлдиришгача бориб етди (***ölütlär, ölütlämäk***).

ج *č* [ҳарфи]:

[اَمَجْلادِى *amačladï* (**амачлади**) – нишонга олди] ***er qušuğ amačladï*** – киши қушни нишонга олди (***amačlar, amačlamaq***[30]).

[اَنُجْلادِى *enüčlädi* (**энучлади**) – даволади [кўз ҳақида]] ***otačï közüg enüčlädi*** – табиб кўзга тушган парда (нохина)ни даволади (***enüčlär, enüčlämäk***).

ر *r* [ҳарфи]:

[اَدَرْلادِى *eδärlädi* (**эдарлади**) – эгарлади] ***at eδärlädi*** – киши от ва бошқа ҳайвонларни эгарлади (***eδärlär, eδärlämäk***).

[اَغِرْلادِى *ağïrladï* (**ағирлади**)] ***Täŋri meni ağïrladï*** – Тангри менга марҳамат қилди (***ağïrlar, ağïrlamaq***). Умуман, бир-бирини ҳурмат қилишга ҳам шу сўз қўлланади.

[اُغُرْلادِى *oğurladï* (**ўғурлади**) – ўз вақтида қилди, ўғирлади] ***er ïšïn oğurladï*** – киши ишини қилишга умид қилди, ишонди, ўз вақтида қилди (***oğurlar, oğurlamaq***). Яна: ***er tavar oğurladï*** – киши мол ўғирлади. Чунки у фурсат кутиб турган эди. Бундай маънода келишига яна бошқа бир сабаб бор. У ҳам бўлса, ***oğrï*** сўзининг "ўғирловчи" маъносида бўлишидир. Юқоридаги феъл шу сўздан ясалган, бироқ енгил бўлсин учун *ȳ* ҳарфи туширилган. Бу нарса менга жуда маъқул, иккаласи ҳам чиройлидир.

(Шоир) шундай деган:

***Begim özin oğurladï,***
***Yarağ bilip oğurladï.***
***Uluğ Täŋri ağïrladï,***
***Anin qut-qïw törï tuğdï.***

*Taŋut* ларнинг беги ёвни қўлга тушириш учун пистирмага яширинганини таърифлаб айтмоқда: Бегим фурсат кутиб, ўзини аскардан четга олиб яширинди, Худо унга зафар берди. Кўкси кўтарилиб, куч-қудрати, давлати ортди [Бегим ўзини (ёвдан) яширди, (бекиниш ҳийласини) маъқул топди. Улуғ Тангри унга марҳамат қилди, шунинг учун куч-қудрати, давлати ортди].

ز *z* [ҳарфи]:

[اَتْزْلادِى *atïzladï* (**атизлади**) – ажратиб қўйди] ***er yerin atïzladï*** – киши ерини ариқ тортиб, экин учун тайёрлаб қўйди (***atïzlar, atïzlamaq***).

---

[30] Бу сўз *kāf* ва *qāf* билан ёзилган (اَمجْلاماكْ).

[أُجْزْلادِى *učuzladï* (**учузлади**) – ҳақорат қилди, хўрлади] ***beg anï učuzladï*** – бек уни ҳақорат қилди (***učuzlar***, ***učuzlamaq***).

[أُدْزْلادِى *üδüzlädi* (**удузлади**)] ***ol anï üδüzlädi*** – у унинг қўтирини даволади (***üδüzlär***, ***üδüzlämäk***).

[أَغْزْلادِى *ağïzladï* (**ағизлади**) – оғизлади] ***ol arïqnï ağïzladï*** – у ариққа оғиз очди; ***ol qulïn ağïzladï*** – у қулининг ва бошқаларнинг оғзига урди (***ağïzlar***, ***ağïzlamaq***).

[أُغُزْلادِى *oğuzladï* (**ўғузлади**) – ўғузлади, ўғуз деб санади] ***ol meni oğuzladï*** – у мени ўғуз деб санади, ўғуз деб билди (***oğuzlar***, ***oğuzlamaq***).

**س *s*** [ҳарфи]:

[أَقِتْسَادِى *oqïtïsadï* (**ўқитисади**) – ўқитмоқ истади] ***ol bitig oqïtïsadï*** – у хатни ўқитмоқчи бўлди. Бу сўз кишини чақиришни исташга ҳам қўлланади (***oqïtïsar***, ***oqïtïsamaq***).

[أَكِتْسَادِى *ügitsädi* (**угитисади**)] ***ol tarïğ ügitisädi*** – у буғдой туйишни истади (***ügitisär***, ***ügitisämäk***).

[أَكِرْسَادِى *egirsädi* (**эгирсади**)] ***er egirsädi*** – киши даволаниш учун эгир [юрак оғриғини тузатувчи бир ўт]ни истади.

[أَكِرِسَادِى *egirisädi* (**эгирисади**)] ***urağut yïp egirisädi*** – хотин ип йигиргиси келди; ***beg kend egirisädi*** – бек кўрғонни ўрашни истади [ўраб олмоқчи бўлди] (***egirisär***, ***egirisämäk***).

[أَچْغْسَادِى *ačïğsadï* (**ачиғсади**) – аччиқ ва нордон нарса истади, тусади] ***er ačïğsadï*** – киши нордон ва аччиқ нарсани тусади (***ačïğsar***, ***ačïğsamaq***).

[أُلْغْسَادِى *uluğsadï* (**улуғсади**)] ***er atta uluğsadï*** – киши отнинг каттасини истади. Бу сўз ҳар бир нарсанинг каттасини исташ маъносида ҳам қўлланади (***uluğsar***, ***uluğsamaq***).

[أَرُكْسَادِى *erüksädi* (**эруксади**) – ўрик истади] ***er erüksädi*** – киши ўрик ва бошқа меваларни истади (***erüksär***, ***erüksämäk***).

[أُلْكْسَادِى *ölügsädi* (**ўлугсади**) – ўлишни истади] ***er ölügsädi*** – киши ўлишни истади, ўлгиси келди (***ölügsär***, ***ölügsämäk***).

**ش *š*** [ҳарфи]:

[أَكُشْلادِى *öküšlädi* (**ўкушлади**) – кўп деб ҳисоблади] ***er tavarïn öküšlädi*** – киши молини кўп деб ҳисоблади (***öküšlär***, ***öküšlämäk***).

**غ *ğ*** [ҳарфи]:

[أَرِغْلادِى *arïğladï* (**ариғлади**)] ***qozï arïğladï*** – (киши) қўзининг ва бошқа (ҳайвон)ларнинг моягини олиб ташлади, бичди.

[أَرِغْلادِى *arïğladï* (**ариғлади**)] ***ol yarmaqïğ arïğladï*** – у танганинг яхшисини, ўтадиганини териб чиқди. Бу сўз ҳар бир нарсанинг яхшисини танлашга ҳам қўлланади (***arïğlar***, ***arïğlamaq***).

[أَرِغْلادِى *arïğladï* (**ариғлади**)] ***ol käpäz arïğladï*** – у пахтанинг уруғини, чигитини чиқарди, айириб олди. Ҳар бир меванинг уруғини айиришга, чиқаришга ҳам шу сўз қўлланади (***arïğlar***, ***arïğlamaq***).

[أَزْغْلادِى *azïğladï* (**азиғлади**)] ***toŋuz atïğ azïğladï*** – тўнғиз қозиқ тиши билан отни урди ва яралади; ***men toŋuznï azïğladïm*** – мен тўнғизнинг озиқ тишига урдим. Икки ёқлама озиқ тишли ҳар бир йиртқичга ҳам шу сўз ишлатилади (***azïğlar***, ***azïğlamaq***).

[أُلْغْلادِى *uluğladï* (**улуғлади**) – улуғлади] ***Täŋri meni uluğladï*** – Тангри мени улуғлади, менга улуғликни ато қилди; ***beg meni uluğladï*** – бек мени улуғлардан санади. Мақолда (шундай келган): ***Uluğnï uluğlasa, qut bulur.*** Маъноси: "(Киши) қарияларнинг ёшини ҳурматласа, бахт топади" (***uluğlar***, ***uluğlamaq***).

**ق *q*** [ҳарфи]:

[اَدَقْلَادِی ***aδaqladï*** **(адақлади)**] ***ol anï aδaqladï*** – у унинг оёғига урди (***aδaqlar***, ***aδaqlamaq***).

[اَدُقْلَادِی ***aδuqladï*** **(адуқлади)** – қизиқсинди] ***ol anï aδuqladï*** – у уни танимагани учун қизиқсинди (***aδuqlar***, ***aδuqlamaq***).

[اَرُقْلَادِی ***aruqladï*** **(аруқлади)**] ***beg aruqladï*** – бек чарчаб, дам олди. Хоқония тилида бу сўз "ухлаш" англамида келади. Аслида "чарчагандан сўнг; чарчаб, дам олди" демакдир (***aruqlar***, ***aruqlamaq***).

[اَشُقْلَادِی ***ašuqladï*** **(ашуқлади)**] ***ol anï ašuqladï*** – у унинг тўпиғига урди (***ašuqlar***, ***ašuqlamaq***).

[اَشَقْلَادِی ***ašaqladï*** **(ашақлади)**] ***ol anï ašaqladï*** – у уни арзимас, кичик деб билди. Мақолда (шундай келган): ***Yağïnï ašaqlasa, bašqa čïqar.*** Маъноси: "Ёвни кичик деса, бошга чиқади". Яъни "у билан бошни ҳалок қилади" деган мазмунни англатадилар. Эҳтиёт бўл, ёвни кичик санама, демоқчи бўладилар.

[اَشْقَلَادِی ***ušaqladï*** **(ушақлади)**] ***ol meniŋ sözümni ušaqladï*** – у менинг сўзимни ушоқ [майда аҳамиятсиз] деб билди (***ušaqlar***, ***ušaqlamaq***).

[اَنُقْلَادِی ***anuqladï*** **(ануқлади)**] ***ol anuqladï näŋni*** – у нарсани тайёр ҳолида топиб олди [тайёр нарсани олди] (***anuqlar***, ***anuqlamaq***).

ک ***k*** [ҳарфи]:

[اِچْكْلَادِی ***ičüklädi*** **(ичуклади)**] ***ol tonuğ ičüklädi*** – у тўнига сувсар, олмахон ва шунга ўхшаш ҳайвонларнинг мўйнасини сирди (***ičüklär***, ***ičüklämäk***).

[اَرُكْلَادِی ***erüklädi*** **(эруклади)** – ошлади] ***teri erüklädi*** – у терини ошлади (***erüklär***, ***erüklämäk***).

[اَزُكْلَادِی ***özüklädi*** **(ўзуклади)** – томирини кесди] ***ol qoyuğ / qonuğ özüklädi*** – у қўйнинг асосий томирини кесди. Бу сўз бош томирга уриш маъносида ҳам қўлланади (***özüklär***, ***özüklämäk***).

[اِسِكْلَادِی ***isigladi*** **(исиглади)**] ***er isigladi*** – киши туш чоғида, кун тиғи остида кетди, йўл юрди (***isiglär***, ***isiglämäk***).

[اُسُكْلَادِی ***üsüglädi*** **(усуглади)** – ҳийла билан очди] ***ol kiritlig üsüglädi*** – у эшикни калитсиз, ҳийла билан очди (***üsüglär***, ***üsüglämäk***[31]) (канжакча).

[اَسِرْكَادِی ***esirkädi*** **(эсиркади)**] ***ol esirkädi näŋni*** – у бир нарсанинг йўқолишига ачинди, афсусланди (***esirkär***, ***esirkämäk***).

[اُشِكْلَادِی ***üšiklädi*** **(ушиклади)**] ***ol keyikni üšiklädi*** – у кийикни тузоқда совқотиб турган чоғида тутди. Бу сўз бошқа (ҳайвонлар)га ҳам қўлланади (***üšiklär***, ***üšiklämäk***).

[اَكْكْلَادِی ***ekäklädi*** **(экаклади)** – ҳақоратлади] ***er urağutnï ekäklädi*** – эр хотинни сўкди, бузукка чиқарди (***ekäklär***, ***ekäklämäk***).

[اَكْكْلَادِی ***ökäklädi*** **(ўкаклади)**] ***ol tamïğ ökäklädi*** – у шаҳар деворига юлдуз [бурж]лар қўндирди. Бу сўз ҳар бир нарсага (қутичалар ишлаш маъносида ҳам) қўлланади (***ökäklär***, ***ökäklämäk***).

[اَلِكْلَادِی / اَلُكْلَادِی ***eliklädi / elüklädi*** **(эликлади / элуклади)** – устидан кулди, масхара қилди] ***ol anï eliklädi / elüklädi*** – у уни масхара қилди, мазах қилди (***eliklär / elüklär***, ***eliklämäk / elüklämäk***).

(Шоир) шундай деган:

***Taŋut süsin üšiklädi,***
***Kiši išin eliklädi / elüklädi.***

---

[31] Бу сўз *kāf* ва *qāf* билан ёзилган (اُسُكْلَاماقْ).

***Erin, atïn beliklädi,***
***Bolun bolïp basï tïğdï.***

Айтмоқдаки: Ёв *Ṣīn* яқинидаги тангутлар вилоятини, тангут аскари зафар қозонмасин дея, совуқда кеч билан босди. Сўнг уларни масхаралади. От ва қўшинни бизга тортиқ қилди. Қийинчилик тортганидан бошини қуйи солди [(Ёв) тангут қўшинини совқотиб турган чоғида босди. Кишилар ишини масхара қилди. У эр ва отларни тортиқ қилди. Тутқун бўлиб, бошини эгди].

[اَمِكْلادِى ***emiklädi*** (**эмиклади**)] ***urağutnï emiklädi*** – (эр) хотиннинг эмчагига урди (***emiklär***, ***emiklämäk***).

[اَنُكْلادِى ***enüklädi*** (**энуклади**)] ***ït enüklädi*** – ит болалади; ***arslan enüklädi*** – урғочи арслон болалади (***enüklär***, ***enüklämäk***).

[اَسَنْلادِى ***esänlädi*** (**эсанлади**) – эсонлашди, омонлашди, ҳол-аҳвол сўрашди] ***ol meŋä esänlädi*** – у менга салом берди, қўл бериб, ҳол-аҳвол сўради (***esänlär***, ***esänlämäk***).

**Бу бўлимнинг бошқа бир тури**

ذ ***δ*** [ҳарфи]:

[اُذُولادِى ***uδuladï*** (**удулади**) – эргашди] ***ol anï uδuladï*** – у унинг орқасидан юрди, унга эргашди (***uδular***, ***uδulamaq***).

ر ***r*** [ҳарфи]:

[اَرَالادِى ***araladï*** (**аралади**) – орасига тушди, яраштирди] ***ol ikki kiši otra araladï*** – у икки кишининг ишини келиштирди, яраштирди. Бу сўз “икки нарса орасидан ўтиш” маъносида ҳам қўлланади. Баъзан сулҳ маъносидаги ***arïladï*** сўзини ҳам қўллайдилар, кўпинча шундай. Лекин ***araladï*** варианти тўғридир (***aralar***, ***aralamaq***).

[اُرِيلادِى ***urïladï*** (**урилади**) – шовқин солди] ***er urïladï*** – киши шовқин солди, қаттиқ бақирди (***urïlar***, ***urïlamaq***).

[اُرِيلادِى ***urïladï*** (**урилади**) – кибрланди, такаббурлик қилди] ***er urïladï*** – киши ўзини мақтади, мақташда ўзини ошириб юборди, кибрланди (***urïlar***, ***urïlamaq***[32]).

(Шоир) шундай деган:

***Özin ögnip urïladï,***
***Yarïq yerig qarïladï.***
***Atïğ kemšip urïladï,***
***Uwut bolïp töpü ağdï.***

Унга ҳужум қилган бир ботир тўғрисида айтмоқда: Ботир гердайиб, ҳаддидан ошди. Ўзини савлатли кўрсатиб, худди ернинг танобини тортадигандек, от билан ҳамла қилувчини кўргач, хор бўлиб, орқага қараб, қочиб кетди [Ўзини баланд тутиб, мақтаниб ховликди. (Кеккайиб) ернинг танобини тортгандай бўлди. От билан бостириб, ҳамла қилди, (бироқ) шарманда бўлиб, тепага чекинди].

[اُرُولادِى ***örülädi*** (**ўрулади**) – (молни) турган ҳолда сўйди] ***ol qonuğ örülädi*** – у қўйни турган ҳолда, яъни оёқларини боғламай сўйди (***örülär***, ***örülämäk***).

غ ***ğ*** [ҳарфи]:

[اَغُولادِى ***ağuladï*** (**ағулади**) – заҳарлади, оғулади] ***ol ašïn ağuladï*** – у унинг овқатини ва бошқа нарсаларни заҳарлади (***ağular***, ***ağulamaq***).

---

[32] Бу сўз *kāf* ва *qāf* билан ёзилган (اُرِيلاماكْ).

ڤ *w* [ҳарфи]:

[أَوَالَادِى *awaladï* (**авалади**) – уюлди, тўпланди] ***anïŋ tegrä kiši awaladï*** – унинг теграсига киши(лар) йиғилди. ***awaladï***, асосан, шов-шув, фитна маънолари ифодаланган ўринларда қўлланади. Бошқа ўринларда ***awdï*** сўзи ишлатилади (***awalar***, ***awalamaq***).

ق *q* [ҳарфи]:

[أَقِيلَادِى *aqïladï* (**ақилади**) – сахий деб билди] ***ol meni aqïladï*** – у мени сахий деб билди (***aqïlar***, ***aqïlamaq***).

ك *g* [ҳарфи]:

[أَگَالَادِى *egäladi* (**эгалади**) – эгачи деб атади] ***ol anï egäladi*** – у уни эгачи деб атади (***egälär***, ***egälämäk***).

[أَگَالَادِى *ögäladi* (**ўгалади**) – юртнинг аттаси деди] ***ol anï ögäladi*** – у унга "ўга" унвонини берди; ***ögä*** – "юрт каттаси" демакдир (***ögälär***, ***ögälämäk***).

ن *n* [ҳарфи]:

[أَنَالَادِى *analadï* (**аналади**) – она деб билди] ***ol anï analadï*** – у уни ўзига она деб билди, она деб атади (***analar***, ***analamaq***).

### *Ğunna* лилар бўлими

د *d* [ҳарфи]:

[أَنگِيدِى *aŋdïdï* (**ангдиди**) – ҳийла қилди] ***awčï keyikni aŋdïdï*** – овчи кийикни тутиш учун панага беркиниб, ҳийла қилди; ***ol anï aŋdïdï*** – у уни тутиш учун ҳийла қилди (***aŋdïr***, ***aŋdïmaq***).

### Бунинг бошқа бир тури

[أَنگِيلَادِى *aŋïladï* (**ангилади**) – ҳангради] ***ešyäk aŋïladï*** – эшак ҳангради (***aŋïlar***, ***aŋïlamaq***).

### Яна бошқа тури

[أُنگِكْلَنْدِى *öŋikländi* (**ўнгикланди**) – гажак қўйди] ***urağut öŋikländi*** – хотин чаккасига эчки қилидан улама соч тақди (***öŋiklänür***, ***öŋiklänmäk***[33]).

### Беш ҳарфлилар бўлими

ن *n* [ҳарфи]:

[أَغْرِقْنَدِى *ağrïqandï* (**ағриқанди**) – оғриғидан зорланди] ***er ağrïqandï*** – киши оғрикдан зорланди, алам тортди (***ağrïqanur***, ***ağrïqanmaq***).

### Икки *sākin* ҳарфлилар тури

[أَنْدَغْرِدِمْ *andğardïm* (**андғардим**) – қасам ичирдим] ***men anï andğardïm*** – мен унга қасам ичирдим, онт ичирдим (***andğarur-men***, ***andğarmaq***).

---

[33] Қўлёзмада бу сўз انككلمق шаклида берилган.

## Олти ҳарфлилар тури

ت ***t*** [ҳарфи]:

[اَرْمُتْلَنْدِى ***armutlandï*** (**армутланди**) – армутланди, нашвати қилди] ***yïğač armutlandï*** – нашвати нок дарахти мева тугди (***armutlanur, armutlanmaq***).

ج ***č*** [ҳарфи]:

[اَرْتُچْلَنْدِى ***artučlandï*** (**артучланди**) – арчазор бўлди] ***tağ artučlandï*** – тоғ арчазорга айланди, тоғда арча кўпайди (***artučlanur, artučlanmaq***).

[اَرْكُچْلَنْدِى ***örkücländi*** (**ўркучланди**) – мавжланди, тўлқинланди] ***suw örkücländi*** – сув тўлқинланди (***örkücränür, örkücränmäk***).

[اَرْگُچْلَنْدِى ***örgücländi*** (**ўргучланди**)] ***qïz örgücländi*** – қизнинг сочи ўрадиган бўлди, жамалак бўлди (***örgücränür, örgücränmäk***).

[اَرْكُچْلَنْدِى ***örkücländi*** (**ўркучланди**)] ***ešič örkücländi*** – қозон ўчоқли бўлди, ўчоққа ўрнатилди (***örkücränür, örkücränmäk***).

ر ***r*** [ҳарфи]:

[اَدْغِرْلَنْدِى ***aδğïrlandï*** (**адғирланди**) – айғирланди, айғирга айланди] ***tay aδğïrlandï*** – той айғирланди, айғир қилиқли бўлди. Байталнинг айғирли бўлишига ҳам шу сўз қўлланади (***aδğïrlanur, aδğïrlanmaq***).

ق ***q*** [ҳарфи]:

[اَدْمَقْلَنْدِى ***uδmaqlandï*** (**удмақланди**)] ***er uδmaqlandï*** – киши шогирдли бўлди, ҳунар ўргатиш учун бола олди (***uδmaqlanur, uδmaqlanmaq***).

[اَرْتُقْلَنْدِى ***artuqlandï*** (**артуқланди**) – ортиқланди, ошиб кетди] ***er artuqlandï*** – киши ҳаддидан ошди, ҳовлиқди (***artuqlanur, artuqlanmaq***).

[اِژْمَقْلَنْدِى ***ïžmaqlandï*** (**ижмақланди**) – яраси кўпайди, бузилди] ***taz baši ïzmaqlandï (ïžmaqlandï)*** – калнинг боши бузилди, кали кўпайди; ***yer ïžmaqlandï*** – ернинг шўри кўпайди, шўрланди (***ïžmaqlanur, ïžmaqlanmaq***).

[اَغْرَقْلَنْدِى ***ağruqlandï*** (**ағруқланди**) – оғирсинди] ***ol bu išïğ ağruqlandï*** – у бу ишни оғирсинди, бу иш унга қийин туюлди. Бу сўз юк оғир эканлигини англатишга ҳам қўлланади (***ağruqlanur, ağruqlanmaq***).

[اَغْرَقْلَنْدِى ***oğraqlandï*** (**ўғрақланди**)] ***er oğraqlandï*** – киши ўғроқларга ўхшаб қолди, ўғроқлашди (***oğraqlanur, oğraqlanmaq***).

ك ***k*** [ҳарфи]:

[اَتْمَكْلَنْدِى ***etmäkländi*** (**этмакланди**) – нони кўпайди] ***er etmäkländi*** – кишининг нони кўпайди, бой бўлди (***etmäklänür, etmäklänmäk***). Бу хил феъллар кўп. Булар отлардан ясалади. Араб тилида бунга мисол кўп. Масалан, арабларда البن الرجل – сути кўпайди, اسحى – киядиган пўстини кўпайди, демакдир.

[اِچْمَكْلَنْدِى ***ičmäkländi*** (**ичмакланди**)] ***er ičmäkländi*** – киши барра кўзи терисидан пўстин (ичмак) кийди. "Пўстинли бўлди, пўстинга эга бўлди" мазмунида ҳам шу сўз қўлланади (***ičmäklänür, ičmäklänmäk***).

[اَرْسَكْلَنْدِى ***ersäkländi*** (**эрсакланди**) – эрсиради] ***ešlär ersäkländi*** – хотин эрсиради, шаҳвоний нафсини қондирмоқ истади (***ersäklänür, ersäklänmäk***).

[اَكْمَكْلَنْدِى ***ökmäkländi*** (**ўкмакланди**)] ***urağut ökmäkländi*** – хотин зиракли бўлди, зирак такди (***ökmäklänür, ökmäklänmäk***).

م ***m*** [ҳарфи]:

[اَگْرِمْلَنْدِی *egrimländi* (**эгримланди**) – гирдобланди, ўралиб оқди] ***suw egrimländi*** – сув ҳовузда гирдобланиб, ўралиб айланди (***egrimlänür***, ***egrimlänmäk***).

ن ***n*** [ҳарфи]:

[اِشْتَنْلَنْدِی *ištonlandï* (**иштўнланди**) – иштонли бўлди, иштон кийди] ***er ištonlandï*** – киши иштон кийди. Асли *ičtonlandï* дир. *šīn* билан *čīm* нинг махражлари бир-бирига яқин бўлгани учун *čīm šīn* га айланган (***ištonlanur***, ***ištonlanmaq***).

## Бу бўлимнинг *muḍā'af* лари

ق ***q*** [ҳарфи]:

[اَرْقَقْلَنْدِی *arquqlandï* (**арқуқланди**) – бўйин товлади, бош тортди] ***er arquqlandï*** – киши ишни қабул қилишдан бош тортди (***arquqlanur***, ***arquqlanmaq***).

ک ***k*** [ҳарфи]:

[اَمْکَکْلَنْدِی *emgäkländi* (**эмгакланди**)] ***ol bu išïg emgäkländi*** – у бу ишни оғир, қийин деб билди (***emgäklänür***, ***emgäklänmäk***).

[اَشْکَکْلَنْدِی *eškäkländi* (**эшкакланди**) – эшакли бўлди] ***er eškäkländi*** – киши эшакли бўлди, эшакка эга бўлди. Икки тилнинг бирида шу сўз қўлланади (***eškäklänür***, ***eškäklänmäk***).

[اِرْکَکْلَنْدِی / اَرْکَکْلَنْدِی *erkäkländi* / *irkäkländi* (**эркакланди** / **иркакланди**) – мавжланди, ҳурпайди] ***suw erkäkländi / irkäkländi*** – сув мавжланди, тўлқинланди; ***anïŋ yini erkäkländi*** – унинг юнги қўрқувдан ҳурпайди. Ботирлик кўрсатган кишига нисбатан ҳам шу сўз қўлланади (***irkäklänür***, ***irkäklänmäk***).

## Тўрт ҳарфлилар

پ ***p*** [ҳарфи]:

[اَرْپَالَادِی *arpaladï* (**арпалади**) – арпа берди, арпа билан боқди] ***ol atïn arpaladï*** – у отга арпа берди, арпа билан боқди, арпа едирди (***arpalar***, ***arpalamaq***).

ت ***t*** [ҳарфи]:

[اُرْتُولَادِی *ortuladï* (**ўртулади**) – ўрта ёшга борди] ***er yašïn ortuladï*** – киши ўрта ёшга борди, ўрта ёшли бўлди (***ortular***, ***ortulamaq***).

[اَرْتَالَادِی *ertäladi* (**эрталади**) – эрталади, вақтли бошлади] ***er išqa ertäladi*** – киши эрта ишга бошлади (***ertälär***, ***ertälämäk***[34]).

ر ***r*** [ҳарфи]:

[اِسْرِیلَادِی *esrilädi* (**эсрилади**) – бўяди, сирлади] ***ol kiδizni esrilädi*** – у кигизни бўяди, у кигизни қоплон рангли бўёқ билан (йўл-йўл қилиб) бўяди (***esrilär***, ***esrilämäk***).

[اُغْرِیلَادِی *oğriladï* (**ўғрилади**)] ***ol näŋ oğriladï*** – у нарса ўғирлади. Жонли тилда бу сўздаги *rā* ҳарфи *sukun* ли, яъни ***oğirladï*** деб ҳам айтилади, у тўғри эмас (***oğrilar***, ***oğrilamaq***).

ت ***t*** [ҳарфи]:

[اِکْتُولَادِی *iktülädi* (**иктулади**) – хашак берди] ***ol qoy iktülädi*** – у қўйга ва бошқаларга ем-хашак берди (***iktülär***, ***iktülämäk***).

غ ***ğ*** [ҳарфи]:

[اَرْغُولَادِی *arğuladï* (**арғулади**) – оралади, орасидан ўтди] ***ol ikki kiši ara arğuladï*** – у икки кишининг орасидан ёриб ўтди (***arğular***, ***arğulamaq***).

---

[34] Бу сўз *kāf* ва *qāf* билан ёзилган (اَرْتَالَامَاقْ).

[أُپكَلادی ***öpkäladi*** (**ўпкалади**) – ўпкасига урди] ***ol aŋar öpkäladi*** – у унинг ўпкасига урди (***öpkälär***, ***öpkälämäk***).

[أُپكِيلادی ***öpkiladi*** (**ўпкилади**) – ўпкалади, хафа бўлди, аразлади] ***ol andïn öpkiladi*** – у ундан ўпкалади, аразлади (***öpkilär***, ***öpkilämäk***).

Қоидалар ўз ўрнида айтилади. Тангрига мақтов бўлсинки, *hamza* лилар бўлими тугади.

بسم الله الرحمن الرحيم

**[(Сўзимни) раҳмдил ва меҳрибон Оллоҳнинг номи билан (бошлайман)]**

## БУ *SĀLIM*[35] ОТЛАР КИТОБИДИР

### ИККИ ҲАРФЛИЛАР БОБИ

ب ***p*** [ҳарфи]:

بَپ ***tap*** **(тап)** – "боп, етарли" маъносини берувчи юклама; масалан: ***bu aš meŋä tap*** – бу ош менга боп, етарли; ***tap boldï*** – мос бўлди, боп бўлди.

بُپ ***töp*** **(тўп)** – (бир турли егулик. Буни тайёрлаш учун) буғдойни сувда қайнатиб, арпа хамири билан аралаштирилиб, бир идишга солиб, наматга ўраб, иссиқ бир жойга қўйилади, эртасига ейилади.

جَپ جَپ ***čap-čap*** **(чап-чап)** – қамчин урилганда чиқадиган овоз ва лабнинг шапиллаган товуши, "шап-шап; чап-чап" дейилган тақлидий сўз; масалан: ***ol erük čap-čap yedi*** – у шафтолини чап-чап қилиб еди.

جُپ ***čöp*** **(чўп)** – шарбат қуйқаси ва ҳар қандай нарсанинг лойқаси. Тубан ва паст кишиларга ***čöp-čäp kišilär*** дейдилар.

جِپ ***čïb*** **(чиб)** – кичик, ингичка новда, ***čïbïq*** (чивиқ)нинг қисқаргани; ***topïq*** ни қисқартиб, ***top*** дейилгани сингари.

جُپ ***čöp*** **(чўп)** – тутмоч (нон) парчаси, бурдаси; ***bir čöp yegil*** – бир бурда егин. Бу сўз кесилган, майдаланган уграга нисбатан ҳам ишлатилади.

زَپ زَپ ***zap-zap*** **(зап-зап)** – юришда оёқ ҳаракатининг тезлигидан чиқадиган овоз, шип-шип деган сўздир; ***zap-zap barğïl*** – шип-шип, шипиллаб, тез боргин.

سَپ ***sep*** **(сеп)** – келинлар сепи, моли.

سِپ ***sïp*** **(сип)** – икки ёшли тойчоқ.

شَپ ***šap*** **(шап)** – тез, дарров. Бу арабча ҳарфи тахзиз дейилган هلا ***hallā*** (огоҳ бўл, тез бўл) сўзи қабидир; ***šap kel*** – тез кел.

قُپ ***qop*** **(қўп)** – таъкидлаш, пухталаш, ошириш маъноларида қўлланадиган юклама; масалан: ***oğul qop bedüdi*** – ўғил жуда катта бўлиб кетди; ***qop eδgü näŋ*** – жуда эзгу нарса.

[كَپ / كُپ ***köp / kip*** **(кўп / кип)**] ***köp / kip näŋ*** – кўп нарса, ўралиб кетган нарса; масалан: ***köp / kip sač*** – кўп соч, чувалган соч. Мақолда (шундай келган): ***Köp sügütkä quš qonar, körklüg kišikä söz kelir.*** Маъноси: "Сершох дарахтга қуш қўнади, яхши кишига сўз [мақтов] келади". Ёки бунинг бошқача шакли: ***Yiğač učïŋa yel tegir, körklig kišikä söz kelir.*** Маъноси: "Дарахт учига шамол тегади, юмшоқ одамга сўз етади". Шунинг учун у ўзини сақлаши керак, дейилади.

ت ***t*** [ҳарфи]:

بَت ***bat*** **(бат)** – чўкма, қуйқа.

[بَت ***bat*** **(бат)** – тез, дарров] ***bat kel*** – тез кел; ***šap kel*** – тез кел, сингари. Оғир нарсанинг ерга тушишида чиққан товушга ***bat tüšdi*** дейилади.

بِت ***bit*** **(бит)** – бит, мита. Буғдойга тушадиган майда қуртга ҳам ***bit*** дейилади; ***tarïğ biti*** – буғдой бити.

---

[35] *Sālim* – охирида *alif, vāv, yā* ва *hamza* ҳарфлари бўлмаган сўзлар.

چَتْ چَتْ ***čat-čat*** (**чат-чат**) – бирор нарса тушганда чиқадиган товушни англатувчи тақлидий сўз; ***čat-čat urdï*** – чат-чат урди, урганда чат-чат деган товуш чиқди.

چِتْ ***čït*** (**чит**) – қамиш ёки тикандан қилинадиган уй, чайла.

شَتْ ***šat*** (**шат**) – дадиллик, юраклилик, журъат; масалан: ***anïŋ ne šatï bar?*** (унинг нима юраги бор; унинг қандай журъати бор?) деганда (ўша кимсанинг) юраксизлиги кўрсатилади.

قَتْ ***qat*** (**қат**) – қат, қават; ***ton qatï*** – тўн қати. Тоғ қояларининг муюлишини ***qadraq*** дейиш ҳам шундандир.

قَتْ ***qat*** (**қат**) – ўғузча "ён" ва "олд" маъносида ишлатилади; ***beg qatïnda*** – бек ёнида.

قُتْ ***qut*** (**қут**) – бахт ва давлат; ***qutluğ*** сўзи ҳам шу сўздан ясалган. (Шоир) шундай деган:

***Qut-quwïğ bersä, iðim qulïŋa,***
***Kündä üsi yüksäpän yuqar ağar.***

Айтмоқдаки: Тангри қулига бахт-давлат берса, кун сайин унинг иши юқорилайди, авж олади.

كُتْ ***köt*** (**кўт**) – кўт.

مَتْ ***-mat, -mät*** (**-мат**) – "шундай" маъносини берувчи юклама; ***andağ-mat*** – у шундай.

ج ***č*** [ҳарфи]:

سَچْ ***sač*** (**сач**) – соч.

سُچْ ***suč*** (**суч**) – бирон нарсанинг ишга яроқсизлигини англатади; ***qïlïč suč qïldï*** – қилич ўтмаслик қилди; ***er suč qïldï*** – киши ишни қабул қилишдан тортинди.

قَچْ ***qač?*** (**қач?**) – қанча?, сон тўғрисида; ***qač yarmaq berdi?*** – қанча танга берди?

قُچْ ***qoč*** (**қўч**) – кўчкор. Бу ўғузча. Асли ***qočïŋar*** дир.

قَچْ ***qač*** (**қач**) – марта; масалан: ***qač qata aydïm*** – неча қайта айтдим.

كَچْ ***köč*** (**кўч**) – кўчиш, жўнаб кетиш; масалан: ***sü köčti*** – аскар кўчди.

كَچْ ***köč*** (**кўч**) – вақт, фурсат; масалан: ***bir köč küðgil*** – бироз кутгин, бироз тур.

هَچْ هَچْ ***hač-hač*** (**ҳач-ҳач**) – моллар бошини бермай ҳаракатланганда тинчитиш учун айтилувчи "хўш-хўш" деган сўз. Бу арабчага ўхшайди, чунки бу сўзда туркий тилда бўлмаган ***hā*** ҳарфи учрайди. Туркийда эса бу товуш йўқдир.

د ***d*** [ҳарфи]:

كَدْ ***ked*** (**кед**) – бу сўз ***ðāl*** билан ҳам, ***dāl*** билан ҳам талаффуз қилинади. Бирон нарсани таъкидлаш ва ошириб кўрсатиш мақсадида қўлланади; ***keð at*** – қандай яхши от; ***keð näŋ*** – қандай яхши нарса.

ر ***r*** [ҳарфи]:

بِرْ ***bir*** (**бир**) – бир; сон; ***bir yarmaq*** – бир танга. Бу сўзни بِيْر тарзида чўзикроқ талаффуз қилиш ҳам мумкин. Лекин бу хилда талаффуз қилинадиган сўзлар кўпдир. Туркий тилда айтилишида чўзиқлик, ёзилишида қисқалик яхшидир.

[تَرْ ***tar*** (**тар**)] ***er tarïldï*** – киши уялди, хижолат бўлди. Бу сўз ***ar boldï*** сўзига ўхшашдир.

چَرْ ***čer*** (**чер**) – вужуд оғирлиғини ифода этган тақлидий сўз; ***er čerländi*** – кишининг танаси оғирлашди (хоқония тилида).

چَرْ ***čer*** (**чер**) – вақт (ўғузча); масалан: ***bu čerlikdä kel*** – бу вақтда кел.

چَرْ ***čer*** (**чер**) – рўпара (ўғузча); масалан: ***anïŋ ewi bu čerlikdä*** – унинг уйи бу нарсанинг рўпарасидадир. Икки аскар сафига ҳам ***čerig*** дейдилар. Чунки улар ҳам бир-бирига рўпара турадилар.

چِرْ ***čïr*** (**чир**) – тўн ва бошқа кийимларнинг йиртилишида чиқадиган овоз; масалан: ***anïŋ tonïn čïr yïrtti*** – унинг кийимини чир йиртди.

چُرْ ***čür*** (**чур**) – фойда, манфаат; масалан: ***ol andïn näŋ čürlädi*** – у ундан фойдаланди.

***čur-čur*** (**чур-чур**) – сутни идишга соққанда эшитиладиган овоз. Ҳар бир суюқ нарсанинг товуши ҳам шундай.

***jir*** (**жир**) – жир, ёғ; ***ešiktä jir yoq*** – қозонда ёғ йўқ; ***bu että jir yoq*** – бу гўштда жир йўқ.

***sïr-sïr*** (**сир-сир**) – чигиртка чиқарадиган товушга айтилади; ***sïr-sïr etti*** – чириллади. Қора чигиртка чириллаб товуш чиқарди. Қамиш қалам ва бошқалар билан ёзаётганда чиқадиган овозга нисбатан ҳам шу сўз қўлланади.

***sïr*** (**сир**) – чинни косаларни бўяб нақшлаш учун елимдан тайёрлаб қўлланадиган сир; ***sïrlïğ ayaq*** – нақшланган, сирланган коса.

***šar-šar*** (**шар-шар**) – қаттиқ ёмғирнинг товуши. Ҳар бир суюқ нарсанинг оққан товуши ҳам шу сўз билан ифодаланади. Бу сўзда *šïn* ҳарфи *čïm* билан алмашган.

[***čar-čur*** (**чар-чур**)] ***ol čar-čur yedi*** – у қўлига тушганини қолдирмай еди.

***qar-qur*** (**қар-қур**) – қориннинг ғулдираши, қуриллаши] ***qar-qur etti qarïn*** – қорин қуриллади. Бу сўз айтилишда ва маъносида арабчага ўхшашдир.

***qur*** (**қур**) – мартаба; ***meniŋ qurïm uluğ*** – менинг мартабам улуғ.

***qur*** (**қур**) – куршовчи, белбоғ, камар; ***ičqur*** – хотинларнинг қўлтиқ остига тақадиган зийнати.

[***qïr*** (**қир**)] ***qïr yağï*** – махфий душман.

[***qïr*** (**қир**)] ***qïr at*** – саман от.

***qïr*** (**қир**) – тўғон, сув тўпланадиган жой.

***qïr*** (**қир**) – кир, ясси тоғ.

[***kür*** (**кур**)] ***kür er*** – оғир, довюрак, мағрур йигит. Мақолда (шундай келган): ***Kim kür bolsa, küwäz bolur.*** Маъноси: "Довюрак киши мағрур бўлади". (Шоир) шундай деган:

***Ertiš suwï yemäki,***
***Sïtğap tutar bilägi.***
***Kür-mät aniŋ yürägi,***
***Kelgäli-mät irkišür.***

*Yemäk* – қипчоқларнинг бир тоифаси (Улар Иртиш сувининг бўйида яшайди). (Шоир) айтмоқдаки: Улар билакларини шимариб (қаттиқ ҳозирланиб), бизга қарши юракларига ўт туташиб, тўпланишиб келишмоқда [Иртиш сувининг ямаклари билакларини қаттиқ шимариб, ғазаб билан бизга жанг қилиш учун тўпланмоқдалар].

ز *z* [ҳарфи]:

***biz*** (**биз**) – "биз" англамидаги олмош; ***biz keldimiz*** – биз келдик.

***tüz*** (**туз**) – тўғри, текис нарса; ***tüz yer*** – текис ер.

***čüz*** (**чуз**) – қизил ва қора рангли зар тикилган *šïn* ипак газмоли.

[***quz*** (**қуз**)] ***quz tağ*** – кун тушмас [яъни, терскай] тоғ, кун оққандагина чапдан кун тушадиган тоғ. У куннинг чап ёғида бўлади. Унда доимо қор ва совуқ бўлади. Мақолда (шундай келган): ***Quzda qar öksümäs, qoyda yağ öksümäs.*** Маъноси: "Қуз тоғда қор аримайди, қўйда ёғ аримайди".

[***qïz*** (**қиз**)] ***qïz näŋ*** – қимматбаҳо нарса; масалан: ***bu at qïz aldïm*** – бу отни қиммат нархга олдим.

***qïz*** (**қиз**) – қиз; жория; ***qïz qïrqïn*** – жориялар.

***qïz*** (**қиз**) – қиз; ***meniŋ qïzïm*** – менинг қизим; ***ev qïzï*** – бўйи етган ва уйда ўтириб қолган қиз, уй қизи; ***yinčkä qïz*** – бўйи етган қиз. Бу сўз озод қизлардан ташқари, сотиб олинган чўри қизларга нисбатан ҳам қўлланади. Асли "бўйи етган, лекин турмушга чиқмаган қиз" демакдир. Бошқа маънолар кейин истиора тарзида келиб чиққан.

قِزْ قُشْ ***qïzquš*** (**қизқуш**) – кишининг устига қўнадигандай паст учадиган қуш.

قِز كِشى ***qïz kiši*** (**қиз киши**) – бахил киши (арғуча). Мақолда (шундай келган): ***Qïz kiši sawï yoriğlï bolmas.*** Маъноси: "Бахил кишининг довруғи чиқмайди, шуҳрат қозонмайди". Бу мақол кишиларни яхши от чиқариш учун сахий бўлмоқ кераклигига ундаб айтилади.

كِز ***kez*** (**кез**): ўқнинг орқа томони ***oq kezi*** дейилади.

كِز ***kez*** (**кез**) – сут, ун ва бошқа овқатлардан қозон тагига ёпишиб қоладиган қирмоч; кириб олинади. Бунга ***ešič kezi*** (қозон қирмочи) дейилади.

كِز ***kez*** (**кез**) – *Šīn* да ишланган бир турли ипаклик.

كُز ***küz*** (**куз**) – куз, куз фасли.

كِز ***kiz*** (**киз**) – мушк қутичаси, тахт, сандиқ, чамадон ва бошқалар. ***Kizdäki kiz yïpar.*** Маъноси: "Мушк ҳиди мушк қутичасида сақланиб қолади" ["Ипор ҳиди ипор сандиғида сақланиб қолади"]. Бу сўз хотинлар оғзининг ҳиди мушкка ўхшатилган вақтда қўлланади.

مِز ***miz*** (**миз**) – "биз" маъносидаги бир қўшимча. Бу сўзда *bā mīm* га алмашган; *bā* ҳарфи сўзнинг бошида келганда ишлатилади; ***biz bardïmïz*** – биз бордик; ***keldimiz*** – келдик. Бу қоида бутун от ва феъллар учун умумийдир; ***atïmïz*** (отимиз) каби.

س ***s*** [ҳарфи]:

بِسْ ***bis*** (**бис**) – мешга ўхшаш нарсаларнинг тагида қоладиган силқинди.

[تَسْ ***tes*** (**тес**) – ошириш қўшимчасидир (ўғузча)]. Ўғузлар юмалоқ нарса тўғрисида ошириб сўзламоқчи бўлганларида ***tes tegirmä*** дейдилар, бу "дум-думалоқ" демакдир. Бу қоидага хилофдир. Чунки нарсаларнинг рангларини тавсифлашда сўзнинг бош ҳарфини олиб, унга *bā* [яъни *p*] қўшиш бутун турк тиллари учун (умумий) қоидадир. Ўғузлар эса *mīm* қўшадилар. Тўқ кўк рангли нарсани турклар ***köp-kök*** (десалар), ўғузлар ***köm-kök*** дейдилар. Яъни турклар ***kök*** сўзининг бош ҳарфига *bā* [яъни *p*] ҳарфини қўшиб, ошириш сўзи – ***köp*** шаклини ҳосил қиладилар. Ранг маъносидаги ***kök*** сўзи олдига *bā* [яъни *p*] ҳарфини қўйиб, ***köp-kök*** тарзида қўллайдилар. Ўғузлар *bā* [яъни *p*] ни *mīm* га алмаштириб, ***köm-kök*** тарзида қўллайдилар.

***sarïğ*** сўзининг оширма сифатини ***sap-sarïğ*** тарзида қўллайдилар; ***sarïğ*** сўзининг олдидаги *sīn* ҳарфини олиб, унга *bā* [яъни *p*] ни қўшиш орқали ясалади. Ундан кейин ранги айтилаётган нарсанинг оти келтирилади. Шунинг сингари "бўш ер, очиқ ер" маъносидаги ***yazï*** сўзининг оширма сифатини ***yap-yazï*** дейилади. Бутун оширма сифатлар шу тарзда ясалади, аммо *bā* [яъни *p*] ўрнида *sīn* қўллаш қоидага ётдир.

تَسْ ***tas*** (**тас**) – ёмон, паст нарса (ўғузча); ***bu at tas tegül*** – бу от ёмон эмас.

تُسْ تُسْ ***tos-tos*** (**тўс-тўс**) – тўн ва намат сингари юмшоқ нарсани урилганда эшитиладиган овоз; ***tos-tos urdï*** – тўс-тўс урди.

كَسْ ***kes*** (**кес**) – ҳар нарсанинг бўлаги; ***bir kes etmäk*** – бир бўлак нон.

كَسْ ***kes*** (**кес**) – кесак, таҳорат синдирилганда ишлатилади.

كِسْ ***kis*** (**кис**) – хотин; ***anïŋ kisi*** – унинг хотини. Бу ерда изофа йўқдир. Баъзилар изофали қилиб, ***ol kiši aldï*** (у хотин олди) деб қўллайдилар.

ش ***š*** [ҳарфи]:

[بُشْ ***boš*** (**бўш**)] ***boš yïlqï*** – бўш, эркин йилқи. Шундан олиниб, ***ol ešlär boš*** (у хотин эркин, у хотинни озод қилди, ташлади, унутди) дейдилар; ***ol qul boš qïldï*** – у қулни озод қилди. Умуман, "озод" сўзини ***boš*** сўзи билан ифода қиладилар. Мақолда (шундай келган): ***Boš näŋkä iði bolmas.*** Маъноси: "Бўш нарсага эга йўқ", демакдир. Бу мақол билан ўз молини пухта сақлашга ундалади.

تُشْ ***tüš*** (**туш**) – тушиладиган, қўниладиган жой, шунингдек, "тушиш вақти"; ***tüš öði*** – тушим вақти.

**ﭺﺶ *čaš*** **(чаш)** – феруза ранг. (Шоир) шундай деган:

***Yaratti yašil čaš,***
***Sawurdï örüŋ qaš.***
***Tïzildi Qaraquš,***
***Tün-kün üzä yörgänür.***

Осмонни таърифлаб айтмоқда: Тангри осмонни феруза рангида кўм-кўк қилиб яратди, юлдузлар билан безади. Узукка кўз қўйгандек, қош – оқ узук учун ишлатиладиган тош – *Mïzān* юлдузи [яъни *Qaraquš*] унда тизилди. Кеча билан кундуз бир-бирининг устига қопланади [(Тангри осмонни) тиниқ феруза рангли қилиб яратди, (унинг устига) оқ қош (узук кўзи)ни сочди. Қоракуш (Мезон юлдузи) тизилди. Тун кун устига қопланди].

**ﭺﺶ ﭺﺶ *čïš-čïš*** **(чиш-чиш)** – ёш болалар ва чақалоқларни тўсишда хотинлар томонидан қўлланадиган "чуш-чуш" деган сўз. От минган киши ҳам отни миниб келгандан сўнг, уни сийдириш учун шу сўзни қўллайди.

**ﺲﺸ *sïš*** **(сиш)** – сих. Тутмоч деган овқатни тизишга хизмат қиладиган нарсага ҳам шу сўз қўлланади.

**ﻖﺸ *quš*** **(куш)** – қуш. Жамликни билдирадиган турдош от. Кейин буларни бир-биридан айиришда керакли сўзлар қўшилади: ***örüŋquš*** – оқ лочин; ***qaraquš*** – бургут; ***tewäyquš*** – туяқуш; ***yunquš*** – товус; ***ilquš*** – илқуш, қирғий. Сўнгра *Muštarī* юлдузига ҳам ***Qaraquš*** дейилади. ***Qaraquš tuğdï*** – *Muštarī* юлдузи чиқди, демакдир. У тонг чоғида чиқади. Ўғузлар "туя оёкларининг учи"га ҳам ***qaraquš*** дейдилар; ***qïzquš*** – тукининг ранги ***bay baraqïš*** рангига ўхшаш бўлган бир қуш, яъни қизилтўш қуш.

**ﻖﺸ *qïš*** **(қиш)** – қиш. Мақолда (шундай келади): ***Qïš qonuqï ot.*** Маъноси: "Қишнинг зиёфати ўт, оловдир".

**ﺖﻒ *tew*** **(тев)** – ҳийла, найранг. Мақолда (шундай келган): ***Awčï nečä al bilsä, aδïğ anča yol bilir***[36]. Маъноси: "Овчи қанчалик ов ҳийласини билса, айиқ ҳам қочиш учун шунча йўл билади".

**ﭺﻒ *čiw*** **(чив)** – майнинг хум ва бошқа нарсада қайнашидан чиққан товуш, "жиғ-жиг" сингари.

**ﻖﻒ *qïw*** **(қив)** – бахт, толих.

**ﻖ *q*** [ҳарфи]:

[**ﻖﻖ *toq*** **(тўқ)**] ***toq kiši*** – тўқ киши; ***toq er*** – турклардаги сингари бошида туки (сочи) йўқ киши; ***toq yïlqï*** – шохсиз тўқол ҳайвон; ***toq-toq etti*** – тўқ-тўқ қилди, тошни тошга урганда чиқадиган бир товуш; ***er kiši birlä toq-toq boldï*** – эр-хотин орасида келишмовчилик бўлди.

**ﭺﻖ *čaq*** **(чақ)** – худди, айнан; "чоқ" сўзи каби бир нарсанинг айнан ўзини билдирадиган сўз; масалан: ***čaq ol atnï tutğïl*** – шу отнинг ўзинигина тутгин; ***čaq amačnï urğïl*** – нишоннинг ўзинигина ургин.

**ﭺﻖ ﭺﻖ *čaq-čuq*** **(чақ-чуқ)** – ўтин, суяк ва ёнғоқ сингари нарсаларнинг синган чоғидаги товушини билдирадиган сўз; ***čaq-čuq etti*** деган гап шу маънода қўлланган.

**ﭺﻖ *čaq*** **(чақ)** – "чурқ" деган тақлидий сўз; ***ol anï urdï, čaq etmädi*** – у уни урди, у чурқ этмади, яъни додламади ҳам, товуш ҳам чиқармади.

**ﺰﻖ ﺰﻖ *zaq-zaq*** **(зақ-зақ)** – кўчқорни сузиш учун қистаб айтиладиган сўз.

---

[36] Бу ўринда *tew* сўзига мисол келтирилаётган бўлса-да, унга маънодош бўлган *al* сўзи берилган. Бошқа ўринда ҳам ушбу мақол *al* сўзи билан келган.

***saq-saq*** سَقْ سَقْ (**сақ-сақ**) – кўрғон, от ва бошқа нарсаларни ёвдан сақлашда кўрикчи ва чегарачиларни огоҳ қилиш учун "ҳушёр бўл" деган маънода қўлланадиган сўз; ***saq-saq*** – ҳушёр бўл, демакдир; ***saq er*** – ҳушёр киши.

[***soq*** سُقْ (**сўқ**) – сўққабош (киши)] ***soq yalïŋus er*** – сўққабош эр, на ўртоғи бор, на ёрдамчиси бор, бутунлай ёлғиз, кимсасиз киши.

***k*** ك [ҳарфи]:

[***bek*** بَكْ (**бек**) – мустаҳкам, маҳкам] ***bek näŋ*** – мустаҳкам, маҳкам нарса.

***bük*** بُكْ (**бук**) – чакалакзор.

***bük*** بُكْ (**бук**) – бурчак (арғуча).

***tek*** تَكْ (**тек**) – анчайин, шунчайин; ***tek keldim*** – шунчайин, анчайин, бирор мақсадсиз келдим; ***tek tur*** – тек тур, жим тур (ўғузча).

***ček-čük*** چَكْ چُكْ (**чек-чук**) – лахтак-лухтак, арзон мато.

***čök-čök*** چُكْ چُكْ (**чўк-чўк**) – туяни чўктиришда қўлланадиган сўз.

***čik-čik*** چِكْ چِكْ (**чик-чик**) – эчкиларни чақиришда қўлланадиган сўз. Бу сўз суғоришда ҳам айтилади.

***čik / čük*** چِكْ / چُكْ (**чик / чук**) – чик. Ошиқ ўйинида ошиқнинг қорни билан ётган ҳолати, чикка; ***čik / čük turdï*** – чикка турди.

[***dük*** دُكْ (**дук**)] ***dük urdï*** – кафти билан енгилгина, "дук" этиб урди.

[***dük*** دُكْ (**дук**)] ***dük miŋ*** – минглар орасидаги сон; ***dük miŋ yarmaq*** – минглар орасидаги танга, шу миқдордаги пул.

[***dik*** دِكْ (**дик**)] бирон нарса тикка турганда ***dik turdï*** дейилади.

***sik*** سِكْ (**сик**) – эркакнинг олати. *Maḥmūd* (Кошғарий) айтади: Одоб юзасидан ва буюк Тангрининг Китобига ҳурмат сақлаш учун Қуръон ўқиганда уни ўқувчи киши эркак ва хотинлар олдида қуйидаги оятларни паст овоз билан ўқиши керак:

وَ اثنت كل وَاحدة منهن سِكينا وكذلك قوله تعالى ما يفتح الله للناس مِن رَحمة فلامسيك لَهَا وَمَايمسِك فلا مرسِلَ له مِن بَعده

Бу хил оятларни уларнинг олдида секинликда ўқиш керак. Чунки улар бу сўзлар маъносини тушунмай, ўз тилларидаги маънода гумон қилиб, гуноҳкор бўладилар ва куладилар. Шунингдек, إِن هَذا الا إِختِلاق оятини ўқиганда секин ўқилиши керак. Чунки تِلاق ***tïlaq*** турк тилида "хотинлар аврати" маъносидадир. Шунингдек, арабча сўроқ кўмакчиси сўзини ҳам қуйидаги каби оятларда انتم انزلتموه مِنْ المزن أم نحن المنزِلون овоз чиқармай ўқилиши керак. Чунки ўғузча ***am*** сўзи "хотинлар аврати"дир. Аммо сўз маъносини билганлар олдида ўқийвериш зарарсиз.

***šük*** شُكْ (**шук**) – тинчитиш, тўхтатиш сўзи; ***šük tur*** – жим тур.

[***mük*** مُكْ (**мук**) – мук, эгилиб букилиш] ***ol mük turdï*** – у букилиб турди.

***l*** ل [ҳарфи]:

[***bul*** بُلْ (**бул**)] ***bul at*** – оёқларида оқи бор от. Пешонаси оқ қашқали отларга ***uğar bul*** дейилади. Узоқ туриб қолишдан таъми кетган буғдойга ҳам ***bul*** дейилади. Кўп йиллар туриб қолиб, таъми кетган буғдойга ***bul tarïğ*** дейилади. Ёмғирдан, намдан ёки узоқ туриб қолиши натижасида эскирган ҳар бир нарсага ҳам ***bul*** дейилади. Бу сўзда арабчага ўхшашлик шаклда ҳам, маънода ҳам бор. Чунки бу сўзнинг арабчаси بُلْ *bul* дир.

***tïl*** تِلْ (**тил**) – сўз, калом; ***ol aŋar tïl tegürdi*** – у унга тил тегизди; тили билан, сўзи билан изо берди.

***tïl*** تِلْ (**тил**) – тил. Мақолда (шундай келган): ***Erdäm bašï tïl.*** Маъноси: "Одоб-фазилатнинг боши – тил". Бу ерда ***tïl*** – "яхши сўз" демакдир. Арабча المرء مخبو تحت لِسانِه каби.

تِلْ ***til*** **(тил)** – сўз, луғат; ***oğuz tili*** – ўғуз сўзи, ўғуз тили; ***yabaqu tili*** – ябақу тили. Бу сўз маъно жиҳатдан арабчага мувофиқ келади. Арабча "тил" маъносидаги لسان *lisān* сўзи ҳам кўп маъноларни англатади. انى اتتنى لسان لا اسر بها من علو لاعجب فيها ولاسخر деганда لسان *lisān* – "луғат, сўз" демакдир.

تِلْ ***til*** **(тил)** – ёв тарафдан келган киши; ***til tutdim*** – ёв аҳволини суриштириб билиш учун тил, яъни асир тутдим.

چِلْ ***čil*** **(чил)** – терига тушган калтак изи.

[شَلْ شُلْ ***šal-šul*** **(шал-шул)**] ***šal-šul eliglig*** – қўли ишга қовушмаган укувсиз киши.

قُلْ ***qul*** **(қул)** – кул. Мақолда (шундай келган): ***Qul – yağï, ït – böri.*** Маъноси: Қул – ёв, у қўлидан келса, эгасининг молидан олиб, фурсат топиб, қочишнинг пайида бўлади. Ит ҳам хонадон учун бўридир. Чунки у ейдиган нарса топса, ундан ўзини тия олмайди. Бу мақол қулнинг хўжайинига оз вафо қилишини билдириш учун айтилган.

قِلْ ***qïl*** **(қил)** – қил, мўй. Одам ва бошқа нарсанинг мўйи.

قِلْ قُشْ ***qïl quš*** **(қилқуш)** – эрта кўкламда келадиган, ўрдакдек бир қуш. Беклар илк баҳорда уни бир-бирларига совға қиладилар. Уни ***qïl quδruq*** деб ҳам атайдилар.

كُلْ ***kül*** **(кул)** – кул. Мақолда (шундай келган): ***Kül ürgünčä, köz ürsä yig.*** Маъноси: "Кул пуфлагунча, чўғ пуфлаган яхши". Бу мақол кичик ишни ташлаб, катта ишга уринувчиларга қарата айтилган.

م ***m*** [ҳарфи]:

تَمْ ***täm*** **(там)** – тамба, тиргович (эшик орқасига тиралади); ***qapuğ tamlatdï*** – эшикни тамбалади.

تُمْ ***tum*** **(тум)** – совуқ. Аслида "совуқ" маъносида шу ***tum*** сўзи ишлатилса-да, яна айни маънода ***tumluğ*** сўзи ҳам қўлланади. Совуқ нарсага ҳам шундай дейилади.

تُمْ ***tum*** **(тум)** – мол, ҳайвонлар рангини аниқлашда "тўқ" маъносини бериш учун қўлланадиган сўз; ***tum qara at*** – тим қора от, жуда қора, тиниқ қора от; ***tum toruğ at*** – бутунлай тўриғ от.

چِمْ ***čïm*** **(чим)** – бирон нарсанинг намлигини ёки хомлигини ошириб кўрсатишда қўлланадиган сўз; ***čïm yig et*** – жуда хом эт, гўшт; ***čïm öl ton*** – жуда ҳўл кийим.

چِمْ ***čim*** **(чим)** – ердан ўриб олиб, қуёшда қуритилиб, ёқиладиган ўт; ***čim bičti*** – чим ўрди, чим кесди.

[سُمْ ***süm*** **(сум)** – жуда] ***süm sučüg näŋ*** – жуда ширин нарса, чуп-чучук нарса (ўғузча).

قُمْ ***qum*** **(қум)** – кум (чигилча), ўғузлар билмайдилар.

كَمْ ***kem*** **(кем)** – касаллик; ***at kemländi*** – от ва бошқа ҳайвонлар касалланди.

كُمْ ***köm*** **(кўм)** – ранг тўғрисидаги ***kök*** сўзининг олдига қўшилиб, сифатни ошириб кўрсатувчи олд қўшимча. Ўғузча ***köm-kök*** каби.

كِمْ ***kim?*** **(ким?)** – сўроқ сўзи, ким? ***bu kim?*** – бу ким? Бирлик, кўплик учун қўлланади. ўғузлар ***boy kim?*** дейдилар, "бу қайси қабила?" демакдир; ***boy*** сўзи кўплик ўрнида қўлланади.

ن ***n*** [ҳарфи]:

بَنْ ***ben*** **(бен)** – "мен" англамидаги бир сўз; ***ben bardïm*** – мен бордим (ўғузча). Турклар ***men*** дейдилар.

تُنْ ***tün*** **(тун)** – тун, кеча, кеч; ***tünlä keldim*** – кеч билан келдим, кечаси келдим.

تِنْ ***tïn*** **(тин)** – руҳ, жон, нафас; масалан: ***anïŋ tïnï kesildi*** – унинг жони узилди.

تِنْ ***tin*** **(тин)** – юган; ***tin tizgin*** – юган ва тизгин.

چِنْ ***čïn*** **(чин)** – тўғри, рост; ***čïn sözlär*** – тўғри сўзлар, чин сўзлар; ***čïn aydïŋ*** – чин айтдинг, рост айтдинг.

سَنْ ***sen*** **(сен)** – “сен” англамидаги бир сўз. Турклар бу сўзни кичикларга, хизматчиларга ҳамда сўзловчидан даража, мартаба, ёшда қуйи бўлган кишиларга нисбатан айтадилар. Ўзларидан юқори ҳурматли кишиларга ***siz*** дейдилар. Ўғузлар аксинча қўллайдилар, яъни катталарга ***sen***, кичикларга ***siz*** деб қуллайдилар. Кўпликда ҳам шуни ишлатадилар. Қоида шудир. Чунки ***siz*** кўпликдир.

قِنْ ***qïn*** **(қин)** – қилич ва пичоқлар қини; ***qïlïč qïnï*** – қилич қини.

كَنْ ***ken (~kän)*** **(кен~кан)** – кунчиқар томондаги ҳар бир шаҳарга ***ken (~kän)*** дейдилар. Бу сўз ***kend (~känd)*** нинг қисқарганидир.

كُنْ ***kün*** **(кун)** – кун, қуёш; ***kün tuğdï*** – кун туғди, қуёш чиқди. Мақолда (шундай келган): ***Küŋä baqsa, köz qamar.*** Маъноси: “Кунга бокса, кўз қамашади”.

كُنْ ***kün*** **(кун)** – кун, кундуз; ***bu kün barğïl*** – бугун боргин. Кун қуёшнинг нуридан пайдо бўлгани учун у ҳам шу ***kün*** сўзи билан аталади.

[كِنْ ***kin*** **(кин)**] ***kin yïpar*** – мушк кўпиги.

مَنْ ***men*** **(мен)** – “мен” англамидаги бир сўз (туркча).

مُنْ ***mün*** **(мун)** – шўрва. Бу яғмоларда эшитдим; ***mün keldür*** деганларида уврали шўрва ҳозирлаганларини кўрдим. Бу сўзларни ёзишда бир чўзиқ ҳарф (унли ҳарф) орттириш ҳам мумкин эди, лекин талаффузга кўра биз ёзганимизчадир. Унга эса зарурат йўқ.

Икки ҳарфли *sālim* сўзлар боби битди.

**БУ УЧ ҲАРФЛИЛАР БОБЛАРИДИР**

***fu'l, fa'l, fi'l*** **қолипида олдинги ҳарфи турли ҳаракатда бўлиб, ўртаси ҳаракатсиз бўлган сўзлар бўлими**

ت ***t*** [ҳарфи]:

بَرْتْ ***bart*** **(барт)** – май ва шу каби суюқ нарсалар ўлчови.

يَرْتْ ***yart*** **(йарт)** – сув ичиладиган идиш (ўғузча); ***yart yurt tuttï*** – ҳар тарафдан бирдан олди.

يُرْتْ ***yurt*** **(йурт)** – босинқираш, қора босмоқ. Шунинг учун (؟) كتى يُرْتْ ҳам дейдилар.

بِيرْتْ ***bert*** **(берт)** – берим; қулнинг ҳар йили ўз хўжайинига берадиган тўлови. Бу сўзни ***yā*** билан بِيرْتْ шаклида ёзган тузук.

[تِرْتْ ***tïrt-tïrt*** **(тирт-тирт)** – газмол йиртилганда чиқадиган овоз] ***anïŋ tonïn tïrt-tïrt yïrttï*** – унинг кийимини тириллатиб, тирт-тирт йиртди.

[تُرْتْ ***tört*** **(тўрт)** – тўрт] ***tört yarmaq*** – тўрт танга. Бу умуман “тўрт” сонини англатади; ثُورْتْ тарзида ***vāv*** билан ёзиш тузукроқ.

چَرْتْ ***čart-čurt*** **(чарт-чурт)** – ҳар нарсанинг майдаси, синиғи; ***biznïŋ anda bir čart alğumïz bar*** – бизнинг ундан бироз оладиган нарсамиз бор.

[چِرْتْ ***čïrt*** **(чирт)**] ***čïrt suδtï*** – тишлари орасидан чиртиллатиб тупурди.

سَرْتْ ***sart*** **(сарт)** – савдогар. Мақолда (шундай келган): ***Sart azuqï arïğ bolsa, yolda yer.*** – Бу мақолнинг изоҳи бир неча марта айтилди.

[سَرْتْ سُرْتْ ***sart-surt*** **(сарт-сурт)**] ***anïŋ aδaqï sart-surt qïldï*** – унинг оёғи халф-хулф қилди, каттароқ оёқ кийими кийганда чиқадиган овоз.

سِرْتْ ***sïrt*** **(сирт)** – қуйруқ, дум, соч. Ўғузлар кичик тепа ва водийларга ҳам ***sïrt*** дейдилар.

قَرْتْ ***qart*** **(карт)** – яра. Шундан олиб, хулқи бузуқ, қайсар кишига ***qart er*** дейдилар.

قُرْتْ ***qurt*** **(курт)** – курт (ҳашорат), бутун турклар шундай дейди, фақат ўғузлар бўрини ***qurt*** дейдилар.

[قَرْتْ قُرْتْ ***qart-qurt*** (**карт-курт**)] ***elig qart-qurt etti*** – бармоқлар қирсиллади; қарс-курс қилди.

[قِرْتْ ***qïrt*** (**кирт**)] ***qïrt ot*** – калта ўт. Шунингдек, калта сочга ҳам ***qïrt sač***, бахил ва хулқсиз кишига ***qïrt kiši*** дейилади.

[كُرْتْ كُرْتْ ***kürt-kürt*** (**курт-курт**) – от ем еганда чиқадиган овоз] ***at arpanï kürt-kürt yedi*** – от арпани курт-курт еди. Шунингдек, одам бодринг каби нарсаларни қаттиқ чайнаб еганда чиқадиган овозга ҳам бу сўз қўлланади.

كُرْتْ ***kürt*** (**курт**) – тоғ дарахтларининг бир тури. Ундан камон, қамчин ва ҳасса ясалади.

چ ***č*** [ҳарфи]:

[قَرْچْ قُرْچْ ***qarč-qurč*** (**карч-курч**) – ғарч-ғурч] ***er turmuznï qarč-qurč yedi*** – эр бодрингни ғарч-ғурч чайнаб еди.

[قُرْچْ ***qurč*** (**курч**) – чидамли, пишиқ] Пўлатни ***qurč temür*** дейилади. Чидамли, пишиқ кишига ***qurč erän*** дейдилар. Ҳар бир тиғиз ва қаттиқ нарсага ҳам шу сўз қўлланади.

مُرْچْ ***murč*** (**мурч**) – мурч.

كَنْدْ ***kend (~känd)*** (**кенд~канд**) – шаҳар. Бундан олиниб *Käšğar* ни ***Ordukend*** – “хон турадиган шаҳар; марказ” маъносида қўлланади. Чунки бу шаҳарнинг ҳавоси яхши бўлгани учун *Afrāsiyāb* шу ерда яшар эди. У қуйи *Šïn* дир. (Шоир) шундай деган:

***Kelıyizläyü aqtïmïz,***
***Kendlär üzä čïqtïmïz,***
***Wurxan ewin yïqtïmïz,***
***Burxan üzä sïčtïmïz.***

Уйғурларга қарши жангларни таърифлаб айтмоқда: Селдек уларга оқдик, шаҳарлар ичига кирдик, бутхоналарни йиқитдик, ҳатто бутлар устига ўтирдик (булғатдик). Бу мусулмонлар кофирлар устидан ғалаба қилганларидаги одатларидир. Таҳқир қилиб, бутлари устидан сиядилар [Селлар каби оқдик, шаҳарлар тепасига чиқдик, бутхона уйларини (бузиб) йиқитдик. Бутхоналар устига бавл қилдик].

كَنْدْ ***kend (~känd)*** (**кенд~канд**) – ўғузлар ва улар билан яқин турувчилар тилида “қишлоқ”. Кўпчилик турклар наздида “вилоят”дир. Шунинг учун *Farğāna* ни ***Özkend*** – “ўз шаҳримиз” дейдилар. *Samarqand* ни катталиги учун ***Semizkend*** – “семиз шаҳар” дейдилар. Буни форслар *Samarqand* тарзида қўллайдилар.

س ***s*** [ҳарфи]:

بَرْسْ ***bars*** (**барс**) – барс, қоплон.

بَرْسْ ***bars*** (**барс**) – туркча ўн икки мучал йилларидан бирининг номи. Турклар ўн икки хил ҳайвон исмидан ўн икки йилга от қўйганлар. Туғилиш, жанг тарихлари ва бошқаларни ана шу йиллар айланишидан ҳисоблайдилар. Бунинг келиб чиқиши шундай: турк хоқонларидан бири ўзидан бир неча йил олдин бўлиб ўтган урушни ўрганмоқчи бўлган. Шунда у уруш бўлиб ўтган йилни аниқлашда янглишганлар. Бу масала юзасидан (хоқон) қавми билан кенгашди ва айтди: “Биз бу тарихни (аниқлашда) қанчалик янглишган бўлсак, биздан кейин ҳам шундай янглишадилар. Шундай бўлгач, биз энди ўн икки ой ва осмондаги ўн икки буржга асосланиб, ўн икки йилга от қўйишимиз керак, токи биздан кейин йил ҳисоби шу йилларнинг айланишига қараб олинсин ва бу нарса абадий бир ёдгорлик бўлиб қолсин”. Улар: “Айтганингиздек бўлсин”, дейишди.

Хоқон овга чиқди ва кишиларга ваҳший ҳайвонларни *Ïlä* дарёси томон қувишни буюрди, бу жуда катта сув. Кишилар ов қилиб, ҳайвонларни сув томон ҳайдай бошладилар, шунда ўн икки ҳайвон сувдан ўтди. Ўн икки йилни ана шу ўн икки ҳайвон оти билан атадилар. Энг олдин сувдан ўтган ҳайвон ***sïčğan*** (сичқон) бўлди. Шунинг учун йил боши унинг оти билан

аталди, шу сўзга йил қўшиб ***sïčğan yïlï*** (сичқон йили) деб атадилар. Ундан кейин ўтганлари қуйидаги тартибда бўлди ва уларнинг ҳар бири бир йил учун исм бўлиб қолди:

***ud yïlï*** (**уд йили**) – сигир йили;

***bars yïlï*** (**барс йили**) – барс йили;

***tawïšğan yïlï*** (**тавишган йили**) – қуён йили;

***nek yïlï*** (**нек йили**) – тимсоҳ йили;

***yïlan yïlï*** (**йилан йили**) – илон йили;

***yund yïlï*** (**йунд йили**) – от йили;

***qoy yïlï*** (**қўй йили**) – қўй йили;

***bičin yïlï*** (**бичин йили**) – маймун йили;

***taqağu yïlï*** (**тақағу йили**) – товуқ йили;

***it yïlï*** (**ит йили**) – ит йили;

***toŋuz yïlï*** (**тўнғуз йили**) – тўнғиз йили. Тўнғизга етгандан кейин, ҳисоб яна ***sïčğan*** (сичқон)дан бошланади. Бу китобни ёзган йилимиз тўрт юз олтмиш олтинчи (466) йилнинг муҳаррам ойида ***yïlan yïlï*** (илон йили) кирган эди. Бу йил ўтиб, тўрт юз олтмиш еттинчи йил келса, ***yund yïlï*** (от йили) киради. Йил ҳисоби мана шу мен кўрсатган тартибда олиб борилади. Туркlар бу йилларнинг ҳар қайсисида бирор ҳикмат бор, деб тахминлайдилар: масалан, уларча сигир йили бўлса уруш кўп бўлади, чунки сигир – бир-бири билан сузишадиган ҳайвон. Товуқ йили кирса, озиқ-овқат кўпаяди, лекин одамларда ташвиш ортади. Чунки товуқнинг овқати дон бўлиб, уни топиб ейиш учун нарсаларни титиб юради. Тимсоҳ йили кирса, ёғингарчилик ва ҳосил кўп бўлади, чунки у сувда яшайди. Тўнғиз йили кирса, совуқ қор ва фитна кўп бўлади. Шунга ўхшаш, ҳар йилга бирор тахмин юритадилар.

Туркларда ҳафтадаги етти куннинг исми йўқ, чунки ҳафта исломдан сўнг шуҳратланди. Шунга ўхшаш ой исмлари ҳам шаҳарларда арабча юритилади. Кўчманчи ва мусулмон бўлмаган туркlар ойларни тўрт фасл билан атайдилар. Ҳар уч ойни бир исм билан юритадилар. Йил ўтишини шундай биладилар. Масалан: наврўз (янги кун) дан кейинги илк баҳорга ***oğlaq ay***, сўнгра ***uluğ oğlaq ay*** дерлар. Чунки ой бу вақтда катта бўлиб қолади. Бундан кейингисига ***uluğ ay*** дейилади. Чунки бу ой ёзнинг ўртасида бўлиб, бу вақтда сут ва ер неъматлари мўл-кўл бўлади. Бу исмлар кам қўлланган учун ҳаммасини айтишни муносиб кўрмадик. Ўзинг тушуниб ол.

***bars*** (**барс**) – чивин, пашша чақишида ёки эшакеми бошланишида терида пайдо бўлган пайса, шиш; ***anïŋ eti bars boldï*** – унинг эти пайса бўлди, шишди.

***ters*** (**терс**) – терс, қийин; ***ters iš*** – қийин иш.

[***čars-čars*** (**чарс-чарс**) – чарс-чарс, қарс-қарс каби ҳар тарафдан эшитиладиган овоз] ***ol anï čars-čars urdï*** – у уни қарс-қарс урди. Яна ***tars-tars urdï*** деганда "ҳар тарафдан урди" деган маъно англашилади.

***qars*** (**қарс**) – туя ёки қўй юнгидан қилинган кийим.

[***qars-qars*** (**қарс-қарс**) – қўл уриш, чапак чалишдан чиққан овоз] ***ol qars-qars aya yapdï*** – у қўллари билан қарс-қарс чапак чалди.

***w*** [ҳарфи]:

[***külw*** (**кулв**)] ***tam külw yïqïldï*** – девор гурс этиб, бирдан йиқилди.

***q*** [ҳарфи]:

***ew-barq*** (**эв-барқ**) – уй ва ҳовли, уй-жой; ***barq*** сўзи айрим ишлатилмайди, жуфт ҳолдагина қўлланади.

***turq*** (**турк**) – ҳар нарсанинг узунлигига айтилади; ***bir söŋü turqï*** – бир найза узунлигида; ***yer eni turqï*** – ернинг эни ва бўйи.

[***čulq*** (**чулк**)] ***čulq esgürük*** – қаттиқ, сархуш, маст; ***čalq-čulq yudruqladï (?)*** – у уни шақшуқ урди.

***qïrq*** (**кирк**) – сонда қирқ. Мақолда (шундай келган): ***Qïrq yïlqa tegin bay čïğay tüzlinür.*** Маъноси: "Қирқ йилгача бой билан камбағал тенглашади". Яъни вақт ўзгариши билан ёки ўлим билан шундай бўлади.

***k*** [ҳарфи]:

[***berk*** (**берк**) – берк, маҳкам] ***berk näŋ*** – мустаҳкам нарса. Асли ***bek***, ***rā*** ҳарфи ортикча.

***börk*** (**бўрк**) – бўрк, қалпоқ, бошкийим. Мақолда (шундай келган): ***Tatsïz türk bolmas, bašsïz börk bolmas.*** Маъноси: "Бошсиз бўрк бўлмаганидек, тотсиз турк ҳам бўлмайди".

***Türk*** (**Турк**) – турк шаҳарларидан бирининг оти.

[***terk*** (**терк**)] ***terk kel*** – тез кел. Тезлатишга ундаб айтилган ҳар бир ишга ҳам қўлланади: ***terk qïl*** – тез қил.

***Türk*** (**Турк**) – Тангри ярлақағур, *Nūḥ* ўғлининг оти. Бу от *Nūḥ* нинг ўғли *Türk* авлодларига Тангри берган номдир. Чунончи, Тангрининг هل اتى على الانسان حين من الدهر оятидаги اِنْسَانْ ***insān*** сўзи "одам" маъносида келган. Бу ерда сўз бирликда, яъни "фақат бир киши" маъносидадир. Қуйидаги لقد خلقنا الانسان فى احسن تقويم ثم رددناه اسفل سافلين الاالذين امنُوا وعملوا الصالحات оятида اِنْسَانْ ***insān*** сўзи "жам" маъносидадир. Чунки бу ерда истисно (бир нарсани кўп нарсадан айириб олиш) бор. (Истисно) фақат кўпликдангина айириб олиш мумкин. Бу ерда اِنْسَانْ ***insān*** сўзи بَشَرْ ***bašar*** сўзи каби кўплик маъносидадир. *Rūm* сўзи Тангри ярлақағур *İsḥaq* ўғли *'İyṣū* га, *'İyṣū* ўғли *Rūm* га аталишида ҳам шу ҳол бор. Шунга ўхшаш ***türk*** сўзи ҳам бирлик ва кўпликда қўлланган. Масалан, الشيخُ الامامُ الزاهدُ الحُسين بن خلف الكاشغرى кошғарлик Халаф ўғли имом Шайх Ҳусайн унга ابنُ الغرقى деган одам الشيخُ ابُو بكر المُفيدُ الجرجانى нинг охирзамон ҳақидаги китобида Пайғамбардан шу ҳадисни ривоят қилади:

يقول الله جل وعز ان لى جُندا سميتهُمُ التُرک واسكنتهُمُ المشرق فاذا غضبتُ على قوم سلطتهُم عليهم

Улуғ Тангри айтади: "Менинг бир тоифа аскарим бор, уларни ***türk*** деб атадим, уларни кунчикарга ўринлаштирдим. Бирор халқдан ғазаблансам, туркларни унга қарши йўллайман".

Бу нарса улар (туркlar) бошқаларга нисбатан фазилатли эканини кўрсатади. Ҳатто Тангри уларга ўзи от қўйган, исм берган, уларни энг баланд ерларга, хушҳаво жойларга ўрнаштирган ва ўзининг ботирларидан санаган. Туркларда кўркамлик, ёқимлилик, одоблилик, сўзининг устидан чиқишлик, дадиллик, камтарлик каби мақташга сазовор хулқлар сон-саноқсиздир. Туркlar ҳақидаги қуйида келтирилган шеър ҳам уларнинг фазилатини очиб беради:

***Qačan körsä anï türk,***
***Boδun anğa anïŋ aydačï.***
***Muŋar tegir uluğluq,***
***Munda naru keslinür.***

Бир кишини мақтаб айтмоқда: Агар унинг турклигини билса, халқ унга шундай дейди: Бунга улуғлик хос, ундан бошқага эмас, дейди [Қачонки унинг турклигини билса, халқ шундай дейди: Унга улуғлик тегади, бундан ўзгага тегмайди].

***türk*** сўзи бирликда ҳам, кўпликда ҳам қўлланувчидир. Масалан: ***kim-sen?*** дегувчига ***türk-men*** дейилганда бирлик бўлса, ***türk süsi atlandï*** – турк аскари отланди ҳам дейилади (Бунда кўпликни билдиради).

تُرک ***türk*** (**турк**) – вақт маъносида ишлатиладиган сўз бўлиб, бутун меваларнинг пишиш, етилиш маҳалининг ўртасини англатади: ***türk üzüm ödi*** – узум пишар вақти; ***türk quyaš ödi*** – кун ўртаси; ***türk yigit*** – ўрта ёшли йигит.

سرک ***serk*** (**серк**) – сопол идиш ва унинг синиқлари.

[سُرک ***sürk*** (**сурк**)] ***anïŋ aδaqï sürk buz-teg*** – унинг оёғи муздек совуқ. Бу сўз шундай ўриндагина қўлланади.

کُرک ***körk*** (**кўрк**) – мўйна, пўстин.

کُرک ***körk*** (**кўрк**) – кўрк, ҳусн; ***körklüg*** – кўркли, чиройли.

Ўртаси *sukun* лилар бўлими тугади.

### *fa'al, fa'ul, fa'il* қолипларидаги ўртаси ҳаракатлилар бўлими

ب ***p*** [ҳарфи]:

کَلَپ ***keläp*** (**келап**) – турк яйловларида ўсадиган ва молларни тезда семиртирадиган юмшоқ ўт.

ت ***t*** [ҳарфи]:

بَسُت ***basut*** (**басут**) – ёрдамчи, орқа суянчиқ, меҳрибон.

بَسُت ***basut*** (**басут**) – ёрдам; ***ol meŋä basut berdï*** – у менга ёрдам берди. Ҳар икки сўз бир-бирига яқин.

بُلِت ***bulït*** (**булит**) – булут; ***qara bulït*** – қора булут; ***aq bulït*** – оқ булут. Мақолда (шундай келган):

***Qara bulïtïğ yel ačar,***
***Urunč bilä el ačar.***

Маъноси: "Қора булут осмонни қоплаб олганда уни шамол учиради, шунингдек, ҳукумат эшигини пора очади". Бу мақол ишни битириш учун пора бериш кераклигига ундаб айтилади. "Булут" сўзи қалин сочга ҳам ўхшатилади: ***bulït-teg sač*** – сочи булутдек қалин, куюқ, кўп. (Шоир) шундай деган:

***Ağdï bulït kökräyü,***
***Yağmur tolï sekriyü.***
***Qalïq anï ügriyü / ügräyü,***
***Qanča barïr belgüsüz.***

Айтмоқдаки: Чақмоқлар чақиб булут кўтарилади, ёмғир ва дўл ёғади, шамол булутларни ҳайдаб, ҳаракатлантиради, уларнинг қаёққа бориши белгисиз.

تُپُت ***tüpüt*** (**тупут**) – Турк диёрида яшовчи бир қавм. Мушк олинадиган кийик шуларнинг ерида бўлади. Унинг киндиги кесиб олинади. Бу мушк кутисидир. Булар бир жиноят қилиб, *Yaman* дан қочиб, денгиз йўли билан *Šīn* га бориб ўрнашиб қолган *Ṣābit* деган кишининг авлодидир. У киши шу ерни ёқтириб, жойлашиб қолган ва авлоди кўпайган. Авлодлари кўплигидан турклар еридан бир минг беш юз фарсах ерни олганлар. Шарқ томони *Šīn*, ғарб томони *Qïšmīr*, шимол томони *Uyğur* эллари, жануб томони эса *Hind* денгизидир. Уларнинг тилларида арабчанинг таъсири бор. Чунки улар "она"ни ***uma***, "ота"ни ***aba*** дейдилар.

تِگِت ***tigit*** (**тигит**) – ***tigin*** сўзининг кўплигидир. Аслида бу қул исмидир. Кейинчалик хоқон ўғилларига лақаб бўлиб қолган. Бу шаклдаги кўплик қоидага хилофдир; ***ögä tigit*** – "оддий халқнинг катталари; шоҳнинг кичик ўғиллари" демакдир. Булар бирга қўлланади. ***ögä*** сўзи аслида *δu-l-qarnayn* замонида у билан туркларнинг битишувидан олдин уларнинг олдинги қўшинлари орасидаги тўқнашувда юзага келган.

[جُكُت *čökük* (чўкут) – пакана, калта бўйли] *čökük kiši* – пакана, калта бўйли одам ва бошкалар.

چِكِت *čigit* (чигит) – пахта уруғи, чигит (арғуча).

سِبُت *sibük* (сибут) – кашнич (кошғарча).

سُغُت *soğut* (сўғут) – сузма (қарлуқча).

سُغُت *soğut* (сўғут) – ичак ичига гуруч, гўшт ва хушбўй дориворлар солиб, пиширив ейиладиган ҳасип.

سِغِت *siğit* (сиғит) – йиғи.

سُكُت *sögüt* (сўгут) – тол дарахти. Мақолда (шундай келган): *Sögüt süliŋä, qaδïŋ qasïŋa.* Маъноси: "Тол дарахтидаги ҳуллик ва майинлик толнинг ўзига ярашиқ, қайин дарахтининг қаттиқлиги унинг ўзига муносиб". Бу мақол ҳар нарса ўз илдизига тортишига пичинг қилиб айтилади.

قَچُت *qačut* (қачут) – қочиш. Жанг ва бошқа ҳолларда бир-бири билан олишиш.

قَرِت *qarït* (қарит) – ўғирлаш, талаш (туркманча). Бу сўз арабча غارَت *ğārat* дан олинган деб гумон қиламан.

قُرُت *qurut* (қурут) – қурт.

قَنَت *qanat* (қанат) – қанот.

قُنَت *qonat* (қўнат) – қўнат. Бир-бирларига тақашган бир гуруҳ одам, бир-бирларига яқин яшайдиган кишилар гуруҳи; *ol meniŋ qonatïm-ol* – ул киши менинг қўшним, қўнатим, ёндошим.

كَبِت *kebit* (кебит) – ичкилик дўкони, майхона.

كُچَت *köčät* (кўчат) – *Xvārazm* да турувчи турклар.

كُچُت *köčüt* (кўчут) – от, улов.

كَدَت *keδüt* (кедут) – кийиладиган кийим. Кўпинча бу сўз тўйда келин ва куёв яқинларига ҳурмат юзасидан кийдириладиган тўнга нисбатан айтилади; *keδüt berdi* – тўн берди, тўн кийгизди.

كِرِت *kirit* (кирит) – калит, қулф калити. Бу сўз арабчага яқиндир. Чунки арабча إقليد *iqlïd* дир. Бу сўздаги *qāf* ҳарфи *kāf* га, *lām* ҳарфи *rā* га, *dāl* ҳарфи *tā* га алмашган, *alif* туширилган.

كُلُت *külüt* (кулут) – кишилар орасида кулгили бўлган нарса.

چ *č* [ҳарфи]:

بُقَچ *buqač* (буқач) – сопол идиш ёки сопол қозон; *ešič-buqač* ҳолида икки сўзни бирга қўшиб қўлланади; "қозон-идиш".

بَكَچ *bekäč* (бекач) – тигинларнинг лақаби; *Bekäč Arslan tigin* каби. Бу сўз жарангли *kāf* [яъни, *g*] билан айтилса, *beg* сўзининг кичрайтирилгани бўлиб, меҳрибонлик ва аччиқ маъноларини ифода қилади. Чунки "амир" маъносидаги *beg* сўзи охиридаги *kāf* жарангли [*g*] дир.

بُلُچ *Boluč* (Бўлуч) – эркаклар оти.

تُقُچ *toquč* (тўқуч) – тўқоч кулча. Бу сўз *toq er* даги *toq* сўзидан олинган. Чунки у тўқ тутади, тўйдиради.

تِكِچ *tikič* (тикуч) – чакич.

چَنَچ *čanač* (чанач) – хунаса; қўрқоқ. Ишида журъатсизлик ва тайинсизлик қилган ҳар бир киши.

[سَنَچ *sanač* (санач)] *sanač kesirlü* – нарса солиш учун қизил теридан қилинган махсус идиш, саноч.

قَقَچ *qaqač* (қақач) – кир; *ton qaqač boldï* – кийим кир бўлди.

قُلُچ / قُلُچ ***Quluč / Qulič*** (**Қулуч / Қулич**) – эркаклар оти.

قُلَچ ***qulač*** (**қулач**) – қулоч. Асли ***qol a:č*** – қўлни оч, қулочни ёз; ***bir qulač barčïn*** – бир қулоч шоҳи.

قِلِچ ***qïlïč*** (**қилич**) – қилич. Мақолда (шундай келган): ***Qoš qïlïč qïnqa sïğmas.*** Маъноси: "Қўш қилич бир қинга сиғмас". Бу мақол бир иш учун интилган икки киши, бир қизга совчи юборган икки одамга қарата ҳам сўзланади. Хоқонларни ҳам шу лақаб билан юритадилар, ***Qïlïčxan*** каби. Бу "ишларида, ҳаракатларида қиличдек кесувчи, кескин хон" демакдир.

(Шоир) шундай деган:

***Erän alpï oqïštïlar,***
***Qïŋïr közin baqïštïlar,***
***Qamuğ tolmun toqïštïlar,***
***Qïlïč qïnqa küčün sïğdï.***

Жангни таърифлаб айтмоқда: Мард, ботирлар бир-бирларини даъват қилдилар ва ёмон кўз билан қарашдилар, бутун қурол-яроқлари билан урушдилар, қиличлар устида кўп қон қотганидан қинга деярли сиғмай қолди [Мард, ботирлар (бир-бирларини) чақиришди. Қинғир кўз билан (бир-бирларига) қарашди. Ҳар турли қуроллар билан жанг қилишди. Қилич (бетлари қон билан қалинлашиб) қинига зўрға сиғди].

قَمِچ ***qamïč*** (**қамич**) – човли.

كُتِچ ***kötič*** (**кўтич**) – ёш болаларнинг сўкиш сўзи, "эй кўтга ўхшаш сассиқ", демакдир. "Кўт" сўзи билан боглиқ.

كُزَچ ***közäč*** (**кўзач**) – кўза. Бу сўз арабчага ўхшаш, бироқ *dāl* ҳарфи *čīm* га алмашган.

كُدَچ ***köðäč*** (**кўдач**) – кўза (арғуча); *ðāl* билан *za* арабчадаги каби тенг келади. Араблар "ёзди" сўзини نبر ва زبر тарзида ёзаверадилар. "Шўр сув"ни ماغُذاق ва ماغُزاغ тарзида ёзаверадилар.

كُمَچ ***kömäč*** (**кўмач**) – кўмоч. Ўчоқдаги чўққа кўмиб пишириладиган нон.

كُمُچ ***kömüč*** (**кўмуч**) – хазина; ***ol kömüč buldï*** – у хазина топди.

[ مَشِچ ***mašïč*** (**машич**)] ***mašïč üzüm*** – бир хил қора узум.

ر ***r*** [ҳарфи]:

بُتَر ***butar*** (**бутар**) – барди деган тўқима кийимликка ишлатиладиган ўриш [яъни, узунасига қўйиладиган] ип.

[يَدَر يَدَر ***yadar-yadar*** (**йадар-йадар**)] ***yadar-yadar yügürdi*** – патир-путир чопди. Чопганда патир-путур оёқ товушлари эшитилди.

بَسَر ***basar*** (**басар**) – тоғ саримсоқ пиёзи.

بَغِر ***bağïr*** (**бағир**) – қоражигар. Ҳеч кимга бўйин эгмовчи кишини ***bedüg bağïrlïğ*** деб юритилади, "бағри бутун" демакдир. "Ёйнинг ўрта ери"га ***ya bağrï*** дейилади.

بَقِر ***baqïr*** (**бақир**) – мис. Мақолда (шундай келган): ***Bar – baqïr, yoq – altun.*** Маъноси: "Бор – мис (қадрсиз), йўқ – олтин (қадрли)". Қўлда бор бўлган нарса мисдек қадрсиз, қўлда бўлмаган нарса олтиндек қадрли. Бу мақол яқинлар орасида хўрланиб юрган киши, кейин йўқлигида қадри билиниши маъносида қўлланади.

بَقِر ***baqïr*** (**бақир**) – *Sïn* ўлкасидаги чақа (пул). Олди-сотдилари шу орқали қилинади.

بَقِر سَقِم ***Baqïr soqïm*** (**Бақир сўқум**) – *Mirrïx* (Марс планетаси)нинг оти, у қизилликда мисга ўхшатилади.

بُكُر ***bügür*** (**бугур**) – буйрак.

بُكُر ***Bügür*** (**Бугур**) – *Küčä* билан *Uyğur* ўртасидаги баланд бир қалъа; бу чегарада.

تَبَر ***Tabar*** (**Табар**) – қипчоқ хонларидан бўлган *Ïnal Uz* нинг икки ўғлидан бирининг оти.

[تَتَرْ] ***tatïr*** **(татир)**] ***tatïr yer*** – дарахтсиз, биносиз ер.

تِتِرْ ***tetir*** **(тетир)** – ургочи туя.

[تَقِرْ تَقِرْ ***taqïr-taqïr*** **(такир-такир)**] ***at aδaqï taqïr-taqïr etti*** – отнинг оёғи такир-такир овоз чиқарди. (Худди) шу маънода ***tikir-tikir etti*** (от тикир-тикир қилиб юрди) деб ҳам қўллайдилар.

تَمِرْ ***temür*** **(темур)** – темир. Мақолда (шундай келган): ***Kök temür kerü turmas.*** Маъноси: "Кўк темир бекор турмайди, етган жойини яралайди". Бунинг бошқа бир маъноси ҳам бор. Қирқиз, ябақу, қипчоқ ва бошқалар бирор кишига қасам ичирганда ёки ундан бирор нарсага ваъда олганда, қилични унинг олдига кўндаланг қўйиб: ***Bu kök kirsün, qïzïl čïqsun*** дейдилар, яъни "ваъда бузилса, бу кўк кирсин, қизил чиқсин, яъни қонга беланиб чиқсин. Бу аҳд бузилса, темир сени ўлдирсин, ўч олсин" демакдир. Чунки улар темирни ҳурмат қиладилар.

تَمَرْ ***tamur*** **(тамур)** – бадандаги тер. Ўғузлар бу сўзни ***tamar*** дейдилар. Улар доим сўзни енгиллатиб сўзлайдилар. Сўзда *alif* [яъни, *a*] қўллаш *yā* [яъни, *ī*], *vāv* [яъни, *u*]га нисбатан енгилдир. Шунинг учун улар шундай қўллайдилар.

تَوَرْ ***tawar*** **(тавар)** – жонли, жонсиз мол, товар. Ўғуз ва бошқалар ***tavar*** деб юритадилар.

(Шоир) шундай деган:

***Tawar kininiŋ öklisä,***
***Beglig aŋar kergäyür,***
***Tawarsïzïn qalïp beg***
***Eränsizin emgäyür.***

Маъноси: Кимнинг моли кўпайса, у бошқалардан кўра давлатни идора қилиш ишига лойиқроқ бўлади. Молсиз қолган бек кишиларсиз қийналади, уларни қовиштира олмайди. Чунки кишилар унинг моли учун хизмат қиладилар.

جُبُرْ ***čöpür*** **(чўпур)** – эчкининг юнги. Арзимаган мол ва матоларга қўлланувчи ***čöpür-čepür*** сўзи ҳам шундан келиб чиққан.

[جُتُرْ ***čotur*** **(чўтур)**] ***čotur kiši*** – ёмон хулқли киши.

جَغِرْ ***čaǧïr*** **(чағир)** – шарбат.

جَغِرْ ***čaǧïr*** **(чағир)** – ичкилик, май. Бу сўз – икки қарама-қарши маъно билдирувчи сўзлардан.

جَغِرْ ***čaǧïr*** **(чағир)** – тор ва кичик йўл.

جَقِرْ ***čaqïr*** **(чақир)** – кўккўз, чағиркўз. Мақолда (шундай келган): ***Ït čaqïrï atqa tegir, at čaqïrï ïtqa tegmäs.*** Маъноси: Чағир кўзли ит отга тенглашади, аммо чағир кўзли от итга тенглаша олмайди, чунки бу хил отнинг кўзи хира бўлади. Бу хил отдан четланмоққа буюрадилар.

چِكِرْ چِكِرْ ***čikir-čikir*** **(чикир-чикир)** – майда тошли нон чайналганда тишдан чиқадиган товуш.

سُغُرْ ***suǧur*** **(суғур)** – тоғ сичқони. Кичик бир ҳайвон. Унинг терисидан ёмғир ёпинчиғи қилинади.

سِغِرْ ***sïǧïr*** **(сиғир)** – шоҳларнинг бир қанча кишилар билан биргаликда қиладиган бир турли ови. Шоҳ бир қанча кишини ўрмон ва даштлардан ўз томонига ов ҳайвонларини ҳайдаб келишга юборади. Улар ҳайвонларни тўплаб келгач, шоҳ қийинчиликсиз, бемалол овлайверади.

سِغِرْ ***sïǧïr*** **(сиғир)** – сигир; ***suw sïǧïrï*** – қутос.

قَتَرْ ***qatïr*** **(қатир)** – хачир.

[قَدِرْ ***qadïr*** (**қадир**)] ***qadïr nāŋ*** – қийин нарса; ***qadïr yer*** – тоғларда кор ва муз қўплигидан юриш қийин бўлган ер; ***qadïr qïš*** – қаттиқ қиш, қаҳратон қиш.

قَدِرْ ***qadïr*** (**қадир**) – қудратли ва кучли шоҳ. Хоқонияликлар хонини ***qadïrxan*** дейиш ҳам шундандир. Сўзнинг бу маъносида арабчага ўхшашлик бор: чунки ***qādir*** араб тилида "кучли, ҳар ишни қила олувчи" демакдир.

قِسِرْ ***qïsïr*** (**қисир**) – туғмайдиган хотинларга ва ҳайвонларга қўлланувчи сўз. "Қайсар байтал" маъносидаги ***qïsïr qïsraq*** ибораси шундандир.

كَلَرْ ***kelär*** (**келар**) – калтакесак.

ز ***z*** [ҳарфи]:

بُغُزْ ***boğuz*** (**бўғуз**) – бўғиз, ҳалқум.

تَبِزْ ***tebiz*** (**тебиз**) – тузли, шўрхок ер.

[تَبِزْ ***tebiz*** (**тебиз**)] ***tebiz kiši*** – ҳасадли киши.

[تُبُزْ ***topuz*** (**тўпуз**)] ***topuz yük*** – устига миниб бўлмайдиган даражада қўпол қилиб юк ортилган ҳайвон.

[تِتِزْ ***titiz*** (**титиз**)] ***titiz nāŋ*** – мазаси ҳалиланики каби тахир бўлган нарса.

[تُكُزْ ***töküz*** (**тўкуз**)] ***töküz at*** – пешонасида тангадек оқи бўлган от, қашқа от.

سَغِزْ ***sağïz*** (**сағиз**) – сақич.

[سَغِزْ ***sağïz*** (**сағиз**)] ***sağïz tupraq*** – тоза тупроқ, соғ тупроқ.

سَقِزْ ***saqïz*** (**сақиз**) – кийимга ёпишган шира ва шу каби нарса.

سَكِيزْ ***sekiz*** (**секиз**) – ***sekkiz*** нинг енгили, қисқаргани.

سَمِزْ ***semiz*** (**семиз**) – семиз, ҳар қандай ҳайвоннинг семизи. Бу сўзда арабчага ўхшашлик бор. Фақат улар ***nūn*** ҳарфи ўрнига ***zā*** алмаштирганлар. Бу улар тилида бўлиши мумкин ходисадир. Чунончи, иккинчи шахс олмоши ўрнида ***sen*** ҳам, ***siz*** ҳам қўллайдилар (Бунда ***za*** ҳарфи ***nūn*** га алмаштирилгандир).

قُبُزْ ***qobuz*** (**қўбуз**) – (удга ўхшаш) чалинадиган чолғу, қўбуз.

قُتُزْ ***qotuz*** (**қўтуз**) – ёввойи сигир, кўтос.

[قُتُزْ ***qutuz*** (**қутуз**) – қутурган] ***qutuz ït*** – қутурган ит.

قَدَزْ ***qaδïz*** (**қадиз**) – дарахт пўстлари.

قُدُزْ ***quδuz*** (**қудуз**) – жувон, хотин.

قِمِزْ ***qïmïz*** (**қимиз**) – қимиз, бу йилқи сути бўлиб, уни саноч-мешларга солиб ачитиб ичилади.

[قِمِزْ ***qïmïz*** (**қимиз**)] ***qïmïz almïla*** – қимизак олма, қимизга ўхшаш нордон олма.

كُكُزْ ***köküz*** (**кўкуз**) – кўкрак, кўкс, кўкай.

كِدِزْ ***kiδiz*** (**кидиз**) – кигиз, намат.

كِفِزْ ***kiwiz*** (**кивиз**) – уйга, ерга солинадигаи кенг ва энли палос.

كُفُزْ ***küwiž*** (**кувиж**) – (икки махраж орасидаги ***zā*** билан). Кўп яшаган, кариган тол ва бошқа дарахтларнинг оралиғи, ўзаги.

[كُفُزْ ***küwiž*** (**кувиж**)] ***küwiž turma*** – бузилиб, таъми кетган турп, пўк турп ва бошқалар.

س ***s*** [ҳарфи]:

تَرُسْ ***tarus*** (**тарус**) – уй шипи.

تَلَسْ ***talas*** (**талас**) – от пойгасида ва чавгон ўйинида майдон қирғоғига тортиладиган аркон.

تَلَسْ ***Talas*** (**Талас**) – ***Ţirāz*** исми билан машҳур бўлган шаҳар. У иккита: бири "улуғ" маъносидаги ***Uluğ Talas***, иккинчиси мусулмонлар чегарасидаги ***Kemi Talas*** дир.

تُلَسْ يُوزْ ***tolas yüz*** (**тўлас йуз**) – рангпар, ёқимсиз юз.

ش ***š*** [ҳарфи]:

بِچِش *bičiš* (**бичиш**) – йиртиш; улуғларнинг зиёфатига келганларга тақдим килинувчи шойи газлама.

بُرِش *buriš* (**буриш**) – тери ва кийимлардаги буришганлик.

بَغِش *bağiš* (**бағиш**) – бармоқ ва бошқа аъзолар бўғини. Қамиш ва шунга ўхшаш нарсаларнинг бўғинига ҳам шу сўз қўлланади.

بَقِش *baqiš* (**бақиш**) – боқиш, кўз билан қарамоқ.

بِلِش *biliš* (**билиш**) – таниш, билиш. Бу ерда масдар эмас, ҳаракат номидир.

بُلُش *buluš* (**булуш**) – қилган ишида фойда топиш.

بُلُش *buluš* (**булуш**) – сўз билан ёрдам қилиш; ***ol meŋä buluš qïldï*** – у менга сўз билан ёрдам қилди.

تَپِش *tapiš* (**тапиш**) – икки киши ва бошқалар ўртасида вакиллик.

تُتُش *tutuš* (**тутуш**) – олишиш, тортишиш. Бу сўз аввалги сўзга кўра талаффузда йўғонроқдир.

تُتُش *Tutuš* (**Тутуш**) – киши оти.

تَۋُش *tawuš* (**тавуш**) – туюш, сезги ва ҳарорат.

تُقُش *toquš* (**тўқуш**) – жанг. (Шоир) шундай деган:

***Toqiš ičrä uruštïm,***
***Uluğ birlä qariştïm,***
***Töküz atïn yariştïm,***
***Aydïm emdi, al, Ötär.***

Айтмоқдаки: Жангда жамоанинг каттаси билан қашқа отда урушдим. Унга ўқ отдим ва унга: "Мендан буни ол, эй Ўтар, дедим [Жангда (жамоа) улуғи билан урушдим. Қашқа отда жанг қилдим. Ўтарга "буни ол", деб ўқ отдим). *Ötär* – киши оти.

تُقِش *Toqiš* (**Тўқиш**) – киши оти.

تَكِش *tegiš* (**тегиш**) – бир-бирига луқма бериш, бир кимсанинг иккинчисига луқма бериши.

تَگِش *tägiš* (**тагиш**) – ҳар нарсанинг охири, таги.

تَكِش *Tekiš* (**Текиш**) – эрлар оти.

چَپِش *čebiš* (**чебиш**) – олти ойли эчки боласи.

چَۋُش *čawuš* (**чавуш**) – жангда сафларни тузатувчи, дам олиш вақтида аскарни зулм қилишдан сақловчи бошлиқ.

چِقِش *čïqiš* (**чиқиш**) – фойда, манфаат; ***ol ïšta čïqïš yoq*** – бу ишда фойда йўқ.

چَلِش *čališ* (**чалиш**) – кураш қилмоқ, курашиш.

سُرُش *soruš* (**сўруш**) – дони қотмасдан бурун олиб, қовуриб, янчиб ейиладиган буғдой оти.

سِقِش *sïqiš* (**сиқиш**) – қийинчилик, сиқиқ.

سُكُش *söküš* (**сўкуш**) – сўкиш; сўкиниш.

سُگُش *sügüš* (**сугуш**) – (жарангли *käf* [яъни *g*] билан) бузоқ ва қўзиларнинг қовурдоққа мос гўшти (ўғузча).

سِكِش *sikiš* (**сикиш**) – жинсий алоқа.

قَبِش *qabiš* (**қабиш**) – талон-торож қилиш.

قَبُش *Qabuš* (**Қабуш**) – арғуларда бир жой номи.

قَچِش *qačiš* (**қачиш**) – халқ орасида қочиш, қувиш, шов-шув, тинчсизлик. Мақолда (шундай келган): ***Qačiš bolsa, qïya körmäs.*** Маъноси: "Халқда шов-шув қўзғалса, ҳеч ким бир-бирига боқмайди".

قُچُش *qučuš* (**кучуш**) – қучоқлашиш.

قَدَش *qadaš* (**кадаш**) – яқин биродар.

قَدِشْ ***qaδiš*** **(қадиш)** – ҳайвон терисидан кирқиб ишланган қайиш камар.
قَرِشْ ***qariš*** **(қариш)** – қарич; ***bir qariš*** – бир қарич.
قُغُشْ ***qoğuš*** **(қўғуш)** – ошланган ва ошланмаган ҳайвон терилари.
قُغُشْ ***qoğuš*** **(қўғуш)** – сув йўли, тарнов.
قُغُشْ ***qoğuš*** **(қўғуш)** – ***tegirmän qoğuši*** – тегирмон нови.
قُغُشْ ***quğuš*** **(қуғуш)** – ўқ ясовчиларнинг ўқ ўрнатадиган ёғочи.
قَمِشْ ***qamiš*** **(қамиш)** – қамиш.
كَچِشْ ***kečiš*** **(кечиш)** – дарё ва сувлар кўприги. Мақолда (шундай келган): ***Ol kečišni suw eltti.*** Яъни: "У кўприкни сув [яъни, сел] олиб кетди". Бу мақол бўлар иш бўлгандан кейин уни топиш (тўғрилаш) мумкин эмас, деган маънода қўлланади.
كَرِشْ ***keriš*** **(кериш)** – юқорисига чиқиш мумкин бўлган ҳар бир тоғнинг боши (ўғуз тилида).
كَرِشْ ***keriš*** **(кериш)** – отнинг елкаси, яғрини. Мақолда (шундай келган): ***Keriš yağïrï oğulqa qalïr.*** Маъноси: "От кифтининг яғири ўғлига мерос қолади, чунки кифт бўғинлар тўпланадиган жой бўлиб, у ердаги яғир тезда тузалмайди". Бу билан (ундай) яғирдан сақланишга буюрилади.
كَرِشْ ***keriš*** **(кериш)** – уруш ва талашувда қарама-қарши туриш.
كُرُشْ ***körüš*** **(кўруш)** – сўз билан эмас, кўз билан мунозара қилиш, кўриш.
كِرِشْ ***kiriš*** **(кириш)** – кириш; кишининг ўз мулкидан келган кирим.
كَرِشْ ***keriš*** **(кериш)** – олишиш, талашиш; ***nelüg kerištiŋ?*** – нима учун талашдинг, тортишдинг?
كَلِشْ بَرِشْ ***keliš-bariš*** **(келиш-бариш)** – бориш-келиш. Меҳмон аримайдиган уйга ***kelišlig-barišlïğ ew*** (бориш-келишли уй, алоқали уй) дейдилар.
كُمُشْ ***kümüš*** **(кумуш)** – кумуш. (Шоир) шундай деган:

***Alp eränni öδürdüm,***
***Boynïn anïŋ qaδïrdïm.***
***Altun, kümüš yüδürdüm,***
***Süsi qalïn, kim ötär?***

Жангни таърифлаб айтмоқда: Ёв аскарларини ажратиб, тўзитиб юбордим. Жамоа такаси (бошлиғи)нинг бўйнини эгдирдим, олтин-кумушини ортиб юкладим, аскари киши ўтолмас даражада қалин эди [Ботирларни тўзитиб юбордим, унинг бўйнини қайирдим. Олтин-кумушини олиб қўйдим. Унинг аскари орадан киши ўтолмас даражада кўп эди].
كُمُشْ ***kümüš*** **(кумуш)** – танга. Чунки унда кумуш бор.
كُمُشْ ***Kümüš*** **(Кумуш)** – жория исмларидан.
غْ ***ğ*** [харфи]:
بَتَغْ ***batïğ*** **(батиғ)** – дарё ва бошқаларнинг чуқур ери.
بَچَغْ ***bačïğ*** **(бачиғ)** – ваъда, аҳд; ***ol meniŋ birlä bačïğ qïldï*** – у менинг билан ваъдалашди.
[بَرِغْ ***barïğ*** **(бариғ)**] ***ol barïğ bardï*** – у кетаверди; ҳеч нарсага қарамай, тўппа-тўғри кетаверди.
بِرِغْ / بَرِغْ ***barïğ / bïrïğ*** **(бариғ / бириғ)** – бадбўй, сассиқ нарса. Бу сўз жуфт шаклда ***sasïğ-barïğ / bïrïğ*** деб ишлатилади.
بَسِغْ ***basïğ*** **(басиғ)** – кечаси ҳужум қилинадиган, босиладиган пастқам жой ва ғафлатда қолдириб, тўсатдан ушлаш; ***ol anï basïğïnda tuttï*** – у уни кечаси пастқам ерда ушлади.
بُسُغْ ***pusuğ*** **(иусуғ)** – пистирма.

بُشُغ ***bošuğ*** **(бўшуғ)** – султон томонидан ўзига юборилган элчининг қайтиб кетишга берилган ижозат қоғози. Элчиларга берилган тухфага ҳам шу сўз қўлланади. Бу سُفرَه ***sufra*** (суфра) сўзига ўхшайди. "Суфра"нинг асл маъноси "мусофир учун тортилган таом" бўлса-да, кейинчалик у таом ёзиладиган, теридан қилинган дастурхонга ҳам қўлланган. Шунингдек, бир қариндош ўз қариндоши қошига узоқдан келиб, қайтиш чоғида қариндош, яқинларини чақириб, берилган тортиқларга ҳам шу сўз қўлланади. Уларга тайёрланган овқатга ҳам ***bošuğ aš*** деб айтилади. Бу "рухсат оши" демакдир.

[بِشِغ ***pišiğ*** **(пишиғ)**] ***pišiğ aš*** – пишган ош. Бу сўз ҳар бир пишган нарсага ҳам қўлланади. ***pišiğ kerpič*** – пишиқ кирпич, пишиқ ғишт; ***pišiğ süčüg*** – қайнатилган шароб.

بَقِغ ***baqiğ*** **(бақиғ)** – боқиш, кўриш, қараш; ***anïŋ baqïğï kör*** – унинг боқишини, қарашини кўр.

Менинг мақсадим, бу китобда бу хил масдарларни бермаслик, фақат кўп қўлланувчи (шакл)ларни беришдир.

[بَشُغ ***pušuğ*** **(пушуғ)**] ***pušuğ pušdï*** – хафа бўлди, кўнгли сиқилди, ичи пишди.

تَپُغ ***tapuğ*** **(тапуғ)** – хизмат.

تَپُغ ***tapuğ*** **(тапуғ)** – тоат-ибодат; масалан: ***Täŋri tapuğï*** – Оллоҳ (улуғ ва қудратлидир)[37]га ибодат.

تُتُغ ***tutuğ*** **(тутуғ)** – гаров.

تُتُغ ***tutuğ*** **(тутуғ)** – жиндан бўлган касаллик [яъни, тутқаноқ]; ***anïŋ tutuğï bar*** – унинг жин касали [яъни, тутқаноғи] бор.

تِدِغ ***tïdïğ*** **(тидиғ)** – бир нарсадан тийиш, ман қилиш, қайтариш.

تَرِغ ***tarïğ*** **(тариғ)** – дона, уруғ. Бу сўз дон экинларининг ҳаммасига умумий равишда қўлланувчи отдир.

تَرِغ ***tarïğ*** **(тариғ)** – кўпчилик турк қабилаларида "буғдой". Фақат ўғузлар "тариқ" маъносида қўллайди. Бу – хато. (Чунки) улар "буғдой"ни ***ašlïq*** дейдилар.

تُرُغ / تُرِغ ***turuğ /turïğ*** **(туруғ / туриғ)** – тоғлардаги қалъа, турар жой.

تُرُغ ***toruğ*** **(тўруғ)** – бир хил отларга қўлланувчи сўз; ***bu oğlanïğ bir toruğqa aldïm*** – бу ўғлонни [яъни қул болани] бир тўриқ отга алишдим. Бу сўз баъзан истиора йўсинида туя ва сигирга ҳам қўлланади.

[تُرُغ / تُرِغ ***toruğ / torïğ*** **(тўруғ / тўриғ)**] ***toruğ at*** – тўриқ от.

[تُرِغ ***torïğ*** **(тўриғ)**] ***Torïğ art tïz*** – *Kāšğar* боғчасининг оти.

جَپِغ ***čawïğ*** **(чавиғ)** – қамчининг учи.

سَبِغ ***sabïğ*** **(сабиғ)** – чодирнинг гоҳ очиб, гоҳ ёпиб қўйиладиган этак қисми.

سَتِغ ***satïğ*** **(сатиғ)** – олди-сотди, савдо-сотиқ.

سِدِغ ***sïdïğ*** **(сидиғ)** – кўйлак этагининг икки ёнидан ёқасигача бўлган қисми; ***sïdïğ yapïp olturdï*** – кўйлакнинг икки ёнини ўзига ўраб, тўплаб ўтирди. Бу ҳолат нозиклик ва озодаликдан бўлади.

سِدِغ ***sïdïğ*** **(сидиғ)** – тишлар оралиғи, тиш милклари оралиғи. Бирон кимсага сир сақлашни тайинлаганда ***bu sözni sïdïğdïn sïzïtma*** (бу сирни тишларинг орасидан чиқарма) дейилади.

سَرِغ ***sarïğ*** **(сариғ)** – сариқ. Ўтакетган сариққа ***sap sarïq***, сариқ ўт, яъни сафрога ***sarïğ*** дейилади.

[سَرِغ ***sarïğ*** **(сариғ)** – сариқ] ***sarïğ suw*** – қоринда йиғилиб қолган сариқ сув. Ҳар бир сариқ рангга ҳам жуфт қилиб, ***sarïğ-surïğ*** дейилади.

---

[37] Қўлёзмада: الله عز و جل, маъноси – "Оллоҳ улуғ ва қудратлидир".

سُرُغ ***soruğ*** **(сўруғ)** – йўқолган нарсани қидириш, излаш; ***soruğ qïldï*** – йўқолган нарсани ахтариб сўроқлади.

جَلِغ ***čaliğ*** **(чалиғ)** – бу ҳам "йўқолган нарсани ахтармоқ" маъносидадир. Бу сўз беклар муҳим бир иш қилмоқчи бўлганларида қишлоқ эллари ва кўчманчиларга бу ҳақда ҳозирланмоқлари учун хабар беришларига ҳам қўлланади.

قَپُغ ***qapuğ*** **(қапуғ)** – эшик.

قَتُغ ***qatïğ*** **(қатиғ)** – ҳар нарсанинг қаттиғи.

قَدُغ ***qaδïğ*** **(қадиғ)** – қавиқ, икки қават қилиб тикув.

قُدُغ ***quδuğ*** **(қудуғ)** – қудуқ. Мақолда (шундай келган): ***Quδüğda suw bar, ït burnï tegmäs.*** Маъноси: "Қудуқда сув бор, аммо унга итнинг бурни етмайди". Бу мақол бир ишни истаб, унга эриша олмайдиган ёки биров қўлида бўлган таомни кўриб суқланувчи, лекин етиша олмайдиганларга қўлланади.

قَδُغ ***qïδïğ*** **(қидиғ)** – денгиз, ариқ, водий сингариларнинг қирғоғи; ҳар бир нарсанинг чети; ***arïq qïδïğï*** – сувнинг қирғоғи; ***ayaq qïδïğï*** – идиш (коса) лаби; ***yar qïδïğï*** – жар лаби.

[قُرُغ ***quruğ*** **(қуруғ)**] ***quruğ ew*** – кишилардан, шунингдек, нарсалардан холи уй, бўш уй; ***quruğ ulma*** – қуруқ кўзача. Ичидаги нарсасидан бўшатилган ҳар бир идишга ҳам ***quruğ*** дейилади.

قُرُغ ***quruğ*** **(қуруғ)** – ҳар нарсанинг қуруғи. Аввалги маъно шундан келиб чиққан.

قُرُغ ***qorïğ*** **(қўриғ)** – бек ва бошқаларнинг мол боқадиган яйлови. Қуршалган ҳар бир нарсага ҳам ***qorïğ*** дейилади.

قَسِغ ***qasïğ*** **(қасиғ)** – оғизнинг ички ўнг ва чап томони.

قِسِغ ***qïsïğ*** **(қисиғ)** – қамоқ; сиқиғ, қисиғ; ***ol beg qïsïğïnda qaldï*** – у (бир иш учун) бекнинг тазйиқида қолди.

قُسُغ ***qusïğ*** **(қусиқ)** – қусуқ, қайт; ***anï qusïğ tutti*** – уни қусуқ тутди, у қайт қилди.

قُشُغ ***qošuğ*** **(қўшуғ)** – шеър, қўшиқ, қасида (*ši'r, rajaz, qaṣāyid* ). (Шоир) шундай деган:

***Tärkän qatun qutïŋa***
***Tegür mendin qošuğ.***
***Ayğïl: Siziŋ tapuğčï***
***Ötnür yaŋï tapuğ.***

Айтмоқдаки: Ҳукмдор хотун шаънига мендан мақтов, қасида (қўшиқ) еткур ва "хизматчингиз янги хизмат сўраяпди, ўтиняпди", деб айт.

قَقِغ ***qaqïğ*** **(қақиғ)** – сиқиғ, зўрлаш; ***men anïŋ qaqïğïnda bu ïš qïldïm*** – мен унинг сиқиғида бу ишни қилдим.

قَمُغ ***qamuğ*** **(қамуғ)** – ҳамма. Масалан: ***Qamuğ kiši tüz ermäs.*** Маъноси: "Ҳамма киши баравар, бир хил эмас".

قَنِغ ***qanïğ*** **(қаниғ)** – роҳатланиш, шодланиш, қониқиш. (Шоир) шундай деган:

***Tutčï yağar bulïtï,***
***Altun tamar arïğ.***
***Aqsa anïŋ aqïnï,***
***Qandï meniŋ qanïğ.***

Маликанинг эҳсонларини мақтаб айтмоқда: Унинг эҳсон булутларидан тўхтовсиз соф олтин ёғади. Агар унинг сели менга оқса, қувончим тошар, орзуларим қонар эди.

ق ***q*** [ҳарфи]:

بُتُق ***butïq*** **(бутиқ)** – ҳар нарсанинг буток ва тармоғи.

پُتُق ***putïq*** **(путиқ)** – кичик меш (кошгарча).

بُتِق ***butïq*** **(бутик)** – отнинг оёқ териси шилиб олиниб қилинган меш. Унда қимиз ва бошқалар сақланади.

بُتِق / بُتَق ***butaq / butïq*** **(бутақ / бутик)** – буток; бир шевада. Бу сўздаги *tā* ҳарфининг *fatḥa* ли ўқиладиган тури бўлганидек, *kasra* ли ўқиладиган тури ҳам бор [яъни *butïq* ва *butaq* тарзидаги талаффузлари]. (Шоир) шундай деган:

***Kim ayïp, eštür qulaq:***
***Ay ewi artuč butaq?***

Айтмоқдаки: Ойнинг уйи ҳамда турар ери санубарнинг бутоғидир, деб ким айтган ва (бундай чиройли сифатни) қайси қулоқ эшитган? Шоир севиклисининг юзини ойга, бўйини санубар бутогига ўхшатмоқда.

بُچُق ***pučuq*** **(пучук)** – кесилган, шикастланган, пачоқ нарса. Ҳар нарсанинг ярмига ҳам ***pučuq*** дейилади; ***pučuq yarmaq*** – ярим танга.

بِدِق ***bïdïq*** **(бидик)** – мўйлаб, мийиқ.

بَرَق ***baraq*** **(барак)** – бароқ, сержун ит. Туркий халқлар эътиқодига кўра, бургут қариганда иккита тухум қўйиб, уларни босар эмиш. Тухумларнинг биридан ўша ***baraq*** отли кучук пайдо бўлар эмиш. Итларнинг энг тез юрадигани ҳам, овни қаттиқ қўриқлайдигани ҳам ана шу итдир. Иккинчи тухумидан жўжаси чиқар эмиш. Бу унинг жўжаларининг охиргиси бўлар эмиш.

يُرِق ***yorïq*** **(йўрик)** – сийрат, ички аҳвол, кишилар билан муомала; ***beg yorïqï netäg?*** – бекнинг сийрати, феъл-атвори қандай?

بِرُق ***bïruq*** **(бируқ)** – шоҳ ёнидаги катталарни (мартабасига кўра) ўз жойига ўтқазувчи киши. Бу сўзнинг асли ***buyruq***, чунки у шунга буюради.

[بُزُق ***buzuq*** **(бузуқ)** – бузуқ, бузилган] ***buzuq ew*** – бузуқ уй. Синган, бузилган ҳар нарсага ҳам ***buzuq*** дейилади.

بَشَق ***bašaq*** **(башақ)** – ўқ ва найза учидаги темир.

بَشَق ***bašaq*** **(башақ)** – тўпуқ (чигилча). Ўғуз ва қипчоқлар *mīm* орттириб, ***bašmaq*** дейдилар. Бу хилда ҳарф орттириш араб тилида ҳам бор. Чунончи, درع сўзидан ясалган تدرعت сўзи تمدرعت тарзида ёки سكون сўзидан ясалган تسكن сўзи تمسكن тарзида қўлланиши сингари.

[بُشَق ***bušaq*** **(бушақ)**] ***bušaq er*** – тажанг, ташвишли киши. Ўғуз ва бошқалар сўзи.

[پِشِق ***pïšïq*** **(пишиқ)** – пишиқ, пишган] ***pïšïq et*** – пишган гўшт ва бошқалар. Яғмолар ***pašïq*** дейдилар.

بَلِق ***balïq*** **(балиқ)** – балиқ. Мақолда (шундай келган): ***Balïq suwda, közi tašïn.*** Маъноси: "Балиқнинг ўзи сувда, кўзи ташда". Бу мақол нарсанинг ичида туриб, тушунолмай қолувчиларга қарата қўлланади.

بَلِق ***balïq*** **(балиқ)** – лой. Арғу ва баъзи ўғузлар сўзи. Баъзи арғулар уч ундошни ёнма-ён қўйиб, ***balïq*** дейдилар. Ҳолбуки, туркчада икки ундошнинггина қатор келиши мумкин. Арғуликлар тилида бузуқлик, заифлик бор.

بَلِق ***balïq*** **(балиқ)** – жоҳилия давридаги турклар ва уйғурлар тилида "шаҳар". Уйғурларнинг энг катта шаҳарларига ***Bešbalïq*** дейилиши шундандир. ***Bešbalïq*** – "беш шаҳар" демакдир. Уйғурлар бошқа бир шаҳарларига ***Yaŋïbalïq*** (янги шаҳар) дейдилар.

[بُلَق ***bulaq*** **(булақ)**] ***bulaq at*** – бўйи қисқа, усти кенг от.

بُلَق ***bulaq*** **(булақ)** – бир турк қабиласи. Уларни қипчоқлар асир қилган эдилар. Сўнгра улуғ ва қудратли Худо (уларни) қутқазди ва улар ***älkä bulaq*** деб аталадиган бўлдилар. Бу сўзни بُلَق / بُلَق тарзида ёзиш мумкин.

بَمَق ***pamuq*** **(памук)** – момиқ, пахта (ўғузча).

تُپِق ***topïq*** (**тўпик**) – човган билан уриладиган копток, тўп.

[تُپِق ***topïq*** (**тўпик**)] ***topïq sönük*** – тўпиқ сўнгакларидан қилинадиган овқат.

تُتُق ***tutuq*** (**тутуқ**) – бичилган ва эрлиги йўқотилган.

تُرُق ***turuq*** (**туруқ**) – ҳар нарсанинг ориғи.

[تُرُق ***turuq*** (**туруқ**)] ***Aruq-turuq*** – *Farğāna* билан *Kāšğar* орасидаги қийин, баланд йўл, довон.

تُزَق ***tuzaq*** (**тузақ**) – ов арқони, тузоқ. (Шоир) шундай деган:

***İglädi menïŋ aδaq,***
***Körmäδip oğrï tuzaq.***
***İglädim andïn uzaq,***
***Emlägil emdi, tuzaq.***

Айтмоқдаки: Яширин тузоқни кўрмай, менинг оёғим илинди. Узоқ вақт қийналдим, эй севиклим [яъни *tuzaq*], энди ўзинг давола.

تُزَق ***tuzaq*** (**тузақ**) – киши ўз севиклисига суюб айтадиган сўзи. Бу сўзнинг *yā* (*ï*) билан ***tuzaqï*** тарзидаги талаффузи ҳам бор.

تَشَق ***tašaq*** (**ташақ**) – эрлар мояги, ташоғи. Бир-бирига яқин туриш муносабати билан "эрлик олати (закар)"га ҳам ***tašaq*** дейилади.

تَتُق ***Tutuq*** (**Тутуқ**) – эркаклар исми.

تَنُق ***tanuq*** (**тануқ**) – гувоҳ.

جَبَق ***čabaq*** (**чабақ**) – турк кўлида бўладиган бир хил кичик балиқнинг оти. Паст кишиларга ***čabaq er*** дейилиши ҳам шунга ўхшатишдандир.

جِبِق ***čïbïq*** (**чибиқ**) – чивиқ, ҳўл новда.

جُجُق ***čočuq*** (**чўчуқ**) – ҳар нарсанинг боласи; чўчканинг боласи.

جَرُق ***čaruq*** (**чаруқ**) – чориқ. Мақолда (шундай келган): ***Yaδağ atï – čaruq, küči – azuq.*** Маъноси: "Яёв(нинг) оти – чориқ, кучи – озиқ. Яъни, яёв кишининг оти – унинг чориғи, куч-қуввати – овқатидир". Бу мақол йўлда оёқ чақаланиб ва кишининг ўзи заифлашиб қолмаслиги учун юқоридаги икки нарса кераклиги тўғрисида айтилган.

جَرُق ***čaruq*** (**чаруқ**) – *Afrāsiyāb* шаҳрида турувчи ***barčuq*** отли бир тоифа турклар. *Batzan ibn Baxtu Naṣṣar* ни *Afrāsiyāb* шу шаҳарга қамаган эди.

جُلُق ***čoluq*** (**чўлуқ**) – қўли кесилган чўлоқ, чўлток.

جُلِق ***čuliq*** (**чулиқ**) – мусича катталигида бўлиб, сувда яшайдиган ола қуш.

جُمَق ***čumaq*** (**чумақ**) – асо, ҳасса.

جُمَق ***čumaq*** (**чумақ**) – уйғурлар ва мусулмон бўлмаган ҳамма халқ мусулмонларни ***čumaq eri*** дер эдилар, "мусулмонлардан бири" демакдир.

جَنَق ***čanaq*** (**чанақ**) – ёғочдан ўйиб ишланган тузлуқ ва шу каби идишлар.

جَنَق ***čanaq*** (**чанақ**) – коса (ўғузча).

[سَجُق ***sačuq*** (**сачуқ**)] ***sačuq nāŋ*** – сочиқ нарса.

سُدُق ***suδuq*** (**судуқ**) – тупук.

سِرُق / سُرُق ***sïruq / suruq*** (**сируқ / суруқ**) – чодирнинг устуни.

سَسِق ***sasïq*** (**сасиқ**) – сопол; ***uč*** қабиласи ва уларнинг юқориларида турувчилар сўзидир.

سُسِق ***susïq*** (**сусиқ**) – кўза. Бу сўзни фақат бир қабиладагина эшитдим.

قَبَق ***qabaq*** (**қабақ**) – қовоқ; ***köz qabaqï*** – кўз қовоғи.

قَبَق ***qabaq*** (**қабақ**) – ҳўллигича ейиладиган қовоқ.

قَبَق ***qabaq*** (**қабақ**) – қизнинг қизлиги; ***qïz qabaqï sïdï*** – қизнинг қизлиги олинди.

قَتِق ***qatïq*** (**қатиқ**) – сирка ва қатиқ сингари тутмоч овқатига қўшиладиган доривор.

قَتِيق ***qatïq*** **(қатиқ)** – қотиштириш, аралаштириш.

[قَچَق ***qučaq*** **(қучақ)**] ***bir qučaq böz*** – бир кучоқ бўз, бир боғлам бўз.

قَدِيق ***qadïq*** **(қадиқ)** – ёғоч идиш (арғуча).

قَرَق ***qaraq*** **(қарақ)** – кўз соққаси; ***qara qaraq*** – кўзнинг қораси; ***örüŋ qaraq*** – кўз оқи; ***ot qaraq*** – кўз қорачиғи.

[قَرُق ***qïruq*** **(қируқ)**] ***qïruq er*** – қўли қуриб қолган ёки қўли шол одам; ***qïruq aδaq*** – оёғи яроқсиз.

[قَزُق ***qazuq*** **(қазуқ)**] ***qazuq arïq*** – қазилган ариқ ва бошқалар.

قَسُق ***qasuq*** **(қасуқ)** – от терисидан қилинган, саночга ўхшаш, сут ва қимиз солинадиган нарса.

قَسُق ***qasuq*** **(қасуқ)** – ҳар қандай дарахт пўстлоги. Бу сўзнинг асли ***qas*** дир, ***qāf*** кейин қўшилган.

قَسِق ***qosïq*** **(қўсиқ)** – чилғуза. Жорияларни ҳам шу сўз билан атайдилар.

قَشَق ***qašaq*** **(қашақ)** – (қоғоз ясаладиган) бир турли қамиш.

قَشُق ***qašuq*** **(қашуқ)** – қошиқ. Мақолда (шундай келган): ***Quruq qašuq ağïzqa yaramas, quruğ söz qulaqqa yaqïšmas.*** Маъноси: "Қуруқ қошиқ оғизга ёқмас, қуруқ сўз қулоққа ёқмас". Бу мақол "бировдан ёрдам сўраш учун, унга ҳам бирон фойда кўрсатиш керак" деган маънода қўлланади.

[قَقَق ***qawaq*** **(қавақ)**] ***Qawaq art*** – *Özjänd* билан *Käšğar* ўртасидаги бориш қийин бўлган бир жой.

[قُقُق ***quwuq*** **(қувуқ)**] ***quwuq näŋ*** – кавак нарса.

قَقُق ***qawuq*** **(қавуқ)** – қовиқ, сийдик қопи.

قَقِق ***qawïq*** **(қавиқ)** – тариқ ва шунга ўхшаш донларни элаганда чиқадиган нарса, кепак.

قَلِق ***qalïq*** **(қалиқ)** – ҳаво.

قُلَق ***qulaq*** **(қулақ)** – қулоқ. Баъзилар ***qulxaq*** ва баъзилар ***qulqaq*** дейдилар. Олдингиси тўғри.

[قُلَق ***qulaq*** **(қулақ)**] ***qulaq ton*** – икки енги қисқа тўн.

قِلِق ***qïlïq*** **(қилиқ)** – қилиқ, характер; кишилар билан муносабат. Бу сўзни ***qïlq*** ҳам дейилади.

قُمُق ***Qumuq*** **(Қумуқ)** – беклардан бир кишининг оти. Бир чоғлар мен у билан учрашган эдим.

قَمُق ***qamuq*** **(қамуқ)** – от тезаги, бу сўз шунгагина хос.

قَنَق ***qanaq*** **(қанақ)** – қаймоқ. Арғу ва булғар тилида бу сўздаги *yā nūn* га алмаштирилган.

قُنَق ***qonuq*** **(қўнуқ)** – меҳмон. (Шоир) шундай деган:

***Bardï erän qonuq,***
***Bulup qutqa saqar.***
***Qaldï aliğ uyuq,***
***Körüp ewni yïqar.***

Айтмоқдаки: Меҳмонни бахт деб билувчи эрлар ўтиб кетди. Шарпани сезса, кириб қолмасин, дея чодирини бузадиганлар қолди.

قُنَق ***qonaq*** **(қўнақ)** – тариқ. Мақолда (шундай келган): ***Qonaq baši seδräki yig.*** Маъноси: "Тариқ бошининг камдон бўлиши, сердон бўлишидан фойдалироқдир" деган мақол бор. Чунки камдон бўлса, дон тўла ва йирик бўлади, агар сердон бошоқ бўлса, донлари майда ва кичик бўлиб қолади. Бу мақол қийинчилик ва заҳматни кам тортиб, мақсадга етишни хоҳловчиларга қарата қўлланади.

ك ***g*** [ҳарфи]:

بِتِگ ***bitig*** **(битиг)** – китоб.

بِتِگ ***bitig*** **(битиг)** – ёзув; ёзмоқ. Бу, айни замонда масдардир; ***anïŋ bitigi belgülüg*** – унинг ёзуви маълум, белгили.

بِتِگ ***bitig*** **(битиг)** – тумор (ўғузча).

بِچَک ***pičäk*** **(пичак)** – пичоқ. Мақолда (шундай келган): ***Nečä yitig pičäk ersä, öz sapïn yonumas.*** Маъноси: "Пичоқ қанчалик ўткир бўлса ҳам, ўз сопини йўнмайди". Бу мақол ўз ишини бажаролмай, бошқалар иши тўғрисида сўзловчиларга қўлланади.

بَدَگ ***bedüg*** **(бедуг)** – ҳар нарсанинг каттаси; ***bedüg tewi / tewäy*** – катта туя.

بُرُک ***bürük*** **(бурук)** – халтанинг оғзини боғлайдиган боғич ёки иштонбоғ.

بَزَک ***bezäk*** **(безак)** – безак. Бир тилда.

بَزِک ***bezik*** **(безик)** – титроқ, ларза; ***ol bezik bezdi*** – у қаттиқ титради.

[پُسُک ***püsük*** **(пусук)**] ***ol qulïn püsük püsdi*** – у қулига беркинадиган жой қилди. Қулини уришга ҳам шу сўз қўлланади.

بُلُک ***bölüg*** **(бўлуг)** – ҳар қандай ҳайвон жинси, тўдаси; ***bir bölüg qoy*** – бир тўда қўй; ***bir bölüg kiši*** – бир тўда киши. Бу сўз "халқ" ва "туя" сўзлари сингари *ismi jam'* дир.

بِلَک ***biläk*** **(билак)** – билак.

بَلَک ***beläk*** **(белак)** – сафар қилувчи киши ўз яқинларига олиб борадиган ёки бирор ердан бошқа бир ерга келтирувчи совға, туҳфа.

بِلَک ***pelig*** **(пелиг)** – пилик, чироқ пилиги.

بِلَک ***pelig*** **(пелиг)** – яранинг чуқурлигини текшириб кўриш учун қўлланадиган ичак ёки резинка асбоб.

بِلِک ***bilig*** **(билиг)** – илм, билим; ***bilig ögrän*** – билим ўрган.

بِلِک ***bilig*** – ҳикмат; ***ozaqï bilgälär*** – қадимги ҳакимлар, олимлар.

بِلِک ***bilig*** **(билиг)** – ақл. Мақолда (шундай келган): ***Oğlan biligsiz.*** Яъни: "Болада ақл йўқ".

بِنَاگ ***benäg*** **(бенаг)** – дона, уруғ (арғу ва баъзи тилларда).

بِنَک ***benäk*** **(бенак)** – чақа, пул.

تِپُک ***tepük*** **(тепук)** – кўрғошин эритилиб, ғилдирак, ғалтак шаклига келтирилади. Сўнг болалар унга ип шаклидаги эчки юнгини айлантириб боглаб тепиб ўйнайди.

[تِپِک ***tepik*** **(тепик)** – тепиш, оёқ билан уриш] ***ol qulïn tepik tepdi*** – у қулини тепиб-тепиб урди.

[تِتِک ***titik*** **(титик)** – ачиш, оғриш] ***baš titik titti*** – яра ҳаддан ортиқ оғриди. Бу шакл таъкид учун қўлланади; ***ol erig uruğ urdï*** – у кишини ҳаддан ташқари урди [у кишини шундай урдики], жуда қаттиқ урди.

[قَچِغ ***qačïğ*** **(қачиғ)**] ***ol qačïğ qačdï*** – у жадаллик билан қочди.

تُتَک ***tütäk*** **(тутак)** – обдаста ва бошқа нарсаларнинг жўмраги.

تِتِک ***titik*** **(титик)** – лой.

تِرِک ***tirig*** **(тириг)** – ҳар бир тирик ҳайвон, жонзот.

تَزَک ***tezäk*** **(тезак)** – от тезаги. Мақолда (шундай келган): ***Tezäk qarda yatmas, eδgü esiz qatmas.*** Маъноси: "Тезак (ўзининг иссиқлигидан) қорда ётмас [қорни эритиб юборади], (шунга ўхшаш) ёмон ҳам яхши билан қотишмайди, аралашмайди".

تَزِک ***tezik*** **(тезик)** – халқ орасидаги саросима, қўркув; ***tezik kiši*** – ишдан қочқоқ, қўрқоқ киши.

تِزِک ***tizik*** **(тизик)** – тизма, саф, қатор; ***tizik tezik*** *(?)* – қатор терак; ***bir tizik yinčü*** – бир тизим марварид, инжу.

تَاجِيك ***täžik*** **(тажик)** – форс; икки жағ орасида талаффуз қилинадиган ***zā*** билан.

تَشْنَك ***tešük*** **(тешук)** – дабба, мояк шиши. Мақолда (шундай келган): ***Tešük suwda belgürär.*** Маъноси: "Дабба шиши сув кечганда билинади". Бу мақол бирор иш қилишда мақтанувчига ишнинг яхши-ёмонлиги кейин билинади, деган мазмунда қўлланади.

تَشِك ***tešik*** **(тешик)** – очкўз, корни тўяди-ю, кўзи тўймайди.

[تُشُك ***tüšük*** **(тушук)**] ялқов, камҳафсала, ишёқмас кишига ***tüšük kiši*** дейилади.

تُشَك ***töšäk*** **(тўшак)** – тўшак, ўрин.

تِشَك ***tišäk*** **(тишак)** – икки ёшли қўй.

تُلَك ***töläk*** **(тўлак)** – тинч ва оғир киши. Мақолда (шундай келган): ***Ač – ewäk, toq – töläk.*** Маъноси: "Оч овқатни кўрганда шошилиб қолади, лекин овқат тўқнинг парвосига ҳам келмайди" (ўғузча).

تُلَك ***tüläk*** **(тулак)** – ҳайвонларнинг юнги тўкилган, туллаган вақти; ***ol qoy tülükindä keldi*** – у қўй туллаган, юнгини тўккан вақтда келди.

تِلَك ***telik*** **(телик)** – тешик.

تُوَك ***tüwäk*** **(тувак)** – туппак. Тол дарахтининг ва умуман ҳўл шохларнинг пўстлоғини ёрмай, шох новдадан суғуриб олинади ва учига ғўлакчалар қўйиб, чумчуқларни отилади. Ёғочнинг ичини ковак қилиб ҳам туппак ясалади (чигилча).

چُبَك ***čüpäk*** **(чупак)** – болалар чуки.

[چِبَك ***čipäk*** **(чипак)**] ***čipäk qarğuy*** – бир турли ов қуши, ёввойи лочин.

چِتُك ***četük*** **(четук)** – ургочи мушук (ўғузча); ***kök četük*** – эркак мушук.

چِچَك ***čečäk*** **(чечак)** – гул, чечак.

چَكَك ***čekäk*** **(чекак)** – чечак касали (чигилча).

چَرِك ***čerig*** **(черик)** – уруш сафи. Мақолда (шундай келган): ***Alp čerigdä, bilgä tirigdä.*** Маъноси: "Ботир жанг алангасида (синалади), доно мажлисда (синалади)".

چَرِك ***čerig*** **(черик)** – ҳар нарсанинг рўпараси, вақти (ўғузча).

چُرَك ***čürük*** **(чурак)** – кулча.

چِلِك چِلِك ***čilik-čilik*** **(чилик-чилик)** – эчкини чақирганда "чилик-чилик" дейилади.

چُنُك ***čünük*** **(чунук)** – чинор дарахти.

چُشَك ***čüšäk*** **(чушак)** – ўт-хашак (суғдча).

دُلَك ***dölük*** **(дўлак)** – лаби учган сопол идиш, боши синдирилган кўза, сингари.

سِپَك ***sipäk*** **(сипак)** – тегирмон тошининг устида айланадиган темир.

سِبَك ***sibäk*** **(сибак)** – сумак, сийдик ёйилиб кетмаслиги учун бола бешигига қўйиладиган қамиш.

سِدُك ***sidük*** **(сидук)** – сийдук, ҳамма тури учун ҳам умумий.

سِدِك ***siδig*** **(сидиг)** – устки кийимнинг бир томони; ***sïδïğ*** дегандан кўра, ***siδig*** дейиш яхшироқдир.

سُرُك ***sürüg*** **(суруг)** – ҳар қандай ҳайвон тўдаси, сурув; ***bir sürüg qoy*** – бир сурув қўй ва бошқа сурувлар. (Шоир) шундай деган:

***Ügür sürüg qoy, tewäy, yundï bilä,***
***Yumurlayu erkänin sütin sağar.***

Айтмоқдаки: Бир сурув қўй ва туялари ҳамда отлари бўлган киши уларни соғиш учун тўплайди ва фойдаланади.

[سُزُك ***süzüg*** **(сузуг)**] ***süzüg suw*** – кўм-кўк тиниқ сув. Ёқут каби ҳар бир тиниқ нарсага ҳам шу сўз қўлланади.

سَشُك ***sešüg*** **(сешуг)** – (бойлоғидан) ечилган ҳар қандай нарса; ***sešüg at*** – ечилган от.

[سۆگ *sewüg* (севуг)] ***sewüg näŋ*** – суюкли нарса.

[سِلِگ *silig* (силиг)] ***silig er*** – нозик, ҳушёр, ақлли, сезгир эр.

**شُپِك** ***šüpik*** (**шупик**) – мева ейилгач, унинг ташланадиган пўчоғи. Бу сўздаги *čīm šīn* га айланган.

**شُتُك** ***šütük*** (**шутук**) – қорамол ва бошқа ҳайвонлар шохидан қилинадиган сиёҳдон.

[**شُتُك** ***šütük*** (**шутук**)] ***šütük saqal*** – кўса киши. Бу олдинги сўзга ўхшайди.

**شُنُك** ***šünük*** (**шунук**) – чинор дарахти. Бу сўздаги *čīm* ҳарфи *šīn* га алмашган.

**كَبَك** ***kepäk*** (**кепак**) – кепак; ***kepäk yinčü*** – майда инжу.

**كَبَك** ***kepäk*** (**кепак**) – бош кепаги.

**كُبُك / كَبَك** ***köpük / köpik*** (**кўпук / кўпик**) – сув кўпиги.

**كُبُك** ***köpük*** (**кўпук**) – қайнаётган қозон юзига чиққан кўпик.

**كَچِك** ***kečig*** (**кечиг**) – кечиг, кўприк. Мақолда (шундай келган): ***Qaynar ögüz kečigsiz bolmas.*** Маъноси: "Тез оқар сув кечигсиз [яъни кўприксиз] бўлмайди". Бу мақол бирон ишда иккиланиб, чўчиб турган кишига тасалли бериш учун қўлланади.

**كُچُك** ***köčüg*** (**кўчуг**) – от, туя орқасига мингашган киши.

**كِچِك** ***kičig*** (**кичиг**) – ҳар нарсанинг кичиги.

**كَدُك** ***kedük*** (**кедук**) – ёмғирда кийиладиган ёпинчиқ.

**كَدُك** ***kedük*** (**кедук**) – патдан қилинадиган бош кийим.

[**كُدُك** ***küdüg*** (**кудуг**)] ***iš-küdüg*** – иш, машғулот. Бу ибора ҳар вақт бирга қўлланади; ***küdüg*** тарзида айри қўлланмайди.

**كَرَك** ***keräk*** (**керак**) – керак, маъқул; ***keräkmü?*** деб сўраладиган сўров сўзига жавоб ўрнида "керак" демакдир.

**كُرُك** ***körük*** (**кўрук**) – темирчилар дами.

**كُزَك** ***közäk*** (**кўзак**) – бўзчи дўконидаги бир-бирининг устига тугилган иплар. Улар билан пасти юқорисидан, яъни арқоғни ўришдан ажратилади. Бу сўз шойи тўқувчи киши(нинг дўконидаги иплар)га ҳам қўлланади.

**كَزِك** ***kezik*** (**кезик**) – безгак, титратмали иситма.

[**كَزِك** ***kezik*** (**кезик**)] ***sarïg kezik*** – сариқ касаллиги.

**كَزِگ** ***kezig*** (**кезиг**) – кез, кезаг, ишда навбат; ***seniŋ kezigiŋ keldi*** – сенинг навбатинг келди.

**كَزِك** ***kezik*** (**кезик**) – журъат, ботирлик; ***bu išta seŋä kezik keräk*** – бу ишда сенга ботирлик керак. Асосий маъно аввалгиси [яъни "навбат"]дир.

**كُژِك** ***közik*** (**кўжик**) – гажак, кокил. Арғуча.

**كَسَك** ***kesäk*** (**кесак**) – нарсанинг бўлаги, парчаси; ***bir kesäk ötmäk*** – бир бурда нон.

**كَڤَك** ***kewäg*** (**кеваг**) – (жарангли *käf* [яъни, *g*] билан) бурун кемирчаги.

[**كُۋُك** ***köwük*** (**кўвук**)] ***köwük muš*** – эркак мушук. Чигиллар сўзи.

[**كُلُك** ***külüg*** (**кулуг**)] ***külüg näŋ*** – бировдан қарзга ёки омонат олинган нарса.

**كُلُك** ***kölük*** (**кўлук**) – юк ортиш мумкин бўлган ҳайвон орқаси.

**كَمَك** ***kemäk*** (**кемак**) – пахта ипидан тўқилган узун-узун оқ йўлли юпқа кийимлик, ундан уст кийимлар тикилади. Қипчоқлар ундан ёмғирда кийиладиган (ёпинчиқ) қиладилар.

**كُنَك** ***könäk*** (**кўнак**) – теридан ишланган меш.

**مَژَك** ***mäžäk*** (**мажак**) – ит ахлати, тезаги. Икки жаг орасида талаффуз қилинадиган *zā* ҳарфи билан; ***it mäžäki*** – ит тезаги.

**نَتَك** ***netäg?*** (**нетаг?**) – қандай?, қалай? сўроқ олмоши; ***netäg-sen?*** – қандайсан?

**نَچُك** ***nečüg?*** (**нечуг?**) – нега?, нима учун? сўроқ олмоши; ***nečüg bardïŋ?*** – нимага бординг? (ябакуча).

نلُك ***nelüg?*** **(нелуг?)** – нечук?, нима учун? маъносида. Бошқа турклар тилида.

نرَك ***nerāk?*** **(нерак?)** – нима керак? ***bu seŋä nerāk?*** – бу сенга нима учун керак? Асли ***ne kerāk?*** бўлиб, бир неча ҳарфлар туширилган.

ل ***l*** [ҳарфи]:

بَچَل ***bačāl*** **(бачал)** – эрлар, хотин-қизлар ва ҳамма ҳайвонларнинг кучлироқ, маҳкамроқ, пишиқроғи.

[بَشِل ***bašïl*** **(башил)**] ***bašïl qoy*** – бошининг ўртасида оқ бўлган қашқа қўй. Бир тилда.

بَدَل أرت ***Bedāl art*** **(Бедал арт)** – *Uč* билан *Barsğan* орасидаги бир жой, ўтиш қийин бўлган чўққи.

تَسَل ***tasal*** **(тасал)** – чавгон ўйини майдонида чегарани белгилаб чизилган чизиқ. Бу ***talas*** сўзининг бузилгани [яъни, товушлар ўрин алмашгани]дир. Арабчада "ўтлоқ" маъносида علاق ҳам لعاق дейилиши ҳам шундай.

تَگَل ***tegül*** **(тегул)** – "ундай эмас" (ўғузча). Бу сўзнинг асли арғуча ***dağ-ol*** сўзидан олинган. Улар икки *alif* ни туширib, *dāl* ни *tā* га, *ğayn* ни *kāf* [яъни *g*] га алмаштириб қўллаганлар.

[چِچِل تِقِل ***čïğïl-tïğïl*** **(чигил-тигил)**] ***oq keš ičrä čïğïl-tïğïl qildï*** – ўқ ўқ идишида ва бошқаларда ғижир-ғижир қилиб овоз чиқарди.

چِگِل ***čigil*** **(чигил)** – уч хил туркий қавм номи:

Биринчиси, *Barsğan* қуйисидаги *Quyas* шаҳарчасида яшовчи кўчманчилар.

Иккинчиси, *Ţirāz* яқинидаги шаҳарчада яшовчилар ҳам ***čigil*** деб аталадилар. Шундай аташ асослидир. Чунки *ðu-l-qarnayn* арғулар шаҳрига етганда қаттиқ ёмғир ёғиб, ерлар лой, ботқоқ бўлиб кетган ва Искандар юролмай қийналган. У хафа бўлиб, форсча اِینْ جَکِلْ اَست *in če gil-ast?* (бу қандай лой, бундан қутулолмаймиз?) дея ғазабланган. Сўнг у ерда бир бино қуришга буюрди, сўнг бу кунларда ***čigil*** деб аталувчи қўрғон бино қилинди. У ерда яшовчи туркий қабилалар ҳам шу ном билан (*čigili*) деб аталдилар. Шундан сўнг бу ном ҳар ёққа тарқалди. Ўғузлар шаҳри у ерга ёпишган эди ва улар чигиллар билан ҳар вақт урушар эдилар. Ҳатто ораларидаги хусумат бугунгача сақланиб келмоқда. Ўғузлар чигиллардек қийиниб, уларнинг урф-одатларини қилувчи туркларни ҳам ***čigil*** деб атайдилар. Яъни улар *Jayhūn* дан юқори *Šīn* гача бўлган ерларда яшовчи туркий қабилаларнинг ҳаммасини ҳам ***čigil*** деб атайдилар, бу хатодир.

Учинчиси, *Kāšğar* да бир қанча қишлоқларда яшовчи туркий қабилалар ҳам ***čigil*** деб аталади. Булар ҳам бир ердан тарқалгандирлар.

چُمُل ***čumul*** **(чумул)** – туркларнинг бир қавми.

سُگَل ***sögäl*** **(сўгал)** – касал, бемор (ўғузча).

سِگِل ***sigil*** **(сигил)** – сўгал.

قِزِل ***qïzïl*** **(қизил)** – ҳар нарсанинг қизили. Мақолда (шундай келган): ***Qïlïnu bilsä, qïzïl keðär, yaranu bilsä, yašïl keðär.*** Маъноси: "Хотинлар эри билан суҳбат истаганда қизил ипаклик кияди, ялиниш ва хушомадгўйлик чоғида яшил кийим кияди". Хотинлар тўғрисидаги ушбу мақол мақсадга эришиш учун, ёқимли муомалада бўлишни эслатиш мақсадида ишлатилади.

قِزِل ***Qïzïl*** **(Қизил)** – *Kāšğar* да бир дарёнинг номи. (Шоир) шундай деган:

***Qïzïl, sarïğ arqašïp,***
***Yepkin, yašïl yüzkäšip,***
***Bir-birgärü yörgäšip,***
***Yalïŋuq anï taŋlašur.***

Кўкламни тасвирлаб айтмоқда: Қизил, сариқ гуллар бир-бирига суянишиб, яшил райҳонлар бир-бири билан ўралишиб кўринади. Уларни кўрган киши танг қолади.

[كَفَل *kewäl* (**кевал**) – йўрға, юрамол] ***kewäl at*** – йўрға от.

م ***m*** [ҳарфи]:

[بِچِم ***bičim*** (**бичим**) – тилим, кесим] ***bir bičim qağun*** – бир тилим қовун. Бошқа нарсаларга ҳам ишлатилади.

بُغِم ***boğim*** (**бўғим**) – бўғин, бармоқ бўғини. Қамиш ва ғаровлар бўғини ҳам шундай аталади.

[بُكُم ***bükům*** (**букум**)] ***bükům etük*** – хотинлар киядиган этик, махси (ўғузча). Ўғузлардан бошқалар ***mükim, mükin*** дейдилар; *bā mīm* га ва *nūn mīm* га алмашгандир. Мен буни тоза туркча деб санамайман. Лекин қипчоқ ва бошқа қабилаларнинг (оддий кишилари) шундай атайдилар.

تَرِم ***tarïm*** (**тарим**) – тигинларга (қулликдан подшоликка етишган кишиларга) ва *Afrāsiyāb* авлодидан бўлган хотин ва бошқаларга, хоҳ катта, хоҳ кичик бўлсин, ***tarïm*** сўзи ишлатилади. Хоқония подшоларидан бошқалар қанча катта бўлсалар ҳам, бу сўз уларга нисбатан ишлатилмайди. Подшо хотинларининг лақаби ўрнида ***altun tarïm*** сўзи ишлатилади.

تَرِم ***tarïm*** (**тарим**) – кўл ва қумликларга қуйиладиган сувларнинг қирғоқлари.

تَرِم ***Tarïm*** (**Тарим**) – *Uyğur* чегарасида *Kūčā* яқинидаги бир жой отидирки, уни ***Usmï tarïm*** дейдилар. У ерда оқадиган сув ҳам шу сўз билан аталади.

تُرُم ***turum*** (**турум**) – бўй баробар узунлик; ***bir er turumï suw*** – бир кишининг бўйи баробар чуқур сув. Бошқа нарсаларга ҳам шу сўз қўлланади.

تُرُم ***torum*** (**тўрум**) – йўғон унли билан, туя боласи, бўталоқ; ***ïtsï torum*** – урғочи бўталоқ.

[تِزِم ***tizim*** (**тизим**) – тизма, тизилган, тизим] ***bir tizim yinčü*** – бир тизим марварид, марварид тизмаси.

تُقُم ***toqum*** (**тўқум**) – сўйилган ҳайвон. Кўпинча сўйиладиган отга айтилади.

[تِكِم ***tegim*** (**тегим**) – бир бўлак, бир кишилик, бир ейишлик насиба] ***bir tegim türmäk*** – бир кишилик, бир ейишлик қовурдоқ.

تِلِم ***telim*** (**телим**) – ҳар нарсанинг кўпи; ***telim yarmaq*** – кўп танга.

(Шоир) шундай деган:

***Telim bašlar yuwaldï-mat,***
***Yağï andïn yawaldï-mat,***
***Küči anïŋ kewäldi-mät,***
***Qïlïč qïnqa küčün sïğdï.***

Жангни таърифлаб айтмоқда: Ёв ботирларининг бошлари кесилиб, думалатилди. Шунга кўра, ёвнинг ғазаби сусайди, кучи синди. Устида қотиб қолган қорамтир қоннинг кўплигидан [қалинлигидан] қилич қинга зўрға сиғди.

تُلُم ***tolum*** (**тўлум**) – уруш яроғи. Бу сўз жамловчи отдир.

[تِلِم ***tilim*** (**тилим**) – бўлак] ***bir tilim et*** – бир тилим, бир бўлак эт, гўшт. Узунасига қирқилган ва ажратилган ҳар нарсага ҳам ***tilim*** дейилади.

دِدِم ***didim*** (**дидим**) – никоҳ кечаси келинга кийдириладиган тож [Қимматбаҳо тошлар тўғналган бош кийими].

سَرِم ***sarïm*** (**сарим**) – кўзача ва бошқа идишлардаги шароб сузилиб тушсин учун шу идишларнинг оғзига боғланадиган шоҳи латта.

[سَغِم ***sağïm*** (**сағим**) – соғим, соғишлик] ***bir sağïm süt*** – бир соғим сут.

سُقَمْ ***soqïm*** **(сўқим)** – ёғочни арча бужури шаклида қирқиб олиб, ичи ўйилади ва уч томонидан тешиб, ўқларнинг устига кийгизилади, шунда ўқ учган вақтда хуштак чалади.

[سُقَمْ ***soqïm*** **(сўқим)]** ***Baqïr soqïm*** – *Mirrïx* [Марс] юлдузининг оти.

[قُجَمْ ***qučam*** **(қучам)** – қучоқ] ***bir qučam näŋ*** – бир қучоқ нарса.

قُرُمْ ***qurum*** **(қурум)** – қоя, қоятош. Йиғилган кўп молга ҳам ***qurum*** дейилади; ***ol qurum buldï*** – у кўп мол топди.

كَرَمْ ***kerđm*** **(керам)** – ертўла. Юқори ва қуйи *Ṣïn* ликлар сўзи.

كَرِمْ ***kerim*** **(керим)** – гулли парда, гулли чойшаб; ***tam kerimi*** – кўрк учун деворларга тутиладиган нарса, кирпеч.

ن ***n*** [ҳарфи]:

[بُتُنْ ***bütün*** **(бутун)** – ишончли] ***cïn bütün kiši*** – ишончли, ҳаққоний киши.

بُتُنْ ***bütün*** **(бутун)** – бутун. Ҳар бир бутун, тузук нарса; ***bütün yarmaq*** – бутун, сийқаланмаган танга.

بُدُنْ ***boδun*** **(бўдун)** – халқ, омма (чигилча).

بُرُنْ ***burun*** **(бурун)** – бурун.

بُرُنْ ***burun*** **(бурун)** – уч, бурун; ***tağ burnï*** – тоғ бурни.

بُرُنْ ***burun*** **(бурун)** – олдин, бурун, илгари; ***ol mendin burun bardï*** – у мендан бурун борди. Бу сўз шаклда эмас, маънода арабчага ўхшайди.

بُزُنْ ***buzïn*** **(бужин)** (икки махраж орасида талаффуз қилинадиган *zā* ҳарфи билан) – ҳар хил ўт, ўсимлик.

بَسَنْ ***basan*** **(басан)** – ўлик кўмилгандан кейин тортиладиган таом. Уни ***yoğ basan*** ҳам дейдилар.

بُغُنْ / بُغُنْ ***boğun / boğïn*** **(бўғун / бўғин)** – бармоқ бўғини, қамиш бўғини. Бу сўзда *mïm nūn* га алмашган. Бу тилга мос хусусиятдир.

Ушбу байтдаги сингари:

يارُبّ جعد فيهم لوتدرين

يض.رب ض.رب السّبط المقاديم

Араб тилида бўлишсизлик қўшимчаси لن, لم нинг бир маънода келиши *mïm* билан *nūn* нинг бири ўрнига бири алмашиши қоида эканидан дарак беради.

بَقَنْ ***baqan*** **(бақан)** – доира, ҳалқа. Ердан қазиб олинадиган металлардан ясалган ҳалқага ***altun baqan*** (олтин ҳалқа) дейилади.

بِقِنْ ***bïqïn*** **(биқин)** – биқин, кишининг биқини.

بُكِنْ ***bükin*** **(букин)** – эрлиги йўқ, мизожи заиф киши.

بُكَنْ ***pökän*** **(пўкан)** – пўкон, кўричак.

بُكَنْ ***bükän*** **(букан)** – ҳинд қовуни, тарвуз.

بُلَنْ ***bolun*** **(бўлун)** – асир, тутқун. (Шоир) шундай деган:

***Apaŋ qulsam, uδu barïp,***
***Tutar erdim süsin tarïp.***
***Bolun qïlïp, basï yarïp,***
***Yuluğ barča meŋä yïğdï.***

Енгилган кишини тасвирлаб айтмоқда: Агар истасам, орқасидан бориб, ўзини тутар эдим. Аскарларини тарқатар эдим, ўзини асир қилиб, бошини ёрар эдим. Аммо жонини қутқармоқ учун кўп нарса тўплаб топширди (ва мен уни бўшатиб юбордим).

تَبَنْ ***tapan*** **(тапан)** – туя товони.

تُبُنْ ***topun*** **(тўпун)** – овқатнинг таги, унинг ичидаги ғализ нарсалар. Уч қабиласининг сўзи.

تَدُنْ ***taδun*** **(тадун)** – икки ёшли қорамол. Бунинг урғочисига ***tiši taδun*** дейилади.

تُدُنْ ***tuδun*** **(тудун)** – қишлоқ кексаси, оқсоқоли, сув тақсимловчиси, мироби.

تُتُنْ ***tütün*** **(тутун)** – тутун. Мақолда (шундай келган): ***Ot tütünsüz bolmas, yigit yazuqsuz bolmas.*** Маъноси: "Ўт тутунсиз бўлмас, йигит гуноҳсиз бўлмас".

تُگَنْ ***tügän*** **(тугун)** – тугун.

تِکَنْ ***tikän*** **(тикан)** – тикан. Бу сўзнинг енгил, қисқа шаклидир. Қоидага кўра икки *kāf* билан ***tikkän*** бўлиши керак эди. Чунки бу сўз "илиш; тилиш" маъноларидаги ***tikdi*** дан ясалгандир. Бу ердаги *kāf* ўзакнинг асл ҳарфидир. Бу ўзакдан сифат ясаш учун иккинчи бир *kāf* қўшиш керак бўлади. "Гўштни сихга тиқди" маъносида келувчи ***tewdi etni*** гапидаги ***tewdi*** дан [яъни гўштни сихга тиқувчи] ***etni tewgän*** тарзида сифат ясалади. Бу сўз ўзагида *kāf* йўқ. У сифат ясашда орттирилган.

"Киши сувда чўмилди" маъносидаги ***er čömdi suwda*** гапидаги ***čömdi*** сўзидан сифат ясалганда ҳам ***suwqa čömgän er*** (сувда чўмилган киши) тарзида қўлланади. Яъни бунда ҳам ўзакда бўлмаган *kāf* орттирилади. Агар ўзакнинг ўзида ҳам *kāf* ҳарфи бор бўлса, у вақтда иккинчи бир *kāf* орттириб, сингдириб талаффуз қилинади. Масалан: ***er urağutnï sikti*** (эр хотинни сикди) деган жумлани сифатдош шаклида қўлласак, ***sikkän er*** (сиккан эр) дейилади. ***tikkän*** сўзи ҳам шундай. Лекин (талаффузда) енгиллик учун бир *kāf* туширилган.

تُلُنْ ***tulun*** **(тулун)** – турк ва ўғуз тилларининг бирида "чакка".

تُلُنْ ***tulun*** **(тулун)** – от юганларининг ўнг ва чап томони; икки чеккасидаги (мунчоқ, тумор сингари) нарсаларга ҳам ***tulun*** дейилади.

[تُلُنْ ***tolun*** **(тўлун)**] ***tolun ay*** – тўлин ой, ўн тўрт кечалик ой.

تَمَنْ ***Taman*** **(Таман)** – *Kāšğar* ўртасидан ўтувчи сой.

[تَمَنْ ***temän*** **(теман)**] ***temän yiŋnä*** – катта игна, жуволдиз.

تُمَنْ ***tümän*** **(туман)** – ҳар нарсанинг кўпи; ***tümän-türlüg sözlädi*** – ҳар хил сўзлар сўзлади; турли-туман сўзлади.

[تُمَنْ ***tümän*** **(туман)**] ***tümän miŋ*** – минг-минг, минг туман, минг марта минг, бир миллион. ***tümän miŋ yarmaq*** – бир миллион танга.

تُسُنْ ***tosun*** **(тўсун)** – тойчоқ, ҳали минилмаган той.

جُبَنْ ***čopan*** **(чўпан)** – қишлоқ оқсоқолининг ёрдамчиси.

جِقَنْ ***čïqan*** **(чиқан)** – холанинг ўғли, жиян.

جَگُنْ ***čegün*** **(чегун)** – вабр [мушукка ўхшаган бир ҳайвон]нинг боласи.

جُگَنْ ***čögän*** **(чўган)** – чавгон.

سَبَنْ ***saban*** **(сабан)** – тупроқни экин учун ҳозирлаш, қўш. Бу сўз "қўш билан ер ҳайдаш" маъносида ҳам қўлланади. Мақолда (шундай келган): ***Sabanda sandïrïš bolsa, örütkündä irtäš bolmas.*** Маъноси: "Ер ҳайдаш чоғида пухталик бўлса, хирмонда англашилмовчилик бўлмайди". Бу мақол кейин англашилмовчилик, жанжал чиқмаслиги учун ишни бошда пишиқ қилиш керак, деган маънода қўлланади.

سَغُنْ ***sağun*** **(сағун)** – қарлуқ катталарининг лақаби. Туркий табибларга ***ata sağun*** дейилади.

[سِيغَنْ ***sïğan*** **(сиған)**] ***sïğan sač*** – силлиқ соч.

سُگَنْ ***sügän*** **(суган)** – сават.

قَجَنْ ***qačan?*** **(қачан?)** – "қачон?" маъносидаги олмош; ***qačan keldiŋ?*** – қачон келдинг? Баъзан бу сўз "агар" маъносида ҳам келади: ***qačan barsa-sen*** – агар сен борсанг. "Вақтики" маъносида ҳам келади. Лекин аввалгиси асослидир.

قَذِنْ ***qaδïn*** **(қадин)** – қайин она, қайин ота, қайин. Қипчоқлар *zā* билан талаффуз қиладилар. Мақолда (шундай келган): ***"Qaδaš" temiš, qaymaduq, "qaδïn" temiš, qaymïš.*** Маъноси:

"Қариндошлар келди" дейилганда, унга эътибор берилмади; "қайин (она, ота) келди" дейилган эди, дарров унга қаралди". Бу мақол қайин она ва қайин оталарни ҳурмат қилиши учун куёвларга қарата ишлатилади.

قَرِنْ ***qarïn*** **(карин)** – корин.

قَرِنْ اَتْماق ***qarïn atmaq*** **(карин атмақ)** – сўйишга тайин қилинган молни сўйиб, қорнини нишон, мўлжал қилиб ўқ отилади. Агар ўқни теккизса, у гўштдан улуш олади.

قُرُنْ ***qurun*** **(қурун)** – қурун, девор ва шиплардаги тутун ислари.

قُقُنْ ***ququn*** **(қуқун)** – олов учқунлари.

قَلِنْ ***qalïn*** **(қалин)** – қалин, дағал, зич; ***qalïn sü*** – қалин аскар.

قُلُنْ ***qulun*** **(қулун)** – айғир, той.

قَلَنْ ***qolan*** **(қўлан)** – қулвоғ, камар.

[قُلَنْ ***qulan*** **(қулан)**] ***qulan atï*** – отга қоринбоғ боғланадиган жой.

كَتَنْ ***ketän*** **(кетан)** – меҳнат, қийинчилик. Қийинчилик кўрган кишига: ***Ketän kördi – kerägü yüdti***, дейиладики, бунинг маъноси "Меҳнатни кўриб, қийинчилик тортганидан, чодирини орқалади" демакдир.

كُدَنْ ***küdän*** **(кудан)** – зиёфат.

كُبَنْ ***kübän*** **(кубан)** – туяга боғланадиган тўқум, эгар ва бошқа шунга ўхшаш асбоблар (ўғузча).

كُرِنْ ***kürin*** **(курин)** – қовун-тарвуз, бодринг ва бошқа нарсалар ташиш учун ишлатиладиган четан, кажава ўрнидаги қоп. Замбил қоп, кашу.

كُزَنْ ***küzän*** **(кузан)** – чумчуқ овлашда фойдаланиладиган бир турли каламуш, қўшоёқ ҳайвонни ҳам шундай аталади.

كُسَنْ ***Küsän*** **(Кусан)** – *Küčä* деган шаҳарнинг бошқа бир оти. У уйғурларнинг чегарасидир.

كَلِنْ ***kelin*** **(келин)** – келин. Ўрта ҳарфи *fatḥa* ли бу хил сўзлар аслида *alif* билан қўшиб ёзилиши керак эди. "Туя товони" маъносида келган تَبَنْ ***tapan*** каби сўзларда ҳам икки *alif* ёзилиши керак эди. Бу ҳолда сўз ўзагида арабча ёзувда бўлмаган икки *alif* орттирилган бўлади: ثَابَانْ ; шунингдек, تُبُنْ ***tüpün*** каби ўртаси *ẓamma* ли сўзларда икки *vāv* [яъни *ü*] шакли орттириб ёзилиши қоидадир: تُوبُونْ ***tüpün*** каби. Шунингдек, كَلِنْ ***kelin*** сўзида бир *yā* орттириб ёзилади: كَالِينْ каби. Биз кўрсатмаган бошқа сўзларда ҳам аҳвол шу. Бу сўзларда орттириб, қисқартириб қўллаш мумкин. Чунки бу *fa'al, fu'al, fi'al* сўзлари *fa'āl, fu'āl, fi'āl* нинг қисқасидир. Чўзиб ва қисқартиб талаффуз қилиш сўзга зарар бермайди. Лекин орттириб ёзиш мумкин бўлганидай, қисқартиш ҳам янглиш эмасдир. Балки қисқартиш мувофиқ.

*Mujarrad* сўзлар, яъни таркибидаги ҳарфларнинг ҳаммаси аслий бўлган сўзлар бўлими битди.

**БУ ИЛК ҲАРФИ БИЛАН ИККИНЧИ ҲАРФИ ОРАСИГА ЧЎЗУВЧИ ҲАРФЛАР (*madd* ҳарфлари) ҚЎШИЛГАН СЎЗЛАР БОБЛАРИДИР**

***fā'il* қолипидаги ҳар хил ҳаракатли сўзлар бўлими**

ت ***t*** [ҳарфи]:

قَاغُتْ ***qağut*** (**қағут**) – сўкдан қилинадиган бир хил овқат. У шундайки, сўкни қайнатиб, кейин қуритиб, тегирмонда тортилади. Сўнг ёғ ва шакар билан қорилади [яъни, ҳолва талқон қилинади]. Бу тансиқ таомлардан.

ر ***r*** [ҳарфи]:

جَاتِرْ ***čatïr*** (**чатир**) – чодир.

جَاتِرْ ***čatïr*** (**чатир**) – нўшадир, *küčä* шевасида.

جَاچِرْ ***čačïr*** (**чачир**) – чодир. Ўғузлар буни ***časïr*** деб юритадилар.

سَاتِرْ ***satïr*** (**сатир**) – "эй ҳароми" деган маънодаги сўкиш.

سَاغِرْ ***sağïr*** (**сағир**) – конус шаклидаги таги тор, оғзи кенг идиш. Унга ичимлик солинади; чағир идиши.

ز ***z*** [ҳарфи]:

[سِيبِزْ ***sibiz*** (**сибиз**)] ***sibiz kiši*** – бетамиз, гофил киши.

ش ***š*** [ҳарфи]:

[تُودَشْ ***tüdäš*** (**тудаш**)] ***tüdäš näŋ*** – бири бирига ўхшаш нарсага айтилади. Асли "соч; қил" маъносидаги ***tü*** дир; ***bu at ne tülüg?*** – бу от қандай рангда? ***-däš*** – биргалик, яқинликни билдирувчи қўшимча. Бир қориндан туғилган икки болани ***qarïndaš*** дейиш ҳам шунинг учундир. ***qarïn*** (қорин) га ***-daš*** қўшилганда "бир қоринда пайдо бўлган" деган маъно чиқади. "Эмчак"ни ***emik*** дейилади, "бир эмчакни эмган икки бола"га ҳам ***emikdäš*** дейилади. "Бир юртлик икки киши"га ***yerdäš*** дейилади. "Биродар; яқин"га ***qadaš*** дейилади; асли "идиш" маъносидаги ***qa*** дир. Унга ***-daš*** қўшилгач, "бир идиш [бир қорин]дан" маъносини англатади. ***köŋüldäš*** сўзи ҳам шундай бўлиб, ***köŋül*** сўзидан ясалган, "кўнгилдош, маслакдош" деган маънони билдиради. Юқоридаги ***tüdäš*** сўзи ҳам шундай ясалган бўлиб, "турдош, рангдош, бир хил рангли" деган маънодадир.

تِيدِشْ ***tïdïš*** (**тидиш**) – тийиш, ман қилиш.

كَاكُشْ ***keküš*** (**кекуш**) – шишга суртиладиган бир турли даво; кундус (етимак).

غ ***ğ*** [ҳарфи]:

بَالِغْ ***balïğ*** (**балиғ**) – ярадор. (Шоир) шундай деган:

***Urmïš ažun pusuğïn,***
***Qïlmïš anï balïğ.***
***Em sem aŋar tilänip,***
***Sizdä bulur yaqïğ.***

Ҳолини баён қилиб айтмоқда: Замон мени меҳнат тузоғида тутди, ярадор қилди. Кейин у даво излаб, сенинг қошингда даво топди.

تَاتِغْ ***tatïğ*** (**татиғ**) – ширинлик; ***tatïğ-talïğ*** деб қўшиб айтадилар.

ك ***k/g*** [ҳарфи]:

بِيشِكْ ***bešik*** (**бешик**) – бола бешиғи, бешик.

دِيدَكْ ***didäk*** (**дидак**) – келин кўчганда, юрганда ўзгалардан яшириниш учун ёпинадиган нарса.

بِيلَكْ ***beläk*** (**белак**) – ҳадя, тортиқ.

تُونَكْ ***tünäk*** (**тунак**) – зиндон, қамоқхона (барсғанча).

سُوچِكْ ***sücig*** (**сучиг**) – ҳар бир ширин нарса.

سُوچِكْ ***sücig*** (**сучиг**) – шароб, мусаллас, май. Бу сўз қарама-қарши сўзлардандир. *Ïlä* водийсида яшовчилар (яғмо, тухси ва чигиллар) "май"ни ***qïzïl sücig*** дейдилар.

سِيزِكْ ***sezig*** (**сезиг**) – сезги, гумон.

كُوبِكْ ***kübik*** (**кубик**) – чопон қавиш.

كُوشِك ***košik*** **(кўшик)** – ёпиш, бекитиш, ёпинчик.

كُولِك ***kölik*** **(кўлик)** – соя, кўланка.

ل ***l*** [ҳарфи]:

قَاغِل ***qağïl*** **(қағил)** – истак (ток новдаларини боғлашда ишлатиладиган майда ва ҳўл тол чивиқлари). Мақолда (шундай келган): ***Qal sawï qalmas, qağïl bağï yazïlmas.*** Маъноси: "Кексаларнинг сўзи, насиҳати бекор кетмайди, толнинг ҳўл новдасининг боғи ечилмайди".

م ***m*** [ҳарфи]:

بِيرِم ***berim*** **(берим)** – олинган қарз, бериладиган нарса. Мақолда (шундай келган): ***Alïmčï – arslan, berimči – sïčğan.*** Маъноси: "Олимчи [яъни қарз берган] – арслон, беримчи [яъни қарз тўловчи] – сичқон".

ن ***n*** [ҳарфи]:

بِيچِن ***bičin*** **(бичин)** – маймун.

بِيچِن ***bičin*** **(бичин)** – (маймун); туркларда ўн икки йил номларининг бири.

تِيمِن ***temin*** **(темин)** – "бундан олдин" маъносидаги ёрдамчи сўз; ***temin keldim*** – бундан олдин, яқинда келдим.

جُودُن ***čoδïn*** **(чўдин)** – эритиб қуйилган бир турли мис; ***čoδïn ešič*** – мис қозон.

سُوغُن ***soğun*** **(сўғун)** – пиёз; ***soğan*** тарзидаги талаффузи ҳам бор.

[سُوغَن ***suğan*** **(суған)**] ***suğan yïlan*** – катта, лекин зарарсиз илон.

سِيغُن ***sïğun*** **(сиғун)** – буғу; ***sïğun otï*** – илдизи одам шаклида ўсадиган бир ўсимлик. У билан жинсий алоқа қилишдан ожизланиб қолган кишилар даволанади. Форслар буни *istarağ* дейдилар. Унинг эркак ва урғочиси бор. Эркагидан эрлар, урғочисидан хотинлар фойдаланадилар.

سِيغُن سَمُر ***Sïğun samur*** **(Сиғун самир)** – *Buğraxan* га заҳар берилган жойнинг оти.

چَادَن ***čaδan*** **(чадан)** – чаён.

لَاچِن ***lačïn*** **(лачин)** – лочин. Бу – йиртқич қушлардан. Ботир йигитларни ҳам ***lačïn*** дейдилар.

### ***fā'ūl*** шаклидаги сўзлар бўлими

قَاتُون ***qatun*** **(қатун)** – *Afrāsiyāb* уруғидан бўлган хотин-қизларнинг унвони. Мақолда (шундай келган): ***Xan išï bulsa, qatun išï qalïr.*** Маъноси: "Хоннинг иши чиқса, хотуннинг иши қолдирилади". Бу мақол арабларнинг اذاجا نهر الله بطل نهر عيسى деган иборасига ўхшайди.

قَاغُون ***qağun*** **(қағун)** – қовун. Мақолда (шундай келган): ***Qağun qarma bolsa, iδisi ikki eligin tegir.*** Маъноси: "Қовун талон бўлса, эгаси икки қўли билан тортади". Бу мақол киши ўз молига ҳаддан ортиқ ҳирс қўяди, мазмунида қўлланади.

لَاغُون ***lağun*** **(лағун)** – ичи чуқур қилиб ёғочдан қилинган идиш. Унда сут, қатиқ ва шунга ўхшаш нарсалар ичилади. Ёғоч товоқ.

### БУ ИККИНЧИ ВА УЧИНЧИ ҲАРФЛАРИ ОРАСИГА ТУРЛИ УНЛИЛАР (*madd* ва *līn* ҳарфлари) ҚЎШИЛГАН СЎЗЛАР БОБЛАРИДИР

### ***fa'īl, fa'ūl, fa'āl*** қолипларидаги сўзлар бўлими

چ ***č*** [ҳарфи]:

بُقَاچ اَرت ***Buqač art*** **(Буқач арт)** – ўтиш қийин бўлган бир йўл.

بُقَاچ ***buqač*** **(буқач)** – товоқ, қозон; ***ešič-buqač*** – қозон-товоқ.

ر ***r*** [ҳарфи]:

تَتَارْ ***tatar*** **(татар)** – туркий халқларнинг бир уруғи.

تَغَارْ ***tağar*** **(тағар)** – буғдой ва бошқа нарсалар солинадиган қоп.

تَوَارْ ***tawar*** **(тавар)** – товар, мол, мато.

جَفَارْ ***čawar*** **(чавар)** – тутантириқ; ***čawar-čuwar*** шаклида жуфт ҳолда қўлланади.

سُقَارْ ***soqar*** **(сўқар)** – шохсиз ҳар бир ҳайвон. Икки чаккасигача сочи йўқ ёки сочи тўкилиб кетган кал кишига ҳам ***soqar*** дейилади; ***soqar qoy*** – шохсиз қўй.

خُزَارْ ***Xuzar*** **(Хузар)** – турк шаҳарларидан бирининг оти.

ز ***z*** [ҳарфи]:

كُوَازْ ***küwäz*** **(куваз)** – кибрли; ўзини катта оладиган киши.

مَرَازْ ***maraz*** **(мараз)** – чивит ўти.

مَرَازْ ***maraz*** **(мараз)** – музд, иш ҳақи. Арғу ва яғмолар ***хїyar maraz*** дейдилар.

غ ***ğ*** [ҳарфи]:

تَشُوغْ ***tašuğ*** **(ташуғ)** – мато ва бошқа нарсаларни ташиш; бир ердан бошқа бир ерга кўчириш.

تُشَاغْ ***tušağ*** **(тушағ)** – тушов, эшак ва отнинг (олдинги икки) оёғини боғлаш, тушовлаш.

ق ***q*** [ҳарфи]:

بَچَاقْ ***bačaq*** **(бачақ)** – насорийлар рўзаси.

تَلَاقْ ***talaq*** **(талақ)** – қора жигар, талоқ.

تِلَاقْ ***tïlaq*** **(тилақ)** – хотинлар аврати (чигилча).

سُلَاقْ ***sulaq*** **(сулақ)** – талоқ, қора жигар (қипчоқча); *tā sīn* га алмашгандир. Бу ست нинг асли سدس бўлгани сингари ёки طس нинг асли طست бўлгани сингари. Наҳв олимлари шуни қатъийлаштирган. Қуйидаги шеърда نات сўзи ناس ўрнида келган:

جزى الله بنى السعلات

عمرا وقابوس شرار النات

ك ***k*** [ҳарфи]:

بُدِيكْ ***büdik*** **(будик)** – ўйин, ракс.

بِزَاكْ ***bezäk*** **(безак)** – безак, зийнат. Бу сўзнинг بِزَكْ шакли ҳам бор.

تِرَاكْ ***teräk*** **(терак)** – терак дарахти.

تِلَاكْ ***tiläk*** **(тилак)** – тилак, мақсад.

[تُلَاكْ ***tüläk*** **(тулак)**] ***tüläk yïlqï*** – туллаган ҳайвон. Моллар қишда жунини тўкиб, янги жун чиқарса, ***tüllädi*** дейилади.

ل ***l*** [ҳарфи]:

تُگَالْ ***tügäl*** **(тугал)** – тугал, тамом. Бутун нарсага ҳам ***tügäl*** дейилади. ***tügäl alğïl*** – бутунлай ол, тугал ол, ҳаммасини олгин.

[قِوَالْ ***qïwal*** **(қивал)**] ***qïwal burun*** – келишган, бичимли бурун. Бу ҳаммага севимлидир.

(Шоир) шундай деган:

***Ardï seni qïz,***
***Bodï anïŋ tal.***
***Yaylïr anïŋ artuči,***
***Burnï taqï qïwal.***

Жорияни мақтаб айтмоқда: Сени юмшоқ баданли қиз алдади. (Унинг) бадани юмшоқлигидан аръар новдалари сингари эгилар эди. Бурни ҳам чиройли, қирра бурун эди.

م ***m*** [ҳарфи]:

جُرَام ***čuram*** **(чурам)** – енгил ўқ билан отиш. Бу оддий бир ўқ отилишидан кўра узоқроқ. Ўқ узоқроқ борсин учун киши уни чалқанча ётиб отади. Бу хилда отилган ўққа ***čuram oqī*** дейилади.

[قُرَام ***quram*** **(қурам)**] ***quram kišilär*** – шоҳ қошида ўтиргандек даражаларига қараб тартибли ўтирувчилар; ***kišilär quram olturdïlar*** (кишилар ўз даражаларига қараб ўтирдилар) гапи мана шу асосдадир.

ن ***n*** [ҳарфи]:

بُلَانْ ***bulan*** **(булан)** – қипчоқлар элида бўладиган йирик гавдали ваҳший ҳайвон, уни овлайдилар. Унинг бандсиз идиш кўринишидаги осмонга қараб чиққан ичи ковак бир шохи бор. Унда қор, ёмғир сувлари тўпланади. Урғочиси тиз чўкканда, эркаги, эркаги тиз чўкканда, урғочиси унинг шохида (йиғилган) сув(дан) ичадилар.

تَكِينْ ***tigin*** **(тигин)** – аслида бу сўз "қул" демакдир: ***kümüš tigin*** – кумушдай тоза рангли қул, демакдир; ***alp tigin*** – баҳодир қул; ***qutluğ tigin*** – муборак қул. Сўнг бу сўзни хоқония болаларигагина хослаб атадилар. Кейин бу сўз бирорта йиртқич қуш оти билан жуфт ҳолда ишлатиладиган бўлди: ***čağrï tigin*** – ҳужумда лочиндек қул; ***küč tigin*** – кучли, қувватли қул. Сўнг бу исм *Afrāsiyāb* болаларига ҳам қўллана бошлади. *Afrāsiyāb* нинг болалари бирор иш, воқеа, хабарни айтганда ёки ёзганда оталарига ҳурмат юзасидан ўзларини камситиб, "қулингиз фалон қилди" деб "қулингиз" ўрнида ***tigin*** сўзини ишлатар эдилар. Сўнг бу сўз уларга от бўлиб қолди. Бошқа қуллардан ажралиб туриши учун бу сўзнинг ёнига яна бир нарса [яъни, унинг отини ҳам] қўшиб ишлатилади.

تُزُونْ ***tüzün*** **(тузун)** – юмшоқ феълли, мулойим киши. Мақолда (шундай келган): ***Tüzün birlä uruš, utun birlä tiräšmä.*** Маъноси: "Юмшоқ киши билан олиш, у сендан енгилиши мумкин. Қаттиқ юзли киши билан олишма, у сени енгади".

تُكُونْ ***tökün*** **(тўкун)** – доғ, тамға.

تُمَانْ ***tuman*** **(туман)** – туман.

جَرُونْ ***čarun*** **(чарун)** – чинор дарахти (ягмоча).

چِكِينْ ***čikin*** **(чикин)** – токзорларда ўсадиган бир ўсимлик. Тола-тола бўлиб ўсади, уни ҳайвонлар ейди.

چِكِينْ ***čikin*** **(чикин)** – ипак; ***čikin yïpï*** – ипак ип.

چِكِينْ ***čikin*** **(чикин)** – атласни зар қуббали қилиб тикиш; ***čikin čiknädi*** – атласни зар қуббали қилиб тикди.

سَمَانْ ***saman*** **(саман)** – сомон (чигилча).

قُلَانْ ***qulan*** **(қулан)** – қулон, ёввойи эшак.

قَبَانْ ***Qaban*** **(Қабан)** – эрлар отидан.

قُتَانْ ***Qutan*** **(Қутан)** – бу ҳам эрлар отидан.

كُكَانْ ***kökän*** **(кўкан)** – бузоқ ва қўзичоқларнинг арқонлари ҳамда соғиладиган бияларнинг соғишда боғланадиган арқонлари.

يِلْ كُكَانْ ***yel kökän*** **(йел кўкан)** – ўқ, ёй.

## ОХИРИГА ҲАРФ ҚЎШИЛГАН *SĀLIM* СЎЗЛАР

### *fa'lī, fa'lū, fa'lā* қолипларидаги ўртаси ҳаракатсиз сўзлар бўлими

ب ***b*** [ҳарфи]:

تُرْبِى ***turbï*** **(турби)** – бир ёшли бузоқ. "Қарздор; ёрдамчи" маънолари ҳам бор.

[كُرْبَا ***körpä*** (**кўрпа**)] ***körpä ot*** – кўрпа ўт [беданинг бир карич ва ундан ўсиқ вақти]; ***körpä yemiš*** – биринчи марта териб олингандан кейин, иккинчи қайта чиққан ҳосил, мева. Ёзда туғилган болага ҳам ***körpä oğul*** дейилади. Шунингдек, вақтидан ўтиб туғилган қўзи, эчки, бузоқларни ҳам ***körpä*** дейилади.

كِرْبِى ***kirpi*** (**кирпи**) – типратикан, кирпи; ***oqluğ kirpi*** – типратиканнинг жуда катта хили.

جَتِيبَا ***čatïpa*** (**чатипа**) – ариқ қазишга, тўғон бўғишга чиқмаганлардан қишлоқ оксоқоли оладиган солиқ (чигилча).

كَنْپَا ***kenpä*** (**кенпа**) – бир ўсимлик (канжакча).

ت ***t*** [ҳарфи]:

پَرْتُو ***partu*** (**парту**) – яхтак, бир қаватли устки тўн.

بُرْتَا ***burta*** (**бурта**) – кийимларга чатиладиган гирдак шаклидаги юпқа зарлар.

تَخْتُو ***taxtu*** (**тахту**) – йигирилмаган хом ипак.

سُكْتِى ***sökti*** (**сўкти**) – кепак (барсғанча).

سُقْتُو ***soqtu*** (**сўқту**) – бу шундай ичакларки, уларни жигар, гўшт ва турли дориворлар билан тўлатилади, кейин қайнатиб ейилади.

قِيْتُو ***qïvtu*** (**қивту**) – қайчи (чигилча).

كِرْتُو ***kirtü*** (**кирту**) – қасам.

كِرْتُو ***kirtü*** (**кирту**) – ростлик, ишонч, ҳақиқат. Ўлик ҳақида: ***ol kirtü yerdä-ol***, яъни: у чин ердадир, у ҳақда ёлғон гапириб бўлмайди, дейдилар. ***ol Täŋrikä kirtindi*** – у Тангрига ишонди ва пайғамбарини тасдиқлади.

ج ***č*** [ҳарфи]:

بَرْجَا ***barča*** (**барча**) – барча, бутун, ҳамма; ***barča keldilär*** – ҳаммалари келдилар, барча келди. (Донишманд) шундай деган: ***Quldačïqa miŋ yağaq, barča bilä ayruq tayaq.*** Айтмоқдаки: "Тиланчига мингта ёнғоқ, буларнинг устига яна суянадиган ҳасса ҳам беришим керак".

تَرْچِى ***terči*** (**терчи**) – музд, иш ҳақи олувчи.

تُنْجُو ***tunču*** (**тунчу**) – бир ютим овқат, луқма.

چُمْچَا ***čömčä*** (**чўмча**) – чўмич (ўғузча).

چِنْجُو ***činču*** (**чинчу**) – марварид, инжу (ўғуз ва қипчоқча); *yā* ҳарфи *čīm* га алмашган.

چَنْجُو ***čanču*** (**чанчу**) – угранинг хамирини ёядиган, хамир ёядиган асбоб, ўклов.

سِنْجُو ***sinču*** (**синчу**) – лочирадек, жуда юпқа ҳам, қалин ҳам бўлмаган бир турли нон.

شَنْجُو ***Šanču*** (**Шанчу**) – Юқори *Šīn* йўлидаги бир шаҳар. ***Šanču*** деб *šīn* дан кейинги *alif* ни чўзиб ўқиш яхши.

قَمْچِى ***qamčï*** (**қамчи**) – қамчи; ***qïlïč qamčï*** – қилич қамчи, қиличли қамчи, ичида қиличи бор қамчи.

قَمْچِى ***qamčï*** (**қамчи**) – от, буқа ва туяларнинг олати, кўпинча отга нисбатан айтилади ва ***at qamčïsï*** дейилади.

كَمْچِى ***kewči*** (**кевчи**) – *Kāšğar* дан *Uyğur* ларгача бўлган жойларда қўлланадиган ўлчов, у ўн ратлдан иборат (1 ратл =436,8 гр.).

كُمْجُو ***kömču*** (**кўмчу**) – хазина. Кўмилган мол ва йиғилган нарса; ***tawğač kömčüsi*** – одатдаги хазина. Од қавми хазинаси.

مَنْجُو ***manču*** (**манчу**) – фақат косибларнинг иш ҳақи, бошқаларники эмас.

د ***d*** [ҳарфи]:

بُكْدَا ***bügdä*** (**бугда**) – ханжар.

بَلْدُو ***baldu*** (**балду**) – балта.

تَمْدُو ***tamdu*** (**тамду**) – ўт алангаси, ёлқини. Буни ***tamduq*** ҳам дейдилар.

[جۆكدى *čökdi* (**чӱкди**)] *čökdi uluxsa* – қулоқ тагидаги гарданости суяги.

سمدا *samda* (**самда**) – оёққа кийиладиган сандал (чигилча).

سيندو *sïndu* (**синду**) – қайчи (ўғузча).

قمدو *qamdu* (**қамду**) – бўйи тўрт газ ва эни бир қарич бўлган бўз бўлаги. Бунинг устига уйғур хонининг муҳри босилиб, савдо-сотиқда пул ўрнида фойдаланилади. Эскириб, муҳрига зиён етса, етти йилдан сўнг ювилиб, янги муҳр босилади.

قندا *qanda?* (**қанда?**) – қаерда?, жой тўғрисидаги сўроқ сўзи; *qanda erdiŋ?* – қаерда эдинг?, қаерда бўлдинг? Асли *qayda* сўзидаги *yā* ҳарфи *nūn* га ўзгарган, унинг асли эса *qayuda* дир.

قردو *qardu* (**қарду**) – қаттиқ совуқда фундук ёнғоғи катталигида сув юзида оқувчи муз парчалари.

(Шоир) шундай деган:

*Qardunï yinčü saqïnmaŋ,*
*Tuzğunï manču sezinmäŋ.*
*Bulmaduq näŋkä sewinmäŋ,*
*Bilgälär anï yerär.*

Айтмоқдаки: Муз доналарини марварид деб ўйламанг, ҳадя овқатни мукофот, иш ҳақи деб билманг, бўлмаган нарсага севинманг, донолар уни ёқтирмайдилар.

كندو *kendü* (**кенду**) – канду, ўзи, ўз зоти, нафси; *ol kendü aydï* – у ўзи айтди.

كندى *kündi* (**кунди**) – паст, разил; *ol kündi kiši-ol* – у паст ва разил кишидир. Гапни аниқлаш учун баъзан *ol* сўзи ёрдамчи сифатида такрорланиб орттирилади.

مندا *munda* (**мунда**) – мунда, бунда, шу ерда; *ol munda-ol* – у шу ердадир, у бундадир.

(Шоир) шундай деган:

*Emgäksizin turğu yoq munda tamu,*
*Eδgülügüg körmädïp ažun čïqar.*

Айтмоқдаки: Бу дунёда кишининг машаққатсиз туриши сира мумкин эмас. Киши бирор яхшилик кўрмай туриб, дунёдан ўтади.

مندا *mendä* (**менда**) – "менда, ёнимда" маъносидаги сўз.

مندو *mandu* (**манду**) – турк сиркасининг оти. Яхши узум сувини олиб, хумчага солинади ва ачитилади. Сўнг устига тоза мусаллас куйилиб, бир кеча қолдирилади. Ниҳоят, сирка бўлиб етилади. Сирканинг энг яхшиси шудир.

بغرا *buğra* (**буғра**) – эркак туя; *Buğraxan* оти ҳам шундан олинган.

بكرى *bükri* (**букри**) – ҳар бир букри нарса.

تترو *tetrü* (**тетру**) – ҳар нарсанинг тескариси, акси.

تغرو *tuğru* (**туғру**) – қилич, пичоқ, ханжар дасталарига киргизиладиган бандлари.

تگرا *tegrä* (**тегра**) – тегра, атроф, қирғоқ; *quδuğ tegräsi* – қудуқ атрофи.

چبرا *čüprä* (**чупра**) – эски кийим.

چغرى *čağrï* (**чағри**) – лочин; *Čağrï-beg* дейилган киши оти ҳам шундан.

چغرى *čïğrï* (**чиғри**) – гардиш, чиғрик; *kök čïğrïsï* – осмон гардиши.

چغرى *čïğrï* (**чиғри**) – тегирмон парраги, сув чиқарадиган чиғрик парраги. Ипак ва ип ўрайдиган чарх, умуман, ҳар қандай ғалтакка ҳам шу сўз қўлланади.

(Шоир) шундай деган:

*Čağrï alïp, arqun münüp, arqar yetär.*
*Awlar keyik, tayğan, ïδïp tilkü tutar.*

Бир кишининг ов қилишини сифатлаб айтмоқда: Қўлига лочинни қўндиради; чопқир отини минади-да, тоғ эчкиларини тутади; шалпангқулоқ, хипча този итлар билан ёввойи ҳайвон ва тулкиларни овлайди.

***sağrï*** **(сағри)** – махсус, чидамли чарм. Ҳар нарсанинг терисига ҳам ***sağrï*** дейилади. Шундан олиб, ***yer sağrïsï*** – ер юзи, саҳни, дейилади; ***kiši sağrïsï yüz*** – кишининг териси юздир. Чунки юз териси иссиқ-совуққа чидамли ва қаттиқроқ бўлади.

***sïğra*** **(сиғра)** – икки тоғ орасидаги катта йўл, водий (ўғузча).

***süwräy*** **(суврай)** – учи найза сингари ўткир нарса. Чироғпоя ва сих сингари учи найза кичик нарсалар.

[***suqru / sïqru*** **(суқру / сиқру)** – рухсатсиз] ***ewkä suqru / sïqru kirdim*** – уйга рухсатсиз кирдим.

***kösri*** **(кўсри)** – кўкрак қовурғалари.

***küwrä*** **(кувра)** – ҳар бир ҳайвон ўлгандан сўнг, ичидагилари кетиб, эти суякларида қуриб қолган ҳолдаги танаси.

***käkrä*** **(какра)** – туя ейдиган аччиқ ўт.

***z*** [ҳарфи]:

***banzï*** **(банзи)** – узум кесиш вақти ўтгандан кейин, ишкомда қолган узум (канжакча).

***sunzï*** **(сунзи)** – бурга жинсидаги бир ҳашарот. Мен уни "бит" деб ўйлайман.

***čawžu*** **(чавжу)** – танаси, шохлари қизил, тоғларда ўсадиган бир дарахт. Қизил, аччиқ дони бор. Шохларининг юмшоқ ва қизиллигидан хотинларнинг бармоқлари унга ўхшатилади.

***kenzi*** **(кензи)** – *šīn* газмолларининг бир тури. У қизил, сариқ ва зангори каби турли тусда бўлади.

***s*** [ҳарфи]:

***buxsï*** **(бухси)** – бир хил овқат: буғдой қайнатилади, кейин уни бодом мағзи билан қўшиб хумчага солинади; устига арпа суви қуйилади ва шу ҳолда қўйиб ачитилади. Буғдойи ейилади, суви ичилади.

***tuxsï*** **(тухси)** – туркларнинг бир тоифаси, *Quyas* да яшайдилар. Уларни ***tuxsï čigil*** дейдилар.

***tewsi*** **(тевси)** – дастурхон.

***tümsä*** **(тумса)** – минбар, баланд ер (ўғузча). Аслида бу сўз туркча эмас.

***xawsï*** **(хавси)** – кичик қутича, хуққа.

***š*** [ҳарфи]:

***tutšï*** **(тутши)** – туташ, ёпишиқ; ***anïŋ yeri meniŋ yerkä tutšï-ol*** – унинг ери менинг еримга туташ. Бу сўзда *čīm* билан *šīn* бирлашиб кетган; ***tutčï*** ҳам дейдилар.

***tutašï*** **(туташи)** – туташган, ёпишган, бирлашган; ***men seŋä tutašï barïr-men*** – мен сенга туташиб бораман.

***čaxšu*** **(чахшу)** – хузаз ўсимлиги. У билан кўз оғриғи даволанади. У сўз аслида туркча эмас.

***qaršï*** **(қарши)** – шоҳ қасри.

***qaršï*** **(қарши)** – тескари, қарши; ***tün künüg qaršïsï-ol*** – тун куннинг қаршисидир.

***qaršï*** **(қарши)** – икки бек орасидаги қаршилик; ***ol beg anïŋ birlä qaršï-ol*** – у бек у бек билан қаршидир.

[***qawšï*** **(қавши)** – туташ, ёпишиқ, бириккан] ***qawšï qaš*** – туташ ва бириккан қошли.

***ğ*** [ҳарфи]:

بَتْغَا ***batğa*** **(батға)** – қалпоқлар учун ишлатиладиган намат ва юнгни қўйиб қирқиладиган тахта.

تُزْغُو ***tozğu*** **(тўзғу)** – йўлда кетаётган таниш ёки яқинларга чиқариб бериладиган овқат ҳадяси.

تَمْغَا ***tamğa*** **(тамға)** – шоҳ ва бошқаларнинг тамғаси, муҳри.

تَمْغَا ***tamğa*** **(тамға)** – денгиз, кўл ва дарёларга қуйиладиган сувнинг бир тармоғи. Денгизнинг қайиқ тўхтайдиган жойи ҳам ***tamğa*** дейилади. (Шоир) шундай деган:

***Tamğa suwï tašra čïqïp tağïğ ötär,***
***Artučlarï tegrä ünüp tizgin yetär.***

Айтмоқдаки: Бу сувнинг тармоғи токка ва тоғ ёнбағрига тарқалади, силжийди. У ерларда сарв дарахтлари от тизимидек қаторлашиб кўкаради.

جُفْغَا ***čuwğa*** **(чувға)** – тезюрар хат ташувчининг йўлда оладиган оти, маълум манзилга етганда, уни қолдириб, бошқасини минади.

جُفْغَا ***čuwğa*** **(чувға)** – йўл бошловчи, раҳбар (қипчоқ ва ўғузча). Мақолда (шундай келган): ***Qalïn qulan čuwğasïz bolmas.*** Маъноси: "Моллар подаси йўлбошчисиз бўлмайди". Бу мақол улуғ ишда бошқаларга эргашиш ва буйсунишга буюрилган кишиларга қарата айтилади.

سُرْغُو ***sorğu*** **(сўрғу)** – қортиқ [қон олишда қўлланадиган ускуна].

[سَلْغَا ***salğa*** **(салға)**] ***salğa at*** – боши қаттиқ от.

قَپْغَا ***qapğa*** **(қапға)** – қопқа, дарвоза.

قَدْغُو ***qaδğu*** **(қадғу)** – қайғу, ғам.

قُدْغُو ***qudğu*** **(қудғу)** – пашша.

قَرْغَا ***qarğa*** **(қарға)** – қарға. Мақолда (шундай келган): ***Qarğa qarïsïn kim bilir, kiši alasïn kim tapar.*** Маъноси: "Қарғанинг ёшидан қарисини ким айира олади, кишининг кўнглини ким била олади". (Шоир) шундай деган:

***Qarğa qalï bilsä nuŋïn ol buz soqar,***
***Awčï yašïp tuzaq tapa mäŋkä yaqar.***

Айтмоқдаки: Қарға очлик, ташналикнинг қийинчилигини билса, музни чўқийди; беркиниб турган овчини кўрмай, унинг тузоғидаги донни ейман, дея балога қолади [Қарға очлик ва ташналикнинг азобини билса, музни чўқийди. Овчи яшириниб ётса, тузоқдаги донга яқинлашади].

[قُرْغُو ***qurğu*** **(қурғу)**] ***qurğu er*** – енгил табиатли киши.

قَرْغُو ***qarğu*** **(қарғу)** – ёв хавфидан сақланиш учун энг баланд ерга қурилган минора шаклидаги бино бўлиб, ёв кўриниши билан ҳамма тезда қуролланишини билдириш учун, у ерга ўт ёқилади

[قَشْغَا ***qašğa*** **(қашға)**] ***qašğa qoy*** – қашқа қўй; ***qašğa at*** – қашқа от. Қашқа туяга нисбатан ҳам шу сўз ишлатилади.

قَشْغَا بُغْرَا ***Qašğa buğra*** **(Қашға буғра)** – икки жойнинг оти.

قَمْغِى ***qamğï*** **(қамғи)** – ҳар бир букилган ва эгри нарса. Юз фалажига учраган кишига ***qamğï yüzlüg*** дейдилар.

ڤ ***w*** [ҳарфи]:

تَلْڤَا ***telwä*** **(телва)** – телба, девона.

قَلْڤَا ***qalwa*** **(қалва)** – темирсиз, учи думалоқ ёғочдан қилинган ўқ.

ق ***q*** [ҳарфи]

[بُرْقِى ***burqï*** **(бурқи)**] ***burqï näŋ*** – тиришган ва буришган нарса. Бу жаҳли чиққан кишининг тиришган манглайига ўхшайди.

تَرْقَا ***tarqa*** (**тарқа**) – ғўра узум. Бу сўзнинг ***talqa*** шакли ҳам бор.

تُرْقُو ***torqu*** (**тўрқу**) – ипак кийимлик. Мақолда (шундай келган): ***Tawğač xannïŋ torqusï telim, teŋlämädïp bïčmas.*** Маъноси: "Хитой хоқонининг ипак газмоли кўп, лекин ўлчамасдан кесилмайди". Бу мақол ишни бошдан пухта ўйлаб қилишга ундаб, исрофгарчиликка қарши қарата айтилади".

تَلْقَا ***talqa*** (**талқа**) – ғўра узум; ***lām rā*** нинг ўрнида алмашган.

تَلْقُو ***talqu*** (**талқу**) – букилган, ўралган нарса; ***talqu yïšïğ*** – букилган, ўралган арқон.

جَنْقَا ***čanqa*** (**чанқа**) – овда қўлланадиган бир тур тузоқ.

[قَتْقِى ***qatqï*** (**қатқи**)] ***qatqï kiši*** – ҳеч кимсага бўйсунмайдиган, ўжар киши.

[قُتْقِى ***qutqï*** (**қутқи**)] ***qutqï er*** – хушмуомала, тавозели киши.

ك ***g*** [харфи]:

بَرْگَا ***bergä*** (**берга**) – ўғриларни калтаклаш ва эшакни ҳайдашда ишлатиладиган харчўп, қамчи.

بُرْگَا ***bürgä*** (**бурга**) – бурга. Енгил табиатли кишини унга ўхшатиб, ***bürgä kiši*** дейилади.

بِيرْگُو ***bergü*** (**бергу**) – (бериладиган) қарз; ***aniŋ meŋä bir at bergüsi bar*** – у мендан битта от қарздор.

بِلْگُو ***belgü*** (**белгу**) – белги, аломат, нишон. Мақолда (шундай келган): ***Qut belgüsi – bilig.*** Маъноси: "Бахтнинг белгиси билим ва ақлдир".

بِلْگَا ***bilgä*** (**билга**) – ҳаким, ҳикматшунос.

بِلْگَا ***bilgä*** (**билга**) – олим, билағон.

بِلْگَا ***bilgä*** (**билга**) – оқил, ақлли. (Шоир) шундай деган:

***Bilgä erig eδgü tutup, sözin ešit,***
***Erδämini ögränipän išqa sur-a.***

Айтмоқдаки: Билимли, ақлли кишиларга яхшилик қилиб, сўзларини тингла. Илму ҳунарини ўрганиб, амалга ошир".

بِلْگَا بَگ ***bilgä beg*** (**билга бег**) – илмли бек, ақлли, донишманд бек. Уйғур хони ***Köl bilgä xan*** деб аталар эди, бунинг маъноси "ақли кўлдек" демакдир. Ақлли кишига ***bögü bilgä*** дейдилар.

تَرْگُو / تَرْكُو ***tergü*** (**тергу**) – турли овқатлар билан тўла дастурхон.

تَرْگِى ***tergi*** (**терги**) – дастурхон. Мақолда (шундай келган): ***Tïlïn tergikä tegir.*** Маъноси: "Ширин, ёқимли сўз билан киши дастурхонга етишади". Бу мақол арабча "Киши ўз фазилатини тили орқали билдириши керак" деган мақолга ўхшайди.

[تَزْگِى ***tezgi*** (**тезги**)] ***tezgi boldï*** – халқнинг ёв босиб келиш хавфидан қўрқиб қочишига нисбатан ишлатилади.

تِلْكُو ***tilkü*** (**тилку**) – тулки. Бу сўз билан қиз боладан киноя қилинади. Бирон хотин туққанда доядан: ***Tilkümü tuğdï azu börimü?*** (Тулки туғдими ёки бўрими?) деб сўралади. Яъни "қизми ёки ўғилми?" демакдир. Қизлар алдоқчи ҳамда ялинчоқ бўлганлари учун тулкига, ўғил болалар ботирлигига кўра, бўрига ўхшатилади.

[تِلْكَا ***tilkä*** (**тилка**) – тилим, бўлак] ***bir tilkä et*** – бир бўлак гўшт. Узунасига кесилган ҳар нарсага ҳам ***tilkä*** дейилади; ***bir tilkä yer*** – узунасига айрилган бир бўлак ер.

جَجْكَا ***čečkä*** (**чечка**) – тўқувчиларнинг (ип тарайдиган) тароғи.

[جُرْكُو ***čürkü*** (**чурку**)] Ёш болалардан "Сийгинг қистаяптими?" деб сўралганда ***čürkü barmu?*** дейдилар.

بُتْكُو ***bütkü*** (**бутку**) – ахлат (болаларга хослаб қўлланади). Болаларга "туш қиласанми?" деб сўралганда ***bütkü barmu?*** дейилади.

[جِلْكُو ***čilgü*** (**чилгу**)] ***čilgü at*** – тўқ сариқ от.

سِرْكَا ***sirkä*** **(сирка)** – сирка.

سِرْكَا ***sirkä*** **(сирка)** – бошдаги бит сиркаси.

[كَتْكِى ***ketki*** **(кетки)**] ***ketki at*** – орқаси кенг, бели чўккан от.

كُتْكِى ***kütki*** **(кутки)** – тупроқ уюми, тепалик.

كَدْگُو ***keδgü*** **(кедгу)** – кийиладиган ҳар бир нарса.

كُلْگُو ***külgü*** **(кулгу)** – кулги. Ҳушдан кетказувчи сакта касаллигига ҳам ***külgü*** дейдилар; ***er külgü bardï*** – кишини сакта тутди. Бу сўзнинг ***kültgü*** равишида талаффузи ҳам бор.

گِرْكِى ***kerki*** **(керки)** – ўроқ ранда.

كَرْكَا ***körkä*** **(кўрка)** – ёғоч коса, заранг коса (канжакча).

ل ***l*** [ҳарфи]:

بُتْلُو ***butlu*** **(бутлу)** – туя бурнига ўтказилган чўп.

بِرْلَا ***birlä*** **(бирла)** – "бирга" маъносидаги кўмакчи; ***ol meniŋ birlä erdi*** – у мен билан бирга эди. Енгиллик учун ***rā*** ни тушириб, ***bilä*** дейиш ҳам бор.

بِبْلِى ***bibli*** **(библи)** – узун мурч, дори, фулфул.

تُبْلُو ***tublu*** **(тублу)** – гўр, қабр. Биров қарғалганда ***tubluqa tol*** – гўрга тўлғур, гўрга киргур, дейилади.

تُقْلِى ***toqlï*** **(тўқли)** – тўқли, олти ойлик қўчқор, қўзи.

جَفْلِى ***čawlï*** **(чавли)** – лочин.

جَغْلَا ***Čağla*** **(Чағла)** – ***uč*** қабиласидаги яйлов оти.

شُغْلُو ***šoğlu*** **(шўғлу)** – итузум.

م ***m*** [ҳарфи]:

[بِچْما ***bïčma*** **(бичма)**] ***bïčma yorïnčğa*** – ўрилган беда, ўрилган йўнғичқа. Охирига *mim* ва *alif* ҳарфлари қўшиб, мажҳул сифатдош маъносида қўлланадиган сўзлар ҳам оддий исмлар қатори ишлатилгани учун мен уларни ҳам баён қилдим.

تُتْمَا / تُتْمَا ***tutma / titma*** **(тутма / титма)** – сандиқ.

تُرْمَا ***turma*** **(турма)** – турп. "Сабзи"ни ***sarïğ turma*** дейилади. Арғуликлар "сабзи"ни ***kizri*** дейдилар. Бу сўзни улар форсларнинг *gazar* сўзидан бузиб олганлар. Ўғузлар уни ***kešür*** дейдилар. Улар ҳам бу сўзни форслардан олганлар. Ўғузлар форслар билан аралашгач, баъзи сўзларни унутдилар ва уларнинг ўрнига форсча сўзлар қўллай бошладилар. Масалан, улар туркча ***qumğan*** ўрнида ***āftāba, baqan*** (бўйинтумор) ўрнида ***qalida*** сўзини қўллайди; бунинг арабчаси قلاده *qilada.*

Ўғузларнинг тили нозикдир. Жуфт ҳолда қўлланадиган сўзлардан от ва феълларнинг бири асосий сўз, иккинчиси эргашма сўз бўлади. Ўғузлар бошқа туркларда айрим ҳолда ишлатилмайдиган эргашма сўзнинг ўзини ишлатаверадилар. Масалан, бир нарса иккинчи бир нарсага аралашса, турклар ***qattï qardï*** (аралаш-қуралаш бўлди) дейдилар. Бу ерда ***qattï*** сўзи асос ва асли бўлиб, ***qardï*** сўзи эргашмадир. Ўғузлар шу маънода ***qardï*** сўзининг ўзинигина қўллаб, асосий сўзни ташлаб айтадилар. Шунингдек, турклар "яхши-ёмон" маъносини англатиш учун жуфт ҳолда ***eδgü-yawlaq*** деб қўллайдилар; ***yawlaq*** сўзини ёлғиз қўлламайдилар. Ўғузлар эса, уларни ёлғиз ҳолда ишлатадилар.

تِزْمَا ***tizmä*** **(тизма)** – иштонбоғ, тўрванинг боғи ва умуман ҳар нарсани йиғиб боглаш учун ипдан махсус қилинган боғич.

تَكْمَا ***tegmä*** **(тегма)** – "ҳар бир" маъносини берувчи сўз. Мақолда (шундай келган): ***Tegmä kiši öz bolmas, yat-yağuq tüz bolmas.*** Маъноси: "Ҳар қандай киши ўзинг сингари бўлмайдики, унга сир айтиб ишонсанг, суянсанг. Бегона ва яқинлар бир хилда бўлмайди".

تُگْمَا ***tügmä*** **(тугма)** – кўйлак, чопон ва қалпоқлар боғичи, тугмаси.

[تِكْمَا *tikmä* (**тикма**)] ***tikmä näŋ*** – тикилган нарса.

جَلْمَا ***čalma*** (**чалма**) – чалма; қўй, туя ва бошқа моллар қийидан кесиб олиб, қишда ёқиш учун қуритиладиган тезак.

سَتْمَا ***satma*** (**сатма**) – боғбоннинг ҳавозаси. Қоровул тунда боғни пойлашда дарахт тепасидан кузатиш, ётиш учун ҳозирлаган жойи.

سُزْمَا ***süzmä*** (**сузма**) – сузма.

[قَتْمَا ***qatma*** (**қатма**)] ***qatma yuğa*** – ёгда пишириладиган қат-қат нон [қатлама].

قَرْمَا ***qarma*** (**қарма**) – талон-торож; ***näŋ qarmaladï*** – нарса талон-торож қилинди.

قِرْمَا ***qïrma*** (**қирма**) – конус шаклидаги нарса; ***qïrma topïq*** – конус шаклидаги ғирғирак.

كَسْمَا ***kesmä*** (**кесма**) – эни энсиз узун темир найза.

كَسْمَا ***kesmä*** (**кесма**) – ёл. (Шоир) шундай деган:

***Tünlä bilä bastïmïz,***
***Tegmä yaŋaq pustïmïz.***
***Kesmälärin kestimiz,***
***Mïŋlaq erin bïčtïmïz.***

Уйғурларга қарши жангни таърифлаб айтмоқда: Тунда босдимиз, ҳар ёгдан биқиниб кирдик, ҳатто отларининг ёлларини кесдик. *Мïŋлаq* эрларини ўлдирдик [Туни билан босдик, ҳар ёқдан биқиниб кирдик, (ҳатто отларининг) ёлларини кесдик. *Мïŋлаq* эрларини ўлдирдик] (*Мïŋлаq* – бир жой оти).

[ن ***n*** ҳарфи]

بَكْنِى ***begni*** (**бегни**) – арпа, бугдой ва тариқдан қилинган ичимлик.

بَغْنَا ***bağna*** (**бағна**) – поғона, нарвон пояси.

[تَغْنَا ***tağna*** (**тагна**)] ***tağna yawa*** – бир турли сассиққаврак илдизи. Уни сузма билан аралаштириб, тутмоч ошига қўшилади.

تَكْنَا ***tegnä*** (**тегна**) – тогора.

چُرْنِى ***čurnï*** (**чурни**) – турк табиблари томонидан ясаладиган сурги дори.

چِكْنَا ***čignä*** (**чигна**) – сурги (яғмоча).

خَسْنِى ***xasnï*** (**хасни**) – болаларни семиртириш учун ялатиладиган бир дори бўлиб, Ҳиндистондан келтирилади.

قُشْنِى ***qošnï*** (**қўшни**) – қўшни. Ўғузлар *nün* ҳарфини *šïn* ҳарфидан олдин қўйиб, ***qonšï*** дейдилар. Ҳар иккиси ҳам қоидага мос ва тўғридир.

### ***fa'lān, fu'lān, fi'lān*** қолипларидаги сўзлар бўлими

ب ***b*** [ҳарфи]:

تُرْبُنْ ***turbun*** (**турбун**) – исташ, излаш, солиштириш; ***anïŋ ewin turbïnla*** – унинг уйини изла, қаерда экан.

تَرْبِنْ ***tarbïn*** (**тарбин**) – турклардан бир тоифа кишилар бўлиб, улар ўзларидан катта бир киши буйруғига бўйсунадилар.

ت ***t*** [ҳарфи]:

تَرْتِنْ ***tartïn*** (**тартин**) – озиқ-овқатни ғамлаш.

[تَشْتِنْ ***taštïn*** (**таштин**) – ташқаридан, четдан] ***er taštïn bardï*** – киши ташқаридан борди.

چِكْتَانْ ***čiktän*** (**чиктан**) – от эгари устидан ёпиладиган ёпинчиқ.

قَوْتَانْ ***qawtan*** (**қавтан**) – тўн, устки кийим.

چ ***č*** [ҳарфи]:

بَرْجَانْ ***Barčan*** **(Барчан)** – бир жой оти.

تَبْجَانْ ***tapčan*** **(тапчан)** – стол шаклидаги уч оёқли бир ускуна, қўл етмаган баландликда қолган узумлар унга чиқиб узилади.

جُرْجَانْ ***Jurjan*** **(Журжан)** – *Ṣīn* йўлида мусулмонлар чегарасидан бири.

خ ***x*** [ҳарфи]:

بَرْخَانْ ***Barxan*** **(Бархан)** – Қуйи *Ṣīn* оти, у *Kāšğar* яқинида жойлашган тоғ тепасидаги қўрғон бўлиб, унинг остида тилла кон бордир.

بُرْخَانْ ***burxan*** **(бурхан)** – бут, санам. Ҳайкалга ***beδäz burxan*** дейилади.

تَرْخَانْ ***tarxan*** **(тархан)** – "бек" маъносида. Исломиятдан олдин қўлланган атама (арғучадир).

د ***d*** [ҳарфи]:

چِنْدَانْ ***čïndan*** **(чиндан)** – сандал дарахти; ***čïndan at*** – жийрон от, қизилгулранг от.

ر ***r*** [ҳарфи]:

تَوْرَانْ ***tawran*** **(тавран)** – тўпланиб, ундан иштонбоғлар ва сопқон боғлари ҳимариладиган ип.

سَبْرَانْ ***Sabran*** **(Сабран)** – ўғузларнинг шаҳарларидан бири. Кишилар арабча *ṣād* ҳарфи билан *Ṣabran* деб талаффуз қиладилар. Ҳолбуки, турк тилида *ṣād* (ص) йўқ.

سُيْرَانْ ***suyran*** **(суйран)** – минорага ўхшаш ҳар бир узун нарса (ўғузча).

س ***s*** [ҳарфи]:

تُكْسِينْ ***tügsin*** **(тугсин)** – тўртбурчак қилиб тугиладиган бир турли тугун. (Шоир) шундай деган:

***Tegmä čečäk öküldi,***
***Buquqlanïp büküldi.***
***Tügsin tügün tügüldi,***
***Yazğalï-mat yörgäšür.***

Шоир ёзни тавсифлаб айтмоқда: Гуллар кўпайди, гул ғунчалари гўё бурчакли тугунларга ўхшаб, бир-бирига ўралиб кетган, ғунча ёрилишга яқин туради [Турли-туман гуллар кўпайди. Гул ғунчалари бурчакли тугун сингари тугилди. Ғунчалар кўз ёришга яқин қолган].

تُكْسِينْ ***tüksin*** **(туксин)** – халқ орасидан чиққан, хондан уч даража қуйи амалдаги кишининг унвони.

تُقْسُونْ ***toqson*** **(тўқсўн)** – сонлардан тўқсон. Асли ***toquz on*** ("тўққиз кара ўн") бўлиб, икки сўз кейин бирлашиб кетган.

سَخْسِينْ ***Saxsïn*** **(Сахсин)** – булғорлар яқинидаги бир шаҳар. У *Suvar* дир.

سَكْسُونْ ***seksön*** **(сексўн)** – сонлардан саксон. Асли ***sekiz on*** – "саккиз кара ўн" демакдир. Икки сўз бирлаштирилиб, бир сўз ҳолига келган.

كُبْسُونْ ***köpsün*** **(кўпсун)** – тўшак, тагга солиб ётиладиган тўшак.

كِمْسَانْ ***kimsän*** **(кимсан)** – дўппи ва кулоҳларга ишлатиладиган, тақиладиган юпқа ва гирдак олтин кулчалари.

ش ***š*** [ҳарфи]:

كِرْشَانْ ***kiršän*** **(киршан)** – қўрғошин упа.

[كُكْشِينْ ***kökšin*** **(кўкшин)**] ***köksin näŋ*** – осмон рангли ҳар нарса.

غ ***ğ*** [ҳарфи]:

بَرْغَانْ ***barğan*** **(барған)** – мирта дарахтининг меваси.

بَشْغَانْ ***bašğan*** **(башған)** – эллик-юз ратл оғирлигида бўладиган катта бир балиқ. Жамоанинг каттасини ҳам шунга ўхшатиб ***bodun bašğanï*** (жамоа улуғи, раиси) деб атайдилар.

تُتْغُونْ ***tutğun*** (**тутғун**) – туткун, асир.

تَدْغُونْ ***tadğun*** (**тадғун**) – *Furāt* ва унга ўхшаш катта дарё. Бу сўз ***ögüz*** сўзи сингари ҳар қандай оқар сойга нисбатан ҳам ишлатилади.

[تَلْغَانْ ***talğan*** (**талған**)] ***talğan ig*** – тутканоқ касали.

سِجْغَانْ ***sïčğan*** (**сичған**) – сичқон. Мақолда (шундай келган): ***Öldäči sïčğan muš tašaqï qašïr.*** Маъноси: "Ўладиган сичқон мушук ташоғини қашийди". Ўлими бир нарсага боғлиқ бўлган киши ўша нарса теварагига ўзини уриши сингари ҳолларда айтилади. Арабча الباحث عن المدية мақоли каби.

[سِجْغَانْ ***sïčğan*** (**сичған**)] ***sïčğan yïlï*** – туркча ўн икки йилдан бирининг оти.

سَرْغَانْ ***sarğan*** (**сарған**) – шўрхок ерда ўсадиган ўсимлик. Бу хил ерларга ***sarğan yer*** (шўрхок ер) деб аталади. Қамиши қуриб қоладиган тўқайга ***sarğan qamïš*** дейилади.

[قَزْغَانْ ***qazğan*** (**қазған**)] ***qazğan yer*** – ўнқир-чўнқир, ботқоқ, серёриқ ер. Мақолда (шундай келган):

***Quš yawuzï – sağzïğan,***
***Yïğač yawuzï – azğan,***
***Yer yawuzï – qazğan,***
***Bodun yawuzï – barsğan.***

Маъноси: Қушнинг энг ярамаси, ёвузи – зағизғон; дарахтнинг энг ярамаси – азған дарахти. Бу шундай дарахтки, унинг оқ ва сариқ гули, зиракка ўхшаб осилиб турадиган қизил меваси бўлади. Бизда бу дарахтни токзорларнинг этагига экилади. Чунки у ўтинликка ярамайди, ёқилганда парчаланиб, сачраб кетади, уйдаги кийим ва бошқа нарсаларни куйдиради. Ерларнинг ярамаси – ўнқир-чўнқир ер. Чунки ўтов қуришга ҳам, экин экишга ҳам ярамайди. Одамнинг ярамаси *Barsğan* да турувчилардир, чунки улар ёмон ахлоқли, бахил кишилардир.

قُزْغُونْ ***quzğun*** (**кузғун**) – қора қарға, кузғун. Мақолда (шундай келган): ***Börinïŋ ortaq quzğunnuŋ yïğač basïnda.*** Маъноси: "Кузғун чиябўрининг овидан фойдаланишда унинг ўртоғи". У ўзининг овлаган нарсасини дарахт устида ейди. Бу сўз арабларнинг يربض حجره و يرتعي و سطا – "Оғилда ётиб, ўртада ўтлайдилар", деган мақолига ўхшайди.

قُشْغُونْ ***qušğun*** (**кушғун**) – ҳайвонлар ейдиган ҳўл қамиш.

قُشْغُونْ ***qušğun*** (**кушғун**) – равоч; ***ušğun*** талаффузи ҳам бор.

قُمْغَانْ ***qumğan*** (**кумған**) – кумғон, обдаста.

[مُنْغَانْ ***munğan*** (**мунған**) – эзма, сергап] ***munğan kiši*** – эзма, сергап киши.

ق ***q*** [ҳарфи]:

[بَرْقِنْ ***barqïn*** (**барқин**)] ***barqïn kiši*** – қасд қилган нарсасидан ҳеч нарса қайтара олмайдиган саёҳатчи.

[تُرْقُونْ ***turqun*** (**туркун**)] ***turqun suw*** – турғун сув.

تَلْقَانْ ***talqan*** (**талқан**) – талқон. (Шоир) шундай деган:

***Oğlum, ögüt algïl, biligsizlig ketär,***
***Talqan kimniŋ bolsa, aŋar bekmäs, qatar.***

Айтмоқдаки: Ўғлим, ўгит-кенгашимни қулоғингга ол, билимсизликни ташла. Кимнинг талқони бўлса, шиннига қоради. Шунингдек, ақлли киши насиҳатни қабул қилади.

جَلْقَانْ ***čalqan*** (**чалқан**) – яранинг ёйилиши, унинг бир ердан-иккинчи ерга ўтиши. Масалан, кишининг оёғи шишса, унинг тақим тагларигача иллат отиб кетиши сингари.

قَلْقَانْ ***qalqan*** (**қалқан**) – қалқон. Икки тилнинг бирида. (Шоир) шундай деган:

*Qïqrïp atïğ kemšälim,*
*Qalqan söŋün čömšälim,*
*Qaynap yana yunšalïm,*
*Qatğï yağï yuwïlsun.*

Шоир ёвни тавсифлаб айтмоқдаки: Биз шовқин-сурон билан ёв устига ҳужум қиламиз, қалқон ва найза билан зарба берамиз, урамиз, юзма-юз келганда аямаймиз, кейин ярашиш сўралса, тўхтаймиз. Шундай қилсак, қаттиқ ёв юмшайди [Шовқин-сурон билан от чоптирайлик, қалқон ва найзалар билан курашайлик. Қайнайлик, сўнг тинчланайлик, қаттиқ ёв юмшасин].

ك ***k*** [ҳарфи]:

تَرْكَنْ ***tärkän*** **(таркан)** – вилоятларга подшо бўлганларга нисбатан хоқония тоифасидан айтиладиган хитоб. Хоқонлиқ ва подшолик тепасида бўлмаган кишиларга бундай дейилмайди. Бу сўзнинг маъноси "эй итоат қилинувчи" демакдир.

[تَرْكِنْ ***terkin*** **(теркин)** – тез, дарров, шошқин] ***terkin kel*** – тез кел. Асли ***terk***, яъни "тезлик"дир.

تُرْكُنْ ***törkün*** **(тўркун)** – қавм, қабила, ота-онанинг уйи; ***qïz törkünikä keldi*** – қиз отасининг уйига келди. (Шоир) шундай деган:

***Kelsä apaŋ tärkänim,***
***Etilgä-mät törkünim.***
***Yaðïlmağay terkinim,***
***Emdi čerig čergäšür.***

Хоқонни ябақу урушига ёрдамга чорлаб, қизиқтириб айтмоқдаки: Хоқон келса, тўдам тузалади, қабилам уйлари бузулмайди. Ҳозир уруш сафи текис бўлди. Эй хоқон, менинг олдимга етиб кел [Хоқонимдан хитоб келса, қавмим ҳоли яхшиланади, элим тарқалиб кетмайди. Ҳозир аскарлар саф тортмоқда].

[تَرْكِنْ ***terkin*** **(теркин)**] ***terkin suw*** – туриб қолган, балчиқ сув.

[تَرْكِنْ ***terkin*** **(теркин)**] ***terkin sü*** – тўпланган аскар. Тўпланган ҳар нарсага ҳам ***terkin*** сўзи қўлланади.

تَشْكَنْ ***Taškän*** **(Ташкан)** – *Šaš* нинг оти. Унинг асли ***Taškend*** бўлиб, "тошдан қурилган шаҳар" демакдир. *Abu Bakri Qaffāl Šašī* шу шаҳарда туғилиб ўсган.

تُشْكُنْ ***tüškün*** **(тушкун)** – касиро деган тиканли бир дарахт.

چَتْكَانْ ***četkän*** **(четкан)** – юган боғи, жилови.

چُمْكَانْ ***čümgän*** **(чумган)** – ўтзор, ширин ажриқ.

[چِفْكِنْ ***čiwgin*** **(чивгин)**] ***čiwgin aš*** – тўқ тутадиган, семиртирадиган овқат.

[چِفْكِنْ ***čiwgin*** **(чивгин)**] ***čiwgin ot*** – ҳайвонларни семиртирадиган ўтлар.

سِتْكُونْ ***Sitgün*** **(Ситгун)** – ўғузларнинг шаҳарларидан бири.

سُزْكُنْ ***süzgün*** **(сузгун)** – тоғ дарахтларидан ранги қора, тиканли бир дарахт.

كِرْكِنْ ***kirkin*** **(киркин)** – шаҳвоний ҳис, шаҳват; ***buğra kirkini kirdi*** – нортуянинг шаҳвоний ҳисси қўзғалди, маст бўлди.

[كِفْكِنْ ***kewgin*** **(кевгин)**] ***kewgin aš*** – тўқ тутмайдиган кучсиз овқат, ош. Бу ***čiwgin*** нинг тескарисидир.

كَلْكِنْ ***kelkin*** **(келкин)** – катта сувларнинг қалқиб кўтарилиши, тошиши. Бу (худди) селдек.

لِمْكَنْ ***limkän*** **(лимкан)** – сариқ олхўри.

ل ***l*** [ҳарфи]:

[بَقْلَانْ ***baqlan*** **(бақлан)**] ***baqlan qozï*** – ёш ва семиз қўзи.

بَغْلَانْ ***Beglān*** (**Беглан**) – эрлар оти.

جُغْلَانْ ***Čoğlan*** (**Чўғлан**) – қарлуқ катталарининг отларидан.

سُكْلِينْ ***süglin*** (**суглин**) – кирғовул; ***süwlin*** талаффузи ҳам бор.

بَتْمَانْ ***batman*** (**батман**) – ботмон; ***bir batman et*** – бир ботмон эт, гўшт.

جُقْمِينْ ***čuqmïn*** (**чуқмин**) – лочирага ўхшаш бир нон. Уни қозонда сув буғи билан пиширилади, бу осон ҳазм бўладиган нон.

سُكْمَانْ ***sökmän*** (**сўкман**) – паҳлавонларга бериладиган унвонлардан бири; маъноси "жанг сафларини синдирувчи" демакдир; ***sökti näyni*** (нарсани сўкди) иборасидаги ***sökti*** сўзидан олинган.

سِقْمَانْ ***sïqman*** (**сиқман**) – кузда узум сиқиладиган вақт.

قُرْمَانْ ***qurman*** (**қурман**) – ўқ-ёй солинадиган идиш (ўғуз ва қипчоқча); ***keš qurman*** – ўқ ва ёй солинадиган идиш. Асли ***qurman*** – "белга камар боғла" сўзидан олинган.

كَتْمَانْ / كِتْمَانْ ***ketmän / kitmän*** (**кетман / китман**) – кетмон, ер чопиладиган ускуна.

كُوزْمَانْ ***küzmän*** (**кузман**) – қўрда пиширилган нон.

**БУ ИККИНЧИ ВА УЧИНЧИ ҲАРФЛАРИ ОРАСИГА ТУРЛИ УНЛИЛАР (*mad* ва *līn* ҳарфлари) ҚЎШИЛГАН СЎЗЛАР БОБЛАРИДИР**

***fa'ālā*** **қолипидаги ҳар хил ҳаракатли сўзлар бўлими**

ت ***t*** [ҳарфи]:

يَمَاتَا ***yamata*** (?) (**йамата**?) – қуймоқ хамирининг қиёмидек суюқ қилиб тайёрланган хамир. Гўшт қовурилганда ёки семиз товуқ кабоб қилинганда, гўшт ёғи оқмаслиги учун уни гўштнинг устига суртилади.

چ ***č*** [ҳарфи]:

قَرَاچِي ***qaračï*** (**қарачи**) – эшикларни айланиб юрувчи тиланчи.

كَلَاچُو ***kälačü*** (**калачу**) – сўз ва гап (ўғузча).

كُمِيچَا ***kümičä*** (**кумича**) – пашша.

ر ***r*** [ҳарфи]:

[تَبَارُو ***taparu*** (**тапару**) – томонга] ***ol meniŋ taparu keldi*** – у мен томон келди; ***ol aniŋ taparu bardï*** – у унга томон борди. ***tapa*** "тараф; ён" маъноларидаги сўз бўлиб, унга ***rā*** ва ***vāv*** ҳарфлари (***-ru***) кейин қўшилган.

خُمَارُو ***xumaru*** (**хумару**) – мерос; ***bunï atamdan xumaru buldum*** – бу – отамдан қолган мерос.

خُمَارُو ***xumaru*** (**хумару**) – эсдалик. Катталардан бирор киши ўлса, унинг молидан бир нафис нарсани шоҳга тақдим этилади. Ана шу нарсани ***xumaru*** дейилади, "ундан эсдалик" демакдир. Сафарга кетаётган киши қариндош ва танишларига қолдирган нарсани ҳам ***xumaru*** дейилади. Бу сўз эркак ва хотин-қизларнинг оти сифатида ҳам ишлатилади.

ژ ***ž*** [ҳарфи]:

نَمِيژَا ***namīža*** (**намижа**) – божа, хотин синглисининг эри (чигилча).

ش ***š*** [ҳарфи]:

شَلَاشُو ***šalašu*** (**шалашу**) – ***šīn*** газмолларидан бир тури.

شَمُوشَا ***šamuša*** (**шамуша**) – сариқ йўнғичқа. У ейилади.

غ ***ğ*** [ҳарфи]:

قَرَاغُو ***qarağu*** (**қарағу**) – зоқ, купорос.

قَرَاغُو ***qaraġu*** **(қарағу)** – кўр киши.

[قُرِيغُو ***qurïġu*** **(қуриғу)]** ***qurïġu näŋ*** – қуриётган нарса. Нарсанинг қуриш вақтига ҳам шу сўз қўлланади.

قِرَاغُو ***qïraġu*** **(қирағу)** – қиров, совуқда кўкдан тушади.

بُزَاغُو ***buzaġu*** **(бузағу)** – бузоқ. Мақолда (шундай келган): ***Ewdäki buzaġu öküz bolmas.*** Маъноси: "Уйда ўсган бузоқ ҳеч қачон хўкиз бўлмайди". Бу мақол ёшлигидан таниш бўлган йигитнинг мартабаси кўтарилган чоғда ҳам, у уруғ-аймоқлари наздида (барибир) кичик кўринишига ишора қилиб ишлатилади.

بُزَاغُو تِلِی ***buzaġu tïlï*** **(бузағу тили)** – каламуш. Кичик бир ҳайвондир.

بُشُوغُو ***bošuġu*** **(бўшуғу)** – бўшатиладиган вақт, бўшатиш, ечиш вақти] ***at bošuġu boldï*** – отни ва бошқа ҳайвонларни арқондан бўшатиш вақти бўлди.

[تُشَاغُو ***tušaġu*** **(тушағу)** – боғланадиган, тушовланадиган вақт] ***at tušaġu boldï*** – от ва бошқа ҳайвонларнинг оёғини арқонга боғлайдиган, тушовлайдиган вақт бўлди.

بُقَاغُو ***buqaġu*** **(буқағу)** – ўғриларнинг бўйнига солинадиган сиртмоқ.

تَقَاغُو ***taqaġu*** **(тақағу)** – бу сўз хўроз ва товуқларнинг ҳар иккисига тенг қўлланиб, эркаги ***erkäk taqaġu***, урғочиси ***tïšï taqaġu*** деб фарқланади. Мақолда (шундай келган): ***Yazïdaqï süwlin eðärgäli, ewdägi taqaġu ïčğïnma.*** Маъноси: "Қирғовул овига чиқсанг, уйдаги товуқни унутма". Бу мақол йўқ нарсага ишониб, қўлидагилардан айрилиб, қуруқ қолувчиларга қарата айтилади.

تَقَاغُو يِلِی ***taqaġu yïlï*** **(тақағу йили)** – туркча ўн икки йилдан бирининг оти.

تَلَاغُو ***talaġu*** **(талағу)** – тез ўлдирувчи заҳар. Қаттиқ ич кетишига ҳам ***talaġu*** дейилади.

تُمَاغُو ***tumaġu*** **(тумағу)** – тумов.

قَنَاغُو ***qanaġu*** **(қанағу)** – ништар.

گ ***g*** [ҳарфи]:

بُتُوگَا ***bütügä*** **(бутуга)** – бақлажон.

بِلَاگُو ***bilägü*** **(билагу)** – қайроқтош.

تِرَاگُو ***tirägü*** **(тирагу)** – тиргович; умуман бирон нарсани тираб қўядиган устун сингари нарсалар.

كِرَاگُو ***kerägü*** **(керагу)** – чодир. Туркманлар наздида. Лекин кўчманчилар наздида бу "қишки уй"дир. Мақолда (шундай келган): ***Kök kördi, kerägü yüðti.*** Яъни: "Меҳнат ва машаққат кўрди-ю, ўтовини орқасига юклаб олди".

كُزَاگُو ***közägü*** **(кўзагу)** – косов. Мақолда (шундай келган): ***Közägü uzun bolsa, elig küymäs.*** Маъноси: "Косов узун бўлса, қўл куймас". Бу мақол бола-чақаси кўп кишининг фаровон яшаши ҳақида айтилади.

كُشِيكَا ***košikä*** **(кўшика)** – кичик кўланка.

كَلَاگُو ***kelägü*** **(келагу)** – қўшоёқ.

كُلِيكَا ***kölikä*** **(кўлика)** – кўланка, қалин соя.

ل ***l*** [ҳарфи]:

جُمَالِی ***čümäli*** **(чумали)** – чумоли (чигилча).

[جُمِيلِی ***čumïlï*** **(чумили)]** иссиқдан кўзи тиниб, боши айланган кишига ***čumïlï boldï*** дейилади.

كَبَالِی ***käpäli*** **(капали)** – капалак.

### ***fa'ālān, fa'ïlān*** қолипларидаги ҳар хил ҳаракатли сўзлар бўлими

ز ***z*** [ҳарфи]:

قَرِيزَانْ ***qarïzan*** **(қаризан)** – кўп яшаб, кучдан қолган, муккайган киши.

ق ***q*** [ҳарфи]:

چِيڤَانْ ***čïpïqan*** **(чипиқан)** – чилонжийда.

چِيڤَانْ ***čïpïqan*** **(чипиқан)** – чипқон яраси; қизилликда чилонжийдага ўхшагани учун шундай аталган.

قَرَاقَانْ ***qaraqan*** **(қарақан)** – бир хил тоғ дарахти.

م ***m*** [ҳарфи]:

[جُلِيمَانْ ***čulïman*** **(чулиман)**] ***čulïman iš*** – чувалган, чигал иш; чиқар жойи номаълум. Бу сўз аслида "тўпланиб қолган сув" демакдир (канжакча).

### *fa'anlī* қолипидаги ҳар хил ҳаракатли сўзлар бўлими

د ***d*** [ҳарфи]:

[تَتِنْدِى ***tatïndï*** **(татинди)**] ***tatïndï süt*** – кўп сут.

[سَچِنْدِى ***sačïndï*** **(сачинди)**] ***sačïndï näŋ*** – сочилган, тарқалган нарса.

[تَدِنْدِى ***taδïndï*** **(тадинди)**] ***taδïndï näŋ*** – тийилган, ман қилинган нарса.

[كَدِنْدِى ***keδindi*** **(кединди)**] ***keδindi ton*** – кўп кийилган кийим.

[سُرُنْدِى ***süründi*** **(сурунди)**] ***süründi er*** – ҳар ердан сурилган, кувғин қилинган киши.

قِرِنْدِى ***qïrïndï*** **(қириндиси)** – ҳар нарсанинг қириндиси.

ز ***z*** [ҳарфи]:

زَرَنْزَا ***zaranza*** **(заранза)** – маҳсар уругига ***zaranza uruğï*** дейилади.

ن ***n*** [ҳарфи]:

[سُزُنْدِى ***süzündi*** **(сузунди)**] ***süzündi suw*** – кўп тинитиб тозаланган сув.

[قَزِنْدِى ***qazïndï*** **(қазинди)**] ***qazïndï tupraq*** – қазилган тупроқ.

بُغُنْدِى ***boğundï*** **(бўғунди)** – одамдан бошқа ҳайвонларнинг қовуғи, сийдик қопи.

[سِلِنْدِى ***selindi*** **(селинди)**] ***selindi otuŋ*** – селлар ариқ четига чиқариб ташлаган ўтин.

[سَلِنْدِى ***salïndï*** **(салинди)**] ***salïndï näŋ*** – ташланган, ташландиқ нарса.

سُلُنْدِى ***sulundï*** **(сулунди)** – эркак кишиларнинг орқага осилтириб қўйган сочи. Асли ***salïndï näŋ*** иборасидандир. Бу "доим осилиб-солиниб турадиган" демакдир. Бу ўхшовсиз қўпол сўздир.

[تَمِنْدِى ***tamïndï*** **(таминди)**] ***tamïndï suw*** – томган сув, сув томчилари.

[كُمُنْدِى ***kömündi*** **(кўмунди)**] ***kömündi näŋ*** – кўмилган нарса; *mīn dāl yā* [*i*] ҳарфлари, яъни *-ndi* қўшимчаси феълларга қўшилиб, уларни отга айлантиради. Ортиқлик ёки ишланганлик маъносини билдиради. Бу арабча *fu'āla* шаклидаги сўзлар ўрнидадир.

Бу сўз шаклида иккинчи бир ҳол: ўтган замон феъли қўшимчаси *dāl* ва *yā* [*i*] билан феълнинг буйруқ ҳолида сақланадиган ўзак ҳарфи орасига *nīn* орттирилса, у вақтда бу сўз *ismi maf'ūl* мажҳул сифатдошга айланади. ***suwnï süzti*** гапидаги ***süzti*** сўзига асл ҳарфи *zā* билан ўтган замонни билдирувчи *dāl* ва *yā* [*i*] ҳарфлари орасига *nīn* орттирилса, ***süzündi suw*** шакли ҳосил бўлади. Бу *ismi maf'ūl* мажҳул сифатдошдир, яъни ҳаракат ўша исмга воқе бўлганини англатади. Мен айтмаган бошқа сўзларнинг ҳаммасини шунга қиёс қилиш керак.

### *fu'lulī* қолипидаги сўзлар бўлими

ل ***l*** [ҳарфи]:

بُسْتُلِى ***püstüli*** **(пустули)** – Рум исмалоғи. У ейилади.

Ўзаги уч ҳарфлилар бўлими битди. Кейинги бўлимлар (учдан) ортиқ ҳарфли сўзлар учундир.

**БУ ОХИРИГА ҲАРФ ҚЎШИЛГАН СЎЗЛАР БОБЛАРИДИР**

***fa'lāl, fa'lal, fu'lul* қолипларидаги ҳар хил ҳаракатли сўзлар бўлими**

ت ***t*** [ҳарфи]:

بُشْغُت ***bošğut*** **(бўшғут)** – ҳунар ўрганувчи шогирд.

تَرْمُت ***tarmut*** **(тармут)** – тоғларнинг тепалик ва сойликлари; ***tağ tarmut kečtim*** – тоғларнинг тепалик ва сойликларини кечдим.

تَكْشُت ***tägšüt*** **(тагшут)** – ўрнига ўрин тариқасида бир нарсанинг бадали, қалбаки пул бериб, ўрнига яхшисини олиш каби.

رَبْجَت ***rabčat*** **(рабчат)** – мажбурий иш, жарима. Масалан, бек халқнинг ҳайвонларини тутиб, текинга устига оғир юклар ортиб кетавериши каби (канжакча).

جَپْغُت ***čapğut*** **(чапғут)** – тўшак.

قَرْشُت ***qaršut*** **(қаршут)** – тескарилик, қарама-қаршилик, зидлик.

قِزْغُت ***qïzğut*** **(қизғут)** – намунали жазо. Бошқалар ибрат олсин учун халқнинг кўз ўнгида бериладиган жазо.

قَۏشُت ***qawšut*** **(қавшут)** – эл ва юрт тинчлиги учун икки шоҳ орасидаги қовишиш, келишиш. Кишига ***qawšut*** дейишда ҳам шу маъно бор.

لُجْنُت ***lüčnüt*** **(лучнут)** – қишлоқ халқидаги буғдой янчиш, тозалаб олиш ва бошқа ишлар учун қуллари ва ҳайвонлари билан ёрдам бериш, ҳашар (канжакча).

ج ***č*** [ҳарфи]:

بِچْغُچ ***bïčğuč*** **(бичғуч)** – қайчи. У билан ҳар нарсани кесилади.

بُدْرَاچ ***Budrač*** **(Будрач)** – ябақулар каттасининг оти. *Bekāč Arslan tigin* замонида уни мусулмонлар асир қилган эдилар.

يِرْگُوچ ***yergüč*** **(йергуч)** – қиличга ўхшатиб юпқа қилиб ишланган энли ёғоч. У билан ўчоқдаги нон айлантириб турилади.

بُسْكَاچ ***büskāč*** **(бускач)** – юқа нон.

تُتْمَاچ ***tutmač*** **(тутмач)** – туркларнинг машҳур овқати. Бу овқат(нинг келиб чиқиши) *ðu-l-qarnayn* га нисбат берилади. Шундайки, *ðu-l-qarnayn* зулматдан чиққач, озиқлари озайиб қолган кишилар очликдан қўрқиб, унга: "бизни оч қўйма, оч тутма" мазмунида ***bizni tutma ač*** – "бизни тутма оч, қўйиб юбор, биз юртимизга кетайлик" деганлар. Искандар билимдонлар билан кенгашган ва улар шу овқатни тайёрлаганлар. Бу овқат танага қувват бериб, юзни қизартирар, тезда ҳазм бўлмас эди. Бу овқат ейилгач, сувидан ҳам ичилар эди. Турклар бу овқатни кўргач, ***tutmač*** деб атадилар. Асли ***tutma ač***, яъни "оч тутма" демакдир. Икки *alif* туширилиб, ***tutmač*** бўлган. Бунинг маъноси "ўзингни оч тутма, шу овқатни тайёрлаб е" демакдир.

تُتْغُچ ***tutğuč*** **(тутғуч)** – дастлабки овқат.

تُدْرِچ ***tudrič*** **(тудрич)** – гўнг (арғуча).

تَلْغُچ ***talğuč*** **(талғуч)** – юк ва арқон ўртасига киритиладиган бир ёғоч. У билан арқонни бир неча марта буралади, арқон тортилиб, юк таранг, қаттиқ бўлади ва юк ҳеч қаёққа оғмайди.

تَۏغَاچ ***Tawğač*** **(Тавғач)** – *Māšīn* мамлакатининг оти. Бу мамлакат *Šīn* дан тўрт ойлик йўл узоқликда. *Šīn* (Чин) аслида учтадир: биринчиси, Юқори *Šīn* – бу Шарқда бўлиб, бунга

***Tawğač*** дейилади. Иккинчиси, Ўрта *Şīn*, буни ***Xïṭay / Xaṭay*** дейилади. Учинчиси, Қуйи *Şīn*, буни ***Barxan*** дейилади ва у *Kāšğar* дадир. Лекин ҳозир ***Tawğač*** ни *Māşīn*, ***Xïṭay / Xaṭay*** ни *Sīn* деб юритилади.

**تَفْغَاچ** ***tawğač*** **(тавғач)** – *uyğur*. У *tat* дир. Улар *Şīn*, яъни *Tawğač* да яшайдилар. Ҳар бир эски ва катта нарсага ***tawğač edi*** дейдилар. Бу арабча شی عادی иборасига ўхшашдир. Шоҳларнинг ***tawğačxan*** дейилиши ҳам шундандир; "катта ерли, эски хон" деган маънодадир.

**تَتْ تَفْغَاچ** ***tat tawğač*** **(тат тавғач)** – форсий ва турк демакдир. Биринчи сўз ***tat*** – "форс", иккинчи сўз ***tawğač*** – "турк" ўрнида қўлланади.

Менинг наздимда мен айтган изоҳ тўғрироқдир. Ислом ўлкаларидаги машҳур ва муносиб тушуниш шудир. У ерларда ҳам шундай. Ҳар иккиси ҳам яхши.

[**تَفْغَاچ** ***tawğač*** **(тавғач)**] ***tawğač yudasï*** – барги савсан гулининг баргларига ўхшаш бир дарахт. Уни дори сифатида ишлатадилар.

**سَرْقِچ** ***sarqïč*** **(сарқич)** – ёввойи сачратқи жинсидан бўлган бир ўсимлик.

**سُرْقِچ** ***surqïč*** **(сурқич)** – лук дейилган дарахтнинг сиқиб олинган шираси. У билан қилич, ханжар ва катта пичоқларнинг дасталари бириктирилади.

**سَرْنِچ** ***sarnïč*** **(сарнич)** – теридан ёки ёгочдан ясалган челак.

**سَغْدِچ** ***sağdïč*** **(сағдич)** – дўст, ўртоқ.

**سُغْدِچ** ***suğdïč*** **(суғдич)** – қишда кишилар ўртасида навбат билан ўтказиладиган зиёфат, тўкма.

**سَوْدِچ** ***sawdïč*** **(савдич)** – новдалардан тўқилиб, ичига мева солинадиган нарса, сават.

**سَنْكَچ** ***senkäč*** **(сенкач)** – финдиқ ёнғоғи катталигидаги ширин олма, қизил ва оқ бўлади.

**قَتْقِچ** ***qatqïč*** **(қатқич)** – чаён сингари чақувчи бир нарса (арғуча).

**قَسْغَاچ** ***qïsğač*** **(қисғач)** – қисқич, омбир.

**قَسْغَاچ / قُسْغَاچ** ***qusğač / qïsğač*** **(қусғач / қисғач)** – кичик қора жонивор, кишини тишлайди (ўғузча).

**قُشْغَاچ** ***qušğač*** **(қушғач)** – чумчуқ.

**كَرْپِچ** ***kerpič*** **(керпич)** – кирпич, ғишт; ***pïšïğ kerpič*** – пишиқ ғишт.

[**كِرْتِچ** ***kirtüč*** **(киртуч)**] ***kirtüč kiši*** – хасадли ва ёмон хулқли киши.

**ر** ***r*** [ҳарфи]:

**بَشْتَرْ** ***baštar*** **(баштар)** – ўроқ (арғуча).

**بَكْتُرْ** ***Bektür*** **(Бектур)** – эркаклар оти. Асли ***bek tur*** – "доим ўрнингда тур; кўп яша" демакдир.

**بُكْتَرْ / بُكْتِرْ** ***böktür / böktir*** **(бўктур / бўктир)** – тоғлардаги баланд-пастлик ер. (Шоир) шундай деган:

***Ağa böktir üzä yurdïm,***
***Barïq yaqïp qïya kördim.***
***Anï bilip taqï bardïm,***
***Tügäl yağï torï (tozï?) tuğdï.***

Айтмоқдаки: Тоғнинг баланд ерларига чиқдим. Узоқдан бир қора кўрдим, ёвнинг қораси эканини таниб, турган еримда тўхтаб қолдим. Ёвнинг тўзони кўтарилди [Тоғнинг юқори чўққисига чиқдим. Йироққа боқиб, бир қора кўрдим, уни аниқлаб, яна бордим. Ёвнинг тўзони ҳамма ёқни босиб кетди].

**بَلْدِرْ** ***paldïr*** **(палдир)** – тоғнинг бурнига ўхшаш кўтарилиб чиққан нарса; ***tağ paldïrï*** – тоғ бурни.

[**بَلْدِرْ** ***paldïr*** **(палдир)**] ***paldïr oğul*** – ўгай ўғил; ***paldïr qïz*** – ўгай қиз.

[پَلْدِرْ] ***paldïr*** **(палдир)**] ***paldïr tarïğ*** – илк кўкламда ҳайдалган, ишланган экин. Энг унумли экин шудир. Ҳар бир нарсанинг ҳам олдин қилинишига ***paldïr*** дейилади; ***paldïr qozï*** – эртаки кўзи. Бу тўрт сўзнинг ҳаммасида *bā* жарангсиз [яъни *p* тарзида] талаффуз қилинади.

[بُلْدُرْ بُلْدُرْ] ***buldur-buldur*** **(булдур-булдур)**] ***taš quδuğqa tüšti, buldur-buldur etti*** – тош қудуққа тушди, булдур-булдур товуш чиқарди.

بِلْدِرْ / بِلْدِرْ ***bïldur / bïldïr*** **(билдур / билдир)** – бултур, ўтган йил.

بُلْغَارْ ***Bulğar*** **(Булғар)** – турк шаҳарларидан машҳур бир шаҳар.

تُلْوِرْ ***tolvïr*** **(тўлвир)** – парда, хотинлар пардаси. У ипакли газмоллардан ишланади.

[چَلْدِرْ چَلْدِرْ ***čaldïr-čaldïr*** **(чалдир-чалдир)**] ***oq keštä čaldïr-čaldïr etti*** – ўқ ўқдонда "шалдир-шулдур" этди. Қуруқ хашакка шамол текканда чиқадиган товушга ҳам шу сўз қўлланади.

چَغْمُرْ ***čağmur*** **(чағмур)** – шалғом; ***čamğur*** талаффузи ҳам бор. Бунда *ğayn* билан *mīm* ўрин алмашгандир.

سَرْكَرْ ***serkär*** **(серкар)** – йўлтўсар, ўғри (қарлуқча).

قَنْدِرْ ***qandïr*** **(қандир)** – ошлашга ярайдиган тери, гўштдан шилиб олингандан кейин гўшт устида қолган юпқа пўст.

كَسْتَرْ ***kestär*** **(кестар)** – сопол (*uč* тилида).

كَشْمِيرْ ***Käšmir*** **(Кашмир)** – турк мамлакати чеккасидаги бир шаҳар. Уни Худо ёрлақағур *Sulaymān* пайғамбар қурган эди.

مَنْدَارْ ***mandar*** **(мандар)** – дарахтларга ўралиб, кўпинча уларни қуритадиган ўсимлик, ишқ печак (ўғузча).

ز *z* [харфи]:

بُرْدُزْ ***burduz*** **(бурдуз)** – полиз, боғ, бўстон. Бу сўз асл туркча эмас.

بَلْدِزْ ***baldïz*** **(балдиз)** – хотиннинг синглиси. Эрнинг синглисига ***baldïz*** дейилмайди, ***siŋil*** дейилади.

تَرْمَزْ ***tarmaz*** **(тармаз)** – бодринг.

قُتْسُزْ ***qutsuz*** **(қутсуз)** – иши орқага кетган киши. Мақолда (шундай келган): ***Qutsuz quδuğqa kirsä, qum yağar.*** Маъноси: "Бахтсиз қудуққа тушса, (устидан) қум ёғилади. Суви қурийди". اذا اقبل و اذا ادبر دمّر ибораси каби.

قِرْقِزْ ***qïrqïz*** **(қирқиз)** – бир турк қабиласи, қирқиз.

قَلْبُزْ ***qalbuz*** **(қалбуз)** – бир ютум, бир луқма нарса; ***qalbuzladï näŋni*** – нарсани қултумлади, ютди.

قُنْدُزْ ***qunduz*** **(кундуз)** – қундуз; сув ити.

[قُنْدُزْ ***qunduz*** **(кундуз)**] ***qunduz qayrï*** – қундузнинг моягидан олинадиган дори.

كُنْدُزْ ***kündüz*** **(кундуз)** – кун ёруғи, кундуз.

مُنْدُزْ ***munduz*** **(мундуз)** – аҳмоқ киши. Мақолда (шундай келган): ***Nečä munduz ersä, eš eδgü, nečä egri ersä, yol eδgü.*** Маъноси: Ёлғизликдан кўра, қанча аҳмоқ бўлса ҳам, ҳамроҳ яхши. Чўлда боши оққан томонга кетгандан кўра, қанча эгри, қинғир-қийшиқ бўлса ҳам, йўл яхши. Чунки [йўлсиз мақсадга етиб бўлмайди] йўл орқалигина мақсадга етилади.

[مُنْدُزْ ***munduz*** **(мундуз)**] ***munduz aqïn*** – оқувчи сел.

[مُنْدُزْ ***munduz*** **(мундуз)**] ***munduz yoriğa at*** – ёлғиз йўрғаси бор от, чопишда тенги йўқ от.

س *s* [харфи]:

بِچْغَاسْ ***bičğas*** **(бичғас)** – кишилар орасидаги ваъда, ваид. (Шоир) шундай деган:

***Bičğas bitig qïlurlar,***
***And key yemä berürlär.***

***Xandïn basut tilärlär,***
***Basmïl, čumul tirkäšür.***

Ябақу жангида хоқонни кўмакка чақирмоқда: Бизнинг кишилар подшога қаршилик қилмасликка, унга бўйсунишга қасам ичиб, битим тузилди. Ҳозир басмил ва чумул қабилалари биз билан урушмоққа йиғилдилар. Хоқон уларга етишди, ҳатто уларнинг қонини тўкди ва асирга олди [Келишув – битим тузишди, яна қасам ичишди. Хондан ёрдам сўрашди. Басмил, чумуллар (бизга қарши) жангга тўпланишди].

بَكْمِسْ / ***bekmäs / bekmis*** **(бекмас / бекмис)** – шинни (ўғузча).

[قِرْبَاسْ ***qïrbas*** **(қирбас)**] ***qïrbas er*** – бошининг сочи тўкилиб, бошқа чиқмайдиган бўлиб қолган киши.

ش ***š*** [ҳарфи]:

[يُرْبَاشْ ***yurbaš*** **(йурбаш)**] ***yurbaš ïš*** – чувалган иш. Учини билиб бўлмас даражада чалкашиб кетган иш.

[بَتْرُشْ ***batruš*** **(батруш)**] ***batruš suw*** – лойқа сув. Хамири кўпайиб, суви озайган овқатга ҳам шу сўз қўлланади.

بُلْغَاشْ ***bulğaš*** **(булғаш)** – етиб келган ёв хавфидан кишилар орасида қўзғалган шов-шув, ваҳима.

تِرْكَاشْ ***tirkäš*** **(тиркаш)** – тиқилинч бўлгани учун юрганда қийналиб қолиш. Ариқчалардан келиб, водийда тўпланиб қолган кўлмак сувга ***suw tirkäši*** дейилади.

جُلْبُشْ ***čulbuš*** **(чулбуш)** – қўлга ва кийимга теккан мева шираси.

سَرْمَشْ ***sarmaš*** **(сармаш)** – бир нарсанинг бир нарсага ўралиши, аралашиши. Бирон қўзғолон натижасида кишиларнинг айримлари айримларига аралашишига ***sarmaš boldï*** дейдилар.

سُوْسُشْ ***suwsuš*** **(сувсуш)** – буғдой сувининг шароблик қуввати кетгандан кейинги ҳоли. Сув қўшилган айрон ҳам шу сўз билан аталади.

قَتْلِشْ ***qatlïš*** **(катлиш)** – сувларнинг қулоқ бошида қўшилиши. Бунга ***suw qatlïšï*** дейилади.

قَتْمِشْ ***Qatmïš*** **(Қатмиш)** – эрлар оти.

قِرْتِشْ ***qïrtïš*** **(қиртиш)** – киши ва бошқа нарсалар юзининг ранги; ***körklüg-qïrtïšlïğ kiši*** – юзининг ранги чиройли киши.

يِرْ قِرْتِشِى ***yer qïrtïšï*** **(йер қиртиши)** – ер қобиғи, юзи. Лекин бу сўз ҳар нарсанинг юзига нисбатан ҳам қўлланавермайди.

قَرْغِشْ ***qarğïš*** **(қарғиш)** – қарғиш, лаънат; ***Täŋri qarğïšï anïŋ üzä*** – унга Худонинг лаънати (бўлсин). Бу сўз баъзан сифат маъносида ҳам қўлланади: ***qarğïš kiši*** – лаънатланган, малъун киши.

قُلْدَشْ ***qoldaš*** **(қўлдаш)** – яқин. Бу сўз кўпинча катталарнинг болаларига қарата ишлатилади.

كِرْدَشْ ***kirdäš*** **(кирдаш)** – бир ҳовлида турувчи қўшни.

غ ***ğ*** [ҳарфи]:

يُرْبَاغْ ***yurbağ*** **(йурбағ)** – ишни кечиктириш, кейинга суриш.

بِرْقِغْ ***birqïğ*** **(бирқиғ)** – от ва эшакларнинг бурнидан нафас олиш билан хириллаши, пишқириғи; ***at birqïğï*** – от пишқириғи.

بُرْقُغْ ***burquğ*** **(буркуғ)** – тери ва бошқаларнинг йиғилиб қолиши.

[بَشْلَاغْ ***bašlağ*** **(башлағ)** – бўш, бекор, ташландиқ] ***bašlağ näŋ*** – ташландиқ нарса; ***bašlağ yïlqï*** – бўш, бойланмаган, ўз бошига юрган ҳайвон.

بِغْرِغْ ***bïğrïğ*** **(биғриғ)** – тиқиб тўлатилган қоп ва меш.

تَبْلاغ ***taplağ*** (**таплағ**) – розилик, хоҳиш, мувофиқ топишлик; ***bu išda seniŋ taplağiŋ barmu?*** – бу ишда сенинг розилигинг борми?

تَبْزُغ ***tapzuğ*** (**тапзуғ**) – кишилар орасида сўралган топишмоқ; ***tapuzğuq tapuzdïm*** – мен ундан бир топишмоқ сўрадим.

تُتْسُغ ***tutsuğ*** (**тутсуғ**) – васият; ***men aŋar tutsuğ tutuzdum*** – мен унга васият қилдим.

تَرْتَغ ***tartïğ*** (**тартиғ**) – эгар қайиши.

تَرْتَغ ***tartïğ*** (**тартиғ**) – хон ўзида юз берган бир иш учун теваракдагиларни чақириши, тортиши; ***begdän tartïğčï keldi*** – хоннинг ва бекнинг чақирувчиси келди, демакдир.

تُرْقُغ ***turquğ*** (**турқуғ**) – ишда уялиш; ***ol mendän turquğ (boldï)*** – ўзидан ўтган бир иш учун у мендан уялди.

تُغْراغ ***tuğrağ*** (**туғрағ**) – хоннинг муҳри ва имзоси (ўғузча). Турклар билмайдилар, мен ҳам бу сўзнинг асл маъносини билмайман.

تُغْراغ ***tuğrağ***[38] (**туғрағ**) – шоҳ томонидан жанг вақтида аскарларга берилиб, тинчликда қайтариб олинадиган от.

تِلْداغ ***tildağ*** (**тилдағ**) – бўҳтон, туҳмат; ***ol aŋar tildağ qïlur*** – у унга бўҳтон қилди. Бу сўзнинг форсчаси *bahāna* дир.

[تُغْسُغ / تُغْسُغ ***tuğsuğ / tuğsïğ*** (**туғсуғ / туғсиғ**)] ***kün tuğsuğ / tuğsïğ*** – кунчиқар, Шарқ.

[بَتْسُغ ***batsïğ*** (**батсиғ**)] ***kün batsïğ*** – кунботар, Ғарб.

تَلْقُغ ***talqïğ*** (**талқиғ**) – тоғларнинг туташган, учрашган ери.

تَلْقُغ ***talqïğ*** (**талқиғ**) – ишда сусайиш, кейинга силташ.

تُمْلُغ ***tumlïğ*** (**тумлиғ**) – совуқ, совиш. (Шоир) шундай деган:

***Tumlïğ kelip qapsadï,***
***Qutluğ yayïğ tepsädi.***
***Qarlap ažun yapsadï,***
***Et yin üšüp emrišür.***

Айтмоқдаки: Совуқ келиб ҳамма ёқни қоплади. У баракали ёзга ҳасад қилиб, қор ёғдирди. Қор ер юзини қоплай деб қолди. Кишининг бадани увишиб, қалтирайди, гўё баданда чумоли юрганга ўхшайди [Совуқ келиб қоплади. Қутлуғ ёзни ҳайдади. Қор оламни қоплаб олди. Кишининг бадани увишиб, қалтирайди].

Бу ердаги ***tumluğ*** сўзининг асли ***tum*** дир; ***ölüg yüzi tumluğ*** – ўликнинг юзи совуқ. Ўлгандан кейин яқинлар ҳам ундан юзларини ўгирадилар.

سِرْتَغ ***sïrtïğ*** (**сиртиғ**) – сезиш, пайқаш. Сўзловчининг сўзидан ҳаммасини эмас, баъзи мақсадларни сезиб олиш; ***men bu sözdän sïrtïğ boldum*** – мен бу сўздан (баъзи нарса)нинг моҳиятини, сирини сезиб қолдим, демакдир.

[سَجْلِغ ***sačlïğ*** (**сачлиғ**)] ***sačlïğ er*** – сочли киши, сочи ўсиқ киши.

[سَرْسِغ ***sarsïğ*** (**сарсиғ**)] – сассиқ, ёқимсиз, қўпол] ***sarsïğ söz*** – сассиқ ва дағал сўз. Қўпол иш ва қўпол юриш-туришга ҳам шу сўз қўлланади.

سِزْلاغ ***sïzlağ*** (**сизлағ**) – тиш зирқираши. Совуқ сув ичганда, музни тишлаганда бўладиган ҳол.

سِغْزِغ ***sïğzïğ*** (**сиғзиғ**) – махси тикишда чок орасига қўйиладиган чарм.

سِغْزِغ ***sïğzïğ*** (**сиғзиғ**) – икки нарса орасини бирлаштириш.

[سِغْزَاغ ***sïğzağ*** (**сиғзағ**)] ***tiš sïğzağï*** – тиш орасидаги очиқлик.

سَغْلِغ ***sağlïğ*** (**сағлиғ**) – саноқли нарса. Асли سَاغْلِغ дир.

---

[38] Бу сўз *za* билан *tuğzağ* деб ёзилган (تُغْزَاغ). Биз буни феъл ўзагига кўра *tuğrağ* олдик.

سُوْلَاغ ***suwlağ*** (**сувлағ**) – сув йўли, молларнинг сув ичадиган жойи.

سُوْلَاغ ***Suwlağ*** (**Сувлағ**) – бир жой оти.

[قُتْلُغ ***qutluğ*** (**қутлуғ**)] ***qutluğ näŋ*** – ҳар бир қутлуғ нарса. Эркак кишилар ҳам шу от билан аталади.

قَرْشَاغ ***qaršağ*** (**қаршағ**) – тўн кенглиги; ***anïŋ qaršağï kör*** – унинг чопонининг кенглигини кўр.

قُرْشَاغ ***quršağ*** (**куршағ**) – белбоғ, боғ, ўрама; ***ew quršağï*** – юнгдан тўқилган, ўтов усти боғланадиган жияк. Ўтов жияги, арқони.

قِشْلَاغ ***qišlağ*** (**қишлағ**) – қишлоқ, қишланадиган жой. Мақолда (шундай келган): ***Özgüz er – qišlağ.*** Маъноси: "Ўз ишини ўзи қилиб, бошқага юкламайдиган киши қишлоққа (тоғнинг ўти мўл, қори оз бўлган кунгай томонига) эга бўлган киши кабидир".

مَانْ قِشْلَاغ ***Manqišlağ*** (**Манқишлағ**) – ўғузлар мамлакатидаги бир жой оти.

قُشْلَاغ ***qušlağ*** (**қушлағ**) – қушлар кўп бўладиган жой. У ерда ов қилинади.

قَرْقَاغ ***qarqağ*** (**қарқағ**) – ўтсиз ва сувсиз жой, қақроқ.

[قُلْسِغ ***qulsïğ*** (**қулсиғ**)] ***qulsïğ er*** – қилиқлари қулга ўхшаган, қулсифат киши.

نِزْدَاغ ***nïždağ*** (**ниждағ**) – қайроқтош; икки жағ орасида айтиладиган *zā* ҳарфи билан.

ق ***q*** [ҳарфи]:

بَتْرَق ***batraq*** (**батрақ**) – учига махсус ипаклик осилган ёғоч, аскар жангда шу билан ўзини белгили қилади.

بُجْغَاق ***bučğaq*** (**бучғақ**) – Қутр (глобус ва харитада ернинг ўртасидан кесиб ўтган чизиқ), шунга кўра, ***yer bučğaqï*** – Ер қутри дейилади.

بُجْغَاق ***bučğaq*** (**бучғақ**) – бурчак ва шунинг кабилар.

بُجْغَاق ***bučğaq*** (**бучғақ**) – сўйилган мол почаларининг териси. Ундан оёқ кийими, чорик ишланади.

بُخْسُق ***boxsuq*** (**бўхсуқ**) – асирлар ва жиноятчилар бўйнига солинадиган темир занжир, кишан. Бу сўзнинг ***boğsuq*** талаффузи ҳам бор. Бунда *xā* билан *ğayn* алмашинади. Арабча خَتَر غدر сингари.

أَخْسَقْ بُخْسَقْ ***axsaq-buxsaq*** (**ахсақ-бухсақ**) – оқсоқ ва чўлоқларга жуфт ҳолда ***axsaq-buxsaq*** дейилади. Ҳар иккиси қўшиб айтилади.

بَدْرَق ***Badruq*** (**Бадрук**) – эркаклар оти.

بَرْجُق ***Barčuq*** (**Барчук**) – *Afrāsiyāb* бино қилган шаҳар. У *Buxta Naṣṣar* нинг ўғли *Bayzan* ни шу шаҳарда қамал қилган эди.

بُرْجَق ***burčaq*** (**бурчақ**) – ловия.

بُرْجَق ***burčaq*** (**бурчақ**) – дона, тер донаси; ***ter burčaqlandï*** – тер доналанди, дона-дона тер чиқди.

بُزْلُق ***buzluq*** (**бузлук**) – музхона; муз сақланадиган жой.

بَسْرُق ***basruq*** (**басрук**) – оғир нарсалар, бостирик. Мақолда (шундай келган): ***Yer basruqï – tağ, boδun basruqï – beg.*** Маъноси: "Ернинг оғирлиги тоғ билан, халқнинг оғирлиги беклар билан". Бу мақол "Ер тоғ билан тинч туради-ю, халқ беклар билан тинч туради, чунки улар йўлга соладилар", деган маънода қўлланади.

[بَشْنَاق ***bašnaq*** (**башнақ**)] ***bašnaq er*** – совутсиз, куролсиз, қалқонсиз, бошқасиз яланғоч киши.

بَشْمَق ***bašmaq*** (**башмақ**) – тўпиқ (ўғузча).

بُغْمَق ***boğmaq*** (**бўғмақ**) – кўйлак боғичи.

بُغْمَق ***boğmaq*** **(бўғмақ)** – бўйин тумор. Олтин ва бошқа нарсалардан ясалиб, кимматбаҳо тошлар ва марваридлар қадалган, келинларнинг бўйнига тақиладиган зийнати.

بَلْچِق ***balčïq*** **(балчиқ)** – балчиқ, лой (ўғузча).

بُلْغَاق ***bulğaq*** **(булғақ)** – ёв бостириб келиши (мумкинлигитўғрисидаги дарак)дан кишилар орасида келиб чиқадиган ғала-ғовур.

بُلْغَاق ***Bulğaq*** **(Булғақ)** – эркаклар оти. (Шоир) шундай деган:

***Bulğaq öküš bolsa, qačan bilgiŋ yetär,***
***Yaŋšaq telim sayrap anï tamğaq qatar.***

Айтмоқдаки: Халқда фитна кўпайса, ақл озаяди ва тўғри йўлни тополмай қолади. Беҳуда сўзлар кўпайиб кетса, оғиз қуриб, жағ чарчайди. Бу мақол ўйлаб сўзлашга ундаб айтилади.

تُبْرَاق ***tupraq*** **(тупрақ)** – тупроқ.

تَبْلُوق ***tapluq*** **(таплуқ)** – ер ёрилиши.

تُتْغَاق ***tutğaq*** **(тутғақ)** – ёвнинг олдинги айғоқчиларини қўлга олиш учун кечаси кезувчи айғоқчи отряд.

تَرْتُوق ***Tartuq*** **(Тартуқ)** – яғмоларнинг шаҳарларидан бирининг оти.

تَرْغَاق ***tarğaq*** **(тарғақ)** – тароқ.

تُرْلَاق ***turlaq*** **(турлақ)** – ҳар бир ориқ ҳайвон. Киши улғайиб, заифлашганда ҳам ***turlaq*** дейилади.

تَرْمَاق ***tarmaq*** **(тармақ)** – йиртқич қуш ва ҳайвонлар тирноғи.

[تَرْمَاق ***tarmaq*** **(тармақ)**] ***qarğaq tarmaqï*** – бир турли ўсимлик оти.

تُزْلُق ***tuzluq*** **(тузлуқ)** – тузлуқ, туз идиши.

تُغْرَاق ***tuğraq*** **(туғрақ)** – бобил толи.

[تِغْرَاق ***tïğraq*** **(тиғрақ)**] ***tïğraq er*** – чаққон, ғайратли киши. (Шоир) шундай деган:

***Uğraq eri tïğraq,***
***Yemi anïŋ oğlaq.***
***Süti üzä sağraq,***
***Yeri taqï ağlaq.***

Айтмоқдаки: Уғракларнинг эрлари ғайратли, уларнинг ейдиган овқати ўғлоқдир. Қимиз тоғоралари уза коса аримайди. Ҳолбуки, ерлари кургоқ, унумсиздир. Уларнинг мардлиги, сахийлиги мактарлидир.

تُغْسَاق ***tuğsaq*** **(туғсақ)** – бева хотин. Кўпинча ***tul-tuğsaq*** ҳолида икки сўз қўшалоқ қўлланади.

تَوْرَاق ***tawraq*** **(таврақ)** – тезлик; ***tawraqïn kel*** – тезлик билан кел. Бу сўз сифатдош вазифасида ҳам қўлланади: ***tawraq išči*** – тез ишлайдиган ишчи, сингари.

تُقْلُق ***toqluq*** **(тўқлуқ)** – тўқлик.

تُقْلُق ***toqluq*** **(тўқлуқ)** – кал, бошида туки йўқ киши. Шохсиз ҳайвонга ҳам шу сўз қўлланади.

تَلْغُوق ***talğuq*** **(талғуқ)** – мих. У кетмон ва бел дасталари маҳкам бўлиши учун қоқилади.

تُمْشُق ***tumšuq*** **(тумшуқ)** – қуш тумшуғи.

تَمْغَاق ***tamğaq*** **(тамғақ)** – томоқ, бўғиз.

جَخْشَاق ***čaxšaq*** **(чахшақ)** – тоғ чўққиларидаги тошлоқ жой. Мақолда (шундай келган): ***Čaxšaq üzä ot bolmas, čaqraq bilä uwut bolmas.*** Маъноси: "Тоғлар чўққисидаги тошлоқларда ўт бўлмайди, шунингдек, калларда уят бўлмайди".

جَخْشَاق ***čaxšaq*** **(чахшақ)** – қуритилган мева. Ўрик, узум ва бошқаларнинг қуритилгани (карлукча).

جَارْ جَرْمَقْ ***čar-čarmaq*** **(чар-чармақ)** – кичик болалар. Бу иккала сўз биргаликда ишлатилади.

***čamraq*** **(чамрақ)** – ***čar-čarmaq*** нинг бошқа бир шакли.

[جَغْرُقْ ***čağruq*** **(чағрук)**] ***čağruq yer*** – тепилган қаттиқ ер.

جَقْمَاقْ ***čaqmaq*** **(чақмақ)** – ўт ёқиш учун ишлатиладиган чақмоқтош. Бу сўз ҳам масдар, ҳам отдир. Арабча حمدت و حمد сўзидан جمدالما, جمد сўзидан جمد сўзи ясалгани сингари.

جَلْبَقْ ***čalpaq*** **(чалпақ)** – кир, ифлос.

جَلْبَقْ اِيشْ ***čalpaq iš*** **(чалпақ иш)** – аралаш иш, чалкаш, чигал иш.

جُمْغُقْ ***čumğuq*** **(чумғуқ)** – оёқлари ва тумшуги қизил, қанотлари оқ парли қарға. Ўғузлар ***ğayn*** ни тушириб, ***čupuq*** дейдилар. Ҳар бир ***ğayn*** ли отларда ёки тўрт ҳарфли ***kāf, ğayn*** ли сўзларда ҳам, ***kāf, ğayn*** ни тушир(иб талаффуз қил)адилар.

[جَمْغُقْ ***čamğuq*** **(чамғуқ)** – чақимчи] ***čamğuq er*** – ёлғончи ва иккиюзлама киши.

بَشْغَقْ ***bašğaq*** **(башғақ)** – икки соннинг тепа бўлаги.

سَبْلِقْ ***saplïq*** **(саплиқ)** – қилич ва пичоқлар сопига ярокли нарса. Ҳар нарсанинг дастасини ***saplïq*** дейилади.

[سَجْغَاقْ ***sačğaq*** **(сачғақ)** – сочувчи, сочғоқ] ***sačğaq kiši*** – молларни сочадиган киши.

سِجْغَاقْ ***sïčğaq*** **(сичғақ)** – чичқоқ. Бу сўз(нинг тарзи қоидага хилофдир. Қоидага кўра, охирги ***qāf*** ўрнида ***nūn*** бўлиши керак эди, чунки ишнинг кўп марталаб бўлишини билдирувчи сифатлар охири ***nūn*** билан тугайди. ***ozğan at*** бирикмасидаги ***ozğan*** сўзи ***ozağan*** (ҳаммадан ўзиб кетадиган) маъносидадир; ***ol iš qïlğan-ol*** – у кўп иш қилувчи, сингари.

سُسْغَاقْ ***susğaq*** **(сусғақ)** – сув ва сув сингари (суюқ) нарсаларга ботириб оланадиган ускуна. Қарлуқ, қипчоқ ва бутун кўчманчилар тилида шундай.

سُغْدَاقْ ***suğdaq*** **(суғдақ)** – *Balasağun* да жойлашган бир қавм. Улар *Samarqand* ва *Buxārā* ўртасидаги *Sūğd* дан бўлиб, кейин турклашиб кетган кишилар.

سَغْرَاقْ ***sağraq*** **(сағрақ)** – сув ва бошқа нарсалар ичиладиган идиш, коса. Мақолда (шундай келган): ***Sawïn sağraqqa tegir.*** Маъноси: "Киши ширин сўз билан шоҳлар косасидан сув ичади, яъни улар ҳурмат топади".

سِرْمَاقْ ***sïrmaq*** **(сирмақ)** – эшакнинг тўқими.

سُغْنَاقْ ***Suğnaq*** **(Суғнақ)** – ўғуз шаҳарларидан бири.

سَغْلِقْ ***sağlïq*** **(сағлиқ)** – совлик (қўй), аслида "соғиш"дир.

سُوْلُقْ ***suwluq*** **(сувлуқ)** – дастўрмол.

سَقْلِقْ ***saqlïq*** **(сақлиқ)** – ишда ҳушёрлик, уйғоқлик.

سُقْلُقْ ***suqluq*** **(суқлуқ)** – суқлиқ. Овқат, буюм ва бошқалар устида очкўзлик.

قَپْغَاقْ ***qapğaq*** **(қапғақ)** – қопқоқ.

قَپْجَقْ ***qapčaq*** **(қапчақ)** – сув (ариқ) тармокларининг бир-бирига туташадиган, тўқнашадиган ери.

قَدْرَقْ ***qadraq*** **(қадрақ)** – тоғнинг букилган, сойлиқ жойлари; ***qat-qadraq*** – букри ва эгри нарса.

قُدْرُقْ ***qudruq*** **(қудрук)** – барча ҳайвонларнинг қуйруғи, думи; ***qoy qudruqï*** – қўй қуйруғи; ***at qudruqï*** – отнинг қуйруғи. (Шоир) шундай деган:

***Qudruq qatïğ tügdümiz,***
***Täŋrig öküš ögdümiz,***
***Kemšip atïğ tegdimiz,***
***Aldap yana qačtïmïz.***

Айтмоқдаки: Отлар қуйруғини қаттиқ қилиб тугдик, Тангрига кўп ҳамд ўқидик, яъни кофирларга ҳужум қилишда такбир ўқидик. Узангига қаттиқ босиб ҳужум қилдик. Орқамиздан эргашинглар деб, уларни алдаб, кочганга ўхшаб чекиндик.

[قُدْرُق] ***qudruq*** **(қудрук)] *quš qudruqï*** – куш қуйруғи. Мақолда (шундай келган): ***Toqum yüzüp, qudruqta pičäk sïma.*** Маъноси: "Мол терисини шила туриб, думига қолганда пичоқни синдирма". Бу мақол қуйидаги арабча мақолга ўхшайди: شوّى اخوک حتّى اذا انضج رمّد .

قُدْرُق ***qudruq*** **(қудрук)** – қуйруқ (орқа йўлдан [яъни, тўғри ичакдан] киноя); ***qudruqi ötkän kiši*** – орқа йўли кенг киши.

قَرْسَاق ***qarsaq*** **(қарсақ)** – тулкилар жинсидан бўлган бир ҳайвон. Унинг оқ, ўсиқ почасидан пўстин қилинади.

قَرْلُق ***qarluq*** **(қарлук)** – турклардан бир гуруҳи. Улар кўчманчи бўлиб, ўғузлардан бошқа, улар ҳам туркман(лар тоифасидан)дир.

قُرْلُق ***qurluq*** **(қурлук)** – қимиз пишитиш учун ишлатиладиган идиш; меш.

قَرْنَاق ***Qarnaq*** **(Қарнақ)** – ўғуз шаҳарларидан бири.

[قَرْنَاق ***qarnaq*** **(қарнақ)] *qarnaq er*** – қорни катта киши.

قِرْنَاق ***qïrnaq*** **(қирнақ)** – жория, чўри. Ябаку, қай, чумул, басмил, ўғуз, ямак ва қипчоқлар сўзи.

[قِزْلَاق ***qïzlaq*** **(қизлақ)] *köti qïzlaq*** – қизилиштон. Унинг думи қизил бўлади.

قِسْرَاق ***qïsraq*** **(қисрақ)** – ёш байтал. Ўғузларда ҳар қандай байталга нисбатан айтилади. Мақолда (шундай келган): ***Qïz birlä küräšmä, qïsraq birlä yarïšma.*** Маъноси: "Қиз билан ўйнашма, чунки улар кучли ва сени енгади. Ёш қисир бия билан пойга қилишма, у айғирдан кўра кучлидир, у ҳам сенинг устингдан ғалаба қилади (сени енгади)". Бу мақол хоқония қизларидан бири *Sulṭān Mas'ūd* нинг никоҳ кечаси ўз эрини оёғи билан чалиб йиқитганидан кейин хоқонийларда юзага келган.

قِسْمَاق ***qïsmaq*** **(қисмақ)** – узангининг икки ёнидаги иккита қайиш боғичи. Узанги иккита қайиш орасида туради.

قَسْمَاق ***qïsmaq*** **(қисмақ)** – сиртмоқ, тузоқ.

قُشْلُق ***qušluq*** **(қушлуқ)** – кун чиққандан кейинги вақт (ўғузча).

قِشْلِق ***qïšlïq*** **(қишлиқ)** – қишлик уй; қиш учун тайёрланган ҳар бир нарса.

[قَغْشَاق ***quğšaq*** **(қуғшақ)] *quğšaq näŋ*** – ҳар бир бўш, заиф, суст нарса.

قَفْجَاق ***qïwčaq*** **(қивчақ)** – туркий қабилалардан бири.

قِفْجَاق ***Qïwčaq*** **(Қивчақ)** – *Käšğar* яқинидаги бир жойнинг оти.

قُلْبَاق ***Qulbaq*** **(Қулбақ)** – турклардан бир тақводор кишининг оти. У *Balasağun* тоғларида яшар эди. Айтишларига қараганда, у қўли билан катта қора тошга ***Täŋri qulï Qulbaq*** деб ёзса, оқ хат ёзилар, агар оқ тошга ёзса, қора хат пайдо бўлар эди. Унинг излари ҳалигача ҳам турибди, дейдилар.

قَلْتُق ***qaltuq*** **(қалтуқ)** – ёввойи сигирлар шохи. Унинг ичи ўйилиб, қимиз ва бошқа нарсалар ичилади.

قَلْتِق ***qoltïq*** **(қўлтиқ)** – қўлтиқ.

قِلْتِق ***qïltïq*** **(қилтиқ)** – бош кепаги, қипиғи.

قَمْغَاق ***qamğaq*** **(қамғақ)** – бўйи баланд, барглари нозик бир ўт. Уйнинг очиқ жойларига солинади.

قُمْلَاق ***qumlaq*** **(қумлақ)** – *Qïwčaq* ерларида ўсадиган печакка ўхшаган бир ўт. У асалга аралаштирилиб, ичимлик қилинади. Бу ўт кемага тушиб қолса, денгиз тўлқинланади ва кема чайқалиб, ундаги кишилар ғарқ бўлаёзадилар.

قَنْجِق ***qanjïq*** (**қанжиқ**) – урғочи ит, қанжиқ. Хотин кишини сўккунда унга ўхшатилади ва ***qanjïq*** дейилади.

مُنْجُق ***munčuq*** (**мунчуқ**) – мунчоқ, қимматли тошдан қилинадиган маржон.

مُنْجُق ***munčuq*** (**мунчуқ**) – от бўйнига тақилувчи мунчоқ, қимматли тош, шер тирноғи ёки тумор.

مَنْجُق ***mančuq*** (**манчуқ**) – эгарга осиладиган нарсалар; тўрва ва бошқалар.

[مُنْغَان ***munğan*** (**мунған**)] ***munğan kiši*** – эзма ва беҳуда сўзловчи киши.

ك ***k*** [ҳарфи]:

بُرْجَك ***bürčäk*** (**бурчак**) – кишининг кокили; отнинг ёли.

پِتْرِك ***pitrik*** (**питрик**) – тиллиқ, хотинлар тиллиғи.

پِتْرَك ***pitrik*** (**питрик**) – писта (арғуча).

پِسْتَك ***pistik*** (**пистик**) – йигириш учун мўлжаллаб ажратилган бир бўлак пахта (чигилча).

پِسْتَك ***pistik*** (**пистик**) – пилта (арғуча).

بُكْسَك ***böksäk*** (**бўксак**) – хотинларнинг бўксаси билан қўйни орасидаги ер (у ерга зийнатли тумор тақадилар).

بُكْسَك ***böksäk*** (**бўксак**) – бўкса, кўкракнинг юқори қисми.

[تُتْسُك ***tütsüg*** (**тутсуг**)] ***tütsüg kiši*** – кек сақловчи киши, душманлик ва адоват қилувчи киши.

تَخْجَك ***taḫčäk*** (**таҳсак**) – ***ṣïn*** ипаклик газмолларидан бири.

تُرْبِك ***türpik*** (**турпик**) – ўроқ, ранда; чопқи. Уни ***türpigü*** ҳам дейдилар.

تَرْلِك ***terlik*** (**терлик**) – жазлиқ. Эгар остидан қўйиладиган намат.

تُرْلُك ***türlüg*** (**турлуг**) – ҳар турли, турли; ***qač türlüg näŋ*** – ҳар турли нарса; ***qač türlüg söz aydïm*** – қанча турли, ҳар турли сўз айтдим.

تُرْمَاك ***türmäk*** (**турмак**) – тухум ва гўштдан тайёрланадиган овқат.

تِرْنَاك ***tirnäk*** (**тирнак**) – кишиларнинг маслаҳат учун йиғилиш жойи.

[تُشْلُك ***tüšlük*** (**тушлук**)] ***tüšlük ödi*** – сафарга кетаётган кишининг тун охирида дам олиш учун қўниши.

تَكْرَك ***tegräk*** (**теграк**) – теварак, атроф; ***quduğ tegräki*** – қудуқ тевараги.

تُغْلُك ***tüglüg*** (**туглуг**) – кўр; ***tüglüg közlüg*** – кўзи кўрмовчи киши.

تَقْلُك ***tewlüg*** (**тевлуг**) – ҳийлакор, фирибгар, алдамчи.

[جَكْرَك ***čekräk*** (**чекрак**)] ***čekräk qapa*** – қуллар киядиган ва жундан тўқилган бир хил кийим.

[چَرْلِك ***čerlig*** (**черлиг**)] ***közi čerlig*** – заиф кўзли киши, у ёруғликдан кўра қоронғуликда яхши кўради.

چَلْبَك ***čelpäk*** (**челпак**) – кўз чирки, кўз йиринги.

چِلْدَك ***čildäk*** (**чилдак**) – отнинг кўкрагига чиқадиган бир яра. У йиринглайди, фасод боғлайди, сўнг уни доғлаб тузатадилар.

[سُرْتُك ***sürtüg*** (**суртуг**)] ***sürtüg ešlär*** – суйкалувчи ва ишқаланувчи хотин. Суртилиб эшилган ҳар нарсага ҳам ***sürtüg*** дейилади.

[سَدْرَك ***seδräg*** (**седраг**)] ***seδräg böz*** – сийрак тўқилган бўз.

[سَدْرَك ***seδräg*** (**седраг**)] ***seδräg qapuğ*** – панжарали эшик, сурма эшик.

سُرْجُك ***sürčük*** (**сурчук**) – кечки йиғилиш, ўтириш. Ўғузлар *čīm* ҳарфини *fatḥa* ли қилиб, ***sürčäk*** деб талаффуз қиладилар.

سَلْجُك ***Säljük*** (**Салжук**) – ҳозирги султонлар бобосининг оти. Улар ***säljük sü baši*** деб аталар эди.

سَكْرِك ***sekrik*** (**секрик**) – тоғда сакраб ўтиладиган жойлар.

سُكْرُك ***sökrük*** (**сўкрук**) – хотинлар аврати.

كُبْرُك ***köprüg*** (**кўпруг**) – кўприк.

كُتْلُك ***kötlüg*** (**кўтлуг**) – сўкиш; маъноси: "эй, хароми"дир. Аслида маъноси: "Эй, лўт қавмининг ишини ўзига қилдирган киши" бўлади.

تُمْرُك ***tömrüg*** (**тўмруг**) – доира, чилдирма (ўғузча).

كُبْچُك ***köpčük*** (**кўпчук**) – кўпчик, эгарнинг устига кийгизиладиган ёпқи.

كِرْپِك ***kirpik*** (**кирпик**) – киприк.

كَرْتُك ***kertük*** (**кертук**) – ёғочдаги кертик ва кесилган жой; ***kertük-kemrük*** – кертик-кесик, кертилган-ёрилган.

كَرْتِك ***kertik*** (**кертик**) – нон ва шунга ўхшаш нарсаларни санаш, ҳисобини олиш учун ёғочга қирқиб қўлланадиган белги.

كُرْشَاك ***küršäk*** (**куршак**) – тариқ, қўноқларнинг мағзини айириб, сув ёки сутга қайнатиб, сўнг юзига ёғ қуйиб ейиладиган овқатнинг оти.

كَزْلِك ***kezlik*** (**кезлик**) – хотинларнинг кийимларига тақилиб, ўзлари билан олиб юрадиган пичоқча.

كُزْلُك ***közlük*** (**кўзлук**) – от думидан тўқилиб, кўз оғриганда, шамоллаганда ва ёруғдан қамашганда кўзга тақиладиган нарса.

[كُسْرُك ***kösrük*** (**кўсрук**)] ***kösrük tušağ*** – отни боғлаб қўядиган тушов, кишан.

كَفْرِك ***kewrik*** (**кеврик**) – чақиртикан.

كُفْرُك ***küwrük*** (**куврук**) – ноғора.

[كَفْرَك ***kewräg*** (**кевраг**)] ***kewräg näŋ*** – канакунжут ва бошқаларга ўхшаш танаси бўш ва ғовак ўсимликлар.

[كَفْشَك ***kewšäg*** (**кевшаг**)] ***kewšäg näŋ*** – юмшоқ нарса. Бу сўз тўнлар сингари заиф ва майин нарсаларга ҳам қўлланади.

[كُفْشَك ***küwšäg*** (**кувшаг**)] ***küwšäg et*** – юмшоқ гўшт.

[كُفْشَك ***küwšäg*** (**кувшаг**)] ***küwšäg etmäk*** – яхши хамирдан бўлган нон.

كُفْلُك ***küwlük*** (**кувлук**) – лойи ғўлак қилиб қуритилган, ёнғоқдан кичик юмалоқ кесак. Уни сопқонга солиб отилади. (Уни) ҳўл ҳолида ҳам отиш мумкин.

كَكْلِك ***käklik*** (**каклик**) – каклик.

[كَكْمَك ***kekmäk*** (**кекмак**)] ***kekmäk er*** – ҳар хил ишлар пишитиб қўйган, қийинчиликларда пишган киши. Асли ***kek*** бўлиб, "меҳнат; қийинчилик" маъносидадир. Бу сўз сифат бўлиб, қоидага мувофиқ эмас. Қоидага кўра, сифат ***kekmän*** бўлуви керак эди.

[كَمْرُك ***kemrük*** (**кемрук**)] ***kemrük söŋük*** – гўшти тозаланган суяк.

كُنْچُك ***künčük*** (**кунчук**) – чўнтак. Ўғузлар ***künčäk*** дейдилар.

كَنْجَاك ***känjäk*** (**канжак**) – бир тоифа турклар.

كَنْجَاك سَنْغِر ***Känjäk säŋir*** (**Канжак сангир**) – *Ţirāz* яқинидаги шаҳарнинг оти. Бу ер қипчоқлар чегарасидир.

كَنْدُك ***kendük*** (**кендук**) – хумга ўхшатиб ясалган бир нарса. Ун ва бошқа нарса солинади (канжакча).

كُنْلُك ***künlük*** (**кунлук**) – кунбай қилинадиган иш.

[كُنْلُك ***künlük*** (**кунлук**)] ***künlük yem*** – кундалик, кунлик озиқ. Бу сўз оз қўлланади.

مَرْدَك ***merdäk*** (**мердак**) – айиқ боласи. Уни ***aδïğ merdäki*** дейилади. Баъзи бир турклар "тўнғиз боласи"ни ***toŋuz merdäki*** дейдилар.

[مَلْدَكْ ***meldäk*** **(мелдак)**] ***meldäk näŋ*** – бир-бирининг устига қатма-қат мингашган бўйин суяги каби чўзиқ нарса.

ل ***l*** [ҳарфи]:

بِچْگِل ***bičgil*** **(бичғил)** – қўл, оёқ ёрилиши; ер ёрилишига ҳам қўлланади.

بَسْبَلْ ***basbal*** **(басбал)** – бир тақим ип.

يَسْمِلْ ***yasmïl*** **(*basmïl?)*** **(басмил?)** – турк уруғларидан бири.

[بَشْغِلْ ***bašgïl*** **(башғил)** – оқ бош] ***bašgïl yïlqï*** – боши оқ моллар.

بَتْمَلْ ***batmul*** **(батмул)** – узун мурч.

بُشْكَالْ ***püškäl*** **(пушкал)** – лочира, юпқа нон. Хоконияликларнинг сўзи.

بُغْرِلْ ***buğrïl*** **(буғрил)** – тўла идиш; мешларнинг букланиб туриши.

[بُغْرُلْ ***buğrul*** **(буғрул)**] ***buğrul qoy*** – томоғи оқ қўй.

[بُكْتَلْ ***böktäl*** **(бўктал)**] ***böktäl er*** – ўрта бўйли киши; ***böktäl at*** – орқа сағриси кенг от.

[بُكْرُلْ ***bügrül*** **(бугрул)**] ***bügrül at*** – икки биқини оқ от. Шунингдек, ола қўй ва бошқа хайвонларга ҳам ***bügrül*** дейилади.

بَنْدَالْ ***bandal*** **(бандал)** – бош қисми чўқмоқли ёғоч. Болалар кечаси унинг учини ёндириб, бир-бирларига ўқталиб ўйнайдилар. Буни ***ot bandal*** дейилади. Чавгон ўйинида ўйналади.

[تَرْغِلْ ***tarğïl*** **(тарғил)** – тарғил] ***tarğïl yïlqï*** – орқасида сепкилга ўхшаш оқ-қора чизиғи бор хайвон. Отдан бошқа молларнинг ҳаммасига ҳам шу сўз қўлланади.

تُغْرِلْ ***toğrïl*** **(тўғрил)** – йиртқич қушлардан бири. Бу мингта ғозни ўлдириб, биттасинигина ейди. Бу сўз эркаклар оти ўрнида ҳам қўлланади.

تُغْرِلْ ***toğrïl*** **(тўғрил)** – гўшт ва дориворлар билан тўлдирилган идиш (канжакча).

جِشْكَالْ ***češkäl*** **(чешкал)** – сопол, тош ва унинг синиқлари (канжакча).

سَنْكِلْ ***seŋil*** **(сенгил)** – юздаги сепкил.

سَرْسَالْ ***sarsal*** **(сарсал)** – оқ сичқон жинсидан, сувсарга ўхшаш кичик бир хайвон.

[قَرْتَالْ ***qartal*** **(қартал)**] ***qartal et*** – тўғралган гўшт.

[قَرْتَالْ ***qartal*** **(қартал)**] ***qartal qoy*** – оқ-қорали чипор қўй.

[قِرْغِلْ ***qïrğïl*** **(қирғил)**] ***qïrğïl er*** – ўрта ёшли киши.

[قِزْغُلْ ***qïzğul*** **(қизғул)**] ***qïzğul at*** – қизилидан оқи кучли ва қора жигар ранглари орасида бўлган бир рангли от.

م ***m*** [ҳарфи]:

بَچْكَمْ ***bečkäm*** **(бечкам)** – белги, нишон. Ботирлар уруш кунларида ипакли нарса ёки ёввойи сигирнинг думини жанг белгиси тарзида тақиб оладилар. Ўғузлар уни ***pärčäm*** дейдилар.

(Шоир) шундай деган:

***Bečkäm urup atlaqa,***
***Uyğurdaqï tatlaqa.***
***Oğrï yawuz ïtlaqa,***
***Qušlar kibi učtumïz.***

Айтмоқдаки: Отларга белги тақиб, *Uyğur* (эли)даги *tat* ларга, яъни ўғри, муттаҳам итларга қасд қилдик. Қуш учгандек учиб, уларнинг устига ёпирилдик.

بَچْكُمْ ***bečküm*** **(бечкум)** – уйнинг шипи.

بَدْرَمْ ***baδram*** **(бадрам)** – халқ орасида шодлик ва кулгу. Гуллар очилган жойга ***baδram yer*** дейилади, яъни "ёқимли ер" демакдир. Асли нима эканини мен билмайман, чунки мен буни форслар оғзидан эшитдим. Лекин ўғузлар "ҳайит куни"ни ***bayram*** дейдилар. Яъни "шодлик ва ёқимли кун". Демак, улар одатдагича *δā* ни *yā* га алмаштирганлар. Ёки ўзи шундай *yā* ли сўздир. Ёки бу ўзи махсус сўздир.

[بِرْتَمْ ***birtäm*** (**биртам**)] ***ol yumušqa birtäm bardï*** – қайтишни гўё истамагандек, узоқ вақт мамлакатдан узилиб, элчилик учун кетди.

[بَغْرَمْ ***bağram*** (**бағрам**)] ***bağram qum*** – эланган қум, майин қум; *Kāšğar* билан *Yarkend* ўртасидаги қумликка ***Bağram qumï*** дейилади.

بُخْسُمْ ***buxsum*** (**бухсум**) – тариқ, сўклардан қилинган ичимлик, бўза.

[تُمْرُمْ ***tumrum*** (**тумрум**)] ***tumrum yïğač*** – ямоқчининг иш кундаси ва бошқаларга ўхшаш гирдак қилиб кесилган ёғоч кунда.

تُشْرُمْ ***tüšrüm*** (**тушрум**) – пишитилган ип дуги, ўрами (арғуча).

زُنْكُمْ ***züŋüm*** (**зунгум**) – *ṣīn* ипак газмолларидан бир хили.

سِدْرِمْ ***sïdrïm*** (**сидрим**) – қайиш, тиркаш (ўғузча); ***sïdrïm ïšlïğ er*** – ишларни ўзи ишлаб, бошқаларга қолдирмайдиган киши.

سَرْقِمْ ***sarqïm*** (**сарқим**) – қиров.

كُتْرُمْ ***kötrüm*** (**кўтрум**) – устига ўтириладиган баланд курси, супача.

كُچْرُمْ ***köčrüm*** (**кўчрум**) – саросималик, ваҳима. Қишлоқ кишиларининг шаҳарга қочиб келиши маъносида.

[كَدْرِمْ ***kedrim*** (**кедрим**)] ***kedrim et*** – сўйилган эт.

كَسْتَمْ ***kestäm*** (**кестам**) – кечаси чақирилмай келган кишиларга қилинадиган зиёфат.

## Ҳарфи қайталаган сўзлар бўлими

ر ***r*** [ҳарфи]:

تَرْتَرْ ***tartar*** (**тартар**) – қумрига ўхшаш бир қуш.

[چُرْ چُرْ ***čur-čur*** (**чур-чур**)] ***tewäy emgi čur-čur*** – туянинг эмиги “чур-чур”. Яъни туя соғилганда, сутнинг тоғарага “чур-чур”лаб тушиши.

[قُرْ قُرْ ***qur-qur*** (**қур-қур**)] ***qarïn qur-qur etti*** – қорин “қур-қур” этди, қорин қуриллади, қулдиради.

ك ***k*** [ҳарфи]:

سُكْسُكْ ***sük-sük*** (**сук-сук**) – юлғун дарахти (яхши ёнадиган ёғоч).

م ***m*** [ҳарфи]:

[سُمْلِمْ ***sumlïm*** (**сумлим**)] ***sumlïm tat*** – туркча билмайдиган форс. Туркчани умуман билмайдиган кишиларга ҳам ***sumlïm*** дейилади.

كُرْكُمْ ***kürküm*** (**куркум**) – заъфарон. Бу сўзда арабчага ўхшашлик бор. Араблар ҳам уни ***kurkum*** дейдилар. (Шоир) шундай деган:

***Beglär afïn arğurup,***
***Qaδğu anï turğurup,***
***Meŋzi yüzi sarğarïp,***
***Küräküm aŋar türtülür.***

*Afrāsiyāb* нинг ўлимига ачиниб айтмоқда: Беклар отларини чарчатиб келдилар. Қайғу бекларни оздирди, юзлари заъфарон сургандек сарғайиб кетди.

## *fa’ālil* қолипидаги сўзлар бўлими

چ ***č*** [ҳарфи]:

سَرَاغُچْ ***sarağuč*** (**сарағуч**) – хотинларнинг бошга ёпинадиган нарсалари, рўмолчалари.

ر ***r*** [ҳарфи]:

الَّتِي ضَرَبُوهَا عَلَى مَدَارِجِ الْحِكْمَةِ فِي الْكَرْبِهِ وَالنِّعْمَةِ حَتَّى بَلَغَ الْقَائِلُ
النَّاقِلُ وَاَوْصَلَ النَّاقِلُ الْحَامِلَ فَجَمَعْتُ فِيهِ الْاَشْيَاءَ الْمَذْكُورَةَ وَاللُّغَاتِ
الْمَشْهُورَةَ فَبَلَغَ الْكِتَابُ فِي الْجَوْدَةِ نِهَايَتَهَا وَتَدَرَّجَ فِي اللَّطَافَةِ غَايَتَهَا
وَاللهَ اَسْئَلُ التَّوْفِيقَ فِيمَا نَوَيْتُ وَقَلْبِي عَلَيْهِ طَوَيْتُ وَلَا حَوْلَ وَلَا
قُوَّةَ اِلَّا بِاللهِ الْعَلِيِّ الْعَظِيمِ وَهُوَ حَسْبُنَا وَنِعْمَ الْوَكِيلُ ۝

## اَلْقَوْلُ فِي الْحُرُوفِ الَّتِي بُنِيَتْ عَلَيْهَا اللُّغَاتُ

اَلْحُرُوفُ الَّتِي تَدُورُ عَلَيْهَا اَلْسِنَةُ التُّرْكِ بِاَسْرِهَا هِيَ ثَمَانِيَةٌ وَعِشْرُونَ حَرْفًا
اَصْلِيَّةٌ تَرَكَّبُ مِنْهَا كِتَابَةُ التُّرْكِيَّةِ جَمْعُهَا هٰذِهِ الْفَاظُ اُخُوكَ
لَفَّ سَمِجَ نَرَقَ بَذَرَ شَنِيعًا فَتُكْتَبُ مُقَطَّعَاتُهَا عَلَى هٰذِهِ الصُّوَرِ

ا ف خ و ز ق ى ك ذ

م ن س ب ج ر ش ت ل

وَنَظِيرُ هٰذِهِ الْحُرُوفِ فِي الْعَرَبِيَّةِ اَبْ تَ ثَ وَسَبْعَةُ اَحْرُفٍ
اُخَرَ فَرْعِيَّةٌ لَا ذِكْرَ لَهَا فِي الْخَطِّ وَاللُّغَاتُ لَا تَنْفَكُّ عَنْهَا وَهِيَ الْيَاءُ
الصَّلْبَةُ وَالْجِيمُ الْعَرَبِيَّةُ وَهِيَ غَرِيبَةٌ فِي هٰذِهِ اللُّغَةِ وَالزَّايُ
الْمُتَوَلِّدَةُ بَيْنَ مَخْرَجَيِ الزَّايِ وَالسِّينِ وَالْفَا الْعَرَبِيَّةُ وَالْعَيْنُ الْمُعْجَمَةُ

*"Девону лугати-т-турк" қўлёзмасининг саҳифаси.*

بلاد الخزر
بلاد الصقالبه
بلاد الروس
بلاد الترك
بلاد الغزيه
بلاد الخرخير
بلاد الاسبجاب
بلاد الطراز
بلاد النزل
بلاد الطغزغز
بلاد الخلخ
بلاد الخرلخيه
بلاد الطوغز غز
بلاد الخطا
بلاد الختا
بلاد الخيتان
بلاد الكاشغر
بلاد الختن
بلاد الطبت
بلاد الهند
بلاد السند
بلاد الديبل
بلاد الزنج
بلاد الحبشه
بلاد الزنج
بلاد الروم
بلاد الافرنج
بلاد الصقلب
بلاد الاندلس
بلاد المغرب
بلاد افريقيه
بلاد مصر
بلاد الشام
بلاد العراقين
بلاد الحجاز
بلاد اليمن
بلاد فارس
بلاد خوزستان
بلاد كرمان
بلاد سجستان
بلاد الديلم
بلاد الجبل
بلاد الري
بلاد طبرستان
بلاد الجرجان
بلاد الخزر
بلاد الصقالبه
بلاد الروس
بلاد الترك
بلاد الغزيه
بلاد الخرخير
بلاد الاسبجاب
بلاد الطراز
بلاد النزل
بلاد الطغزغز
بلاد الخلخ
بلاد الخرلخيه
بلاد الطوغز غز
بلاد الخطا
بلاد الختا
بلاد الخيتان
بلاد الكاشغر
بلاد الختن
بلاد الطبت
بلاد الهند
بلاد السند
بلاد الديبل
بلاد الزنج
بلاد الحبشه
بلاد الزنج
بلاد الروم
بلاد الافرنج
بلاد الصقلب
بلاد الاندلس
بلاد المغرب
بلاد افريقيه
بلاد مصر
بلاد الشام
بلاد العراقين
بلاد الحجاز
بلاد اليمن
بلاد فارس
بلاد خوزستان
بلاد كرمان
بلاد سجستان
بلاد الديلم
بلاد الجبل
بلاد الري
بلاد طبرستان
بلاد الجرجان

يُنضَّدُ عليهِ المتاعُ والثيابُ ن إلى يزلك اراى الرجلُ المرامنُ الى يزلك كرنلو
المناويه ن يلرك اتْ هو الفرسُ السابقُ المحضُ والغزيه تسمّى العالمُ الجاذقُ
الفعلِ الفاضلُ يلرك بلكا ن يكسك تاغ الجبلُ المرتفعُ وكزلك كلّ شئ اذا
كان مرتفعاً طويلاً باذخاً فهو يكسك وهو مشتقٌّ من قولهم يوك لريش
لطائرِ وطبعهُ العلوُّ والصعودُ فكزلك كلُّ شئ عالٍ سمّى بهِ وقال
اسرّ كرب يكسك قلق قوجي حقار . بلكا كشي اكث برب تغرق اقار .
يقول بانّ السرّ اذا راى الجزرَ ينزل وينقصُ من الجوّ الصاعدِ فكزلك جزرُ
الرجلِ الحليمِ الوعظُ متى ما سمعهُ حفظهُ وفطنهُ ن يكسك شئ بمنزلة
الحسعه تتخذ من الصفرِ او الزرغبِ يمسكهُ الخياطُ في انامله توقيّاً عن خسِ
الابرةِ في انملتهِ ن يلبك السعفهُ من الخبزِ يقالُ منهُ ازكا يلبك تكبر اي
اصاب الرجلُ السعفهُ ل يتكل تونْ اى ثوبٌ ارجوانيّ اللونِ واللامُ
مبدلةٌ من النونِ يقالُ بير يرم بذونْ اى طائفهٌ من الناسِ انفردوا من
بين الجملةِ ن يقالُ بير يغرم اونْ اى دقيقٌ قدرُ ما يعجنُ بهِ مرّةً ن ويقالُ
يترم سج اى الشعرُ الذي ارسلَ بعدَ الاوّلِ ن يقالُ بير برشم بير
اى ارضٌ قدرُ رسباقِ الخيلِ في الحلبةِ ن ويقالُ بير يكرم بير اى ارضٌ
قدرُ ما يعدى فيها مرّةً ن يتكن تونْ اى ثوبٌ ارجوانُ لغةٌ في اللامِ
ونوعٌ منهُ يتلاغ المصطافُ باب فعالل ج

*"Девону лугати-т-турк" қўлёзмасининг саҳифаси.*

سِپاقُر ***sïpaqur*** **(сипақур)** – ем тўрваси. Бу сўзнинг асли ***sïp aqurï***, яъни "икки ёшга тўлган отнинг ем ейдиган жойи, охўри" демакдир.

ز ***z*** [харфи]:

قُلاۋُز ***qulawuz*** **(қулавуз)** – йўлбошчи; ***vāv bā*** га алмашгандир. Мақолда (шундай келган): ***Qalïn qaz qulavuzsuz bolmas***. Маъноси: "Ғоз тўдаси йўлбошчисиз учмайди". Бу мақол ҳамма ишда ўзидан кўра йўл биладиган кишига бўйсунишга ундаб айтилган.

ق ***q*** [харфи]:

جِجالَق ***jïjalaq*** **(жижалақ)** – жимжилоқ бармоги.

جِجامُق ***jïjamuq*** **(жижамуқ)** – жимжилоқ ёнидаги бармоқ. Буни оз киши билади.

سُلامُق ***solamuq*** **(сўламуқ)** – чапақай киши.

قَرَاچُق ***Qaračuq*** **(Қарачуқ)** – *Fārāb* шаҳрининг оти. Бу ҳам ўғуз шаҳарларидандир.

قَرامُق ***qaramuq*** **(қарамуқ)** – қорамуқ (буғдой ва бошқа донлар орасида бўладиган қорамуқ, бегона ўт).

قَمِچاق ***qamïčaq*** **(қамичақ)** – сувда худди пашша сузгандек чаққон сузувчи қорамтил рангли кичик бир жонивор, сузгич.

ك ***g*** [харфи]:

[تُنارِك ***tünärig*** **(тунариғ)**] ***tünärig yer*** – қоронғи ер. "Қабр, гўр"га ҳам ***tünärig*** дейилади; ***er tünärigkä kirdi*** – киши қабрга кирди.

[چُمارُك ***čümärüg*** **(чумаруғ)**] ***čümärüg kiši*** – кўзи хира ва кўзидан ёш оқиб юрадиган киши.

خُچُونَاك ***xočünäk*** **(хўчунак)** – хушбўй ва нақшли қовун.

بَچانَك ***päčänäk*** **(пачанак)** – *Rūm* га яқин турувчи туркий қабилалардан бири.

بَچانَك ***päčänäk*** **(пачанак)** – ўғузларнинг бир тоифаси. Уларни ***päčäŋ*** ҳам дейилади.

## ***fa'al'al, fa'alalū*** қолипидаги сўзлар бўлими

ج ***č*** [харфи]:

تَۋلُغُوچ ***tavïlğuč*** **(тавилғуч)** – тархун дейилган бир дарахт.

د ***d*** [харфи]:

[بُغُرْدا ***buğurda*** **(буғурда)**] ***buğurda sač*** – жингалак соч.

س ***s*** [харфи]:

چِنَخْسِی ***činaxsï*** **(чинахси)** – ***šīn*** нинг бир турли нақшли ипак газламаси.

غ ***ğ*** [харфи]:

[تَپُزْغُو ***tapuzğu*** **(тапузғу)**] ***tapuzğu näŋ*** – қувур, нов, мўри, хуштак.

[تُتُرْغُو ***tuturğu*** **(тутурғу)**] ***tuturğu näŋ*** – тутилиши, буюрилиши керак нарса.

سِبِزْغُو ***sïbïzğu*** **(сибизғу)** – сибизға, сибизға най.

سِرِچْغا ***sïrïčğa*** **(сиричға)** – шиша.

سَرِچْغا / سِرِچْغا ***sarïčğa / sïrïčğa*** **(саричға / сиричға)** – чигиртка. Унга ўхшатилиб, "заиф киши"га ҳам ***sarïčğa / sïrïčğa er*** дейилади.

قُبُرْغا ***quburğa*** **(кубурға)** – бойқуш.

ق ***q*** [харфи]:

[تِرِرْقُو ***tïrïrqu*** **(тирирқу)**] ***tïrïrqu yer*** – ўти сийрак ер, ўтлари бир-бирига ўралашиб кетмаган ер.

تَتَرْغا ***tatïrğa*** **(татирға)** – ошланган оқ тери.

تَۋلُقُو ***tavïlqu*** **(тавилқу)** – қизил тол дарахти; ***tavïlğuč*** ҳам дейилади.

**اَقلقُو** ***avïlqu*** **(авилқу)** – қизил мевали бир дарахт. Мевасининг суви тутмоч ошига солинади, пўстлоғи билан кўз оғриғи даволанади. У билан кийимлар ҳам бўялади.

**تُقْرُقا** ***tuqurqa*** **(туқурқа)** – май идиши ва обдастанинг жўмраги.

**تُقْرُقا** ***Toqurqa*** **(Тўқурқа)** – *Kāšğar* яйловидаги бир жойнинг оти.

**سَقْرُقُو / سَقْرُقُو** ***saqïrqu / saqarqu*** **(сақирқу / сақарқу)** – кана.

**قَسِرْقُو** ***qasïrqu*** **(қасирқу)** – қуюн, айланма шамол.

**ك** ***g*** [ҳарфи]:

**تُشُرْكُو** ***tüšürgü*** **(тушургу)** – кичикроқ сувнинг дарёга қатилиш жойи, тегирмон сувининг дарёга тушар ўрни. Бошқа (сув қатиладиган жой)ларга ҳам шу сўз қўлланади.

**چَكُرْكا** ***čegürkä*** **(чегурка)** – чигиртка (ўғузча). Турклар бу сўзни унинг учмасдан бурунги холига қўллайдилар. Кўп болалар ва аскарлар шунга ўхшатилади; ***čegürkä-teg sü*** – чигирткадек кўп аскар.

**سُپُرْكُو** ***süpürgü*** **(супургу)** – супурги.

**كُتُرْكُو** ***kötürgü*** **(кўтургу)** – кўтарги; бирор нарсани кўтарадиган ускуна.

**كَسُرْكُو** ***kesürgü*** **(кесургу)** – халта, қоп.

**كُسُرْكا** ***küsürgä*** **(кусурга)** – ичига қоғозлар солинадиган муқова, папка.

**دُنُشْكا** ***dünüškä*** **(дунушка)** – тунбош деб аталадиган ўсимлик (канжакча).

**كِمِشْكا** ***kemiškä*** **(кемишка)** – *Kāšğar* да тайёрланадиган гулдор намат.

**م** ***m*** [ҳарфи]:

**[تَكِرْما** ***tegirmä*** **(тегирма)]** ***tegirmä näŋ*** – кулча, танга, тегирмон тоши сингари гирдак нарса.

**سَكِرْما** ***Sekirmä*** **(Секирма)** – *Xotan* йўлидаги кичик бир шаҳарчанинг оти.

**[قُتُرْما** ***qoturma*** **(қўтурма)]** ***qoturma börk*** – қайтарма қалпоқ; унинг олдида ҳам, орқасида ҳам қайтармаси бўлади.

**[كُچُرْما** ***köčürmä*** **(кўчурма)]** ***köčürmä očuq*** – бир ердан иккинчи ерга кўчириладиган кўчирма ўчоқ; ***köčürmä oyun*** – "ўн тўрт" деган ўйин. Ерга қўрғонга ўхшатиб тўрт чизиқ чизиб, унга ўнта эшик қилинади-да, юмалоқ тош, ёнғоқ ташлаб ўйналади.

### Иккинчи ҳарфи *sukun* ли, учинчи ҳарфи *fatha* ли сўзлар бўлими

**ت** ***t*** [ҳарфи]:

**مِنْدَتُو** ***mindätü*** **(миндату)** – ипак газлама.

**ج** ***č*** [ҳарфи]:

**[قُلْنَچِى** ***qulnačï*** **(қулначи)]** ***qulnačï qïsraq*** – бўғоз мол.

**غ** ***ğ*** [ҳарфи]:

**[قَرْنَغُو** ***qarnağu*** **(қарнағу)]** ***qarnağu er*** – қорни катта киши.

**سَغْنَغُو** ***sağnağu*** **(сағнағу)** – қуритилган қовоқ.

**قُنْدُغُو** ***qondïğu*** **(қўндиғу)** – хирмон янчишда, бирор нарсани туйишда қўлланадиган ускуна.

**قَمْچِيغُو** ***qamčïğu*** **(камчиғу)** – қаттиқ алам, қичиш ва иситма боис лаб ва бармоқларга тошадиган кичик тошма, учуқ.

**ك** ***g*** [ҳарфи]:

**تُرْبِكُو** ***türbikü*** **(турбику)** – ёғоч йўнадиган ускуна.

**تَمْرَكُو** ***temrägü*** **(темрагу)** – темиратки.

**سُگْنَكُو** ***sügnägü*** **(сугнагу)** – тирноқ билан гўшт орасига чиқадиган тошма.

**[كَرْشَكُو** ***keršägü*** **(кершагу)]** ***keršägü at*** – курак суягининг олдида ягири бор от.

**م** ***m*** [ҳарфи]:

بُلْغَما ***bulğama*** (**булғама**) – ёғи ҳам, мазаси ҳам йўқ ёвғон ош.

[جُقْرَما ***čoqrama*** (**чўқрама**)] ***čoqrama yul*** – отилма сув, отилиб чиқадиган булоқ суви.

ن ***n*** [ҳарфи]:

بُلْغُنا ***bulğuna*** (**булғуна**) – юлғун дарахти сингари қизил тусли бир бўш дарахт, уни туялар ейди. Бу сўзнинг ***malğuna*** шакли ҳам бор.

### *fu'lulī* қолипидаги сўзлар бўлими

ن ***n*** [ҳарфи]:

بُلْدُنی ***buldunï*** (**булдуни**) – ичига узум ёки майиз солиб тайёрланадиган овқат (канжакча).

ر ***r*** [ҳарфи]:

سُنْدِری ***sundïrï*** (***sundurï?)*** (**сундури?**) – денгиз. Мақолда (шундай келган): ***Ešyäk ayur: Bašïm bolsa, sundurïda suw ičkäy-men.*** Маъноси: "Эшак айтади: Бошим омон бўлса, денгиздан сув ичаман". Бу мақол мақсадга эришиш учун узун умр орзу қилувчиларга нисбатан қўлланади.

مَنْدِری ***mandïrï*** (**мандири**) – келин билан куёв иштирокида кечаси йиғиладиган мажлис, унда уларнинг устидан пул сочадилар (чигилча).

ل ***l*** [ҳарфи]:

پُسْتَلی ***püstäli*** (**пустали**) – Рум исмалоғи деб аталадилган, ейиладиган бир турли ўт.

ن ***n*** [ҳарфи]:

کُزْکُنی ***küzküni*** (**кузкуни**) – қўнгиз жинсидан бўлиб, кечаси ғўнғиллаб учадиган бир жонивор.

### *fu'lundī* қолипидаги сўзлар бўлими

د ***d*** [ҳарфи]:

سُپْرُنْدی ***süpründi*** (**супрунди**) – супуринди, ахлат.

[سَرْقَندی ***sarqïndï*** (**сарқинди**) – силқинди] ***sarqïndï suw*** – силқинди сув.

قُچْقُنْدی ***qučğundï*** (**қучғунди**) – пиёз (чигилча).

Тўрт ҳарфлилар тугади.

## БУ БЕШ ҲАРФЛИ СЎЗЛАР БОБЛАРИДИР

### *fa'al'al* қолипидаги сўзлар бўлими

چ ***č*** [ҳарфи]:

[سُقَرْلَچ ***suqarlač*** (**суқарлач**)] ***suqarlač börk*** – узун қалпоқ.

قُغُرْمَاچ ***qoğurmäč*** (**қўғурмач**) – қўғирмоч, қовурилган буғдой. Ингичка ***fā*** (яъни [w]) билан ***qawurmač*** ҳам дейилади.

یُغُرْغُوچ ***yuğurğuč*** (**йуғурғуч**) – ўқлоги, хамироши ва бошқаларни ёйишда қўлланади.

ر ***r*** [ҳарфи]:

[چِغِلْوَار ***čïğïlwar*** (**чиғилвар**)] ***čïğïlwar oqï*** – кичик, калта ўқ. (Шоир) шундай деган:

***Otru turup yağdï ayar keš oqï čïğïlwar,***
***Aydïm: Asïğ qïlğu emäs, sen taqï yalwar.***

Ёв тўғрисида айтмоқда: Менга юзлангач, сўғдоқдан ўқни ёмғирдек ёғдирдим. Энди сенинг ялиниб-ёлворишларинг фойда бермайди, дедим.

غ ғ [ҳарфи]:

[سَمُرْتُغْ *sanurtuğ* (**самуртуғ**)] ***samurtuğ iš*** – учини топиб бўлмайдиган чалкаш иш, чувалган иш.

[قُرُتْلُغْ *qurutluğ* (**қурутлуғ**)] ***qurutluğ kiši*** – қуртли киши, қурти бор киши. Бу арабча رجل تامر ва لابن, яъни "хурмоси ва сути бор одам" дейилган иборага ўхшайди.

[تَتَرْلِغْ *tatïrliğ* (**татирлиғ**)] ***tatïrliğ yer*** – текис ва қаттиқ ер.

[قَتَرْلِغْ *qatïrliğ* (**қатирлиғ**)] ***qatïrliğ er*** – хачирли киши.

[بَسَرْلِغْ *basarliğ* (**басарлиғ**)] ***basarliğ tağ*** – саримсоқли тоғ.

[بَغَرْلِغْ *bağïrliğ* (**бағирлиғ**)] ***bağïrliğ er*** – ҳеч кимсага бўйсунмовчи, кеккайган киши. Бу арабча انا لنحن اعظم اكبادا من الابل, яъни "бизнинг жигаримиз туяникидан ҳам катта" ибораси кабидир.

[جَغَرْلِغْ *čağïrliğ* (**чағирлиғ**)] ***čağïrliğ er*** – чағирли [ичимлиги бор] киши.

[سُغُرْلُغْ *suğurluğ* (**суғурлуғ**)] ***suğurluğ tağ*** – суғур [вабр дейилган мушук катталигидаги бир хил ҳайвон]и кўп тоғ.

[سِغَرْلِغْ *sïğïrliğ* (**сиғирлиғ**)] ***sïğïrliğ er*** – сигирли киши.

[تَمَرْلِغْ *tamïrliğ* (**тамирлиғ**)] ***tamïrliğ er*** – молли киши.

[چَمَرْلِغْ *čamarliğ* (**чамарлиғ**)] ***čamarliğ yer*** – тутантириққа ярайдиган хас-чўпли ер.

بَقَرْلِغْ *Baqïrliğ* (**Бақирлиғ**) – *Balasağun* яқинидаги бир жой оти.

[بَقَرْلِغْ *baqïrliğ* (**бақирлиғ**)] ***baqïrliğ tağ*** – мис маъданли, мисга эга бўлган тоғ.

[تَمَرْلُغْ *tamïrluğ* (**тамирлуғ**)] ***tamïrluğ et*** – кўп томир ва пайли гўшт.

[قَبُزْلُغْ *qobuzluğ* (**қўбузлуғ**)] ***qobuzluğ kiši*** – қўбуз чолғуси ва паштори бор киши.

[قَتُزْلُغْ *qotuzluğ* (**қўтузлуғ**)] ***qotuzluğ er*** – қўтосли киши.

[سَغَزْلِغْ *sağïzliğ* (**сағизлиғ**)] ***sağïzliğ er*** – чайнайдиган сақичи бор киши.

[سَغَزْلِغْ *sağïzliğ* (**сағизлиғ**)] ***sağïzliğ yer*** – соз тупроқли яхши ер.

[سَقَزْلِغْ *saqïzliğ* (**сақизлиғ**)] ***saqïzliğ ton*** – нарсалар ёпишган кийим.

[قَمَشْلِغْ *qamïšliğ* (**қамишлиғ**)] ***qamïšliğ yer*** – қамишли ер, қамишзор.

[تَبُغْلُغْ *tapuğluğ* (**тапуғлуғ**)] ***tapuğluğ er*** – эскидан буён хизматчиси бўлган киши.

[قَبُغْلُغْ *qapuğluğ* (**қапуғлуғ**)] ***qapuğluğ ew*** – эшикли уй.

[تَتَغْلِغْ *tatïğliğ* (**татиғлиғ**)] ***tatïğliğ näŋ*** – мазали, ширин нарса. Асли ثاتغلغ .

[تُتُغْلُغْ *tutuğluğ* (**тутуғлуғ**)] ***tutuğluğ yer*** – жинли жой. У ердан ўтганларга зарар беради.

[تِدِغْلِغْ *tïdïğliğ* (**тидиғлиғ**)] ***tïdïğliğ näŋ*** – ушлашдан тийилган нарса, унга етиш мумкин бўлмаган нарса.

[قِزِغْلِغْ *qïziğliğ* (**қизиғлиғ**)] ***qïziğliğ börk*** – тевараги жиякли, қирғоқлари бурама қалпоқ.

[قُدُغْلُغْ *quduğluğ* (**қудуғлуғ**)] ***quduğluğ ew*** – кудуқли уй.

تَرِغْلاغْ *tarïğlağ* (**тариғлағ**) – экин ери.

[تُرُغْلاغْ *turuğlağ* (**туруғлағ**)] ***turuğlağ yer*** – турар жой.

[تَرِغْلِغْ *tarïğliğ* (**тариғлиғ**)] ***tarïğliğ yer*** – экини бор ер. Дон сақланадиган омборга ҳам шу сўз қўлланади.

[سَرِغْلِغْ *sarïğliğ* (**сариғлиғ**)] ***sarïğliğ er*** – сариқ касали бор киши.

[قُرُغْلُغْ *quruğluğ* (**қуруғлуғ**)] ***quruğluğ ya*** – қурилган ўқ, ёй.

[پُسُغْلُغْ *pusuğluğ* (**пусуғлуғ**)] ***pusuğluğ yağï*** – яширинган ёв.

[قَپِقْلِغْ *qapïqliğ* (**қапиқлиғ**)] ***qapïqliğ qïz*** – уйдаги [бокира] қиз.

[قَتِقْلِغْ *qatïqliğ* (**қатиқлиғ**)] ***qatïqliğ er*** – келиб чиқиши паст киши. "Овқатга соладиган қатиғи бор киши"га ҳам шу сўз қўлланади.

[بَرَقْلِغْ *baraqliğ* (**барақлиғ**)] ***baraqliğ kiši*** – бароқ кучукли киши.

[جَرُقْلُغ *čaruqluğ* (**чаруқлуғ**)] *čaruqluğ er* – чориқли киши.

جَرُقْلُغ *čaruqluğ* (**чаруқлуғ**) – ўғузларнинг бир уруғи.

قَرَقْلُغ *qaraqlïğ* (**қараклиғ**) – кўз ғўлаги бор ҳайвон; *qaraqsïz-teg körür / kirür* – кўзсизлардек кўради / (жангга) киради. Жангда ва бошқаларда (ботирлар) қаршисидаги ўқ-найзани парво қилмай келишлари, бир-бирларига ҳамла қилишларидан киноя қилиб айтилади.

[قَسَقْلُغ *qasuqluğ* (**қасуқлуғ**)] *qasuqluğ er* – қимиз солинадиган меши бор киши.

[قُسْقَلْغ *qusïqlïğ* (**қусиқлиғ**)] *qusïqlïğ er* – чиғузаси бор киши.

[بَشَقْلُغ *bašaqlïğ* (**башақлиғ**)] *bašaqlïğ süŋü* – тишли найза. Темирли ўққа ҳам шу сўз қўлланади.

[تَشَقْلُغ *tašaqlïğ* (**ташақлиғ**)] *tašaqlïğ er* – ташоқли эр.

[قَشْقُلُغ *qašuqluğ* (**қашуқлуғ**)] *qašuqluğ ayaq* – қошиқли идиш.

[بُقُقْلُغ *buquqluğ* (**буқуқлуғ**)] *buquqluğ er* – буқоғи бор киши.

[تَقُقْلُغ *taquqluğ* (**тақуқлуғ**)] *taquqluğ er* – товуқли киши (ўғузча).

[سُقَقْلُغ *soqaqlïğ* (**сўқақлиғ**)] *soqaqlïğ tağ* – қизилдан кўра оққа мойил, қийиғи кўп тоғ.

[بَلَقْلُغ *balïqlïğ* (**балиқлиғ**)] *balïqlïğ ögüz* – балиғи кўп сой. Ботқоқ, балчиқли ерларга ҳам арғулар шу сўзни қўллайдилар.

[قُلَاقْلُغ *qulaqlïğ* (**қулақлиғ**)] *qulaqlïğ näŋ* – қулоқли нарса (идиш).

[قُنُقْلُغ *qonuqluğ* (**қўнуқлуғ**)] *qonuqluğ ew* – меҳмонли уй.

[تُرُمْلُغ *turumluğ* (**турумлуғ**)] *turumluğ er* – бўталоғи [икки ёшли туя боласи] бор киши.

[قُرُمْلُغ *qurumluğ* (**қурумлуғ**)] *qurumluğ tağ* – тошли, қояли тоғ.

[تُلُمْلُغ *tolumluğ* (**тўлумлуғ**)] *tolumluğ er* – бошдан-оёқ қуролланган эр. (Шоир) шундай деган:

*Öŋdün nelüg yalwarmadïŋ,*
*Qač qata berdiŋ tawar.*
*Tolumluğ bolup qatïndïŋ,*
*Qanïŋ emdi yer suwar.*

Айтмоқдаки: Бир неча бор жарима тўлашдан илгари нега ёлвормадинг. Энди қуролланиб отландинг. Берадиган нарсаларингни тезда тайёрла, бўлмаса, қонингни ер сўради.

[تَپَنْلُغ *tapanlïğ* (**тапанлиғ**)] *tapanlïğ tewäy* – пайпоқли туя.

[تُپُنْلُغ *topunluğ* (**тўпунлуғ**)] *topunluğ tarïğ* – сомонли чиқиндиси кўп буғдой.

[بُدُنْلُغ بُقُنْلُغ *bodunluğ-buqunluğ* (**бўдунлуғ-буқунлуғ**)] *bodunluğ-buqunluğ kiši* – уруғ-аймоғи кўп киши.

[بَقَنْلُغ *baqanlïğ* (**бақанлиғ**)] *baqanlïğ qaδïš* – ҳалқали қайиш.

[قَرَنْلُغ *qarïnlïğ* (**қаринлиғ**)] *bedüg qarïnlïğ er* – катта қоринли киши.

[قُرُنْلُغ *qurunluğ* (**қурунлуғ**)] *qurunluğ ew* – тутундан ис босган, қурум босган уй.

[سَغَنْلُغ *sağïnlïğ* (**сағинлиғ**)] *sağïnlïğ er* – соғиндиси [соғин сигири] бор киши.

[سُغُنْلُغ *soğunluğ* (**сўғунлуғ**)] *soğunluğ tağ* – ёввойи пиёз ўсадиган тоғ.

[سَمَنْلُغ *samanlïğ* (**саманлиғ**)] *samanlïğ er* – сомони бор киши.

[قَغُنْلُغ *qağunluğ* (**қағунлуғ**)] *qağunluğ er* – қовунли киши, қовуни бор киши.

[قُقُنْلُغ *ququnluğ* (**куқунлуғ**)] *ququnluğ ot* – алангаси бор ўт, олов.

[قُلُنْلُغ *qulunluğ* (**қулунлуғ**)] *qulunluğ qïsraq* – кетидан эргашиб юрувчи тойчаси бор бия.

Охирида *-lïğ* қўшимчаси бор сўзлар маъносида ҳам, *maf'ul* [қилинган иш] маъносида ҳам келади. Бу яна бир қанча турларга ажралади, буларни айтиб ўтилмаса, тушунилмайди. Улар жой отларини ҳам англатади.

Биринчи, эгалик маъносида. Масалан, ***bedüg qarïnliğ er*** – катта қорин эгаси ёки ***samanliğ er*** – сомони бор киши, сомонга эга киши, каби.

Иккинчиси [*maf'ūl* маъносидагилар]нинг мисоли: ***sarïğliğ er*** – сариқ касалига йўлиққан киши; ***quruqluğ ya*** – қурилган, тортиб отишга тайёрланган ёй, каби.

Учинчиси [ўрин маъносида], масалан: ***tarïğlağ*** – экинзор; ***turuğlağ*** – турар жой.

Билиш керакки, беш ҳарфли сўзларнинг кўпи аслида уч ҳарфли сўзлардан таркиб топади. *ğayn* ва *qāf* ҳарфлари билан тугаган сўзлар маъноси фарқлидир. ***qāf*** ҳарфлилар кўрсатилган маъноларда бўлиб, *ğayn* ҳарфли сўзлар фақат жой отларида бўлади: ***tarïğliğ ew*** – тариқли уй; ***tarïğliğ*** – дон омбори; ***quruğluğ ya*** – қурилган ўқ; ***quruğluğ*** – қуруғлиқ, каби. Пухтарок тушуниш учун бирма-бир айириб кўрсатишни лозим топганимиз шулардир. Асл сўз бўлмаганда ***-liğ*** қўшимчасини ажратиб ёзиш ҳам мумкин: ***baliqliğ ögüz*** – балиғи бор сой; ***baraqliğ er*** – барок кучуги бор киши. Буниси яна яхшироқ. Чунки вазнда ҳам, ёзувда ҳам қисқалик бор.

ق ***q*** [ҳарфи]:

بُرُنْدُقْ ***burunduq*** (**бурундук**) – жилов, нўхта.

[بَسِنْجَقْ ***basïnčaq*** (**басинчак**)] ***basïnčaq er*** – заифлашган киши.

سِغِرْجِقْ ***sïğïrčïq*** (**сиғирчиқ**) – чуғурчуқ.

قَبِرْجَاقْ ***qapïrčaq*** (**қапирчақ**) – сандиқ. Лекин бу сўз, кўпинча, ўликнинг тобутига нисбатан қўлланади.

قُدُرْجُقْ ***qoğurčuq*** (**қўдурчук**) – қўғирчоқ. Қиз боланинг одамга ўхшатиб ясалган ўйинчоқлари.

قَرِنْجَقْ ***qarïnčaq*** (**қаринчак**) – чумоли (ўғузча); ***qarïnča*** талаффузи ҳам бор.

بَغِرْجَقْ ***bağïrčaq*** (**бағирчак**) – эшак тўқими.

تُلَرْسُقْ ***tolarsuq*** (**тўларсук**) – оёқ изи. Бу сўз кўпинча ҳайвонларнинг оёқ изини англатади.

[بَغِرْسَقْ ***bağïrsaq*** (**бағирсак**)] ***bağïrsaq kiši*** – хушмуомала, ёқимли киши.

بَغِرْسُقْ ***bağïrsuq*** (**бағирсук**) – ичак.

بَغِرْدَقْ ***bağïrdaq*** (**бағирдак**) – хотинлар кўкрагига тутадиган нарса.

قُرُغْسَقْ ***quruğsaq*** (**қуруғсак**) – меъда. Қушлар жиғилдонига ҳам шу сўз қўлланади.

بُتُرْغَاقْ ***buturğaq*** (**бутурғак**) – писта шаклидаги тиканли бир ўсимлик. У кийим ва бошқа нарсаларни илади.

تَبُزْغُقْ ***tapuzğuq*** (**тапузғук**) – нов, қувур.

تُبُلْغَاقْ ***topulğaq*** (**тўпулғак**) – тўпалок [дорилик ўсимликлардан бири].

تُبُلْغَاقْ ***tupulğaq*** (**тупулғак**) – қулунж касаллиги.

سِدِرْغَاقْ ***sïdïrğaq*** (**сидирғак**) – туёк.

قُدُرْغَاقْ ***qudurğaq*** (**қудурғак**) – чопоннинг бир томони, орқа этаги.

قَدِرْغَاقْ ***qaðïrğaq*** (**қадирғак**) – кўп ишлаш натижасида қўлда пайдо бўладиган қавариқ.

[بَدِجْلِقْ ***baðïčlïq*** (**бадичлик**)] ***baðïčlïq yïğač*** – токларга ишком ва сўри қилиш учун тайёрланган ёғоч.

چَچَلَقْ ***čačalaq*** (**чачалак**) – сўзида турмаслик, алдамчилик.

بَغِرْلَقْ ***bağïrlaq*** (**бағирлак**) – лойхўрак деб аталувчи бир қуш.

تَوَرْلُقْ ***tawarluq*** (**таварлук**) – хазина, турли моллар турадиган жой.

تُرُقْلُقْ ***turuqluq*** (**туруқлук**) – ориқлик, заифлик.

تَرِغْلِقْ ***tarïğliq*** (**тариғлик**) – дон сақланадиган омбор.

چُبُلْمَقْ ***čubulmaq*** (**чубулмак**) – олманинг бир бўлаги, бир палласи. Отлик қабиласи тилида.

چُمُشْلُقْ ***čumušluq*** (**чумушлук**) – ҳожатхона.

جَرُقْلُق *čaruqluq* (**чаруқлуқ**) – чориққа мўлжалланган чарм.

تَنُقْلُق *tanuqluq* (**тануқлуқ**) – гувоҳлик, гувоҳ бўлиш.

تُغَاقْلِق *tuğaqlïq* (**туғақлиқ**) – идишлар оғзини ёпадиган қопқоқ тайёрлаш учун мўлжалланган ёғоч.

[سَتِغْلِق *satïğlïq* (**сатиғлиқ**)] ***satïğlïq näŋ*** – сотишга мўлжалланган нарса.

سَرِغْلِق *sarïğlïq* (**сариғлиқ**) – сариқлиқ, нарсалар сариқлиғи.

[سِرُقْلُق *sïruqluq* (**сируқлуқ**)] ***sïruqluq yïğač*** – уйга устун қилиш учун тайёрланган ёғоч.

[سُغُقْلُق *soğïqlïq* (**сўғиқлиқ**)] ***soğïqlïq näŋ*** – совуқлиқ учун тайёрланган нарса.

قَبَقْلِق *qabaqlïq* (**қабақлиқ**) – қовоқ ўсадиган жой, қовоқзор.

قَدَشْلِق *qadašlïq* (**қадашлиқ**) – биродарлик, қардошлик.

قُرُغْلُق *quruğluq* (**қуруғлуқ**) – қуруқ нарса, нарсаларнинг қуруқлиги.

قُرُغْلُق *quruğluq* (**қуруғлуқ**) – ёй сақланадиган асбоб, махсус тўрва; ***keš quruğluq*** – ўқ халтаси.

[قَشْقْلِق *qašïqlïq* (**қашиқлиқ**)] ***qašïqlïq möŋüz*** – қошиқ қилишга мўлжалланган шох.

سَرَنْلِق *saranlïq* (**саранлиқ**) – бахиллик. (Шоир) шундай деган:

***Näŋin tutar bekläyü, özi yemäs,***
***Saranlïqïn yïğlayu altun yïğar.***

Кишилар табиати тўғрисида айтмоқда: Ўзи емай, молини бахиллик қилиб қаттиқ тутади. Бахиллик билан мол устида йиғлайди, олтин тўплаб, охири бошқаларга ташлаб кетади.

قَغُنْلُق *qağunluq* (**қағунлуқ**) – қовунзор, қовун полиз.

[قَنَقْلُق *qonuqluq* (**қўнуқлуқ**)] ***qonuqluq ev*** – зиёфат уйи, қўноқли уй, меҳмонхона.

[تَغْزَمَق *tağuzmaq* (**тағузмақ**)] ***tağuzmaq er*** – пакана, калтабақай киши. *qāf* ҳарфи билан ***taquzmaq*** талаффузи ҳам бор. Бошқа нарсаларга ҳам шу сўз қўлланади.

مُغُزْغَق *muğuzğaq* (**муғузғақ**) – асаларига ўхшаган пашша (арғуча).

Бу бўлим беш турлидир:

Биринчи: феълдан ясалган масдар маъносидаги исм тарзида қўлланади. Чунончи, "катталик, улуғлик" маъносидаги ***uluğluq*** сўзи "катта бўлди" маъносидаги ***ulğadï*** феълидан ясалган; "қуруқлик" маъносидаги ***quruğluq*** сўзи "нарса қуриди" маъносидаги ***qurïndï näŋ*** гапидаги ***qurïdï*** феълидан ясалган.

Иккинчи: бошқа бир нарса учун ҳозирланган нарсанинг оти бўлиб келади: ***suruqluq yïğač*** – устунга мўлжаллаб тайёрланган ёғоч; ***tuqaqlïq yïğač*** – сувни тоза сақлаш учун идиш оғзини бекитишга мўлжалланиб ҳозирланган ёғоч.

Учинчи: "нарсанинг ўсадиган, унадиган жойи" маъносида қўлланади: ***qabağlïq*** – қовоқ ўсадиган жой, қовоқзор; ***qağunluq*** – қовун ўсадиган жой, қовунполиз, каби.

Тўртинчи: бу мазмунлардан бутунлай бошқа, соф исм маъносида қўлланади: ***bağïrlaq*** – лойхўрак; ***sïğïrčuq*** – какликка ўхшаш бир қуш, каби.

Бешинчи: масдар ўрнида келади: ***turuqluq*** – ориқлиқ маъносида.

Бу қоидалар шу шаклдаги саноқсиз сўзлар учун умумлашади. Ҳеч бир сўз бу қоидалардан четга чиқмайди.

ك ***k*** [харфи]:

كِرِتْلِك ***kiritlig*** (**киритлиг**) – қулф; ***kiritlig qapuğ*** – қулфли эшик.

[كُزَتْلِك ***közätlig*** (**кўзатлиг**)] ***közätlig näŋ*** – сақланган нарса.

جُكُتْلُك ***čökütlük*** (**сўкутлук**) – калтабақайлик.

سُكُتْلُك ***sögütlük*** (**сўгутлук**) – толзор. Охири жарангсиз *kāf* билан тугаса, шу маънода, агар охири жарангли *kāf* (яъни, [*g*]) билан битса, "тол эгаси" маъносида қўлланади.

[كُزْجُلْكْ ***közüčlük*** (**кўзучлук**)] ***közüčlük titik*** – хурмача қилиш учун тайёрланган лой. Охири жарангли *käf* (яъни, [*g*]) бўлса, эга маъносини англатади.

تَمُرْلُكْ ***temürlük*** (**темурлук**) – темир тоши [яъни, рудаси] эритилиб, темири ажратиб олинадиган жой. Охири жарангли *käf* (яъни, [*g*]) билан тугаса, яъни ***temürlüg*** шаклида келса, эга маъносини англатади.

كُمُرْلُكْ ***kömürlük*** (**кўмурлук**) – кўмир дарахти, кўмир кўраси. Сўз охиридаги *käf* жаранглига алмаштирилса, "кўмирга эга бўлган киши" маъносини англатади.

تِبِزْلِكْ ***tebizlik*** (**тебизлик**) – ҳасад, кўролмаслик; ***anïŋ tebizliki kimkä talqar?*** – унинг ҳасади кимга зарар қилади?

تِتِزْلِكْ ***titizlik*** (**титизлик**) – какралик, тахирлик. Чунончи, ҳалила таъми сингари.

بُشِنْجَكْ ***büšinčäk*** (**бушинчак**) – узум боши (канжакча).

تِكِرْمَكْ ***tegirmäk*** (**тегирмак**) – тахтиравон. Ўғузлар буни ***ögürmäk*** дейдилар.

شَكِرْتُكْ ***šekirtük*** (**шекиртук**) – писта.

كَبَزْلِكْ ***kepäzlik*** (**кепазлик**) – пахтазор, пахта экиладиган жой. Киши тўғрисида сўзланганда ***kepäzlig er*** (пахтаси бор киши) дейилади.

[بِذِزْلِكْ ***beδizlig*** (**бедизлиг**)] ***beδizlig ew*** – ясатилган уй.

[كِدِزْلِكْ ***kiδizlik*** (**кидизлик**)] ***kiδizlik yüŋ*** – кигизга мўлжалланган юнг, жун. Охири жарангли *käf* (яъни [*g*]) билан бўлса, эга маъносидадир.

تَكْزْلُكْ ***tegüzlük*** (**тегузлук**) – пешонаси оқ човкар от. Мақолда (шундай келган): ***At tegüzlüki ay bolmas.*** Маъноси: "От (пешонаси)нинг оқлиги ойдан тиндирмайди, ойнинг ўрнини босмайди". Бу мақол катта бир иш ўрнида кичик ишни ўйловчига қарши сўзланади.

سَمِزْلِكْ ***semizlik*** (**семизлик**) – семизлик.

كُفْزْلِكْ ***küwäzlik*** (**кувазлик**) – талтайиш, мағрурланиш, ўзидан кетиш. (Шоир) шундай деган:

***Eštip ata-anaŋnïŋ***
***Sawlarïnï qadïrma.***
***Näŋ qop bulup, küwäzlik***
***Qïlnïp yana quturma.***

Айтмоқдаки: Ота-онангнинг насиҳатларини эшит, гапингда уларнинг сўзини қайтарма. Кўп мол топсанг, ўзингдан ўтиб, кутурма. Мағрурланиб, феълингни бузма.

چَچَكْلِكْ ***čečäklik*** (**чечаклик**) – гулзор, гуллар ўсадиган жой.

كَبَكْلِكْ ***kepäklik*** (**кепаклик**) – ун эланадиган, кепак қилинадиган жой. Охири жарангли *käf* (яъни, [*g*]) билан эга маъносида қўлланади.

تُفَكْلِكْ ***tüwäklik*** (**туваклик**) – ўртасини тешиб, ковак қилиб, туппак ясаш учун тайёрланган новда. Унинг оғзига кичик ғўла қўйилиб, нафас билан пуфлаб чумчуқларни отилади.

[بِتَكْلِكْ ***bitiglik*** (**битиглик**)] ***bitiglik näŋ*** – битишга мўлжалланган, устида ёзиладиган нарса. Охири жарангли *käf* (яъни [*g*]) билан эга маъносида қўлланади.

[كَدُكْلُكْ ***kedüglük*** (**кедуглук**)] ***kedüglük kiδiz*** – ёмғирда ёпинғич қилиш учун тайёрланган намат. Охири жарангли *käf* (яъни, [*g*]) билан тугаганда эга маъносидадир.

[كُدُكْلُكْ ***köδüklüg*** (**кўдуклуг**)] ***išlig-köδüklüg er*** – машғулотли, ишли киши; ***köδüklüg*** нинг ўзи ёлғиз ҳолда қўлланмайди.

تِرَكْلِكْ / تِرَكْلِكْ ***teräklik / teriklik*** (**тераклик / териклик**) – теракзор, терак ўсадиган жой. Жарангли *käf* (яъни, [*g*]) билан тугаганда эга маъносида қўлланади.

[كَرَكْلِكْ ***keräklig*** (**кераклиг**) – керакли] ***bu näŋ-ol bizkä keräklig*** – бу бизга керакли нарсалардандир.

[بشيكلك] ***bešiklig*** (**бешиклиг**) – бешикли] ***bešiklig uraǧut*** – бешикли ва эмизикли хотин.

[تۆشەكلىك] ***tošäklik*** (**тўшаклик**) – тўшаклик] ***tošäklik barčïn*** – тўшак ва бошқа нарсаларга мўлжалланган ипаклик мато. "Мато эгаси" маъносида жарангли ***käf*** (яъни, [*g*]) билан қўлланади.

[كۆشۈكلۈك] ***košiklig*** (**кўшиклиг**)] ***košiklig yer*** – соя ер, қўланкали ер.

[تىكىلىك] ***tikiglig*** (**тикиглиг**)] ***tikiglig ton*** – тикилган кийим.

[تۈكۈكلۈك] ***tökünglük*** (**тўкуглук**)] ***tökünglük tarïǧ*** – тўкуглик, сақланган дон. Бошқа (сақланган нарса)ларга ҳам шу сўз қўлланади.

[بىلىكلىك] ***biläklig*** (**билаклиг**)] ***küčlüg biläklig kiši*** – бақувват билакли киши, кучли билакли киши.

[بىلگىلىك] ***biliglig*** (**билиглиг**) – билимли] ***biliglig kiši*** – ақлли, олим, билимли киши.

[پىلگىلىك] ***peliglik*** (**пелиглик**) – пилиглик] ***peliglik kepäz*** – пиликлик пахта, пилик қилишга мўлжалланган пахта.

[كۆلۈكلۈگ] ***kölüklüg*** (**қўлуқлуг**)] ***kölüklüg er*** – юк ортиладиган ва миниладиган туяси бор киши.

[كۆلىكلىك] ***köliklig*** (**кўликлиг**)] ***köliklig yer*** – соя жой.

***bürünčük*** (**бурунчук**) – пешонабоғ, хотинлар рўмоли.

[بىلىنچەك] ***bilinčäk*** (**белинчак**) – таниб қолинган] ***bilinčäk näŋ*** – нарса ўғирланганидан сўнг ўғрининг қўлида кўриниши, билиниши; ***bilinčäk bildi*** – ўғирланган нарсани эгаси ўғри қўлида таниди, топди.

***terinčäk*** (**теринчак**) – хотинларнинг енги йўқ уст кийими (ўғузча).

Бу шаклдаги сўзлар беш хилдир:

Биринчи: "нарсанинг ўсган, унган жойи" маъносида: ***sögütlük*** – тол битадиган жой. Ёки бир нарсанинг "жойлашган", "қарор топган", "хосланган ўрни"ни билдиради: ***kepäklik*** – кепакли жой, кепакка хосланган жой.

Иккинчи: сўзланган нарсани ишлашга ажратилган нарсанинг оти ўрнида қўлланади: ***tošäklik barčïn*** – тўшакка мўлжалланган ипак, мато; ***bu yïǧač-ol qapuǧqa tiräklik*** – бу ёғоч эшикка тирговуч учун ҳозирланган, дегандаги сингари.

Учинчи: кишининг хулқини, табиатини билдирувчи масдар маъносида қўлланади: ***küwäzlik*** – такаббурлик; ***yigitlik*** – йигитлик, ёшлик каби. Бу хилда учинчи маъно англашилган сўзларда отлар ҳамма тилларда фақат жарангсиз ***käf*** билан қўлланади.

Тўртинчи: айтилган нарсанинг эгаси маъносида келади: ***biläklig er***, ***bitiglig er*** гапларида ***biläklig*** – "кучли билакли", "кучли билак эгаси", ***bitiglig*** – "ёзув эгаси" маъносидадир. Бу арабча رجل تامر ولابن иборасига ўхшайди.

Бешинчи: ***mäf'ül*** маъносини [ишланган, бажарилган ишни] билдиради: ***bilig kiši ara ülüglüg-ol*** – ақл кишилар орасида тақсимланган ёки ***tošaklig tošäk*** – тўшалган кўрпа маъносида. Сўнгги икки маънода фақат жарангли ***käf*** (яъни, [*g*]) ҳарфи қўлланади.

Юқорида кўрсатилган ўзаги уч ҳарфли исмларда таркибида ***käf*** ҳарфи бўлган ёки умуман ингичка сўзларга ***-lik*** қўшиш қоидадир. Олдинги бўлимда шу маъноларда ***-lïq*** қўшилган. Туб ўзакли отларнинг тўрт ҳарфли, беш ҳарфлиларнинг саҳиҳларида ҳам, бошқаларида ҳам, таркибида ***qäf*** ҳарфи бўлган ёки умуман йўғон сўзларда ***-lïq***, таркибида ***käf*** ҳарфи бўлган ёки умуман ингичка сўзларда кўрсатилган беш маъно учун ўзакка ***-lik*** орттирилади. Бу қоида ҳамма тиллар учун умумий бўлиб, ўзгариш, ҳар хиллик йўқ.

**_fa'lalān_ қолипидаги иккинчи ҳарфи ҳаракатли ва учинчи ҳарфи _sukun_ ли сўзлар бўлими**

ج *č* [ҳарфи]:

بَلِّقْچِنْ ***balïqčïn*** **(баликчин)** – қарқара, оқ қўтон; балиқ овлайдиган оқ қуш. Уни араб тилида مالكُ الخزين "хазина эгаси" дейдилар.

د *d* [ҳарфи]:

جُغُرْدَانْ ***čuğurdan*** **(чуғурдан)** – сел ерни ўйиб ҳосил қилган чуқурлик.

ر *r* [ҳарфи]:

قُرُغْزِينْ ***qoruğžïn*** **(қўруғжин)** – қўрғошин; икки махраж орасида талаффуз қилинадиган *zā* билан. Ўғузлар бир неча ҳарфни тушириб, ***qošun*** дейдилар.

س *s* [ҳарфи]:

بُدُرْسِينْ ***bodursïn*** **(бўдурсин)** – бедана. (Шоир) шундай деган:

***Özüm meniŋ bodursïn,***
***Otï aniŋ čaqlanur.***

Севгисини васф этиб айтмоқда: Қалбим бедана кабидир, унинг муҳаббат олови устида айланади [Мен унинг муҳаббат ўти теварагида бедана сингари айланаман].

غ *ğ* [ҳарфи]:

تَقْشْغَانْ ***tawïšğan*** **(тавишган)** – қуён; ***tawïšğan yïlï*** – туркча ўн икки мучал (йил) отидан бири.

[تَقْشْغَانْ ***tawušğan*** **(тавушган)**] ***Tawušğan ögüz*** – *Uč* деган шаҳарга оқадиган сойнинг оти.

[جَبْتْغَانْ ***čapïtğan*** **(чапитган)**] ***bu ït-ol kišikä čapïtğan*** – бу ит тишлаш учун ҳар вақт човут солади.

[جَبْتْغَانْ ***čapïtğan*** **(чапитган)**] ***čapïtğan er*** – бўйинга қаттиқ урадиган киши (уйғурча).

[سَبْتْغَانْ ***sapïtğan*** **(сапитган)**] ***bu at-ol quδruq sapïtğan*** – бу доимо думини силкитадиган от. Қорни очликдан ёки эгасини кўрганда думини ликиллатадиган итга ҳам шу сўз қўлланади.

[قَدْتْغَانْ ***qaδïtğan*** **(қадитган)**] ***qaδïtğan er*** – ҳеч кимга бўйсунмайдиган киши. Саркашлик қилувчи ҳар бир хайвонга ҳам қўлланади.

[تَرْتْغَانْ ***tarïtğan*** **(таритган)**] ***bu er-ol telim tarïğ tarïtğan*** – бу киши кўпинча экин эктирадиган, деҳқончиликка буюрувчидир.

[قُرْتْغَانْ ***qurïtğan*** **(куритган)**] ***bu er-ol telim üzüm qurïtğan*** – бу киши кўп узум ва бошқа меваларни куритадигандир.

[تُزْتْغَانْ ***tozïtğan*** **(тўзитган)**] ***bu at-ol telim tupraq tozïtğan*** – бу доим тупроқ тўзитувчи, чангитувчи отдир.

[بُشْتْغَانْ ***bošutğan*** **(бўшутган)**] ***bu ot-ol qarïn bošutğan*** – бу дори ични сурадигандир. Шунингдек, эритиш билан нарсанинг кучини кетказувчи ҳар нарсага ҳам шу сўз қўлланади.

[تَشْتْغَانْ ***tašïtğan*** **(ташитган)**] ***bu er-ol ewiŋä telim tawar tašïtğan*** – бу доим ашё ва бошқа нарсаларни уйига ташитувчи кишидир.

[تَشْتْغَانْ ***tašïtğan*** **(ташитган)**] ***bu ot-ol ešič tašïtğan*** – бу кўпинча қозонни тоширувчи ўтдир.

[قَشْتْغَانْ ***qašïtğan*** **(қашитган)**] ***bu er-ol etin qašïtğan*** – бу кўпинча баданини қашитадиган кишидир.

[قَقْتْغَانْ ***qaqïtğan*** **(қақитган)**] ***bu er-ol meni tutčï qaqïtğan*** – бу доим менинг қаҳру ғазабимни келтирадиган, жаҳлимни чиқарадиган кишидир.

[قَلْتْغَانْ ***qalïtğan*** **(қалитган)**] ***bu er-ol atïn telim qalïtğan*** – бу отини кўп сақратадиган кишидир.

[قَمَتْغَانْ *qamatğan* (қаматған)] ***bu kün-ol köz qamatğan*** – бу кўзни қамаштирадиган куёшдир.

[قُمِتْغَانْ *qumïtğan* (қумитған)] ***oğul meni ewkä qumïtğan-ol*** – ўғил доим менинг кўнглимни уйга тортиб турувчидир.

[قَنَتْغَانْ *qanatğan* (қанатған)] ***bu ot-ol burun qanatğan*** – бу бурунни қонатадиган доридир.

[قَنِتْغَانْ *qanïtğan* (қанитған)] ***ögdi-ol erig qanïtğan*** – (бу) кишини қувонтирадиган, ҳаракатга келтирадиган мақтов сўздир.

[بَتُرْغَانْ *baturğan* (батурған)] ***bu kiši-ol söz baturğan*** – бу сўз ва бошқа нарсаларни яширадиган кишидир.

[تَتُرْغَانْ *taturğan* (татурған)] ***bu er-ol aš taturğan*** – бу меҳмон ва бошқаларга овқат тоттирадиган [бировдан овқатини аямайдиган] кишидир. (Шоир) шундай деган:

***Erdi ašïn taturğan,***
***Yawlaq yağïğ qačurğan.***
***Oğraq süsin qaytarğan,***
***Bastï ölüm axtaru.***

Бир кишининг ўлимига ачиниб айтмоқда: У қўноқларга, яхшиларга ош-овқат тутадиган, ёвни қочирадиган, *оğraq* қўшинини баходирлиги билан қайтариб юборадиган эди. (Афсус) ўлим уни ерга ётқизди [Меҳмонга, яхши кишиларга ошини тутадиган, ёвуз ёвни қочирадиган, *оğraq* қўшинини қайтариб юборадиган эди. (Афсус) ўлим уни янчди, эзди].

[تُبُرْغَانْ *toburğan* (тўбурған)] ***toburğan yer*** – босса, чанги чиқадиган юмшоқ тупроқ.

سُبُزْغَانْ ***subuzğan*** **(субузған)** – мусулмон бўлмаганларнинг ибодатхонаси, уларнинг мозори. Мақолда (шундай келган): ***Subuzğanda ev bolmas, toburğanda aw bolmas.*** Маъноси: "Тириклар учун эски гўрларда уй бўлмайди, шунингдек, қуруқ тупроқли ерда ов бўлмайди". Ов сувли, кўкатли жойларда бўлади.

قَبَرْغَانْ ***qabarğan*** **(қабарған)** – баданга чиқадиган қаварчиқ, чиқиқ. У қичишиб, ҳарорат билан чиқади.

[قَتُرْغَانْ *qaturğan* (қатурған)] ***bu er-ol öküš qaturğan*** – бу кўп куладиган, жуда кувноқ кишидир.

[قُبُرْغَانْ *qopurğan* (қўпурған)] ***bu er-ol tašïğ yerdän qopurğan*** – бу киши тошни ва бошқа нарсаларни ердан қўпорадигандир.

[تُدُرْغَانْ *toδurğan* (тадурған)] ***bu er-ol acïğ toδurğan*** – бу очларни тўйдирадиган кишидир. Бу сўзнинг асли ***toδğurğan*** дир.

[سِدِرْغَانْ *sïδïrğan* (сидирған)] ***bu er-ol sïδrïm sïδïrğan*** – бу қайиш тайёрлайдиган, терини узун қилиб юнгини қирқадиган кишидир. Шунингдек, ҳар нарсанинг пўстини шила оладиган кишига ҳам шу сўз қўлланади.

[قَيَتَرْغَانْ *qaytarğan* (қайтарған)] ***bu alp-ol yağïnï qaytarğan*** – бу ёвга бас келадиган баҳодир, қаҳрамондир.

[قَچُرْغَانْ *qačurğan* (қачурған)] ***bu er-ol qonuqnï qačurğan*** – бу меҳмонни ва бошқаларни қочирадиган, ҳайдайдиган кишидир.

[قَجُرْغَانْ *qačurğan* (қачурған)] ***bu er-ol kišini qačurğan*** – бу олдига келган кимсани кўрганда унга хўмрайиб, қовоқ солиб, феъли бузиладиган, ғўдайиб қоладиган кишидир.

[قَدِرْغَانْ *qaδïrğan* (қадирған)] ***bu er-ol erän boynïn qaδïrğan*** – бу эрлар бўйнини қайирадиган кишидир.

[تَشُرْغَانْ *tašurğan* (ташурған)] ***bu ot-ol ešič tašurğan*** – бу қозонни тошиradиган ўтдир. Шунингдек, сел ҳовузга доим куйилиб, унинг сувини тоширишига ҳам шу сўз қўлланади.

قَقُرْغَانْ ***qaqurğan*** **(қақурған)** – хамирга мой қўшиб, тандирда ва ўчоқда пиширилган нон.

[قَقُرْغَانْ ***qawurğan*** **(қавурған)]** ***bu bilazük-ol bilak qawurğan*** – бу билакни сиқадиган билакузукдир.

[تَمُرْغَانْ ***tamurğan*** **(тамурған)]** ***bu oğul-ol burnï tamurğan*** – бу ҳар вақт бурни қонайдиган боладир.

سَغِزْغَانْ ***sağïzğan*** **(сағизған)** – зағизғон.

قُدُزْغُونْ ***quduzğun*** **(қудузғун)** – қуюшқон, эгарнинг қуюшқони.

[تُرُشْغَانْ ***turušğan*** **(турушған)]** ***bu er-ol kiši birlä tutčï turušğan*** – бу доимо кишилар билан хусумат қиладиган кишидир.

[سَتِشْغَانْ اَلِشْغَانْ ***satišğan-ališğan*** **(сатишған-алишған)]** ***olar ikki tawar satišğan-ališğanlar-ol*** – улар иккиси бир-бирлари билан мол олиб-сотишадиганлардир. Бу иборанинг ***satišğan-tawišğan*** шакли ҳам бор. Бу сўз ***sattï*** (сотди), ***tawdï*** (ўзига олди, фойдаланди) сўзларидан олинган.

[بَقِشْغَانْ ***baqïšğan*** **(бақишған)]** ***ol kiši birlä baqïšğan-ol*** – у кимсага кўз қири билан қарайдигандир.

[تُقُشْغَانْ ***toqušğan*** **(тўқушған)]** ***ol er-ol yawlaq toqušğan*** – у ашаддий урушадиган, урушқоқ кишидир. У жангга қизиқтирувчи, васваса солувчи, ғалванинг конидир.

سُقُشْغَانْ ***sowušğan*** **(сўвушған)** – гижжа. У қориндаги куртдир.

بِجِلْغَانْ ***bičïlğan*** **(бичилған)** – қўл, оёқ ва (қақроқ) ердаги ёриқлар.

[تُبُلْغَانْ ***topulğan*** **(тўпулған)]** ***kök topulğan*** – бир қушнинг оти. Айтишларича, бу қушнинг икки қанотида пўлат бўлади ва у қаноти билан ўзини тоққа уриб, бир томондан бошқа томонга тешиб ўтади. Бу сўзни менга хизмат қилиб юрган бир киши айтган.

[تُبُلْغَانْ ***topulğan*** **(тўпулған)]** ***bu er-ol čerig topulğan*** – бу уруш сафини ёриб ўтувчи эрдир. Бунинг асли ***temür topuldï*** (темирни бор кучи билан тешди)дир.

[قَتِلْغَانْ قَرِلْغَانْ ***qatilğan-qarïlğan*** **(қатилған-қарилған)]** ***bu er-ol kiši birlä tutčï qatïlğan-qarïlğan*** – бу доимо кимсалар билан аралашиб юрадиган кишидир.

[قُرُلْغَانْ ***qorulğan*** **(қўрулған)]** ***bu er-ol siŋiri qorulğan*** – бу тиришиб қоладиган кишидир.

[قُتُلْغَانْ ***qutulğan*** **(қутулған)]** ***bu er-ol yağïdïn qutulğan*** – бу ёвдан ва шунга ўхшаганлардан доим қутулиб қоладиган, нажот топадиган кишидир.

[قَبُلْغَانْ ***qapulğan*** **(қапулған)]** ***bu näŋ-ol qapuğda qapulğan*** – бу эшик ва шунга ўхшаш нарсаларнинг орасида сиқиладиган нарсадир.

[قُشُلْغَانْ ***qošulğan*** **(қўшулған)]** ***bu qozï-ol sağlïq birlä qošulğan*** – бу соғлиққа қўшиладиган кўзидир. Бошқа (ҳайвон)ларга ҳам шу сўз қўлланади.

[سُغُلْغَانْ ***soğulğan*** **(сўғулған)]** ***bu suw-ol tawraq soğulğan*** – бу тезда тупроққа сингиб кетадиган сувдир. Шунингдек, суви тез сингиб кетадиган чашмага ҳам шу сўз қўлланади.

[قَقِلْغَانْ سُقُلْغَانْ ***qaqïlğan-soqulğan*** **(қақилған-сўқулған)]** ***bu er-ol telim qaqïlğan-soqulğan*** – бу бошқаларнинг сикувидан хўрланган, эзилган, оёкости бўлган кишидир.

ق ***q*** [ҳарфи]:

تُتُرْقَانْ ***tuturqan*** **(тутурқан)** – гуруч.

[تَشِرْقَانْ ***tašïrqan*** **(таширқан)]** ***tašïrqan közlüg*** – чағир кўзли киши; кўзи ирғиб чиққан киши.

سِقِرْقَانْ ***sïqïrqan*** **(сиқирқан)** – каламушнинг бир тури.

ك ***g*** [ҳарфи]:

[بِتِلْكَانْ ***bitilgän*** **(битилган)]** ***bu er sükä bitilgän-ol*** – бу (тақдири) аскарликка битилган эрдир.

[تَرِلْكَانْ ***terilgän*** **(терилган)**] ***bular boδun-ol tutčï terilgän*** – булар бир иш юзасидан доим тўпланадиган кишилардир. Тўпланишга одатланган ҳар нарсага ҳам шу сўз қўлланади.

[كَتَرْكَانْ ***kötürgän*** **(кўтурган)**] ***bu buğra-ol yük kötürgän*** – бу юк ва шунга ўхшаш нарсаларни кўтарадиган эркак туядир.

[كَچِرْكَانْ ***kečürgän*** **(кечурган)**] ***bu beg-ol yazuq kečürgän*** – бу гуноҳни кечирадиган бекдир.

[كَچِرْكَانْ ***kečürgän*** **(кечурган)**] ***bu er-ol telim ïš kečürgän*** – бу қийин ишларни қиладиган, бажарадиган ва ишни агдар-тўнтар қиладиган кишидир; уни ***ewürgän-tewürgän*** ҳам дейилади.

(Шоир) шундай деган:

***Yağï ofïn öčürgän,***
***Toydun anï köčürgän.***
***Ïšlar uzup kečürgän,***
***Tegdi oqï öldürü.***

Ўлган кишининг фазилатларини эслаб айтмоқда: У ёв ўтини ўчирувчи, уни аскар сафидан ҳайдаб чиқарувчи, шу билан бирга, қийин ишларни бажарувчи эди. Унга ёвнинг ўқи тегди, у ўлдирувчидир [Ёв ўтини ўчирадиган, қароргоҳидан уни кўчирадиган, кўп қийинчиликларни кечирган эди. (Унга ёвнинг) ўқи тегди, ўлдиради].

[چَوِرْكَانْ ***čewürgän*** **(чевурган)**] ***bu er-ol telim oq čewürgän*** – бу ҳар вақт ўқни тирноғида айлантирадиган кишидир.

كُسُرْكَانْ ***küsürkän*** **(кусуркан)** – бир турли кўрсичқон.

تُشُرْكُونْ ***tüšürkün*** **(тушуркун)** – катира дарахти (бир тилда).

كُوِرْكَانْ ***küwürkän*** **(кувуркан)** – тоғ пиёзи. Ўғузлар уни ***kümürkän*** деб айтадилар.

تَمُرْكَانْ ***temürkän*** **(темуркан)** – ўқнинг темирли учи (ўғузча).

[تَگُرْكَانْ ***tegürgän*** **(тегурган)**] ***bu er-ol ïšïğ aδaqqa tegürgän*** – бу ишни ҳар вақт адоғига етказувчи кишидир.

[كُلُرْكَانْ ***kölärgän*** **(кўларган)**] ***bu at-ol kölärgän*** – бу қорни шишадиган ва ерда ясланиб ётиб оладиган отдир.

[سُمُرْكَانْ ***sümürgän*** **(сумурган)**] ***bu er-ol sütüg sümürgän*** – бу сутни ва шунга ўхшаш нарсаларни симирадиган кишидир.

[سُرُلْكَانْ ***sürülgän*** **(сурулган)**] ***bu er-ol tegmä yerdin tutčï sürülgän*** – бу ҳамма жойдан қувилиб юрадиган кишидир.

[كَرِلْكَانْ ***kerilgän*** **(керилган)**] ***bu näŋ-ol kerilgän*** – бу кериладиган нарсадир. Терининг чўзилиши, тоғ тепасида булутнинг ёйилиши сингари.

[كَرِلْكَانْ ***kerilgän*** **(керилган)**] ***bu er-ol telim kerilgän*** – бу ҳар вақт эснайдиган ва керишадиган кишидир.

[تِرِلْكَانْ ***tirilgän*** **(тирилган)**] ***bu er-ol eδgü sawïn tirilgän*** – бу эзгу ишлари билан мақталадиган кишидир.

[تَرِلْكَانْ ***terilgän*** **(терилган)**] ***bu näŋ-ol bir-birkä terilgän*** – бу бир-бирига тартиб билан териладиган нарсадир.

[كَسِلْكَانْ ***kesilgän*** **(кесилган)**] ***bu yïp-ol kesilgän*** – бу кесиладиган, узиладиган ипдир.

[سَشِلْكَانْ ***sešilgän*** **(сешилган)**] ***bu tügün-ol sešilgän*** – бу ечилиб кетадиган тугундир.

[تُگُلْكَانْ ***tügülgän*** **(тугулган)**] ***bu yïp-ol tügülgän*** – бу тугуладиган ипдир.

[تُگُلْكَانْ ***tügülgän*** **(тугулган)**] ***bu er-ol tutčï qaši-közi tügülgän*** – бу (ўзининг пастлиги ва нокаслигидан) доим қош-қовоғи солиқ, хўмрайган кишидир.

Юқоридаги *ğayn* ва *kâf* бўлимида кўрсатилган сўзлар беш хил маънони англатади.

Биринчи: қилинган ишнинг доимийлиги, бир неча бор ишлангани ва ўз табиати билан содир бўлишини англатади: ***bu oğul-ol burnï yumurğan*** – бу ҳар вақт бурни қонайдиган боладир; ***bu er-ol eðgü sawïn tirilgän*** – бу эзгулиги билан мақталадиган кишидир каби.

Иккинчи: сифатнинг сифатланувчи нарсадан бошқага ўтишини ва сифатнинг сифатланувчида давомли эканини англатади: ***bu er-ol tonïn qurïtğan*** – бу кийимини қуритадиган кишидир; ***bu er-ol suwuğ sümürgän*** – бу сувни симирадиган кишидир. Бу бўлимда туб отлар жарангсиз *kāf* билан, сифатларнинг бари жарангли *kāf* билан қўлланади.

Учинчи: сифатланган нарса *maf'ul* [ишланган иш] маъносида келади: ***bu er-ol qaqïlğan-soqulğan*** – бу хўрланган, эзилган кишидир каби; ***bu er-ol yerdin yerkä sürülgän*** – бу ердан-ерга қувилиб юрадиган кишидир, каби.

Тўртинчи: ишланган ишнинг ишловчи хоҳишидан ташқари бўлганини англатади: ***bu kiši-ol sözüg unïtğan*** – бу сўзини унутиб қўядиган кишидир; ***bu tügün-ol seŝilgän*** – бу ечилиб кетадиган тугундир каби.

Бешинчи: бу маъноларнинг бирортасини англатмовчи соф от маъносида қўлланади: ***kewürkän*** – тоғ пиёзи; ***tawušğan*** – қуён каби.

*Rūm* дан *Ŝīn* яқинига қадар бўлган ўғузлар, кўчманчилар айрим сўзлардаги давомийликни билдирувчи *ğayn* ва *kāf* [*g*] ни тушириб қўллайдилар.

Сўзлашувда эрлар ва хотин-қизлар сифати фарқ қилинмайди. У жумла мазмунидангина англашилади.

Бу ерда кўрсатилган қоидалар ва сифатлар борасидаги изоҳлар фақат шулар билан чекланмайди. Буни китобнинг ҳамма ерида учраган тўрт ва ундан ортиқ ҳарфли феъллар учун ҳам қўллаш мумкин. Худо хоҳласа, сўз чўзилмасдан, булар яқин ўртада англашилади.

### Иккинчи ҳарфи унлисиз *fa'lalāl* қолипидаги сўзлар бўлими

ج *č* [ҳарфи]:

سُنْدِلَاچ ***sundïlač*** **(сундилач)** – саъва. Мақолда (шундай келган): ***Sundïlač ïšï ermäs örtkün tepmäk.*** Маъноси: "Хирмон янчиш саъванинг иши эмас". Бу мақол кучсиз бўла туриб, катта ишга интилувчи, лекин бажара олмовчиларга нисбатан қўлланади.

قَرْغِلَاچ ***qarğïlač*** **(қарғилач)** – қалдирғоч; ***qarlïğač*** тарзидаги талаффузи ҳам бор.

غ *ğ* [ҳарфи]:

قَرْغَلِيغ ***Qarğalïğ*** **(Қарғалиғ)** – *Ţirāz* шаҳри яқинидаги бир қўрғон оти. Асли قَرْغَالِغْ дир.

ق *q* [ҳарфи]:

تَمْغَلِيق ***tamğalïq*** **(тамғалиқ)** – кичкана обдаста.

تَمْغَلِيق ***tamğalïq*** **(тамғалиқ)** – бир киши учун махсус дастурхон. Асли ***tamğalïğ***, яъни "муҳрли" демакдир. Одатда, подшо ўзига хос дастурхон ва кўзачани муҳрлаб қўяди, унда бир кишига лойиқ шароб ва овқат бўлади. Сўнгра ҳар бир кичик кўзача ва дастурхон ***tamğalïq*** деб аталадиган бўлди. Бунинг маъноси "подшодан бошқа киши ундан овқат емаслиги учун тамға урилган дастурхон" демакдир. Бу сўзнинг охиридаги *ğayn* ни талаффуз ўрни яқинлиги учун *qāf* билан алмаштириш ҳам мумкин.

سَرْمَچُق ***sarmačuq*** **(сармачуқ)** – угра ошининг бир тури. Хамирни нўхатдай майдалаб, кесиб тайёрланади. Буни касал ва касалга ўхшаш (заиф киши)лар ичади.

سَرْمُسَق ***sarmusaq*** **(сармусақ)** – саримсоқ; ***samursaq*** шакли ҳам бор.

قُرْغُلُق ***qurğuluq*** **(қурғулуқ)** – енгилтаклик.

قِزْلَامُق ***qïzlamuq*** **(қизламуқ)** – қизамиқ ва шунга ўхшаш тошиб чиқадиган тошмалар.

قَشْغَلَق ***qašğalaq*** **(кашғалақ)** – қашқалдоқ, ўрдакдан кичикроқ сув қуши. (Шоир) шундай деган:

***Tanda bilä körsä meni ördäk atar,***
***Qalwa körüp qašğalaqï suwqa batar.***

Овлаган қуш тўғрисида айтмоқда: Ўрдак кўлда учсиз ўқ билан мени кўрса, сайрайди, қашқалдоғи кўриб қолса, ўша ондаёқ сувга шўнғиб кетади.

[ك *g* ҳарфи]:

[بِلْگُلُك ***belgülüg*** **(белгулуг)**] ***belgülüg näŋ*** – кўриниб турган нарса, белгили нарса. Мақолда (шундай келган): ***Boldacï buzağu öküz ara belgülüg.*** Маъноси: "Ҳўкиз бўлади, дея гумон қилинган бузоқ ҳўкизлар орасида ёшлигидаёқ маълум бўлиб қолади". (Бу мақол келажагидан) яхшилик умид қилинадиган ёш, зийрак, ботир йигитларга қарата айтилади.

كُزْكُنَك ***küzkünäk*** **(кузкунак)** – лочин ва қарчиғайга ўхшаш холдор қуш, у шамолда учади.

ن ***n*** [ҳарфи]:

قَدْنَاغُن ***qadïn-qadnağun*** **(қадин-қаднағун)** – куёв ва куёвларнинг қариндошларига айтилади ва қўшалоқ ҳолда қўлланади.

**Бу сўзларнинг бошқа бир тури**

[ج *č* ҳарфи]:

سَنْدُوَاچ ***sanduvač*** **(сандувач)** – булбул. (Шоир) шундай деган:

***Sendä qačar sundïlač,***
***Mendä tïnar qarğïlač.***
***Tatlïğ / tatlüğ ötär sanduvač,***
***Erkäk-tüsï učrašur.***

Ёз ва қишнинг мунозарасини таърифлайди. Ёз қишга айтмоқда: Саъва сендан қочади, менда қалдирғоч роҳатланади. Булбул турли нағмаси билан севинтиради. Менда [яъни ёзда] эркак ва урғочи жуфтлашади [Сендан сундилач қуш қочади, менда карлиғач тинади, роҳат топади, яйрайди. Булбуллар ёқимли сайрайди, эркак билан урғочи учрашади].

ر ***r*** [ҳарфи]:

مُنْدَرُو ***mündärü*** **(мундару)** – ипаклар билан безатилган келин уйи.

Беш ҳарфли сўзлар бўлими тугади.

**БУ ОЛТИ ҲАРФЛИ СЎЗЛАР БОБЛАРИДИР**

***fa'al'alal*** **қолипидаги турли ҳаракатли сўзлар**

ك ***k*** [ҳарфи]:

تِزِلْدُرُك ***tizildürük*** **(тизилдурук)** – махсининг бошига безак учун қадаладиган силлиқ, ялтироқ чақалар.

كُزُلْدُرُك ***közüldürük*** **(кўзулдурук)** – от думидан тўқилган, кўз оғриганда ёки қамашганда кўзга тутиладиғаи нарса; ***közlük*** шакли ҳам бор.

جَنِشْتُرُك ***čänïštürük*** **(чаништурук)** – дарахт меваси, у майда ғўлаклардек бўлиб, оқ ва қизил бўлади. Ёзнинг бошларида пишади, уни ейдилар.

كُمُلْدُرُك ***kömüldürük*** **(кўмулдурук)** – юк орқага кетмаслиги учун, отнинг елка томонидан эгарга боғланган нарса.

ق ***q*** [ҳарфи]:

سَقَلْدُرُقْ ***saqalduruq*** **(сақалдурук)** – қалпоқ тушиб кетмасин учун уни боғлаб, жағ тагидан ўтказиб қўйиладиган тизимча. Ипакдан тўқилади.

قَلَلْدُرُقْ ***Qalalduruq*** **(Қалалдурук)** – эркакларнинг отларидан.

**ЕТТИ ҲАРФЛИ СЎЗЛАР**

زَرْغُنْچْمُودْ ***zarğunčmud*** **(зарғунчмуд)** – бир турли райҳон. Буни форс тилида بلنک مشک деб айтилади.

*Sālim* отлар бўлими тугади.



بسم الله الرحمن الرحيم

**[(Сўзимни) раҳмдил ва меҳрибон Оллоҳнинг номи билан (бошлайман)]**

## БУ *SĀLIM* ФЕЪЛЛАР КИТОБИДИР

### ИККИ ҲАРФЛИЛАР БОБИ

ب ***p*** [ҳарфи]:

[تَبْدِى ***tapdï*** **(тапди)** – топинди] ***qul Tāŋrikä tapdï*** – банда Оллоҳ таъолога топинди, ибодат қилди; ***ol xanqa tapdï*** – у хонга хизмат қилди. Бошқаларга (хизмат қилишга) ҳам шу (сўз қўлланди).

[تَبْدِى ***tapdï*** **(тапди)** – топди] ***ol näŋni tapdï*** – у йўқолган нарсани топди (***tapar***, ***tapmaq***).

[تَبْدِى ***tepdi*** **(тепди)** – тепди] ***ol qulïn tepdi*** – у қулини тепди (***tepär***, ***tepmäk***).

[جَبْدِى ***čapdï*** **(чапди)** – сузди] ***er suwda čapdï*** – киши сувда сузди.

[جَبْدِى ***čapdï*** **(чапди)** – секин урди] ***ol atnï čïbïq birlä čapdï*** – у отни чивиқ билан секингина урди; ***čumaq tat boynïn čapdï*** – мусулмон кофирнинг бўйнига урди (уйғурча).

[جَبْدِى ***čapdï*** **(чапди)** – чаплади] ***er ewin čapdï*** – киши уйини (уй деворини) суюқ лой билан чаплади (***čapar***, ***čapmaq***).

[سَبْدِى ***sapdï*** **(сапди)** – ўтказди] ***yïči yignä sapdï*** – тикувчи нинага ип ўтказди.

[سَبْدِى ***sapdï*** **(сапди)** – боғлади] ***ol quš qanatïn sapdï*** – у қушнинг қанотини боғлади. Қисқа ёки кам бўлган нарса ўз жинсидан бошқа бир нарса билан улаб тўлдирилиши, бутунланишига нисбатан ҳам шу сўз қўлланади (***sapar***, ***sapmaq***).

[قَبْدِى ***qapdï*** **(қапди)** – ечиб олди, шилиб олди] ***er ton qapdï*** – киши кийимни ва бошқаларни шилиб олди.

[قَبْدِى ***qapdï*** **(қапди)**] ***oğlanïğ yel qapdï*** – бола бошига ел [жин яра] тегди. Кийим ва шунга ўхшаш нарсаларни шамол учиришига ҳам шу сўз қўлланади (***qapar***, ***qapmaq***).

[قُبْدِى ***qopdï*** **(қўпди)** – оёққа турди] ***er yuqaru qopdï*** – киши ўрнидан турди.

[قُبْدِى ***qopdï*** **(қўпди)** – қўзғалди] ***tübi qopdï*** – шамол турди, қўзғалди.

[قُبْدِى ***qopdï*** **(қўпди)** – қўпди, парвоз қилди] ***quš qopdï*** – қуш ва бошқа нарсалар қўпди (***qopar***, ***qopmaq***).

ج ***č*** [ҳарфи]:

[بِجْدِى ***bïčdï*** **(бичди)** – кесди] ***er et bïčdï*** – киши гўшт ва бошқа нарсаларни кесди (***bïčar***, ***bïčmaq***).

[سَجْتِمْ ***sačtïm*** **(сачтим)** – сочдим] ***men yïpar sačtïm*** – мен ипор ва бошқаларни сочдим.

[سَجْدِى ***sačdï*** **(сачди)**] ***ol ewkä suw sačdï*** – у уйга ва бошқа жойларга сув сепди (***sačar***, ***sačmaq***).

[سِجْدِى ***sïčdï*** **(сичди)** – чичди] ***er sïčdï*** – киши чичди. Бошқа (жонзотлар)ға ҳам шундай дейилади (***sïčar***, ***sïčmaq***).

[قَجْدِى ***qačdï*** **(қачди)** – қочди] ***er qačdï*** – киши ва бошқалар қочди (***qačar***, ***qačmaq***).

[قُجْدِى ***qučdï*** **(қучди)** – кучди, қучоқлади] ***ol meni qučdï*** – у мени қучоқлади (***qučar***, ***qučmaq***).

[كَجْتِى ***kečti*** **(кечти)** – кечди, ўтди] ***ay, kün kečti*** – ой ва кун кечди.

[كَجْتِى ***kečti*** **(кечти)** – кечди] ***er suw kečti*** – киши сув ва бошқа нарсаларни кечди.

[كَجْتِى ***kečti*** **(кечти)** – кечди, ўтди, ўлди] ***er kečti*** – киши ўтди, яъни ўлди (***kečär***, ***kečmäk***).

[كُجْتِى ***köčti*** **(кўчти)** – кўчди] ***sü köčti*** – қўшин ва бошқалар (бир ердан бошқа ерга) кўчди (***köčär***, ***köčmäk***).

Нутқни ёқимли қилиш учун охири жарангсиз ҳарфлар билан битган ўзаклардан ясалган ўтган замон феъли қўшимчасидаги *dāl* ни *tā* га алмаштириш тўғрироқдир: *pā, čīm, qāf, kāf* ҳарфлари жарангсиз ҳарфлардир. Булардан бошқа ҳарфларда ўтган замон феъл қўшимчасини *dāl* билан ёзиш ҳам муносиброқдир. (Шоир) шундай деган:

***Tünlä bilä köčälim,***
***Yamar suwïn kečälïm.***
***Teräŋük suwïn ičälim,***
***Yuwğa yağï uwulsun.***

Айтмоқдаки: Туни билан кўчайлик. *Yamar* сувини, – бу бир дарёдир – кечайлик. Қайнаб чиқаётган сувини ичайлик. Бизга итоат қилмайдиган ёв парча-парча бўлсин.

ر *r* [харфи]:

[بَرْدِى ***bardï*** **(барди)** – борди] ***ol ewkä bardï*** – у уйга ва бошқа ерларга борди (***barïr, barmaq***).

[بُرْدِى ***bürdi*** **(бурди)** – бурди] ***ol yančuq ağzï bürdi***, яъни у ёнчиқ – тўрванинг оғзини бурди. Иштонбог ва шунга ўхшаган бошқа нарсаларни буришга ҳам шу сўз қўлланади (***bürär, bürmäk***).

[بُرْدِى ***burdï*** **(бурди)** – бурқиради] ***yïpar burdï*** – мушк ҳиди чиқди, бурқиради, гуркиради. Шунингдек, ҳар бир хушбўй нарсанинг ҳиди чиқишига ҳам шу сўз қўлланади.

[بُرْدِى ***burdï*** **(бурди)** – кўтарилди, чиқди] ***suw burdï*** – сув ва бошқа нарсаларнинг буғи чиқди, кўтарилди (***burar, burmaq***).

[تُرْدِي ***turdï*** **(турди)** – турди] ***er yuqaru turdï*** – киши ва бошқалар тикка турди, тиккайди.

[تُرْدِى ***turdï*** **(турди)** – ёғди, пайдо бўлди] ***tuman turdï*** – туман пайдо бўлди (***turur, turmaq***).

تُرُرْ ***turur*** **(турур)** – ўтган замон шакли ва масдар шакли йўқ, келаси замон феълидир. У боғлама маъносида (келади): ***ol taš turur*** – у тошдир; ***ol quš turur*** – у қушдир. Бу боғлама – тамомловчидир. Арабча ينيغى (ярашади) деган сўзга тўғри келади. Унинг ҳам ўтган замон ва масдар шакли йўқ.

[تُرْدِى ***türdi*** **(турди)** – тугди, ўради] ***ol bitig türdi*** – у ёзувли қоғоз ва бошқа нарсаларни ўраб тугди, ўради (***türär, türmäk***).

[سَرْدِى ***serdi*** **(серди)** – сабр қилди] ***ol serdi*** – у бир ишда сабр қилди (***serär, sermäk***).

[سُرْدِى ***sürdi*** **(сурди)** – ҳайдади, чоптирди] ***ol at sürdi*** – у от ва бошқа жонзотларни чоптирди.

[سُرْدِى ***sürdi*** **(сурди)** – қувди] ***er ïtïğ sürdi*** – киши итини ва бошқа нарсаларни қувди, ҳайдади. Бек (бирор) кишини шаҳардан сургун қилишига ҳам ***sürdi*** дейилади (***sürär, sürmäk***).

[قُرْدِى ***qurdï*** **(қурди)** – тўплади] ***xan süsin qurdï*** – бек ва хон аскарини тўплади, тартибга солди.

[قُرْدِى ***qurdï*** **(қурди)** – қурди] ***xan čuvač qurdï*** – хон чодир қурди, ёйди (***qurar, qurmaq***).

[قِرْدِى ***qïrdï*** **(қирди)** – қирди] ***er yerig qïrdï*** – киши ерни ва бошқа нарсаларни қирди (***qïrar, qïrmaq***).

[قُرْدِى ***qurdï*** **(қурди)** – қурди] ***er ya qurdï*** – киши ёй қурди [отишга ҳозирлади] (***qurar, qurmaq***).

[كَرْدِي ***kerdi*** **(керди)** – керди, чўзди] ***er yïp kerdi*** – киши ип ва бошқа нарсаларни керди, чўзди.

[كَرْدِى ***kerdi*** **(керди)** – керди, кенгайтирди] ***beg yol kerdi*** – киши бекнинг келиши олдидан йўлни кенгайтирди. Нотаниш кимса ўтмаслиги учун, кузатиш жойларига кишилар қўйишдир. Бек ёвдан қўрққанда, бу иш қилинади.

[كَرْدِى ***kerdi*** **(керди)** – вовиллади] ***it kerdi*** – ит вовиллади (қарлуқча) (***kerär, kermäk***).

[كُرْدِى *kördi* (**кўрди**) – кўрди] ***ol meni kördi*** – у мени кўрди (***körär, körmäk***). Мақолда (шундай келган): ***Yüzkä körmä, erdäm tilä.*** Маъноси: "Юзига қарама, фазилатини [илмини, ахлоқини] иста [тила]".

[كِرْدِى *kirdi* (**кирди**) – кирди] ***ol ewkä kirdi*** – у уйга ва бошқа ерларга кирди (***kirür, kirmäk***).

ز *z* [харфи]:

[بِزْدِى *bezdi* (**безди**) – безди, титради] ***er tumlïğdïn bezdi*** – киши совуқ ва бошқа нарсалардан безди, титради (***bezär, bezmäk***).

[بُزْدِى *buzdï* (**бузди**) – бузди] ***ol ew buzdï*** – у уй ва бошқа нарсаларни бузди (***buzar, buzmaq***).

[تِزْدِى *tezdi* (**тезди**) – қочди] ***keyik tezdi*** – кийик ва бошқа ҳайвонлар қочди (***tezär, tezmäk***).

[تُزْدِى *tüzdi* (**тузди**) – тузди, тузатди] ***beg elin tüzdi*** – бек элини қурди.

[تُزْدِى *tüzdi* (**тузди**) – текислади, тўғрилади] ***ol yerig tüzdi*** – у ерни ва бошқа нарсаларни текислади (***tüzär, tüzmäk***).

[تِزْدِى *tizdi* (**тизди**) – тизди] ***ol yinčü tizdi*** – у марваридни тизди. Биров сўз тузса, шеър ёзса ҳам, ***ol söz tizdi*** дейилади (***tizär, tïzmäk***).

[چِزْدِى *čïzdï* (**чижди**) – пастланди, типирчилади] ***yağïrlïğ at čïzdï*** – яғир от миниш олдида орқасини аяб типирчилади, пастланди. Ҳар бир яғир ҳайвон ҳам юк ортмоқчи бўлганда шундай қилади. Бу сўз икки жағ орасидаги *zā* билан талаффуз этилади (***čïzar, čïzmaq***).

[چُزْدِى *čözdi* (**чўжди**) – чўзди] ***urağut yïp čözdi*** – хотин ипни чўзди. Қўй ичаги, арқон каби тортиб чўзиш мумкин бўлган ҳар бир нарсага ҳам шу сўз қўлланади. Бу сўз ҳам икки жағ орасидаги *zā* билан айтилади (***čözär, čözmäk***).

[سُزْدِى *süzdi* (**сузди**) – сузди, тинитди] ***ol suw süzdi*** – у сув ва бошқа нарсаларни сузди, тинитди (***süzär, süzmäk***).

[سِزْدِى *sïzdï* (**сизди**) – эриди] ***yağ sïzdï*** – ёғ ва бошқа нарсалар эриди.

[سِزْدِى *sïzdï* (**сизди**) – тиғ урди] ***kün suzdï (sïzdï?)*** – кун тиғ урди, кун кўринди.

[سِزْدِى *sïzdï* (**сизди**) – озди] ***sögäl sïzdï*** – касал озди, заифлашди (***sïzar, sïzmaq***).

[قَزْدِى *qazdï* (**қазди**) – қазиди] ***er arïq qazdï*** – киши ариқ ва бошқа нарсаларни қазиди; ***at qazdï*** – от сувлуғини чайнаб олдинги икки оёқлари билан (турган жойида) ер қазиди (***qazar, qazmaq***).

[كَزْدِى *kezdi* (**кезди**) – кезди] ***ol yerig kezdi*** – у ер юзини кезди (***kezär, kezmäk***).

س *s* [харфи]:

[بَسْدِى *basdï* (**басди**) – қора босди, босинқиради, уйқусиради] ***anï burt basdï*** – уни (кўкрагини ерга босиб ётиш натижасида) қора босди, босинқиради.

[بَسْدِى *basdï* (**басди**) – қаҳр қилди] ***beg el basdï*** – бек халққа қора босгандай қаҳр қилди.

[بَسْدِى *basdï* (**басди**) – босди] ***begni yağï basdï*** – бекни (кечаси) ёв ва бошқалар босди.

[بَسْدِى *basdï* (**басди**) – босди] ***er qïzïğ basdï*** – эр қизни босди, устига чиқди.

[بَسْدِى *basdï* (**басди**) – босди] ***ït keyikni basdï*** – ит кийикни босди, ёқалашиб, ўлдирди (***basar, basmaq***).

[پُسْدِى *püsdi* (**пусди**) – ётқизиб урди] ***er qulïn püsdi*** – киши қулини роса урди (***püsär, püsmäk***).

[پُسْدِى *pusdï* (**пусди**) – писди, бекинди] ***beg yağïqa pusdï*** – бек ёвни пойлаб, пистирмага бекинди (***pusar, pusmaq***).

[قُسْدِى *qusdï* (**қусди**) – қусди] ***er qusdï*** – киши ва бошқалар қусди (***qusar, qusmaq***).

[قُسْدِى *qusdï* (**қусди**) – қусди, айниди, бузилди] ***boduğ qusdï*** – бўёқ айниди.

[قِسْدِى *qïsdï* (**қисди**) – қисди] ***qapuğ anïŋ aδaqïn qïsdï*** – эшик унинг оёғини қисди. Шунингдек, ҳар бир нарсани бирор нарса қисишига ҳам шу сўз қўлланилади; ***ol anïŋ tonluqïn***

***qïsdï*** – унинг кийимлигидан қисиб қолди. Ҳар бир нарсанинг оҳарли ҳолатдан кўримсиз ҳолга келтирилишига ҳам шу сўз қўлланади (***qïsar, qïsmaq***).

[كسدى ***kesdi*** **(кесди)** – кесди] ***ol yïğač kesdi*** – у ёғоч ва бошқа нарсаларни кесди (***kesär, kesmäk***). Мақолда (шундай келган): ***Uyğur yïğač uzun kes, temür qïsğa kes.*** Маъноси: "Ёғоч кессанг, узун кес, темир кессанг, қисқа кес, чунки темирни чўзса бўлади".

Уларнинг бир жарчиси бор, ҳар кун уларга (шу хил ҳикматли сўзларни) айтиб ўргатади.

[كسدى ***kösdi*** **(кўсди)** – койиди, хафа бўлди, юз ўгирди] ***ol anđïn kösdi*** – у ундан койиди, юз ўгирди (ўғузча) (***kösär, kösmäk***).

ش ***š*** [ҳарфи]:

[پشدم ***pušdum*** **(пушдум)** – сиқилдим] ***men bu ïšđïn pušdum*** – мен ишдан сиқилдим (***pušmaz-men, pušmaq***). Мақолда (шундай келган): ***Pušmasar, boz quš tutar, ewmäsär, örüŋ quš tutar.*** Маъноси: "(Киши) сиқилмаса, бўз қушни тутади, шошмаса, энг яхши бозни – лочинни овлайди". Бу мақол ишда кутилган мақсадга етишиш учун шошилмасликка, чидамли бўлишга ундаб айтилади.

[پشدى ***pïšdï*** **(пишди)** – пишди] ***ešäč*** (***ešič?***) ***pïšdï*** – қозон етилди – шўрва пишди.

[پشدى ***pïšdï*** **(пишди)** – пишди] ***yemiš pïšdï*** – мева пишди.

[پشدى ***pïšdï*** **(пишди)** – пишитди] ***er qïmïz pïšdï*** – киши қимиз пишитди. Яъни, қимизни етилтириш учун пишитди (***pïšmaz, pïšmaq***).

[تشدى ***tašdï*** **(ташди)** – тошди] ***ešič tašdï*** – қозон қайнади ва тошди.

[تشدي ***tašdï*** **(ташди)** – тошди] ***suw tašdï*** – сув ариқдан ёки идишдан тошди (***tašar, tašmaq***).

[تشدي ***tušdï*** **(тушди)**] ***ol meŋä tušdï*** – у менга дуч келди, мени кўрди (***tušar, tušmaq***).

[تشدى ***tüšdi*** **(тушди)**] ***er attïn tüšdi*** – киши отдан йиқилиб тушди; ***er tamđïn tüšdi*** – киши девордан тушди. Отдан тушишга ҳам шу сўз қўлланади. Ҳар нарсанинг ўз жойидан тушишига ҳам шу сўз қўлланади (***tüšär, tüšmäk***). (Шоир) шундай деган:

***Tegrä alïp egrälim,***
***Attïn tüšüp yügrälim.***
***Arslanlayu kökrälim,***
***Küči anïn kewilsün.***

Айтмоқдаки: Теваракни ўраб олиб, ёв йўлини кесиб қўяйлик. Отдан тушиб, ғазаб билан (ёвга) ҳамла қилайлик. Арслонлардек наъра тортайлик, бу ҳаракатимиздан ёв кучи кесилиб заифлашсин.

Мақолда (шундай келган): ***Ewäk siŋäk sütkä tüšür.*** Маъноси: "Шошқалоқ пашша сутга тушади (ва ғарқ бўлиб ўлади)". Бу мақол ишда шошмасликка ундаб айтилади.

[سشدى ***sešdi*** **(сешди)**] ***er attïn kišän sešdi*** – эр отнинг тушовини ечди. Боғидан ечилган ҳар нарсага ҳам шу сўз қўлланади (***sešär, sešmäk***).

[قشدى ***qošdï*** **(қўшди)**] ***ol qoyqa ečkü qošdï*** – у қўй(лар подаси)га эчкини қўшди. Ҳар бир нарсани бошқа бир нарсага қўшишга, бир-бирига ҳамроҳ қилинишига ҳам шу сўз қўлланади.

[قشدى ***qošdï*** **(қўшди)**] ***ol yïr qošdï*** – у йир (***ğazal***), шеър (***še'r***) ёзди; шеър тўқиди (***qošar, qošmaq***).

غ ***ğ*** [ҳарфи]:

[بغدى ***boğdï*** **(бўғди)** – бўғди, хафа қилди] ***ol erni boğdï*** – у, киши ва бошқаларни бўғди (***boğar, boğmaq***).

[تغدى ***tuğdï*** **(туғди)**] ***kün tuğdï*** – кун туғди, қуёш чиқди.

[تُغْدِی ***tuğdï*** (**туғди**)] ***oğul tuğdï*** – ўғил тугилди. Мақолда (шундай келган): ***Müš oğlï muyav tuğar.*** Маъноси: "Мушукнинг боласи онасига ўхшаб миёвлайди". Бу мақол хулқи отасиникига ўхшаган болага нисбатан қўлланади (***tuğar, tuğmaq***).

[تِغْدِی ***tïğdï*** (**тиғди**) – ўтмас қилди] ***oq bašaqïn taš tïğdï*** – тош ўқнинг ўткирлигини кесди, ўтмас қилди, кеткизди, яъни дамини қайтарди (***tïğar, tïğmaq***).

[چِغْدِی ***čïğdï*** (**чиғди**) – боғлади] ***ol türgäk čïğdï*** – у кийим ва бошқа нарсаларни бир орқа қилиб йигиб боғлади (***čïğar, čïğmaq***).

[سَغْدِی ***sağdï*** (**сағди**) – соғди] ***er qoy sağdï*** – киши қўй ва бошқа жониворларни соғди (***sağar, sağmaq***).

[سُغْدِی ***suğdï*** (**суғди**) – ясади] ***ol qoydan qurut suğdï*** – у қўй сутидан қурут олди, қилди. Бу сўзнинг асли ***suğurdï*** дир (***suğar, suğmaq***).

[سِغْدِی ***sïğdï*** (**сиғди**)] ***bu söz köŋülkä sïğdï*** – бу сўз кўнгилга сиғди, таъсир қилди.

[سِغْدِی ***sïğdï*** (**сиғди**)] ***un qapqa sïğdï*** – ун қопга сиғди. Бошқа нарсалар учун ҳам шу сўз қўлланади (***sïğar, sïğmaq***).

ڤ ***w*** [ҳарфи]:

[تَڤْدِی ***tewdi*** (**тевди**)] ***ol etig sïšqa tewdi*** – у гўштни сих ва бошқа нарсаларга тизди, сихга тортди (***tewär, tewmäk***).

[سَڤْدِی ***sewdi*** (**севди**) – севди] ***ol meni sewdi*** – у мени севди (***sewär, sewmäk***). Мақолда (шундай келган): ***Tayğan yügürgänni tilkü sewmäs.*** Маъноси: "Югурик (чопқир) тозини тулки севмайди". Чунки този тулкини олади. Бу мақолни замондошлари орасида илмли бўлиб, уларнинг ҳасад ва душманликларига дучор бўлган кишига қарата айтилади.

[قُڤْدِی ***quwdï*** (**қувди**) – қувди] ***ït keyikni quwdï*** – ит кийикни қувди. Орқасидан қувилган ҳар нарсага ҳам шу сўз қўлланади (***quwar, quwmaq***).

[كَڤْدِی ***kewdi*** (**кевди**) – чайналиб сўзлади] ***er sözüg kewdi*** – киши тутилиб, чайналиб сўзлади. Асли ***tančunï kewdi*** (луқмани чайнади, уни ютмади) деган иборадан олинган (***kewär, kewmäk***).

ق ***q*** [ҳарфи]:

[بَقْدِی ***baqdï*** (**бақди**) – бокди] ***ol meŋä baqdï*** – у менга боқди, қаради (***baqar, baqmaq***).

[بُقْدِی ***buqdï*** (**букди**) – букди] ***ol aδaqïn buqdï*** – у оёгини букди, йиғиб, буклаб ўтирди (***buqar, buqmaq***).

[تَقْدِی ***tïqdï*** (**тиқди**) – тиқди] ***ol qapqa un tïqdï*** – у қопга [идишга] ун тиқди. Идишга тиқиб солинган ҳар қандай нарсага ҳам шу сўз қўлланади. Ғужумлари тиғиз, тиқиқ ва сиқилишиб турадиган узум бошига ***tïqma üzüm*** (ғуж узум) дейилади.

[تَقْدِی ***taqdï*** (**тақди**) – боғлади] ***er burunduq butluqa taqdï*** – туя бурнининг юмшоқ жойига бурундуқ тақди, боғлади (ўғузча). Ҳар бир нарсани бирор нарса билан боғлашга ҳам шу сўз қўлланади (***taqar, taqmaq***).

[جَقْدِی ***čaqdï*** (**чақди**) – чақди, чақиб берди] ***ol sözüg anïŋ qulaqqa čaqdï*** – у сўзни унинг қулоғига шипшиди (ўғузча).

[جَقْدِی ***čaqdï*** (**чақди**)] ***ol ikki kiši ara čaqdï*** – у икки кишининг орасини бузди.

[جَقْدِی ***čaqdï*** (**чақди**)] ***ol čaqmaq čaqdï*** – у чақмоқ чақди (***čaqar, čaqmaq***). ***čaqmaq*** сўзи ҳам масдар, ҳам исмдир.

[جُقْدِی ***čoqdï*** (**чўқди**) – отилди, ташланди] ***quš čoqdï*** – қуш ташланди (***čoqar, čoqmaq***). (Шоир) шундай деган:

***Erän qamuğ artadï näŋlär uδu,***
***Tawar körüp usunlayu eskä čoqar.***

Айтмоқдаки: Бойликка тамаъ қилиб, суқланиб кишиларнинг ахлоқи бузилди. Молни кўргач, наср қуши [яъни, кирғий] ўлимтик устига отилгани каби мол устига отилдилар.

[چِقْتِی ***čïqtï*** (**чиқти**) – чиқди] ***er ewdin čïqtï*** – киши уйдан ва бошқа ердан чиқди. Мақолда (шундай келган): ***Küč eldin kirsä, törü tüŋlüktän čïqar.*** Маъноси: "Зулм эшикдан кирса, инсоф туйнукдан чиқади".

[سُقْدُمْ ***suqdum*** (**суқдум**) – киритдим] ***men anï ewkä suqdum*** – мен уни уйга ва бош ерга киритдим. Сопни болтага ўрнатиш каби бир нарсани иккинчисига қаттиқ, маҳкам жойлаштиришга ҳам шу сўз қўлланади.

[سُقْدِی ***soqdï*** (**сўқди**) – майдалади] ***er tuz soqdï*** – киши туз ва бошқа нарсаларни майдалади.

[سُقْدِی ***soqdï*** (**сўқди**) – чўкиди] ***quš meŋ soqdï*** – қуш донни чўқиди.

[سُقْدِی ***soqdï*** (**сўқди**) – чақди] ***anï yïlan soqdï*** – уни илон чақди (ўғузча) (***soqar, soqmaq***).

[سِقْدِی ***sïqdï*** (**сиқди**) – сиқди] ***ol üzüm sïqdï*** – у узум ва бошқа нарсаларни сиқди (***sïqar, sïqmaq***).

ک ***k*** [ҳарфи]:

[بُکْدِی ***bükdi*** (**букди**) – букилди] ***ol meni körüp bükdi*** – у мени кўргач, ерга энгашиб букилди.

[بُکْدِی ***bökdi*** (**бўкди**)] ***ol ašdïn bökdi*** – у ошга бўкиб қолар даражада тўйди. Шунингдек, ***ol tawarqa bökdi*** дейилади, яъни унинг кўзи молга ва бошқа нарсага тўлди, тўйди (***bökär, bökmäk***).

[بُکْدِی ***bögdi*** (**бўгди**) – **тўплади, йиғди**; ***ol suwuğ bögdi*** – у сувни бўғиб, тўхтатиб қўйди, тўплади. Шунингдек, ***beg süsin bögdi*** – бек аскарини йиғди (***bögär, bögmäk***). Ҳар вақт кўп аскарни сувга ўхшатилишини билиб ол; чунончи, сув оқса, ***suw aqtï*** дейилади, аскар қўзғалса, ***sü aqtï*** дейилади.

[تُکْدِی ***tökdi*** (**тўкди**) – тўкди] ***oğlan suw tökdi*** – бола сув тўкди. Мақолда (шундай келган): ***Oğlan suw tökär, uluğ yanï sïnur.*** Маъноси: "Бола сув тўкади, ундан катталарнинг оёғи синади". Бу мақол ёшлар қилган хато учун катталар зарар кўришига қарата айтилади.

[تَکْدِی ***tegdi*** (**тегди**)] ***ol ewkä tegdi*** – у уйга ва бошқа жойга етди (***tegir, tegmäk***): Мақолда (шундай келган): ***Ewäk ewkä tegmäs.*** Маъноси: "Шошган киши уйига ета олмайди". Чунки у тез чоптириб отини чарчатиб қўяди, сўнг армонда қолади. Ишда шошма-шошарлик қилмасликка ундаб айтилган. (Шоир) шундай деган:

***Atğalïr oqnï azaq,***
***Tegmädi bu saw ušaq.***

Айтмоқдаки: Менга бу маломат етмас эдими, (бунинг устига) бу шўх қиз менга ўқ отмоқ истайди.

[تُکْدِی ***tügdi*** (**тугди**) – тугди] ***er tügün tügdi*** – эр тугун ва бошқа нарсаларни тугди (***tügär, tügmäk***). Мақолда (шундай келган): ***Tïlïn tügmišni tïšïn yazmas.*** Маъноси: "Тил билан боғланганни тиш билан ечиб бўлмас". Бу мақолни ваъдага вафо қилишга ундаб айтилади.

[تِکْدِی ***tikdi*** (**тикди**) – тикди] ***er ton tikdi*** – эр кийим тикди.

[تِکْتِی ***tikti*** (**тикти**)] ***afïğ yïlan tikti*** – отни ва бошқа нарсани илон чақди. Чаён чақишига ҳам шу сўз қўлланади.

[تِکْدِی ***tikdi*** (**тикди**)] ***er yïğač tikdi*** – эр дарахт ва бошқа нарсаларни тикди, ўтказди. Тик қилиб қўйилган ҳар қандай нарсага ҳам шу сўз қўлланади (***tikär, tikmäk***). Мақолда (шундай келган): ***Tikmägінčä ünmäs, tilämägінčä bulmas.*** Маъноси: "Экилмагунча – дарахт ўтказилмагунча, ҳосил унмайди, (бирор мақсад кетидан юриб) исталмагунча, топилмайди, қўлга кирмайди". Бу мақол "ишда мақсадга эришмоқ учун тиришмоқ керак" деган маънода қўлланади.

[چَکْدِی ***čekdi*** (**чекди**) – чекди, нуқта қўйди] ***ol bitig čekdi*** – у хатга нуқта қўйди.

[چَکْدِی ***čekdi*** (**чекди**) – қон олди] ***ol atïn čekdi*** – у отнинг томиридан қон олди (***čekär***, ***čekmäk***).

[چُکْدِی ***čökdi*** (**чўкди**) – (тиз) чўкди] ***ol begkä čökdi*** – у бек ва бошқаларнинг олдида тиз чўкди.

[چُکْدِی ***čökdi*** (**чўкди**) – чўкди] ***teväy čökdi*** – туя чўкди.

[چُکْدِی ***čökdi*** (**чўкди**) – чўкди, ботди] ***temür suwda čökdi*** – темир ва бошқа нарсалар сувда чўкди (***čökär***, ***čökmäk***).

[چَکْدِی ***čekdi*** (**чекди**) – боғлади] ***ol tergäk bağïn čekdi*** – у бўғча ва бошқа нарсаларнинг боғини боғлади (***čekär***, ***čekmäk***).

[سُکْتِی ***sökti*** (**сўкти**) – сўкди] ***ol yamağ sökti*** – у ямоқни кийимдан сўкиб бўлди.

[سُکْتِی ***sökti*** (**сўкти**)] ***ol ewin sökti*** – у уйини (чодирини) сўкди (бузди).

[سُکْتِی ***sökti*** (**сўкти**)] ***ol begkä sökti*** – у бек ва бошқалар олдида тиз чўкди; ***sökä oltur*** (чўкка тушиб ўтир) сўзи ҳам шундан олинган (***sökär***, ***sökmäk***).

[سِکْتِی ***sikti*** (**сикти**) – сикди] ***er urağutnï sikti*** – эр хотинини сикди (***sikär***, ***sikmäk***).

ل ***l*** [ҳарфи]:

[بُلْدِی ***buldï*** (**булди**) – топди] ***ol yarmaq buldï*** – у танга ва бошқа нарса топди (***bulur***, ***bulmaq***).

[بِلْدِی ***bildi*** (**билди**) – билди] ***ol bilig bildi*** – у илм, ҳикмат ва бошқа нарсаларни билди (***bilir***, ***bilmäk***). Арғулилар *vāv* [*ü*] билан ***bilür*** тарзида талаффуз қиладилар, бу бошқалар талаффузига тўғри келмайди.

[تَلْدِی ***teldi*** (**телди**) – тешди] ***er tam teldi*** – эр девор ва бошқа нарсаларни тешди.

[تَلْدِی ***teldi*** (**телди**) – қўшди] ***ol oğlaqïğ sağlïqqa teldi*** – у қўзичоқни эмизиш учун совлуққа қўшди. Бу совлуқ қўйнинг сути камайиб қолганда, ёки ўлиб, қўзи етим қолганда, кўриладиган чорадир (***telir***, ***telmäk***).

[تُلْدِی ***tuldï*** (**тулди**) – урди, ўйнади] ***er topïqnï aδrï bilä tuldï*** – эр коптокни айри билан урди. Бу туркларга хос ўйиннинг бир тури бўлиб, ўйинчилар ўйиннинг олдин ўзидан бошланишини истаса, у коптокни шундай айри билан уради. Коптокни ким қаттиқ урса, ўйин ўша кишидан бошланади (чиллак уриш, (даста) ўйинда ҳам ***tuldï*** дейилади) (***tular***, ***tulmaq***).

[تِلْدِی ***tildi*** (**тилди**) – узунасига ёрди] ***er yarïndaq tildi*** – киши чармдан қайиш қирқиб олди. Узунасига тилинган ҳар бир нарсага ҳам бу сўз қўлланади (***tilär***, ***tilmäk***).

[چَلْدِی ***čaldï*** (**чалди**) – чалди] ***ol anï čaldï*** – у уни чалиб йиқитди.

[چَلْدِی ***čaldï*** (**чалди**)] ***ol sözüg meniŋ qulaqqa čaldï*** – у сўзни менинг қулоғимга эшиттирди. Мақолда (шундай келган): ***Čaqsa, tutnur, čalsa, bilnür.*** Маъноси: Чақмоқ тош чақилса, олов тутади, сўз эшитилса, мақсад билинади.

[چَلْدِی ***čaldï*** (**чалди**)] ***tonuğ taš üzä čaldï*** – кир ювувчи кийимни тошга урди. (Шоир) шундай деган:

***Ïtïm tutup quδï čaldï,***
***Aniŋ tüsin qïra yuldï.***
***Bašïn alïp quδï saldï,***
***Boğuz alïp tügäl boğdï.***

Итни таърифлаб айтмоқда: Итим (бўрини) тутиб, ерга йиқитди, юнгларини юлди, орқасига ағдарди ва роса томоғидан тишлаб, бўғди (***čaqar***, ***čaqmaq***).

[سَلْدِى ***saldï*** **(салди)** – ялтираб кўринди] ***ol meŋä tonïn saldï*** – у менга кийими билан ялтираб кўринди. Киши икки қўли билан узоқдан ишорат қилишига ҳам бу сўз қўлланади[39].

[سَلْدِى ***saldï*** **(салди)** – чиқарди] ***ol meŋä kišidä altun saldi*** – у менга бир кишидан олтин чиқариб берди.

[سَلْدِى ***saldï*** **(салди)** – тўплади] ***suw yïğačïg saldï*** – сув ёғоч ва бошқа нарсаларни тўплади (***salar***, ***salmaq***).

[قَلْدِى ***qaldï*** **(қалди)** – қолди] ***er keδin qaldï*** – эр кейинда қолди.

[قَلْدِى ***qaldï*** **(қалди)** – қолди] ***ol oyunda qaldï*** – у гаровда қолди. Қолган ва ташланган ҳар бир нарсага ҳам бу сўз қўлланади. Мақолда (шундай келган): ***El qaldï, törü qalmas.*** Маъноси: "Шаҳар ташланар, расми ташланмас". Бу мақол киши таомилга қараб иш қилишига ундаб айтилади (***qalïr***, ***qalmaq***).

[قَلْدِى ***quldï*** **(қулди)** – сўради] ***ol mendin näŋ quldï*** – у мендан нарса сўради (***qulur***, ***qulmaq***).

[قَلْدِى ***qïldï*** **(қилди)** – қилди] ***er ïš qïldï*** – киши иш қилди.

[قَلْدِى ***qïldï*** **(қилди)**] ***er qïzïğ qïldï*** – эр [йигит] қизни жимо қилди. Бу сўз эркак билан хотин алокаси маъносида қўллангани учун, ўғузлар бир иш қилганларида бу сўздан қочиш мақсадида уни қўлламайдилар. Бунинг ўрнида ***etti*** сўзини қўллайдилар. Чунончи, ***er yükünč etti*** – киши намоз ўқиди дейдилар. Туркlар ***qïldï*** сўзини қўллайдилар (***qïlur***, ***qïlmaq***).

[كَلْدِى ***keldi*** **(келди)** – келди] ***er ewkä keldi***– киши уй ва бошқа ерга келди (***kelir***, ***kelmäk***). Мақолда (шундай келган): ***Bir qarğa birlä qïš kelmäs.*** Маъноси: "Бир қарға билан қиш келмайди". Бу мақол ишга ёрдам бериши мўлжалланган дўстининг келишини кутишда ҳовликмаслик, сабр қилиб ишлашга ундаб сўзланади.

[كَلْدِى ***küldi*** **(кулди)** – кулди] ***er küldi*** – киши ва бошқалар кулди (***külär***, ***külmäk***).

(Шоир) шундай деган:

***Külsä kiši atma anar örtär külä,***
***Baqqïl anar eδgülügün ağzïn külä.***

Айтмоқдаки: Кишини ўзингга кулиб қараган ҳолда кўрсанг, яъни биров сенга кулиб боқса, сен унинг юзига куйдирадиган иссиқ кул сочма, сен ҳам кулиб боқ, яъни яхшиликка яхшилик қил, дейилади.

م ***m*** [ҳарфи]:

[تَمْدِى ***tamdï*** **(тамди)** – томди] ***suw tamdï*** – сув ва бошқа нарсалар томди (***tamar***, ***tammaq***).

[چَمْدِى ***čomdï*** **(чўмди)** – чўмди] ***oğlan suwda čomdï*** – бола сувда чўмди (***čomar***, ***čommaq***).

[چَمْدِى ***čömdi*** **(чўмди)** – чўмди, шўнғиди] ***ördäk suwqa čömdi*** – ўрдак сувга жуда ҳам қаттиқ шўнғиди (***čömär***, ***čömmäk***).

Бу сўзнинг масдари *kāf* билан, аввалгисининг масдар формаси *qāf* билан эди. Ораларидаги маъно фарқи билиниши керак.

[قَمْدِى ***qamdï*** **(камди)** – урди] ***ol anï qamdï*** – у уни шунча қаттиқ урдики, уни ярадор қилди, ҳалок қилди (***qamar***, ***qammaq***).

[قُمْدِى ***qumdï*** **(кумди)** – тўлқинланди] ***suw qumdï*** – сув мавжланди (***qumar***, ***qummaq***).

[كُمْدِى ***kömdi*** **(кўмди)** – кўмди] ***ol ölügni kömdi*** – у ўликни ва бошқа нарсани кўмди (***kömär***, ***kömmäk***). ***közmän kömdi*** – кўмоч нонни (кулга) кўмди.

ن ***n*** [ҳарфи]:

---

[39] Қўлёзмада бу жумла "сув ёғоч ва бошқа нарсаларни тўплади"дан кейин келган. Лекин биз мазмунига қараб шу ерга кўчирдик.

[بَنْدِی ***bandï*** **(банди)** – боғланди] ***qoy bandï*** – қўй богланди. Боғич билан боғланган ҳар бир нарсага ҳам бу сўз қўлланади; *nūn* ҳарфи *lām* билан алмашгандир (***banïr***, ***banmaq***).

[تُنْدِی ***tundï*** **(тунди)**] ***kök tundï*** – кўк булутланди.

[تُنْدِی ***tundï*** **(тунди)**] ***qapuğ tundï*** – эшик ёпилди. Тоғ бели қор билан қопланганда ***art tundï*** дейилади (***tunur***, ***tunar***, ***tunmaq***). Бу хил феълларнинг келаси замон шаклини ўғуз ва қипчоқлар *alif* билан ***tunar*** шаклида қўллайдилар.

[تِنْدِی ***tïndï*** **(тинди)**] ***yağmur tïndï*** – ёмғир тинди.

[تِنْدِی ***tïndï*** **(тинди)**] ***er uluğ tïndï*** – киши яхши дам олди.

[تِنْدِی ***tïndï*** **(тинди)**] ***aruq tïndï*** – ҳориган (киши) тинди (***tïnar***, ***tïnmaq***). Ўғузлар бировни сўзлашдан қайтармоқ истаганларида ***tïnma*** дейдилар. Бу тескари (маънода)дир, яъни "тинма" демакдир. Бошқа турклар ***tïn*** дейдилар, яъни "сўзлама" демакдир. Ўғузларнинг ***tïnma*** дейишлари "сўзлама" деган маънони англатади. Ўғузлар бунда хато қилганлар.

[سَنْدِی ***sandï*** **(санди)**] ***ol er xayl bilä sandï*** – у киши отлиқлар тўдасидан саналди. Бошқа бир нарсадан ҳисобланган бирор нарсага ҳам бу сўз қўлланади (***sanur***, ***sanmaq***). Мақолда (шундай келган): ***Barïğ otru tutsa, yoqqa sanmas.*** Маъноси: "Бор нарсани меҳмонга тақдим этилса, меҳмон йўққа санамас".

[سُنْدِی ***sundï*** **(сунди)** – сунди, берди] ***ol meŋä etmäk sundï*** – у менга нон берди, узатди, тақдим қилди. Бошқаси ҳам шундай (***sunar***, ***sunmaq***).

[سِنْدِی ***sïndï*** **(синди)** – синди] ***yïğač sïndï*** – ёғоч синди; ***sü sïndï*** – аскар енгилди (***sïnur***, ***sïnmaq***); ***sïnar*** шакли ҳам бор.

[قُنْدِی ***qundï*** **(кунди)** – тортиб олди] ***oğrï tawar qundï*** – ўғри молни тортиб олди. (Шоир) шундай деган:

***Kičig bulup yağïnï yergü emäs,***
***Eδgürmäδip qoδsa anï elni qunar.***

Айтмоқдаки: Ёв кичик бўлса ҳам, назарга илмаслик яхши эмас, уни назарга илмай, менсимай қўйилса, у шаҳарни сендан тортиб олади (***qunar***, ***qunmaq***).

[كُنْدِی ***köndi*** **(кўнди)** – тикланди, тўғриланди] ***yïğač köndi*** – ёғоч ва бошқалар тикланди.

[كُنْدِی ***köndi*** **(кўнди)** – иқрор бўлди] ***oğrï köndi*** – ўғри ўғрилигига иқрор бўлди. Тонган нарсасига иқрор бўлган, ҳар бир кишининг иқрор бўлишига ҳам бу сўз қўлланади.

[كُنْدِی ***köndi*** **(кўнди)**] ***er yolqa köndi*** – киши йўлга чиқди, йўлга тушди.

[كُنْدِی ***kündi*** **(кунди)** – куйди] ***otuŋ kündi*** – ўтин куйди. Бу арғулар сўзидир. Арғулар *yā* ни *nūn* га алмаштирадилар.

[كُنْدِی ***köndi*** **(кўнди)** – тинди, дам олди] ***tosun at köndi*** – ўйноқи шўх от тинди. Бадҳолликдан тузалиб, йўлга тушган ҳар нарсага ҳам бу сўз қўлланади (***könär***, ***könmäk***).

[مَنْدِی ***mandï*** **(манди)** – кийди] ***er tolum mandï*** – эр жанг кийимларини кийди; ***er etmäk / ötmäk sirkäkä mandï*** – киши нонни сиркага сурди. Бирор нарсани иккинчисига аралаштириб хушхўр қилишга ҳам бу сўз қўлланади (***manar***, ***manmaq***).

[مُنْدِی ***mundï*** **(мунди)** – алжиради, озди] ***qarï er mundï*** – қари эр ва бошқалар алжиради, ақлдан озди (***munar***, ***munmaq***).

[مُنْدِی ***mündi*** **(мунди)** – минди] ***er at mündi*** – киши от ва бошқа нарсага минди (***münär***, ***münmäk***).

**Қоидалар, феълларнинг тусланиши ва сифатлар баёни ҳамда қиёсланиш ўринлари**

Тангрининг ёрдами билан айтаман: Феълларнинг ясалишида ўтган замон феъли ва буйрук шакли асосдир, дедим. Чунки ўтган замон феълининг бош ҳарфи *maftūḥ* (*alif* ли) бўлса, келаси замон феъли ҳам, масдар ҳам *maftūḥ* (*alif* ли) бўлади. Унинг бош ҳарфи марфуъ (*lā* ли) бўлса, ўтган замон феъли ҳам, масдар ҳам *lā* ли бўлади. Ўтган замон феълининг бош ҳарфи *yā* [*ī*] ли бўлса, улар ҳам *yā* [*ī*] ли бўлади. Чунончи, бош ҳарфи *alif* [*a*] ли: ***bardï*** ўтган замон феълининг келаси замон шакли ҳам *alif* [*a*] ли: ***barïr***, ёки бош ҳарфи *vāv* [*u*] ли: ***turdï*** ўтган замон феълининг келаси замон шакли ҳам *vāv* [*u*] ли ***turur*** дир, масдари ҳам *vāv* [*u*] ли ***turmaq*** дир. ***yinčü tizdi*** – марваридни ипга тизди, иборасидаги ўтган замон феъли ***tizdi*** нинг биринчи ҳарфи *tā kasra* ли бўлгани учун, унинг келаси замон шакли ҳам *kasra* ли ***tizär*** дир ва масдарида ҳам *tā kasra* ли: ***tizmäk*** дир.

Араб тилида феълларнинг ўтган замон шакли келаси замон ва масдар шаклларидан фарқ килади. Феълнинг ўтган замон шаклидаги биринчи ҳарф *qāf* قَعَدَ *qa'ada* тарзида *fatḥa* ли бўлса, келаси замон шаклида у *qāf* ҳарфи يَقْعُدُ *yaq'udu* тарзида *sukun* ли бўлади. Масдар шаклида эса قُعُوداً *qu'udan* тарзида *qāf* [*q*] *ẓamma* билан келади. Ўтган замон феъли *alif* ли бўлган مَطَرَ *matara* феълининг *mīm* ҳарфи, келаси замон феълида يَمطُرُ *yamturu* да *sukun* ли, масдари مُطوراً *mıuturan* да *ẓamma* ли бўлади. Демак, ўтган замон шаклидаги *fatḥa* ва келаси замон шаклидаги *sukun* масдар шаклидаги *ẓamma* га айланади. Ҳарф орттирилган феъл даражаларида ҳам аҳвол шундай. Чунончи, даражалари ўтган замон феълидаги бош ҳарф اكرَم *akrama* да *fatḥa (a)* ли бўлса, يُكرِمُ *yükrimu* келаси замон феълида бош ҳарф *yā ẓamma* лидир. يَستغفرُ إستِغفاراً да ҳам худи шундайдир. Араб тилида ҳамма феълларда ҳам ўтган, келаси замон шакллари ва масдарлар бир-бирига мос келмайди. Туркий тилларда бундай эмас. Турк тилларида икки, уч, тўрт, беш ҳарф ва ундан ортиқ ҳарфли феълларнинг ўтган, келаси замон шакллари ва масдарларининг ҳаммасида мослик бўлади. Ўтган замон феълини асос дейишимда иккинчи далил шуки, ҳарфларнинг такрорланиш хусусияти фақат ўтган замон феълларидагина бўлади. Келаси замон ва масдарда бу хусусият бўлмайди.

Учинчи, ишловчини билдирувчи сифат *ismi fā'il* лар ўғуз, қипчоқ, ямак, яғмо, арғулар ва суворлардан пачанакларгача бўлган кўчманчилар тилида ўтган замон феълидан тузилади. Чунончи, улар ўтган замон феъли ***bardï*** дан ***bardačï*** тарзида ишловчини англатувчи сифат ясайдилар.

Ўтган замон феъл ясовчи қўшимча *dāl* билан орасига *čīm* қўшиб, ***turdï*** дан ***turdačï*** қилиб тузадилар. Бутун феълларда қоида шу хилдадир.

Биз юқорида феълларнинг ясалишида буйруқ феъли асос қилиб олинади деганимизнинг боиси шундаки, кўпчилик туркий қабилалар, чунончи, чигиллар ва бошқалар тилида ишловчини билдирувчи сифатлар буйруқдан ясалади. Шу билан бирга, турли мақсадлар билан феълларга қўшилувчи феъл ясовчиларнинг ҳаммаси буйруққа қўшилади. Уларни биз, Худо хоҳласа, қуйида баён қиламиз.

Шуни билиш зарурки, феълнинг ўтган замон шакли ҳамма феълларда (феълларнинг ўзак ва негиз шаклларига) *dāl* ва *yā* (*-dï, -di*) қўшилиб ясалади, ҳеч ерда ўзгармайди. Ўтган замон феълини ясовчи *dāl* жарангсиз *pā*, жарангсиз *tā*, жарангсиз *čīm*, жарангсиз *kāf* билан қўшилганда *dāl tā* га алмашади. Чунончи, ***tepti*** – тепди, ***tuttï*** – олди, ***qačtï*** – қочди, ***tewäy čökti*** – туя чўкди каби. Ўзидан сўнгги *dāl* ни *tā* га айлантиришда *qāf* ҳам *käf* га ўхшайди. Чунончи, ***ol meŋä baqtï*** каби.

Бу *dāl* ни жарангсиз *tā* га алмаштириш, у ҳарфларнинг махражлари жарангсиз бўлгани учундир. Буларнинг асли *dāl* дир, юқоридаги ҳарфларга қўшилганда *tā* равишда талаффуз қилиш яхшироқ. Ҳар қандай феъл бобларида ва феъл турларида ҳам асос шудир.

Келаси замон феъли барча феъл турларида ҳам *rā* қўшиб ясалади. Ўзак охири *rā* билан битган сўзларда *rā* такрорланади. Бири асл *rā* бўлади, иккинчиси келаси замон феълини ясовчи *rā* бўлади. Келаси замон феълларидаги *rā* ҳарфи араб тилида келаси замон феъли белгиси сифатида қўлланувчи *alif, tā, nūn, yā* ҳарфлари вазифасидадир. Агар феъл ўзагида *rā* бўлмаса, у вақт келаси замон феълининг белгиси сифатида феълга бир *rā* орттирилади.

Келаси замон феъли ва буйруқ шаклини ясаш қоидаси: ўтган замон феълида *dāl* ҳарфидан олдин *rā* ҳарфи бўлса, у қолдирилиб, ўтган замон феъли қўшимчаси *-dï, -di* туширилади, бир *rā* ҳарфи орттирилади. Буйруқда ҳам қоида шу. Ўтган замон феълини ясайдиган *-dï, -di* туширилгач, ўзакдаги *rā* ҳаракатсиз қолади. Ўзак таркибида бор бўлган ҳарфларга келаси замон феъли қўшимчаси сифатида бир *rā* қўшилади. Агар ўтган замон феълида ёки буйруқда *rā* бўлмаса, келаси замон феъли қўшимчаси сифатида ўзак таркибида бўлмаган бир *rā* ҳарфи орттирилади. Чунончи, ***bardï*** ўтган замон феълида *-dï* қўшимчасидан олдин *rā* бордир. Бу феълнинг буйруғи ***bar*** бўлиб, қўшимча ташлангач, ўзак охирида *rā* қолади. Бу *rā* ўзакнинг ўзида бор ҳарфдир. Шу ўзакдан келаси замон феъли ясаш учун яна бир *rā* орттирилади: ***ol barïr*** каби. ***ol turdï*** гапидаги ***turdï*** феъли ҳам шундай. Бу феълнинг буйруғи ***tur*** бўлиб, унинг келаси замон шакли ***turur*** бўлади: ***ol yuqaru turur***. Бу феълда иккита *rā* бор: бири ўзакники, иккинчиси келаси замон феъли қўшимчаси. Ўғузлар ихчамлаштириш учун буларнинг бирини кўп феълларда ташлайдилар. Буйруқ шаклларида бўлгани каби келаси замон шаклини ҳам бир *rā* билан қўллайдилар. Бу ҳам яхши эмас, ҳам қоидага хилофдир. Ўзакда *rā* ҳарфи бўлмаган ***keldi*** феълининг буйруғи ***kel*** дир. Бунинг келаси замон шакли ***kelir*** дир. ***küldi er*** гапидаги ***küldi*** феъли ҳам ўзагида *rā* ҳарфи йўқ бўлиб, келаси замон феъли ясаш учун *rā* орттириб (*külür*) тарзида ясалган феълга мисолдир. Ўзакда *rā* ҳарфи бўлмаган феълларда ўғузлар туркларга эргашадилар. Бу қоида уч ҳарфли, тўрт ҳарфли ва ундан ортиқ ҳарфли феълларнинг ҳаммасида умумийдир.

Туркий тилларда феъллар қурилиши араб тилидаги феъллар тузилишига ўхшайди. Чунончи, ўтган замон феълида فَعَلَى, келаси замон феълида فَعِلُ, масдарда فعلانْ шаклидадир. ***bardï*** сўзи арабчанинг عَقَرَا ва خَلَقَى сўзларига мосдир. Келаси замон феъли ***barïr*** сўзи арабча نَمِرُ رَجِلُ بَكِرُ сўзларига мос келади. ***barmaq*** масдари арабча اَلْقَرْ قَافَ وَالْخَلْخَالُ сўзларига мосдир. Бу тилда *mujarrad* ёки *mazid* феълларининг ҳаммаси шу хилдадир.

Икки ҳарфлилар деб кўрсатилган феълларни талаффузда тўлиқ, чўзиқ ўқилишига асосланиб, уч ҳарфлиларга киритиш мумкин. Чунончи, بَرْدِى дейиш мумкин бўлганидек, بَارْدِى дейиш ҳам мумкин. Шунингдек, ثُرْدِى ҳам, ثُورْدِى ҳам мумкиндир. Бу ҳол фақат ўтган замон феълларидагина воқе бўлиши мумкиндир. Келаси замон феъли ва масдарларда мумкин эмас. Бу ҳол исмларда ўзакнинг аслида бўлмаган чўзиқ унлиларни орттириш, қисқартириш мумкин бўлган ҳолатга ўхшайди. Чунончи, يِغَاجْ дейиш ҳам мумкин, يَغَاجْ дейиш ҳам мумкин, تَثُوقْ дейиш ҳам мумкин; تَثُقْ дейиш ҳам мумкин. Лекин исмларда ҳам, феълларда ҳам шаклда қисқалик, айтилишда қаттиқлик яхши ва тўғридир.

Масдарлар ҳамма феълларда бир хилдир. Ўзагида *qāf, ğayn* ҳарфлари бўлган ёки талаффузда тўлиқ айтиладиган сўзларда *mīm, alif, qāf* (*-maq*) қўшиб ясалади. Ўзагида *kāf* ҳарфи бўлган ёки ингичка талаффуз қилинадиган сўзларда *-māk* қўшиб ясалади.

*qāf* ли сўзлар мисоли: ***ol ya qurdï*** гапидаги ***qurdï*** феълининг масдари ***qurmaq***, келаси замон шакли ***qurar*** бўлади. Бу масдар *-maq* қўшиб ясалган, чунки сўз ўзагида *qāf* бордир. *ğayn* ли

сўзга мисол: ***ol süt sağdï*** гапидаги ***sağdï*** феълининг масдари (*-maq* билан) ***sağmaq*** дир. Чунки бу феъл ўзагида *ğayn* ҳарфи бор (***sağar***, ***sağmaq***). Йўғон талаффузли сўзларга мисол: ***er barđï*** гапидаги ***barđï*** феълининг масдари ҳам ***barmaq*** дир, чунки бу феъл йўғон талаффуз қилинадиган сўзлардандир (***barïr***, ***barmaq***). ***turđï*** ҳам шундай (***turur***, ***turmaq***). *kāf* ли сўзга мисол: ***keldi*** феълининг масдари ***kelmäk*** дир. Жарангли *kāf* [*g*] ли сўзлар ҳам жарангсиз *kāf* ли кабидир. Чунончи, ***ol meni ögdi*** гапидаги ***ögdi*** феълининг масдари ҳам ***ögmäk*** дир. Сўзнинг бошида жарангли *kāf* келганда ҳам масдар жарангсиз *kāf* билан ишлатилади. Чунончи, ***er telim serdi*** гапидаги ***serdi*** феълининг масдари ***sermäk*** дир, чунки бу сўз ингичка талаффуз қилинувчи сўзлардандир, ***beg anï serdi*** (***serär***, ***sermäk***); ***er bitig türdi*** – киши хатни буклади, ўради гапидаги ***türdi*** феъли ҳам ингичка талаффуз қилинувчи сўзлардан бўлгани учун унинг масдари ҳам ***türmäk*** дир. ***ol yarmaq terdi*** – у танга-пул тўлади гапидаги ***terdi*** феъли ҳам ингичка талаффуз қилинувчи ***terär*** феълидир. Бунинг масдари ҳам ингичка ***termäk*** шаклидир. Шунингдек, ***at sürdi*** – от сурди гапидаги ***sürdi*** феълининг масдари ҳам ингичка ***sürmäk*** шаклидадир. Бу қоида ҳамма феълларда, ҳар қандай феъл бир хил қўлланувчи қатъий қоидалар. Бирор феъл тури бундан четга чиқмайди. Масдарда *-maq* ёки *-mäk* қўллашда унинг таркибида *qāf* ёки *kāf* борлигига эътибор берилиб, ана шу мисолларга қиёс қилиб билинади. Булар асосий масдарлар жумласидандир.

Масдарларнинг яна бир тури соф феъл шаклига ишловчи шахс маъносини англатувчи қўшимча қўшиш орқали ясалади. Бу хил масдар шакллари отлар туркумидаги сўзлар каби от ўрнида қўлланади. Булар феъл ўзагига йўғон сўзларда *-qï*, *-ğï*, ингичка товушли сўзларда *-ki*, *-gi* қўшимчаларининг қўшилиши билан ясалади. Ўзак буйруқ маъносини англатиши аниқдир: ***ol barïğ bardï*** – у бора боргунча бирор нарсага тўхтамай тик борди; ***anïŋ ïš qïlïğï belgülüg*** – унинг иши, феъли маълум; ***sögäl tïnïğï ortaq*** – касалнинг нафас олиши ёмон, оғир. Бу гапдаги ***tïnïğï*** феъли ***er uluğ tïndï*** – киши чукур нафас олди гапидаги ***tïndï*** феълидан олингандир. Яна ***meniŋ yorïqïm netäg?*** – менинг йўриғим ҳолим қандай? ***seniŋ yorïqïŋ netäg?*** – сенинг йўриғинг қандай? ***anïŋ yorïqï netäg?*** – унинг йўриғи қандай? каби. Бу гаплардаги ***yorïqï*** сўзи ***yorïđï*** феълидан изофа натижасида ясалган масдардир. ***yorïđï*** ўзагида *qāf* йўқдир. Бу сўздаги *qāf* изофа натижасида ортирилгандир. *ğayn* ҳарфига *qāf* қўшилиб, масдар ясалувчи сўзларда қўлланади. Бу хил масдарларнинг ясалиш қоидаси ўтган замон феълидан *-dï*, *-di* ташланиши натижасида ҳосил бўлган ўзак – буйруқдир.

*qāf* бўлмаган сўзлардан бу хил ясама масдар *kāf* қўшилиб ясалади: ***anïŋ yarmaq terigi kör*** – унинг пул йиғишини кўр. Мақолда шундай келган: ***Taz keligi börkčikä.*** – "Калнинг борар жойи – дўппифурушнинг дўкони" каби. Бу мақолда ўзига зарур нарсадан кечган киши ҳақида сўзланади. Бу иборадаги ***keligi*** масдарининг асли ***keldi*** дир. Бу сўзнинг маъноси ўзгартирилиб, масдар ясовчи *kāf* қўшилгандир. Шу мазмунли сўзларда *ğayn* ўрнида *qāf* қўлланмайди. Фақат *ğayn* қўшилиши мумкин бўлмаган жойлардагина *qāf* қўлланади. Бу *qāf* ўтган замон феъл қўшимчаси бўлган *dāl* билан *yā* орасига киради ва *muđā'af* масдарга айланади; *kāf* ҳарфи эса юқорида айтилган сўзларда қўлланади. ***anïŋ barduqï-barmaduqï bir*** гапидаги ***barduq-barmaduq*** сўзлари ***bardï*** феълидан ясалган бўлишли, бўлишсиз масдарлардир: Шунингдек, ***meniŋ turduqum-turmaduqum bir*** – менинг турган-турмаганим бир иборасидаги ***turduq-turmaduq*** сўзлари ҳам ***turdï*** феълидан ясалган бўлишли ва бўлишсиз масдарлардир. Бу мисолларда *ğayn* қўлланилишига ўрин йўқ. Чунки ***turduqï*** ўрнида ***turduğï*** дейиш мумкин эмас. Шунингдек, ***meniŋ barduqum-barmaduqum*** каби қўллаш мумкин эмас. Бу ер *ğayn* нинг ўрни эмасдир. ***anïŋ keldüki-kelmädüki bir*** – унинг келиш-келмаслиги бир, гапидаги ***keldük-kelmädük*** сўзлари *kāf* қўшилиб ясалган масдарлардир ва яна ***seniŋ kördükiŋ-***

***körmädüküŋ bir*** – сенинг кўриш-кўрмаслигинг бир, деганда ҳам шундай. Бу хил масдарларни мен исмлар бобида ҳам, феъллар бобида ҳам зикр қилмайман. Чунки бу ердаги қоидани ўзлаштирувчиларга бошқа ҳамма ерда бу хил масдарларни тушуниш қийин бўлмайди. Бу қоида ҳамма сўз турлари: *mujarrad* ва *mazid* ларда, *muḍā'af* сўзларда, чўзги ҳарфлари бўлган-бўлмаган феълларнинг ҳаммасида бир хилда қатъийдир.

Бу бобнинг (феъл шаклининг) буйруғи икки ҳарфлидир. Шунинг учун бу боб икки ҳарфли деб юритилади. ***bar***, ***kel*** буйруқ феъллари каби. Кўпинча турклар буйруқ феълининг тингловчи шаклида *qāf* келса ёки умуман йўғон талаффузли сўзларда ҳамда буйруқ охирида *ğayn* келганда *-ğïl*, *-qïl*, ингичка сўзларда ва ўзагида *kāf* ҳарфи бўлган сўзларда *-kil*, *-gil* орттириб қўллайдилар. Бу ҳолда икки ҳарфлилар тўрт ҳарфли, уч ҳарфлилар беш ҳарфли, тўрт ҳарфли олти ҳарфли боблардан саналади. Чунончи, ***barğïl***, ***turğïl*** каби. Бу сўзлар йўғон бўлгани учун *-ğïl* қўшилгандир.

Охири *ğayn* билан тугаган феълларнинг буйруқ шаклларида *-qïl* қўшилади: ***tağqa ağqïl***, ***süt sağqïl*** каби. Ўзакда *kāf* ҳарфи бўлган сўзларда *-gil* қўшилади: ***ewkä kirgil*** – уйга киргин; ***yarmaq tergil*** – танга-пул йиққин, бу мисолларда икки ҳарфли феъллар тўрт ҳарфлига кўчгандир. ***yük kötür*** – юк кўтар, ***tam ötür*** – девор теш гапларидаги ***kötür***, ***ötür*** уч ҳарфли феъллардир.

Булар ***kötürgil***, ***ötürgil*** шаклларида қўлланиб, уч ҳарфлилар беш ҳарфлига кўчгандир. ***at suwğar*** – отни суғор, ***meni uðğur*** – мени уйғот гапларидаги ***suwğar***, ***uðğur*** феъллари тўрт ҳарфли феъллардир. Буйруғи ***uðğurğïl***, ***suwğarğïl*** шаклида қўлланади. Бу олти ҳарфли буйруқлар бобига киради.

Буйруқ охирига *-ğïl*, *-qïl*, *-gil* қўшиш тингловчи бирликда бўлгандагина мумкин. Тингловчи иккита ёки ортиқ бўлса, бу қўшимчаларни қўшиб бўлмайди. Иккилик ва кўплик фарқсиз, бир хилдир. Музаккар, муаннас шакллари ҳам ўзаро фарқ қилинмайди, бир хил шаклда қўлланади. Бирлик учун ***bar***, иккилик учун ***barïŋlar ikigü*** (боринглар икковлашиб), кўплик учун ***barïŋlar qamuğ*** (боринглар ҳамманг) дейдилар. Тингловчи ёши катта, ҳурматли бўлса (ёлғиз бўлса ҳам), ҳурмат юзасидан кўплик шакли қўлланиб: ***barïŋ*** дейилади. Аслида бунинг маъноси "боринглар" демакдир.

Ўғуз ва қипчоқлар бирликда ***bar***, кўпликда ***barïŋ*** дейдилар. Улар кўплик қўшимчаси *-lär*, *-lar* ни туширириб қолдирадилар; *-lar*, *-lär* ўрнига тингловчи бирлигида *-iŋiz*, *-iŋiz* қўллайдилар. Ҳурмат учун бир кишига ҳам *-zā* орттирадилар, улар тилида бир кишига нисбатан ҳам кўплик устига кўплик қўлланади.

(Шоир) шундай деган:

***Awlap meni qoymaŋïz,***
***Ayïq ayïp qaymaŋïz.***
***Aqar közüm-uš teŋiz,***
***Tegrä yürä quš učar.***

Севиклисига айтмоқда: Мени овлаб ўзингизга асир қилганингиздан кейин, хўрлаб ташлаб қўймангиз, ваъдага вафо қилингиз, денгиз сувлари каби кўз ёшларим дарё каби оқаётир [Кўз ёшида тузлик (шўрлик) бўлгани учун шундай ўхшатма берилади]. Ахир кўз ёшларим атрофида қушлар учиб юрибди.

Бу ҳол тингловчи шахсидагина қўлланади, сўзловчи ва ўзга шахсларда бўлмайди. Чунки *ğunna* ли *kāf* (*ŋ*) ҳарфи тингловчи шахсига нисбатангина қўлланади. Чунончи, ***bardïŋ***, ***keldiŋ*** каби. Бу буйруқ шакли эмас, тингловчи ишидан хабар беришдир. Ўтган замон феъли ***bardïŋ*** шакли билан буйруқ шакли ***barïŋ*** шаклининг бир-бирларидан аниқ фарқли. Бу шаклларнинг

бир-биридан фарқи аниқ бўлгани учун бу икки шаклнинг охирида бир хил *ğunna* ли *kāf* ҳарфининг келиши зарарсиз.

Ўтган замон феълининг қўшимчаси *-dï, -di* сўзловчи, тингловчи, ўзга шахсларда ҳар вақт шу равишда *yā* [*-ï*] лидир. ***bardïm, bardïŋ, bardï*** каби. ***bardïm*** да *mīm* ҳарфи иш-ҳаракат сўзловчи томонидан бажарилганини билдирувчи белгидир. ***bardïŋ*** даги *ğunna* ли *kāf* тингловчининг, ***bardï*** даги *yā* [*-ï*] ўзгани билдирувчи белги (қўшимча)дир.

Турклар ҳурматли кишиларга нисбатан, гарчи у киши ёлғиз бўлса ҳам, ***bardïŋïz*** дейдилар. Ҳолбуки, *-ïŋïz* аслида кўпликни билдирувчи қўшимчадир. Ўғузлар буни фақат кўпликда қўллайдилар: ***bardïŋïz*** "ҳаммангиз бордингиз" демакдир. Бу ерда ўғузлар талаффузи қоидага мувофиқ бўлса ҳам, туркларникида ибороторолик, фасоҳат, катта-кичикни фарқ қилиш каби гўзаллик бордир. *-dï, -di* ҳамма ерда кўрсатганимиздек *yā* [*ï*] ли бўлади. Бу қоида ҳар бир феълда ва ҳар бир бўлимда ва ҳамма туркларда умумийдир.

Бу бобда ва бошқа бобларда фоил [ишловчини билдирадиган сифатдош] шакли ҳар хил мақсадлар учун беш хилда қўлланади: феъллардан ясалувчи сўз турлари ҳамма қабилаларда бир хил бўлса ҳам, иш-ҳаракатнинг бажарувчисини билдирувчи сифатдош шакли қабилалар тилида ҳар хилдир. Ҳамма ҳар хил тарзда фарқли қўлловчи биринчи шакл ишловчи мазмунини англатувчи фоил шаклидир: ***bardačï*** – борувчи, ***turdačï*** – турувчи каби. Бунда сифатдош ўтган замон феълидан ясалгандир. Ўтган замон феъл шаклини ясовчи *-dï, -di* қўшимчаси *dāl* билан *yā* [*i*] орасига *čīm* орттирилиб ясалади. Бу ўғуз, қипчоқ, яғма, уғрақ, суварин, пачанак, то *rus* ларгача бўлганлар тилига хос. Бу қоидага мувофиқдир. Чунки ***bardï*** феълида *dāl* ўтган замон феълининг қўшимчасидир; *yā* [*ï*] ўзгалик белгисидир. Тингловчи, сўзловчиларда *yā* [*ï*] нинг тушиши шуни кўрсатади: ***bardïŋ, bardïm*** дейилгандаги каби.

Ҳолбуки, *dāl* ўтган замон белгиси бўлгани учун ҳам ҳар бирида сақланади. Маълум бўладики, ***bardačï*** шаклида *čīm* билан *yā* [*ï*] фоил ишловчилик қўшимчасидир. Бу *yā* [*ï*] ўтган замондан хабар берувчи *yā* [*i*] эмасдир, демак, бу *yā* [*ï*] нисбат ва сифатни билдиради: ***etči*** – қассоб, ***etmäkči*** – новвой каби.

Исмларга *čīm* ва *yā* (*-čï, -či*) қўшиб, ҳунар эгаси исмлари ясашда ҳамма қавмлар иттифоқдирлар, бунда фарқ қилмайдилар. Чунончи, ***tarïğ*** – дон, ***tarïğčï*** – дон экувчи. ***etük, etükči*** – этик тикувчи каби бўлиб, уларда исм ясовчи қўшимча билан, яъни *-či, -či* экани аниқдир.

***bardačï*** (борувчи), ***turdačï*** (турувчи) сўзлари ҳам феълдан ясалган сифатдош шаклдир. Юқоридагилар исмлардан ясалган сифатдошлардир. Ҳаммасида (исм ва феълларда) бир хил бўлиши яхши эди.

Бу қоида *qāf* ли, *kāf* ли, йўғон талаффуз этилувчи ва бошқа хил сўзларда ҳам бир хил фарксиздир.

Чигил, кошғар, баласағун, арғу, барсған, уйғур ва Юқори *Sīn* гача бўлган қабилаларнинг ҳаммаси шу маънодаги ишловчини билдирувчи сифатдошларни буйруқдан ясайдилар. Ўтган замон феъли қўшимчаси *-di* ўрнига *qāf, ğayn* ҳарфлари бор ёки йўғон талаффуз қилинувчи сўзларда *ğayn*, бундан бошқа ингичка сўзларда жарангли *kāf* [*g*] қўшилади. *čīm* ва *yā* ўз ҳолида қолади. Булар тилида ***bar*** – буйруқ; ***barğučï*** – ишловчи сифатдошдир. ***tur*** буйруғининг сифатдош шакли ***turğučï*** шаклидир, *qāf* ли сўзларда ***ya qurğučï, tawar qapğučï*** – молни ўғирловчи, ***at suwğarğučï*** – от суғорувчи, ***meni uδğurčï*** – мени уйғотувчи каби. Таркибида *ğayn* ҳарфи бўлган икки ҳарфли сўзларда *ğayn* ҳарфи *qāf* га айланади. Чунки бундай сўзларда бир хил махражли икки бўғиз ҳарфи бирлашади. Ҳар иккисини айрим-айрим талаффуз қилиш оғир бўлгани учун шу оғирликдан қочиб, сингдириб сўзланади. Масалан: ***tağqa ağqučï*** ва ***qoy***

***sağqučï*** каби. Буйруқ шаклида ҳам қоида шудир. Буйруқ шакли охири *ğayn* билан битган сўзларда ҳам *ğayn qāf* билан алмаштирилади. Чунки ***tağqa ağqïl*** (токка чиқ), ***süt sağqïl*** (сут соғ) каби сўзларда ҳам қоида шудир.

Таркибида *kāf* ҳарфи бор сўзларда ўтган замон феъли қўшимчаси *dāl* ўрнига жарангли *kāf* [*g*] қўшилади. Чунончи, ***külgüči er*** – куладиган киши, ***ewkä kirgüči*** – уйга кирадиган киши каби. Ингичка талаффуз қилинадиган сўзларда ҳам шундай. Чунончи, ***yarmaq tergüčï*** – тангапул йиғувчи, ***at sürgüči*** – от ҳайдовчи, чопувчи каби.

Қоида ўғузлар ва юқорида ўғузлар билан бирга сўзланган қабилалар тилига мувофиқдир. Уларнинг сўзлари олдин кўрсатилган тартибдадир.

"Қиз қуда ва куёв кудалар орасидаги совчи" маъносидаги ***yorïğčï*** ва ***tarïğčï*** (деҳқон) сўзларида ўғузлар туркларга эргашадилар. Бу сўзларни улар ҳам ***yorïdačï***, ***tarïdačï*** демай, ***yorïğčï***, ***tarïğčï*** дейдилар. Ҳамма тилларда ҳам шундай. Бу сифатларни буйруқдан ясаганда, буйруқ охиридаги ҳарф ҳаракатсиз, сокин бўлса, охирги ҳарфга бир унли товуш орттирадилар. ***baručï*** – борувчи, ***turučï*** – турувчи каби.

Чунки ***bar*** буйруғи охирига бирор қўшимча қўшилса, *-rā* ҳаракат белгисини олади. Буйруқлик ҳолидан ўзгаради. Шунинг учун йўғон сўзларда *ğayn*, ингичка талаффузли сўзларда *kāf* [*g*] қўшиш зарур бўлган.

Бу хил сифат ҳамма бобларда, ҳамма қабилаларда ҳам бир хил, фарқсиз қўлланилиб келинган. Бу хил сифатларда шу мақсад учун фақат *ğayn*, *kāf* ҳарфларини орттириш масаласига келсак, бу ҳарфлар *muḍā'āf* бўлиб келган масдарларда ҳам қўлланишига мосдир. Чунончи: ***anïy turuğï netäg?*** (унинг ҳолати қандай?), ***taz keligi börkčikä*** (калнинг келадиган жойи дўппифуруш дўкони) гапларидаги تُرْغِي ва كَلِكِي сўзлари каби. Баъзан фоил масдарлар билан сифатланади: رَجُلٌ نَائِمٌ وَ رَجُلٌ صَائِمٌ иборалари رَجُلٌ نَوْمٌ وَ رَجُلٌ صَوْمٌ маъноларидадир. Чунончи, Қуръон оятида ҳам шундай келган: قُلْ اَرَاَيْتُمْ اِنْ اَصْبَحَ مَاؤُكُمْ غَوْراً гапидаги غَوْراً сўзи غائراً маъносидадир. Ҳамма туркий қабилалар тилида фарқ билан қўлланиладиган сифатлар шулардир.

Иккинчи, иш ва ҳаракатнинг кўп марталаб бўлганини, давомли эканини билдирувчи сифатдошдир. Бу сифатларнинг ясалиши ҳамма қабилаларда ва ҳар бир бўлимда бир хил бўлиб, буйруқ шаклидадир. Буйруқ шакли охирига йўғон *qāf* ли сўзларга *-ğan* ва ингичка сўзлар охирига *-gän* қўшилади. Чунончи, кўп марта такрорланувчи иш-ҳаракатни билдирувчи сифат – ***barğan*** – ***bar*** буйруғидан, ***turğan*** эса ***tur*** буйруғидан ясалгандир. Масалан: ***ol er-ol ewkä barğan*** – у киши уйга кўп борадиган; ***ol er-ol išlarqa turğan*** – у киши ишларга туриб берадиган, турган каби. (Шоир) шундай деган:

***Turğan uluğ išlaqa,***
***Tergi urup ašlaqa.***
***Tumluğ qadïr qišlaqa,***
***Qodtï erig umduru.***

Бир киши ҳақида ачиниб айтмоқда: У киши улуғ ишларга бардошли эди. Дастурхони қаттиқ қишларда очиқ эди, кишиларни ўзининг яхшиликлардан умидвор қилиб ташлаб кетди.

*kāf* ли сўзлардан ясалган бу сифатдош ***külgän er*** (кўп куладиган одам) иборасидаги ***külgän*** дир. Бу сўзнинг буйруқ шакли ***kül*** бўлиб, бунинг охирига *-gän* қўшиб тузилгандир. Иш-ҳаракатнинг кўп марталаб ишлатилганини билдирувчи сифатларда *ğayn*, *kāf* [*g*] қўшилганидай, ишни ишловчи мазмуннини англатувчи сўзларда ҳам *ğayn*, *kāf* [*g*] қўлланилгандир: ***barğučï***, ***kelgüči*** сингари.

Бу арабчадаги فعال مفعل сўзларига ўхшайди. Улар ишнинг кўп марталаб қилинганини англатиш учун شراب طلاغ مطعام مطعان шаклидаги сўзларни қўллайдилар.

Учинчи, бир иш қилинмасдан олдин, уни бажариш орзусида эканини билдирувчи сифатдир. Бу сифат феълнинг буйруқ шаклидан ясалмайди, ўзакнинг охири йўғон сўзларда ва таркибида *qāf* бўлган сўзларда *-ğsaq*, ингичка сўзларда ва таркибида *kāf* бўлган сўзларда *-gsäk* қўшилиб ясалади.

***bar*** буйругидан ишни ишлаш, ишлашга истак мазмунида ясалган сифат ***barïğsaq*** дир: ***ol ewkä barïğsaq-ol*** – у уйга боришни истовчидир. ***tur munda*** (шу ерда тур) гапидаги ***tur*** феълидан шу мазмундаги сифат ясалмоқчи бўлса, ***ol munda turuğsaq-ol*** – у шу ерда турмоқ истайди, тарзида тузилади. Таркибида *kāf* бўлган сўзлар: ***ol berü keligsäk erdi*** – у бу ерга келишни истовчи эди; ***ol ewkä kirigsäk-ol*** – у уйга киришни истовчидир; ***ol tawar terigsäk-ol*** – у мол тўплашни истовчидир. Бундай сифатлардан шу мазмун ифодалаш исталганда, исмлардан ҳам тузилади. Бу қоидани яхши эслаб қол.

Исмларда ҳам бу маъно англатмоқ исталганда, кишини шу сўз билан таърифланади. Чунончи, ***ol er-ol tawarsaq*** – у киши молпарастдир; ***bu uragut-ol ersäk*** – бу хотин эрсирагандир. Лекин исмдан ясалганда *ğayn, kāf* ҳарфларининг аҳамияти йўқ.

Тўртинчи, гапда хабар берилгани маълум ишни қилиш унинг ҳақи эканини билдирувчи сўз туридир. Бунда ишловчи бирор ишни қилишга қасд қилганини билдириш маъносидаги сифат деса ҳам бўлади.

Бу сифатлар буйруқ охирига *qāf* ли ва йўғон сўзларда сўз охири сокин бўлса, *-ğuluq*, ингичка сўзларда сўз бошидаги *ğayn* ва охирги *qāf* ўрнига *kāf* қўшиб ясалади. ***bar*** буйруғидан унинг ҳаки, мақсади деган мазмунни бериш исталганда ***barğuluq*** тарзида ясалади. Чунончи, ***ol barğuluq erdi*** – унинг бориши керак эди, бориш унинг ҳақи, у бориш ниятида эди; ***ol nunda turğuluq erdi*** – бу ерда туриш унинг ҳақи, унинг мақсади бу ерда туриш эди.

Ўғузларнинг баъзилари *lām* ҳарфи ўрнига *sīn* қўллайдилар: ***ol munda barïğsaq erdi*** – у бу ерда туришга ҳақли эди; ***ol mundïn barïğsaq tegül*** – у бу ердан кетмайдиган, доим шу ерда турадиган, демакдир.

Бу хил сифатлар икки ҳарфли феъллардан тузилса, беш ҳарфлига, уч ҳарфли феъллардан тузилса, олти ҳарфлига айланади. Тўрт ҳарфли феъллардан тузилса, етти ҳарфли бўлади. Уларни, Худо хоҳласа, ўз ўрнида кўриб ўтилади.

Бешинчи, ишловчининг ўз кўнглида шу ишни қилмоқ мақсадида эканини билдирувчи сифат. Бу хил сифат илгариги сифатга иш-ҳаракатнинг бажаришдаги қатъийлиги жиҳатидан яқинроқдир. Бу сифат буйруқ шаклидан ясалмайди. Бу сифатда ўзак охири *yā* билан чўзилади ва қўшимчанинг бош ҳарфи ҳар бир бўлимда ҳам *sukun* ли бўлади. Сўз ўзагига *qāf* ли ва йўғон сўзларда *ğayn*, таркибида *kāf* бўлган, ингичка сўзларда *kāf* [*g*] қўшиб ясалади. ***men seŋä barïğlï-men*** – мен сенга борадиганман, бормоқсиман, боришни ўйлаб юрибман, бориш ниятидаман; ***ol munda turuğlï-ol*** – у бу ерда турмоқчи, туриш ниятидадир. Таркибида *kāf* бўлган сўзлар мисоли: ***ol meŋä keligli turur*** – у менинг ёнимга келиши керак, келишга жазм қилган, келишни ўйлаб юрибди; ***ol meŋä tawar berigli-ol*** – у менга мол бериши керак, мол бермоқчи. Бу хил сифатлар ясама масдарга *lām* ва *alif* қўшиб ясалгандир. Ясама масдарлар буйруқ шакли охиридаги *sukun* ли ҳарф унли ҳарф билан ҳаракатланиб, чўзилиб *ğayn* ёки *kāf* қўшиб ясалишини юқорида айтган эдик. Чунончи, ***anïŋ barïğï kör*** (унинг боришини, кетишини кўр); ***anïŋ keligi kör*** (унинг келишини кўр) гапларидаги ***barïğï, keligi*** сингари. Юқорида баён қилинганидек, бу ясама масдарлар *lām* ва *alif* билан сифатга айланган. Бу хил

сифатлар ҳамма қабила лаҳжаларида бир хил, фарқсиз қўлланади. Шу хил сифатлар ҳар хил феъллардан ҳам юқоридагича беш хил мазмунда ишлатилади.

Иш-ҳаракатнинг бажарилганини билдирувчи (ҳаракат номи) шакли ҳамма феъл бобларида бир хил усулда – буйруқ шакли охирига *mīm* ва *šīn* қўшиб ясалади. Чунончи, "ёй қур" маъносидаги ***ya qur*** нинг шакли ***qurmïš ya*** (қурилган ёй)дир. Бу ***ya qur*** гапидаги ***qur*** буйруги охирига *mīm* ва *šīn* [яъни *-miš*] қўшиб ясалган. ***qazmïš arïq*** – қазилган ариқ ҳам шундай. Бу хил сифатларда ўзак ҳар қачон ўз ҳолида ҳеч қандай ўзгаришсиз сақланади. Ўтимли феълларда ўзакка *mīm* ва *šīn* [*-miš, -miš*] қўшимчаси қўшилади. Ўтган замон ўтимсиз феълларда ҳам *mīm* ва *šīn* қўшимчаси қўшилади. У ҳолда бу қўшимча ўтган замон гумон феъли ясайди: ***ewkä barmïš*** – (эшитишимча) уйга борган эмиш; ***ol meŋä kelmïš*** – (эшитишимга қараганда) у менга келган эмиш, каби. Бу мисолларда ишлатилган *mīm* ва *šīn* қўшимчаси ***bardï, keldi*** каби ўтган замон шаклини ясайди ҳамда *dāl* ва *yā* қўшимчаси [яъни *-dï, -di*] ўрнида қўлланади.

***bardï, keldi*** феъли билан ***barmïš, kelmiš*** феъллари орасидаги фарқ – бирида *dāl* ва *yā* қўшимчаси ўтган замонда бўлган ишни сўзловчи ўз кўзи билан кўрганидан, аниқлигидан хабар беради.

***bardï*** сўзининг маъноси: борганини ўзим кўрдим, боргани аниқ, демакдир. *mīm* ва *šīn* [*-miš, -miš*] қўшимчаси ҳам иш-ҳаракатнинг ўтган замонда бўлганини билдиради. Лекин бунда сўзловчининг ўзи кўрмагани, аниқ эмаслиги англашилади: ***ol barmïš*** – у борган эмиш, лекин борганини ўзим кўрмадим; ***ol kelmiš*** – у келган эмиш, лекин келганини ўзим кўрмадим, демакдир. Ўтган замон ўтимли, ўтимсиз феълларининг ҳар турида шу қоида доимий ва умумийдир. Йўғон, ингичка талаффузли сўзлар, музаккар ва муаннас шакллари фарқсиздир.

***barmïš, kelmiš*** сўзлари отлар олдида аниқловчи бўлиб келганда, сифатга айланади: ***barmïš kiši*** – борадиган киши; ***kelmiš er*** – келган киши. Бу ўринда ***bardï, keldi*** феълларидаги *dāl* ва *yā* ни қўллашнинг ўрни эмас.

Яғма, тухси, чигил, арғу, уйғур, то *Šīn* гача бўлган ҳамма қабилалар ўтган замон феълини *dāl* ва *yā* қўшиб ясашда иттифоқдирлар. Чунончи, ***bardï*** каби. Чунки бу феъл ***bar*** буйруғига *dāl* ва *yā* қўшиб ясалгандир. Ўғузлар ва қипчоқларнинг баъзилари – суворинлар *qāf, ğayn* ли сўзларда ва умуман йўғон сўзларда *yā* ўрнига *qāf* алмаштириб, *dāl* ва *yā* эмас, *dāl* ва *qaf, kāg* ли ва умуман ингичка талаффузли сўзларда *dāl* ва *yā* ўрнига *dāl* ва *kāf* қўшадилар. Буларда бирлик ва кўплик ҳам бир шаклда, фарқсиздир. Чунки улар *qāf* ли сўзларда: ***ya qurduq*** – у ёй қурди, тарзида қўллайдилар. "Мен ёй қурдим" ўрнида ҳам фарқсиз, бир хилда ***men ya qurduq*** шаклини қўллайдилар: ***biz ya qurduq*** – биз ёй қурдик, каби. *ğayn* ли сўзларга мисол: ***ol süt sağdï (sağduq?)*** – у сут соғди; ***olar tağqa ağduq*** – улар тоққа чиқдилар. Сўзлови учун ҳам шундай: ***biz ağduq*** – биз юқори чиқдик. Йўғон талаффузли сўзларда ҳам улар *dāl* ва *yā* ўрнида *dāl* ва *qāf* қўллайдилар: ***ol anï urduq*** – у уни урди; ***men munda turduq*** – мен бу ерда турдим, каби. *kāf* ли ёки ингичка талаффузли сўзларда улар *dāl* ва *kāf* қўллайдилар. Чунончи, ***ol keldük*** – у келди; ***biz keldük*** – биз келдик; ***olar ewkä kirdük*** – улар уйга кирдилар. Майлли сўзларда ҳам шундай: ***men aŋar tawar berdük*** – мен унга мол бердим; ***men yarmaq terdük*** – мен танга тўпладим.

Хулоса қилиб айтганда, уларда, юқоридаги мисолларда кўрганингиздек, бирлик билан кўплик орасида фарқ йўқдир.

Кўпчилик ўғузлар ўтган замон сўзловчи шаклида ***bardïm*** феълидаги *mīm* ўрнидагина бирликда ҳам, кўпликда ҳам *qāf* ёки *kāf* ҳарфларини қўллайдилар. Қолган шаклларда, яъни ўтган замон ўзга шаклида турклар билан бирлашадилар: ***bardï*** ўрнида ***barduq, keldi*** ўрнида ***keldük*** қўллаб бузмайдилар.

Буйруқ шакли ҳамма лаҳжаларда бир хил, фарқсиздир. Бўлишсиз феълларнинг ***barmadïm, kelmädim*** каби сўзловчи шаклида ҳамма қабилаларда фарқ йўқдир. Аниқ ўзга бўлишсиз шаклида ***barmaduq*** – бормади (шундай эшитдим ёки кўрдим), ***kelmädük*** – келмади (шундай эшитдим ёки ўзим кўрдим).

Келаси замон инкор феълида ҳам қоида аниқ феълда кўрганимиздекдир: ***barmïš*** – борган эмиш, борганини мен кўрмадим; ***kelmiš*** – келган эмиш, келганини ўзим кўрмадим. Бўлишсизлик белгиси қўшилганда *qāf* ли йўғон талаффузли сўзларда ёки *kāf* ли ингичка сўзларда ҳам, ҳамма феълларда ҳам шу маъно, шу қоида ўзгармайди. Аниқ феълнинг бўлишсиз шаклида ҳам қоида шу хилдадир: ***barmadï*** – (ҳақиқатан) бормади, ***kelmädi*** – (ҳақиқатан) келмади, каби. Ўғузлар ***bardï, keldi*** ўзга ва сўзловчи феъллардаги охирги *yā* ўрнига *qāf* ёки *kāf* га алмаштириб, ***barduq, keldük*** тарзида қўллайдилар: ***barmaduq*** (бормади), ***kelmädük*** (келмади) бўлишсиз феълларида ҳам *qāf, kāf* қўлланади. Бу қоида ҳамма феълларда қатъийдир.

Таъкид маъносидаги масдар арабчанинг акси тарзида феълдан олдин келади: ***ol barmaq bardï*** – у ҳеч қаёққа қарамай борди; ***ol kelmäk keldi*** – у аниқ келди, каби.

Феълнинг тусланиши қуйидагичадир: ***bardï*** (феълнинг ўтган замон шакли), ***barïr*** (келаси замон шакли), ***barmaq*** (масдар), ***bar*** (буйруқнинг бирлиги), ***barïŋlar*** (буйруқнинг кўплиги). Ҳурмат учун буйруқ шаклига *-lar, -lär* қўшиш туркларга хосдир. Ёлғиз кишига ҳурмат юзасидан ***barïŋ*** дейилади ва ҳоказо.

Бўлишсиз феъллар ҳамма тилларда бир хил бўлиб, буйруқ шакли охирига *mīm* ва *alif* [яъни, *-ma, -mä*] қўшиш билан ясалади. Масалан: ***barma*** – борма, ***turma*** – турма, ***barmaŋlar*** – борманг, ***turmaŋlar*** – турманг, каби. ***ol barmasun*** – у бормасин (бўлишсиз буйруғининг ўзга бирлиги), ***kelmäsün*** – келмасин (бўлишсиз буйруғининг ўзга бирлиги), ***barsun*** – борсин, ***kelsün*** – келсин (буйруқнинг ўзга бирлиги), тингловчи буйруқ шаклига ҳамма лаҳжаларда бир хил, *sīn* ва *vāv* ва *nūn* (*-sun, -sün*) қўшиш билан ясалади. ***barïr-men*** – бораман (сўзловчи бирлиги). Ўғузлар келаси замон феълидаги ўзак таркибида бўлган *rā* ҳарфини сақлаб, келаси замон қўшимчаси бўлган *rā* ҳарфини туширадилар. Масалан: ***men baran*** – мен бораман, ***men turan*** – мен тураман, каби.

Ўзак таркибида *rā* ҳарфи бўлмаган тақдирдагина, келаси замон қўшимчаси бўлган *rā* ҳарфини тақазо қилади: ***men kelirän*** – мен келурман, каби.

Ўғузлар ***men külärän*** (мен куламан) дейдилар, чунки ***küldi*** сўзида *rā* ҳарфи йўқдир. Шунингдек, ўғузлар ***men barïr-men*** (мен бораман) гапидаги ***barïr-men*** феълидан охирги *mīm* ҳарфи ўрнига *alif* қўйиб, ***barïran*** тарзида қўллайдилар. Яна улар ***men ya qurar-men*** ўрнида ***men ya quraran*** (мен ёй қураман) дейдилар. Туркlар бу феълни икки *rā* билан ***qurar-men*** тарзида қўллайдилар. Биринчи *rā* ўзак таркибида бор, иккинчиси келаси замон қўшимчасидир. Бу усул қоидага мувофиқдир. Ўғузлар талаффузи қоида усулига мувофиқ эмас, лекин унда енгиллик бор. ***ol barmas*** (келаси замон бўлишсиз феълининг ўзга бирлиги), ***men barmas-men*** (бўлишсиз феълининг келаси замон сўзловчи бирлиги). Буларда ихтилоф йўқдир, ҳамма қабилалар бу жиҳатдан иттифоқдир.

Бўлишсиз феълнинг келаси замон шаклини ясаш қоидаси ҳамма феълларда (хоҳ ўзга бўлсин, хоҳ сўзловчи бўлсин) бир хил – буйруқ шакли охирига *-mas, -mäs* ва кўплик учун *-lar, -lär* қўшилади. Маслан: ***olar barmaslar*** – улар бормайдилар, ***bular barmaslar*** – булар бормайдилар, ***biz barmasmïz*** – биз бормаймиз, каби.

Иш-ҳаракатнинг келаси замонда бажарилишини англатиш учун буйруқ шакли охирига йўғон сўзларда *-ğay,* бошқаларда *-gäy; ğayn* ли сўзларда эса *-qay* қўшилади: *ol ya qurğay* – у ёй

қуради; ***ol süt sağqay*** – у сут соғади; ***ol ewkä barğay*** – у уйга боради; ***ol meŋä kelgäy*** – у мен(инг ёним)га келади; ***ol yarmaq tergäy*** – у танга йиғади.

Келаси замон феълининг ясалиши ҳамма қабилаларда, ҳамма феъллар учун бир хил бўлиб, фарқ қилмайди.

Ишловчи иш-ҳаракатни бажариш шарафига муваффақ эканини, уни қилишга эришаётганини билдирувчи феъллар ҳамма лаҳжаларда бир хил: *qāf* ли, умуман йўғон талаффуз қилинувчи сўзларда буйруқ охирига *-ğalïr*, бошқаларда *-gälir* қўшимчаси қўшиб ясалади: ***men barğalïr-men*** – мен бориш шарафига эгаман; ***men turğalïr-men*** – мен туриш шарафига эгаман; ***ol ya qurğalïr*** – у ёй қуриш шарафига эга; ***ol tağqa ağqalïr*** – у тоққа чиқиш шарафига эга, тоққа чиқишига яқин қолди; ***ol ewkä kirgälir*** – у уйга кириш шарафига эга, уйга киришига яқин қолди; ***ol yarmaq tergälir*** – у пул йиғишга эришган, пул йиғишга мойил. Бу ҳамма феълларда доимий қоидадир.

Исми замон – замон оти, исми макон – жой оти ва қурол отлари йўғон талаффузли, таркибида *qāf* ҳарфи бўлган сўзларда сўз ўзагига *-ğu* ва ингичка талаффузли, таркибида *kāf* ҳарфи бўлган сўзларда *-gü* қўшимчасини қўшиш билан ясалади. Бу қоида чигил, яғма, тухси, арғу, уйғур, то Юқори *Sïn* гача бўлган ҳамма қабилалар тилларига тегишлидир. Ўғузлар ва қипчоқ, пачанак, булғар тилларида бу хил сўзлар феълнинг буйруқ шакли охирига *-asï, -äsi* қўшимчасини қўшиш билан ясалади. Масалан, замон оти: ***bu ya qurğu oğur ermäs*** – бу ёй қурадиган вақт эмас; ***bu turğu yer ermäs*** – бу турадиган жой эмас. Ўғузлар буни: ***bu ya qurasï oğur tegül*** (бу ёй қурадиган пайт эмас); ***bu turasï yer tegül*** (бу турадиган жой эмас) тарзида қўллайдилар. ***bu tağ ağqu (oğur) ermäs*** – бу тоққа чиқадиган вақт эмас. Юқорида ўзакнинг охири *ğayn* билан битганда, *ğayn* эмас, унинг ўрнига *qāf* қўшилиши айтилган эди. Бунда ўзак охирида *qayn* бўлгани учун *-ğu* қўшимчаси ўрнига *-qu* қўшилган сўзга мисолдир. Ўғузлар бу мазмундаги гапни ***bu tağ ağasï oğur tegül*** (бу тоққа чиқадиган вақт эмас) тарзида қўллайдилар. Кўринадики, ўғузлар вақт-замон отига ***oğur***, жой отига ***yer*** сўзини қўшиб қўллайдилар. Таркибида *kāf* ҳарфи бўлган сўзларга мисол: ***bu ewkä kirgü öð-ol*** – бу уйга кирадиган пайтдир; ***ol bizkä kelgü boldï*** – у бизникига келадиган бўлди. Ўғузлар бу маънони англатиш учун шу ўринда ***ol bizkä keläsi boldï*** (у бизникига келадиган бўлди) деб қўллайдилар. Бу хил феъллар от ўрнидадир, чунки улар от билан бирикиб изофа шаклида ишлатилади: ***seniŋ barğuŋ qačan?*** – сен қачон борасан? каби. Ушбу маънони англатиш учун ўғузлар ***seniŋ barasïŋ qačan?*** дейдилар. Яна: ***meniŋ barğum yaqtï*** – менинг кетишим яқинлашди; ***aniŋ barğusï*** – унинг бориши, демакдир. Ўғузлар бу гап ўрнида ***meniŋ barasïm*** дейдилар. Бу хил отларнинг ясалишида ўғузлар қоидасига кўра, ўзак охирига *sïn* ва *ya* (*-sï, -si*) қўшилади. Улар тилида бу хил сўзларнинг йўғон, ингичкалиги фарқ қилмайди. Бошқа туркий лаҳжаларда эса бу масалада баъзи фарқлар бор.

Феъллардан ясалган қурол отлари феъллик хусусиятини йўқотиб от ўрнида келади. Чунончи, ***yegü näŋ*** – ичига ош солиб ейиладиган нарса (лаган, товоқ; бундаги ***yegü*** от вазифасидаги сўздир). ***urğu*** – уриш учун ишлатиладиган нарса, масалан, қамчи, чивиқ (бу от вазифасидаги сўздир). ***yïğač bïčğu*** – ёғоч кесадиган ускуна, болта; ***sorğu*** – сўрадиган асбоб, қурол; эмизик, қоруқ каби нарсалар. Бу сўз ***emik sordï*** (эмчак сўрди, эмди) сўзидан олингандир. Бу отлар йўғон, ингичка талаффузли сўзлар фарқига мувофиқ, *ğayn, qāf, kāf* ҳарфлари қўшилишида юқорида кўрсатилган қабилалар тилларида фарқ қилади. Лекин ўғузлар фарқ қилмайдилар. Бунинг қоидаси юқорида айтиб ўтилди.

Ўғузларда курол отлари ҳамма феъллардан ҳам *sīn* ва *yā* қўшиб ясалади. Чунончи, ***yïğač bïčasï näŋ*** – ёғоч кесадиган нарса, асбоб. Яна: ***yegäsi näŋ*** – овкат ейиладиган нарса (лаган, товоқ).

Бу бобда (икки ҳарфли феъллар бобида) мен кўрсатган қоидалар шу бобнинг ўзигагина тегишли эмас. Булар уч ҳарфли, тўрт ҳарфли, беш ҳарфли, олти ҳарфли феълларда ҳам бир хил қўлланади. Лекин у ерларда худди шу тартибда кенг кўрсатиб бермай, мен кўпинча шунга ҳавола қиламан. Шунинг учун бу қоидаларни шу ерда пухта ўзлаштириш зарур.

Бу қоидалар туркий тиллар усулларини тушунтирувчи бир асосдир. Шунинг учун мен бу ҳақда бир қанча дафтарлар тўлдирдим.

Бу қоидаларни ўрганган киши эшитган, нотаниш туркий сўзларнинг ҳар бирини шуларга қиёс қилиб, ясалиш қоидаларини ўз-ўзидан аниқлай олади. Буни яхши англаб ол.

Икки ҳарфлилар бўлими тугади.

## УЧ ҲАРФЛИЛАР БЎЛИМИ

### *fa'aldī* қолипидаги ҳаракатлар билан қўлланувчи сўзлар боби

ر ***r*** [ҳарфи]:

[تُبُرْدِی ***tübürdi*** **(тубурди)**] ***tübi tübürdi*** – шамол қўзғалиб, тупроқни тўзитди (***tübirär, tübirmäk***). Мақолда (шундай келган): ***Tütüšmägінčä tüzülmäš, tübirmägінčä ačilmas.*** Маъноси: "Урушмагунча, қаршилашмагунча яраш бўлмайди, шамол қўзғалмагунча, ҳаво очилмайди". Бу мақол қаршилашган икки киши орасини келиштириш, улфатлаштиришни истаган кишига қарата айтилади.

[قَبَرْدِی ***qabardï*** **(қабарди)** – қаварди] ***baš qabardï*** – яра шишди (***qabarur, qabarmaq***). Асли قَابَرْدِی, лекин قَبَرْدِی варианти яхши.

[قُتُرْدِی ***qoturdï*** **(қўтурди)** – бўшатди] ***ol unuğ qoturdï*** – у унни бир идишдан иккинчи идишга бўшатди (***qoturur, qoturmaq***).

[قُپُرْدِی ***qopurdï*** **(қўпурди)** – турғизди] ***ol meni orunđïn qopurdï*** – у мени ўриндан турғизди, қўзғатди. Ўрнидан қўзғалган ҳар бир нарсага ҳам шу сўз қўлланади (***qopurur, qopurmaq***). Мақолда (шундай келади): ***Tütün qopursa, ïslanur.*** Маъноси: "Ким тутунни қўзғатса, ўзига тутайди". Бу мақол бирор фитнани қўзғатган кишига ҳам фитнанинг алами етади, деган маънода қўлланади.

[كُبُرْدِی ***köpürdi*** **(кўпурди)**] ***ešič köpürdi*** – қозон ва бошқа нарсалар кўпирди; ***süt köpürdi*** – сут кўпирди. Кишининг оғзи кўпиришига ҳам шу сўз қўлланади (***köpürür, köpürmäk***).

[بُتُرْدِی ***bütürdi*** **(бутурди)** – битирди, тузатти] ***ot basïğ bütürdi*** – дори ярани тузатди.

[بُتُرْدِی ***bütürdi*** **(бутурди)** – исбот қилди] ***anïŋ üzä alïmïn bütürdi*** – унинг устидаги олимини, қарзини ҳужжат билан исбот қилди. Қарздан бошқа нарсаларга ҳам шу сўз қўлланади (***bütürür, bütürmäk***).

[بَتُرْدِی ***baturdï*** **(батурди)** – яширди] ***ol sözin mendin baturdï*** – у сўзини, сирини мендан яширди.

[بَتُرْدِی ***baturdï*** **(батурди)** – ботирди] ***ol anï suwqa baturdï*** – у уни сувга ботирди. Қандни бўламиққа ботириш каби ҳар бир суюқ нарсага ботиришга ҳам шу сўз қўлланади (***baturur, baturmaq***).

[تَتُرْدُمْ ***taturdum*** **(татурдум)** – тоттирдим, едирдим] ***men aŋar aš taturdum*** – мен унга ош едирдим (***taturur-men, taturmaq***).

[تُتْرْدِى] ***tütürdi*** (**тутурди**) – туттирди] ***ol aŋar ït tütürdi*** – уни тутиб олиш учун итини солди. Бу сўзнинг ***tütkürdi*** талаффузи ҳам бор. Аслида ***ït tüttürdi*** (учта ***tā*** ли)дир. Енгиллик учун бир ***tā*** туширилган (***tüttürür***, ***tüttürmäk***).

[تُتْرْدِى] ***tuwurdï*** (**тувурди**) – чимирди] ***at qulaqïn tuwurdï*** – от қулоғини чимирди (Бу от бирор нарсадан таъсирланганда икки қулоғини тикрайтишидир) (***tuwïrar***, ***tuwïrmaq***).

[قَتَرْدِى] ***qatardï*** (**қатарди**) – қайтарди] ***ol atïğ qatardï*** – у отни қайтарди; ***yağï qatardï*** – ёвни ва бошқаларни қайтарди (***qatarur***, ***qatarmaq***). (Шоир) шундай деган:

***Erdi ašïn taturğan,***
***Yawlaq yağïğ qatarğan.***
***Boynïn tutup qaδïrğan,***
***Bastï ölüm ağtaru.***

Йиғлаб айтиб тургани: Ошини (дўстга) едирадиган [сахий], ёв тўдасини қайтарадиган, ёв бўйнини қайирадиган эди. Ўлим уни ағдарди.

[قَتُرْدِى] ***qaturdï*** (**қатурди**) – қотирди] ***ol yumšaq näŋni qaturdï*** – у юмшоқ нарсани қотирди (юмшоқ темирни қотиргани каби юмшоқ нарсани қотирди); ***taš yer anï qaturdï*** – чет эл (мусофирчилик) уни тажриба ва имтиҳондан ўтказиб пишитди (***qaturur***, ***qaturmaq***).

[قُتُرْدِى] ***quturdï*** (**қутурди**) – шодланди, ўсди, кутурди] ***oğlan quturdï*** – бола кутурди, ҳеч кимни менсимайдиган бўлиб қолди.

[قُتُرْدِى] ***quturdï*** (**қутурди**)] ***tarïğ quturdï*** – экинлар кутурди, ортиқ шиддат билан ўсди. Меъёридан ўтган ҳар нарсага ҳам ***quturdï*** дейилади ([***quturur***], ***quturmaq***).

[كُتُرْدِى] ***kötürdi*** (**кўтурди**) – кўтарди] ***er yük kötürdi*** – киши юк кўтарди. Хотинларнинг юк (ҳомила) кўтаришига ҳам шу сўз қўлланади (***kötürür***, ***kötürmäk***). Мақолда (шундай келган): ***Teväy / tewi yük kötürsä, qamïč yemä kötürür.*** Маъноси: "Ҳамма юкни кўтарган туя чўмични ҳам кўтаради". Бу сўз арабларнинг اتبع الفرس لجامه деган мақоли кабидир.

[سُجْرْدِى] ***sücirdi*** (**сучирди**) – чучиди] ***ačïğ näŋ sücirdi*** – аччиғ нарса чучиди, ширин бўлди (***sücirär***, ***sücirmäk***).

[قَجْرْدُمْ] ***qačurdum*** (**қачурдум**) – қочирдим, ҳайдадим] ***men anï qačurdum*** – мен уни қочирдим; унинг эсини чиқариб, тумтарақай қилиб қочирдим (***qačurur-men***, ***qačurmaq***).

[كَجْرْدِى] ***kečürdi*** (**кечурди**) – кечирди, ўтказди] ***ol meni suwdan kečürdi*** – у мени сувдан кечирди, ўтказди.

[كَجْرْدِى] ***kečürdi*** (**кечурди**) – гуноҳини кечирди, гуноҳидан ўтди] ***beg aniŋ yazuqïn kečürdi*** – бек унинг гуноҳини кечирди (***kečürür***, ***kečürmäk***).

[كُجْرْدِى] ***köčürdi*** (**кўчурди**) – кўчирди] ***ol anï ewdin köčürdi*** – у уни уйдан кўчирди.

[كُجْرْدِى] ***köčürdi*** (**кўчурди**) – кўчириб ёзди] ***ol bitig köčürdi*** – у китоб ёзди. Бир нусхадан бошқасига кўчирди. Бирор нарсани бир жойдан иккинчи жойга кўчиришга ҳам шу сўз қўлланади.

[كُجْرْدِى] ***köčürdi*** (**кўчурди**) – кўчирди] ***ol köčüt köčürdi*** – у ўтни бир жойдан бошқа бир жойга кўчирди (***kečürür (köčürür?)***, ***kečürmäk (köčürmäk?)***).

[تُدْرْدُمْ] ***toδurdum*** (**тўдурдум**) – тўйдирдим] ***men anï toδurdum*** – мен уни тўйдирдим. Асли ***toδğurdum*** дир (***toδrur-men***, ***toδurmaq***).

[قَدْرْدِى] ***qaδïrdï*** (**қадирди**) – қайирди] ***ol aniŋ boynïn qaδïrdï*** – у унинг бўйнини ва бошқа нарсаларни қайирди.

[قَدْرْدِى] ***qaδïrdï*** (**қадирди**) – қайирди; кесди] ***ol aniŋ sözin qaδïrdï*** – у унинг сўзини қайирди (***qaδïrar***, ***qaδïrmaq***).

[بَقْرْدِی *baqurdï* (**бақурди**) – қаратди] ***ol meŋä kiši baqurdï*** – у менга бировни қаратди (***baqurur, baqurmaq***).

[چِقْرْدِمْ *čïqardïm* (**чиқардим**) – чиқардим] ***men anï ewdän čïqardïm*** – мен уни уй ва бошқа ерлардан чиқардим (***čïqarur, čïqarmaq***).

[سَقِرْدِی / سِقِرْدِی *sïqïrdï / saqïrdï* (**сиқирди / сақирди**) – овоз чиқарди] ***quš sïqïrdï / saqïrdï*** – қуш чуғур-чуғур қилиб сайради; ***kiši sïqïrdï*** – киши ҳуштак чалди (***sïqïrar, sïqïrmaq***).

[قِیقْرْدِی *qïqïrdï* (**қиқирди**) – қичқирди, қийқирди] ***er qïqïrdï*** – киши бировни, бирон нарсани чақираётгандек, баланд овоз билан қичқирди (***qïqïrar, qïqïrmaq***). (Шоир) шундай деган:

***Quδï qïqrïp oğuš terdim,***
***Yağïqaru kiriš qurdum.***
***Toquš ičrä uruš berdim,***
***Erän körüp baši tïğdï.***

Айтмоқдаки: Қуйи томон қийқириб, қавмимни йиғдим, ёвга қарши ўқни камонга жойладим. Жанг майдонида отишдим. Менинг йигитларимни кўриб, бошини панага олди.

[تَگْرْدِی *tegürdi* (**тегурди**) – еткизди, тегдирди] ***ol meŋä begdin söz tegürdi*** – у менга бек ва бошқалардан сўз тегизди (***tegürür, tegürmäk***).

[چُکْرْدِی *čökürdi* (**чўкурди**) – чўктирди] ***ol tewäy čökürdi*** – у туяни чўктирди. Кишини чўккалатишга ҳам шу сўз ишлатилади (***čökürür, čökürmäk***).

[کِکِرْدِی *kekirdi* (**кекирди**) – кекирди] ***er kekirdi*** – киши ва бошқалар кекирди (***kekirär / kekrär, kekirmäk***).

[کُوکَرْدِی *kökärdi* (**кўкарди**)] ***kökärdi näŋ*** – нарса кўкарди, осмон рангига кирди (***kökärür, kökärmäk***).

[کُلَرْدِی *kölärdi* (**кўларди**)] ***kölärdi suw*** – кўллаган сув; сув тўпланиб кўлга ўхшади, кўлга айланди (***kölärür, kölärmäk***).

[کُلَرْدِی *kölärdi* (**кўларди**)] ***at kölärdi*** – отнинг қорни дамланиб, шишганидан чалқанча ётди (***kölärür, kölärmäk***). Мақолда (шундай келган): ***Er oğlï muŋaδmas, it oğlï kölärmäs.*** Маъноси: Итнинг боласи доимо отга ўхшаб чалқанча ёта олмаганидек, одам боласи доим изтиробда қолмайди, бирор юмуш билан ундан қутулади.

[تَمَرْدِی *tamurdï* (**тамурди**)] ***er burnï tamurdï*** – кишининг бурни қонади.

[تُمَرْدِی / تُمِرْدِی *tumurdï / tumïrdï* (**тумурди / тумирди**)] ***er yïğač tumurdï / tumïrdï*** – киши ёғочни устуннинг ва шунинг кабиларнинг тубига ўхшатиб доира қилиб кесди (***tumurur, tumurmaq***).

[چُمَرْدِی *čomurdï* (**чўмурди**) – чўмдирди, шўнғитди] ***ol anï suwqa čomurdï*** – у уни сувга чўмдирди, шўнғитди, ботирди (***čomrur, čomurmaq***). Ёки ***čömürdi, čömürür, čömürmäk*** ҳам дейилади. Бу шакл биринчисига қараганда чуқурроқ чўктириш маъносидадир

[سِمْرْدِی *simürdi* (**симурди**) – симирди] ***ol sütüg simürdi*** – у сутни ва бошқаларни симириб ичди (***simürür, simürmäk***).

[سُپُرْدِی *süpürdi* (**супурди**) – супурди] ***ol ew süpürdi*** – у уй ва бошқа жойларни супурди (***süpürür, süpürmäk***).

[کَمَرْدِی *kemürdi* (**кемурди**) – кемирди] ***ol söŋük kemürdi*** – у сўнгак кемирди (***kemürür, kemürmäk***).

[تُنَرْدِی *tünärdi* (**тунарди**) – қоронғилашди] ***tünärdi yer*** – жой қоронғилашди, қоронғи бўлди. Замонга ҳам шундай дейилади (***tünärür, tünärmäk***).

ز z [ҳарфи]:

[تَبُزْدِى *tabuzdï* (**табуздй**) – пичинг қилди] ***ol meŋä söz tabuzdï*** – у менга пичинг қилди, илмоқли қилиб сўзлади (***tabuzur, tabuzmaq***).

[تُتُزْدُمْ *tutuzdum* (**тутуздум**) – ишорат қилдим] ***men aŋar söz tutuzdum*** – мен унга сўзни ёки риоя қилиш керак бўлган нарсани ишорат қилдим, уқтирдим (***tutuzur, tutuzmaq***).

[تَمُزْدِى *tamuzdï* (**тамуздй**) – томизди] ***ol suw tamuzdï*** – у сув ва бошқа нарсаларни томизди (***tamuzur, tamuzmaq***).

[كُدُزْدِى *ködäzdi* (**кўдаздй**) – кутди, сақлади] ***ol meŋä ködäzdi*** – у нарсани менга сақлади, асради. ***ol meni ködäzdi*** дейилади, "у мени кутди" маъносидадир; ***ködäzdi*** – бу сўз "сақламоқ" ва "кутмак" маъноларида қўлланади (***ködäzür, ködäzmäk***). Бу сўзнинг асли ***köz attï***, яъни эсида тутиш учун кўзини бир нарсага отди, ташлади, демакдир. Бошқа бир тилда ***küzätti*** (кузатди)дир. Бу феъллардаги *zä* ҳарфи қоидадан ташқаридир. Чунки ўтимсиз феъллар буйруқ охирига *rä* ҳарфи қўшиш билан ўтимли бўлади, *zä* қўшиш билан эмас. Чунончи, ***er qačtï*** гапидаги ***qačtï*** ўтимсиз феълдир. Бу феълнинг ўтимли шакли ***qačurdï*** дир, ***ol anï qačurdï*** гапидаги сингари. Бу ерда ўтимсиз феъл ўзакка *rä* орттириш билан ўтимлига айланган. ***er suw kečti*** гапидаги ***kečti*** феъли ҳам ўтимсиздир. ***ol anï kečürdi*** гапида эса ***kečürdi*** ўтимлидир, яъни аслида ўтимсиз бўлган ***kečti*** (ўтди) феъли ўзакка *rä* орттириш билан ўтимли феълга айланган. ***suw tamdï*** (сув томди), ***meni köδti*** (мени кутди) гапларидаги ***tamdï***, ***köδti*** ўтимсиз феълларининг ўтимлиси ҳам *zä* билан эмас, *rä* ҳарфи билан бўлиши қоидага мувофиқ эди. Ўғузлар баъзи сўзлардаги *rä* ҳарфини *zä* га алмаштирадилар. Чунончи, улар ***ol tawar alduzdï*** (унинг моли тортиб олинди, шилиб олинди) дейдилар. Бунинг асли ***aldï*** дир.

ش *š* [ҳарфи]:

[تِپِشْدِى *tepišdi* (**тепишдй**) – тепишди] ***ol meniŋ birlä tepišdi*** – у мен билан тепишди (***tepišür, tepišmäk***).

[قَپِشْدِى *qapïšdï* (**қапишдй**) – тез олди] ***ol meniŋ birlä topïq qapïšdï*** – у чавгон ва бошқа ўйинларда тўпни мендан тез олди, тез ўйнади (***qapïšur, qapïšmaq***).

[قَپُشْدِى *qopušdï* (**қўпушдй**) – курашди] ***ol meniŋ birlä qopušdï*** – у мен билан тик туришда баҳслашди. Кўмаклашишга ҳам шу сўз қўлланади (***qopušur, qopušmaq***).

[كُپُشْدِى *köpüšdi* (**кўпушдй**) – силкишди] ***ol meŋä ton köpüšdi*** – у менга кийимни қоқишда ёрдам берди, силкитишди. "Баҳслашмоқ" маъносида ҳам шу сўз қўлланади (***köpüšür, köpüšmäk***).

[بِتِشْدِى *bitišdi* (**битишдй**) – битишди] ***ol meŋä bitig bitišdi*** – у менга хат битишда (ёзишда) ёрдам қилди. Баҳслашишга ҳам шу сўз қўлланади (***bitišür, bitišmäk***).

[بِتِشْتِلَرْ *bitištilär* (**битиштилар**) – битишдилар] ***olar ikki bitištilär*** – улар икковлари битишдилар, уларнинг ҳар бири бошқасининг унга қилган даъвосини тан олдилар (***bitišürlär, bitišmäk***).

[تُتُشْدِيلَرْ *tutušdïlar* (**тутушдилар**) – тутишдилар] ***olar ikki tutušdïlar*** – улар иккиси бир-бири билан тутишди. Шунингдек, бир нарсанинг бошқа бир нарсага ёпишишига ҳам, шу сўз қўлланади (***tutušur, tutušmaq***).

[تُتُشْدِى *tütüšdi* (**тутушдй**) – тутишди] ***ol meŋä keyik tütüšdi*** – у менга (овда) кийик ва бошқа ҳайвонларни тутишди. "Талашиш" маъносида ҳам ***olar ikki tütüšdilär*** (улар иккови талашдилар), дейдилар. Биринчи мазмун асослидир (***tütüšür, tütüšmäk***).

[تِتِشْدِى *titišdi* (**титишдй**) – титишди] ***ol meŋä yüŋ titišdi*** – у менга (қўл билан) юнг титишди. "Тортишиш, талашиш"га ҳам шу сўз қўлланади. "Бир-бирининг тўнини тортиш, йиртиш"га

ҳам шу сўз қўлланади (***titišür, titišmäk***[40]). Мақолда (шундай келган): ***Söküšüp uršur, otra ton titišür***. Маъноси: "Сўкишдан уришиш бошланади. Ўртада кийим йиртилади". Бу мақол (кишиларни) сўкишдан қайтаришга ундаб айтилади.

[سَتِشْدِی ***satišdï*** (**сатишди**) – сотишди] ***ol meŋä tawar satišdï*** – у менга тавар сотишда кўмаклашди. Баҳслашишга ҳам шу сўз қўлланади (***satišur, satišmaq***).

[قَتِشْدِی ***qatišdï*** (**қатишди**)] ***ol meniŋ birlä talqanqa yağ qatišdï*** – у мен билан талқонга ёғ суртишди. "Баҳслашиш"га ҳам шу сўз қўлланади (***qatišur, qatišmaq***).

[كَتِشْدِی ***ketišdi*** (**кетишди**)] ***olar bir ekindidin ketišdi*** – улар (икки дўст) бир-биридан айрилишди (***ketišür, ketišmäk***).

(Шоир) шундай деган:

***Yarağ bulup yağušdï,***
***Artuqluqun söküšdi.***
***Qulun qapup ketišdi,***
***Sürdä meniŋ qoyumï.***

Фойдаланиб, сўнг бир қанча нарсаларни ундан яширган шериги ҳақида айтмоқда: Вақт топиб душманлик қилди. Ўртоқ бўла туриб сўкишди. Қулунларни ўғирлаб, мендан айрилди. Қўйларимни ҳайдаб кетди [У вақт топиб менинг тойимни ўғирлаб кетди, шерикликни бузди. Қўйларимни ҳайдаб кетди, мендан айрилди].

لِقَنْ ***-lïqïn***, لِكِنْ ***-likin*** (**-ликин, -ликин**) – булар "бирга; билан" маъносидаги келишик қўшимчаларининг икки хил вариантидир. Булар юқоридагича *yā* [*i, ï*] билан ҳам, *vāv* [*ü, u*] билан: *-luqun, -lükün* тарзида келиши ҳам мумкин. Баъзи жойларда бу қўшимча арабча *bāyi ilṣāq* вазифасини бажаради. Чунончи, ***biligin uluğluqqa tegdim*** (билиг, илм, ақл билан юқори мартабага эришдим), дегандаги *biligin* каби. Яна бир мисол: ***eδgülügün kel, esizligin kelmä*** (яхшилик билан кел, ёмонлик билан келма) иборасидаги ***eδgülügün*** сўзлари каби.

Бу сўзларда *qāf* асосдир. *kāf* фақат ингичка талаффузли сўзларда *qaf* ўрнига алмашиб келади. Мен бу ҳақда юқорида баён қилганман. *-lïqïn, -likin* шакллари қуйидагича: ўртаси *vāv* [*u, ü*] ли сўзлардан сўнг келса, *-luqun, -lükün* тарзида, ўртаси *yā* [*ï, i*] ли ёки *sukun* ли сўзлардан кейин келса, *-lïqïn, -likin* тарзида қўлланади.

[بِچِشْدِی ***bïčïšdï*** (**бичишди**)] ***ol meniŋ birlä yïğač bïčïšdï*** – у мен билан ёғоч ва бошқа нарсаларни кесишда баҳслашишди. Кўмаклашишга ҳам шу сўз қўлланади (***bïčïšur, bïčïšmaq***). Икки киши бир-биридан айрилиб кетишига ҳам шу сўз қўлланади.

[سُچُشْدِی ***sučušdi*** (**сучушди**)] ***sučušdi näŋ*** – нарса чучиди ва ширин бўлди (***sučišür, sučišmäk***).

[سَچِشْدِی ***sečišdi*** (**сечишди**) – сочишди] ***ol meŋä yarmaq sečišdi*** – у менга танга ва бошқа нарсаларни сочишда ёрдам берди. Баҳслашиш, тортишишга ҳам шу сўз қўлланади (***sečišür, sečišmäk***).

[سُچُشْدِی / سُجُشْدِی ***sočušdï / sočïšdï*** (**сўчушди / сўчишди**) – чўчишди, сакрашди] ***atlar qamuğ sočušdï / sočïšdï*** – от ва бошқа ҳайвонлар чўчиб тушишди (***sočušur / sočïšur, sočušmaq / sočïšmaq***).

[قَچِشْتِی ***qačïštï*** (**қачишти**) – қочишди] ***olar bir-birdin qačïštï*** – улар бир-биридан қочишди (***qačïšur, qačïšmaq***).

[قُچُشْدِی ***qučušdï*** (**қучушди**) – кучоқлашди] ***ol meniŋ birlä qučušdï*** – у мен билан кучоқлашди (***qučušur, qučušmaq***).

---

[40] Бу сўзнинг масдари *kāf* ва *qāf* билан ёзилган (تِشْماكْ).

[كَچِشْتِی] ***kečišti*** **(кечишти)** – кечишди] ***ol meniŋ birlä suw kečišti*** – у мен билан сув кечишди (***kečišür***, ***kečišmäk***).

[كُچَشْدِی] ***küčäšdi*** **(кучашди)** – талашишди] ***olar ikki tawar küčäšdi*** – улар иккиси мол талашишди. Кўмаклашишга ҳам шу сўз қўлланади (***küčäšür***, ***küčäšmäk***).

[بُدُشْدِی] ***büδüšdi*** **(будушди)** – бузишди] ***oğlan büδüšdi*** – болалар ўйин (рақс)да уришди (***büδüšür***, ***büδüšmäk***).

[بُدُشْدِی] ***buδušdï*** **(будушди)**] ***buδušdï näŋ*** – ўтирганда икки оёқ бир-биридан ажралгани каби нарса айрилди (***buδušur***, ***buδušmaq***).

[تِدِشْدِی] ***tïδïšdï*** **(тидишди)** – тийишди] ***olar bir-birig tïδïšdï*** – улар бир-бирини бир нарсадан тийишди, қайтаришди (***tïδïšur***, ***tïδïšmaq***).

[قَدِشْدِی] ***qadïšdï*** **(қадишди)** – чоқлашди] ***ol meŋä ton qadïšdï*** – у менга кийимни сийрак-сийрак қилиб чоқлашда кўмаклашди. У бир турли тикишдир ([***qadïšur***], ***qadïšmaq***). Баҳслашишга ҳам шу сўз қўлланади.

[قِدِشْدِی] ***qïdïšdï*** **(қидишди)** – жияк тикишди] ***ol meŋä börk qïdïšdï*** – у менга дўппи жиягини тикишда ёрдам берди. Тўгарак ҳошияли ҳар бир нарсани (кўйлак ёки тўн жияги) тикишда ёрдам беришга ҳам шу сўз қўлланади (***qïdïšur***, ***qïdïšmaq***).

[قَدُشْدِی] ***qodušdï*** **(қудушди)** – ишонишди] ***olar bir-birkä iš qodušdï*** – улар бир-бирига ташлаб қўйишди, бир-бирига суянишди, ишонишди (***qodušur***, ***qodušmaq***).

[كُدُشْدِی] ***küdüšdi*** **(кудушди)** – кутишди, пойлашди] ***olar bir-birig küdüšdi*** – улар бир-бирини кутишди (***küdüšür***, ***küdüšmäk***).

[بَرِشْدِی] ***barïšdï*** **(баришди)** – боришди] ***olar bir-birkä barïšdï*** – уларнинг ҳар бири бир-бириникига боришди (***barïšur***, ***barïšmaq***). “Боришда бир-бирига кўмаклашиш ва бир-бири билан баҳслашиш” маъносида ҳам шу сўз қўлланади.

[بُرُشْدِی] ***bürüšdi*** **(бурушди)** – буриб тикишга ёрдам берди] ***ol meŋä bürmä bürüšdi*** – у менга оғни буриб тикишда кўмаклашди. Чарм халта оғзи каби тўгарак бўлган нарсалар учун ҳам шу сўз қўлланади (***bürüšür***, ***bürüšmäk***).

[بُرُشْدِی] ***burušdï*** **(бурушди)**] ***burušdï näŋ*** – нарса буришди. Бу юзнинг буришиши кабидир (***burušur***, ***burušmaq***).

[بَرِشْدِی] ***berišdi*** **(беришди)** – беришди] ***olar bir-birkä qïz berišdi*** – улар бир-бирига қиз беришди. Икки кишининг бир-бирига нарса тортиқ қилишига ҳам шу сўз қўлланади (***berišür***, ***berišmäk***).

[تُرُشْدِی] ***turušdï*** **(турушди)** – хафалашди] ***kičig uluğ birlä turušdï*** – кичик катта билан тортишди, хусуматга боришди (***turušur***, ***turušmaq***). Мақолда (шундай келган): ***Kičig uluğqa turušmas, qïrğuy soŋqurqa qarïšmas.*** Айтмоқдаки: “Кичик чаққон, шижоатли бўлса ҳам, катта билан олишишга кудратсиздир. Чунки каттанинг ҳийла ва зийраклиги бор. Шунга ўхшаш оқ лочин қирғий билан олишишдан ожиздир”.

[تِرَشْدِی] ***tiräšdi*** **(тирашди)** – хусуматлашди] ***ol meniŋ birlä tiräšdi*** – у мен билан каттиқ хусуматлашди. Дарвозага қўйилган тиргак каби бир нарсани тиклашда кўмак беришга ҳам шу сўз қўлланади (***tiräšür***, ***tiräšmäk***).

[تُرُشْدِی] ***türüšdi*** **(турушди)** – тахлашди] ***ol meŋä bitig türüšdi*** – у менга китоб ва бошқа нарсаларни тахлашда кўмаклашди (***türüšür***, ***türüšmäk***). Баҳслашишга ҳам шу сўз қўлланади.

[تِرِشْدِی] ***terišdi*** **(теришди)** – теришди] ***ol meŋä yemiš terišdi*** – у менга мева ва бошқа нарсаларни теришди. Ҳар бир нарсани териш ва тўплашга ҳам шу сўз қўлланади (***terišür***, ***terišmäk***). Баҳслашишга ҳам шу сўз қўлланади.

[تِرَشْدِی ***tiräšdi*** (**тирашди**) – тиради] ***yïlqï tuyağïn tiräšdi*** – йилқилар юриш қийинлигидан оёғини тиради, юришдан тўхтади (***tiräšür, tiräšmäk***).

[سَرِشْدِی ***sarïšdï*** (**саришди**) – (салла) ўрашишди] ***ol meŋä suwluq sarïšdï*** – салла ўрашда у менга кўмаклашди. Бошқа ҳар қандай нарсаларни ўрашда ҳам шу сўз қўлланади. Баҳслашишга ҳам шу сўз қўлланади (***sarïšur, sarïšmaq***).

[سُرُشْدِی ***sorušdï*** (**сўрушди**) – сўрди, шимди] ***ton terig sorušdï*** – кийим терни сўриб олди, шимди (***sorušur, sorušmaq***).

[سُرِشْدِی ***surïšdï*** (**суришди**) – сурбет бўлди] ***anïŋ yüzi surïšdï*** – унинг юзи буришди (***surïšur, surïšmaq***).

[سِرِشْدِی ***sirïšdï*** (**сиришди**) – тўқишди, босишди] ***qïz anasïŋa kiðiz sirïšdï*** – қиз онасига кийиз босишда кўмаклашди. Бу туркманларнинг чодирлари, эгар ёпчиқлари ва бошқа шунинг сингариларни тикиш кабидир (***sirïšur, sirïšmaq***).

[سُرُشْدِی ***sürüšdi*** (**сурушди**) – чопишди] ***aðğïr qïsraq birlä sürüšdi*** – айғир қисир байтални тишлаб ўйнашди. Бу айғирнинг байталга ирғиш истаганида бўлади.

[سُرُشْدِی ***sürüšdi*** (**сурушди**) – олишди, таъқиб этди] ***ol meniŋ birlä sürüšdi*** – у мени таъқиб этди, мен билан олишди.

[سُرُشْدِی ***sürüšdi*** (**сурушди**) – сурушди] ***ol anda alïmïn sürüšdi*** – у унинг устидаги қарзини, оладиганини суришди (***sürüšür, sürüšmäk***).

[قَرِشْتِی ***qarïštï*** (**қаришти**) – қамашди] ***böri tïšï qarïštï*** – (чия) бўрининг тиши қамашди. Бу унинг овқат емайдиган кунларида тишларининг гириҳ бўлишидир. Чунки бўри ойда бир ҳафта овқат емайди. Бу кунларда у фақат ҳаводан нафас олиб кун кечиради.

[قَرِشْدِی ***qarïšdï*** (**қаришди**)] ***tün kün birlä qarïšdï*** – тун кун билан қаршилашди. (Шоир) шундай деган:

***Yay qïš bilä qarïštï,***
***Erdäm yasïn qurïštï.***
***Čerig tutup körüšti,***
***Oqtağalï otrušur.***

Айтмоқдаки: Ёз билан қиш қаршилашди ва талашди, ҳар бири мақтаниб, камонининг ипини таранг қилиб тортишди. Ҳар бири бир-бирининг урушда ўлдирар даражада қизиқишди, ҳар бири бир-бирини ўқ билан отишга яқинлашди [Ёз қиш билан қаршилашди, ҳар бири ҳунар, санъат ёйини қуришди (ўз ҳунарини кўрсатишга киришди). Саф тортишиб, ўқ отишда (бир-биридан) ўтказишди].

[قَرِشْتِیلَرْ ***qarïštïlar*** (**қаришти**лар) – қаршилашдилар] ***ikki beglär qarïštïlar*** – икки бек қаршилашди ва бир-бирини ўлдиришди.

[قَرِشْتِی ***qarïštï*** (**каришти**)] ***ol meŋä yolda qarïštï*** – у менга йўлда йўлиқди (***qarïšur, qarïšmaq***).

[قُرُشْتِی ***quruštï*** (**курушти**)] ***ol meniŋ birlä ya quruštï*** – у мен билан ёй тортишда баҳслашди. Кўмаклашишга ҳам шу сўз қўлланади (***qurušur, qurušmaq***).

[قُرُشْدِی ***qurušdï*** (**курушди**) – қуриди] ***etmäk qamuğ qurušdï*** – нон бутунлай қуриди, қотиб қолди. Бошқа нарсаларнинг қуришига ҳам шу сўз қўлланади (***qurušur, qurušmaq***).

[قُرِشْتِی / قُرُشْتِی ***qorïštï / qorištï*** (**қўрушти / қўришти**) – қўришди, сақлашди] ***ol meŋä qoruğ / qoriğ qoruštï / qorištï*** – у қўриладиган, сақланадиган ерни қўришда менга ёрдам берди, қўришди.

[قِرِشْدِی ***qïrïšdï***.(**қиришди**) – қиришди] ***ol meŋä yer qïrïšdï*** – у менга ер ва бошқа нарсаларни қиришда кўмаклашди. Ер қиришда баҳслашишга ҳам шу сўз қўлланади (***qïrïšur, qïrïšmaq***).

[كېرىشدى ***kerišdi*** (**керишди**) – керишди, чўзишди] ***ol meŋä yïp kerišdi*** – у менга аркон ва бошқа нарсаларни чўзишда кўмаклашди. Баҳслашишга ҳам шу сўз қўлланади (***kerišür, kerišmäk***).

[كېرىشدى ***kerišdi*** (**керишди**) – уришди, жанжаллашди] ***ol anïŋ birlä kerišdi*** – у билан бир нарса (хусусида) жанжаллашди, уришди; ***ol anïŋ birlä kerišdi*** – у унинг билан ўзаро талашди, тортишди (***kerišür, kerišmäk***).

[كۆرىشدى ***körišdi*** (**кўришди**) – кўришди] ***ol meniŋ birlä körišdi*** – у мен билан юзма-юз кўришди. Ҳар қандай нарсанинг кўринишига ҳам шу сўз қўлланади (***körišür, körišmäk***).

[كۈرەشدى ***küräšdi*** (**курашди**) – курашди] ***ol meŋä qar küräšdi*** – у менга қор ва бошқа нарсаларни курашда кўмаклашди. Баҳслашишга ҳам шу сўз қўлланади (***küräšür, küräšmäk***).

[كىرىشدى ***kirišdi*** (**киришди**) – киришди] ***ol meniŋ birlä išqa kirišdi*** – у мен билан бирга ишга ва бошқа нарсага киришда баҳслашди (***kirišür, kirišmäk***).

[بېزەشدى ***bezäšdi*** (**безашди**) – ясашди, безашди] ***ol meŋä bezäk bezäšdi*** – у менга бир нарсанинг нақшини қилишда кўмаклашди. Баҳслашишга ҳам шу сўз қўлланади (***bezäšür, bezäšmäk***).

[بۇزۇشدى ***buzušdï*** (**бузушди**) – бузишди] ***ol meŋä ew buzušdï*** – у менга уй бузишда кўмак берди. Баҳслашишга ҳам шу сўз қўлланади (***buzušur, buzušmaq***).

[تېزىشدى ***tezišdi*** (**тезишди**)] ***olar ikki tezišdi*** – уларнинг иккиси бир-биридан қочди (***tezišür, tezišmäk***).

[تۈزەشدى ***tüzäšdi*** (**тузашди**) – текислашди, тўғрилашди] ***ol meŋä yer tüzäšdi*** – у менга ер ва бошқа жойларни текислашди, тўғрилашди. Баҳслашишга ҳам шу сўз қўлланади (***tüzäšür, tüzäšmäk***).

[تىزىشدى ***tizišdi*** (**тизишди**) – тизишди] ***ol meniŋ birlä yinčü tizišdi*** – у мен билан марварид тизишда баҳслашди. Шеър ва шунинг сингари бошқа нарсаларга, (шунингдек) кўмаклашишга ҳам шу сўз қўлланади (***tizišür, tizišmäk***).

[قازىشدى ***qazïšdï*** (**қазишди**) – қазишди] ***ol meŋä yer qazïšdï*** – у менга ер ва бошқа нарсаларни қазишда кўмаклашди. Баҳслашишга ҳам шу сўз қўлланади (***qazïšur, qazïšmaq***[41]).

[كەزىشدى ***kezišdi*** (**кезишди**) – айланишди] ***ol meŋä yer kezišdi*** – у ер юзини айланиб чиқишда мен билан баҳслашди (***kezišür, kezišmäk***).

[كۆزەشتى ***közäšti*** (**кўзашти**) – ўтни ёқишда кўмаклашди] ***ol meŋä ot közäšti*** – у менга чўғни ўт олдиришда кўмаклашди. Баҳслашишга ҳам шу сўз қўлланади (***közäšür, közäšmäk***).

[باسىشدى ***basïšdï*** (**басишди**) – босишди (кийиз, намат ишлашди)] ***ol meŋä oyma basïšdï*** – у менга ўйма (туркман намати) босишда кўмаклашди. Тўзғоқ ҳолатини қолдирмагунча босилиб маҳкамланган нарсага ҳам сўз қўлланади (***basïšur, basïšmaq***).

[پۇسۇشدى ***pusušdï*** (**пусушди**) – писишди] ***beglär pusušdï*** – беклар бир-бирига қарши пистирма қуришди (***pusušur, pusušmaq***).

[سۈسۈشدى ***süsüšdi*** (**сусушди**) – сузишди] ***ikki qočuŋar süsüšdi*** – икки кўчкор сузишди (***süsüšür, süsüšmäk***).

[كەسىشدى ***kesišdi*** (**кесишди**) – кесишди] ***ol meŋä yïğač kesišdi*** – у менга дарахт ва бошқа нарсаларни кесишди. Баҳслашишга ҳам шу сўз қўлланади (***kesišür, kesišmäk***).

[كۈسەشدى ***küsäšdi*** (**кусашди**) – исташди, кусашди] ***erän qamuğ tawar küsäšdi*** – кишилар мол исташди. "Мол билан фахрланиш"га ҳам шу сўз қўлланади (***küsäšür, küsäšmäk***).

[بوغۇشدى ***boğušdï*** (**бўғушди**) – бўғишди] ***olar ikki boğušdï*** – улар иккови (бир-бирини) бўғишди (***boğušur, boğušmaq***).

---

[41] Масдар шакли *kāf* билан ёзилиб, кейин *qāf* деб тузатиб қўйилган (قزشماق).

[سَغِشْدِى ***sağïšdï*** (**сағишди**) – соғишди] ***olar ikki süt sağïšdï*** – улар иккови сут соғишда баҳслашишди. Кўмаклашишга ҳам шу сўз қўлланади (***sağïšur***, ***sağïšmaq***).

[سُغُشْدِى / سُغُشْدِى ***soğušdï / soğïšdï*** (**сўғушди / сўғишди**) – совушга юз тутди, совуй бошлади] ***öd soğušdï / soğïšdï*** – вақт (кун, ҳаво) совуй бошлади (***soğïšur***, ***soğïšmaq***).

[تُشْدِى ***tüwišdi*** (**тувишди**) – жойлашди] ***ol menïŋ birlä et tüwišdi*** – у мен билан гўштни сихга тиқишда баҳслашди. Бошқа нарсаларга ҳам, шунингдек, кўмаклашиш учун ҳам шу сўз қўлланади (***tüwišür***, ***tüwišmäk***).

[سَشْدِى ***sawašdï*** (**савашди**) – савашди] ***olar ikki sawašdï*** – улар иккови савашди, урушди (ўғузча) (***sawašur***, ***sawašmaq***).

[سَشْدِى ***sewišdi*** (**севишди**) – севишди] ***olar ikki sewišdi*** – улар иккови севишди (***sewišür***, ***sewišmäk***).

[سُشْدِى ***suwïšdï*** (**сувишди**) – суюлди, бўшашди] ***yuğurmïš un suwïšdï*** – қорилган ун (хамир) суви кўплигидан суюлиб, бўшашиб кетди. Суви кўплигидан суюлган ҳар бир нарсага ҳам шу сўз қўлланади (***suwïšur***, ***suwïšmaq***).

[سُشْدِى ***suwašdï*** (**сувашди**) – сувашди] ***ol meŋä ew suwašdï*** – у менга уй ва бошқа нарсаларни сувашда кўмаклашди. Баҳслашишга ҳам шу сўз қўлланади (***suwašur***, ***suwašmaq***).

[قَشْدِى ***qawušdï*** (**қавушди**) – қовушди] ***erkäk tïšïqa qawušdï*** – эркак аёлга қовушди, никоҳ билан боғланди. Бу сўзнинг асл маъноси "бир нарсанинг бир нарсага ёпишиши, бирикуви"дир. Чунончи, ***qadaš qadašqa qawušdï*** – яқин яқини билан қовушди. Икки шоҳ орасидаги ярашув (муносабати билан бўлган) учрашувни ***qawšut*** дейилиши ҳам шундан.

Мақолда (шундай келган): ***Tağ tağqa qawušmas, kiši kišikä qawušur.*** Яъни: "Тоғ тоққа қовушмайди, киши кишига қовушади [бир кун келиб бир-бири билан учрашади]" (***qawušur***, ***qawušmaq***).

Бу сўздаги жарангли ف ***fā*** [*w*] ни *vāv* га айлантириш ҳам мумкин.

[قَشْدِيلَرْ ***quwušdïlar*** (**қувушдилар**) – қувишдилар] ***olar bir ekindini quwušdïlar*** – улар бири иккинчисини (бир-бирини) қувишдилар (***quwušur***, ***quwušmaq***).

[بَقِشْدِى ***baqïšdï*** (**бақишди**) – қарашишди] ***olar bir-birkä baqïšdï*** – улар бир-бирига риоя билан боқишдилар (***baqïšur***, ***baqïšmaq***).

[تُقُشْتِى ***toquštï*** (**тўқушти**) – урушди] ***beglär toquštï*** – бек ва бошқалар урушдилар (***toqïšur***, ***toqïšmaq***).

(Шоир) шундай деган:

***Küči teŋi toquštï,***
***Oğuš qonum oquštï.***
***Čerig tapa yaqïštï,***
***Bizkä kelip öč ötär.***

Бир кишини таърифлаб айтмоқда: Кучи тенглар урушди, қабилаларини, уруғ-аймоқларини чақириб, аскарларга яқинлаштирди. Бизга келиб ўч олмоқ истар.

[تِقِشْتِى ***tïqïštï*** (**тиқишти**) – тиқилишди] ***kiši ewdä tïqïštï*** – уйда кишилар тиқилиб кетди ва уй тўлди (***tïqïšur***, ***tïqïšmaq***).

[جَقِشْدِى ***čaqïšdï*** (**чақишди**) – чақишди, чақишга кўмаклашди] ***ol meŋä čaqmaq čaqïšdï*** – у менга чақмоқ чақишда кўмаклашди. Баҳслашишга ҳам шу сўз қўлланади (***čaqïšur***, ***čaqïšmaq***).

[جِقِشْدِى ***čïqïšdï*** (**чиқишди**) – чиқишди] ***olar ikki ewdin čïqïšdï*** – улар иккови уйдан чиқишда бир-бирлари билан баҳслашдилар. Кўмаклашишга ҳам шу сўз қўлланади (***čïqïšur***, ***čïqïšmaq***).

[سُقْشْدِى ***soqušdï*** (**сўкушди**) – майдалашди] ***ol meŋä tuz soqušdï*** – у менга туз ва бошқа нарсаларни майдалашда кўмаклашди. Баҳслашишга ҳам шу сўз қўлланади (***soqušur, soqušmaq***).

[سِقْشْدِى ***sïqïšdï*** (**сиқишди**) – сиқишди] ***ol meŋä üzüm sïqïšdï*** – у менга узум сиқишди. Кўмаклашишга ҳам шу сўз қўлланади (***sïqïšur, sïqïšmaq***).

[سِقْشْدِى ***sïqïšdï*** (**сиқишди**) – сиқилишди, тўпланди] ***kiši sïqïšdï*** – кишилар тўпланди, ҳатто жой танглик қилди.

[قَقْشْدِى ***qaqïšdï*** (**қақишди**) – қойишди] ***erän qamuğ qaqïšdï*** – кишилар бир-бирларига қарши ғазабланишди.

[قَقْشْدِى ***qaqïšdï*** (**қақишди**) – уришди] ***olar ikki bašra qaqïšdï*** – улар иккиси бир-бирининг бошига қоқишди, уришди (***qaqïšur, qaqïšmaq***).

[بَكِشْدِى ***bekišdi*** (**бекишди**)] ***bekišdi näŋ*** – нарса мустаҳкамланди (***bekïšür (bekišür?), bekišmäk***).

[بُكْشْدِى ***büküšdi*** (**букушди**) – букишди] ***ol meŋä tal büküšdi*** – у менга тол новда ва бошқаларни букишда ёрдам берди. Бу сўз жарангсиз *käf* билан ёзилади (***büküšür, büküšmäk***).

[بُكْشْدِى ***büküšdi*** (**букушди**) – боғлашди, тўғон қилишди] ***ol meŋä suv büküšdi*** – у менга сув боглашди, сувни бўғишда кўмаклашди. Баҳслашишга ҳам шу сўз қўлланади (***büküšür, büküšmäk***).

[تَكِشْدِى ***tegišdi*** (**тегишди**)] ***olar ikki begkä tegišdi*** – улар иккиси ҳоким олдида муҳокама этилдилар.

[تَكِشْدِى ***tegišdi*** (**тегишди**) – тегишди, етишди] ***meniŋ eligim tarusqa tegišdi*** – менинг қўлим шипга етди (***tegišür, tegišmäk***). Мақолда (шундай келган): ***Müš yaqrïqa tegišmäs, ayur: Kiši näŋi yarašmas.*** Маъноси: "Мушук михга осилган ёғ (чарви)га етолмай (ета олмагач), "бировнинг моли ярашмайди", – дейди". Бу мақолни қидирган нарсасига етиша олмай, "у ўзимга зарур эмасди", – дейдиган кишига қарата айтилади.

[تُكْشْدِى ***tügüšdi*** (**тугушди**) – тугишди] ***ol meniŋ birlä tügün tügüšdi*** – у мен билан тугун тугишда баҳслашди. Ёрдамлашишга ҳам шу сўз қўлланади (***tügüšür, tügüšmäk***).

[تُوكْشْدِى ***tügüšdi*** (**тугушди**) – туйишди] ***ol meniŋ birlä tuz tügüšdi*** – у мен билан туз ва бошқа нарсаларни туйишда баҳслашди. Кўмаклашишга ҳам шу сўз қўлланади (***tügüšür, tügüšmäk***).

[تِكِشْتِى ***tikišti*** (**тикишти**) – тикишди] ***ol meŋä ton tikišti*** – у менга кийим ва бошқа нарсаларни тикишда ёрдам берди.

[تَكِشْدِى ***tegišdi*** (**тегишди**) – таклиф қилди] ***ol meŋä türmäk-türmäk tegišdi*** – у менга турмак-турмак овқатини ва бошқа нарсаларни таклиф қилди (***tegišür, tegišmäk***).

[تُكْشْدِى ***tügüšdi*** (**тугушди**) – туйишди] ***ol meŋä tarïğ tügüšdi*** – у менга хирмонда дон туйишда кўмаклашди. Сочиб сув сепишга ҳам шу сўз қўлланади (***tügüšür, tügüšmäk***). Баҳслашишга ҳам шу сўз қўлланади.

[چَكِشْدِى ***čekišdi*** (**чекишди**) – чекишди] ***ol meŋä čekik čekišdi*** – у менга хатга нуқта қўйишда кўмаклашдиди. Баҳслашишга ҳам шу сўз қўлланади (***čekišür, čekišmäk***).

[سِكِشْدِى ***sikišdi*** (**сикишди**) – сикишди] ***er urağut birlä sikišdi*** – эр-хотин жимо қилишди. Бу сўз уларнинг ҳар иккиси учун ҳам бирдек тааллуқлидир (***sikišür, sikišmäk***).

[سُكْشْدِى ***söküšdi*** (**сўкушди**) – сўкишди] ***olar ikki söküšdi*** – улар иккови бир-бирини сўкишди (***söküšür, söküšmäk***).

[سُكْشْدِى ***söküšdi*** (**сўкушди**) – сўкишди, йиртишди] ***ol meŋä ton söküšdi*** – у менга кийим чокларини сўкишда кўмаклашди. Уй ва бошқаларни бузишда кўмаклашишга ҳам шу сўз қўлланади (***söküšür, söküšmäk***). Баҳслашишга ҳам шу сўз қўлланади.

[بِلِشْدِى ***bilišdi*** (**билишди**) – билишди, танишди] ***ol meniŋ birlä bilišdi*** – у мен билан билишди, танишди (***bilišür***, ***bilišmäk***).

[بُلُشْدِى ***bulušdï*** (**булушди**) – топишди] ***olar ikki bir-birig bulušdï*** – улар иккови бир-бирини топишди (***bulušur***, ***bulušmaq***).

[بُلُشْدِى ***bolušdï*** (**бўлушди**) – ёқлади, бўлишди] ***ol meŋä bolušdï*** – у менга кўмаклашди, у менга бўлишди. Манманлик қилувчи кишига, менинг ёнимни олиб, қаршилик қилди, менинг душманимга ёв бўлди (***bolušur***, ***bolušmaq***).

[تِلِشْدِى ***telišdi*** (**телишди**) – тешишди] ***olar ikki tam telišdi*** – улар иккови девор ва бошқа нарсаларни тешишда бир-бири билан баҳслашди. Бир-бирига ёрдамлашишга ҳам шу сўз қўлланади (***telišür***, ***telišmäk***).

[تِلِشْدِى ***tilišdi*** (**тилишди**) – тилишди] ***ol meŋä yarïndaq tilišdi*** – у менга қайишни тилишда кўмаклашди. Шунингдек, баҳслашишга ҳам шу сўз қўлланади (***tilišür***, ***tilišmäk***).

[تِلَشْدِى ***tiläšdi*** (**тилашди**) – йўқлашди] ***ol meniŋ birlä näŋ tiläšdi*** – у мен билан йўқолган нарсани қидиришди, йўқолган нарсани сўроқлашди (***tiläšür***, ***tiläšmäk***).

[جِلِشْدِى ***čališdï*** (**чалишди**) – очилди] ***qapuğ čališdï*** – эшикнинг ёриқлари очилди. Шунингдек, идишнинг ёриғи ва эгар бўғинининг очилишига ҳам шу сўз қўлланади (***čališur***, ***čališmaq***).

[جِلِشْدِى ***čališdï*** (**чалишди**) – кураш тушди] ***ol meniŋ birlä čališdï*** – у мен билан кураш тушди.

[جِلَشْدِى ***čïlašdï*** (**чилашди**) – қирқишди, ўришди] ***ol meŋä ot čïlašdï*** – у менга ўт ва бошқа нарсаларни қирқишди. Бу сўзнинг асли тўрт ҳарфлилардан бўлса ҳам, шундай қўлланади (***čïlašur***, ***čïlašmaq***).

[سَلِشْدِى ***sališdï*** (**салишди**) – қоқишди, силкишди] ***olar ikki yeŋ sališdï*** – улар иккиси бир-бирига енг силкитишди. Шунингдек, икки киши бир-бирини курашда ўнгга, чапга силтаб йиқитмоқчи бўлиб, (оёғидан) чалишига ҳам ***sališdï*** дейилади (***sališur***, ***sališmaq***). Бу сўзнинг асл маъноси икки киши орасида кийим ва бошқаларни силкитишдир.

[سُلُشْدِى ***solušdï*** (**сўлушди**) – сўлишди] ***yaš solušdï*** – ўт ва бошқа кўкатлар сўлиди, намлиги кетиб, қурий бошлади. Намлиги, рутубати кетган ҳар қандай мева ва сабзавотга ҳам шу сўз қўлланади (***solušur***, ***solušmaq***).

[قَلِشْدِى ***qališdï*** (**қалишди**) – сакрашди, ирғишди] ***at aðğïr qališdï*** – айғирлар, биялар сакрашди (***qališur***, ***qališmaq***). Шунингдек, халқни ташлаб кетишда баҳслашган икки кишига ҳам шу сўз қўлланади.

[قِلِشْدِى ***qilišdï*** (**қилишди**) – қилишди] ***ol meŋä iš qilišdï*** – у менга иш қилишда ёрдам берди. Баҳслашишга ҳам шу сўз қўлланади (***qilišur***, ***qilišmaq***).

[قُلُشْدِى ***qulušdï*** (**қулушди**) – сўрашди] ***olar ikki qïz qulušdï*** – улар иккови бир-биридан (болалари учун) қиз сўрашди (қарши қуда бўлишмоқчи бўлди). Икки киши ўзаро бир-биридан бирор нарса сўрашига ҳам шу сўз қўлланади. (Шоир) шундай деган:

***Töŋür qaðïn bulušï,***
***Qïrqïn taqï qulušï.***
***Emdi tïšïm qamašï,***
***Altï Turumtayïmnï.***

Ваъдасига вафо қилмайдиган, алдамчи бир киши ҳақида айтмоқда: У мен билан қудалашишга ваъдалашди. У менинг қизимни айттирди. Мен унинг қизини сўратдим. Сўнг ваъдани бузди. *Turumtay* отли қулимни олиб кетди, шунинг учун тишимнинг дами қирқилди, тишим ўтмас бўлиб қолди.

[كَلِشْدِى بَرِشْدِى ***kelišdi-barišdï*** (**келишди-баришди**) – борди-келди қилишди] ***ol meŋä kelišdi-barišdï*** – у мен билан аралашди, мен у билан аралашдим, бориш-келиш қилдик (***kelišür, kelišmäk***).

[كَلِشْدِى ***kölišdi*** (**кўлишди**) – кўмишди] ***ol meŋä ölüg kölišdi*** – у менга ўлик кўмишда кўмаклашди (***kölišür, kölišmäk***).

[كَلُشْدِى ***külüšdi*** (**кулушди**) – кулишди] ***boδun qamuğ külüšdi*** – ҳамма одамлар кулишди, халқнинг бари кулишди (***külüšür, külüšmäk***).

[تَمِشْدِى ***tamïšdï*** (**тамишди**) – томди] ***suw tamïšdï*** – муз ва бошқа нарсадан сув (қатра-қатра) томди (***tamïšur, tamïšmaq***).

[جُمُشْدِى ***čomušdï*** (**чўмушди**) – шўнғишди] ***ol meniŋ birlä suwqa čomušdï*** – у мен билан сувга шўнғишда баҳслашди (***čomušur, čomušmaq***). Чуқурроқ шўнғишда ***čomušdï (čömüšdi?), čomušur (čömüšür?), čomušmaq (čömüšmäk?)*** дейилади. Бу яна ҳам чуқурроқ шўнғишдир.

[قَمَشْدِى ***qamašdï*** (**қамашди**) – қамашди] ***tïš qamašdï*** – нордон беҳи ва шу кабиларни ейишдан тишлар қамашди (***qamašur, qamašmaq***).

[قُمِشْدِى ***qumïšdï*** (**қумишди**) – уринди] ***olar ïšqa qumïšdïlar*** – улар ишга қизиқдилар, ундан завқ топдилар. Бу сўзнинг асли "ҳар томондан тўлқин қўзғалди" маъносидаги ***suw qumušdï*** (сув тўлқинланди) гапидан олинган (***qumušur, qumušmaq***).

[كُمُشْدِى ***kömüšdi*** (**кўмушди**) – кўмишди] ***ol meŋä näŋ kömüšdi*** – у менга нарсани (ер остига) кўмишда ёрдам берди (***kömišür, kömišmäk***).

[كَمِشْدِى ***kemišdi*** (**кемишди**) – айирди] ***ol näŋ kemišdi*** – у нарсани айириб ташлади, чиқариб ташлади (***kemišür, kemišmäk***). Мақолда (шундай келган): ***Eδgülügni suw aδaqïnda kemiš bašïnda tilä.*** Маъноси: "Халққа яхшилик қил, уни сув тагига ташласанг-да, уни сув устида кўрасан". Бошқа маъноси: "Овқат-нонни дарё тагига ташласанг ҳам, (дарё) устида топасан, (кўтарилиб чиқади)".

[تَنُشْتِى ***tanušti*** (**танушти**) – ишорат қилди] ***olar ikki söz tanušti*** – улар иккови бир-бирига бирор сўз айтишди. Асли ***tanuδï*** дир (***tanušur, tanušmaq***).

[تَنِشْدِى ***tanïšdï*** (**танишди**) – тонишди] ***olar meni tanïšdï*** – улар ҳар иккови бир-биридан олган қарзидан тонишди (***tanïšur, tanïšmaq***).

[سُنُشْدِى ***sunušdï*** (**сунушди**) – узатишди, сунишди] ***olar ikki etmäk sunušdï*** – улар иккови бир-бирига нон ва бошқа нарсаларни узатишди, тутишди (***sunušur, sunušmaq***). Баҳслашишга ҳам шу сўз қўлланади.

[قُنُشْدِى ***qonušdï*** (**қунушди**) – тортиб олишди] ***olar ikki tawar qonušdï*** – улар иккови бир-бирининг молларини тортиб олишди. Бир-бирига қўмаклашиш, бир-бири билан баҳслашишга ҳам шу сўз қўлланади (***qonušur, qonušmaq***).

[قِنِشْدِى ***qïnïšdï*** (**қинишди**) – қувонишди, севинишди] ***yigitlär ïšqa qïnïšdï*** – ёшлар ишда қувонишди, суюнишди. Бу бирор ишда завқланиш, роҳатланишдир (***qïnïšur, qïnïšmaq***).

Бу бобнинг қоидаси: ***šïn*** ҳарфи бу феълларда бир қанча мазмунни ифодалайди. Бу феълларнинг ўзаги икки ҳарфлидир. Чунончи, ***er tawar qapï*** – киши молни тортиб олди; ***ol anï tepti*** – у уни тепди. Бу феълларга ***šïn*** қўшилиб, иш икки ва бир неча кишилар орасида, улар иштироки билан бажарилганини билдиради. Масалан: ***ol meniŋ birlä topuq qapušdï*** – у мен билан тўпиқни тортиб олишда шерик бўлди; ***ol meniŋ birlä tepišdi*** – у мен билан тепишди каби. Сўнг бу феълдан тўрт хил вариант майдонга келади.

Биринчи, ишда кўмаклашишни билдиради, чунончи, ***ol meŋä ton tikišdi*** – у менга кийим тикишди ва яна: ***ol meŋä bitig bitišdi*** – у менга хат ёзишда кўмаклашди.

Иккинчи, ишда қай бирининг кучлилиги, тўғрилиги, билимдонлиги ҳақида баҳслашиши мазмунини ифодалайди. Чунончи, ***ol meniŋ birlä čališdï*** – у мен билан куч синашиб курашишди; ***ol meniŋ birlä ya qurušdï*** – усталикни, қувватни синаб кўриш учун у мен билан ёй куришди, демакдир. "Кўмаклашиш" мазмуни билан "баҳслашиш" мазмуни орасидаги фарқ шундай: феълга ***meŋä*** сўзи қўшилса, "кўмаклашиш"ни билдиради. Феълга ***meniŋ birlä*** ибораси қўшилса, "баҳслашиш"ни билдиради.

Учинчи, бу феъллардаги *sīn* ҳарфи *lām* билан бирликда исмга қўшилиб, отиш, гаров, қиморда ўртага қўйилган нарсани билдиради: ***oynadïm atlašu*** – отдан қимор, гаров ўйнадим, ўртага от тикиб (қўйиб), қимор, гаров ўйнадим, демакдир; ***oynadïm altunlašu*** – олтиндан гаров қўйиб, қимор ўйнадим. Бу баҳслашишнинг бир хилидир.

Тўртинчи, бу мазмунлардан эмас, балки феъл маъносида келади: ***kemišdi näŋin*** – нарсасини айириб ташлади, нарсасини чиқариб ташлади. Яна: ***ol aniŋ birlä kerišdi*** – у у билан талашди, тортишди. Бу қоидани билиб ол.

ق ***q*** [ҳарфи]:

[تَرِقْتِى ***tarïqtï*** (**тарықты**) – торайди] ***yer tarïqtï*** – жой ва бошқа нарсалар танг бўлди (***tarïqar, tarïqmaq***).

[تُرُقْتِى ***turuqtï*** (**турықты**) – йиғилди] ***qan turuqtï*** – қон йиғилди. Ярада йиринг ва фасод тўпланишига ҳам шу сўз қўлланади (***turuqar, turuqmaq***).

[سُرُقْتِى ***soruqtï*** (**сўрықты**) – сўроқлаб билди, суриштирди] ***yitül soruqtï*** – йўқолган нарса сўроқлашдан кейин топилди (***soruqar, soruqmaq***).

[قَرِقْتِى ***qarïqtï*** (**қарықты**) – қамашди, чарчади] ***er közi qarïqtï*** – киши кўзи қордан қамашди (***qarïqar, qarïqmaq***). Бу сўз ***qar*** (қор) сўзидан олинганида ***qarïqtï*** бўлиб, *manqūṣ* бобига кирган бўларди. ***qaraq*** (қарачиқ) сўзидан олинган бўлса, унда *ṣaḥīḥ* бобига киради (***qarïqar, qarïqmaq***).

[بَسِقْتِى ***basïqtï*** (**басықты**)] ***kiši yağïqa basïqtï*** – ёв халққа тунда босқинчилик қилди (***basïqar, basïqmaq***). Бу сўз асли икки *sīn* билан ***bassïqtï*** тарзидадир.

[بُسُقْتِى ***pusuqtï*** (**пусықты**) – писди, яширинди] ***er pusuqtï*** – киши писди, ўзини панага олди (***pusuqar, pusuqmaq***).

[تُسُقْتِى ***tosuqtï*** (**тўсықты**) – фойда қилди] ***bu ot meŋä tosuqtï*** – бу ўт (дори) менга фойда берди (***tosuqar, tosuqmaq***).

[تَشِقْتِى / تَشِقْتِى ***tašïqtï / tïšïqtï*** (**ташықты / тишықты**) – ташқари чиқди] ***er ewdin tašïqtï / tïšïqtï*** – киши уйдан ташқари чиқди; ***tašïqtï / tïšïqtï*** яғма, тухси, ябақу, қипчоқ ва баъзи туркман уруғлари тилидадир. Кўпчилик турклар ***čïqtï*** дейдилар (***tašïqar / tïšïqar, tašïqmaq / tïšïqmaq***).

[تَتِقْتِى ***tatïqtï*** (**татықты**)] ***türk tatïqtï*** – турк тотлашди, форсга айланиб кетди, форс қилиқли бўлди.

[تُتُقْتِى / تُتُقْتِى ***tutuqtï / tutïqtï*** (**тутықты / тутықты**) – занглади, занг босди] ***qïlïč tutuqtï / tutïqtï*** – қилич занглади, уни занг босди (***tutuqar / tutïqar, tutuqmaq / tutïqmaq***).

[تَلِقْدِى / تَلِقْدِى ***talïqdï / tilïqdï*** (**таликды / тиликды**) – тиллашди, сўзлашди] ***kiši meniŋ birlä talïqdï / tilïqdï*** – киши мен билан сўзлашди, мендан маълумот сўради; ***ol er esiz talïqtï / tilïqtï*** – унинг ёмонлиги тилларга тушди, ёмонлиги кишилар ғашига сабаб бўлди. Биринчиси ўғузлар сўзидир. Турклар бу сўзни билмайдилар (***talïqar / tilïqar, talïqmaq / tilïqmaq***).

[تَغِقْتِى ***tağïqtï*** (**тағықты**) – тоғлашди] ***ečkü tağïqtï*** – эчки ва бошқа ҳайвонлар ёввойилашиб, тоғ эчкиларига қўшилиб кетди (***tağïqar, tağïqmaq***).

[جَغِقْتِى ***čawïqtï*** (**чавықты**) – овозаси чиқди, шуҳрат топди] ***er čawïqtï*** – кишининг донғи (овозаси, шуҳрати) чиқди, киши ном чиқарди (***čawïqar, čawïqmaq***).

[جِنْقْتِی *čïnïqtï* (**чиниқти**) – чин бўлди, аниқланди] ***söz čïnïqtï*** – сўз ва хабар чин эканлиги аниқланди, чинга чиқди (***čïnïqar***, ***čïnïqmaq***).

ک ***k*** [ҳарфи]:

[کِرِکْتِی ***kirikti*** (**кирикти**) – кир бўлди, кир босди, кирланди] ***ton kirikti*** – кийим ва бошқа нарсалар кирланди, кир бўлди (***kirikär***, ***kirikmäk***).

[سِیزِکْتِمْ ***seziktim*** (**сезиктим**)] ***bu ïšïğ aŋar seziktim*** – бу ишни ундан сездим (***sezikär-men***, ***sezikmäk***).

[کُزْکْتِی ***küzükti*** (**кузукти**) – куз бўлди, куз бошланди] ***yïl küzükti*** – вақт, мавсум куз бўлди (***küzükär***, ***küzükmäk***).

[بُلْکْتِی ***bölükti*** (**булукти**) – бўлинди] ***qoy bölükti*** – қўй сурувларга бўлинди, сурув-сурув бўлди (***bölükär***, ***bölükmäk***). Ҳар қандай ҳайвон тўдаларга бўлиниб туришига ҳам шу сўз қўлланади.

[جُلْکْتِی ***čülükti*** (**чулукти**)] ***er išï čülükti*** – кишининг кўриниши паришонлашди (***čülükär***, ***čülükmäk***).

(Шоир) шундай деган:

***Tïnï yemä öčükti,***
***Eri atï ičïkti.***
***Išï taqï čülükti,***
***Sözin anïŋ kim tutar?***

Бир асирни таърифлаб айтмоқда: У киши асир қилингач, нафаси ўчди, эрларини, отларини бизга топширди. Кўриниши паришонлашди. Энди бу воқеадан сўнг унинг сўзига (ялинишига) ким ҳам қулоқ тутарди?

Бу феъллардаги *qäf*, *käf* ҳарфлари икки хил вазифададир. Бири, иш енгилган нарса устига тушганини билдиради. Чунончи, ***bassïqtï er*** – эр босилди, ёв томонидан босилди, демакдир. Асли ***basdï*** дир, ***ton kirikti*** – кийим кир бўлди, яъни тўнни кир босди, демакдир. Иккинчиси, бу маънони англатмайди, балки ўз маъносида келади: чунончи, ***er balïqtï*** – киши яраланди каби (***balïqar***, ***balïqmaq***).

جُلْکْتِی اَرْ ***čülükti er*** (**чулукти эр**) – кишининг кўриниши паришонлашди.

ل ***l*** [ҳарфи]:

[بِتِلْدِی ***bitildi*** (**битилди**) – ёзилди] ***bitig bitildi*** – китоб ёзилди (***bitilür***, ***bitilmäk***).

تِپِلْدِی یِرْ ***tepildi yer*** (**тепилди йэр**) – ер ва бошқа нарсалар тепилди (***teplür***, ***tepülmäk***).

[تُبُلْدِی ***tubuldï*** (**тубулди**) – очилди] ***öt tubuldï*** – тешик тешилди, очилди.

[تُبُلْدِی ***tubuldï*** (**тубулди**) – ечди] ***er tonïn tubuldï*** – у киши кийимини ечди (ўгузча) (***tublar***, ***tubulmaq***).

[تَپِلْدِی / تِپِلْدِی ***tapuldï / tapïldï*** (**тапулди / тапилди**) – топилди] ***tapuldï / tapïldï näŋ*** – йўқолган, яширилган нарса топилди (***taplur***, ***tapulmaq***).

[جَپِلْدِی ***čapïldï*** (**чапилди**) – чапилди, сувалди] ***anïŋ ewi čapïldï*** – унинг уйи суюқ лой билан чапилди, сувалди (***čaplur***, ***čapïlmaq***). Уйғурлар тилида бу сўз “бўйнига урмоқ” маъносида ҳам қўлланилади.

[سَپِلْدِی ***sapïldï*** (**сапилди**) – ўтказилди] ***yïp yignäkä sapïldï*** – ип нинага ўтказилди.

[سَپِلْدِی ***sapïldï*** (**сапилди**) – эргашди] ***oğul atasïŋa sapïldï*** – ўғил бир ерга боришда отасига эргашди (***saplur***, ***sapïlmaq***).

[قَپِلْدِی ***qapïldï*** (**қапилди**) – қамалди] ***er ewdä qapïldï*** – эр уйда қамалди.

[قِپِلْدِی ***qapïldï*** (**қапилди**) – ўгирланди] ***anïŋ tonï qapïldï*** – унинг кийими тортиб олинди, ечиб олинди, ўгирланди (***qapïlur***, ***qapïlmaq***).

[كۆپْلْدِى *köpüldi* (**күпулди**) – қавилди] ***aniŋ toni köpüldi*** – унинг тўни қавилди (***köpülür, köpülmäk***).

[تُتُلْدِى *tutuldi* (**тутулди**) – тутилди] ***keyik tutuldi*** – кийик ва бошқа ёввойи ҳайвонлар тутилди (***tutulur, tutulmaq***).

[تَتِلْدِى *tatildi* (**татилди**) – тотилди, тотиб кўрилди] ***aš tatildi*** – ош ва бошқа егуликлар тотилди (***tatilur, tatilmaq***).

[تِتِلْدِى *titildi* (**титилди**) – титилди] ***et pïšïp titildi*** – гўшт қайнаб ҳил-ҳил бўлиб пишди, титилди. Кийим эскириб, увадаси чиқиб кетишига ҳам шу сўз қўлланади (***titilur, titilmaq***).

[تِيِتِلْدِى *teytildi* (**тейтилди**) – тетикланди, ҳушига келди] ***oğlan teytildi*** – бола тетикланди, ҳушёрланди (***teytilür, teytilmäk***).

[سَتِلْدِى *satildi* (**сатилди**) – сотилди] ***tawar satildi*** – тавар (мол) сотилди (***satilur, satilmaq***).

[قَتِلْدِى *qatildi* (**қатилди**) – аралашди] ***arpa ökür birlä qatildi*** – арпа тариқ билан аралашиб кетди. Бир-бирига аралашиб кетган ҳар бир нарсага ҳам шу сўз қўлланади.

[قَتِلْدِى *qatildi* (**қатилди**) – қўшилди, жимо қилди] ***er urağutqa qatildi*** – эркак хотинга қўшилди, у билан жимо қилди (***qatlur, qatilmaq***).

[قُتُلْدِى *qutaldi* (**қуталди**) – кутли бўлди, бахтли бўлди] ***qutaldi er*** – киши қутли, бахтли бўлди. Асли ***qut aldi*** (бахт топди) иборасидан олинган (***qutalur, qutalmaq***).

[قُتُلْدِى *qutuldi* (**қутулди**) – қутулди] ***er emgäktin qutuldi*** – киши қийинчиликдан қутулди (***qutulur, qutulmaq***).

[قُتُلْدِى *qutuldi* (**қутулди**) – қутулди, бўшалди] ***urağut qutuldi*** – хотин туғди ва қийинчиликдан қутулди. Бу сўз ҳақида икки хил фикр юритиш мумкин: бу сўз ***qurtuldi*** сўзидан бўлиб, бир ҳарф туширилган ёки бу ***qut buldi*** "(қийинчиликдан қутулиш билан) бахт топди, бахтли бўлди" иборасидан олингандир.

[بِچِلْدِى *bičildi* (**бичилди**) – кесилди] ***yïğač bičildi*** – ёғоч ва бошқа нарсалар кесилди (***bičlur, bičilmaq***).

[سَچِلْدِى *sačildi* (**сачилди**) – сочилди] ***yarmaq sačildi*** – танга ва бошқа нарсалар сочилди (***sačilur, sačilmaq***).

[سُچُلْدِى *sučuldi* (**сучулди**) – ечди] ***er tonïn sučuldi*** – киши кийимини ечди. Қўй терисининг шилинишига ҳам шу сўз қўлланади (***sučulur, sučulmaq***). (Шоир) шундай деган:

***Yağmur yağïp sačildi,***
***Türlüg čečäk sučuldi.***
***Yünčü qapï ačildi,***
***Čïndan yïpar yuğrušur.***

Кўкламни таърифлаб айтмоқда: Ёмғир ёғиб сочилди, ҳар хил гуллар очилди. Инжу қопи очилди, ҳақиқатан ҳам ипор ҳидлари бурқирайди [Ёмғир томчилари сочилди, ерлардан гуллар униб чиқди. Дур ва маржон қутичалари, яъни оппоқ дарахт гуллари очилди. Худди мушк ва ипорлар бир-бирига қўшилиб, ҳид сочаётгандай бўлди].

[سَرِلْدِى *serildi* (**серилди**)] ***er serildi*** – маст киши чайқалди, гандираклади ва йиқилаёзди (***serlür, serilmäk***). Ҳар нарсанинг қийшайиб йиқилаёзишига ҳам шу сўз қўлланади.

[اَرِلْدِى سَرِلْدِى *arïldi-sarïldi* (**арилди-сарилди**) – ғазаб қилди] ***beg aŋar arïldi-sarïldi*** – бек ва бошқалар унга ғазаб қилди (***sarïlur, sarïlmaq***).

[سُرُلْدِى *sürüldi* (**сурулди**) – сурди, бошини бурмай чопди] ***at sürüldi*** – от сурди.

[سُرُلْدِى *sürüldi* (**сурулди**)] ***er sürüldi*** – киши ва бошқалар сурилди, узоқлатилди.

[سۈرۈلدى ***sürüldi*** (**сурулди**) – эзиб янчилди] ***munčuq sürüldi*** – мунчақ эзиб янчилди, майдаланди. Нарсанинг ўз-ўзидан майдаланишига ҳам шу сўз қўлланади. Бу феъл ҳам ўтимли, ҳам ўтимсиз ҳолда қўлланади (***sürlür***, ***sürülmäk***).

[سارۇلدى ***sarulđi*** (**сарулди**) – ўралди] ***yïšïğ yïğačqa sarulđi*** – арқон дарахтга ўралди. Бошқа нарсаларга ўралишига ҳам шу сўз ишлатилади (***sarïlur***, ***sarïlmaq***).

[سىرىلدى ***sirïldï*** (**сирилди**) – суртилди] ***yağ eligkä sirïldï*** – ёғ қўлга суртилди. Бир-бирига суртилган ҳар бир нарсага ҳам шу сўз қўлланади. Ун ва бошқаларнинг наматга суртилиши каби (***sarlur***, ***sarïlmaq***).

[سۈزۈلدى ***süzüldi*** (**сузулди**) – сузилди] ***suw süzüldi*** – сув ва бошқа нарсалар сузилди, тиниқланди (***süzülür***, ***süzülmäk***).

[شەشىلدى ***šešildi*** (**шешилди**) – ечилди] ***tügün šešildi*** – тугун ўз-ўзидан ечилиб кетди. Биров томонидан ечилишига ҳам шу сўз қўлланади. Демак, бу феъл ҳам ўтимли, ҳам ўтимсиздир (***šešilür***, ***šešilmäk***).

[سىشىلدى ***sïšïldï*** (**сишилди**) – кўпчиди, шишди] ***pïšïğ tariğ sïšïldï*** – сув билан қайнатилган буғдой шишди, кўпчиди, ҳатто ўзи қайнатилаётган қозонга сиғмайдиган бўлди. Бўлаклари шишиб ўз жойига сиғмай қолган ҳар бир нарсага ҳам шу сўз қўлланади (***sïšïlur***, ***sïšïlmaq***).

[سىغىلدى ***sağïldï*** (**сағилди**) – соғилди] ***süt sağïldï*** – сут соғилди (***sağïlur***, ***sağïlmaq***).

[سۇغۇلدى ***suğuldï*** (**суғулди**) – сингди] ***suw suğuldï*** – сув ерга сингди, тортилди. Шунингдек, сигир ва қўйларнинг сути тортилиши, озайишига ҳам шу сўз қўлланади (***suğlur***, ***suğulmaq***).

[سەۋىلدى ***sawïldï*** (**савилди**) – огди, ботди] ***kün sawïldï*** – кун оғди, кун ботди.

[سەۋۈلدى ***sawuldï*** (**савулди**) – севилди, мойил бўлди] ***köŋlüm aŋar sawuldï*** – кўнглим унга мойил бўлди. Ўз ўрнидан оққан, қийшайган ҳар бир нарсага ҳам ***sawuldï*** дейилади (***sawulur***, ***sawulmaq***).

[سۇۋالدى ***suwaldï*** (**сувалди**) – суғарилди] ***tariğ suwaldï*** – экин суғарилди. Бирон нарса узра сув сепилишига ҳам шу сўз қўлланади (***suwalur***, ***suwalmaq***).

[سوقۇلدى ***soquldï*** (**соқулди**) – майдаланди] ***tuz soquldï*** – туз майдаланди.

[سۇۋالدى ***suwaldï*** (**сувалди**) – сувалди] ***ew suwaldï*** – уй ва бошқа нарсалар сувалди (***suwalur***, ***suwalmaq***).

[سۇقۇلدى ***suqulđi*** (**суқулди**)] ***tawar ewkä suqulđi*** – мол уй ва бошқа ерларга суқулди (***suqulur***, ***suqulmaq***).

[سىقىلدى ***sïqïldï*** (**сиқилди**) – сиқилди] ***üzüm sïqïldï*** – узум сиқилди. Сиқилган ёки қисилган ҳар бир нарсага ҳам шу сўз қўлланади (***sïqïlur***, ***sïqïlmaq***).

[سۆكۈلدى ***sökküldi*** (**сўкулди**) – сўкилди] ***ton sökküldi*** – тўн ва бошқа кийимларнинг чоклари сўкилди. Бинонинг йиқилиши, бузилишига ҳам шу сўз қўлланади (***sökülür***, ***sökülmäk***).

[سۆگۈلدى ***sögüldi*** (**сўгулди**) – қовурди] ***er et sögüldi*** – киши гўшт ва бошқа нарсаларни қовурди (***sögülür***, ***sögülmäk***).

[سىكىلدى ***sikildi*** (**сикилди**) – сикилди] ***urağut sikildi*** – хотин сикилди (***sikilür***, ***sikilmäk***).

[سىنالدى ***sïnaldï*** (**синалди**) – синалди] ***iš sïnaldï*** – иш синалди (***sïnalur***, ***sïnalmaq***).

[تىدىلدى ***tïðïldï*** (**тидилди**) – тийилди] ***er ïštan tïðïldï*** – киши ишдан тийилди, қайтарилди. Биров ишдан тийилса ҳам, яъни "тийди" маъносида ҳам шу сўз қўлланади. Бу феъл ўтимли ва ўтимсиз вазифада қўлланади (***tïðïlur***, ***tïðïlmaq***).

[تېرىلدى ***tarïldï*** (**тарилди**) – экилди] ***tariğ tarïldï*** – экин ва бошқа нарсалар экилди, сочилди (***tarïlur***, ***tarïlmaq***).

[تېرىلدى ***tarïldï*** (**тарилди**) – тарқалди, айрилди] ***tarïldï näŋ*** – нарса айрилди.

[تېرالدى ***taraldï*** (**таралди**) – таралди] ***sač taraldï*** – соч таралди (***taralur***, ***taralmaq***).

[تُرُلدِی ***turuldï*** (**турулди**)] ***er išdïn turuldï*** – киши ишдан зерикди, иш жонига тегди. Овқатга тўйиб оғирлашишга, овқат меъдага тегишига ҳам шу сўз қўлланади (***turulur, turulmaq***).

[تِرِلدِی ***tirildi*** (**тирилди**) – тирилди] ***ölüg tirildi*** – ўлик тирилди (***tirilür, tirilmäk***).

[تِرِلدِی ***terildi*** (**терилди**) – йиғилди] ***boδun terildi*** – халқ терилди, йиғилди; ***yarmaq terildi*** – танга ва бошқа нарсалар йиғилди, тўпланди (***terilür, terilmäk***).

[تُرُلدِی ***türüldi*** (**турулди**) – тугилди, тахланди] ***bitig türüldi*** – китоб ва бошқа нарсалар йиғилди, тахланди (***türülür, türülmäk***).

[تُزُلدِی ***tüzüldi*** (**тузулди**) – текисланди] ***yer tüzüldi*** – ер текисланди.

[تُزُلدِی ***tüzüldi*** (**тузулди**) – тузилди] ***iš tüzüldi*** – иш тузилди, иш ўрнига тушди (***tüzülür, tüzülmäk***).

[تِزِلدِی ***tizildi*** (**тизилди**) – тизилди, тизиб терилди] ***yinčü tizildi*** – марварид ва шеър тизилди. Нарса ўз-ўзидан тизилишига ҳам шу сўз қўлланади. Бу феъл ўтимли ва ўтимсиз вазифада келади (***tizilür, tizilmäk***).

[تُسُلدِی ***tusuldï*** (**тусулди**) – фойда қилди] ***bu ot aŋar tusuldï*** – бу дори (ўт) унга фойда қилди, ёқди. Бирор нарсага фойда қилган ҳар бир нарсага ҳам шу сўз қўлланади. Бунинг асли ***tusu boldï*** дир (***tusulur, tusulmaq***).

[تَشِلدِی ***tešildi*** (**тешилди**) – тешилди] ***qap tešildi*** – қоп тешилди. (Шоир) шундай деган:

***Qanï aqïp yošuldï,***
***Qapï qamuğ tešildi.***
***Ölüg bilä qošuldï,***
***Tuğmïš küni-uš batar.***

Ўлган (нарса) ҳақида айтмоқда: Худди меш ёрилиб, ичи тўла суюқ нарса тўлиб оққандай, унинг қони тўлиб-тошиб оқди. Ҳозир ўликка яқинлашди. Унинг туққан қуёши, яъни бахту давлати, ҳаёти энди ботаётир (***tešildi (tešilür?), tešilmäk***).

[تُشَلدِی ***tošaldi*** (**тўшалди**)] ***tošäk tošaldi*** – тўшак тўшалди, солинди.

[تِشَلدِی ***tišaldi*** (**тишалди**) – тишланди, қайралди] ***orğaq tišaldi*** – ўроқ қайралди; ***tegirmän tišaldi*** – тегирмон тишланди, яъни тегирмоннинг тиши ўткир қилинди. Арра ва бошқа нарсаларнинг тиши ўткирланишига ҳам шу сўз қўлланади (***tišälür, tišälmäk***).

[تَغلدِی ***tağïldï*** (**тағилди**) – дами қайтди] ***oq bašaqï tašqa tegip tağïldï*** – ўқнинг бошоғи – тиғи тошга тегиб тўмтоқланиб, ўтмас бўлди, дами қайтди. Ҳар бир тиғли нарсанинг тошга ёки қаттиқ бир нарсага тегиб ўтмасланишига ҳам шу сўз қўлланади (***tağïlur, tağïlmaq***).

[تِقِلدِی / تِقِلدِی ***tïqïldï / taqïldï*** (**тиқилди / тақилди**) – жойланди] ***et šišqa tïqïldï / taqïldï*** – гўшт сих ва бошқа нарсаларга тиқилди (***tïqïlur / taqïlur, tïqïlmaq / taqïlmaq***).

[تُقُلدِی ***toquldï*** (**тўқулди**) – урилди] ***er toquldï*** – эр урилди.

[تُقُلدِی ***toquldï*** (**тўқулди**) – тўқилди] ***böz toquldï*** – бўз ва бошқа матолар тўқилди.

[تُقُلدِی ***toquldï*** (**тўқулди**) – занг босди] ***qïlïč toquldï*** – қилич ва пичоқни занг босди, занглади. ***er toquldï*** ибораси ўғузчадир (***toqïlur, toqïlmaq***).

[تِقِلدِی ***tïqïldï*** (**тиқилди**) – тиқилди, тиқин қилиб тиқилди] ***kendügkä un tïqïldï*** – хумга ун тиқиб солинди; ***ewkä kiši tïqïldï*** – уйга кишилар тиқилди, уй лиқ тўлди. Бирор нарса кўп бўлиб, жой танг бўлишига ҳам шу сўз қўлланади (***tïqïlur, tïqïlmaq***).

[تُكُلدِی ***tökildi*** (**тўкилди**) – тўкилди] ***suw tökildi*** – сув тўкилди. Ун, буғдой каби тўкилиши мумкин бўлган нарсаларнинг идишдан тушиб, тўкилиб қолишига ҳам шу сўз қўлланади (***tökülür, tökülmäk***). Бу феъл ҳам ўтимли, ҳам ўтимсиздир.

[تُگُلدِی ***tügüldi*** (**тугулди**) – тугилди] ***tügün tügüldi*** – тугун ва бошқа нарсалар тугилди. Биров томонидан тугилган ҳар бир нарсага ҳам шу сўз қўлланади (***tüglür, tügülmäk***). Бу феъл ҳам ўтимли ва ўтимсиз ҳолда қўлланилади.

[تُگُلدِی ***tügüldi*** (**тугулди**) – тиқилиб қолди, тиқилди] ***aš boğuzda tügüldi*** – овқат тиқилди, томоғида туриб қолди (***tügülür, tügülmäk***).

[تِگِلدِی ***tegildi*** (**теғилди**)] ***aniŋ közi tegildi*** – унинг кўзи тегди (***tegilür, tegilmäk***).

[تِکِلدِی ***tikildi*** (**тикилди**) – тикилди, экилди] ***yiğač tikildi*** – дарахт экилди. Ҳар бир нарсанинг тик қўйилишига ҳам шу сўз қўлланади (***tikilür, tikilmäk***).

[تَنُلدِی ***tanuldï*** (**танулди**)] ***ayar söz tanuldï*** – унга сўз ва бошқа нарсалар ишорат қилинди (***tanulur, tanulmaq***).

[تِنِلدِی ***tïnïldï*** (**тинилди**)] ***emgäktin tïnïldï*** – машаққатдан, қийинчиликдан тинилди, қутулинди. Бу ўтимсиз феълнинг мажҳул шаклидир. Бу тилда бунинг мисоли кўп. Араб тилида бундай ўтимсиз феълдан мажҳул феъл ясалмайди. Лекин туркий тилларда бу сўз тез-тез учрайди. Чунончи, ***ewkä barïldï*** – уйга борилди; ***tağdïn inildi*** – тоғдан қуйи тушилди (***tïnïlur, tïnïlmaq***).

[بُرُلدِی ***bürüldi*** (**бурулди**)] ***bitig bürüldi*** – мактуб ва бошқа нарсалар бураб букланди (***bürülür, bürülmäk***).

[بِرِلدِی ***berildi*** (**берилди**)] ***ayar yarmaq berildi*** – унга танга ва бошқа нарсалар берилди (***berilür, berilmäk***).

[بَزَلدِی ***bezäldi*** (**безалди**)] ***ew bezäldi*** – уй ва бошқа жойлар безалди, нақшланди (***bezälür, bezälmäk***).

[بُزُلدِی ***buzuldï*** (**бузулди**)] ***ew buzuldï*** – уй бузилди. Бирон нарса қуласа ҳам шу сўз ишлатилади (***buzulur, buzulmaq***). Бу феъл ҳам ўтимли, ҳам ўтимсиздир.

[بُزُلدِی ***buzuldï*** (**бузулди**) – зарарланди] ***er buzuldï*** – кишининг моли хароб бўлди, зарарланди.

[بُغُلدِی ***boğuldï*** (**бўғулди**) – бўғилди] ***er boğuldï*** – киши ва бошқалар бўғилди (***boğulur, boğulmaq***).

[بِقِلدِی ***baqïldï*** (**бақилди**) – боқилди] ***yerkä baqïldï*** – ерга ва бошқа нарсаларга боқилди, қаралди (***baqïlur, baqïlmaq***).

[تُقُلدِی ***toquldï*** (**тўқулди**) – букилди] ***aδaq toquldï*** – узатилган оёқ букланди, йиғилди, тортилди (***toqïlur, toqïlmaq***).

[بُکُلدِی ***bükküldi*** (**букулди**) – эгилди] ***butïq bükküldi*** – бутоқ эгилди. Бирон киши уни эгишига ҳам ***bükküldi*** дейилади. Бу феъл ҳам ўтимли, ҳам ўтимсиздир (***bükülür, bükülmäk***). Эгилиб букилган ҳар қандай нарсага ҳам шу сўз ишлатилади.

[یُکُلدِی ***yükküldi*** (**йукулди**) – йиғилди, тўпланди] ***suw yükküldi*** – сув тўпланди, тўғон билан тўсилгани учун кўпайди (***yükülür, yükülmäk***).

[جُزُلدِی ***čözüldi*** (**чўжулди**) – чўзилди] ***yïp čözüldi*** – ип чўзилди. Суюқ нарсаларнинг қуйилиб чўзилувига ҳам шу сўз қўлланади. Қуюқ шинни, сақич ва шунга ўхшаш нарсаларнинг чўзилиши сингари (***čözülür, čözülmäk***) (икки жағ орасида талаффуз қилинувчи ***zä*** билан).

[جُغلدِی ***čoğladï*** (**чўғлади**) – боғланди] ***er boğ čoğladï*** – киши бўғчани арқон билан боғлади (***čoğlar, čoğlamaq***).

[جَقِلدِی ***čaqïldï*** (**чақилди**) – чақилди] ***čaqmaq čaqïldï*** – чақмоқ чақилди. Тошга бир нарсанинг урилишидан ўт чақнаса, ***taš caqïldï*** (тош чақилди, ҳатто ўт чиқди) дейилади.

[جَقِلدِی ***čaqïldï*** (**чақилди**)] ***söz qulaqqa čaqïldï*** – сўз қулоққа эшитилди (***čaqïlur, čaqïlmaq***). (Шоир) шундай деган:

***Yügürdi kewäl at,***
***Čaqïldï qïzïl ot.***
***Küyürdi arut ot,***
***Sačrap anïn örtänür.***

Ёвнинг отини таърифламоқда: Учар от чопганда, туёқларидан қизил ўт чақнади. Ундан чақнаган ўт (саҳро) хашакларини куйдириб юборди.

[چِقِلْدِى **čïqïldï** (**чиқилди**) – чиқилди] ***ewdin čïqïldï*** – уй ва бошқа жойлардан чиқилди (***čïqïlur***, ***čïqïlmaq***).

[چِكِلْدِى **čekildi** (**чекилди**) – чекилди, нуқта қўйилди] ***bitig čekildi*** – хат ва бошқа нарсаларга нуқта қўйилди (***čekilür***, ***čekilmäk***).

[چِگِلْدِى **čigildi** (**чигилди**)] ***tügün čigildi*** – тугун боғланди. Ип боғланишига ҳам шу сўз қўлланади (***čigilür***, ***čigilmäk***).

[قَچِلْدِى **qačïldï** (**қачилди**) – қочилди] ***ölümdin qačïldï*** – ўлим ва бошқа нарсалардан қочилди (***qačïlur***, ***qačïlmaq***).

[قَدِلْدِى **qadïldï** (**қадилди**) – қавилди, тикилди] ***ton qadïldï*** – тўн қавиб тикилди (***qadïlur***, ***qadïlmaq***).

[قَرِلْدِى **qarïldï** (**қарилди**) – қорилди, аралашди] ***bir näŋ birkä qarïldï*** – бир нарса бошқа нарсаға аралашди (ўғузча). Туркlар ***qatïldï-qarïldï*** равишида икки сўзни қўшиб қўллайдилар (***qarïlur***, ***qarïlmaq***).

[قُرُلْدِى **quruldï** (**қурулди**) – тортишди] ***er eligi quruldï*** – кишининг қўли тортишди, чангак бўлди; томирлари тортишди.

[قُرُلْدِى **quruldï** (**қурулди**) – қурилди] ***ya quruldï*** – ёй қурилди (***qurulur***, ***qurulmaq***).

[قِرِلْدِى **qïrïldï** (**қирилди**)] ***qïrïldï näŋ*** – нарсанинг пўсти, қобиғи шилинди, қирилди (***qïrïlur***, ***qïrïlmaq***).

[قِرِلْدِى / قُرِلْدِى ***qurïldï / qïrïldï*** (**курилди / қирилди**) – қирилди, куралди] ***qar qurïldï / qïrïldï*** – қор ердан куралди.

[قِرِلْدِى **qïrïldï** (**қирилди**) – қашшоқ бўлди, моли, нарсаси юлиб олинди] ***er qïrïldï*** – эр қашшоқ бўлди, яъни ундан моли олиб қўйилди.

[قَزِلْدِى **qazïldï** (**қазилди**) – қазилди] ***arïq qazïldï*** – ариқ ва бошқалар қазилди (***qazïlur***, ***qazïlmaq***).

[قِزِلْدِى **qïzïldï** (**қизилди**)] ***er yazuqïn qïzïldï*** – у кишига бўғов, кишан солинди. Қилган ёмонлигининг жазосини тортди (***qïzïlur***, ***qïzïlmaq***). Бундан кейин у ёмон ишлар қилмайдиган бўлди.

[قِسِلْدِى **qïsïldï** (**қисилди**) – қисилди] ***elig qapuğqa qïsïldï*** – қўл эшикка қисилди. Икки нарса орасида қисилган, орада колган ҳар нарсага ҳам шу сўз қўлланади (***qïsïlur***, ***qïsïlmaq***).

[قُشُلْدِى **qošuldï** (**қўшулди**) – қўшилди, яқинлашди] ***bir näŋ birkä qošuldï*** – бир нарса иккинчисига яқин келди, қўшилди. Унинг бошқа нарса билан яқинлашувига ҳам шу сўз қўлланади (***qošulur***, ***qošulmaq***).

[قُشُلْدِى **qošuldï** (**қўшулди**)] ***yïr qošuldï*** – шеър (*ğazal*) тўқилди, ижод қилинди ибораси ҳам шундан олинган.

[قَقِلْدِى **qaqïldï** (**қақилди**)] ***bašra qaqïldï*** – бошга қоқилди, урилди, бошига урилди (***qaqïlur***, ***qaqïlmaq***). ***qaqïldï-suquldï*** (қоқилди-суқулди) ибораси ҳам шундан олинган. Бу сўзни бирор кимса хўрланганда айтилади.

[قَمُلْدِى **qamuldï** (**қамулди**) – ёнбошлади] ***er qamuldï*** – киши ёнбошлади, ёнбошлаб ётди (***qamulur***, ***qamulmaq***).

[كَجِلْدِى ***kečildi*** (**кечилди**) – кечилди] ***suw kečildi*** – сув ва бошқалар кечилди (***kečilür, kečilmäk***).

[كَجَلْدِى ***küčäldi*** (**кучалди**) – куч кўрсатилди, зўрлик қилинди] ***er tawarï küčäldi*** – кишининг молига ва бошқа нарсаларига зўрлик қилинди (***küčälür, küčälmäk***).

[كَدِلْدِى ***keδildi*** (**кедилди**) – кийилди] ***ton keδildi*** – тўн ва бошқа кийимлар кийилди (***keδilür, keδilmäk***).

[كَرِلْدِى ***kerildi*** (**керилди**) – эснади, керишди] ***er kerildi*** – киши эснади, керишди.

[كَرِلْدِى ***kerildi*** (**керилди**) – кенгайтирилди, чўзилди] ***oruq kerildi*** – аркон ва бошқа нарса, масалан, пишган тери ва хом тери сингари нарсалар чўзилди (***kerilür, kerilmäk***).

[كَرُلْدِى ***körüldi*** (**кўрулди**) – қаралди] ***körüldi näŋ*** – нарсага қаралди (***körülür, körülmäk***).

[كِرِلْدِى ***kirildi*** (**кирилди**) – кирилди] ***ewkä kirildi*** – уй ва бошқа жойларга кирилди (***kirilür, kirilmäk***).

[كَسِلْدِى ***kesildi*** (**кесилди**) – кесилди] ***kesildi näŋ*** – нарса кесилди (***kesilür, kesilmäk***).

[كَسُلْدِى ***kösüldi*** (**кўсулди**) – узатди, чўзди] ***er aδaq kösüldi*** – киши оёқ узатди (***kösülür, kösülmäk***). Мақолда (шундай келган): ***Yuğurqanda artuq aδaq kösülsä, üšiyür.*** Маъноси: "Киши оёғини кўрпасидан ортиқ узатса, оёғи увишади, совуқ қотади". Бу мақол киши ўз ҳаддидан ошмасликка ундаб айтилади.

[كَۋِلْدِى ***kewildi*** (**кевилди**) – кесилди] ***er küči kewildi*** – кишининг кучи кесилди. (Шоир) шундай деган:

***Tegrä awïp ögrälim,***
***Attïn tüšüp yügrälim.***
***Arslanlayu kökrälim,***
***Küči anïn (anïŋ?) kewilsün.***

Айтмоқдаки: Ёв теграсини ўрайлик, отдан тушиб ҳамла қилайлик, арслонларча бўкирайлик, ёвнинг кучи шундан бўшашсин.

[مَنِلْدِى ***manïldï*** (**манилди**) – ботирилди, сурилди] ***etmäk sirkäkä manïldï*** – нон сиркага ва бошқа нарсаларга ботирилди, сурилди (***manïlur, manïlmaq***).

[مَنُلْدِى ***münäldi*** (**муналди**) – арайиши олинди] ***ton münäldi*** – тўннинг тевараги, ортиқча жойлари қирқиб олинди, арайиши олинди (***münälür, münälmäk***).

[مَنُلْدِى ***münüldi*** (**мунулди**) – минилди] ***at münüldi*** – от ва бошқа нарсаларга минилди (***münülür, münülmäk***).

Қоида: бу бўлим *lām* ҳарфига асосланган. *lām* ҳарфи уч хил вазифада қўлланади. Биринчи, икки ҳарфли феълга *lām* ҳарфи қўшилиб, уч ҳарфли феъл ясалади; *lām* ҳарфи мажҳул феъл белгиси вазифасини бажаради. Чунончи, ***ya quruldï*** – камон қурилди; ***er uruldï*** – киши урилди. Бу феълларнинг асли ***qurdï***, ***urdï*** дир. Бу бўлим *lām* га асослангандир.

Иккинчи, ўтимсиз феълдан тузилган мажҳул феъл бўлади. Бу ҳолат араб тили қоидасига хилоф [унда бу ҳолат йўқ]. Чунончи, ***ol näŋ körüldi*** – у нарса кўрилди; ***ol yerkä barïldï*** – у жойга борилди. Баъзан бу ҳарф ўзидан сўнгги ҳарфга мослашади. Чунончи, ***bitig bitindi*** – хат ёзилди; бу ***bitildi*** ҳам дейилади; ***er itindi*** – киши сустланди. Бу феълнинг ***itildi*** шакли ҳам бор.

Учинчи, бу мазмунлардан ташқари, мустақил феъл бўлади: ***ölüg tirildi*** – ўлик тирилди; ***süt suğuldï*** – сут суюлди; ***süw süzüldi*** – сув сузилди, тинитилди каби.

ن ***n*** [ҳарфи]:

[تَپِنْدِمْ ***tapïndïm*** (**тапиндим**) – бўйсундим] ***men Täŋrikä tapïndïm*** – мен Оллоҳ таолога бўйсундим, унинг буйруқларига итоат қилдим; ***ol begkä tapïndï*** – у бекка бўйсунди. (Билимли) шундай деган:

*Ögrän anïŋ biligin,*
*Kündä aŋar baru,*
*Qutqïlïqïn tapïnġïl,*
*Qoðġïl küwäz naru.*

Ўғлига насиҳат қилиб айтмоқда: Агар билимдон кишига йўлиқсанг, ҳар куни унга бор, яхши муомала билан унинг илму ҳикматларини ўрган. Такаббурликни нари ташла (***tapïnur, tapïnmaq***).

[تَپِنْدِی ***tepindi*** **(тепинди)** – тепинди] ***er atïn tepindi*** – киши отини тепинди. Ҳар нарсани оёқ билан уришга [ниқташга], ҳаракатлантиришга ҳам шу сўз қўлланади (***tepinür, tepinmäk***).

[بِتِنْدِی ***bitindi*** **(битинди)**] ***er bitig bitindi*** – киши хат ёзаётгандай кўринди. Шунингдек, бировдан кўмак олмай, ёлғиз ўзи хат ёзса ҳам ***bitindi*** дейилади (***bitinür, bitinmäk***).

[بُتَنْدِی ***butandï*** **(бутанди)** – буталди] ***yïġač butandï*** – дарахт шохлари буталди. Киши ўзини дарахтни бутаётгандай, кесаётгандай тутишига ҳам шу сўз ишлатилади (***butanur, butanmaq***).

[بِچِنْدِی ***bïčïndï*** **(бичинди)**] ***er özüŋä et bïčïndï*** – киши ўзига гўшт кесаётгандай кўринди. Киши ёлғиз ўзи бу ишни бажаришига ҳам шу сўз қўлланади (***bïčïnur, bïčïnmaq***).

[بُرُنْدِی ***buründi*** **(бурунди)**] ***uraġut yuġurqan buründi*** – хотин устки тўнни кийди, бурканиб олди, ёпинди. Бошқа нарсаларга бурканишига ҳам шу сўз ишлатилади (***bürünür, bürünmäk***).

[بَرِنْدِی ***barïndï*** **(баринди)**] ***uraġuttïn qan barïndï*** – хотин томири қондан бўшалди; у ҳайз қони чиқадиган томирдир (***barïnur, barïnmaq***).

[بَرْنْدِی ***barïndï*** **(баринди)**] ***er ewkä barïndï*** – киши уйга ва бошқа жойларга бораётгандай кўринди (***barïnur, barïnmaq***).

Бу хил феъллар تفاعل вазнида келган феъл маъноларида қўлланади. Бу, киши ҳақиқатда ишламаган нарсасини ишлагандек қилиб кўрсатишдир. Чунончи, تصام الرجل و تماوت – киши ўзини гарангдай кўрсатди, гарангликка солди ва ўзини ўлгандай қилиб кўрсатди.

[بَزَنْدِی ***bezändi*** **(безанди)**] ***uraġut bezändi*** – хотин ясанди; ***ew bezändi*** – уй кўркамлашди, безалди. Бу ўринда *nūn* ҳарфи *lām* ҳарфи ўрнига алмашган (***bezänür, bezänmäk***).

[بَسِنْدِی ***basïndï*** **(басинди)** – куч кўрсатди] ***ol erig basïndï*** – у у кишини заиф санади, унга куч кўрсатди, қаҳр қилди (***basïnur, basïnmaq***).

[بُشَنْدِی ***bošandï*** **(бўшанди)**] ***qoy bošandï*** – қўй бошвоғидан, қозиғидан бўшалди; қўй қумалоқлаб бўшалди (***bošanur, bošanmaq***).

[بُشَنْدِی ***bošandï*** **(бўшанди)** – бўшалди] ***tügün bošandï*** – тугун бўшалди, ечилди.

[بُشَنْدِی ***bošandï*** **(бўшанди)** – бўшалди, талоқ қилинди] ***uraġut bošandï*** – хотин талоқ қилинди (арғуча). Бу мўътабар эмас (***bošanur, bošanmaq***).

[بُغُنْدِی ***boġundï*** **(бўғунди)** – бўғилди, боғланди] ***at boġundï*** – от ва бошқа ҳайвонлар бўғилди, бўғилиб ўлди (***boġunur, boġunmaq***).

[بَقِنْغِل ***baqïnġïl*** **(*baqïndï?*)** **(бақинди?)** – кутгин, кўзлагин] ***iš kediŋä baqïnġïl*** – ишнинг охирини кўзла, шунга қараб ҳаракат қил (***baqïnur, baqïnmaq***).

[بَقِنْدِی ***baqïndï*** **(бақинди)** – боғлади] ***er aðaqïn baqïndï*** – киши ёйиқ оёғини буклади, йиғди (***baqïnur, baqïnmaq***).

[تَگِنْدِی ***tegindi*** **(теғинди)** – етишди] Хоқон ва амирларга бировнинг келганини билдирганда чигилларда ***ol tegindi*** дейилади, яъни "ҳозир бўлди; зиёратларига етишди" демакдир. Кетса ҳам шундай дейдилар. Ўғузлар бу сўзни ёктирмайдилар (***teginür, teginmäk***).

[تُگُنْدِی ***tügündi*** **(тугунди)** – бир ўзи тугди] ***ol tügün tügündi*** – у бир ўзи тугун тугди. Ўзини тугун туккандай кўрсатишга ҳам шу сўз қўлланади (***tügünür, tügünmäk***).

[بُلُنْدِی ***bulundï*** **(булунди)** – топилди] ***yitüg / yitig bulundï*** – йўқолган нарса ва бошқалар топилди (***bulnur, bulunmaq***).

[بِلِنْدِی ***bilindi*** **(билинди)** – билди] ***er išïn bilindi*** – эр ишини билди, тушунди (***bilinür, bilinmäk***). ***er yazuqïn bilindi*** – эр гуноҳини билди, иқрор бўлди.

[تُتُنْدِی ***tutundï*** **(тутунди)** – тутилди] ***kün tutundï*** – кун тутилди; ***ay tutundï*** – ой тутилди.

[تُتُنْدِی ***tutundï*** **(тутунди)**] ***beg meni oğul tutundï*** – бек мени ўғил тутинди, ўғил қилди, ўғилликка олди. Бошқа кимсаларнинг авлод аталишига ҳам шу сўз ишлатилади.

[تُتُنْدِی ***tutundï*** **(тутунди)** – тутди] ***er keyik tutundï*** – киши бир ўзи бошқаларнинг кўмагисиз, кийик тутди. Шунинг сингари ҳар бир нарсани олишда ва ушлашда киши ёлғиз ўзи бўлса ҳам шу сўз ишлатилади.

[تُتَنْدِی ***tutandï*** **(тутанди)** – тутади] ***ot tutandï*** – ўт тутаб ёнди (***tutanur, tutanmaq***). (Шоир) шундай деган:

***Üδik otï tutunup,***
***Öpkä, yüräk qoğrulur.***

Севгини таърифлаб айтмоқда: Қачон севги ўти ёнса, ундан юрак, ўпка ва унинг теварагидаги аъзолар куйиб қоврулади.

[تُتُنْدِی ***tutundï*** **(тутунди)** – тутинди] ***ol awurta tutundï*** – у (ўзига) энага қилиб олди.

[تُتُنْدِی ***tutundï*** **(тутунди)** – тутинди] ***ol meni ötügči tutundï*** – у мени шоҳга воситачиликка олди. Бунинг масдар шакли юқоридагичадир.

[تِتِنْدِی ***tetindi*** **(тетинди)** – хезланди, қарши қўзгалди] ***ol ayar tetindi*** – у унга хезланди, карши турди, тик қаради; ***anïŋ yüziŋä tetnü baqsa bolmas*** – "(чиройлилигидан) киши унинг юзига тикилиб боқолмайди" деганда ҳам шу маъно бор (***tetnür, tetinmäk***).

[تُدُنْدِی ***todundï*** **(тўдунди)**] ***er todundï*** – эр тўйинди, киши ўзини тўйгандай тутди. Тўйинишга ҳам шундай дейилади (***todnur, todunmaq***).

[تِدِنْدِی ***tïδïndï*** **(тидинди)** – тийилди] ***er išïn tïδïndï*** – киши ишдан тийинди (***tïdïnur, tïdïnmaq***).

[تَرَنْدِی ***tarandï*** **(таранди)** – таради] ***ol sačïn tarandï*** – у бировнинг кўмагисиз сочини таради (***taranur, taranmaq***).

[تَرَنْدِی ***tarïndï*** **(таринди)**] ***er tariğ tarïndï*** – киши ўзини экин экаётгандай қилиб кўрсатди. Бировнинг кўмагисиз ёлғиз ўзи экишига ҳам шу сўз қўлланади (***tarïnur, tarïnmaq***).

[بُشْتِی تَرَنْدِی ***bušti-tarïndï*** **(бушти-таринди)** – хафа бўлди, сиқилди] ***er išta bušti-tarïndï*** – киши ишда хафа бўлди ва сиқилди (***tarunur, tarunmaq***).

[تُرُنْدِی ***turundï*** **(турунди)** – хезланди] ***ol meŋä otru turundï*** – у менга қарши турди, хезланди. Бир-бирига юзма-юз туришга ва ўқталишга ҳам шу сўз ишлатилади (***turunur, turunmaq***).

[تُرُنْدِی ***türündi*** **(турунди)** – ўради] ***er öz bitigin türündi*** – киши хатини бир ўзи ўради (***türünür, türünmäk***).

[تِرِنْدِی ***terindi*** **(теринди)** – тийинди] ***er ištïn terindi*** – киши ишдан тийинди, ман қилинди. Тийилган, ман қилинган ҳар бир нарсага ҳам шу сўз қўлланади.

[تِرَنْدِی ***tirändi*** **(тиранди)** – суянди] ***ol tamqa tirändi*** – у девор ва бошқа нарсаларга суянди (***tiränür, tiränmäk***).

[تِرِنْدِی / تُرِنْدِی ***terindi*** **(теринди)**] ***öziŋä yemiš terindi*** – (у) ўзи учун мева терди. Ёлғиз ўзи бошқа нарсани теришига ҳам шу сўз қўлланади (***terinür, terinmäk***).

[تُرُنْدِی ***torundï*** **(тўрунди)** – ўйноқлади] ***at torundï*** – от ва бошқа нарсалар ўйноқлади (***torunur, torunmaq***).

[تُرُنْدِی ***turundï*** **(турунди)** – турди] ***er išta turundï*** – киши ишда турди (***turunur, turunmaq***).

[تزندی *tezindi* (**тезинди**) – қочаётгандек кўринди] ***ol tezindi*** – у ўзини қочаётгандек кўрсатди; у қочаётгандек кўринди (***tezinür, tezinmäk***).

[تزندی *tizindi* (**тизинди**) – тақди] ***uraġut yinčüsin tizindi*** – хотин марваридини тақди, тизди (***tizinür, tizinmäk***).

[تشندی *tušandï* (**тушанди**) – чалишди] ***er aδaqï tušandï*** – кишининг оёқлари қўрқувдан ўралишди. Мақолда (шундай келган): ***Arslan kökräsä, at aδaqï tušalïr.*** Маъноси: "Арслон ўкирса, отнинг оёқлари чалишади, тушовланади". Бу мақол ўзидан кучли киши билан қарши келиб, яқинига борганда титраб, орқасига қайтиш маъносида қўлланади (***tušanur, tušanmaq***).

[تشندی *töšändi* (**тўшанди**) – тўшади, ўрин солди] ***ol özinä töšäk töšändi*** – у ўзи учун тўшак тўшади, ўрин солди (***töšänür, töšänmäk***).

[تقندی *tewindi* (**тевинди**)] ***er eligin üwündi-tewindi*** – киши бир иш юзасидан уялиш ва пушаймонлигидан қўлини юзига тутди (***tewinür, tewinmäk***).

[تقندی *toqïndï* (**тўқинди**) – гавдаси билан урилди] ***er tamqa toqïndï*** – у деворга гавдаси билан урилди; ***er toqïndï*** – эр урилди, тўқинишди (ўғузча).

[تقندی *toqïndï* (**тўқинди**) – занг босди] ***qïlïč toqïndï*** – қилични занг босди, занглади.

[تقندی *toqundï* (**тўқунди**) – ўзи учун бўғизлади, сўйди] ***toqum toqundï*** – у ўзи учун туя бўғизлади (***toqunur, toqunmaq***).

[تقندی *tïqïndï* (**тиқинди**) – зич, тиқиқ қилиб чиқди] ***er yünig tağarqa tïqïndï*** – киши қанорга юнгни қаттиқ тепиб тиқди.

[تقندی *tïqïndï* (**тиқинди**)] ***aš tïqïndï*** – у зўрлик билан, кўнгли тортмай еди. Бу сўз бировдан аччиқланганда сўзланади (***tïqïnur, tïqïnmaq***).

[تلندی *telindi* (**телинди**) – тешилди] ***tam telindi*** – девор тешилди (***telinür, telinmäk***). (Билимли) шундай деган:

***Küčändi bilägim,***
***Yağudï tilägim,***
***Telindi biligim,***
***Tegrüp aŋar, čertilür.***

Айтмоқдаки: Билагимга зўр келтирдим, илму фан тўғрисида кўп ёзиб, уни чарчатдим. Тилак яқинлашди, илму ҳикмат чашмаларининг кўзи очилганда, умр тугаб бормоқда.

[تلندی *tilindi* (**тилинди**) – бўйламасига кесилди] ***teri tilindi*** – тери бўйламасига кесилди (***tilinür, tilinmäk***).

[تمندی *tamïndï* (**таминди**)] ***ol özinä yağ tamïndï*** – у ўзи учун ўзи ёғ томизишга тутинди (***tamïnur, tamïnmaq***).

[چپندی *čapïndï* (**чапинди**) – қамчилади] ***er atïn čapïndï*** – эр отини қамчилади.

[چپندی *čapdï* (**чапди**) – чопди; сузди] ***er suwda čapdï*** – эр сувда сузди. Бу сўзнинг ***čapïndï*** талаффузи ҳам бор (***čapïnur, čapïnmaq***).

[چقندی *čaqïndï* (**чақинди**)] ***er özinä čaqmaq čaqïndï*** – эр ўзини чақмоқ чаққандек тутди (***čaqïnur, čaqïnmaq***).

[چکندی *čekindi* (**чекинди**)] ***er bitigkä čekig čekindi*** – киши хатга нуқта қўйишга уринди, киришди (***čekinür, čekinmäk***).

[چکندی *čekindi* (**чекинди**)] ***ol yükün čekindi*** – у юкини маҳкамлашга, боғлашга бир ўзи киришди (***čekinür, čekinmäk***).

[چلندی *čalïndï* (**чалинди**) – ориқлади] ***at čalïndï*** – ем-хашак ёмонлигидан от ориқлади.

[چلندی *čalïndï* (**чалинди**)] ***söz beg qulaqïŋa čalïndï*** – сўз бек ва бошқаларнинг қулоғига чалинди, эшитилди (ўғузча).

[جِلَنْدِی *čalïndï* (**чалинди**) – ташлади, йиқилди] ***er özin yerkä čalïndï*** – киши ўзини ерга ташлади; ерга ташлагандек кўрсатди (***čalïnur, čalïnmaq***).

[جِلَنْدِی *čïlandï* (**чиланди**) – намланди] ***čïlandï näŋ*** – рутубатдан нарса намланди. Асли ***čïylandï*** дир (***čïylanur, čïylanmaq***).

[جِلَنْدِی *čïlandï* (**чиланди**) – терлади] ***at čïlandï*** – от терлади.

[سَبِنْدِی *sabïndï* (**сабинди**) – ип ўтказди] ***ešlär yignä sabïndï*** – хотин ўзини нинага ип ўтказаётгандек қилиб кўрсатди; аслида бу ишни қилмаган эди (***sabïnur, sabïnmaq***).

[سَتَنْدِی *satïndï* (**сатинди**) – сотадигандек кўринди] ***er atïn satïndï*** – у киши отини сотадигандек кўринди (***satïnur, satïnmaq***).

[سَچِنْدِی *sačïndï* (**сачинди**) – сув сепган бўлди] ***er öziŋä suw sačïndï*** – киши ўзига ўзи сув сепган бўлди (***sačïnur, sačïnmaq***).

[سُجَنْدِی *süčündi* (**сучунди**) – ширин туюлди] ***er sözkä süčündi*** – киши (эшитаётган) сўзнинг ширинлигига учди, сўзга берилди, ишига қарамади (***süčinür, süčinmäk***). Мақолда (шундай келган): ***Sözkä süčünsä, bulun barïr.*** Маъноси: "Киши эшитаётган сўзнинг ширинлигига қизиқса, унга асир бўлиб қолади". Бунинг бир ҳикояси бор. Бу мақол эшитаётган сўзига қизиқиб, қилаётган ишини ташлайдиганларга қарата айтилади.

[سَرِنْدِی *sarïndï* (**саринди**) – ўради] ***er suwluqïn sarïndï*** – киши саллани бошига ўради; ***urağut bürünčäk sarïndï*** – хотин бошини ёпинчиқ билан ўради. Умуман, бирор нарса ёпиниш, ўраш, кийинишга ҳам шу сўз қўлланади (***sarïnur, sarïnmaq***).

[سَرِنْدِی *sarïndï* (**саринди**) – ҳисоблади, ўйлади, санади] ***er išqa sarïndï*** – киши ўзини мақсадига етган киши қаторида санади (***sarïnur, sarïnmaq***).

[سُرُنْدِی *süründi* (**сурунди**) – қашинди] ***kiši öz yiynin süründi*** – киши ўз баданини қашиди. Қаттиқ бир нарсани эзишга ҳам шу сўз қўлланади (***sürünür, sürünmäk***).

[سُزُنْدِی *süzündi* (**сузунди**) – тинитди, тозалади] ***er öziŋä suw süzündi*** – киши ўзига сув тинитгандай кўрсатди (***süzünür, süzünmäk***).

[سَزِنْدِی *sezindi* (**сезинди**) – гумон қилди] ***ol aŋar sezig sezindi*** – у унинг ҳақида гумон қилди (***sezinür, sezinmäk***).

[سَسَنْدِی / سَسِنْدِی *sesändi / sesindi* (**сесанди / сесинди**) – уришга қасд қилди] ***er qulïn urğalï sesändi / sesindi*** – киши қулини уришга қасд қилди (***sesänür / sesänür, sesänmäk / sesinmäk***). От боғини бўшатишга урунишига ҳам шу сўз қўлланади.

[سُسُنْدِی *süsündi* (**сусунди**) – ураётгандай кўринди] ***er bašïn tamqa süsündi*** – киши боши билан девор ва бошқа нарсаларга ураётгандай кўринди (***süsünür, süsünmäk***).

[سَغَنْدِی *sağïndï* (**сағинди**) – соғаётгандай кўринди] ***er qoyun sağïndï*** – киши қўйни соғаётгандай кўринди (***sağïnur, sağïnmaq***).

[سُغُنْدِی *soğundï* (**сўғунди**) – совуқ еди] ***er soğundï*** – киши совуқ еди. Бу сўз сийдик ва бошқалардан тозаланишга ҳам қўлланади (***soğnur, soğunmaq***).

[سِغِنْدِی *siğïndï* (**сиғинди**)] ***keyik turağqa siğïndï*** – кийик туроққа, турар ерига, инига сиғинди. Бошқа бирон нарсага сиғинган ҳар бир нарсага ҳам шу сўз қўлланади; ***men Täŋrikä siğïnur-men*** (мен Тангрига сиғинаман) дейиш ҳам шундандир (***siğïnur, siğïnmaq***).

[سَفَنْدِی *sewündi* (**севунди**)] ***er sewündi*** – киши севинди, қувонди (***sewünür, sewünmäk***). (Донишманд) шундай деган:

***Sewünmägil yund, ügür, aδğïr, anïn,***
***Altun-kümüš bulnapan, ağï, tawar.***

Айтмоқдаки: Йилқи, наслдор от, айғир ва нор туялар, шунингдек, олтин-кумуш ва ипакли кийимлар топганингга суюнма, ўзингга ҳунар ва санъат орттир.

[سَغِنْدِی ***sağïndï*** (**сағинди**) – соғинди, санади, гумон қилди] ***ol meŋä eðgü sağïndï*** – у менга эзгу соғинди ва кўнглида буни сир тутди. Сўз билан буни ифода этишига ҳам шу сўз ишлатилади (***sağïnur, sağïnmaq***).

[سَقِنْدِی ***saqïndï*** (**сақинди**) – сақланди, ҳазар қилди] ***ol mendin saqïndï*** – у мендан сақланди. Бу сўздаги *qāf* ҳарфи олдинги сўздаги ҳарфдан кўра жарангсиздир (***saqïnur, saqïnmaq***).

[سِقِنْدِی / سِقِنْدِی ***suqïndï / sïqïndï*** (**суқинди / сиқинди**) – ювди] ***urağut bašïn suqïndï / sïqïndï*** – хотин бошини ювди. Бу уч қабиласининг сўзидир (***suqnur / sïqnur, suqïnmaq / sïqïnmaq***).

[سُكُنْدِي ***sökündi*** (**сўкунди**) – тиз чўкди] ***er begkä sökündi*** – киши бекка тиз чўкди; бек олдида (тавозе билан) чўккалаб ўтирди.

[سُكُنْدِی ***sökündi*** (**сўкунди**)] ***ol tonïn sökündi*** – у тўнининг чокларини сўкаётгандай кўринди (***söknür, sökünmäk***).

[سَلِنْدِی ***salïndï*** (**салинди**) – солинди, тортиб олинди] ***yinčü qulaqtïn salïndï*** – марварид қулоқдан чиқариб олинди. Ҳар бир нарсани тортиб, чиқариб олишга ҳам шу сўз қўлланади (***salïnur, salïnmaq***).

[قَپِنْدِی ***qapïndï*** (**қапинди**)] ***er tawar qapïndï*** – киши буюмларни шилиб олаётгандай кўринди (***qapïnur, qapïnmaq***).

[قَپِنْدِی ***qapïndï*** (**қапинди**)] ***oğlan yel qapïndï*** – болага ширинча [бош яраси] чиқди.

[قَتِنْدِی ***qatïndï*** (**қатинди**) – аралаштиргандек кўринди] ***ol talqanqa yağ qatïndï*** – у талқонга ёғ кориштираётгандек кўринди (***qatïnur, qatïnmaq***).

[قَتَنْدِی ***qatandï*** (**қатанди**)] ***qatandï näŋ*** – нарса қатланди (***qatanur, qatanmaq***).

[قَچِنْدِی ***qačïndï*** (**қачинди**) – қочаётгандек кўринди] ***ol mendin qačïndï*** – у мендан қочаётгандек кўринди (***qačïnur, qačïnmaq***).

[قُرُنْدِی ***qurundï*** (**қурунди**) – қурумсоқлик қилди] ***er tawarïŋa qurundï*** – киши молига қурумсоқлик, бахиллик қилди (***qurïnur, qurïnmaq***).

[قُرُنْدِی ***qurundï*** (**қурунди**)] ***er qurundï*** – киши ювингандан сўнг ўзини қуритди, қуринди (***qurïnur, qurïnmaq***).

[قِرِنْدِی ***qïrïndï*** (**қиринди**) – пўстини, қобиғини ажратаётгандай кўринди] ***ol näŋni qïrïndï*** – у бир нарсанинг қобиғини ажратаётгандек кўринди (***qïrïnur, qïrïnmaq***).

[قَزِنْدِی ***qazïndï*** (**қазинди**) – қазишга тутунди] ***özïŋä quðuğ qazïndï*** – (у) ўзига қудуқ қазишга тутунди. (Киши ўзини) қудуқ қазиётгандай қилиб кўрсатишига ҳам шу сўз қўлланади (***qazïnur, qazïnmaq***).

[بَزَنْدِی قَزَنْدِی ***bezändi-quzandï*** (**безанди-қузанди**)] ***urağut bezändi-quzandï*** – хотин ўзига оро берди, безанди, зийнатланди (***quzanur, quzanmaq***).

[قِسِنْدِی ***qïsïndï*** (**қисинди**) – бахиллик қилди] ***er tawarïn qïsïndï*** – киши мол-буюмларини чиқим қилишга қисинди, қурумсоқлик қилди. Киши сиймасдан, қисиб тутиб туришига ҳам шу сўз қўлланади (***qïsïnur, qïsïnmaq***).

[قَشَنْدِي ***qašandï*** (**қашанди**)] ***at qašandï*** – от ва бошқа ҳайвонлар сийди. Бу сўз, асосан, отга қарата айтилади (***qašanur, qašanmaq***).

[قُلُنْدِی ***qulundï*** (**қулунди**) – сўради] ***er näŋ qulundï*** – киши бир нарсани сўради (***qulunur, qulunmaq***).

[قِلِنْدِی ***qïlïndï*** (**қилинди**) – қилди] ***er tegmä qïlïnč qïlïndï*** – киши турли ишни қилди. Ҳаддидан ошган кишига ***öküš qïlïnma*** дейилади, маъноси: "кўп ҳаддингдан ошма" демакдир (***qïlïnur, qïlïnmaq***).

[كَچُنْدِی ***kečündi*** (**кечунди**)] ***er suw kečündi*** – киши сувдан кечиб ўтаётгандек кўринди (***kečünür, kečünmäk***).

[كُچَنْدِى ***küčändi*** (**кучанди**)] ***at küčändi*** – от кучанди, оғир юк остида зўр берди.

[كُچَنْدِى ***küčändi*** (**кучанди**)] ***ol anïŋ tawarïn küčändi*** – у унинг молига зўрлик қилди. Олдингиси ўтимсиз, буниси ўтимлидир (***küčänür***, ***küčänmäk***).

[كِچِنْدِى ***kičindi*** (**кичинди**)] ***urağut kičindi*** – хотин шўхлик қилди, йўлдан озди. Итоатсизлик маъносидаги ***kičinmä*** сўзи шундан олинган. Асли ***et kičindi*** (бадан қашилди) иборасидаги сўздандир (***kičinür***, ***kičinmäk***).

[كِرِنْدِى ***kirindi*** (**киринди**) – шўнғиди] ***er suwda kirindi*** – киши сувга тушди, чўмилди.

[كِرِنْدِى ***kirindi*** (**киринди**)] ***er ewkä kirindi*** – киши уйга кираётгандай кўринди (***kirinür***, ***kirinmäk***).

[كُرُنْدِى ***köründi*** (**кўрунди**) – йўликди, кўринди] ***ol begkä köründi*** – у бекка учрашди, кўринди ва (бек) уни кўрди.

[كُرُنْدِى ***köründi*** (**кўрунди**) – кўринди, кўзга тушди] ***tağ köründi*** – тоғ ва бошқа нарсалар кўринди, зоҳир бўлди. Узоқдан қорайиб кўринган ҳар бир қорага ҳам шу сўз қўлланади (***körünür***, ***körünmak***).

[كُرُنْدِى ***köründi (közündi?)*** (**кўзунди?**)] ***köründi (közündi?) näŋ*** – нарса кўринди. Арғулар сўзидир. Бунда бир қоида бор. Бу сўз ***köz*** сўзидан олинган, аммо арғулар буйруқ шаклида ўтган замон феълига тескари қўллайдилар. Яъни, буйруқ феълида ***kör*** шаклида ***rā*** билан қўллайдилар, аммо ўтган замон феълида ***zā*** билан қўллайдилар (***közünür***, ***közünmäk***).

[كِسِنْدِي ***kesindi*** (**кесинди**) – ўзига кесди] ***ol öziŋä et kesindi*** – у ўзи учун гўшт ва бошқа нарсалардан бир бўлак кесди (***kesinür***, ***kesinmäk***).

[كُشُنْدِى ***köšündi*** (**кўшунди**) – сояга ўтди] ***er künkä köšündi*** – киши кундан ўзини сояга олди, соялади. Бирон кишидан бекинишга ҳам ***köšündi*** сўзи ишлатилади (***köšinür***, ***köšinmäk***).

[كُوَنْدِى ***küwändi*** (**куванди**) – мақтанди, фахрланди] ***ol meniŋ birlä küwändi*** – у менинг билан қувонди, фахрланди (***küwänür***, ***küwänmäk***).

[كُلُنْدِى / كُلِنْدِى ***kölündi / kölindi*** (**кўлунди / кўлинди**) – кула бўлди, толди] ***er eligi-aðaqï kölündi / kölindi*** – кўп ҳаракат қилиш, кўп юришдан кишининг қўл-оёклари боглаб қўйилгандай кучсизланиб, чалишди (***kölnür***, ***kölünmäk***).

[كُمُنْدِى ***kömündi*** (**кўмунди**) – кўмаётгандек кўринди] ***er tawarïn kömündi*** – киши молини кўмаётгандек, бекитаётгандек кўринди (***kömünür***, ***kömünmäk***).

Бу фасл бир неча хилдир:

Биринчи, ишни ўзгаларнинг кўмагисиз ишловчининг бир ўзи қилганини англатади. Бу феълнинг асли икки ҳарфлидир. ***ol ewkä barïndï*** – у уйга кетмаган бўлса-да, кетаётгандек кўринди; ***ol aš tatïndï*** – у ош тотингандек кўринди, аслида у тотинмагандир. Бу хил феъллар арабча ***tafā'ul*** бобига ўхшайди. Чунончи, арабларда تصام الرجل – киши кар бўлмаган эса-да, кар кўринди, ўзини карликка солди; تعاقل – киши ўзи ақлли бўлмаган ҳолда, ақлли кўринди, демакдир.

Иккинчи, ишда ишловчи ёлғиз ўзи бировнинг кўмагисиз ишлаганини билдиради: ***er alïmïn alïndï*** – қарз берган киши қарзини ўзи ундириб олди; ***ol tarïğ tarïndï*** – у ўзи учун ўзи экин экди. Феъл бу маънода қўлланганда гапда ***öziŋä***, ***özi*** сўзлари бирга қўлланилиши керак. Бу гапдаги жўналиш қўшимчаси ***-gä*** "учун" маъносидадир. Аммо ўзига шундай кўринган бўлса ҳам, ҳақиқатда бўлмаган иш мазмунида қўлланганда, ***özi*** сўзини қўлламаслик ҳам мумкин. Булар орасидаги фарқ шундаки, феъл кишилар орасида муштаракдир. Ишни бир киши бошқаларсиз бажара олса, шу маънони бировнинг кўмагисиз бажарганини англатмоқ учун ***öz*** сўзи қўлланмаса, сифат тўлиқ бўлмайди. ***öz*** сўзини қўшгандагина, тўлиқ бўлади. Шундагина бу феъл ишловчининг ёлғиз ўзига хос бўлиб қолади, муштаракликдан чиқади. Чунончи, оятда

فاقتلوا انفسكم "ўзингизни ўлдирингиз" иборасидаги "ўлдирингиз" деганда "ўлдириш" сўзи ҳаммага умумийдир. "Ўзингизни" сўзини қўллаш бу ерда бошқалардан айириб хослайди.

Феъл кўрсатиш мазмунида қўлланганда ўтимсиз бўлади. У феълда муштараклик бўлмайди. Бу ерда ***öz*** сўзи айтилмаса ҳам, ўтимсиз феъл шу муштараксизлик маъносини англатади. Бу ҳолда ***öz*** сўзини қўллашга зарурат қолмайди, маъно нуқсонсиз тўлиқ бўлади. Чунончи, оятда كلا إن الانسان ليطغى ان راه استغنى каби, яъни арабчада ҳам бундай ҳолларда "нафс" (*öz*) сўзи қўлланмайди. Бу иборада ان رای نفسه استغنى дейилмай, аксинча "нафс" сўзи туширилади. Бу "ишнинг охирига қара" маъносида ***išqa baqïn*** дейишимиз, "сув ичига шўнғи; ювин" маъносида ***suwqa kirin*** тарзида қўллашимиз ҳам шу қоидага мувофиқдир. Чунки бу бўлимда *lām* билан *nūn* ҳарфларининг бири ўрнига бири алмашиб тенг келиши бор. Чунончи, ***bitig bitildi*** ёки ***bitindi*** каби ҳар икки вариант ҳам бирдир. Мазмун ҳам бир – "китоб ёзилди" демакдир. Бу феълларда *lām* ҳам, *nūn* ҳам мажҳул феъл белгисидир. *lām* билан *nūn* нинг тенг келиши араб тилида ҳам бор. Чунончи, رجل شثن الاصابع وشثله ибораларида *lām* билан *nūn* алмашиб келгани сингари.

Тўртинчи, юқоридаги мазмунларни ифода қилмай, ўз бошича мустақил, ўзининг аслий маъносида қўлланувчи бир феъл сифатида ишлатилади: ***Täŋrikä tapïndï*** – Тангри таолога ибодат қилди; ***Täŋrikä sïgïndïm*** – Тангри таолога сиғиндим, каби. Шу маънолар иллатли, *ğunna* ли ва бошқа уч ҳарфли, тўрт ҳарфли феъллар учун ҳам татбиқ этилади.

Қоида: уч ҳарфли келаси замон феъллари икки хилдир. Уларнинг бир тури ўртаси *sukun* ли феъллардир. Чунончи, ***ol ton keδürdi*** (у тўн кийдирди) гапидаги ***keδürdi*** феъли каби. Бу феълнинг келаси замон шакли ***kedürür*** дир, яъни ўтган замон феълида ҳаракатли талаффуз қилинувчи *dāl* ҳарфи келаси замон шаклида *sukun* ли, ҳаракатсиздир. Яна: ***täŋrikä tapïndï*** (тангрига ибодат қилди) гапидаги ***tapïndï*** феълининг келаси замон шакли ***tapïnur*** каби. Бу феълнинг ўтган замон шаклида *pā* ҳаракатли, келаси замон шаклида *pā sukun* лидир.

Бу феълларнинг бир тури ўтган замон ва келаси замон шаклларининг ҳар бири ҳам ўрта ҳарфи ҳаракатли бўлган феъллардир. Чунончи, ***at qulaq tuwurdï*** – (бирор нарсани сезиб) от қулоқларини тиккайтирди. Бу феълнинг ўтган замон шаклида ف *wā* ҳарфи ҳаракатли бўлганидек, келар замон шакли ҳам (ўша ف *wā* ҳарфи) ҳаракатли – ***tawurar / tawïrar*** дир. Яна: ***täŋri meni köδäzdi*** (тангри мени сақлади) гапидаги ***köδäzdi*** феълининг келаси замон шаклида *δāl* ҳарфи ҳаракатлидир. Бунга асос, исмдан ясалган феълларнинг келаси замон шаклининг ўртасидаги ҳарфи, асосан, ҳаракатли бўлади. Чунончи, ***tösäk tösäldi*** – ўрин солинди; ***tügün tügüldi*** – тугун тугилди; ***tarïğ suwaldï*** – экин суғорилди, каби[42].

Туб феълларда келаси замон феълининг ўрта ҳарфи, асосан, *sukun* ли бўлади: ***süt sağïldï*** – сут соғилди, каби. ***sağïldï*** феълининг келаси замон шакли ***sağïlur*** дир. ***kün sawuldï*** (кун оғди) гапидаги ***sawuldï*** феъли ***sawulur*** тарзида ўрта ҳарфи *sukun* лидир.

Бу бобнинг бўлимлари бошқаларда бўлмайдиган бир қанча мазмунга эга.

Таркибида *rā* ҳарфлари бўлган феъллар уч хилдир. Биринчиси, исмдан тузилган феъллардир. Чунончи, ***ton qïzardï*** – тўн ва бошқалар қизил бўлди. Бунинг асли ***qïzïl erdi*** – қизил эди. *lām* билан *alif* туширилди, туб феългина бўлиб қолди. Яна: ***ton qarardï*** – тўн қорайди. Бу феълнинг асли ***qara erdi*** (қорага айланди) бўлиб, ***qara*** сўзидан ясалган.

Иккинчиси, икки ҳарфли ўтимсиз феъллардир. Буларда ***rā*** ҳарфи феълни ўтимлига айлантиради: ***er suw kečti*** – киши сувдан ўтди. Бу гапда ***kečti*** сўзи ўтимсиз. ***anï suwdan kečürdi***

[42] Бу ўринда келаси замон шакли устида сўз бораётганлигига қарамай, берилган ўрнаклар ўтган замонда.

гапида эса бу феъл *rā* орттирилиб, ўтимлига айлангандир. Яна: ***er qačtï*** (киши қочди) гапидаги ***qačtï*** ўтимсиз феълдир, *rā* қўшилиб, ўтимлига айланади: ***qačurdï*** – қочирди, каби.

Учинчи, *rā* ҳарфи ўзакнинг асосий ҳарфидан бўлиб, бу маъноларни англатмайди, ўзи шу шаклда мустақил феъл сифатида қўлланади. Чунончи, ***anïŋ boynïn qaðïrdï*** – унинг бўйнини қайирди; ***qap quturdï*** – қоп ичига солинган нарсадан бўшади.

Бу бобдаги феълларда *zā* ҳарфи икки хил вазифани бажаради: *zā* ҳарфи бир турли феълни ўтимлига айлантириш вазифасини бажаради. Чунончи, ***er suw tamuzdï*** (киши сув томизди) гапидаги ***tamuzdï*** каби.

Иккинчи хил феълда *zā* ҳарфи бундай вазифада қўлланмай, ўзакнинг асосий ҳарфи сифатида ишлатилади: ***tabuzğuq tabïzdï*** – томизгини томизди, каби.

Таркибида *šīn* ҳарфи бор феъллар вазифаси тўғрисида юқорида айтилган.

*qāf, kāf* ҳарфли феъллар икки хилдир. Биринчиси, икки ҳарфли феъллардан бўлиб, *kāf, qāf* қўшилиб, исталмаган ишнинг таъсири остида қолганликни, кутилмаган иш бўлганликни, енгилганликни англатади. Чунончи, ***er yağïğa basïqtï*** – кишига тунда ҳужум қилинди, уни ёв босди, ёвга енгилди, демакдир; ***er usuqtï*** – киши чанқади; чанқоқлик ғалаба қилди. Бу феълларнинг асли ***busdï, usdï*** дир.

*kāf* ҳарфли феълларга мисол: ***ton kirikti*** – тўн кирикди, тўнни кир босди; ***er könikti*** – киши кўникди; унда заифлик ғалаба қилди, ҳатто шерикларидан орқада қолди. Бу хил феълларнинг яна бир тури бундай мазмунларни англатмай, асл маънода қўлланади. Чунончи, ***er ewkä ašuqtï*** – киши уйига ошикди; ***er išï čülükti*** – кишининг иши ёмонлашди.

*lām, nūn* ли феъллар тўғрисида юқорида айтилди.

Бу бобларнинг масдари *fa'allāl* шаклларида ўрта ҳарфи ҳаракатли бўлади. Чунончи, ***yük kötürmäk*** (юк кўтармак), ***qačurmaq*** (қочирмоқ) сингари. Булар туб масдарлардир.

Бир сўзнинг бошқасига боғланиши (изофа) натижасида юзага келадиган ясама масдар *fu'lulī* шаклида, ўрта ҳарфи *sukun* ли бўлади. Чунончи, ***anïŋ yük kötürügi kör*** – унинг юк кўтаришини кўр; ***anïŋ suw kečürügi kör*** – унинг сувдан ўтказишини кўр, каби.

*ğayn* ва *kāf* ҳарфларининг қўлланишини юқорида кўрсатган эдим.

Бу бобнинг буйруғи уч ҳарфлидир, шунинг учун биз "уч ҳарфли" деб атадик. ***Täŋrikä tapïn*** – Тангри таолога қуллуқ қил; ***Täŋrikä yükün*** – Тангри таолога сажда қил; ***serin*** – чидагин, сабр қил, демакдир. Истасанг, бу буйруқларни, юқорида кўрсатганимиздек, ***tapïnğïl, yüküngil, seringil*** шаклида қўллаш ҳам мумкин.

Бўлишсиз феъллар ҳақида юқорида кўрсатганимиздек, ўзак охирида *mīm* ва *alif* (***-ma, -mä***) қўшилиб ясалади: ***saqïnma*** – ўйлама, фикр қилма, ***sewinmä*** – суюнма, каби.

Сўзловчи бирлигида *mīm* билан ***tapïndïm***, тингловчи бирлигида *ŋ* билан ***tapïndïŋ***, ўзга бирлигида *yā* [*i*] билан ***tapïndï*** шаклида қўлланади. Баъзи арғулар тилида *kāf* [*g*] *ğayn* га айлантирилади. Чунончи, ***tapïnduğ*** – топиндинг; ***sen anï qačurduğ*** – сен уни қочирдинг, каби. Қоида ҳамма феъллар учун умумийдир. Бу ерда асос *kāf* [*g*] дир. *kāf* [*g*] ўрнига *ğayn* қўллаш тўғри эмас.

Бу бобда ишни ишловчи мазмунини англатувчи шакл ўғузлардан бошқалар тилида: ***tapïnğučï, yüküngüčï*** шаклидадир. Бу сўз шакли ўғузлар тилида ***tapïndačï, yüküngäčï*** дир. Ишда давомлилик маъносини англатувчи сифатлар ***tapïnğan, yüküngän*** лардир. Бу сифатдошларда *qāf, ğayn, kāf* ҳарфларининг қўлланилиши юқорида кўрсатилган қоида асосидадир.

Ишни ишлаш истагида эканини билдирувчи сифат қуйидаги шаклда қўлланади: ***tapuğsaq er*** – ишни, хизматни севувчи, ишчан киши. Бу хил сифатдош уч ҳарфли ва ундан ортиқ

ҳарфли феълларда жуда оз қўлланади. Лекин бу ерда қоида умумийдир. Иккидан ортиқ ҳарфли феъллардан бундай сифатдош ясаш учун охирги ҳарф туширилади-да, сифат қўшимчаси қўшилиб тузилади. Чунончи, ***tapïndï*** феълидан бу хил сифат ясаш учун ўзакнинг охирги ҳарфи *mïn* туширилиб, сўз "хизмат" маъносидаги ўзак ***tapuğ*** шаклига қайтарилади. Сўнг бу вазифани бажарувчи *-saq* қўшимчаси қўшилиб, юқоридаги сифат ясалади.

Бирор ишни қилишга унинг ҳақи бор эканлигини англатувчи сифатдош *fa'ulu'lul* шаклида қўлланади, яъни икки *'ayn* ҳаракатли, биринчи ва иккинчи *lām* ҳарфлари *sukun* лидир. Чунончи, ***beg yazuq kečürüglüg erdi*** – бекнинг бурчи гуноҳни кечиш, кечириш эди. Яна: ***ol täŋrikä tapïnğuluq erdi*** – унинг ҳақи, бурчи тангрига топиниш эди. Бу хил сифатлар қоидаси: ўзакнинг қалин-ингичкалигига кўра, шу ўзак охирига *-ğuluq* ёки *-gülük* қўшимчаларини қўшишдир. Бу хил сифатларда бироз масдар мазмуни ҳам бор.

Феълнинг ишловчиларидан бири эканини билдириш маъносидаги сифатдош *fa'la'lī* шаклида икки *'ayn* ҳарфи *sukun* ли, икки *lām* ҳарфи ҳаракатлидир. Ўзакнинг охирига *-ğlï, -gli* қўшимчаси қўшиб ясалади. Чунончи, ***ol Täŋrikä tapïnïğlï erdi*** – у Тангри таолога топинадиганлардан эди; ***ol meni suwdïn kečürügli erdi*** – у мени сувдан кечирувчилардан эди. Бу сифатга ***erdi*** феъли қўшиб айтилса, ишловчи у ишни бажарганлигидан хабар беради. Агар у сифатдан сўнг ***ol*** ёки ***turur*** қўшилса, у вақтда ишловчи шу ишни ишлашни истаса ҳам, ҳали ишламаганлигини билдиради.

Ишнинг ишланганлигини билдирувчи *maf'ūl* шакли ҳамма феълларда бир хилда, фарқ қилмай, ўзак охирига *-mïš, -miš* қўшиб ясалади: ***küzätmiš näŋ*** – сақланган нарса; ***qoturmïš qap*** – бўшаган қоп, сингари. *-mïš, -miš* қўшимчаси ўтимсиз феълларга қўшилса, ишнинг ўтганлигидан хабар берувчи сифат ясалади: ***sawïlmïš kün*** – пастланган, оққан кун; ***soğulmïš suw*** – қолган сув, каби.

Феълларнинг турланиш усуллари икки ҳарфлилар бобида айтиб ўтилди. Пайт оти, жой оти ҳам юқорида кўрсатилганча, сўзлар охирига ясовчи қўшимча *-lar, -lär* қўшиш билан ясалади.

Ҳеч бир сўз қоидадан четда қолмайди. Буни яхши англаб ол.

Уч ҳарфлилар битди.

## БУ ТЎРТ ҲАРФЛИЛАР БОБЛАРИДИР

### *lām* ҳарфи уч хил ҳаракатнинг бири билан ҳаракатли, *'ayn* ҳарфи *sukun* ли *fa'laldī* шаклидаги сўзлар

ر ***r*** [ҳарфи]:

[بُرْكُرْدِى ***bürkürdi*** **(буркурди)** – буркалди] ***kök bürkürdi*** – кўк буркалди, булутланди.

[پُرْكُرْدِى ***pürkürdi*** **(пуркурди)** – пуркиди, устига сув сочди] ***yuğčï tonqa suw pürkürdi*** – кир ювувчи ивитиш учун кийимга сув пуркиди, сув қуйди (***pürkürär, pürkürmäk***).

[پُرْكُرْدِى ***pürkürdi*** **(пуркурди)**] ***qan pürkürdi*** – ярадан қон оқди.

[بِجْتُرْدِى ***bïčturdï*** **(бичтурди)** – кестирди] ***er yïğač bïčturdï*** – киши дарахт кестирди (***bïčturur, bïčturmaq***).

[بَرْتُرْدِى ***barturdï*** **(бартурди)** – бордирди, кетказди] ***ol meni ewkä barturdï*** – у мени уй ва бошқа ерларга жўнатди, юборди (***barturur, barturmaq***).

[بَسْتُرْدِی ***basturdï*** (**бастурди**) – бостирди] ***beg oğrïnï basturdï*** – бек ўғрини оёқ-қўлидан босиб ётқиздирди. Ҳар қандай нарсани кўтарилиб кетишига йўл қўймасликка ҳам шу сўз қўлланади (***basturur***, ***basturmaq***).

[بُغْتُرْدِی ***boğturdï*** (**бўғтурди**) – бўғдирди, бўғишга буюрди] ***ol anï boğturdï*** – у уни бўғдирди, бўғишга буюрди (***boğturur***, ***boğturmaq***).

[بِرْقِرْدِی ***birqïrdï*** (**бирқирди**) – пишқирди] ***at birqïrdï*** – от ва бошқалар пишқирди (***birqïrar***, ***birqïrmaq***).

[بُرْقُرْدِی ***burqurdï*** (**бурқурди**)] ***eşlär yüzi burqurdï*** – хотиннинг юзи буришди. Терининг бурушишига ҳам шу сўз қўлланади (***burqurar***, ***burqurmaq***).

[بِلْگُورْدِی ***belgürdi*** (**белгурди**) – билинди, маълум бўлди] ***iš belgürdi*** – иш ва бошқалар маълум бўлди. Мақолда (шундай келган): ***Küz keligi yazïn belgürär.*** Маъноси: "Кузнинг қандай келиши ёзда маълум бўлади". Олдиндан маълум бўлган, кейин келадиган нарса тўғрисида бу мақол қўлланади. (Шоир) шундай деган:

***Kizläp tutar sewüglüg***
***Aδrïš küni belgürär.***
***Bašlïğ közüg paysama,***
***Yaši anïŋ sawrïqar.***

Айтмоқдаки: Яширин тутилган севги айрилиқ куни билиниб қолади, маълум бўлади. Ярали ва ёшли кўзни яширма, ёши ошкор қилади (***belgürär***, ***belgürmäk***).

[تَلْپِرْدِی ***talpïrdï*** (**талпирди**) – талпинди, қанотларини қоқди] ***quš talpïrdï*** – қуш икки қанотини қоқди, силкитди; ***talwïr talpïrdï*** – мода каклик силкинди. Ҳар нарсанинг типирлашига ҳам шу сўз қўлланади (***talpïrar***, ***talpïrmaq***).

[تُغْتُرْدِی ***tuğturdï*** (**туғтурди**) – туғдирди] ***Täŋri oğul tuğturdï*** – Тангри хотиндан ўғил туғдирди. Асли ***tuğurtturdï*** дир. Бунинг қоидаси шундай: ўтимли бўлган феълларга ***tā*** қўшилиб, икки фоилдан ўтимли феъл тузилади. Бири ишга буюрувчи бўлади, иккинчиси ишловчи бўлади. Чунончи, ***suw ičürdi*** (сув ичирди) гапидаги ***ičürdi*** феъли ўзи аввалда ўтимлидир. Бу феълга ***tā*** орттириб, ***suw ičtürdi*** деганда, "биров ичиришга буюрди, иккинчиси ичди" демакдир. ***ol anï boğdï*** – у уни бўгди. ***boğturdï*** дейилса, "у бировни бўғишга буюрди" демакдир. Бу араб тилида феълга ***alif*** ҳарфини орттириш йўли билан юзага келади. Чунончи, انقط билан نقط ҳамда القط билан لقط иборалардаги لقط السنبل والقطه غيره ونقط المصحف وانقطه غيره феъллари сингари мисоли кўпдир (***boğturur***, ***boğturmaq***).

[تَقْتُرْدِی / تَقْتُرْدِی ***taqturdï / tïqturdï*** (**тақтурди / тиқтурди**) – тердирди] ***et sïšqa taqturdï / tïqturdï*** – гўштни сихга тердирди (***taqturur***, ***taqturmaq***).

[تِقْتُرْدِی ***tïqturdï*** (**тиқтурди**) – тиқтирди] ***unuğ qapqa tïqturdï*** – унни қопга тиқтирди; киши унни қопга қаттиқ қилиб тиқишга ва боғлашга буюрди. Бошқаси ҳам шундай (***tïqturur***, ***tïqturmaq***).

[تُتْتُرْدِی / تُتْرْدِی ***tutturdï*** (**туттурди**) – туттирди[43]] ***beg oğrïnï tutturdï*** – бек ўғрини тутишга буюрди ва туттирди (***tutturur***, ***tutturmaq***).

[تُكْتُرْدِی ***töktürdi*** (**тўктурди**) – тўктирди] ***ol suw töktürdi*** – у сувни ва бошқа нарсаларни тўкишга буюрди (***töktürür***, ***töktürmäk***).

---

[43] Қўлёзмада бу сўз تُتْرْدِی кўринишида, келаси замони ва масдари эса تُتْرُرْ, تُتْرْماقْ кўринишида берилган. Бироқ иккинчи ***tā*** га ***tašdid*** белгиси ҳам қўйиб кетилган. Шунинг учун уни шундай шаклда беришни маъқул кўрдик.

[تِكْتُرْدِى *tiktürdi* (**тиктурди**) – тиктирди] ***ol ton tiktürdi*** – у кийим тиктирди, кийим тиктиришга буюрди, сўнг кийим тикилди (***tiktürür, tiktürmäk***).

[تَلْتُرْدِى *talturdi* (**талтурди**) – толдирди] ***anï urup talturdï*** – уни уриб толдирди, чарчатди, ҳатто қаловланиб қолаёзди (***talturur, talturmaq***).

[تِلْتُرْدِى *teltürdi* (**телтурди**) – тештирди] ***ol tam teltürdi*** – у том, девор ва бошқани тештирди. Сўнгги *tā lām* билан алмашгандир. Арабчада ҳам шу хил алмашиниш бор. Чунончи, араб тилида قدر على عياله ва قتر على عياله дейилганидай, قدر على عياله тарзида ҳам қўлланади. Оятда бир ўринда ومن قدر عليه رزقه тарзида, иккинчи ўринда فقدر عليه رزقه اذا ما ابتلاه каби *dāl* ҳарфи *tā* ўрнига алмашган бўлса, ختل ва ختر ибораларида *tā* ҳарфи *dāl* ўрнига алмашгандир. Бунинг асли غدر дир. Бу сўзда уч хил алмашиниш бор (***teltürür, teltürmäk***).

[تُلْتُرْدِى *tolturdi* (**тўлтурди**) – тўлдирди] ***ol ayaq tolturdï*** – у коса ва бошқа нарсаларни тўлдирди (***tolturur, tolturmaq***).

[تِلْتُرْدِى *tiltürdi* (**тилтурди**) – тилдирди] ***er yarïndaq tiltürdi*** – киши қайиш тилдирди. Қайиш сингари тилинадиган, чунончи, ошланмаган тери сингари нарсаларни тилдиришга ҳам шу сўз қўлланади (***tiltürür, tiltürmäk***).

[تَمْتُرْدِى *tamturdi* (**тамтурди**) – томдирди, томизди] ***ol anïŋ ağzïŋa suw tamturdï*** – у унинг оғзига сув томдирди, томизди (***tamturur, tamturmaq***). Бу заиф бир сўздир.

[تَمْجُرْدِى *tamčurdi* (**тамчурди**) – томчилади] ***yağmur tamčurdï*** – ёмғир ва шунинг кабилар томчилади, оз-оз ёғди (***tamčïrar, tamčurmaq***).

[تَبْجُرْدُمْ *tapčurdum* (**тапчурдум**) – топширдим] ***men oğulnï anasïŋa tapčurdum*** – мен ўғилни онасига топширдим, унинг қўлига тутқаздим. Бу сўздаги *čïm* ҳарфининг асли *šïn* дир. Бошқаларга ҳам шу сўз қўлланади (***tapčurur, tapčurmaq***).

[تُلْدُرْدِى *tuldurdi* (**тулдурди**) – гавдаси билан урди] ***atliğ anï tuldurdï*** – отлиқ ва бошқалар уни гавдаси билан урди.

[تِلْدُرْدِى *tildürdi* (**тилдурди**) – тилдирди] ***anï pičāk bilä tildürdi*** – уни пичоқ билан тилдирди (***tildürür, tildürmäk***).

[بِلْتُرْدِى *biltürdi* (**билтурди**) – билдирди] ***ol meŋä iš biltürdi*** – у менга иш билдирди, ўргатди (***biltürür, biltürmäk***).

[تَمْتُرْدِى *tamturdi* (**тамтурди**) – томдирди, ёктирди] ***ol ot tamturdï*** – у ўт томдирди, ўт ёктирди. Чироқ ёкишга нисбатан ҳам шу сўз қўлланади (***tamdurur, tamdurmaq***).

[تَنْتُرْدِى *tanturdi* (**тантурди**) – тондирди] ***ol meŋä alïmïn tanturdï*** – у менга олимини, қарзини ва бошқаларни тондирди (***tanturur, tanturmaq***).

[تِنْدُرْدِى *tïndurdi* (**тиндурди**) – тиндирди, тинчитди] ***ol meni tïndurdï*** – у мени тиндирди, роҳатлантирди. Бу сўз асли "нафас олди" маъносидаги ***tïndï*** сўзидан олинган.

[تُنْتُرْدِى *tunturdi* (**тунтурди**)] ***ot anïŋ közin tunturdï*** – ўт (дори) унинг кўзини қоплади. Ҳар қандай нарсани бошқа нарсалар қоплашига ҳам шу сўз қўлланади (***tunturur, tunturmaq***).

[تُدْغُرْدِى *toδğurdi* (**тўдғурди**) – тўйдирди] ***ol meni toδğurdï*** – у мени тўйдирди (***toδğurur, toδğurmaq***). Мақолда (шундай келган): ***Ewlig toδğursa, közi yolqa bolur.*** Маъноси: "Уй эгаси меҳмонни тўйдирса, меҳмон кетишга отланиб, кўзи йўлда бўлади". Бу мақол зиёфатдан сўнг кетиш учун узр сўраган меҳмонга қарата қўлланади. (Шеърда) шундай деган:

***Toδğurmadï ïtïmnï,***
***Turğurğalïr atïmnï.***
***Sürdi meniŋ qutumnï,***
***Qaz, taqï qurdayïmnï.***

Овга керакли воситалар: ит, отларини сўраб олиб, ҳеч нарса овлай олмаган овчи тўғрисида демоқда: Итимга тўйдирарли ов ҳам топа олмади. Отимни уринтириб, ориқлатаёзди. Ғоз ва қурдайимни ҳайдаб, менинг омадимни кетказди.

[تُدُغْزِدِى] ***toδğurdï*** (**тўдғурди**) – тўйдирди, безор қилди, малол келтирди] ***ol meni bu ïštïn toδğurdï*** – у мени бу ишдан тўйдирди, менга у малол келди.

[تُرْغُزِدِى] ***turğurdï*** (**турғурди**) – ориқлатди] ***ol atïğ turğurdï*** – у отни ориқлатди (***turğurur, turğurmaq***).

[تُرْغُزِدِى] ***turğurdï*** (**турғурди**)] ***ol meni orundun turğurdï*** – у мени ўрнимдан тургизди.

[تُرْغُدِى] ***turğurdï*** (**турғурди**) – турғизди, тиклади, қурди] ***er tam turğurdï*** – киши девор урди, қурди. Уй ва бошқа нарсаларни тиклашга, қуришга ҳам шу сўз қўлланади (***turğurur, turğurmaq***).

[تَزْغَزِدِى] ***tazğardï*** (**тазғарди**) – кал бўлаёзди] ***er baš tazğardï*** – кишининг бош туклари тўкилиб, кал бўлаёзди (***tazğïrar, tazğïrmaq***).

[تُزْغُزِدِى] ***tozğïrdï*** (**тўзғирди**) – тўзон тўзаёзди] ***yer tozğïrdï*** – ер тўзғиёзди, тўзон кўтарилаёзди (***tozğïrar, tozğïrmaq***).

[تَشْغَزِدِى] ***tošğurdï*** (**тўшғурди**) – тўлдирди] ***ol ewin tawar birlä tošğurdï*** – у уйини мол билан тўлғизди. Идишни сув ва бошқа нарсалар билан тўлдиришга ҳам шу сўз қўлланади (***tošğurur, tošğurmaq***).

[تَشْغَزِدِى] ***tašğurdï*** (**ташғурди**) – тошаёзди] ***ešič tašğurdï*** – қозон тошаёзди, қозондан сув (тошиб) чиқаёзди (***tašğurar, tašğurmaq***).

[تَشْغَزْدُمْ] ***tušğurdum*** (**тушғурдум**) – учраштирдим] ***men oğulnï atasïŋa tušğurdum*** – мен ўғилни отаси билан учраштирдим. Икки киши ўртасидаги учраштиришга ҳам шу сўз қўлланади (***tušğurur-men, tušğurmaq***). Асли ***tušurdum*** дир.

[تَلْغَزِدِى / تَلْغَزِدِى] ***talğurdï / tolğurdï*** (**талғурди / тўлғурди**) – айниёзди, тўлганаёзди] ***köŋlüm talğurdï / tolğurdï*** – булганч, нопок овқат ейишдан кўнглим айниёзди (***talğurur, talğurmaq***).

[تَلْغَزِدِى] ***talğurdï*** (**талғурди**) – қўзғалди] ***art baš talğurdï*** – тоғ боши ва бошқа ерларда совуқ шамол, бўрон қўзғалди (***talğïrar, talğïrmaq***).

[تَمْغَزِدِى] ***tamğurdï*** (**тамғурди**) – томаёзди, томинқиради] ***suw tamğurdï*** – муз ва шу кабилардан сув томаёзди (***tamğïrar, tamğïrmaq***).

[تُبْكَزِدِى] ***tübkärdi*** (**тубкарди**) – кетига тушди, текширди] ***ol išïğ tübkärdi*** – у ишни текширди; у ишнинг тагини текширди, кетига тушди (***tübkärür, tübkärmäk***).

[تَرْكَزِدِى] ***tirgürdi*** (**тиргурди**) – тирилтирди] ***Täŋri ölüg tirgürdi*** – Тангри ўликни тирилтирди (***tirgürür, tirgürmäk***).

[تُزْكَزْدِمْ] ***tüzgärdim*** (**тузгардим**) – тўғри йўлга бошладим, йўлладим] ***men anï tüzgärdim*** – мен уни тўғри йўлга бошладим, йўлладим, йўлга солдим (***tüzgürür-men, tüzgürmäk***).

[تَلْمِزِدِى] ***telmirdi*** (**телмирди**) – термилди, ўнг ва сўлга қаради] ***er telim telmirdi*** – киши бир нарсани истаётгандай, ё бировни кўрсатгандай ўнгга-сўлга қаради (***telmirär, telmirmäk***).

[جَبْتُزِدِى] ***čapturdï*** (**чаптурди**) – суздирди] ***er qulïn suwda čapturdï*** – киши қулини сувда суздирди. Бошқа ўринларда ҳам шундай.

[جَبْتُزِدِى] ***čapturdï*** (**чаптурди**)] ***ol anïŋ boynïn čapturdï*** – у унинг гарданига уришга буюрди (уйғурча).

[جَبْتُزِدِى] ***čapturdï*** (**чаптурди**)] ***ol ewin čapturdï*** – у уйини суюқ лой билан чаплаттирди, суватди (***čapturur, čapturmaq***).

[چِژْتُرْدِی ***čižtürdi*** (**чижтурди**) – чўктирди, белини букди] ***bu yük atiğ čižtürdi*** – бу юк оғирлигидан от орқасини чўктирди. Оғир юкдан от ва бошқаларнинг орқаси букилишига ҳам шу сўз қўлланади (***čižtürür***, ***čižtürmäk***).

[چُژْتُرْدِی ***čožtürdi*** (**чўжтурди**) – чўздирди] ***ol yïpïğ čožtürdi*** – у бўшашган арқонни торттирди. Қўй ичагини артишга ҳам шу сўз қўлланади (***čožtürür***, [***čožtürmäk***]). Бу сўз ҳам юқоридаги сингари икки махраж орасидаги ***žā*** билан талаффуз қилинади.

[چِگْتُرْدِی ***čigtürdi*** (**чигтурди**) – тугдирди, чигдирди] ***ol tügün čigtürdi*** – у тугун ва бошқа нарсаларни тугдирди; бировни тугун тугишга буюрди (***čigtürür***, ***čigtürmak***).

[چَقْتُرْدِی ***čaqturdï*** (**чақтурди**) – чақтирди] ***ol čaqmaq čaqturdï*** – у (унга) чақмоқ чақтирди. Икки кишини бир-бирига чақиб, ўзаро жанжал қўзғатганда ҳам ***čaqturdï*** дейилади (***čaqturur***, ***čaqturmaq***).

[چُقْتُرْدِی ***čoqturdï*** (**чўқтурди**)] ***ol qušuğ qazqa čoqturdï*** – у лочинни ўрдак ва бошқа нарсаларни овлашга йўллади (***čoqturur***, ***čoqturmaq***).

[چِقْتُرْدِی ***čïqturdï*** (**чиқтурди**) – чиқарди] ***ol anï ewdin čïqturdï*** – у уни уйдан ва бошқа ерлардан чиқаришга буюрди (***čïqturur***, ***čïqturmaq***).

[جِقْتُرْدِی ***jïqturdï*** (**жиқтурди**) – намиқтирди] ***ol tonïn jïqturdï*** – у кийимни нам жойга қўйди ва кийим намиқди (***jïqturur***, ***jïqturmaq***).

[چَكْتُرْدِی ***čektürdi*** (**чектурди**) – нуқта қўйдирди] ***aŋar čekig čektürdi*** – унга хат-ёзув нукталарини қўйдирди.

[چَكْتُرْدِی ***čektürdi*** (**чектурди**)] ***ol afïn čektürdi*** – у туёқ касали ва бошқа касал сабабли отининг томиридан қон олдирди (***čektürür***, ***čektürmäk***).

[چَكْتُرْدِی ***čöktürdi*** (**чўктурди**) – чўктирди] ***ol anïŋ tewäsin čöktürdi*** – у унинг туясини чўктирди.

[چَكْتُرْدِی ***čöktürdi*** (**чўктурди**)] ***ol kümüš altundun čöktürdi*** – у чўктириш усули билан олтинни кумушдан ажратди (***čöktürür***, ***čöktürmäk***).

[چَلْتُرْدِی ***čalturdï*** (**чалтурди**)] ***ol anï čalturdï*** – у уни чалдирди.

[چَلْتُرْدِی ***čalturdï*** (**чалтурди**)] ***ol yitüg čalturdï*** – у йитган-йўқолган нарсани қидиришга буюрди. Маълум қилиш учун айтилган ҳар бир сўзга ҳам шундай дейилади (ўғузча) (***čalturur***, ***čalturmaq***).

[چُمْتُرْدِی ***čomturdï*** (**чўмтурди**) – чўмдирди, ботирди] ***ol anï suwqa čomturdï*** – у уни сувга чўмдирди, шўнғитди (***čomturur***, ***čomturmaq***). Бунинг ***čömtürdi***, ***čömtürür***, ***čömtürmäk*** шакли аввалги сўзга кўра яна ҳам "чуқурроқ чўмдириш" маъносидадир.

[چَنْتُرْدِی ***čanturdï*** (**чантурди**) – тондирди] ***ol anï bu ïšqa čanturdï*** – у уни бу ишдан қайтишга ундади. Асли ***čïnduturdï*** дир (***čanturur***, ***čanturmaq***).

[چِنْغَرْدِی ***čïnğardï*** (**чинғарди**) – текширди] ***ol ïšïğ čïnğardï*** – у ишнинг аслини текширди, таҳқиқ қилди. Асли ***yā*** ҳарфи билан چِيْنْغَرْدِی дир ([***čïnğarïr***], ***čïnğarmaq***).

[سَپْتُرْدِی ***septürdi*** (**септурди**) – сеп қилишга буюрди] ***ol anïŋ qïzïn septürdi*** – у қизига сеп қилиб куёвга узатишни буюрди.

[سَپْتُرْدِی ***sapturdï*** (**саптурди**)] ***ol meŋä quš qanatïn sapturdï*** – у менга қуш қанотини бирлаштиришга, қуш қанотини тузатишга буюрди. Ҳар нарсани тузатишга ҳам шу сўз қўлланади (***sapturur***, ***sapturmaq***). Аввалги феълнинг масдари ***kāf*** билан ***septürmäk*** дир.

[سَتْتُرْدِی ***satturdï*** (**саттурди**) – соттирди] ***ol meniŋ tawarïğ satturdï*** – у менинг таваримни (молимни) ва бошқа нарсаларни соттирди (***satturur***, ***satturmaq***).

[سُتْتُرْدِی ***sutturdï*** (**суттурди**) – туплатди] ***ol anïŋ yüziŋä sutturdï*** – у унинг юзига туплатди. Бунинг асли ***suðturdï*** дир (***suðturur***, ***sutturmaq***).

[سِتّْرْدِى ***sittürdi*** (**ситтурди**) – сийдирди] ***ol oğlïn sittürdi*** – у боласини сийдирди. “Отини сийдириш”га нисбатан ҳам шу сўз қўлланади. Асли ***siðtürdi*** эди, кейинчалик ҳарфлар сингиб иккиланган (***sittürür***, ***sittürmäk***).

[سَجْتُرْدِى ***sačturdï*** (**сачтурди**) – сочтирди] ***ol meŋä yarmaq sačturdï*** – у менга танга сочтирди (***sačturur***, ***sačturmaq***).

[سِجْتُرْدِى ***sïčturdï*** (**сичтурди**) – чичтирди] ***ol anï sïčturdï*** – у уни чичтирди (***sïčturur***, ***sïčturmaq***).

[سُرْتُرْدِى ***sürtürdi*** (**суртурди**) – сурдирди, сургун қилди] ***ol anï sürtürdi*** – у уни ватанидан сургун қилди (***sürtürür***, ***sürtürmäk***).

[سُرْتُرْدِى ***sürtürdi*** (**суртурди**)] ***ol aŋar qoy sürtürdi*** – у унга қўй ва бошқа ҳайвонларни ҳайдатди.

[سُرْتُرْدِى ***sürtürdi*** (**суртурди**)] ***ol aŋar taš sürtürdi*** – у унга тош ишқатди. Масдари ҳам шундай.

[سُرْتُرْدِى ***sorturdï*** (**сўртурди**) – сўраттирди] ***ol soruğ sorturdï*** – у йўқолган нарсани суриштиришга буюрди.

[سُرْتُرْدِى ***sorturdï*** (**сўртурди**)] ***ol qanïğ sorturdï*** – у қонни қортуқ билан сўриб олишга буюрди, сўрдирди (***sorturur***, ***sorturmaq***).

[سُزْتُرْدِى ***süztürdi*** (**сузтурди**) – суздирди] ***ol suw süztürdi*** – у сув ва бошқа нарсаларни тинитишга, сузишга буюрди (***süztürür***, ***süztürmäk***).

[سُسْتُرْدِى ***süstürdi*** (**сустурди**) – суздирди] ***ol qoč süstürdi*** – у қўчқорни суздиришга ундади, ҳатто у сузди (***süstürür***, ***süstürmäk***).

[سَشْتُرْدِى ***seštürdi*** (**сештурди**) – ечтирди] ***ol tügün seštürdi*** – у тугунни ва бошқа нарсаларни ечишга буюрди, ечтирди (***seštürür***, ***seštürmäk***).

[سَشْتُرْدِى ***sašturdï*** (**саштурди**) – бошма-бош қилди] ***ol alïm-berim birlä sašturdï*** – у оладиган моли билан берадиганини бошма-бош қилди. Оладиганини олмай, берадиганининг ўрнига топширди (***sašturur / sïšturur***, ***sašturmaq / sïšturmaq***).

[سَغْتُرْدِى ***sağturdï*** (**сағтурди**) – соғдирди] ***ol qoy sağturdï*** – у қўй ва бошқаларни соғдирди (***sağturur***, ***sağturmaq***).

[سِغْتُرْدِى ***sïğturdï*** (**сиғтурди**) – сиғдирди] ***ol bir näŋni birkä sïğturdï*** – у бир нарсани бир нарсага сиғдирди, жойлаб қўйди (***sïğturur***, ***sïğturmaq***).

[سَفْتُرْدِى ***sewturdi*** (**севтурди**) – севдирди] ***ol Täŋri seni meŋä sewturdi*** – у Тангри таъоло сени менга севдирди. Кўнглимга севгингни солди (***sewturür***, ***sewturmäk***).

[سُقْتُرْدِى ***suqturdï*** (**суқтурди**) – суқтурди, киргизди] ***ol bir näŋni birkä suqturdï*** – у бир нарсани иккинчисига суқишга, киритишга буюрди (***suqturur***, ***suqturmaq***).

[سُقْتُرْدِى ***soqturdï*** (**сўқтурди**) – майдалатди] ***ol murč soqturdï*** – у мурч ва бошқа нарсаларни майдалатди.

[سِقْتُرْدِى ***sïqturdï*** (**сиқтурди**) – сиқтирди, эздирди] ***ol üzüm sïqturdï*** – у узум ва бошқа нарсаларни сиқишга буюрди (***sïqturur***, ***sïqturmaq***).

[سُكْتُرْدِى ***söktürdi*** (**сўктурди**) – сўктирди] ***ol ton söktürdi*** – у тўн чокларини сўктирди, сўкишга буюрди. Девор ва бошқаларни бузишга ҳам бу сўз қўлланади (***söktürür***, ***söktürmäk***).

[سُكْتُرْدِى ***söktürdi*** (**сўктурди**)] ***ol anï söktürdi*** – у уни сўктирди. Асли у ***söktürdi*** дир. Сўнг идғом қилинган (***söktürür***, ***söktürmäk***).

[سِكْتُرْدِى ***siktürdi*** (**сиктурди**) – сиктирди] ***er küŋin siktürdi*** – киши чўрисини сиктирди (***siktürür***, ***siktürmäk***).

[سَلْتُرْدِی ***salturdï*** (**салтурди**) – солдирди, ихтиёрига ташлатди] ***ol meni aŋar salturdï*** – у мени унинг ихтиёрига ташлатди (ўгузча). Яна ***ol meŋä yeŋ salturdï*** – у бировни тўн енги билан менга ишорат қилишга буюрди (***salturur***, ***salturmaq***). Ҳар бир нарсани ташлашга буюришга ҳам шу сўз қўлланади.

[شَشْتُرْدِی ***šeštürdi*** (**шештурди**) – ечтирди] ***ol tügün šeštürdi*** – у тугун ва бошқа нарсаларни ечтирди; ***seštürdi*** варианти ҳам бор. Бу алмашиниш арабча билан форсчадаги алмашинишга ўхшайди. Арабча مِسْكْ ***misk***, форсча مُشْكْ ***mušk***, арабча سُكَّرْ, форсча شَكَرْ ***šakar***, арабча عَسْكَرْ ***'askar***, форсча لَشْكَرْ ***laškar*** каби.

[سَجْغُرْدِی / سَجْغُرْدِی ***sačğurdï / sačğïrdï*** (**сачғурди / сачғирди**)] ***er suw sačğurdï / sačğïrdï*** – киши сув сочтираёзди (***sačğurar / sačğïrar***, ***sačğurmaq / sačğïrmaq***).

[سُجْغُرْدِی ***sučğurdï*** (**сучғурди**)] ***at sučğurdï*** – от ва бошқа ҳайвонлар ҳуркаёзди (***sučğurar***, ***sučğurmaq***).

[سَرْغَرْدِی ***sarğardï*** (**сарғарди**)] ***sarğardï näŋ*** – нарса сарғайди (***sarğarur***, ***sarğarmaq***).

[سِزْغُرْدِی ***sïzğurdï*** (**сизғурди**)] ***er yağ sïzğurdï*** – киши ёғ ва бошқа нарсаларни эритди (***sïzğurur***, ***sïzğurmaq***).

Иситма беморни ҳолдан тойдиришига ҳам шу сўз қўлланади. (Шоир) шундай деган:

***Köŋli küyüp, qanï qurïp, ağzï ačïp qatğurar,***
***Sïzğurğalïr üðüklär / üðiklär essiz yüzi burqarar.***

Айтмоқдаки: Дили куйиб, қони қуриб, оғзини очиб кулади. Ишқ уни эритиб юборар даражада, бечоранинг юзларини сарғайтирарди [У қотиб кулади-ю, лекин ишқ унинг дилини ёндирган, қонини қуритган, чеҳрасини ачинарли ҳолда сўлдирган].

[سُوْغَرْدِی ***suwğardï*** (**сувғарди**)] ***ol at suwğardï*** – у от ва бошқаларни суғорди (***suwğarur***, ***suwğarmaq***).

[سَنْغَرْدِی ***sanğardï*** (**санғарди**)] ***ol anï kišidän sanğardï*** – у уни кишилардан деб санади (***sanğarur***, ***sanğarmaq***).

[سَرْقُرْدِی ***sarqurdï*** (**саркурди**)] ***ol yağnï qaptïn sarqurdï*** – у ёғни идиш (меш)дан силқитди. Ҳар бир суюқ нарса бир идишдан иккинчи идишга солинганда, тагида қолганини силқитишга ҳам шу сўз қўлланади (***sarqurur***, ***sarqurmaq***).

[سُوتْكَرْدِی ***sütkärdi*** (**суткарди**) – сутга айланди] ***yoğrut sütkärdi*** – ивиган сут чайқалиб-қўзғалиб сутдек суюлди (***sütkirär***, ***sütkirmäk***).

[سُسْكَرْدِی / سُسْكَرْدِی ***süsgürdi / süsgirdi*** (**сусгурди / сусғирди**) – сузди] ***siğïr erig süsgürdi / süsgirdi*** – сигир кишини ва бошқаларни сузмоқчи бўлди (***süsgirär***, ***süsgirmäk***).

[قَبْتُرْدِی ***qapturdï*** (**қаптурди**)] ***ol aŋar tawar qapturdï*** – у унга мол ўғирлатди, мол ўғирлашга буюрди (***qapturur***, ***qapturmaq***).

[قَبْتُرْدِی ***qopturdï*** (**қўптурди**) – тургазди] ***ol anï orundun / orundïn qopturdï*** – у уни ўриндан турғазди (***qopturur***, ***qopturmaq***).

[قَچْتُرْدِی ***qačturdï*** (**қачтурди**) – қочтирди] ***erig qačturdï*** – (у) кишини қочтирди, бировни қочишга буюрди (***qačturur***, ***qačturmaq***).

[قُچْتُرْدِی ***qučturdï*** (**қучтурди**) – қучоқлашга ундади] ***ol meni qučturdï*** – у мени қучоқлашга ундади, бағрига босди (***qučturur***, ***qučturmaq***).

[قَتْتُرْدِی ***qatturdï*** (**қаттурди**) – эштирди] ***ol yïp qatturdï*** – у ип эштирди, пиширтирди.

[قَتْتُرْدِی ***qatturdï*** (**қаттурди**) – қотиштирди] ***ol talqanqa yağ qatturdï*** – у толқонга ёғ қотиштирди. Аралаштирилган ҳар бир нарсага ҳам шу сўз қўлланади (***qatturur***, ***qatturmaq***).

[قَرْتُرْدِی ***qartürdï*** (**қартурди**) – тиқилтирди] ***ol anï suwqa qartürdï*** – у унга сув тиқилтирди.

[قَرْتُرْدِى ***qarturdï*** **(қартурди)**] ***ol aŋar yağ talqanqa qarturdï*** – у талқонга ёғ кордирди (ўғузлар сўзи) (***qarturur***, ***qarturmaq***).

[قُرْتُرْدِى ***qurturdï*** **(қуртурди)** – курдирди] ***ol meŋä ya qurturdï*** – у менга ёй курдирди; ***xan aŋar čuvač qurturdï*** – хон унга хонлик чодирини қуришга буюрди.

[قُرْتُرْدِى ***qurturdï*** **(қуртурди)**] ***xan begkä süsin qurturdi*** – хон бекка аскарини тўплашга буюрди (***qurturur***, ***qurturmaq***).

[قِرْتُرْدِى ***qïrturdï*** **(қиртурди)** – қирдирди] ***ol aŋar yer qïrturdï*** – у унга ер ва бошқа жойларни қирдирди (***qïrturur***, ***qïrturmaq***).

[قَزْتُرْدِى ***qazturdï*** **(қазтурди)** – қаздирди] ***ol aŋar qaδağ qazturdï*** – у унга ариқ қаздирди (***qazturur***, ***qazturmaq***).

[قَسْتُرْدِى ***qusturdï*** **(қустурди)** – қустирди] ***süčig erig qusturdï*** – ичкилик (май) эрни қустирди. Қолдирилган ҳар бир нарсага ҳам, нарса бўёқ рангини ўзгаришига ҳам шу сўз қўлланади (***qusturur***, ***qusturmaq***).

[قِسْتِرْدِى ***qïstïrdï*** **(қистирди)** – қистирди, кишанлатди] ***beg anïŋ aδaqïn qïstïrdï*** – бек унинг оёғини қистирди. Бек исканжага солиб азоблаганига ҳам шу сўз қўлланади.

[قِسْتُرْدِى ***qïsturdï*** **(қистурди)**] ***anïŋ ašïn qïsturdï*** – унга тайинланган овқат ва бошқа нарсаларни камайтиришга буюрди. Асли ***ol anïŋ tonïn qïsturdï*** (у унинг кийими ва бошқа нарсаларни калта қилишга буюрди) гапидан келиб чиққан (***qïsturur***, ***qïsturmaq***).

[قَقْتُرْدِى ***qaqturdi*** **(қақтурди)** – бошига урдирди] ***ol anï bašra qaqturdï*** – у уни бошига урдирди, бошига уришга буюрди (***qaqturur***, ***qaqturmaq***).

[قَلْتُرْدِى ***qalturdï*** **(қалтурди)** – қолдирди (қолдириб кетди)] ***ol anï yarïšta qalturdï*** – у уни юришда орқада қолдириб, ўзиб кетди. Ҳар бир нарсада бири ошиб иккинчисидан ўзиб кетишига шу сўз ишлатилади (***qalturur***, ***qalturmaq***).

[قُلْتُرْدِى ***qulturdï*** **(қултурди)** – сўраттирди] ***ol mendin näŋ qulturdï*** – у мендан нарса сўраттирди (***qulturur***, ***qulturmaq***).

[قِلْتُرْدِى ***qïlturdï*** **(қилтурди)** – қилдирди] ***ol aŋar iš qïlturdï*** – у унга иш қилдирди (***qïlturur***, ***qïlturmaq***).

[قَمْتُرْدِى ***qamturdï*** **(қамтурди)** – ўлгудек урдирди] ***ol anï urup qamturdï*** – у уни ўлгудек урдирди, нафаси ўчгунча урдирди (***qamturur***, ***qamturmaq***).

[قُمْتُرْدِى ***qumturdï*** **(қумтурди)** – тўлқинлатди] ***yel suwuğ qumturdï*** – шамол сувни мавжлантирди (***qumturur***, ***qumturmaq***).

[قَنْتُرْدِى ***qanturdï*** **(қантурди)** – қондирди] ***ol meni suwqa qanturdï*** – у мени сувга қондирди (***qanturur***, ***qanturmaq***). Бу сўзнинг асли *dāl* билан ***qandurdï*** дир. Сувдан ташқари бошқа нарсаларга нисбатан ҳам ишлатилади.

[قُنْدُرْدِى ***qondurdï*** **(қўндурди)** – қўндирди] ***ol ewindä quš qondurdï*** – у уйида қуш қўндирди; ***ol altun üzä češ qondurdï*** – у олтин устига феруза тош қўндирди, қадади, феруза тош ўрнатди. Ҳар бир нарсанинг устига бир нарсани қадашга ҳам бу сўз қўлланади (***qondurur***, ***qondurmaq***).

[قَتْغُرْدِى ***qatğurdï*** **(қатғурди)** – кула-кула қотди] ***er külüp qatğurdï*** – эр кула-кула қотди (***qatğurur***, ***qatğurmaq***).

[قُتْغَرْدِى ***qutğardï*** **(қутғарди)** – қутқазди, қутқарди] ***Täŋri meni qutğardï*** – Тангри таъоло мени қийинчиликлардан қутқазди (***qutğarur***, ***qutğarmaq***).

[قَدْغُرْدُمْ ***qaδğurdum*** **(қадғурдум)** – қайғурдим] ***men aŋar qaδğurdum*** – мен унга (унинг учун) қайғурдим. (Шоир) шундай деган:

***Kelsä seŋä yolğïra,***
***Uδun anï uδğura.***

***Barsun naru qaδğura,***
***Sattï meniŋ a:yïnï.***

Ўзига вафосизлик қилган киши ҳақида айтмоқда: Сенга у йўлда йўлиқса, сен уни уйқусидан уйғот, қилган иши (ёмонлиги)ни билдириб қўй. (Ёмонлигини билиб) хафаланиб кетсин. Чунки у мендан рухсатсиз хизматкоримни сотибди. ***qaδğurar*** сўзи ***δāl*** ни ***yā*** га алмаштириб сўзловчилар тилида ***qayğurar*** равишда ҳам талаффуз қилинади ([***qaδğurar***], ***qaδğurmaq***).

[قُزْغَرْدِى / قُزْغَرْدِى ***quzğïrdï / quzğardï*** (**қузғирди / қузғарди**) – учқунлади] ***qar quzğïrdï / quzğardï*** – бирдан ёмғир орасида қор учқунлаб қолди (***quzğïrar***, ***quzğïrmaq***) (қипчоқча).

[قُرْغُرْدِى ***qurğïrdï*** (**қурғирди**) – қуриди, қуруқсинди] ***yer qurğïrdï*** – сувсизликдан ер ва бошқа нарсалар қуриди (***qurğïrar***, ***qurğïrmaq***).

[قُرْغُرْدِى ***qurğïrdï*** (**қурғирди**) – қуруқланди] ***er qurğïrdï*** – киши ва бошқа кимсалар қуруқсинди, бехуда олиб қочди (***qurğïrar***, ***qurğïrmaq***).

[قِزْغُرْدِى ***qïzğurdï*** (**қизғурди**) – тийди, қайтарди] ***ol anï bu ïšta qïzğurdï*** – у уни бу ишдан тийди. Ишнинг зиёнини ўзига тоттирди, энди у ўша ишни иккинчи марта қилмайди (***qïzğurur***, ***qïzğurmaq***).

[قُلْغُرْدِى ***qulğïrdï*** (**қулғирди**) – сўраёзди] ***ol mendin qulğïrdï*** – у мендан сўраёзди (***qulğïrar***, ***qulğïrmaq***).

[قَمْغُرْدِى ***qamğïrdï*** (**қамғирди**) – қийшайди] ***anïŋ yüzi qamğïrdï*** – унинг юзи қийшаяёзди (***qamğïrar***, ***qamğïrmaq***). Ҳар бир қийшаяётган нарсага ҳам шу сўз қўлланади.

[كَجْتُرْدِى ***kečtürdi*** (**кечтурди**)] ***ol anï suwδïn kečtürdi*** – у уни сувдан кечтирди (***kečtürür***, ***kečtürmäk***).

[كَرْتُرْدِى ***kertürdi*** (**кертурди**) – ёздирди] ***ol anïŋ tonïn küŋä kertürdi*** – у унинг кийимини кунга ёздирди.

[كَرْتُرْدِى ***kertürdi*** (**кертурди**)] ***ol yïp kertürdi*** – у арқон ва бошқа нарсаларни чўздирди (***kertürür***, ***kertürmäk***).

[كَرْتُرْدِى ***körtürdi*** (**кўртурди**) – кўрдирди] ***ol aŋar näŋ körtürdi*** – у унга нарсани кўришни юклади (***körtürür***, ***körtürmäk***).

[كِرْتُرْدِى ***kirtürdi*** (**киртурди**) – киргизди] ***ol anï ewkä kirtürdi*** – у уни уй ва бошқа ерларга киргизди (***kirtürür***, ***kirtürmäk***).

[كَسْتُرْدِى ***kestürdi*** (**кестурди**) – кестирди] ***ol aŋar yïgač kestürdi*** – у унга ёғоч ва бошқа нарсаларни кестирди (***kestürür***, ***kestürmäk***).

[كَوْتُرْدِى ***kewtürdi*** (**кевтурди**) – кетказтирди] ***ol anïŋ küčïn kewtürdi*** – у унинг кучини кетказди, тинкасини қуритди (***kewtürür***, ***kewtürmäk***).

[كُلْتُرْدِى ***kültürdi*** (**културди**) – кулдирди] ***ol meni kültürdi*** – у мени кулдирди (***kültürür***, ***kültürmäk***).

[كُلْتُرْدِى ***költürdi*** (**кўлтурди**)] ***ol at aδaqïn költürdi*** – у отнинг оёқларини боғлаб йиқитишга буюрди.

[كَلْتُرْدِى ***keltürdi*** (**келтурди**) – келтирди] ***ol meŋä at keltürdi*** – у менга от келтирди (***keltürür***, ***keltürmäk***).

Бу сўз ***tā*** билан ўғузчадир, ***dāl*** билан туркчадир. Ўғузлар одати бўйича, турклардан фарқланиб, ***tā*** ни ***dāl*** га, ***dāl*** ни ***tā*** га айлантириб ишлатадилар: ***tewäy*** (туя)ни ўғузлар ***devä*** дейдилар. "Тағин" маъносидаги ***taqï*** ни ***daqï*** дейдилар.

[كِكْجُرْدِى ***kekčürdi*** (**кекчурди**) – ишқади] ***er pičäk kekčürdi*** – киши пичоқни бир-бирига ишқади; ***ol ikki er kekčürdi*** – у икки кишини бир-бирига қайради (***kekčürür***, ***kekčürmäk***).

[كُمْتُرْدِى ***kömtürdi*** (**кўмтурди**) – кўмдирди] ***ol yerdä näŋ kömtürdi*** – у ер остига нарса кўмдирди (***kömtürür***, ***kömtürmäk***).

[كُلْسِرْدِى ***külsirdi*** (**кулсирди**) – кулимсиради] ***er külsirdi*** – киши кулимсиради, кулаётгандек кўринди. Кулишга нисбатан ҳам шу сўз ишлатилади (***külsirär***, ***külsirmäk***).

[كَدْكِرْدِى ***kedgirdi*** (**кедгирди**) – саркашланди] ***at kedgirdi*** – от бўйин товлади, саркашлик қилди (***kedgirär***, ***kedgirmäk***).

[كَزْكَرْدِى ***kezgärdi*** (**кезгарди**) – юқори тутди] ***er oq kezgärdi*** – эр ўқни юқори тутди (***kezgärür***, ***kezgärmäk***).

[كُزْكَرْدِى ***közgärdi*** (**кўзгарди**) – кўриштирди] ***ol atamnï meŋä közgärdi*** – у отам билан мени кўриштирди (***közgärür***, ***közgärmäk***).

[كُزْكَرْدِى ***küzgärdi*** (**кузгарди**) – кузгарди, кузга юз тутти] ***öδläk küzgärdi*** – вақт, фасл куз бўлиб қолди (***küzgärür***, ***küzgärmäk***).

[كَلْكِرْدِى ***kelgirdi*** (**келгирди**) – келмоқчи бўлди] ***ol meŋä kelgirdi*** – у менга келмоқчи бўлди, келаёзди (***kelgirär***, ***kelgirmäk***).

[كُنْكَرْدِى ***köŋärdi*** (**кўнгарди**) – тўғрилади] ***ol oq köŋärdi*** – у ўқ ва бошқа нарсаларни тўғрилади.

[كُنْكَرْدِى ***köŋärdi*** (**кўнгарди**) – (йўлни) тўғрилади] ***ol yol köŋärdi*** – у йўл кўрсатди, йўлга солди.

[كُنْكَرْدِى ***köŋärdi*** (**кўнгарди**) – икрор қилдирди, кўндирди] ***beg oğrïnï köŋärdi*** – бек ўғрини икрор қилдирди (***köŋärür***, ***köŋärmäk***).

[مُنْدُرْدِى ***mündürdi*** (**мундурди**) – миндирди] ***ol meŋä at mündürdi*** – у мени от ва бошқа нарсаларга миндирди (***mündürür***, ***mündürmäk***).

[مَنْدُرْدِى ***mandurdï*** (**мандурди**) – тақтирди; булаттирди] ***ol meŋä qilïč mandurdï*** – у менга қилич тақишга буюрди, тақтирди.

[مَنْدُرْدِى ***mandurdï*** (**мандурди**)] ***ol meŋä etmäkig yağqa mandurdï*** – у менга нонни ёққа булаттирди (***mandurur***, ***mandurmaq***).

[مَنْغِرْدِى ***mangïrdï*** (**манғирди**) – суркатаёзди] ***ol etmäkig yağqa mangïrdï*** – у нонни ёққа булаёзди. Бошқа нарсаларга нисбатан ҳам шу сўз қўлланади (***mangïrar***, ***mangïrmaq***).

Бу бўлим тўрт хилдир:

Биринчиси икки ҳарфли феъллардан ўтимли феъл ясалишидир. Чунончи: ***bardï*** феълидан тузилган ***barturdï*** ўтимли феълдир; ***er suwqa qardï*** (киши сувга шўнғиди) гапидаги ***qardï*** феъли ўтимсиздир; ***anï suwqa qarturdï*** жумласидаги ***tur*** қўшиб ясалган ***qarturdï*** ўтимли феъли каби. Бу феъл икки ҳарфли ўтимсиз феъл эди, бу бобда (ўзакка) ***-tur*** аффиксини қўшиш билан ўтимли феъл ясалади. Ёки икки ҳарфли ўтимли феъл ***-tur*** қўшиб, икки ишловчини англатувчи феъл ясалади. ***er ya qurdï*** (киши камон қурди) гапида ***qurdï*** феъли бир ишловчинигина англатса, ***ol aŋar ya qurturdï*** гапидаги ***qurturdï*** феъли икки ишловчини билдиради. Бири ишга буюрувчи, иккинчиси ишловчидир. Арабча: نقط الرجل المصحف وانقطه غيره ولقط السنبل و القطه غيره жумлаларида ҳам бир ***fā'il*** га ўтувчи феъл икки ***fā'il*** га айланган. Ёки ўзакка ***ğayn*** ва ***rā*** (***-ğur***) ёки ***kāf*** ва ***rā*** (***-gür***) қўшимчаси қўшилиб, икки ишловчини англатувчи феъл ясалади. Чунончи, ***at turdï*** гапидаги ***turdï*** феъли, ***er atïn turğurdï*** гапидаги ***turğurdï*** феъли ўзакка ***-ğur*** қўшилиб, икки ишловчини англатувчи феъл ясаган. ***er yuqaru turdï*** гапидаги ***turdï*** феълидан ясалган ***anï turğurdï*** жумласидаги ***turğurdï*** феъли ҳам шундай, яъни киши отини биров оркали турғизди. ***yağ erüdi*** гапидаги ***erüdi*** феъли билан тузилган ***er yağ ergürdi*** (киши ёг эриттирди) гапидаги ***ergürdi*** феъли ҳам икки ишловчини англатувчи феълдир. ***oq köndi*** (ўқ тўғриланди) гапидаги

***köndi*** феълининг ўзагига *-gür* қўшиб ясалган. ***oqčï köndgürdi*** (ўқ эгаси ўқни тўғрилатди) гапидаги ***köndgürdi*** феъли ҳам шундай.

Феъллардаги *tā, ğayn, kāf* ҳарфлари ўтимли феъл ясовчи ҳарфлар эмас, балки ўтимли феъл ясовчи фақат *rā* ҳарфидир. Чунончи: ***quš učurdï, suw kečürdi*** гапларидаги ***učurdï, kečürdi*** феъллари шу даъвонинг исботи учун далил бўла олади. Бу феълларда ўтимли феъл ясовчи ҳарф фақат *rā* дир. Юқоридаги мисолларда ҳам шундай. Яъни, ўтимлилик фақат *rā* ҳарфи билан юзага келган.

Бу феълларда *tā, ğayn, kāf* ҳарфлари феъллар талаффузини осонлаштириш учунгина киритилади. Агар бу ҳарфларни киритмаса, ўтимли ўтган замон феълларида икки *rā,* келаси замон ўтимли феълларида уч *rā* ёнма-ён келишга тўғри келади. Масалан, ***qutğardï*** феълида *ğayn* ҳарфи бўлмаганда, ўтган замон ўтимли феъли ***qutrardï*** бўлар эди ва ўтган замон ўтимли феъли ***suwğardï*** эмас, ***suwrardï*** тарзида бўлар эди. Келаси замон феълида бу феъллар ***qutrarur, suwrarur*** бўлар эди. Бу феълда биринчи *rā* ўзакнинг асл ҳарфи, иккинчи *rā* ўтимлилик белгиси, учинчи *rā* келаси замон белгисидир. Шунинг учун ҳам сўзларда талаффуз қулайлиги учун ўзакнинг асл ҳарфи бўлган бўлган *rā* йўғон сўзларда *tā* га, *qāf* ли ёки йўғон сўзларда *ğayn* га, ингичка ва *kāf* ли сўзларда *gāf* га алмаштирилади.

Иккинчи, уч ҳарфли ўтимсиз феълларнинг ўтимлига айланиши ҳам бу бобга киради. ***er tirildi*** гапидаги ***tirildi*** феълидан ясалган ***täŋri tirgürdi*** гапидаги ***tirgürdi*** феъли каби. ***er qïzïldï*** (киши жазоланди, қилган ишнинг ажрини олди) гапидаги ***qïzïldï*** феълидан ўтимли феъл ***qïzğurdï*** тарзида ясалади. ***anï qïzğurdï*** (уни жазолаттирди) гапидаги ***qïzğurdï*** каби.

Учинчидан, "иш қилишни исташ, орзу қилиш" маъносидаги ўтимсиз феъллар бу бобга киради. Бу феълларда ишни оз-оз, секин-секин қилиш мазмуни бор. Чунончи, ***suw tamčïrdï*** гапидаги ***tamčïrdï*** феъли каби. "Булутдан сув томчилади, оз-оз томди" демакдир. Яна: ***ešič tašğurdï*** ҳам шундай. "Қозоннинг тошишига оз қолди, тошаёзди" демакдир. Феъл бу мазмунда қўлланганда ўтган замон ва келаси замон шаклларининг иккинчи ҳарфи чўзиқсиз, *sukun* ли бўлади, ёлғиз келаси замон шаклининг тўртинчи ҳарфигина чўзиқ – *fatḥa* ли бўлади.

Тўртинчидан, феъл ўз маъносида бўлиб, бу маънолардан ҳеч бирини ифода қилмайди. Чунончи, ***täŋri meni qutğardï*** гапидаги ***qutğardï*** феъли каби. ***er qatğurdï*** (киши кула-кула қотди) гапидаги ***qatğurdï*** феъли ҳам шундай.

Бу феъл бобида бошқа биров ёрдам қилганлик ёки баҳслашганлик маъносини билдирмоқ истalса, ўтган замон белгиси *dāl* ҳарфидан олдин феълга бир *šīn* орттирилади: ***ol meŋä at suwğarïšdï*** – у менга от суғоришда ёрдам берди, демакдир. ***ol meniŋ birlä qarïn toδğurušdï*** – у мен билан қорин тўйғизишди, каби.

Агар бу феъл орқали ўзи бу ишни қилгандек кўриниб ҳақиқатда кўзланган иш амалга ошмаганлиги мазмунини англатиш истalса, бу мазмун икки хил йўл билан ифодаланади:

Биринчи, феълдаги *dāl* ҳарфидан олдин *nūn* қўшилади. Бунинг қоидаси юқорида айтиб ўтилган эди. Чунончи, ***ol at suwğarïndï*** – у отни суғораётгандек кўринди; ***ol qarïn toδğurundï*** – у қорин тўйғизаётгандек кўринди ёки иш ёлғиз ўзи, бошқалар иштирокисиз бажарилганлигини англатади. Иккинчи, бу хил феълларда энг тўғри ва энг яхши, кўп истеъмолли йўл ёлғиз *nūn* ҳарфини қўшишгина эмас, уч ҳарф – *mīm, sīn, nūn* қўшишдир. Чунончи, ***ol at suwğarïmsïndï*** – у от суғораётгандек кўринди. Бу ўринларда *mīm, sīn* ҳарфлари чўзиқсиз, *sukun* ли бўлиб, *nūn* ҳарфидагина *yā* [*i*] чўзиқ бўлади. Бу масала тезда ўз ўрнида кенг изоҳланади.

ڜ [ҳарфи]:

[بُلدُزدی **bolduzdï** (**бўлдузди**) – бўлдирди] ***bolduzdï näŋni*** – у нарсани бўлдирди, топтирди (***bolduzur, bolduzmaq***).

[بِلدُزدی **bildüzdi** (**билдузди**) – билдирди] ***ol meŋä iš bildüzdi*** – у менга иш билдирди (***bildüzür, bildüzmäk***). Бу ўғузлар сўзи бўлиб, қоидага мувофиқ эмас. Туркlар бу хилда қўлламайдилар.

ش **š** [ҳарфи]:

[بُربَشدی **burbašdï** (**бурбашди**) – қоришди] ***iš burbašdï*** – иш ва бошқалар қоришди (***burbašur, burbašmaq***).

[بِرتِشدی **bertišdi** (**бертишди**) – яралашди, иритишди] ***olar bir ekindiniŋ köŋlin bertišdilär*** – улар бири иккинчисининг кўнглини иритишди, яралашди (***bertišür, bertišmäk***).

[بُغرُشدی **buğrušdï** (**буғрушди**) – кесишди] ***ol meŋä yïğač buğrušdï*** – у менга ёғоч кесишди. Баҳслашишга ҳам шу сўз қўлланади (***buğrušur, buğrušmaq***).

[بُترُشدی **bütrüšdi** (**бутрушди**) – талашишди, тортишишди] ***olar ikki bütrüšdi*** – у иккови талашишди, тортишишди ва ҳар бири ўз даъвосига далил келтиришди (***bütrüšür, bütrüšmäk***).

[بترُشدی **batrušdï** (**батрушди**) – ботиришди] ***olar ikki bir birig suwqa batrušdï*** – улар иккови бир-бирини сувга ботиришди (***batrušur, batrušmaq***).

[بَکلَشدی **bekläšdi** (**беклашди**) – ваъдалашди] ***ol meniŋ birlä bekläšdi*** – у мен билан ваъдалашди.

[بَکلَشدی **bekläšdi** (**беклашди**) – бекитишди] ***ol meŋä qapuğ bekläšdi*** – у менга эшикни бекитишда кўмаклашди.

[بَکلَشدی **bekläšdi** (**беклашди**) – сақлашди] ***ol meŋä at bekläšdi*** – у менга от ва бошқа нарсаларни сақлашда кўмаклашди (ўғузлар сўзи) (***bekläšür, bekläšmäk***).

[تُرپُشدی **türpüšdi** (**турпушди**) – пўстини айиришди, оқлашишди] ***ol meniŋ birlä yïğač türpüšdi*** – у мен билан дарахт оқлашишди, дарахт оқлашда менга кўмаклашди. Баҳслашишга ҳам шу сўз қўлланади (***türpišür, türpišmäk***).

[تِبرَشدی **tebräšdi** (**тебрашди**) – ҳаракатга тушди] ***kiši qamuğ tebräšdi*** – жамоа ҳаракатга тушди. Ҳар бир нарсанинг ҳаракатга тушишига ҳам шу сўз қўлланади (***tebräšür, tebräšmäk***).

(Шоир) шундай деган:

***Öl qar qamuğ qïšïn inär,***
***Ašlïq tarïğ anïn ünär.***
***Yawlaq yağï mendä tïnar,***
***Sen kelipän tebräšür.***

Ёз билан қиш тортишувини таърифлаб айтмоқда: Қор ва ёмғирлар ҳаммаси қишда ёғади, экин, дон ундан унади. Ёвуз ёвлар менда тинади, тинчишади, жанг қилишмайди, сен келишинг билан, эй ёз, улар ҳаракатга тушишади.

[تَلپِشدی **talpïšdï** (**талпишди**) – қанот қоқишди] ***qušlar qamuğ talpïšdï*** – қушлар ҳаммаси қанот қоқишди.

[تَلپِشدی **talpïšdï** (**талпишди**) – ҳилпиллашди] ***bayraq qamuğ talpïšdï*** – байроқлар ҳилпиради. Байроқ найзасининг учидаги ипак гажимлар ҳилпиллади (***talpïšur, talpïšmaq***).

[تَرتِشدی **tartïšdï** (**тартишди**) – тортишди] ***ol meŋä uruq tartïšdï*** – у менга арқон тортишда кўмаклашди.

[تَرتِشدی **tartïšdï** (**тартишди**)] ***tartïšdï näŋ*** – нарса бўлаклари тортилди.

[تَرتِشدی **tartïšdï** (**тартишди**)] ***ol meniŋ birlä ya tartïšdï*** – у мен билан ёй тортишди.

[تَرتِشدی **tartïšdï** (**тартишди**)] ***ol meŋä altun tartïšdï*** – у менга олтин тортишда кўмаклашди. Ҳар бир нарсани тортишга ҳам шу сўз қўлланади (***tartïšur, tartïšmaq***).

[تۇرتۈشدى *türtüšdi* (**туртушди**) – суртишди] ***ol meniŋ birlä qoğušqa yağ türtüšdi*** – у терини ёғлашда, ёғ суртишда мен билан талашди, баҳслашди. Ҳар қандай нарсани суртишга ҳам шу сўз қўлланади (***türtüšür***, ***türtüšmäk***).

[تۇپراشدى *tuprašdï* (**тупрашди**) – чанги чиқиб кетди] ***yer qurup tuprašdï*** – ёмғир озлигидан ер қақраб, ернинг чанги чиқиб кетаёзди (***tuprašur***, ***tuprašmaq***).

[تەبزەشدى *tebzäšdi* (**тебзашди**) – ҳасад қилдилар] ***olar qamuğ bu išqa tebzäšdilär*** – улар ҳаммалари бу ишга ҳасад қилдилар (***tebzäšür***, ***tebzäšmäk***).

[تىركەشدى *tirkäšdi* (**тиркашди**) – қаторлашиб тизилди, тиркашди] ***tewäy tirkäšdi*** – туялар ва бошқалар тиркашди. Бир-бири билан қаторлашган ҳар бир нарсага ҳам шу сўз қўлланади (***tirkäšür***, ***tirkäšmäk***).

[تاپلاشدى *taplašdï* (**таплашди**) – рози бўлишди] ***olar bu išïğ qamuğ taplašdïlar*** – уларнинг ҳаммаси бу ишга рози бўлишди (***taplašur***, ***taplašmaq***[44]).

[تۈبلاشدى *tübläšdi* (**тублашди**) – текширишди] ***olar bu išïğ tübläšdilär*** – улар бу ишни тубини, тагини, аслини текширишди (***tübläšür***, ***tübläšmäk***[45]).

[تاتلاشدى *tatlašdï* (**татлашди**) – форсча сўзлашишди] ***ol ikki birlä tatlašdï*** – улар иккови форсча сўзлашишди. Уйғурча сўзлашишга ҳам шу сўз қўлланади (***tatlašur***, ***tatlašmaq***).

[تالقىشدى *talqïšdï* (**талқишди**) – босишди] ***ol meŋä uyma talqïšdï*** – у менга маҳси қилинадиган намат юнгини босишда кўмаклашди. Босиладиган, тўқиладиган ҳар бир нарсани босишга ҳам шу сўз қўлланилади (***talqïšur***, ***talqïšmaq***).

[تۆكلاشدى *tökläšdi* (**тўклашди**) – тўкилишди] ***tökläšdi näŋ*** – нарсалар тўкилди, оқди (***tökläšür***, ***tökläšmäk***).

[تۈگلۈشدى *tüglüšdi* (**туглушди**) – тугулишди] ***yïplar tüglüšdi*** – иплар тугун-тугун бўлди, чигил бўлишди (***tüglüšür***, ***tüglüšmäk***).

[تىكىلىشدى *tikilišdi* (**тикилишди**) – тиклаб қўйилди] ***yïğač tikilišdi*** – дарахт – кўчат ва бошқалар тикланди (***tikilišür***, ***tikilišmäk***).

[تىرمەشدى / تارماشدى *tirmäšdi / tarmašdï* (**тирмашди / тармашди**) – тимдалашди] ***olar ikki tirmäšdi / tarmašdï*** – улар иккови тимдалашди (***tirmašur / tarmašur***, ***tirmašmaq / tarmašmaq***).

[چالپاشدى *čalpašdï* (**чалпашди**) – тиришишди] ***olar ikki čalpašdï*** – улар иккови бир тиришишди ва дағаллашишди. Нарсаларнинг нопок бўлиши, ёмонлашишига ҳам шу сўз қўлланади (***čalpašur***, ***čalpašmaq***).

[چاندىشدى *čandïšdï* (**чандишди**) – чандишди] ***olar ikki čandïsdï*** – улар иккови чандишди ва қаршилашиб бир-биридан юз ўгиришди, тескарилашди (***čandïsur***, ***čandïšmaq***).

[چومرۇشدى *čomrušdï* (**чўмрушди**) – шўнғишди] ***ol meniŋ birlä suwda čomrušdï*** – у сувга шўнғишда мен билан баҳслашди, талашди. Ёрдамлашишга ҳам шу сўз қўлланади (***čomrušur***, ***čomrušmaq***).

[چەۋرۈشدى *čewrüšdi* (**чеврушди**)] ***ol meniŋ birlä oq čewrüšdi*** – у мен билан ўқ йўнишда баҳслашди. Ҳар бир юмалоқ нарсани айлантиришга ҳам шу сўз қўлланади (***čewrüšur***, ***čewrüšmäk***).

[ چوقراشدى *čoqrašdï* (**чўқрашди**) – қайнашди] ***tebizlär čoqrašdï*** – тузли – шўрхок ерлар қайнади. Шунингдек, ҳар қандай нарсанинг қайнаб, омухталашиб кўтарилишига ***čoqrašdï*** дейилади.

---

[44] Бу сўзнинг масдари *qāf* ва *kāf* билан ёзилган (تبلشماكق).

[45] Бу сўзнинг масдари *qāf* ва *kāf* билан ёзилган (تبلشماكق).

[چۇرشۇدى *čoqrašdï* (**чўқрашди**)] ***kiši bir-bir ičindä čoqrašdï*** – кишилар бир-бирлари билан аралашиб-куралашди (***čoqrašur, čoqrašmaq***).

[چاقرىشدى *čaqrïšdï* (**чақришди**) – очишга интилишди] ***bir-biriniŋ oğrïliqïn čaqrïšdï*** – бир-бирининг ўғрилигини очишга интилишди. Ҳар қандай нарсани очиб ташлашга ва ёрдамлашишга ҳам шу сўз қўлланади (***čaqrïsur, čaqrïšmaq***).

[چاقرىشتى *čaqrïštï* (**чақришти**) – бир-бирини чақиришди] ***boy bir-birkä čaqrïštï*** – қавм бир-бирини чақирди (ўғузлар сўзидан) (***čaqrïšur, čaqrïšmaq***).

[تىكرەشدى *tikräšdi* (**тикрашди**) – ўсишди] ***atlar aδaqï tikräšdi*** – отларнинг туёқлари овоз чиқарди.

[تىكرەشدى *tikräšdi* (**тикрашди**)] ***oğlan tikräšdi*** – бола-чақалоқлар талпинишди, ўсишди (***tikräšür, tikräšmäk***).

[چىقرەشتى *čïqrаštï* (**чиқрашти**) – сирқирашди] ***tïš čïqrаštï*** – тишлар ғирчиллашди. Ҳар қандай нарсанинг кўп ғичиллашига ҳам шу сўз қўлланади.

[چەرگەشتى *čergäštï* (**чергашти**) – саф тортишди] ***ikki sü čergäštï*** – икки тўда аскар саф тортишди.

(Шоир) шундай деган:

***Kelsä apaŋ terkänim,***
***Etilgämät törkünüm.***
***Tarïlmağay törkünüm,***
***Emdï čerig čergäšür.***

Айтмоқдаки: Подшо келиши билан бизга ёрдам қилса, менинг тўдам аҳволи тузалади, аймоқларим тарқалиб кетмайди. Шул вақтда энди икки урушувчи саф тортишаётир (***čergäšür, čergäšmäk***).

[چارلاشدى *čarlašdï* (**чарлашди**)] ***oğlan čarlašdï*** дейилади, болалар йиғлашди, демакдир; ***yaŋanlar čarlašdï*** дейилади, филлар бақиришди, демакдир (***čarlašur, čarlašmaq***).

[چەكلەشدى *čeklädi* (**чеклашди**) – чек ташлашди] ***ol meniŋ birlä čekläšdi*** – у мен билан қуръа ташлашди (***čekläšür, čekläšmäk***).

[چىگىلىشدى *čigilišdi* (**чигилишди**) – маҳкам бўлди] ***tügün qamuğ čigilišdi*** – тугун бутунлай маҳкам бўлди, чигиллашди (***čigilišür, čigilišmäk***).

[چەرمەشدى *čermäšdi* (**сермашди**) – уришди] ***ol meŋä čağïğ čermäšdi*** – у менга қамчи ва бошқа нарсаларнинг учини боғлашда ёрдам қилди. Баҳслашишга ҳам шу сўз қўлланади (***čermäšür, čermäšmäk***).

[سۇرتۇشدى *sürtüšdi* (**суртушди**) – суртишди] ***ol meniŋ birlä qoğušqa yağ sürtüšdi*** – у хом тери (ултон)га ёғ суртишда мен билан баҳслашди.

[سۇرتۇشدى *sürtüšdi* (**суртушди**)] ***ol meniŋ birlä ašuq sürtüšdi*** – у ошиқни ишқалаб ейилтиришда, ҳирпалашда мен билан талашди, мусобақа қилди (***sürtüšür, sürtüšmäk***).

[سىختاشدى *sïxtašdï* (**сачташди**) – соч олишди] ***olar ikki sačtašdï*** – улар бир-бирининг сочини олишди (***sačtašur, sačtašmaq***).

[سىختاشدى *sïxtašdï* (**сихташди**) – йиғлашди] ***kiši qamuğ sïxtašdï*** – ҳамма йиғлади (***sïxtašur, sïxtašmaq***); *ğayn* билан ***siğtašdï*** ҳам дейилади.

[سەدرەشدى *seδräšdi* (**седрашди**) – сийраклашди] ***ton seδräšdi*** – тўннинг қалин-қаттиқлиги кетди, яна ***boδun seδräšdi*** дейдилар, халқ кулфати озайди. Ҳар бир нарса енгил бўлиб қолиши, озайиши, сийракланишига ҳам ***seδräšdi*** дейилади (***seδräšür, seδräšmäk***).

[سىدرىشدى *sïdrïšdï* (**сидришди**) – сидиришди, курашди] ***ol oŋar qar sïdrïšdï*** – қорни курашда ва бошқа ишларда у унга кўмаклашди (***sïdrïšur, sïdrïšmaq***).

[تُغْرَشْدِی ***toğrašdï*** (**тўғрашди**) – тўғрашди] ***ol meŋä et toğrašdï*** – у менга гўшт тўғрашди (***toğrašur, toğrašmaq***).

[تَغْرَشْدِی ***tïğrašdï*** (**тиғрашди**) – ботирлашди] ***oğlan tïğrašdï*** – болалар ботирлашди. Бу сўз "ботир" маъносидаги ***tïğraq*** сўзидан олинган.

[تُغْرُشْدِی ***tuğrušdï*** (**туғрушди**) – ғазаб билан киришди] ***ol meniŋ bilä yolqa tuğrušdï*** – у менинг билан бир мақсад йўлида ғазаб билан баҳслашди.

[تُغْرَشْدِی ***tuğrašdï*** (**туғрашди**)] ***ton kirdin tuğrašdï*** – кирдан кийим бўлаклари узилиб тушди. Ҳар бир нарсанинг узилиши, ёрилиши, бўлинишига ҳам шу сўз қўлланади (***tuğrašur, tuğrašmaq***).

[سُغْرَشْدِی ***suğrašdï*** (**суғрашди**) – шимишди] ***qumlar suwuğ suğrašdï*** – қумлар сувни ва бошқа нарсаларни шимишди (***suğrašur, suğrašmaq***).

[سِغْرُشْدِی ***sïğrušdï*** (**сиғрушди**) – сиғдиришди, жойлаштиришди] ***olar bir-birig sïğrušdï*** – улар бир-бирини жойлаштиришди (***sïğrušur, sïğrušmaq***).

[سَقْرُشْدِی ***sawrušdï*** (**саврушди**) – совуришди, шопиришди] ***ol meŋä tarïğ sawrušdï*** – у менга буғдой ва бошқаларни совуришда ёрдам берди. Шўрвани тоширмаслик учун чўмич билан шопиришга ҳам шу сўз қўлланади (***sawrušur, sawrušmaq***).

[سِقْرِشْدِی ***sïqrïšdï*** (**сиқришди**)] ***olar barča sïqrïšdï*** – улар (какликлар) қийқиришди. Илон ва бошқа нарсалар чинқиришига ҳам шу сўз қўлланади (***sïqrïšur, sïqrïšmaq***).

[تُمْرُشْدِی ***tumrušdï*** (**тумрушди**) – тахта (хонтахтадек гирдак шаклида) қилишди] ***ol meniŋ birlä yïğač tumrušdï*** – у мен билан ёғочни хонтахта каби гирдак қилиб кесишда, тилишда баҳслашди (***tumrušur, tumrušmaq***).

[سَمْرِشْدِی ***semrišdi*** (**семришди**) – семира бошлашди] ***atlar qamuğ semrišdi*** – от ва бошқа ҳайвонлар семира бошлашди (***semrišür, semrišmäk***).

[سِمْرُشْدِی / سُمْرُشْدِی ***simrüšdi / sümrüšdi*** (**симрушди / сумрушди**) – симиришди; ҳўплаб-ҳўплаб, орада дам олиб ичишди] ***ol meniŋ birlä suw simrüšdi / sümrüšdi*** – у мен билан сув ва бошқа нарсаларни симиришда баҳслашди (***simrüšür / sümrüšür, simrüšmäk / sümrüšmäk***).

[سَنْرَشْدِی ***sanrašdï*** (**санрашди**) – алжишди] ***esrüklär qamuğ sanrašdï*** – мастлар ҳаммаси алжишди. Бу сўзнинг асли ***sandïrïšdï*** дир (***sanrïšur, sanrïšmaq***).

Мақолда (шундай келган): ***Sabanda sandïš bolsa, örtkündä ertiš / ertäš bolmas.*** Маъноси: "Сабанда хусумат чўзилган бўлса, ғарам вақтида у бўлмайди".

[سَتْغَشْدِی ***satğašdï*** (**сатғашди**) – кечиришди] ***olar bir ekindi bilä satğašdï*** – улар гуноҳларини бир-бирининг бўйнига ортишди. Бу сўз "ўқталиш" маъносида ҳам қўлланади.

[سَتْغَشْدِی ***satğašdï*** (**сатғашди**)] ***ol meŋä yolda satğašdï*** – у менга йўлда юзма-юз келди.

[سَتْغَشْدِی ***satğašdï*** (**сатғашди**)] ***olar alïm-berim bilä satğašdï*** – улар бир-бирининг бўйнидаги қарзларини узишди, ҳисоблашди (ўғузча) (***satğašur, satğašmaq***).

[سِتْغَشْدِی / سِتْغَشْدِی ***sïtğašdï*** (**ситғашди**) – ҳаракатга тушишди] ***er qamuğ bilük sïtğašdï*** – кишиларнинг ҳаммаси енг шимаришди. Ёрдам қилиш, талашиш, гаров боғлашга ҳам бу сўз қўлланади (***sïtğašur, sïtğašmaq***).

[سَرْقِشْدِی ***sarqïšdï*** (**сарқишди**) – томди] ***buzdïn suw sarqïšdï*** – музлан кўп сув томди (***sarqïšur, sarqïšmaq***).

[سَچْلَشْدِی ***sačlašdï*** (**сачлашди**) – соч олишишди] ***ol ikki bilä sačlašdï*** – икковлон бир-бирининг сочини олишди (***sačlašur, sačlašmaq***).

[سُچْلُشْدِی ***sučlušdï*** (**сучлушди**) – суғуришди, чиқаришди] ***ol meniŋ aδaqïn tikän sučlušdï*** – у оёгимдан тикан олишда менга кўмаклашди. Қилични қиндан ва бошқа ердан чиқаришда кўмаклашишга, баҳслашиш, гаровлашишга ҳам шу сўз қўлланади (***sučlušur, sučlušmaq***).

[سَرْلَشْدِى ***sarlašdï*** (**сарлашди**) – ўрашди] ***meŋä suwluq sarlašdï*** – салла ўрашда менга кўмаклашди. Шунингдек, ҳар бир нарсани ўрашга ҳам шу сўз қўлланади. Баҳслашишга ҳам шу сўз қўлланади (***sarlašur, sarlašmaq***).

[سُوْزْلَشْدِى ***sözläšdi*** (**сўзлашди**) – сўзлашди] ***ol meniŋ birlä sözläšdi*** – у мен билан сўзлашди. Асли سُوْزْلَشْدِى дир (***sözläšür, sözläšmäk***).

[سُزْلَشْدِى ***süzlüšdi*** (**сузлушди**) – тиниқланди] ***suwlar qamuğ süzlüšdi*** – сувлар сузилди, тинди (***süzlüšür, süzlüšmäk***).

[سَوْلَشْدِى ***sawlašdï*** (**савлашди**) – масал айтишди] ***ol meniŋ birlä sawlašdï*** – у мен билан мақал айтишди, у менга мақал айтди, мен унга мақал айтдим. Шунингдек, хабарлар, сўзлар, ҳикоялар айтишишга ҳам шу сўз қўлланади (***sawlašur, sawlašmaq***).

[سَقْلَشْدِى ***saqlašdï*** (**сақлашди**) – сақлашди] ***bodun qamuğ saqlašdï*** – бутун халқ бир-бирини сақлади (***saqlašur, saqlašmaq***).

[سُقْلَشْدِى ***suqlušdï*** (**суқлушди**) – жойлашди, ўрнашди] ***suqlušdï näŋ*** – нарса нарсанинг ичига кириб мустаҳкамлашди. Масалан, қиличнинг думи темир дастага ўрнашди ва қаттиқ туриб қолди (***suqlušur, suqlušmaq***).

[سِقْلِشْدِى ***sïqlïšdï*** (**сиқлишди**) – сиқилишди] ***boδun barča sïqlïšdï*** – одамлар ва бошқалар шу қадар кўпайдики, ҳатто ерга сигмай қолдилар. Узумларни йиғиб сиқилишига ҳам шу сўз ишлатилади (***sïqlïšur, sïqlïšmaq***).

[سُمْلَشْدِى / سُمْلُشْدِى ***sumlušdï / sumlïšdï*** (**сумлушди / сумлишди**) – тушунилмайдиган тил билан сўзлашишди] ***tat qamuğ sumlušdï / sumlïšdï*** – форслар ўз тилларида сўзлашишди. Турк тилидан бошқа тилда сўзлашган ҳар бир кимсага ҳам шу сўз қўлланади. Ҳар қайси тил билан сўзлашишди (***sumlušur / sumlïšur, sumlušmaq / sumlïšmaq***).

[سَرْمَشْدِى ***sarmašdï*** (**сармашди**) – боғлашда кўмаклашди] ***ol meŋä yïsïğ sarmašdï*** – у менга арқон боғлашди. Чунончи, дарахтга арқон боғлаш каби (***sarmašur, sarmašmaq***).

[سَرْمَشْدِى ***sarmašdï*** (**сармашди**) – қоришди] ***ïš sarmašdï*** – иш чалкашди, қоришди, аралаш-қуралаш бўлди. Бу феъл ҳам ўтимли, ҳам ўтимсиздир.

[سَرْمَشْدِى ***sarmašdï*** (**сармашди**)] ***ol meŋä balïq sarmašdï*** – у менга сувдан балиқ чиқаришда кўмаклашди. Қозондан тутмоч (угра)ни сузиб олишда ёрдам қилишга, шунингдек, ҳар бир суюқ нарса ичидан ўз жинсидан бўлмаган нарсани олиб ташлаш – тозалашда ёрдам қилишга ҳам шу сўз қўлланади (***sarmašur, sarmašmaq***[46]).

[تَنْچْشْدِى ***tančïšdï*** (**танчишди**) – шинғирлатишди] ***atlar qamuğ tančïšdï*** – отлар юганларини бўшатиб, шинғиллаган товуш чиқарди (***tančïšur, tančïšmaq***).

[سَنْچْشْدِى ***sančïšdï*** (**санчишди**) – санчишди] ***olar ikki sančïšdï*** – улар бир-бирларига ханжар ва бошқа нарсаларни санчишди (***sančïšur, sančïšmaq***).

[سَنْچْشْدِى ***sančïšdï*** (**санчишди**) – санчишди] ***beglär sančïšdï*** – беклар урушишди, бир-бирига қасд қилишди.

[تَبْرَشْدِى ***taprašdï*** (**тапрашди**) – оғирлашди] ***teräy qamuğ taprašdï*** – туялар ҳаммаси озишди (***taprašur, taprašmaq***). Бу сўз туяларга хос тарзда ишлатилади.

[تَتْرُشْدِى ***tatrušdï*** (**татрушди**) – тоттиришди, едиришди] ***olar bir ekindikä et tatrušdï*** – улар бир-бирига гўшт ва бошқа егуликларни тоттиришди, едиришди (***tatrušur, tatrušmaq***).

[تِتْرَشْدِى ***titräšdi*** (**титрашди**) – титрашди] ***kiši tumliğdïn titräšdi*** – кишилар совуқдан титрашди. Бу сўз "узоқ бўлишди; қочишди" маъноларида ҳам қўлланади (***titräšür, titräšmäk***).

---

[46] Бу сўзнинг масдари *kāf* ва *qāf* билан ёзилган (سَرْمَشْمَاقْ).

[قُپْرُشْدِی ***qoprušdï*** (**қўпрушди**) – кўзғатишди] ***ol meŋä quš qoprušdï*** – у менга қуш учиришга ёрдам берди. Шунингдек, бир нарсани ўрнидан кўзғатишда ёрдам қилишига ҳам шу сўз қўлланади (***qoprušur, qoprušmaq***).

[قُتْرُشْدِی ***qutrušdï*** (**қутрушди**) – қутуришди, қулишди] ***oğlan qutrušdï*** – болалар ўйнаб қутуришди (***qutrušur, qutrušmaq***).

[قُتُرُشْدِی ***qoturušdï*** (**қўтурушди**) – бўшатишда кўмаклашди] ***ol meŋä qap qoturušdï*** – у менга идишни ва бошқа нарсаларни бўшатишда ёрдам қилди (***qoturušur, qoturušmaq***).

[قَچْرُشْدِی ***qačrušdï*** (**қачрушди**) – қочиришди] ***olar ikki qačrušdï*** – улар иккиси бир-бирини қочиришди (***qačrušur, qačrušmaq***).

[قُرْدَشْدِی ***qurdašdï*** (**қурдашди**) – тенглашди] ***ol beg birlä qurdašdï*** – у бек ва бошқалар билан бир қаторда тенг ўтирди (***qurdašur, qurdašmaq***).

[قَدْرِشْدِی ***qaδrišdï*** (**қадришди**) – қайиришди] ***ol meniŋ birlä boyun qaδrišdï*** – у мен билан бўйин қайиришди. Бошқа ўринларда ҳам шундай.

[قَدْرِشْدِی ***qaδrišdï*** (**қадришди**)] ***ol ikki söz qaδrišdï*** – иккиси бир-бирининг сўзини қайтаришди.

(Шоир) шундай деган:

***Išï aniŋ artašïp,***
***Oğraq bilä örtäšip,***
***Boynïn alïp qaδrïšïp,***
***Tutğun alïp qul satar.***

Асир ҳақида айтмоқда: Ўроқлари билан курашиб, унинг иши бузилди, унинг бўйнини кайириб, асир қилди. Қулдай сотади [Асирнинг иши чатоқ бўлди. Бир қабила иккинчи қабилани даҳшадга солди. Бўйинларини эгдириб асир қилди. Сотиладиган қулдай, унинг фидясини олди].

[قِسْرُشْدِی ***qïsrušdï*** (**қисрушди**) – қисқартиришди] ***ol aŋar qïsmaq qïsrušdï*** – у унга узанги кайиши ва бошқа нарсаларни қисқартиришга ёрдам қилди (***qïsrïšur, qïsrïšmaq***).

[قَوْرُشْدِی ***qawrušdï*** (**қаврушди**) – қовуришди] ***ol meŋä tarïğ qawrušdï*** – у буғдой ва бошқа нарсаларни қовуришда менга ёрдам қилди; ***ğayn*** билан ёзиладиган ***qağrušdï*** варианти ҳам бор (***qawrušur, qawrušmaq***).

[قَقْرَشْدِی ***qaqrašdï*** (**қақрашди**) – қақрашди] ***suwlar qamuğ qaqrašdï*** – сувлар қақрашди. Ҳар бир суюқ нарсанинг озайишига ҳам ***qaqrašdï*** дейилади (***qaqrašur, qaqrašmaq***).

[قِقْرِشْدِی ***qïqrïšdï*** (**қиқришди**) – қийқиришди] ***erän qamuğ qïqrïšdï*** – ҳамма одамлар қийқиришди (***qïqrïšur / quqrïšur, qïqrïšmaq / quqrïšmaq***).

[قُبْزَشْدِی ***qobzašdï*** (**қўбзашди**) – қўбиз чалишди] ***qïzlar qobzašdï*** – жориялар ўзаро уд чалишди (***qobzašur, qobzašmaq***).

[قَرْغَشْدِی ***qarğašdï*** (**қарғашди**) – қарғашишди] ***olar ikki qarğašdï*** – улар иккови бир-бирини қарғашди (***qarğašur, qarğašmaq***).

[قِرْغَشْدِی ***qïrğašdï*** (**қирғашди**) – кўз қирини солишди] ***olar ikki qïrğašdï*** – улар иккиси бир-бирига кўз қирини солишди (***qïrğašur, qïrğašmaq***).

[يَسْغَشْدِی ***yasğašdï*** (**йасғашди**)] ***olar ikki yasğašdï*** – улар бир-бирининг юзига шапалоқ билан уришди (***yasğašur, yasğašmaq***). Ёрдам қилиш, баҳслашиш маъносида ҳам шу сўз ишлатилади.

[تَلْغَشْدِی ***tolğašdï*** (**тўлғашди**) – ўрашди] ***ol meniŋ birlä yuŋ tolğašdï*** – у менга юнг ва бошқа нарсаларни пишитиб, коптокка ўхшатиб ўрашда ёрдам қилди. Қорин буралиб оғришига ҳам шу сўз қўлланади (***tolğašur, tolğašmaq***).

[قَرْڤَشْدِى ***qarwašdï*** (**қарвашди**) – қидиришди] ***ol meŋä suwda näŋ qarwašdï*** – у менга (чангак билан) сувдаги нарсани қидиришда ёрдам берди. Қоронғида бир нарсани қўл билан тимирскилаб қидиришга ҳам бу сўз қўлланади (***qarwašur, qarwašmaq***).

[قُرْقُشْدِى ***qorqušdï*** (**қўрқушди**) – қўрқишди] ***olar ikki qorqušdïlar*** – улар иккиси бир-биридан қўрқишди (***qŏrqušur, qŏrqušmaq***).

[قِرْقِشْدِى ***qïrqïšdï*** (**қирқишди**) – қирқишди, қирқишда кўмаклашди] ***ol meŋä yuŋ qïrqïšdï*** – у менга (қўй, туя) юнгини қирқишда, олишда кўмаклашди (***qïrqïšur, qïrqïšmaq***).

[قِزْلَشُو ***qïzlašu*** (**қизлашу**) – қиздан гаров ўйнашди] ***ol meniŋ birlä oq attï qïzlašu*** – у мен билан жориядан гаров ўйнаб [ўртага жорияни қўйиб] ўқ отишди (***qïzlašur, qïzlašmaq***).

[قَرْمَشْدِى ***qarmašdï*** (**кармашди**) – тортиб олишди] ***ol meniŋ birlä tawar qarmašdï*** – у мен билан мол ўғирлашда баҳслашди. Кўмаклашишга ҳам шу сўз қўлланади (***qarmašur, qarmašmaq***). Бу сўзнинг асли ***qarmalašdï*** дир (***qarmalašur, qarmalašmaq)***.

[قِسْتَشْدِى ***qïstašdï*** (**қисташди**) – ҳуришди] ***ït qamuğ tumluğdï(n) qïstašdï*** – ҳамма итлар ва бошқа ҳайвонлар совуқдан ҳурди, титради ([***qïstašur***], ***qïstašmaq***).

[كَكْتَشْدِى ***kektäšdi*** (**кекташди**) – кек сақлашди] ***ol ikki kektäšdi*** – у иккови кек сақлашди (***kektäšür, kektäšmäk***).

[كَرْتِشْدِى ***kertišdi*** (**кертишди**) – кертишди] ***ol meŋä yïğač kertišdi*** – у менга ёғоч ва бошқа нарсаларни кертишди. Баҳслашишга ҳам шу сўз қўлланади (***kertišür, kertišmäk***).

[كُتُرْشْدِى ***kötürüšdi*** (**кўтурушди**) – кўтаришди] ***ol meŋä yük kötürüšdi*** – у менга юк ва бошқа нарсаларни кўтаришди (***kötürüšür, kötürüšmäk***).

[كَچُرْشْدِى ***kečürüšdi*** (**кечурушди**) – кечиришди] ***olar bir-biriniŋ yazuqïn kečürüšdi*** – улар бир-бирларининг гуноҳини кечиришди. Дарёдан ўтказишда бир-бирига кўмаклашишга ҳам шу сўз қўлланади (***kečürüšür, kečürüšmäk***).

[كَدْرُشْدِى ***keðrüšði*** (**кедрушди**) – кийдиришди] ***olar ikki ton keðrüšdi*** – улар иккови бир-бирига тўн кийдиришди (***keðrüšür, keðrüšmäk***).

[كَدْرِشْدِى ***keðrišdi*** (**кедришди**)] ***ol meŋä et keðrišdi*** – у менга сўйилган этни нимталашда кўмаклашди (***keðrišür, keðrišmäk***).

[كَكْرَشْدِى ***kökräšdi*** (**кўкрашди**) – гулдирашди] ***bulïtlar qamuğ kökräšdi*** – булутлар гулдиради.

[كَكْرَشْدِى ***kökräšdi*** (**кўкрашди**)] ***buğralar kökräšdi*** – нор туялар наъра тортди. Жанг майдонида ботирлар ҳайқириғи ҳам шунга ўхшатилиб, ***alplar kökräšdi*** дейилади, маъноси: "ботирлар наъра тортди" демакдир. (Шоир) шундай деган:

***Keldi esin esnäyü,***
***Qaðqa tügäl üsnäyü.***
***Kirdi bodun qusnayu,***
***Qara bulït kökräšür.***

Кўкламни мақтаб айтмоқда: Шамол эсиб келди. Бу (ел) совурадиган бўронга ўхшайди. Халқ совуқдан титради, қора булутлар гулдиради (***kökräšür, kökräšmäk***).

[كَمْرُشْدِى ***kemrüšdi*** (**кемрушди**) – кемиришди] ***olar ikki söŋük kemrüšdi*** – улар иккови сўнгак кемиришди, сўнгак кемиришда баҳслашдилар (***kemrüšür, kemrüšmäk***).

[كِزْلَشْدِى ***kizläšdi*** (**кизлашди**) – яширишди] ***olar ikki tawar kizläšdi*** – улар иккови бир-биридан мол яширишди. Бошқа нарсаларга нисбатан ҳам шу сўз ишлатилади (***kizläšür, kizläšmäk***).

[كَزْلَشْدِى ***kezläšdi*** (**кезлашди**)] ***ol aŋar oq kezläsdi*** – у унинг билан ўқни юқори отишда баҳслашди. Кўмаклашишга ҳам шу сўз қўлланади (***kezläšür, kezläšmäk***).

[كۆزلەشدى *közläšdi* (**кўзлашди**) – кўз уруштирди] ***ol meniŋ birlä közläšdi*** – у мен билан кўз уруштирди. У менга кўзи билан қаради, мен унга кўзим билан қарадим (***közläšür***, ***közläšmäk***).

[كېسىلىشدى *keslišdi* (**кеслишди**) – кесилишди, бўлак-бўлак бўлди] ***keslišdi näŋ*** – нарса бўлак-бўлак бўлди; нарса бўлакларга айрилди (***keslišür***, ***keslišmäk***).

[كۆكلەشدى *kökläšdi* (**кўклашди**) – ёпишишди] ***ol aniŋ birlä kökläšdi*** – у унга ёпишди, чирмашди; ***köktäšdi*** талаффузи ҳам бор.

[كۆكلەشدى *kökläšdi* (**кўклашди**) – боғлашди] ***ol aŋar eδär kökläšdi*** – у унга эгар ёгочини чизимча билан боғлашга кўмаклашди.

[كۆكلەشدي *kökläšdi* (**кўклашди**)] ***ol aniŋ birlä kökläšdi*** – у унинг билан улфатлашишга аҳд қилди (***köklašür***, ***köklašmäk***). Бу сўз булғарча.

Бу боб тўрт хил шаклда келади:

Биринчидан, ишда кўмаклашиш ёки баҳслашиш мазмунини англатади. Чунончи, ***ol meŋä yük kötürüšdi*** – у менга юк кўтаришди, демакдир. Юқорида айтганимизча, ***meŋä*** сўзи қўшилиб келганда, кўмаклашиш мазмунини англатади. Агар феълга ***meniŋ birlä*** қўшилиб келса, баҳслашишни билдиради: ***ol meniŋ birlä sekrišdi*** – қай биримиз сакрашда усталигимизни синаш учун у мен билан баҳслашди.

Иккинчидан, икки ҳарфли феълдан ясалган феълнинг бир тури бўлади. Масалан, ***qačtï*** феълининг ўтимлиси ***qačurdï*** дан ясалган ***qačürušdï*** феъли каби. ***sïn*** ҳарфи бу ерда ***mufā'alat*** бобидаги каби вазифададир; "икки киши бир-бирини қочиришди" демакдир. Яна: ***suw kečti*** гапидаги ***kečti*** феълининг ўтимлиси ***kečürdi*** дан ясалган ***kečrüšdi*** ҳам шу хил шериклик маъносини ифодалаган феълга мисолдир, яъни "улар бир-бирини кечиришга кўмаклашди" демакдир. Икки ҳарфлига бир ҳарф қўшиб, уч ҳарфли феълга айлантирилди, яна бир ҳарф қўшилиб тўрт ҳарфлига айлантирилди.

Учинчидан, уч ҳарфли исмларга ***-lašu***, ***-läšü*** қўшиб ясалган феълдир. Бу феъл гаров ва қимор маъноларини англатади. Чунончи, ***ol meniŋ birlä oq attï atlašu*** – у мен билан отни гаровга қўйиб ўқ отишди. Ким ютса, ўртага қўйилган гаровни у олади. Бу қоида жуда кенг бўлиб, исмлардан ҳам, феъллардан ҳам тузилаверади. Исмлар шакли чўзилиб кетса ҳам фарқ қилинмай, шу маъно учун қўшилаверади. Чунончи, ***ol meniŋ birlä oynadï kögürčkünläšü*** – у мен билан каптардан [каптарни ўртага тикиб қимор] ўйнади; ***ol at yarïšdï meniŋ bilä tawïšğanlašu*** – у мен билан ўртага қуён тикиб пойга қилишди, от чопишди. Ким орқада қолса, у ютказади. Ўзган кимса ютади ва у олади.

Тўртинчидан, феъл бу маънолардан ҳеч бирини англатмай, ўз маъносида қўлланади. Чунончи, ***iš burušdï*** – иш белашди; ***yïp boymašdï*** – ип чалкашди, чигал бўлди, ҳеч ечилмайдиган, ёзилмайдиган бўлиб чувалди.

ق ***q*** [ҳарфи]:

[بۇغرىقتى *bağrïqtï* (**бағрикти**) – жигарга ёпишди] ***ač er bağrïqtï*** – очликдан кишининг биқини, қорни жигарига ёпишди.

[بۇلدۇقتى *bulduqtï* (**булдукти**)] ***bulduqtï näŋ*** – бўлинган нарса топилди (***bulduqar***, ***bulduqmaq***).

[تۇتسۇقدى *tutsuqdï* (**тутсукди**) – тутилди, қўлга тушди] ***er yağïqa tutsuqdï*** – эр ёвга тутилди (***tutsuqar***, ***tutsuqmaq***).

[تۇنچۇقتى *tončuqtï* (**тўнчуқти**) – қайғуланди] ***er tončuqtï*** – киши қайғурди, ҳатто нафас ололмай қолди.

[تۇنچۇقتى *tončuqtï* (**тўнчуқти**)] ***suğur tončuqtï*** – суғур [мушукдан кичикроқ думсиз ҳайвон], қишда кўкламгача чиқмайдиган бўлиб, уясига кирди. Уясига қишда кириб, кўкламгача чиқмайдиган ҳар қандай ҳайвонга нисбатан ҳам ***tončuqtï*** дейилади (***tončïqar***, ***tončïqmaq***).

[سَنْجِقْتِي *sančïqtï* (**санчиқти**) – енгилди] ***yağï sančïqtï*** – ёв енгилди. Кишининг калтакланишига ҳам шу сўз қўлланади (***sančïqar, sančïqmaq***).

[بَسْسِقْتِي *bassïqtï* (**бассиқти**) – кечаси босди] ***er yağïqa bassïqtï*** – ёв эрни тунда бостирди, уни тутди (***bassïqar, bassïqmaq***).

[سَوْرُقْتِي *sawruqtï* (**саврукти**) – тирқираб чиқди] ***közdän yaš sawruqtï*** – кўздан ёш оқди. Оқар сувнинг тўлқинланиб мавж уришига ҳам шу сўз қўлланади. (Шоир) шундай деган:

***Közüm yašï sawruqup quδï aqar,***
***Bilnip ažun emgäkin tügäl uqar.***

Айтмоқдаки: Дунё қийинчиликларини яхши (тўла) тушунгандан кейин кўзимнинг ёшлари соврулиб оқди (***sawruqar, sawruqmaq***).

ك *k* [ҳарфи]:

[بِلْسِكْتِي *bilsikti* (**билсикти**) – билинди, сезилди] ***aniŋ yašut ïšï bilsikti*** – унинг яширин иши билинди (***bilsikär, bilsikmäk***).

ل *l* [ҳарфи]:

[بُرْبَلْدِي *burbaldï* (**бурбалди**) – чалкашди] ***aniŋ ïšï burbaldï*** – унинг иши чувалиб чалкашди (***burbalur, burbalmaq***).

[بُكْسُلْدِي *büksüldi* (**буксулди**) – ёрилди] ***qap büksüldi*** – қоп ёрилди. Ҳар бир қандай идишнинг ёрилишига ҳам ***büksüldi*** дейилади (***büksülür, büksülmäk***).

[تُرْبُلْدِي *törpüldi* (**тўрпулди**) – тўғри бўлди] ***yïğač törpüldi*** – ёғоч тўғри бўлди, рандаланиб тўғриланди (***törpülür, törpülmäk***).

[تَرْتِلْدِي *tartïldï* (**тартилди**) – тортилди, ўлчанди] ***yarmaq tartïldï*** – танга ва бошқа нарса тортилди (***tartïlur, tartïlmaq***). Арқон ва бошқаларнинг чўзилиб, тортишишига ҳам шу сўз қўлланади.

[تُرْتُلْدِي *türtüldi* (**туртулди**) – ёғланди, ёғ суртилди] ***terikä yağ türtüldi*** – тери ва бошқа нарсаларга ёғ сурилди (***türtülür, türtülmäk***).

[چَرْتِلْدِي *čertildi* (**чертилди**) – йўқ бўлди] ***čertildi näŋ*** – нарса йўқ бўлди, қўлдан кетди (***čertilür, čertilmäk***). Мақолда (шундай келган): ***Erdämsizdän qut čertilür.*** Маъноси: "Ҳунари ва фазилати бўлмаган кишидан бахт чекинади".

[تَتْرُلْدِي *tetrüldi* (**тетрулди**) – айланди, эврулди] ***yel tetrüldi*** – ел ўзгарди; жануб шамоли шимолга, шимол шамоли жанубга айланди; ***tetrüldi näŋ*** – нарса айланди, тескари бўлди.

[تَتْرُلْدِي *tetrüldi* (**тетрулди**)] ***er qïlïqï tetrüldi*** – киши ва бошқаларнинг қилиғи ёмонлашди, қилиғи совуқ бўлди (***tetrülür, tetrülmäk***).

[تُغْرَلْدِي *toğraldï* (**тўғралди**) – тўғралди] ***et toğraldï*** – гўшт тилим-тилим тўғралди. Бошқа нарсаларга ҳам шу сўз ишлатилади (***toğralur, toğralmaq***).

[تُغْرَلْدِي *toğraldï* (**тўғралди**)] ***ton kirdän toğraldï*** – кийим кир бўлиб кетганидан увадаланди. Оёқда ва газмолларда пайдо бўлган ёриқларга ҳам шу сўз қўлланади (***toğralur, toğralmaq***).

[تَلْقِلْدِي *talqïldï* (**талқилди**) – қайтди] ***talqïldï näŋ*** – нарса тўқинди, қайтарилди; ***ïš talqïldï*** – иш қайтарилди; ***yük talqïldï*** – юк отда қайтарилди (***talqïlur, talqïlmaq***).

[تِرْمَلْدِي *tïrmaldï* (**тирмалди**) – тирналди] ***aniŋ yüzi tïrmaldï*** – унинг юзи тирналди (***tïrmalur, tïrmalmaq***).

[جَفْرَلْدِي *čewrüldi* (**чеврулди**) – айланди] ***čïğrï čewrüldi*** – чиғириқ (қудуқ чиғириғи) айланди. Ҳар қандай нарсанинг айланишига ҳам шу сўз қўлланади (***čewrülür, čewrülmäk***).

[جِرْمَلْدِي *čermäldi* (**чермалди**) – ўрилди, тўқилди] ***čawïğ čermäldi*** – қамчин ва бошқанинг учи ўриб тўқилди (***čermälür, čermälmäk***).

[سُرْتُلْدِی ***sürtüldi*** (**суртулди**) – пўсти арчилди] ***sürtüldi [näŋ]*** – нарсанинг пўсти арчилди. Бу ишнинг бошқа биров томонидан қилинишига ҳам шу сўз ишлатилади. Бу феъл ҳам ўтимли, ҳам ўтимсиздир.

[سُرْتُلْدِی ***sürtüldi*** (**суртулди**)] ***terikä yağ sürtüldi*** – тери ва бошқа нарсаларга ёғ суртилди (***sürtülür, sürtülmäk***).

[سَنْچِلْدِی ***sančïldï*** (**санчилди**) – санчилди] ***pičäk tamqa sančïldï*** – пичоқ девор ва бошқа жойларга санчилди.

[سَنْچِلْدِی ***sančïldï*** (**санчилди**)] ***sü sančïldï*** – лашкар енгилди. Бу сўзнинг асли ***erkä pičäk sančïldï*** (кишига пичоқ санчилди, урилди)дан олинган (***sančïlur, sančïlmaq***).

[سُپْرُلْدِی ***süprüldi*** (**супрулди**) – супурилди] ***ew süprüldi*** – уй супурилди. Бировга ғазаб қилинганда ҳам ***süprüg*** дейилади, яъни "супуринди, ахлат супуриш билан кетказиб юборилгани сингари сен ҳам кет" демакдир (***süprülür, süprülmäk***).

[سِدْرِلْدِی ***sïðrïldï*** (**сидрилди**) – сирғалиб чиқиб кетди] ***balïq eligdin sïðrïldï*** – балиқ қўлдан сирғалиб чиқиб кетди. Ҳар бир силлиқ нарсанинг қўл ва бошқадан сирғалиб чиқишига ҳам шу сўз қўлланади.

[سِدْرِلْدِی ***sïðrïldï*** (**сидрилди**)] ***yol sïðrïldï*** – йўлнинг ҳамма бурчакларига қаралди (***sïðrïlur, sïðrïlmaq***).

[سِدْرِلْدِی ***sïðrïldï*** (**сидрилди**)] ***er tamdïn sïðrïldï*** – киши девор ва бошқа жойлардан сидирилиб тушди.

[سَقْرُلْدِی ***sawruldï*** (**саврулди**) – мавжланди] ***suw sawruldï*** – сув тўлқинланиб, кўпириб мавжланди. Қайнаб тошаётган шўрвадан чўмичга олиб камайтирилиб, қайногини пасайтириш учун чўмичдагини яна қозонга қуйишга ҳам шу сўз қўлланади.

[سَقْرُلْدِی ***sawruldï*** (**саврулди**)] ***tarïğ sawruldï*** дейилади, "тариқ совурилди, елпиб тозаланди".

[سَقْرُلْدِی ***sawruldï*** (**саврулди**)] ***yaš közdin sawruldï*** – ёш кўздан соврулди, тўкилди. (Шоир) шундай деган:

***Tün-kün turup yïğlayu,***
***Yašïm meniŋ sawrulur.***

Айтмоқдаки: Туну кун тинимсиз йиғлайман, кўз ёшларим соврулади (***sawrulur, sawrulmaq***).

[سِغْزَلْدِی ***sïğzaldï*** (**сиғзалди**) – сиқилиб кирди] ***bir näŋ birkä sïğzaldï*** – бир нарса бир нарса ичига машаққат билан сиғдирилди. Масалан, кетмон, бел дастасига мих кириб, уни кетмон ва белга суқиш қийин бўлиши ёки итни бўйинча орасига киргизиш машаққат бўлгани каби (***sïğzalur, sïğzalmaq***).

[سَتْغَلْدِی ***satğaldï*** (**сатғалди**) – қутқазилди] ***er boynï satğaldï*** – киши ва бошқаларнинг бўйни қийинчилик билан қутқазилди. Қарз ўз қийматига баравар нарса билан адо этилиши, қайтарилишига ҳам ***satğaldï*** дейилади (***satğalur, satğalmaq***).

[سِتْغَلْدِی ***sïtğaldï*** (**ситғалди**) – шимарилди] ***yeŋ sïtğaldï*** – енглар шимарилди (***sïtğalur, sïtğalmaq***).

[سَرْمَلْدِی / سِرْمَلْدِی ***sarmaldï / sïrmaldï*** (**сармалди / сирмалди**) – сувдан чиқарилди] ***balïq sarmaldï / sïrmaldï*** – балиқ сувдан сузиб олингандай чиқарилди.

[سَرْمَلْدِی / سِرْمَلْدِی ***sarmaldï / sïrmaldï*** (**сармалди / сирмалди**)] ***tutmač sarmaldï / sïrmaldï*** – тутмоч қозондан сузиб олинди. Бошқа нарсаларга ҳам шу сўз ишлатилади (***sarmalur, sarmalmaq***).

[سَرْمَلْدِی ***sarmaldï*** (**сармалди**) – ўралди] ***aniŋ tonï bašïŋa sarmaldï*** – унинг кийими бошига ўралди (***sarmalur, sarmalmaq***). Бошқа нарсаларга ҳам шу сўз қўлланади. Бу ўтимсиз феълдир.

[قُرْتُلدِى ***qurtuldï*** (**қуртулди**) – қутилди] ***urağut qurtuldï*** – хотин бўшади, бўшалди (бола тугди).

[قُرْتُلدِى ***qurtuldï*** (**қуртулди**)] ***er emgäktin qurtuldï*** – киши қийинчиликдан қутилди. (Шоир) шундай деган:

***Öδläk yarağ küzätti,***
***Oğrï tuzaq uzuttï.***
***Beglär begin azïttï,***
***Qačsa qalï qurtulur.***

Айтмоқдаки: Замона фурсат кузатди, беклар бегини хўрлаш учун яширин тузоқ қўйди, ундан бек қандай қилиб қочиб қутилади? [Бу ерда "беглар беги" деганда гўёки *Afrasiyāb* назарда тутилади] (***qurtulur, qurtulmaq***). Бунинг ***qutuldï*** шакли ҳам бор.

[قَرْتَلدِى ***qartaldï*** (**қарталди**) – шилинди, енгилланди] ***anïŋ qartï qartaldï*** – унинг яраси қайталади (***qartalur, qartalmaq***).

[قِرْچَلدِى ***qïrčaldï*** (**қирчалди**) – сидириб юборди, қириб кетди] ***anïŋ bašïŋa taš qïrčaldï*** – унинг бошига тош тегиб қириб ўтди, сидириб юборди (***qïrčalur, qïrčalmaq***).

[قُتْرُلدِى ***qutruldï*** (**кутрулди**) – бўшатилди] ***suw almadïn qutruldï*** – сув кувачадан бўшатилди. Ҳар қандай суюқ нарсанинг бўшатилишига ҳам шу сўз қўлланади (***qutrulur, qutrulmaq***).

[قَدْرِلدِى ***qaδrïldï*** (**кадрилди**) – қайрилди] ***anïŋ boynïnï qaδrïldï*** – унинг бўйни қайрилди. Биров қайирса ҳам шу сўз қўлланади. Бу феъл ҳам ўтимли, ҳам ўтимсиздир (***qaδrïlur, qaδrïlmaq***).

[قَقْرُلدِى ***qawruldï*** (**қаврулди**) – қовурилди] ***buğday qawruldï*** – буғдой ва бошқа нарсалар қовурилди. Бу сўзнинг *ğayn* ли варианти ҳам бор (***qawrulur, qawrulmaq***).

[قُبْزَلدِى ***qobzaldï*** (**қўбзалди**) – қўбиз чалинди] ***qobuz qobzaldï*** – қўбиз чалинди (***qobzalur, qobzalmaq***). Бу сўз *sïn* билан ***qobsaldï*** тарзида ҳам талаффуз этилади. Бу хилда *zā* нинг *sïn* га алмашинишига мисол кўп. Чунончи, كيش ربيز وربيس дегандаги каби.

[أَشْلدِى تَفْشَلدِى ***ušaldï-tewšäldï*** (**ушалди-тевшалди**) – ушатилди, майдаланди] ***etmäk ušaldï-tewšäldï*** – нон майдаланди, бурдаланди. Бу иборада асл сўз ***ušaldï*** дир (***tewšälür, tewšälmäk***).

[تَفْشَلدِى ***tewšüldï*** (**тевшулди**) – чувалди] ***yïp tewšüldï*** – ип кўп қўл тегиши билан чувалди, чигил бўлди. Бошқа нарсаларга ҳам шу сўз ишлатилади (***tüwšälür, tüwšälmäk***).

[قُقْشَلدِى ***quwšaldï*** (**қувшалди**) – эговланди, ишқаланди] ***oq quwšaldï*** – яркирасин дея ўқ ёғоч билан ишқалди (***quwšalur, quwšalmaq***).

[قَرْغَلدِى ***qarğaldï*** (**қарғалди**) – қарғалди, лаънатланди] ***yek qarğaldï*** – шайтон ва бошқалар лаънатланди (***qarğalur, qarğalmaq***).

[قُرْقَلدِى ***qorquldï*** (**қўрқулди**) – қўрқилди] ***ïšdïn qorquldï*** – ишдан қўрқилди (***qorqulur, qorqulmaq***).

[قِرْقَلدِى ***qïrqïldï*** (**қирқилди**) – қирқилди] ***yuŋ qïrqïldï*** – қўй ва бошқа ҳайвонлар юнги қирқилди (***qïrqïlur, qïrqïlmaq***).

[كَرْتِلدِى ***kertildi*** (**кертилди**) – кертилди] ***yïğač kertildi*** – ёғоч ва бошқа нарсалар кертилди.

[كَرْتِلدِى ***kertildi*** (**кертилди**) – камситилди] ***qul boynï kertildi*** – қул камситилди. Бу сўз асосан, "кесмак" маъносида келса ҳам, бу ерда "хўрламоқ" маъносидадир (***kertilür, kertilmäk***).

[كَدْرُلدِى ***keδrüldi*** (**кедрулди**) – кийдирилди] ***ton keδrüldi*** – кийим ва бошқа нарсалар кийдирилди (***keδrülür, keδrülmäk***).

[كَدْرِلدِى ***keδrildi*** (**кедрилди**) – қуритилди] ***qoy keδrildi*** – қўй (гўшти) қуритилди (***keδrilür, keδrilmäk***).

[كِرْگُلْدِى *kigrüldi* (**киргулди**) – киргизилди] ***tawar ewkä kigrüldi*** – мол ва бошқа нарсалар уйга киргизилди (***kigrülür***, ***kigrülmäk***).

Бу бўлим икки хилдир: 1) уч ҳарфли сўз мажҳул феъл бўлади. Чунончи, ***yarmaq tartildï*** – танга (тарозида) тортилди; ***iš örtüldi*** – иш ноаниқ бўлди, пардаланди. Бу хил феълда *lām* билан *nūn* аралаш қўлланади; 2) шу шаклдаги феъл бу маънони англатмай, ўз маъносида келади. Чунончи, ***qurtuldï*** – кутулди, ***sarmaldï*** – ўралди.

***ڭ n*** [ҳарфи]:

[بِرْتِنْدِى ***bertindi*** (**бертинди**) – сустланди, зарбага учради] ***elig bertindi*** – қўл тўқинишдан ёки босилиб қолганидан зарбага учради. Унда заифлик пайдо бўлди, футур етди (***bertinür***, ***bertinmäk***).

[پُرْلَنْدِى ***pürländi*** (**пурланди**) – куртак чиқарди] ***yïğač pürländi*** – дарахт куртак чиқарди, новда чиқаришига ҳам шундай дейилади (***pürlänür***, ***pürlänmäk***).

[بُشْغُنْدِى ***bošğundï*** (**бўшғунди**) – бўшалди] ***er elgi bošğundï*** – киши қўли бўшалди. Кишининг ишлолмайдиган бўлиб қолишига ҳам шундай дейилади. Бунинг асли ***bošundï*** дир (***bošğunur***, ***bošğunmaq***).

[بُلْغَنْدِى ***bulğandï*** (**булғанди**) – булғанди] ***suw bulğandï*** – сув булганди, лойқаланди.

[بُلْغَنْدِى ***bulğandï*** (**булғанди**) – айниди] ***könül bulğandï*** – ёқимсиз нарса ейишдан кўнгил айниди. Қайт қилишига ҳам шу сўз ишлатилади.

[بُلْغَنْدِى ***bulğandï*** (**булғанди**) – ғазаб қилди] ***beg aŋar bulğandï*** – бек унга аччиқланди, ғазаб қилди.

[بُلْغَنْدِى ***bulğandï*** (**булғанди**) – тарқалди] ***el bulğandï*** – эл тарқалди ([***bulğanur***], ***bulğanmaq***).

[بَشْلَنْدِى ***bašlandï*** (**башланди**) – бошлади] ***er išqa bašlandï*** – киши ишга бошлади, иши кўринди.

[بَشْلَنْدِى ***bašlandï*** (**башланди**) – йўлланди] ***qoy tağqa bašlandï*** – қўй тоққа ҳайдалди, ўрдирилди.

[بَشْلَنْدِى ***bašlandï*** (**башланди**) – бош чиқарди] ***tarïğ bašlandï*** – экин – буғдой, арпа, умуман дон экинлари, бош тортди, бош чиқарди ([***bašlanur***], ***bašlanmaq***).

[بَغْلَنْدِى ***bağlandï*** (**бағланди**) – боғланди] ***otuŋ bağlandï*** – ўтин боғланди; ***özüŋä otuŋ bağlandï*** – (киши) ўзи учун ўтин боғлади (***bağlanur***, ***bağlanmaq***).

[بَغْلَنْدِى ***bağlandï*** (**бағланди**) – боғланди] ***qoy bağlandï*** – қўй ва бошқа ҳайвонлар богланди.

[بُغْلَنْدِى ***boğlandï*** (**бўғланди**) – тахмонга қўйилди] ***ton boğlandï*** – кийим бўғчага солиниб, тахмонга қўйилди (***boğlanur***, ***boğlanmaq***).

[بُغْلَنْدِى ***boğlundï*** (**бўғлунди**) – бўғилди] ***at boğlundï*** – от ва бошқалар бўғилди (***boğlunur***, ***boğlunmaq***).

[بَكْلَنْدِى ***bekländi*** (**бекланди**) – мустаҳкамланди] ***bekländï näŋ*** – нарса мустаҳкамланди.

[بَكْلَنْدِى ***bekländi*** (**бекланди**) – турғунланди] ***er ewindä bekländi*** – эр уйида турғун бўлиб қолди. Қамалишга нисбатан ҳам шу сўз қўлланади.

[بَكْلَنْدِى ***bekländi*** (**бекланди**)] ***bekländi näŋ*** – нарса сақланди. Бу феъл ўтимли ҳам, ўтимсиз ҳам бўлиб келади (ўғузча) (***beklänür***, ***beklänmäk***).

[بَگْلَنْدِى ***begländi*** (**бегланди**) – эрга чиқди] ***urağut begländi*** – хотин эрга чиқди (бегли бўлди) (***beglänür***, ***beglänmäk***).

[بُكْلَنْدِى ***büklündi*** (**буклунди**) – букилди] ***büklündi näŋ*** – нарса икки қават қилиб букланди (***büklünür***, ***büklünmäk***).

[بُكْلَنْدِى ***böklündi*** (**бўклунди**) – тўпланди] ***suw böklündi*** – сув тўпланди. Яна ***sü böklündi*** – қўшин тўпланди (***böklünür***, ***böklünmäk***).

[تالپىندى *talpïndï* (**талпинди**) – талпинди] ***quš talpïndï*** – қуш талпинди. Икки қанотини қоқиб, изтиробга тушди (***talpïnur, talpïnmaq***). Кимсанинг изтиробга тушишига ҳам шу сўз қўлланади.

[تارتىندى *tartïndï* (**тартинди**) – тортди, меҳрибонлик қилди] ***er oğlïŋa tartïndï*** – киши ўғлига раҳм қилди. Унга қилинган ҳар бир яхшилик, унга берилган ҳар бир таом уники (ўғлиники) бўлишини истади.

[تارتىندى *tartïndï* (**тартинди**) – ташитди] ***ol ewkä tarïğ tartïndï*** – у уйига буғдой ва бошқа нарсалар келтираётгандек кўринди. Кўчманчилар ерли халқдан буғдой тортиб кетишларига ҳам шундай дейилади (***tartïnur, tartïnmaq***).

[تۇرتۇندى *türtündi* (**туртунди**) – суртаётгандек кўринди] ***ol öziŋä yağ türtündi*** – у ўзи учун ёғ суртди. Ёг сураётгандек кўринишга ҳам шу сўз қўлланади (***türtünür, türtünmäk***).

[تەبرەندى *tebrändi* (**тебранди**) – тебранди] ***tebrändi näŋ*** – нарса тебранди (***tebränür, tebränmäk***).

[تۇغرندى *toğrandï* (**тўғранди**) – тўғраётгандек кўринди] ***ol öziŋä et toğrandï*** – у ўзига гўшт ва бошқа нарсаларни тўғраётгандай кўринди (***toğranur, toğranmaq***).

[تەڤرندى *tawrandï* (**тавранди**) – шошилаётгандек кўринди] ***er tawrandï*** – киши юришда шошилаётгандек кўринди (***tawranur, tawranmaq***).

[تىرسىندى *tersindi* (**терсинди**) – ғазаб қилди] ***beg aŋar tersindi*** – бек унга ғазаб қилди.

[تىرسىندى *tersindi* (**терсинди**) – қайталади] ***baš tersindi*** – яра битгандан кейин яна қайталади (***tersinür, tersinmäk***).

[تەۋشىندى *tewšindi* (**тевшинди**) – ҳаракат қилди] ***er ïšta telim tewšindi*** – киши ишда кўп ҳаракат қилди (***tewšünür, tewšünmäk***).

[تاتغاندى *tatğandï* (**татғанди**) – тотли деб билди] ***er ašïğ tatğandï*** – киши таом билан лаззатланди ва тилини танглайига тегизиб лаззат топди (***tatğanur, tatğanmaq***).

[ئۆلىندى-تولغاندى *ölindi-tolğandï* (**ўлинди-тўлғанди**)] ***er ölindi-tolğandï*** – киши дард оғриғидан азобланди, бир ёғдан иккинчи ёққа ағдарилиб қийналди.

[تولغاندى *tolğandï* (**тўлғанди**) – тўлғанди] ***er özi tolğandï*** – кишининг ичи сура бошлади, ўради.

[تولغاندى *tolğandï* (**тўлғанди**) – юмалоқлади] ***ol öziŋä yuŋ tolğandï*** – у ўзи учун юнгни юмалоқлаб ўради (***tolğanur, tolğanmaq***).

[تۇرقىندى *turqïndï* (**турқинди**) – уялди] ***ol mendin turqïndï*** – у мендан уялди. Қилмоқчи бўлган ишидан мендан уялиб қайтди (***turqïnur, turqïnmaq***).

[تەزگىندى *tezgindi* (**тезгинди**) – айланди] ***čïğrï tezgindi*** – чиғириқ ва бошқалар айланди.

[تەزگىندى *tezgindi* (**тезгинди**) – айланди (зиёрат қилди)] ***ol yerig tezgindi*** – у ер юзини айланди, тавоф қилди. Бирор ерни тавоф этувчи кимсага ҳам шу сўз қўлланади (***tezginür, tezginmäk***).

[بۇلغاندى-تەلگەندى *bulğandï-telgändi* (**булғанди-телганди**) – ғазаб қилди] ***ol aŋar bulğandï-telgändi*** – у унга ғазаб қилди, аччиқланди; ***telgändi*** нинг ўзи ёлғиз қўлланмайди, ***bulğandï*** билан бирга қўшиб қўлланади (***telgänür, telgänmäk***).

[تۇپلندى *tuplundï* (**туплунди**) – тешилди] ***tam tuplundï*** – девор ва бошқалар тешилди (***tuplunur, tuplunmaq***).

[تۇپلاندى *tüpländi* (**тупланди**) – илдиз олди] ***yïğač tüpländi*** – дарахт илдиз отди.

[تۇپلاندى *tüpländi* (**тупланди**) – молли бўлди] ***er tüpländi*** – киши молли бўлди. Ҳар қандай нарса яшнаб кетса ҳам шу сўз қўлланади (***tüplänür, tüplänmäk***).

[تىدلىندى *tïðlïndï* (**тидлинди**) – тийилди] ***er ïštïn tïðlïndï*** – эр иш ва бошқа нарсадан тийилди. Сўздан тўхташга ҳам шу сўз қўлланади (***tïðlïnur, tïðlïnmaq***).

[تۈشلەندى *tüšländi* (**тушланди**) – қўнди] ***elkin tüšländi*** – мусофир, йўловчи қўнди, ухлаб, сўнг йўлга тушмоқ учун қўнди (***tüšlänür, tüšlänmäk***).

[تۈرلەندى *terländi* (**терланди**) – терлади] ***at terländi*** – от ва бошқалар терлади (***terlänür, terlänmäk***).

[تۈرلەندى *türländi* (**турлунди**) – тўпланди] ***türländi näŋ*** – нарса тўпланди (***türlünür, türlünmäk***).

(Билимли) шундай деган:

***Ïδimni ögär-men,***
***Biligni yügär-men.***
***Köŋülni tügär-men,***
***Erdäm üzä türlünür.***

Айтмоқдаки: Эгамни (Худони) мақтайман, унинг ёрдами билан илмни тўплайман, кўнгилни шунга боғлайман, илму ҳунар тўплашга кўнглим берилгандир.

[تۈزلەندى *tüzländi* (**тузлунди**) – текисланди] ***tüzländi yer*** – ер ва бошқа жойлар текисланди; ***tüzüldi*** шакли ҳам бор.

[تۈزلەندى *tüzländi* (**тузлунди**) – тўғриланди] ***iš tüzländi*** – иш ва бошқалар тузалди, тўғриланди (***tüzlünür, tüzlünmäk***).

[تۇزلاندى *tuzlandï* (**тузланди**) – тузланди] ***et tuzlandï*** – гўшт ва бошқа нарсалар тузланди (***tuzlanur, tuzlanmaq***).

[تىزلىندى *tizlindi* (**тизлинди**) – тизилди, ипга ўтказилди] ***inčü tizlindi*** – инжу ва бошқа нарсалар тизилди (***tizlinür, tizlinmäk***).

[تۇشلاندى *tušlandï* (**тушланди**) – рўпара бўлди, қарама-қарши турди] ***bir näŋ birkä tušlandï*** – бир нарса бир нарсага рўпара бўлди, қаршилашди (***tušlanur, tušlanmaq***).

[تىشلىندى *tišländi* (**тишланди**) – тиши чиқди] ***oğlan tišländi*** – боланинг тиши чиқди.

[تىشلەندى *tišländi* (**тишланди**) – тишланди, қайралди] ***orğaq tišländi*** – ўроқнинг тиши ўткир қилинди (***tišlänür, tišlänmäk***).

[تۈگلۈندى *tüglündi* (**туглунди**) – тугилди, тиқилди] ***suw boğazda tüglündi*** – сув томоққа тиқилди, шу билан киши бўғилди.

[تۈگلەندى *tüglündi* (**туглунди**) – тугилди] ***yïp tüglündi*** – ип ва бошқа нарсалар тугунланди (***tüglünür, tüglünmäk***).

[تۆكلۈندى *töklündi* (**тўклунди**) – тўкилди] ***suw töklündi*** – сув тўкилди (***töklünür, töklünmäk***).

[تىكلىندى *tiklindi* (**тиклинди**) – тикилди, экилди] ***yïğač tiklindi*** – дарахт ва бошқа нарсалар тикилди, экилди (***tiklinür, tiklinmäk***).

[جېرلەندى / جىرلەندى *čerländi* (**черланди**) – касал бўлди] ***er özi čerländi*** – киши касал бўлди, танаси оғирлашди (***čerlänür, čerlänmäk***).

[جىرلەندى *čerländi* (**черланди**) – оғриди] ***aniŋ közi čerländi*** – унинг кўзи оғриди.

[جۇرلاندى *čürländi* (**чурланди**) – манфаатланди] ***ol andïn näŋ čürländi*** – у ундан манфаат олди (***čürlänür, čürlänmäk***).

[چوغلاندى *čoğlandï* (**чўғланди**) – чўғ бўлди] ***ot čoğlandï*** – ўт яллигланди. Кун яллиғланишига ҳам шу сўз қўлланади (***čoğlanur, čoğlanmaq***).

[چۇغلاندى *čuğlandï* (**чуғланди**) – майда тошли бўлди] ***sü qamuğ čuğlandï*** – аскарлар ҳаммаси тўдалари билан келишди. Тўпланган ҳар бир нарсага ҳам шу сўз қўлланади (***čuğlanur, čuğlanmaq***).

[چاغلاندى *čağlandï* (**чағланди**) – чала пишди] ***et čağlandï*** – гўшт чала пишди.

[چەۋلاندى *čawlandï* (**чавланди**) – шуҳрат қозонди] ***er čawlandï*** – эр шуҳрат қозонди (***čawlanur, čawlanmaq***).

[سۈرتۈندى *sürtündi* (**суртунди**) – суртинди, суйкалди, ишқалди] ***at yïğačqa sürtündi*** – от дарахт ва бошқа нарсаларга суйкалиб қашинди.

[سۈرتۈندى *sürtündi* (**суртунди**) – суртмоқчи бўлди] ***er öziŋä yağ sürtündi*** – киши ўзига ёғ суртмоқ истади. Бирор кимсанинг бир нарса суртаётгандай кўринишига ҳам шу сўз қўлланади (***sürtünür, sürtünmäk***).

[سىتىغاندى *sïtğandï* (**ситғанди**) – чаққонлашди, этак шимарди] ***er sïtğandï*** – киши енг шимарди, этак шимарди. Бу феъл ҳам ўтимли, ҳам ўтимсиздир (***sïtğanur, sïtğanmaq***).

[سىلكىندى *silkindi* (**силкинди**) – силкитди] ***er tonïn silkindi*** – киши кийимини силкитмоқчи бўлди.

[سىلكىندى *silkindi* (**силкинди**) – қичинди] ***er silkindi*** – кишининг туклари ҳурпайди.

[سىلكىندى *silkindi* (**силкинди**) – сесканди] ***tewäy silkindi*** – туя силкинди. Мақолда (шундай келган): ***Tewäy silkinsä, ešäkkä yük čïqar.*** Маъноси: "Туя силкинса, ундан бир эшакнинг юки чиқади". Бу мақол кичик ишни ташлаб, катта ишга киришишга ундаб айтилади (***silkinür, silkinmäk***).

[سىچلاندى *sačlandï* (**сачланди**) – сочи ўсди] ***er sačlandï*** – кишининг сочи ўсди (***sačlanur, sačlanmaq***).

[سۇچلاندى *sučlandï* (**сучлунди**) – суғурилди] ***qïlïč qïndïn sučlundï*** – қилич қиндан суғурилди. Ўрнидан суғурилган ҳар бир нарсага ҳам шу сўз қўлланади (***sučlunur, sučlunmaq***).

[سارلاندى *sarlandï* (**сарланди**) – салла кийди] ***er suwluq sarlandï*** – киши салла ўради.

[سارلاندى *sarlandï* (**сарланди**) – ўради] ***er yörgänčü sarlandï*** – киши оёгига пайтава ўради.

[سارلاندى *sarlandï* (**сарланди**) – ўралди] ***yïp yïğačqa sarlandï*** – ип дарахтга ўралди. Бу феъл ўтимли ҳам, ўтимсиз ҳам бўлиб келади (***sarlanur, sarlanmaq***).

[سارلاندى *sarlandï* (**сарланди**) – ҳозирланди] ***er išqa sarlandï*** – киши ишга ҳозирланди.

[سىرلاندى *sïrlandï* (**сирланди**) – сирланди] ***ayaq sïrlandï*** – нақшлаш учун идишнинг устига бўёқ сурилди (***sïrlanur, sïrlanmaq***).

[سۆزلاندى *sözländi* (**сўзланди**) – сўзланди] ***ol sözin meŋä sözländi*** – у сўзини менга сўзлади, баъзи сўзларни баён қилди (***sözlänür, sözlänmäk***).

[سۈزلۈندى *süzlündi* (**сузлунди**) – тозаланди] ***suw süzlündi*** – сув ва бошқалар сузилиб тозаланди (***süzlünür, süzlünmäk***).

[سەشلىندى *sešlindi* (**сешлинди**) – ечилиб кетди] ***at sešlindi*** – от ва бошқа ҳайвонлар боғидан бўшалди, ечилиб кетди (***sešlinür, sešlinmäk***).

[سۇلاندى *suwlandï* (**сувланди**) – суви кўпайди] ***suwlandï näŋ*** – нарса сувли бўлди, суви кўпайди. Меванинг суви кўпайишидан юмшаши, ярада сариқ сув пайдо бўлишидан бўрсиши каби (***suwlanur, suwlanmaq***).

[سۇلاندى *suwlandï* (**сувланди**) – ёши оқди] ***anïŋ közi suwlandï*** – унинг кўзи сувланди, кўз ёши оқди.

[سۇقلاندى *saqlandï* (**сақланди**) – сақланди] ***ol mendin saqlandï*** – у мендан сақланди, ўзини четлатди (***saqlanur, saqlanmaq***).

[سۇقلاندى *suqlundï* (**суқлунди**) – тиқилиб қолди] ***anïŋ aδaqï ötkä suqlundï*** – унинг оёғи чуқурга тиқилди. Бир нарсага кириб, қаттиқ жойлашиб қолган ҳар бир нарсага ҳам шу сўз қўлланади (***suqlunur, suqlunmaq***).

[سۆغلۈندى *söglündi* (**сўғлунди**) – қовурилди] ***et söglündi*** – гўшт қовурилди, кабоб қилинди; ***ol öziŋä et söglündi*** – у ўзи учун гўшт пириш, кабоб қилишни истади (***söglünür, söglünmäk***).

[ستلندى *satlandï* (**сатланди**) – ботинди] ***ol bu ïšqa satlandï*** – у бу ишга ботинди, журъатланди (чигилча) (***satlanur, satlanmaq***).

[قرتندى *qartandï* (**қартанди**) – ярасини тузатди] ***er qartïn qartandï*** – эр ярасини даволади. Ўз ярангга чора кўр, эмла маъносида: ***öz qartïŋ qartan.*** Бу иборадан "ўз ҳаддингдан ошма" деган маъно кутилади (***qartanur, qartanmaq***).

[قرتندى *qurtandï* (**қуртанди**) – қичинди] ***küŋ qurtandï*** – чўри канадан, битдан ва бошқа нарсалардан қичинди. Бунинг асли "қўйдан курт ахтариш"дан келиб чиққан (***qurtanur, qurtanmaq***).

[قدندى *qawdundï* (**қавдунди**) – қайишди, ён босди] ***er oğlïŋa qawdundï*** – киши ўғлига ён босди (***qawdïnur, qawdïnmaq***).

[قترندى *qatrundï* (**қатрунди**) – тўхтади] ***külär er qatrundï*** – куладиган эр тийилди, тўхтади. Бу сўзнинг асли "бир ишда бўйсунмаслик"дан келиб чиққан. Чунончи, ***ol meŋä yarmaq berür erkän, qatrundï*** – ул менга танга ва бошқа нарсалар берар экан, тўхтади, бермай қўйди (***qatrunur, qatrunmaq***).

[قدرندى *qaδrandï* (**қадранди**) – ғазабланди] ***beg aŋar qaδrandï*** – бек унга ғазабини сочди, у билан бекнинг хулқи, феъли сиқилди – танг бўлди, ёмонлашди (***qadranur, qadranmaq***).

[قرشندى *quršandï* (**қуршанди**) – боглади] ***er qurïn quršandï*** – эр белбоғини боғлади (***quršanur, quršanmaq***).

[قرغندى *qarğandï* (**қарғанди**) – қарғанди] ***er özin qarğandï*** – киши ўзида пайдо бўлган бир пушаймонлик муносабати билан ўзини қарғади (***qarğanur, qarğanmaq***).

[قزغندى *qazğandï* (**қазғанди**) – қозонди] ***er tavar qazğandï*** – киши мол қозонди (***qazğanur, qazğanmaq***).

(Шоир) шундай деган:

***Baqmas bodun sewügsüz,***
***Yudqï yuδï saranqa.***
***Qazğan ulïč tüzünlüg,***
***Qalsun čawïŋ yarïnqa.***

Ўғлига насиҳат қилиб айтмоқда: Кишилар бахил, юзсиз, шилқим одамларни севмайдилар. Эй ўғлим, олижаноб бўлишга тириш, номинг (шуҳратинг) эртага (яъни, ўзингдан кейин) қолсин.

[قسغندى *qïsğandï* (**қисғанди**) – қизғанди] ***er tawarïn qïsğandï*** – киши молини харжлашдан қизғанди. Бошқа нарсаларга ҳам шу сўз ишлатилади (***qïsğanur, qïsğanmaq***).

[قرقندى *qarwandï* (**қарванди**) – қидирди] ***ol yančïq ičrä yarmaq qarwandï*** – у ёнчиғи, тўрваси, ҳамёнидан танга қидирди. Бирор нарсани қидириб ахтарган ҳар кимсага ҳам шу сўз қўлланади, ***qarwandï*** дейилади (***qarwanur, qarwanmaq***).

[قرقندى / قرقندى *qorqundï / qorqïndï* (**қўрқунди / қўрқинди**) – қўрқинқиради] ***er ïšdïn qorqundï / qorqïndï*** – киши ишдан қўрқинқиради. Кишида қўрқув ҳисси пайдо бўлди, лекин уни кўнглида яширди (***qorqunur / qorqïnur, qorqunmaq / qorqïnmaq***).

[قرلندى *qurlandï* (**қурланди**) – хафа бўлди] ***er tawarïŋa qurlandï*** – киши нарсасига ачинди, нарсасининг йўқолганига хафа бўлди, буни ўзига зиён санади (***qurlanur, qurlanmaq***). Бу сўзнинг асли *vāv* ҳарфи билан قورلندى ***qurlandï*** дир.

[قرلندى *qurlandï* (**қурланди**) – куюқланди] ***yoğrut qurlandï*** – қатиқ куюқланди, сузма бўлди.

[قرلندى *qïrlandï* (**қирланди**) – ариқ йўлли бўлди] ***yer qïrlandï*** – ерда ёриқлар пайдо бўлди (***qïrlanur, qïrlanmaq***).

[قِزْلَنْدِى] ***qïzlandï*** (**қизланди**) – кимматбаҳо санади] ***ol bu atïğ qïzlandï*** – у бу отни ва бошқа нарсаларни қимматбаҳо санади.

[قِزْلَنْدِى] ***qïzlandï*** (**қизланди**) – қиз қилиб олди] ***ol anï qïzlandï*** – у уни қиз қилиб олди (***qïzlanur***, ***qïzlanmaq***).

[قَزْلَنْدِى] ***qazlïndï*** (**қазлинди**) – қазилди] ***yer qazlïndï*** – ер қазилди ва чуқурлар пайдо бўлди (***qazlïnur***, ***qazlïnmaq***).

[قِسْلَنْدِى] ***qïslïndï*** (**қислинди**) – қисилди] ***qïslïndï näŋ*** – нарса қисилди, икки нарса орасида сиқилди. Масалан, узанги қайиши ёки эшик орасида қолган оёқ кабилар (***qïslïnur***, ***qïslïnmaq***).

[قُشْلَنْدِى] ***qošlundï*** (**қўшлунди**) – қўшилди] ***ikki näŋ qošlundï*** – икки нарса яқинлашди, тенглашди (***qošlunur***, ***qošlunmaq***).

[قُشْلَنْدِى] ***qošlandï*** (**қўшланди**) – қанотланди] ***er öziŋä at qošlandï*** – киши ўзига иккинчи от қўшди (***qošlanur***, ***qošlanmaq***).

[قَقْلَنْدِى] ***qaqlandï*** (**қақланди**) – қоқланди] ***et qaqlandï*** – гўшт қоқланди, гўшт қуритилиб, қоқ гўшт қилинди.

[قَقْلَنْدِى] ***qaqlandï*** (**қақланди**) – ҳалқоб бўлди] ***suw qaqlandï*** – сув йиғилиб, саҳроларда ҳалқоб бўлиб кўлларга айланди (***qaqlanur***, ***qaqlanmaq***).

[كَفْشَنْدِى] ***käwšändi*** (**кавшанди**) – кавшанди] ***tewäy käwšändi*** – туя ва бошқа ҳайвонлар кавшанди (***käwšänür***, ***käwšänmäk***).

[كُچْلَنْدِى] ***küčländi*** (**кучланди**) – кучланди, кучли бўлди] ***er küčländi*** – эр ва бошқалар кучланди (***küčlänür***, ***küčlänmäk***).

[كُرْلَنْدِى] ***kürländi*** (**курланди**) – гулдуради] ***kök kürländi*** – кўк гулдуради.

[كِرْلَنْدِى] ***kirländi*** (**кирланди**) – кир бўлди] ***ton kirländi*** – кийим ва бошқа нарсалар кир бўлди (***kirlänür***, ***kirlänmäk***).

[كِرْلَنْدِى] ***kirländi*** (**кирланди**) – юмилди] ***köz kirländi*** – кўз юмилди.

[كَزْلَنْدِى] ***kezländi*** (**кезланди**) – юқориланди] ***oq kezländi*** – ўқ юқориланди.

[كَزْلَنْدِى] ***kezländi*** (**кезланди**) – тагига олди] ***ešič kezländi*** – қозон тагига олди (***kezlänür***, ***kezlänmäk***).

[كِزْلَنْدِى] ***kizländi*** (**кизланди**)] ***ol tawarïn kizländi*** – у таварини яширгандек бўлди. Яширишга ҳаракат қилишига ҳам шу сўз қўлланади (***kizlänür***, ***kizlänmäk***).

[كَسْلَنْدِى] ***keslindi*** (**кеслинди**)] ***keslindi näŋ*** – нарса кесилди (***keslinür***, ***keslinmäk***).

[كَكْلَنْدِى] ***kökländi*** (**кўкланди**) – боғланди] ***eðär kökländi*** – эгар (чилвир билан) боғланди.

[كَكْلَنْدِى] ***kökländi*** (**кўкланди**) – улуғланди] ***er kökländi*** – эр улуғ, шарафли бўлди. Молдор бўлишига ҳам шу сўз қўлланади (***köklänür***, ***köklänmäk***).

[كُگْلَنْدِى] ***kögländi*** (**кўгланди**) – қайғуланди] ***yüzi aniŋ kögländi*** – унинг юзида қайғу пайдо бўлди, қайғули кўринди.

[كُگْلَنْدِى] ***kügländi*** (**кугланди**) – ашула айтди] ***er kügländi*** – киши ашула айтди (***küglänür***, ***küglänmäk***). Асли كُوگْلَنْدِى дир.

[كَمْلَنْدِى] ***kemländi*** (**кемланди**) – касалланди] ***at kemländi*** – от ва бошқа ҳайвонлар касалланди. Аслида бу сўз отга нисбатангина қўлланади (***kemlänür***, ***kemlänmäk***).

Бу фасл тўрт хилдир:

Биринчи, аталган сўзнинг эгаси маъносида бўлади. Чунончи, ***urağut begländi*** – хотин эрли бўлди; эрга тегди; ***er anï qïzlandï*** – киши уни қиз қилиб асради, қизли бўлди, қизга эга бўлди.

Иккинчи, икки ҳарфли отдан тузилган ясама феъл бўлади. Чунончи, ***er atlandï*** – эр отга минди; ***at terländï*** – от терлади каби. Бошқаси ҳам шундай.

Учинчи, ишловчи шу феълни ўзи учун ишлашини, чунончи, бажаришни ўз устига олганини билдиради: ***er öziŋä yemiš ewdindi*** – киши ўзи учун мева тўплаш истади, мева тўплашга киришди. Яна: ***ol öziŋä et sögülündi*** – унинг ўзи бошқа бировнинг ёрдамисиз гўштни кабоб қилди. Тўрт ҳарфли исм ва феъллар бу бобда таркибида қалин ҳарфи бўлган тўрт ҳарфли исм ва феълларнинг чўзгилари туширилганда صحيح ўрнида туради. Чунончи, ***er qartïn qartandï*** – киши ўзининг ярасини тузатди. Бу ўтимсиз феъл ўрнидадир. Асли ***qartadï*** дир; ***er kügländi*** – киши ашула айтди; асли ***küglädi*** дир. Яна: ***qur quršandï*** – белбоғ боғлади. Асли ***quršadï*** дир.

Тўртинчи, бу маъноларни англатмай, ўз маъносида қўлланади. Чунончи, ***tewäy käwšändi*** – туя кавшанди. Яна: ***er turqundï*** – киши бир ишга ҳаракат қилишдан уялди; ***čïgrï tezgindi*** – чиғириқ ва бошқа нарсалар айланди.

Қоида: бу бобнинг буйруғи тўрт ҳарфлидир. Чунончи, ***meni toδğur*** – мени тўйғаз, тўйдир; ***at suwğar*** – отни суғор; ***meni uδğur*** – мени уйғот.

Бу фаслдаги феълдан икки фоилга ўтувчи ўтимли феъл ясаш учун *rā* дан сўнг *tā* орттирилади, *tā dāl* билан ёнма-ён туриши натижасида *dāl tā* га сингиб, ҳар иккиси ҳам ت *tā* га айланади. Чунончи, ***ol atïn suwğarttï*** – у отини биров орқали суғортирди. Бу шаклда икки ундош қатор келиши ҳам мумкин. Ва яна: ***men anï todğurttum*** – мен уни тўйдиришга буюрдим. Бу қоидани тушуниб ол.

Бу боб ишнинг бажарувчисини англатадиган *fā'il* шакли турк қабилаларида ***suwğarğučï*** – суғорувчи, ***toδğurğučï*** – тўйдирғувчидир. Ўғузларда бу ***toδğurdačï***, ***suwğardačï*** шаклидадир.

Ишловчи ишининг бардавонлигини билдирувчи феъл шакли ҳамма турк қабилаларида *qāf* ли, *ğayn* ли сўзларда ва умуман йўғон сўзларда ***oδğurğan***, ***toδğurğan*** шаклидадир. Таркибида *käf* ҳарфи бор сўзларда ***külsirgän er*** – кулимсираб юрадиган киши; ***käwšäŋän tewäy*** – кўп кавшанадиган туя гапларидаги ***külsirgän*** ва ***käwšäŋän*** шакллари каби.

Ишлаш ишловчининг вазифаси ва мақсади эканини билдирувчи феъл ***ol at suwğarğuluq*** (отни суғориш унинг вазифаси) гапидаги ***suwğarğuluq*** дир. Ва яна: ***ol anï toδğurğuluq erdi*** (уни тўйдириш унинг ҳақи эди, у уни тўйдириши керак эди) гапидаги ***toδğurğuluq*** дир. Ишловчи ишни ишлашга қасд қилувчи, истовчи эканлиги мазмунини англатувчи феъл шакли, ***suwğarïğsaq*** дир. ***ol at suwğarïğsaq erdi*** (у от суғоришни истаган, қасд қилган эди) гапидаги ***suwğarïğsaq*** феълидир. Ва яна: ***ol anï suwdïn kečrüssäk erdi*** (унинг мақсади уни сувдан ўтказишга кўмаклашиш эди) гапидаги ***kečrüssäk*** эди. Лекин бу хил шакл тилда кам қўлланади. Ишлаш кўнглида борлиги ёки илгари ишлаганликни билдирадиган феъл шакли ***ol at suwğarïğlï erdi*** гапидаги ***suwğarïğlï*** дир. Ва яна: ***ol anï toδğuruğlï-ol*** (у уни тўйдирадиган) гапидаги ***toδğuruğlï*** сўзидир. Ишланган ишни билдирувчи шакл ***oδğurmïš-ol*** (у уйғоқ, уйғонган) гапидаги ***oδğurmïš*** дир. ***toδğurmïš*** – тўйдирилган каби исми мафъуллар юқорида кўрсатилган асосдадир.

Тўрт ҳарфлилар боби тугади.

**БУ БЕШ ҲАРФЛИЛАР БОБЛАРИДИР**

**Ўртаси ҳар хил чўзғи ҳарфлар билан келган *fa'al'aldī* қолипидаги сўзлар бўлими**

**ш š** [ҳарфи]:

[سلغلشدى ***salïmlašdï*** **(салимлашди)**] ***anïŋ birlä salïmlašdï*** – у унинг билан хусуматлашишди, тортишишди (***salïmlašur***, ***salïmlašmaq***).

[قُنَقْشَدِى ***qonuqlašdï*** **(қунуқлашди)** – бир-бирини меҳмон қилишди] ***olar ikki qonuqlašdï*** – улар иккови бир-бирини меҳмон қилишди (***qonuqlašur***, ***qonuqlašmaq***).

Бу хил феъл бобида биринчи мисолдаги ***salïmlašdï*** дан бошқа феъл ўзагидан ясалган сўз йўқ. Лекин қимор, гаров маъноларида уч ҳарфли исмлардан феъл ясалиши мумкин. Чунончи, ***anïŋ birlä oynadï yarïqlašu*** – у у билан қиморга жавшан тикиб ўйнади. Ўйновчилардан ютган киши жавшанни олади. Бу шакл "баҳслашиш" маъносида ҳам қўлланади. Чунончи, ***olar ikki qonuqlašdï*** – улар иккови бир-бирини енгиш учун меҳмон қилишда баҳслашишди. Бу мазмунлар исталганда уч ҳарфли, тўрт ҳарфлилардан ҳам ва ундан ортиқ ҳарфли феъллардан ҳам шунга қиёс қилиб ясалиши мумкин.

ن ***n*** [ҳарфи]:

[بَرِمْسِنْدِى ***barïmsïndï*** **(баримсинди)**] ***ol ewkä barïmsïndï*** – у ҳақиқатда уйга бормагани ҳолда, уйга бораётгандек кўринди (***barïmsïnur***, ***barïmsïnmaq***).

[تَرِمْسِنْدِى ***tarïmsïndï*** **(таримсинди)** – тариқ экаётгандай кўринди] ***ol tarïğ tarïmsïndï*** – у ҳақиқатда тариқ экмагани ҳолда экаётгандай кўринди (***tarïmsïnur***, ***tarïmsïnmaq***).

[كَلِمْسِنْدِى ***kelimsindi*** **(келимсинди)** – келаётгандек кўринди] ***ol berü kelimsindi*** – у бу ёққа келаётгандек кўринди (***kelimsinür***, ***kelimsinmäk***).

[كُلُمْسِنْدِى ***külümsindi*** **(кулумсинди)**] ***er külümsindi*** – киши ва бошқалар кулимсинди, кулаётгандек кўринди (***külümsinür***, ***külümsinmäk***).

Бу феълларнинг ўзаги икки ҳарфли эди. Ўзакка *mïm*, *sïn*, *nïn* ҳарфлари (*-msïn*, *-msin*) қўшилди. Натижада бу феъл беш ҳарфли феълга айланди. Бу учта ҳарф шу маънони англатиш учун уч ҳарфли, тўрт ҳарфли, беш ҳарфли феълларга ҳам қўшилади. Бу феъл арабларнинг تغافل бобига ўхшайди. Улар تغافل الرجل дейдилар; "у ундан хабарсиздек кўринади, ҳолбуки, хабардор эди" демакдир. تضاحك сўзи ҳам шундай; "кулгандай кўринди, ҳақиқатда эса кулмаган эди" демакдир.

Бу феълни тузиш қоидаси: феълга бу қўшимча қўшилганда, ўзак охиридаги ҳарф *alif* [*a, ä*] ли бўлса, *a, ä* чўзғиси, *vāv* [*u, ü*] ли бўлса, *u, ü* чўзғиси, *yā* [*ï, i*] ли бўлса, *ï, i* чўзғиси сақланади. Масалан, ўзакнинг охири *alif* [*a, ä*] билан тугаган сўзга мисол: ***ol andïn näŋ tilämsindi*** – у ундан нарса сўраётгандек кўринди. Яна: ***ol pičäk bilämsindi*** – у пичоқ қайраётгандек кўринди, аслида қайрамаётган эди. Бу феълларнинг ўзаги, буйруғи ***tilä, bilä*** дир. Буларнинг охири *alif* [*ä*] бўлгани учун, қўшимча қўшилиб, бу хил феъл ясалганда ҳам ўз ҳолида қолади. Ўзак охири *vāv* [*u, ü*] бўладиган сўзга мисол: ***ol meŋä telim külümsindi*** – у менга кўп кулимсинди, кулаётгандек кўринди. Яна: ***ol yuqaru turumsïndï*** – у юқори тураётгандек кўринди. Аслида у турмаган эди. Бу феълларнинг буйруқ шакли ***kül, tur*** дир. Бу ўзакларнинг охирги ҳарфи *rā, lām* ҳарфлари турғун (чўзғисиз) эди. Бу маънони англатиш учун кўрсатилган ҳарфларга ўзакнинг бош ҳарфидаги чўзғига мос чўзғи орттирилди. Ўзак икки ҳарфли бўлиб, бош ҳарфи *alif* [*a, ä*] ли бўлса, у вақт ўзак охирига ҳар қачон *alif* [*a, ä*] эмас, *yā* [*ï, i*] чўзғиси орттирилади: ***ol ewkä barïmsïndï*** – у уйга боримсинди, бораётгандек кўринди; ***er suwqa qarïmsïndï*** – киши сувга чиқаётгандек кўринди. Бу феълларнинг охирги ҳарфи юқорида биз айтган қоидага мувофиқ *alif* [*a, ä*] қилинмади.

Икки ҳарфли феълларда ўзакнинг бош ҳарфи *yā* [*ï, i*] ли бўлса, ўзак охири ўз ҳолича қолади. Чунончи, ***ol ewkä kirimsindi*** – у уйга киримсинди, кираётгандек кўринди; ***ol yarmaq terimsindi*** – у танга ва бошқа нарсаларни теримсинди, тераётгандек кўринди.

Бу уч ҳарфдан *mïm* доим чўзғисиз бўлади; *sïn* доим *yā* [*ï, i*] ли бўлади; *nïn* ҳарфи ҳам доим турғун (чўзғисиз) бўлади. Чўзғиларнинг ҳаммаси ўзакнинг олдинги ҳарфига мослашади. Бу ҳақда мен икки ҳарфлилар бобида сўзлаган эдим.

Уч ҳарфлиларга келганда, ***ol anï qačrumsïndï*** – у уни ҳақиқатда қочирмагани ҳолда, қочираётгандек, қувлаётгандек кўринди. Яна: ***ol anïŋ yazuqïn kečrümsindi*** – у ҳақиқатда унинг гуноҳини кечирмагани ҳолда, унинг гуноҳини кечираётгандек кўринди, кечримсинди. Бу ерда ***rā*** ҳарфи ***ẓamma*** ли, яъни ***vāv*** [*u*] билан талаффуз қилинади. Чунки ***qačur*** сўзидаги ***čīm vāv*** [*u*] ли эди. Уни чўзғисиз қилиниб, ***čīm*** нинг чўзғиси ***rā*** га кўчирилди. Уч ҳарфлиларда иккинчи ҳарфдаги чўзғи учинчи ҳарфга кўчирилди, чунки ўрта ўзак охирига бош ҳарфдан кўра яқиндир.

Тўрт ҳарфлиларга келсак, унинг мисоли: ***er at suwğarïmsïndï*** – киши от суғораётгандек кўринди. Бу ерда ёнидаги ***ğayn*** ҳарфи *alif* [*a*] бўлгани ҳолда ***rā*** ҳарфи ***yā*** [*ï*] билан талаффуз қилинади, чунки *alif* [*a*] ***yā*** [*ï*] га тескари эмас. Икки ҳарфлиларда ҳам аҳвол шундай. Чунончи, ***barïmsïndï*** – боримсинди, бораётгандай кўринди каби. Лекин ***tilämsindi*** (тиламсинди, тилаётгандай кўринди) сўзи ***yā*** ли эмас, *alif* лидир. Чунки бу тўрт ҳарфли ўзаги ***tilä*** дир. Уч ҳарф ***mīm, sīn, nūn*** қўшишда *alif* ни ёзувда ташланди, лекин талаффузда сақланди. Яъни ***lām*** ҳарфи ***yā*** ли қилинмай, *alif* ли ҳолида қолдирилди. Шундай қилинмаганда, бу уч ҳарфли икки ҳарфли бошқа феъл билан алмашинишга элтар эди. Масалан: ***yarïndaq tilimsindi*** (у қайиш тилаётгандек кўринди, тилимсинди) гапидаги ***tilimsindi*** феълини ***tilimsindi*** феъли билан адаштиришга, шубҳага сабаб бўлар эди. Шунга ўхшаш, ***pičäk bilämsindi*** (пичоқ қайраётгандек кўринди) гапидаги ***bilämsindi*** феълида ҳам ***yā*** [*ï*] чўзғиси орттирилса, ***ïš bilimsindi*** (ишни биладигандек кўринди) гапидаги ***bilimsindi*** феъли билан адаштириш юзага келар эди. Ҳолбуки, булар бири уч ҳарфли, иккинчиси икки ҳарфли, тамом бошқа феъллардир. Уч ҳарфли феълларда сўзнинг ўртасидаги чўзғи сўнгги ҳарфга кўчирилиш қоидасини юқорида айтган эдик. Масалан, ***qačur, kečür*** феълларида ***čīm*** ҳарфининг ***vāv*** [*u, ü*] чўзғиси ташлангач, ташланган ***vāv*** [*u, ü*] чўзғиси ***rā*** га кўчирилди: ***qačrumsïndï*** – қочираётгандай кўринди. *alif yā* га тескари бўлмагани учун, ўз ҳолича қолдирилади, аммо ***vāv*** чўзғиси ***yā*** га тескаридир. Шунинг учун ўзгартирилиб, ***yā*** қилинди, деган қоидани юқорида баён қилдик.

***toδğurumsïndï*** – тўйдираётгандек кўринди; ***ol anï toδğurumsïndï*** – у уни тўйдираётгандай кўринди.

Бу баён қилган қоидаларим барча туркий тилларда ҳамма феъллар учун умумийдир. Ҳеч бир нарса (феъл) бундан четда қолмайди. Бу хил феълларда бу маънони англатмайдиган биргина беш ҳарфли феълдан бошқа бир сўз йўқ. У ***ol meŋä yaramsïndï*** (у менга хушомад қилди, ялтоқланди) феълидир (***yaramsïnur, yaramsïnmaq***).

ڻ ***n*** [ҳарфи]:

[قِسِرْقَنْدِى ***qïsïrqandï*** **(қисирқанди)** – қаттиқ ҳаракат қилиб сақлади] ***er tawarïn qïsïrqandï*** – киши молини сақлашга қаттиқ ҳаракат қилди, сарф қилиб юборишдан қўркди (***qïsïrqanur, qïsïrqanmaq***). (Шоир) шундай деган:

***Eltip tarïğ qoδmadï,***
***Sïčğan taqï sïqïrqan.***
***Kizläp nelüg kütär-sen,***
***Emdi anï qïsïrqan.***

Бола-чақасидан қизғаниб, дон йиққан кишининг донларини сичқон, каламуш битта ҳам қолдирмай ташиб кетганидан кулиб унга айтмоқда: Сичқон билан каламуш ҳеч нарса қолдирмай, ташиб кетди. Яшириб, нимани кутасан? Энди бола-чақангдан қизғанавер.

[بُلِتْلَنْدِى ***bulïtlandï*** **(булитланди)**] ***kök bulïtlandï*** – кўк булутланди (***bulïtlanur, bulïtlanmaq***).

[بَغِرْلَنْدِى ***bağïrlandï*** **(бағирланди)**] ***qan bağïrlandï*** – қон ивиди, лахта-лахта бўлиб қолди. Сут ивиб, қатиқ бўлиб қолишига ҳам шу сўз қўлланади (***bağïrlanur, bağïrlanmaq***).

[بُتَقْ لَنْدِى / بُتِقْ لَنْدِى ***butaqlandï / butïqlandï*** **(бутақланди / бутиқланди)**] ***yağač butaqlandï / butïqlandï*** – дарахт бутоқ чиқарди. Яна: ***suw butaqlandï / butïqlandï*** – сув ариқчаларга айрилди. Бунинг асли ***butaq / butïq*** – дарахтнинг бутоғи, демакдир (***butaqlanur / butïqlanur, butaqlanmaq / butïqlanmaq***).

[بَشْقَلَنْدِى ***bašaqlandï*** **(башақланди)**] ***süŋü bašaqlandï*** – найза тишланди. Ўқнинг учи найза қилинишига ҳам шу сўз қўлланади (***bašaqlanur, bašaqlanmaq***).

[بَلِقْلَنْدِى ***balïqlandï*** **(балиқланди)**] ***köl balïqlandï*** – кўл балиқли бўлди. Арғулар бу сўзни лойли бўлган жойга нисбатан қўллайдилар. Уйғурларда эса бирон ер қалъали бўлишига шу сўз қўлланади (***balïqlanur, balïqlanmaq***).

[پِچَاكْلَنْدِى ***pičäkländï*** **(пичакланди)**] ***er pičäkländï*** – киши пичоқли бўлди (***pičäklänür, pičäklänmäk***).

[تُبْتْلَنْدِى ***tüpütländï*** **(тупутланди)** – тупут қабиласига ўхшаб қолди] ***er tüpütländï*** – киши тупутга ўхшаб қолди, тупутлашди. Тупутлар турк мамлакатларига бошқа ердан келиб ўрнашиб қолган жамоалардир (***tüpütlänür, tüpütlänmäk***).

[تَتِغْلَنْدِى ***tatïğlandï*** **(татиғланди)**] ***üzüm tatïğlandï*** – узум тотли, мазали ва ширин бўлди. Мазали ва ширин бўлган ҳар қандай нарсага ҳам шу сўз қўлланади (***tatïğlanur, tatïğlanmaq***).

[تُتِقْلَنْدِى / تُتَقْلَنْدِى ***tutuqlandï / tutïqlandï*** **(тутуқланди / тутиқланди)**] ***urağut tutuqlandï / tutïqlandï*** – хотин тутуқ [бичилган киши]ни дарвозабон қилди, хизматга олди [у хотинга хизмат қилади] (***tutuqlanur / tutïqlanur, tutuqlanmaq / tutïqlanmaq***).

[تُرْقْلَنْدِى ***turuqlandï*** **(туруқланди)** – ориқ санади, ориқ деб билди] ***ol bu atïğ turuqlandï*** – у бу отни ориқ деб санади. Отдан бошқа нарсаларни ориқ ҳисоблашга ҳам шу сўз қўлланади (***turuqlanur, turuqlanmaq***).

[تُلْمْلَنْدِى ***tulumlandï*** **(тулумланди)** – жанг яроғларини осди] ***er tulumlandï*** – эр уруш яроғларини осди, қуролланди (***tulumlanur, tulumlanmaq***).

[چُبُرْلَنْدِى ***čöpürländi*** **(чўпурланди)** – юнги ўсди] ***ečkü čöpürländi*** – эчкининг юнги ўсди (***čöpürlänür, čöpürlänmäk***).

[چِپِشْلَنْدِى ***čepišländi*** **(чепишланди)** – боғлаб боқиладиган бўлди] ***oğlaq čepišländi*** – тўқли (қўчқор) чапиш қаторига ўтди, боглаб боқиладиган бўлди. Қўзи олти ойлик бўлганда тўқли бўлади (***čepišlänür, čepišlänmäk***).

[چَرُقْلَنْدِى ***čaruqlandï*** **(чаруқланди)**] ***er čaruqlandï*** – киши чориқли бўлди (***čaruqlanur, čaruqlanmaq***).

[چَچَكْلَنْدِى ***čečäkländi*** **(чечакланди)**] ***yïğač čečäkländi*** – дарахт ва бошқа нарсалар гуллади (***čečäklänür, čečäklänmäk***).

[سُكُتْلَنْدِى ***sögütländi*** **(сўгутланди)** – толзор бўлди] ***yer sögütländi*** – ер толзорга айланди (***sögütlänür, sögütlänmäk***).

[سُغُقْلَنْدِى ***soğuqlandï*** **(сўғуқланди)** – совуқ деб билди] ***bu yerig soğuqlandï*** – бу ерни совуқ деб билди (***soğuqlanur, soğuqlanmaq***). Ҳар қандай нарсани совуқ деб билишга ҳам шу сўз қўлланади.

[سُوِغْلَنْدِى ***suwïğlandï*** **(сувиғланди)** – суюқ деб билди] ***ol balïğ suwïğlandï*** – у асални ва бошқа нарсаларни суюқ деб билди (***suwïğlanur, suwïğlanmaq***).

[قَنَتْلَنْدِى ***qanatlandï*** **(қанатланди)** – учар отли бўлди] ***er qanatlandï*** – киши учар отли бўлди ва унда учди, тилагига етишга шу сабаб бўлди.

[قَنَتْلَنْدِى ***qanatlandï*** (**қанатланди**)] ***quš qanatlandï*** – қуш қанот чиқарди, қушнинг қаноти ўсди (***qanatlanur, qanatlanmaq***).

[قِلِچْلَنْدِي ***qïlïčlandï*** (**қиличланди**) – қиличли бўлди] ***er qïlïčlandï*** – киши қиличли бўлди (***qïlïčlanur, qïlïčlanmaq***).

[جَغْرْلَنْدِى ***čağïrlandï*** (**чағирланди**) – чағирли бўлди] ***er čağïrlandï*** – киши чағирли ёки шарбатли бўлди (***čağïrlanur, čağïrlanmaq***).

[چِغْرْلَنْدِى ***čïğïrlandï*** (**чиғирланди**) – йўллар пайдо бўлди] ***yer čïğïrlandï*** – ерда йўллар пайдо бўлди (***čïğïrlanur, čïğïrlanmaq***).

[قَدْرْلَنْدِى ***qaδïrlandï*** (**қадирланди**) – юраги сиқилгандек кўринди] ***er qaδïrlandï*** – кишининг юраги сиқилгандек кўринди. Бу сўзнинг асли ***qadrïndï*** дир. Тўғриси ҳам шудир (***qaδïrlanur, qaδïrlanmaq***).

[قَدْزْلَنْدِى ***qaδïzlandï*** (**қадизланди**) – қалинлашди, йўғонлашди] ***yïğač qaδïzlandï*** – дарахтнинг пўстлоги ўсди, йўғонлашди (***qaδïzlanur, qaδïzlanmaq***).

[قُدُزْلَنْدِى ***quδuzlandï*** (**қудузланди**) – жувонга уйланди] ***er quδuzlandï*** – эр жувонга уйланди (арғуча) (***quδuzlanur, quδuzlanmaq***).

[قِمِزْلَنْدِى ***qïmïzlandï*** (**қимизланди**) – қимизли бўлди] ***er qïmïzlandï*** – киши қимизли бўлди. Бу – биянинг ачиган сутидир (***qïmïzlanur, qïmïzlanmaq***).

[قُغُشْلَنْدِى ***qoğušlandï*** (**қўғушланди**)] ***suw qoğušlandï*** – сув шовиллаб оқди (***qoğušlanur, qoğušlannmaq***).

[قَمِشْلَنْدِى ***qamïšlandï*** (**қамишланди**)] ***yer qamïšlandï*** – ер қамишзорга айланди, қамишзор бўлди (***qamïšlanur, qamïšlanmaq***).

[قِدِغْلَنْدِى ***qïdïğlandï*** (**қидиғланди**)] ***qïdïğlandï näŋ*** – нарса жиякланди (***qïdïğlanur, qïdïğlanmaq***).

[قَتِغْلَنْدِى ***qatïğlandï*** (**қатиғланди**) – қаттиқ ҳаракат қилди] ***er qatïğlandï*** – киши қаттиқ ҳаракат қилди, тиришди (***qatïğlanur, qatïğlanmaq***). Мақолда (шундай келган): ***Kičigdä qatïğlansa, ulğaδu sewnür.*** Маъноси: "Ёшликда тиришиб ҳаракат қилган катта бўлгач, севинади".

[قُرُغْلَنْدِى ***quruğlandï*** (**қуруғланди**)] ***ol ötmäkni quruğlandï*** – у нонни ва бошқа нарсаларни қуруқ (қаттиқ) деб билди ва емади (***quruğlanur, quruğlanmaq***).

[قَشُقْلَنْدِى ***qašuqlandï*** (**қашуқланди**) – қошиқли бўлди] ***er qašuqlandï*** – киши қошиқли бўлди (***qašuqlanur, qašuqlanmaq***).

[كَلَبْلَنْدِى ***keläpländi*** (**келапланди**)] ***tağ keläpländi*** – тоғда калап ўти чиқди.

Бу боб бир неча хилдир:

Биринчи, зикр қилинган нарсага эга бўлганликни билдиради. Чунончи, ***er tarïğlandï*** – киши донли бўлди, донга эга бўлди; ***er qašuqlandï*** – киши қошиқли бўлди, қошиқ эгаси бўлди, каби.

Иккинчи, ўзини айтилган нарсалар хилидан, ўшалар тоифасидан санаш ва уларнинг турмушига мосланмоқ мазмунини англатади. Чунончи, ***er oğuzlandï*** – киши ўзини ўғуз тоифасидан деб билди, ўғуз кўринишига кирди, уларнинг одатини қилди. Яна: ***er čigilländi*** – киши ўзини чигил тоифасидан санади, чигиллар одатини тутди каби. Бу ҳол арабчага ўхшайди. Араблар وقيس عيلان ومن تقيسا дейдилар; "уларнинг кўринишига кирди", демакдир. Бу ҳамма феъллар учун умумий қоида саналади.

Учинчи, зикр килинган нарса унинг табиатида, зотида борлигини билдиришдир. Чунончи, ***yïğač butaqlandï / butïqlandï*** – дарахт буток чиқарди. Яна: ***yïğač yemišländi*** – дарахт мева қилди, сингари.

Тўртинчи, бу маънолар кутилмай туриб, феъл ўз маъносида қўлланади. Чунончи, ***er qatïğlandï*** – киши қаттиқ ҳаракат қилди, тиришди; ***kiši yumurlandï*** – киши (халқ) тўпланди, сингари.

Бу феълларнинг бари уч ҳарфли исмлардан ясалган.

Бу қоида тўрт ҳарфли, беш ҳарфли ва ундан ортиқ ҳарфлилар учун ҳам умумийдир. Улар ҳам шу тартибда тузилади. Буни чуқур тушун, билим билан яхши иззат кўрасан.

Беш ҳарфлилар боби тугади.

**БУ ОЛТИ ҲАРФЛИЛАР БОБЛАРИДИР**

[تُشْغُتْلَنْدِى] ***tušğutlandï*** (**тушғутланди**)] ***er tušğutlandï*** – киши шогирдли бўлди (***tušğutlanur, tušğutlanmaq***).

[تَرْمُتْلَنْدِى] ***tarmutlandï*** ***(turmutlandï?)*** (**турмутланди**?) – билакли, кўрфазли бўлди] ***suw tarmutlandï*** ***(turmutlandï?)*** – сув билакли, кема юрар даражада катта бўлди (***turmutlanur, turmutlanmaq***).

[قِزْغُتْلَنْدِى] ***qïzğutlandï*** (**қизғутланди**)] ***er ïštïn / ïštän qïzğutlandï*** – киши ўз ишининг камчилигини сезгач, афсусланиб, у ишдан қайтди (***qïzğutlanur, qïzğutlanmaq***).

ج ***č*** [ҳарфи]:

[تَقْغَچْلَنْدِي] ***tawğačlandï*** (**тавғачланди**)] ***er tawğačlandï*** – киши мочинликлар кўринишига кирди, мочинлашди (***tawğačlanur, tawğačlanmaq***).

[سُرْقُچْلَنْدِي] ***sorqučlandï*** (**сўркучланди**)] ***pičāk sorqučlandï*** – пичоқнинг сопи лука ёғочи елими билан маҳкамланди (***sorqučlanur, sorqučlanmaq***).

[سُرْقُچْلَنْدِى] ***sorqučlandï*** (**сўркучланди**)] ***er sorqučlandï*** – киши лук дейилган бир дарахт сувига [қилич бандини дастага маҳкамлаш учун ишлатиладиган бир дарахт елимига] эга бўлди.

[سُرْقُچْلَنْدِى] ***sorqučlandï*** (**сўркучланди**)] ***yer sorqučlandï*** – ерда саҳрои ҳиндбо ўсимлиги ўсди, ер шундай ўтли бўлди (***sorqučlanur, sorqučlanmaq***).

[سَوْدِچْلَنْدِى] ***sawdïčlandï*** (**савдичланди**) – саватли бўлди] ***er sawdïčlandï*** – киши саватли бўлди (***sawdïčlanur, sawdïčlanmaq***).

[مَنْدَرْلَنْدِى] ***mandarlandï*** (**мандарланди**) – печак ўт ўралди] ***yïğāč mandarlandï*** – печак ўти дарахтга ўралди. Дарахтни печак ўти босди (***mandarlanur, mandarlanmaq***).

ش ***š*** [ҳарфи]

[جَلْبَشْلَنْدِى] ***čalpušlandï*** (**чалпушланди**) – ширага бўялди] ***elig čalpušlandï*** – қўл шираланди, мевалар ва ширали нарсалар ейишдан қўл ширага бўялди, қўлга шира ёпишди (***čalpušlanur, čalpušlanmaq***).

[قِرْتِشْلَنْدِى] ***qïrtïšlandï*** (**қиртишланди**)] ***qïz qïrtïšlandï*** – жория чиройли бўлди, чиройи ортди (***qïrtïšlanur, qïrtïšlanmaq***).

[قُلْدَشْلَنْدِي] ***qoldašlandï*** (**қўлдашланди**) – дўстлардан саналди] ***ol menïŋ birlä qoldašlandï*** – у ўзини менинг ўртоқларимдан деб санади (***qoldašlanur, qoldašlanmaq***).

غ ***ğ*** [ҳарфи]:

[بُشْلَغْلَنْدِى] ***bošlağlandï*** (**бўшлағланди**) – кибрланди] ***er ïšda bošlağlandï*** – киши ишда манманликка борди. Насиҳатга қулоқ солмади (***bošlağlanur, bošlağlanmaq***). Мақолда (шундай келган): ***Bošlağlansa, boxsuqlanur.*** Маъноси: "Киши манманликка борса, ўргатувчини таҳқирласа, қўли гарданида бўлади, ташвиш тортади". Бу мақол ўз билгича иш қилишни истовчиларга қарата қўлланади.

[تُرْقِغْلَنْدِى *turqiğlandï* (**турқиғланди**) – тортинди, уялди] ***ol mendin turqiğlandï*** – у мени сийлаб келишдан тортинди, уялди (***tarquğlanur, tarquğlanmaq***).

[تُغْرَغْلَنْدِى *tuğrağlandï* (**туғрағланди**)] ***oğlan tuğrağlandï*** – қул туғроли бўлди; шоҳ томонидан ҳарбий машқ вақтида берилиб, қайтиб олинадиган отга эга бўлди (***tuğrağlanur, tuğrağlanmaq***). Ўғузчада мактуб, муҳр билан тамғаланишига ҳам шу сўз қўлланади.

[تُمْلُغْلَنْدِى *tumluğlandï* (**тумлуғланди**)] ***bu oğurnï tumluğlandï*** – бу пайтни совуқ санаб, мақсадидан, мўлжалидан қайтди (***tumluğlanur, tumluğlanmaq***).

[تُمْلُغْلَنْدِى *tumluğlandï* (**тумлуғланди**)] ***ol aŋar tumluğlandï*** – у унга жафо қилди ва совуққон бўлди.

[قِشْلَغْلَنْدِى *qïšlağlandï* (**қишлағланди**)] ***ol bu yerig qïšlağlandï*** – у бу ерни қишлов жойи деб билди ва шу ерда қишлади (***qïšlağlanur, qïšlağlanmaq***).

[قُشْلَغْلَنْدِى *qušlağlandï* (**қушлағланди**)] ***xan bu yerig qušlağlandï*** – хон бу ерни қуш овлайдиган жой қилиб белгилади (***qušlağlanur, qušlağlanmaq***).

ق *q* [ҳарфи]:

[بُجْقَلَنْدِى *bučğaqlandï* (**бучғақланди**)] ***bučğaqlandï näŋ*** – нарсада бурчак пайдо бўлди (***bučğaqlanur, bučğaqlanmaq***).

[بُرْچَقْلَنْدِى *burčaqlandï* (**бурчақланди**)] ***ter burčaqlandï*** – тер дона-дона бўлди, томчи-томчи бўлди. Бошқа нарсалар дона-дона бўлишига ҳам шу сўз қўлланади (***burčaqlanur, burčaqlanmaq***).

[بَشْمَقْلَنْدِى *bašmaqlandï* (**башмақланди**)] ***er bašmaqlandï*** – киши бошмоқли бўлди, сандалчувак кийди (ўғузча) (***bašmaqlanur, bašmaqlanmaq***).

[بُغْنَقْلَنْدِى *boğnaqlandï* (**бўғнақланди**) – бўлакланди, бўлак-бўлак бўлди] ***bulut boğnaqlandï*** – булут майда-майда бўлакларга бўлинди (***boğnaqlanur, boğnaqlanmaq***).

[بُغْمَقْلَنْدِى *buğmaqlandï* (**буғмақланди**) – боғичини боғлади] ***er buğmaqlandï*** – киши кийимнинг боғичини боғлади (***buğmaqlanur, buğmaqlanmaq***).

[تَرْمَقْلَنْدِى *tarmaqlandï* (**тармақланди**) – ёйилишди, тармоқланди] ***boy tarmaqlandï*** – қабилалар саҳронинг ҳар ёғига йиртқич қушлар саҳрога ёйилгандек ёйилишди.

***bala tarmaqlandï / tïrmaqlandï*** – қуш болаларининг тирноғи билинди.

***suw tarmaqlandï*** – сув ирмоқларга айрилди (***tarmaqlanur, tarmaqlanmaq***).

[تِغْرَقْلَنْدِى *tïğraqlandï* (**тиғракланди**) – тийракланди, ботирланди] ***er tïğraqlandï*** – киши ботирланди, дадилланди (***tïğraqlanur, tïğraqlanmaq***). (Шоир) шундай деган:

***Tïğraqlanïp sekirtti,***
***Erin, atïn yügürtti.***
***Bizni qamuğ eŋitti,***
***Andağ sükä kim yetär?***

Урушда ҳамла қилган кишини сифатлаб айтмоқда: Ботирлигини кўрсатди, ҳатто бизга ҳамла қилди. Отлиқ ва пиёдаларини бизга қарши чоптирди. Ҳунари билан бизни ҳайратда қолдирди. Бундай аскарга ким қарши тура олади?

[چُقْمَقْلَنْدِى *čoqmaqlandï* (**чўқмақланди**) – кулча бўлди, ўралиб олди] ***yïlan čoqmaqlandï*** – илон чўқмоқ кўринишига кирди, кулча бўлиб ўралиб олди (***čoqmaqlanur, čoqmaqlanmaq***).

[چِمْغُقْلَنْدِى *čïmğuqlandï* (**чимғуқланди**) – чақимчи бўлди] ***kiši čïmğuqlandï*** – киши барчани ёмонловчи, чақимчи, ёлғончи бўлди (***čïmğuqlanur, čïmğuqlanmaq***).

[سَغْلِقْلَنْدِى *sağlïqlandï* (**сағлиқланди**)] ***er sağlïqlandï*** – киши совлиқ қўйларга эга бўлди (***sağlïqlanur, sağlïqlanmaq***).

[قَپْغَقْلَنْدِی **qapğaqlandï** (**қапғақланди**) – қопқоқлагандек бўлди] ***keš qapğaqlandï*** – ўқдон қопқоқланди, садоқ оғзи бекитилган шиша сингари бўлди, у ўққа тўлғазилди (***qapğaqlanur, qapğaqlanmaq***).

[قَدْرُقْلَنْدِی **qadruqlandï** (**қадруқланди**)] ***tağ qadruqlandï*** – тоғ очиқ йўлларга эга бўлди. Тоғда очиқ йўллар пайдо бўлди (***qadruqlanur, qadruqlanmaq***).

[قِسْرَقْلَنْدِی **qïsraqlandï** (**қисрақланди**) – байталли бўлди] ***er qïsraqlandï*** – киши байтал эгаси бўлди (***qïsraqlanur, qïsraqlanmaq***).

[قَرْلُقْلَنْدِی **qarluqlandï** (**қарлуқланди**) – қарлуқлар кўринишини олди, қарлуқлашди] ***er qarluqlandï*** – киши қарлуқлашди, қарлуқларнинг русумини тутди. Бу ҳам туркманларнинг бир тоифаси (***qarluqlanur, qarluqlanmaq***).

[قِيْچاقْلَنْدِی **qïwčaqlandï** (**қивчақланди**)] ***er qïwčaqlandï*** – киши қипчоқлашди, қипчоқлар русумини тутди (***qïwčaqlanur, qïwčaqlanmaq***).

[مُنْچَقْلَنْدِی **munčaqlandï** (**мунчақланди**) – мунчоқли бўлди] ***qïz munčaqlandï*** – қиз мунчоқ тақадиган, дур ва бошқа зийнатли бўлди, мунчоқ тақди (***munčuqlanur, munčuqlanmaq***).

[مَنْچُقْلَنْدِی **mančuqlandï** (**манчуқланди**) – сандиқда сақлади] ***er tonïn mančuqlandï*** – киши тўнини сандиққа солди ва уни эгар орқасига осди (***munčuqlanur, munčuqlanmaq***).

ک ***k*** [ҳарфи]:

[بُرْجَکْلَنْدِی **bürčäkländi** (**бурчакланди**) – пешона ёлли бўлди, пешона ёли ўсди] ***at bürčäkländi*** – от пешонаси ёлли бўлди, пешона ёли ўсди. Киши кокилининг кўринишига ҳам шу сўз қўлланади (***bürčäklänür, bürčäklänmäk***).

[تُرْمَکْلَنْدِی **türmäkländi** (**турмакланди**)] ***ötmäk türmäkländi*** – овқатга тухум, гўшт, нон ва бошқалар солиниб, қовурма қилинди (***türmäklänür, türmäklänmäk***).

[تَفْلُکْلَنْدِی **tewlügländi** (**тевлугланди**) – такаббурлар қаторига ўтди] ***er tewlügländi*** – киши ўзини такаббурлардан санаб, ўшаларнинг йўлига кирди (***tewlüglänür, tewlüglänmäk***).

[چُکْرَکْلَنْدِی **čükräkländi** (**чукракланди**)] ***qul čükräkländi*** – қул юнг чопонга эга бўлди (***čükräklänür, čükräklänmäk***).

[چَلْبَکْلَنْدِی **čelpäkländi** (**челпакланди**) – юмилди] ***köz čelpäkländi*** – кўз юмилди (***čelpäklänür, čelpäklänmäk***).

[بُکْسُکْلَنْدِی **böksükländi** (**бўксукланди**)] ***qïz böksükländi*** – қизнинг кўкраги кўтарилди (***böksüklänür, böksüklänmäk***).

[کِرْپُکْلَنْدِی **kirpükländi** (**кирпукланди**) – кўзга қадаладиган қил ўсди] ***anïŋ közi kirpükländi*** – унинг кўзига қадалувчи қил ўсди (***kirpüklänür, kirpüklänmäk***).

[کَنْجَکْلَنْدِی **känjäkländi** (**канжакланди**) – канжаклашди, канжаклар русумини тутди] ***er känjäkländi*** – киши канжаклашди, канжак қабиласининг русумини тутди. Бу ҳам бир қавмдир (***känjäklänür, känjäklänmäk***).

[کُنْجُکْلَنْدِی **könjükländi** (**кўнжукланди**) – жиякли бўлди] ***ton könjükländi*** – кийим чалмали, жиякли бўлди. Кийимга жияк қилинди (***könjüklänür, könjüklänmäk***).

م ***m*** [ҳарфи]:

[بَچْکَمْلَنْدِی **bečkämländi** (**бечкамланди**)] ***er bečkämländi*** – эр жангда ва бошқа пайтларда кийиладиган кийимларини кийди (***bečkämlänür, bečkämlänmäk***).

ن ***n*** [ҳарфи]:

[تُرْبُنْلَنْدِی **turbunlandï** (**турбунланди**) – танлаб олди, аҳамият берди] ***er turbunlandï*** – киши нарсани суриштирди (***turbunlanur, turbunlanmaq***).

[کِرْشَنْلَنْدِی **kiršänländi** (**киршанланди**) – упа сурди] ***urağut kiršänländi*** – хотин юзига упа сурди (***kiršänlänür, kiršänlänmäk***).

[تۈركۈنلەندى ***türkünländi*** (**туркунланди**)] ***ol bu ewni türkünländi*** – у бу уйни ўз уйидай санади ва унга тушди (***türkünlänür, türkünlänmäk***).

[تۇشكۈنلەندى ***tüškünländi*** (**тушкунланди**)] ***tağ tüškünländi*** – тоғда тушкун дарахти кўпайди [тушкун – елими фойдали бир дарахт) (***tüškünlänür, tüškünlänmäk***).

[چىۋكۈنلەندى / چىۋكىنلەندى ***čiwkünländi / čiwkinländi*** (**чивкунланди / чивкинланди**)] ***ol bu ašığ čiwkünländi / čiwkinländi*** – у бу овқатни баданни енгиллатадиган, баданга фойдали деб билди (***čiwkünlänür / čiwkinlänür, čiwkünlänmäk / čiwkinlänmäk***).

[سۆكمەنلەندى ***sökmänländi*** (**сўкманланди**)] ***er sökmänländi*** – киши ўзини ботирлардан санади, уларга таклид қилди (***sökmäklänür*** (***sökmänlänür?***), ***sökmäklänmäk*** (***sökmänlänmäk?***).

Бу феълнинг буйруқ шакли олти ҳарфлидир: ***sökmänlän*** – ботир бўл, ботирларча ҳаракат қил. Яна: ***kiršänlän*** – юзингга упа сур (хотин кишига буйруқ).

Бу бобдаги феъллар тўрт хилдир:

Биринчи, (сўзловчи) ўзини феълда зикр қилинган нарсадан санади ва улар қилганини қўллади. Чунончи, ***er qïwčaqlandï, er uğraqlandï*** гапларидаги сингари. "Киши ўзини қипчоқлардан санади ва уларнинг русумини тутди"; "Киши ўзини угроқлардан санади ва уларнинг русумини тутди" демакдир.

Иккинчи, феълда зикр қилинган нарсага эгалик маъносини билдиради. Чунончи, ***er qïsraqlandï*** – киши байталли бўлди. Яна: ***er yarmaqlandï*** – киши тангали бўлди, гапларидаги феъллар сингари.

Учинчи, тўрт ҳарфли исмлардан ясалган феъл сифатида қўлланади. Чунончи, ***anïŋ közi čelpäkländi*** – унинг кўзи юмилди. Яна: ***anïŋ közi kirpükländi*** – унинг кўзида кўзга қадаладиган қил ўсди, гапларидаги феъллар каби.

Тўртинчи, бу маъноларнинг бирортасини ҳам англатмай, мустақил феъл бўлишидир: ***ter burčaqlandï*** – дона-дона терлади; ***yïlan čoqmaqlandï*** – илон кулча бўлди, гапларидаги феъллар каби.

Олти ҳарфли феълларнинг ҳаммаси бу бобда деярли тўрт ҳарфли исмлардан тузилади. Уларда ҳеч бир туб феъл бўлмайди. Икки ҳарфли, уч ҳарфли, тўрт ҳарфли исмларнинг ҳаммасидан ҳам шу маънолар исталса, исм охирига *-lan, -län* қўшилиб, шу хил феълга айлантирилади.

Бу қоида ҳамма туркий тилларда ҳам бир хил қатъий қоида саналади. Буларни яхши эслаб қол, унутма.

Тангрига шукур, *sälim* лар бўлими битди.

بسم الله الرحمن الرحيم

**[(Сўзимни) раҳмдил ва меҳрибон Оллоҳнинг номи билан (бошлайман)]**

## БУ *muḍā'af* ОТЛАР КИТОБИДИР

### ИККИ ҲАРФЛИ ОТЛАР БОБИ

ت ***t*** [ҳарфи]:

تَتْ ***tat*** (**тат**) – бутун туркларнинг наздида форс. Мақолда шундай келган: ***Tatiğ közrä, tikänig tübrä.*** Маъноси: "Татнинг кўзига ур, тиканнинг тубидан кес". Яғма, тухсилар наздида бу сўз ислом динини қабул қилмаган уйғурлардир. Мен буни ўз шаҳарларида уларнинг ўзидан эшитдим. ***tat tawğač*** – уйғурлар ва ***ṣīn*** ликлар, демакдир. Бу ибора ***tat*** сўзини уйғурларга нисбатан ҳам, ***Sīn*** ликларга нисбатан ҳам қўлланишидан дарак беради. Мақол маъноси ҳам шунга олиб боради. Чунки улар вафосиздир: тиканнинг жазоси томиридан узиш бўлса, уйғурга лозими кўзига ¡уришдир. Бошқа бир мақолда шундай келган: ***Tatsïz türk bolmas, baššïz börk bolmas.*** Маъноси: Форслар бор ерда турклар албатта бор. Бошсиз бўрк бўлмагани каби, турксиз форс бўлмайди. Бош бор ерда бўрк, албатта, бор.

تَتْ / تُتْ ***tat / tut*** (**тат /тут**) – қилич ва пичоқлар устида пайдо бўладиган занг. Мақолда (шундай келган): ***Qïlïč tatïqsa, ïš yunčïr, er tatïqsa, et tunčïr.*** Маъноси: "Қилич зангласа, ботирнинг ҳоли ёмон бўлади. Эр [яъни турк] татлашса [эронийлар русумини тутса], гўшти ўзгаради, ҳидланади". Бу мақол ботирликка ундалган кишига қарата ҳар жинснинг ўз жинси билан яшаши тўғрисида айтилади.

ج ***č*** [ҳарфи]:

خَجْ ***xoč-xoč*** (**хўч-хўч**) – эчки подасини ҳайдашда қўлланадиган сўздир.

هَجْ ***heč-heč*** (**хеч-хеч**) – подани қайтаришда қўлланадиган сўз. Асли ***eč-eč*** дир. Сўнгра сўз бошига ***hā*** ҳарфи орттирилган. Бу арабчага ўхшайди. Чунончи, араблар қўй бошидаги чақирикларида هجهجت дейдилар, "қўйларни қайтариш учун бақирдим" демакдир.

ش ***š*** [ҳарфи]:

شِشْ ***šïš*** (**шиш**) – тутмоч ейиладиган чўп, қошиқ ўрнида ишлатиладиган махсус чўп.

ق ***q*** [ҳарфи]:

قَقْ ***qaq*** (**қақ**) – ўрик, шафтоли сингари меваларнинг данаги. Шундан келиб чиқиб, шафтоли ва бошқа меваларнинг данагига ***erük qaqï*** дейилади.

[قَقْ ***qaq*** (**қақ**)] ***qaq et*** – қоқ гўшт. Қуритилган ҳар қандай нарсага ҳам шу сўз ишлатилади.

قَقْ ***qaq*** (**қақ**) – ёмғир ва сел сувидан пайдо бўлган кўл. (Шоир) шундай деган:

***Qaqlar qamuğ kölärdi,***
***Tağlar baší ilärdi.***
***Ažun tanï yïlïrdï,***
***Tü-tü čečäk čergäšür.***

Кўкламни сифатлаб айтмоқда: Ёмғир ва селдан юзага келган кўллар тўлиб, ҳовузлар каби бўлди. Кўллардаги сувнинг кўплигидан тогларнинг боши(га етиш) хаёлотга айланди, чунки сув тог этагини ҳам қоплаган эди. Дунёнинг нафаси илиди, гуллар чаман бўлиб очилди.

ك ***k*** [ҳарфи]:

كَكْ ***kek*** (**кек**) – кек, хусумат, ўч. Шундан келиб чиқиб, ***öčlüg-keklig kiši*** дейилади, маъноси "ўчли-кекли киши, кек сақловчи киши"дир.

كَكْ ***kek*** **(кек)** – қийинчилик. Шундан келиб чиқиб, ***kek kördi er*** дейилади, "киши қийинчилик кўрди" демакдир.

كُكْ ***kök*** **(кўк)** – эгар чилвири. Мақолда (шундай келган): ***Er sözi bir, eðär köki üč***. Маъноси: Киши бир сўзли, қайтмайдиган бўлади. Эгарнинг чилвири учта бўлганидай, унинг ҳам, бунинг ҳам камайиш-кўпайиши ишни бузади. Бу мақол ваъдага вафо қилишга ундаб айтилади.

كُكْ ***kök*** **(кўк)** – асл, томир, таг. Шунга кўра ***köküŋ kim?*** деб сўралади, "аслинг ким, қайси қабиладансан?" демакдир (ўғузлар ва қипчоқлар сўзи).

Икки ҳарфлилар боби тугади.

**БУ УЧ ҲАРФЛИЛАР БОБЛАРИДИР**

**Ўрта ҳарфи ҳар хил унлилар бўлган *fa'al* каби сўзлар бўлими**

ت ***t*** [ҳарфи]:

قَتْ ***qatut*** **(қатут)** – аралашиш, қотишиш. Шундан келиб чиқиб, ***qatutluğ oq*** дейилади, "тиғи заҳарга қотиштирилган ўқ" демакдир.

قَتْ ***qatut*** **(қатут)** – ҳар қандай нарсанинг уруги, данаги; барсғанлар тилида. Шундан келиб чиқиб, ***armut qatutï*** дейилади, "нашвоти данаги" демакдир.

قَتْ ***qatut*** **(қатут)** – косиблар ишлатадиган елим.

كِشِى كَتْ ***ketüt kiši*** **(кетут киши)** – беш қўлини оғзига тиқувчи, еб тўймас киши.

ج ***č*** [ҳарфи]:

قَجَجْ ***qačač*** **(қачач)** – ***sïn*** товари. Тўғриси قَجَاجْ дир. Жорияларни ҳам шу сўз билан атайдилар.

قَجَاجْ ***qačač*** **(қачач)** – кир, нопок. Бундан ***ton qačač boldï*** дейилади, "кийим кир бўлди" демакдир; ***čïm*** ҳарфи ***qāf*** ўрнига алмашган. Асли قَقَاجْ дир.

ق ***q*** [ҳарфи]:

بُقَقْ ***buqaq*** **(буқақ)** – буқоқ.

بُقَقْ ***buquq*** **(буқуқ)** – гуллар тўдаси, гуллар ғунчаси; ***čečäk buquqlandï*** – гул ғунчалади; бу гулнинг очилишдан аввалги вақтидир. (Шоир) шундай деган:

***Tegmä čečäk ügüldi,***
***Buquqlanïp bögüldi.***
***Tügsün tügün tügüldi,***
***Yazlïp yana yörgäšür.***

Кўкламни таърифлаб айтмоқда: Ҳар турли гуллар тўп-тўп бўлиб, ғунчалар чиқарди. Бурчакли тугунлар кўринишида боғланишди. Улар ёйилиб, қайта йиғилади.

بُقَقْ ***buquq*** **(буқуқ)** – буқоқ, томоқнинг икки тарафи, тери билан гўшт орасида пайдо бўладиган эт бези. *Fargāna* билан *Šïqnï* шаҳарларида бир қанча киши бу дардга йўлиққан, бу дард наслдан-наслга ҳам ўтган. Баъзиларининг буқоғи катталигидан кўкрагини кўролмас даражага етган. Мен улардан бу касалнинг сирини сўраганимда, шундай жавоб берган эдилар: "Боболаримиз ғоят баланд товушли кофирлар бўлган экан. Улар саҳобалар билан жанг қилишибди. Оталаримиз уларга катта куч билан бостириб борибдилар, баланд овозда бақириб-чақирибдилар. Мусулмонлар уларнинг ҳайбатли овозидан ҳаяжонга тушибди. Бу воқеа ҳазрати Умарнинг қулоғига ҳам етиб борибди. Ҳазрати Умар уларни қарғабди.

Натижада уларнинг бўғизларида шу дард пайдо бўлган ва бу дард уларга мерос бўлиб қолган экан. Ҳозир улар орасида бирор баланд овозли киши топилмайди".

تَقُق ***taquq*** **(тақуқ)** – туркман тилида "товуқ".

سَقَق ***saqaq*** **(сақақ)** – ияк. Мақолда (шундай келган): ***Saqaq oxšar, saqal bïčar.*** Маъноси: "Соқолини қирқади-да, ҳийла билан иягини силайди". Бу арабларнинг يسر حسوا فى ارتغا иборасига ўхшайди.

سَقَق ***soqaq*** **(сўқақ)** – оқ кийик.

سَقَق ***soqaq*** **(сўқақ)** – бу сўзни ўғузлар форсларга киноя тарзида қўллайдилар. Чунончи, ***bu soqaq ne ter?*** дейдилар, "бу форсча нима деди?" демакдир.

ك ***k*** [ҳарфи]:

تُگَگ ***tügäk*** **(тугак)** – юк боғланадиган арқонларнинг бошига боғланадиган ёғоч ҳалқа.

جَكَك ***čekük*** **(чекук)** – темирчининг болғаси (ўғузча).

جَكِگ ***čekig*** **(чекиг)** – нуқта, хат нуқтаси.

جَكِك ***čekik*** **(чекик)** – чук, ёш болалар чуки.

جَكِكْ ***čekik*** **(чекик)** – чумчуқдан кичикроқ бир турли чинор қуши.

كَكُكْ ***kekük*** **(кекук)** – бир турли қуш. Суяги ва бўйнини сеҳргарлар, дуохонлар ишлатади.

يَتُت ***yetüt*** **(йетут)** – аскарга ёрдамчи куч келиши. Бу сўз ***yetüt sač*** (дастлабки қўйилишдан кейин қўйилган соч) иборасидаги ***yetüt*** сўзидан олинган.

**Бу бўлимнинг *miṣāl* қисми**

كُكَاكُونْ ***kökägün*** **(кўкагун)** – кўк пашша, сўна. Мақолда (шундай келган): ***İkki buğra igäšür, otra kökägün yenčilür.*** Маъноси: "Икки айғир олишади ва тишлашади, ораларида сўна янчилади". Бу мақол икки ботирнинг урушиши ва орада кучсизларнинг янчилишига ишора қилиб айтилади.

Уч ҳарфлилар бўлими тугади.

**БУ ТЎРТ ҲАРФЛИЛАР БОБЛАРИДИР**

***fa'lāl*** **қолипидаги сўзлар**

غ ***ğ*** [ҳарфи]:

تُلْغَاغ ***tolğağ*** **(тўлғағ)** – қулоқнинг юқорисига тақилувчи хотинлар зираги; ***yinčü tolğag*** (марварид зирак) ибораси шундан келиб чиққан.

تُلْغَاغ ***tolğağ*** **(тўлғағ)** – қийналиш. Асли ***emgäk tolğağ*** (юрак ўйноғи, ичбуруг) маъносидадир; ***anïŋ qarnï tolğar*** – унда қаттиқ ич кетиш, қайт қилиш бошланди.

تَلْغَاغ ***talğağ*** **(талғағ)** – ҳар ёқдан эсган қаттиқ изгирин шамол бўлиб, у кишини беҳуш қилади, ҳатто ўлдиради; ***tağ üzä talğağ boldï*** – тоққа қор ёғди, қаттиқ хавфли шамол бўлди.

قَرْغَاق ***qarğaq*** **(қарғақ)** – қарғиш; ***Täŋri qarğağïŋa ilinmä*** – Тангри таъолонинг қарғишига йўлиқма.

قِرْغَاغ ***qïrğağ*** **(қирғағ)** – тўн жияги, чалмаси.

قِرْغَاغ ***qïrğağ*** **(қирғағ)** – шоҳ ёки бек ўзидан қуйи турганларга ғазаб қилиши; ***xan anï qïrğadï*** – хон уни қарғади, унга ғазаб қилди, унга қарши бўлди. Худо қарғаса, ***qarğadï***, киши қаргаса, ***qïrğadï*** дейилади. Бу қарғишларни фарқ қилиш учун биринчисида *alif* билан, иккинчисида *yā* билан ***qïrğadï*** деб талаффуз қилинган. Чунончи, "Тангри таъолонинг элчиси"

билан "шоҳ элчиси" фарқ қилиниб, биринчиси ***yalawač***, иккинчиси ***yalawar*** дейилади (бу уйғурчадир).

ق ***q*** [ҳарфи]:

***tulquq*** **(тулқуқ)** – шиширилган меш, тулум.

ک ***k*** [ҳарфи]:

[***yürgäk*** **(йургак)** – булут] ***kök yürgäk boldï*** – кўк қуюқ булутланди.

***bezgäk*** **(безгак)** – безгак.

***türgäk*** **(тургак)** – бўғча.

***tezgäk er*** **(тезгак эр)** – ишдан, ўқишдан қочувчи (дангаса) киши.

***sergäk*** **(сергак)** – мастликдан чайқалиш, қийшайиш, солланиш, гандираклаш; ***esrüg sergäkladi*** – маст гандираклади, чайқалди.

***kergük*** **(кергук)** – қўйнинг қат-қат қорни ичидаги катакчаларга ўхшаш нарса.

***kesgük*** **(кесгук)** – ит бўйнига боғланадиган тасма.

***kösgük*** **(кўсгук)** – ғаллазорларда, токзорларда кўздан (қуш ва бошқа ҳайвонлардан) сақлаш учун тиклаб қўйиладиган одам кўринишидаги қўриқчи. Мақолда (шундай келган): ***Alïn arslan tutar, küčün kösgük tutmas.*** Маъноси: "Ҳийла ва тадбир билан арслон тутиш мумкин, лекин куч билан қўғирчоқ-қўриқчини ҳам тутиб бўлмайди".

***kürgäk*** **(кургак)** – кемачиларнинг эшкаклари ва ҳар қандай нарсага қўлланадиган белкурак.

***kewgäk*** **(кевгак)** – тутилиб сўзлайдиган, дудуқ киши.

### *fa'al'al* қолипидаги беш ҳарфли сўзлар бўлими

ک ***k*** [ҳарфи]:

***semürgük*** **(семургук)** – булбулга ўхшаш бир қуш. *Balasağun* ликлар сўзи. (Шоир) шундай деган:

***Buč-buč etär semürgük,***
***Bogzï üčün meŋlänür.***

Айтмокдаки: Ёқимли сайроғи билан кишини севинтирувчи қуш оч қолса, дон деб тузоққа илинади.

***keδizgäk qağun*** **(кедизгак қағун)** – таровати, тозалиги кетиб, пахтадек, латтадек бўлиб қолган қовун.

***kiširgäk er*** **(киширгак эр)** – ўтакетган бахил киши. Уйига меҳмон келса, уйи тор кўринадиган киши.

### Бу бўлимнинг *ğunna* лари

***čeŋäl er*** **(ченгал эр)** – ёмон киши.

***čüŋäk*** **(чунгак)** – ёғочдан қилинган сут соғадиган идиш, ёғоч челак (чигилча).

***teriŋäk*** **(теринг ак)** – сизинди сув. Арабчаси ***tarïnquq*** дир. *qāf kāf* га алмаштирилган. Бу сўз арабчага мос келади.

Тангрига шукур, *muḍā'af* исмлар бўлими битди.

بسم الله الرحمن الرحيم

**[(Сўзимни) раҳмдил ва меҳрибон Оллоҳнинг номи билан (бошлайман)]**

## БУ *muḍā'af* ФЕЪЛЛАР КИТОБИДИР

### ИККИ ҲАРФЛИЛАР БОБИ

Бир ҳарфи икки бор қайталанувчи сўзлар асосий феъллар орасида оз топилади. Бундай феъллар охирида фақат *tā* ҳарфи келган феъллардагина бўлади. Бундай феълларда ўтган замон феълининг қўшимчаси *dāl* феъл ўзагидаги *tā* билан бирикиб, *tā* га айланади. Бир ҳарфнинг такрори юз беради. Биз шуларни *muḍā'af* деймиз. Келаси замон феъли ва масдарларда бир ҳарфи икки бор қайталанганлар йўқлигидан ҳам буни билиш мумкин. Аслида бир ҳарфи такрорланган сўзлар жуда оз. Шунинг учун алоҳида кўрсатдик.

ت ***t*** [ҳарфи]:

[تُتّى ***tuttï*** **(тутти)** – тутди] ***baš tuttï*** – яра оғритди (***tutar, tutmaq***).

[تُتّى ***tuttï*** **(тутти)** – олди, овлади] ***ït keyik tuttï*** – ит кийик ва бошқа ҳайвонларни тутди. Бирор кимсанинг бир нарсани тутишига ҳам шу сўз қўлланади.

[تُتّى ***tuttï*** **(тутти)**] ***ol meŋä elig tuttï*** – у менга кафил бўлди. Мақолда (шундай келган): ***Elig tutğïnča, ot tut.*** Маъноси: "(Бировга) кафил бўлгунча, олов ушлаш яхши". Чунки кафил бўлган киши кейин пушаймон бўлади (***tutar, tutmaq***).

[تِتّى ***tïttï*** **(титти)**] ***ol anï tïttï*** – у уни қайтарди. Асли ***tïðtï*** дир. Кейинчалик бу ҳарфлар бир-бирига сингиган (***tïðar, tïðmaq***).

[تِتّى ***tïttï*** **(титти)**] ***ol et tïttï*** – у пишган гўштни титди. Кийимни йиртиб, тит-питини чиқаришга ҳам шу сўз ишлатилади.

[تِتّى ***tïttï*** **(титти)**] ***qul begkä tïttï*** – қул бекка ва бошқаларга қарши турди.

[تِتْرُو بِقْدِى ***titrü baqdï*** **(титру бақди)** – кўз олайтирди, ёмон қаради] ***ol aŋar titrü baqdï*** – у унга тик қаради. Гўзал тўғрисида шундай дейилган: ***aŋar titrü baqsa bolmas*** – унга тик боқиш, боқиб туриш мумкин эмас. Баъзан бу сўз "қиё боқиш; ёмон қараш" маъносида ҳам келади (***titär, titmäk***). "Гўшт ва кийимни йиртиш" маъносида бу сўзнинг масдар шакли *qāf* билан келади (***tïtar, tïtmaq***).

س ***s*** [ҳарфи]:

[سُسْدِى ***süsdi*** **(сусди)** – сузди] ***uð süsdi*** – сигир, ҳўкиз ва бошқалар сузди (***süsär, süsmäk***).

ش ***š*** [ҳарфи]:

[شَشْدِى ***šešdi*** **(шешди)** – ечди] ***er tügün šešdi*** – киши тугун ечди. От ва бошқаларни боғловидин ечишга ҳам шу сўз қўлланади (***šešär, šešmäk***).

ق ***q*** [ҳарфи]:

[قَقْتِى ***qaqtï*** **(қақти)** – секин урди] ***anï bašra qaqtï*** – унинг бошига секин урди (***qaqar, qaqmaq***).

[قُقْتِى ***qoqtï*** **(қўқти)** – тутади] ***yağ otta qoqtï*** – ёғ тутуни ўтда кўтарилди. Бу ўчирилган чироқнинг тутуни кўтарилишига ўхшайди. Гўшт куйиб, ҳиди чиқса ҳам ***et qoqdï*** дейилади (***qoqar, qoqmaq***).

ك ***k*** [ҳарфи]:

[كِكْدِى ***kikdi*** **(кикди)** – қайради] ***pičäk kikdi er*** – киши пичоқ қайради ёки бирини бирига суртди (***kikär, kikmäk***).

Ўзакларнинг ўзидан бир ҳарфи икки бор қайтарилганлар мана шулардир. Бошқалари ясалмайди. Улар қуйидагилар:

ت ***t*** [ҳарфи]:

[بَتّى ***batti*** (**батти**) – ботди] ***kün batti*** – кун ботди.

[بَتّى ***batti*** (**батти**)] ***qorğarïn suwqa batti*** – қўрғошин ва бошқалар сувга ботди. Ҳар бир нарса кўздан ғойиб бўлишига ҳам шу сўз қўлланади (***batar***, ***batmaq***).

[بُتّى ***bütti*** (**бутти**)] ***er üni bütti*** – кўксидаги бир касаллик ёки бошқа бир иллат сабабли ва ё калтак зарби сабабли кишининг уни ўчди.

[بُتّى ***bütti*** (**бутти**)] ***anïŋ alïmï bütti*** – унинг бировдан оладиган қарзи исботланди ва аниқланди.

[بُتّى ***bütti*** (**бутти**)] ***baš bütti*** – яра тузалди.

[بُتّى ***bütti*** (**бутти**)] ***qul Täŋrikä bütti*** – қул (банда) Тангри таъолонинг бирлигига иқрор бўлди.

[بُتّى ***bütti*** (**бутти**)] ***ot bütti*** – ўт унди. Меванинг ўсишига ҳам шу сўз қўлланади.

[بُتّى ***bütti*** (**бутти**) – туғилди] ***oğlan bütti*** – ўғил туғилди. Ўсган ҳар бир нарсага ёки яратилган ва туғилганга қипчоқ лаҳжасида ***bütti*** дейилади (***bütar***, ***bütmäk***).

[جَتّى ***čatti*** (**чатти**)] ***er oğlaq qozïqa čatti*** – киши эчки боласини қўзига ва бошқаларга чатиштирди, бирлаштирди (***čatar***, ***čatmaq***) (ўғузча).

(Шоир) шундай деган:

***Orδulanïp yüksäk tağïğ oğlaq čatar,***
***Uyğur tatïn yuwğa alïp yumğïn satar.***

Тоғ тепасига жойлашган киши тўғрисида айтмоқда: Тоғ тепасига жойлашиб, ҳар вақт эчки боласини қўзига бирлаштиради. Яъни у чўпон бўлгани ҳолда, уйғур тотларга босқинчилик қилади. Улардан бир нарсалар олиб сотади.

[سَتّى ***satti*** (**сатти**) – сотди] ***ol tawar satti*** – у мол ва бошқа нарсаларни сотди (***satar***, ***satmaq***).

[سُتّى ***sutti*** (**сутти**) – тупурди] ***ol kiši yüziŋä sutti*** – у кишининг юзига тупурди. Асли ***suδti*** дир: *dāl* товуши *tā* га сингиб, икки *tā* пайдо бўлган (***suδar***, ***suδmaq***).

[سِتّى ***sitti*** (**ситти**)] ***er sitti*** – киши ва бошқалар сийди. Асли ***siδti*** дир (***siδär***, ***siδmäk***).

[قَتّى ***qatti*** (**қатти**) – аралаштирди] ***ol sirkäni yoğrutqa qatti*** – у сиркани сузмага аралаштирди. Бирор нарсани иккинчисига аралаштиришга ҳам шу сўз қўлланади.

[قَتّى ***qatti*** (**қатти**)] ***yumšaq näŋ qattï*** – юмшоқ нарса қотди (***qatar***, ***qatmaq***).

[قُتّى ***qotti*** (**қутти**) – ташлади, қўйди] ***ol näŋ qottï*** – у нарсани ташлади, қўйди. Асли ***qoδti*** дир (***qoδur***, ***qoδmaq***).

[كَتّى ***ketti*** (**кетти**) – кийди] ***er tonïn ketti*** – киши кийимини кийди. Асли ***keδti*** дир (***keδär***, ***keδmäk***).

[كَتّى ***ketti*** (**кетти**) – кетди] ***er yerindin ketti*** – киши жойидан кетди (***keδär***, ***keδmäk***).

Қоида: бу бобнинг буйруқ шакли икки ҳарфлидир. Шунинг учун биз бу бобни икки ҳарфли деб атадик. Чунончи, ***at tut*** – отни ушла; ***tawar sat*** – мол сот, гапларидаги ***tut*** ва ***sat*** буйруқлари сингари. Бу бобнинг ўтган замон шаклида бир ҳарфи такрорлангани учун ҳарфи қайталанган боб деб аталади. Бу ҳол арабчага ўхшамайди. Арабчада ўтган замон феълида ҳарф такрорланса, бу тилда келаси замон феъли ва масдарлари ҳам такрорланади. Лекин арабчага ўхшашлик фақат ўтган замон феъл шаклидадир. Шунинг учун шундай аталди. Бу феълларда ишнинг бажарувчисини билдирувчи шакл турк қабилаларида ***tutğučï*** – олувчи, ушловчи, ***satğučï*** – сотувчидир. Туркманлар ва уларнинг қўшниларида бу маънони англатувчи шакл ***tuttačï***, ***sattačï*** дир.

Ишнинг кўп марталаб ишланганини билдирувчи шакллар: ***tutğan*** – жуда кўп олган, ***satğan*** – жуда кўп сотувчи, демакдир.

Мақсад ишни ишлаш эканини билдирувчи шакллар ***tutuğsaq***, ***satiğsaq*** бўлиб, "олиш мақсадида", "сотиш мақсадида" деган маънолардадир.

Ишни қилиш унинг вазифаси эканини билдирувчи феъл шакли бу бобда ***tutğuluq*** дир: ***ol tutğuluq erdi*** – унинг вазифаси олиш эди; ***ol satğuluq turur*** – унинг вазифаси сотувчилик эди. Ўғузлар бу маънони англатиш учун бу шакллардаги ***lām*** ҳарфини ***sīn*** га алмаштирадилар: ***ol anï tutuğsaq erdi*** – унинг вазифаси уни олиш эди; ***ol anï satiğsaq-ol*** – унинг вазифаси уни сотишдир, каби.

Ҳаракатни бажариш шарафига эгалик мазмунини билдирувчи шакл ***tutuğlï*** дир: ***ol anï tutuğlï-ol*** – у уни тутишга интилган; ***ol tawarïn satiğlï-ol*** – у молини сотишга интилгандир. Бошқа хил феълларни тузиш қоидаси юқоридаги бобларда келтирилган қоидаларга тўлиқ мос келади. Қоидалар бу бобда бир хил бўлиб, ҳеч қачон ўзгармайди.

Икки ҳарфлилар боби тугади.

## БУ УЧ ҲАРФЛИЛАР БОБЛАРИДИР

### *fa'aldī* қолипидаги ҳар бир ҳарфи чўзғили сўзлар бўлими

ب ***p*** [ҳарфи]:

[جَبْتَى ***čapïttï*** (**чапитти**) – човут солди, ҳамла қилди] ***ït kišikä čapïttï*** – ит кишига тиши билан човут солди.

[جَبْتَى ***čapïttï*** (**чапитти**)] ***beg anïŋ boynïn čapïttï*** – бек унинг бўйнини чопишга буюрди (уйғурча) (***čapïtur***, ***čapïtmaq***).

[سَبْتَى ***sabïttï*** (**сабитти**) – қимирлатди] ***at quδruq sabïttï*** – от думини қимирлатди, ҳаракатлантирди; ***ït quδruq sabïttï*** – ит қуйруғини ликиллатди (***sabïtur***, ***sabïtmaq***).

[سُبْتَى ***subïttï*** (**субитти**)] ***ol nāŋni subïttï*** – у нарсани ўткирлатди. Ҳаракатнинг бу шакли бир нарсанинг учини, масалан, михнинг учини чўзиш орқали юзага келади (***subïtur***, ***subïtmaq***).

[كَبْتَى ***kebitti*** (**кебитти**) – куритди] ***yel tonuğ kebitti*** – шамол кийимни бироз куритди (***kebitür***, ***kebitmäk***).

[كُبْتَى ***köpitti*** (**кўпитти**)] ***ol tonïn köpitti*** – у гуппи тўн тикишга буюрди (***köpitür***, ***köpitmäk***).

ت ***t*** [ҳарфи]:

[بِتْتَى ***bititti*** (**бититти**) – биттирди] ***ol bitig bititti*** – у китоб (ёки мактуб) ёздирди (***bititür***, ***bititmäk***).

[تَتْتَى ***tatïttï*** (**татитти**) – тотли қилди, таъм киргизди] ***tuz ašïğ tatïttï*** – туз ошга таъм киргизди. Бирон бир нарсанинг мазасига таъсир этган ҳар қандай нарсага ҳам шу сўз қўлланади (***tatïtur***, ***tatïtmaq***).

[تُتْتَى ***tütätti*** (**тутатти**) – тутатди] ***ot tütün tütätti*** – ўт тутаб ёнди, олов тутади (***tütitür***, ***tütitmäk***).

[قُتْتَى ***qutattï*** (**қутатти**) – қутли бўлди] ***er qutattï*** – киши бахтли, давлатли, баланд мартабали бўлди. Улуғланган, мартаба топган ҳар бир кимсага ҳам шу сўз қўлланади (***qutatur***, ***qutatmaq***).

ج ***č*** [ҳарфи]:

[سَجْتَى ***sačïttï*** (**сачитти**) – сачратди] ***ol aŋar suw sačïttï*** – у унга сув ва бошқа нарсаларни сачратди (***sačïtur***, ***sačïtmaq***).

[سَچِتّی *sačittï* (**сачитти**)] ***ol anïŋ meŋisin sačittï*** – у уни уриб димоғини ёрди. Тарқатишга, сочишга буюрилган ҳар қандай нарсага ҳам шу сўз қўлланади.

[سُچِتّی *sučitti* (**сучитти**) – чучутди, чучук қилди] ***ol ačïğ näŋni sučitti*** – у аччиқ ва нордон нарсани чучутди.

[سُچِتّی *sučitti* (**сучитти**)] ***ol yerig sučitti*** – у экин битмас (шўрхок) ерни ишга солди (***sučitür, sučitmäk***).

[سیچِتّی *sičittï* (**сичитти**) – тўсди, бўшалтирди] ***ol anï sičittï*** – у уни тўсди (***sičïtur, sičïtmaq***).

[سُچِتّی *sočittï* (**сўчитти**) – чўчитди] ***ol atïğ sočittï*** – у от ва бошқа ҳайвонларни чўчитди, қўзғатиб юборди (***sočïtur, sočïtmaq***).

[قَچِتّی *qačittï* (**қачитти**) – қочтирди] ***ol anï qačittï*** – у уни қочтирди (***qačïtur, qačïtmaq***).

[کَچِتّی *kečitti* (**кечитти**) – кечтирди] ***ol aŋar suw kečitti*** – у унга сув кечтирди (***kečitür, kečitmäk***).

[کُچَتّی *küčätti* (**кучатти**) – кучлади] ***ol anïŋ tawarïn küčätti*** – у унинг молини қўлидан тортиб олишга ундади (***küčätür, küčätmäk***).

[کِچِتّی *kičitti* (**кичитти**) – қашитди] ***anïŋ uδuzï kičitti*** – унинг қўтирини қашитди (***kičitür, kičitmäk***).

[کَچِتّی *kečittï* (**кечитти**) – кечиктирди] ***ol išïğ kečittï*** – у ишни кечиктирди (***kečitür, kečitmäk***).

د *d* [ҳарфи]:

[بَدَتّی *bedätti* (**бедутти**) – катта қилди, ўстирди] ***ol oğlanïğ bedätti*** – у болани тарбия қилди ва улғайтирди (***bedätür, bedätmäk***).

[قَدِتّی *qadïttï* (**қадитти**) – қайтди] ***er barïr erkän, qadïttï*** – киши йўлда бора туриб, қайтди, тўхтади (***qadïtar, qadïtmaq***). Киши совқотиб ўлса, ***er tumluğqa qadïttï*** дейилади, бу "киши совқотиб ўлди" демакдир.

[قَدِتّی *qadïttï* (**қадитти**) – қайтарди] ***ol tonuğ qadïttï*** – у тўнни қайириб тикишга буюрди (***qadïtur, qadïtmaq***).

[قِدِتّی *qïdïttï* (**қидитти**) – қайтарди] ***ol börkin qïdïttï*** – у қалпоғининг зиҳини қайтариб тикишга, қайтарма қалпоқ қилишга буюрди (***qïdïtur, qïdïtmaq***).

Бу феъларнинг ҳаммасидаги *dāl* ни *δāl* гумон қилиб, *dāl* ни *yā* қилувчилар бор. Яғмо, тухси, ўғуз, уйғурлар теварагида ҳам буни эшитдим. *dāl* ни *δāl* га алмаштириш арабларда ҳам бор. Чунончи, ماذقت عدوقا و لاعذوفا дейилгандаги каби айрим сўзларда ҳам *dāl* билан, ҳам *δāl* билан тенг қўлланади.

ذ *δ* [ҳарфи]:

[یُذَتّی *yuδuttï* (**йудутти**) – қотирди] ***ol kišini tumluğqa yuδuttï*** – у кишини совуқда қолдирди, киши муз қотиб ўлди (***yuδutur, yuδutmaq***).

[بُذَتّی *büδütti* (**будутти**) – ўйинга солди] ***ol oğlïnï büδütti*** – у ўғлини ўйинга солди, у ўйнади (***büδütür, büδütmäk***).

[سِذَتّی *siδitti* (**сидитти**) – сийдирди, тўсди] ***urağut oğlïn siδitti*** – хотин ўғлини тўсди. Отнинг эгаси отини сийдиришига ҳам шу сўз қўлланади (***siδitür, siδitmäk***).

ر *r* [ҳарфи]:

[بُرُتّی *burutti* (**бурутти**) – буғлатди] ***ot ešični burutti*** – ўт қозон бошқа нарсаларни буғлатди.

[بُرُتّی *burutti* (**бурутти**) – саситди] ***oğlan burutti*** – бола сассиқ ел чиқарди; ***bïrïttï*** шакли ҳам бор (***burutur, burutmaq***).

[تُرُتّی *taruttï* (**тарутти**) – торайтирди, тор қилиб қўйди] ***ol aŋar ewin taruttï*** – у унга уйни тор қилди. Ҳар қандай нарсанинг торайтирилишига ҳам шу сўз қўлланади (***tarutur, tarutmaq***).

[تُرُتّى *törütti* (**тўрутти**) – яратди] ***Täŋri yalïŋuq törütti*** – Тангри таъоло инсонни ва бошқа мавжудотни яратди (***törütür, törütmäk***).

(Шоир) шундай деган:

***Täŋri ažun törütti,***
***Čïgrï iδ (eδiz?) tezginür.***
***Yulduzlarï čürgäšip,***
***Tün kün üzä yörgünür.***

Айтмоқдаки: Тангри таъоло оламни яратди, фалак муттасил айланиб туради. Юлдузлар саф тортиб тизилган, тун кун уза бурканур.

[تِرِتّى *teritti* (**теритти**) – терлади] ***er teritti*** – киши ва бошқалар терлади. Бу сўз "тери" маъносидаги ***teri*** дан олинган; ***teri ötti*** – "тер теридан ўтди" демакдир; ***v*** [ö] ҳарфи туширилгач, ёлғиз феълга айланди. Ёки бу сўз ***ter attï*** (бадан тер чиқарди) иборасидан олинган; *alif* ҳарфи туширилиб, бир феъл ҳолига келган (***teritär, teritmäk***).

[سَرُتّى ***sarutti*** (**сарутти**) – қоплади, ўради] ***ol aŋar suwluq sarutti*** – у унга салла ўратди (***sarïtur, sarïtmaq***). Ҳар қандай нарсани ўрашни буюришга ҳам шу сўз қўлланади.

[سُرُتّى ***sorutti*** (**сўрутти**)] ***uraġut gänčkä süt sorutti*** – хотин боласига сут эмизди.

[سُرِتّى ***soritti*** (**сўритти**) – артди, суртди] ***er yüzin soritti*** – киши юзини суртди (***soritur, soritmaq***).

[سِرِتّى ***siritti*** (**сиритти**) – қайиртирди, буклатди] ***ol qïzqa kiδiz siritti*** – у қизга наматни пишитиб буклатди. Бу кийимни қайтариб тикиш сингаридир (***sïrïtur, sïrïtmaq***).

[قَرِتّى ***qaritti*** (**қаритти**) – қаритди, қаритиб қўйди] ***öδläk anï qaritti*** – замон уни қаритди (***qarïtur, qarïtmaq***). Мақолда (шундай келган): ***Öδläk qarïtmïšqa boδuġ talïqmas.*** Маъноси: "Замона қаритганга бўёқ бўяш айб саналмайди".

[قُرِتّى ***quritti*** (**куритти**) – куритди] ***kün tonuġ quritti*** – куёш кийим ва бошқа нарсаларни куритди (***quritur, quritmaq***).

[كُرَتّى ***kürätti*** (**куратти**) – кочиртирди] ***ol anïŋ qulïn kürätti*** – у унинг қулини кочиртирди (***kürätur, kürätmäk***).

[كُرَتّى ***kürätti*** (**куратти**) – куратди] ***ol aŋar qar kürätti*** – у унга қор ва бошқа нарсаларни куратди (***kürätür, kürätmäk***).

[كُرِتّى ***keritti*** (**керитти**) – вовуллатди] ***ol ïtïn keritti*** – у итини вовуллатди (***keritür, keritmäk***) (қарлукча).

ز z [ҳарфи]:

[بَزَتّى ***bezätti*** (**безатти**)] ***ol ewin bezätti*** – у уйини безатишга, бўяб гул солишга буюрди (***bezätür, bezätmäk***).

[تَزِتّى ***tezitti*** (**тезитти**) – тарқатиб юборди] ***ït keyikni tezitti*** – ит кийикни тезитди, қочириб юборди (***tezitür, tezitmäk***).

[بَزِتّى ***bezitti*** (**безитти**) – титратди] ***tumluġ anï bezitti*** – совуқ ани қалтиратди, титратди. Титратувчи иситма касалини ***bezgäk*** дейилиши шундандир (***bezitür, bezitmäk***).

[تُزُتّى ***tozutti*** (**тўзутти**) – тўзитди, чангитди] ***ol tupraq tozutti*** – у тупроқни тўзитди, чангини чиқарди (***tozïtur, tozïtmaq***).

[سِزِتّى ***sizitti*** (**сизитти**) – суритди] ***ol aŋar yaġ sizitti*** – у унга қуруқ ёғ ва бошқа нарсаларни суртишга буюрди (***sïzïtur, sïzïtmaq***).

[قُرُتّى ***qurutti*** (**курутти**) – қўзитти, иштаҳасини очди] ***ol anïŋ boġzïn qurutti*** – у унинг иштаҳасини қўзғатди. Бу феълдаги *zā* нинг асли *rā* дир. Гўёки унинг таомга бўлган иштаҳасини биров бўғиб қўйди, деган маънода келади (***qurutur, qurutmaq***). Бу ҳол, яъни

ўтимли феълнинг *zā* билан қўлланиши кам учровчи ҳолатдир. Чунки ўтимсиз феълларнинг ўтимлига айланиши, албатта, *rā* билан бўлади.

[كَزِتْتِى ***kezitti*** **(кезитти)** – кездирди] ***ol meni yer kezitti*** – у менга ер кездирди (***kezitür, kezitmäk***).

[كُزَتْتِى ***közätti*** **(кўзатти)**] ***ol meni közätti*** – у мени кутди, менга кўз тикди. Бунинг асли ***köz atti*** дир; "у менга кўз тикиб, мунтазир бўлди" демакдир (***közätür, közätmäk***).

ش ***š*** [харфи]:

[بُشَتْتِى ***bošatti*** **(бўшатти)** – бўшатди] ***ol tağar bošatti*** – у тоғорани унда бўлган нарсадан бўшатди. Ҳар бир идишни ичида бор нарсадан бўшатишга ҳам шу сўз қўлланади.

[بُشَتْتِى ***bošatti*** **(бўшатти)**] ***ol tügün bošatti*** – у тугун ва бошқа нарсаларни бўшатди.

[بُشَتْتِى ***bošatti*** **(бўшатти)** – талоқ қилди, қўйди] ***ol uraġut bošatti*** – у хотинни қўйди (арғучадир).

[بُشَتْتِى ***bošatti*** **(бўшатти)** – бўшатди, озод қилди] ***ol bulunuğ bošatti*** – у асирни бўшатди. Бошқа бировдан бирон кимсанинг, бирор нарсанинг қутқазилишига ҳам шу сўз қўлланади (***bošatur, bošatmaq***).

[تَشِتْتِى ***tašitti*** **(ташитти)** – ташитди] ***tariğ tašitti*** – у дон ва бошқа нарсаларни бир ердан иккинчи ерга ташитди (***tašitur, tašitmaq***).

[تُشَتْتِى ***tošatti*** **(тўшатти)** – тўшатди] ***ol tošäk tošatti*** – у тўшак тўшатди, ўрин солдирди (***tošätür, tošätmäk***).

[تِشَتْتِى ***tišatti*** **(тишатти)** – тишлатди] ***ol orğaq tišatti*** – у ўроқни тишлатди, тишини чиқариб ўткир қилдирди, қайратди. Тегирмон тишини ўткирлатишга ҳам шу сўз қўлланади (***tišätür, tišätmäk***).

[چِشَتْتِى / چِشْتِى ***čišätti / čišitti*** **(чишатти / чишитти)** – тўсди] ***uraġut gänjin čišätti / čišitti*** – хотин боласини тўсди (***čišätür / čišitür, čišätmäk / čišitmäk***).

[قَشِتْتِى ***qašitti*** **(қашитти)** – қашитди] ***er tenin qašitti*** – киши танини қашитди (***qašitur, qašitmaq***).

[كُشِتْتِى ***košitti*** **(кўшитти)** – қоплади] ***bulït kökük košitti*** – булут кўкни қоплади (***košitür, košitmäk***). Бирор нарсани қоплаган ҳар қандай нарсага ҳам шу сўз қўлланади.

ق ***q*** [харфи]:

[بَقَتْتِى ***baqïtti*** **(бақитти)** – қаратди] ***ol anï ewdin baqïtti*** – у уни уйдан қаратди, қарашга буюрди. Ҳар кимнинг бир ердан туриб бошқа ерга қарашига ҳам шу сўз қўлланади (***baqïtur, baqïtmaq***).

[بُقَتْتِى ***buqatti*** **(буқатти)** – буқа бўлди] ***buzağu buqatti*** – бузоқ буқа бўлди, буқалар қаторига ўтди, буқалардан саналди. Асли ***buqaδti*** дир (***buqatur, buqatmaq***).

[تُقَتْتِى ***toqutti*** **(тўқутти)** – урдирди] ***ol anïŋ boynïn toqutti*** – у унинг бўйнига урдирди (***toqïtur, toqïtmaq***).

[تُقَتْتِى ***toqïtti*** **(тўқитти)** – тўқитди] ***ol böz toqïtti*** – у бўз тўқитди.

[تُقَتْتِى ***toqïtti*** **(тўқитти)** – занг бостирди] ***ol qïlïč toqïtti*** – у қилич ва пичоқни занг бостирди (***toqïtur, toqïtmaq***).

[تُقَتْتِى ***toqïtti*** **(тўқитти)** – тақиллатди] ***ol qapuğ toqïtti*** – у эшикни тақиллатди.

[تِقَتْتِى ***tiqïtti*** – зўрлаб ошатди] ***ol aŋar aš tiqïtti*** – у унга зўрлаб ош ошатди. Аслида "бир нарсани идишга қаттиқ тепиб тиқиш"дир (***tiqïtur, tiqïtmaq***).

[قَقَتْتِى ***qaqïtti*** **(қақитти)** – унга ғазаб қилди] ***ol anï qaqïtti*** – у уни хафа қилди, азоблади, ҳатто ундан юз ўгирди (***qaqïtur, qaqïtmaq***).

[قُقتى *qoqïttï* (**қўқитти**) – ҳидини чиқартирди] ***ol ayar söglüncü qoqïttï*** – у унга кабоб ҳидини чиқартирди (***qoqïtur, qoqïtmaq***). Пилик, чироқ ўчирилиб, ёқимсиз ҳид чиқишига ҳам шу сўз қўлланади.

ك ***k*** [ҳарфи]:

[بكتى ***bekütti*** (**бекутти**) – мустаҳкамлади, маҳкамлатди] ***ol išiğ bekütti*** – у ишни мустаҳкамлатди. Аслида тугуннинг маҳкам боғланишига нисбатан қўлланади (***bekitür, bekitmäk***).

[بُكتى ***bökütti*** (**бўкутти**) – бўктирди, (кўнгилни) айнитди] ***yağlïğ aš meni bökütti*** – ёғлиқ ош қорним тўймасидан кўнглимни тутди. Бирон кимсанинг бошқа бировга нарса бериб, кўзини тўйдириш маъносида ҳам шу сўз қўлланади.

[بُكتى ***bökütti*** (**бўкутти**) – тўйдирди] ***ol meni tawarïn bökütti*** – у мени мол билан тўйдирди (***bökütür, bökütmäk***).

[تُكتى ***tügätti*** (**тугатти**) – тугатди] ***ol išin tügätti*** – у ишини тугатти, ишини битириб қутулди (***tügätür, tügätmäk***).

[سيكتى ***sikitti*** (**сикитти**) – сиктирди] ***urağutnï sikitti*** – хотинни сиктирди (***sikitür, sikitmäk***).

[سكتى ***sekitti*** (**секитти**)] ***ol anï sekitti*** – у уни шоширди (***sekitür, sekitmäk***).

ل ***l*** [ҳарфи]:

[بلتى ***bulattï*** (**булатти**)] ***ol qozï bulattï*** – у кўзини қозон буғида пиширишга буюрди. Қозон буғида пиширилган ҳар қандай нарсага ҳам шу сўз қўлланади. Асли ***bulaδï*** дир. Енгиллатиш мақсадида *v∂v* [*и*] ташланган, сўнг ҳарфлар бир-бирига сингиб кетган (***bulatur, bulatmaq***).

[بلتى ***bilätti*** (**билатти**)] ***ol pičäk bilätti*** – у пичоқ қайратди, пичоқни қайроққа суртишга буюрди (***bilätür, bilätmäk***).

[تلتى ***tilätti*** (**тилатти**) – сўратди] ***ol anï tilätti*** – уни тилатди, сўратди (***tilätür, tilätmäk***).

[تلتى ***tülätti*** (**тулатти**) – туғдирди] ***ol qoy tülätti*** – у қўйни туғдирди (ўғузча). Бу сўзнинг асл маъноси "янги туғилган чоқалоқ тукининг тўкилиши"дир (***tülätür, tülätmäk***).

[چلتى ***čilattï*** (**чилатти**) – ҳўллади] ***ol kepäk čilattï*** – у кепак ва бошқа нарсаларни ҳўллади (***čilatur, čilatmaq***). Асли ***čïylattï*** дир; *yđ* туширилган.

[چلتى ***čilattï*** (**чилатти**) – терлатди] ***ol atïğ čilatï*** – у отни терлагунича чоптирди.

[قلتى ***qalattï*** (**қалатти**) – қоплатди] ***ol tonuğ qalattï*** – у тўнни қоплатди. Ҳар қандай нарсани бўғча, сандиққа тахлаб қўйишга ҳам шу сўз қўлланади. Асли قالتى дир (***qalatur, qalatmaq***).

[كلتى ***kölitti*** (**кўлитти**) – кўмдирди] ***ol ölükni kölitti*** – у ўликни ва бошқа нарсаларни кўмдирди (***kölitür, kölitmäk***).

م ***m*** [ҳарфи]:

[تمتى ***tamïttï*** (**тамитти**) – томизди] ***ol suwnï tamïttï*** – у сув ва бошқа нарсаларни томизди (***tamïtur, tamïtmaq***).

[قمتى ***qamattï*** (**қаматти**) – қамаштирди] ***kün közüg qamattï*** – кун кўзни тиглари билан қамаштирди (***qamatur, qamatmaq***).

[قمتى ***qamattï*** (**қаматти**)] ***ačïğ awya tïšïğ qamattï*** – нордон беҳи ва бошқа нарсалар тишни қамаштирди. Мақолда (шундай келган): ***Atasï ačïğ almïla yesä, oğlïnïŋ tïšï qamar.*** Маъноси: "Отаси аччиқ олма еса, ўғлининг тиши қамашар". Бу мақол ота қилган жиноят, у ўлса-да, болага иснод келтиради, деган маънода қўлланади.

[قمتى ***qumïttï*** (**кумитти**) – ҳаяжонга солди] ***üđig meni qumïttï*** – севгилимга ёки юртга бўлган муҳаббатим мени ҳаяжонга солди (***qumïtur, qumïtmaq***). (Шоир) шундай деган:

***Basmïl süsin qumïttï,***
***Barča kelip yumïttï.***

***Arslan tapa emitti,***
***Qorqup basī tezginür.***

*Ğāzī Arslan tigin* билан жанг қилган басмил аскарлари тўғрисида айтмоқда: Басмиллар аскарини бизга қарши курашга ҳаяжонлантирди. Ҳаммаси тўпланди, *Arslan* томон юрди. Бизни кўргач, кўзлари қоронғулашиб, бошлари айланди.

ن ***n*** [харфи]:

[تَنَّتِی ***tanuttï*** (**танутти**)] ***ol meŋä söz tanuttï*** – у сўзни мендан бошқага етказишга буюрди (***tanutur, tanutmaq***).

[تُنَتِی ***tünätti*** (**тунатти**) – тунатди] ***ol qonuquğ ewdä tünätti*** – у меҳмонни бир кеча уйида қўноқ қилди (***tünätür, tünätmäk***).

[تُنَتِی ***tonattï*** (**тўнатти**) – тўн кийгизди] ***ol meni tonattï*** – у менга ҳадя йўсинида тўн кийгизди (***tonatur, tonatmaq***). Асли ***ton ïdtï*** (тўн юборди) демакдир.

[سِنَتِی ***sïnattï*** (**синатти**) – синатди] ***ol meni bu ïšta sïnattï*** – у мени бу ишда синатди (***sïnatur, sïnatmaq***).

[قَنَتِی ***qanattï*** (**қанатти**) – қонатди] ***ol anïŋ burnïn qanattï*** – у унинг бурнини қонатди (***qanatur, qanatmaq***).

[قُنَتِی ***qonattï*** (**қўнатти**) – қўндирди] ***ol öziŋä qonum qonattï*** – у ўз уйи атрофида ўз уруғларини ва улар билан бирга турувчиларни, ўзига ёрдам берадиганларни жойлаштирди (***qonatur, qonatmaq***).

[قِنَتِی ***qïnattï*** (**қинатти**) – қийнатди] ***beg anï qïnattï*** – бек уни қийнашга, азоб беришга буюрди (***qïnatur, qïnatmaq***).

[كُنِتِی ***könitti*** (**кўнитти**) – тўғрилатди] ***er yïğač könitti*** – киши ёғоч ва бошқа нарсаларни тўғрилатди (***könitür, könitmäk***).

## Бу бўлимнинг *misāl*[47] тури

ت ***t*** [харфи]:

[يَتِی ***yattï*** (**йатти**) – ётди] ***er yattï*** – киши ва бошқа кимсалар ухлаш учун ётди (***yatur, yatmaq***).

[يُتِی ***yutti*** (**йутти**) – ютди] ***ol yumurtğanï yutti*** – у тухум ва бошқа нарсаларни ютди. Ўғуз ва қипчоқлар сўзи (***yutar, yutmaq***).

[يَتِی ***yattï*** (**йатти**) – ёйди] ***ol tonuğ künkä yattï*** – у кийим ва бошқа нарсаларни кунга ёйди. Асли ***yaðtï*** дир, ***ð*** ***āl*** билан ***t*** ***ā*** сингишгандир. Сингиш натижасида ***yattï*** бўлган (***yaðar, yaðmaq***).

يِتِی نَانگ ***yitti nāŋ*** (**йитти нанг**) – нарса йитди, йўқ бўлди.

[يِتِی ***yetti*** (**йетти**) – етишди] ***ol meni yetti*** – у менга ва бошқасига етишди (***yetär, yetmäk***).

[يِتِی ***yetti*** (**йетти**) – етаклади] ***ol at yetti*** – у отни, кўр ва бошқаларни етаклади (***yetär, yetmäk***). Ўғуз ва қипчоқлар сўз бошидаги ***yā*** ни ***jīm*** га алмаштирадилар. Чунончи, улар ***ol meni jetti*** (у менга етишди) маъносидаги ***yetti*** ни ***jetti*** дейдилар. Турклар ***suwda yundum*** десалар, улар ***jundum*** дейдилар. Турклар билан ўғузлар (тили) орасидаги бу хусусият ўзгармас, доимийдир.

---

[47] *Misāl* деганда бош ҳарфи *yā* бўлган сўзлар назарда тутилган.

[يُبَتَّى *yupattï* (**йупатти**) – ишни билмасликка солди] ***ol išïğ yupattï*** – у ишни билмасликка солди, бошқа бировга тўнкади (***yupatur, yupatmaq***). Аслида "алдаш" маъносидадир. Ўғузлар ***ol anï yupïladï*** дейдилар; "у уни алдади" демакдир.

[يَرَتَّى *yarattï* (**йаратти**) – яратди] ***Täŋri yaliŋuq yarattï*** – Тангри инсон ва бошқа махлуқларни яратди. Ўғузлар ***ol tonuğ yarattï*** дейдилар, "у тўнни мўлжаллади" демакдир. Яна: ***bu etükni meŋä yarat*** дейдилар, "бу этикни менга мўлжалла" демакдир.

[يَرَتَّى *yarattï* (**йаратти**) – тўқиди] ***ol özindin söz yarattï*** – у ўзидан ёлғон сўз тўқиди (***yaratur, yaratmaq***).

[يُرِتَّى *yurïttï* (**йуритти**) – юргизди] ***ol meni telim yurïttï*** – у мени кўп юргизди.

[يُرُتَّى *yurutti* (**йурутти**) – (сурги) сурди] ***ot anïŋ qarnïn yuruttï*** – дори унинг ичини сурди, юритди, бўшатди (***yurïtur, yurïtmaq***).

[يِرَتَّى *yïratti* (**йиратти**) – йироқ қилди, узоқлатди] ***ol anï yïrattï*** – у уни йироқлатди, узоқлатди (***yïratur, yïratmaq***).

[يَرَتَّى / يِرَتَّى *yerätti* (**йератти**) – ялқовлик қилди] ***er iškä yerätti*** – киши ишга эринчоқлик, ялқовлик қилди (***yerätür, yerätmäk***).

[يَغَتَّى *yağuttï* (**йағитти**) – яқинлаштирди] ***ol atïğ meŋä yağuttï*** – у менга отини ва бошқаларни яқинлаштирди (***yağutur, yağutmaq***). (Билимли) шундай деган:

***Kelsä ümä tüšürgil,***
***Tïnsun anïŋ aruqluq.***
***Arpa, saman yağutğil,***
***Bulsun atï yaruqluq.***

Айтмоқдаки: Уйингга меҳмон келса, уни кўндир, у хордиқ чиқариб, дам олсин. Отига арпа, сомон сол, оти ёруғлик роҳатидан баҳра олсин.

[يَغِتَّى *yağïttï* (**йағитти**) – ёғдирди] ***Täŋri yağmur yağïttï*** – Тангри ёмғир ёғдирди (***yağïtur, yağïtmaq***).

ل ***l*** [ҳарфи]:

[يُلُتَّى *yülütti* (**йулутти**) – юлдирди] ***er sačïn yülütti*** – киши сочини олдирди (***yülitür, yülitmäk***).

[يُلِتَّى *yülitti* (**йулитти**) – талатди, талон-торож қилди] ***beg boynï yülitti*** – бек қабилани талон-торож қилдирди (***yülitür, yülitmäk***[48]).

[يِلِتَّى *yïlïttï* (**йилитти**) – иситмалади] ***er yïlïttï*** – киши иситмалади, иситмадан танаси қизиди. Бу феъл ўтимсиздир. ***er suwïğ yïlïttï*** (киши сувни илитди) дейдилар, бу ўтимлидир (***yïlïtur, yïlïtmaq***).

م ***m*** [ҳарфи]:

[يُمَتَّى *yumättï* (**йумитти**) – тўпланди] ***kiši yumättï*** – кишилар ва бошқа кимсалар тўпланди (***yumätur, yumätmaq***).

[يِتَّى *yïtïttï* (**йититти**) – ўткирлатди, чархлатди] ***ol aŋar pičäk yïtïttï*** – у унга пичоқни қайроққа ёки қўлга суртиб чархлатишга буюрди (***yïtïtur, yïtïtmaq***).

ن ***n*** [ҳарфи]:

[يِنَتَّى *yinätti* (**йинатти**) – яра яхши бўлди] ***baš yinätti*** – яра тузалди (***yinätür, yinätmäk***). Асли ***yenäδti*** дир. Ҳарфлар бир-бирига сингишган.

---

[48] Бу сўзнинг масдари *kāf* ва *qāf* билан ёзилган (يِلْتَاكْ).

[ينّتى *yenätti* (йенатти) – туғдирди] ***er uraġutnï yenätti*** – эр хотинни туғдирди (***yenätür, yenätmäk***).

Қоида: аслида бир ҳарфи такрорланувчи сўз туркий тилларда умуман учрамайди. У фақат сўнгги ҳарфи *tā* бўлган феъллардагина бўлади. Исмларда эса бу ҳолат жуда оз. Бу хил феъл турида ўтган замон феъл шаклида бир ҳарф такрорлангани учун биз буларни *muḍā'af* деб атадик. Бу ерда такрорланган ҳарфларнинг бири *tā* дир. У ўзакдаги *tā* дир. Иккинчи ҳарф ўтган замон феъли охиридаги, ўтган замон феълининг белгиси *dāl* дир. Бу *dāl* жарангсиз ҳарф ёнида келганлиги сабабли унга сингиб, бу ҳам *tā* га айланган. Натижада бир ҳарфнинг такрорлануви юзага келган. Аслида асосий *muḍā'af* (бир ҳарфи такрорланган сўз), юқорида ёзганимиздек, жуда оз.

Бу феълларнинг буйруғи уч ҳарфлидир. Чунончи, ***ew bezät*** – уйга гул солдир. Яна: ***bitig bitit*** (хат ёздир) гапларидаги ***bezät, bitit*** буйруқлари сингари.

Бу бобда таркибида ҳарфи иллат бўлмаган феълларнинг ишловчи шакли ***bitig bititgüči*** (хат битувчи), ***at közätgüči*** (от кузатувчи, отбоқар) гапларидаги ***bititgüči, közätgüči*** шаклларида бўлади.

Ўғуз ва қипчоқларда бу шакл ***bititdäči, közättäči*** шаклида қўлланади. Бунинг асли ***közätdäči*** эди. Кейинчалик *tā* билан *dāl* сингишган.

Ишнинг узлуксизлигини билдирувчи ишловчи феъл ўзагининг охирига *ğayn, alif, nūn* ёки *ğayn* ўрнида *kāf* [*g*] алмаштириб, яъни гап қўшиб ясалади. Бу ҳақда юқорида тўлиқ маълумот берилган. Чунончи, ***ol atïğ közätkän-ol*** – у доим отига қараб юрадиганлардан. Яна: ***ol ewin bezätkän-ol*** – у доим уйини безаб юрадиганлардан. Йўғон сўзларда ***ol tarïğ tarïtğan-ol*** – у доим дон экадиганлардан. Яна: ***ol buğday arïtğan-ol*** – у доим буғдой тозалайдиганлардан. Бошқаси ҳам шундай. Бу сўзни ясашда сўз ўзагининг йўғонлик, ингичкалиги сўз таркибида *kāf* [*k, g*] ёки *qāf, ğayn* ҳарфларининг бор-йўқлигига асосланилади.

Ишни бажариш ишловчининг мақсади, истаги эканини билдирувчи шакл ***tarïtïğsaq*** шаклидир. Чунончи, ***ol tarïğ tarïtïğsaq-ol*** – у экин экишни истайди, унинг мақсади деҳқончиликдир. Яна: ***ol ewin bezätigsäk-ol*** – у уйини безатишни истайди, уйини безатишга берилган. Бу хил сўзлар ясалишида асосий қўшимча *sīn* ва *qāf* (*-saq*) қўшимчаси олдига йўғон сўзларда ҳамда таркибида *qāf* ва *ğayn* ҳарфлари бор сўзларда *ğayn* орттирилади. Ингичка сўзларда ва таркибида *käf* ҳарфи бор сўзларда *-saq* қўшимчаси олдига *käf* [*g*] ҳарфи орттирилади. Бу қоида саҳиҳ феъллар ҳақида юқорида айтилгандагидекдир.

Ишни бажариш унинг вазифаси, мақсади эканини билдирувчи шакл ***tarïtïğlïq*** шаклидир. Чунончи, ***ol tarïğ tarïtïğlïq-ol*** – деҳқончилик унинг интилишидандир. Яна: ***ol at közätiglig-ol*** – от кузатиш, от боқиш унинг вазифаси ва мақсадидир. Бу шаклда *käf* ёки *qāf* ни ўз ўрнида қўллаш масаласига эътибор бериш керак.

Баъзи ўғузлар бу феълдаги *lām* ўрнида *sīn* қўллайдилар. Мен буни юқорида баён қилганим каби.

Кўнглидаги ишни қилишга муваффақ бўлганликни билдирувчи шакл ***tarïtïğlï*** шаклидир. Чунончи, ***ol tarïğ tarïtïğlï erdi*** – у тариқ тортиш мақсадида эди, шу мақсадига киришди. Яна: ***ol atïğ közätigli erdi*** – у от боқиш истагида эди, унга эришди. Бу хусусият билан у *sälim* феъл шаклига яқиндир. Ишланганликни билдирувчи *maf'ūl* шакли ***közätmiš*** дир. Чунончи, ***közätmiš at*** (кузатилган, қаралган от) гапидаги ***közätmiš*** шакли сингари. Яна: ***bititmiš bitig*** – ёздирилган хат; *šīn* ҳарфининг қўшилиш қоидаси юқоридаги бобларда кўрсатилди.

Пайт оти, ўрин оти, қурол отларининг ясалиш тартиби ҳаммаси бир хил. Чунончи, вақт оти: ***bitig bititgü oğur*** – хат ёзадиган вақт; ***at közätgü oğur*** – отга қарайдиган вақт. Бошқаси ҳам шундай.

Жой оти, чунончи, ***tarïğ tarïtğu yer*** – тариқ тортадиган жой; ***tarïğ arïtğu yer*** – дон тозалайдиган жой.

Қурол оти, чунончи, ***tarïğ arïtğu näŋ*** – тариқ аритадиган нарса (ускуна). Яна: ***bitig bititgü näŋ*** – ёзув ёзадиган нарса каби.

Пайт оти, жой оти, қурол отларининг фарқи шуки, пайт оти ясаш исталганда у сўздан сўнг ***öd*** ёки ***oğur*** сўзлари келтирилади. Чунончи, ***tarïğ arïtğu oğur*** – дон тозалайдиган вақт. Ўрин оти ясаш учун у сўздан сўнг ***yer*** сўзи келтирилади. Чунончи, ***arïtğu yer*** – аритиладиган ер. Қурол оти ясаш учун у сўздан сўнг ***näŋ*** сўзи орттирилади. Чунончи, ***tarïğ arïtğu näŋ*** – тариқ аритадиган, тозалайдиган нарса каби.

Ўғузлар бу хил исмларнинг ҳаммасида *kāf, ğayn* ҳарфларини *alif* га алмаштирадилар, *vāv* [*u, ü*] ҳарфини *sīn* га айлантирадилар. Улар айтадилар: ***tarïğ arïtasï oğur*** – тариқ аритадиган вақт. Яна: ***tarïğ arïtasï yer*** – тариқ аритадиган ер; ***tarïğ arïtasï näŋ*** – дон аритадиган нарса. Бу қоида ҳамма феъл боблари учун умумий.

Ишнинг икки ёки ундан ортиқ киши орасида бўлганини, ёрдам ёки баҳслашиш асосида воқе бўлгани исталса, бу хил маъно англатувчи феъл ўзагига *šīn* ҳарфи орттириб ясалади. Чунончи, ***ol meŋä tarïğ arïtïšdï*** – у менга тариқ тозалашда кўмаклашди; ***ol meŋä at közätišdi*** – у менга от боқишда кўмаклашди ёки мен билан от боқишда баҳслашди. Бошқаси ҳам шундай.

Билгилки, бу боб икки хилдир: биринчи, *manqūṣ* бобидан уч ҳарфли; иккинчи, тўрт ҳарфли ўтимсиз феъл бўлиб, ўтимли феъл ясовчи *tā* қўшилиб, ўтимли бўлган. Бу хил феълдан ҳарфи иллат тушиб, унинг ўрнини *tā* эгаллайди. Феъл яна бурунгидай уч ҳарфли феъл ўрнини олади. Масалан, *manqūṣ* лар мисоли: ***er burnï qanadï*** – кишининг бурни қонади. Бу гапдаги ***qanadï*** феъли ўтимсиздир. Бунинг ўтимлиси: ***er burnïn qanattï*** – киши бурнини қонатди, демакдир. Бу феълнинг буйруқ шакли ***qanat*** дир; ***aniŋ burnïn qanat*** – унинг бурнини қонат. Бунда ***qanadï*** дан *alif* [*a*] туширилган. Яна: ***ol pilikni qoqïttï*** – у пиликни ўчириб саситди. Асли ***qoqdï***, буйруқ шакли ***qoqït*** бўлиб, *vāv* туширилди.

Тўрт ҳарфлилар мисоли: ***er qomïndï*** – киши ҳаяжонланди. Бу ўтимсиз феълдир. ***anï qomït*** – уни ҳаяжонлантир. Бу ерда *yā* [*ï*] туширилиб, ўрнига *tā* орттирилиб, ўтимли қилинган. Яна: ***ölidi näŋ*** – нарса ҳўлланди. Бу ўтимсиздир. ***ölitti*** дейилса, ўтимли бўлади, яъни "бошқа бировни ҳўллади" демакдир. Буйруқ шакли ***ölit*** – "уни ҳўлла"дир.

Бу хилдаги шаклнинг ўтимли ясалиши ўтимсиз *manquṣ* шаклида юз беради. Тўрт ҳарфлилар *tā* билан ўтимли қилинади. Булар саҳиҳ феълини ўтимлига айлантирувчи *-r; -ğïr, -gïr* қўшимчаларига ўрин йўқдир. Чунончи, ***quš učdï*** (қуш учди) ўтимсиздир; ***učurdï*** (биров уни учирди) ўтимлидир. Бунда ўтимсиз феъл *-r, -ur* билан ясалган. Яна: ***ölüg tirildi*** – ўлик тирилди, ўтимсиздир; ***Täŋri tirgürdi*** – Тангри таъоло тиритирди. Бунда ўтимли феъл *-gür* қўшимчаси билан ўтимли бўлган. Яна: ***er toδtï*** – киши тўйди, бу ўтимсиздир; ***ol toδğurdï*** – у уни тўйдирди, бунда ўтимлидир. Бир ҳарфи такрорланган ҳамма феъл бобларига тегишли қоидалар мана шулардан иборат. Ўзлик феълнинг *manquṣ* ва тўрт ҳарфлиларига келганда, буларга *tā* қўшилиб, икки *fā'il* дан *maf'ūl* га ўтувчи ўтимли феъл ясалади. Уларнинг бири буюрувчи, иккинчиси бажарувчидир. Чунончи, ***er bitig bitidi*** – киши хат ёзди. Бу феъл иш биргина ишловчи томонидан ишланганлигини англатади. Аммо ***ol aŋar bitig bititti*** (у унга хат ёздирди) гапида ***bititti*** феъли *maf'ūl* га икки ишловчи *fā'il* дан ўтган. Бири хат ёзишга

буюрган, иккинчиси ёзган. Яна: ***er pičäk bilädi*** – киши пичоқ қайради; ***bilätti*** (қайратди) ҳам юқоридаги сингари икки ишловчи томонидан бажарилган.

Бу феълларда яна бошқа хосият шуки, бу феъл ушбу маъноларда қўлланмай, ўз мазмунида ишлатилади. Чунончи, ***tam emitti*** – девор эгилди, қийшайди. Бошқаси ҳам шундай. Яна: ***er söz unïttï*** (киши сўзини унутди) каби, бу хил феълларда ўтимлилик йўқ.

### Бу бўлимнинг *manqūṣ* тури

ت ***t*** [ҳарфи]:

[بَيَّتَى ***bayuttï*** (**байутти**) – бой қилди] ***Täŋri meni bayuttï*** – Тангри таъоло мени бойитди (***bayutur / bayïtur, bayutmaq / bayïtmaq***).

[تَيَّتَى ***tayïttï*** (**тайитти**) – тойдирди] ***ol anï suwqa tayïttï*** – у уни сувга тойдирди (***tayïtur, tayïtmaq***). Ҳар қандай нарсани тойдиришга ҳам шу сўз қўлланади.

[قُيَّتَى / قُيُتَى ***quyuttï / quyïttï*** (**қуйутти / қуйитти**) – ҳуркитди] ***ol atïğ quyuttï / quyïttï*** – у отини ҳуркитиб юборди (***quyutur / quyïtur, quyutmaq / quyïtmaq***).

### *Ğunna* лилар бўлими

[تُنْكِتَى ***tüŋitti*** (**тунгитти**) – мункитди] ***er bašïn tüŋitti*** – киши бошини мункитди, эгди (***tüŋitür, tüŋitmäk***).

[تُنْكِتَى ***töŋitti*** (**тўнгитти**) – юқорилатиб отди] ***er oqïn töŋitti*** – эр ўқини кўк томон отди (***töŋitür, töŋitmäk***).

[كَنْكَتَى / كَنْكِتَى ***keŋütti / keŋitti*** (**кенгутти / кенгитти**) – кенгайтирди] ***er ewin keŋütti / keŋitti*** – киши уйини ва бошқа жойларни кенгайтирди (***keŋütür, keŋütmäk***).

### Бу бўлимнинг *miṣāl* тури

[يِنْكِتَى ***yeŋitti*** (**йенгитти**) – бурун тозалади, қоқди] ***er yeŋitti*** – киши бурун қоқди. Асли ***yeŋ attï*** дир (***yeŋitür, yeŋitmäk***).

[يُنْكَتَى ***yüŋgätti*** (**йунгатти**) – чақди] ***ol anï begkä yüŋgätti*** – у уни бекка ва бошқаларга чақди (***yüŋätür, yüŋätmäk***[49]).

### БУ ТЎРТ ҲАРФЛИЛАР БОБЛАРИДИР

### *fa'landï* қолипидаги сўзлар бўлими

ب ***b*** [ҳарфи]:

[بُرْبَتَى ***burbattï*** (**бурбатти**)] ***ol anïŋ ïšïn burbattï*** – у унинг ишини чатоқ қилди, галга солди (***burbatur, burbatmaq***).

[تُرْبَتَى ***törbätti*** (**тўрбатти**) – йўндирди] ***ol möŋüz törbätti*** – у мўнгуз [шох] ва бошқа нарсаларни йўндирди (***törbätür, törbätmäk***).

د ***d*** [ҳарфи]:

---

[49] Бу сўзнинг масдари *kāf* ва *qāf* билан ёзилган (يَنْكَاثْمَاكْ).

[بَغْدَتّى] ***bağdattï*** (**бағдатти**) – боғлатди] ***ol anïŋ aδaqïn bağdattï*** – у курашда унинг оёғини чалиштирди (***bağdatur, bağdatmaq***).

[سِخْتَتّى] ***sïxtattï*** (**сихтатти**) – йиғлатди] ***ol anï sïxtattï*** – у уни йиғлатди. Бу сўзнинг ***sïğdadtï*** шакли ҳам бор (***sïxtatur, sïxtatmaq***).

[كُكْلَتّى] ***köklätti*** (**кўклатти**) – тўқитди, тўқиттирди] ***ol eδär yaliğïn köklätti*** – у эгар ёнларининг қайишини тўқитди (***köklätür, köklätmäk***). Бу сўзнинг ***kökdädti*** шакли ҳам бор.

ج ***č*** [ҳарфи]:

[سُرْجِتّى] ***sürčitti*** (**сурчитти**) – суркатди] ***ol atïn sürčitti*** – у отини тойдирди, қоқилтирди. Отдан бошқа нарсаларга ҳам шу сўз қўлланади (***sürčitür, sürčitmäk***[50]).

[قِرْجَتّى] ***qïrčattï*** (**қирчатти**) – ёрди] ***ol anïŋ qašïn qïrčattï*** – у унга тош отди, тош қошининг бир тарафига тегиб ёрди. Бошқа нарсаларга ҳам шу сўз ишлатилади. (Шоир) шундай деган:

***Eligim arïğ qïrčatur oq bašaqï,***
***Ünmiš uluğ teriŋäk üzä köp qašaqï.***

Айтмоқдаки: Ўқнинг темири қўлимни ёрди, қонга булади. Мен булоқлар сувидан унган ўтлар орасидан ўтар эдим (***qïrčatur, qïrčatmaq***).

[قِرْجَتّى] ***qïrčattï*** (**қирчатти**) – тегди, тегиб ўтиб кетди] ***oq amačïğ qïrčattï*** – ўқ омочга тегиб ўтиб кетди.

[تُرْجِتّى] ***törčitti*** (**тўрчитти**) – бошлатди, ишга солди] ***ol aŋar iš törčitti*** – у унга иш бошлатди (***törčitür, törčitmäk***).

[قَفْجِتّى] ***qawčïttï*** (**қавчитти**) – хафа қилди] ***ol anï qawčïttï*** – у уни хафа қилди, ҳатто қилаётган ишини ташлади. Яна: ***oğlan arïnï qawčïttï*** – бола арининг жаҳлини чиқазди. Мақолда (шундай келган): ***Arï qawčïtsa, ïsrur.*** Маъноси: "Арини ғазаблантирилса, чақар". Бу мақол ташвишли бир ишни бошлаб, ўзи ҳам ундан қийналишига ишорат қилиб айтилади (***qawčïtur, qawčïtmaq***).

[تَفْجِتّى] ***tewčitti*** (**тевчитти**) – тепчитди, тиктирди] ***ol tonïn tewčitti*** – у тўнини тепчитти. У тўнини чоклаб эмас, қўклатиб тиктирди (***tewčitür, tewčitmäk***).

ر ***r*** [ҳарфи]:

[تِبْرَتّى] ***tebrätti*** (**тебратти**) – тебратди] ***ol tebrätti näŋni*** – у нарсани тебратди, ҳаракатлантирди (***tebrätür, tebrätmäk***).

[تَبْرَتّى] ***tebrätti*** (**тебратти**)] ***er yağïqa tebrätti*** – эр ёвга ҳужум қилди.

[تَبْرَتّى] ***tebrätti*** (**тебратти**) – тебратди, қўзғатти] ***er tewisin tebrätti*** – киши ва бошқалар туясини ўрнидан турғизиб чоптирди (***tebrätür, tebrätmäk***). Бу сўз туядан бошқага қўлланмайди [яъни туя ҳақида сўз боргандагина қўлланади].

[تُبْرَتّى] ***tuprattï*** (**тупратти**) – тупроғини чиқарди] ***qoy otuğ tuprattï*** – қўй ўтни еб тугатди, тамом қилди. Ҳатто бирор нима қолмади. Ернинг чанги чиқиб кетди (***tupratur, tupratmaq***[51]).

[تُغْرَتّى] ***toğrattï*** (**тўғратти**) – тўғратди] ***ol aŋar et toğrattï*** – у унга гўшт тўғратди. Ейилмайдиган нарсага бу сўз қўлланмайди (***toğratur, toğratmaq***).

[تَوْرَتّى] ***tawrattï*** (**тавратти**) – шошилди] ***er tawrattï*** – киши шошилди (***tawratur, tawratmaq***).

[تَوْرَتّى] ***tawrattï*** (**тавратти**) – йигирди] ***urağut yïp tawrattï*** – хотин ип йигирди.

[تِغْرَتّى] ***tiğrattï*** (**тиғратти**) – иш ўргатди] ***oğlïn išqa tiğrattï*** – киши ўғлини пишитди, ўғлига иш ўргатиб, турмушнинг ҳар хил ишларига уста қилди (***tiğratur, tiğratmaq***).

---

[50] Бу сўзнинг масдари *kāf* ва *qāf* билан ёзилган (سُرْجِتْماقْ).

[51] Бу сўзнинг масдари *kāf* ва *qāf* билан ёзилган (تُبْرَتْماقْ).

буюрган, иккинчиси ёзган. Яна: ***er pičäk biladi*** – киши пичоқ қайради; ***bilätti*** (қайратди) ҳам юқоридаги сингари икки ишловчи томонидан бажарилган.

Бу феълларда яна бошқа хосият шуки, бу феъл ушбу маъноларда қўлланмай, ўз мазмунида ишлатилади. Чунончи, ***tam emitti*** – девор эгилди, қийшайди. Бошқаси ҳам шундай. Яна: ***er söz unïttï*** (киши сўзини унутди) каби, бу хил феълларда ўтимлилик йўқ.

### Бу бўлимнинг *manqūṣ* тури

ت ***t*** [ҳарфи]:

[بَيَتَّى ***bayutti*** **(байутти)** – бой қилди] ***Täŋri meni bayuttï*** – Тангри таъоло мени бойитди (***bayutur / bayïtur, bayutmaq / bayïtmaq***).

[تَيِتَّى ***tayïttï*** **(тайитти)** – тойдирди] ***ol anï suwqa tayïttï*** – у уни сувга тойдирди (***tayïtur, tayïtmaq***). Ҳар қандай нарсани тойдиришга ҳам шу сўз қўлланади.

[قُيِتَّى / قَيَتَّى ***quyuttï / quyïttï*** **(қуйутти / куйитти)** – ҳуркитди] ***ol atïğ quyuttï / quyïttï*** – у отини ҳуркитиб юборди (***quyutur / quyïtur, quyutmaq / quyïtmaq***).

### *Ğunna* лилар бўлими

[تُنكِتَّى ***tüŋitti*** **(тунгитти)** – мункитди] ***er bašïn tüŋitti*** – киши бошини мункитди, эгди (***tüŋitür, tüŋitmäk***).

[تُنكِتَّى ***töŋitti*** **(тўнгитти)** – юқорилатиб отди] ***er oqïn töŋitti*** – эр ўқини кўк томон отди (***töŋitür, töŋitmäk***).

[كَنكَتَّى / كَنكِتَّى ***keŋütti / keŋitti*** **(кенгутти / кенгитти)** – кенгайтирди] ***er ewin keŋütti / keŋitti*** – киши уйини ва бошқа жойларни кенгайтирди (***keŋütür, keŋütmäk***).

### Бу бўлимнинг *miṣāl* тури

[يِنكِتَّى ***yeŋitti*** **(йенгитти)** – бурун тозалади, қоқди] ***er yeŋitti*** – киши бурун қоқди. Асли ***yeŋ attï*** дир (***yeŋitür, yeŋitmäk***).

[يَنكَتَّى ***yüŋgätti*** **(йунгатти)** – чақди] ***ol anï begkä yüŋgätti*** – у уни бекка ва бошқаларга чақди (***yüŋätür, yüŋätmäk***[49]).

### БУ ТЎРТ ҲАРФЛИЛАР БОБЛАРИДИР

### *fa'landī* қолипидаги сўзлар бўлими

ب ***b*** [ҳарфи]:

[بُرْبَتَّى ***burbattï*** **(бурбатти)**] ***ol anïŋ ïšïn burbattï*** – у унинг ишини чатоқ қилди, галга солди (***burbatur, burbatmaq***).

[تُرْبَتَّى ***törbätti*** **(тўрбатти)** – йўндирди] ***ol möŋüz törbätti*** – у мўнгуз [шох] ва бошқа нарсаларни йўндирди (***törbätür, törbätmäk***).

د ***d*** [ҳарфи]:

---

[49] Бу сўзнинг масдари *kāf* ва *qāf* билан ёзилган (يُنكاثماكْ).

[بَغْدَتْتِى *bağdattï* (**бағдатти**) – боглатди] ***ol anïŋ aδaqïn bağdattï*** – у курашда унинг оёғини чалиштирди (***bağdatur, bağdatmaq***).

[سِخْتَتِى *sïxtattï* (**сихтатти**) – йиғлатди] ***ol anï sïxtattï*** – у уни йиғлатди. Бу сўзнинг ***sïğdadtï*** шакли ҳам бор (***sïxtatur, sïxtatmaq***).

[كُكْلَتِى *köklättï* (**кўклатти**) – тўқитди, тўқиттирди] ***ol eδär yalïğïn köklättï*** – у эгар ёнларининг қайишини тўқитди (***köklätür, köklätmäk***). Бу сўзнинг ***kökdädtï*** шакли ҳам бор.

ج *č* [ҳарфи]:

[سُرْجِتِى *sürčittï* (**сурчитти**) – суркатди] ***ol atïn sürčittï*** – у отини тойдирди, қоқилтирди. Отдан бошқа нарсаларга ҳам шу сўз қўлланади (***sürčitür, sürčitmäk***[50]).

[قِرْجَتِى *qïrčattï* (**қирчатти**) – ёрди] ***ol anïŋ qašïn qïrčattï*** – у унга тош отди, тош қошининг бир тарафига тегиб ёрди. Бошқа нарсаларга ҳам шу сўз ишлатилади. (Шоир) шундай деган:

***Eligim arïğ qïrčatur oq bašaqï,***
***Ünmiš uluğ teriŋäk üzä kŏp qašaqï.***

Айтмоқдаки: Ўқнинг темири қўлимни ёрди, қонга булади. Мен булоқлар сувидан унган ўтлар орасидан ўтар эдим (***qïrčatur, qïrčatmaq***).

[قِرْجَتِى *qïrčattï* (**қирчатти**) – тегди, тегиб ўтиб кетди] ***oq amačïğ qïrčattï*** – ўқ омочга тегиб ўтиб кетди.

[تُرْجِتِى *törčitti* (**тўрчитти**) – бошлатди, ишга солди] ***ol aŋar iš törčitti*** – у унга иш бошлатди (***törčitür, törčitmäk***).

[قَفْجِتِى *qavčittï* (**кавчитти**) – хафа қилди] ***ol anï qavčittï*** – у уни хафа қилди, ҳатто қилаётган ишини ташлади. Яна: ***oğlan arïnï qavčittï*** – бола арининг жаҳлини чиқазди. Мақолда (шундай келган): ***Arï qavčïtsa, ïsrur.*** Маъноси: "Арини ғазаблантирилса, чақар". Бу мақол ташвишли бир ишни бошлаб, ўзи ҳам ундан қийналишига ишорат қилиб айтилади (***qavčïtur, qavčïtmaq***).

[تَفْجِتِى *tewčitti* (**тевчитти**) – тепчитди, тиктирди] ***ol tonïn tewčitti*** – у тўнини тепчитти. У тўнини чоклаб эмас, қўклатиб тиктирди (***tewčitür, tewčitmäk***).

ر *r* [ҳарфи]:

[تَبْرَتِى *tebrättï* (**тебратти**) – тебратди] ***ol tebrätti näŋni*** – у нарсани тебратди, ҳаракатлантирди (***tebrätür, tebrätmäk***).

[تَبْرَتِى *tebrätti* (**тебратти**)] ***er yağïqa tebrätti*** – эр ёвга ҳужум қилди.

[تَبْرَتِى *tebrätti* (**тебратти**) – тебратди, қўзғатти] ***er tewisin tebrätti*** – киши ва бошқалар туясини ўрнидан тургизиб чоптирди (***tebrätür, tebrätmäk***). Бу сўз туядан бошқага қўлланмайди [яъни туя ҳақида сўз боргандагина қўлланади].

[تُبْرَتِى *tuprattï* (**тупратти**) – тупроғини чиқарди] ***qoy otuğ tuprattï*** – қўй ўтни еб тугатди, тамом қилди. Ҳатто бирор нима қолмади. Ернинг чанги чиқиб кетди (***tupratur, tupratmaq***[51]).

[تُغْرَتِى *toğrattï* (**тўғратти**) – тўғратди] ***ol aŋar et toğrattï*** – у унга гўшт тўғратди. Ейилмайдиган нарсага бу сўз қўлланмайди (***toğratur, toğratmaq***).

[تَوْرَتِى *tawrattï* (**тавратти**) – шошилди] ***er tawrattï*** – киши шошилди (***tawratur, tawratmaq***).

[تَوْرَتِى *tawrattï* (**тавратти**) – йигирди] ***urağut yïp tawrattï*** – хотин ип йигирди.

[تِغْرَتِى *tiğrattï* (**тиғратти**) – иш ўргатди] ***oğlïn išqa tiğrattï*** – киши ўглини пишитди, ўглига иш ўргатиб, турмушнинг ҳар хил ишларига уста қилди (***tiğratur, tiğratmaq***).

---

[50] Бу сўзнинг масдари *kāf* ва *qāf* билан ёзилган (سُرْجِتْماكْ).

[51] Бу сўзнинг масдари *kāf* ва *qāf* билан ёзилган (تُبْرَتْماكْ).

[تِكْرَتّى ***tigrätti*** (**тигратти**) – пишқиртирди, кишнаттирди] ***ol atïn tigrätti*** – у отини пишқиртирди, кишнаб юрадиган қилди; ***ol oğïlnï tigrätti*** дейилади. Бу сўзнинг *ğayn* ли варианти ҳам бор (***tigrätür***, ***tigrätmäk***).

[سَچْرَتّى ***sačratti*** (**сачратти**) – сачратди] ***ol meŋä suw sačratti*** – у менга бехосдан сув сачратди. Чунончи, бир идишдан бошқа идишга сув ва бошқа суюқликлар қуяётганда чиқиб сачраши ёки ўтин ёраётганда синиғи келиб тегишига ҳам шу сўз қўлланади. "Бир турли тузоқ"қа ***sačïratğu*** дейиш ҳам шундан. У шундай: бир-бирига ёпишган иккита айри шох олинади. Уларнинг ораларига тузоқли ип боғланади. Сўнг тупроққа кўмилади ва устига дон сочилади. Тузоқ дон ейиш учун келган қушни бўйнидан ёки оёғидан илиб қолади. Сўнг уни ушлаб оладилар.

Мақолда (шундай келган): ***Sačïratğudïn qorqmïš quš qïrq yïl aδrï yïğač üzä qonmäs.*** Маъноси: "Тузоқдан бир марта қўрққан қуш қирқ йилгача айри ёғочга қўнмайди". Бу пайғамбар алайҳис-саломнинг لايلسع المومن من جحر مرتين деган сўзи сингаридир (***sačratur***, ***sačratmaq***).

[سَدْرَتّى ***sedrätti*** (**седратти**) – сийраклатди] ***ol tonuğ sedrätti*** – у кийимини сийраклатди.

[سَدْرَتّى ***sedrätti*** (**седратти**)] ***ol kišini sedrätti*** – у кишилар меҳнатини енгиллатди. Ҳар нарсани озайтиришга, енгиллатишга ҳам шу сўз қўлланади (***sedrätür***, ***sedrätmäk***).

[سُغْرَتّى ***suğratti*** (**суғратти**) – суриштирди] ***ol anïŋ ewin suğratti*** – у унинг уйини суриштирди. Уйда бўлган нарсаларнинг ҳаммасини кўрди (***suğrutur***, ***suğrutmaq***).

[سُفْرِتّى ***süwritti*** (**сувритти**) – ўткир қилди, тезлади] ***ol yïğačïğ süwritti*** – у ёғоч ва бошқа нарсанинг бир ёгини қиррали қилди. Қайраб ўткир қилишга ҳам шу сўз қўлланади (***süwritür***, ***süwritmäk***).

[سَفْرِتّى ***sewritti*** (**севритти**) – молу матоҳдан бўшатди] ***ol ewin sewritti*** – у уйини мол-матоҳдан бўшатди; ***ol išïn sewritti*** дейдилар, "у ишини тамомлади" демакдир (***sewritür***, ***sewritmäk***).

[سَكِرِتّى ***sekiritti*** (**секиритти**) – сакратди] ***ol atïn arïqtïn sekiritti*** – у отини ариқ ва бошқа ерлардан ҳатлатди.

[سَكْرِتّى ***sekritti*** (**секритти**)] ***ol bitig oqïr erkän, sekritti*** – у хатни, китоб ёки Қуръонни ўқишда сакратиб кетди, орада айрим жойларини қолдириб ўқиди (***sekritür***, ***sekritmäk***).

[جِلْرَتّى ***jïlratti*** (**жилратти**) – жилдиратди, шилдиратди] ***ol oqïn keštä jïlratti*** – у ўқини ўқдонда шилдиратди. Ҳар қандай нарсани шилдиратишга ҳам шу сўз қўлланади (***jïlratur***, ***jïlratmaq***).

[سَمْرِتّى ***semritti*** (**семритти**) – семиртирди] ***er atïn semritti*** – у оти ва бошқа ҳайвонларни семиртирди (***semritür***, ***semritmäk***).

[چِغْرَتّى ***čïğïrtti*** (**чиғиртти**) – тепди, урди] ***ol yerig čïğïrtti*** – у ерни оёги билан тепиб, қаттиқ қилди. Ҳар қандай нарсани қаттиқ босиб, тепиб пишитишга ҳам шу сўз қўлланади. Чунончи, унни идишга босиб қўйиш сингари.

[چِغْرَتّى ***čïğïrtti*** (**чиғиртти**)] ***er oğlïn išta čïğïrtti*** – киши ўғлини ишга ўргатиб, пишитди (***čïğïrtür***, ***čïğïrtmaq***).

[چُقْرَتّى ***čoqratti*** (**чўкратти**) – қайнатди] ***ol ešäč (ešič?) čoqratti*** – у қозонни ва бошқани қайнатди. Бу қозоннинг оз сув, кўп дон билан буғланиб қайнашидир (***čoqratur***, ***čoqratmaq***).

[چَقْرَتّى ***čaqratti*** (**чақратти**) – чақчайтирди, олайтирди] ***er közin čaqratti*** – киши кўзини чағир кўз, ғилайга ўхшатиб чақчайтирди (***čaqratur***, ***čaqratmaq***).

[چِقْرَتْتِی *čiqrattï* (**чиқратти**) – қисирлатди] ***ol tïšïn čiqrattï*** – у тишини ғижирлатди. Яна: ***buğra tïšïn čiqrattï*** – нор туя тишини ғижирлатди. Қалам ва эшикнинг ғижирлаган овозига ҳам шу сўз қўлланади (***čiqratur, čiqratmaq***).

[قَقْرَتْتِی ***qaqrattï*** (**қақратти**) – тартарак чалди] ***ol qaqratğu qaqrattï*** – у чумчуқ ва бошқа қушларни экиндан қувиш учун тартарак чалди (***qaqratur, qaqratmaq***).

[قُقْرَتْتِی ***quqrattï*** (**қуқратти**) – қақратди, озайтирди] ***ol suwuğ quqrattï*** – у сувни ва ҳар турли суюқликни озайтирди (***quqratur, quqratmaq***).

[كەۋرَتْتِی ***kewrättï*** (**кевратти**) – пасайтирди, заифлатди] ***ol anïŋ küčin kewrättï*** – у унинг кучини заифлатди (***kewrätür, kewrätmäk***).

(Шоир) шундай деган:

***Öðläk küni tavratur,***
***Yalïŋuq küčin kewrätür.***
***Erdin ažun sewrätür,***
***Qačsa taqï ertilür.***

Айтмоқдаки: Замона куни айланур, инсон кучини заифлатур. У эрдан (*Afrāsīyāb* дан) дунёни бўшатишга шошилаётир. У қочганни ҳам излаб топади.

[تەبْزَتْتِی ***tebzättï*** (**тебзатти**)] ***ol meni bu ïšqa tebzättï*** – у мени бу ишда ҳасад қилдирди (***tebzätür, tebzätmäk***).

[قُبْزَتْتِی ***qobzattï*** (**қўбзатти**) – қўбиз чалдирди] ***ol anï qobzattï*** – у уни қўбиз чалдирди (***qobzatur, qobzatmaq***).

س ***s*** [ҳарфи]:

[بُخْسَتْتِی ***buxsattï*** (**бухсатти**) – бўйсунмайдиган қилди] ***ol oğlïnï ïšqa buxsattï*** – у ўғлини ишга бўйсунмайдиган қилди. Бошқа ўринларда ҳам шу сўз қўлланади (***buxsatur, buxsatmaq***).

[تَپْسَتْتِی ***tepsättï*** (**тепсатти**) – ҳасад қилдирди] ***ol meni tepsättï*** – у мени ҳасад қилдирди. Бу сўзнинг *zā* ли варианти ҳам бор (***tepsätür, tepsätmäk***).

[كەچْسَتْتِی ***kečsättï*** (**кечсатти**) – кечтиришни истади] ***ol meni suwdïn kečsättï*** – у мени сув ва бошқа ерлардан кечтиришни, ўтказишни истади (***kečsätür, kečsätmäk***).

[سَرْسِتْتِی ***sarsïttï*** (**сарситти**) – қўполлик қилди] ***ol anï sarsïttï*** – у унга дағаллик, қўполлик қилди (***sarsïtur, sarsïtmaq***).

[سُۋْسَتْتِی ***suwsattï*** (**сувсатти**) – сувсатди] ***ol anï suwsattï*** – у уни сувсатди (***suwsatur, suwsatmaq***).

[سَمْسِتْتِی ***samsïttï*** (**самситти**) – хафа қилди] ***ol anï samsïttï*** – у уни сўз билан ё қўл билан хафа қилди (***samsïtur, samsïtmaq***).

ش ***š*** [ҳарфи]:

[تەۋْشَتْتِی ***tewšättï*** (**тевшатти**) – чигалтирди, чувалтирди] ***ol yïpïğ tewšättï*** – у ипнинг учини топиб бўлмас даражада чувалтирди (***tewšätür, tewšätmäk***).

[تەۋْشَتْتِی ***tewšättï*** (**тевшатти**) – чарчатди] ***ol anïŋ terin tewšättï*** – у уни дона-дона тери чиққунга қадар чарчатди. Масдари юқоридагидек.

[چُۋْشَتْتِی ***čuwšattï*** (**чувшатти**) – ачитди, ачитиб тайёрлади] ***ol čağïr čuwšattï*** – у чағир ва бошқаларни ачитиб тайёрлади.

[چِۋْشَتْتِی ***čïwšattï*** (**чившатти**) – ачиштирди] ***sirkä qarïn čïwšattï*** – сирка қоринни ачиштирди. Сирканинг ерга тўкилиб қайнатишига ҳам шу сўз қўлланади (***čïwšatur, čïwšatmaq***).

[شُۋْشَتْتِی ***šuwšattï*** (**шувшатти**) – шипшитди] ***ol meniŋ qulaqqa söz šuwšattï*** – у менинг қулоғимга сўз шипшитди (***šuwšatur, šuwšatmaq***).

[قَرْشَتتى *qaršatti* (**қаршатти**) – қаричлатди, ўлчатди] ***ol bözüg qaršattï*** – у бўз ва бошқа нарсаларни қаричлатди, ўлчатди (***qaršatur, qaršatmaq***).

[قُرْشَتتىم *quršattïm* (**қуршаттим**)] ***men aŋar qur quršattïm*** – мен унга белбоғ боғлашга буюрдим, у боғлади (***quršatur-men, quršatmaq***).

[قُغْشَتتى *quğšattï* (**қуғшатти**) – бўшаштирди] ***quyaš anï quğšattï*** – куёш ҳарорати уни бўшаштирди. Ҳар қандай қаттиқ нарсани бўшаштиришга ҳам шу сўз қўлланади. Бу сўздаги *ğayn* ўрнига *xā* ни қўлловчилар ҳам бор (***quğšatur, quğšatmaq***).

[قُوْشَتتى *quwšattï* (**қувшатти**) – ғилофлатди] ***ol oq quwšattï*** – у ўқни ғилофлатди, ўққа ёгоч ғилоф қилдирди (***quwšatur, quwšatmaq***).

[كەشتتى *kewšätti* (**кевшатти**) – юмшатди] ***ol qatïğ näŋni kewšätti*** – у қаттиқ нарсани юмшатди, заифлатди (***kewšätür, kewšätmäk***).

[كەشتتى *kewšätti* (**кевшатти**)] ***ol tewisin kewšätti*** – у туясини кавшатди. Масдар шакли юқоридагидек.

غ *ğ* [ҳарфи]:

[تَسْغَتتى *tasğattï* (**тасғатти**)] ***ol qulïn tasğattï*** – у қулини ва бошқа кимсаларни урдирди (***tasğatur, tasğatmaq***).

[قَرْغَتتى *qarğattï* (**қарғатти**) – қарғатди] ***ol yekni qarğattï*** – у шайтонни ва бошқаларни қарғатди (***qarğatur, qarğatmaq***).

[قُرْغَتتى *qurğattï* (**қурғатти**) – қурғади] ***yer qurğattï*** – ер намсизликдан қақраб қуриди. Асли ***qurğaδtï*** дир (***qurğatur, qurğatmaq***).

[قِرْغَتتى *qïrğattï* (**қирғатти**) – ёмонлатди] ***ol anï begkä qïrğattï*** – у уни бекка ёмонлади. Бек ундан юз ўгириб, ҳайдади (***qïrğatur, qïrğatmaq***).

ف *w* [ҳарфи]:

[قَرْوَتتى *qarwattï* (**қарватти**)] ***ol anïŋ qoyunda näŋ qarwattï*** – у унинг қўйнидан бир нарса қидиртирди. Ҳар қандай нарсани кўз билан кўрмай, қўл билан тимирскилашга ҳам шу сўз қўлланади (***qarwatur, qarwatmaq***).

ق *q* [ҳарфи]:

[بُرْقَتتى *burqïttï* (**бурқитти**)] ***ol yüzin burqïttï*** – у юзини буриштирди (***burqïtur, burqïtmaq***).

[تِلْقَتتى *tïlqattï* (**тилқатти**) – кечиктирди] ***ol anïŋ ïšïn tïlqattï*** – у унинг ишини кечиктирди.

[تَلْقَتتى *talqattï* (**талқатти**) – орага бирор нарса қўйиб сиқтирди] ***ol yükni talqattï*** – у юкни мустаҳкамлади. Юкни тузатиш, яхши ўрнатиш учун юк билан арқон орасига бирор нарса қўйиб, пишиқлашга ҳам шу сўз қўлланади (***talqïtur, talqïtmaq***).

[سَرْقَتتى *sarqïttï* (**сарқитти**) – силқитди] ***ol tondïn suw sarqïttï*** – у кийим ва бошқа нарсаларнинг сувини силқитди (***sarqïtur, sarqïtmaq***).

[قَرْقَتتى *qorqïttï* (**қўрқитти**) – қўрқитди] ***ol anï qorqïttï*** – у уни қўрқитди (***qorqïtur, qorqïtmaq***).

ك *k* [ҳарфи]:

[بَرْكَتتى *berkitti* (**беркитти**) – бекитди] ***ol berkitti näŋni*** – у нарсани, ишни бекитди, пишиқ қилди, мустаҳкамлади (***berkitür, berkitmäk***).

[كَرْكَتتى *körgütti* (**кўргутти**) – кўрсатди] ***ol meŋä näŋ körgütti*** – у менга нарса кўрсатди (***körgütür / körgitür, körgütmäk***).

[كَرْكَتتى *körkätti* (**кўркатти**) – чиройли бўлди] ***qïz körkätti*** – қизнинг юзи, ранги кўркам бўлди (***körkätür, körkätmäk***). Бу сўзнинг асли ***körkäδti*** дир. Сўнг *δāl* ҳарфи *tā* га сингишган.

[بِلْكَتتى *bilgätti* (**билгатти**) – ақлли бўлди] ***oğlan bilgätti*** – бола ақлли бўлди, ҳушёр бўлди (***bilgätür, bilgätmäk***). Асли ***bilgäδti*** дир. Сўнг *δāl* ҳарфи *tā* га сингиган.

Билгилки, *-äδitti (-äδti?)* қўшимчаси билан табиатга дахлдор сўзлардан феъл ясалади. Чунончи, ***körk*** – "чирой" демакдир. "Чиройли бўлди" демакчи бўлинса, бунинг охирига *-äδti* қўшилади. Чунончи, ***körkäδti*** – "чиройли бўлди" каби. Яна: ***bilig*** – "ақл" демакдир. Бунинг охирига *-äδti* қўшиб, ***bilgäδti*** феъли ясалади. Масалан, ***oğlan bilgäδti*** – бола ақлли бўлди, демакдир. Сўнг бу сўздан *alif* [*ä*] туширилиб, *δāl* ҳарфи *tā* га сингдирилса, бу ҳарф, яъни *tā* иккинчи бор такрорланган шакл ҳосил бўлади.

ل *l* [ҳарфи]:

[بُزْلَتْى ***bozlattï*** (**бўзлатти**) – бўкиртирди] ***ol botunï bozlattï*** – у туя боласини ва бошқа ҳайвонларни онасидан айирди, бўзлатди (***bozlatur, bozlatmaq***).

[بَشْلَتْمْ ***bašlattïm*** (**башлаттим**) – бошлатдим] ***men anar iš bašlattïm*** – мен унга иш бошлатдим (***bašlatur, bašlatmaq***).

[بَغْلَتْمْ ***bağlattïm*** (**бағлаттим**) – боғлатдим] ***anar otuŋ bağlattïm*** – унга ўтин ва бошқа нарсаларни боғлатдим; ***anar boğ bağlattïm*** – унга бўғча ёки тугунни боғлатдим (***bağlatur-men, bağlatmaq***).

[بَكْلَتْى ***beklätti*** (**беклатти**) – қаматтирди] ***beg oğrïnï beklätti*** – бек ўғрини боғлаш, қамашга буюрди.

[بَكْلَتْمْ ***beklättim*** (**беклаттим**)] ***men at beklättim*** – мен от ва бошқа ҳайвонларни сақлашга буюрдим (ўғузча) (***beklätür-men, beklätmäk***).

[تَبْلَتْمْ ***taplattïm*** (**таплаттим**) – рози қилдим] ***men anï bu išqa taplattïm*** – мен уни бу ишга рози қилдим (***taplatur-men, taplatmaq***).

[تُبْلَتْى ***tüblätti*** (**тублатти**) – синчиклаб текширди] ***ol bu išïğ telim tüblätti*** – у бу ишни синчиклаб текширди (***tüblätur, tüblätmäk***).

[تَرْلَتْى ***terlätti*** (**терлатти**) – терлатди] ***ol atïn terlätti*** – у отини терлатди.

[تُرْلَتْى ***türlätti (terlätti?)*** (**терлатти**?)] ***ol atïğ türlätti (terlätti?)*** – у отини қашлагич билан қашлатди (***terlätür, terlätmäk***).

[تُزْلَتْى ***tuzlatï*** (**тузлатти**) – тузлатди] ***ol et tuzlatï*** – у гўшт ва бошқа нарсаларни тузлатди (***tuzlatur, tuzlatmaq***).

[تِزْلَتْى ***tizlätti*** (**тизлатти**)] ***ol tizlätti näŋni*** – у нарсани тиззаси билан тепди, босди (***tizlätür, tizlätmäk***).

[تُشْلَتْى ***töšlätti*** (**тўшлатти**)] ***ol anï töšlätti*** – у унинг тўшига урдирди (***töšlätür, töšlätmäk***[52]).

[تُشْلَتْى ***tušlattï*** (**тушлатти**)] ***ol yerig anar tušlattï*** – у уни узоқдан бир ерга рўпара қилиб қўйди. Узоқдан юзма-юз турган ҳар қандай нарсага ҳам шу сўз қўлланади (***tušlatur, tušlatmaq***).

[تَشْلَتْى ***tašlattï*** (**ташлатти**)] ***ol anï tašlattï*** – у уни тош билан урдирди.

[تَشْلَتْى ***tašlattï*** (**ташлатти**)] ***ol oğlïnï tašlattï*** – у ўғлини ташқарилатди, ташқарига чиқарди, йўл қаттиқлиғини кўрсин дея сафарга юборди (***tašlatur, tašlatmaq***).

[تِشْلَتْى ***tïšlattï*** (**тишлатти**) – тишлатди] ***ol anï tïšlattï*** – у уни тишлатди.

(Шоир) шундай деган:

***Čagrï berip quślatu,***
***Tayğan üδip tïślatu,***
***Tilkü, toŋuz tašlatu,***
***Erdäm bilä öglälim.***

[52] Бу сўзнинг масдари *kāf* ва *qāf* билан ёзилган (تَشْلَتْمَاقْ).

Ов ва шодликни мактаб айтмоқда: Ов қушларини болаларга бериб, ов қилдирамиз. Оҳу, тўнғиз, тулкини овлаш учун итни қўйиб юборамиз. Уларга кўмаклашиш учун уларга тошлар отамиз. Ютукларимиз билан мақтанайлик (***tïšlatur, tïšlatmaq***).

[تَغْلَتْى ***tağlatti*** (**тағлатти**) – доғлатди] ***ol atïn tağlatti*** – у отини тамға уриб доғлатди (***tağlatur, tağlatmaq***). Форслар бу сўзни турклардан олиб, ***dağ*** (молларга урилган белги) дейдилар. Улар "қалъа" отини ҳам турклардан олиб, ***diz*** дейдилар. Туркча ***tiz yer*** – "баланд жой" демакдир.

[تُمْلَتْى ***tumlïtti*** (**тумлитти**) – яхлатди, совутди] ***ol suw tumlïtti*** – у сув, сут ва бошқа нарсаларни яхлатди (***tumlïtur, tumlïtmaq***).

[تُمْلَتْى / تُمْلَتْى ***tumlutti / tumlïtti*** (**тумлутти / тумлитти**) – совутди, совуқ кўрсатди] ***ol anïŋ köŋülin tumlutti / tumlïtti*** – у унга ғазаб қилди, унинг кўнглини совутди, ҳатто уни хафа қилиб қўйди (***tumlïtur, tumlïtmaq***).

[سَبْلَتْى ***saplatti*** (**саплатти**) – соплатди, соп қилдирди] ***ol qïlïč saplatti*** – у қилични соплатди. Пичоқ, ханжар ва бошқа шунинг сингариларга соп қилишга ҳам шу сўз қўлланади (***saplatur, saplatmaq***).

[جَرْلَتْى ***jarlatti*** (**жарлатти**) – йиғлатди] ***ol oğlanïğ jarlatti*** – у болани йиғлатди. Филни бўкиртиришга ҳам шу сўз қўлланади (***jarlatur, jarlatmaq***).

[جَرْلَتْى ***čerlätti*** (**черлатти**) – бузди, ишдан чиқарди] ***ot anïŋ közin čerlätti*** – ўт (дори) унинг кўзини ишдан чиқарди. Ғализ овқат ва шунга ўхшаш ёқимсиз нарсалар ейишдан кишида келиб чиқадиган оғирлашишга ҳам шу сўз қўлланади (***čerlätür, čerlätmäk***).

[جُرْلَتْى ***čörlätti*** (**чўрлатти**) – олдирди] ***ol andïn näŋ čörlätti*** – у унинг молидан бир нарса олдирди (***čörlätür, čörlätmäk***).

[جُغْلَتْى ***čoğlatti*** (**чўғлатти**) – ўлчатди, ўлчатишга буюрди] ***ol tonïn čoğlatti*** – у кийимини бўғчалатди (***čoğlatur, čoğlatmaq***).

[جِغْلَتْى ***čïğlatti*** (**чиғлатти**)] ***ol böz čïğlatti*** – у туркча ўлчов газа билан бўз ўлчатди. Туркча ўлчов газа бошқа бир газ ўлчовининг учдан икки улушига тенгдир (***čïğlatur, čïğlatmaq***).

[جِنْلَتْى ***činlatti*** (**чинлатти**) – чин қилдирди, унинг сўзини тасдиқлашга буюрди] ***ol anïŋ ïšïn činlatti*** – у унинг ишини тасдиқлатди (***činlatur, činlatmaq***).

[سَرْلَتْى ***sarlatti*** (**сарлатти**) – ўрашга буюрди] ***ol suwluq sarlatti*** – у салла ўратди. Ҳар қандай нарсани ўрашга ҳам шу сўз қўлланади (***sarlatur, sarlatmaq***).

[سِرْلَتْى ***sïrlatti*** (**сирлатти**) – сирлатди] ***ol ayaq sïrlatti*** – у туркларнинг идишлари (пиёла, коса)ни сирлатди (***sïrlatur, sïrlatmaq***).

[سْزْلَتْى ***sözlätti*** (**сўзлатти**) – сўзлатди, сўзлашга буюрди] ***ol meni sözlätti*** – у мени сўзлатти (***sözlätür, sözlätmäk***).

[سِزْلَتْى ***sïzlatti*** (**сизлатти**) – сирқиратди] ***buz tïšïğ sïzlatti*** – муз тишни сирқиратди. Бу музнинг тишни қоплаши ёки оғриқни ва чумоли ўрмалашини сезиш каби. Совуқ сувга қўл тиқилганда, совуқнинг таъсири қоплашига, юзага келишига ҳам шу сўз қўлланади (***sïzlatur, sïzlatmaq***).

[سُغْلَتْى ***suğlïtti*** (**суғлитти**) – суқтирди, тиқтирди] ***ol anïŋ qoyuŋa elig suğlïtti*** – у бир нарсани қидириш учун унинг қўйнига қўл суқтирди (***suğlïtur, suğlïtmaq***).

[سُوْلَتْى ***suwlatti*** (**сувлатти**) – сув сепишга буюрди] ***ol čöpni suwlatti*** – у буюм ва бошқа нарсаларнинг устига, пўстига сув септирди (***suwlatur, suwlatmaq***).

[سَنْلَتْى ***senlätti*** (**сенлатти**) – сенлатди, сенсиратди] ***ol anï senlätti*** – ерга уриб, таҳқир қилиб, санлаб сўзлатди, сансиратди. Юқорида айтганимиздек, турклар катталарга ***siz***, ёшларга ***sen*** дер эдилар. Катталарни ***sen*** дейиш таҳқир саналар эди; ***ol aŋï senlätti***, яъни "сенсираб таҳқир қилди" демакдир (***senlätür, senlätmäk***).

[سِزْلَتْم *sizlättim* (**сизлаттим**) – сизлатдим, сизлашга буюрдим] ***men anï sizlättim*** – мен унга уни улуғлаб, сизлашга буюрдим (***sizlätür-men***, ***sizlätmäk***).

[سُمْلِتّى / سُمْلِتّى *sumlïttï* / ***sumlutti*** (**сумлитти / сумлутти**) – гапини турклар тушунмайдиганга йўйди] ***ol anï sumlïttï / sumlutti*** – унинг гапини турклар тушунмайдиган гапга йўйди. Бу шундайки, турклар барча туркчани билмайдиганларни ***sumlïm*** дейдилар. Чунончи, араблар арабчани билмайдиганларни اَجَم *ajam* деганлари каби. Бу асосдир. Агар арабчани кейин ўрганса ҳам, араблар ҳар вақт уни اَجَم *ajam* деяверадилар. Декин туркларда ундай эмас. Туркчани ўрганиб олганларни ***sumlïm*** демайдилар. Улар бу сўздан қутулади (***sumlïtur***, ***sumlïtmaq***).

[قَرْلَتّى *qarlattï* (**қарлатти**) – қор ёғдирди] ***Täŋri qar qarlattï*** – Тангри қор ёғдирди (***qarlatur***, ***qarlatmaq***).

[قِرْلَتّى *qïrlattï* (**қирлатти**) – марза қилдирди] ***ol arïq qïrlattï*** – у ариққа марза қилдирди, ариқ четини яхшилаб ишлатди (***qïrlatur***, ***qïrlatmaq***).

[قُشْلَتّى *qušlattï* (**қушлатти**) – қуш овлатди] ***ol aŋar quš qušlattï*** – у унга қуш овлатди (***qušlatur***, ***qušlatmaq***).

[قِشْلَتّى *qïšlatï* (**қишлатти**) – қишлатди] ***ol anï ewindä qïšlattï*** – у уни ва бошқаларни уйида қишлатди (***qïšlatur***, ***qïšlatmaq***). Биров бир нарсанинг уддасидан чиқишига, сақлашига ҳам шу сўз қўлланади.

[قِغْلَتّى *qïğlattï* (**қиғлатти**)] ***ol yerig qïğlattï*** – у ерини гўнг солиб кучайтирди.

[قِغْلَتّى *qïğlattï* (**қиғлатти**) – тезаклатди] ***ol atïn qïğlattï*** – у отини тезаклатти (***qïğlatur***, ***qïğlatmaq***).

[قَقْلَتّى *qaqlattï* (**қақлатти**) – қоқлатди, қуриттирди] ***ol aŋar et qaqlattï*** – у унга гўшт қоқлатди, қуриттирди; қоқ гўшт қилдирди (***qaqlatur***, ***qaqlatmaq***).

[كُتْلَتّى *kötlättï* (**кўтлатти**)] ***ol oğlanïğ kötlättï*** – у бола ва шунга ўхшаганларнинг кўтига урди (***kötlätür***, ***kötlätmäk***).

[كَزْلَتّى *kezlättï* (**кезлатти**) – тузаттирди] ***ol oq kezlättï*** – у ўқ учини тузаттирди (***kezlätür***, ***kezlätmäk***).

[كِزْلَتّى *kizlättï* (**кезлатти**) – яширтирди, яширишга буюрди] ***ol meŋä söz kizlättï*** – у менга ва бошқаларга сир сақлашга буюрди (***kizlätür***, ***kizlätmäk***).

[كَمْلَتّى *kemlättï* (**кемлатти**) – мазасини қочирди] ***bu ot atïğ kemlättï*** – бу ўт от ва бошқа ҳайвонларнинг мазасини қочирди, табзини қочирди (***kemlätür***, ***kemlätmäk***).

م ***m*** [харфи]:

[تَرْمَتّى *tarmattï* (**тарматти**) – тирнатди] ***ol anïŋ yüzin tarmattï*** – у унинг юзини тирнатди (***tarmatur***, ***tarmatmaq***).

[چَرْمَتّى *čermättï* (**черматти**) – тугди] ***alp er atïn čermättï*** – алп эр отининг думини ипак билан ўрдирди. Отнинг думини ипак билан ўриш ботирлик белгисидир. Фатила-фатила қилиб ўрилган, тугилган ҳар қандай нарсага ҳам шу сўз қўлланади. Чунончи, қамчин учини қайиш билан ўриб тўқиш каби (***čermätür***, ***čermätmäk***).

[سَرْمَتّى *sermättï* (**серматти**) – овлатди] ***ol aŋar balïq sermättï*** – у унга балиқ овлатди, сувдан балиқ чиқартирди.

[سَرْمَتّى *sermättï* (**серматти**) – сувини айирди] ***ol tutmač sermättï*** – у тутмоч сувини айиртирди. Ҳар қандай нарсанинг сувини айиришга ҳам шу сўз қўлланади (***sermätür***, ***sermätmäk***[53]).

---

[53] Бу сўзнинг масдари *kāf* ва *qāf* билан ёзилган (سَرْمَقْماقْ).

[سَرْمَتّى *sarmattï* (**сарматти**) – ўратди] ***ol yïšïğnï yïğačqa sarmattï*** – у ипни ёғоч ва бошқа нарсаларга ўратди (***sarmatur, sarmatmaq***).

ن ***n*** [ҳарфи]:

[قَتْنَتّى ***qatnattï*** (**қатнатти**) – такрорлатди] ***ol anïŋ sözin qatnattï*** – у унинг сўзини бир неча бор такрорлатди.

[قَسْنَتّى ***qasnattï*** (**қаснатти**) – титратди, зирқиратди] ***tumluğ anï qasnattï*** – совуқ уни титратди. Ҳатто совуқдан тишлари тақирлади (***qasnatur, qasnatmaq***).

[بُلْنَتّى ***bulnattï*** (**булнатти**) – асир қилишга буюрди] ***ol anï bulnattï*** – у уни асир қилишга буюрди. У асир бўлди (***bulnatur, bulnatmaq***).

[قَلْنَتّى ***qalnattï*** (**қалнатти**) – қалинлашди] ***yuwqa näŋ qalnattï*** – юпқа нарса қалинлашди. Бу сўзнинг асли ***qalnaδtï*** дир. Кейинроқ товушлар идгом қилиш, сингиш билан ўзгарган (***qalnatur, qalnatmaq***).

### Аслида *muḍā'af* бўлган сўзлардан айримлари

ش ***š*** [ҳарфи]:

[شُوْشَشْدِى ***šuwšašdï*** (**шувшашди**) – шивирлашди] ***ol anïŋ birlä šuwšašdï*** – у унинг билан махфий сўзлашди (***šuwšašur, šuwšašmaq***).

[قُغْشَشْدِى ***quğšašdï*** (**қуғшашди**) – сусайишди] ***kišilär qanuğ quğšašdï*** – кишилар ўзини ўраб олган иссиқдан ва бошқа шунинг сингари ҳоллардан бўшашишди (***quğšašur, quğšašmaq***). Бу сўзда *ğayn* ўрнига *čīm* алмаштириб қўллаш ҳам бор.

[قَوْشَشْدِى ***qawšašdï*** (**қавшашди**) – йўнишда кўмаклашди] ***ol anïŋ oqïn qawšašdï*** – у унинг ўқини ёғоч билан қайтаришда кўмаклашди (***qawšašur, qawšašmaq***).

[كَوْشَشْدِى ***kewšäšdi*** (**кевшашди**) – кавшашди] ***tewäy ot kewšäšdi*** – туялар бир-бирини кўриб, ўт кавш қайтаришди (***kewšäšür, kewšäšmäk***).

### *Muḍā'af* нинг бошқа бир тури

ق ***q*** [ҳарфи]:

[تُلْقُقْلَنْدِى ***tolquqlandï*** (**тўлқуқланди**)] ***tolquqlandï näŋ*** – нарса тулум сингари шишди (***tolquqlanur, tolquqlanmaq***).

ك ***k*** [ҳарфи]:

[تُرْكَكْلَنْدِى ***türgäkländi*** (**тургакланди**) – тугилди] ***ton türgäkländi*** – чопон бўғчага тугилди (***türgäklänür, türgäklänmäk***).

### Бу бўлимнинг *miṣāl* тури

ب ***b*** [ҳарфи]:

[يَرْبَتّى ***yarbattï*** (**йарбатти**) – ер босди, оёққа турди] ***iglig yarbattï*** – касал ер босди, оёққа турди; ***oğlan yarbattï*** – бола ер босди, оёк қўйди. Асли ***yarbaδtï*** дир. Кейинроқ *δāl* ҳарфи *tā* га сингиган (***yarbatur, yarbatmaq***).

[يَلْبَتّى ***yelpitti*** (**йелпитти**) – намлатди] ***ol atqa ašbar yelpitti*** – у от емини, чунончи, хашак, кепак сингариларни хўллади (***yelpitür, yelpitmäk***). Шунингдек, шивалаб ёққан ёмғирдан ер юзи чиройли намланишига ҳам шу сўз қўлланади. Чунончи, ***yağmur yerig yelpitti*** дейилади, "ёмғир ерни намлатди" демакдир.

[يَلْبَتَّى ***yelpätti*** (**йелпатти**)] ***ol aŋar siŋäk yelpätti*** – у унга елпиғич билан пашша-чивинларни елпиб ҳайдатди (***yelpätür***, ***yelpätmäk***).

ج ***č*** [ҳарфи]:

[يُنْجُتَّى ***yunčutti*** (**йунчутти**) – инжитди, хафа қилди] ***ol anï yunčuttï*** – у уни инжитди, хафа қилди (***yunčutur***, ***yunčutmaq***[54]).

ر ***r*** [ҳарфи]:

[يَبْرِتَّى ***yaprïttï*** (**йапритти**) – чимирди] ***at qulaqïn yaprïttï*** – от қулоғини чимирди. Бу бирор нарсадан ҳуркканда, бирор нарса истаган чоғда бўлади (***yaprïtur***, ***yaprïtmaq***).

[يَغْرِتَّى ***yağrïttï*** (**йағритти**) – яғир қилди] ***ol meniŋ atïğ yağrïttï*** – у отимнинг ва бошқаларнинг орқасини яғир қилди (***yağrïtur***, ***yağrïtmaq***).

[يَڤْرِتَّى ***yawrïttï*** (**йавритти**) – заифлатди] ***ol anï yawrïttï*** – у уни заифлатди, сустлатди (***yawrïtur***, ***yawrïtmaq***).

[يُلْرِتَّى ***yulïrttï*** (**йулиртти**) – чақнатди, алангалатди] ***ol ot yulïrttï*** – у ўтни алангалатди.

[يُلْرِتَّى ***yulïrttï*** (**йулиртти**) – ялтиратди] ***ol tučuğ yulïrttï*** – у жезни ялтиратди, кун тушса-тушмаса, ялтираб турувчи қалқон ва жом сингари жилоланадиган бўлди (***yulïrtur***, ***yulïrtmaq***).

[يُلْرَتَّى ***yulratti*** (**йулратти**) – оқартирди] ***kiršän aniŋ yüzin yulratti*** – упа ва бошқа нарсалар хотин юзини оқартирди. Бир нарсани оқартирган, ялиратган ҳар қандай нарсага ҳам шу сўз қўлланади.

[يُلْرَتَّى / يُلْرِتَّى ***yulratti / yulrïttï*** (**йулратти / йулриттй**) – ялтиратди] ***ol qumğaniğ yulratti / yulrïttï*** – у кумғонни жилолатди. Ялтираган ҳар қандай нарсага ҳам шу сўз қўлланади (***yalratur***, ***yalratmaq***). Бу икки феълнинг бош ҳарфини *alif* [*a*] билан талаффуз қилиш, *vāv* [*u*] билан талаффуз қилишдан кўра тўғрироқдир.

س ***s*** [ҳарфи]:

[يَرْسِتَّى ***yarsïttï*** (**йарситти**) – иргантирди] ***ol anï yarsïttï*** – у уни иргантирди. Ҳатто овқат емай қўйди (***yarsïtur***, ***yarsïtmaq***). Асли ***yar suδtï*** – ирганганидан тупурди. Сўнг *δāl* ҳарфи *tā* га сингиган.

[يُكْسَتَّى ***yüksätti*** (**йуксатти**) – юксалтирди, юқори кўтартирди] ***ol tam yüksätti*** – у деворни юқори кўтарди ва мустаҳкамлади. Ҳар қандай нарсани мустаҳкамлашга ҳам шу сўз қўлланади (***yüksätür***, ***yüksätmäk***).

ش ***š*** [ҳарфи]:

[يُمْشَتَّى ***yumšatti*** (**йумшатти**) – ошлаб юмшатди] ***ol teri yumšatti*** – у терини ошлаб юмшатди.

[يُمْشَتَّى ***yumšatti*** (**йумшатти**)] ***ol qatïğ näŋni yumšatti*** – у қаттиқ нарсани юмшатди.

[يُمْشَتَّى ***yumšatti*** (**йумшатти**)] ***ol er sözig yumšatti*** – у киши тез сўзлади. Қуръонни тез ўқиш ва ёдлашга ҳам шу сўз қўлланади (***yumšatur***, ***yumšatmaq***).

غ ***ğ*** [ҳарфи]:

[يُڤَّتَّى ***yuwğatti*** (**йувғатти**) – ўжарланди] ***oğlan yuwğatti*** – бола ўжарланди. Ҳатто бутунлай хулқи бузилди. Асли ***yuwğaδtï*** дир (***yawğatur***, ***yuwğatmaq***).

[يَلَّتَّى ***yalğatti*** (**йалғатти**) – ялатди] ***ol aŋar bal yalğatti*** – у унга бол ялатди (***yalğatur***, ***yalğatmaq***).

ف ***w*** [ҳарфи]:

[يَلْڤَتَّى ***yalwatti*** (**йалватти**) – ялатди] ***ol aŋar yağ yalwatti*** – у унга ёғ ялатди. Бу сўздаги ف ***w*** ҳарфини *ğayn* га алмаштириладиган варианти ҳам бор (***yalwatur***, ***yalwatmaq***).

ك ***g*** [ҳарфи]:

---

[54] Бу сўзнинг масдари *kāf* ва *qāf* билан ёзилган (يُنْجُقْماكْ).

[يُرْگَتّى *yörgätti* (**йўргатти**) – йўргатди] ***ol yïp yörgätti*** – у ип йўргатди. Оёққа пайтава ва бошқа нарсаларни ўрашга ҳам шу сўз қўлланади (***yörgätür, yörgätmäk***).

ل *l* [ҳарфи]:

[يِيْلَتّى *yïplattï* (**йиплатти**) – иплатди] ***urağut yüzin yïplattï*** – хотин юз тукларини ип билан тердирди (***yïplatur, yïplatmaq***).

[يَتْلَتّى *yatlattï* (**йатлатти**) – фол очтирди] ***beg yatlattï*** – бек коҳинга яда тошини ўқитди; бек ядачига дуо ўқитди. У ҳам шамол эсдирди, ёмғир ёғдирди (***yatlatur, yatlatmaq***). Бу ҳодиса турклар мамлакатида машҳур. Тангри таъолонинг изни билан тош орқали шамол, ёмғир, совуқ чақирилади.

[يَزْلَتّى *yazlattï* (**йазлатти**) – ёзлатди] ***ol qoyïn yaylağda yazlattï*** – у қўйларини яйловда ёзлатди (***yazlatur, yazlatmaq***).

[يِغْلَتّى *yïğlattï* (**йиғлатти**) – йиғлатди] ***ol anï yïğlattï*** – у уни йиғлатди (***yïğlatur, yïğlatmaq***).

[يَغْلَتّى *yağlattï* (**йағлатти**) – ёғлатди] ***ol qağïšnï yağlattï*** – у чарм ва бошқа нарсаларни ёғлатди (***yağlatur, yağlatmaq***).

[يُقْلَتّى *yuqlattï* (**йуқлатти**) – юқорилатди] ***ol anï tağqa yuqlattï*** – у уни тоққа ва бошқа ерларга чиқарди (***yuqlatur, yuqlatmaq***).

[يُكْلَتّى *yüklättï* (**йуклатти**) – юклатди] ***ol yük yüklättï*** – у юк юклатди (***yüklätür, yüklätmäk***).

[يُگْلَتّى *yüglättï* (**йуглатти**) – пат тақтирди] ***ol oq yüglättï*** – у ўққа пат тақтирди (***yüglätür, yüglätmäk***). Бу сўз аслида يُوكْ لَتّى дир.

[يَمْلَتّى *yamlattï* (**йамлатти**) – супурди, тозалатди] ***ol ewin yamlattï*** – у уйини супуртирди ва (уй) супурилди (***yamlatur, yamlatmaq***).

[يَشْنَتّى *yašnattï* (**йашнатти**) – яшнатди] ***Täŋri yašïn yašnattï*** – Тангри яшин (чақмоқ) яшнатди. Кишининг қилич ва бошқа нарсаларни ялтиратишига ёки ҳар бир ялтироқ товланадиган нарсага ҳам шу сўз қўлланади.

(Шоир) шундай деган:

***Yašnap qïlïč bašïnï üzä qaqqïl yara,***
***Bïčïp anïŋ boynï taqï qalqan tura.***

Айтмоқдаки: Қилични ёв боши устида ялтират, у билан ёв бўйни кесилсин. Қилични ёвнинг бошига ур, у билан ёв қалқони пачоқлансин.

## Бу бўлимнинг бошқа бир тури

ل *l* [ҳарфи]:

[يَيْلَتّى *yaylattï* (**йайлатти**) – яйлатди, яшатди] ***ol anï tağda yaylattï*** – у уни ёзда тоғда ва бошқа ерларда яшатди (***yaylatur, yaylatmaq***).

## Бу бўлимнинг *manqūš* тури

ن *n* [ҳарфи]:

[بُيْنَتّى *boynattï* (**бўйнатти**) – бўйин товлаттирди] ***ol oğlannï ïšqa boynattï*** – ўғлидан ишга бўйин товлаттирди (***boynatur, boynatmaq***).

[سَيْپَتّى *saypattï* (**сайпатти**) – сарф қилди] ***ol tawarïn saypattï*** – у молини исроф қилдирди (***saypatur, saypatmaq***).

ر *r* [ҳарфи]:

[سَيْرَتْتِى *sayrattï* (**сайратти**) – кўп гапиртирди] ***ol aŋar sayrattï sözüg*** – у уни кўп гапиртирди (***sayratur, sayratmaq***).

ن ***n*** [ҳарфи]:

[قَيْنَتْتِى ***qaynattï*** (**қайнатти**) – қайнатди] ***ol ešič qaynattï*** – у қозон қайнатди (***qaynatur, qaynatmaq***).

**Бу бўлимнинг *ğunna* лари**

ر ***r*** [ҳарфи]:

[اِنْكَرَتْتِى ***ïŋrattï*** (**ингратти**) – ингратди] ***ol anï ïŋrattï*** – у уни ингратди (***ïŋratur, ïŋratmaq***).

د ***d*** [ҳарфи]:

[مِنْكَدَتْتِى ***miŋdättï*** (**мингдатти**) – юмдалатди] ***ol anïŋ sačïn miŋdättï*** – у унинг сочини юмдалатди (***miŋdär, miŋdämäk***).

ر ***r*** [ҳарфи]:

[جِنْكَرَتْتِى ***jïŋrattï*** (**жингратти**) – жинғирлатди] ***ol qoŋrağu jïŋrattï*** – у қўнғироқни жинғирлатди (***jïŋratur, jïŋratmaq***).

[مَنْكَرَتْتِى ***maŋrattï*** (**мангратти**) – бақиртирди] ***ol anï maŋrattï*** – у уни бақиртирди (***maŋratur, maŋratmaq***).

[مُنْكَرَتْتِى ***müŋrättï*** (**мунгратти**) – муъратди] ***ol uδnï müŋrättï*** – у ҳўкизни муъратди.

[مِنْكَرَتْتِى ***meŋrättï*** (**менгратти**) – шақиллатиб қайнатди] ***ot ešični meŋrättï*** – ўт қозонни шақиллатиб қайнатди.

[مُنْكَرَتْتِى ***müŋürättï*** (**мунгуратти**) – бўкиртирди] ***ol erni urup müŋürättï*** – у кишини ҳўкиздай бўкиртириб урди (***müŋürätür, müŋürätmäk***).

ز ***z*** [ҳарфи]:

[مَنْكَزَتْتِى ***meŋzättï*** (**менгзатти**) – ўхшатди] ***ol bir näŋni birkä meŋzättï*** – у бир нарсани бошқа бир нарсага ўхшатди (***meŋzätür, meŋzätmäk***).

ل ***l*** [ҳарфи]:

[تَنْكَلَتْتِى ***taŋlattï*** (**танглатти**) – танг қолдирди] ***ol meni taŋlattï*** – у мени танг қолдирди, ҳайрон қолдирди (***taŋlatur, taŋlatmaq***).

[تِنْكَلَتْتِى ***tïŋlattï*** (**тинглатти**) – тинглатди] ***ol meŋä söz tïŋlattï*** – у менга сўз тинглатди (***tïŋlatur, tïŋlatmaq***).

[سَنْكَلَتْتِى ***saŋlattï*** (**санглатти**)] ***ol qušnï saŋlattï*** – у каклик ва бошқа кушларнинг патини юлдирди (***saŋlatur, saŋlatmaq***).

[مَنْكَلَتْتِى ***mäŋlättï*** (**манглатти**) – донлатди, дон едирди] ***ol qazïğ mäŋlättï*** – у ғоз ва бошқа паррандаларни донлатди, дон едирди (***mäŋlätür, mäŋlätmäk***).

**Бу бўлимнинг *miṣāl* тури**

[يَنْكَزَتْتِى ***yaŋzattï*** (**йангзатти**) – очиб ташлатди] ***ol aŋar sözüg yaŋzattï*** – у унга яшириш керак бўлган сўзни очиб ташлатди; сирини ошкор қилдирди (***yaŋzatur, yaŋzatmaq***).

ش ***š*** [ҳарфи]:

[يَنْكَشَتْتِى ***yaŋšattï*** (**йангшатти**) – кўп сўзлаб бош оғритди] ***ol anïŋ bašïn yaŋšattï*** – у (кўп сўзлаб) унинг бошини оғритди (***yaŋšatur, yaŋšatmaq***).

ل ***l*** [ҳарфи]:

[يۆنلتتى *yuŋlattï* **(йунглатти)** – юнгини қирқтирди, кестирди] ***ol qoyuğ yuŋlattï*** – у қўйнинг ва туясининг юнгини кестирди (***yuŋlatur***, ***yuŋlatmaq***).

Қоида. Бу бобнинг буйруғи тўрт ҳарфлидир. Чунончи, ***tawrat*** – тезлат, ***tebrät*** – ҳаракатлантир каби. Бу бобнинг бўлишсизи: ***tawratma*** – тезлатма, шоширма; ***tebrätmä*** – ҳаракатлантирма каби.

Бу бобнинг буйруқ шаклида бир ҳарфнинг такрорланадиганлари камчиликни ташкил қилади: ***išïğ artat*** – ишни буз, ***anï sïğtat*** – уни йиғлат каби.

Ишнинг ишловчисини англатадиган шакл бу бобда ***tawratğučï*** – тезлатувчи, ***tebrätgüči*** – ҳаракатлантирувчи шаклларидир. Ўғузчада бу шакл ***tawrattačï***, ***tebrättäči*** шаклларидир.

Ишнинг давомийлигини кўрсатувчи шакл ***tawratğan*** – юришда шошиладиган, ***tebrätgän*** – кўп ҳаракат қиладиган шаклларидир.

Ишга иштиёқмандликни билдирувчи шакл ***tawratïğsaq er*** – ишни тезлаттиришни истайдиган киши; ***ol yïğačïğ tebrätigsäk-ol*** – у дарахтни тебраттиришни истайдигандир.

Ишни ишлаш унинг вазифаси эканлиги мазмунини англатувчи шакл ***ol tawratïğlïq-ol*** – унинг вазифаси тезлаттиришдир; ***ol tebrätiglig erdi*** – унинг вазифаси ҳаракатлантиришдир ёки ишни тугатишга оз қолди, тугатаёзди, демакдир.

Ўғузларнинг баъзилари бу сўздаги *lām* ҳарфини *sīn* га айлантирадилар. Чунончи, улар бу шакл ўрнида ***ol tawratïğsaq erdi*** (унинг вазифаси тезлатиш эди) шаклини қўллайдилар; ***ol tebrätigsäk erdi*** – унинг вазифаси ҳаракатга солиш эди. Бу тилда ушбу сўзлар охиридаги *kāf* [*g*] ва *qāf* ни *yā* [*ï, i*] га айлантирадилар. Чунончи, ***ol tawratïğsï erdi*** ёки ***tebrätigsi erdi*** каби. Бу вариантнинг маъноси ҳам аввалгидек. Лекин биринчи шакл бунга мувофиқдир. Баъзилар бунда ҳам асл туркларга эргашадилар, уларникига мувофиқ қўллайдилар.

Кўнглидаги ишни ишлашга муваффақ бўлганликни англатувчи шакл: ***ol tawratïğlï-ol*** – у ортиқ даражада шошилди ва унга эришди; ***ol tebrätigli-ol*** – у жуда ҳаракатчандир ва шундай ҳаракат қилишга яқинлашди маъносидадир.

Ишланган нарса маъносини билдирадиган шакл: ***tawratmïš / tïwratmïš yïp*** – йигирилган ип; ***tebrätmiš näŋ*** – тебратилган нарса.

Пайт оти, жой оти, қурол отларининг қоидаси юқоридагичадир: ***tawratğu / tïwratğu yïp*** – йигириладиган ип, ***tebrätgü näŋ*** – унинг воситаси билан ҳаракат қилинувчи нарса, ***tebrätgü yer*** – тебратадиган ер, ***tebrätgü oğur*** – ҳаракат қилинадиган вақт, ***tawratğu yer*** – ҳаракат қилинадиган жой, ***tawratğu oğur*** – шошиладиган вақт. Бу шаклдаги исми макон (жой оти), ҳаракат отлари ўғуз тилида ***tawratasï yer*** ва ***tebrätäsi oğur*** тарзида қўлланади.

Бу бобдан ишнинг икки киши биргаликда амалга оширганлигини билдирувчи шакл ўзак охирига *sīn* қўшиб ясалади. Чунончи, ***ol yïğač tebrätišdi*** – у дарахт силкитишда кўмаклашди ёки баҳслашди. Яна: ***ol anïŋ birlä tawratišdï*** – у унинг билан тез юришда кучини синаш учун баҳслашди.

Бу боб бир неча хилдир.

Биринчиси, ўзида *lām* ҳарфи бор феъллардир. Буларнинг кўпи асли икки ҳарфли исмлардир, уларга *-lattï, -lätti* қўшимчаси қўшилиб, феъл ясалгандир. Чунончи, ***ol anï emlätti*** – у уни даволатди, демакдир. Бу сўзда ***em*** ўзакдир. Яна: ***buğday atïğ kemlätti*** – буғдой отини касал қилди. Бу сўзда ***kem*** – "касаллик" маъносидадир.

Булардан бошқа ҳарфли феъллар бир-биридан фарқ қилади. Улардан айримлари тўрт ҳарфли бўлиб, уларнинг айримлари юқоридаги феъл бобларида айтилди. Тўрт ҳарфли феъллардан юмшатиш – чўзғи ҳарфлари туширилиб, ўрнига такрорланувчи ҳарфлар қўйилади. Чунончи, ***ol anïŋ yüzin tarmadï*** – у унинг юзини тирнади; ***tarmadï*** феъли тўрт

ҳарфлидир. Бунинг буйруқ шакли ***tarma*** демакдир. Бу тўрт ҳарфлидир. Феълни икки ишловчидан ўтувчи ўтимли қилиш учун бу тўрт ҳарфли феълдан *alif* [*a*] чўзғиси туширилиб, унинг ўрнига *tā* ҳарфи орттириш билан тўрт ҳарфлига кўчгандир: ***ol anï tarmattï*** – у уни тирнатди. Буйруғи ***tarmat*** – уни тирнатдир. Ўзинг кўрганингдек, *tā* ҳарфи қўшилгани учун *alif* ҳарфи туширилган. Яна: ***ol anï bağdaďï*** – у унинг оёғини боғлади, оёғидан чалди. Буйруғи ***bağda*** (боғла) тўрт ҳарфлидир. Икки ишловчидан ўтувчи феълга айлантириш учун *ta* орттирилган ва *alif* туширилиб, ***ol anïŋ aδaqïn bağdattï*** дейилади, "у унинг оёғини боғлатди" демакдир. Бунинг буйруги ***bağdat*** – унинг оёғини боғлат, демакдир. Биринчи боб шу усулда тузилади.

Айрим феъллар исмлардан ясалади. Чунончи, ***ol bözüg qaršattï*** – у бўзни ўлчатди. Асли ***qarïš*** – "қарич"дир. Яна: ***ol anï qorqutïï*** – у уни қўрқитди, демакдир. Асли ***orqunč / qorqïnč*** дир. Яна: ***ol yerig ağlattï*** – у ерни бўшатди, ҳоли қилди. Асли ***ağlaq yer*** – "бўш, холи жой", демакдир. Бу феълларнинг охирига *tā* орттириш натижасида *alif* туширилади.

Бу бобнинг кўпчилиги икки фоилга ўтувчи феъллардир. Бири буюрувчи, иккинчиси бажарувчидир. Бу феълларнинг айримлари тўрт ҳарфли ўтимсиз феъллар бўлади. Улар *tā* ҳарфи орқали ўтимлига айланади. Чунончи, ***at semridi*** – от семирди каби; ***er atïn semritti*** – киши отини семиртирди; ***näŋ öklidi*** – нарса тўпланди, кўпайди; ***er näŋini öklitti*** – киши нарсасини кўпайтирди.

Бу бобнинг иккинчи хили бу маъноларни англатмай, ўз ҳолича қўлланади. Чунончи, ***er tawrattï*** – киши шошилди, каби; ***oğlan ulğattï*** – бола ва бошқалар улғайди.

Тангрига шукр бўлсинки, *muďā'af* лар бўлими тугади.

بسم الله الرحمن الرحيم

**[(Сўзимни) раҳмдил ва меҳрибон Оллоҳнинг номи билан (бошлайман)]**

## БУ *MIṢĀL* СЎЗЛАР[55] КИТОБИДИР

### ИККИ ҲАРФЛИЛАР БОБИ

ب ***p*** [ҳарфи]:

يَبْ ***yap*** **(йап)** – доира, гирдак шаклидаги ҳар қандай нарса; бундан олиб ***yap yarmaq yoq*** дейилади, "менда юмалоқ танга [танга пул] йўқ" демакдир.

يَبْ ***yap*** **(йап)** – япоғ [тугилиб, ўралашиб қолган юнг]; бундан олиб ***yuŋ-yap*** дейилади, "юнг ва япоғ" демакдир.

يِبْ ***yïp*** **(йип)** – ип.

يِبْ ***yïp*** **(йип)** – отларни боғлаб қўйиладиган узун арқон. "Ип"ни ҳам ***yïp*** дейилади.

ت ***t*** [ҳарфи]:

يَتْ ***yat*** **(йат)** – (Худодан) сўраб махсус тошлар (яда тоши) билан ёмғир, шамол ва бошқаларни чақириш маросимидир. Бу маросим улар орасида кенг тарқалган. Мен буни яғмолар юртида ўз кўзим билан кўрдим. У ерда чиққан бир ёнгинни сўндириш учун шундай маросим ўтказилган эди, Тангри таъолонинг изни билан ёзда қор ёғди ва кўз олдимда ёнғинни сўндирди.

ر ***r*** [ҳарфи]:

يَرْ ***yar*** **(йар)** – сўлак; ***anïŋ yarï aqtï*** – унинг сўлаги оқди.

يِرْ ***yïr*** **(йир)** – қўшиқ, нағма; ***ol yïr yïrladï*** – у қўшиқ айтди. Кўпинча бу сўз ғазалга [яъни, шеърга] нисбатан қўлланади. Бу сўзни ***ïr*** тарзида ҳам талаффуз қилинади. Ҳарф алмаштирилгандир.

ش ***š*** [ҳарфи]:

يَشْ ***yaš*** **(йаш)** – кўкат, сабза, барра, ёш ўт; ***yaš ot*** – ёш, барра ўт. Бу сўз ***yaš-yuš*** кўринишида қўшма ҳолда эргаш сўз билан ҳам қўлланади.

يُشْ / يِشْ ***yuš / yïš*** **(йуш / йиш)** – тўпланиш; ***boδun yuš / yïš boldï*** – халқ тўпланди, уюшди (ўғузча).

يِشْ ***yïš*** **(йиш)** – юқорилик. Чунончи, ***art yïš*** – юқорилик ва қуйилик.

اِينْ ***ïn*** **(ин)** – қуйилик; ***art*** – чиқиш қийин бўлган баландлик, довон.

ق ***q*** [ҳарфи]:

يُقْ ***yuq*** **(йуқ)** – идиш юқи. Бу сўзни ***yaq*** эргаш сўзи билан бирга, ***yuq-yaq*** тарзида қўшма ҳолда ҳам қўллайдилар.

[يُقْ ***yuq*** **(йуқ)**] ***yuq yer*** – юқори ер.

ك ***k*** [ҳарфи]:

يُكْ ***yük*** **(йук)** – юк; ***bir yük buğday*** – бир юк буғдой. Оғир юк ва бошқалар.

ل ***l*** [ҳарфи]:

يُلْ ***yul*** **(йул)** – булоқ кўзи, булоқ оғзи; ***čoqrama yul*** – суви отилиб чиқадиган булоқ, дейиш шундандир.

يِلْ ***yïl*** **(йил)** – йил; ***bir yïl kečti*** – бир йил ўтди.

م ***m*** [ҳарфи]:

---

[55] Бош ҳарфи *yā* ли (яъни [*y*], [*i*], [*ï*] товушли) сўзлар кўзда тутилмоқда.

يَمْ ***yam*** **(йам)** – кўзга тушадиган хас, чўп; ***közkä yam tüšti*** – кўзга чўп тушди.

يَمْ ***yem*** **(йем)** – хушбўй, доривор ўтлар; ***ot-yem*** – овқатга солинадиган кашнич, райҳон, ялпиз, зира сингари хуш исли нарсалар ҳар вақт ***ot*** сўзи билан қўшма ҳолда айтилади. Айрим қўлланмайди.

ن ***n*** [ҳарфи]:

يِنْ ***yin*** **(йин)** – тезак; ***qoy yini*** – қўй қумалоғи.

يِنْ ***yin~yïn*** **(йин)** – ин; ***arslan yini*** – арслон ини. Тулки ва бошқа йиртқичлар инига ҳам ***yin*** дейилади. Мақолда (шундай келган): ***Tilkü öz yinikä ürsä, uδuz bolur.*** Маъноси: "Тулки ўз инидан нолиса, унга номус бўлади". Бу сўз ўз қабиласини маломат қилувчиларга нисбатан айтилади. (Шоир) шундай деган:

***Quš-qurt qamuğ tirildi,***
***Erlik-tüši terildi.***
***Ügür alïp tarïldï,***
***Yinqa yana kirgüsüz.***

Кўкламни таърифлаб айтмоқда: Қуш-қуртлар кўкламнинг ёқимли шамоли билан қайта тирилишди. Эркак-урғочилари тўпланишди. Тўда-тўда бўлиб таркалишди. Улар инига қайта киришмайди.

Бу сўзларнинг ҳаммасини ёзувда *manqūṣ* бўлимига киритиб, талаффузда юмшатиш ҳам мумкин эди. Лекин бу тўғрироқдир.

## ***fa'l, fu'l, fi'l*** қолипидаги ўрта ҳарфлари ***sukun*** ли сўзлар бўлими

ب ***p*** [ҳарфи]:

[يَرْبْ ***yarp*** **(йарп)**] ***yarp näŋ*** – маҳкам, пухта нарса.

يَرْبْ ***yarp*** **(йарп)** – киши севинганда пайдо бўладиган юз очиқлиғи; ***anïŋ yarpï yazïldï*** – севинчдан унинг юзи ёришди.

ت ***t*** [ҳарфи]:

يُرْتْ ***yurt*** **(йурт)** – хароба ҳолидаги бино излари, кўрғон ва бошқалар.

يَلْتْ قَيَا ***yaltqaya*** **(йалтқайа)** – қоя, ҳар бир қаттиқ, пишиқ, мустаҳкам нарса.

ج ***č*** [ҳарфи]:

يُرْجْ ***yurč*** **(йурч)** – хотиннинг ўғил укаси. Эрнинг ака-укаси билан хотиннинг ака-укасини фарқ қилиб шундай дейилади. Эрнинг кичик укасига ***ini*** дейилади, ёши катта бўлса, ***eči*** дейилади. Эркакларнинг ўзидан кичик қиз укасига ***siŋil*** дейилиб, ўзидан катта қиз биродарига ***äkä*** дейилади. Хотиннинг ўзидан кичик қиз биродарига ***baldïz*** дейилиб, ўзидан каттасига ***äkä*** дейилади.

د ***d*** [ҳарфи]:

يُنْدْ ***yund*** **(йунд)** – от. Бу сўз "туя" сўзи каби бирликка ҳам, кўпликка ҳам қўлланаверадиган турдош отдир; ***yund eti yipar*** – от гўштидан ёқимли ҳид келади, демакдир. Гўшт қайнатилиб, қозондан олиб қўйиб совутилгач, ундан ёқимли бир ҳид келади.

يُنْدْ ***yund*** **(йунд)** – туркларнинг ўн икки йилидан бирининг оти. Уни ***yund yïlï*** дейилади, "от йили" демакдир.

Бу бўлим тил ва лаб товушларидан ташкил топган. Шунинг учун бу бўлим исмлари оздир.

**Ўрта ҳарфи *alif* [*a, ă*]; *vāv* [*u, ŭ*] ва *yā* [*ï, i*] бўлган *fa'al, fa'ul, fa'il* қолипидаги сўзлар бўлими**

ت *t* [ҳарфи]:

[يُدُتْ ***yuδut*** **(йудут)**] ***yuδut näŋ*** – яхшилиги бўлмаган, яхшилиги йўқ нарса. Бировни сўкканда, ҳақорат қилганда ***yuδut*** дейилади, "яхшилиги йўқ; ёмон" демакдир.

[يَشُتْ ***yašut*** **(йашут)**] ***yašut näŋ*** – яшириладиган нарса. Қўшма ҳолда ***yašut-bekŭt*** ҳам дейилади, "яшириладиган, беркитиладиган нарса" демакдир.

يِكِتْ ***yigit*** **(йигит)** – ҳар нарсанинг ёши.

يَمَتْ ***yemät*** **(йемат)** – "хўп, майли" маъносидаги бир сўз. Сўз бошидаги *yā* ҳарфини *alif* га алмаштириб, ***emät*** тарзида талаффуз қилиш ҳам бор.

يَنُتْ ***yanut*** **(йанут)** – ўрнига, эвазига, бадалига, бараварига.

ج *č* [ҳарфи]:

يَسِچْ ***yasïč*** **(йасич)** – ўқнинг ясси ва узун учи, уч қисми.

يِغَچْ ***yïğač*** **(йиғач)** – ёғоч.

يِغَچْ ***yïğač*** **(йиғач)** – эр киши олати.

يِغَچْ ***yïğač*** **(йиғач)** – бир фарсаҳ [ўн икки минг қадам узунлигидаги жой]; ***bir yïğač yer*** – бир фарсаҳ узунлигидаги ер.

يِغَچْ ***yïğač*** **(йиғач)** – дарахт; ***üzüm yïğači*** (узум дарахти); ***yağaq yïğači*** (ёнғоқ дарахти) дейилиши ана шу маънодадир. Бу маънода қўлланганда "дарахт"ни يِغَچْ ***yïğač*** деб *alif* билан айтиш ва ёзиш يِغَچْ ***yïğač*** деб *alif* сиз айтишдан кўра яхшироқдир.

يُغَچْ / يُغَچْ ***yoğač / yoğuč*** **(йўғач / йўғуч)** – ариқ ва дарёнинг нариги қирғоғи. Чунончи, киши бир ерда турганда унинг рўпараси ***yoğač / yoğuč*** бўлади. ***yoğač / yoğuč kečtim*** – дарёнинг бу тарафидан у тарафига ўтдим, демакдир.

ر *r* [ҳарфи]:

يَغِرْ ***yağïr*** **(йағир)** – яғир. Йирик уй ҳайвонлари (от, хачир, эшак)нинг яраси; ***yağïrlïğ at*** – яғирли, яғир яраси бор от.

يُكُرْ ***yügür*** **(йугур)** – дон, тариқ, буғдой. Бу сўзнинг ***ügür*** варианти ҳам бор.

يَمُرْ ***yamur*** **(йамур)** – кўричак. Ҳайвонлар кўричаги.

يُلُرْ ***yular*** **(йулар)** – отнинг югани, нўхтаси. Мақолда (шундай келган): ***Yund bašïn yularlap keŋlidi.*** Маъноси: "Отнинг бошини қайнатгандан кейин емоқчи бўлсанг, қочмаслиги учун унга аввал нўхта солиб боғла, кейин уни егин". Бу масални отдан фойдаланиш учун олдин уни яхши сақлашга, бўш қўймасликка ундаб айтилади.

ز *z* [ҳарфи]:

يِتِزْ ***yetiz*** **(йетиз)** – ҳар бир энли, кенг нарса; ***yetiz qaδïš*** – энли қайиш, демакдир; ***yetiz yer*** – кенг ер.

يَغِزْ ***yağïz*** **(йағиз)** – қизил билан қора ўртасидаги бир ранг, қўнғир ранг. Ернинг ранги шунга ўхшатилиб, ***yağïz yer*** дейилади.

[يَغِزْ ***yağïz*** **(йағиз)**] ***yağïz at*** – чавкар от.

يَغُزْ ***yawuz*** **(йавуз)** – ҳар нарсанинг ёмони.

[يُمُزْ / يُمُزْ ***yumuz / yumïz*** **(йумуз / йумиз)**] ***yumuz / yumïz er*** – калтабақай, семиз пакана киши, юмалоқ одам.

يَمِزْ ***yamïz*** **(йамиз)** – икки соннинг икки ёни, чов, соннинг бошлари. Икки соннинг бош томонлари.

ش *š* [ҳарфи]:

يَرِشْ ***yariš*** **(йариш)** – пойга, от пойгаси; ***ol at yarištï*** – у отда пойга қилди.

يَرِشْ ***yarïš*** **(йариш)** – тақсим, икки киши ўртасида тақсимлаш.

يَغْشْ ***yağïš*** **(йағиш)** – жоҳилия давридаги кишиларнинг бутларга сигиниб уларга атаб сўядиган қурбонликлари.

[يَقْشْ ***yawaš*** **(йаваш)**] ***yawaš kiši*** – ювош киши. Ювош ҳайвонларга ҳам шу сўз қўлланади. (Донишманд) шундай деган:

***Qoldaš bilä yarašğïl,***
***Qaršïp adïn üdürmä.***
***Bek tut yawaš taqağu,***
***Süwlin yazïn edärmä.***

Насиҳат қилиб айтмоқда: Қўлдошинги ҳурмат қил, яхши муомалада бўл. Қаршилик қилиб, уни ташлаб, бошқа билан бўлиб кетма. Уйдаги товуқни боқолмасанг, дуррож [саҳродаги ёввойи қуш]ни боқаман деб овора бўлиб юрма.

يُفْشْ ***yöwüš*** **(йўвуш)** – қариндошларга мол ва кийим билан кўмаклашиш. Бу, асосан, келинлар тўёнасига қўлланади. У қариндош-уруғларнинг унга аталган ҳадяларидир. Мақолда (шундай келган): ***Yöwüšlüg kelin küdägü yawaš bulur.*** Маъноси: "Яқинлари томонидан тўёналар билан сийланган келин куёв томонидан ҳам сийланади".

يُمْشْ ***yumuš*** **(йумуш)** – икки ва ундан ортиқ киши орасида элчилик. Бу сўздан олиб, "шоҳ"ни ***yumušči*** дейиш ҳам мумкин. Чунки "шоҳ" маъносидаги ***malik*** сўзи арабча "элчилик" маъносидаги الوكالة сўзидан олинган. Туркий қабилалар ملك ***malik*** атамасини мутлақо билмайдилар

يَمِشْ ***yemiš*** **(йемиш)** – мевалар, кўпинча, "дарахт меваси", яъни "ҳўл мева"га айтилади.

غ ***ğ*** [ҳарфи]:

يَتِغْ ***yatïğ*** **(йатиғ)** – уйқу, ётиб ухлаш; ***anï yatïğïnda tutğïl*** – уни уйқуда ётганда тут.

يِدِغْ ***yïdïğ*** **(йидиғ)** – ҳар қандай ҳидли нарса.

اَتْ يِدِغْ ***yïdïğ ot*** **(йидиғ ўт)** – исириқ; *Kāšğar* тилида, *uč* ва *barsğan* лар тилида ***elddürük*** дейдилар. Ўғузлар ***yüz erlik*** дейдилар.

يُدُغْ ***yuduğ*** **(йудуғ)** – бировнинг гуноҳига тойилиш, касрига қолиш; ***anïŋ yuduğï toqïndï*** – унга бировнинг гуноҳи етди [у бировнинг гуноҳининг касрига қолди].

يُدُغْ ***yuduğ*** **(йудуғ)** – болаларга айтиладиган сўкиш сўзи (канжаклар сўзи). Бу сўз ***yuδut*** сўзи кабидир.

يَرَغْ ***yarağ*** **(йарағ)** – фурсат ва имкон. Мақолда (шундай келган): ***Iš yarağïnda, sart asïğïnda.*** Маъноси: "Иш (буюрган) вақтида бажарилади, аммо савдогар фақат фойда кутади".

يِشِغْ ***yïšïğ*** **(йишиғ)** – қайишдан тўқилган боғ, бўйинтуруқ қайиши.

يَوُغْ ***yawuğ*** **(йавуғ)** – сел суви тоғлардан эндирган тош бўлаклари. Тоғ чўққисида одамлар, ҳайвонларнинг ҳаракатидан пастга юмалаб тушган тош парчалари ҳам ***yawuğ*** дейилади.

يَقَغْ ***yaqïğ*** **(йақиғ)** – шиш ва шунга ўхшаш яралар узра суртиладиган дори.

يَلِغْ ***yalïğ*** **(йалиғ)** – тож; ***taquq yalïğï*** – хўроз тожи деган ибора шундандир.

يَلِغْ ***yalïğ*** **(йалиғ)** – от ёли. Бу сўзнинг бир тилда ***yal*** варианти ҳам бор. Тўғриси ***yel*** кўринишли шаклидир.

يُلُغْ ***yuluğ*** **(йулуғ)** – фидо бўлиш. (Шоир) шундай деган:

***Miŋ kiši yuluğï bolup özüŋä,***
***Bergälär özün anïŋ köziŋä.***

Айтмоқдаки: Минглаб кишилар унга ўзларини фидо қиладилар, унинг кўзларини кўриш учун жонларини берадилар. ***öz*** сўзи бу байтда "жон" маъносидадир. Бу сўзнинг халқ тилида қандай маъноларда қўлланиши ўз ўрнида баён қилинди.

[يِلغ *yïlïğ* (йилиғ) – илиқ] ***yïlïğ suw*** – илиқ сув. Иссиқ билан совуқ орасидаги ҳар бир нарсага ҳам шу сўз қўлланади.

يَلغ *yalïğ* (йалиғ) – эгарнинг олдинги ва орқа қошлари. Уларни бир-биридан айириб аниқлаш учун ***öŋdünki yalïğ*** (олд қош), ***kedinki yalïğ*** (орқа қош) тарзида қўлланади.

يَنغ *yanïğ* (йаниғ) – қусуқ; ***ol yanïğ yandï*** – у кўп қусди.

يَنغ *yanïğ* (йаниғ) – яниш, ғазабланиш; ***beg yanïğïnda tüšmä*** – бек ва бошқалар янишига, ғазабига йўлиқма.

ق *q* [ҳарфи]:

يَتُق *yatuq* (йатуқ) – икки хил нарсадан тўқилган кийимлик, арқоғи юнг, ўриши ипдан тўқилади.

[يَتُق *yatuq* (йатуқ)] ***yatuq näŋ*** – ташланган, унутилган ҳар бир нарса. Ялқовларга ***yatuq kiši*** дейиш шундандир. Ўғузлар орасида ўз юртидан бошқа ерга чиқмайдиган, жанг қилмайдиганларни ҳам ***yatuq*** дейдилар, "ялқов, ташландиқ", демакдир.

يَتِق *yatïq* (йатиқ) – уйқу ва айни замонда ухлаш; ***anï yatïqïnda tuttï*** – уни уйқуда, уйқуда ётганда тутди.

[يَرُق *yaruq* (йарук) – ёруғлик] ***yaruq yer*** – ёруғ ер; ***yap-yaruq näŋ*** – ёп-ёруғ нарса.

يَرُق *yaruq* (йарук) – ердаги, девордаги, тоғлардаги, (чинни, сопол) идишлар ва бошқалардаги ёриқ, дарз: ***bu ayaqnïŋ yaruqï bar*** – бу идишнинг ёриғи бор.

يَرِق *yarïq* (йарик) – жангларда кийиладиган зирҳли кийим ва қалқоннинг ҳар иккисига қўлланадиган турдош от. Уларни фарқлаш учун "зирҳли кийим"ни ***kübä yarïq***, "қалқон"ни ***say yarïq*** дейилади.

[يُرِق *yorïq* (йўрик)] ***yorïq tïl*** – очиқ ва аниқ тил.

يُرِق *yorïq* (йўрик) – йўриқ, феъл, феълу хўй, муомала; ***anïŋ yorïqï netäg kiši bilä?*** – унинг кишилар билан муомаласи қандай?

يُرِق *yorïq* (йўрик) – юриш, юрамоллик, йўрғалиқ; ***at yorïqï netäg?*** – отнинг юриши қандай? Сув ва бошқа нарсаларнинг оқишига ҳам шу сўз қўлланади.

يَرِق *yarïq* (йариқ) – икки соннинг бир-бирига туташган, бир-биридан айриладиган устки, бош қисми. Бу сўз ***yarïldï näŋ*** (нарса ёрилди, айрилди) гапидаги ***yarïldï*** сўзидан олинган. Икки оёқнинг бири ўнгга, иккинчиси чапга айрилишига ишора.

يَزَق *yazaq* (йазақ) – ўтлоқ (яғмо ва тухсилар сўзи).

[يَزُق *yazuq* (йазуқ) – боғидан ечилган] ***yazuq at*** – бошвоқланмаган, боғидан ечилган от. Боғловдан ечилган ҳар қандай нарсага ҳам шу сўз қўлланади.

[يَزُق *yazoq* (йазўқ)] ***yazoq et*** – кузда ҳар хил хушбўй ўтлар билан қуритиб қўйилиб, кўкламда ейиладиган гўшт. Бу ***yaz-oq ye*** (кўкламдагина егин) иборасидан олинган. Чунки кўкламда моллар ориқлаб қолади. Бу хилдаги гўшт қуритган киши кўкламда ҳам семиз гўшт ейди.

يَزُق *yazuq* (йазуқ) – гуноҳ. Мақолда (шундай келган): ***Ot tütünsüz bolmas, yigit yazuqsuz bolmas.*** Маъноси: "Ўт тутунсиз бўлмайди, йигит гуноҳсиз бўлмайди".

يَسِق *yasïq* (йасиқ) – ёй идиши. Турк қабиласи тилида. Бу сўзни ўғуз ва қипчоқлар билмайдилар, улар буни ***qurman*** дейдилар. Мақолда (шундай келган): ***Opraq yasïqdïn tozluğ ya čïqar.*** Маъноси: "Эски ёй идишидан букланган ёй ҳам чиқади". Бу арабларнинг تَرى الرَّجُل النَّحِيفَ فَتَزْدَرِيهِ وَفِى أَثْوَابِهِ أَسَدٌ مَزِيدٌ деган иборасига тўғри келади.

يُلَق *yulaq* (йулақ) – бир қанча кичик-кичик сув йўллари (жилғалар); ***yol yulaq*** ибораси шундан олинган. Бунда *lām* га *qāf* ҳарфи қўшилган.

(Шоир) шундай деган:

***Aqturur közüm yulaq,***
***Tüš qilur ördäk, yuğaq.***

Айтмоқдаки: Кўзимдан оққан ёш сувлари жилғаларга айланмоқда. Унда ўрдак ва бошқа сув қушлари қўнаётир.

يُلَق ***yolaq*** **(йўлақ)** – юришга яроқсиз кичик йўл. У даштларда бўлади.

[يُلَق ***yolaq*** **(йўлақ)**] ***yolaq barčïn*** – йўл-йўл бекасам, шоҳи. Йўл-йўл чизиқлари бўлган ҳар қандай нарсаларга ҳам шу сўз қўлланади. Бу сўзнинг асли يُولَق дир.

ك ***g*** [ҳарфи]:

يِتُك ***yitüg*** **(йитуг)** – йўқолган нарса. Мақолда (шундай келган): ***Yitüglüg anasï qoyun ačar.*** Маъноси: "Нарсасини йўқотган (кимса) онасининг қўйини ҳам очиб қарайди". Яъни нарса йўқотган киши бунга ҳақли, бунда узрли, демакдир.

[يِتَك ***yitig*** **(йитиг)** – ўткир, қайралган] ***yitig pičäk*** – ўткир пичоқ. Қилич ва қиличга ўхшаш ўткир нарсаларнинг ҳаммасига ҳам шу сўз қўлланади.

[يِتَك ***yetig*** **(йетиг)**] ***yetig er*** – етук эр; ишларни ўрнига қўядиган киши.

يُرَك ***yüräk*** **(йурак)** – юрак.

يُرَكْلِك ***yüräklig*** **(йураклиг)** – юракли, ботир.

يُرُك ***yörüg*** **(йўруг)** – йўйиш, таъбир; ***tüš yörügi*** – туш таъбири.

يُرُك ***yörüg*** **(йўруг)** – сўзнинг маъноси ва очиқламаси; ***söz yörügi*** – сўзнинг очиқламаси.

[يُرَك ***yirük*** **(йирук)**] ***yirük ešlär*** – йирик хотин.

[يُرَك ***yirük*** **(йирук)**] ***yirük näŋ*** – узунасига ёрилиб бўлинган, шунинг учун кўркини йўқотган ҳар қандай нарса.

يِرَك ***yirük*** **(йирук)** – кемтик, лаби синиқ нарса.

يُزَك ***yüzük*** **(йузук)** – узук.

يِزَاك ***yizäg*** **(йизаг)** – аскарнинг олдинда борадиган қисми.

يِنَك ***yenik*** **(йеник)** – ҳар нарсанинг енгили.

ل ***l*** [ҳарфи]:

[يَسُل ***yasul*** **(йасул)**] ***yasul tağ*** – баланд тоғ. Ҳар қандай баланд ва чуқур нарсага ҳам ***yasul*** дейилади.

يَشِل ***yašïl*** **(йашил)** – ҳар нарсанинг яшили. Тўқ яшилга ***yap-yašïl*** дейилади. Жуфт ҳолда ***yašïl-yušul*** ҳам дейилади.

م ***m*** [ҳарфи]:

يَدِم ***yaδïm*** **(йадим)** – ўрин, тўшак; ***tülüg yaδïm*** – юнг тўшак. Бу асосли сўз эмасдир.

يَرِم ***yarïm*** **(йарим)** – нарсанинг ярми; ***almüla yarïmï*** – олма ва бошқа нарсаларнинг ярми.

يَرِم ***yarïm*** **(йарим)** – иккига айрилган ҳар нарсанинг ҳар икки бўлаги; ***butïq yarïmï*** – буток ярми. Бунинг асли "иккига айрилмоқ"дир.

يِشِم ***yišim*** **(йишим)** – совуқда икки оёққа кийиладиган поча.

[يِغَم ***yïğïm*** **(йиғим)**] ***yïğïm tupraq*** – йиғилган тупроқ; бунда ***nün mïm*** га алмашган.

[يَلَم ***yalim*** **(йалим)**] ***yalïm qaya*** – қаттиқ тоғ, қоя. Мақолда (шундай келган): ***Telim sözüg uqsa bolmas, yalïm qaya yïqsa bolmas.*** Маъноси: "Кўп сўзни тушуниб бўлмайди, қаттиқ тошни йиқитиб [синдириб] бўлмайди". Бу мақол сўзни чўзмасликка ундаб айтилади.

يِلِم ***yelim*** **(йелим)** – тук ва шунга ўхшаш нарсаларни ёпиштиришга ишлатиладиган елим. Балиқ елимига ҳам ***yaruq yelim*** дейилади.

ن ***n*** [ҳарфи]:

بَيَن ***bayan*** **(байан)** – тўқ қизил. Келинчак гули дейилган гул рангидаги ҳар қандай нарса. Мақолда (шундай келган): ***Qïlnu bilsä, qïzïl keδär, yaranu bilsä, yašïl keδär.*** Маъноси: "Хотин

шўх ва ишвали бўлгиси келса, қизил ипаклик кияди, нозли бўлгиси келса, кўк ипаклик кияди". Яъни, эр ҳурматига сазовор бўлган кийим кийинади.

يَتَن ***yatan*** **(йатан)** – ёғочдан ясалиб, у билан ўқ отиладиган ёй, камалак.

يَتَن ***yatan*** **(йатан)** – пахтани, юнгни титадиган ёй.

يَرِن ***yarïn*** **(йарин)** – кифт суяги. Турклар бунинг билан боғлаб шундай дейдилар: ***Yarïn bulğansa, iyül (el?) bulğanur.*** Маъноси: "Кифт суягига кулфат етса, элга кулфат етади".

يُرُن ***yurun*** **(йурун)** – ипак кийимлик; ***yurun yuqa*** дейилиш ҳам шундан.

يَشِن ***yašïn*** **(йашин)** – чақмоқ. Турк ҳикматида шундай дейилади: ***Kimiŋ bilä qaš bolsa, yašïn yaqmas.*** Маъноси: "Кимнинг ёнида қош тоши (у бир оқ, тиниқ тошдир) бўлса, унга чақмоқ зарар бермайди". Чунки у тошнинг хислати шундай: ҳаттоки, у тошни бўзга ўраб ўтга ташланса, бўз ҳам, тош ҳам куймайди. Бу синалгандир. Ташна киши оғзига солса, ташналикдан қутулади.

[يِغْن ***yïğïn*** **(йиғин)**] ***yïğïn tupraq*** – тупроқ ва бошқа нарсалар уюми.

يَقِن ***yaqïn*** **(йақин)** – ҳар нарсанинг яқини; ***yaqïn yer*** – яқин ер; ***yaqïn er*** – дўстлардан яқини. (Кўпни кўрган) шундай деган:

***Yaqïn yağuq körmädïp näŋni küdür,***
***Qaδaš tapa ït kibi qïŋru baqar.***

Кишилар орасидаги вафосизликни таърифлаб айтмоқда: Кишилар яқинларини, биродарларини ҳурмат қилмайдилар. Молу дунёга аҳамият бериб, сўнгакни (ўзидан) бошқадан қизғанган ит сингари ўз биродарларига ёмон кўз билан қарайдилар.

يِگَن ***yigän*** **(йиган)** – бир турли ўсимлик.

يَلِن ***yalïn*** **(йалин)** – ялин, яллиғ; ***ot yalïnï*** – олов яллиғи.

يُلُن ***yulun*** **(йулун)** – бўйин сўнгаги ичидаги оқ илик, ҳаром мағиз.

يِلِن ***yelin*** **(йелин)** – байтал елини. Бир тирноқли ҳайвонлар елинига ҳам шу сўз қўлланади.

### Ўртаси ҳаракатли сўзларнинг бошқа бир тури

غ ***ğ*** [ҳарфи]:

[يَيغ ***yayïğ*** **(йайиғ)**] ***yayïğ kiši*** – ҳардамхаёл киши.

ق ***q*** [ҳарфи]:

[يَيق ***yayïq*** **(йайиқ)**] ***yayïq kiši*** – бу сўз ҳам аввалги маънода. Бу сўзнинг ҳам ***pïšïğ et, pïšïq (et)*** – пишган гўшт каби (***ğayn*** ва ***qāf*** ли) вариантлари бор.

[م ***m*** ҳарфи]:

يِم ***yim*** **(йим)** – бир турли ўсимлик уруғи. У кунжут донаси кабидир. Лекин ундан қизилроқ бўлади. Ёғидан чироқни ёқиш учун фойдаланилади.

### Бош ва охири ҳарфи иллатли сўзлар бўлими

[ب ***p*** ҳарфи]:

يَپَا ***yerä*** **(йепа)** – ҳар бир нам ва рутубатли нарса (ўғузча).

يَپِى ***yapï*** **(йапи)** – эгар устига қўйиладиган ёстиқ, кўрпача (чигилча).

ر ***r*** [ҳарфи]:

[يَرُو ***yaru*** **(йару)**] ***yaru yelim*** – балиқ тароғи.

يُرَا ***yörä*** **(йўра)** – ҳар қандай нарсанинг тевараги (ўғузча).

ز ***z*** [ҳарфи]:

يَزِى ***yazï*** (**йази**) – бўшлиқ, очиқ ер.

س ***s*** [ҳарфи]:

[يَسِى ***yasï*** (**йаси**) – ясси] ***yasï näŋ*** – ясси, кенг нарса.

غ ***ğ*** [ҳарфи]:

يَغِى ***yağï*** (**йағи**) – ёв.

ۋ ***w*** [ҳарфи]:

يَۋا ***yawa*** (**йава**) – ўғузларнинг бир қабиласи. Бу сўзнинг *vāv* билан *yava, alif* билан ***awa*** шаклида талаффузи ҳам бор.

يَۋا ***yawa*** (**йава**) – тиканли ўсимлик.

[يَۋا ***yawa*** (**йава**)] ***yawa yer*** – совуқдан холи, иссиқ ер.

ق ***q*** [ҳарфи]:

يَقا ***yaqa*** (**йақа**) – кийимнинг ёқаси.

[يَقِى ***yaqï*** (**йақи**)] ***yaqï-yuqï er*** – лаганбардорлик қилувчи киши.

يَقۇ ***yaqu*** (**йақу**) – ёмғирли жой. Бу сўзнинг асли ***yağqu*** бўлган, кейинчалик енгиллатилган.

ك ***g*** [ҳарфи]:

[يِگِى ***yigi*** (**йиги**)] ***yigi yïğač*** – ёғочлари бир-бирига ўралашиб кетган кўп дарахт. Баъзан *kāf* туширилиб, ***yi yïğač*** шаклида ҳам талаффуз қилинади; ***yigi tïš*** – зич тиш, демакдир; ***ton yigi tik*** – тўнни зич қилиб, туташтириб, пишиқ қилиб тик. Тикишга ***yi*** дейилади. Бунинг асли ***yigi*** дир.

ل ***l*** [ҳарфи]:

يَلا ***yala*** (**йала**) – туҳмат; биров ҳақида ёмон фикрда бўлиш. Бир хил қат-қат нонга ***yalačï yuğa*** дейилади. Яъни нозиклигидан "бир нарсага сал тегиши билан ушалиб кетадиган нон", демакдир. Нон ёпувчи, буни сен синдирдинг, деб ёнидаги кишига туҳмат қилади.

يُلا ***yula*** (**йула**) – чироқ, қандил. (Кўпни кўрган) шундай деган:

***Tegmä ïwät ašqa körüp turğïl elä,***
***Čaqmaq čaqïp ïwsä qalï uδïnur yula.***

Айтмоқдаки: Ишга шошиб киришма, унинг кириш жойига диққат қил, эҳтиёт бўл, шошилиб чақмоқ чақиб чироқ ёндирмоқчи бўлган кишининг шошишидан чироқ ўчади.

يَلۇ ***yalu*** (**йалу**) – тойлар боғланадиган арқон. Биялар соғилаётганда тойлар теварагида ўтлаб туриши учун арқонга боғланади.

م ***m*** [ҳарфи]:

يَمۇ ***yemü*** (**йему**) – "сўзимни қабул қилдингми?, айтганимни тушундингми?" деган маънодаги сўздир; ***sen barğïl yemü*** гапининг маъноси "сен боргин, хўпми", демакдир. Бунинг асли ***ye*** – "хўп"дир; *mīm* ва *vāv* [яъни *ü*] ҳарфларидан ташкил топган *-mü* сўроқ аффиксидир.

ن ***n*** [ҳарфи]:

يَنا ***yana*** (**йана**) – ёрдамчи сўз; маъноси "яна, иккинчи марта"дир; ***yana keldi*** – яна, иккинчи марта келди, каби.

**Бу бўлимнинг бошқа бир тури**

يَيا ***yaya*** (**йайа**) – думба, фақат инсон думбасига нисбатан қўлланади.

و ***v*** [ҳарфи]:

يَوا ***yava*** (**йава**) – унинг суви билан тутмочга ранг бериладиган бир хил тиканли ўсимлик (طرڭوث). Жарангли ف ***wā*** ҳарфли ***yawa*** варианти ҳам бор.

يَوا ***yava*** (**йава**) – ўғуз қабилаларидан; ***yawa*** нинг бошқа бир шакли. Ўғузларда "иссиқ ер" ***yawa yer*** дейилади. Юқорида айтганим каби *vāv* ҳарфи жарангли ف ***wā*** га алмашади.

### *fa'lal* қолипидаги сўзлар бўлими

ت *t* [ҳарфи]:
يتى *yeti* **(йети)** – етти сони; ***yeti qat kök*** – етти қат кўк, дегандаги каби.

### *fav'al* қолипидаги сўзлар

[ج *č* ҳарфи]:
يُولچ *yulič* **(йулич)** – эчкининг майин юнги, тивит.
غ *ğ* [ҳарфи]:
يوغا *yuğa* **(йуға)** – қат-қат нон.
يَيغُق *yayğuq* **(йайғуқ)** – байтал эмчакларининг учи. Қипчоқларнинг баъзилари ***yazğuq*** дейдилар.

### Ҳар хил ҳаракатлар билан келган *fa'āl* қолипидаги сўзлар бўлими

يَنُوتْ *yanut* **(йанут)** – жавоб; ***söz yanutï*** – сўзнинг жавоби.
يَنُوتْ *yanut* **(йанут)** – ўрнига-ўрин, баҳо.
ج *č* [ҳарфи]:
يِغَاچ *yïğač* **(йиғач)** – ёғоч. Тўрт вариантли бўлган يِغَجْ нинг бир шакли.
ر *r* [ҳарфи]:
يِپَارْ *yïpar* **(йипар)** – ифор, мушк (жарангсиз پ *pā* билан).
يُلَارْ *yular* **(йулар)** – отнинг югани.
يَمَارْ *Yamar* **(Йамар)** – жой оти. Бу ерда – *Yabaqu* даштида катта бир сув оқади, уни ***Yamar suwï*** дейилади.
غ *ğ* [ҳарфи]:
يَدَغْ *yadağ* **(йадағ)** – яёв.
يَرَاغْ *yarağ* **(йарағ)** – кез, фурсат ва ва имкон; ***iš yarağï*** – ишнинг фурсати, хонаси. Бу сўзнинг يَرَغْ варианти ҳам бор.
يَمَاغْ *yamağ* **(йамағ)** – ямоқ. Мақолда (шундай келган): ***Barčïn yamağï barčïnqa, qariš yamağï qarïšqa.*** Маъноси: "Ипакликка ипаклик ямоқ муносиб бўлса, юнгга юнг ямоқ лойиқдир". Бу мақол "Ҳар бир нарса ўзига муносиб бўлиши керак", деган маънода қўлланади.
ق *q* [ҳарфи]:
[يِرَاقْ *yïraq* **(йирақ)** – йироқ, узоқ] ***yïraq yer*** – йироқ ер. Узоқ қариндошларга ва бошқа кимсаларга ҳам қўлланади. (Шоир) шундай деган:

***Oğrağïm kendü yïraq,***
***Bulnadï meni qaraq.***

Маъноси: Мақсадим узоқ эди, севгилимнинг қора кўзи мени асир қилиб йўлдан қайтариб қўйди.
يَغَاقْ *yağaq* **(йағақ)** – ёнғоқ.
[يَغُوقْ *yağuq* **(йағуқ)** – яқин] ***yağuq yer*** – яқин ер. Қариндошларга ***yaq yağuq*** дейиш ҳам шундандир.
يُنَاقْ *yunaq* **(йунақ)** – эшак, ҳўкиз ва шунга ўхшаш юк ортиладиган ҳайвонларнинг юк остидан қўйиладиган тўқимлари.

ك ***k*** [ҳарфи]:

***yemäk*** (**йемак**) – туркларнинг бир қавми. Бизнинг назаримизда улар қипчоқлардир. Лекин қипчоқлар ўзларини бошқа тоифадан деб биладилар.

ن ***n*** [ҳарфи]:

***yağan*** (**йаған**) – фил. Икки тилнинг бирида. Шунинг учун киши оти сифатида ***Yağan tigin*** сўзи қўлланади.

***yoğun*** (**йўғуи**) – ҳар қандай йўғон нарса.

***yïlan*** (**йилан**) – илон; ***oq yïlan*** – ўзини одам ва бошқаларга отадиган илон.

***yïlan yïlï*** (**йилан йили**) – туркча ўн икки йил отларидан бири.

***yaman*** (**йаман**) – ёмон; ҳар қандай нарсанининг ёмони; ***yaman ig*** – ёмон касаллик.

### ***fa'la*** қолипидаги ўртаси ***sukun*** ли сўзлар бўлими

ب ***p*** [ҳарфи]:

[***yalpï*** (**йалпи**) – ясси, ялпоқ] ***yalpï näŋ*** – ёғочдан ўйиб ясалган, юза (чуқур бўлмаган) лаган сингари ясси нарса.

ت ***t*** [ҳарфи]:

***yartu*** (**йарту**) – пайраха. Устига (бир нарса) ёзиладиган тахтага ҳам ***yartu*** дейилади.

چ ***č*** [ҳарфи]:

***yerčü*** (**йерчу**) – қабр.

***yorčï*** (**йўрчи**) – тажрибали йўл кўрсатувчи.

***yinčü*** (**йинчу**) – инжу, дур. Жорияларга ***yinčü*** дейиш ҳам шундан. Мақолда (шундай келган): ***Ötlüg yinčü yerdä qalmas.*** Маъноси: "Тешик дур ерда қолмайди, уни бир оладиган чиқади". Бу мақол "Канизаклар қизлигича узоқ қолиб кетмайди, унга бир уйланадиган киши топилади" деган маънода қўлланади. Ўғуз ва қипчоқлар ***yā*** ни ***jīm*** га алмаштириб, ***jinčü*** шаклида қўллайдилар.

د ***d*** [ҳарфи]:

***yoğdu*** (**йўғду**) – туяларнинг жағ остидаги узун туклари.

***yigdä*** (**йиғда**) – жийда.

***yemdü*** (**йемду**) – сон туки (мўйи).

***yundï*** (**йунди**) – юғинди.

ر ***r*** [ҳарфи]:

[***yapïrï*** (**йапри**)] ***yapïrï yer*** – ясси ва тўғри ер.

[***yapïrï*** (**йапри**)] ***yapïrï qulaq*** – шалпангқулоқ.

[***yašru*** (**йашру**) – яширин] ***ol yašru keldi*** – у яширинча келди; ***yašru iš*** – яширин иш.

***yoğru*** (**йўғру**) – туянинг узун мўйлари. Баъзан бу сўзни ***yoğruy*** тарзида ҳам қўллайдилар. Бу сўздаги ***rā*** ҳарфи ***dāl*** ҳарфи билан алмашган. Араб тилида ҳам бу хусусият бор, عَكْرَةٌ ва عَكْدَةٌ дейилгани каби.

[***yağru*** (**йағру**) – атроф, яқинлик] ***ol aŋar yağru yurïmas*** – у унинг атрофига, яқинига бормайди. Бу сўзнинг асли ***qāf*** билан ***yaqru*** эди; ***ğayn*** билан ***qāf*** бир-бирига яқин товушлар бўлгани учун ***ğayn qāf*** га алмашган. Бу хусусият араб тилига яқиндир. يَقْرُبُ ***yaqrubu*** сўзи يَقْرُو ***yaqru*** шаклида ҳам қўлланиши каби. Бу сўзда ***bā vāv*** га алмашган.

***yoğrï*** (**йўғри**) – лаган. Мақолда (шундай келган): ***Aš tatïğï tuz, yoğrïn yemäs.*** Маъноси: "Ош туз билан тотли, лекин лаган билан ёлғиз тузнинг ўзи ейилмайди". Бу мақол ишларда аниқ мақсадли бўлишга ундаб айтилади.

يَقْرِى ***yaqrï*** **(йақри)** – ич ёғи. (Шоир) шундай деган:

***Pïšrïlur yaqrï qïyaq,***
***Tošğurur yoğrï čanaq.***

Айтмоқдаки: Ич ёғи, сардаклар пиширилиб, тоғора, косалар тўлғазилади.

ش ***š*** [ҳарфи]:

يَخْشِى ***yaxšï*** **(йахши)** – яхши; ҳар қандай нарсанинг яхшиси; ***yaxšï näŋ*** – яхши нарса; ***yaxšï iš*** – яхши иш.

يَرْشِى ***yaršï*** **(йарши)** – бир нарсанинг ярмини олганнинг оти. Нарса ярмисининг ҳам оти; ***aniŋ yaršïsï bu*** – бу унинг ярмини олган; ***ol meniŋ birlä tam yarïšï*** – у мен билан бир девор қўшни (уйларимиз орасида девор бор, холос) демакдир.

غ ***ğ*** [ҳарфи]:

يَفْغُو ***yawğu*** **(йавғу)** – халқдан бўлиб, хоқондан икки даража қуйи ўринда бўлган киши.

يَفْغُو ***Yawğu*** **(Йавғу)** – *Barsğan* шаҳри яқинидаги бир кент оти. *Yawğu* га яқин бир тепалик ***Yawğu art*** дейилади.

يُفْغا ***yuwğa*** **(йувға)** – асранди бола.

[يَلْغا ***yalğa*** **(йалға)**] ***Qara yalğa*** – турк диёри билан *Farğāna* орасидаги яқин бориб бўлмайдиган хатарли жарлик. Мақолда (шундай келган): ***Qara muŋ kelmägінčä, qara yalğa kečmä.*** Маъноси: "Қора кун келмагунча, зинҳор қора жилғадан ўтма, чунки у ер ҳеч вақт қори аримайдиган хатарли жойдир".

يَلْغُو ***yalğu*** **(йалғу)** – шафқатсиз, мурувватсиз олчоқ киши (ўғузча).

ۋ ***w*** [ҳарфи]:

يِلْفِى ***yelwi*** **(йелви)** – сеҳрлаш; ***yelwiči*** – сеҳрловчи. (Шоир) шундай деган:

***Yelwin aniŋ közi,***
***Yelkin aniŋ özi.***
***Tolun ayïn yüzi,***
***Yardï meniŋ yüräk.***

Ўзи яхши кўрган кишисини таърифлаб айтмоқда: Унинг кўзи киши (кўнгли)ни овлайдиган сеҳргардир. Ўзи ел сингари, қўнимсиз, кўздан ғойиб бўлувчи, юзи (эса) тўлин ойдир. (Бир боқиши билан менинг), юрак-бағримни пора-пора қилди.

ق ***q*** [ҳарфи]:

يُقْا ***yuwqa*** **(йувқа)** – юпқа; ҳар қандай юпқа нарса. Мақолда (шундай келган): ***Anasï tewlüg yuwqa yapar, oğlï tetig qoša qapar.*** Маъноси: "Онаси ҳийла билан нонни юпқа ёпса, боласи зийраклик қилиб қўша-қўша (иккита-иккитадан) оғзига солади". Бу мақол икки ҳушёр кишининг қаршилиги тенг келишига ишорат қилиб айтилади.

يُپْقا ***yupqa*** **(йупқа)** – юпқа. Бу сўзнинг ف ***wā*** ли варианти ҳам бор; ***pā*** ҳарфи ف ***wā*** га алмашади. Бу хусусият арабчада ҳам бор. Чунончи, أَسْرَفَ و أَسْرَبَ و مَصْطَبَه و بانيد وفانيذ Сўнгги сўз арабчалаштирилгандир.

يِلْقِى ***yïlqï*** **(йилқи)** – тўрт оёкли ҳайвонларни атовчи турдош от.

م ***m*** [ҳарфи]:

[يَرْمَا ***yarma*** **(йарма)**] ***yarma yuğa*** – бир турли қатлама. Узунасига ёрилган ҳар қандай нарсага ҳам шу сўз қўлланади.

يَغْما ***yağma*** **(йағма)** – туркларнинг бир тоифаси. Уларни ***qara yağma*** деб ҳам атайдилар.

يَغْما ***Yağma*** **(Йағма)** – *Ţirāz / Ţarāz* яқинидаги бир қишлоқ. Бу сўзнинг асли аввалги сўздан келиб чиққан.

يَلْمَا ***yalma*** **(йалма)** – пахтали тўн, форслар буни туркий халқлардан олиб, *yalma* шаклида ҳам талаффуз қиладилар. Араблар форслардан олиб *yalmaq* шаклида қўллайдилар. Араблар *qāf* ни *hā* га айлантирганлар. Чунончи, كندە *kanda* ни خندق *xandaq,* يارە ***yara*** ни يارق ***yaraq*** қилиб олганлар. Араб шоирларидан ذوالرُّمة كانهُ مُتقلّبى يَلْمَقِ عَرِبُ деган эди. Ҳеч кимса бу сўзни туркlар форслардан олган деб даъво қила олмайди. Чунки мен бу сўзни энг чекка ҳудудларда яшовчи оддий турк халқларидан ҳам эшитганман. Булар бошқа халқлардан кўра, бу хил ёмгир ёпинчиғига муҳтожроқдирлар. Чунки уларнинг юртларида қор, ёмғир кўп ёғади.

ن ***n*** [ҳарфи]:

يَزْنا ***yeznä*** **(йезна)** – езна, катта қиз қариндошнинг эри.

يِكْنا ***yignä*** **(йигна)** – игна. Катта игна жуволдизни ***temän yignä*** дейилади.

**Бу бўлимнинг *maṭvī* қисми**

غ ***ğ*** [ҳарфи]:

[يُمْغى ***yomğï*** **(йўмғи)** – тўпланган, уюлган] ***yomğï nāŋ*** – уюлган кўп нарса; ***kiši yomğï keldi*** – кишилар тўпланиб келишди.

***fa'āl*** **қолипидаги сўзларнинг ҳар қандай ҳаракатлар билан қўлланган шакллари**

چ ***č*** [ҳарфи]:

[يَلاچى ***yalačï*** **(йалачи)**] ***yalačï er*** – ҳар нарсада одамларга дарров туҳмат қилувчи, бадгумон киши. Бир турли қатламага ***yalačï yuğa*** дейиш ҳам шундан келиб чиққан бўлиб, у бирор нарсага салгина тегиши билан ушалиб, синиб кетади.

غ ***ğ*** [ҳарфи]:

[بُياغو ***buyağu*** **(буйағу)**] ***buyağu iš*** – билмасликка солиб кетилиши керак бўлган иш.

[يُرِيغو ***yurïğu*** **(йуриғу)**] ***yurïğu yer*** – юриладиган ер. Бу сўз жой оти (сифатдош)дир. Пайт оти вазифасида ҳам шу шакл қўлланади.

يِراغو ***yïrağu*** **(йирағу)** – чолғучи, ашулачи.

[يَشاغو ***yašağu*** **(йашағу)** – яшайдиган] ***bu er-ol uzun yašağu*** – бу киши узоқ яшашга ҳақлидир. Жой оти, пайт оти ҳам шундан келиб чиққан.

[يَماغو ***yamağu*** **(йамағу)** – ямаладиган] ***bu ton-ol yamağu*** – бу тўн ямаладиган, ямалиши керак бўлган тўндир.

ق ***q*** [ҳарфи]:

يَباقو ***yabaqu*** **(йабақу)** – бир тоифа туркий халқлар.

يَباقو ***yabaqu*** **(йабақу)** – юнгдан ишланган намат. Бошдаги сочлар чигаллашиб кетишига ***yabaqu boldï*** дейилади.

[يَباقو ***yabaqu*** **(йабақу)**] ***Yabaqu suwï*** – *Kāšğar* тоғларидан чиқиб, *Özjand* ва *Farğāna* га оқадиган сув.

ك ***g*** [ҳарфи]:

[يُلاگو ***yölägü*** **(йўлагу)**] ***yölägü nāŋ*** – суяладиган нарса, суянчиқ.

[يَنيگو ***yenigü*** **(йенигу)** – туғадиган] ***bu urağut-ol yenigü*** – бу хотин туғадиган, ой-куни яқин хотиндир.

**Ҳар турли унли товушлар билан қўлланган *fa'lān* шаклидаги сўзлар бўлими**

ج ***č*** [ҳарфи]:

يَپْجَانْ ***yapčan*** **(йапчан)** – явшан ўти. Унинг ҳиди билан ёввойи сичқонлар овланади. Бу сўзнинг ف ***wā*** билан ***yawčan / yuwčan*** варианти ҳам бор; ***pā*** нинг ف ***wā*** га айланиши ҳақидаги қоида юқорида айтиб ўтилди.

ش ***š*** [ҳарфи]:

يِمْشَانْ ***yimšän*** **(йимшан)** – қипчоқ ўлкаларида битадиган бир саҳро меваси.

غ ***ğ*** [ҳарфи]:

[يَڤْغَانْ ***yawğan*** **(йавған)**] ***yawğan aš*** – ёвғон ош, гўштсиз овқат.

يَلْغَانْ ***yalğan*** **(йалған)** – ёлғон, ёлғонлаш. Бу сўз баъзан аниқловчи вазифасида ҳам қўлланади. Чунончи, ***yalğan kiši*** – ёлғончи киши, ***yalğan söz*** – ёлғон сўз, каби.

يِلْغُونْ ***yilğun*** **(йилғун)** – юлғун, юлғун дарахти.

ك ***k*** [ҳарфи]:

[يِپْكِينْ ***yipkin*** **(йипкин)**] ***yipkin näŋ*** – тўқ қизил арғувон рангидаги нарса.

[يَلْكِنْ ***yelkin*** **(йелкин)**] ***yelkin atlïğ*** – отлиқ мусофир. Ўғузлар мусофирни ***elkin*** дейдилар, улар ***yā*** ҳарфини ***alif*** га алмаштирадилар.

ل ***l*** [ҳарфи]:

يَمْلَانْ ***yamlan*** **(йамлан)** – бир турли кемирувчи жонивор.

**_fa'ïlān_ қолипидаги сўзлар бўлими**

ك ***k*** [ҳарфи]:

يَتِيكَانْ ***Yetikän*** **(Йетикан)** – Етти қароқчи туркум юлдузи.

م ***m*** [ҳарфи]:

يَسِيمَانْ ***yasïman*** **(йасиман)** – сув бўшатилганда идишдан қулқуллаб чиқадиган овоз.

يَلِيمَانْ ***yalïman*** **(йалиман)** – очиқ-сочиқ ғаниматлар.

**_fa'anīī_ қолипидаги сўзлар бўлими**

يُنْدِى ***yonïndï*** **(йўнинди)** – йўнилган, таланган.

Уч ҳарфлилар бўлими ва унга қўшилганлар тугади.

**БУ ТЎРТ ҲАРФЛИЛАР БОБЛАРИДИР**

**Ҳар хил ҳаракатлар билан қўлланган *fa'lal, fa'lāl* қолипларидаги сўзлар бўлими**

ت ***t*** [ҳарфи]:

يَبْغُتْ ***yabğut*** **(йабғут)** – юнг ва шунингдек, қил билан тўлдирилган тўшак ва шунга ўхшаш нарсалар.

ج ***č*** [ҳарфи]:

يَپْتَچْ ***yaptač*** **(йаптач)** – ёмғирдан, кордан сақланиш учун чўпонлар ёпинадиган ёпинчиқ.

يَپْغُچْ ***yapğuč*** **(йапғуч)** – эшак ва бошқа ҳайвонларни ҳайдашда ишлатиладиган хивич, халачўп.

يَسْغَاچ ***yasğač*** (**йасғач**) – уврa тахта. Бу сўзнинг асли ***yasï yïğač***, яъни "ясси ёғоч; энли тахта"дир.

ر ***r*** [ҳарфи]:

يَغْمُر ***yağmur*** (**йағмур**) – ёмғир. Бу сўзнинг ***yamğur*** варианти ҳам бор. Мақолда (шундай келган): ***Nečä mä opraq kedük ersä, yağmurqa yarar.*** Маъноси: "Кийим қанча эски бўлса ҳам, ёмғирга ярайди". Бу мақол ўз қарамоғидагилардан бирининг аҳмоқлиги, қўполлиги ёки заифлиги учун уни ўзидан четлатишни истаган кишига қарата айтилади; "ҳар қанча камчилиги бўлса ҳам, бир хизматингга яраб қолади, ундан ишда фойдаланиб, хурсанд бўласан", демакдир.

(Шоир) шундай деган:

***Quydï bulut / bulït yağmurïn,***
***Kerip tutar aq torïn.***
***Qïrqa qodtï ol qarïn,***
***Aqïn aqar eŋräšür.***

Айтмоқдаки: Булут оқ тўрини ёйиб, осмонга ёмғирини қуйди. Қорларини у тоғларга ташлади. Тоғдан ҳайқириб сел оқаётир.

ز ***z*** [ҳарфи]:

يَرْبُز ***yarbuz*** (**йарбуз**) – бир турли хушбўй ўт, ўсимлик.

يَرْبُز ***yarbuz*** (**йарбуз**) – илонни ўлдирадиган бир ҳайвон. Мақолда (шундай келган): ***Yïlan yarbuzdïn qačar, qanča barsa, yarbuz otru kelür.*** Маъноси: "Илон доим ярбуздан қочади. Илон қаёққа қочса, у қаршисидан чиқади". Бу мақол ёмон кўрган нарсасидан қочса ҳам, қутулмайдиган, унга дуч келаверадиган киши ҳақида айтилади.

يُلْدُز ***yulduz*** (**йулдуз**) – ҳамма юлдузлар учун айтиладиган умумий от. Сўнг улар фарқ қилиниб, *Muštarī* (Юпитер) юлдузи – ***Eräntüz***, *Mïzān* юлдузи – ***Qaraquš***, *Surayyā* юлдузи – ***Ülkär***, Етти қарокчи юлдузи – ***Yetikän***, *Qutub* юлдузи – ***Temürqazuq***, *Mirrīh* юлдузи – ***Baqïrsoqïm*** номлари билан аталади.

يِلْدِز ***yïldïz*** (**йилдиз**) – илдиз. Бу сўзни ўхшатиш қоидаси асосида киши авлодига нисбатан ҳам қўлланади: ***tüblüg-yïldïzlïğ*** – таг-тугли, таг-тахтли киши каби.

يُلْسُوز ***yolsuz*** (**йўлсуз**) – йўлдан адашган киши. Бу сўзнинг асли يُولْسُوز дир.

ش ***š*** [ҳарфи]:

[يَرْدَش ***yerdäš*** (**йердаш**) – ҳамшаҳар] ***yerdäš kiši*** – ҳамшаҳар киши. Бу икки кишининг бир шаҳардан бўлишидир. Бир шаҳардан бўлган икки киши бир-бирига ***yerdäš*** бўлади (ўғузча).

يَرْمَش ***yarmaš*** (**йармаш**) – ширач, крахмал.

يَرْمَش / يَرْمَش ***yarmaš / yarmïš*** (**йармаш / йармиш**) – ёрма; ***yarmaš / yarmïš un*** – майда ун. Бу икки сўз бир-бирига зид маънодаги сўзлардандир. Ҳақиқатда эса, бу сўзларнинг асоси бир.

يُغْرُش ***yuğruš*** (**йуғруш**) – туркларда халқ орасидан чиқиб, вазирлик даражасигача кўтарилган киши. Форс ва бошқалар ҳар қанча катта мартабага эришган бўлса ҳам бу лақаб берилмайди. ***yuğruš xaqan*** дан бир даража қуйи мартабадир. Унга қор, ёмғир ва иссиқдан сақланиш учун қора ипак чодир тақдим этилади.

غ ***ğ*** [ҳарфи]:

[يُنْچغ ***yunčïğ*** (**йунчиғ**)] ***yunčïğ iš*** – чириганлиги, бузилганлиги учун қўлга олинмайдиган иш.

[يُنْچغ ***yunčïğ*** (**йунчиғ**)] ***yunčïğ er*** – нотавон, заиф, ҳоли хароб киши.

(Шоир) шундай деган:

***Öδlük arïğ kewrädi,***
***Yunčïğ yawuz tawradï.***
***Erdäm yemä sewrädi,***
***Ažun begi čertilür.***

Айтмоқдаки: Замон озди, заиф, тубан кимсалар кучайди. Замон аҳли [яъни, кишилар] *Afrāsiyāb* нинг вафот этиши билан фазилатдан маҳрум бўлдилар.

يُرْتُغْ ***yortuğ*** **(йўртуғ)** – жанг кунларида ёки бирор ерга боришда шоҳни қуршаб юрадиган соқчилар.

يَرْلِغْ ***yarlïğ*** **(йарлиғ)** – йўқсил, бечора; ***yarlïğ er*** (ёрлақанган (раҳм қилинган) киши) шундан олинган.

يَرْلِغْ ***yarlïğ*** **(йарлиғ)** – султоннинг мактуби ва фармони (чигилча). Буни ўғузлар билмайдилар.

[يَشْلِغْ ***yašlïğ*** **(йашлиғ)**] ***yašlïğ köz*** – ёшли кўз.

[يَشْلِغْ ***yašlïğ*** **(йашлиғ)** – ёшли; катта ёш; қари] ***yašlïğ er*** – катта ёшли киши. Катта ёшли ҳайвонларга ҳам шу сўз қўлланади. Бу сўзнинг асли يَاشْلِغْ дир.

[يَمْلِغْ ***yamlïğ*** **(йамлиғ)**] ***yamlïğ köz*** – чўп тушган кўз. Бу сўзнинг асли يَامْلِغْ дир.

ق ***q*** [ҳарфи]:

يَبْغَقْ ***yapğaq*** **(йапғақ)** – қуш овланадиган бир турли тузоқ.

يَتْغَقْ ***yatğaq*** **(йатғақ)** – хонни, қўрғонни ва шунинг кабиларни қўриқловчи, соқчи; ***yatğaq yattï*** – соқчи ётди, каби.

يُدْرُقْ ***yuδruq*** **(йудрук)** – кафт, шапалоқ. Мақолда (шундай келган): ***Yatnïŋ yağlïğ tüküsindän öznüŋ qanlïğ yuδruq yig.*** Маъноси: "Ётнинг ёғлиқ овқатидан ўзингга яқинларнинг мушти (шапалоғи) яхши". Бу мақол яқин кишиларнинг оралари бузилганда бир-бирларини келиштириш учун қўлланади.

يَرْمَقْ ***yarmaq*** **(йармақ)** – танга.

يَسْتَقْ ***yastuq*** **(йастуқ)** – ёстиқ.

[يَقْلَقْ ***yawlaq*** **(йавлақ)** – ёмон, паст, жўн] ***yawlaq kiši*** – феъли ёмон киши.

يَقْلَقْ ***yawlaq*** **(йавлақ)** – ҳар нарсанинг ёмони, тубани (ўғузча ва қипчоқча). (Донишманд) шундай деган:

***Külsä kiši yüziŋä,***
***Körklüg yüzin körüngil.***
***Yawlaq köδäz tiliŋni,***
***Eδgü sawïğ tilängil.***

Айтмоқдаки: Бирор киши сенга кулиб қараса, сен ҳам унга очиқ чеҳра билан боқ, ширин сўзли бўл ва ёқимли муомала қил, тилингни тий.

[يَقْلَقْ ***yawlaq*** **(йавлақ)**] ***Yawlaq sarïğ*** – бир бекнинг оти бўлган. ***yawlaq*** аслида ҳар қандай нарсанинг қаттиғи маъносидадир. Чунончи, ***yawlaq qatïğ yïğač*** – жуда қаттиқ ёғоч, демакдир.

يُمْغَقْ ***yumğaq*** **(йумғақ)** – юмалоқ; ҳар бир юмалоқланадиган, гирдак нарса. Уч тилида "кашнич уруғи"ни ***yumğaq tana*** дейилади.

تَنَا ***tana*** **(тана)** – дона. Бу сўз форс тилидан олиниб, туркий талаффузга мослаштириб, ***tana*** қилиб олинган, туркчалаштирилган деб гумон қиламан.

يُمْشَقْ ***yumšaq*** **(йумшақ)** – ҳар қандай юмшоқ нарса.

[يَنْدَقْ ***yandaq*** **(йандақ)**] ***yandaq tikän*** – янтоқ тикан.

[يَنْدَقْ ***yandaq*** **(йандақ)**] ***yandaq čekär*** – ҳаводан дарахтлар устига ёғадиган (болга ўхшаш) шира.

[يَنْدِق *yandïq* (**йандиқ**)] ***yandïq at*** – оддий, туғилишдан нуқсони бўлган от.

يَنْدَق ***yundaq*** (**йундақ**) – от тезаги. Бу фақат от тезагига нисбатан қўлланади. Мақолда (шундай келган): ***Yağïŋ ersä keräk yundaqï tegir.*** Маъноси: "Душманингда бўлса ҳам от бўлсин, энг ками, унинг тезаги тегади, уни ёқиб фойдаланасан".

يَنْغُق ***yanğuq*** (**йанғуқ**) – илдизи совунга ўхшаб кўпирадиган бир хил ўсимлик. Билгилки, *qāf* ҳарфи феъл ўзакларига қўшилиб, қурол оти ясайди. Чунончи, ***orğaq*** қурол оти ***ordï*** феълидан ясалгандир. ***yunğaq*** сўзи ҳам шу хилда ***yudï*** феълига *qāf* қўшилиб ясалган қурол отидир.

يَنْلِق ***yanlïq*** (**йанлиқ**) – чўпон тўрваси.

يَنْجُق ***yančuq*** (**йанчуқ**) – ҳамён; пул солинадиган ҳамён.

ك ***k*** [ҳарфи]:

يَدْرُك ***yüdrük*** (**йудрук**) – устига кийим ва бошқа нарсалар тахлаб қўйиладиган тахмон қутиси (сандиқ).

[يَزْلُك ***yüzlüg*** (**йузлуг**)] ***iki yüzlüg er*** – иккиюзлама, мунофиқ киши.

[يَزْلُك ***yüzlüg*** (**йузлуг**)] ***iki yüzlüg közüngü*** – икки юзли ойна.

[يُكْرُك ***yügrük*** (**йугрук**)] ***yügrük at*** – югурик от; пойгада ўзиб кетадиган чопқир от. Ўғузлар билағон, донишманд, зийрак ва фозил кишиларни ***yügrük bilgä*** дейдилар.

[يُكْسَك ***yüksäk*** (**йуксак**)] ***yüksäk tağ*** – юксак тоғ. Ҳар бир баланд ва узун нарсага ҳам ***yüksäk*** дейилади. Бу асли "қуш пари" маъносидаги ***yüg*** сўзидан олинган. Чунки юксалиш унинг табиий хусусиятидир. Шунинг учун ҳар қандай баланд нарса ҳам шундай аталган.

(Донишманд) шундай деган:

***Us es körüp yüksäk qalïq qudï čaqar,***
***Bilgä kiši ögüt berip tawraq uqar.***

Айтмоқдаки: Каркас қуши йиртқич ҳайвонлардан қолган гўштни (овни) кўриб, ўзини кўкдан ташлайди. Донишманд кишиларни қизиқтирадиган ов ўгит-насиҳатдир. Улар ўгитни эшитиши биланоқ қулоққа оладилар.

يُكْسَك ***yüksäk*** (**йуксак**) – ангишвона. Ўқ отадиганларнинг бармоқларига киядиган бармоқ қопи кабидир. Уни мисдан ёки теридан ясайдилар. Уни тикувчилар бармоқларига нина ботишидан сақланиш учун бармоқларига кийиб ишлайдилар.

يِلْبِك ***yelpik*** (**йелпик**) – ел тегиши; ***erkä yelpik tegdi*** – кишига ел тегди.

ل ***l*** [ҳарфи]:

[يِبْكِل ***yipkil*** (**йипкил**) – арғувон ранги] ***yipkil ton*** – арғувон рангли тўн; *nūn* ҳарфи *lām* га алмашган.

[م ***m*** ҳарфи]:

[يَرْتِم ***yartïm*** (**йартим**) – айрилган] ***bir yartïm boδun*** – халқдан, жамоадан айрилган бир тоифа.

[يُغْرُم ***yuğrum*** (**йуғрум**)] ***bir yuğrum un*** – бир хамирлик ун.

[يِتْرُم ***yetrüm*** (**йетрум**)] ***yetrüm sač*** – аввалги қўйилган сочдан сўнг қўшилган соч.

[يَرْشِم ***yaršïm*** (**йаршим**)] ***bir yaršïm yer*** – пойгада бир чопарлик ер.

[يُگْرُم ***yügrüm*** (**йугрум**)] ***bir yügrüm yer*** – бир чопиш билан ўтарлик ер.

ن ***n*** [ҳарфи]:

[يِبْكِن ***yipkin*** (**йипкин**)] ***yipkin ton*** – арғувон рангли тўн. Бу сўз *lām* билан ҳам талаффуз қилинади.

**Бу бўлимнинг бошқа бир тури**

[غ ***ğ*** ҳарфи]:

يَيْلاغ ***yaylağ*** **(йайлағ)** – ёзда турилладиган ер.

***fa'alil*** **қолипидаги сўзлар**

ج ***č*** [ҳарфи]:

يَلاڤَچ ***yalawač*** **(йалавач)** – пайғамбар. Бу сўзнинг ***yalavač*** шакли ҳам бор.

ر ***r*** [ҳарфи]:

يَلاڤَر ***yalawar*** **(йалавар)** – шоҳлар томонидан элчиларга бериладиган от (уйғурча). Мақолда (шундай келган): ***Yaš ot küymäs, yalawar ölmäs.*** Маъноси: "Ёш (хўл) ўт ёнмаганидек, хабари ҳар қанча оғир ва даҳшатли бўлса ҳам, элчига ўлим йўқ. Чунки бу аччиқ хабар шохдандир". Бу мақол улуғ Тангрининг مَا عَلَى الرَّسُولِ إِلاَّ الْبَلاغ деган ояти кабидир.

ق ***q*** [ҳарфи]:

[يَبِيتَق ***yabïtaq*** **(йабитақ)**] ***yabïtaq at*** – устида эгари, тўқими йўқ яйдоқ от; ***ol atïğ yabïtaq mündi*** – у отни яйдоқ минди.

[ك ***k*** ҳарфи]:

يَمَاجُك ***yemäčük*** **(йемачук)** – буғдой ташиладиган кичик қоп.

***fa'lalū*** **қолипидаги сўзлар бўлими**

غ ***ğ*** [ҳарфи]:

يَڤشْغُو ***yawïšğu*** **(йавишғу)** – қизилча ёки гун дейиладиган тоғ дарахти ва унинг меваси. Бу сўзнинг ***yumušğa*** шакли ҳам бор.

م ***m*** [ҳарфи]:

يِگِرْمَا ***yigirmä*** **(йигирма)** – йигирма. Бу сўзнинг ***yigirmi*** шаклидаги талаффузи ҳам бор.

Тўрт ҳарфли сўзлар бўлими тугади.

**БУ БЕШ ҲАРФЛИЛАР БОБЛАРИДИР**

***fa'al'al*** **қолипидаги турли ҳаракатлар билан талаффуз қилинадиган сўзлар бўлими**

غ ***ğ*** [ҳарфи]:

[يِپَرْلِغ ***yïparlïğ*** **(йипарлиғ)**] ***yïparlïğ kesürgü*** – мушкли, мушк сақланадиган идиш. Мақолда (шундай келган): ***Yïparlïğ kesürgüdin yïpar ketsä, yïðï qalïr.*** Маъноси: "Мушк идишида мушк тугаса ҳам, ҳиди қолаверади". Бу мақол бойлиги қўлдан кетиб, юқи-юрунигина қолган бўлса ҳам, бирор нарса сўралса, унда топилаверадиган киши ҳақида айтилади.

[يَغِرْلِغ ***yağïrlïğ*** **(йағирлиғ)** – яғирли] ***yağïrlïğ tewäy*** – яғири бор туя ва бошқалар.

[يُلَرْلِغ ***ylarlïğ*** **(йуларлиғ)** – нўхтали] ***ylarlïğ at*** – нўхтали от.

[يَپِغْلِغ ***yapïğlïğ*** **(йапиғлиғ)** – ёпиқ] ***yapïğlïğ qapuğ*** – ёпиқ эшик.

[يَدِغْلِغ ***yaðïğlïğ*** **(йадиғлиғ)** – ёзиқлиқ] ***yaðïğlïğ tösäk*** – ёзиб қўйилган тўшак.

[يَرَغْلِغ ***yarağlïğ*** **(йарағлиғ)**] ***yarağlïğ ïš*** – яроғлиғ, ярайдиган иш.

[يَزِغْلِغ ***yazïğlïğ*** **(йазиғлиғ)** – ечик, бўшатилган] ***yazïğlïğ at*** – орқонидан бўшатилган, ечик от ва бошқалар.

[يِشغْلِغ *yïšïğlïğ* (**йишиғлиғ**) – арқонли] ***yïšïğlïğ er*** – арқони бор киши.

[يُلغْلِغ *yuluğluğ* (**йулуғлуғ**)] ***yuluğluğ kiši*** – пул тўлаб ажратиб олинган киши.

[يَمغْلِغ *yamağlïğ* (**йамағлиғ**) – ямоқли, ямоги бор] ***yamağlïğ ton*** – ямоқли тўн.

[يَرَغْلِغ *yarağlïğ* (**йарағлиғ**) – яроғли] ***yarağlïğ er*** – яроғи бор одам.

يَزُقْلُغ ***yazuqluğ*** (**йазуқлуғ**) – гуноҳкор, гуноҳли.

[يِشقْلِغ *yïšïqlïğ* (**йишиқлиғ**) – дубулға (мис ёки пўлат қалпоқ)ли] ***yïšïqlïğ er*** – дубулға кийган киши.

[يَسغْلِغ *yasïğlïğ* (**йасиғлиғ**) – ёй сақланадиган садоқли] ***yasïğlïğ ya*** – садоқли ёй.

[يَغقْلِغ *yağaqlïğ* (**йағақлиғ**) – ёнғоқли] ***yağaqlïğ yïğač*** – ёнғоқли дарахт.

[يُرُنْلُغ *yurunluğ* (**йурунлуғ**)] ***yurunluğ urağut*** – ипак кийимликлари бор хотин.

[يَشنْلِغ *yašïnlïğ* (**йашинлиғ**) – яшинли] ***yašïnlïğ bulït*** – яшинли булут.

[يَغنْلِغ *yağanlïğ* (**йағанлиғ**) – фили бор, филли] ***yağanlïğ er*** – фили бор киши.

Бу бўлим бир неча вазифани бажаради. Биринчи, *ismi maf'ūl* вазифасида келади. Чунончи, ***yaδïğlïğ tösäk*** – ёзилган тўшак; ***yazïğlïğ at*** – ечилган от каби.

Бошқа ўринларда аталган нарсанинг эгаси маъносида келишидир. Чунончи, ***yïparlïğ er*** – ипорли, ипори бор киши. Бунинг эгалик маъносидаги мисоллари юқорида ўтди. ***ayaqlïğ tewsi*** – идишли, идиш қўйилган хонтахта, ***oyuğluğ ew*** – тоқли уй каби.

ق ***q*** [ҳарфи]:

يَرِنْدَق ***yarïndaq*** (**йариндақ**) – туркларнинг қайиши, тасмаси. У эчки терисидан қилинади.

يَبْشَغَاق ***yapušğaq*** (**йапушғақ**) – камон ғуласи каби думалоқ, тиканли бир хил ўт. Усти тукли бўлади. От думи ва бошқаларга ёпишиб қолади. Ҳар бир гапга аралашавердиган кишига ҳам шу сўз қўлланади.

يَبْرَغَاق ***yapurğaq*** (**йапурғақ**) – дарахт япроғи, барги. Китоб варағига ҳам ***yapurğaq*** дейилади.

يَغْجْلِق ***yïğačlïq*** (**йиғачлиқ**) – дарахтзор. "Ёғоч уй"га нисбатан ҳам қўлланади.

يَدَغْلِق ***yaδağlïq*** (**йадағлиқ**) – яёв юриш.

يَدْغْلِق ***yaδïğlïq*** (**йадиғлиқ**) – сасиган, бузилган.

[يَمَغْلِق ***yamağlïq*** (**йамағлиқ**) – ямоққа мўлжалланган, ямоқлиқ] ***yamağlïq böz*** – ямоққа мўлжалланган бўз ва бошқалар.

يَلغْلِق ***yalğïlïq (yïlğïlïq?)*** (**йилиғлиқ**?) – иссиқлиқ.

يَغقْلِق ***yağaqlïq*** (**йағақлиқ**) – ёнғоқ ўсадиган жой, ёнғоқзор.

يَرُقْلُق ***yaruqluq*** (**йаруқлуқ**) – ёруғлиқ, нур.

يِرَقْلِق ***yïraqlïq*** (**йирақлиқ**) – йироқлик, узоқлик.

[يَلَنْدَق ***yalïndaq*** (**йалиндақ**) – яланғоч] ***yalïndaq er*** – ялангоч киши.

ك ***k*** [ҳарфи]:

يِكِتْلِك ***yigitlik*** (**йигитлик**) – йигитлик. Шундан олиниб, ***esiz anïŋ yigitligi*** (эсиз унинг йигитлиги) дейилади.

[يُرَكْلِك ***yüräklig*** (**йураклиғ**) – довюрак, юракли] ***yüräklig er*** – юракли, ботир эр.

يِتِزْلِك ***yetizlik*** (**йетизлик**) – кенглик; нарсанинг эни.

[يُلَكْلِك ***yöläklik*** (**йўлаклик**) – суяладиган] ***yöläklik yïğač*** – бир нарсага суянган ёғоч.

[يِلِكْلِك ***yiligliğ*** (**йилиглиғ**) – иликли] ***yiligliğ söŋük*** – иликли суяк.

## *fa'al'ān* қолипидаги турли ҳаракатлар билан талаффуз қилинадиган сўзлар бўлими

ت ***t*** [ҳарфи]:

[أَيِتْغَانْ ***ayïtğan*** **(айитған)**] ***ol kiši-ol telim söz ayïtğan*** – у ҳар вақт сўз сўрайдиган кишидир.

[يَرَتْغَانْ ***yaratğan*** **(яратған)** – яратган] ***Täŋri-ol yerig yaratğan*** – ерни ва бошқа нарсаларни яратган Тангри таъолодир.

[يَرُتْغَانْ ***yarutğan*** **(ярутған)** – ёритган] ***kün-ol ažunuğ yarutğan*** – ҳар вақт оламни ёритган кундир.

[يُرُتْغَانْ ***yorutğan*** **(йўрутған)**] ***yorutğan kiši*** – ўсирган киши.

[يَغُتْغَانْ ***yağutğan*** **(йағутған)** – яқин олган] ***ol kiši-ol özin yağutğan*** – у ёқимлилиги билан ҳар доим ўзини бировга яқин олган кишидир.

[يَغِتْغَانْ ***yağïtğan*** **(йағитған)** – ёғдирган] ***Täŋri-ol yağmur yağïtğan*** – ёмғир ёғдирган Тангри таъолодир.

[يَغِتْغَانْ ***yağïtğan*** **(йағитған)** – душманлик қиладиган] ***ol kiši-ol tutčï yağïtğan*** – у ярашгандан кейин ҳам доим душманлик қиладиган кишидир.

[يُمِتْغَانْ ***yomïtğan*** **(йўмитған)** – тўпланадиган] ***ol kišilär-ol yomïtğan*** – улар доимо бир ишда тўпланадиган кишилардир.

ر ***r*** [ҳарфи]:

[يَبُرْغَانْ ***yapurğan*** **(йапурған)** – ёпадиган, беркитадиган] ***bu er-ol išïn yapurğan*** – бу, ишини доимо беркитадиган ва ҳийла ишлатадиган кишидир. Ҳар қандай нарсани беркитишга ҳам шу сўз қўлланади.

[يَشُرْغَانْ ***yašurğan*** **(йашурған)** – яширадиган] ***ol er-ol nāŋin yašurğan*** – у молини ва бошқа нарсаларини яширадиган кишидир.

[يَپُشْغَانْ ***yapušğan*** **(йапушған)** – ёпишадиган] ***ol er-ol išqa yapušğan*** – у ишга ёпишадиган кишидир. Ҳар қандай ишларга боғланадиган ҳар нарсага ҳам шу сўз қўлланади.

[يُشُلْغَانْ ***yušulğan*** **(йушулған)** – оқадиган] ***bu baš-ol qanï yušulğan*** – бу қони оқиб турадиган ярадир.

[يُشُلْغَانْ / يُشُلْغَانْ ***bušulğan / bušïlğan*** **(бушулған / бушилған)**] ***bu er-ol eligi išqa bušulğan / bušïlğan*** – бу қўли доим ишни дўндирадиган, қўли ишга қовушимли кишидир.

[يِغِلْغَانْ ***yïğïlğan*** **(йиғилған)** – йигиладиган] ***bu yer-ol munda kiši yïğïlğan*** – бу ер доим одамлар йиғиладиган ердир.

[يِقِلْغَانْ ***yïqïlğan*** **(йиқилған)** – йиқиладиган, ағанайдиган] ***ol tam-ol tutčï yïqïlğan*** – у доим йиқиладиган девордир. Бошқа нарсаларга ҳам шундай.

ق ***q*** [ҳарфи]:

يُغُرْقَانْ ***yoğurqan*** **(йўғуркан)** – йўрмалган, қавилган.

ك ***g*** [ҳарфи]:

يُكُرْكَانْ ***yügürgän*** **(йугурган)** – *Šīn* савдогарларининг мусулмон шаҳарларига савдо учун чиққан карвонларидан олдин хат-хабарларини етказувчи чопар.

[يُكُرْكَانْ ***yügürgän*** **(йуғурган)**] ***yügürgän at*** – югурик, чопқир от ва бошқалар.

يُكُرْكُونْ ***yügürgün*** **(йугургун)** – тариққа ўхшаш танаси қизил бир хил ўсимлик, туркманлар уни истеъмол қиладилар.

[يَمُرْكَانْ ***yemürgän*** **(йемурган)** – ағдарадиган, қўпорадиган] ***bu suw-ol yïğačïğ yemürgän*** – бу сув доим дарахтни ағдарадиган. Илдизни қўпорувчи ҳар қандай нарсага ҳам шу сўз қўлланади.

[يرلكان *yirilgän* (**йирилган**) – ёрилган] ***bu butïq-ol tutčï yirilgän*** – бу ҳар вақт ёриладиган бутоқдир.

[يُمُلكان *yümülgän* (**йумулган**)– юмиладиган] ***bu er-ol közï yümülgän*** – бу доим кўзи юмиладиган кишидир.

### Бу бўлимнинг *matvī* лари

يَزغُچى *yazïğčï* (**йазиғчи**) – қудалар орасида хат-хабар ташиб юрувчи, совчи (ўғузча).

غ *ğ* [ҳарфи]:

[يَيلغان *yayïlğan* (**йайилған**)] ***yayïlğan kiši*** – қарорсиз, тарқоқ фикрли киши.

### Ҳар хил ҳаракатлар билан турли шаклларда қўлланилган *fa'lalal* қолипидаги сўзлар бўлими

ج *č* [ҳарфи]:

يُرگمچ *yörgämäč* (**йўргамач**) – қорин ва ичак. Ингичка ичак ичига солиниб, қиздириб ёки қайнатиб ейилади.

ق *q* [ҳарфи]:

يتغشق *yatğašuq* (**йатғашуқ**) – бир ерда бошқа бири билан ётган.

[يتغشق *yatğašïq* (**йатғашиқ**)] ***yatğašïq oğrï*** – ётар вақт. Бир вариантда.

ن *n* [ҳарфи]:

يقرقان *yaqrïqan* (**йақриқан**) – камон гулаги катталигидай меваси бор бир турли ўсимлик. Шамоллаб ёрилган лабга унинг пўсти суртилса, тузалади.

يقرقان *yaqïrqan* (**йақирқан**) – муз ёғининг оти. Муз майдаланганда ундан ёққа ўхшаб сочиладиган бир нарса.

### Бу бўлимнинг бошқа бир тури

ق *q* [ҳарфи]:

يباقلق *yobaqulaq* (**йўбақулақ**) – иситма титратиши (ябаку ва ямаклар тилида).

يباقلق *yabaqulaq* (**йабақулақ**) – бойқуш (ябаку ва ямаклар тилида).

### ОЛТИ ҲАРФЛИЛАР БЎЛИМИ

غ *ğ* [ҳарфи]:

[يرسنجغ *yarsïnčïğ* (**йарсинчиғ**)] ***yarsïnčïğ nəŋ*** – жирканиладиган, ирганиладиган нопок нарса.

ل *l* [ҳарфи]:

[يغمرجل *yağmurčïl* (**йағмурчил**) – серёмғир] ***yağmurčïl yer*** – серёмғир ер.

Бу бир қоидадир. Бир нарса устидаги ҳаракат узоқ давомли бўлганлигини, мўллигини билдирган сўзга *-čïl, -čil* қўшилади. Чунончи, ***tüpčil yer*** (сершамол ер) иборасида "шамол" маносидаги ***tüpi*** сўзига *-čïl* қўшилиб, бу сўз давомлиликни англатувчи сифатга айланган. Касалдан чиқмайдиган кишига ***igčil*** дейиш ҳам шу қоидага мувофиқдир. Лекин бу қоида унча кенг тарқалмаган.

Худога шукр, бошида ҳарфи иллат бўлган сўзларнинг мисол бўлими тугади.

بسم الله الرحمن الرحيم

**[(Сўзимни) раҳмдил ва меҳрибон Оллоҳнинг номи билан (бошлаймаи)]**

## БУ БОШИДА ҲАРФИ ИЛЛАТ БЎЛГАН ФЕЪЛЛАР КИТОБИДИР

### ИККИ ҲАРФЛИЛАР БОБИ

ب ***p*** [ҳарфи]:

[يَپتّی ***yapïttï*** **(йапитти)** – ёпди, беркитди] ***er qapuğ yapïttï*** – киши эшикни ёпди.

[يَپتّی ***yapïttï*** **(йапитти)** – қўйди] ***er tor yapïttï*** – киши қуш ва бошқаларга тузоқ қўйди.

[يَپتّی ***yapïttï*** **(йапитти)** – ёпиштирди] ***ešlär ötmäk yapïttï*** – хотин тандирга нон ёпиштирди.

[يَپتّی ***yapïttï*** **(йапитти)** – қурди] ***er tam yapïttï*** – киши девор қурди (***yapar***, ***yapmaq***).

ر ***r*** [ҳарфи]:

[يَرْدِی ***yardï*** **(йарди)** – ёрди] ***er yïğač yardï*** – киши ўтин ва бошқа нарсаларни ёрди. Бошқа нарсаларга ҳам шу сўз қўлланади. Ерга дарз кетиб ёрилишига ҳам шу сўз қўлланади (***yarar***, ***yarmaq***).

[يَرْدِی ***yördï*** **(йўрди)** – ечди] ***urağut oğlïn bešiktin yördï*** – хотин ўглини бешикдан ечди (***yörär***, ***yörmäk***).

[يَرْدِی ***yerdi*** **(йерди)**] ***ol butïq yerdi*** – бутоқни ва бошқа нарсаларни ёрди. Бу ҳўл нарсани теша, болта билан ёрмай, узунасига айиришдир (***yerär***, ***yermäk***[56]).

Биринчи гапдаги ***yarmaq*** "бир нарсани қаттиқ кесиб ёрмоқ" дир, ***yermäk*** "айириб йириб ёрмоқ"дир. Мақолда (шундай келган): ***Tapuğ taš yerär, taš bašïğ yarar.*** Маъноси: "Хизмат тошни ёради, аммо тош бошни ёради". Бу мақол хўжайинидан қанча яхшилик кўрса ҳам, унга яхшилик қилмайдиган ёки унинг душманларига бўлишадиган киши ҳақида айтилади.

ز ***z*** [ҳарфи]:

[يَزْدِی ***yazdï*** **(йазди)** – ечди] ***ol tügün yazdï*** – у тугунни ечди.

[يَزْدِی ***yazdï*** **(йазди)** – ёзди; битди] ***ol bitig yazdï*** – у хат ёзди (ўғузча).

[يَزْدِی ***yazdï*** **(йазди)** – адашди] ***ol sözindä yazdï*** – у сўзида адашди, хато қилди.

[اُرُو يَزْدِی ***uru yazdï*** **(уру йазди)** – ураёзди] ***ol anï uru yazdï*** – у уни ураёзди.

[يَزْدِی ***yazdï*** **(йазди)** – хато қилди] ***ol keyikni yazdï*** – у овни отишда хато қилди. Мақолда (шундай келган): ***Yazmas atïm bolmas, yaŋïlmas bilgä bolmas.*** Маъноси: "Ўқ отишда хато қилмайдиган овчи, янглишмайдиган билимдон бўлмайди" (***yazar***, ***yazmaq***).

[يُوزْدِی ***yüzdi*** **(йузди)** – сузди] ***er suwda yüzdi*** – киши сувда сузди.

[يُزْدِی ***yüzdi*** **(йузди)** – ёйилди, силжиди] ***iriŋ yüzdi*** – йиринг бадан ва ярада ёйилди.

[يُزْدِی ***yüzdi*** **(йузди)** – шилди] ***er toğum yüzdi*** – киши сўйилган ҳайвон терисини шилди (***yüzär***, ***yüzmäk***[57]).

س ***s*** [ҳарфи]:

[يَسْدِی ***yasdï*** **(йасди)** – тарқатди] ***beg süsin yasdï*** – бек аскарини юртларига тарқатди. Бу сўзнинг асли ***er yasïn yasdï*** (эр ёйидан ўқ узди) гапидан олингандир.

[يَسْدِی ***yasdï*** **(йасди)** – ёзди, ечди] ***xan čuvač yasdï*** – хон ўз бошига қўядиган чодирининг тугунини ёзди (***yasar***, ***yasmaq***).

ش ***š*** [ҳарфи]:

---

[56] Бу сўзнинг масдари *kāf* ва *qāf* билан ёзилган (يَرْماکْ).

[57] Бу сўзнинг масдари *kāf* ва *qāf* билан ёзилган (يُزْماکْ).

[يَشْدِى *yašdï* (**йашди**) – яширинди] ***ol meni körüp yašdï*** – у мени кўриб яширинди. Мақолда (шундай келган): ***Tewäy münüp qoy ara yašmas.*** Маъноси: "Туя минган киши қўйлар орасида яширинолмайди". Бу мақол машҳур бўлиб қолган ишни сўнгра яширмоқчи бўлганларга қарата қўлланади (***yašar, yašmaq***).

[يۈشْدِى *yüšdi* (**йушди**) – оқизди] ***ol bekni yüšdi*** – у бўзани қумғон жўмрагидан қуйди. Бўза – буғдой, арпа, тариқдан қилинган ичимликдир (***yüšär, yüšmäk***[58]).

غ *ğ* [ҳарфи]:

[يَغْدِى *yağdï* (**йағди**) – ёғди] ***yağmur yağdï*** – ёмғир ёғди. Мақолда (шундай келган): ***Qutluğqa qoša yağar.*** Маъноси: "Бахтли кишига давлат қўша-қўша (устма-уст) келади" (***yağar, yağmaq***). Қор, дўл ёғишига ҳам шу сўз қўлланади.

[يِغْدِى *yïğdï* (**йиғди**) – қайтарди] ***ol meni ašqa yïğdï*** – у мени овқатдан ва бошқа нарсалардан қайтарди.

[يِغْدِى *yïğdï* (**йиғди**) – йиғди, тўплади] ***ol tarïğ yïğdï*** – у буғдой ва бошқа нарсаларни тўплади. Ҳар қандай нарсани тўплаган кишига нисбатан ҳам бу сўз қўлланади (***yïğar, yïğmaq***).

ۋ *w* [ҳарфи]:

[يُۋْدِى *yuwdï* (**йувди**) – юмалатди] ***er topïq yuwdï*** – киши тўп ва бошқа нарсаларни юмалатди (***yuwar, yuwmaq***).

(Кўпни кўрган) шундай деган:

***Tawar yïğïp suw aqïn indi saqïn,***
***Qurum kibi iðišin qudï yuwar.***

Мол тўплашни англатиб шундай демоқда: Тўплаган молни сел келди, деб ҳисобла, сел тошни юмалатганидай мол ҳам эгасини юмалатиб кетади.

[يُۋْدِى *yuwdï* (**йувди**) – қочди] ***ešyäk yuwdï*** – эшак тез қочди.

[تَۋْدِى *tewdi* (**тевди**) – алдади] ***ol anï ardï-tewdi*** – у уни алдади. Ғазабланишга ҳам шу сўз қўлланади.

[يُۋْدِى *yowdï* (**йўвди**) – етишди] ***er qadašïn qurdï-yowdï*** – киши яқинларига етишди, уларга мол бериб кўнглини олди (***yowar, yowmaq***).

ق *q* [ҳарфи]:

[يَقْدِى *yaqdï* (**йақди**) – малҳам қўйди] ***er bašqa yaqïğ yaqdï*** – киши ярага малҳам қўйди.

[يَقْدِى *yaqdï* (**йақди**) – яқинлашди, бирлашди] ***ol aŋar yaqdï*** – у унга яқинлашди; ***anïŋ kelmäki yaqdï*** – унинг келиши яқинлашди, дейиш ҳам шундан.

[يَقْدِى *yaqdï* (**йақди**) – тегизди] ***ol aŋar elig yaqdï*** – у унга ва бошқа нарсаларга қўлини тегизди (***yaqar, yaqmaq***).

[يُقْدِى *yuqdï* (**йуқди**) – юқди] ***eligkä yağ yuqdï*** – қўлга ёғ юқди.

[يُقْدِى *yuqdï* (**йуқди**) – юқди; ўтди] ***anïŋ uðuzï aŋar yuqdï*** – унинг қичимаси унга юқди. Ҳар қандай нарсанинг бошқа бир нарсага юқишига ҳам шу сўз қўлланади (***yuqar, yuqmaq***).

[يِقْدِى *yïqdï* (**йиқди**) – йиқитди; ағдарди] ***ol ewin yïqdï*** – у уйини ва бошқа нарсаларни йиқитди (***yïqar, yïqmaq***).

ل *l* [ҳарфи]:

[يَلْدِى *yaldï* (**йалди**) – ёлқинланди, ёнди] ***ot yaldï*** – ўт ёлқинланди, ёнди.

[يَلْدِى *yaldï* (**йалди**) – яллиғланди] ***baš yaldï*** – яра яллиғланди.

[يَلْدِى *yaldï* (**йалди**) – айнитди, ўзгартди] ***kün yüzüg yaldï*** – кун юзни айнитди, қорайтирди (***yalar, yalmaq***).

---

[58] Бу сўзнинг масдари *kāf* ва *qāf* билан ёзилган (يۈشْماكْ).

[يُلدى ***yuldï*** **(йулди)** – бўшатди, қутқарди] ***er bulunuq yuldï*** – киши асирни бўшатди.

[يُلدى ***yuldï*** **(йулди)** – қутқарди] ***er tutuğ yuldï*** – киши гаровни ажратиб олди.

[يُلدى ***yuldï*** **(йулди)** – юлди] ***er quš yuldï*** – киши қуш тукларини юлиш учун қайноқ сувга солди. Тери ва бошқа нарсадан тук юлишга ҳам шу сўз қўлланади.

[يُلدى ***yuldï*** **(йулди)**] ***urağut bašïn yuldï*** – хотин меҳридан ва бошқа нарсадан кечиб, бошини қутқарди (***yular, yulmaq***).

[يُلدى ***yuldï*** **(йулди)** – кўчириб ёзди] ***ol bitig yuldï*** – у китобни кўчириб ёзди.

[يلدى ***yeldi*** **(йелди)** – елди] ***atlïğ yeldi*** – отлиқ елди (***yelär, yelmäk***).

[يلدى ***yeldi*** **(йелди)** – ейилди] ***aš yeldi*** – ош ва бошқа егуликлар ейилди (***yelür, yelmäk***).

م ***m*** [ҳарфи]:

[يُمدى ***yümdi*** **(йумди)** – юмди, беркитди] ***er köz yümdi*** – киши кўзини юмди (***yümär, yümmäk***).

ن ***n*** [ҳарфи]:

[يَندى ***yandï*** **(йанди)** – қайтди, ёнди] ***er yoldan yandï*** – киши йўл ва бошқа жойдан қайтди.

[يَندى ***yanïdï*** **(йаниди)** – қўрқитди] ***beg anï yanïdï*** – бек ва бошқалар уни қўрқитди. Мақолда (шундай келган): ***Yalïŋuq meŋü tirilmäs, sïnqa kirip kirü yanmas.*** Маъноси: "Киши мангу яшамайди, гўрга кириб қайтиб келмайди".

[يَندى ***yandï*** **(йанди)** – ёнди] ***ot yandï*** – ўт ёнди. Бу сўзнинг ***yaldï*** варианти ҳам бор (қипчоқча).

[يَندى ***yandï*** **(йанди)** – қусди] ***er yandï*** – киши қусди (***yanar, yanmaq***).

(Шоир) шундай деган:

***Yandï erinč oğrağï,***
***Keldi berü tïğrağï.***
***Özi quyï oğrağï,***
***Alplar qamuğ tirkäšür.***

Ёвни таърифлаб айтмоқда: Зора у ўз истагидан қайтган бўлса, чунки унинг чопари келди. Ўзи водий ичкарисидадир. Баҳодирлар уруш учун саф тортаётирлар.

[يُندى ***yundï*** **(йунди)** – ювинди] ***er suwda yundï*** – киши сувда ювинди.

[يُندى ***yundï*** **(йунди)** – таҳорат қилди] ***er yundï*** – киши таҳорат қилди (ўғузча) (***yunar, yunmaq***).

[يِندى ***yindi*** **(йинди)** – қидирди] ***anïŋ ewin yindi*** – у унинг уйини қидирди. Бу сўзнинг асли ***yindti*** бўлиб, кейинчалик у енгиллатилган (***yindär, yindmäk***).

## Бу бўлимнинг бошқа бир тури

[يُودى ***yudï*** **(йуди)** – ювди] ***er ton yudï*** – киши кийим ва бошқа нарсаларни ювди (***yur, yumaq***). Мақолда (шундай келган): ***Qanïğ qan bilä yumas.*** Маъноси: "Қонни қон билан ювилмайди", яъни тўполон тўполон билан бостирилмайди, келишув билан бостирилади.

[يِدى ***yedi*** **(йеди)** – еди] ***er aš yedi*** – киши ош ва бошқа егуликларни еди (***yer, yemäk***).

## Ўртаси ҳаракатлар билан *fa'aldï* қолипида келган сўзлар бўлими

ر ***r*** [ҳарфи]:

[يَپَردى ***yapurdï*** **(йапурди)** – ярақлатди, текислади] ***ol yerig yapurdï*** – у ерни ярақлатди, текислади.

[يَپْرْدِى ***yapurdï*** **(йапурди)** – яширди] ***er sözüg yapurdï*** – киши сўзни яширди (***yapurur, yapurmaq***).

[يِتْرْدِى ***yitürdi*** **(йитурди)** – йўқотди] ***er yarmaq yitürdi*** – киши пул ва бошқа нарсаларни йўқотди (***yitürür, yitürmäk***).

[يُدْرْدِى ***yüδürdi*** **(йудурди)** – юклади] ***ol tewäykä yük yüδürdi*** – у туя ва бошқа нарсаларга юк ортди (***yüδrür, yüδürmäk***).

(Билимли) шундай деган:

***Ağruq ağïr ïšïŋnï aδnağuqa yüδürmä,***
***Ajrup özüŋ öšärip aδnağunï toδurma.***

Айтмоқдаки: Ўз оғир юкингни бошқаларга юклама, кўзинг тинар даражада ўзингни оч қолдириб, бошқаларни тўйдирма.

[يَشْرْدِى ***yašardï*** **(йашарди)** – кўкарди] ***ot yašardï*** – ўт кўкарди (***yašarur, yašarmaq***).

[يَشْرْدِى ***yašurdï*** **(йашурди)** – яширди] ***ol näŋ yašurdï*** – у нарсани яширди (***yašurur, yašurmaq***).

[يَقْرْدِى ***yaqurdï*** **(йақурди)** – яқинлаштирди] ***ol atïğ meŋä yaqurdï*** – у отни ва бошқа нарсаларни менга яқинлаштирди (***yaqurur, yaqurmaq***).

[يَقْرْدِى ***yaqurdï*** **(йақурди)** – тез-тез нафас олди] ***kiši yaqurdï*** – киши тез-тез нафас олди ва унинг нафаси сиқди (***yaqurur, yaqurmaq***).

[يُگْرْدِى ***yügürdi*** **(йугурди)** – югурди] ***er yügürdi*** – киши югурди (***yügürür, yügürmäk***).

(Билимли) шундай деган:

***Ündäp uluğ taparu***
***Tawraq kelip yügürgil.***
***Qurğaq yïlïn boδun kör***
***Qanda tüšär qudï il.***

Айтмоқдаки: Сени катта ёшли одам чақирса, унга чопиб бор. Очлик йилларида халқинг қаерга боришини кузат, у қаерга борса, сен ҳам ўша ерга бор. Халқингга келган ҳар қандай мусибатни у билан бирга кечир.

[ يُگْرْدِى ***yögürdi*** **(йўгурди)**] ***ol böz yögürdi*** – у бўз тўқиди.

[يَمْرْدِى ***yemürdi*** **(йемурди)** – кесди] ***er yïğač yemürdi*** – киши дарахт ва бошқа нарсаларни кесди (***yemürür, yemürmäk***).

ش ***š*** [ҳарфи]:

[يَپْشْدِى ***yapušdï*** **(йапушди)** – ёпишди] ***yelim yügkä yapušdï*** – елим патга ёпишди. Ҳар қандай нарсанинг бошқа нарсага ёпишишга ҳам бу сўз қўлланади.

[يَپْشْدِى / يِپْشْدِى ***yapïšdï / yapušdï*** **(йапишди / йапушди)** – ёпишди] ***it keyikkä yapïšdï / yapušdï*** – ит овга ёпишди (***yapïšur / yapušur, yapïšmaq / yapušmaq***).

[يَذْشْدِى ***yaδïšdï*** **(йадишди)** – ёзишди] ***ol aŋar tösäk yaδïšdï*** – у унга тўшак (ўрин) ёзишда кўмаклашди. Баҳслашишга ҳам бу сўз қўлланади (***yaδïšur, yaδïšmaq***).

[يُدْشْدِى ***yoδušdï*** **(йўдушди)** – ювишди] ***ol qïlïčïn qan yoδušdï*** – у қиличдан қонни кетказишда кўмаклашди. Китобдан бирор хатни қириш, ҳар бир суюқ нарсанинг изини кетказишга ҳам шу сўз қўлланади (***yoδušur, yoδušmaq***).

[يِدْشْدِى ***yïdïšdï*** **(йидишди)**] ***yïdïšdï näŋ*** – нарсанинг бўлаклари бир-бири билан аралашиб, ириб-чириб ишдан чиқди.

[يَدْشْدِى ***yedïšdi*** **(йедишди)**] ***ol meŋä yeŋäk yedïšdi*** – у менга тўн ва бўғчанинг бахясини тикишда кўмаклашди (***yedïšür, yedïšmäk***). Олдинги феъл масдари *qāf* ли ***yïdïšmaq*** дир.

[يۈشۈدى ***yüdüšdi*** **(йудушди)** – юклашди] ***ol ikki tariğ yüdüšdi*** – улар иккови буғдой ва бошқа нарсаларни юклашда бир-бирига ёрдам қилишди. Баҳслашишга ҳам шу сўз қўлланади (***yüdüšür***, ***yüdüšmäk***).

[يارىشدى ***yarašdï*** **(йарашди)** – келишди] ***olar ikki yarašdï*** – улар иккови бир ишда бир-бири билан келишди (***yarašur***, ***yarašmaq***).

Қуйидаги байт келишгандан сўнг вафосизлик қилган киши ҳақида айтилган:

***Ortuq bolup bilišdi,***
***Meniŋ tawar satïšdï.***
***Bistä bilä yaraštï,***
***Kizläp tutar tayïmï.***

Айтмоқдаки: У мен билан танишиб ўртоқ бўлди. Товарларимни сотишга ёрдам берди, сўнг Биста саройбон билан сўз бириктириб, мендан тойимни яшириб қўйди.

*Bistä* – савдогарларни уйи (саройи)да қўноқ қиладиган кишининг оти. У савдогар молини сотишга ёрдам беради, уни меҳмон қилади, унинг моллари (қўйлари)ни тўплайди, уларни боқади. Савдогар кетар вақтида йигирма қўй ҳисобига хизмат ҳақи учун бир қўй олади. Тухси, ягмо, чигил қабилаларида ҳам шундай. Уларда буни ўз кўзим билан кўрдим (***yarašur***, ***yarašmaq***).

[يارىشدى ***yarïšdï*** **(йаришди)** – пойга қилди] ***ol anïŋ birlä at yarïšdï*** – у унинг билан от пойга қилди.

[يارىشدى ***yarïšdï*** **(йаришди)** – бўлишди] ***ol anïŋ birlä tawar yarïšdï*** – у унинг товарни тенг бўлишди. Бу сўз меросни тақсимлашга нисбатан ҳам қўлланади (***yarïšur***, ***yarïšmaq***).

[يۇرىشدى ***yurïšdï*** **(йуришди)** – юришда баҳслашди] ***ol meniŋ birlä yurïšdï*** – у мен билан юришда баҳслашди.

[يۇرىشدى ***yorïšdï*** **(йўришди)**] ***torqu yorïšdï*** – ипак кийимлик ва бошқаларнинг юзида йўл-йўл излар пайдо бўлди. Бу – ипак кийимликнинг титила бошлаши билан боғлиқ ҳолат (***yorïšur***, ***yorïšmaq***).

[يىرىشدى ***yirïšdi*** **(йиришди)**] ***yirïšdi näŋ*** – нарса йирилди, ёрилди, бу ажралишдир.

[يىرىشدى ***yirïšdi*** **(йиришди)**] ***er yirïšdi*** – киши ва бошқалар жилмайди, чеҳраси ёришди (***yirïšür***, ***yirïšmäk***).

[يىرىشدى ***yirïšdi*** **(йиришди)** – заифланди] ***it tïšï yirïšdi*** – итнинг тиши ва бошқалар заифланди.

[يازىشدى ***yazïšdï*** **(йазишди)** – ечишди] ***ol aŋar tügün yazïšdï*** – у унга тугунни ечишга кўмаклашди. Баҳслашишга ҳам шу сўз қўлланади (***yazïšur***, ***yazïšmaq***).

[يازىشدى ***yazïšdï*** **(йазишди)**] ***ol meŋä ya yazïšdï*** – у менга ёйни камондан ва бошқалардан олишда кўмаклашди (***yazïšur***, ***yazïšmaq***).

[يېغىشدى ***yağušdï*** **(йағушди)** – яқинлашди] ***bir näŋ birkä yağušdï*** – бир нарса бошқа бир нарсага яқинлашди (***yağušur***, ***yağušmaq***).

[يېغىشدى ***yïğïšdï*** **(йиғишди)** – йиғишди, тўплашди] ***ol meŋä buğday yïğïšdï*** – у менга буғдой ва бошқа нарсаларни йиғишда кўмаклашди (***yïğïšur***, ***yïğïšmaq***).

[يۇشۇشدى ***yowušdï*** **(йўвушди)**] ***olar ikki yowušdï*** – улар иккови бир-бирига юзланишди, бақимти келишди (***yowušur***, ***yowušmaq***[59]).

[يۇشۇشدى ***yuwušdï*** **(йувушди)** – юмалатишди] ***olar bir-birkä topïq yuwušdï*** – улар иккови бир-бирига копток юмалатишди (***yuwušur***, ***yuwušmaq***).

---

[59] Бу сўзнинг масдари *kāf* ва *qāf* билан ёзилган (يۇشۇماق).

[يَقْشْدِى *yaqïšdï* (**йақишди**)] ***ol aŋar yaqïğ yaqïšdï*** – у ярага малҳам қўйишда унга кўмак берди.

[يَقْشْدِى *yaqïšdï* (**йақишди**) – яқинлашди] ***anïŋ kelmäki yaqïšdï*** – унинг келиши яқинлашди. Ҳар нарсанинг мавжуд бўлиши, келиши, яқинлашишига ҳам шу сўз қўлланади. Сўзга чечан (сўзамол) киши сўзлаганда ***anïŋ irni yaqïšmas*** дейиладики, "тез сўзлаганидан, сўзамоллигидан лаблари бир-бирига тегмайди" демакдир (***yaqïšur, yaqïšmaq***).

[تُقْشْدِى ***toqušdï*** (**тўқушди**) – ёйилди, тарқалиб кетди] ***uδuz toqušdï*** – яра ёйилди. Намлик сабабли яра баданнинг бир еридан иккинчи ерига тарқалиб кетди (***toqušur, toqušmaq***).

[يِقْشْدِى ***yïqïšdï*** (**йиқишди**) – йиқитишди] ***ol aŋar tam yïqïšdï*** – у унга девор ва бошқа нарсаларни йиқитишда кўмаклашди (***yïqïšur, yïqïšmaq***).

[يِلْشْدِى ***yïlïšdï*** (**йилишди**) – илиди] ***suwlar qamuğ yïlïšdï*** – сувлар ва бошқа нарсалар илиди (***yïlïšur, yïlïšmaq***[60]).

[يِلْشْدِى ***yïlïšdï*** (**йилишди**)] ***olar bir ekindikä oğrï yïlïšdï*** – уларнинг ҳар иккиси бир-бирига ўғри деб туҳмат қилишди (***yïlïšur, yïlïšmaq***).

[يُلْشْدِى ***yulušdï*** (**йулушди**) – талашди, юлишди] ***bodun bir ekindini yulušdï*** – жамоа бир-бирини талон-торож қилди (***yulušur, yulušmaq***).

[يَمْشْدِى ***yamašdï*** (**йамашди**)] ***ol aŋar ton yamašdï*** – у унга тўн ва бошқа нарсаларни ямашга кўмаклашди (***yamašur, yamašmaq***). Баҳслашишга ҳам шу сўз қўлланади.

[يُنْشْدِى ***yonušdï*** (**йўнушди**) – йўнишди, рандалашди] ***olar bir-birkä oq yonüšdï*** – улар бир-бирига ўқ ва бошқа нарсаларни йўнишда кўмаклашдилар (***yonušur, yonušmaq***). Баҳслашишга ҳам шу сўз қўлланади.

ق ***q*** [ҳарфи]:

[يَتْقْتِى ***yatïqtï*** (**йатиқти**) – ёт бўлди] ***yağuq kiši yatïqtï*** – яқин киши бегоналашди (***yatïqar, yatïqmaq***).

[يُتْقْتِى ***yutïqtï*** (**йутиқти**) – қирилди] ***yïlqï yutïqtï*** – йилқи қора совуқдан ўлди. Бу ҳам совуқдан ўлишдир (***yutïqar, yutïqmaq***).

[يَزْقْتِى ***yazïqtï*** (**йазиқти**) – ёз бўлди] ***yïl yazïqtï*** – мавсум кўклам бўлди (***yazïqar, yazïqmaq***).

[يَشْقْتِى ***yašïqtï*** (**йашиқти**)] ***köz yašïqtï*** – кўз қуёшдан, унинг тиғидан ёшланиб қамашди (***yašïqar, yašïqmaq***).

[يَغْقْتِى ***yağïqtï*** (**йағиқти**) – ёв бўлди, ёвлашди] ***beglär bir-birkä yağïqtï*** – икки бек бир-бирига ёв бўлди (***yağïqar, yağïqmaq***).

ل ***l*** [ҳарфи]:

[يَبْلْدِى ***yapuldï*** (**йапулди**) – ёпилди] ***qapuğ yapuldï*** – эшик бекилди. Ҳар қандай бекилган нарсага ҳам бу сўз қўлланади (***yaplur, yapulmaq***).

[يُبْلْدِى ***yupaldï*** (**йупалди**)] ***iš yupaldï*** – иш ўз ҳолига ташлаб қўйилди, эътибор берилмади (***yupalur, yupalmaq***).

[يِتْلْدِى ***yetildi*** (**йетилди**) – етиб олинди] ***ol sükä yetildi*** – у аскар ва бошқаларга етиб олди (***yetilür, yetilmäk***).

[يَذْلْدِى ***yaδïldï*** (**йадилди**) – ёйилди] ***sü yaδïldï*** – аскар ва бошқалар ёйилди.

[يَذْلْدِى ***yaδïldï*** (**йадилди**)] ***ton künkä yaδïldï*** – тўн қуёшга ёйилди, ёзилди. Ёйилган ҳар қандай нарсага ҳам бу сўз қўлланади (***yaδlur, yaδïlmaq***).

[يَذْلْدِى ***yaδïldï*** (**йадилди**) – ёйилди] ***yağ tonda yaδïldï*** – ёғ кийим ва бошқа нарсаларга ёйилди (***yaδlur, yaδïlmaq***).

---

[60] Бу сўзнинг масдари *käf* ва *qäf* билан ёзилган (يِلْشْماكْق).

[يُدُلدى *yoδuldï* (**йўдулди**) – ювилди] ***qan qïlïčtïn yoδuldï*** – киличдаги қон ювилди, кетказилди.

[يُدُلدى *yoδuldï* (**йўдулди**)] ***anïŋ atï aydïn yoδuldï*** – унинг номи султон дафтаридан ўчирилди. Кетказилган, йўқ қилинган ҳар қандай нарсага ҳам шу сўз қўлланади (***yoδlur, yoδulmaq***).

[يَدِلدى *yeδildï* (**йедилди**)] ***yetgäk yeδildi*** – бўғча тиқилди ва ичига нарса тўлдирилди (***yeδilür, yeδilmäk***[61]).

[يَرِلدى *yarïldï* (**йарилди**) – ёрилди] ***qap yarïldï*** – қоп ва бошқалар ёрилди (***yarïlur, yarïlmaq***[62]).

[يَرِلدى *yarïldï* (**йарилди**) – синдирилди] ***butïq yarïldï*** – бутоқ синдирилди. Ҳар қандай нарсанинг синдирилишига ҳам шу сўз қўлланади (***yarlur, yarïlmaq***[63]).

[يُرُلدى *yoruldï* (**йўрулди**) – ечилди] ***oğul bešiktin yoruldï*** – бола бешикдан ечилди (***yorlur, yorulmaq***).

[يَزِلدى *yazïldï* (**йазилди**) – ечилди] ***tügün yazïldï*** – тугун ва бошқа нарсалар ечилди.

[يَسِلدى *yasïldï* (**йасилди**) – эътиборсиз қолдирилди] ***iš yasïldï*** – иш ўз ҳолига ташлаб қўйилди, асбоблари тарқатиб юборилди.

[يَسِلدى *yasïldï* (**йасилди**) – олинди] ***ya yasïldï*** – ёй садоқ (ўқдон)дан олинди.

[يَسِلدى *yasïldï* (**йасилди**) – тарқалиб кетди] ***sü yasïldï*** – аскар ва бошқалар тарқалиб кетди. Ҳар қандай нарсанинг тарқалиб кетишига ҳам шу сўз қўлланади (***yasïlur, yasïlmaq***).

[يُشُلدى *yošuldï* (**йўшулди**)] ***qan yošuldï*** – қон яра ва бошқа нарсалардан қон силқиб чиқди (***yošulur, yošulmaq***).

[يِشِلدى *yešildi* (**йешилди**) – қовушди, келишди] ***anïŋ eligi išqa yešildi*** – унинг қўли ишга қовушди.

[يُشُلدى *yošïldï* (**йўшилди**)] сирка, бўза каби нарсаларнинг қумгон жўмрагидан оқизилишига ***yošïldï*** дейилади (***yošïlur, yošïlmaq***[64]).

[يِغِلدى *yağïldï* (**йағилди**) – ёғдирилди] ***yağmur yağïldï*** – ёмғир ва бошқалар ёғдирилди (***yağïlur, yağïlmaq***).

[يِغِلدى *yïğïldï* (**йиғилди**) – чекинди] ***er ištïn yïğïldï*** – киши ишдан чекинди. Бировнинг чекинтиришига ҳам шу сўз қўлланади. Бу феъл ҳам ўтимли, ҳам ўтимсиз ҳолатда қўлланади (***yïğïlur, yïğïlmaq***).

[يِغِلدى *yïğïldï* (**йиғилди**) – йиғилди] ***boδun yïğïldï*** – жамоа тўпланди.

[يِغِلدى *yïğïldï* (**йиғилди**)] ***yarmaq yïğïldï*** – танга ва бошқа нарсалар тўпланди.

[يِغِلدى *yïğïldï* (**йиғилди**) – уйилди] ***tupraq yïğïldï*** – тупроқ ва бошқа нарсалар уйилди (***yïğïlur, yïğïlmaq***).

[يُغُلدى *yuwuldï* (**йувулди**)] ***oğlan yuwuldï*** – боланинг бебошлиги тинчитилди (***yuwlur, yuwulmaq***).

[يُغُلدى *yuwuldï* – юмалатилди] ***topïq yuwuldï*** – тўп, кўпток ва бошқалар юмалатилди (***yuwlur, yuwulmaq***).

(Шоир) шундай деган:

***Aydïm aŋar sawulma,***
***Qulbaq uδu yuwulma.***

---

[61] Бу сўзнинг масдари *kāf* ва *qāf* билан ёзилган (يَذْلَماقْ).
[62] Бу сўзнинг масдари *kāf* ва *qāf* билан ёзилган (يَرْلَماقْ).
[63] Бу сўзнинг масдари *kāf* ва *qāf* билан ёзилган (يَرْلَماقْ).
[64] Бу сўзнинг масдари *kāf* ва *qāf* билан ёзилган (يُشْلَماقْ).

***Yuwğa suwun suwalma,***
***Qaptï meniŋ qayïnï.***

Бевафолик қилган киши ҳақида айтмоқда: *Qulbaq* билан яқин бўлма (бу бир кишининг оти), унинг теварагида ўралашма, таги йўқ хабар билан ҳавасланма, у менинг қай қабиласидан келтирилган қулимни олиб қочди.

[يِۋِلْدِى **yiwildi** (?) (**йивилди**)] ***sü yiwildi*** (?) – аскар эришди.

[يەۋۈلْدِى **yewüldï** (**йевулди**) – етишди] ***bekni yewüldi*** – бўза етишди. Бу бугдой ва тариқдан қилинган ичимликдир.

[يِۋِلْدِى **yiwildi** (**йивилди**)] ***bilig yiwildi*** – ақли тўлишди. Ҳар қандай нарсанинг етишиши, улгуриши, кечикаётган етишиб олишига ҳам шу сўз қўлланади (***yewülür, yewülmäk***).

[يەقِلْدِى **yaqïldï** (**йақилди**) – яқинлашди] ***aŋar yaqïldï*** – унга яқинлашди, тегиб кетди (***yaqïlur, yaqïlmaq***).

[يُقُلْدِى **yuquldï** (**йуқулди**) – юқтирилди] ***tonqa qara yuquldï*** – кийимга ва бошқа нарсаларга қора юқтирилди (***yuqlur, yuqulmaq***).

[يِقِلْدِى **yïqïldï** (**йиқилди**)] ***tam yïqïldï*** – девор ва бошқа нарсалар йиқилди (***yïqïlur, yïqïlmaq***).

[يَمَلْدِى **yamaldï** (**йамалди**)] ***ton yamaldï*** – тўн ва бошқа нарсалар ямалди (***yamalur, yamalmaq***).

[يَنُلْدِى **yanuldï** (**йанулди**) – қайралди] ***pičāk yanuldï*** – пичоқ ва бошқа нарсалар қўл суртиб қайралди (***yanulur, yanulmaq***).

[يُنُلْدِى **yonuldï** (**йўнулди**)] ***yïğač yonuldï*** – ёғоч ва бошқа нарсалар йўнилди (***yonulur, yonulmaq***).

**Бу бўлимнинг *muḍā'af* лари**

[يَلَلْدِى **yalaldï** (**йалалди**) – туҳмат қилинди] ***aŋar quruğ yala yalaldï*** – унга қуруқ туҳмат қилинди (***yalalur, yalalmaq***).

[يُلُلْدِى **yöläldi** (**йўлалди**)] ***tam yöläldi*** – девор устун билан тикланди (***yölälür, yölälmäk***).

[يُلُلْدِى **yülüldi** (**йулулди**) – олинди] ***sač yülüldi*** – соч олинди (***yülülür, yülülmäk***).

**ن *n*** [ҳарфи]:

[يَپِنْدِى **yapïndï** (**йапинди**)] ***er qalqan yapïndï*** – эр қалқон билан ҳимояланди.

[يَپِنْدِى **yapïndï** (**йапинди**)] ***ol qapuğ yapïndï*** – у эшикни ёпди (***yapïnur, yapïnmaq***).

[يُپُنْدِى **yupandï** (**йупанди**) – тортинди] ***er ištïn yupandï*** – киши ишдан четлашди (***yupanur, yupanmaq***).

[يَچَنْدِى **yačandï** (**йачанди**)] ***ol mendin yačandï*** – у ишни ўринлатмагани учун мендан уялди (***yačanur, yačanmaq***).

[يَدِنْدِى **yaδïndï** (**йадинди**)] ***ol tonïn künkä yaδïndï*** – у тўнини кунга ёймоқчи бўлди. Тўндан бошқа нарсаларга ҳам шу сўз қўлланади (***yaδïnur, yaδïnmaq***).

[يُدُنْدِى **yoδundï** (**йўдунди**)] ***ol közdin yaš yoδundï*** – у кўздан ёшини артди. Ҳар қандай нарсани бир кишининг ўзи артиб-суртишига ҳам шу сўз қўлланади (***yoδunur, yoδulmaq*** (***yoδunmaq?***)).

[يَرَنْدِى **yarandï** (**йаранди**)] ***at yarandï*** – от пойга майдонида ўргангунча чопишга ўргатилди.

[يَرَنْدِى **yarandï** (**йаранди**) – хушомадгўйлик, тилёғламалик қилди] ***ol meŋä yarandï*** – у менга тилёғламалик қилди (***yaranur, yaranmaq***).

[يَرِنْدِى **yarïndï** (**йаринди**)] ***ol butïq yarïndï*** – у ўзи учун бутоқ ва бошқа нарсаларни ёришга киришди (***yarïnur, yarïnmaq***).

[يَزْنْدِى *yazïndï* (**йазинди**)] ***er qurïn yazïndï*** – киши белбоғини ва бошқа нарсаларни ўзи ечмоқчи бўлди (***yazïnur, yazïnmaq***).

[يِغْنْدِى *yïğïndï* (**йиғинди**) – йиғишга киришди] ***er öziŋä yarmaq yïğïndï*** – киши ўзи учун танга (пул) йиғишга киришди (***yïğïnur, yïğïnmaq***).

[يُكْنْدِى *yükündi* (**йукунди**)] ***qul Täŋrikä yükündi*** – банда Тангри таъолога юкунди; ***toyun burxanqa yükündi*** – тўйин (будда динининг бошлиғи) бутга топинди.

[يُكْنْدِى *yükündi* (**йукунди**) – бош эгди] ***ol meŋä yükündi*** – у менга ҳурмат юзасидан бош эгди (***yükünur, yükünmak***).

(Шоир) шундай деган:

***Yüknüp meŋä imlädi,***
***Közüm yašïn yamladï.***
***Bağrïm bašïn emlädi,***
***Elkin bolup ol kečär.***

Севган кишисининг тунда келишини таърифлаб айтмоқда: У мени қайтадан тирилтирди. Менга таъзим қилиб, имо қилди. Уни кўриб яраланган кўзим шифо топди, дилим яраси соғайди, ўзи эса бир кўринди-ю, елдай кетди.

[يَلْنْدِى *yalïndï* (**йалинди**) – ечинди, яланғочланди] ***er yalïndï*** – киши ва бошқалар ечинди (***yalïnur, yalïnmaq***).

[يُلْنْدِى *yulundï* (**йулунди**)] ***sač yulundï*** – соч олинди.

[يُلْنْدِى *yulundï* (**йулунди**) – озод қилинди] ***qul yulundï*** – қул хўжайинга ўз қийматини тўлагани учун озод қилинди.

[يُلْنْدِى *yulundï* (**йулунди**) – қутқарилди] ***bulun yulundï*** – асир пул тўлаб қутқарилди.

[يُلْنْدِى *yulundï* (**йулунди**) – ажралди] ***uraġut yulundï*** – хотин эрига пул тўлаб ажралди (***yulnur, yulunmaq***).

[يَمَنْدِى *yamandï* (**йаманди**) – ямамоқчи бўлди] ***er tonïn yamandï*** – киши тўнини ямади (***yamanur, yamanmaq***).

[يُمُنْدِى *yumundï*] ***ol közin yumundï*** – у кўзини юмадигандай кўринди (***yumïnur, yumunmaq***[65]).

[يُنْدِى *yonïndï* (**йўнинди**)] ***ol yïğač yonïndï*** – у ёғоч ва бошқа нарсаларни йўнаётгандай кўринди (***yonïnur, yonïnmaq***).

**Бу бўлимнинг бошқа бир тури**

[يَيْنْدِى *yayïndï* (**йайинди**)] ***ol suwda tonïn yayïndï*** – у сувда кийимини ўзи ювди (***yayïnur, yayïnmaq***).

**ОХИРГИ ҲАРФИ ҲАРФИ ИЛЛАТ БЎЛГАН СЎЗЛАР БЎЛИМИ**

ب ***p*** [харфи]:

[يُبَادِى *yupadï* (**йупади**)] ***er išïğ yupadï*** – киши ишга эътиборсиз бўлди, кетига тушмади (***yupar, yupamaq***).

ذ ***δ*** [харфи]:

---

[65] Бу сўзнинг масдари *kāf* ва *qāf* билан ёзилган (يُمُمَاقْ).

[يِذِيدِى *yïðïdï* (**йидиди**) – ҳидланди] ***et yïðïdï*** – эт ҳидланди. Ҳар қандай нарсанинг ҳидланишига ҳам шу сўз қўлланади (***yïðïr, yïðïmaq***[66]).

ر *r* [ҳарфи]:

[يَرُودِى *yarudï* (**йаруди**) – ёриди] ***kün yarudï*** – кун ёриди. Қоронғи жойнинг ёришишига ҳам шу сўз қўлланади (***yarur, yarumaq***).

[يَرَادِى *yaradï* (**йаради**) – яради, мос келди] ***ol näŋ aŋar yaradï*** – у нарса унга яради, кунига яради (***yarar, yaramaq***). Ярашган, мувофиқ келган ҳар қандай нарсага ҳам шу сўз қўлланади. Мақолда (шундай келган): ***Ata tonï oğulqa yarasa, atasïn tilämäs.*** Маъноси: "Отанинг тўни ўғилга мос келса, ундан сўнг ўғил мерос олиш учун отасининг тириклигини истамайди". Бунинг яна бошқа бир маъноси бор: "сўнг ўғилнинг отага эҳтиёжи қолмайди". Ўғузлар шу сўздан олиб ***yol yarasun*** дейдиларки, "йўл мақсадингга мувофиқ бўлсин" демакдир.

[يُرِيدِى *yurïdï* (**йуриди**) – юрди] ***er yurïdï*** – киши ва бошқалар юрди. Ҳар нарсанинг юришига ҳам шу сўз қўлланади (***yurïr, yurïmaq***).

Мақолда (шундай келган):

***Tünlä yurup kündüz sewnür,***
***Kičigdä ewlänip, ulğaδu sewnür.***

Маъноси: Кеч билан юриб кундуз севинади, чунки у йўлни кўрмасдан босади. Ёшликда уйланган киши қариганда севинади, чунки болалари унга ёрдам берадилар, у роҳат кўради.

[يِرَادِى *yïradï* (**йиради**)] ***yïradï näŋ*** – нарса узоқлашди (***yïrar, yïramaq***).

ز *z* [ҳарфи]:

[يَزَادِى *yazadï* (**йазади**)] ***er qïšlağda yazadï*** – киши кўкламни қишлоқда ва бошқа жойларда ўтказди (***yazar, yazamaq***).

[يَزَادِى *yozadï* (**йўзади**)] ***qoy yozadï*** – қўй қисир қолди. Ҳар қандай ҳайвон айғир чопган бўлса ҳам, бўғоз бўлмай қисир қолишига ***yozadï*** дейилади. Фақат байталга бу сўз қўлланмайди. Байталга ***bi qïsïr boldï*** – бия қисир қолди, дейилади (***yozar, yozamaq***).

[يَزَادِى *yezädi* (**йезади**) – айланиб чиқди] ***yezäk qamuğ yerig yezädi*** – айғоқчи бирор хавотирли нарса йўқмикан деб, айланиб чиқди (***yezär, yezämäk***). Бу сўз кам қўлланадиган сўзлардан.

ش *š* [ҳарфи]:

[يَشَادِى *yašadï* (**йашади**) – яшади] ***er uzun yašadï*** – киши узоқ яшади (***yašar, yašamaq***).

[يَرُودِى يَشُودِى *yarudï-yašudï* (**йаруди-йашуди**) – яйраб-яшнади] ***er yarudï-yašudï*** – киши яйраб-яшнади; ***yašudï*** сўзи ёлғиз қўлланмайди, ***yarudï*** билан бирга қўлланади (***yarur-yašur, yarumaq-yašumaq***).

غ *ğ* [ҳарфи]:

[يَغُودِى *yağudï* (**йағуди**) – яқинлашди] ***beg kelmäki yağudï*** – бек ва бошқаларнинг келиши яқинлашди (***yağur, yağumaq***).

ل *l* [ҳарфи]:

[يَلَادِى *yaladï* (**йалади**) – туҳмат қилди] ***ol aŋar oğrï yaladï*** – у унга ўғри ва бошқа нарсалар деб туҳмат қилди (***yalar, yalamaq***).

[يُلَادِى *yölädi* (**йўлади**) – тиргович қўйди] ***ol tamïğ yölädï*** – у девор ва бошқа нарсаларга тиргович қўйди (***yölär, yölämäk***).

(Шоир) шундай деган:

---

[66] Бу сўзнинг масдари *kāf* ва *qāf* билан ёзилган (يِذِيماكْ).

***Uluğnï tilär-men,***
***Tavarïn yölär-men.***
***Tiläkni bular-men,***
***Yïlqïm aŋar öplänür.***

Айтмоқдаки: Билим истайман, мол-дунёга суянаман, яъни улуғ мақсад йўлида тилагимга етаман. Бунинг учун молу ҳолим сарф бўлади.

[يۈلىدى ***yülidi*** **(йулиди)** – олди] ***er sač yülidi*** – киши сочини олди (***yülir, yülimäk***).

[يۇلايدى ***yulaydï*** **(йулайди)**] ***beg boδunuğ yulaydï*** – бек жамоага ёрдам қилди (***yulayïr, yulaymaq***).

[يىلىدى ***yïlïdï*** **(йилиди)** – илиди] ***suw yïlïdï*** – сув ва бошқа нарсалар илиди (***yïlïr, yïlïmaq***).

م ***m*** [ҳарфи]:

[يامادى ***yamadï*** **(йамади)** – ямади] ***ol ton yamadï*** – у тўн ва бошқа нарсаларни ямади.

ن ***n*** [ҳарфи]:

[يانودى ***yanudï*** **(йануди)** – қайради] ***er pičäk yanudï*** – киши пичоқ, қилич ва бошқа нарсаларни қайради. Қўлга суртилиб қайралган ҳар қандай нарсага ҳам шу сўз қўлланади (***yanur, yanumaq***).

[يېنىدى ***yenidi*** **(йениди)** – туғди] ***urağut yenidi*** – хотин бола туғди; юкидан бўшанди (***yenir, yenimäk***).

Бу сўз фақат хотин-қизларга хос бўлиб, уларга нисбатангина қўлланади. Ҳайвонлар хусусида сўз кетганда туққан нарсанинг оти олиниб, унга *-ladï, -lädi* қўшимчаси қўшилиб, бола туққанлик ифода этилади. Чунончи, сигир туғса, ***iŋäk buzağuladï*** дейиладиким, "сигир бузоқ туғди" демакдир. Яъни "бузоқ" маъносидаги ***buzağu*** сўзига *-ladï* қўшимчаси қўшилиб бола туғилгани ифодаланган. "Қуш боласи"га ***bala*** дейилади. Агар "қуш туғди" дейилмоқчи бўлинса, юқоридаги қоидага мувофиқ, ***quš balaladï*** дейиладики, "қуш бола тугди", демакдир. Фақат бия ҳақида бундай дейилмайди. Чунки "бия боласи"га ***qulun*** дейилади. Агар бия туғса, ***qïsraq qulnadï*** дейилади, "бия бола туғди", демакдир. Бу ерда қоидага кўра ***qulunladï*** (қулунлади) дейиш керак эди. Лекин ***qulnadï*** дейилади. Чунки *nïn* билан *lām* маҳраждан чиқадиган товушлардандир. Булар бир-бири ўрнига алмашади. Шунинг учун бир ҳарф туширилиб енгиллатилган. Яна: ***arslan enüklädi*** дейилади, "арслон бола туғди" демакдир. Бошқаси ҳам шундай. ***urağut yenidi*** гапидаги ***yenidi*** сўзининг ясалишига икки хил қараш мумкин. Биринчиси, ***yenidi*** сўзи ***yenig näŋ*** (енгил нарса) иборасидан олинган. Хотин бола тугиб, енгил бўлди, демакдир. Бу сўзда *nūn* ҳарфи касра қилинган. Қоидага кўра *nūn* ҳарфи ўтрули бўлиши керак эди.

Иккинчи: "бадан" маъносидаги ***yïn*** сўзидан олинган. "Хотин ўз баданидан яна бир гавда (вужуд) чиқарди", дамакдир. Бу сўзнинг ясалишида ҳар икки усул ҳам қоидага мувофиқ келади.

Уч ҳарфлилар бўлими тугади.

## ТЎРТ ҲАРФЛИЛАР БЎЛИМИ

### *fa'laldï* қолипидаги турли ҳаракатларда талаффуз этиладиган сўзлар боби

ر ***r*** [ҳарфи]:

[يېلپىرادى ***yelpirädi*** **(йелпиради)** – эсди] ***yel yelpirädi*** – шамол эсди.

[يېلپىرادى ***yelpirädi*** **(йелпиради)**] ***er yelpirädi*** – киши жин теккандай аланг-жаланг қилди.

[يلپىرادى *yelpirädi* (**йелпиради**) – намланди] ***kepäk yelpirädi*** – кепак намланди. Ерга томчи томса ҳам шу сўз қўлланади.

[يلپىرادى *yelpirädi* (**йелпиради**)] ерга томчи томса ***yağmur yelpirädi*** дейилади, маъноси "ерга ёмғир томчилади"дир (***yelpirär***, ***yelpirämäk***).

[يېپتۇردى *yapturdï* (**йаптурди**) – ёптирди] ***ol aŋar qapuğ yapturdï*** – у унга эшикни ёптирди.

[يېپتۇردى *yapturdï* (**йаптурди**) – қурдирди] ***ol aŋar tam yapturdï*** – у унга девор қурдирди.

[يېپتۇردى *yapturdï* (**йаптурди**) – ёптирди] ***ol aŋar etmäk yapturdï*** – у унга нон ёптирди (***yapturur***, ***yapturmaq***).

[يتتۇردى *yatturdï* (**йаттурди**) – ёздирди] ***ol aŋar töšäk yatturdï*** – у унга тушак ёздирди. Ёзилган ҳар қандай нарсага ҳам шу сўз қўлланади (***yatturur***, ***yatturmaq***). Бу сўзнинг асли ***yaδturdï*** эди, кейинчалик (товушлар) сингишган.

[يتتۇردۇم *yatturdum* (**йаттурдум**)] ***men aŋar süsin / süsün yatturdum*** – мен унга аскарларни тарқатиб юборишга буюрдим. Бошқаси ҳам шундай.

[يوتتۇردۇم *yotturdum* (**йўттурдум**) – ўчиртирдим] ***men aŋar bitig yotturdum*** – мен унга хатни ўчиртирдим. Бу сўзнинг асли ***yoδturdum*** дир. Ҳар қандай нарсани изи қолмагунча артиб тозалашга ҳам шу сўз қўлланади (***yotturur-men***, ***yotturmaq***).

[يىتتۈردى *yittürdi* (**йиттурди**) – йўқоттирди] ***ol aŋar yarmaqïn yittürdi*** – у унинг тангасини ва бошқа нарсаларини йўқоттирди (***yittürür***, ***yittürmäk***).

Бирон кимсага бирор буюмни бўғча ёки бўғчага ўхшаш нарсада сақлашга топширишга ҳам шу сўз қўлланади. Бу сўзнинг асли ***yeδtürdüm*** дир. Кейинчалик синишган.

[يارتۇردى *yarturdï* (**йартурди**) – ёрдирди] ***ol aŋa yïğač yarturdï*** – у унга ёғоч ва бошқа нарсаларни ёрдирди (***yarturur***, ***yarturmaq***).

[يەرتۈردى *yertürdi* (**йертурди**)] ***ol aŋar butïq yertürdi*** – у унга буток (шох) ёришга буюрди; у ҳам ёрди (***yertürür***, ***yertütmäk***).

[يازتۇردى *yazturdï* (**йазтурди**) – ечтирди] ***ol aŋar tügün yazturdï*** – у унга тугун ва бошқа нарсаларни ечтирди.

[يازتۇردى *yazturdï* (**йазтурди**) – янглиштирди] ***ol anï oqta yazturdï*** – у уни ўқ отишда янглиштирди. Сўзда янглиштиришга ҳам бу сўз қўлланади (***yazturur***, ***yazturmaq***).

[يۈزتۈردى *yüztürdi* (**йузтурди**)] ***ol aŋar qoy yüztürdi*** – у унга қўй ва бошқа ҳайвонларнинг терисини шилдирди.

[يۈزتۈردى *yüztürdi* (**йузтурди**) – суздирди] ***ol anï suwda yüztürdi*** – у уни сувда суздирди (***yüztürür***, ***yüztürmäk***).

[يەغدۇردى *yağturdï* (**йағтурди**) – ёғдирди] ***Täŋri yağmur yağturdï*** – Тангри таъоло ёмғир ва бошқа нарсаларни ёғдирди (***yağturur***, ***yağturmaq***).

[يېغدۇردى *yïğturdï* (**йиғтурди**) – йиғдири] ***ol aŋar tarïğ yïğturdï*** – у унга буғдой ва бошқа нарсаларни йиғдирди. Одамни ейишдан ва бошқа нарсадан қайтаришга ҳам бу сўз қўлланади (***yïğturur***, ***yïğturmaq***).

[يېغدۇردى *yïğturdï* (**йиғтурди**)] ***ol qadašïŋa näŋ yïğturdï*** – у уни яқинлари ва қариндошларига тасалли беришга ундади (***yïğturur***, ***yïğturmaq***[67]).

[يۇدۇردى *yuwturdï* (**йувтурди**)] ***ol topïq yuwturdï*** – у тўп ва бошқа нарсаларни юмалатди (***yuwturur***, ***yuwturmaq***).

[يەقتۇردى *yaqturdï* (**йақтурди**)] ***ol bašqa yaqïğ yaqturdï*** – у ярага малҳам қўйдирди.

---

[67] Бу сўзнинг масдари янглишиб *kāf* билан ёзиб юборилган (يەغدۇماق).

[يَقْتُرْدِى ***yaqturdï*** (**йақтурди**)] ***ol anïŋ ewiŋä ot yaqturdï*** – у унинг уйига ўт ёқтирди ва у олов ёқди (***yaqturur***, ***yaqturmaq***). Киши бирор бир нарсага тегиб кетса ҳам шу сўз қўлланади.

[يُقْتُرْدِى ***yuqturdï*** (**йуқтурди**) – сурдирди] ***ol anïŋ tonïŋa yïpar yuqturdï*** – у унинг тўнига ипор (мушк) сурдирди (***yuqturur***, ***yuqturmaq***).

[يِقْتُرْدِى ***yïqturdï*** (**йиқтурди**)] ***ol anïŋ ewin yïqturdï*** – у унинг уйини ва бошқа нарсаларни йиқиттирди (***yïqturur***, ***yïqturmaq***).

[يِكْتُرْدِى ***yigtürdï*** (**йигтурди**)] ***tar etüg aδaqïğ yigtürdi*** – тор этик оёққа азоб берди (***yigtürür***, ***yigtürmäk***).

[يَلْتُرْدِى ***yalturdï*** (**йалтурди**) – яллиғлатди] ***tübi otuğ yalturdï*** – шамол ўтни яллиғлатди (***yalturur***, ***yalturmaq***).

[يُلْتُرْدِى ***yulturdï*** (**йултурди**)] ***ol bulunuğ yulturdï*** – у асирнинг озод қилиниши учун фидя берди.

[يُلْتُرْدِى ***yulturdï*** (**йултурди**)] ***ol taqağunï yulturdï*** – у товуқ ва бошқа нарсаларнинг патини юлдирди. Ҳар қандай тукли нарсани юлишга ҳам шу сўз қўлланади.

[يُلْتُرْدِى ***yulturdï*** (**йултурди**)] ***ol qulïn yulturdï*** – у қулини пул баробарига озод эттирди (***yulturur***, ***yulturmaq***).

[يُمْتُرْدِى ***yümtürdi*** (**йумтурди**) – юмдирди] ***ol anïŋ közin yümtürdi*** – у унинг кўзини юмдирди (***yümtürür***, ***yümtürmäk***).

[يَپْچُرْدِى ***yapčurdï*** (**йапчурди**) – ёпиштирди] ***ol oqqa yüg yapčurdï*** – у ўққа пат ёпиштирди. Бу сўзнинг ف *fa* [*w*] ли ***yawčurdï*** варианти ҳам бор (***yapčurur***, ***yapčurmaq***).

[يُنْچُرْدِى ***yunčirdï*** (**йунчирди**)] ***er išï yunčirdï*** – кишининг иши ёмонликка юз тутди (***yunčirar***, ***yunčirmaq***).

[يِلْدِرْدِى / يِلْدِرْدِى ***yeldirdi*** (**йелдирди**) – эсди] ***yel yeldirdi*** – шамол эсди (***yeldirär***, ***yeldirmäk***).

[يُمْدَرْدِى ***yomdardï*** (**йўмдарди**)] ***ol kišini yomdardï*** – у кишиларни ва бошқаларни тўплади (***yomdarur***, ***yomdarmaq***).

[يُنْدُرْدِى ***yondurdï*** (**йўндурди**)] ***ol anï ewkä yondurdï*** – у уни уй ва бошқа жойларга қайтарди.

[يُنْدُرْدِى ***yondurdï*** (**йўндурди**)] ***er yondurdï*** – киши қусди. Бу сўзни ***yondï*** шаклида қўлловчилар ҳам бор. Бу сўз "қўрқитмоқ" маъносида ҳам келади (***yondurur***, ***yondurmaq***).

[يِنْدُرْدِى ***yindürdi*** (**йиндурди**) – қидиртирди] ***anïŋ ewïn yindürdi*** – у гумон билан йўқолган нарсани унинг уйидан қидиртирди (***yindürür***, ***yindürmäk***).

[يَپْشُرْدِى ***yapšurdï*** (**йапшурди**)] ***oqqa yelim yapšurdï*** – ўққа елим билан пат ёпиштирди. Бу сўз *čīm* билан ҳам қўлланади (***yapšurur***, ***yapšurmaq***). Бу хусусият арабчада ҳам бор. Чунончи, *Bahrāmčuyïn* ни арабчалаштириб, *šuyïn* дейилади.

[يَتْغُرْدِى ***yatğurdï*** (**йатғурди**)] ***ol anï yatğurdï*** – у уни ётқизди, ухлатди (***yatğurur***, ***yatğurmaq***).

[يَلْقُرْدِى ***yalwardï*** (**йалварди**)] ***ol meŋä yalwardï*** – у менга мақсади йўлида ёлворди (***yalwarur***, ***yalwarmaq***).

[يِلْقِرْدِى ***yelwirdi*** (**йелвирди**)] ***tolwïr yelwirdi*** – келин уйининг тўрлари ҳилпиради (***yelwirär***, ***yelwirmäk***[68]).

[يِلْمِرْدِى ***yilmirdi*** (**йилмирди**) – илиёзди] ***suw yilmirdi*** – сув илиёзди (***yilmirär***, ***yilmirmäk***).

---

[68] Бу сўзнинг масдари *käf* ва *qāf* билан ёзилган (يِلْقِرْماقْ).

[يَيْتُرْدِى ***yayturdï*** **(йайтурди)** – чайдирди] ***ol tonïn suwda yayturdï*** – у кийимини сувда чайдирди. Чайдирилган, чайқатилган ҳар қандай нарсага ҳам шу сўз қўлланади (***yayturur, yayturmaq***).

ش ***š*** [ҳарфи]:

[يَلْيِشْدِى ***yelpišdi*** **(йелпишди)**] ***ol aŋar siŋäk yelpišdi*** – у унга пашша ҳайдашга кўмаклашди. Елпитиш, силкитишга ҳам шу сўз қўлланади (***yelpišur, yelpišmäk***).

[يَلْيِشْدِى ***yelpišdi*** **(йелпишди)** – намиқди] ***kepäk yelpišdi*** – кепак намиқди (кепак бўлаклари бир-бирига ёпишди) (***yelpišur, yelpišmäk***).

[يِرْتِشْدِى ***yïrtišdï*** **(йиртишди)**] ***ol aŋar böz yïrtišdï*** – у унга бўз ва бошқа нарсаларни йиртишда кўмаклашди (***yïrtišur, yïrtišmaq***).

[يُرْتُشْدِى ***yortušdï*** **(йўртушди)**] ***ol meniŋ bilä yortušdï*** – у мен билан от йўрттириш (юргизиш)да баҳслашди (***yortušur, yortušmaq***).

[يَپْرُشْدِى ***yapрušdï*** **(йапрушди)**] ***ol aŋar yer yapрušdï*** – у унга ер текислашда кўмаклашди (***yapрušur, yapрušmaq***).

[يَتْرُشْدِى ***yetrüšdi*** **(йетрушди)**] ***olar ikki bir-birkä at yetrüšdi*** – улар иккови бир-бирига отни ва бошқа нарсаларни етказишда ёрдам қилди (***yetrüšür, yetrüšmäk***).

[يَشْرُشْدِى ***yašrušdï*** **(йашрушди)**] ***olar sözüg yašrušdï*** – улар сўзни ва бошқа нарсаларни яширишда бирлашишди (***yašrušur, yašrušmaq***).

[يُغْرُشْدِى ***yuğrušdï*** **(йуғрушди)**] ***ol aŋar un yuğrušdï*** – у унга хамир қоришда ёрдам қилди.

[يُغْرُشْدِى ***yuğrušdï*** **(йуғрушди)**] ***suδuq ağïzda yuğrušdï*** – оғизда тупук қуриди, оғзи қуриди. Бошқаси ҳам шундай (***yuğrušur, yuğrušmaq***).

[يُكْرُشْدِى ***yügrüšdi*** **(йугрушди)** – югуришди] ***oğlan yügrüšdi*** – болалар ва бошқалар югуришди (***yügrüšür, yügrüšmäk***[69]).

[يَمْرَشْدِى ***yamrašdï*** **(йамрашди)** – аралашишди] ***qozï yamrašdï*** – қўзилар оналари билан аралашишди.

(Шоир) шундай деган:

***Qočïŋar, taka sešildi,***
***Sağlïq, sürüg qošuldï.***
***Sütlär qamuğ yošuldï.***
***Oğlaq, qozï yamrašur.***

Ёзни таърифлаб айтмоқда: Ёз келгани учун, қўчқор ва серкалар урғочиларидан айрилди. Соғин вақти соғлин қўйлар тўпланишди, елинларидан сут тўлиб оқди. Қўзилар оналари билан аралашишди.

[يَمْرُشْدِى ***yemrüšdi*** **(йемрушди)**] ***ol aŋar yïğač yemrüšdi*** – у унга ёғоч йиқитишда кўмаклашди (***yemrüšür, yemrüšmäk***).

[يَتْغَشْدِى ***yatğašdï*** **(йатғашди)**] ***ol aniŋ birlä yatğašdï*** – у унинг билан бирга ётди, жуфтлашди (***yatğašur, yatğašmaq***).

[يَلْغَشْدِى ***yalğašdï*** **(йалғашди)** – ялашди] ***olar bal yalğašdï*** – улар бол ва бошқа нарсаларни ялашди (***yalğašur, yalğašmaq***).

[يُلْقَشْدِى ***yulqašdï*** **(йулқашди)** – шилинди] ***yulqašdï näŋ*** – нарса шилинди (***yulqašur, yulqašmaq***).

---

[69] Бу сўзнинг масдари янглиш тарзда *qāf* билан ёзиб юборилган (يَكْرُشْماق).

[يۇلقۇشدى ***yulqušdï*** **(йулқушди)**] ***olar bir ekindidin näŋ yulqušdï*** – улар бири иккинчисидан нарса юлишдилар, юлқишдилар (***yulqušur / yulqïšur, yulqušmaq / yulqïšmaq***).

[يۈرگەشدى ***yörgäšdi*** **(йўргашди)** – ўралишди] ***yïğačqa yïp yörgäšdi*** – ип дарахт ва бошқа нарсага ўралашиб қолди. Бир нарса иккинчи бир нарсага ўралишиб қолишига ҳам бу сўз қўлланади (***yörgäšür, yörgäšmäk***).

[يىپلاشدى ***yïplašdï*** **(йиплашди)**] ***urağutlar yüzin yïplašdï*** – хотинлар бир-бирларининг юз тукларини ип билан юлдилар (***yïplašur, yïplašmaq***).

[يىدلاشدى ***yïδlašdï*** **(йидлашди)** – ҳидлашди] ***yïlqï yïδlašdï*** – йилқи ва бошқалар ҳидлашди (***yïδlašur, yïδlašmaq***). Мақолда (шундай келган): ***Kiši sözläšü, yïlqï yïδlašu.*** Маъноси: "Кишилар бир-бирини сўзлашиб билишганидек, ҳайвонлар бир-бирини ҳидлашиб билади".

[يادلىشدى ***yadlïšdï*** **(йадлишди)**] ***sü yadlïšdï*** – аскар ҳар ёққа тарқалди. Ҳар қандай нарсанинг бир нарсага ёйилишига ҳам шу сўз қўлланади. Чунончи, сиёҳ ёмон қоғоз узра ёйилиб кетиши каби (***yaδlïšur, yaδlïšmaq***).

[يوغلۇشدى ***yoğlušdï*** **(йўғлушди)**] ***bitiglär yoğlušdï*** – ёзувлар ва бошқа шакллар ўчирилди (***yoğlušur, yoğlušmaq***).

[يازلىشدى ***yazlïšdï*** **(йазлишди)** – ечилди] ***tügünlär yazlïšdï*** – тугун ва бошқа нарсалар ечилди, ёзилди (***yazlïšur, yazlïšmaq***).

[يېغلىشدى ***yïğlïšdï*** **(йиғлишди)**] ***sü qamuğ yïğlïšdï*** – аскарлар бир-бирига етишди (***yïğlïšur, yïğlïšmaq***).

[يۇغلۇشدى ***yuwlušdï*** **(йувлушди)**] ***qarumlar / qarïmlar qamuğ yuwlušdï*** – катта тошлар ва бошқа нарсалар юмалади (***yuwlušur, yuwlušmaq***).

[يەملاشدى ***yamlašdï*** **(йамлашди)**] ***ol aŋar ew yamlašdï*** – у унга уй ва бошқа жойларни супуришга кўмаклашди (***yamlašur, yamlašmaq***).

[يۇملۇشدى ***yumlušdï*** **(йумлушди)** – юмилди] ***közlär yumlušdï*** – кўзлар юмилди (***yumlušur, yumlušmaq***).

ق ***q*** [ҳарфи]:

[يارسىقدى ***yarsïqdï*** **(йарсиқди)** – ажралди] ***er oğlunδïn yarsïqdï*** – киши ўғлидан айрилиб ёлғизланди. Бу ўғил билан отанинг саҳрода адашиб, бирининг бир ерда, иккинчисининг бошқа ерда қолиб кетиши ёки ёв қўлига тушишидир (***yarsïqar, yarsïqmaq***).

ك ***k*** [ҳарфи]:

[يېتسىكتى ***yetsikti*** **(йетсикти)** – етиб олинди] ***er yetsikti*** – кишининг умри охирлади; ***qačïğay er yetsikti*** – қочган кишига етиб олинди (***yetsikär, yetsikmäk***).

ل ***l*** [ҳарфи]:

[يىرتىلدى ***yïrtïldï*** **(йиртилди)** – йиртилди] ***ton yïrtïldï*** – кийим йиртилди.

(Кўпни кўрган) шундай деган:

***Atsa oqïn kezgärip kim tur anï yïğdačï,***
***Tağïğ atïp oğrasa, özi quyï yïrtïlur.***

Замонани таърифлаб айтмоқда: Замон ўқини пойлаб отса, у агар тоғни нишонга олса, тоғнинг яланг ери ва қоқ бели пора-пора бўлиб йиртилиб, парчаланиб кетади (***yïrtïlur, yïrtïlmaq***).

[يەستالدى ***yastaldï*** **(йасталди)**] ***yastuq yastaldï*** – ёстиқ суяб қўйилди.

[يەستالدى ***yastaldï*** **(йасталди)**] ***oq amačqa yastaldï*** – ўқ нишоннинг бир ёнига тегди (***yastalur, yastalmaq***).

[يَنْجِلْدِى ***yenčildi*** **(йенчилди)**] ***qağun yenčildi*** – қовун ва бошқа нарсалар босилди ва эзилди (***yenčilur***, ***yenčilmäk***[70]).

[يَبْرُلْدِى ***yapruldï*** **(йапрулди)** – ёпишди] ***bir näy birkä yapruldï*** – бир нарса бир нарсага қаттиқ ёпишди; ***ton yapruldï*** – тўн ўртаси қаттиқ ёпишди, ҳатто эскиди (***yaprulur***, ***yaprulmaq***).

[يَتْرُلْدِى ***yetrüldi*** **(йетрулди)**] ***soyuq burunqa yetrüldi*** – нарса охир оқибат бурунги ҳолига келтирилди (***yetrülur***, ***yetrülmäk***).

[يُغْرُلْدِى ***yuğruldï*** **(йуғрулди)**] ***un yuğruldï*** – хамир қорилди (***yuğrulur***, ***yuğrulmaq***).

[يِغْرِلْدِى ***yïğrildï*** **(йиғрилди)**] ***er tumluğqa yïğrildï*** – киши совуқдан қалтиради.

[يِغْرِلْدِى ***yïğrildï*** **(йиғрилди)** – чўзилди] ***ton yïğrildï*** – кийим ювилавериб чўзилиб кетди (***yïğrilur***, ***yïğrilmaq***).

## Бу бўлимнинг бошқа бир тури

***l*** ل [ҳарфи]:

[يَيْقَلْدِى ***yayqaldï*** **(йайқалди)** – чайқалди] ***suw yayqaldï*** – сув чайқалди. Ҳар бир суюқ нарсанинг чайқалишига ҳам шу сўз қўлланади. Ҳар нарсага майл қилувчи киши ҳам шунга ўхшатилиб, ***er köŋli yayïldï-yayqaldï*** дейилади. Бу сўз заифдир (***yayqalur***, ***yayqalmaq***).

***n*** ن [ҳарфи]:

[يِلْپِنْدِى ***yelpindi*** **(йелпинди)**] ***oğlan yelpindi*** – болага ел тегди; ***ol özinä yel yelpindi*** – у ўзини елпитди (***yelpinür***, ***yelpinmäk***).

[يِرْتِنْدِى ***yïrtïndï*** **(йиртинди)**] ***ol tonïn yïrtïndï*** – у кийимини ва бошқа нарсаларни йиртаётгандек кўринди (***yïrtïnur***, ***yïrtïnmaq***).

[يَيْجُنْدِى ***yapčundï***] ***oqqa yelim yapčundï*** – ўққа елим билан қуш пати ёпиштирилди. Бир нарсанинг бир нарсага ёпиштирилишига, боғланишига ҳам шу сўз қўлланади (***yapčunur***, ***yapčunmaq***). Бу сўзнинг ***šïn*** билан ***yapšundï*** ва ***fa*** ف [w] билан ***yawčundï*** шакллари ҳам қўлланади.

[تُغْرِنْدِى ***tügrändi*** **(тугранди)**] ***anïŋ yini tügrändi*** – унинг териси қўрқувдан хурпайди.

[يِغْرِنْدِى ***yigrändi*** **(йигранди)**] ***er etni yigrändi*** – киши гўштни хом деб билиб, ейишдан воз кечди (***yigränur***, ***yigränmäk***).

[يَخْسِنْدِى ***yaxsïndï*** **(йахсинди)**] ***er qawtan yaxsïndï*** – киши қафтан (кийим)ни кифтларига солди, боғичини (тугмасини) ҳам боғламади, қўлларини ҳам енгига киргизмади. Бу сўз фақат елкага ташланадиган хирқа ва бошқаларга (унга ўхшаш нарсаларга) қўлланади (***yaxsïnur***, ***yaxsïnmaq***).

[يِرْسِنْدِى ***yersindi*** **(йерсинди)**] ***er yerig yersindi*** – киши бир ерга жойлашиб олди, у ерга ўрганди (***yersinür***, ***yersinmäk***).

[يَمْسِنْدِى ***yemsindi*** **(йемсинди)**] ***er aš yemsindi*** – киши ош ва бошқа нарсаларни еётгандек кўринди, аслида у емаган эди (***yemsinur***, ***yemsinmäk***).

[يَلْغَنْدِى ***yalğandï*** **(йалғанди)** – ялади] ***er čanaq yalğandï*** – киши идиш ва бошқа нарсаларни ялади (***yalğanur***, ***yalğanmaq***).

[يَلْوَنْدِى ***yalwandi*** **(йалванди)**] ***er ağzïn yalwandi*** – киши тилини чиқарди, оғзининг ичида айлантирди (***yalwanur***, ***yalwanmaq***).

[يُلْقُنْدِى ***yulqundï*** **(йулқунди)**] ***yulqundï näy*** – нарса юлинди (***yulqunur***, ***yulqunmaq***).

---

[70] Бу сўзнинг масдари *kāf* ва *qāf* билан ёзилган (يَنْجِلْماقْ).

[يُرْكَنْدِى *yörgändi* (**йўрганди**) – ўралди] ***oruq yïğačqa yörgändi*** – арқон дарахт ва бошқа нарсага ўралди; ***er yuğurqanqa yörgändi*** – киши кўрпа ва бошқа нарсаларга ўралди (***yörgänür, yörgänmäk***).

[يِذْلَنْدِى *yïδlandï* (**йидланди**) – ҳидланди] ***et yïδlandï*** – эт ва бошқа нарсалар ҳидланди (***yïδlanur, yïδlanmaq***).

[يِزْلِنْدِى *yazlïndï* (**йазлинди**) – ечилди] ***tügün yazlïndï*** – тугун ва бошқа нарсалар ечилди (***yazlïnur, yazlïnmaq***).

[يِزْلِنْدِى *yezlindi* (ёки ***yüzländi*** бўлиши ҳам мумкин?) (**йезлинди**)] ***ol meŋä yezlindi*** – у менга юзланди.

[يُزْلَنْدِى *yüzländi* (**йузланди**)] ***er yüzländi*** – киши инсонлар орасида ҳурматга эга бўлди. Кишилардан хизмат талаб қилишга ҳам шу сўз қўлланади (***yüzlänür, yüzlänmäk***[71]).

[يَغْلَنْدِى *yağlandï* (**йағланди**)] ***yağlandï näŋ*** – нарса ёгланди (***yağlanur, yağlanmaq***).

[يُقْلَنْدِى *yuwlundï* (**йувлунди**)] ***yuwlundï näŋ*** – нарса юмалади (***yuwlunur, yuwlunmaq***).

[يَرْمَنْدِى *yarmandï* (**йарманди**) – ўрмалаб чиқди] ***er tamqa yarmandï*** – киши томга ва бошқа жойларга ўрмалаб чиқди (***yarmanur, yarmanmaq***).

Қоида: ҳар бир икки ҳарфли ўтимли феълга *lām* орттирилса, ўзлик ёки мажҳул феълга айланишини юқорида айтган эдик. Ўтимли феълга *nūn* орттирилса, ўзлик феъл ҳосил бўлади. Бу ҳол арабчага мувофиқдир. Чунки араб тилида "эшикни очди" маъносида فتح الباب дейилади. Бу иборадаги فتح сўзи ўтимли феълдир. Сўнг انفتح الباب дейдилар, "эшик очилди", деган маънода. Демак, *nūn* орттирилиб, араб тилида ўтимли феъл ўзлик феълга айлантирилади. Шунингдек, араб тилида биров бир нарсани синдирса, كسر الرّجل الشّيء дейдилар, бу ўтимлидир. Сингач, انكسَرَ дейдилар; бу ўзлик феълдир. Бу тил (туркий тил) да ***er tügün yazdï*** дейдилар, "киши тугунни ечди", демакдир. Сўнг бу феълга *nūn* орттириб, ***tügün yazlïndï*** дейдилар, "тугун ечилди" демакдир. Демак, ўтимли феълга *nūn* қўшиш орқали ўзлик феъл ясалади. Феълга *lām* орттирилиб, ***tügün yazïldï*** дейдилар, "тугун ечилди", демакдир. "Ўз-ўзидан ечилди" маъносини ифодалаш учун *nūn lām* қўшиб ***yazlïndï*** дейдилар. Яна шундай ***er topïq yuwdï*** дейдилар. Сўнг ***topïq yuwuldï*** дейдилар, "тўп юмалатилди", демакдир. Бунда феъл мажҳулдир, яъни тўп кимдир биров томонидан юмалатилган, демакдир. Бу феълга бир *nūn* орттирилиб, ***yuwlundï*** дейилади, "тўп ўз-ўзидан юмалади", демакдир. *lām* дан сўнг *nūn* келтирилмасдан олдин бу феъл икки жиҳатдан ўтимсиз эди:

Биринчиси, иш-ҳаракат номаълум бир киши томонидан бажарилгани учун, бу феъл ўтимсиз феъл ўрнида эди. *nūn* ҳарфининг ёнига *lām* қўшиш билан иш бошқа бировнинг таъсирисиз бажарилгани учун феъл ўтимсиз бўлган эди. Бу ҳақда биз ***yuwdï*** феъли мисоли билан кўрсатиб ўтдик. Бу феъл икки ҳарфли ўтимли феъл эди. Бунга *lām* орттирилиб, ***yuwuldï*** дейилади, "номаълум кимса томонидан юмалатилди" ёки "ўз-ўзидан юмалади" демакдир. Бу ҳолда феъл уч ҳарфли бўлиб, икки жиҳатдан ўтимсиздир. Сўнг *lām* билан бирга *nūn* орттирилиб, ***yuwlundï*** дейилади, "ўз-ўзидан юмалади", демакдир. Феъл тўрт ҳарфли ўтимсиз феълга айланади. Бу икки ҳарфлидан уч ҳарфлига, уч ҳарфлидан тўрт ҳарфлига айланади.

Қоидаларнинг кўплари *sālim* бўлимида баён қилинган. Бу феълларнинг ҳаммасида буйруқ, бўлишсизлик ва бошқа шунинг сингари қоидалар юқорида изоҳлаганим кабидир.

Тўрт ҳарфлилар бўлими тугади.

---

[71] Бу сўзнинг масдари *kāf* ва *qāf* билан ёзилган (يُزْلَنْماكْق).

## *fa'al'aldī* қолипидаги сўзлар бўлими

ج *č* [ҳарфи]:

[يِغْجَلَنْدِى *yiğačlandī* **(йиғачланди)**] ***yer yiğačlandī*** – ер дарахтга буркалди. Бу ерда дарахтнинг кўпайиши, демакдир (***yiğačlanur, yiğačlanmaq***).

ر *r* [ҳарфи]:

[يَغِرْلَنْدِى *yağirlandī* **(йағирланди)** – яғири кўпайди] ***teway yağirlandī*** – туя ва бошқа ҳайвонларнинг яғири кўпайди (***yağirlanur, yağirlanmaq***). Яғирнинг қичишига ҳам шу сўз қўлланади.

[يُمُرْلَنْدِى *yumurlandī* **(йумурланди)**] ***sü yumurlandī*** – аскар ва бошқалар тўпланди (ўғузча).

[يُرْلَنْدِى *yularlandī* **(йуларланди)** – юганланди] ***at yularlandī*** – от юганланди (***yularlanur, yularlanmaq***).

ز *z* [ҳарфи]:

[يَوْزْلَنْدِى *yawuzlandī* **(йавузланди)**] ***ol atiğ yawuzlandī*** – у отни ва бошқа нарсаларни ёмон деб билди (***yawuzlanur / yawuzlanïr, yawuzlanmaq***).

ش *š* [ҳарфи]:

[يَوْشْلَنْدِى *yawašlandī* **(йавашланди)**] ***er yawašlandī*** – киши ўзини ювош қилиб кўрсатди, ювош тортиб қолди (***yawašlanur, yawašlanmaq***).

[يَمِشْلَنْدِى *yemišländi* **(йемишланди)**] ***yiğač yemišländi*** – дарахт мева қилди (***yemišlänür, yemišlänmäk***).

غ *ğ* [ҳарфи]:

[يَلِغْلَنْدِى *yaliğlandī* **(йалиғланди)**] ***taquq yaliğlandī*** – хўрознинг тожи ўсди. Отнинг ёлли бўлишига ҳам шу сўз қўлланади (***yaliğlanur, yaliğlanmaq***).

ق *q* [ҳарфи]:

[يَرِقْلَنْدِى *yarïqlandī* **(йариқланди)**] ***er yarïqlandī*** – эр совут (зирҳли кийим) кийди; эр қурол-яроғли бўлди. Сипар тақишга ҳам шу сўз қўлланади (***yarïqlanur, yarïqlanmaq***).

[يِرْقْلَنْدِى *yïraqlandī* **(йиракланди)** – йироқ деб ҳисоблади] ***er yerig yïraqlandī*** – киши ерни йироқ деб билди (***yïraqlanur, yïraqlanmaq***).

[يُلَقْلَنْدِى *yulaqlandī* **(йулақланди)**] ***yer yulaqlandī*** – ер бўлакланди, ернинг бўлаклари кўпайди (***yulaqlanur, yulaqlanmaq***).

ك *k* [ҳарфи]:

[ يُرَكْلَنْدِى *yüräkländi* **(йуракланди)**] ***er yüräkländi*** – эр ва бошқалар шижоатли, юракли бўлди (***yüräklänür, yüräklänmäk***).

م *m* [ҳарфи]:

[يَرِمْلَنْدِى *yarïmlandī* **(йаримланди)**] ***yarïmlandī nāŋ*** – нарса яримлади (***yarïmlanur, yarïmlanmaq***).

[يِشِمْلَنْدِى *yešimländi* **(йешимланди)**] ***er yešimländi*** – киши оёғига тўзлуқ (فراهيجان) кийди (***yešimlänür, yešimlänmäk***[72]).

[يِلِمْلَنْدِى *yelimländi* **(йелимланди)**] ***oq yelimländi*** – ўқ елимланди. Бошқа бир нарсанинг ёпиштирилишига ҳам шу сўз қўлланади (***yelimlänür, yelimlänmäk***).

---

[72] Бу сўзнинг масдари *kāf* ва *qāf* билан ёзилган (يِشِمْلَنْماكق).

ر ***r*** [ҳарфи]:

[يَلْغَنْدِى ***yalğandurdï*** **(йалғандурди)** – ёлғонга чиқарди] ***er yalğandurdï*** – киши (у хабарни) ёлғонга чиқарди (***yalğandurur***, ***yalğandurmaq***).

ز ***z*** [ҳарфи]:

[يِلدِزْلَنْدِى ***yïldïzlandï*** **(йилдизланди)** – илдиз отди] ***yïğač yïldïzlandï*** – дарахт илдиз отди. Киши бир ерга жойлашишига ёки жойлашишга ҳозирланишига ҳам шу сўз қўлланади. Чунончи, ***er yïldïzlandï*** – киши худди дарахт илдиз отгандек, қаттиқ ўрнашди, жойлашди, ёки насл-насабли, тагли-тахтли бўлди (***yïldïzlanur***, ***yïldïzlanmaq***).

ق ***q*** [ҳарфи]:

[يُدْرُقْلَنْدِى ***yudruqlandï*** **(йудруқланди)**] ***er yudruqlandï*** – киши қўлини мушт қилди (***yudruqlanur***, ***yudruqlanmaq***).

[يَرْمَقْلَنْدِى ***yarmaqlandï*** **(йармақланди)**] ***er yarmaqlandï*** – киши пулли, тангали бўлди (***yarmaqlanur***, ***yarmaqlanmaq***).

[يُمْشَقْلَنْدِى ***yumšaqlandï*** **(йумшақланди)**] ***ol meŋä yumšaqlandï*** – у менга юмшоқлик қилди, ялтоқланди ва бўйин эгди (***yumšaqlanur***, ***yumšaqlanmaq***).

[يُمْغَقْلَنْدِى ***yumğaqlandï*** **(йумғақланди)**] ***yumğaqlandï näŋ*** – нарса юмалоқ, гирдак қилинди (***yumğaqlanur***, ***yumğaqlanmaq***).

ن ***n*** [ҳарфи]:

[يَڤغَنْلَنْدِى ***yawğanlandï*** **(йавғанланди)**] ***er ašïğ yawğanlandï*** – киши ошни ёвғон (гўштсиз) билиб, оз еди (***yawğanlanur***, ***yawğanlanmaq***).

[يِلْغُنْلَنْدِى ***yïlğunlandï***] ***yer yïlğunlandï*** – ерда юлғун унди (***yïlğunlanur***, ***yïlğunlanmaq***).

Худога шукр, *misāl* бўлими тугади.

بسم الله الرحمن الرحيم

**[(Сўзимни) рахмдил ва меҳрибон Оллоҳнинг номи билан (бошлайман)]**

## БУ УЧ ҲАРФЛИ СЎЗЛАР КИТОБИДИР

### ИККИ ҲАРФЛИ ОТЛАР

ت ***t*** [ҳарфи]:

تَاهْ ***tah-tah*** **(таҳ-таҳ)** – лочин учирилиб, сўнг чақириб олиш учун айтиладиган сўз. Бу сўздаги *hā* нафас олиш учун хизмат қиладиган *hā* дир.

ج ***č*** [ҳарфи]:

جُوهْ ***čuh-čuh*** **(чуҳ-чуҳ)** – отни юргизиш ҳамда унга таъзир бериш учун айтиладиган сўз.

ک ***k*** [ҳарфи]:

كَاهْ ***käh-käh*** **(каҳ-каҳ)** – итни чақириш учун қўлланадиган сўз.

م ***m*** [ҳарфи]:

مَاهْ ***mah*** **(мах)** – "мана, шу ерда, ол" маъноларидадир. Бу сўз бир нарса таклиф қилинганда айтилади.

### Бу бўлимнинг *miṣāl* қисми

يَاهْ ***yah*** **(йах)** – "худди, шундай, ҳа" маъноларидаги сўздир. Бу ***at tut*** деб айтган кишининг сўзига жавобан айтилган ***yah*** – "хўп" маъносида ҳам қўлланади.

Тез сўзлаганда, бу сўзлардан чўзиқ ҳарфлиси тушиб, ***t:*** تْهْ ; ***č:*** جْهْ; ***k:*** كْهْ; ***m:*** مْهْ дейилади. Шунинг учун биз буларни *manqūṣ* бобида кўрсатдик. Чунки бу бобларда чўзиқ ҳарфлар ёзувда эмас, талаффузда тушиб қолади.

Бу сўзлардаги *hā* ҳарфи нафас олишга хизмат қилувчи ҳарфлардир. فَبِهُدَاهُمُ اقْتَدِهِ وَ لَمْ يَتَسَنَّهْ оятидаги каби. Бу ибораларда сўз охиридаги *hā* дам олиш учун хизмат қилади.

Ҳақиқий *hā* ҳарфи асл туркий тилларда йўқ. Фақат ***er ahladï*** – киши оҳ урди гапидагина қўлланади. Шунда ҳам бу сўздаги *hā* кўкракдан чиқадиган товушдир. Бойқушни ***ühi*** дегувчилар бор бўлса ҳам, асл турклар ***üki*** дейдилар. Хўтан ва канжак тилларида *hā* қўлланса ҳам, булар асл турклар эмас, турклар ўлкасига кейин келганлардир.

### Ўрта ҳарфи ***sukun*** ли ***fa'l, fu'l, fi'l*** қолипларидаги сўзлар бўлими

ب ***p*** [ҳарфи]:

تُوبْ ***tüp*** **(туп)** – ҳар қандай дарахтнинг асоси, илдизи; ***yïğač tüpi*** – ёғоч тупи.

تُوبْ ***tüb*** **(туб)** – негиз; ***tam tübi*** – девор негизи (пойдевор). Кишининг келиб чиқишига, аслига ҳам бу сўз қўлланади; ***tüblüg erän*** – тагли-тахтли кишилар.

تُوبْ ***top*** **(тўп)** – тўп, копток. Бу сўз ***topïq*** нинг қисқарганидир.

جُوبْ ***čöp*** **(чўп)** – ҳар нарсанинг сиқилгандан сўнг қолган ташландиғи, чиқиндиси ***üzüm čöpi*** – узум сирқиндиси; ***yağ čöpi*** – ёғ қуйқаси; ***bor čöpi*** – бўза ва бошқа нарсаларнинг дурди.

[جُبْ ***čöp*** **(чўп)**] ***tutmač čöpi*** – тутмоч (овқат) қилиш учун майдалаб кесилган юпқа бўлакларнинг ҳар бири.

[ قُوبْ قِلْدِی ***qop qïldï*** **(қўп қилди)** – севинди] ***ol meni körüp qop qïldï*** – у мени кўриб шодланди, севинди.

كُوبْ ***küb*** (**куб**) – куб.

كِيپْ ***kip*** (**кип**) – ҳар нарсанинг қолипи; ***kerpič kipi*** – ғиштнинг қолипи.

كِيبْ ***kib*** (**киб**) – ўғузларда "каби", "ўхшаш" демакдир; ***bu er anïŋ kibi*** – бу киши унинг кабидир.

ت ***t*** [ҳарфи]:

بُوتْ ***but*** (**бут**) – сон, бут.

بُوتْ ***but*** (**бут**) – катталарнинг ўғил-қизлари пешаналарига тақиладиган қимматбаҳо феруза тош; ***qïz but urïdï*** – қиз феруза тақди.

بُوتْ ***but*** (**бут**) – катта бир киши томонидан юборилган совғани келтирган кишига бериладиган мукофот. Чунончи, бировга совға тариқасида юборилган отни келтирувчи отбоқарга пул ёки қўй бериш каби. Ана шу қўй ***but*** деб аталади.

تِيتْ ***tït*** (**тит**) – санубар дарахти, тоғларда битади.

چِيتْ ***čït*** (**чит**) – ола-була гуллари бор чит газлама.

سُوتْ ***süt*** (**сут**) – сут.

شُوتْ ***šüt*** (**шут**) – уруғ. *Xotan* тилида.

ج ***č*** [ҳарфи]:

تُوجْ ***tuč*** (**туч**) – мис.

كُوجْ ***küč*** (**куч**) – куч.

كُوجْ ***küč*** (**куч**) – зулм. Мақолда (шундай келади): ***Küč ildin kirsä, törü tüŋlüktin čïqar.*** Маъноси: "Зулм, зўравонлик эшикдан кирса, инсоф туйнукдан чиқади". Зулм қилувчи кишига ***küčämči***, кучли кишига ***küčlüg*** дейилади.

كُوجْ ***küč*** (**куч**) – кунжут; ***küč yağï*** – кунжут ёғи (чигилча). Кунжут ўтининг уруғига ҳам ***eŋäk küči*** дейилади.

كِيچْ ***keč*** (**кеч**) – кеч. Шундан олиниб, ***keč keldi*** – келишда кечикди, кеч келди, дейилади.

د ***δ*** [ҳарфи]:

[بُودْ ***boδ*** (**бўд**) – бўй] ***uzun boδluğ kiši*** – узун бўйли киши.

بُودْ ***boδ*** (**бўд**) – туяқуш (туяга ўхшаш бўйни узун, орқа оёқлари калта бир жонивор).

[بُودْ ***boδ*** (**бўд**)] ***boδ munčuq*** – жориялар тақадиган бир хил мунчоқ.

ر ***r*** [ҳарфи]:

بُورْ ***bor*** (**бўр**) – бўза. Мақолда (шундай келган): ***Bor bolmaδïp sirkä bolma.*** Маъноси: "Шароб бўлмай туриб, сирка бўлма". Бу мақол ўзини қариларга ўхшатадиган ёшларга қарата айтилади.

بِيرْ ***bir*** (**бир**) – бир; ***bir yarmaq*** – бир танга.

تُورْ ***tör*** (**тўр**) – уйнинг тўри (ингичка унли [яъни *ö*] билан); ***törkä keč*** – тўрга ўт.

تُورْ ***tor*** (**тўр**) – йўғон унли [яъни *o*] билан; қуш ва балиқ тутиладиган тўр, ов тўри, матрап ва ёйма каби.

[چُورْ ***čor*** (**чўр**)] ***čor urağut*** – битов хотин (аврат ери битов хотин), ўғузлар ўралган ўтга ҳам ***čor ot*** дейдилар. Биринчи сўзнинг асли шу сўздан келиб чиққан.

[سُورْ سُورْ ***sür-sür*** (**сур-сур**) – шап-шап] ***er sür-sür mün öpti*** – киши хўр-хўр қилиб, хўриллатиб шўрва ичди.

قُورْ ***qor*** (**қўр**) – зиён; ***er qor qïldï*** – киши зиён қилди.

قُورْ ***qor*** (**қўр**) – қатиқ томизғиси. Бу – хурмачада ивитилган қатиқ ё ачиган қимиздан идиш тагида қолдириб, устига сут қўшиб, қатиқ ёки қимиз қилишдир.

قُورْ ***qur*** (**кур**) – қуруқ (ўғузча). Бу ***quruğ*** сўзининг қисқарганидир. Мақолда (шундай келган): ***Qulan quduğqa tüššä, qurbaqa ayğïr bolur.*** Маъноси: "Қулон (ёввойи эшак) қудуққа

тушса, чўл қурбақаси айғир бўлади". Бу арабларнинг إن الْبُغاث بِأرضِنا تستنسِر деган иборасига ўхшайди.

ز *z* [ҳарфи]:

[ بُوز ***boz*** **(бўз)** – кулранг] ***boz at*** – кулранг от. Бу нозик, нафис, ёқимли эмас. Оқ ва қизил ранг орасидаги рангда бўлган ҳар бир ҳайвонга ҳам бу сўз қўлланади: ***boz qoy*** – бўз, кулранг қўй.

بُوز ***bōz*** **(бӯз)** – бӯз (ингичка унли [яъни *ō*] билан).

بُوز ***buz*** **(буз)** – муз (йўғон унли [яъни *u*] билан). Мақолда (шундай келган): ***Buzdan suw tamar.*** Маъноси: "Муздан, албатта, сув томади". Бу мақол хулқи отасининг хулқига ўхшаганларга қарата айтилади.

بِيز ***bez*** **(без)** – эт билан тери орасида (маълум сабаб билан) пайдо бўладиган шиш.

تُوز ***toz*** **(тўз)** – тўзон (йўғон унли [яъни *o*] билан).

تُوز ***toz*** **(тўз)** – қайиш ёки камарга тақиладиган ва боғланадиган халқа.

[تُوز ***tōz*** **(тӯз)**] ***el tōz netäg?*** – мамлакат, эл қандай?

تُوز ***tōz*** **(тӯз)** – асл, таг, асос; ***anïŋ tübi-tōzi kim?*** – унинг таги, асли ким? Кимга бориб тақалади?

[تُوز ***tüz*** **(туз)**] ***tüz yer*** – тўғри ер, текис ер.

تُوز ***tuz*** **(туз)** – туз (йўғон унли [яъни *u*] билан).

تِيز ***tiz*** **(тиз)** – тиз, тизза.

تَيِز ***täyiz*** **(тайиз)** – баланд ер. Форслар шаҳарларини шу сўздан *diz* шаклида ўзгартириб олганлар.

تَيِز ***Tayïz*** **(Тайиз)** – *Kāšğar* яқинидаги бир яйлов. Баландлиги учун уни ***tarïğ art tayïz*** дейилади.

تَيزَنک تَيِز ***Tayzaŋ tayïz*** **(Тайзанг тайиз)** – бошқа бир яйловнинг оти.

[تَيِز ***tayïz*** **(тайиз)**] ***Yiz ewi tayïz*** – *Barsğan* яқинидаги бир яйлов оти.

چِيز ***čez*** **(чеж)** – (икки жағ орасида талаффуз қилинувчи *zā* билан) илмоқ ёки учи қайрилган темир каби нарсаларга ҳам шу сўз қўлланади.

سُوز ***sōz*** **(сӯз)** – сўз, калом.

سِيز ***siz*** **(сиз)** – катталарни ҳурматлаш учун "сен" маъносида айтиладиган сўз (чигилча). Аслида, бунинг маъноси "сизлар" демакдир. Кичикларга ***sen*** дейилади. Ўғузлар бунинг тескарисини қўллайдилар.

[قُوز ***quz*** **(қуз)**] ***quz tağ*** – қуёш тушмайдиган тоғ, тоғнинг қуёш тушмайдиган жойи.

س ***s*** [ҳарфи]:

[پُوس ***pus*** **(пус)** – қопланиш] ***kök pus boldï*** – осмон чанг, тўзон ва бошқа шунинг кабилар билан қопланди.

[پُوس ***pus*** **(пус)**] ***er közi pus boldï*** – меъдада пайдо бўлган буғдан кишининг кўзи хираланди.

[تُوس تُوس ***tos-tos*** **(тўс-тўс)**] ***anï tos-tos urdï*** – унинг тўни устига тез-тез (тарсиллатиб) урди.

ش ***š*** [ҳарфи]:

[بُوش ***boš*** **(бўш)** – озод, эркин] ***boš kiši*** – озод киши.

[بُوش ***boš*** **(бўш)** – ажралган, эрдан чиққан] ***boš urağut*** – ажралган хотин.

[بُوش ***boš*** **(бўш)**] ***boš elig*** – ишдан ва молдан бўшаган қўл.

[بُوش ***boš*** **(бўш)**] ***boš et*** – юмшоқ гўшт; юмшоқ ерга ҳам шу сўз қўлланади.

[بُوش ***boš*** **(бўш)** – бўшатилган, бўш қўйиб юборилган] ***boš at*** – бўш қўйиб юборилган от.

[بُوش ***boš*** **(бўш)** – холи қилинган, бўшатилган] ***boš ew*** – бўшатилган уй. Нарсадан бўшатилган идиш ёки жилдларга ҳам ***boš*** сўзи қўлланади.

**بِیش** ***beš*** **(беш)** – беш (сон).

**تُوش** ***tüš*** **(туш)** – тенг; ***anïŋ tüši*** – унинг тенги.

**تُوش** ***tüš*** **(туш)** – тўғриси, рўпараси; ***ewim tüši*** – уйимнинг тўғриси, уйимнинг рўпараси.

**تُوش** ***töš*** **(тўш)** – тўш, кўкракнинг боши, ингичка унли [яъни *ö*] билан.

**تُوش** ***toš*** **(тўш)** – қуш (йўғон унли [яъни *o*] билан), олтин ёки кумушдан ясалиб, камар учига тақиладиган халқа.

**تُوش** ***tüš*** **(туш)** – кун чиққандан кейинги вақт; ***tüš ödi*** – туш вақти.

**تُوش** ***tüš*** **(туш)** – уйқудаги алданиш, иҳтилом бўлиш; ***tüš körmiš oğlan*** – туш кўрган бола.

**تُوش** ***tüš*** **(туш)** – туш; ***tüš yordï*** – тушни йўйди.

**تِیش** ***tïš*** **(тиш)** – тиш. Одам ва бошқаларнинг тиши.

**تِیش** ***tïš*** **(тиш)** – омоч тиши.

[**تِیش** ***tïš*** **(тиш)**] ***tïš at*** – пешанасидаги оқлиги (қашқаси) кўзлари ёнигача бориб, қулоқларига етиб келмаган, бурнигача (ҳам) чўзилиб тушмаган, қашқаси шунинг иккаласи ўртасида бўлган от.

**سِیش** ***siš*** **(сиш)** – тутмоч сихи.

**سِیش** ***siš*** **(сиш)** – шиш.

**سَیش** ***seš*** **(сеш)** – (*imāla* билан)[73] тўлов; ***men aŋar seš berdim*** – мен унга керакли тўловни тўладим.

[**قُوش** ***qoš*** **(қўш)**] ***qoš at*** – шоҳ ёнидаги етов от.

**قُوش** ***qoš*** **(қўш)** – ҳар бир жуфт нарса. Шунга кўра, "қайчи"га ***qoš pičäk*** дейилади, "жуфт пичоқ" демакдир (арғуча). Мақолда (шундай келган): ***Qorqmïš kišikä qoy baši qoš körünür.*** Маъноси: "Кўрққан одамга ҳар қўйнинг боши жуфт кўринади". Бу мақол ҳар нарсадан қўрққан, ҳатто у нарсани хаёл қилганда ҳам, ҳар вақт қўрқадиган кишига нисбатан айтилади.

**كِیش** ***kiš*** **(киш)** – мўйнасидан сувсар пўстин қилинадиган йиртқич ҳайвон; ***kiš quδruqï*** – киш қуйруғи ибораси ҳам шундан олинган.

**كِیش** ***keš*** **(кеш)** – (*imāla* билан) ўқдон. Ўғузлар ва ўғузларнинг биродари бўлган қипчоқлар бу сўзни билмайдилар.

**لِیش** ***liš*** **(лиш)** – сўлак, тупук (чигилча).

**لِیش** ***liš*** **(лиш)** – айни замонда балғамдир; ***liš aqtï*** – тупук ва балғам оқди, демакдир (чигилча).

**مُوش** ***müš*** **(муш)** – мушук (чигилча). Ўғузлар буни ***četük*** дейдилар.

**غ** ***ğ*** [харфи]:

**بُوغ** ***boğ*** **(бўғ)** – нарсалар солинган бўғча, хўржин.

**تُوغ** ***toğ*** **(тўғ)** – от оёқларининг тепинишидан чиққан чанг, тўзон.

**تُوغ** ***tuğ*** **(туғ)** – хон ҳузурида чалинадиган ноғора ва довул. Чунончи, ***xan tuğ urdï*** дейдилар, "хон довул (ноғора) қоқди", демакдир.

**تُوغ** ***tuğ*** **(туғ)** – туғ, байроқ; ***toquz tuğluğ xan*** – тўққиз туғли хон ёки хоқон. Қарамоғидаги шаҳар ва ўлкалар ошиб кетса ҳам, туғ тўққиздан оширилмайди. Хоннинг юқори мартабаси тўққиз билан фол қилинади. Бу хон туғлари тўқ сариқ рангли шойи ёки ипак матодан қилинади. Бу ҳам хайрли фол саналади.

**تُوغ** ***toğ*** **(тўғ)** – тўғон; ***suwqa toğ ur*** – сувга тўғон сол.

---

[73] *Imāla* нинг асл маъноси "мойил қилиш; эгиш; оғдириш" дегани. Бу ўринда *yā* нинг [*e*] га мойил талаффузи кўзда тутилмоқда. Шунга кўра, ушбу сўзни *seš* шаклида ўқилгани маъқул.

***tuğ*** **(туғ)** – ҳар нарсанинг тиқини, қопқоғи. Шундан олиниб, ***tünlük tuğï*** дейилади. Уй деворлари ва бошқа ерлардаги туйнук қопқоғи.

[***tïğ*** **(тиғ)**] ***tïğ at*** – ёли ва думи қизил, танаси қизил билан қора орасида бўлган қўнғир от.

[***čağ-čoğ*** **(чағ-чўғ)**] ***čağ-čoğ qoptï*** – шовқин-сурон бўлди, ғалаён қўпди. Баъзан ***čoğï qopdï*** тарзида қўлланади, шовқин қўзғалди, демакдир.

***čuğ*** **(чуғ)** – (тор унли [яъни *и*] билан) нарсалар жойлаб қўйиладиган бўғча.

***čoğ*** **(чўғ)** – кун тиғи, қуёш шокиласи; ***kün čoğï*** – кун тиғи.

***čoğ*** **(чўғ)** – ўтин ёниб бўлгандан кейин ҳосил бўлган чўғ.

***čïğ*** **(чиғ)** – сават тўқиладиган новда. У қамишдан тўқилиб, ингичка ва юмшоқ бўлади; кўчманчилар ўтов қуришда ҳам ундан фойдаланадилар.

***čïğ*** **(чиғ)** – туркларнинг газ ўлчов бирлиги номи. У газнинг учдан икки қисмига тенгдир. Кўчманчилар у билан бўз ўлчайдилар.

***-sïğ*** **(-сиғ)** – ўхшатиш қўшимчаси. Орзу қилиб айтилган нарсани ўзига ўхшатиш учун исмларнинг охирига қўшилади. Чунончи, ***qulsïğ er*** – хулқи қуллар хулқига ўхшаш киши каби. ***bu qarï-ol oğlansïğ*** – бу қарининг қилиғи ёш болалар қилиғига ўхшайди. Таркибида ингичка товушлари бўлган сўзларда *ğayn* ўрнига *gāf* қўлланади.Чунончи, ***bu er-ol begsig*** – бу кишининг феъли беклар феълига ўхшайди. Яна ***bu oğul-ol ersig*** – бу бола катта кишиларга ўхшайди. У ўзини катталардек тутади.

***qoğ*** **(қўғ)** – кўзга ёки таомга тушган хас, чўп.

[***qağ-quğ*** **(қағ-қуғ)**] ***qaz qağ-quğ etti*** – ғоз ғақ-ғуқ деб ғағиллади.

***qïğ*** **(қиғ)** – ерни бойитиш, юмшатиш учун фойдаланиладиган гўнг.

***w*** [ҳарфи]:

***suw*** **(сув)** – юнгдан қўлда тўқилган камар.

***suw*** **(сув)** – сув. Мақолда (шундай келган): ***Suw bermäskä süt ber.*** Маъноси: "Сув бермасга сут бер". Бу мақолдан мақсад – сенга ёмонлик қилганга сен яхшилик қил. Чунки сенинг яхшилигинг уни сенга тобе қилади, демакдир.

[***qaw-quw*** **(қав-қув)**] ***ton qaw-quw boldï*** – тўн чоклари бузилди, сўкилди.

***buw*** **(був)** – узоқ туриб қолиш ёки димланиш оқибатида нон юзида пайдо бўлган моғор.

***q*** [ҳарфи]:

***boq*** **(бўқ)** – бўқ (ўғузча).

[***poq*** **(пўқ)**] ***qağun poq yerkä tüšdi*** – қовун пўқ этиб ерга тушди. Ичи ковак ҳар қандай нарсанинг ерга тушиб ёрилишига ҳам ***poq etti*** дейилади. Бу ундан чиққан овоздир.

[***čoq*** **(чўқ)**] ***čoq er*** – ёмон, паст киши (ўғузча).

[***čïq*** **(чиқ)**] ***čïq et körayin*** – чурқ этчи, мен сенинг мардлигингни кўрай. Бу сўз озор берган кишига қаршилик кўрсатмайдиган кишига айтилади.

[***suq*** **(суқ)**] ***suq er*** – суқ, очкўз, пасткаш киши. Ишорат бармоғини ***suq erŋäk*** – суқ бармоқ дейиш ҳам шундан. Чунки у овқатга ҳаммадан олдин узалувчи очкўз бармоқдир.

[***sïq*** **(сиқ)** – оз] ***olarda qoy sïq-ol*** – уларда қўй оздир.

[***qaqquq*** **(каққук)**] ***qaz qaqquq etti*** – ғоз ғақ-ғуқ деб ғағиллади.

***qaquq*** **(қақуқ)** – қоқи. Ҳар хил меваларнинг ёриб куритилиши.

***k*** [ҳарфи]:

***pük*** **(пук)** – ўйинда ошиқнинг орқаси билан тушиши, пуккаси. Буни ***čik-pük*** дейилади.

***pük*** **(пук)** – бир хил ўргимчак. Икки тилнинг бирида.

**كُوك *küg*** (**куг**) – (жарангли *kāf* [яъни *g*] билан) шеърнинг вазни, ўлчови; ***bu yïr ne küg üzä-ol*** – бу шеър қайси вазнда.

**كُوك *küg*** (**куг**) – мақом, ашулада махсус қоидага мувофиқ овозни баланд-паст қилиш. ***er kügländi*** – киши овозини баланд-паст қилиб, маълум мақомда ашула айтди.

**كُوك *küg*** (**куг**) – бу бир хил кулгики, турли шаҳар халқи орасида машҳур бўлиб айтиб юрилади; ***bu yïl bu küg keldi*** – бу йил бу кулги чиқди, дейилиши каби.

**ك *g*** [ҳарфи]:

[**كُوك *kög*** (**кўг**)] ***kög yïlqï*** – бошвоғи олиниб, қўйиб юборилган ҳайвон. (Шоир) шундай деган:

***Küglär qamuğ tüzüldi / tüzildi,***
***Ïwrïq iδiš tizildi.***
***Sensiz özüm özäldi,***
***Kelgil, amul oynalïm.***

Айтмоқдаки: Куйлар бир-бирига мослаштирилди, май идишлари қаторлаштирилди, кўнглим сенсиз сени истаб беқарордир. Кел, кўнгилни тинчитиб шодланайлик.

**كُوك *küg*** (**куг**) – бу эчки ва бошқа ҳайвонларнинг қишда бир-бирига ошадиган (жуфтлашадиган) вақти; ***qoy kügi boldï*** – қўйларнинг қўшиладиган, уюр оладиган вақти бўлди. Бошқа ҳайвонларга ҳам шу сўз қўлланади.

**كُوك *kög*** (**кўг**) – ойна юзига тушадиган доғ, занг; ***közüŋükä kög tüšdi*** – ойнага доғ тушди, занг босди, дейилгандаги каби.

**كُوك *kög*** (**кўг**) – хотинлар ва бошқаларнинг юзига тушадиган доғ.

**كُوك *kök*** (**кўк**) – (жарангсиз *kāf* [яъни *k*] билан) осмон. Мақолда (шундай келган): ***Kökkä süδsä yüzkä tüšür.*** Маъноси: "Кўкка тупурган кишининг тупуги қайтиб юзига тушади". Бу мақол бировга ёмонлик қилган кишининг ўзига ёмонлик қайтишига ишорат қилиб айтилади.

[**كُوك *kök*** (**кўк**) – кўк ранг] ***kök ton*** – кўк кийим. Осмон рангли ҳар қандай нарсага ҳам шу сўз қўлланади.

[**كُوك *kök*** (**кўк**)] ***kend köki*** – шаҳар яшилликлари, яъни шаҳардаги кўк дарахтлар.

**كُوكيُوق *kök-yuq*** (**кўк-йуқ**) – қишлоқ ва туркман катталарига бериладиган унвон номи.

**ل *l*** [ҳарфи]:

**بِيل *bel*** (**бел**) – бел; ***anï belindä tut*** – уни белидан ушла; ***ol aŋar anča aš berdi bel quldï*** – у унга беллари тўлгунча [қорни тўйгунча] таом берди. Ҳар қандай кишига тилагидан ортиқ таом беришга ҳам шу сўзни қўллаб, ***bel qïldï*** дейилади (чигилча).

[**تُول *tul*** (**тул**) – тул] ***tul urağut*** – бева хотин. Мақолда (шундай келган): ***Yawlaq tillïğ begdän kerü yalïŋus tul yeg.*** Маъноси: "Тили ёмон, сўконғич эрли бўлгандан кўра бева ўтган яхши".

**تُول *töl*** (**тўл**) – (*imāla* билан) болалаш вақти (ўғузча). Болага нисбатан ҳам шу сўз қўлланади.

**تِيل *til*** (**тил**) – тил (*lisān*). Мақолда (шундай келган): ***Erdäm bašï til.*** Маъноси: "Энг яхши хулқнинг боши тилдир". Бу мақол арабча اَلْمَرْءُ مَخْبُوْءٌ تحتَ لسانه дейилган ибора кабидир.

**تِيل *til*** (**тил**) – тил (*luğa*). Чунончи, ***uyğur tilï*** – уйғур тили, ***xïtay tilï*** – хитой тили каби.

**تِيل *til*** (**тил**) – сўз (*kalām*); ***ol begkä til tegürdi*** – у бекка сўз тегизди, ҳақоратомиз сўз сўзлади.

**تِيل *til*** (**тил**) – жосус; ***yağïdan til tutdï*** – ёв жосусини тутиб олди.

**چِيل *čil*** (**чил**) – ёмонлик (ўғузча).

**چِيل *čil*** (**чил**) – баданда қолган калтак зарбининг изи.

سۆل ***söl*** (**сўл**) – гўшт ва ёғочда бўлган намлик; ***söllüg et*** – яхши пишмаган, юзида қон асарлари кўриниб турган гўшт. Мақолда (шундай келган): ***Sügüt söliŋä, qaδïŋ qasïŋa.*** Маъноси: "Тол дарахтининг намлиги ўзига ярашади, қайин дарахти пўстининг қаттиқлиги ўзига ярашади".

[سۇل ***sol*** (**сўл**) – чап] ***sol elig*** – чап қўл.

[سِيل ***sïl*** (**сил**)] ***sïl kiši*** – ҳар қандай таомни ейишдан тортинадиган чимхўр киши; ***sïl at*** – кам ем ейдиган от.

قُول ***qol*** (**қўл**) – қўл.

قُول ***qol*** (**қўл**) – тоғ чўққисидан пастга тўғри тушган, водийдан баланд жой; ***oprï qolï*** – водий қўли.

قُول ***qol*** (**қўл**) – қилич ёки пичоқлар тиғи қирғоғида ўйма чизиқ. Бу кўпинча олтин суви бериб қилинади. Уни ***qïlïč qolï*** – қилич қўли дейилади.

كُول ***köl*** (**кўл**) – ҳовуз, кўл.

كُول ***köl*** (**кўл**) – тўпланиб қолган сув, кўл.

ايسىك كُول ***İsigköl*** (**Исигкўл**) – *Barsğan* шаҳридаги кўл, узунлиги ўттиз, эни ўн фарсахдир.

كُرۈنگ ***Körüŋ*** (**Кўрунг**) – *Käšğar* тогларида ***bïyïz*** да бўлган бир кўл номи. Атрофи ўттиз фарсахдир.

سِدِنگ كُول ***Siδiŋ köl*** (**Сидинг кўл**) – юқоридагига ўхшаган ***Qočïŋar baši*** га яқин бир кўл.

يۇلدۇز كُول ***Yulduzköl*** (**Йулдузкўл**) – *Küčä, Kigüt* ва *uyğur* лар чегарасида бўлган бир кўл номи.

ايكۆل ***Aykö̈l*** (**Айкўл**) – *Učˇ* шаҳри яқинидаги бир кўл номи.

تِرِنگ كُول ***Teriŋköl*** (**Терингкўл**) – *İki ögüz* чегарасидаги бошқа бир кўл номи. Бу кўлларнинг атрофи қирқ ёки ўттиз фарсахдир. Бу хил кўллар турк шаҳарларидаги кўллардир. Мен фақат мусулмон шаҳарларидаги кўлларнинг энг катталарини баён қилдим.

كُول ***köl*** (**кўл**) – денгиз. Денгиз кўпигига ***teŋiz köpügi*** дейилмай, ***köl köpügi*** дейиш шундандир.

تِيم ***tim*** (**тим**) – ичимлик тўла саноч. "Ичимлик тайёрловчи" маъносидаги ***timčˇi*** сўзи шундандир. Баъзилар ***timčˇi*** сўзига ичимлик сотувчи деб маъно берадилар. Аввалгиси (ичимлик ясовчи) тўғрироқдир. Чунки *čˇïm* ва *yā* (*-čˇi, -čˇï*) ҳунармандни англатади.

سِيم سِيمرَاق ***sïm-sïmraq*** (**сим-симрақ**) – бир хил овқат. Калла қайнатилиб пиширилгач, майда қилиб тўғралади, сўнг дориворлар билан бирга идишга солинади ва устига ачиган қатиқ солиниб, у сингигач, ейилади (чигиллар сўзи).

قُوم ***qom*** (**қўм**) – туя полони, юк ортиладиган эгари. Бу туянинг ёпиғи, елпўши олиниб, ичига сомон тиқилиб, атрофини туя ўркачига етганча кўтарилиб, сўнг туя устига қўйилади. Уни ***tewäy qomï*** дейилади, "туя полони" демакдир.

قُوم ***qom*** (**қўм**) – сув тўлқини. (Шоир) шундай деган:

***Kölüm qomï qopsa, qalï tamïğ itär,***
***Körsä anï bilgä kiši sözkä bütär.***

Айтмоқдаки: Агар кўлим тўлқинланса, уйларимни уриб, жойидан қўзғатиб йиқитиб юборади, ўз кўзи билан кўрган эсли киши сўзимга ишонади.

نُوم ***nom*** (**нўм**) – дин ва шариат. Бундан олиниб ***Täŋri nomï*** дейилади, "Худонинг дини ва шариати" демакдир. Ҳамма динларга ҳам ***nom*** дейилади. Бу ***šˇn*** ликлар сўзидир.

ن ***n*** [ҳарфи]:

تُون ***ton*** (**тўн**) – кийим.

تُون ***tun*** (**тун**) – тинчланиш; ***köŋül tun boldï*** – кўнгил тинчланди.

[تُونْ **ton** (**тўн**)] ***ton oğul*** – хотиннинг тўнғич боласи. Биринчи марта туғилган бола, хоҳ ўғил, хоҳ қиз бўлсин. "Тўнғич қиз"ни ***ton qïz*** дейилади. Хотиннинг биринчи эрига ***ton beg*** дейилади.

[تِينْ **tïn** (**тин**)] ***tïn kiši*** – бирор иш билан шуғулланмовчи, бекорчи киши. Шунингдек, бу сўз бир неча кун дам олиб, ялқовлашган ҳайвонга ҳам қўлланади.

تِينْ ***tin*** (**тин**) – нўхта, юган, тизгин.

[چِينْ **čïn** (**чин**)] ***čïn söz*** – чин сўз.

[چِينْ **čïn** (**чин**)] ***čïn kiši*** – ишончли, тўғри киши.

[خُونْ **xun** (**хун**)] ***xun iš*** – номаъқул, қўпол иш; ***xun xara išlama*** – номаъқул иш қилма.

[سُونْ **sun** (**сун**)] ***sun kiši*** – юмшоқ феълли, тоза қалбли киши.

[سُونْ **sun** (**сун**)] ***sun altun*** – яхлит олтин. Бу бир бармоқ узунлигидан бир газ узунлигигача бўлиши мумкин.

سِينْ ***sïn*** (**син**) – қомат, гавда. Бу сўздан олиб, ***boδluğ-sïnlïğ kiši*** (узун бўйли киши) дейилади. "Гўр"ни ***sïn*** дейиш ҳам гўрнинг бўйи, узунлиги – кишининг бўйига тенглигидандир.

سِينْ ***sïn*** (**син**) – гўр.

قَاتُونْ سِينِي ***Qatun sïnï*** (**Қатун сини**) – *Таŋут* билан *Sïn* орасидаги бир шаҳар оти.

سِينْ ***sin*** (**син**) – сен (канжак қабиласи тилида). Туркlар ***sen*** дейдилар. Канжаклар кўп сўзларни касрали қилиб сўзлайдилар. Шунинг учун улар сўзлаганда сўзларида ноаниқлик бор.

Юқори *Sïn* гача бўлган қабилалар: чигил, яғма, тухси тилларида сўзларни кўпроқ пешли талаффуз қиладилар. Ўғузлар, қипчоқ, суворин ва *Rūm* га қадар бўлган жойларда яшовчилар *fatḥa* қилиб сўзлайдилар. Чунончи, турклар туяни *kasra* билан ***tewäy*** дейдилар. Ўғузлар ва юқорида уларга қўшиб айтилган қабилалар ***tewä*** дейдилар. Турклар *dāl* ҳарфини *kasra* қилиб, ***bardïm*** дейдилар. Бу қоидага мувофиқдир. Ўғуз ва бошқалар *dāl* ни *fatḥa* қилиб, ***bardam*** дейдилар. Бу қоидага эидир. Лекин арғулар *dāl* ҳарфини ўтру (пеш) қилиб, ***keldüm***, ***bardum*** дейдилар. Буларнинг ҳаммаси ўтган замон феълидандир. Бу қоидадан узоқроқ. Бу тоифалар орасидаги фарқ шунда.

شِينْ ***šïn*** (**шин**) – тахт (чигиллар сўзи).

قُونْ ***qon*** (**қўн**) – қўй (арғулар сўзи). Бу сўзда *nūn* ҳарфи *yā* ўрнига алмашган. Бу хил қоида юқорида баён қилинган эди.

قِينْ ***qïn*** (**қин**) – қилич ва пичоқ қини.

كُونْ ***kön*** (**кўн**) – фақатгина от териси. Шу боис ***at köni*** дейдилар. Баъзан бу сўз одам терисига ҳам қўлланади. Чунончи, ***anïŋ köni qurïdï*** дейиладики, "у ўлди" демакдир. Бу сўз истиора асосида туя терисига ҳам қўлланади: ***tewäy köni*** – туя териси каби. Бу – терига ишлов бермасдан олдинги ҳолат. Ишлов берилгач, ***qïğuš*** деб аталади.

م ***m*** [ҳарфи]:

مُونْ ***mün*** (**мун**) – касаллик ва қусур; ***mün kiši*** – нуқсонли киши. Мақолда (шундай келган): ***Yalïŋuq oğlï münsüz bolmas.*** Маъноси: "Инсон боласи қусурсиз бўлмас".

**Бу бўлимнинг *matvī* хили**

ب ***b*** [ҳарфи]:

بُوىْ ***boy*** (**бўй**) – ейиладиган бир ўсимлик (ўғузлар сўзи).

بُوىْ ***böy*** (**бўй**) – бир турли ўргимчак. Бу сўзнинг ***bög*** варианти ҳам бор. Тўғриси шудир.

بُوی **boy** (**бўй**) – (йўғон унли [яъни *o*] билан) халқ, қабила, зурриёт, насл (ўғузча). Бир-бирини танимаган икки киши учрашиб қолса, дастлаб бир-бирига салом беради, сўнг ***boy kim?*** деб сўрашади, "элатинг, қабиланг қанақа?, қайси элатдансан?", демакдир. Сўралган киши бунга жавобан: элатим ***salğur*** (элатим салғур қабиласи) дейди ёки китоб бошида зикр қилинган қабилалардан бирортасининг отини айтиб жавоб беради. Сўнг улар ўзаро сўзлашадилар ёки ўз йўлларига кетадилар. Шундай қилиб, улар бир-бирларининг уруғ-аймоғини билиб олишади.

تُوی **toy** (**тўй**) – аскарларнинг турар жойи, ўрдугоҳ, шундан олиниб, ***xan toy*** – хоннинг ўрдугоҳи дейилади. Буни ўғузлар билмайдилар.

[تُوی **toy** (**тўй**)] ***toy otï*** – дори қилинадиган бир турли ўтнинг оти.

تُوی **toy** (**тўй**) – сопол идиш қилинадиган лой. Шундан олиниб, қозон тувоғига ҳам ***toy ešič*** дейдилар.

تُوی **toy** (**тўй**) – туй дейилган қуш. Бу *ðāl* ҳарфини *yā* га алмаштирувчилар тилидадир. Бу сўз ***toð*** шаклида ҳам талаффуз қилинади (чигилча).

قُوی **qoy** (**қўй**) – қўй.

قُوی یِلی ***qoy yïlï*** (**қўй йили**) – туркларнинг ўн икки йил отларидан бири.

قُوی **qoy** (**қўй**) – тўннинг қўйни; ***elig qoyqa suq*** – қўлингни тўннинг қўйнига суқ.

قُوی **quy** (**қуй**) – водийнинг текис жойи.

## Бу бўлимнинг *misäl* тури

ب ***p*** [ҳарфи]:

یَاپ یُوپ ***yap-yup*** (**йап-йуп**) – ҳийла, алдов; ***yup*** сўзи алоҳида қўлланилмайди, фақат бирга қўлланади. Ўғузлар шундан олиб ***ol anï yupladï*** дейдилар, "у уни алдади" демакдир.

ت ***t*** [ҳарфи]:

یُوت ***yut*** (**йут**) – қишда совуқдан ҳайвонларни ўлдирадиган табиий офат, ют.

ر ***r*** [ҳарфи]:

یَار ***yar*** (**йар**) – сел ўйиб кетган чуқур ер, жар.

یِر ***yer*** (**йер**) – ер; ер юзи.

یِر ***yer*** (**йер**) – эннинг бир юзи, бир томони ёки арқоғнинг бир юзи. Ёки шундай бир рангки, ундаги ранглардан бири куюқ бўлиб, бошқалари сезиларли-сезилмас ҳолда бўлади. Чунончи, ***yašïl yerlig barčïn*** – яшил ранги қуюқ бўлган ипак кийимлик. Бунда яшил устун бўлиб, бошқа ранглар унчалик эмас.

یِر ***yïr*** (**йир**) – ғазал ва нағма.

ز ***z*** [ҳарфи]:

یُوز ***yüz*** (**йуз**) – юз. Мақолда (шундай келган): ***Yüzkä körmä, erdäm tilä.*** Маъноси: "Юзнинг чиройли, хунуклигига қарама, кишининг одобига, хулқига эътибор бер". Бу мақол *Îsam* нинг انما المرء باصغریه بقلبه ولسانه деган ибораси кабидир.

یِز ***yiz*** (**йиз**) – бир турли ўт. Бу қамишдан ингичка, унга қараганда юмшоқ бўлади. Кўчманчилар бундан ўтов тепасини ёпишда фойдаланадилар.

ش ***š*** [ҳарфи]:

یَاش یُوش ***yaš-yuš*** (**йаш-йуш**) – сабзавот. Бу сўзлар жуфт ҳолда қўлланади; ***yuš*** нинг бир ўзи алоҳида қўлланмайди.

یِش ***yïš*** (**йиш**) – тушиш. Шундан олиниб, ***art yïš*** (чиқиш ва тушиш) дейилади.

غ ***ğ*** [ҳарфи]:

يُوغ ***yoğ*** **(йўғ)** – ўликни кўмиб қайтганлар учун бериладиган овқатнинг оти. Уч ёки етти кунгача давом этади.

ق ***q*** [ҳарфи]:

يَاقْ يُوقْ ***yaq-yuq*** **(йақ-йуқ)** – идиш юқи. Шундан олиниб, ***ayaq yuqï*** – идиш юқи дейилади. Узоқ қариндошларга ***yaq-yuq qadaš*** дейиш ҳам шундан олинган.

يُوقْ ***yoq*** **(йўқ)** – "йўқ" маъносидаги сўз; ***ol munda yoq*** – у бу ерда йўқ.

ك ***g*** [ҳарфи]:

يُوكْ ***yüg*** **(йуг)** – қуш пати.

يِيكْ ***yig*** **(йиг)**: ***yügün yigi*** – юган сўлиғи.

يِيكْ ***yeg*** **(йег)** – "жуда яхши" маъносидаги сўз. Бу нарсанинг бошқасидан ортиқлиги маъносини англатади. Чунончи, ***bu at anda yeg*** – бу от ундан яхши, демакдир.

[يِيكْ ***yig*** **(йиг)**] ***yig et*** – пишмаган хом гўшт. Ҳар қандай хом нарсага ҳам ***yig*** дейилади.

يِيكْ ***yik*** **(йик)** – (жарангсиз *kāf* [яъни *k*] билан) дуг; *alif* билан қўлланувчи ***ik*** шакли ҳам бор. Бу араб тилидаги يلمعى و يلندد المعى و сўзларидаги ҳарф алмашиниши кабидир.

ل ***l*** [ҳарфи]:

يُولْ ***yol*** **(йўл)** – йўл. Бу сўз сафар қилиш маъносида ҳам қўлланади; ***aŋar yol čïqtï*** – унга йўл чиқди, унга борадиган ер чиқди. Бу тўсатдан сафар қилиш лозим бўлганда қўлланади.

يُولْ ***yul*** **(йул)** – булоқ кўзи.

يِيلْ ***yel*** **(йел)** – шамол.

يِيلْ ***yel*** **(йел)** – жин; ***er yelpindi*** – кишига шамол тегди, жин тегди.

م ***m*** [ҳарфи]:

يِيمْ ***yem*** **(йем)** – емак, таом; ***yem keldür*** – таом келтир.

ن ***n*** [ҳарфи]:

[يُونْ ***yun*** **(йун)**] ***yun quš*** – товус.

يُونْ اَرِقْ ***Yonarïq*** **(Йўнариқ)** – *Balasağun* яқинидаги бир яйлов оти.

يِينْ ***yin*** **(йин)** – кишининг бадани.

## ***vāv*** ли сўзларнинг боши ва ўртаси ҳаракатли бўлган ***fa'al*** қолипидаги сўзлар бўлими

ب ***p*** [ҳарфи]:

تَابْ ***tap*** **(тап)** – теридаги яра ёки калтак изи.

[تَابْ ***tap*** **(тап)**] ***ol anï tap-tup urdï*** – у унинг ҳар томонига тез-тез (тапиллатиб) урди.

سَابْ ***sap*** **(сап)** – қилич ёки пичоқ сопи. Мақолда (шундай келган): ***Oğlan išï iš bolmas, oğlaq möŋzi sap bolmas.*** Маъноси: "Болалар ишини иш деб бўлмайди, эчки шохи яхши соп бўлмайди".

سَابْ ***sap*** **(сап)** – (бирор) сўзга бериладиган жавобдаги навбат. Тегирмон тортиш, ер суғоришдаги навбатга ҳам шу сўз қўлланади; ***ol söz(lā)gäli sap bermäs*** – у сўзлашга навбат бермайди. Тегирмон тортиш ва бошқаларга қўлланадиган ***seniŋ sap keldi*** – сенинг навбатинг, сенинг галинг келди, шундандир.

[شَابْ شَابْ ***šap-šap*** **(шап-шап)**] ***ol anï šap-šap boyunladï*** – у унинг бўйнига шап-шап урди; ***ol qağunuğ šap-šap yedi*** – у қовунни шапиллатиб еди. Шафтоли ва бошқа сувли нарсаларни ейишга ҳам шу сўз қўлланади. Бу сўз арабчага мувофиқдир. Чунки الشيب арабча сўз бўлиб, лаблардан чиққан шипиллаш товушидир.

قَابْ ***qap*** **(қап)** – меш, саноч.

قاپ ***qap*** **(қап)** – ғилоф, қоп. Ҳар бир устки ўровга ҳам ***qap*** дейилади. Бу сўз арабча الغرس сўзи кабидир. Аслида гарданга уриш маъносида бўлган бу сўз, сўнг ҳар қандай ўлдиришга ҳам қўлланган.

قاپ ***qap*** **(қап)** – она қорнида бола ўралиб турган парда, йўлдош. Агар бола шу парда билан туғилса, қутлуғ деб фол қилинади. Уни ***qapliğ oğul*** деб аталади.

قاپ ***qap*** **(қап)** – яқин. Истиора йўли билан ***ol meniŋ birlä uya qap-ol*** дейилади, "у мен билан бир қориндан туғилгандек яқин" демакдир.

ت ***t*** [ҳарфи]:

چات ***čat*** **(чат)** – қудуқ (ўғузча).

قات ***qat*** **(қат)** – тиканли бир дарахтнинг меваси; ***awïlğu qatï*** – бир денгиз ўсимлигининг меваси; ***sïnčğan qatï*** – тиканли дарахт меваси. Уни сиқиб қатиққа аралаштиради. Сўнг тутмочга ранг бериш учун унга қўшилади. Ямак, қипчоқ, қай, татар, чумул қабилалари тилида ҳар қандай дарахт мевасига ҳам ***qat*** дейилади.

ج ***č*** [ҳарфи]:

ساچ ***sač*** **(сач)** – това.

د ***δ*** [ҳарфи]:

قاد ***qaδ*** **(қад)** – кишини ўлдирадиган қаттиқ бўрон; ***qaδ boldï*** – бўрон қўзғалди. Бу ҳодиса тоғларда, очиқ ерларда қишда ҳам, ёз ойларида ҳам кузатилади. (Шоир) шундай деган:

***Keldi esin esnäyü,***
***Qaδqa tügäl ösnäyü.***
***Kirdi boδun qasnayu,***
***Qara bulït kökräšür.***

Айтмоқдаки: Тўполон билан шамол эсди. У совуқлигидан худди бўронга ўхшайди. Кишилар ундан қалтиради. Қора булутлар бақиришди.

ر ***r*** [ҳарфи]:

بار ***bar*** **(бар)** – бор; нарсанинг борлигини, ўз жойида эканини англатувчи сўз. Чунончи, биров-бировга ***sendä yarmaq barmu?*** – сенда пул танга борми? деса, униси ***bar*** деб айтади, "ҳа, менда у бор" демакдир. Бу сўз арабча ليس нинг антоними бўлиб, туркчаси ***yoq*** дир.

[بار ***bar*** **(бар)**] ***bar yigdä*** – катта жийда.

تار ***tar*** **(тар)** – тор; ҳар қандай тор нарса; ***tar ew*** – тор уй. Бошқа нарсалар учун ҳам шундай дейилади.

تار ***tar*** **(тар)** – кичик сувларда қўлланадиган оддий қайиқ. Бу шундайки, бир неча мешлар дамланиб шиширилади. Сўнг оғзи боғланиб, бир нечаси бир-бирига бирлаштирилади. Сув устида томга ўхшаш бир нарса ҳосил қилинади. Сўнг унинг устига ўтирилиб, сувдан ўтилади. Шунингдек, қамиш ва шохлардан ҳам шундай нарса ясалади (ябақу ва татарлар сўзи).

تار ***tar*** **(тар)** – ёг қуйқаси; бу – ёг эритилиб олингач, қозон тагида чўкиб қолган қуйқадир.

تار ***ter*** **(тер)** – иш ҳақи; бирон ҳақ эвазига ишловчини ***terči*** дейиш шундандир.

ترچی ***terči*** (***ter?***) **(терчи (тер?))** – тер.

چارچارماق ***čar-čarmaq*** **(чар-чармақ)** – бола-чақалар.

قار ***qar*** **(қар)** – қор.

ز ***z*** [ҳарфи]:

باز ***baz*** **(баз)** – бегона, ёт, ажнабий; ***yat-baz yaδïldï*** – бегоналар тарқалишди.

تاز ***taz*** **(таз)** – кал, тос.

[تاز ***taz*** **(таз)**] ***taz at*** – териси йўл-йўл, ола от.

[تاز ***taz*** **(таз)**] ***taz qoy*** – шохсиз қўй.

[تاز] ***taz*** **(таз)**] ***taz yer*** – ўсимлик кам унадиган, ориқ ер. Мақолда (шундай келган): ***Taz at tavarčï bolmas.*** Маъноси: "Териси йўл-йўл, ола отда юк ташиб бўлмайди. Чунки унинг тирноғи ёмон".

قاز ***qaz*** **(қаз)** – ғоз.

قاز ***Qaz*** **(Қаз)** – *Afrāsiyāb* қизининг оти. *Qazvïn* шаҳрини у қурган. Бу сўзнинг асли ***qaz oynï*** – "ғоз ўйналадиган жой" демакдир. Чунки у шу ерда турар ва шу ерда ўйнар эди. Шунинг учун баъзи турклар *Qazvïn* ни турк шаҳарларидан ҳисоблаганлар. Шунингдек, *Qum* шаҳри ҳам чегара ҳисобланади. Чунки ***qum*** туркча сўздир. *Afrāsiyāb* нинг қизи бу ерда ов қилар ва ўйнар эди. Баъзилар турк ўлкалари *Marvaš-šāhijān* дан бошланишини сўзлайдилар. Чунки ***Qaz*** нинг отаси ***Toŋa Alp er*** – *Afrāsiyāb*дир. У Таҳмурасдан уч юз йил кейин *Marv* ни бино қилган.

Баъзилар бутун *Māvarāu-n-nahr* ни турк ўлкаларидан деб ҳисоблаганлар. У *Yenkānd* дан бошланади. Унинг яна бир оти *Dïzrutïn* дир. Яъни сариқлигига ишора қилиб, "Мис шаҳри" дейишган. Бу *Buxārā* га яқиндир. Бу ерда *Afrāsiyāb* нинг қизи – ***Qaz*** нинг эри *Sïyavuš* ўлдирилган. Маъжусий-оташпарастлар ҳар йили бир кун бу ерга келиб, *Sïyavuš* бўлган жой теварагида йиғлайдилар. Моллар сўйиб, курбонлик қиладилар. Сўйилган мол қонини унинг мозори тепасига тўкадилар. Уларнинг одати шундай. Бутун *Māvarāu-n-nahr, Yenkānd* дан Шарққача бўлган ўлкаларни турк шаҳарларидан деб ҳисоблашнинг асоси шуки, *Samarqand* аслида *Semizkānd, Taškānd,* бу – *Šaš* дир, *Özkānd, Tunkānd* отларининг ҳаммаси туркчадир; ***kānd*** туркча "шаҳар" демакдир. Улар бу шаҳарларни қуришган ва шундай отлар билан аташган. Ҳозиргача ҳам шундай келмоқда. Бу ерларда форслар кўпайгач, сўнг улар Ажам шаҳарлари каби бўлган. Ҳозир турк ўлкаларининг чегараси *Ābisgün* денгизи билан ўралган. *Rūm* ўлкасидан ва *Özjānd* дан *Šïn* гача чўзилади. Узунлиги беш минг фарсах, эни уч минг фарсах, ҳаммаси саккиз минг фарсахдир.

قاز سقی ***Qaz suwï*** **(Қаз суви)** – *Īla* дарёсига қуйиладиган катта бир сувнинг оти. Шундай аталишининг сабаби *Afrāsiyāb* нинг қизи унинг қирғоғига бир шаҳар қуриши ва бу от унга нисбат берилиши билан боғлиқ.

س ***s*** [ҳарфи]:

[قاز ***qaz*** **(қаз)**] ***qaz qïraw*** – ҳар бир дарахтнинг пўстлоғи. Мақолда ***Qaδïŋ qasïŋa*** дейилган. [Маъноси: "Қайин дарахтининг пўстлоғи (ўзига ярашади)"]. Бу ерда *zā* ҳарфи *sïn* га алмашган. Чунки *zā* ҳарфи сўзда ўзидан олдин ўз ҳиссасини олган бўлса ҳам, ўзидан кейин *sïn* ҳарфи келгач, сўзда *zā* ҳарфига ўрин қолмаган. *zā* нинг *sïn* га алмашиниши араб тилида ҳам учрайди. Чунончи, بوزی و بوصی لزق و لصق بزاق و بصاق лардаги сингари.

ش ***š*** [ҳарфи]:

باش ***baš*** **(баш)** – бош.

باش ***baš*** **(баш)** – яра. Мақолда (шундай келган): ***Köni barïr keyiknïŋ közindä aδïn basï yoq.*** Маъноси: "Ҳеч қаёққа қарамай, тўғри кетаётган кийикнинг кўзидан бошқа яраси йўқ". Яъни "ҳақиқатда кўзи яра эмас" демакдир. Оғир аҳволга тушиб қолиб, ҳар кимнинг маломатига йўлиққан киши ҳақида айтилган.

تاش ***taš*** **(таш)** – тош.

[تاش ***taš*** **(таш)**] ***taš ton*** – устки кийим, устки тўн.

[تاش ***taš*** **(таш)**] ***taš yer*** – кенг ер; бегона жой.

[ساش ***saš*** **(саш)**] ***saš at*** – ҳурковуч от.

قاش ***qaš*** **(қаш)** – кўз устидаги қош.

قاش ***qaš*** **(қаш)** – оқ ёки қора, тиниқ тоза тош, қош тоши. Бунинг оқини чақмоқдан, чанқоқликдан, яшин уришдан сақланиш учун узукка кўз қилиб тақадилар.

قَاشْ اُگوز ***Qaš ögüz*** (Қаш ўгуз) – *Xotan* шаҳрининг икки томонидан оқадиган икки дарё, уларнинг бирини ***Örüŋqaš ögüz*** дейилади. Оқ тоза тош шу ерда бўлади. Бу ном ҳам шу тошга нисбатан берилган; (яна) бири ***Qaraqaš ögüz*** дейилади. Қора тоза тош ҳам шу ерда бўлади. Бу тошлар дунёнинг бирор еирда топилмайди. Фақат шу ерда бўлади.

قَاشْ ***qaš*** (қаш) – ҳар қандай нарсанинг чети, ёқаси, ёни; ***yar qašï*** – жар ва бошқаларнинг ёқаси.

غ ***ğ*** [ҳарфи]:

بَاغ ***bağ*** (бағ) – ток.

بَاغ ***bağ*** (бағ) – ўтин ва шунга ўхшаш бошқа нарсаларнинг боғи, боғлами. Шундан олиниб ***otuŋ bağï*** (ўтин боғлами) дейилади.

تَاغ ***tağ*** (тағ) – тоғ. Мақолда (шундай келган): ***Tağ tağqa qawušmas, kiši kišikä qawušur.*** Маъноси: "Тоғ тоғ билан учрашмас, чунки улар ўз жойларида турғундирлар. Кишилар орадан анча вақт ўтиб кетса ҳам, бир-бирлари билан учрашадилар". Бу мақол узоқ вақтдан сўнг ўртоғини учратган кишига қарата айтилади.

دَاغ ***dağ*** (дағ) – қорамол ва бошқаларга босилган тамға. Форслар бу сўзни турклардан олганлар. Чунки форсларда турклардагидек қорамол йўқ. Шунинг учун бу сўзга уларда зарурат ҳам бўлмаган. Мен бу сўзни мусулмонлар ҳудудида эшитдим.

دَاغ ***dağ***~ دَاغ ***ðağ*** (дағ) – "йўқ; эмас" маъносидадир (арғуча); ***ol andağ dağ-ol*** – у ундай эмас. Кейинчалик ўғузлар "йўқ; эмас" маъносидаги бу сўзни арғулардан олиб, ***ðağ-ol*** ни ***tegül*** деб ўзгартирганлар. Чунки ўғузлар арғуларга қўшни турадилар. Сўзларида аралашиш бор.

سَاغ ***sağ*** (сағ) – ақл (ўғузча).

سَاغ ***sağ*** (сағ) – зийраклик, тийраклик, зеҳни ўткирлик (ўғузча); ***sendä sağ yoq*** – сенда зийраклик йўқ.

سَاغ ***sağ*** (сағ) – соғлиқ, саломатлик; ***yiniŋ sağmu?*** – танинг соғми?

[سَاغ ***sağ*** (сағ)] ***sağ suw*** – тоза ва тотли сув.

[سَاغ ***sağ*** (сағ)] ***sağ elig*** – ўнг қўл. Ҳаммаси ўғузча. Турклар [яъни, ўғузлардан бошқалар] бу сўзларни билмайдилар.

سَاغ ***sağ*** (сағ) – юнг савайдиган савағич.

[سَاغ ***sağ*** (сағ)] ***sağ yağ*** – сариёғ.

[سَاغ ***sağ*** (сағ)] ***sağ köŋül*** – кўнглида кири йўқ, оққўнгил киши.

ڤ ***w*** [ҳарфи]:

سَاڤ ***saw*** (сав) – оталар сўзи; мақол (*maṣal*). Чунончи, ***sawda mundağ kelir*** – оталар сўзида шундай келади.

سَاڤ ***saw*** (сав) – қисса (*qiṣṣa*).

سَاڤ ***saw*** (сав) – ҳикоя (*ḥikāya*).

سَاڤ ***saw*** (сав) – рисола, мактуб (*risāla*).

سَاڤ ***saw*** (сав) – сўз, нутқ (*kalām*).

سَاڤ ***saw*** (сав) – хабарлар ва янгиликлар (*anbā va aḥādīṣ*). Шу боисдан набий, пайғамбарга ***sawčï*** дейилади. Чунки у бир қанча хабарларни эшиттиради, ёзилган нарсаларни етказади.

سَاڤچِى ***sawčï*** (савчи) – келин ва куёвлар орасида, юқорида айтганимча, бир-бирига хат-хабарлар элтувчи совчи. (Билимли) шундай деган:

***Bilgä erän sawlarïn alğïl ögüt,***
***Eðgü sawïğ eðläsä özkä siŋär.***

Айтмоқдаки: Билагон кишиларнинг сўз, ўгитларидан фойдалан. Чунки яхши сўз таъсир қилгач, кўнгилга жойлашади.

**شاڤ** ***šaw*** **(шав)** – чўғон деб аталадиган ишқор каби бир ўт. *Uč* ларда у билан кийимлар тозаланади.

**قاڤ** ***qaw*** **(қав)** – чақмоқ чақилганда ёндириладиган пилик.

**[قاڤ قُوڤ** ***qaw-quw*** **(қав-қув)]** ***ton qaw-quw boldï*** – ёмон тикилишдан кийим тортишиб қолди.

**لاڤ** ***law*** **(лав)** – муҳр босиш учун фойдаланиладиган мум.

**ق** ***q*** [ҳарфи]:

**قاق** ***qaq*** **(қақ)** – шафтоли ва бошқа турдаги мева қоқи.

**[قاق** ***qaq*** **(қақ)]** ***qaq suw*** – сув тўплами, тўпланган сув.

**ک** ***g*** [ҳарфи]:

**باک** ***beg*** **(бег)** – бек, амир.

**باک** ***beg*** **(бег)** – хотиннинг эри. У уйида бекларга ўхшатилгани учун шундай аталган.

**تاک** ***-teg*** **(-тег)** – ўхшатиш қўшимчаси; ***ol andağ-teg*** – у ўшандай, унга ўхшайди.

**چاک** ***ček*** **(чек)** – бурд (ипаклик) шаклидаги ёпинчиқ қилинадиган бир бўз газлама. Уни ямаклар киядилар.

**ناک** ***nek*** **(нек)** – тимсоҳ.

**ناک يِلان** ***nek yïlan*** **(нек йилан)** – аждаҳо.

**ناک يِلی** ***nek yïlï*** **(нек йили)** – туркларнинг ўн икки йилларидан бири. Бу китобни ёзган йилимиз тўрт юз олтмиш тўққизинчи йил, яъни ***nek yïlï*** эди.

**ل** ***l*** [ҳарфи]:

**بال** ***bal*** **(бал)** – бол, асал. Суворин ва қипчоқлар тилида. Ўғузлар ва турклар ***arï yağï*** дейдилар. (Шоир) шундай деган:

***Bardï seŋä yek otru tutup bal,***
***Barčïn keδipän telü yuwğa bolup qal.***

Айтмоқдаки: Шайтон сени учратди, сенга асал тутиб, дунё ширинлиги роҳатини берди. Мағрур бўлиб ипакли кийимлар кийдинг. Агар унинг алдовини тушунмайдиган бўлсанг, шундай қолиб роҳатланавер.

**تال** ***tal*** **(тал)** – ҳўл новда. Кишини ҳам юмшоқликда толга ўхшатилиб, ***tal boδluğ*** дейдилар. Бу сўз кўпинча нозик ва хушкомат канизакларга қўлланади.

**جال قُوی** ***čal qoy*** **(чал қўй)** – ола-була қўй.

**سال** ***sal*** **(сал)** – новда ёки мешлардан ясалган енгил қайиқча, сол; ***tar*** сўзи ҳам шу маънодадир.

**سال** ***sal*** **(сал)** – елим ва бошқа нарсалардан тайёрланадиган ялтироқ нарса; *šīn* идиши ва бошқаларга суртилиб, сўнг унинг устидан нақш берилади.

**م** ***m*** [ҳарфи]:

**تام** ***tam*** **(там)** – девор.

**ام سام** ***em-säm*** **(эм-сам)** – дори; *säm* сўзи ёлғиз қўлланмайди. Ҳар вақт бирга қўлланади.

**قام** ***qam*** **(қам)** – афсунгар, коҳин.

**ن** ***n*** [ҳарфи]:

**تان** ***tan*** **(тан)** – тонгдаги ва кечки совуқ шамол.

**خان** ***xan*** **(хан)** – туркларнинг энг катта бошлиқлари. *Afrāsiyāb* нинг болалари ҳам ***xan*** деб юритилади. *Afrāsiyāb xaqan* дир. Бу ном билан аталиш воқеаси ҳақида узун ҳикоя бор.

**سان** ***san*** **(сан)** – сон, адад; ***qoy sanï nečä?*** – қўйнинг сони, саноғи қанча?

**قان** ***qan*** **(қан)** – қон. Мақолда (шундай келган): ***Qanïğ qan birlä yumas.*** Маъноси: "Қонни қон билан ювилмайди, яъни тўполон келишув билангина тинчитилади", демакдир.

مَانْ قَشْلاغ ***Manqïšlağ*** (**Манқишлағ**) – ўғуз ўлкаларидаги бир жойнинг оти.

مَانْ كَنْدْ ***Mankänd*** (**Манканд**) – *Käšğar* яқинидаги бир шаҳар оти. Кейинчалик хароб қилинган.

[مَانْ ***man*** (**ман**)] ***man yašlïğ qoy*** – тўрт яшар қўй. Бу сўз қўйдан бошқа нарсага қўлланмайди.

## Охири ҳарфи иллатли бўлган сўзлар

ب ***b*** [ҳарфи]:

بَايْ ***bay*** (**бай**) – бой.

بَايْ يِغَاچ ***Bay yïğač*** (**Бай йиғач**) – *Učˇ* шаҳри яқинида *Kučˇa* билан *Učˇ* орасидаги бир жой оти.

ت ***t*** [ҳарфи]:

تَايْ ***tay*** (**тай**) – той, тойча. (Шоир) шундай деган:

***Tegür menïŋ sawïmï bilgälikä ay,***
***Tïnar qalï atatsa / atïtsa qïsraq sini tay.***

Айтмоқдаки: Менинг сўзимни оқилларга етказ. Агар биянинг тойчаси от бўлса, бия тинади. Чунки онаси ўрнига уни минилади.

س ***s*** [ҳарфи]:

سَايْ ***say*** (**сай**) – тошли ер.

[سَايْ ***say*** (**сай**)] ***say yarïq*** – баданга кийиладиган совут.

قَايْ ***qay*** (**қай**) – бир тоифа туркий қабилалар.

## Бу бўлимнинг *misˌāl* тури

پ ***p*** [ҳарфи]:

يَاپْ يُوپْ ***yap-yup*** (**йап-йуп**) – ҳийла, алдов; ***yap-yup qïldï*** – ҳийла ишлатди, алдади.

ت ***t*** [ҳарфи]:

[يَاتْ ***yat*** (**йат**)] ***yat kišï*** – ёт киши. Шундан олиниб, ***yat-baz yaδïl*** – ёт бегоналар тарқалсин, дейилгандаги каби.

يَاتْ ***yat*** (**йат**) – ёмғир ва шамол келтириш учун тошлар билан қилинадиган афсунгарлик.

ز ***z*** [ҳарфи]:

يَازْ ***yaz*** (**йаз**) – ёз. Мақолда (шундай келган): ***Yazïn qatïğlansa, qïšïn sewnür.*** Маъноси: "Ёзда тиришган киши қишда севинади".

س ***s*** [ҳарфи]:

يَاسْ ***yas*** (**йас**) – зарар, зиён; ***anïŋ telim yasï tegdi*** – унинг кўп зарари тегди.

يَاسْ ***yas*** (**йас**) – ўлим, ҳалокат; ***anïŋ oğlï yas boldï*** – унинг ўғли ўлди (ўғузча).

ش ***š*** [ҳарфи]:

يَاشْ ***yaš*** (**йаш**) – кўз ёши; ***közüm yašï aqdï*** – кўзимнинг ёши оқди.

يَاشْ ***yaš*** (**йаш**) – кўкат; ***yaš yedim*** – кўкат едим.

يَاشْ ***yaš*** (**йаш**) – ҳар қандай нарсанинг янгиси, тозаси; бундан ***yaš et*** дейилади, "янги гўшт" демакдир.

غ ***ğ*** [ҳарфи]:

يَاغْ ***yağ*** (**йағ**) – ёғ; уруғ ва ўсимликлар ёғи.

سَاغْ يَاغْ ***sağ yağ*** (**сағ йағ**) – сариёғ; ўғузлар чарвини ***yağ*** дейдилар.

ق ***q*** [ҳарфи]

يَاقْ يُوقْ ***yaq-yuq*** **(йақ-йуқ)** – идиш юқи. Узоқ қариндошларга ***yaq-yuq qadaš*** дейиш ҳам шундан олинган. Унинг бизга яқинлиги "идиш юқи" кабидир, деган маънода.

ك ***k*** [ҳарфи]:

يَاكْ ***yek*** **(йек)** – шайтон. Мақолда (шундай келган): ***Bilmiš yek bilmädük kišidän yeg.*** Маъноси: "Таниш шайтон нотаниш кишидан яхши". Бу мақол танишлар ҳурматини сақлашга ундаб айтилади.

يَالْ ***yal*** **(йал)** – ёл; ҳамма туркий тиллар (қабилалар тиллари)да ёл битадиган жой, аъзо маъносидадир; ***at yalï*** деганда шу маънода қўлланади.

م ***m*** [ҳарфи]:

يَامْ ***yam*** **(йам)** – кўз ва бошқа нарсаларга тушган хас, чўп.

ن ***n*** [ҳарфи]:

يَانْ ***yan*** **(йан)** – сон суягининг бош қисми. Сон суягига ҳам ***yan*** дейилади.

**Бу бўлимнинг бошқа бир тури**

يَاىْ ***yay*** **(йай)** – баҳор, кўклам. Мақолда (шундай келган): ***Küz keligi yayïn belgülüg.*** Маъноси: "Кузнинг қандай келиши кўкламдан маълум". Бу мақол охири бошидан билинадиган ишлар ҳақида қўлланилади.

(Донишманд) шундай деган:

***Yay körkiŋä ïnanma,***
***Suwlar üzä tayanma.***
***Esizligig anunma,***
***Tilda čïqar eδgü söz.***

Айтмоқдаки: Кўкламнинг кўркига, унинг ранг-баранг гулларига, чиройига ишонма, ундан яхшилик умид қилма. Сувга таянма, чунки дунё неъматларининг ширинлигига, кўклам гўзаллигига суянган кишилар сувга суянганлар кабидир. Ёмон от қозонма. Тилингдан доим кишилар сендан миннатдор бўладиган яхши сўзлар чиқар.

Қоида: бу боб ва бошқаларни [шунга ўхшашларни] *manqūš* деб атадик. Чунки бу бобдаги сўзларнинг ўртасидаги юмшоқ ҳарф – *harfi līn* тушади. У вақт ёзувда эмас, талаффузда икки ҳарфли сўзга айланади. Чунончи, "қўл" маъносидаги ***qol*** сўзи аслида قُوَلْ ***qol*** шаклида талаффуз қилиниши керак эди. Лекин бу сўзни ***anïŋ qolïn aldï*** (унинг қўлини ушлади) деганда, ***vāv*** тушиб قُلْ сўзига ўхшаб талаффуз қилинади. "Шамол" маъносидаги يِيلْ ***yel*** сўзи ҳам ***anïŋ yeli küčlüg*** (унинг шамоли кучли) дейилган оғзаки нутқдада ***yā*** ҳарфи туширилади. Сўз ***yïl*** – йил маъносидаги يِلْ га ўхшайди. Бу *manqūš* бўлимидаги ҳар бир исм ва феълларда учрайди. Бу хусусият арабча сўзларда, феълларда учрайди. Арабча زَانَ يَزِين كَال يَكِيل феълларидан زن كل тарзида буйруқ шакли ясалиб, ўртадаги енгил ҳарф туширилади. Туркчада бу хусусият ёлғиз феълларда эмас, исмларда ҳам туширилади. Араб тилида бу ҳолат исмларда эмас, фақат феълларда учрайди. Буни яхши билиб ол.

***fa'al*** **ўзагидан ясалган *vāv* ли сўзлар**

قِزِلْ جُوتْ / ***qïzïl čüvüt / čüvit*** **(қизил чувут / чувит)** – қизил ранг, қизил буёқ.
اَلْ جُوتْ / ***al čüvüt / čüvit*** **(ал чувут / чувит)** – малла ранг.
كُوكْ جُوتْ / ***kök čüvüt / čüvit*** **(кўк чувут / чувит)** – тўқ кўк.
يَاشِلْ جُوتْ / ***yašïl čüvüt / čüvit*** **(йашил чувут / чувит)** – яшил ранг, зангори.

سَارِغ جُوْث/ ***sarïğ čüvüt / čüvit*** **(сариғ чувут / чувит)** – зирних. ***čüvüt*** сўзи жарангли ف *w* билан جُفْت ***čüwüt*** шаклида ҳам талаффуз қилинади. Билгилки, ***čüvüt / čüvit*** сўзи бу рангларнинг ҳаммаси учун умумий сўз бўлиб, унга айрим рангларни англатувчи сўзлар қўшилиб, фарқ қилинади.

قَوْث ***qavut*** **(қавут)**: ***qağut*** шакли ҳам бор. Янги туққан хотинлар овқати. Қовурилган тариқ; уни ёғ ва шакарга қориб ейилади.

چ č [ҳарфи]:

قُوْچ ***qovuč*** **(қўвуч)** – жин тегиш асари. Бундай кишилар юзига совуқ сув сепилиб, ***qovuč-qovuč / qovïč-qovïč*** дейилади. Сўнг ***özdrlik*** дейиладиган ўт ва ***ud*** дейилган хушбўй ўсимлик тутатилади. ***qovuč-qovuč*** сўзи ***qač-qač*** сўзидан олинган бўлса керак; "коч-коч; даф бўл" деган маънода деб ҳисоблайман.

[كُوْچ ***küvüč*** **(кувуч)**] ***küvüč yügün*** – нўхта.

ز z [ҳарфи]:

[قُوْز ***qovuz*** **(қўвуз)**] ***qovuč*** сўзи ўрнида ўғузлар ***qovuz*** сўзини қўллайдилар. Чунончи, ***yel qovuz bitigi*** дейиладики, "жин тегишга қарши дуо тумори" демакдир.

قُوْز ***qovuz*** **(қўвуз)** – шарбатга тушган хас-чўп; ***qovuz sučigdän ketär*** – шарбатдан хас-чўпни кетказ, олиб ташла.

كُوْز ***kövüz*** **(кўвуз)** – юнгдан тўқилган, ерга солинадиган ҳар қандай палос, гилам, шолча, намат.

يُوْغ ***yuvuğ*** **(йувуғ)** – селлар тоғдан юмалатиб, ювиб туширган катта тош бўлаклари. Бу сўзнинг ***yuwuğ*** шакли ҳам бор.

ق *q* [ҳарфи]:

سُوْق / سُوْق ***suvuq / suvïq*** **(сувуқ / сувиқ)** – ҳар бир суюқ нарса, чунончи, суюлтирилган қатиқ, сузма, ширинликлар; ***suvuq / suvïq yoğrut*** – суюқ қатиқ.

[سُوْق / سُوْق ***suvuq / suvïq*** **(сувуқ / сувиқ)**] ***suvuq / suvïq quδruq*** – узун, лекин қили кам дум, чунончи, хачир думи каби. (Барги кам) дарахт ва бошқаларга ҳам шу сўз қўлланади (қипчоқча).

قُوْق ***qovuq*** **(қўвуқ)** – ҳар қандай ичи бўш нарса. Бу сўзнинг ***qowuq*** шакли ҳам бор.

قَوْق ***qavuq*** **(қавуқ)** – сийдик қопи. Бу сўзнинг ***qawuq*** шакли ҳам бор.

قَوْق / قَوْق ***qavuq / qavïq*** **(қавуқ / қавиқ)** – тариқ қипиғи. Бу сўздаги *vāv* жарангли ف *w* ўрнига алмашгандир.

ك *k* [ҳарфи]:

[كُوْك ***küvük*** **(кувук)**] ***küvük müš*** – эркак мушук.

كُوْك ***küvük*** **(кувук)** – сомон (ўғузча).

ل *l* [ҳарфи]:

تُوْل / تُوْل ***tovul / tovïl*** **(тўвул / тўвил)** – овда лочин учун чалинадиган довул – ноғора. Мен бу сўзни арабчадан олинган ва *ṭā* ҳарфи *tā* га алмаштирилган деб ҳисоблайман. Чунки бу товушларнинг махражи бир-бирига яқиндир. Чунончи, араб тилида قطر қатр ҳам дейилади, غلط ғалт ҳам дейилади. Улар ثابت десалар, булар ثبت қилиб олганлари кабидир. Лекин мен бу сўзни турк ўлкаларининг энг қуйи худудларидаги асл турклардан эшитдим.

**Бу бўлимнинг *yā* ҳарфи билан келган сўзлари**

ر *r* [ҳарфи]:

قَيْر ***qayïr*** **(қайир)** – турклар тилида юмшоқ ер. Ўғузлар "қум"ни ***qayïr*** дейдилар.

ش ***š*** [ҳарфи]:

تَوْشْ ***tavuš*** **(тавуш)** – сас ва ҳаракат. Бу сўзнинг ***tawïš*** шакли ҳам бор.

غ ***ğ*** [ҳарфи]:

[تَيِغْ ***tayïğ*** **(тайиғ)** – тойғоқ] ***tayïğ yer*** – тойғоқ ер.

تُيَغْ ***tuyağ*** **(туйағ)** – туёк; ***at tuyağï*** – от туёғи.

[قُيُغْ ***quyuğ*** **(қуйуғ)**] ***quyuğ näŋ*** – оқадиган нарсаларнинг қуюғи. Узум шарбатига ***quyuğ süčig*** дейиш шундандир.

قَيِغْ ***qayïğ*** **(қайиғ)** – ўғузларнинг бир тоифаси.

قُيُغْ ***quyuğ*** **(қуйуғ)** – қудуқ. Бу сўзнинг ***quδuğ*** шакли ҳам бор.

[قَيِغْ ***qayïğ*** **(қайиғ)**] ***qayïğ yer*** – йўлдан ва бошқадан қолган ер.

ق ***q*** [ҳарфи]:

[بَيِقْ ***bayïq*** **(байиқ)**] ***bayïq söz*** – тўғри сўз (ўғузча).

[تَيِقْ ***tayuq*** **(тайуқ)**] ***tayuq er*** – сезгир, тийрак ёш йигит.

تَيَقْ ***tayaq*** **(тайақ)** – таёқ, суянчиқ; ***küzägü tayaq berdi*** – келин отдан тушарда, суянсин деб куёв жория ёки қулга таёқ берди. Бу – бойларнинг бир одатидир. Жория ёки қуллар келиннинг моли ҳисобланади. Мақолда (шундай келган): ***Tayaq bilä taymas, tanuq sözün bütmäs.*** Маъноси: "Киши таянчиқ билан тойғоқ ерда тоймайди, гувоҳнинг сўзи гувоҳлик бергандагина билинади".

[تُيَقْ ***tuyuq*** **(туйуқ)**] ***tuyuq kiši*** – сиқилган, сиқувга олинган киши.

[تُيَقْ ***tuyuq*** **(туйуқ)**] ***tuyuq kün*** – туманли, булутли кун.

[تُبَقْ ***tuyuq*** **(туйуқ)**] ***tuyuq qapuğ*** – ёпиқ эшик.

قَيَقْ / قَيَقْ ***qayaq / qïyaq*** **(қайақ / қийақ)** – қаймоқ. (Шоир) шундай деган:

***Seδrämiš olğun qoyaq,***
***Sarmamïš süttän qayaq.***

Айтмоқдаки: Тариқ донлари сийрак бўлиб қолган. Сутдан қаймоқ сузилди, ейиш учун икковини бирга пиширириш керак.

قَيِقْ ***qïyïq*** **(қийиқ)** – ваъдага вафосиз. Баъзан киши шундай тавсиф қилинади; ***qïyïq kiši*** – сўзида турмайдиган киши каби.

[قَيِقْ ***qïyïq*** **(қийиқ)**] ***qïyïq näŋ*** – ҳар қандай эгри-бугри нарса. Қалам ва бошқа нарсаларнинг эгри кесилган учи каби.

مَيَقْ ***mayaq*** **(майақ)** – туя тезаги. Бу сўз туя тезагига хос бўлса ҳам, сўнг истиора асосида қўйникига ҳам қўлланган; ***qoy mayaqï*** – қўй қумалоғи каби. "От тезаги"га фақат ***yundaq*** дейилади. Мақолда (шундай келган): ***Teväy bedüg ersä, mayaqï bedüg ermäs.*** Маъноси: "Туя катта бўлгани билан, тезаги катта эмас". Бу мақол ўзи улуғ кишининг шогирди бўла туриб, ўзини катталардек тутадиган кишига нисбатан қўлланади. "Ўзини улуғсифат кўрсатиш сенга эмас, сенга хўжайин бўлган кишига ярашади", демакдир.

ك ***k*** [ҳарфи]:

كَيِكْ ***keyik*** **(кейик)** – аслида ёввойи бўлган ҳар қандай нарса. Бу сўз эти ейиладиган оҳу, буғу, кабан, тоғ такаларига нисбатан ҳам қўлланади.

[كَيِكْ ***keyik*** **(кейик)**] ***keyik kiši*** – маймунга ўхшаган ваҳший одам.

[كَيِكْ ***keyik*** **(кейик)**] ***keyik sögüt*** – ёввойи дарахт. Ҳар қандай нарса икки хил бўлади: ёввойи, хонаки. "Ёввойиси"га ***keyik*** дейилади.

كَيُكْ ***keyük*** **(кейук)** – намат ва кигизлардан қилинган ёмғир ёпинчиғи; *δāl* ҳарфини *yā* га айлантирувчилар тилида шундай.

[كُيُكْ ***küyük*** **(куйук)**] ***küyük näŋ*** – куйган нарса.

ل ***l*** [ҳарфи]:

[مَيِل ***mayïl*** (**майил**)] ***mayïl yemiš*** – шафтоли ва катта қовун кабиларнинг пишиш вақтидан ўтиб, иришга мойил даври.

م ***m*** [ҳарфи]:

قِيِم ***qïyïm*** (**қийим**) – ёв келиши сабабли мамлакат халқларида пайдо бўлган қўрқинч ва ташвиш. Чунончи, ***qorqunč-qïyïm boldï*** – қўрқинч-хавотир бўлди, дейилгандаги каби.

[كِيِم كِيِم ***kim-kim*** (**ким-ким**)] ***ol kim-kim kün kečürdi*** – у на ғайрат билан ишлаб, на бутунлай ишламай қўйиб, ялқовлик билан кун ўтказди.

ن ***n*** [ҳарфи]:

بُيِن ***boyïn*** (**бўйин**) – инсон ва бошқа жонзотларнинг бўйни. "Қилич дастаси"га ***qïlïč boynï*** дейилади; "пичоқ дастаси"га ***bičāk boynï*** дейилади.

بُيُن ***boyun*** (**бўйун**) – жамоа; *ðāl* ҳарфини *yā* га алмаштирадиганлар тилида.

[تُيِن ***tuyïn*** (**туйин**)] ***tuyïn er*** – бахил, пасткаш, курумсоқ киши.

تُيِن ***toyïn*** (**тўйин**) – ислом динида бўлмаган бошқа бир дин жамоаси бошлиғи. У бизларнинг олимларимиз, муфтиларимиз даражасидаги кишидир. У доим бутхона бўлади, куфр китоблар қоидаларини ўқийди. Унинг шарридан Яратганнинг Ўзи асрасин. Мақолда (шундай келган): ***Bir toyïn bašï ağrïsa, qamuğ toyïn bašï ağrïmas.*** Маъноси: "Бир роҳибнинг боши оғриса, бошқа роҳибларнинг боши оғриб қолмайди". Бу мақол ўртоқлари орасида улар еган бир нарсани ейишдан тортинган кишиларга нисбатан қўлланади.

## Бу бўлимнинг *maṭvī* лари

قَيَا ***qaya*** (**қайа**) – тоғлардаги катта тош, қоя.

قِيَا ***-qïya*** (**-қийа**) – таркибида *ğayn, qāf* ҳарфлари бўлган ва, умуман, тўйинтирилган (яъни йўғон) сўзларда қўлланувчи кичрайтириш қўшимчаси. Чунончи, ***oğulqïya*** – ўғилчам, ***qïzqïya*** – қизчам каби.

ك ***k*** [ҳарфи]:

كُيَا ***küyä*** (**куйа**) – намат ва бошқа нарсаларни ейдиган куя.

كِيَا ***-kiyä*** (**-кийа**) – таркибида *kāf* [*k, g*] ҳарфлари бўлган ва, умуман, ингичка, енгил ҳарфли сўзларда қўлланувчи кичрайтиш қўшимчаси. Чунончи, ***erkiyä*** – эргина, ***yerkiyä*** – ергина каби.

ن ***n*** [ҳарфи]:

يَنَا ***yana*** (**йана**) – қайтиб келиш маъносини англатади; ***yana keldim*** – қайтдим, қайтиб келдим, демакдир.

## Бу бўлимнинг бошқа бир тури

يَيَا ***yaya*** (**йайа**) – инсон думбаси. Бу – фақат одамларга хос. Бу бўлимдаги исмлар талаффузда ҳам, ёзувда ҳам қисқартирилмайди. Чунки бу сўзлардаги ўрта ҳарфлар ҳаракатлидир. Ўртаси *sukun* ли сўзлардагина қисқартирилади.

*Mujarrad* сўзлар бўлими тугади.

**БУ ЗИЁДАЛИЛАР БОБЛАРИДИР**

***fā'il*** **қолипидаги сўзлар бўлими**

ن ***n*** [харфи]:

تَادُنْ ***tadun*** **(тадун)** – бир ёшли бузоқ.

تُوڈُونْ ***tuδun*** **(тудун)** – булоқ сувини қишлоқ аҳлига тақсимловчи киши.

تِيڈِينْ ***tïδïn*** **(тидин)** – вақтни англатувчи бир сўз; ***bu tïδïn keldi*** – айни вақтда келди.

***fa'āl*** **қолипидаги сўзлар бўлими**

ت ***t*** [харфи]:

بَيَاتْ ***Bayat*** **(Байат)** – Тангри таъолонинг оти (арғулар тилида).

بَيَاتْ ***bayat*** **(байат)** – ўғуз қабилаларидан бирининг оти.

ر ***r*** [харфи]:

قُيَارْ ***quyar*** **(қуйар)** – ҳайвонлар ва қулларга нисбатан қўлланадиган сўкиш сўзи; ***bu quyarï*** – бу – оғзидан сўлак оқизадиган туя. Бу сўз ***suw quydï*** гапидаги ***quydï*** сўзи сув ва бошқаларни тўкди демакдир.

س ***s*** [харфи]:

قَيَاسْ ***Qayas*** **(Қайас)** – тухси ва чигил ўлкаларининг оти. Уч шаҳар шундай аталади: биринчиси ***Saplïğ Qayas***, иккинчиси ***Örüŋ Qayas***, учинчиси ***Qara Qayas*** деб аталади.

قُيَاشْ ***quyaš*** **(қуйаш)** – кучли иссиқ, қуёш кучли иссиғининг уриши.

غ ***ğ*** [харфи]:

اَيَاغْ ***ayağ*** **(айағ)** – лақаб, унвон. (Жангга отланган киши) шундай деган:

***Qoδğïl meŋä aqïlïq,***
***Bolsun meŋä ayağ-a.***
***Ïδğïl meni toqïšqa,***
***Yöwgil meŋä ulağ-a.***

Айтмоқдаки: Мени ўз ҳолимга қўй, тўсқинлик қилма, токи бировларга фойда берувчи сахий номи менга қолсин. Мени жангга элтувчи от бер. У мени жангга элтсин.

ن ***n*** [харфи]:

مُيَانْ ***muyan*** **(муйан)** – яхшилик, савоб. Йўловчиларнинг сув ичишига мўлжаллаб қилинган "сардоба"ни ***muyanlïq*** дейиш ҳам шундан.

**Ҳар хил ҳаракатлар билан қўлланган** ***fa'lī*** **қолипидаги сўзлар**

ج ***j*** [харфи]:

[بُوجِی ***bojï*** **(бўжи)**] ***bojï qobuz*** – торли чолғулардан бири. Бу барбат – "ғозкўкрак" деб аталган чолғуларнинг бир туридир.

د ***d*** [харфи]:

قَيْدَا ***qayda?*** **(қайда?)** – қаерда? ***qayda-sen?*** – қаердасан? Бу сўзнинг ***qanda*** тарзида *nūn* ли шакли ҳам бор. Шу билан бирга, ***qayuda*** шакли ҳам бор.

كُيْدَا ***küydä*** **(куйда)** – тилла, кумушлар эритилиб жавҳари чиқариладаган ўчоқ.

ق ***q*** [харфи]:

قُيْقا ***quyqa*** (**қуйқа**) – тери. Бу сўз аслида терига нисбатан қўлланса-да, баъзан пўстинга нисбатан ҳам қўлланади; ***ol qoyuğ / qonuğ quyqaladï*** – у қўй терисини қайноқ сувда тозалади; тери юнгдан бутунлай тозаланди.

**م *m*** [ҳарфи]:

[قِيْما ***qïyma*** (**қийма**)] ***qïyma ügrä*** – бир турли хамир; уни чумчуқнинг тили каби юпқа ва қия қилиб кесилади, сўнг ***qïyma ügrä*** деб аталади.

قُيْما ***quyma*** (**куйма**) – бир тур ёғли нон. Уни шарбат билан қорилган хамирдан юпқа қилиб кесилади. Сўнг қозонда қайнаётган ёққа солиб, тоблаб олинади, кейин устига шакар сепиб ейилади.

Ҳар бир маъдан моддаларидан болға билан уриб шакл бериш йўли билан эмас, қуйиш йўли билан ясалган ҳовонча, шамдон ва болға каби нарсалар ҳам ***quyma*** дейилади.

### Ҳар қандай ҳаракатлар билан қўлланган *fa'ālū* қолипидаги сўзлар бўлими

**غ *ğ*** [ҳарфи]:

تَيَاغُو ***tayağu*** (**тайағу**) – тош ва гишт парчалари.

تُرِيغا ***torïğa*** (**тўриға**) – тўрғай.

سُيَاغُو / سِيَاغُو ***suyağu / sïyağu*** (**суйағу / сийағу**) – хўрозлар оёғидаги пих.

**ك *g*** [ҳарфи]:

بِتِيكُو ***bitigü*** (**битигу**) – турклар ва бошқаларнинг сиёҳдони, довот.

كُلِيكا ***kölikä*** (**кўлика**) – қуюқ қўланка, соя.

**م *m*** [ҳарфи]:

قَلِيما ***qalïma*** (**қалима**) – тўрт устунли очиқ шийпон.

اَگَامَا ***egämä*** (**эгама**) – чолғуларнинг бир тури.

كُشِيكا ***köšikä*** (**кўшика**) – кичик, енгил соя.

### Бу бўлимнинг ***miṣāl*** тури

[يُرِيغا ***yorïğa*** (**йўриға**)] ***yorïğa at*** – йўрға от.

**ك *g*** [ҳарфи]:

يُلِيكُو ***yüligü*** (**йулигу**) – соч олинадиган устара. Ўғузлар буни билмайдилар. Уни ***geräy*** дейдилар.

اَيَاگُو ***eyägü*** (**эйагу**) – ҳайвон ва бошқаларнинг кўкрак суяги.

### ***fa'lān*** қолипидаги сўзлар бўлими

**غ *ğ*** [ҳарфи]:

تَيْغَانْ ***tayğan*** (**тайған**) – чопқир ит, този. Мақолда (шундай келган): ***Tayğan yügrükün / yügrükin tilkü sewmäs.*** Маъноси: "Тулки югурик тозини яхши кўрмайди". Бу мақол ўзларини бир-бирларидан устун деб билиб, хусуматлашадиган икки олимга тегизиб айтилади.

**ك *g*** [ҳарфи]:

كَيْكَانْ ***Keygän*** (**Кейган**) – *Qayas* дан *Îla* га оқадиган икки анҳор оти. Катта-кичиклигига ишора қилиниб, уларнинг бирига ***Kičig Keygän***, иккинчисига ***Uluğ Keygän*** дейдилар.

**Ҳар хил ҳаракатлар билан қўлланувчи *fay'al* қолипидаги сўзлар бўлими**

ج *č* [ҳарфи]:

[قِيمَچ *qïymač* (**қиймач**)] ***qïymač börk*** – оқ эчкининг узун ва майин юнгидан қилинган оқ қалпоқ. Уни чигиллар киядилар.

ق *q* [ҳарфи]:

بَيْنَق ***baynaq*** (**байнақ**) – иркитлик, гўнг (ўғузча).

بُيْنَق ***boynaq*** (**бўйнақ**) – тоғ бўйни.

بُيْنَق ***boynaq*** (**бўйнақ**) – киртангкала деб аталган жонивор.

قَيْغَق ***qayğïq*** (**қайғиқ**) – қайиқ.

مَيْغَق ***mayğaq*** (**майғақ**) – туксиз киши ёки кам юнгли ҳайвон.

ك *k* [ҳарфи]:

كَيْلِيك ***keylik*** (**кейлик**) – маймунга ўхшаган ваҳший инсон. Телба-кезик юрадиган ҳушсиз ёки ёввойи одамлар ҳам бунга ўхшатилиб, ***keylik kiši*** дейилади.

ل *l* [ҳарфи]:

[بُيْمَل ***boymal*** (**бўймал**)] ***boymal at*** – бўйнида оқи бор от. Қўй ва бошқаларга ҳам шу сўз қўлланади.

م *m* [ҳарфи]:

بَيْرَم ***bayram*** (**байрам**) – байрам (ўғузча). Мен ўйлайман, халқ тилида "шодлик ва хурсандлик куни" маъносидаги ***baδram*** сўзи ана шу сўз билан боғланади, бу ўринда маънода ўзгариш рўй берган. Чунки жоҳилият даврида бундай бир сўзнинг келиб чиқишини талаб қиладиган байрамнинг ўзи бўлмаган. Агар бўлганда эди, туркий халқлар уни билган бўлур эдилар. Ҳолбуки, ундай эмас. Фақат *δal* ҳарфини *yā* га айлантириб талаффуз этувчиларгина биладилар.

چَيْدَم / چِيْدَم ***čaydam / čïydam*** (**чайдам / чийдам**) – уйга солинадиган, ёмғир ўтказмайдиган бир турли енгил намат.

سَيْرَم ***Sayram*** (**Сайрам**) – *Madinatu-l-bayzā* (Оқ шаҳар) деб ҳам, *Ĭspïjab* деб ҳам аталадиган шаҳар оти. Бу сўзнинг ***Saryam*** шаклидаги талаффузи ҳам бор.

[سَيْرَم ***sayram*** (**сайрам**)] ***sayram suw*** – тўпиқдан паст оқадиган оз сув.

**Ҳар хил ҳаракатлар билан қўлланувчи *fa'ālil* қолипидаги сўзлар**

ق *q* [ҳарфи]:

بَقَايَق ***baqayaq*** (**бақайақ**) – айри туёқлиларнинг иккита тирноғи ораси ва икки тирноқдан бири.

بَقَايُق ***baqayuq*** (**бақайуқ**) – йилқи туёқлиларнинг устидаги ва остидаги эт парчаси.

قَيَاچُق ***qayačuq*** (**қайачуқ**) – хушбўй бир тур тоғ ўсимлиги. Мен сукуд япроғига ёки турфа япроғига ўхшайдиган бир ўт ёки заъфарон бўлса керак, деб ҳисоблайман.

**Бу бўлимнинг *miṣāl* тури**

ق *q* [ҳарфи]:

[يَيِيتَق ***yapïtaq*** (**йапитақ**)] ***er atïn yapïtaq mündi*** – эр отини яйдоқ, эгарсиз, тўқимсиз минди.

## Ҳар хил ҳаракатлар билан қўлланувчи *fa'al'al* қолипидаги сўзлар

غ *ğ* [ҳарфи]:
[قِيرْلِغ *qïrlïğ* (**қирлиғ**)] ***qïrlïğ yer*** – кўпчиган ер.
[قُيَسْلِغ *quyaslïğ* (**қуйаслиғ**)] ***Quyaslïğ er*** – Қуяс шаҳрилик киши.
[تُيَغْلِغ *tuyağlïğ* (**туйаглиғ**)] ***tuyağlïğ yïlqï*** – ҳар қандай туёқли ҳайвон.
ق *q* [ҳарфи]:
قُيُغْلُق *quyuğluq* (**қуйуғлуқ**) – окувчан нарсалардаги қуюқлик.

## Ўрта ҳарфи *sukun* ли бўлган сўзлар

ج *č* [ҳарфи]:
سَنْدُوَاچ ***sanduvač*** (**сандувач**) – булбул. (Шеърда) шундай деган:

***Sendän qačar sondïlač,***
***Mendä tïnar qarğïlač.***
***Tatlïğ ötär sanduvač,***
***Erkäk-tïšï učrušur.***

Ёз билан қиш тортишувини таърифлаб, айтмоқда: Ёз қишга айтади: Саъва сендан қочади, қалдирғоч ва бошқа қушлар менда бўлади. Менда булбул ёқимли сайраши билан кишиларни севинтиради. Бутун ёз эркак ва урғочи қушлар жуфтлашадилар.

ق *q* [ҳарфи]:
[بُلْغَيُق *bulğayuq* (**булғайуқ**)] ***bulğayuq suw*** – лойқа, бўтана сув.
سَرْقِيْق / سَرْقِيْق ***sarqïyïq / sarqïnïq*** (**сарқийиқ / сарқиниқ**) – ҳар қандай нарсанинг ичи. Бу сўзнинг *nïn* билан ***sarqïnïq*** шакли ҳам бор. Бу хусусият араб тилидаги منزاب و ميزاب منشار икки хил қўллашга мосдир.
قُدُوجَق *qudučaq* (**қудучақ**) – қуйруқ, тос суяги.

## Бу бўлимнинг бошқа бир тури

بَيْبَيُق ***baybayuq*** (**байбайуқ**) – сайроқилиги билан кишига фарақ бахш этувчи қушларнинг бир хили. У инини дарахт бутоқлари орасига занбил шаклида қуради, бир чеккасидан кичик тешик қўйиб, ундан кириб-чиқиб туради.

## Бу бўлимнинг олти ҳарфлилари

ق *q* [ҳарфи]:
بُيُنْدُرُق ***boyunduruq*** (**буйундурук**) – бўйинтуруқ. У ёғочдан махсус ясалиб, қўш ҳўкизларнинг бўйинларига солинади.
مُيَنْچِلِيْق ***muyančïlïq*** (**муйанчилиқ**) – воситачилик, икки киши орасида муроса юритиш; ***sen muyančïlïq qïl*** – сен бизларнинг орамизда муросачи бўл, ўртага туш. Бу сўзнинг асли "яхшилик" маъносидаги ***muyan*** дир.
*Manqïš* бўлимидан исмлар боби тугади.

بسم الله الرحمن الرحيم

**[(Сўзимни) раҳмдил ва меҳрибон Оллоҳнинг номи билан (бошлайман)]**

## БУ *MANQŪṢ* ФЕЪЛЛАР КИТОБИДИР

### ИККИ ҲАРФЛИ ФЕЪЛЛАР БЎЛИМИ

**ج č** [ҳарфи]:

[**كِيجْتِى *kečti*** (**кечти**) – кечикди] ***er kečti*** – киши ишда кечикди (***kečär***, ***kečmäk***).

**ر *r*** [ҳарфи]:

[**بُوْرْدِى *burdï*** (**бурди**) – ҳиди чиқди] ***yïpar burdï*** – ифор хуш ҳид таратди; ***suw burdï*** – сув буғи кўтарилди, бугланди. Ҳар қандай нарсанинг яхши ҳид таратишига ёки буғланишига ҳам шу сўз қўлланади (***burar***, ***burmaq***).

[**بِيْرْدِى *berdi*** (**берди**) – берди] ***ol meŋä yarmaq berdi*** – у менга танга (пул) ва бошқа нарсалар берди (***berür***, ***bermäk***).

[**تَارْدِى *tardï*** (**тарди**) – тарқатди] ***beg süsin tardï*** – бек аскарларини тарқатиб юборди. Бирон бир нарсасини тарқатган ҳар қандай кимсага ҳам шу сўз қўлланади (***tarar***, ***tarmaq***).

[**تُوْرْدِى *turdï*** (**турди**)] ***er yuqaru turdï*** – киши ва бошқалар ўрнидан турди (***turur***, ***turmaq***).

**تُوْرُرْ *turur*** (**турур**) – ўтган замон ва масдар шакллари бўлмаган келаси замон феълидир. Бу сўз арабча يَدَع ва يَذَر сўзларига мувофиқ келади. Бу сўз бирон бир нарсанинг сўзланаётган вақтда ўз ўрнида барқарор эканини англатади. Чунончи, ***ol ewdä turur***, яъни, у уйдадир, демакдир. Бу гапда бу сўз "тик турмоқ" маъносида эмас. Ёки: ***er sögäl turur*** – одам касалдир, демакдир. Бу ерда ҳам "тик турмоқ" маъносида эмас.

[**تُوْرْدِى *turdï*** (**турди**) – ориқлади] ***at turdï*** – от ва бошқалар ориқлади (***turar***, ***turmaq***).

[**تِيْرْدِى *terdi*** (**терди**) – тўплади] ***ol tawar terdi*** – у мол ва бошқа нарсалар тўплади (***terär***, ***termäk***).

[**سَارْدِى *sardï*** (**сарди**)] ***ol anï sardï*** – у унга қўпол муомала қилди, дағал сўзлади (***sarar***, ***sarmaq***[74]).

[**سُوْرْدِى *sordï*** (**сўрди**) – сўрди, эмди] ***gänč süt sordï*** – бола сут ва бошқа нарсаларни эмди.

[**سُوْرْدِى *sordï*** (**сўрди**) – сўради] ***er söz sordï*** – киши сўз сўради.

[**سُوْرْدِى *sordï*** (**сўрди**) – қидирди, сўроқлади] ***er yitüg sordï*** – киши йўқотган нарсасини қидирди, излади (***sorar***, ***sormaq***). Бу икки сўз ўғузчадир.

[**قَارْدِى *qardï*** (**карди**)] ***er suwqa qardï*** – киши сувдан тоза бўлди (ювиниб покланди).

[**قَارْدِى *qardï*** (**карди**) – томди] ***suw arïqtïn qardï*** – қишда сув ариқдан тошди. Бу анҳордаги қор ва сувнинг музлаб, сувнинг муз устига чиқиб тошишидир (***qarar***, ***qarmaq***).

**ز *z*** [ҳарфи]:

[**تُوْزْدِى *tözdi*** (**тўзди**) – очиқ(ди), оч қол(ди)] ***er tumluğqa tözdi*** – киши совуқдан очиқди (***tözär***, ***tözmäk***) (қипчоқча).

[**سِيْزْدِى *sïzdï*** (**сизди**) – эриди] ***yağ sïzdï*** – ёғ эриди.

[**سِيْزْدِى *sïzdï*** (**сизди**) – сизди] ***olmaδïn suw sïzdï*** – сув идишдан ва бошқа нарсалардан сизиб окди.

[**سِيْزْدِى *sïzdï*** (**сизди**)] ***kün sïzdï*** – кун кўринди. Бу қуёшнинг шарқдан чиқа бошлашидир (***sïzar***, ***sïzmaq***).

---

[74] Бу сўз *kāf* ва *qāf* билан ёзилган (سَرْمَاكْ).

ش *š* [ҳарфи]:

[قِيشْدِى *qayïšdï* / *qïyïšdï* (**қайишди / кийишди**) – қийшайди] ***er yoldan qayïšdï / qïyïšdï*** – киши йўлдан қайрилди, бурилди. Қуёшнинг тикдан оғишига ҳам шу сўз қўлланади (***qïyïšar, qïyïšmaq***).

[تُوغْدِى *toğdï* (**тўғди**) – кўтарилди] ***toğ toğdï*** – тўзон кўтарилди (***toğar, toğmaq***). (Шоир) шундай деган:

***Ağdï qïzïl bayraq,***
***Toğdï qara tupraq.***
***Yetšü kelip oğraq,***
***Toqšïp anïn kečtimiz.***

Айтмоқдаки: Мусулмон аскарларининг қизил байроқлари кўтарилди. Қора тупроқ юқори кўтарилди [чанг-тўзон кўтарилди]. Бизга ўғрақ отлиқлари ҳам келиб қўшилдилар. Ҳаммамиз қўшилишиб жанг қилдик, шунинг учун қайтишда кечикдик.

ۋ *w* ف [ҳарфи]:

[ايۋْدِى *ewdi* (**эвди**) – шошилди] ***er ewdi*** – киши шошилди (***ewär, ewmäk***).

[قُوۋْدِى *quwdï* (**қувди**) – ҳайдади, чоптирди] ***er atïn quwdï*** – киши отини ҳайдади ва қувди. Бошқа нарсаларга ҳам шу сўз қўлланади.

ق *q* [ҳарфи]:

[جِيۋْدِى *jïqdï* (**жиқди**) – намланди] ***ton jïqdï*** – тўн намланди. Ҳар нарсанинг ўзига ердан нам олишига ҳам шу сўз қўлланади (***jïqar, jïqmaq***).

[قُوۋْدِى *qoqdï* (**қўқди**)] ***et qoqdï*** – гўшт ҳидланиб кетди. Чироқ ўчирилганда тутуни кўтарилишига ҳам шу сўз қўлланади.

[قُوۋْدِى *qoqdï* (**қўқди**) – чўкди] ***suw qoqdï*** – сув лойқаси чўкди ва тинди.

[قُوۋْدِى *qoqdï* (**қўқди**)] ***šïš qoqdï*** – шиш босилди, тузалди (***qoqar, qoqmaq***).

ك *g* [ҳарфи]:

[تُوگْدِى *tügdi* (**тугди**) – туйди, майдалади] ***er tuz tügdi*** – киши туз ва бошқа нарсаларни туйди (***tügär, tügmäk***).

[سُوگْدِى *sökdi* (**сўкди**) – сўкди] ***ol anï sökdi*** – у уни сўкди (***sökär, sökmäk***).

ن *n* [ҳарфи]:

[تَانْدِى *tandï* (**таиди**) – тонди] ***ol alïmnï tandï*** – у қарзини ва бошқа нарсаларни инкор қилди. Бирон бир нарсадан тонувчи кишига шу сўз қўлланади (***tanar, tanmaq***).

[تُونْدِى *töndi* (**тўнди**) – қайтди] ***ol ewiyä töndi*** – у уйига қайтди (***tönär, tönmäk*** – ўгузча).

[قَانْدِى *qandï* (**қанди**) – қонди] ***ol suwdïn qandï*** – у сувга қонди (***qanar, qanmaq***).

[قُونْدِى *qondï* (**қўнди**) – қўнди, бирор нарсага жойлашди] ***quš qondï*** – куш қўнди, бирор нарсага жойлашди; ***boδun qondï*** – қабила (бирор ерга) кўчгандан сўнг қўнди (***qonar, qonmaq***).

**Бу бўлимнинг *miṣāl* тури**

[يِيرْدِى *yirdi* (**йирди**) – ирганди, жирканди] ***er ašïğ yirdi*** – киши ошдан ирганди, жирканди.

[يِيرْدِى *yerdi* (**йерди**) – жеркиди] ***ol erig yerdi*** – у кишини жеркиди (***yerär, yermäk*** – ўгузча).

[يُورْدِى *yördi* (**йўрди**) – ечди] ***urağut oğlïn bešiktin yördi*** – хотин боласини бешикдан ечди. Боғловидан ечилган ҳар қандай нарсага ҳам шу сўз қўлланади (***yörär, yörmäk***).

ل *l* [ҳарфи]:

[يِيلْدِى *yeyildi* (**йейилди**) – ейилди] ***aš yeyildi*** – ош ва бошқалар ейилди (***yeyilür, yeyilmäk***). Бу бўлим фақат икки ҳарфли ё уч ҳарфлилар бобигина эмас эди, биз буни икки ҳарфлиларга

келтириб қўшдик. Чунки у талаффузда қисқароқ ва равшанроқдир. Бу сўзлар араб ҳарфлари билан ёзилганда, икки ҳарф билан ёзилади. Туркий ҳарфлар билан [яъни уйғур ҳарфлари билан – Қ.С.] ёзилганда, юқорида кўрилгандек, чўзғи ҳарфлар орттирилади.

## УЧ ҲАРФЛИЛАР БОБИ

### Ҳар хил ҳаракатлар билан қўлланган *fa'aldī* қолипидаги сўзлар

ر *r* [ҳарфи]:

[بُيُرْدِى ***buyurdï*** **(буйурди)** – буюрди] ***ol aŋar ayla buyurdï*** – у унга шундай буюрди (***buyurur, buyurmaq*** – ўгузча).

[بَاقِرْدِى ***baqïrdï*** **(бақирди)** – бўкирди] ***tewäy baqïrdï*** – туя бўкирди (ўгузча) (***baqïrar, baqïrmaq***).

[ تَاتُرْدِى ***taturdï*** **(татурди)** – тоттирди] ***ol meŋä aš taturdï*** – у менга ош ва бошқа нарсаларни тоттирди (***taturur, taturmaq***).

[تِيتُرْدِى ***tetürdi*** **(тетурди)**] ***ol andaġ tetürdi*** – у шундай дедирди, шундай сўз сўзлатди (***tetürür, tetürmäk***).

[تُوزُرْدِى ***tozardï*** **(тўзарди)** – тўзон кўтарилди] ***toz tozardï*** – тўзон кўтарилди (***tozar, tozmaq***).

[سَاتُرْدِى ***saturdï*** **(сатурди)** – санатди] ***ol aŋar qoy saturdï*** – у унга қўй ва бошқа нарсаларни санатди (***saturur, saturmaq***).

[سِيتُرْدِى ***sïturdï*** **(ситурди)** – кестирди] ***ol otuŋ sïturdï*** – у ўтин ва бошқа нарсаларни кестирди (***sïturur, sïturmaq***).

[قِيچُرْدِى ***qïčurdï*** **(қичурди)**] ***ol aŋar qïčurdï*** – у унга маломат қилди, қоралади, унга тушган ташвиш учун шодланди (***qïčurar, qïčurmaq***).

[كُوتْرْدِى ***küttürdi*** **(куттурди)** – боқтирди] ***ol aŋar qoy küttürdi*** – у унга қўй ва бошқа ҳайвонларни боқтирди (***küttürür, küttürmäk***).

[كِيتْرْدِى ***ketärdi*** **(кетарди)** – кеткизди] ***ol tašïġ yoldan ketärdi*** – у тошни йўлдан жилдирди, олиб ташлади. Ҳар нарсани ўрнидан жилдиришга ҳам шу сўз қўлланади (***ketärür, ketärmäk***).

[كِيچُرْدِى ***kečürdi*** **(кечурди)** – кечиктирди] ***ol išïġ kečürdi*** – у ишни кечиктирди (***kečürür, kečürmäk***).

[كُيتْرْدِى ***küytürdi*** **(куйтурди)** – ёқтирди] ***er otuŋ küytürdi*** – киши ўтин ва бошқа нарсаларни ёқтирди (***küyrür, küyürmäk***).

ش *š* [ҳарфи]:

[تِيشْدِى ***tayïšdï*** **(тайишди)**] ***ol aniŋ birlä tayïšdï*** – у унинг билан топишда баҳслашди (***tayïšur, tayïšmaq***).

[سُيُشْدِى ***soyušdï*** **(сўйушди)** – шилиб олишди] ***ol meŋä teri soyušdï*** – у менга қўй ва бошқа ҳайвонлар терисини шилишга кўмаклашди. Бу сўз тухум пўчоғини артиш, дарахт пўстлоғини ажратишга ҳам қўлланади (***soyušur, soyušmaq***).

[قَيِشْدِى ***qayïšdï*** **(қайишди)** – ачинди] ***olar ikki bir-birkä qayïšdï*** – улар иккови бир-бирига қайишди, ғамхўрлик қилишди (***qayïšur, qayïšmaq***).

(Шоир) шундай деган.

***Nelüg aŋar bilištim,***
***Qučšup taqï qawuštum.***
***Tüzünlügin qayïštïm,***
***Alqtï meniŋ yayïmï.***

Ўзига ёмонлик қилган биров ҳақида шоир айтмоқда: Нега ҳам у билан танишдим, нега у билан ўртоқлашиб, апоқ-чапоқ бўлдим, унга хуш муомалада бўлиб, меҳрибонлик қилдим? У эса ёз бўйи вақтимни бекорга кетказди.

[قِيْشْدِى **quyušdï** (**қуйишди**)] ***aŋar suw quyušdï*** – унга сув ва бошқа нарсаларни қуйишда кўмаклашди (***quyušur***, ***quyušmaq***).

[قِيِشْدِى **qïyïšdï** (**қийишди**)] ***ol meŋä yïğač qïyïšdï*** – у менга эгиб, букиб ёғоч синдиришда кўмаклашди. Баҳслашишга ҳам шу сўз қўлланади (***qïyïšur***, ***qïyïšmaq***).

[مَيِشْدِى **mayïšdï** / مَيُشْدِى **mayušdï** (**майишди** / **майушди**)] ***er yerkä mayïšdï / mayušdï*** – киши ўз ўжарлик ва ялқовлигидан ерга ёпишди (***mayïšur / mayušur***, ***mayïšmaq / mayušmaq***). Бу бирон иш буюрилганда, у ишни қилишдан тортинишдир. ***mayïšdï*** сўзининг ҳарф алмаштирилган ***yamašdï*** шакли ҳам бор (***yamašur***, ***yamašmaq***).

ق ***q*** [ҳарфи]:

[سُيُقتِى **soyuqtï** (**сўйуқти**)] ***er soyuqtï*** – кишининг моли тортиб олинди (***soyuqar***, ***soyuqmaq***).

[سَيِقتِى **sayïqtï** (**сайиқти**)] ***yer sayïqtï*** – ер қора тошли бўлди (***sayïqar***, ***sayïqmaq***).

ل ***l*** [ҳарфи]:

[سُيُلدِى **suyuldï** (**суйулди**)] ***bulït suyuldï*** – булут суюлиб тарқалди, ҳаво очилди.

[سُيُلدِى **soyuldï** (**сўйулди**) – шилинди] ***qoy terisi soyuldï*** – қўй териси шилинди.

[سُيُلدِى **soyuldï** (**сўйулди**) – ечиб олинди] ***erdin ton soyuldï*** – кишидан тўн ечиб олинди (***soyulur***, ***soyulmaq***).

[قُيُلدِى **quyuldï** (**қуйулди**) – қуюлди] ***yoğrut quyuldï*** – қатиқ қуюлди. Ҳар қандай суюқ нарсанинг қуюлишига ҳам шу сўз қўлланади (***quyulur***, ***quyulmaq***).

[قِيِلدِى **qïyïldï** (**қийилди**)] ***kün qïyïldï*** – кун оғди.

[قِيِلدِى **qïyïldï** (**қийилди**) – ўтди] ***öδ qïyïldï*** – замон ўтди.

[قِيِلدِى **qïyïldï** (**қийилди**) – кесилди] ***yïğač qïyïldï*** – ёғоч эгиб, букиб кесилди.

[قِيِلدِى **qïyïldï** (**қийилди**) – сўздан қайтилди] ***söz qïyïldï*** – сўздан, ваъдадан қайтилди (***qïyïlur***, ***qïyïlmaq***).

[مَيِلدِى **mayïldï** (**майилди**) – бузилди] ***qağun mayïldï*** – тоза, серсув қовун бузилди. Бу қовуннинг ириб яроқсиз бўлишидир. Бошқа меваларга ҳам шу сўз қўлланади (***maylur***, ***mayïlmaq***).

ن ***n*** [ҳарфи]:

[تَيَنْدِى ***tayandï*** (**тайанди**) – таянди] ***ol meŋä tayandï*** – у менга таянди. Ҳар қандай нарсага таяниш, суянишга ҳам шу сўз қўлланади (***tayanur***, ***tayanmaq***).

[قَيَنْدِى ***qaynadï*** (**қайнади**) – қайнади] ***ešič qaynadï*** – қозон ва бошқа нарсалар қайнади (***qaynar***, ***qaynamaq***). Мақолда (шундай келган): ***Qaynar ögüz kečigsiz bolmas.*** Маъноси: "Тўлиб-тошадиган сув кўприксиз бўлмайди". Бу мақол "Қайғули, ташвишли ишнинг охири албатта хайрли бўлади", деган маънода қўлланади.

[قُيُنْدِى **quyundï** (**қуйунди**) – қуюнди] ***ol özüŋä suw quyundï*** – у ўзига-ўзи сув қуйди (***quyunur***, ***quyunmaq***).

## Бу бўлимнинг *misāl* тури

ق ***q*** [ҳарфи]:

[يَيِقتِى **yayïqtï** (**йайиқти**) – кўклам бўлди] ***öδ yayïqtï*** – вақт кўклам бўлди (***yayïqar***, ***yayïqmaq***).

ل ***l*** [ҳарфи]:

[يِيلْدِى *yayïldï* (**йайилди**) – қимирлади, силкинди] ***yïğač yayïldï*** – шамол ва бошқа бирон сабабдан дарахтлар қимирлади. Ҳар бир нарса ўз-ўзидан ҳаракатга тушиб, қимирлаб эгилишига ҳам шу сўз қўлланади.

[يِيلْدِى *yayïldï* (**йайилди**)] ***yayïldï sü*** – аскар ва бошқалар тарқалди. Бу сўзнинг *ðal* билан айтиладиган ***yaðïldï*** шакли ҳам бор (***yayïlur, yayïlmaq***). Бу бўлимда ўртаси *sukun* ли феъллар шаклда тўрт ҳарфли каби кўринса ҳам, ҳақиқатда улар уч ҳарфлидир. Чунончи, ***ol qoyuğ / qonuğ baturdï*** – у қўйни боғлатди; ***saturdï*** – у қўйни санатди ва бошқалар.

## ТЎРТЛИКЛАР БЎЛИМИ

### Ҳар хил ҳаракатлар билан қўлланган *fa'laldï* қолипидаги сўзлар бўлими

[تَيْتُرْدِى ***tayturdi*** (**тайтурди**) – тойдирди] ***ol anï suwqa tayturdï*** – у уни сув ва бошқа нарсаларга тойдирди (***taytur / tayïtur, tayïtmaq***).

[تُيْتُرْدِى ***tuyturdï*** (**туйтурди**) – туйдирди] ***ol meŋä söz tuyturdï*** – у менга сўз туйдирди, сўзни тушунтирди (***tuyturur, tuyturmaq***).

[قَيْتُرْدِى ***qaytirdï*** (**қайтурди**)] ***aŋar qayturdï*** – ўртоғига кўмаклашиб, ғамхўрлик кўрсатди (***qayturur, qayturmaq***).

[قَيْتَرْدِى ***qaytardï*** (**қайтарди**) – қайтарди] ***ol atïğ qaytardï*** – у отни ўз йўлидан қайтарди (***qaytarur, qaytarmaq***). Бу сўз ўғузлар сўзидир. Турклар ***qatardï*** дейдилар.

[قُيْتُرْدِى ***quyturdï*** (**қуйтурди**) – қуйдирди] ***ol meniŋ eligkä suw quyturdï*** – у менинг қўлимга сув қуйдирди (***quyturur, quyturmaq***).

[قِيْتُرْدِى ***qïyturdï*** (**қийтурди**)] ***ol aŋar qamïš qïyturdï*** – у унга қамишни ва бошқа нарсаларни букиб кестирди (***qïyturur, qïyturmaq***).

[كُيْتُرْدِى ***küytürdi*** (**куйтурди**) – куйдиришга буюрди] ***ol aniŋ toniŋ küytürdi*** – у унинг тўни ва бошқа нарсаларини куйдиришга буюрди (***küytürür, küytürmäk***). Бу сўз фасиҳ эмас.

[سَيْغِرْدِى ***sayğirdï*** (**сайғирди**)] ***yer sayğirdï*** – ер қора тошли бўлаёзди (***sayğïrar, sayğïrmaq / sayğarmaq***).

[قَيْغُرْدِى ***qayğurdï*** (**қайғурди**) – қайғурди] ***er qayğurdï*** – киши қайғурди. Бу сўз *zä* билан ҳам талаффуз қилинади (***qayğurar, qayğurmaq***).

ش ***š*** [ҳарфи]:

[بَيْمَشْدِى ***boymašdï*** (**бўймашди**) – чалкашди, чувалашди] ***iš qamuğ boymašdï*** – иш ва бошқа нарсалар бутунлай чувалашди (***boymašur, boymašmaq***).

[سَيْرَشْدِى ***sayrašdï*** (**сайрашди**)] ***olar telim sayrašdïlar*** – улар хаёлпарастлардек кўп сўзлашдилар. Яна: ***kušlar sayrašdï*** – қушлар сайрашди. (Шоир) шундай деган:

***Yaruq yulduz tuğarda,***
***Uðnu kelip baqar-men.***
***Satulayu sayrašïp,***
***Tatliğ ünün quš ötär.***

Айтмоқдаки: Ёруғ юлдуз туғар вақтида уйқумдан уйғониб, дарахтларга қарайман, қушларнинг севинтиргучи ёқимли сайроғини тинглайман (***sayrašur, sayrašmaq***).

[قَيْرِشْدِى ***qayïrïšdï*** (**қайиришди**)] ***olar ikki boyun qayïrïšdï*** – улар иккови бир-бирларининг бўйнини қайиришди. Бошқа нарсаларга ҳам шундай (***qayïrïšur, qayïrïšmaq***).

[قُيُلْشْدِى] ***quyulušdï*** **(қуйулушди)**] ***tağdïn suwlar qamuğ quyulušdï*** – бутун сувлар тоғдан куйилишди. Ҳар қандай суюқ нарсанинг тўкилишига ҳам бу сўз қўлланади (***quyulušur, quyulušmaq***).

[قُيُلْشْدِى] ***quyulušdï*** **(қуйулушди)** – қуйилишди, қуюқлашди] ***sütlär quyulušdï*** – сутлар ва бошқа нарсалар қуйилди (***quyulušur, quyulušmaq***).

[قُيِتِشْدِى] ***qayïtïšdï*** **(қайитишди)**] ***olar ikki qayïtïšdï*** – улар иккови бир-бирининг кетидан борди (***qayïtïšur, qayïtïšmaq***).

**ق *q*** [ҳарфи]:

[تُيْسُقْدِى] ***tuysuqdï*** **(туйсуқди)**] ***er tuysuqdï*** – киши ўзига қилинган ҳийлани тушуниб етди, билиб олди (***tuysuqar, tuysuqmaq***).

**ل *l*** [ҳарфи]:

[كِيچِلْدِى] ***kečildi*** **(кечилди)**] ***ïš kečildi*** – иш кечикди (***kečilür, kečilmäk***).

[بِيلَّدِى] ***belāldi*** **(белалди)** – беланди] ***er terkä belāldi*** – киши терга беланди, ғарқ бўлди.

[بِيلَّدِى] ***belāldi*** **(белалди)** – беланди] ***oğlan belāldi*** – бола бешикка беланди (***belälür, belälmäk***). Бу феъл ўтимли бўлиб, олдингиси ўтимсиздир.

[بِيلَّدِى] ***belāldi*** **(белалди)** – бўялди, ғарқ бўлди] ***at qanqa belāldi*** – от конга беланди. Бу отларнинг кўп сўйилишига кўрадир. Бу феълнинг масдари бундан олдинги феъл масдари кабидир.

**ن *n*** [ҳарфи]:

[كُيِفْدِى] ***küywändi*** **(куйванди)**] ***er išqa küywändi*** – киши ишда сусткашлик қилди, киши ишга куймаланди (***küywänür, küywänmäk***). Бу сўзнинг ***küwyändi*** тарзида ҳарфи алмаштирилган шакли ҳам бор.

### Бу бўлимнинг бошқа тури

**ن *n*** [ҳарфи]:

[قَاتْلَنْدِى] ***qatlandï*** **(қатланди)**] ***yïğač qatlandï*** – дарахт мева қилди. Бу уғрақ, қипчоқ, ямаклар сўзидир (***qatlanur, qatlanmaq***).

Бошқа қабилалар тилида бу сўз бир турли тиканли дарахтлар мевасига нисбатан қўлланади. Буларда хонаки дарахтлар мевасига ***yemišländi*** сўзи қўлланади.

**ر *r*** [ҳарфи]:

[قَارْلَنْدِى] ***qarlandï*** **(қарланди)**] ***art qarlandï*** – тогнинг камаридаги йўл қор билан қопланди (***qarlanur, qarlanmaq***).

[قُورْلَنْدِى] ***qorlandï*** **(қўрланди)**] ***er tawarïya qorlandï*** – киши моли кетгани учун хафа бўлди, ачинди.

[قُورْلَنْدِى] ***qorlandï*** **(қўрланди)**] ***qïmïz qorlandï*** – қимиз ачитқи солингани сабабли ачиди. Қатиқнинг қуйилишига ҳам шу сўз қўлланади (***qorlanur, qorlanmaq***).

### Асосий ўзакдан ясалган феъллар

[تَيَقْلَنْدِى] ***tayaqlandï*** **(тайақланди)** – таёқли бўлди] ***er tayaqlandï*** – киши таёқли бўлди (***tayaqlanur, tayaqlanmaq***).

[تَيُقْلَنْدِى] ***tayuqlandï*** **(тайуқланди)**] ***yigit tayuqlandi*** – йигит зийрак кишиларга ўхшади. Улар даражасига етди (***tayuqlanur, tayuqlanmaq***).

[قَيُقْلَنْدِى *qayuqlandï* (**қайуқланди**)] ***süt qayuqlandï*** – сут қаймоқ боғлади (***qayuqlanur***, ***qayuqlanmaq***).

Қоида: уч ҳарфли исмлардан ясалган бу турдаги феъллар бу китобда (бўлимда) бир неча хил маъноларни англатади:

Биринчиси, сўзланган нарса билан биргалик ёки унга эгалик маъносини англатади. Чунончи, ***er tayaqlandï*** – киши таёқ эгаси бўлди; ***süt qayuqlandï*** – сут қаймоқли бўлди каби.

Иккинчиси, сўзловчи бир нарсани сўзланган нарсанинг қаторида ҳисоблаганлик маъносини англатади. Чунончи, ***er atïğ qïzlandï*** – киши отни қимматсиради. Шунингдек, ***ol anï qïzlandï*** – у жорияни ўз қизлари қаторида билди, каби.

Учинчиси, мажҳул феъл маъносини англатади. Чунончи, ***tawar čuğlandï*** – мол тўпланди; ***böz čuğlandï / čïğlandï*** – бўз ва бошқа нарсалар ўлчанди.

Тўртинчиси, оти айтилган нарсага ўхшаганлик маъносини англатади. Чунончи, ***er tayuqlandï*** – киши зийрак ва шунга ўхшаш одамларга ўхшади, улар даражасига етди.

Бу ерда яна икки хусусиятни юқоридагига қиёс қилиб айтиш мумкин.

Биринчиси, сўзловчи сўзланган нарса билан биргалиги ёки унга эгалигини англатишдир. Чунончи, ***tağ tïtlandï*** – тоғ санубар дарахтли бўлди; ***er qaplandï*** – киши қопга эга бўлди, каби.

Иккинчиси, сўзловчи бир нарсани сўзланган нарсанинг қаторида ҳисоблаши маъносида келиши. Чунончи, ***ol näŋni qïzlandï*** – у нарсани қимматсиради, каби. Бундан бошқаси юқорида сўзлаганимиз кабидир. Қиёс қилувчи киши сўзни бошқа йўллар асосида қўллаши мумкин. Чунки ҳар бир исм турли маъно англатувчи қўшимчаларни қўшиб, ҳар хил маъноларда қўлланишига моне бўлмайди. Лекин шуни яхши билиш керакки, бутун туркий тилларда хоҳлаган ҳар бир исмдан феъл тури ясаш мумкин эмас. Чунончи, "киши оталар сўзини сўзлади ёки унга эга бўлди" маъносида ***er sawlandï*** дейилиши ёки "шаъну шуҳрат эгаси бўлди" маъносида ***er čawlandï*** деб ҳам қўлланмайди. Ҳолбуки, қоидага кўра, ҳамма исмдан феъл ясаб қўллаш мумкин. Бирор киши уни қўлласа, ҳеч ким айблай олмайди.

## Бу бўлимнинг бошқа бир тури

ب ***p*** [ҳарфи]:

[كَرْبَالَنْدِى ***körpäländi*** (**кўрпаланди**)] ***ot körpäländi*** – ўриб олингандан сўнг яна ўт ўсиб чиқди (***körpälänür***, ***körpälänmäk***).

[كِرْبِيلَنْدِى ***kirpiländi*** (**кирпиланди**)] ***kiši kirpiländi*** – киши ғализликда кирпи каби қаттиқ юзли бўлди (***kirpilänür***, ***kirpilänmäk***).

ت ***t*** [ҳарфи]:

[بِرْتَلَنْدِي ***bertländi*** (**бертланди**)] ***er bertländi*** – киши калта пахталик тўнли бўлди (***bertlänür***, ***bertlänmäk***).

[بُرْتَلَنْدِى ***bortulandï*** (**бўртуланди**)] ***börk bortulandï*** – қалпоқ олтин парчалари билан зийнатланди (***bortulanur***, ***bortulanmaq***).

ر ***r*** [ҳарфи]:

[بُغْرَلَنْدِى ***buğralandï*** (**буғраланди**)] ***tewäy buğralandï*** – туя буғра даражасига етди (***buğralanur***, ***buğralanmaq***).

غ ***ğ*** [ҳарфи]:

[تُزْغُلَنْدِى ***tuzğulandï*** (**тузғуланди**) – овқат тақдим этди] ***ol meŋä tuzğulandï*** – у менга емакдан ва бошқа нарсалардан тақдим этди (***tuzğulanur***, ***tuzğulanmaq***).

[قَدْغُلَنْدِى ***qaδğulandï*** (**қадғуланди**) – қайғуланди] ***ol bu ïšqa qaδğulandï*** – у бу ишга ва бошқа нарсаларга қайғуланди (***qaδğulanur***, ***qaδğulanmaq***).

[قُدْغُلَنْدِى *quδğulandï* (**қудғуланди**)] ***at quδğulandï*** – от пашшани ўзидан ҳайдади (***quδğulanur, quδğulanmaq***).

[قُرْغُلَنْدِى *qurğulandï* (**қурғуланди**)] ***er qurğulandï*** – киши қуруқлик қилди, қурукланди (***qurğulanur, qurğulanmaq***).

ق ***q*** [ҳарфи]:

[تَلْقِلَنْدِى *talqïlandï* (**талқиланди**)] ***üzüm talqïlandï*** – узум ғўраланди (***talqïlanur, talqïlanmaq***).

ك ***k*** [ҳарфи]:

[بُرْكَلَنْدِى *börkäländi* (**бўркаланди**)] ***tamur börkäländi*** – киши томири қон ва бошқа нарсаларга тўлди.

[بِرْكَلَنْدِى *berkäländi* (**беркаланди**)] ***er berkäländi*** – киши қамчига эга бўлди; унинг билан молларини ҳайдайди (***berkälänür, berkälänmäk***).

[بُرْكَلَنْدِى *bürgäländi* (**бургаланди**)] ***er bürgäländi*** – киши аччиғидан бурга каби сакради (***bürgälänür, bürgälänmäk***).

[بِلْكَلَنْدِى *bilgäländi* (**билгаланди**)] ***er bilgäländi*** – киши ўзини ақлли қилиб кўрсатди (***bilgälänür, bilgälänmäk***). Бу сўзни ***bilgimsindi*** тарзида олиш яхшироқдир. Яъни "киши ўзини билимдон кўрсатди" демакдир.

Шунингдек, бошқа феъллларда ҳам бўлмаган ишни бўлгандек қилиб, кўринишини англатиш учун феъл ўзагига *mïm, sïn, nün* (*-msïn, -msin*) қўшиб ифода қилинади.

[تِلْكُولَنْدِى *tilküländi* (**тилқуланди**)] ***er tilküländi*** – киши лаганбардорлик қилди (***tilkülänür, tilkülänmäk***).

[سِرْكَلَنْدِى *sirkäländi* (**сиркаланди**)] ***oğlan sirkäländi*** – бола ва бошқаларнинг бошига сирка тушди (***sirkälänür, sirkälänmäk***).

م ***m*** [ҳарфи]:

[تُكْمَلَنْدِى *tügmäländi* (**тугмаланди**)] ***er tügmäländi*** – киши кўйлак тугмаларини илди, тақди (***tügmälänür, tügmälänmäk***).

[كَسْمَلَنْدِى *kesmäländi* (**кесмаланди**)] ***qïz kesmäländi*** – қиз гажак кокил қўйди (***kesmälänür, kesmälänmäk***).

**Бу бўлимнинг *misāl* тури**

ر ***r*** [ҳарфи]:

[يَقْرِلَنْدِى *yaqrïlandï* (**йағриланди**)] ***qoy yaqrïlandï*** – қўйнинг ёғи кўпайди; қўйга жир битди (***yaqrïlanur, yaqrïlanmaq***).

غ ***ğ*** [ҳарфи]:

[يُوْغَلَنْدِى *yuwğalandï* (**йувғаланди**)] ***oğul yuwğalandï*** – бола бебошланди (***yuwğalanur, yuwğalanmaq***).

ق ***q*** [ҳарфи]:

[يُوْقَلَنْدِى *yuwqalandï* (**йувғаланди**)] ***ol meŋä yuwqalandï*** – у менга ялтоқланди ва тобе бўлди (***yuwqalanur, yuwqalanmaq***).

م ***m*** [ҳарфи]:

[يَغْمَلَنْدِى *yağmalandï* (**йағмаланди**)] ***er yağmalandï*** – киши кийим-кечакда, юриш-туришда, хулқ-атворда яғмоларга ўхшади; яғмолашди (***yağmalanur, yağmalanmaq***). Бу арабчадаги وقيس غيلان و من تقيس ибораси кабидир. Уларнинг хулқ-атворини қабул қилди, уларга ўхшади, демакдир. Яна араб ибораси تمعد الرجل اى ارى انه معدى ҳам шу борада айтилган. Яъни, киши ўзини маод қабиласи каби кўрсатди, демакдир. Бу хил феъллар ёзувда эмас, талаффузда

охиридан бешинчи ҳарфи туширилган тўрт ҳарфли исмлардан ясалади. Чунончи, ***qoy yaqrïlandï*** (қўй ёғли бўлиб семирди) ва ***er yuwqalandï*** (киши ялтоқланди) гапларидаги ***yaqrï*** (ёғ) сўзидан *yā* туширилиб, "майин нарса" маъносидаги ***yuwqa*** сўзидан *alif* туширилгани каби.

**Бу бўлимнинг олти ҳарфлилари**

ج *č* [ҳарфи]:

[سَرَاغْجْلَنْدِى ***sarağučlandï*** **(сарағучланди)**] ***urağut sarağučlandï*** – хотин бошёпинчиқли бўлди (***sarağučlanur, sarağučlanmaq***).

ك *k* [ҳарфи]:

[بِلَازْكْلَنْدِى ***bilazükländi*** **(билазукланди)** – билакузукли бўлди] ***ešlär bilazükländi*** – хотин билагузук тақди (***bilazüklänür, bilazüklänmäk***).

Бу хил феъллар тўрт ҳарфли исмлардан ясалгандир. Беш ҳарфли, олти ҳарфли исмлардан ясалиши ҳам мумкин. Қоида ҳамма туркий тиллар учун умумийдир. Чунончи, ***er saqalduruqlandï*** – киши соқолтуруқ осди. Яна: ***er alačulandï*** – киши кичик чодир тикди. Яна: ***er xumarulandï*** – киши дўсти ёки бошқанинг молидан улуш олди; ***er kerägüländi*** – киши ўзига чодир тикди ва унга кирди.

[سَيْرَمْلَنْدِى ***sayramlandï*** **(сайрамланди)**] ***suw sayramlandï*** – сув тўпиқдан келар даражада озайди (***sayramlanur, sayramlanmaq***).

[قَاتُونْلَنْدِى ***qatunlandï*** **(қатунланди)**] ***urağut qatunlandï*** – хотин маликаларга ўхшади. Улар даражасига етди (***qatunlanur, qatunlanmaq***).

[قَاغُونْلَنْدِى ***qağunlandï*** **(қағунланди)** – қовунли бўлди] ***er qağunlandï*** – киши қовунга эга бўлди (***qağunlanur, qağunlanmaq***).

Тангрига шукр, уч ҳарфлилар бўлими тугади.



بسم الله الرحمن الرحيم

**[(Сўзимни) раҳмдил ва меҳрибон Оллоҳнинг номи билан (бошлайман)]**

## БУ ИККИ ҲАРФЛИ ИСМЛАРНИНГ *δavāti-l-arba'a*[75] КИТОБИДИР

ب ***b*** [ҳарфи]:

بَا ***be*** **(бе)** – қўйнинг маъраган овози; ***qoy belädi*** – қўй маъради.

بُو ***bu*** **(бу)** – буғ; бундан ***ešič busï*** дейилади, "қозон ва бошқа нарсаларнинг буғи" демакдир.

بُو ***bu*** **(бу)** – "бу" маъносидаги сўз; бундан ***bu er*** дейилади, "бу киши" демакдир.

بِي ***bi*** **(би)** – туркларда бия, аммо ўғузларда эмас.

بِي ***bi*** **(би)** – бу сўзнинг ***böy*** шакли ҳам бор. Ўргимчак (ўғузча).

ت ***t*** [ҳарфи]:

تُو ***tü*** **(ту)** – бадандаги тук; бундан ***bir tü sač*** дейилади, "бир толим соч" демакдир.

تُو ***tü*** **(ту)** – ранг; бундан ***tüdäš tonlar*** дейилади, "бир хил рангли кийимлар" демакдир.

تُو ***tü*** **(ту)** – от ранги, тури; бундан ***atïŋ ne tülüg?*** дея сўралади, "отинг қайси рангда?, отингнинг тури қандай?" демакдир.

تُو ***to*** **(тў)** – йўғон унли [яъни *o*] билан, буламиқда ундан пиширилган таомнинг бир хилидир. Уни бир идишга солиб ачитилади, сўнг ейилади.

ج ***č*** [ҳарфи]:

جَا ***-ča, -čä*** **(-ча)** – ўхшатиш кўмакчисидир. Бу араб тилидаги *kāfü-l-tašbïh* га ўхшайди. Чунончи, ***ol meniŋčä*** – у мендай, ***bu aniŋča*** – бу унинг кабидир.

جِي ***ji*** **(жи)** – намлик, зах; бундан ***ji yer*** дейилади, "нам ер" демакдир.

جُو ***-čü, -ču*** **(-чу)** – бўлишли, бўлишсиз феъл буйруқлари охирига қўшилиб, буйруқ маъносини кучайтирадиган қўшимча. Чунончи, ***kelčü*** дейилади, "албатта кел" демакдир; ***barmaču*** дейилади, "зинҳор борма" демакдир. Бу фақат хитобда қўлланади.

س ***s*** [ҳарфи]:

سَا ***-sa, -sä*** **(-са)** – шарт маъносини билдирадиган қўшимча. Бундан ***ol ewkä barsa*** дейилади "у агар уйга борса; қачонки борса" демакдир; ***sen qačan barsa-sen*** – агар сен борсанг, каби. Бу фақат феълларга қўшилади.

سَا ***sa*** **(са)** – "сен" маъносидаги сўздир. Бундан ***sa ayur-men*** дейилади "сенга айтаман" маъносидадир. Бу сўзнинг охиридаги *alif* ***sen*** сўзидаги *nïn* ўрнига алмашгандир ёки ***seŋä*** сўзидан *ŋä* туширилгандир.

*nïn* ўрнига *alif* алмашиниши арабчада ҳам бор. Чунончи, улуғ тангрининг لنسفعا сўзидаги ва шоир *'Ašā* нинг والله ربک فاعبدا иборасидаги каби.

سُو ***sü*** **(су)** – аскар. Мақолда (шундай келган): ***Otağqa öpkäläp, sükä sözlämädük.*** Маъноси: "Чодирдаги ҳамроҳларидан хафа бўлиб, аскарлар билан сўзлашмади". Бу мақол биров қилган бир ишдан аччиқланиб, дўстларидан хафаланувчи, улар билан сўзлашмовчи кишига қарата айтилади. (Шоир) шундай деган.

***Sü keldi yer yapa,***
***Qarar qar ……sa***
***Qačtï aŋar Alp Aya,***
***Uwut bulup ol yašar.***

---

[75] Яъни *alif*, *vāv*, *yā* ҳарфлари қисқа унли сифатида ёки [*v*], [*y*] деб ўқиладиган сўзлар.

Айтмоқдаки: Ер юзини босиб аскар келди. Отнинг туёқларидан чиққан чанг-тўзон қорли тоғларни қоплади. *Alp Aya* деган киши қочди. У енгил гапидан уялиб яширинди.

**سی *-sï, -si*** **(си)** – унлилар билан тугаган сўзларга қўшиладиган изофа белгиси. Ундошлар билан тугаганда фақат *yā* келади. Чунончи, ***ata*** сўзи охири унли билан тугаган сўздир. Бу сўз изофа вазифасида қўлланганда, ***anïŋ atasï*** шаклида сўз охирида орттирилади. ***ana*** сўзи ҳам шундай, охири унли билан тугаган сўздир. Буни ҳам изофа вазифасида қўллаганда ***anïŋ anasï*** шаклида *-sï* орттириб қўлланади. Аммо ***anïŋ atayï*** дейилмайди. Чунки унда уч чўзиқ ҳарф бир ерда кетма-кет келган бўлади. Ҳолбуки, бу сўзлаш учун ноқулайдир. Шунинг учун, сўзлашганда қулайлик бўлсин деб, ўртадаги юмшоқ ҳарф *sīn* га алмаштирилади.

Охири ундошлар билан битган сўзларга келганда ***oğul*** сўзини олайлик. ***oğul*** сўзини изофа вазифасида қўллаганда ***anïŋ oğlï*** дейилади. Бу сўзнинг охирги ҳарфи бўлган *lām* ҳарфи изофа таркибида келиши натижасида ўзига унли ҳарфни қабул қилган. Бу ерда *sīn* орттиришга зарурат қолмаган. Шунингдек, ***at*** сўзи ҳам изофа вазифасида қўлланганда, ***anïŋ atï*** шаклида қўлланади. Бу сўз охиридаги *tā* ундоши изофа таркибида қўлланиши натижасида ўзига унли ҳарфни қабул қилади; *sīn* орттиришга эҳтиёж қолмайди.

Изофа қўллаш борасидаги бу қоида туркий тиллар учун умумийдир. Яъни исмларнинг охири унли ёки ундош билан тугашига қараб иш кўрилади.

**ش *š*** [ҳарфи]:

**شا *ša*** **(ша)** – баликчига ўхшаган ола-була йўлли бир хил қушнинг оти; ملک الحزین деб аталувчи қушга ўхшайди. Бу айрим кишиларга ҳам лақаб сифатида қўлланилади: ***erdämsiz ša*** дейилади, "маърифатсиз, фойдасиз қуш" демакдир. У ҳар вақт ерда юрганга ўхшаб учади.

**شۇ *-šu, -šü*** **(-шу)** – феъллар ўзагига қўшилиб, буйруқ маъносини кучлатувчи *-ču, -čü* қўшимчаси ўрнида қўлланувчи қўшимча. Чунончи, ***barğïl šu*** – албатта бор, борсанг-чи; ***kel šü*** – албатта кел, келсанг-чи, каби.

**شی *šï*** **(ши)** – *Sīn* хоконларининг соғ-саломатлик сўраш учун қўллайдиган сўзи. Бу сўз арабларнинг ابیت اللعن "Худо фалокатлардан сақласин", деган иборалари кабидир.

**غ *ğ*** [ҳарфи]:

**غۇ *-ğu*** **(-ғу)** – феъл ўзакларига қўшилиб, жой, пайт ёки қурол отлари ясайдиган қўшимча. Чунончи, ***barğu yer*** дейилади, "бориладиган ер" демакдир; ***turğu yer*** – туриладиган ер, дейилгандаги каби.

**ق *q*** [ҳарфи]:

**قا *qa*** **(қа)** – идиш, коп. Лекин бу асосан суюқ нарсалар қуйиб қўйиладиган идишга нисбатан қўлланади. Чунончи, бу сўз жуфт ҳолда ***qa-qača*** тарзида қўлланади, "коп-қанор; коп-қопчиқ" демакдир.

**قا *-qa*** **(-қа)** – ўрин-пайт келишиги вазифасида қўлланувчи қўшимча. Бу таркибида *qāf* ҳарфи бўлган исмлар ёки, умуман, йўғон талаффузли исмлар ва ёки ингичка талаффузли исмлар охирига қўшилади. Чунончи, ***bağqa kir*** – боққа кир; ***tağqa yuqla*** – тоққа чиқ, дейилгандаги каби.

**قا *-qa*** **(-қа)** – жўналиш келишиги қўшимчаси вазифасида қўлланади. Бундай қўллаш арғучадир. Чунончи, ***atamqa berdim yarmaq*** – отамга пул бердим; ***anamqa tawar berdim*** – онамга мол бердим, каби. Баъзан бу қўшимча изофадаги *lām* маъносида ҳам келади. Чунончи, ***atamqa söz aydïm*** – отам учун сўз айтдим.

**قی *qï*** **(қи)** – "ҳей" маъносини берувчи ундов сўз. Чунончи, ***qï berü kel*** – ҳей, бери кел. Бу сўздаги *qāf* билан *yā* ораси чўзиб талаффуз қилинади.

قی ***-qï*** **(-қи)** – яқинлик, кариндошлик маъносида исмлар охирига қўшилиб, севги ва хайрихоҳлик маъносини англатувчи қўшимча; ***ataqï*** – отагинам; ***anaqï*** – онагинам каби.

ک ***k*** [ҳарфи]:

کا ***-kä*** **(-ка)** – таркибида *kāf* ҳарфи бўлган ва умуман, ингичка ҳарфли сўзлар охирига қўшилиб, жўналиш маъносини билдирувчи аффикс. Чунончи, ***ol ewkä bardï*** – у уйга кирди каби.

Бу аффикс баъзан ўрин-пайт маъносини билдирувчи аффикс маъносида ҳам қўлланади: ***ol ewkä kirdi*** – у уйга кирди каби. Баъзан бу аффикс изофа *lām* и маъносида ҳам қўлланади: ***ol terkä kirdi*** – у маошли ишга, маош учун ишга кирди.

کۈ ***kü*** **(ку)** – кишилар орасидаги иззат, ҳурмат. Бундан олиб ***külüg bilgä*** дейилади "шуҳрат эгаси, оқил ва доно" демакдир.

ل ***l*** [ҳарфи]:

لا ***-la, -lä*** **(-ла)** – ўғузлар қилинган ишнинг аниқ ва қатъийлигини англатиш учун феъллар охирига қўшиб қўллайдиган таъкид қўшимчаси. Чунончи, ***ol bardïla*** – у аниқ борди, унинг боргани ҳақиқатдир; ***ol keldilä*** – у келди, унинг келгани аниқ бўлди. Бу ишнинг амалга ошганлигини билмагани учун, уни инкор қилаётган тингловчига нисбатан қўлланади. Бошқа турклар буни билмайдилар.

م ***m*** [ҳарфи]:

ما ***-ma, -mä*** **(-ма)** – феълнинг буйруқ шакли охирига қўшилиб, бўлишсизлик маъносини ифодаловчи қўшимча. Чунончи, ***qïl*** – қилгин, ***qïlma*** – қилмагин каби. Бу қоида ҳар қандай феъл турлари учун бўлишсизликни ифодаловчи умумий қоидадир.

ما ***ma*** **(ма)** – "ма; ол" маъносидаги бир сўз. ما ***ma*** – ма, мана, ол демакдир. Бу сўзни баъзан *hā* ва *alif* билан *mah* шаклида ҳам талаффуз қиладилар.

Бу ҳол арабча ابريه و هبرية و اراق و هراق кабиларнинг қўлланиши сингаридир.

ما ***me*** **(ме)** – бу сўз эчки ва қўзиларнинг маъраш овозлари маъносида ҳам қўлланади. Бунда арабчага мослик бор. Чунончи, ذو الرمة сўзи باسم الماء مبغوم иборасида ҳам келгандир.

مۇ ***-mu, -mü*** **(му)** – исм ва феъллар охирига қўшилиб, бирор нарса ҳақида сўраш маъносини англатувчи қўшимча. Чунончи, ***bu atmu?*** – бу отми? ***bu ïtmu?*** – бу итми? каби.

Феълларда қўлланишига мисол: ***bardïŋmu*** – бордингми?, ***keldiŋmü*** – келдингми? каби. Ўғузларнинг баъзилари ўзгага қаратилган феъл турларига сўроқ қўшимчасини қўшишда турклардан ажралиб туради. Улар *mīm* ни касра қилиб, *vāv* ҳарфини *yā* га алмаштирадилар: ***ol bardïmï?*** – у бордими? дейдилар. Бу фарқ фақат феълларда бўлиб, исмларни қўллашда улар ҳам турклар сингаридир. Чунончи, улар ҳам ***bu at seniŋmü?*** – бу от сеникими?, ***bu oğul seniŋmü?*** – бу сенинг ўғлингми? тарзида қўллайдилар.

ن ***n*** [ҳарфи]:

نا ***ne?*** **(не?)** – "нима?" маъносидаги сўз; бундан олиб, ***ne ter-sen?*** дея сўралади, "нима дейсан?" демакдир.

نا ***ne*** **(не)** – араб тилида таажжубни англатувчи *ma* қўшимчаси вазифасида қўлланувчи қўшимча. Бундан олиб, ***ne mä eδgü kiši-ol*** дейилади, "у киши ва бошқалар қандай яхши" демакдир; ***ne mä yawuz näŋ ol bu*** дейилади, "бу нарса қандай ёмон" демакдир.

نۇ ***nü*** **(ну)** – *ne* қўшимчаси ўрнида "нима?" маъносида қўлланадиган қўшимча. Бундан олиб, ***nü ter-sen?*** дея сўралади, "нима дейсан?" демакдир. Бу сўзнинг асли ***negü*** дир. Сўздан *alif, kāf* ҳарфлари туширилган.

**و *v*** [ҳарфи]:

وَا ***va*** **(ва)** – сўзловчи буйруғини инкор этишни англатадиган сўз. Чунончи, ***va ne ter-sen?*** – нима деяпсан, нотўғри гапиряпсан, демакдир.

وَا ***va*** **(ва)** – қайғу-алам вақтида айтилиб, таъкид маъносини англатади.

**ي *y*** [ҳарфи]:

يَا ***ya*** **(йа)** – ёй. Мақолда (шундай келган): ***Qurmīš kiriš tügülmäs, oqruqun tağ egilmäs.*** Маъноси: "Қуриган ёйни боғлаб бўлмайди, шунингдек, арқон билан тоғни эгиб бўлмайди". Бу мақол арзимаган бир баҳона билан катта ишга киришишни истаган кишига нисбатан қўлланади.

يَا ***ya*** **(йа)** – юқорида баён қилинган инкорни англатувчи ***va*** сўзи маъносидадир.

يُو ***yu*** **(йу)** – хотинлар бирор нарсадан уялганларида сўзланадиган сўз.

يى ***yi*** **(йи)** – кийим чоки. Тикувчига ***yiči*** дейиш ҳам шундандир.

يى ***yi*** **(йи)** – тоғлардаги кичик йўл.

[يى ***yi*** **(йи)**] ***yi yiğač*** – бир-бирига ўралашиб, чувалашиб кетган дарахт. Асли ***yigi*** – "зич" бўлган, кейинчалик қисқартирилган. "Зич тиш"га ***yigi tiš*** дейиш ҳам шундандир.

***fa'al, fa'ul, fa'il* қолипларида ўрта ҳарфи ҳар хил ҳаракатлар билан талаффуз қилинадиган сўзлар бўлими**

**پ *p*** [ҳарфи]:

تَپَا ***tapa*** **(тапа)** – жўналиш келишигининг қўшимчаси ўрнида қўлланувчи қўшимча; ***meniŋ tapa keldi*** – у менинг ёнимга келди, дегандаги каби.

تَپَا ***tapa*** **(тапа)** – қарши, рўпара; ***ol aniŋ tapasï qildï*** – у унинг қаршисига турди.

تَپِى ***tapï*** **(тапи)** – бир нарсага рози бўлиш; ***bu išta aniŋ tapïsï keräk*** – бу ишда унинг розилиги керак.

[تَپِى ***tapï*** **(тапи)** – ўрта] ***boδï tapï er*** – ўрта бўйли киши.

[تَپُو ***töpü*** **(тўпу)** – тепа] ***tağ töpüsi*** – тог тепаси; ***töpü*** – киши бошининг тепаси.

تُپِى ***tüpi*** **(тупи)** – кор бўрони. Мақолда (шундай келган): ***Qaliŋ bulutuğ tüpi sürär, qaraŋqu išïğ urunč ačar.*** Маъноси: "Қора булутдан осмонни бўрон очади, шоҳлар эшигидаги мушкул ишни пора ечади". Бу мақол мушкул аҳволда қолган кишининг, зарурат тақазоси билан, пора беришига ундаб айтилади.

سُبِى ***söbi*** **(сўби)** – ҳар қандай узун, учли нарса. Боши юмалоқ эмас, чўзинчоқ кишига ***söbi baš*** дейилади.

[قُبَا ***quba*** **(қуба)**] ***quba at*** – сочи қўнғир рангли от. Шу хилдаги ҳар бир рангга ҳам шундай дейилади.

قَپَا ***qapa*** **(қапа)** – ҳар қандай баланд нарса; ***qapa yüglüg oq*** – пати баланд ўқ.

كُپَا ***küpä*** **(купа)** – зирак, исирға.

[كُبَا ***kübä*** **(куба)**] ***kübä yarïq*** – зирҳ кўйлак.

كِبَا ***kibä*** **(киба)** – оз вақт, қисқа замон (ўғузча); ***kibä boldï*** – озгина вақт ўтди.

بِتِى ***biti*** **(бити)** – кўкдан нозил бўлган китоблар (Таврот, Инжил, Забур, Қуръонларнинг бири).

**ت *t*** [ҳарфи]:

بُتَا ***bütä*** (**бута**) – “кўп, мўл” англамидаги сўз; ***men anar bütä yarmaq berdim*** – мен унга кўп танга бердим; ***bu ïšqa bütä boldï*** – бу ишнинг юз берганига кўп даврлар ўтди. Бу сўз ўғузларнинг ***kibä*** (оз вақт) маъносидаги сўзи кабидир.

بُتُق ***botuq*** (**бўтуқ**) – туя бўталоғи.

چَتُق ***čatuq*** (**чатуқ**) – *Sïn* дан келтириладиган бир турли денгиз балиғининг шохи. Баъзиларнинг айтишича, пичоқ сопи учун фойдаланиладиган бир дарахт илдизидир. У билан таомда заҳарнинг бор-йўқлиги синалади. Шундайки, бу шохни шўр ва бошқа таом устига қўйилса, таомда ўз-ўзидан ҳаракат пайдо бўлади. Олов ёқилмаган ҳолда таом қайнай бошлайди. Ёки идишга у шох қўйилса, идишдан буғ чиқмаган ҳолда тер пайдо бўлади.

سَتَا ***sata*** (**сата**) – маржон.

شُتِی ***šutï*** (**шути**) – ёш кўзи. Бу сўз асосли сўз эмас.

قَتَا ***qata*** (**қата**) – “марта” англамидаги сўз; бундан ***bir qata aydïm*** дейилади, “бир марта айтдим” демакдир.

قَيُو ***qayu?*** (**қайу?**) – қайси? Бу сўзнинг ***xayu*** шакли ҳам бор; *qāf* ҳарфи *xā* билан алмашган: ўғуз ва қипчоқлар *qāf* ни *xā* га алмаштирадилар. Улар халачларнинг бир тоифасидир. Турклар ***qïzïm*** десалар, улар ***xïzïm*** дейдилар. Турклар ***qanda erdiŋ?*** (қаерда эрдинг?) десалар, улар ***xanda erdiŋ?*** дейдилар.

كُتُو ***kötü*** (**кўту**) – том.

كَتُو ***ketü*** (**кету**) – майиб, мажруҳ, чўлоқ (қипчоқча).

ج *č* [ҳарфи]:

بُچِی ***bočï*** (**бўчи**) – бир турли чолғи.

سَچَا ***sečä*** (**сеча**) – чумчуқ (ўғузча).

سَچُو ***saču*** (**сачу**) – тўн, рўмол ва шу кабиларнинг ҳошияси, шокиласи.

قُچُو ***Qoču*** (**Қўчу**) – *Uyğur* шаҳарларидан бирининг оти. У ердаги шаҳарларнинг ҳаммаси шундай аталади.

كَچَا ***kečä*** (**кеча**) – намат (ўғузча).

كَچِی ***kečï*** (**кечи**) – эчки (ўғузча).

كَچَا ***kečä*** (**кеча**) – кеч, кечқурун. (Шоир) шундай деган:

***Kečä turup yorïr erdim,***
***Qara, qïzïl börï kördüm.***
***Qatïğ yanï qura kördüm,***
***Qaya körüp baqu ağdï.***

Айтмоқдаки: Кечаси туриб кезар эдим. Қора, қизил бўриларни кўриб қолдим. Кучли, қаттиқ ёймни отишга ҳозирладим. Бўрилар менга қарашди, мени кўриш билан орқасига, юқориларга кўтарилди.

كَچَا ***kečä*** (**кеча**) – қовун, бодринг ва шунинг сингариларни ташишда фойдаланиладиган замбил, қоп, кажава.

نَچَا ***nečä?*** (**неча?**) – “қанча?” маъносидаги бир сўз; ***nečä yarmaq berdiŋ?*** – қанча танга (пул) бердинг? Баъзан бу сўз сўроқ қўшимчаси маъносида, яъни “қандай?” маъносида ҳам келади.

تَدُو ***tadu*** (**таду**) – киши табиати, мизожи.

تَدَا ***tada*** (**тада**) – кўз кўрадига манзара, бу ўн қадам масофадаги атроф манзараси.

دَدَا ***dada*** (**дада**) – дада, ота (ўғузча).

قُدِی ***qudï*** (**куди**) – ҳар қандай нарсанинг қуйиси; ***qudï ïldï*** – қуйи тушди, демакдир.

***بُرِی böri*** **(бўри)** – чиябўри. Мақолда (шундай келган): ***Böri qošnïsïn yemäs.*** Маъноси: "Чиябўри қўшничилик ҳақига риоя қилиб, қўшнисини емайди". Бу мақол қўшничилик ҳақига риоя қилиши керак бўлган кишиларга қарата айтилади.

***بُرِی burï*** **(бури)** – ўқ учига ўрнатилган темир ҳалқа. Буни ***bašaq borïsï*** дейилади.

***بُرِی burï*** **(бури)** – ичимлик оқиб кетмаслиги учун идиш оғзига тиқиб қўйиладиган тиқин, пўкак.

[***تُرِی torï*** **(тўри)**] ***torï näŋ*** – таъми мози таъмига ўхшаш қўланса, тахир бўлган ҳар қандай нарса. Қаттиқ, кўпол хулқли кишига ***torï kiši*** дейиш ҳам шундандир.

[***تُرَا tura*** **(тура)**] ***tura qalqan*** – ёв ўқ-яроғларидан сақланиш учун қўлланадиган қалқон, зирҳ.

***تُرَا törä*** **(тўра)** – ингичка унли [яъни *ö*] билан; тўр, уйнинг тўри, юқориси; ***törä yuqladï*** – тўрга чиқиб ўтирди. Бу сўз ***tör*** шаклида ҳам қўлланади.

***تُرُو törü*** **(тўру)** – русм, одат. Мақолда (шундай келган): ***El qalïr, törü qalmas.*** Маъноси: "Мамлакат қолади [яъни ўзгаради], одат қолмайди". Бу мақол эскиларнинг одатларини сақлашга ундаб айтилади.

***تِرِی teri*** **(тери)** – тери.

***سِرُو serü*** **(серу)** – уйда эшик устига қилинадиган раф, унга ҳар хил буюмлар қўйилади.

***قَرَا qara*** **(қара)** – ҳар қандай қора нарса. Хоқония шоҳлари ***qara*** деб аталади; ***Buğra qara xaqan*** дейилгани каби. Бунинг алоҳида ҳикояси бор.

***قَرَاقُشْ qaraquš*** **(қарақуш)** – қирғий.

***قَرَاقُشْ Qaraquš*** **(Қарақуш)** – *Muštarī* юлдузи [Юпитер]. У тонг вақтида чиқади. Баъзан буни ***Qaraquš yulduz*** деб ҳам атайдилар.

***قَرَاقَشْ qaraqaš*** **(қарақуш)** – туя оёғининг таг ёнлари (ўғузча).

***قَرَا أُرُنْ qara orun*** **(қара ўрун)** – гўр. (Билимли) шундай деган:

***Bermiš seniŋ, bil,***
***Yaliŋuq tapar qarïnqa.***
***Qalmïš tawar aδïnnïŋ***
***Kirsä qara orunqa.***

Айтмоқдаки: Билгилки, бировларга берганинг ёки ўзинг еганингина сеники, чунки киши қорни учун ишлайди. Киши гўрга киргач, қолган моли бошқаникидир. ***qara orun*** нинг асли маъноси "коронғи ер" демакдир.

***قَرَا بَاشْ qarabaš*** **(қарабаш)** – қулларга нисбатан қўлланади. Эркак бўлса ҳам, аёл бўлса ҳам бир хилда айтилаверади; "қора бош" демакдир.

***قَرَا أَتْ qara ot*** **(қара ўт)** – заҳарли, бир турли ўт. У кишини ўлдиради.

***قَرَا يَاغ qara yağ*** **(қара йағ)** – қора ёғ, нефть.

***قَرَا سَنكِرْ Qara seŋir*** **(Қара сенгир)** – *Barsğan* яқинидаги бир жойнинг оти.

***قَرَا إِتْمَاكْ qara etmäk*** **(қара этмак)** – бир турли нон. Шундайки, гўшт ҳил-ҳил пишиб, суяклари айрилиб кетгунча қайнатилади. Сўнг устига ун, ёғ, шакар солинади, бир-бирига аралаштирилиб, қуйилгунча қайнатилади, сўнг ейилади. Бу ***qara-qura*** тарзида ҳам қўлланади.

***قَرِی qarï*** **(қари)** – ҳар қандай қари, кекса, кўп яшаган кимса ёки жонзот. Чунончи, ***qarï er*** – қари киши; ***qarï at*** – катта ёшли от ва бошқалар.

***قَرِی qarï*** **(қари)** – қўл ўлчови, қўл узунлигидаги ўлчов, қарич.

***قَرِی qarï*** **(қари)** – бўз ўлчайдиган ўлчов, газ. Бу сўз аввалги сўздан олинган. Бу сўзда арабчага мувофиқлик бор. Чунки қўл ўлчови билан кийим ўлчови ҳар икки тилда ҳам бир сўз билан ифода қилинади.

قُرِی قُرِی ***qurï-qurï*** (**қури-қури**) – тойча биядан орқада қолганда етиб олишга ундаб чақириладиган сўз. Баъзан сўз охиридаги ***yā*** ҳарфи ***hā*** га алмаштирилиб, ***qurah-qurah*** шаклида ҳам талаффуз қилинади.

قُرُو ***qoru*** (**қўру**) – темирдан қилинган уч бутоқли бир турли жанг яроғи. Қипчоқлар тилида.

نَرُو ***naru*** (**нару**) – "томон" маъносидаги бир сўз; ***naru bar*** – у томонга бор, демакдир.

ز ***z*** [ҳарфи]:

بِزِی ***bizi*** (**бизи**) – нон юзининг қорайиб куйиши, куйик; ***etmäk bizi boldï*** – нон юзи куйди.

قَزِی ***qazï*** (**қази**) – киши қорнининг бўғимлари, от қорнининг ёғи; ***yund qazïsï yağ*** – от қорнининг семизлиги ёғдир. Туркларнинг энг тансиқ гўшти – шу.

قُزِی ***qozï*** (**қўзи**) – қўзи, қўзичоқ.

س ***s*** [ҳарфи]:

بَسَا ***basa*** (**баса**) – "сўнг" маъносидаги сўз; ***men anda basa keldim*** – мен ундан сўнг келдим.

بَسُو ***basu*** (**басу**) – тўқмоқ. Бир тилда.

تُسُو ***tusu*** (**тусу**) – фойда, даво; ***ol ot meŋä tusu qïldï*** – бу ўт (дори) менга фойда қилди, кор қилди.

قَسِی ***qasï*** (**қаси**) – қўй ва бошқа йилқи-қораларни совуқдан сақлаш учун ёғочдан қилинган оғил. Бундан ***qasï badïm*** дейилади, "оғил солдим" демакдир.

قَسِی ***Qasï*** (**Қаси**) – бизларга тегишли бўлган бир жой оти.

ش ***š*** [ҳарфи]:

تُشُو ***tušu-tušu*** (**тушу-тушу**) – эшакни тўхтатиш учун қўлланадиган сўз. Баъзан ***tā*** ҳарфи билан ***šīn*** ҳарфи орасига ***rā*** ҳарфи ҳам орттирилади. Лекин уни ҳеч вақт ёзиб бўлмайди.

تِشِی ***tïšï*** (**тиши**) – ҳар қандай нарсанинг урғочиси.

كِشِی ***kïšï*** (**киши**) – киши, одам. Бу сўз бирликка ҳам, кўпликка ҳам, эркакка ҳам, аёлга ҳам фарқсиз қўлланаверади.

كِشِی ***kïšï*** (**киши**) – хотин. Мен буни яғмолар тилида эшитдим; ***ol kïšï aldïmu?*** – у хотин олдими? демакдир.

غ ***ğ*** [ҳарфи]:

بُغَا ***buğa*** (**буға**) – *Hind* дан келтириладиган бир дори. Бунинг сариғига ***sarïğ buğa***, кул рангига ***boz buğa*** дейилади. Бунинг тўқ сариқ ва қўнғир ранглиси ҳам бўлади.

تُغَا ***tuğa*** (**туға**) – касаллик, руҳиятнинг тушиб кетиши; ***ig tuğa*** – руҳий тушкунлик, демакдир.

جُغِی ***čoğï*** (**чўғи**) – бир шаҳардан иккинчи шаҳарга сотиш учун олиб борилган мол. Бу сўз барча туркий тилларда ***čoğï*** шаклида, фақат арғуларда ***čağï*** шаклидадир.

قُغُو ***quğu*** (**қуғу**) – бир қушнинг оти.

سَغُو ***sağu*** (**сағу**) – ўлчов бирлиги.

ف ***w*** [ҳарфи]:

تَفْیْ ***tewäy*** (**тевай**) – туя. Бу сўз бирликда ҳам, кўпликда ҳам қўлланаверади. Бу сўз икки махраж орасидаги ف [яъни ***w***] билан қўлланади. Лекин ўғузлар ***dewä*** дейдилар.

چَفَا ***Čawa*** (**Чава**) – ёшларга берилган исмлардан.

چِفِی ***čowï*** (**чўви**) – хўтанликлар тартибига кўра хоқондан икки даража қуйи унвон номи. Туркларда бу бошқачадир.

چِفِی ***čïwï*** (**чиви**) – бир тоифа жинлар оти. Бу шундайки, икки гуруҳ турклар бир-бирлари билан урушганда, урушдан олдин ҳар қайси гуруҳ юртида яшовчи жинлар ўз юртларидаги кишиларга эргашиб, бир-бирлари билан жанг қиладилар. Қайси юрт жинлари енгса, эртасига ўша юрт шоҳи ҳам ғалаба қилган бўлади. Қайси юрт жинлари енгилса, у юртдаги шоҳ ҳам

енгилган ҳисобланади. Жанг қилувчи гуруҳлар аскарларга жинлар ўклари тегишидан қўрқиб, чодирларига кириб яширинадилар. Бу туркlар орасида тарқалган урф-одатдир.

[قُبّى *qowï* (**қўви**)] ***qowï yïğač*** – қуруқ, чурук ёғоч. Бу сўзнинг ***qovï*** шаклидаги талаффузи ҳам бор.

[قُبّى *qowï* (**қўви**)] ***qowï er*** – бахтсиз киши (арғуча). Мақолда (шундай келган): ***Qowï er quduğqa kirsä, yel alïr.*** Маъноси: "Бахтсиз киши қудуққа тушиб олса ҳам, шамол уни қийнаш учун чиқариб ташлайди".

ق ***q*** [ҳарфи]:

بَقَا ***baqa*** (**бақа**) – курбақа. "Тошбақа"га ***möyüz baqa*** дейиш ҳам шундан олинган.

بَقَاجُق ***baqačuq*** (**бақачуқ**) – ***baqa*** нинг қисқартирилгани. У кифт билан қўл орасидаги гўштдир.

بَقُو ***baqu*** (**бақу**) – тепа, баландлик.

بُقَا ***buqa*** (**буқа**) – буқа.

تَقِى ***taqï*** (**тақи**) – "яна" маъносидаги сўз; ***taqï yarmaq ber*** – яна танга (пул) бер. Бу сўз баъзан ўғузларда "ҳам" (бирга) маъносида ҳам келади: ***ol taqï anda*** – у ҳам у ерда.

تُقُو ***toqu*** (**тўқу**) – камар тўғаси.

سَقَا ***saqa*** (**сақа**) – тоғ этаги.

سُقُو ***soqu*** (**сўқу**) – ҳовонча. Бу сўзнинг асли икки *qāf* ли бўлган, кейинчалик енгиллатилган. "Баландлик" маъносидаги ***baqu*** сўзи ҳам икки *qāf* ли бўлган, кейинчалик у ҳам енгиллатиб олинган. Шунингдек, "ёмғир ёпинчиғи" маъносидаги ***yaqu*** сўзининг асли ҳам ***yağqu*** бўлган, сўнгроқ қисқартирилган. Бу Тангринининг فظلتم تفكهون оятидаги кабидир. Бунинг асли فظلتم تفكهون бўлган, бу ҳам қисқартирилган. Бунда ҳам шундайдир.

اُرِى قِيقِى ***orï-qïqï*** (**ўри-қиқи**) – шовқин-сурон.

ك ***k*** [ҳарфи]:

بُكَا ***bökä*** (**бўка**) – катта узун илон. Мақолда (шундай келган): ***Yeti bašlïğ yïl bökä.*** Маъноси: "Етти бошли узун илон". Ябақуларнинг энг улуғларини бу сўз билан ***bökä budrač*** деб аталгани каби, баъзан баҳодирларни ҳам шу сўз билан атайдилар. Ябақулар етти юз минг аскар билан кирқ минг аскарга эга бўлган *Arslan tigin ğāzī* га қарши қилган жангда Худо уларни мағлубиятга учратди. *Maḥmūd* (Кошғарий) айтади: Мен бу жангда иштирок этганлардан: Кофирлар шунча кўп бўлгани ҳолда нега енгилди? – деб сўрадим; урушда кофирлар шунча кўп бўлган ҳолда нега қочишди? – дедим. У айтди: Биз ҳам бунга ҳайрон қолдик-да, кофирлардан сўрадик, уларга шунча кўпчилик бўла туриб, қандай қилиб енгилдингиз? дедик. Улар айтдилар: Жанг ноғораси чалиниб, ҳамла бошлангач, бошларимиз тепасида осмонни тўсиб турган яшил тоғ кўрдик. Унинг саноқсиз эшиклари бор эди, ҳар бир эшик очиқ эди. У ердан бизга дўзах ўтларини ёғдиришар эди. Биз ундан хавфда қолдик, сизлар енгдингиз. Бу пайғамбарнинг мусулмонлар ҳимояси йўлидаги мўъжизаларидандир, дедим.

بَكِى ***Begi*** (**Беги**) – эркакларнинг отларидан.

بُكُو ***bögü*** (**бўгу**) – билимдон, донишманд, ақлли. Бу сўзни ***bilgä*** сўзи билан бирга ***bögü bilgä*** деб қўллайдилар. (Шоир) шундай деган:

***Biligni irdädim,***
***Bögünï ödürdüm.***
***Özümni adïrdïm,***
***Yalğïl atïm yazlïnur.***

Айтмоқдаки: Илму донишни истадим. Илмли, донишмандларни қидирдим. Ўзимни одамлар орасидан айирдим. Бунинг учун оқ ёлли отим ечилади.

تَكَا ***täkä*** (**така**) – эркак кийик. Унинг шохидан ёй қилинади.

تَكَا ***täkä*** (**така**) – така. Кўса кишига ***täkä saqal*** дейиш ҳам шундандир. Бунда унинг соқоли таканинг соқолига ўхшатилади.

تُكَا ***tügä*** (**туга**) – сигир боласи, икки ёшли бузоқ. Урғочи бузоқ ***tügä*** дейилади.

[تِكُو ***tikü*** (**тику**) – бўлак] ***bir tikü et*** – эт парчаси. Аслида ***käf*** ҳарфи такрорланган эди. Юқорида айтилганидек, кейинчалик енгиллаштирилган.

[جِكِی ***jigi*** (**жиги**) – пишиқ] ***jigi yi*** – пишиқ чок. Бу сўздаги ***jīm*** ҳарфи ***yigi tikti*** – пишиқ тикди иборасидаги ***yigi*** сўзидаги ***yā*** ҳарфи билан алмашган. Бу хусусият китобнинг бошида айтганимдек, қипчоқ ва бошқалар тилида ***jīm*** нинг ***yā*** билан алмашиш ҳодисасидир. Чунончи, улар ***yinčü*** ни ***jinčü*** дер эдилар.

تُكُو ***tükü-tükü*** (**туку-туку**) – кучук боласини чақириш учун қўлланадиган сўз.

تُكِی ***tügi*** (**туги**) – тариқнинг пўсти олиниб, тозалангандан кейинги мағзи (ўғузча).

تِكِی ***tiki*** (**тики**) – тунда эшитиладиган гувиллаган овоз. Турклар инончига кўра, ўликларнинг руҳлари ўзлари яшаган шаҳарга ҳар йил бир кечаси тўпланадилар, у шаҳар халқларини зиёрат қиладилар. Тунда гувиллаган ана шу товушни эшитган киши ўлади. Туркларда бу иноч кенг тарқалган. Бу сўз тилда ***tiki*** шаклида қўлланса ҳам, менинг наздимда ***teki*** бўлиши мақбулроқдир. Чунки хотинлар ўз оиласини кўришга бориб, уйига қайтганда ***tegdi keldi*** дейилади, "зиёратчи келди", демакдир (бу сўз ана шундандир).

سَكُو ***sekü*** (**секу**) – дўкон, устахона.

[سُكَا ***sökä*** (**сўка**)] ***er sökä olturdï*** – киши чўккалаб ўтирди. (Шоир) шундай деган:

***Erän ïdïp sökä turdï,***
***Baš ï boynïn sökä turdï.***
***Uwut bolup bükä turdï,***
***Uδu qama tipän yağdï.***

Енгилган эрни англатиб айтмоқда: У менга бир қанча кишини юборди. Улар ёнимда тиз чўкиб ўтирдилар. У бошлиқлари қилган ишига уялиб, бошини қуйи солди, бўйнини эгди, халқдан уялиб яширинди. Шошилиб менга келиб, мени таъқиб қилма, деди. Мен ҳам маъқул топдим.

كُكُو ***kökü*** (**кўку**) – хола. Бу сўзнинг ***köküy*** шаклли талаффузи ҳам бор. Тўғриси шудир; ***köküyüm keldi*** – холам келди, каби.

ل ***l*** [ҳарфи]:

بَلَا ***bala*** (**бала**) – қуш боласи. Йиртқич ва бошқа ҳайвонларнинг ёш боласига ҳам истиора равишда шу сўз қўлланади. Бундан ***Quš balasï qusïnčïğ, ït balasï oxšančïğ*** дейилади, маъноси: "Қуш боласини пат чиқармасдан олдин кўрган киши жирканадиган бўлади, аммо ит боласи ўйинчоқдек ёқимли бўлади. Катта бўлгач, акси бўлади".

بَلُو ***Balu*** (**Балу**) – арғуларда кичик бир шаҳарнинг оти.

بَلُو بَلُو ***balu-balu*** (**балу-балу**) – оналар боласини бешикда ухлатиш учун қўллайдиган алла ўрнидаги сўз.

بَلَا ***bala*** (**бала**) – ишларда кишиларга кўмаклашувчи, ёрдамчи. Бу сўз кўпинча деҳқончилик ишларида кўмаклашувчиларга нисбатан қўлланади.

تَلُو ***telü*** (**телу**) – телба, тентак (ўғузча).

[تَلُو ***talu*** (**талу**)] ***talu näy*** – танланган нарса.

[تُلو ***tolu*** (**тўлу**) – тўла] ***tolu iδiš*** – тўла идиш. Ҳар қандай тўла нарсага ҳам шу сўз қўлланади.

تُلی ***tolï*** (**тўли**) – қўқдан ёғадиган жала, дўл.

تِلی ***tili*** (**тили**) – ўқ темири устига чулғанган қайиш.

چِلا ***čila*** (**чила**) – оғилдаги отнинг ҳали ҳўл бўлган янги тезаги.

سَلی ***salï*** (**сали**) – андава.

سُلی ***Süli*** (**Сули**) – қулларга бериладиган отлардан. Бу сўз *Sülayman* сўзининг қисқаргани кабидир.

[قُلا ***qula*** (**қула**)] ***qula at*** – заъфарон рангли от.

قَلی ***qalï*** (**қали**) – "қандай; агар; башарти" маъносидаги сўз. (Донишманд) шундай деган:

***Kelsä qalï qatïğlïq,***
***Ertär teyü seriŋil.***
***Öδläk išïn bilip tur,***
***Anča aŋar tiräŋil.***

Айтмоқдаки: Сенга қаттиқ алам ва ташвиш етса, ўтиб кетар деб сабр қил. Дунё ишларидан огоҳ бўлиб туришга тириш. Ҳар қандай кулфатни ўзингга олиб, жонингни қийнайверма.

***bu sen bu išïğ qalï qïldïŋ?*** – сен бу ишни қандай қилдинг? ***sen qalï barsa-sen*** – агар сен борсанг, каби.

كُلی ***küli*** (**кули**) – ёрмай, данаги билан қуритилган ўрик, шафтолиқоқи.

م ***m*** [ҳарфи]:

تُمُو ***tamu*** (**таму**) – жаҳаннам, тамуғ. Мақолда (шундай келган): ***Tamu qapuğïn ačar tawar.*** Маъноси: "Пора (ҳатто) дўзах эшигини очади, нега бошқа (жойлар эшиги)ни очмас экан". Бу мақол "Иши битишини истаган киши пора бериши керак" деган маънода қўлланади.

[تُما ***tuma*** (**тума**)] ***tuma buxsun*** – тариқдан қилинган ичимлик (бўза)нинг хум тепасига вижиллаб қўпириб чиққан қисми.

[چُغی ***čoğï*** (**чўғи**) – бақириқ-чақирик] ***čoğï-čanï qïldï*** – у бақир-чақир қилди, демакдир; ***čanï*** – ёлғиз ҳолда қўлланмай, ***čoğï*** билан бирга қўлланади.

سُما ***suma*** (**сума**) – ивитилган бугдой. У қуритиб туйилади. Сўнг ундан угра ош ва нон қилинади. Шарбат учун қилинган, ундирилган арпага ҳам бу сўз қўлланади.

كَمی ***kemi*** (**кеми**) – *fatḥa* ли *kāf* билан; кема. Ўғуз ва қипчоқлар тилида.

[كُمی ***kömi*** (**кўми**)] ***Kömi Talas*** – уйғурлар ҳудудидаги бир жой оти.

كِمی ***kimi*** (**кими**) – кема. Туркларда; *kasra* ли *kāf* билан. (Шоир) шундай деган:

***Kimi ičrä oldurup,***
***Ïla suwïn kečtimiz.***
***Uyğur tapa bašlanïp,***
***Miŋlaq elin ačtimiz.***

Айтмоқдаки: Кемага ўтириб, *Ïla* сувидан ўтдик (*Ïla* – катта бир анҳордир). Сўнг уйғурлар томонга юзландик, ҳаттоки, *Miŋlaq* юртини очдик.

مَما ***mama*** (**мама**) – ғалла янчиш вақтида ўртага қўйилган ҳўкиз. Хирмонда бошқа ҳўкизлар унинг теварагида айланади.

مَمُو ***mamu*** (**маму**) – никоҳ кечаси келин билан бирга юбориладиган аёл, янга. Асли бир сўз эмас.

نَما ***nemä*** (**нема**) – "билмадим" деган маънодаги сўз; ***nemä ne qïldï?*** – билмайман, нима қилди? каби.

ن ***n*** [ҳарфи]:

تَنَا ***tana*** (**тана**) – кунжут, ҳар хил уруғ турлари. Уч ва арғулар тилида.

تَنُو / تَيُو يَمُو ***tanu / tayu-yamu*** (**тану / тайу-йаму**) – "кўрарсан" маъносидаги икки сўз; ***men barğay-men yamu*** – кўрарсан, мен тезда бораман.

سُنِي ***sunï*** (**суни**) – уйнинг ёғочи, тўсини.

قَنُو ***qanu*** /قَيُو ***qayu*** ( **қану / қайу**): ***qayu kiši?*** – қайси киши? Арғулар сўзи; *nūn* ҳарфи *yā* ўрнига алмашган.

قَانِي قَنِي ***qanï-qanï*** (**қани-қани**) – "қаерда?" маъносидаги сўз; ***oğlum qanï?*** – ўғлим қани?

[كُنِي ***köni*** (**кўни**)] ***köni näŋ*** – тўғри нарса. Ишончли кишига ҳам ***köni er*** дейилади.

كُنِي ***küni*** (**куни**) – қума. Мақолда (шундай келган): ***Küniniŋ külinä tegü yağï.*** – "Қуманинг кулигача ёвдир. Ҳаттоки, кули дўстининг кўзига тушади".

مُنُو ***munu*** (**муну**) – "мана" маъносидаги сўз. Бу сўз ***qanï?*** – қаерда? деган сўзнинг жавобидир.

د ***d*** [ҳарфи]:

دَوَا ***dava*** (**дава**) – юлғун дарахтининг меваси. Уни бўёқчилар ишлатади.

دَوَا ***dava*** (**дава**) – юнг бўлаги. Юнг титилиб, калава қилиниб, кўлга ўтказилади. Сўнг йигирилади.

قُوَا ***qova*** (**қува**) – қовға (ўғузча).

قُوَا ***qova*** (**қува**) – туркларнинг юганларида бўладиган от бурнига тегиб турадиган қайиш.

## Ҳар хил ҳаракатлар билан қўлланувчи *fā'il* қолипидаги сўзлар

ت ***t*** [ҳарфи]:

لَيتُو ***laytu*** (**лайту**) – бир турли таом. Сув, қор, муз каби нарсаларга қўйиб совутилади. Сўнг ичига кўкатлар солинади. Совуқлик ўрнида ейилади.

ج ***č*** [ҳарфи]:

قَاجَا ***qača*** (**қача**) – қоп, халта. Шундан олиниб, ***qaqača*** дейилади. Баъзан қисқартиб ***qača*** тарзида ҳам талаффуз қиладилар.

قُوجُو ***Qoču*** (**Қўчу**) – уйғур ўлкасининг оти.

جُوجُو ***Čuču*** (**Чучу**) – турк шоирларидан бирининг оти.

قِيجِي ***qïčï*** (**қичи**) – ҳардал.

ن ***n*** [ҳарфи]:

أُونُو ***onu*** (**ўну**) – "уни" англамида.

مُونُو ***munu*** (**муну**) – "буни" англамида. Маълум бир нарсага ишора учун ишлатилади.

سُونُو ***sunu*** (**суну**) – бир турли ўт.

قَانِي ***qanï*** (**қани**) – "қаерда?" маъносидаги сўз.

لِيُو ***liyu*** (**лийу**) – қуриганда қуруқ балчиққа айланадиган қум билан аралаш лой.

أُوهِي ***ühi*** (**уҳи**) – бойқуш. Кўпчилик турклар *kāf* билан ***üki*** шаклида талаффуз қиладилар.

## Ҳар хил ҳаракатлар билан қўлланувчи *fa'āl* қолипидаги сўзлар

ت ***t*** [ҳарфи]:

خِتَايْ ***Xïtay*** (**Хитай**) – Юқори *Sīn* нинг оти.

غ ***ğ*** [ҳарфи]:

تَغَايْ ***tağay*** (**тағай**) – амаки.

چِغَايْ ***čïğay*** (**чиғай**) – камбагал. (Билимли) шундай деган:

***Kөŋül kimiŋ bolsa qalï yoq čiğay,***
***Qïlsa küčün bolmas anï toq bay.***

Айтмоқдаки: Қалби қашшоқ бўлган кишини куч билан тўқ, бой қилиш мумкин эмас.

**Ҳар хил ҳаракатлар билан қўлланувчи *fa'lā* қолипидаги сўзлар**

ر *r* [ҳарфи]:

تُرْنَا ***turna*** **(турна)** – турна.

[قَرْوَى ***qarvï*** **(қарви)]** ***qarvï ya*** – ингичка ёй. Ингичка қошли кишига ***qarvï qašlïğ kiši*** дейиш ҳам шундан. Бу сўз арабчага мувофиқ келади. Чунки *qarva* араб тилида ҳар бир ёй каби эгилган нарсага нисбатан айтилади. Шоир шеърида шундай:

روبه يذكر بعير
قروا مرجاب فنق

**Ҳар хил ҳаракатлар билан қўлланган *fa'lāl* қолипидаги сўзлар**

ب *b* [ҳарфи]:

شَنْبُوَىْ ***šanbuy*** **(шанбуй)** – бир зиёфатдан сўнг кечаси ҳозирланган ичкилик зиёфати (канжакча).

بُخْتَايْ ***boxtay*** **(бўхтай)** – кийим бўғчаси. Бу сўзнинг ***boxtuy*** шакли ҳам бор.

لُخْتَايْ ***loxtay*** **(лўхтай)** – *Sïn* нинг бир турли қизил ипак кийимлиги, устида сариқ холлари бўлади.

چ *č* [ҳарфи]:

قُنْچُوَىْ ***qunčuy*** **(қунчуй)** – саййида [яъни, саййидлардан бўлган] аёл. У ***xatun*** дан бир даража қуйидир; ***qatun qunčuy*** дейиш шундан.

د *d* [ҳарфи]:

بُغْدَايْ ***buğday*** **(буғдай)** – буғдой. Мақолда (шундай келган): ***Buğday qatïnda sarwač suwalur.*** Маъноси: "Буғдой орқасидан қорамуғ ҳам сув ичади". Бу мақол бировга ҳамсуҳбат бўлиш натижасида яхшиликка эришган кишига айтилади. *Barsğan* ликлар ***buğday*** деб талаффуз қила олмайдилар, улар ***budğay*** дейдилар. "Барсғанлик эмасман" деган кишига шу сўзни айттириб синалади.

چِلْرَايْ ***čilrāy*** **(чилрай)** – отларнинг кўкрагига чиқадиган бир яра. Уни доғлаб тузатадилар.

سَمْدُوَىْ ***samduy*** **(самдуй)** – иссиқ, совуқликда ўртача бўлган, табъга ёқадиган таом номи.

قُرْدَايْ ***qorday*** **(қўрдай)** – бир турли қуш. (Шоир) шундай деган:

***Qorday quğu anda učup yumğïn ötär,***
***Quzğun yaŋan sayrap anïn üni bütär.***

Жой гўзаллигини таърифлаб айтмоқда: Бу ерда қордай қуғу ва бошқа қушлар сув атрофида ҳар хил ёқимли овозлар билан сайрашади, йирик қарғалар, чипор қушлар сайрайвериб, овозлари битиб қолади.

ش *š* [ҳарфи]:

قُمْشُوَىْ ***qomšuy*** **(қўмшуй)** – қон билан тўлган кана. Бу сўз масал тариқасида сийдиги тутилиб, сиёлмай қолган кишига нисбатан ҳам қўлланади.

غ *ğ* [ҳарфи]:

بُورْغُوَىْ ***borğuy*** **(бўрғуй)** – пуфлаб чалинадиган карнай.

چِرْغُوَىْ ***čirğuy*** **(чирғуй)** – ўқ темирининг қалин, шишган жойи.

جِرْغُوْ *čirğuy* (**чирғуй**) – тўннинг кўлтиғи остидан ўтказиладиган ўмров.

جَلْغَايْ *čalğay* (**чалғай**) – қуш қанотининг учлари.

قِرْقُوْ / قِرْقُوىْ *qirquy / qarquy* (**киркуй / каркуй**) – қирғий; *yu yu* деган қуш. Шунга ўхшагани учун *čepäk qirğuy / qarğuy* дейилади (ёв келганини билдириш учун).

قَرْغُوْ *qarğuy* (**қарғуй**) – тоғ чўққисига ёки баланд ерларга минорага ўхшатиб ясаб қўйиладиган жой. У ерда ўт ёқилиши билан ёвдан хабар берилади ва кишилар ўзларини ҳам, молларини ҳам қутқаришга ҳаракат қиладилар.

مِنْغُوْ *mïnğuy* (**минғуй**) – қоғоз ёпиштиришда фойдаланиладиган бир турли хамир. Яхши ёпишиши учун уни сув билан қайнатилиб, қуйилтирилади.

ق *q* [ҳарфи]:

[جُلْقُوْ *čolquy* (**чўлқуй**)] *čolquy etük* – тўпиғининг бир томони ёрилиб кетган этик. Қўли ногирон, чўлоқ кишини *čolquy elig* дейиш ҳам шундан.

## БЕШ ҲАРФЛИЛАР БЎЛИМИ

ج *č* [ҳарфи]:

تَرْغَچِى *tarïğčï* (**тариғчи**) – дон экувчи деҳқон.

سُرْغَچِى *soruğčï* (**сўруғчи**) – йўқолганни сўрокловчи.

قُرْغَچِى *qoruğčï* (**қўруғчи**) – қўриқчи; нарсани қўриқловчи.

قُرُنْچِى *qurunčï* (**қурунчи**) – чодирда, бошқа ерда тутундан қорайган намат ва бошқалар.

س *s* [ҳарфи]:

بُقْرْسِى *buqursï* (**буқурси**) – сопқон темири.

## Бу бўлимнинг олти ҳарфлилари

غ *ğ* [ҳарфи]:

جَنْجُرْغا *čančurğa* (**чанчурға**) – чумчуқ.

ج *č* [ҳарфи]:

سُكْلُنْجُو *söglünčü* (**сўглунчу**) – қовурма.

قَمْلَنْجُو *Qamlanču* (**Қамланчу**) – *Ikki ögüz* дарёси яқинидаги кичик шаҳарчанинг оти.

كِزْلَنْجُو *kizlänčü* (**кизланчу**) – яширин. Мақолда (шундай келган): ***Kizlänčü kelindä.*** Маъноси: “Яширин нарса келинда бўлади, чунки у яхши нарсани эри учун яшириб қўяди”.

كَسْلِنْجُو *keslinčü* (**кеслинчу**) – боши кичик, думи узун бир махлуқ.

### *fa’ūlulī* қолипидаги сўзлар

ر *r* [ҳарфи]:

حُقْبَرِى *hoqubarï (čoqubarï?)* (**чўқубари**?) – маъдан моддалари эритиладиган гилвата идиш.

غ *ğ* [ҳарфи]:

قَرَاغُنِى *qarağunï* (**қарағуни**) – болалар кечаси ўйнайдиган бир турли ўйиннинг оти.

### *fa’lalāl* қолипидаги сўзлар

ت *t* [ҳарфи]:

تُرُمتَای ***turumtay*** (**турумтай**) – йиртқич қушлардан бирининг оти. Яхши овчидир. Баъзан кишига ҳам ***Turumtay*** деб айтилади ва унга шундай лақаб берилади.

Тўрт ҳарфли исмлар китоби тугади.

بسم الله الرحمن الرحيم

**[(Сўзимни) раҳмдил ва мехрибон Оллоҳнинг номи билан (бошлайман)]**

## БУ *davāti-l-arba'a* СЎЗЛАР[76]НИНГ ФЕЪЛЛАР КИТОБИДИР

### ИККИ ҲАРФЛИЛАР

ت ***t*** [ҳарфи]:

[تَيْدِى ***taydï*** **(тайди)** – тойди] ***er taydï*** – киши тойди. Ҳар қандай ҳайвоннинг оёғи ёмғир ёки ботқоқда тойишига ҳам шу сўз қўлланади (***tayar, taymaq***).

[تُيْدِى ***tuydï*** **(туйди)**] ***er išïn tuydï*** – киши ишида ўзига номаълум [яширин бўлган] бир нарсани сезди (***tuyar, tuymaq***).

[تِيْدِى ***tïydï*** **(тийди)** – тийди] ***ol anï tïydï*** – у уни тийди, бирор ишдан қайтарди. Бу сўзнинг асли ***tïδtï*** бўлган, кейинчалик енгиллатилган (***tïyar, tïymaq***).

[تُيْدِى ***toydï*** **(тўйди)** – тўйди] ***qarïn toydï*** – қорин тўйди. Бу сўзнинг асли ***δāl*** билан ***toδtï*** бўлган, юқорида айтганимиздек, ***δāl*** ни ***yā*** тарзида қўлловчиларнинг тил хусусиятига мувофиқ ҳарфлар алмаштирилган (***toyar, toymaq***).

س ***s*** [ҳарфи]:

[سُيْدِى ***soydï*** **(сўйди)**] ***er qonuğ / qoyuğ soydï*** – киши қўйнинг ва бошқа ҳайвонларнинг терисини шилди (***soyar, soymaq***). Мақолда (шундай келган): ***Bir tilkü terisin ikilä soymas.*** Маъноси: "Бир тулки териси икки марталаб шилинмайди". Бу мақол одамдан бир марта яхшилик кўриб, иккинчи марта ҳам яхшилик истаган киши ҳақида айтилади.

ق ***q*** [ҳарфи]:

[قَيْدِى ***qaydï*** **(қайди)**] ***qadašïŋä qaydï*** – қардошига ва бошқаларга бўлишди. Мақолда (шундай келган): ***Qaδaš temiš qaymaduq, qaδïn temiš qaymïš.*** – "Биродари" ва "яқини" деган эди, кимса унга илтифот этмади, "қайната" деган эди, у унга илтифот қилди". Бу мақол қайинларни ҳурматлашга риоя қилиши керак бўлган кишига қарата айтилади.

(Шоир) шундай деган:

***Bardïŋ nelüg aymadïŋ,***
***Kirü körüp qaymadïŋ.***
***Köŋül berü yaymadïŋ,***
***Bolduŋ erinč bolmağu.***

Айтмоқдаки: Кетдинг, аммо кетишингни нега айтмадинг, нега бўлишмадинг, орқангдагиларда эътибор бермадинг, нега кўнглинг бизга мойил бўлмайди. Энди ўзингга нолойиқ шундай бир ҳолга тушдинг.

[قَيْدِى ***qaydï*** **(қайди)**] ***kerü qaydï*** – орқасига қаради (***qayar, qaymaq***).

[قُيْدِى ***quydï*** **(қуйди)**] ***er kübkä suw quydï*** – киши кубга сув қуйди ва сувни унда чайқатди. Бошқа ҳар қандай суюқ нарсага ҳам шу сўз қўлланади (***quyar, quymaq***).

[قُيْدِى ***qoydï*** **(қўйди)**] ***at qoydï*** – от ва бошқалар ҳуркди (***qoyar, qoymaq***).

[قِيْدِى ***qïydï*** **(қийди)**] ***er sözin qïydï*** – киши сўзидан, ваъдасидан айниди, қайтди.

[قِيْدِى ***qïydï*** **(қийди)** – кесди] ***yïğač qïydï*** – у ёғочни қайириб кесди (***qïyar, qïymaq***).

ك ***k*** [ҳарфи]:

---

[76] Яъни *alif, vāv, yā* ҳарфлари қисқа унли сифатида ёки [*v*], [*y*] деб ўқиладиган сўзлар.

[كُيْدِى ***küydi*** **(куйди)** – ёнди, куйди] ***otuŋ küydi*** – ўтин ва бошқа нарсалар ёнди (***küyär***, ***küymäk***).

**Бу бўлимнинг бошқа бир тури**

[يَيْدِى ***yaydï*** **(йайди)**] ***ol suwda tonuğ yaydï*** – у кийимини сувда чайди.

[يَيْدِى ***yaydï*** **(йайди)**] ***ol meniŋ köŋül yaydï*** – у менинг кўнглимни ва бошқаларни ёзди.

[يَيْدِى ***yaydï*** **(йайди)** – қимирлатди] ***yel yïğačïğ yaydï*** – шамол дарахтни қимирлатди (***yayar***, ***yaymaq***).

**Бу бўлимнинг бошқа бир тури**

[بَادِى ***badï*** **(бади)** – боғлади] ***ol atïğ badï*** – у от ва бошқаларни боғлади. Ҳар бир нарсанинг ип, арқон билан боғланишига ҳам шу сўз қўлланади (***bar***, ***bamaq***).

[تُوْدِى ***tudï*** **(туди)** – юмди] ***ol ağzïn tudï*** – у оғзини юмди. Ҳар қандай ўйиқнинг бекитилишига ҳам шу сўз қўлланади (***tur***, ***tumaq***).

[تِيْدِى ***tedi*** **(теди)**] ***ol meŋä andağ tedi*** – у менга шундай деди (***ter***, ***temäk***).

[سَادِى ***sadï*** **(сади)** – санади] ***er qonuğ / qoyuğ sadï*** – киши қўйни ва бошқа нарсаларни санади (***sar***, ***samaq***). (Шоир) шундай деган:

***Qara tünüg kečürsädim,***
***Ağïr unï učursadïm.***
***Yetikänig qačursadïm,***
***Saqïš ičrä künüm tuğdï.***

Айтмоқдаки: Қоронғи кечанинг ўтишини истадим. Оғир уйқуни қочиришни истадим, бир неча марта Етти қароқчи юлдузининг айланишини санадим. Санамоқда эдим, кундуз қуёши порлаб чиқди.

[سُوْدِى ***sudï*** **(суди)**] ***ol aŋar boyun sudï*** – у унга бўйин сунди, итоат этди.

[سُوْدِى ***sudï*** **(суди)**] ***ol meŋä yuŋ sudï*** – у менга тўқиш учун юнг юборди (***sur***, ***sumaq***).

[سِيْدِى ***sïdï*** **(сиди)** – синдирди] ***ol otuŋ sïdï*** – у ўтин ва бошқа нарсаларни синдирди

[سِيْدِى ***sïdï*** **(сиди)** – енгди; синдирди] ***ol süni sïdï*** – у аскарни енгди (***sïr***, ***sïmaq***).

ق ***q*** [ҳарфи]:

[قَادِى ***qadï*** **(қади)**] ***ol ešičkä otuŋ qadï*** – у қозон атрофига ўтин уйди.

[قَادِى ***qadï*** **(қади)**] ***ol tonuğ qadï*** – у тўнни сандиққа тахлади (***qar***, ***qamaq***). Бу яғмалар сўзидир. Тўғрироғи ***qaladï*** дир.

**Бу бўлимнинг бошқа бир тури**

[يُوْدِى ***yudï*** **(йуди)** – ювди] ***ol ton yudï*** – у кийим ва бошқа нарсаларни ювди (***yur***, ***yumaq***).

[يِيْدِى ***yedi*** **(йеди)** – еди] ***ol aš yedi*** – у ош ва бошқа нарсаларни еди. Ябақу қабиласи тилида ***beg kišini yedi*** дейдилар; “бек киши молини нес-нобуд қилди”, демакдир (***yer***, ***yemäk***). Бу феъл турини биз “тўрт ҳарфли” деб атадик. Чунки биринчи шахсни ифодаловчи сўз тўрт ҳарфлидир: ***at badïm*** – отни боғладим; ***qoy sadïm*** – қўйни санадим дегандаги каби. Бу ҳол арабчада ҳам دعوت وغدوت каби. Арабчада тўрт ҳарфлидир. Булар орасидаги ўхшашликка мувофиқ шундай аталди.

***fa'aldï* қолипида ўртаси уч хил ҳаракат билан қўлланувчи сўзлар бўлими**

ب ***b*** [ҳарфи]:

[اَبِيدِى ***abïdï*** (**абиди**) – яширди] ***ol anï kišidän abïdï*** – у уни кишилардан яширди. Ҳар қандай нарсани бировдан яширишга ҳам бу сўз қўлланади (***abïr, abïmaq***).

ت ***t*** [ҳарфи]:

[اَتَادِى ***atadï*** (**атади**)] ***ol aŋar at atadï*** – у унга бир унвон берди. От қўйиб аташга ҳам шу сўз қўлланади (***atar, atamaq***).

[اَتَادِى ***otadï*** (**ўтади**)] ***ol tarïğ otadï*** – у экинни ўтади. Бу экиннинг бузилмаслиги учун япроқларини кесишдир. Баъзан бошлари (учлари) кесилган экинга ҳам бу сўзни қўллайдилар (***otar, otamaq***).

[اَتَادِى ***ötädi*** (**ўтади**)] ***ol anïŋ alïmïn ötädi*** – у унинг қарзини тўлади (***ötär, ötämäk***). (Билимли) шундай деган:

***Bolsa kimiŋ altun-künüš erlä etär,***
***Anda bulup Täŋrigärü tapğïn ötär.***

Айтмоқдаки: Кимнинг олтин, кумуши бўлса, уй-жой қуради. Жойидан хотиржам бўлгач, у ерда Тангрига ибодат қилади.

[اَتِيدِى ***ütidi*** (**утиди**) – дазмол қилди] ***ol tonuğ ütidi*** – у кийим чокларини темир (дазмол) билан силлиқлади (***ütir, ütimäk***).

[اَتَادِى ***otadï*** (**ўтади**)] ***ol otuŋ otadï*** – у ўтга исинди, ўтин ёқди. Бу нозик бир сўз бўлиб, яғмо ва ямаклар сўзидир.

[اَتَادِى ***otadï*** (**ўтади**) – даво қилди] ***emči aŋar ot otadï*** – табиб уни дори билан даволади (***otar, otamaq***) (ўғузча).

ج ***č*** [ҳарфи]:

[اَچِيدِى ***ačïdï*** (**ачиди**) – ачиди] ***sirkä ačïdï*** – сирка ачиди, нордон бўлиб қолди. Яранинг оғриб ачишига ҳам шу сўз қўлланади (***ačïr, ačïmaq***).

ر ***r*** [ҳарфи]:

[اَرِيدِى ***arïdï*** (**ариди**)] ***arïdï näŋ*** – нарса тозаланди (***arïr, arïmaq***).

[اَرُودِى ***erüdi*** (**эруди**) – эриди] ***yağ erüdi*** – ёғ ва бошқа нарсалар эриди (***erür, erümäk***).

[اِرِيدِى / اِرِيدِى ***iridi / irüdi*** (**ириди / ируди**)] ***yïğač iridi / irüdi*** – ёғоч ва бошқа нарсалар узоқ замон ўтиши натижасида чиради. Суяк чиришига ҳам шу сўз қўлланади (***irir / irür, irimäk / irümäk***).

ز ***z*** [ҳарфи]:

[اَزِيدِى ***azïdï*** (**азиди**) – терлади] ***küb azïdï*** – куб терлади (кубдаги нарса сизди, куб терлади). Ҳар хил сопол идишдан сизган ҳар қандай нарсага ҳам шу сўз қўлланади.

[اَزِيدِى ***azïdï*** (**азиди**)] ***qulaq azïdï*** – шовқин-сурондан қулоқ кар бўлаёзди (***azïr, azïmaq***).

س ***s*** [ҳарфи]:

[اِسِيدِى ***isidi*** (**исиди**) – исиди] ***mün isidi*** – шўрва ва бошқа нарсалар исиди.

[اِسِيدِى ***isidi*** (**исиди**)] ***temür isidi*** – темир ва бошқа нарсалар қизиди (***isir, isimäk***).

[اَشَادِى ***ašadï*** (**ашади**)] ***er aš ašadï*** – киши ош еди. Хоқонийлар бу сўзни фақат катталарга хослаб қўллайдилар. Бошқа турклар фарқсиз ҳар кимга ҳам қўллайверадилар. Буларники қоидага мувофиқдир (***ašar, ašamaq***).

[اُشَادِى ***üšädi*** (**ушади**)] ***ol yerig üšädi*** – у бир нарсани ахтариб, ер ва бошқа нарсаларни қидирди (***üšär, üšämäk***).

[اَشُودی ***ešüdi*** (**эшуди**)] ***ol aŋar yoğurqan ešüdi*** – у унга ёпинчиқ ёпди. Ҳар қандай нарсанинг устига бир нарса ёпилиб бекитилишига ҳам шу сўз қўлланади (***ešür***, ***ešümäk***).

[اَشِیدی ***üšidi*** (**ушиди**) – ушиди, жунжикди] ***er üšidi*** – киши совуқдан ушиди, жунжикди (***üšir***, ***üšimäk***).

ق ***q*** [ҳарфи]:

[اَقِیدی ***oqïdï*** (**ўқиди**) – чақирди] ***ol meni oqïdï*** – у мени чақирди.

[اَقِیدی ***oqïdï*** (**ўқиди**) – ўқиди] ***er bitig oqïdï*** – киши китоб ўқиди (***oqïr***, ***oqïmaq***).

[اَقِیدی ***uqïdï*** (**ўқиди**) – кусди] ***er uqïdï*** – киши кусди. Бу жарангсиз *kāf* дир[77] (***uqïr***, ***uqïmaq***).

ک ***g*** [ҳарфи]:

[اَکِیدی ***ügidi***] ***er buğday ügidi*** – киши тегирмонда буғдой ва бошқа нарсаларни тортди (***ügir***, ***ügimäk***).

[اِگَادی ***egädi*** (**эгади**)] ***ol pičäk egädi*** – у пичоқ ва бошқа нарсаларни эговлади.

[اِگَادی ***igädi*** (**игади**) – ғижирлатди] ***buğra tïšïn igädi*** – эркак туя тишини ғижирлатди (***igär***, ***igämäk***).

[اِگَادی ***igädi*** (**игади**)] ***ol aŋar igädi*** – у унга ўжарлик қилди, ҳаддан ортиқ такаббурлик қилди (***igär***, ***igämäk***).

ل ***l*** [ҳарфи]:

[اَلَادی ***ülädi*** (**улади**) – улашди] ***ol yarmaq ülädi*** – у танга (пул) ва бошқа нарсаларни улашди (***ülär***, ***ülämäk***).

[اَلَادی ***uladï*** (**улади**) – улади, бир-бирига боглади] ***ol yïp uladï*** – у ип ва бошқа нарсаларни улади.

[اَلَادی ***uladï*** (**улади**)] ***ol yağuq uladï*** – у яқинларига, юртига етишди (***ular***, ***ulamaq***).

[اَلِیدی ***ulïdï*** (**улиди**)] ***böri ulïdï*** – бўри улиди. Кечаси итнинг улишига ҳам шу сўз қўлланади. Киши қаттиқ аламдан бўрига ўхшаб увлашига ҳам шу сўз қўлланади (***ulïr***, ***ulïmaq***). Мақолда (шундай келган): ***Yaẓïda böri ulïsa, ewdä ït bağrï tartïšur.*** Маъноси: "Даштда бўри улиса, унга ачиниб, уйдаги итнинг бағри ўртанади". Бу мақол яқинларнинг бир-бирларига ёрдам қилишларига ундаб айтилади.

[اَلِیدی ***ölidï*** (**ўлиди**) – хўл бўлди] ***ton ölidi*** – кийим ва бошқа нарсалар хўл бўлди (***ölir***, ***ölimäk***). Мақолда (шундай келган): ***Keδüglüg ölimäs, küwäčlig kürimäs.*** Маъноси: "Ёпинчиқли киши ёмғирдан ивимай, у билан сақланиб қолади, шунингдек, юган қантарилган бўлса, от қашинолмайди, саркашлик қила олмайди". Бу мақол ишда ҳозирлик кўришга ундаб айтилади.

ن ***n*** [ҳарфи]:

[اَنُودی ***anudï*** (**ануди**)] ***anudï näŋ*** – нарса тайёрланди. Бу феъл ўзлик феълдир. Агар арабча гапиришга тўғри келса, انعد дейиши мумкин эди. Лекин бунинг арабчаси қўлланмайди (***anur***, ***anumaq***).

[اَنَادی ***unadï*** (**унади**) – унади] ***ol bu išïğ unadï*** – у бу ишга унади; ***sen unadïŋmu?*** – сен рози бўлдингми? (***unar***, ***unamaq***).

[اِنَادی ***enädi*** (**энади**)] ***ol qoyïn enädi*** – таниқли бўлсин деб, у қўй қулоғининг бир қисмини кесди, қулоғига эн солди (***enär***, ***enämäk***).

ت ***t*** [ҳарфи]:

[سَپِیدی ***sapïdï*** (**сапиди**)] ***at qudruqï sapïdï*** – от ва бошқа ҳайвонларнинг думи қимирлади (***sapïr***, ***sapïmaq***).

[سُبِیدی ***sobïdï*** (**сўбиди**)] ***sobïdï näŋ*** – нарса узайди, учлари ингичкаланди (***sobïr***, ***sobïmaq***).

---

[77] Бу изоҳ, афтидан, кейинги мисолларга берилган кўринади.

[كِپِدِی ***kepidi*** (**кепиди**)] ***ton kepidi*** – тўннинг уст тарафи нам ва бошқа нарсалардан бироз куриди (***kepir***, ***kepimäk***).

[كُپِدِی ***köpidi*** (**кўпиди**)] ***ol ton köpidi*** – у тўнни зичлаб тиктирди (***köpir***, ***köpimäk***).

ت ***t*** [ҳарфи]:

[تَتِدِی ***tatïdï*** (**татиди**)] ***aš ağïzda tatïdï*** – ош оғизда тотли кўринди, татиди (***tatïr***, ***tatïmaq***). Мақолда (шундай келган): ***Kiši eti tiriglä tatïr.*** Маъноси: "Киши этининг ширинлиги фақат соғлиғида татийди". Яъни: киши соғлиғидагина ишлаб мол топади, ширин таомлар қилиб, ундан лаззатланади, демакдир.

ج ***č*** [ҳарфи]:

[سُچِدِی ***sučidi*** (**сучиди**)] ***sučidi näŋ*** – нарса чучиди (***sučïr***, ***sučimäk***).

[سُچِدِی ***sučïdï*** (**сучиди**) – сакради] ***at sučïdï*** – от ва бошқа нарсалар сакради (***sučïr***, ***sučïmaq***).

[كُچَادِی ***küčädi*** (**кучади**)] ***ol aniŋ tawarïn küčädi*** – у унинг молини куч билан тортиб олди (***küčär***, ***küčämäk***). Яна: ***oglaniğ küčädi*** – қул ёки жорияга ёмонлик қилди, зулм ўтказди. (Шоир) шундай деган:

***Üδik meni küčäyür,***
***Tün-kün turup yïğlayu.***
***Kördi közüm tawraqïn,***
***Yurtï qalïp ağlayu.***

Айтмоқдаки: Севги менга азоб бераётир, кеча-кундуз йиғлайман; кўзларим унинг йироқлашганини кўрди, кетида юрти [яъни уй-жойи] йиглаб қолди.

[كِچِدِی ***kičidi*** (**кичиди**) – қичиди] ***etim kičidi*** – баданим қичиди. Ҳар бир ҳайвон этининг қичишига ҳам шу сўз қўлланади (***kičir***, ***kičimäk***).

د ***d*** [ҳарфи]:

[بَدُودِی ***bedüdi*** (**бедуди**) – улгайди] ***oglan bedüdi*** – бола ва бошқалар катта бўлди, улғайди. Ҳар қандай нарсанинг катта бўлишига, улғайишига ҳам шу сўз қўлланади (***bedür***, ***bedümäk***).

[بُدِیدِی ***büδidi*** (**будиди**)] ***qïz büδidi*** – жория ва бошқалар ўйнади (***büδir***, ***büδimäk***).

Мақолда (шундай келган): ***Qurtğa büδig bilmäs, yerim tar ter.*** Маъноси: "Кампирнинг ўзи ўйин билмайди-ю, ерим тор, дейди". Бу мақол ҳар ишда билағонлик қилиб мақтанадиган, иш қилиш сўралганда, бажармай, ҳар хил баҳоналар кўрсатадиган кишига қарата айтилади.

ذ ***δ*** [ҳарфи]:

[اُذِیدِی ***uδïdï*** (**удиди**) – ухлади] ***er uδïdï*** – киши ва бошқалар ухлади (***uδïr***, ***uδïmaq***).

[بُذُودِی ***boδudï*** (**бўдуди**) – бўяди] ***ol tonuğ boδudï*** – у кийим ва бошқа нарсаларни бўяди.

[بُذُودِی ***boδudï*** (**бўдуди**)] ***ol oqïn urdï, keyikni yïğačqa boδudï*** – у ўқ билан урди, кийикни ёғоч ва бошқа нарсаларга илиб олиб кетди (***boδur***, ***boδumaq***).

[قَذُودِی ***qaδudi*** (**қадуди**)] ***ol tonuğ qaδudï*** – у кийимни сийраклаб тикди (***qaδur***, ***qaδumaq***).

[يِذِیدِی ***yïδïdï*** (**йидиди**)] ***yïδïdï näŋ*** – нарса ҳидланди. Бу асоссиз сўздир.

ر ***r*** [ҳарфи]:

[تَرَادِی ***taradï*** (**таради**) – таради] ***qïz sačïn taradï*** – қиз сочини таради.

[تَرَادِی ***taradï*** (**таради**)] ***aniŋ süsin taradï*** – унинг аскари тарқатилди. Бу сўзнинг асли ***tardï***, яъни "нарсани ажратди"дир.

Кўрасанки, улар келаси замон феълида бирлашади. "Айирди" маъносидаги ***tardï*** феълининг келаси замон шакли ҳам ***tarar***, ***taradï*** нинг келаси замон шакли ҳам ***tarar*** бўлади. Лекин бу қоида ҳамма феъллар учун умумий эмас. Икки ҳарфли, уч ҳарфли феълларда келаси замон шакллари бир хил бўлиб, ўтган замон шаклида фарқли қўлланади. Чунончи, ***er art ašdï***

– эр дарадан ўтди гапида ва ***ol aš ašadï*** (у ош еди) гапида ўтган замон шакли икки хил бўлган. ***ašdï*** ва ***ašadï*** феълларининг келаси замон шакли бир хил ***ašar*** дир. Яна: ***ol suwqa qandï*** (у сувга қонди) гапидаги ***qandï*** феълининг келаси замон шакли ***qanar*** тарзида келса, "у отидан қон олди" ***ol atïn qanadï*** гапидаги ўтган замон феъли ***qanadï*** нинг келаси замон феъли ҳам олдинги феълга ўхшаш ***qanar*** шаклида – бир хил шаклда қўлланади. Олдингисининг масдар шакли ***qanmaq*** шаклида келса, иккинчисининг масдари ***qanmamaq*** дир. Бошқача айтганда, бу феълларнинг келаси замон шакллари бир хил, ўтган замон ва масдар шакллари фарқлидир.

[تَرُودِی ***tarudï*** (**таруди**) – торайди] ***ew tarudï*** – уй, кўкрак ва бошқа нарсалар торайди; ***er pušdï tarudï*** – киши безор бўлиб сиқилди, торикди (***tarur***, ***tarumaq***).

[تُرُودِی ***törüdi*** (**тўрудн**) – яратилди] ***yalïŋuq törüdi*** – инсон яратилди, тўради. Бу феъл ўтимсиздир (***törür***, ***törümäk***).

[تَرِیدِی ***tarïdï*** (**тариди**) – экди] ***ol tarïğ tarïdï*** – у экин ва бошқа нарсаларни экди (***tarïr***, ***tarïmaq***).

[تِرَادِی ***tirädi*** (**тиради**) – тиргович қўйди, тиради] ***ol qapuğ tirädi*** – у эшикка тиргович қўйди. Ҳар қандай нарсага тиргович қўйишга ҳам шу сўз қўлланади (***tirär***, ***tirämäk***).

[سِرِیدِی ***sïrïdï*** (**сириди**)] ***ït sïrïdï*** – ит сийди.

[سِرِیدِی ***sïrïdï*** (**сириди**)] ***ol kiðiz sïrïdï*** – у наматни туркманлар чодирининг устки ёпиғидек ёки кўчиш кунидаги ўровлари каби зич қилиб, пишиқлаб тикди (***sïrïr***, ***sïrïmaq***).

[سَرُودِی ***sarudï*** (**саруди**) – ўради] ***ol suluq sarudï*** – у салла ўради. Ҳар қандай нарсанинг устига бирор нарса ўралишига ҳам шу сўз қўлланади ([***sarur***], ***sarumaq***).

[قَرِیدِی ***qarïdï*** (**қариди**) – қариди] ***er qarïdï*** – киши ва бошқалар қариди (***qarïr***, ***qarïmaq***). Мақолда (шундай келган): ***Arslan qarïsa, sïčğan ötin köðäzür.*** Маъноси: "Арслон қариса, сичқон инини пойлайди". Бу мақол катта ишлар қилишга кучи етмай қолган, кичик ишларга рози бўлган қарияларга карата ишлатилади.

[قُرِیدِی ***qurïdï*** (**куриди**)] ***qurïdï ton*** – кийим ва бошқа нарсалар куриди (***qurïr***, ***qurïmaq***).

[قُرِیدِی ***qorïdï*** (**қўриди**) – қўриқлади] ***otïğ qorïdï*** – у кўк ўтни қўриқлади, қўриди (***qorïr***, ***qorïmaq***).

[کُرَادِی ***kürädi*** (**кураді**)] ***qul kürädi*** – қул ва бошқалар қўрқиб қочди (***kürär***, ***kürämäk***).

[کُرِیدِی ***küridi*** (**куриди**)] ***at küridi*** – от олдинги оёқлари билан ерни ўйди.

[کُرِیدِی ***küridi*** (**куриди**) – кураді] ***ol qarïğ küridi*** – у қорни кураді (***kürir***, ***kürimäk***).

ز ***z*** [харфи]:

[بَزَادِی ***bezädi*** (**безади**)] ***ol ewin bezädi*** – у уйини ва бошқа жойларни безади, бўяди (***bezär***, ***bezämäk***).

[تُزَادِی ***tuzadï*** (**тузади**) – тузлади] ***ol et tuzadï*** – у гўшт тузлади; ***tuzadï*** сўзи ***tuzladï*** ўрнида қўлланади.

[قَزِیدِی ***qazïdï*** (**қазиди**) – қазиди] ***ol yerig qazïdï*** – у ерни қазиди. Яра ва бошқа шунинг кабиларни кавлашга ҳам шу сўз қўлланади (***qazïr***, ***qazïmaq***).

[قُرِیدِی ***qurïdï*** (**куриди**)] ***anïŋ boğzï ašqa qurïdï*** – унинг томоғи ошга (етолмай) куриди. Қўлланиладиган шакл шудир. Лекин тўғрироги қоидага мувофиғи нуқтасиз, яъни ***rā*** билан қўллашдир. Бундай қўллаш ***süt emüzdi*** гапидаги ***emüzdi*** кабидир (***qurïr***, ***qurïmaq***).

[قِزُودِی ***qïzudï*** (**кизуди**)] ***tawar qïzudï*** – молнинг баҳоси кўтарилди, қимматлашди (***qïzur***, ***qïzumaq***).

[قِزَادِی ***qïzadï*** (**кизади**)] ***ol qïziğ qïzadï*** – у қизнинг қизлигини олди (***qïzar***, ***qïzamaq***).

[کَزَادِی ***közädi*** (**кўзади**)] ***ol ot közädi*** – у оловни косов билан жўнаштирди, ковлади (***közär***, ***közämäk***).

[ڭَزَادِی ***közädi*** (**кўзади**)] ***ol üzümni közädi*** – у узум бошидан ғужумларини айириб олди.

[ڭَزَادِی ***küzädi*** (**кузади**) – куз бўйи қолди, кузни ўтказди] ***ol yaylağda küzädi*** – у мол боқиладиган жойда (яйловда) куз бўйи қолди (***küzär***, ***küzämäk***).

س ***s*** [ҳарфи]:

[سَسِدِی ***sasïdï*** (**сасиди**) – сасиди] ***sasïdï näŋ*** – нарса сасиди (***sasïr***, ***sasïmaq***).

[كُسَادِی ***küsädi*** (**кусади**) – истади, кусади] ***ol anï körmäkin küsädi*** – у уни кўрмакни, унга йўлиқмоқни истади, кусади. Ҳар қандай нарсани кўришни исташга ҳам шу сўз қўлланилади (***küsär***, ***küsämäk***).

ش ***š*** [ҳарфи]:

[بَشَادِی ***bašadï*** (**башади**)] ***ol yïğačïğ bašadï*** – у ёғочни кесиб, белгилар қилди. Бошқа нарсаларга белгилар қилса ҳам шундай. Ёғочларни бир-бирига суяб, тираб қўйишга ҳам шу сўз қўлланади (***bašar***, ***bašamaq***).

[بُشُودِی ***bošudï*** (**бўшуди**)] ***anïŋ özi bošudï*** – унинг ичи бўшалди, равонлашди.

[بُشُودِی ***bošudï*** (**бўшуди**)] ***tügün bošudï*** – тугун бўшаброқ қолди, бўшади.

[بُشُودِی ***bošudï*** (**бўшуди**) – ечилди] ***at bošudï*** – от боғловидан ечилди, бўшалди.

[بُشُودِی ***bošudï*** (**бўшуди**) – рухсат берди] ***xan yalavačïğ bošudï*** – хон мамлакатига қайтиш учун элчига рухсат берди.

[بُشُودِی ***bošudï*** (**бўшуди**)] ***er urağutïn bošudï*** – эр хотинини талоқ қилди, ажрашди (арғуча). Бу феъл ҳам ўтимли, ҳам ўтимсиздир (***bošur***, ***bošumaq***).

[تَشُودِی ***tašudï*** (**ташуди**) – ташиди] ***ol ewkä yarmaq tašudï*** – у уйига танга (пул) ва бошқа нарсаларни ташиди (***tašur***, ***tašumaq***).

[تُشَادِی ***tüšädi*** (**тушади**)] ***ol tüš tüšädi*** – у туш кўрди. Уйқуда иҳтилом бўлишга ҳам шу сўз қўлланилади (***tüšär***, ***tüšämäk***).

[تُشَادِی ***tošädi*** (**тўшади**) – тўшади] ***tošäk tošädi*** – тўшак ва бошқа нарсаларни ёзди, тўшади.

[تِشَادِی ***tišädi*** (**тишади**) – қайради] ***tegirmän tišädi*** – тегирмон тошини қайраб, ўткир қилди.

Бу гапда *muḍāf* туширилиб, ўрнига *muḍāfi ilayh* қўйилгандир. Чунки ***tegirmän*** ҳамма тегирмоннинг номидир. Тегирмон чархланмайди, балки унинг тоши чархланади. Бу гапда ана шу "тош" сўзи туширилган.

[تِشَادِی ***tišädi*** (**тишади**)] ***ol orğaq tišädi*** – у ўроқни ўткирлади (***tišär***, ***tišämäk***).

[چِشَادِی ***čišädi*** (**чишади**)] ***oğlan čišädi*** – бола чуш қилди, булғатди. Бу сўз ёш болаларгагина қўлланади.

[سِشُودِی ***sešüdi*** (**сешуди**)] ***tügün sešüdi*** – тугун бўшади, ҳаттоки, ечилаёзди (***sešür***, ***sešümäk***).

[قَشِیدِی ***qašïdï*** (**қашиди**) – қашиди] ***ol meni qašïdï*** – у менинг баданимни қашиди (***qašïr***, ***qašïmaq***). Мақолда (шундай келган): ***Öldäči sïčğan müš tašaqïn qašïr.*** Маъноси: "Сичқоннинг ўлими яқинлашса, мушукнинг ташоғини қашийди". Бу мақол маънисиз ишга уринган киши ҳақида айтилади.

[كُشِیدِی ***köšidi*** (**кўшиди**)] ***tam künüg köšidi*** – девор кунни тўсди. Ёруғликнинг беркитилишига ҳам шу сўз қўлланади (***köšir***, ***köšimäk***).

[كِشَادِی ***kišädi*** (**кишади**)] ***ol atïğ kišädi*** – у отни боғлади, кишанлади.

[كِشَادِی ***kišädi*** (**кишади**) – боғлади] ***er qulïn kišädi*** – киши қулини боғлаб қўйди, кишанлади (***kišär***, ***kišämäk***).

غ ***ğ*** [ҳарфи]:

[سُغِیدِی ***soğïdï*** (**сўғиди**) – совиди] ***suw soğïdï*** – сув ва бошқа нарсалар совиди (***soğïr***, ***soğïmaq***).

ق ***q*** [ҳарфи]:

[تُقِيدِى ***toqïdï*** (**тўқиди**) – тақиллатди] ***ol qapuğ toqïdï*** – у эшикни тақиллатди.

[تُقِيدِى ***toqïdï*** (**тўқиди**) – урди] ***ol qulïn toqïdï*** – у қулини урди (ўғузча). Бошқа турклар "урди" маъносида ***urdï-toqïdï*** шаклида жуфт қўллайдилар.

[تُقِيدِى ***toqïdï*** (**тўқиди**) – ясади] ***temürči qïlïč toqïdï*** – темирчи қилич, пичоқ ва бошқа нарсаларни ясади.

[تُقِيدِى ***toqïdï*** (**тўқиди**) – тўқиди] ***er böz toqïdï*** – киши бўз ва бошқа нарсаларни тўқиди.

[تُقِيدِى ***toqïdï*** (**тўқиди**) – чўктирди] ***anï suw toqïdï*** – уни оқар сув чўктирди.

[تُقِيدِى ***toqïdï*** (**тўқиди**)] ***erni yel toqïdï*** – кишига ел тегди, тўқинди (***toqïr, toqïmaq***).

[سَقِيدِى ***saqïdï*** (**сақиди**)] ***ol meniŋ közümä saqïdï*** – у менинг кўзимда шундай хаёлланди.

[سَقِيدِى ***saqïdï*** (**сақиди**)] ***saqïğ saqïdï*** – кўкат сувдек кўринди. У кўкатни сув деб ҳаёл қилди (***saqïr, saqïmaq***).

[سُقِيدِى ***soqïdï*** (**сўқиди**) – қитиқлади] ***ol anï soqïdï*** – у уни бармоғи билан қитиқлади (***soqïr, soqïmaq***).

[سِقَادِى ***sïqadï*** (**сиқади**) – силади] ***ol anïŋ baš'ïn sïqadï*** – у унга ачиниб, раҳм қилиб, қўли билан бошини силади. Ҳар қандай нарса устига қўл югуртиб сийпалашга ҳам шу сўз қўлланади (***sïqar, sïqamaq***).

[قَقِدِى ***qaqïdï*** (**қақиди**)] ***ol andïn qaqïdï*** – у ундан аччиқланди, қилган ишидан хафа бўлди (***qaqïr, qaqïmaq***). Бу сўз арғулар тилида ***qaqïyur*** шаклида қўлланади. Арғулар бу бобдаги ҳамма келаси замон феълларини ҳам, зарурат бўлмаса-да, ўтру қилиб сўзлайдилар. Бу қоидага мувофиқ эмас. Бу хусусият мазкур тилдаги нуқсон ҳисобланади.

ك ***k*** [ҳарфи]:

[بَكُودِى ***bekïdi*** (**бекуди**)] ***tügün bekïdi*** – тугун мустаҳкамланди. Бирор нарсанинг бекилиши, мустаҳкамланишига ҳам шу сўз қўлланади (***bekür, bekümäk***).

[تُكَادِى ***tügädi*** (**тугади**) – тугади] ***iš tügädi*** – иш қолмади, тугади.

[تُكَادِى ***tügädi*** (**тугади**) – етди] ***bu aš qamuğqa tügädi*** – бу ош ҳаммага етди. Бу сўз қарама-қарши маъноли сўзлардир.

ل ***l*** [ҳарфи]:

[بَلَادِى ***belädi*** (**белади**) – баълади, маъради] ***qoy belädi*** – қўй баълади, маъради (***belär, belämäk***).

[بُلَادِى ***buladï*** (**булади**)] ***qozï buladï*** – қўзини пиширди. Бошқаси ҳам шундай (***bular, bulamaq***).

[بِلَادِى ***bilädi*** (**билади**)] ***ol pičäk bilädi*** – у пичоқни билагига сурди.

[بِلَادِى ***bilädi*** (**билади**) – қайради] ***ol tïš bilädi*** – у тишларини қайради (***bilär, bilämäk***).

[بِلَادِى ***belädi*** (**белади**) – белади] ***ol gänčin belädi*** – у боласини бешикка ётқизиб боғлади, белади.

[بِيلَادِى ***belädi*** (**белади**)] ***ol anï qanïŋa belädi*** – у уни қонга белади (***belär, belämäk***).

[تُلَادِى ***tülädi*** (**тулади**)] ***at tülädi*** – от ва бошқа ҳайвонлар туллади, қишки юнгини тўкиб, янги юнг чиқарди (***tülär, tülämäk***). Бу сўзнинг асли تُولَادِى бўлган, кейинчалик *vāv* туширилган.

[تُلَادِى ***tölädi*** (**тўлади**)] ***qoy tölädi*** – қўй қўзилади (ўғузча) (***tölär, tölämäk***).

[تَلَادِى ***tilädi*** (**тилади**) – сўради] ***ol anï tilädi*** – у уни сўради, суриштирди.

[تَلَادِى ***tilädi*** (**тилади**) – хоҳлади] ***Täŋri andağ tilädi*** – Тангри таъоло шундай бўлишини хоҳлади (***tilär, tilämäk***).

[چِلَادِى ***čilädi*** (**чилади**)] ***tonuğ čilädi*** – тўнни ва бошқа нарсаларни нам қилди (***čilär, čilämäk***). Бу сўзнинг асли چِيلَادِى эди, *yā* ҳарфи туширилган.

[سُلَادِی ***sülädi*** (**сулади**)] ***beg yağïqa sülädi*** – бек ёвга (қарши) жангга қўшин юборди. Бу сўзнинг асли سُوْلَادِی бўлган, кейинчалик *v*>*ü* туширилган (***sülär, sülämäk***). (Билимли) шундай деган:

***Yağïŋ tapa titrü baqïp bügdäy bilä,***
***Oğrap qalï kelsä seŋä qaršu sülä.***

Айтмоқдаки: Душманингни диққат билан кузат, бек найзасини билагингда тут. Бекка қарши ёв келса, унга қарши жанг қил.

[قَلِيدِی ***qalïdï*** (**қалиди**)] ***at qalïdï*** – от бебошлик қилди, бошини бермай чопди (***qalïr, qalïmaq***).

[كَلِيدِی ***kölidi*** (**кўлиди**)] ***ölüg kölidi*** – ўлик ва бошқа нарсалар кўмилди (***kölir, kölimäk***).

م ***m*** [ҳарфи]:

[قَمَادِی ***qamadï*** (**қамади**)] ***köz qamadï*** – куёш тиғидан кўз қамашди (***qamar, qamamaq***).

[قَمَادِی ***qamadï*** (**қамади**)] ***anïŋ tïšï qamadï*** – нордон, қимизак бир нарса ейишдан унинг тиши қамашди. Мақолда (шундай келган): ***Atasï, anasï acïğ almïla yesä, oğlï, qizï tïšï qamar.*** Маъноси: "Отаси ёки онаси бирор нордон, қимизак олма еса, болаларининг тиши қамашади". Бу мақол ота-онанинг қилган жинояти учун болаларини айбдор қилиш, уларни сўрок қилишга ишора қилиб айтилади.

[قُمِيدِی ***qomïdï*** (**қўмиди**)] ***er ewiŋä qomïdï*** – киши уйига интилди, қумсади, уйини соғинди. Ҳар қандай кишининг бирор нарсани исташи, кўнглининг ўшанга интилишига ҳам шу сўз қўлланади (***qomïr, qomïtmaq***).

ن ***n*** [ҳарфи]:

[تَنُودِی ***tanudï*** (**тануди**)] ***ol meŋä söz tanudï*** – у менга бир сўз айтди, буюрди. Бирон нарсанинг тавсия этилишига ҳам шу сўз қўлланади (***tanur, tanumaq***).

[تُنَادِی ***tünädi*** (**тунади**)] ***ol munda tünädi*** – у бу ерда тунади (***tünär, tünämäk***).

[سِنَادِی ***sïnadï*** (**синади**) – синади] ***ol anï sïnadï*** – у уни бир ишда синади (***sïnar, sïnamaq***).

[قَنَادِی ***qanadï*** (**қанади**)] ***ol atïn qanadï*** – у отининг томирини кесиб қон олди (***qanar, qanamaq***).

[قِنَادِی ***qïnadï*** (**қинади**) – қийнади] ***beg anï qïnadï*** – бек уни қийнади, исканжага олди. ***Täŋri anï qïnadï*** – Тангри таъоло унга жазо берди.

[قِنَادِی ***qïnadï*** (**қинади**)] ***ol pičäkin qïnadï*** – у пичоғига қин олди (***qïnar, qïnamaq***).

[قَنْدِی ***qanadï*** (**қанади**) – қонади] ***burun qanadï*** – бурун қонади. Киши аъзосининг бирон ери қонашига ҳам шу сўз қўлланади. Бу сўзнинг асли ***qanïdï*** бўлган, кейинчалик *alif* ҳарфи туширилган (***qanïr, qanïmaq***).

[مُنَادِی ***münädi*** (**мунади**)] ***ol tonuğ münädi*** – у тўннинг эгри-бугриси ва бошқа нарсаларни тузатиш учун теварагини кесди, оройишини олди (***münär, münämäk***).

[سَنَادِی ***sanadï*** (**санади**) – санади] ***ol qoyïn sanadï*** – у қўйини санади (***sanar, sanamaq***). Бу сўзнинг асли سَانَادِی эди, сўнг *alif* туширилгандир.

**Бу бўлимнинг бошқа бир тури**

ر ***r*** (?) [ҳарфи]:

[بَيُودِی ***bayudï*** (**байуди**) – бойиди] ***er bayudï*** – киши ва бошқалар бойиди (***bayur, bayumaq***).

[تَيَادِی ***tayadï*** (**тайади**)] ***ol anï tayadï*** – у унга тиргович қўйди. Ҳаттоки устига чикди (***tayar, tayamaq***).

Уч ҳарфлилар бўлими тугади.

**БУ ТЎРТ ҲАРФЛИЛАР БОБЛАРИДИР**

***fa'laldī* қолипидаги ўрта ҳарфи *sukun* ли бўлган сўзлар бўлими**

ب ***b*** [ҳарфи]:

[بُرْبَادِى ***burbadï*** **(бурбади)**] ***er ïšïğ burbadï*** – киши ишга бепарволик қилди, пайига тушмади (***burbar, burbamaq***).

[تُرْبِيدِى ***törpidi*** **(тўрпиди)**] ***er yïğač törpidi*** – киши ёғоч ва бошқа нарсаларни йўнди (***törpir, törpimäk***).

ت ***t*** [ҳарфи]:

[سِغْتَادِى ***sïğtadï*** **(сиғтади)** – йиғлади, сиқтади] ***oğlan sïğtadï*** – бола ва бошқалар йиғлади (***sïğtar, sïğtamaq***). Бу сўз *xā* билан ҳам талаффуз қилинади. Бу ҳол арабчада ҳам шундай وَ خُمارُ هَمْ و غدار дейилиши каби. Бу алмашиниш фақат феъллардагина бўлиши мумкин. Исмларда ***sïxït*** шаклида *ğayn* ўрнига *xā* қўллаб талаффуз қилинмайди.

ج ***č*** [ҳарфи]:

[تُرْجِيدِى ***türčidi*** **(турчиди)**] ***er ïš türčidi*** – киши ишга бошлади (***türčir, türčimäk***).

[تَفْجِيدِى ***tewčidi*** **(тевчиди)** – тепчиди] ***ol tonuğ tewčidi*** – у тўнни тепчиди, қавиди. Бу бирор нарсани зичлаб эмас, сийраклаб тикишдир (***tewčir, tewčimäk***).

[تِنْجِيدِى ***tïnčïdï*** **(тинчиди)**] ***et tïnčïdï*** – гўшт ўтда қиздирилди (***tïnčïr, tïnčïmaq***).

[قَرْجَادِى ***qarčadï*** **(қарчади)** – қаттиқлашди] ***yumšaq näŋ qarčadï*** – юмшоқ нарса қаттиқлашди (***qarčar, qarčamaq***).

[قِرْجَادِى ***qïrčadï*** **(қирчади)**] ***ol oq amačqa qïrčadï*** – ўқ нишон ёнидан сирғаниб ўтиб кетди (***qïrčar, qïrčamaq***).

[قَفْجِيدِى ***qawčïdï*** **(қавчиди)**] ***arï kišikä qawčïdï*** – ари чақиш учун одамга отилди. Киши бировдан аччиқланиб, унга ҳужум қилишига ҳам шу сўз қўлланади (***qawčïr, qawčïmaq***).

د ***d*** [ҳарфи]:

[بَغْدَادِى ***bağdadï*** **(бағдади)**] ***ol anïŋ aδaqïn bağdadï*** – у унинг оёғини курашда чалди, қайирди (***bağdar, bağdamaq***).

[قُنْدِيدِى ***qunδïdï*** **(кундиди)** – ялтиради] ***ol qïlïč qunδïdï*** – у қилични сайқалловчи асбоб билан ялтиратди (***qunδïr, qunδïmaq***).

ر ***r*** [ҳарфи]:

[تَبْرَادِى ***tebrädi*** **(тебради)**] ***tebrädi näŋ*** – нарса тебранди, қимирлади (***tebrär, tebrämäk***).

[تُبْرَادِى ***topradï*** **(тўпради)** – қуриди] ***ot topradï*** – ўт қуриди (***toprar, topramaq***).

[تَبْرِيدِى ***taprïdï*** **(таприди)**] ***tewi taprïdï*** – туя ҳатлади. Бу сўз туядан бошқага қўлланмайди (***taprïr, taprïmaq***).

[سَدْرَدِى ***seδrädi*** **(седради)**] ***kiši seδrädi*** – халқ сийраклашди; ***ton seδrädi*** – кийимнинг ранги кетиб эскиди (***seδrär, seδrämäk***).

[بُغْرَادِى ***boğradï*** **(бўғради)**] ***ol yïğačïğ boğradï*** – у қуруқ ёғоч ва бошқа нарсаларни кертди (***boğrar, boğramaq***).

[تِغْرَادِى ***tïğradï*** **(тиғради)**] ***er tïğradï*** – киши дадил бўлди (***tïğrar, tïğramaq***).

[تُغْرَادِى ***toğradï*** **(тўғради)**] ***et toğradï*** – тутмоч ва бошқа нарсалар учун гўшт тўғради (***toğrar, toğramaq***).

[يَفْرَادِى ***yawradï*** **(йавради)**] ***er yawradï*** – киши қувватланди, кучга тўлди, демакдир. Бу сўз ***tağdadï*** сўзи кабидир (***yawrar, yawramaq***). (Шоир) шундай деган:

*Qiš yayğaru sawlanur,*
*Er et menin yawruyur.*
*İglär yemä sewriyür,*
*Et yin taqï bekrišür.*

Ёз билан қиш тортишуви (мунозараси)ни тасвирлаб айтмоқда: Кишилар ва молларнинг танаси менда кучга тўлади, мустаҳкамланади. Касаллар қишда озаяди. Кишиларнинг танаси қишда етилиб, кучга тўлади.

[تُۇرادِى] ***tuwradï*** (**тувради**)] ***ušaq näŋ tuwradï*** – кичик нарса каттарди. Чунончи, кичик қўзи катталашгани каби (***tuwrar***, ***tuwramaq***[78]). Бу сўз катта марварид – ғалтон маъносидаги ***tuwuz yünčü*** иборасидаги ***tuwuz*** сўзидан олингандир.

[بُقْرِيدِى] ***buqrïdï*** (**буқриди**)] ***at suyčïdï-buqrïdï*** – от бошини бермай сақради. Бу сўз ёлғиз қўлланмай, фақат жуфт ҳолда келади (***buqrar***, ***buqrïmaq***).

[تِكْرَادِى] ***tikrädi*** (**тикради**)] ***at aδaqï tikrädi*** – от оёғида тиқ-тиқ юрди.

[تِكْرَادِى] ***tikrädi*** (**тикради**)] ***oğlan tikrädi*** – бола катта бўлди (***tikrär***, ***tikrämäk***).

[چِغْرُودِى] ***čïğrudï*** (**чиғруди**)] ***yer čïğrudï*** – устида кўп юрилганидан, кўп тепкиланганидан ер пишиди, қотиб кетди. Ҳар қандай юмшоқ нарсанинг пишитилишига ҳам бу сўз қўлланади (***čïğrur***, ***čïğrumaq*** / ***čïğrïmaq***).

[چُقْرَادِى] ***čoqradï*** (**чўқради**) – қайнади] ***ešič čoqradï*** – бўтқа каби қуюқ нарсадан қозон қайнади. Суюқ таомнинг қайнашига бу сўз қўлланмайди; бу маънода ***qaynadï*** сўзи қўлланади.

[چُقْرَادِى] ***čoqradï*** (**чўқради**)] ***mïŋar čoqradï*** – булоқ суви қозон қайнагандай қайнади (***čoqrar***, ***čoqramaq***).

[چِقْرَادِى] ***čïqradï*** (**чиқради**) – гижирлади] ***tïš čïqradï*** – тиш ғижирлади; ***qapuğ čïqradï*** – эшик ғижирлади. Киши ғаразликдан ва бошқа шундай бирор сабабдан тўнғиллашига ҳам шу сўз қўлланади (***čïqrar***, ***čïqramaq***).

[چِكْرَادِى] ***čïkrädi*** (**чиқради**)] ***etmäktä taš čïkrädi*** – нон орасидан чиққан тошдан тиш ғижирлади (***čïkrär***, ***čïkrämäk***).

[چَلْرَادِى] ***čalradï*** (**чалради**)] ***oq keštä čalradï*** – ўқ сағдоқда шилдиради. Шунинг каби товушга ҳам шу сўз қўлланади (***čalrar***, ***čalramaq***).

[سَۋْرَادِى] ***sewrädi*** (**севради**)] ***ïš sewrädi*** – иш битди. Ҳар қандай ишчининг ишламай қўйишига ҳам шу сўз қўлланилади (***sewrär***, ***sewrämäk***).

[سَۋْرَادِى] ***sewrädi*** (**севради**)] ***sögäl igdin sewrädi*** – бемор ярасининг ўрни битди, ундан қутулди.

[سَكْرِيدِى] ***sekridi*** (**секриди**)] ***er suwqa sekridi*** – киши сув ва бошқа нарсага сакради (***sekrir***, ***sekrimäk***).

[سَمْرِيدِى] ***semridi*** (**семриди**)] ***qoy semridi*** – қўй ва бошқалар семирди (***semrir***, ***semrimäk***).

[سَنْرِيدِى] ***sanrïdï*** (**санриди**)] ***esrüg sanrïdï*** – маст алжиди. Асли ***sandrïdï*** / ***sandïradï*** дир (***sanrïr***, ***sanrïmaq***).

[تَنْرِيدِى] ***tenridi*** (**тенриди**)] ***aniŋ basï tenridi*** – унинг боши айланди. Бу – уйқу босганда, уйқуни қочирмоқчи бўлган пайтда, уйқу ўчишидан бошида чумоли юргандай туюлишдир (***tenrir***, ***tenrimäk***).

[كُۋْرَادِى] ***köwrädi*** (**кўвради**)] ***aniŋ küči köwrädi*** – унинг кучи кесилди. Ҳар қандай кувватли нарсанинг кучи кетишига ҳам бу сўз қўлланади (***köwrär***, ***köwrämäk***).

---

[78] Бу сўз *kāf* ва *qāf* билан ёзилган (تُقْرَاماكْ).

[كُكْرَادِى ***kökrädi*** **(кўкради)**] ***arslan kökrädi*** – арслон ўкирди; ***buğra kökrädi*** – айғир кишнади; ***bulït kökrädi*** – осмонда булутлар гулдиради. Майдондаги баҳодирларнинг ҳайқириқлари ҳам шунга ўхшатилади. Мақолда (шундай келган): ***Tegirmändä tuğmïš sïčğan kök kökrägiŋä qorqmas***. Маъноси: "Тегирмонда туғилган сичқон момақалдироқ товушидан қўрқмайди". Бу мақол қийин ишларда чиниққан кишини кичик бир иш билан қўрқитмоқчи бўлган кишига қарата сўзланади (***kökrär***, ***kökrämäk***).

[كُلْرَادِى ***gülrädi*** **(гулради)**] ***taš quduğda gülrädi*** – тош қудуқда гулдираб овоз берди (***gülrär***, ***gülrämäk***).

ز z [ҳарфи]:

[تِبْزَادِى ***tepzädi*** **(тепзади)**] ***ol anï tepzädi*** – у уни кўролмади, ҳасад қилди (***tepzär***, ***tepzämäk***).

[سِغْزَادِى ***sïğzadï*** **(сиғзади)**] ***ol tïš sïğzadï*** – у тиш ковлагич билан тишини ковлади; ***ol etik yisin sïğzadï*** – у этик соғининг чоклари орасига нарса қўйиб тикиб, чизиқ-йўл қилди. Шунингдек, икки нарса орасига бир нарса сиқиб киритилса ҳам шу сўз қўлланади (***sïğzar***, ***sïğzamaq***).

[قُبْزَادِى ***qobzadï*** **(қўбзади)**] ***ol qobuz qobzadï*** – у қўбиз чалди (***qobzar***, ***qobzamaq***).

س ***s*** [ҳарфи]:

[تِبْسَادِى ***tepsädi*** **(тепсади)**] ***ol anï tepsädi*** – у уни кўролмади, ҳасад қилди (***tepsär***, ***tepsämäk***). Бу сўзнинг *zā* ли шакли ҳам бор.

[بُتْسَادِى ***bütsädi*** **(бутсади)**] ***baš bütsädi*** – яра тузалаёзиб қолди (***bütüsär***, ***bütüsämäk***).

[بُخْسَادِى ***boxsadï*** **(бўхсади)**] ***ol aŋar boxsadï*** – у унинг буйруғидан бош тортди, ишни (истар-истамас) бажарди (***boxsar***, ***boxsamaq***).

[چَبْسَادى ***čapsadï*** **(чапсади)**] ***ol suwda čapsadï*** – у сувда сузмоқ истади (***čapsar / čapïsar***, ***čapsamaq / čapïsamaq***[79]).

[سَتْسَادِى ***satïsadï*** **(сатисади)**] ***ol atïn satïsadï*** – у отини ва бошқа нарсаларни сотмоқ истади (***satïsar***, ***satïsamaq***).

[سُرْسَادِى ***sürisädi*** **(сурисади)**] ***ol atïğ sürisädi*** – у от ва бошқаларни чоптирмоқчи бўлди (***sürisär***, ***sürisämäk***).

[سُقْسَادِى ***suwsadï*** **(сувсади)**] ***er suwsadï*** – киши ва бошқалар чанқади, сувсади (***suwsar***, ***suwsamaq***). Бу сўзда ҳам истак, ҳам хоҳиш маъноси бор.

[سُقْسِدِى ***suwsïdï*** **(сувсиди)**] ***sirkä suwsïdï*** – сиркада сув таъми пайдо бўлди. Сувнинг қўшилиши сирка кучини кесди (***suwsïr***, ***suwsïmaq***).

[قَبْسَادِى ***qapsadï*** **(қапсади)**] ***anïŋ tegrä kiši qapsadï*** – унинг атрофини кишилар қоплади (***qapsar***, ***qapsamaq***).

[قَبْسَادِى ***qapsadï*** **(қапсади)**] ***ol anïŋ tawarïn qapsadï*** – у унинг молини тортиб олмоқ истади.

[قَبْسَادِى ***qopusadi*** **(қўпусади)**] ***ol yuqaru qopusadï*** – у юқорига чиқмоқ истади (***qopusar***, ***qopusamaq***).

[كُرْسَادِمْ ***körüsädim*** **(кўрусадим)**] ***men anï körüsädim*** – мен уни кўришни истадим. Бу сўзнинг асли ***körügsädim*** дир. Таркибида دلاقه ҳарфлари бўлган сўзлардан бирор нарсага истак билдириш маъносини ифодалаш учун феъл ўзагига *kāf*, *sīn*, *alif* ҳарфларини орттириш қоидадир (***körüsär-men***, ***körüsämäk***).

[كِلِكْسَادِمْ ***keligsädim*** **(келигсадим)**] ***men seŋä keligsädim*** – мен сенга келишни истадим. Бу сўз ***kelisädim*** шаклида ҳам қўлланади (***kelisär-men***, ***kelisämäk***).

[قَقْسِدِى ***qaqsïdï*** **(қақсиди)**] ***et qaqsïdï*** – гўшт қоқ бўлди, қоқшади (***qaqsïr***, ***qaqsïmaq***).

---

[79] Бу сўз *kāf* ва *qāf* билан ёзилган (چَبْسَاماكْ / جَبْسَاماكْ).

ش *š* [харфи]:

[تۈشْتَادِى *tüwšädi* (**тувшади**)] ***anïŋ teri tüwšädi*** – қаттиқ ишлашдан удан маржон-маржон тер тўкили (***tüwšär, tüwšämäk***).

[تېشْتَادِى *tewšädi* (**тевшади**)] ***yïp qamuğ tewšädi*** – ип бир-бирига аралашиб, учини топиб бўлмас даражада чигил бўлди, чийилди (***tewšär, tewšämäk***).

[چَخْشَادِى *čaxšadï* (**чахшади**)] ***taš čaxšadï*** – тош чақиллаган овоз берди. Зийнат нарсалари ва бошқа шунинг сингари нарсаларнинг овоз беришига ҳам шу сўз қўлланади (***čaxšar, čaxšamaq***).

[چُۋشَادِى *čuwšadï* (**чувшади**)] ***čağïr čuwšadï*** – ичимлик (шарбат) қайнади ва кўпирди.

[چُۋشَادِى *čuwšadï* (**чувшади**)] ***qarïn čuwšadï*** – таом қоринни ачитди (***čuwšar, čuwšamaq***[80]).

[سُۋشَادِى *suwšadï* (**сувшади**) – шипшиди] ***ol qulaqqa suwšadï*** – у қулоққа бир сўзни шипшиди (***suwšar, suwšamaq***).

[سُۋشَادِى *suwšadï* (**сувшади**) – суфлаб дуо ўқиди] ***sögälkä suwšadï*** – касалга ўқиб суфлади. Бу сўз *sïn* билан ҳам талаффуз қилинади.

[قَرْشَادِى *qaršadï* (**каршади**) – қаричлади] ***ol tonuğ qaršadï*** – у тўн ва бошқа нарсаларни қаричлаб ўлчади (***qaršar, qaršamaq***).

[قُرْشَادِى *quršadï* (**куршади**) – боғлади] ***ol qawtan quršadï*** – у тўн боғичини боғлади (***quršar, quršamaq***).

[قُغْشَادِى *qoğšadï* (**қўғшади**)] ***qatïğ näŋ qoğšadï*** – қаттиқ нарса бўшашди, юмшади (***qoğšar, qoğšamaq***).

[قُۋشَادِى *qowšadï* (**қувшади**)] ***er oqnï qowšadï*** – эр ўқни узоқ кетадиган қилди (***qowšar, qowšamaq***). Бу сўз *ğayn* билан ҳам қўлланади.

[كەشْتَادِى *kewšädi* (**кевшади**)] ***tewäy ot kewšädi*** – туя ўт кавшади.

[كەشْتَادِى *kewšädi* (**кевшади**)] ***qurč näŋ kewšädi*** – қаттиқ нарса бўшашди, юмшоқ бўлиб қолди (***kewšär, kewšämäk***). Яхши етилтириб пиширилган, семиртирадиган яхши нон ҳам ***kewšäk etmäk*** деб аталади.

ғ *ğ* [харфи]:

[تَسْغَادِى *tasğadï* (**тасғади**) – тарсакилади] ***ol anï tasğadï*** – у унга тарсаки туширди (***tasğar, tasğamaq***).

[سَتْغَادِى *satğadï* (**сатғади**)] ***ol aniŋ boynïn satğadï*** – у унинг бўйнини эзди.

[سَتْغَادِى *satğadï* (**сатғади**)] ***bir yol birig satğadï*** – бир йўл (жанубдан келган йўл) ғарбдан келган йўлга қўшилди, бир йўл бири билан чатишди.

[سَتْغَادِى *satğadï* (**сатғади**)] ***alïm berimni satğadï*** – у оларини берарига ўринма-ўрин алмашди (***satğar, satğamaq***). (Билимли) шундай деган:

***Ažun tüni kündüzi yelkin kečär,***
***Kimni qalï satğasa küčin kewär.***

Айтмоқдаки: Фалакнинг кеча-кундузи елдай кечади, у кимга ёмон қараса, унинг кучини синдиради. Бу сўз ўғузларда йўл ва қарз хусусида қўлланади.

[سِتْغَادِى *sïtğadï* (**ситғади**)] ***ol qolïn sïtğadï*** – у қўлларини шимарди (***sïtğar, sïtğamaq***).

[بَدْغَادِى *badğadï* (**бадғади**)] ***ol aniŋ aδaqïn badğadï*** – курашда у унинг оёғини чалди. Бу сўз ***bağdadï*** шаклида ҳам талаффуз қилинади (***badğar, badğamaq***).

[بُلْغَادِى *bulğadï* (**булғади**) – булгатди, лойқатди] ***ol suwuğ bulğadï*** – у сувни булгади, лойқалатди.

---

[80] Бу сўз *kāf* ва *qāf* билан ёзилган (چُقْشَاماقْتى).

[بُلْغَادِی ***bulğadï*** **(булғади)** – ковлади, ковлаштирди] ***ol tutmač bulğadï*** – у қозон ва идишларда тутмоч ковлади. Қозондаги буламиқ ва бошқа нарсанинг устки қисми билан пастки қисми тенг қайнаши учун ковлаштиришга ҳам шу сўз қўлланади.

[بُلْغَادِی ***bulğadï*** **(булғади)**] ***ol er anïŋ köŋlin bulğadï*** – у киши унинг кўнглини қайрон қилди. Бу сўзнинг асл маъноси номувофиқ таом ейишдан кишининг кўнгли айниб, қайт қилишдир (***bulğar***, ***bulğamaq***).

[تَلْغَادِی ***talğadï*** **(талғади)**] ***qïz yinčü talğadï*** – қиз инжу ва бошқа нарсалардан ясалган зирак тақди.

[تُلْغَادِی ***tolğadï*** **(тўлғади)**] ***ol yuŋ tolğadï*** – у дукка юнг ўради.

[تُلْغَادِی ***tolğadï*** **(тўлғади)**] ***anïŋ qarnï tolğadï*** – қусиш ва шунинг кабилардан унинг қорни оғриди (***tolğar***, ***tolğamaq***).

[قَرْغَادِی ***qarğadï*** **(қарғади)**] ***Täŋri anï qarğadï*** – улуғ ва азиз Тангри уни қарғади (***qarğar***, ***qarğamaq***).

[قُرْغَادِی ***qurğadï*** **(қурғади)**] ***yer qurğadï*** – ёғиннинг камлигидан ер қақраб қолди (***qurğar***, ***qurğamaq***).

[قِزْغَادِی ***qïzğadï*** **(қизғади)**] ***beg anï qïzğadï*** – бек уни узоқлаштирди, қўпол, дағал муомала қилди, хафа қилди (***qïzğar***, ***qïzğamaq***). Улуғ ва азиз Тангрининг қарғишидан фарқлайдилар-да, кишилар ўзаро бир-бирларининг сўкишишлари, қарғашларига бу сўзни ишлатадилар. Бирини ***qarğamaq***, иккинчисини ***qïrğamaq*** шаклида қўллайдилар.

ڤ ***w*** [ҳарфи]:

[قَرْڤَادِی ***qarwadï*** **(қарвади)**] ***ol qaraŋquda qarwadï*** – у қоронғида қўли билан бир нарсани тимирскилаб топмоқчи бўлди (***qarwar***, ***qarwamaq***). Бу сўз ***qarvadï*** шаклида ҳам қўлланади. Ҳар бир ف ***fā*** [*w*] ҳарфи бўлган сўзни ***vāv*** билан қўллаш ҳам мумкин. Бу ҳақда аввал ҳам айтганмиз.

ك ***g*** [ҳарфи]:

[تَلْگَادِی ***telgädi*** *(?)* **(телгади?)**] ***ol atasïn bulğadï*** ***[-telgädi]*** – у отасини сиқиб, жонидан тўйғизди. Бу сўз ҳар вақт ***telgädi*** ***(bulğadï?)*** сўзи билан бирга қўлланади, ёлғиз ҳолда ишлатилмайди (***telgär***, ***telgämäk***).

ل ***l*** [ҳарфи]:

[بَتْلَادِی ***batladï*** **(батлади)**] ***ol bözni batladï*** – у бўзни қуйқа билан оҳорлади (***batlar***, ***batlamaq***).

[بُتْلَادِی ***butladï*** **(бутлади)**] ***ït erig butladï*** – ит кишининг оёғини тишлади. Биров бошқа бировнинг оёғига уришига ҳам шу сўз қўлланади (***butlar***, ***butlamaq***).

[بِتْلَادِی ***bitlädi*** **(битлади)**] ***er bit bitlädi*** – киши бит қаради (***bitlär***, ***bitlämäk***[81]).

[بُزْلَادِی ***bozladï*** **(бўзлади)**] ***tetir bozladï*** – ургочи туя ва бошқа ҳайвонлар бўзлади (***bozlar***, ***bozlamaq***).

[بَشْلَادِی ***bašladï*** **(башлади)** – бошлади] ***er iš bašladï*** – киши иш бошлади (***bašlar***,[***bašlamaq***]).

[بَشْلَادِی ***bašladï*** **(башлади)**] ***ol yol bašladï*** – у йўл кўрсатди; ***ol sü bašladï*** – у аскар олдида борди, лашкарбошилик қилди ([***bašlar***], ***bašlamaq***).

[بَغْلَادِی ***bağladï*** **(бағлади)** – боғлади] ***ol otuŋ bağladï*** – у ўтин ва бошқа нарсаларни боғлади (***bağlar***, ***bağlamaq***).

[بُغْلَادِی ***boğladï*** **(бўғлади)** – бўғча қилди] ***ol ton boğladï*** – у тўнни бўғчага тугди (***boğlar***, ***boğlamaq***). Тўнни бўғчага тугиш билан бошқа нарсаларни боғлашни фарқлаш учун шундай йўл тутилади, яъни биринчисини ***boğlamaq***, иккинчисини ***bağlamaq*** тарзида қўллайдилар.

---

[81] Бу сўз *käf* ва *qāf* билан ёзилган (بِتْلَاماقْ).

[بُقْلادی ***boqladï*** (**бўқлади**) – тезаклади] ***yïlqï boqladï*** – ҳайвон тезаклади (ўғузча) (***boqlar, boqlamaq***).

[بَكْلادی ***beklädi*** (**беклади**)] ***ol näŋin beklädi*** – у нарсасини сақлади.

[بَكْلادِي ***beklädi*** (**беклади**)] ***ol qapuğïn beklädi*** – у эшигини беркитди. Ҳар қандай нарсани қаттиқ боғлашга ҳам шу сўз қўлланади (***beklär, beklämäk***).

[بَكْلادی ***beglädi*** (**беглади**)] ***ol anï beglädi*** – у уни бек қаторига қўшди ва унга бек унвонини берди (***beglär, beglämäk***).

[تَبْلادی ***tapladï*** (**таплади**)] ***ol tonuğ tapladï*** – у тўн ва бошқа нарсаларни қабул қилди ва ундан рози бўлди (***taplar, taplamaq***).

[تُبْلادی ***tüblädi*** (**тублади**)] ***ol ïšïğ tüblädi*** – у ишнинг тубини текширди (***tüblär, tüblämäk***).

[تَتْلادی ***tatladï*** (**татлади**)] ***ol anï tatladï*** – у уни форсларга нисбат берди, форслардан ҳисоблади (***tatlar, tatlamaq***).

[تَرْلادی ***terlädi*** (**терлади**) – терлади] ***at terlädi*** – от терлади.

[تَرْلادِی ***terlädi*** (**терлади**)] ***ol atïn terlädi*** – у отини қашлаб, тер догларини ва иркитларни тозалади (***terlär, terlämäk***). Бу сўз қарама-қарши маъноли сўзлардандир. Бу феъл ҳам ўтимли, ҳам ўтимсиздир.

[تَزْلادی ***tazladï*** (**тазлади**)] ***ol anï tazladï*** – у уни тоз – калга нисбат берди, уни кал деди (***tazlar, tazlamaq***).

[تُزْلادی ***tuzladï*** (**тузлади**) – тузлади] ***ol et tuzladï*** – у гўшт ва бошқа нарсаларни тузлади (***tuzlar, tuzlamaq***[82]).

[تِزْلادی ***tizlädi*** (**тизлади**)] ***buğra erig tizlädi*** – буғра ҳамла қилиб, кишини топтади, тиззаси билан эзди. Биров бирор нарсанинг устидан тиззалаб эзишига ҳам шу сўз қўлланади (***tizlär, tizlämäk***[83]).

[تَشْلادی ***tašladï*** (**ташлади**) – тош билан урди] ***ol ïtïğ tašladï*** – у итни тош билан урди. Яна ***er tašladï*** – киши (юртидан) ташқарига чиқди, мусофирликка чиқди (***tašlar, tašlamaq***).

[تُشْلادِم ***tušladïm*** (**тушладим**)] ***men anï tušladïm*** – мен унинг тўғрисида турдим, мен унга рўбарў турдим (***tušlar-men, tušlamaq***).

[تِشْلادی ***tišlädi*** (**тишлади**) – тишлади] ***ol anï tišlädi*** – у уни тиши билан тишлади. Биров бошқасининг тишига уришига ҳам шу сўз қўлланади (***tišlär, tišlämäk***[84]).

[تَغْلادی ***tağladï*** (**тағлади**) – доғлади, тамға босди] ***ol atïn tağladï*** – у отига тамға урди (***tağlar, tağlamaq***). Отдан бошқа ҳайвонларга тамға уришга ҳам шу сўз қўлланади. Бу сўз асл эмасдир.

[تُغْلادی ***tuğladï*** (**туғлади**)] ***ol yarağ tuğladï*** – у сел ўйган ернинг ёриқларини бекитди (***tuğlar, tuğlamaq***).

[تُمْلیدی ***tumlïdï*** (**тумлиди**) – музлади] ***suw tumlïdï*** – сув ва бошқа нарсалар музлади (***tumlïr, tumlïmaq***). (Шоир) шундай деган:

***Kördi meni emläyü,***
***Baqtï meŋä imläyü.***
***Qaldïm köŋül tumlïyu,***
***Qadğu meni torğurur.***

---

[82] Бу сўз масдарида янглишиб *kāf* ёзилиб, устидан *qāf* қилиб тузатиб қўйилган (تُزْلاماقْ).

[83] Бу сўз масдарида янглишиб *qāf* ёзилиб, устидан *kāf* қилиб тузатиб қўйилган (تِزْلاماقْ).

[84] Бу сўз *kāf* ва *qāf* билан ёзилган (تِشْلاماكْ).

Айтмоқдаки: Севгилим менга имлаб боқди, бир қиё боқиш билан мени даволади. Аламлардан кўнглим музлай бошлади. Қайғу мени яралаётир.

[جَرْلَادِی **čarladï** (**чарлади**) – йиғлади] ***oğlan čarladï*** – бола йиғлади.

[جَرْلَادِی **čarladï** (**чарлади**) – бақирди] ***yaŋan čarladï*** – фил ўкирди (***čarlar, čarlamaq***). Фил ўкириши маъносида ***čarladï*** шакли билан бирга ***čoğladï*** шакли ҳам қўлланади (***čoğlar, čoğlamaq***).

[جُغْلَادِی **čuğladï** (**чуғлади**)] ***ol tonuğ čuğladï*** – у кийим ва бошқа нарсаларни уйди, тугунга тугди, бўғчалади (***čuğlar, čuğlamaq***).

[جِغْلَادِی **čïğladï** (**чиғлади**)] ***ol böz čïğladï*** – у бўзни турк ўлчови билан ўлчади (***čïğlar, čïğlamaq***).

[جَڤْلَادِی **čawladï** *(čuwladï?)* (**чувлади**?)] ***et čawladï*** *(čuwladï?)* – гўшт етилиб, пишмай, таъмсиз, хом бўлиб қолди (***čuwlar, čuwlamaq***).

[جِنْلَادِی **čïnladï** (**чинлади**)] ***ol ïšïğ čïnladï*** – у ишнинг чинлигини текширди (***čïnlar, čïnlamaq***).

[سَپْلَادِی **sapladï** (**саплади**) – соп қилди] ***er qïlïč sapladï*** – эр қиличнинг дастасига кумуш ёки темир ўрнатилган соп ясади. Ҳар қандай нарсага соп ясашга ҳам шу сўз қўлланади (***saplar, saplamaq***).

[سَرْلَادِی **sarladï** (**сарлади**)] ***ol suwluq sarladï*** – у бошига салла ўради.

[سَرْلَادِی **sarladï** (**сарлади**) – ўради] ***aδaqïŋa yörgänčü sarladï*** – оёғига пайтава ўради. Ҳар қандай нарсанинг бир нарсага ўралишига ҳам шу сўз қўлланади (***sarlar, sarlamaq***).

[سِرْلَادِی **sïrladï** (**сирлади**) – сирлади] ***ayaqčï ayaq sïrladï*** – кулол идиш (коса, лаган) устига сир берди (***sïrlar, sïrlamaq***).

[سُوْزْلَادِی **sözlädi** (**сўзлади**)] ***ol meŋä söz sözlädi*** – у менга сўзлади (***sözlär, sözlämäk***).

[سِزْلَادِی **sïzladï** (**сизлади**)] ***aniŋ tïšï buzdun sïzladï*** – муздан ёки совуқ сув ичишдан унинг тиши чатнади.

[سِزْلَادِی **sïzladï** (**сизлади**)] ***erniŋ söŋüki sïzladï*** – оғриқдан кишининг суяги сирқиради (***sïzlar, sïzlamaq***).

[سُغْلَادِی **suğlïdï** (**суғлиди**)] ***er qoyuŋa suğlïdï*** – бир нарсани қидириб, киши қўлини қўйнига тиқди (***suğlïr, suğlïmaq***). Бошқаси ҳам шундай.

[سَڤْلَادِی **sawladï** (**савлади**)] ***ol telim sawladï*** – у кўп сўз сўзлади. Мақол сўзлашига ҳам шу сўз қўлланади (***sawlar, sawlamaq***).

[سُڤْلَادِی **suwladï** (**сувлади**) – сув ичди] ***at suwladï*** – от ва бошқа ҳайвонлар сув ичди.

[سُڤْلَادِی **suwladï** (**сувлади**) – сув қуйди] ***er titik suwladï*** – киши лой ва бошқа нарсаларга сув қуйди (***suwlar, suwlamaq***).

[سَمْلَادِی **samladï** (**самлади**)] ***ol anï emlädi-samladï*** – у уни даволади, соғайтирди. Бу сўз ёлғиз қўлланмайди, ***emlädi*** сўзи билан бирга ишлатилади (***samlar, samlamaq***).

[سُمْلِيدِی **sumlïdï** (**сумлиди**)] ***er sumlïdï*** – киши ўзидан бошқа биров билмайдиган, туркчадан бошқа бир тилда сўзлашди (***sumlïr, sumlïmaq***).

[سَنْلَادِی **senlädi** (**сенлади**)] ***ol anï senlädi*** – у уни сенлади (***senlär, senlämäk***). Бу (сўз) ***sen*** демакдир. Улуғлаш (ҳурматлаш)ни англатиш учун ***sizlädi*** дейилади. Бу ***siz*** демакдир. Бу хоқонлар билан сўзлашилганда қўлланиладиган сўз ўрнида келади. Тангрининг انّا انْزَلْناهُ деган сўзида ҳам ҳурмат, яъни кўплик шаклида қўлланган.

[قَرْلَادِی **qarladï** (**қарлади**)] ***bulut / bulït qarladï*** – булут қор ёғдирди (***qarlar, qarlamaq***).

[قُرْلَادِی **qurladï** (**қурлади**)] ***ol qawtanïğ qurladï*** – у қавтан устидан белбоғ боғлади (***qurlar, qurlamaq***).

[قِرْلادِی *qïrladï* (**қирлади**)] ***ol yerig qïrladï*** – у тарвуз ва шунга ўхшаш экинлар учун ерда чуқур ва ариқлар қазди. Ерни бирор экинга ҳозирлашга ҳам қўлланади (***qïrlar, qïrlamaq***).

[قَشْلادِی *qašladï* (**қашлади**)] ***arïq qašladï*** – ариқ учун марза тортди. Бировнинг бошқа бир кимсанинг қошига уришига ҳам шу сўз қўлланади (***qašlar, qašlamaq***).

[قُشْلادِی *qušladï* (**қушлади**)] ***beg qušladï*** – бек қуш овлади (***qušlar, qušlamaq***).

[قِشْلادِی *qïšladï* (**қишлади**)] ***er ewindä qïšladï*** – киши уйи ва бошқа дойларда қишлади (***qïšlar, qïšlamaq***).

[قِنْلادِی *qïnladï* (**қинлади**)] ***ol pičäk qïnladï*** – у пичоққа қин қилди. Бошқа нарсалар учун ҳам шу сўз қўлланади (***qïnlar, qïnlamaq***).

[كۆتْلادِی *kötladi* (**кўтлади**)] ***oğlanïğ kötladi*** – у бола ва бошқаларга ёмонлик қилди (***kötlär, kötlämäk***).

[كەدْلادِی *keδladi* (**кедлади**)] ***er keδladi*** – киши тиришди. Кучлилар ишини қилди (***keδlär, keδlämäk***).

[كەزْلادِی *kezladi* (**кезлади**)] ***ol oqïn kezladi*** – у ўқининг учини тузатди (***kezlär, kezlämäk***). Қозонни ювишга ҳам шу сўз қўлланади.

[كۆزْلادِی *közladi* (**кўзлади**) – кўзига урди] ***ol anï közladi*** – у унинг кўзига урди (***közlär, közlämäk***).

[كِزْلادِی *kizladi* (**кизлади**) – яширди] ***ol kizladi näŋni*** – у нарсани яширди (***kizlär, kizlämäk***).

[كَسْلادِی *keslädi* (**кеслади**) – кесак билан ҳайдади] ***ol ïtïğ keslädi*** – у итни кесак билан ҳайдади (***keslär, keslämäk***).

[كۆكْلادِی *köklädi* (**кўклади**) – боғлади] ***ol eδär köklädi*** – у эгар боғичини боғлади (***köklär, köklämäk***).

[كُكْلادِی *köklädi* (**кўклади**)] ***yïlqï köklädi*** – моллар кўк еди (***köklär, köklämäk***).

[كُكْلادِی *küglädi* (**куглади**)] ***er küglädi*** – киши ашула айтди; ашулада бир нағма чиқарди (***küglär, küglämäk***).

[كَمْلادِی *kemlädi* (**кемлади**) – касалланди] ***at kemlädi*** – от касалланди. Бу сўзни ***kemländi*** шаклида ҳам талаффуз қиладилар (***kemlär, kemlämäk***).

[مُنْلادِی *münlädi* (**мунлади**) – шўрва ичди] ***er münlädi*** – киши шўрва ичди (***münlär, münlämäk***).

**ن *n*** [ҳарфи]:

[بُلْنادِی *bulnadï* (**булнади**) – асир олди] ***er yağïnï bulnadï*** – эр ёвни асир олди (***bulnar, bulnamaq***).

[تُغْنادِی *tögnädi* (**тўгнади**)] ***ol basïn tögnädi*** – у ярасини оловга доғлади (***tögnär, tögnämäk***).

[چِغْنادِی *čegnädi* (**чегнади**)] ***qïz čegin čegnädi*** – қиз ипак кийимлик устига расмларни зардўзи қилиб тикди.

[چِغْنادِی *čegnädi* (**чегнади**)] ***er čegnä čegnädi*** – киши омоч билан ҳайдалган ер устидан мола босди (***čegnär, čegnämäk***).

[سُغْنادِی *sögnädi* (**сўгнади**)] ***er sögül sögnädi*** – киши малҳам босиб сўгални тузатди (***sögnär, sögnämäk***).

[قَيْنادِی *qaynadï* (**қайнади**)] ***er aŋar qaynadï*** – киши унинг буйруғидан бош тортди, унинг сўзини қайтарди (***qaynar, qaynamaq***).

[قَسْنادِی *qasnadï* (**қаснади**)] ***er tumluğqa qasnadï*** – совуқдан кишининг тишлари такирлади. Итнинг совуққа чидолмай, ангиллашига ҳам шу сўз қўлланади (***qasnar, qasnamaq***).

[قَلْنُودِی *qalnudï* (**қалнуди**) – қалинлашди] ***yuwqa näŋ qalnudï*** – юпқа нарса қалинлашди (***qalïnur, qalnumaq***).

[قُلْنَادِی *qulnadï* (**қулнадн**)] ***qïsraq qulnadï*** – байтал қулунлади, туғди (***qulnar***, ***qulnamaq***).
[كِشْنَادِی ***kišnädi*** (**кишнади**) – кишнади] ***at kišnädi*** – от кишнади.
[كِشْنَادِی ***kišnädi*** (**кишнади**)] ***qatïr kišnädi*** – хачир ҳангради (***kišnär***, ***kišnämäk***).

**Бу бўлимнинг *miṣāl* тури**

ت ***t*** [ҳарфи]:
[يَسْتَادِی ***yastadï*** (**йастади**)] ***ol aŋar yastuq yastadï*** – у унга ястаниш учун ёстиқ ташлади.
[يَسْتَادِی ***yastadï*** (**йастади**)] ***ol meŋä söz yastadï*** – у менга киноя билан сўз ташлади (***yastar***, ***yastamaq***).
ج ***č*** [ҳарфи]:
[يَنْچِيدِی ***yunčïdï*** (**йунчиди**)] ***er yunčïdï*** – камбағалликдан кишининг тинкаси қуриди. (Шоир) шундай деган:

***Bilgä, bögü yunčïdï,***
***Ažun atï (anï?) yenčidi.***
***Erdäm eti tïnčïdï,***
***Yerkä tegip sürtülür.***

Замон аҳволини тушунтириб шундай демоқда: Билимдонлар аҳволи ёмонлашди. Замон уларни уланни янчиб ташладитишлаб азоб берди, (ҳатто), одобнинг эти қотди. (Заифликдан) ерга тегиб судралмоқда. ***tančadï*** сўзининг асли ***tančğadï*** бўлган. Бу ўринда шеърий зарурат юзасидан ***ğayn*** ҳарфи туширилган. ***ğayn*** ҳарфини тушириш ўғуз ва қипчоқларда учрайди. Улар исм ва феълларнинг ўртасида келган ***ğayn*** ҳарфини баъзан тушириб қўллайдилар.
ر ***r*** [ҳарфи]:
[يَقْرِيدِی ***yawrïdï*** (**йавриди**)] ***er yawrïdï*** – кишининг аҳволи қашшоқликдан ёки касалликдан ёмон бўлди (***yawrïr***, ***yawrïmaq***).
س ***s*** [ҳарфи]:
[يَيْسَادِی / يَيْسَادِی ***yeysädi / yeyisädi*** (**йейсади / йейисади**)] ***ol etmäk yeysädi / yeyisädi*** – унинг нон ва бошқа нарсалар егиси келди (***yeyisär***, ***yeyisämäk***).
[يَپْسَادِی ***yapïsadï*** (**йаписади**)] ***er etmäk yapïsadï*** – киши нон ёпмоқчи бўлди. Бу сўз эшикни ёпишга ҳам қўлланади.
[يَپْسَادِی ***yapïsadï*** (**йаписади**)] ***er tuzaq yapïsadï*** – киши ов қилиш учун тузоқ (ёпма)ни қуш устига ёпмоқчи бўлди (***yapïsar***, ***yapïsamaq***).
[يَتْسَادِی ***yatïsadï*** (**йатисади**)] ***er yatïsadï*** – киши ёнбошлаб ётмоқчи бўлди (***yatïsar***, ***yatïsamaq***).
[يِتْسَادِی ***yetisädi*** (**йетисади**)] ***ol meni yetisädi*** – у менга етиб олмоқчи бўлди (***yetisär***, ***yetisämäk***).
[يَذْسَادِی / يَذْسَادِی ***yaδsadï / yaδïsadï*** (**йадсади / йадисади**)] ***ol töšäk yaδsadï / yaδïsadï*** – у тўшакни ёзмоқ истади, ёзмоқчи бўлди.
[يَذْسَادِی ***yaδïsadï*** (**йадисади**)] ***ol süsin yaδïsadï*** – у аскарини ва бошқа нарсаларни тарқатмоқчи бўлди. Хамир ёйишга ҳам шу сўз қўлланади (***yaδïsar***, ***yaδïsamaq***).
[يُذْسَادِی ***yoδïsadï*** (**йадисади**)] ***ol bitig yoδïsadï*** – у хатни ўчирмоқчи бўлди. Бу сўз қиличдан қон ва бошқа нарсаларни тозалаб кетказишга ҳам қўлланади (***yoδïsar***, ***yoδïsamaq***).
[يَرْسِيدِی ***yarsïdï*** (**йарсиди**)] ***ol yarsïdï näŋni*** – у бир нарсадан ҳазар қилди, жирканди (***yarsïr***, ***yarsïmaq***).

[يَزْسَادِى *yazïsadï* (**йазисади**)] ***ol qurïn yazïsadï*** – у белбогини ва бошқа нарсаларни ечмоқчи бўлди (***yazïsar***, ***yazïsamaq***).

[يَشْسَادِى *yašïsadï* (**йашисади**) – яширмоқ истади] ***ol mendin yašïsadï*** – у мендан яширмоқчи бўлди (***yašïsar***, ***yašïsamaq***).

[يَغْسَادِى *yağsadï* (**йағсади**) – ёғсиради] ***er yağsadï*** – киши ёгсиради (***yağsar***, ***yağsamaq***).

[يَغْسِيدِى *yağsïdï* (**йағсиди**)] ***yağsïdï näŋ*** – кишига мол ёғининг таъми ўрнашди. Мақолда (шундай келган): ***Yuqrï yağï yağsïmas.*** Маъноси: "Ич ёғи ёғ ўрнини босмайди" (***yağsïr***, ***yağsïmaq***). Бу сўзнинг асли ***yağsadï*** дир. Кейинчалик идғом қилинган.

[يُقْسَادِى *yuwusadï* (**йувусади**)] ***ol topïq yuwusadï*** – у тўп ва бошқа нарсаларни юмалатишни истади (***yuwusar***, ***yuwusamaq***).

[يَقْسَادِى *yöwüsädi* (**йўвусади**)] ***ol meŋä tawar yöwüsädi*** – у мол билан менинг кўнглимни олмоқчи бўлди (***yöwüsär***, ***yöwüsämäk***[85]).

[يِقْسَادِى *yïqïsadï* (**йиқисади**) – йиқитмоқчи бўлди] ***ol tam yïqïsadï*** – у девор ва бошқа нарсаларни йиқитмоқчи бўлди (***yïqïsar***, ***yïqïsamaq***).

[يُوكْسَادِى *yüksädi* (**йуксади**)] ***yüksädi näŋ*** – нарса юксалди, узайди (***yüksär***, ***yüksämäk***).

ش *š* [ҳарфи]:

[يُمْشَادِى *yumšadï* (**йумшади**)] ***yumšadï näŋ*** – нарса юмшади (***yumšar***, ***yumšamaq***).

[يَلْغَادِى *yalğadï* (**йалғади**) – ялади] ***ayaq yalğadï*** – идиш ва бошқа нарсаларни ялади (***yalğar***, ***yalğamaq***). Мақолда (шундай келган): ***Yaqadaqï yalğağalï eligdäki ïčğïnur.*** Маъноси: "Ёқадаги юқни ялаш билан овора бўлган киши қўлидагидан қуруқ қолади". Бу мақол бир нарсани таъма қилиб, қўлидагидан маҳрум бўлган кишига қарата қўлланади. Йўқ нарсадан умид қилмасликка, қўлидагини маҳкам тутишга ундаб сўзланади.

ڤ *w* [ҳарфи]:

[يَلْڤَادِى *yalwadï* (**йалвади**) – ялади] ***er yağ yalwadï*** – киши ёғ ва бошқа нарсаларни ялади. Бу сўз аввалгидан, яъни ***yalğadï*** дан кўпроқ қўлланади (***yalwar***, ***yalwamaq***).

ك *g* [ҳарфи]:

[يُرْكَادِى *yörgädi* (**йўргади**) – ўради] ***ol adaqïn yörgädi*** – киши оёғини ва бошқа нарсаларни ўради. Ҳар қандай нарсанинг ўралишига ҳам шу сўз қўлланади (***yörgär***, ***yörgämäk***).

ل *l* [ҳарфи]:

[يِپْلَادِى *yïpladï* (**йиплади**)] ***urağut yüzin yïpladï*** – хотин юзининг тукини ип билан тердирди (***yïplar***, ***yïplamaq***).

[يَتْلَادِى *yatladï* (**йатлади**)] ***yatčï yatladï*** – ядачи яда тоши билан ёмғир чақирди.

[يَتْلَادِى *yatladï* (**йатлади**) – ёт, бегона ҳисоблади] ***ol anï yatladï*** – у уни ёт деб ҳисоблади.

[يِپْلَادِى *yïpladï* (**йиплади**)] ***er yïpladï*** – киши арқонда ўйнади (***yïplar***, ***yïplamaq***[86]).

[يِدْلَادِى *yïðladï* (**йидлади**) – ҳидлади] ***ol yïpar yïðladï*** – у мушк ва бошқа нарсаларни ҳидлади (***yïðlar***, ***yïðlamaq***).

[يَرْلَادِى *yarladï* (**йарлади**) – тупурди] ***ol anïŋ yüziŋä yarladï*** – у унинг юзига тупурди (***yarlar***, ***yarlamaq***).

[يِرْلَادِى *yïrladï* (**йирлади**)] ***er yïrladï*** – киши ашула айтди (***yïrlar***, ***yïrlamaq***).

[يَشْلَادِى *yašladï* (**йашлади**)] ***at yašladï*** – от ва бошқа ҳайвонлар кўкламда ҳўл ўт еди. Бу сўзнинг асли يَاشْلَادِى ***yašladï*** бўлган. Енгил бўлиши учун ***alif*** туширилган. Бошқа сўзларда ҳам бу ҳол учраб туради (***yašlar***, ***yašlamaq***).

---

[85] Бу сўз *kāf* ва *qāf* билан ёзилган (يۇقسامىقۇ).

[86] Бу сўз *kāf* ва *qāf* билан ёзилган (يِپْلامىقۇ).

[يَغْلَادِى ***yağladï*** **(йағлади)**] ***er qoğuš yağladï*** – киши қайиш ва бошқа нарсаларни ёғлади (***yağlar***, ***yağlamaq***). Бу сўзнинг асли يَاغْلَادِى ***yağladï*** дир.

[يُغْلَادِى ***yoğladï*** **(йўғлади)**] ***ol ölügkä yoğladï*** – у одам чақириб ўликка атаб ош берди. Бу туркlар одатидир (***yoğlar***, ***yoğlamaq***).

[يِغْلَادِى ***yïğladï*** **(йиғлади)** – йиғлади] ***oğlan yïğladï*** – бола ва бошқалар йиғлади (***yïğlar***, ***yïğlamaq***). (Шоир) шундай деган:

***Yelkin bolup barduqï,***
***Köŋlüm anar bağlayu.***
***Qaldïm erinč qadğuqa,***
***Išïm uðu yïğlayu.***

Айтмоқдаки: Севган кишим узоқларга кетди. Қалбим унга боғланиб қолган экан. Чўнг қайғуда қолдим. Ишим унинг ортидан йиғлаш бўлиб қолди.

[يُكْلَادِى ***yüklädi*** **(йуклади)** – юклади, ортди] ***ol tewäykä yük yüklädi*** – у туя ва бошқа нарсаларга юк ортди, юклади (***yüklär***, ***yüklämäk***).

[يِكْلَادِى ***yiklädi*** **(йиклади)**] ***ol yerig yiklädi*** – у ерни пайхон қилди. Бу сўз *yā* ҳарфини *alif* га алмаштириб гапирадиганлар сўзидир, тўғрироғи, ***iklädi*** дир (***yiklär***, ***yiklämäk***).

[يَمْلَادِى ***yamladï*** **(йамлади)** – супурди] ***ol ewin yamladï*** – у уйини супурди (***yamlar***, ***yamlamaq***).

[يِمْلَادِى ***yimlädi*** **(йимлади)** – имлади] ***ol meŋä yimlädi*** – у менга имлади (***yimlär***, ***yimlämäk***). Бу сўзнинг асли ***imlädi*** дир.

ن ***n*** [ҳарфи]:

[يَشْنَادِى ***yašnadï*** **(йашнади)**] ***yašïn yašnadï*** – чақмоқ чақди. Тос (лаган, товоқ), ойна ва шунинг сингари нарсаларнинг ялтирашига ҳам шу сўз қўлланади (***yašnar***, ***yašnamaq***).

[يِلْنَادِى ***yelnädi*** **(йелнади)** – елин солди] ***bi yelnädi*** – бия ва бошқа ҳайвонларнинг елини ялтираб кўринди. Бу елиннинг сутга тўлишида бўлади (***yelnär***, ***yelnämäk***).

## Бу бўлимнинг *manqūṣ* тури

ب ***b*** [ҳарфи]:

[بُيْبَادِى ***boybadï*** **(бўйбади)**] ***ol išïğ boybadï*** – у ишни чўзди, бепарволик қилди (***boybar***, ***boybamaq***).

[سَيْبَادِى ***saypadï*** **(сайпади)**] ***ol tavarïn saypadï*** – у молини беҳуда сарф қилди, исроф қилди (***saypar***, ***saypamaq***).

[سَيْرَادِى ***sayradï*** **(сайради)** – сайради] ***sanduvač sayradï*** – булбул кўнгилларга хуш ёқувчи лаҳнлар билан сайради.

[سَيْرَادِى ***sayradï*** **(сайради)** – беҳуда сўзлади] ***er telim sayradï*** – киши кўп беҳуда сўзлади. Бу сўз қарама-қарши маъноли сўзлардандир (***sayrar***, ***sayramaq***).

ي ***y*** [ҳарфи]:

[يَيْلَادِى ***yayladï*** **(йайлади)**] ***er tağda yayladï*** – киши тоғда ёзлади, ёзни ўтказди (***yaylar***, ***yaylamaq***).

Қоида: бу бўлимнинг буйруғи тўрт ҳарфлидир. Шунинг учун бу бўлимни биз тўрт ҳарфли деб атадик. Чунончи, ***et toğra*** (гўшт тўғра) ва ***ewkä oğra*** (уйга бор) гапларидаги ***toğra***, ***oğra*** сўз (буйруқ)лари шундайдир. Сўзловчи бу сўзларни ***toğrağïl*** (тўғрагин), ***oğrağïl*** (йўл ол) тарзида сўзлаши ҳам мумкин.

Бу бўлимнинг ўзга буйруғи ***toğrasun*** – тўғрасин, ***oğrasun*** – йўл олсиндир. Бу бўлимнинг бўлишсиз шакли буйруқ охирига *mīm* ва *alif* орттириб ясалади: ***oğrama***, ***toğrama*** – борма, тўграма демакдир. Бу феълнинг ўзга бўлишсиз шакли ***oğramasun***, ***toğramasun*** дир, "бормасин, тўғрамасин" демакдир.

Ишнинг келаси замонда бўлишини англатиш исталганда *ğayn* ҳарфи бўлган ёки, умуман, йўғон ҳарфли сўзларда буйруқнинг охирига *ğayn, alif, yā* қўшилади ва *kāf* ҳарфи бўлган ёки, умуман, ингичка ҳарфли сўзларда *ğayn* ўрнига *kāf* [*k // g*], *alif, yā* орттирилади. Чунончи, ***men et toğrağay-men*** – мен гўшт тўғрайман ва ***men aŋar oğrağay-men*** – мен унга йўл оламан каби.

Бу бўлим ва бундан бошқа бўлим феъллари ҳам шу хилдадир. Араб тилида ҳар хил маъно ва вазифалар сўз олдига қўшиладиган қўшимчалар воситаси билан ифода қилинади. Чунончи, ҳар хил маъноларни англатиш учун қўшиладиган қўшимчалар: сўроқни англатадиган қўшимча, келаси замон феъли олдига қўшиладиган *sīn* ва узик *alif* лар, боғловчи ҳамда турли қўшимчалар ва бошқа шунинг кабиларнинг ҳаммаси феъл олдига қўшилади. Лекин туркий тилларда сўз ўзаги ўз шаклини сақлайди. Ҳар хил вазифаларни бажарадиган турли қўшимчалар бу тилда, юқорида кўрилгандек, сўз охирига қўшилади.

Шунингдек, иш-ҳаракатнинг бажарувчисини англатувчи сўзларнинг шакллари, яъни ясовчилари ҳам арабчада сўз ўрталарига орттирилади. Чунончи, غافر غفار غفور каби. Лекин туркчада, сўз ўз бутунлигини сақлагани ҳолда, ҳар хил қўшимчалар қуйида кўрсатганимиздек, сўз охирига қўшилади.

Келаси замон бўлишсизлик феъли феълларнинг бўлишсизлик қўшимчасидан сўнг бир *sīn* орттириб ясалади. Чунончи, ***ol et toğramas*** – у гўшт тўғрамайди, ***ol seŋä oğramas*** – у сенга бормайди каби.

Ўзганинг бўлишсизлиги: ***ol et toğramasun*** – у гўшт тўғрамасин, ***ol aŋar oğramasun*** – у унга бормасин каби.

Кўпликлар қоидаси юқорида кўрсатиб ўтилди. Бу қоида шундайки, ўғуз ва қипчоқларда буйруқнинг бирлик шакли охирига *ğunna* ли *kāf* [*ŋ*] орттириб ясалади. Чунончи, ***et toğraŋ*** – гўшт тўгранглар ёки ***ewkä oğraŋ*** – уйга боринглар, дегандаги каби. Бу қоидага мувофикдир. Лекин турклар хурматлиларга ёки катта ёшлиларга сўзлаганларида, бирлик буйруқ шаклининг охирига *ğunna* ли *kāf* [*ŋ*] орттириб қўллайдилар. Бу *ğunna* ли *kāf* [*ŋ*] уларда хурмат белгиси сифатида ўрин олган. Кўпликда улар ***toğraŋlar***, ***oğraŋlar*** тарзида қўллайдилар. Шунинг учун икки мустакил кўплик белгисини бирга қўшиб қўллаш хато ҳисобланмай, тўғри деб тушунилади. Ўғузлар билан қипчоқлар биринчи усулни қўллайдилар. Қоидаси шундай.

Бу бўлимнинг ҳаракат бажарувчисини англатувчи шакли буйруқ охирига *-ğučï, -gučï* қўшимчаси қўшилиб ясалади: ***et toğrağučï*** – гўшт тўғрайдиган, ***ewkä oğrağučï*** – уйга борадиган дейилгандаги каби. Лекин ўғуз (ва қипчоқлар, саҳройи) ва суворинлар ҳамда улар билан бирга яшовчилар бу шаклни ***toğradačï***, ***oğradačï*** шаклида қўллайдилар. Бу ҳақдаги қоида юқорида баён қилинди.

Иш-ҳаракатнинг давомийлигини англатувчи сифатдош шакли ***toğrağan***, ***oğrağan*** дир, яъни "доим тўғрайдиган", "доим борадиган", "боришни истайдиган" демакдир. Бу қоида барча учун умумийдир.

Ишловчининг ишни бажариш орзусида эканлиги маъносини англатувчи сифатдош шакли йўғон ҳарфли ва таркибида ذ ظ ق ҳарфларидан бири бўлган ёки таркибида *ğayn* ҳарфи бўлган сўзларда *ğayn, sīn* ва *qāf* орттирилади, ингичка ҳарфли ёки таркибида *kāf* бўлган сўзларда *kāf, sīn* ва *kāf* орттирилади. Чунончи, ***ol et toğrağsaq-ol*** – у гўшт тўғрашни истайдиган, ***ol teväykä***

***yük yüklägsäk-ol*** – у туяга юк ортишни истайдиган дегандаги каби. Лекин бу хусусият бошқа бўлимлардагидек тўрт ҳарфлиларда кам қўлланади.

Иш-ҳаракатни бажаришга қасд қилганини, лекин ҳали бошламаганлигини англатадиган сифатдош қуйидагичадир: ***ol et toğrağlï-ol*** – у гўшт тўғрашга жазм қилгандир; ***ol seŋä oğrağlï-ol*** – у сенга боришга жазм қилгандир каби. Бошқалари ҳам шунга мувофиқ тузилади.

Иш-ҳаракатни бажариш унинг вазифаси эканини англатувчи сифатдош шакли қуйидагичадир: ***ol et toğrağlïq erdi*** – у гўшт тўғраши керак эди; ***ol seŋä oğrağlïq erdi*** – у сенинг ҳузурингга келиши керак эди каби. Лекин ўғуз ва қипчоқлар тилида бу сифатдошдаги *lām* ўрнига *sīn* алмаштириб қўлланади. Чунончи, ***ol et toğrağsïq / toğrağsaq erdi*** – у гўшт тўғраши керак эди; ***ol seŋä oğrağsïq / oğrağsaq erdi*** – у сенинг ҳузурингга келиши керак эди каби. Бу шаклни қўллашда кўпчилик туркий қабилалар ўғузлардан бошқа турклар тилига мувофиқ равишда қўллайдилар.

Бу сифатдошларнинг бўлишсиз шакллари буйруқ охирига *-ma, -mä* қўшиб ясалади. Чунончи, ***ol er et toğramadačï turur*** – у киши гўшт тўғрамайдигандир; ***ol yük yüklämdäči turur*** – у юк ортмайдиганлардандир. Бошқалари ҳам шунга қиёс қилинади.

Бошқа бир тилда йўғон ҳарфли сўзларда *mīm, ğayn, lām* ва *yā* ҳарфлари қўшиб, ингичка ҳарфли сўзларда *mīm, kāf, lām* ва *yā* ҳарфлари қўшиб қўлланилади: ***toğramağlï-ol, yüklämäglï-ol*** шаклида қўлланади.

Бажарилган ишни англатувчи мажҳул сифатдош қуйидагичадир: ***toğramïš et*** – тўғралган гўшт; ***ïrğamïš yïğač*** – ирғитилган ёғоч каби. Бунинг қоидаси сўзларнинг ўзаклардан ясалиши бўлимида баён қилинган.

Масдарларнинг бир қанчасини асосий феълларни изоҳлаган ўринларда баён қилганмиз. Бу ерда аслида масдар бўлмай, бошқа бир сўз билан боғланиш натижасида масдарга айланганлар ҳақидагина сўзлаймиз. Бу хил масдарлар ўзак охирига *käf* ёки *ğayn* қўшиб ясалади. Чунончи, ***anïŋ et toğrağï kör*** – унинг гўшт тўғрашини кўр; ***anïŋ oğrağï kör*** – унинг мўлжалини кўр, гапларидаги ***toğrağï, oğrağï*** масдарлари каби. Бу хил масдарлар исмлар ўрнига қўлланади. Булар кўп қўлланган учун уларни мисол сифатида келтирдим.

Пайт, жой, курол отлари бир хил усулда ясалади. Чунончи, ***bu et toğrağu*** – бу тўғраладиган гўшт; ***bu (et) toğrağu oğur-ol*** – бу гўшт тўғрайдиган вақтдир; ***bu toğrağu yer-ol*** – бу тўғрайдиган жойдир; ***bu toğrağu nāŋ*** – бу тўғрайдиган нарса (асбоб) дейилгандаги каби.

Бўлишсизлик шакли қуйидагичадир: ***bu toğrağu oğur ermäs*** – бу тўғрайдиган вақт эмас каби. Бошқалари ҳам шунга мувофиқ ясалади.

Сўнг билгилки, мен ўтган замон, келаси замон ва масдарларни бир ерда кўрсатиб бериш усулини қўлладим. Чунки ўтган замон билан келаси замон феълларининг ўрталаридаги ҳаракат ва *sukun* лар баъзан бир-бирига мос келса, баъзан тескари бўлади (яъни, мос келмайди). Уларни қоида бериш билангина билиб бўлмайди; фақат ҳар бирини аниқ кўрсатиб ўтишни талаб қилади. Чунончи, ***yer qurğadï*** – ер куриди. Бунинг келаси замон ва масдар шакллари ***qurğar, qurğamaq*** – ўтган замон шаклига мос келади. Яна ***ya qurdï*** – ёй курди гапидаги ***qurdï*** ўтган замон феълининг келаси замон ва масдар шакллари ҳам бир-бирига мос: ***qurar, qurmaq***. Ўтган замон шаклининг келаси замонга мос келмайдиган шакллари юқорида баён қилинди.

Бу бўлим бир қанча вазифаларда қўлланади: биринчидан, икки ёки уч ҳарфли *manqūṣ* феъллардан тузилиб, исми зикр қилинган нарса соҳасида ишловчининг бирор иш қилганини англатади. Чунончи, ***er oq kezlädi*** – киши ўқни камонга тўғрилади. Бу феълнинг асли ***kez*** – "отар жой" маъносидаги исм эди. *-lädi* қўшимчаси орттирилгач, феълга айланади. Яна: ***er***

***tawar kizlädi*** – киши мол ва бошқа нарсаларни яширди. Бу гапдаги ***kizlädi*** нинг асли ***kiz*** бўлган, *-lädi* қўшилиб, феъл ясалган.

*Manqūş* бўлимига кирадиган сўзлар қуйидагичадир: ***bulït qarladï*** – булутдан қор ёғди; ***qoğuš yağladï*** – киши тери ёғлади. Биринчи гапдаги ***qarladï*** нинг асли ***qar***, иккинчи гапдаги ***yağladï*** феълининг ўзаги ***yağ*** эди. Бу сўзлардаги *alif* енгиллик бўлиши учун туширилган.

Уч ҳарфли саҳиҳ исмлардан феъл ясаш учун фақат исм охирига бир *alif* орттириб ясалади. Бу хил исмларда *alif* билан бирга *lām* орттиришга эҳтиёж қолмайди. Чунончи, "чақмоқ" маъносидаги ***yašïn*** сўзидан феъл ясаш учун бу сўз охирига бир *alif* орттирилади: ***yašïn yašnadï*** – чақмоқ чақди каби. Яна: ***qïsraq qulnadï*** – бия болалади; ***qïsraq yelnädi*** – бия елин солди каби. Бу мисоллардаги исмлар саҳиҳ бўлгани учун биргина *alif* орттириш етарли бўлди; *lām* қўшмай, биргина *alif* орттириш билан сўз бутунлай феълга айланди.

Шунингдек, тўрт ҳарфли саҳиҳ исмларга ҳам охирги ҳарфи туширилиб, ўрнига *alif* орттирилиб, феъл ясалади. Тўрт ҳарфли исмларнинг охирги ҳарфи туширилгач, сўз уч ҳарфли бўлиб қолади. Унга *alif* орттирилса, тўрт ҳарфли феълга айланади. Чунончи, "юмшоқ нарса" маъносидаги ***yumšaq*** сўзидан ясалган феъл ***yumšadï*** шунга мисол бўлади, "нарса юмшади" демакдир.

***ol aŋar söz yastadï*** гапидаги ***yastadï*** сўзи ҳам шундай; "у унга киноя билан сўз ташлади" демакдир. Суяниш учун ёстиқ қўйилишига ҳам шу сўз қўлланади. Бунинг асли ***yastuq*** дир; ***suw bulğadï*** гапидаги ***bulğadï*** феъли ҳам шундай: "сувни булғатди; лойқалатди" демакдир. Бунинг асли ***bulğanuq / bulğayuq*** дир. Бу исмлардан *qāf* туширилган. Сўнг *alif* орттириш билан феълга айланган.

Бошқача айтганда, бу – исмлар охирига ҳарф қўшиб, феълдан ясалган исмлардир. Менинг фикримча, бу – тўғри. Чунки исмлар феъллардан ясалади. Чунончи, ***suðtï*** – тупурди, ***siðti*** – сийди феълларидан ***suðuq***, ***siðük*** исмлари феъл охирига *qāf, kāf* қўшилиб ясалган; "тупук" ва "сийдик" демакдир. ***et pïšdï*** гапидаги ***pïšdï*** феъли ҳам шундай. ***pïšïğ et*** – "пишган гўшт" маъносидаги ***pïšïğ*** сифатдоши ҳам ***pïšdï*** феълидан ясалган. Бу ҳол араб ва туркий тиллардан бошқа тилларда учрамайди.

Иккинчи ҳол, бу феъл ўзининг асл маъносида келишидир. Чунончи, ***er yïğač ïrğadï*** – киши ёғочни ирғитди. Яна: ***er yïğladï*** – киши йиғлади; ***er ïšqa oğradï*** – киши ишга киришди гапларидаги феъллар каби.

Араб тилидаги *mufā'alat* бобига ўхшаш иш икки ва ундан ортиқ киши шериклигида бажарилганини англатадиган феъл ясаш учун сўз охиридаги ҳарфи иллат туширилиб, унинг ўрнига *sīn* ҳарфи орттирилади. Чунончи, ***ol meniŋ birlä yïğač ïrğašdï*** – у мен билан ёғоч ирғитишди. Бу феъл ёрдамлашиш, баҳслашиш маъносини ҳам англатади. Яъни ***kiši barča yïğlašdï*** – кишилар йиғлашди ҳам шундай. Бошқа сўзларнинг ҳаммаси шунга қиёс қилинади.

Қилинмаган бирор ишни бажарувчи қилгандек кўриниш маъносини англатувчи сифатдош шаклли сўз охиридаги ҳарфи иллат туширилиб, унинг ўрнига *mīm*, *sīn*, *nūn* ҳарфлари қўшилиб ясалади. Чунончи, ***ol seŋä oğramsïndï*** – у сенга қасд қилаётгандай кўринди, ҳақиқатда у қасд қилмаган эди. Яна: ***ol yük yüklämsindi*** – у ҳақиқатда юк кўтармагани ҳолда, юк кўтаргандек кўринди каби. Бу қоидаларнинг бошқасини солим бўлимида кўрсатган эдик. Ҳамма сўзлар ана шу қоидага мувофиқ ясалади.

Улуғ Тангри хоҳласа, бундан четга чиқмайди.

ب ***b*** [ҳарфи]:

[تَبَالادِى ***tabaladī*** **(табалади)**] ***ol anї tabaladī*** – у уни ёмонлади, таҳқирлади, сўкди (***tabalar, tabalamaq***).

[تُپُولادِى ***töpülädi*** **(тўпулади)**] ***ol yağïnï töpülädi*** – у ёвнинг бошига урди (***töpülär, töpülämäk***).

[سُبِيلادِى ***subïladī*** **(субилади)**] ***subïladī näŋni*** – кенг нарсанинг ёнларини қирқиб, узун қилди, чўзиқ ҳолга келтирди (***subïlar, subïlamaq***).

ت ***t*** [ҳарфи]:

[چَتِيلادِى ***čatïladī*** **(чатилади)** – шақиллади] ***bergä čatïladī*** – қамчин шақиллаган овоз чиқарди. Шунга ўхшаш ҳар қандай товуш тақлидига нисбатан ҳам шу сўз қўлланади ([***čatïlar***], ***čatïlamaq***).

[سَتُولادِى ***satuladī*** **(сатулади)**] ***ol telim satuladī*** – у беҳуда гапларни кўп гапирди (***satular, satulamaq***).

ج ***č*** [ҳарфи]:

[سَچُولادِى ***sačuladī*** **(сачулади)**] ***ol suwluq sačuladī*** – у дастрўмол ва бошқа шунга ўхшаш нарсалар (бахяси)га сочуқ, попук, шокила қилди (***sačular, sačulamaq***[87]).

[قَچالادِى ***qačaladī*** **(қачалади)**] ***ol näŋni qačaladī*** – у нарсани идишда сақлади (***qačalar, qačalamaq***). Бу сўзнинг асли قَاچالادِى бўлган, кейинчалик *alif* туширилган.

[قِچِيلادِى ***qïčïladī*** **(қичилади)** – қитиқлади] ***ol meni qïčïladī*** – у мени қитиқлади. Бу қўлтиқ ости, оёқ кафти каби киши ушласа, кулги қистайдиган жойларни қашишдир (***qïčïlar, qïčïlamaq***).

ر ***r*** [ҳарфи]:

[قَرالادِى ***qaraladī*** **(қаралади)**] ***ol qaraladī näŋni*** – у нарсани қорайтирди (***qaralar, qaralamaq***).

[قَرِيلادِى ***qarïladī*** **(қарилади)**] ***ol yerig qarïladī*** – у ер ва бошқа жойларни ўлчади.

[قَرِيلادِى ***qarïladī*** **(қарилади)**] ***ol erig qarïladī*** – у у кишини қари деб ҳисоблади, қариға чиқарди (***qarïlar, qarïlamaq***).

[قَرالادِى ***qaraladī*** **(қаралади)**] ***ït qaraladī*** – ит булғатди.

[قَرِيلادِى ***qarïladī*** **(қарилади)**] ***tüpi qarïğ qarïladī*** – шамол гувиллаб қор олиб келди (***qarïlar, qarïlamaq***).

غ ***ğ*** [ҳарфи]:

[چُغِيلادِى ***čoğïladī*** **(чўғилади)**] ***er čoğïladī*** – киши бақир-чақир қилди (***čoğïlar, čoğïlamaq***). Бу сўз баъзан ***čağïladī*** шаклида ҳам талаффуз қилинади.

[جَغِيلادِى ***jağïladī*** **(жағилади)**] ***suw jağïladī*** – сув шариллади. Бу сўзнинг ***žağïladī*** ва ***šağïladī*** шаклларидаги талаффузи ҳам бор (***šağïlar, šağïlamaq***). (Шоир) шундай деган:

***Qatunsïnï čoğïladī,***
***Taŋut begin yağïladī.***
***Qanï aqïp žağïladī,***
***Boyun suwïn qïzïl sağdï.***

*Qatunsïnï* – *Taŋut* билан *Sïn* орасидаги бир шаҳар оти; шу жойда яшовчилар тангутлар билан жанг қилдилар. *Qatunsïnï* халқи қий-чув солиб, тангут халқи ва уларнинг беги билан

---

[87] Бу сўз *kāf* ва *qāf* билан ёзилган (سَچُولامَاكْ).

ёвлашди, ҳаттоки, қонлари шовуллаб оқди. Бўйинлар қизил сув билан, яъни қон билан ювилди.

[سَغُولَادِى *sağuladï* (**сағулади**)] ***er buğday sağuladï*** – киши буғдой ва бошқа нарсаларни ўлчади (***sağular, sağulamaq***).

و *w* [ҳарфи]:

[چِفِيلَادِى *čïwïladï* (**чивилади**)] ***küb čïwïladï*** – хум қайнади. Мева суви шақирлаб овоз бериб қайнашига ҳам шу сўз қўлланади (***čïwïlar, čïwïlamaq***).

ق *q* [ҳарфи]:

[تُقُولَادِى *toquladï* (**тўқулади**)] ***er qaðïš toquladï*** – киши қайиш (камар)га тўқа тақди (***toqular, toqulamaq***).

[تِقِيلَادِى *tïqïladï* (**тиқилади**)] ***tïqïladï näŋ*** – бир мағизли нарса, коваги бўлмаган зич нарса устига бир нарса тушгандек товуш чиқарди. Чунончи, тирговичнинг экин ва шунинг кабилар устига тушишига ҳам шу сўз қўлланади (***tïqïlar, tïqïlamaq***).

ك *k* [ҳарфи]:

[تِكُولَادِى *tïkülädi* (**тикулади**)] ***ol meŋä et tïkülädi*** – у менга бир бўлак гўшт ва бошқа нарсалардан берди.

[تِكُولَادِى *tïkülädi* (**тикулади**)] ***ol begkä näŋ tïkülädi*** – у бекка бирор нарсани пора қилиб берди. Бу сўз олдинги (сўз)дан олинган (***tïkülär, tïkülämäk***).

[تِكِيلَادِى *tïkilädi* (**тикилади**)] ***tïkilädi näŋ*** – нарса шилдираб, майин овоз чиқарди (***tïkilär, tïkilämäk***).

ل *l* [ҳарфи]:

[تَلُولَادِى *taluladï* (**талулади**)] ***ol taluladï näŋni*** – у нарсани танлади (***talular, talulamaq***).

م *m* [ҳарфи]:

[تُمِيلَادِى *tümilädi* (**тумилади**)] ***ešyäk tümilädi*** – эшак қадам ташлади. Бу унинг йўргалашига нисбатан айтилади. Бу сўз кўпинча ***tümiländi*** шаклида қўлланади (***tümilär, tümilämäk***).

[تَمُولَادِى *tamuladï* (**тамулади**)] ***ol suwuğ tamuladï*** – у сув тўғонини маҳкамлади (***tamular, tamulamaq***).

## Бу бўлимнинг *miṣāl* тури

ب *b* [ҳарфи]:

[يُپِيلَادِى *yupïladï* (**йупилади**)] ***ol anï yupïladï*** – у уни алдади. (Шеърда) шундай деган:

***Taŋut xanï yupïladï,***
***Ölüm birlä töpülädi.***
***Qaðašlarï tabaladï,***
***Ölüm körüp yüzi ağdï.***

Айтмоқдаки: *Taŋut* хони *Qatunsïnï* нинг хонини авради, унга тўсатдан зарба берди. Енгилганини кўрган қариндошларининг ори келди, бу ҳолга ёв севинди. Ўлим ваҳми юзлангач, ранги ўчди, юзларининг ранги ўчди. Бу – ўғуз ва қипчоқ тилида (***yupïlar, yupïlamaq***). Бошқа турклар бу сўзни ҳам қўллайдилар. Улар "ҳийла" маъносида ***yap, yup*** шаклини қўллайдилар, бундан феъл ясамайдилар.

س *s* [ҳарфи]:

[يَسِيلَادِى *yasïladï* (**йасилади**)] ***ol yasïladï näŋni*** – у нарсани супра ва шунга ўхшаш нарсага ёйилган хамирдек ёйди; ***ol sözüg yasïladï*** – у сўзни очиқ-ойдин сўзлади, пичинг, қочириқли қилмади (***yasïlar, yasïlamaq***).

غ *ğ* [харфи]:

[يَغِيلَادِى *yağïladï* (**йағилади**)] ***ol anï yağïladï*** – у унга душманлик қилди.

[يَغِيلَادِى *yağïladï* (**йағилади**)] ***er yağï yağïladï*** – эр ёв билан жанг қилди (***yağïlar***, ***yağïlamaq***).

**Бу бўлимнинг *manqūş* тури**

[أَيَالَادِى *ayaladï* (**айалади**)] ***qïz ayaladï*** – қиз икки қўлининг кафтларини бир-бирига урди (***ayalar***, ***ayalamaq***). Бу тўғри, фасиҳ сўздир.

[أُيَالَادِى *uyaladï* (**уйалади**)] ***quš uyaladï*** – қуш уя қурди (***uyalar***, ***uyalamaq***).

[كُيَالَادِى *küyäladi* (**куйалади**)] ***er keδiz küyäladi*** – киши куяни кигиз ва бошқа нарсалардан туширди, қоқди (***küyälär***, ***küyälämäk***). Бу бўлимнинг қоидаси бундан олдинги бўлимда кўрсатганимиздекдир. Бу бўлим бир қанча вазифаларда қўлланади:

Биринчи: асли тўрт ҳарфли бўлган уч ҳарфли исмларга *-ladï, -lädi* қўшилиб, феъл ясалади. Ишловчи ўзакда ифодаланган иш-ҳаракат бўйича бирор иш қилганини англатади. Чунончи, ***er ton qaraladï*** – киши тўнни қорайтирди; ***yer qarïladï*** – ер ўлчади, дегандаги каби.

Иккинчи: исмларга *-ladï, -lädi* қўшилиб ясалган феъл киши шу феълда зикр қилинган ҳаракатга нисбат берилганлик маъносини англатади. Чунончи, ***ol erig aqïladï*** – у кишини сахий деб билди. Яна: ***ol anï qarïladï*** – у уни қарига чиқарди, каби.

Учинчи: ўз ҳолига мустақил феъл бўлиб, бу хил маънолардан ҳеч бири ифода қилинмайди. Чунончи, ***ol anï qïčïladï*** – у уни қитиқлади. Яна: ***ešyäk tümilädi*** – эшак йўрғалади, каби.

Тўртликлар бўлими тугади.

**БУ БЕШ ҲАРФЛИЛАР БОБЛАРИДИР**

***fa'al'adī* қолипидаги сўзларнинг *'ayn* ҳарфи**
**ҳар хил ҳаракатлар билан келган сўзлар бўлими**

ت *t* [ҳарфи]:

[تُبْتُلَادِى *tüpütlädi* (**тупутлади**)] ***ol anï tüpütlädi*** – у уни тупутларга нисбат берди, тупут деб билди; улар бир тоифа халқдир (***tüpütlär***, ***tüpütlämäk***).

[كِرْتُلَادِى ***kiritlädi*** (**киритлади**) – қулфлади] ***ol qapuğ kiritlädi*** – у эшикни қулфлади (***kiritlär***, ***kiritlämäk***).

ج *č* [ҳарфи]:

[جَنَجْلَادِى *čanačladï* (**чаначлади**)] ***ol anï čanačladï*** – у уни кучсиз, бўшашганга чиқарди (***čanačlar***, ***čanačlamaq***).

[قَلَجْلَادِى ***qulačladï*** (**қулачлади**)] ***ol oruqnï qulačladï*** – у арқонни ва бошқа нарсаларни қулочлаб ўлчади (***qulačlar***, ***qulačlamaq***).

[قِلِجْلَادِى ***qïlïčladï*** (**қиличлади**)] ***ol anï qïlïčladï*** – у уни қилич билан урди (***qïlïčlar***, ***qïlïčlamaq***).

[قَمِجْلَادِى ***qamïčladï*** (**камичлади**)] ***ol münüg qamïčladï*** – у шўрвага чўмич ботирди (***qamïčlar***, ***qamïčlamaq***).

ر *r* [ҳарфи]:

[بَغْرْلَادِى ***bağïrladï*** (**бағирлади**)] ***ol anï bağïrladï*** – у унинг бағрига урди.

[بَغْرْلادِى ***bağïrladï*** (**бағирлади**)] ***ol yasïn bağïrladï*** – у ёй дастасини тузатди (***bağïrlar***, ***bağïrlamaq***).

[جَغْرْلادِى ***čağïrladï*** (**чағирлади**)] ***ol üzümni čağïrladï*** – у узумни чоғир (шарбат) қилди (***čağïrlar***, ***čağïrlamaq***). Кишининг ичкилик ичишига ҳам шу сўз қўлланади.

[چِغْرْلادِى ***čïğïrladï*** (**чиғирлади**)] ***yerig čïğïrladï*** – у йўлда кичик йўл қилди ва у йўлдан кетди. Ерни қор босганда, биров оёғи билан йўл очишига ҳам шу сўз қўлланади (***čïğïrlar***, ***čïğïrlamaq***).

[سِغْرْلادِى ***sïğïrladï*** (**сиғирлади**)] ***ol anï sïğïrladï*** – у уни сигир ҳисоблади, сигирга тенглаштирди (***sïğïrlar***, ***sïğïrlamaq***).

[بُكْرْلادِى ***bükürlädi*** (**букурлади**)] ***ol anï bükürlädi*** – у унинг букирига урди.

[بُكْرْلادِى ***bükürlädi*** (**букурлади**)] ***ol yağïnï bükürlädi*** – у ёв сафига юзма-юз бормай, ўнгдан-сўлдан зарба берди (***bükürlär***, ***bükürlämäk***).

س ***s*** [ҳарфи]:

[تَرَسْلادِى ***tarasladï*** (**тараслади**)] ***alp čerig tarasladï*** – баҳодир аскарни тўзитди. Яна: ***čağrï qazïğ tarasladï*** – қирғий ғозни тўзитди. Ҳар қандай нарса ўзининг кучи билан бошқа бир нарсани тарқатиб, тўзитиб юборишига ҳам шу сўз қўлланади (***taraslar***, ***taraslamaq***[88]).

[تَرُسْلادِى ***tarusladï*** (**таруслади**)] ***ol ewin tarusladï*** – у уй тепасини ёпди, бекитди (***taruslar***, ***taruslamaq***).

[قُرْتْسادِى ***qurutsadï*** (**қурутсади**)] ***er qurutsadï*** – кишининг қурут егиси келди (***qurutsar***, ***qurutsamaq***).

[بَغْرْسادِى ***bağïrsadï*** (**бағирсади**)] ***er bağïrsadï*** – кишининг кўнгли жигар тусади (***bağïrsar***, ***bağïrsamaq***).

[كَدْرْسادِى ***keδürsädi*** (**кедурсади**)] ***ol meŋä ton keδürsädi*** – у менга тўн кийгизмак истади (***keδürsär***, ***keδürsämäk***).

[تَتْغْسادِى ***tatïğsadï*** (**татиғсади**)] ***er tatïğsadï*** – кишининг кўнгли ширинлик истади (***tatïğsar***, ***tatïğsamaq***).

[سَتْغْسادِى ***satïğsadï*** (**сатиғсади**) – сотмоқчи бўлди] ***er atïn satïğsadï*** – киши отини сотмоқчи бўлди. (Шеърда) шундай деган:

***Ewin-barqïn satïğsadï,***
***Yuluğ berip yarïğsadï.***
***Tirig ersä turuğsadï,***
***Aŋar saqïnč küni tuğdï.***

Айтмоқдаки: Ўзини қутқаришга фидо (курбон) қилсин деб, ёв унинг уйини, жойини сотмоқ истади. У тирик қолмоқ истади. Лекин унга қайғули кунлар туққан эди (***satïğsar***, ***satïğsamaq***).

[بَرْغْسادِى ***barïğsadï*** (**бағирсади**) – бормоқ истади] ***ol ewkä barïğsadï*** – у уйга ва бошқа ерга кетмоқчи бўлди (***barïğsar***, ***barïğsamaq***).

[تُرْغْسادِى ***turuğsadï*** (**туруғсади**) – турмоқ истади] ***ol munda turuğsadï*** – у бу ерда турмоқ истади (***turuğsar***, ***turuğsamaq***).

***قُرُغْسيدِى ***quruğsïdï*** (**куруғсиди**) – қуришга юз тутди (***quruğsïr***, ***quruğsïmaq***). Шунинг учун ҳам меъдага ***quruğsaq*** деб от берилган. Чунки вақт ўтиши билан қуриғсиниб, егуликка эҳтиёж сезади.

---

[88] Бу сўз *kāf* ва *qāf* билан ёзилган (تَرَسْلاماكْ).

[بَلِقْسَادِى ***balïqsadï*** **(балиқсади)**] ***er balïqsadï*** – кишининг кўнгли балиқ тусади (***balïqsar, balïqsamaq***).

[بِلِكْسَادِى ***biligsädi*** **(билигсади)**] ***oğlan biligsädi*** – ўғлонда билим олишга иштиёқ туғилди (***biligsär, biligsämäk***).

[بَرِكْسَادِى ***berigsädi*** **(беригсади)**] ***ol meŋä tavar berigsädi*** – у менга мол ва бошқа нарсаларни бермакчи бўлди (***berigsär, berigsämäk***).

[كُرُكْسَادِى ***körügsädi*** **(кўругсади)**] ***ol meni körügsädi*** – у мени кўришни истади (***körügsär, körügsämäk***).

[كِرِكْسَادِى ***kirigsädi*** **(киригсади)**] ***ol ewkä kirigsädi*** – у уй ва бошқа ерларга кирмакчи бўлди (***kirigsär, kirigsämäk***).

[كِلِكْسَادِى ***keligsädi*** **(келигсади)** – келмак истади] ***ol meŋä keligsädi*** – у менинг ёнимга келгиси келди (***keligsär, keligsämäk***).

ش ***š*** [харфи]:

[بَغِشْلَادِى ***bağïšladï*** **(бағишлади)**] ***ol meŋä at bağïšladï*** – у менга от ва бошқа нарсаларни туҳфа килди (***bağïšlar, bağïšlamaq***).

[تَقْشْلَادِى ***tawušladï*** **(тавушлади)**] ***tawušladï näŋ*** – нарсада сезги ва ҳаракат бошланди, пайдо бўлди (***tawušlar, tawušlamaq***).

[سُرُشْلَادِى ***sorušladï*** **(сўрушлади)**] ***ol tarïğ sorušladï*** – у ейиш учун буғдой бошоғини қовурди (***sorušlar, sorušlamaq***).

[قَدِشْلَادِى ***qaδïšladï*** **(қадишлади)**] ***ol könüg qaδïšladï*** – у кўндан қайиш кесди (***qaδïšlar, qaδïšlamaq***).

[قَرِشْلَادِى ***qarïšladï*** **(қаришлади)**] ***ol barčïn qarïšladï*** – у ипак кийимлик ва бошқа нарсаларни каричлаб ўлчади (***qarïšlar, qarïšlamaq***).

غ ***ğ*** [харфи]:

[پِشِغْلَادِى ***pïšïğladï*** **(пишиғлади)**] ***ol et pïšïğladï*** – у гўшт ва бошқа нарсаларни пиширди (***pïšïğlar, pïšïğlamaq***).

[سَتِغْلَادِى ***satïğladï*** **(сатиғлади)**] ***ol aniŋ birlä satïğladï*** – у унинг билан бирга сотди (***satïğlar, satïğlamaq***). Бу сўзнинг тўғрироғи ***satïğlašdï*** шаклидир. Лекин ҳар икки шакл ҳам бирдай қўлланади.

[سَرِغْلَادِى ***sarïğladï*** **(сариғлади)**] ***ol tonïn sarïğladï*** – у кийим ва бошқа нарсаларини сариқ рангга бўяди (***sarïğlar, sarïğlamaq***).

[قِدِغْلَادِى ***qïδïğladï*** **(қидиғлади)**] ***ol börk qïδïğladï*** – у бўрк ва бошқа нарсаларнинг четини тикди (***qïδïğlar, qïδïğlamaq***).

[قُرُغْلَادِى ***quruğladï*** **(қуруғлади)**] ***quruğladï näŋni*** – нарсани бўшатди (***qïruğlar, qïruğlamaq***).

[قَسِغْلَادِى / قَسِغْلَادِى ***qasïğladï / qïsïğladï*** **(қасиғлади / қисиғлади)**] ***ol qulïn / qulun qasïğladï / qïsïğladï*** – у қулининг даҳанига урди (***qasïğlar / qïsïğlar, qasïğlamaq / qïsïğlamaq***).

ق ***q*** [харфи]:

[بَتَقْلَادِى / بَتَقْلَادِى ***butïqladï / butaqladï*** **(бутиқлади / бутақлади)**] ***ol yïğačïğ butïqladï / butaqladï*** – у дарахт бутогини кесди, бутади (***butïqlar / butaqlar, butïqlamaq / butaqlamaq***). Бу сўзнинг тўғрироғи ***butïdï / butadï*** дир.

[تُتُقْلَادِى ***tutuqladï*** **(тутуқлади)**] ***ol oğlïn tutuqladï*** – у ўғлининг тумруғига урди ёки ўша ерга уришга нисбат берди (***tutuqlar, tutuqlamaq***).

[بَشَقْلَادِى ***bašaqladï*** **(башақлади)**] ***ol söŋü bašaqladï*** – у найза учига темир ўрнатди (***bašaqlar, bašaqlamaq***).

[تُرُقْلادِی ***turuqladï*** (**туруқлади**)] ***ol atïğ turuqladï*** – у от ва бошқа ҳайвонларни ориқлатди; ориқ-туруқ қилди (***turuqlar, turuqlamaq***).

[چِبِقْلادِی / چِبِقْلادِی ***čïbïqladï / čïbuqladï*** (**чибиқлади / чибуқлади**) – чивиқ билан урди] ***ol atïn čïbïqladï / čïbuqladï*** – у отни чивиқ (ҳўл новда) билан урди (***čïbïqlar, čïbïqlamaq***).

[جَرُقْلادِی / جَرُقْلادِی ***čaruqladï / čarïqladï*** (**чаруқлади / чариқлади**)] ***ol aδaqïn čaruqladï / čarïqladï*** – у оёғига туркча чориқ кийди (***čaruqlar / čarïqlar, čaruqlamaq / čarïqlamaq***). ***čaruq / čarïq*** қабиласига нисбат берилса ҳам шу сўз қўлланади.

[قَبَقْلادِی ***qabaqladï*** (**қабақлади**)] ***er qïzïğ qabaqladï*** – киши қизни хароб қилди, бузди (***qabaqlar, qabaqlamaq***).

[قُچَقْلادِی ***qučaqladï*** (**қучақлади**)] ***ol barčïn qučaqladï*** – у шоҳи кийимликни ўраб олди (***qučaqlar, qučaqlamaq***).

[قَرَقْلادِی ***qaraqladï*** (**қарақлади**)] ***tavarïğ qaraqladï*** – йўлни кесиб ўтди ва молни олди (***qaraqlar, qaraqlamaq***). Бу яғмолар сўзидир.

[قَشِقْلادِی / قَشِقْلادِی ***qašïqladï / qašuqladï*** (**қашиқлади / қашуқлади**)] ***ol balïğ qašïqladï / qašuqladï*** – у болни қошиқ билан ялади (***qašïqlar / qašuqlar, qašïqlamaq / qašuqlamaq***).

[قُلَقْلادِی ***qulaqladï*** (**қулақлади**) – қулоғига урди] ***ol oğlïn qulaqladï*** – у ўғлининг қулоғига урди (***qulaqlar, qulaqlamaq***).

[قُمُقْلادِی ***qumuqladï*** (**қумуқлади**) – тезаклади] ***at qumuqladï*** – от тезаклади. Бу сўз ***qumuq*** қа нисбат беришда ҳам қўлланади; у киши отидир (***qumuqlar, qumuqlamaq***).

[قُنُقْلادِی ***qonuqladï*** (**қўнуқлади**) – меҳмон қилди] ***beg meni qonuqladï*** – бек ва бошқалар мени меҳмон қилди (***qonuqlar, qonuqlamaq***). Ўғузлардан бошқа қабилаларнинг тилида бу сўз "уй эгаси ёқтирмаган ҳолда, бировнинг уйида туриш" маъносида келади.

(Шеърда) шундай деган:

***Yağï begdin uδuqladï / uδïqladï,***
***Körüp süni aδïqladï.***
***Ölüm anï qonuqladï,***
***Ağïz ičrä ağu sağdï.***

Айтмоқдаки: Ёв бекни кўриб, писанд қилмади, бирдан қўшинни кўриб, ҳайратга чўмди, бу кутилмаган ҳодисадан шошиб қолди. Уни ўлим меҳмон қилди. Оғзига оғу томди.

ک ***k*** [ҳарфи]:

[پِچَکْلادِی ***pičäklädi*** (**пичаклади**)] ***ol anï pičäklädi*** – у уни пичоқлади, пичоқ билан урди (***pičäklär, pičäklämäk***).

[بَدُکْلادِی ***bedüglädi*** (**бедуглади**)] ***ol meni bedüglädi*** – у мени катта деб ҳисоблади (***bedüglär, bedüglämäk***).

[بَلَکْلادِی ***beläklädi*** (**белаклади**)] ***ol meŋä beläklädi*** – у менга туҳфа, ҳадя берди (***beläklär, beläklämäk***).

[تَزَکْلادِی ***tezäklädi*** (**тезаклади**) – тезаклади] ***at tezäklädi*** – от ва бошқа ҳайвонлар тезаклади (***tezäklär, tezäklämäk***).

[تَژِکْلادِی ***täžiklädi*** (**тажиклади**) – тожиклади] ***ol anï täžiklädi*** – у уни форсийлардан санади, форсийларга ўхшатди (***täžiklär, täžiklämäk***).

[تَشُکْلادِی ***tešüklädi*** (**тешуклади**)] ***ol anï tešüklädi*** – у уни сук, очкўз деб ҳисоблади (***tešüklär, tešüklämäk***).

[چُرَکْلادِی ***čüräklädi*** (**чураклади**)] ***ol unuğ čüräklädi*** – у хамирдан чурак кулча (лочира) ясади (***čüräklär, čüräklämäk***).

[كَرَكْلَادِى ***keräklädi*** **(кераклади)**] ***ol anï keräklädi*** – у уни ахтарди, истади (***keräklär***, ***keräklämäk***).

[كُرُكْلَادِى ***körüklädi*** **(кўруклади)**] ***ol otuğ körüklädi*** – у оловни пуфлади (***körüklär***, ***körüklämäk***).

[كُچُكْلَادِى ***köčüklädi*** **(кўчуклади)**] ***ol oğlïn köčüklädi*** – у ўғлининг оркасига урди (***köčüklär***, ***köčüklämäk***).

[كِچِكْلَادِى ***kičiglädi*** **(кичиглади)**] ***ol anï kičiglädi*** – у уни кичик ҳисоблади (***kičiglär***, ***kičiglämäk***).

م ***m*** [ҳарфи]:

[تُرُمْلَادِى ***turumladï*** **(турумлади)**] ***ol suwuğ turumladï*** – у сув чуқурлигини бўйи билан ўлчади (***turumlar***, ***turumlamaq***).

[تَرِمْلَادِى ***tarïmladï*** **(таримлади)**] ***ol ögüzni tarïmladï*** – у сувнинг бир томонидан иккинчи томонига (бир оролдан бошқа оролга) кечиб ўтди (***tarïmlar***, ***tarïmlamaq***). Бу ботқоқдан қочиш учун қилинади.

ن ***n*** [ҳарфи]:

[بُتُنْلَادِى ***bütünlädi*** **(бутунлади)**] ***ol sözüg bütünlädi*** – у сўз ва бошқа нарсаларнинг бўлган-бўлмаганлигини текширди (***bütünlär***, ***bütünlämäk***).

[بُرُنْلَادِى ***burunladï*** **(бурунлади)**] ***ol anï burunladï*** – у унинг бурнига урди (***burunlar***, ***burunlamaq***).

[تَپَنْلَادِى ***tapanladï*** **(тапанлади)**] ***tevi tapanladï*** – туя оёғининг таги билан урди (***tapanlar***, ***tapanlamaq***).

[سَپَنْلَادِى ***sapanladï*** **(сапанлади)**] ***ol yerig sapanladï*** – у ерни ҳайдади, ағдарди (***sapanlar***, ***sapanlamaq***).

**Бу бўлимнинг *miṣāl* тури**

ر ***r*** [ҳарфи]:

[يَغْرْلَادِى ***yağïrladï*** **(йағирлади)**] ***ol atïn yağïrladï*** – у отининг яғирини тузатди. Агар отни яғир қилди дейилмоқчи бўлса, ***ol atïğ yağrïttï*** дейилади. Яъни "у отини яғир қилди", демакдир. Бу арабча "қашшоқланди" маъносида ترب деб, "бойиди" маъносида اترب дейилгани кабидир; ёки "зулм қилди" маъносида قسط деб, "одиллик қилди" маъносида اقسط дейиш ҳам шундай (***yağïrlar***, ***yağïrlamaq***).

ز ***z*** [ҳарфи]:

[يَوْزْلَادِى ***yawuzladï*** **(йавузлади)**] ***ol yawuzladï näŋni*** – у нарсани ёмон деб ҳисоблади (***yawuzlar***, ***yawuzlamaq***).

ق ***q*** [ҳарфи]:

[يَزْقْلَادِى / ***yazïqladï*** / ***yazïqladï*** **(йазуқлади / йазиқлади)**] ***beg anï yazuqladï / yazïqladï*** – бек уни айблади (***yazuqlar***, ***yazuqlamaq***).

ك ***g*** [ҳарфи]:

[يِتِكْلَادِى ***yitiglädi*** **(йитиғлади)**] ***ol at yitiglädi*** – у йўқолган от ва бошқа нарсаларни қидирди (***yitiglär***, ***yitiglämäk***).

م ***m*** [ҳарфи]:

[يَرِمْلَادِى ***yarïmladï*** **(йаримлади)**] ***ol yoluğ yarïmladï*** – у йўлни ва бошқа нарсаларни яримлади (***yarïmlar***, ***yarïmlamaq***).

[يِلِمْلَادِى ***yelimlädi*** **(йелимлади)** – елимлади] ***ol oq yelimlädi*** – у ўққа пат ёпиштирди.

[يِلملادِى *yelimlädi* (**йелимлади**)] ***ol yoluğ yelimlädi*** – у йўлда ёв пистирмаси ёки айғоқчиси бор-йўқлиғини билиш учун аскардан олдинроқ кетди (***yelimlär***, ***yelimlämäk***[89]).

**ڭ *n*** [ҳарфи]:

[يغرِنلادِى ***yağrïnladï*** (**йағринлади**)] ***ol anï yağrïnladï*** – у унинг яғринига, кифт суягига урди (***yağrïnlar***, ***yağrïnlamaq***).

Қоида: бу бўлимнинг буйруқ шакли беш ҳарфлидир. Чунончи, ***meni ağïrla*** (мени ҳурмат қил), ***meŋä at bağïšla*** (менга от совға қил) гапларидаги ***ağïrla***, ***bağïšla*** буйруқлари каби.

Турли феъл турларидаги бўлишсизлик шакллари, буйруқ ва фоиллар, сифатдошларнинг маълум ва мажҳул шакллари, жой, пайт, курол отлари юқоридаги бўлимларда кўрсатилган қоидага мувофиқ ясалади. Ҳамма бўлимлар учун қоида бирдир. Бу бўлимдан мажҳул феъл ясаш учун буйруққа бир ***lām*** қўшилади. Бу вақт феълда икки ***lām*** пайдо бўлади. Чунончи, ***er ağïrlaldï*** – киши ҳурмат қилинди. Яна: ***at bağïšlaldï*** – от туҳфа қилинди, каби. Бу феълларда ***lām*** ўрнига ***nīn*** қўллаб, ***at bağïšlandï*** – от туҳфа қилинди, ***er ağïrlandï*** – киши ҳурмат қилинди шаклида қўллаш ҳам мумкин. Лекин кўпинча биринчи шакл қўлланади.

Иш икки киши орасида бажарилганини англатиш учун феълга ***šīn*** орттириб ясалиш қоидаси юқорида таништирилган эди.

Бу бўлим олти хил вазифада келади. Биринчи: феъл ҳарфи иллатсиз, уч ҳарфли исмлардан ясалган бўлади. Чунончи, ***qapuğ kiritlädi*** – эшикни қулфлади, кабиким, бу феълда ўзак ***kirit*** – калит, демакдир. Бунда ўзакка ***-lädi*** орттириб, феъл ясалди. Ёки ***ol anï qasïğladï*** – у унинг икки жағига урди. Бу гапда ўзак ***qasïğ*** исм эди, бунга ***-ladï*** орттирилгач, феълга айланди. Ҳар бир маънони ифодалашда бу бўлимда шундай қоида сақланади.

Иккинчи: номи зикр қилинган сўз, у хоҳ киши оти, хоҳ бошқа сўз бўлсин, бир нарса қаторида ҳисобланганлик маъносини англатади. Чунончи, ***ol anï oğuzladï*** – у уни ўғузга нисбат берди, улардан деб ҳисоблади. Яна: ***ol anï čigillädi*** – у уни чигиллардан ҳисоблади, уларга нисбат берди, каби.

Киши ҳар қандай нарсага нисбат беришига ҳам шу сўз қўлланади. Чунончи, ***ol anï saranladï*** – у уни бахил деб ҳисоблади, бахилга нисбат берди. Бу арабчада الظلم و الفسق зулмга нисбат бердим, фисққа нисбат бердим, ибораси каби.

Учинчи: гапда зикр қилинган аъзога ўтишлик маъносини англатади. Чунончи, ***ol anï qarïnladï*** – у унинг қорнига урди. Яна: ***ol anï bükürlädi*** – у унинг букирига урди, каби. Бу хусусият араб тили билан мусобақа қиладиган туркий тиллардаги алоҳида фазилатдир. Арабчада ҳам исмдан феъл ясаш бор. Чунончи, "сонига урди" маъносида сон маъносидаги فخذ ***faxz*** исмидан феъл ясаб, فخذه ***faxazahu*** дейдилар. "Бошига урди" маъносидаги راسه ***raasahu*** "сийдикли жойига урди" маъносидаги مثنه ***masanahu*** ва "терисига урди" маъносида جلده ***jaladahu*** ва шунинг сингарилар юқорида айтиб ўтилгани кабидир. Туркий тилларда ҳам шундай қилинади. Чунончи, "кўкрак" маъносидаги ***töš*** исмидан ясалган ***töšlädi*** –"тўшига урди", демакдир. Шу маъноларда исмлардан ясаладиган феъллар ҳамма туркий тилларда ҳам қўлланади.

Тўртинчи: ишловчи ишни зикр қилинган курол билан ишлаганлиги маъносини англатади. Чунончи, ***ol anï qïlïčladï*** – у уни қилич билан урди. Яна: ***ol atïğ čïbïqladï*** – у отни чивиқ билан урди, каби.

---

[89] Бу сўз *kāf* ва *qāf* билан ёзилган (يِلملاماكق).

Бешинчи: гапда зикр қилинган сўз ажралиб чиққанлик маъносини англатади. Чунончи, ***pamuq uruğladï*** – пахта чигитини айирди. Яна: ***taluladï näŋni*** – нарсани ўз жинси ичидан айирди, каби.

Олтинчи: ўз ҳолига мустақил бир шакл бўлиб, юқоридаги маънолардан ҳеч бири ифода қилинмайди. Чунончи, ***ol meŋä at bağïšladï*** – у менга от ва бошқа нарсалар ҳадя қилди. Яна: ***Täŋri meni ağïrladï*** – Тангри мени сийлади, каби. Сўнг билгилки, ҳар қандай исмдан феъл ясалиши учун қоида умумий бўлса ҳам, аслида ҳар қандай исмдан феъл ясалавермайди. Чунончи, "ўрмон ёнғоғи" маъносидаги ***qosuq / qosïq*** сўзидан ***qosuqladï / qosïqladï*** тарзида феъл ясаб бўлмайди. Ҳолбуки, ***qašuq*** сўзидан ***qašuqladï*** шаклида феъл ясаш мумкин. Шунингдек, "от кўноқ еди" маъносида ***at qonaqladï*** деб бўлмайди. Аммо ***ol meni qonuqladï*** – "у мени меҳмон қилди" тарзида қўллаш мумкин бўлар эди. Чунки бу сўзларнинг ҳар иккиси ҳам бир хилда уч ҳарфлидир: ***qonaq*** – кўноқ, ***qonuq*** – меҳмон, демакдир. Буларнинг биридан феъл ясаш мумкин, иккинчисидан мумкин эмас. Агар биров бу исмлардан бошқаларга қиёс қилиб феъл ясаб қўлласа, уни инкор қилиб бўлмайди. Бу хато бўлмайди. Унга имконият берилади.

Сўнг бу бўлим билан *mūn* ли бўлим орасидаги фарқни юқорида сўзладик. *mūn* ли феъллар ҳаракат фоил билан чегараланишини, ишловчи ишни ўзи қилганини англатади. Бу ҳақда юқорида айтилди. Бу бўлим феълларига келсак, бунда ҳаракат ишловчидан бошқага ўтади. Чунончи, олдинги феъл тури қуйидагичадир: ***er etükländi*** – киши этикка эга бўлди. Яна: ***yïğač erükländi*** – дарахт уруғ қилди, каби. Бу бўлим арабча انفعال бўлими ўрнидадир. *lām* ли бўлимга келсак, мен бундан *-ladï, -lädi* қўшилиб ясаладиган феълни кўзда тутаётирман. Бу бўлим арабча اِنفعيل бўлими ўрнида доимо ўтимли бўлади. Чунончи, ***ol ot körüklädi*** – у оловни пуфлагич (дам) билан пуфлади. Яна: ***ol qapuğ kiritlädi*** – у эшикни қулфлади, каби. Агар ишловчи зикр қилинган феъллардан биргалик маъносини ифодалашни лозим топса, *mūn* ли феъл бўлимларининг ҳаммасидан бу маънода феъл ясаши мумкин. Бунинг қоидаси юқорида айтиб ўтилди. Бу феъллар шахс қўшимчалари билан қўшилиб келганда, у феъллардан *harfi-l-līn* ни тушириш мумкин. Чунончи, ***men uδïqladïm*** – мен ухладим, ***sen uδïqladïŋ*** – сен ухладинг, ***(ol) uδïqladï*** – у ухлади каби. Бошқа феълларни ҳам шунга қиёс қилиш мумкин, улуғ Тангри иродаси ила.

Тўрт ҳарфли феъллар ичида бир ўринда кетма-кет икки *sukun* ли ҳарфли феъллар топилмайди.

Чунки бу хил феълларнинг охирги ҳарфи ذلاقة ҳарфлари билан ёнма-ён келади. Бу ерда маъно бўлмайди. Чунончи, ***ermägürdi*** – ялқовлашди, ***ermägürär*** – ялқовлашар, ***ermägürmäk*** – ялқовлашмоқ дейилгандаги каби. Шу билан бирга, бу сўзлардан *vāv* туширилиб, ***ermägürdi*** шаклида ҳам қўлланади. Шу ҳолда икки *sukun* бир ерда келмайди. Буни яхши англаб ол.

## БЕШ ҲАРФЛИЛАР БЎЛИМИ

### Ҳар хил ҳаракатлар билан қўлланган *fa'al'alādī* қолипидаги сўзлар

[تَفْعَاجْلَادِى ***tawğačladï*** **(тавғачлади)**] ***ol anï tawğačladï*** – у уни мочинликка нисбат берди, мочинликлардан ҳисоблади (***tawğačlar, tawğačlamaq***).

[سَرْقُجْلَادِى ***sorqučladï*** **(сўркучлади)**] ***ol pičäk sorqučladï*** – у пичоқ ва бошқа нарсалар сопининг дастага ўрнатилган уч қисмини лукдан сиқиб олинган шира билан ёпиштириб пишиқлади (***sorqučlar, sorqučlamaq***).

ز *z* [ҳарфи]:

[قَلْبُزْلَادِی **qalbuzladï** (қалбузлади)] ***ol qalbuzladï näŋni*** – у нарсани луқма қилди (***qalbuzlar, qalbuzlamaq***).

ش *š* [ҳарфи]:

[قِرْتِشْلَادِی ***qïrtïšladï*** (қиртишлади)] ***ol sağrïnï qïrtïšladï*** – у тери ва бошқа нарсаларнинг юзини қиртишлади (***qïrtïšlar, qïrtïšlamaq***).

ق *q* [ҳарфи]:

[بُغْمَقْلَادِی ***boğmaqladï*** (бўғмақлалди)] ***köylak boğmaqladï*** – у кўйлак ва бошқа нарсаларнинг боғичи боғланди (***boğmaqlanur, boğmaqlanmaq***).

[تَمْغَلَادِی ***tamğaladï*** (тамғақлади)] ***ol anï tamğaladï*** – у унинг томоғидан бўғди (***tamğaqlar, tamğaqlamaq***).

[قَرْلُقْلَادِی ***qarluqladï*** (қарлуқлади)] ***ol anï qarluqladï*** – у уни қарлуққа нисбат берди. Улар туркманларнинг бир тоифасидир (***qarluqlar, qarluqlamaq***).

[قِفْچَاقْلَادِی ***qïvčaqladï*** (қивчақлади)] ***ol anï qïvčaqladï*** – у уни қипчоқлардан ҳисоблади ва уларга нисбат берди (***qïvčaqlar, qïvčaqlamaq***).

[قَلْتُقْلَادِی ***qoltuqladï*** (қўлтуқлади)] ***ol otuŋ qoltuqladï*** – у ўтин қўлтиқлади. Бу сўз "қўлтиғига урмоқ" маъносида ҳам қўлланади (***qoltuqlar, qoltuqlamaq***).

**Бу бўлимнинг бошқа бир тури**

ب *p* [ҳарфи]:

[كُرْپَالَادِی ***körpäladi*** (кўрпалади)] ***at körpäladi*** – от кўрпа ўт еди (***körpälär, körpälämäk***).

ت *t* [ҳарфи]:

[تُرْتَالَادِی ***turtaladï*** (турталади)] ***ol börk turtaladï*** – у қалпоқ ва бошқа нарсаларга юпқа тилла барғлар ёпиштирди (***turtalar, turtalamaq***[90]).

[قِيْوْتُلَادِی ***qïvtuladï*** (қивтулади)] ***ol qïvtuladï bözüg*** – у бўзни ва бошқа (нарса)ни қайчи билан қирқди, қийди (***qïvtular, qïvtulamaq***).

[كِرْتُلَادِی ***kirtülädi*** (киртулади)] ***ol anï kirtülädi*** – у унинг айтганини тасдиқлади (***kirtülär, kirtülämäk***).

ج *č* [ҳарфи]:

[تَنْجُولَادِی ***tančuladï*** (танчулади)] ***er etmäk tančuladï*** – киши нон ва бошқа нарсаларни чайнади (***tančular, tančulamaq***).

[قَمْچِيْلَادِی ***qamčïladï*** (қамчилади)] ***er atïn qamčïladï*** – киши отини ва бошқа нарсаларни қамчилади (***qamčïlar, qamčïlamaq***).

د *d* [ҳарфи]:

[بُكْدَالَادِی ***bügdälädi*** (буғдалади)] ***ol anï bügdälädi*** – у уни ханжар билан урди (***bügdälär, bügdälämäk***).

ر *r* [ҳарфи]:

[سَغْرِيْلَادِی ***sağrïladï*** (сағрилади)] ***ol könüg sağrïladï*** – у теридан сағри қилди (***sağrïlar, sağrïlamaq***).

غ *ğ* [ҳарфи]:

[تَمْغَالَادِی ***tamğaladï*** (тамғалади)] ***ol bitig tamğaladï*** – у хатга султон тамғасини урди (***tamğalar, tamğalamaq***).

---

[90] Бу сўз *käf* ва *qāf* билан ёзилган (تُرْتَالاماكْ).

**ك g** [ҳарфи]:

[**سُرْگِيلادِى *sürgilädi* (сургилади)**] ***it keyikni sürgilädi*** – ит кийикни қувди. Бу уни қўлга тушириш учун изидан боришдир. Ҳар нарсанинг орқасига тушиш, қўлга олиш учун унга ҳамла қилишга ҳам бу сўз қўлланади (***sürgälär, sürgälämäk***).

[**سِرْكَلادِى *sirkälädi* (сиркалади)**] ***ol oğlan baš̈n sirkälädi*** – у боласининг бошидаги сиркани тозалади.

[**سِرْكَالادِى *sirkälädi* (сиркалади)**] ***ol suwuğ sirkälädi*** – у сирка ва бошқа нарсаларга сув қориштирди (***sirkälär, sirkälämäk***).

Бу бўлимнинг қоидаси юқорида кўрсатилганидек бўлиб, унга қиёслаб туриш мукин. Чунончи: ***ol qarmaladï näŋni*** – у нарсани талади, тортиб олди, каби (***qarmalar, qarmalamaq***).

Тўртликлар бўлими тугади.

بسم الله الرحمن الرحيم

**[(Сўзимни) раҳмдил ва меҳрибон Оллоҳнинг номи билан (бошлайман)]**

## БУ *ĞUNNA* ЛИ[91] ОТЛАР КИТОБИДИР

### ИККИ ҲАРФЛИ ОТЛАР

*Maḥmūd* айтади: *Ğunna* ли сўзлар икки хилдир: *čīm* ҳарфи билан келадиган *ğunna* лилар, *kāf* ҳарфи билан бирга қўлланадиган *ğunna* лилар. Сўнг буларнинг ҳар бири ҳам икки турли бўлади: бир хили сўз ўртасида келади, бир хили сўз охирида келади. Уларни ўз ўрнида баён қиламиз.

ب ***b*** [ҳарфи]:

[بُنْ] ***bөŋ*** (**бўнг**)] ***bөŋ kiši*** – пакана, йўғон бесўнақай киши. Бу сўзнинг асли ***šäbäŋ*** бўлган, кейинчалик қисқартирилган; "темирдан ясалган ҳасса" маъносидадир.

[بُنْ] ***bөŋ*** (**бўнг**)] ***bөŋ etti*** – оғир бир нарса ерга тушиб, чиқадиган бунгиллаган овоз.

[بَنْ] ***baŋ*** (**банг**)] ***oğlan baŋ sïğtadï*** – бола биғиллаб йиғлади.

ت ***t*** [ҳарфи]:

تَنْ ***teŋ*** (**тенг**) – тенг, яқин. "Тенг, баробар, мос, муносиб" маъносидаги ***teŋ-tuš*** ҳам шундан олинган.

تَنْ ***teŋ*** (**тенг**) – бир нарсанинг имкони, пайти ва фурсати. Мақолда (шундай келган): ***Teŋsizdä tegirmän turğursa, yarağsïzda yar barïr.*** Маъноси: "Тегирмонни ўз ўрнига эмас, ноўрин жойга қурилса, кутилмаган жойда жар пайдо бўлади". Бу мақол ишни ўз вақтида қилмаган киши тўғрисида айтилади.

تَنْ ***taŋ*** (**танг**) – йўғон унли (яъни [*a*]); элак (арғуча).

تَنْ ***taŋ*** (**танг**) – ажойиб, ғалати, қизиқ, таажжуб; ***taŋ näŋ*** – галати нарса. Шундан олиниб, ***taŋ kördüm*** – таажжубланарли нарса кўрдим, дейилади.

تَنْ ***taŋ*** (**танг**) – тонг, тонг отар пайт.

(Шоир) шундай деган.

***Taŋ ata yortalïm,***
***Buδruč qanïn ïrtälim.***
***Basmïl begin örtälim,***
***Emdi yigit yuwulsun.***

Айтмоқдаки: Тонг отиши билан йўлга тушайлик. Будручнинг қонини (хунини) талаб қилайлик (унинг учун ўч олайлик), у ябақулардан эди, ўлдирилди. Басмиллар бегини ёндирайлик. Энди йигитларнинг тўпланиши зарур.

[تَنْ ***taŋ*** (**танг**)] ***taŋ attï*** – тонг отди.

[تُنْ ***toŋ*** (**тўнг**)] ***toŋ toŋ etti*** – оғир нарса қаттиқ бир нарса устига тушиб, тўнғиллаган овоз чиқарди.

[تُنْ ***toŋ*** (**тўнг**)] ***toŋ näŋ*** – ичи бўш бўлмай, тўла бўлган ҳар нарса. Савағич новдасига ***toŋ qamïš*** дейиш шундан олинган; "ичи бўш бўлмаган қамиш", демакдир.

تُنْ ***toŋ*** (**тўнг**) – тўнг, тўнгиган. Совуқдан музлаб қотган гўштга ***toŋ et*** дейиш ҳам шундан олинган. Бошқа нарсаларга ҳам шу сўз қўлланади.

---

[91] Таркибида бурун товушлари бўлган сўзлар.

تَنگ ***taŋ*** (**танг**) – илгари қурилган бино бўлиб, кейин йиқилиб ишдан чиққан, фақат асли баланд ер тусида хароба ва шунга ўхшаш бир ҳолда сақланиб қолган ер.

[تِنگ ***tiŋ*** (**тинг**) – тик, тикка] ***er tiŋ turdï*** – киши тик турди.

چ ***č*** [ҳарфи]:

چَنگ ***čäŋ*** (**чанг**) – чанг, чолғу асбоби.

[چَنگ ***čoŋ*** (**чўнг**)] ***čoŋ et*** – бир парча эт.

[چِنگ اَتتی ***jïŋ etti*** (**жинг этти**) – жингиллади] ***qulaqïm jïŋ etti*** – қулоғим жингиллади. Қўнғироқ, лаган-товоқ ва шунинг сингариларнинг овозига ҳам шу сўз қўлланади; ***qulaqïm jïŋ etti*** – бу аввалгисидан яхшироқдир.

[چِنگ تُلو ***jïŋ tolu*** (**жинг тўлу**) – лиқ тўла] ***jïŋ tolu köl*** – лиммо-лим кўл. Ҳар қандай нарсанинг бўғзигача тўлдирилишига ҳам ***jïŋ tolu*** сўзи қўлланади.

د ***d*** [ҳарфи]:

[دَنگ دُنگ ***daŋ-duŋ*** (**данг-дунг**)] ***daŋ-duŋ etti näŋ*** – нарса данг-дунг деган овоз чиқарди, сезилди. Бу сўз ***taŋ-tuŋ etti*** – танг-тунг қилиб овоз чиқарди, кабидир.

س ***s*** [ҳарфи]:

سَنگ ***saŋ*** (**санг**) – қуш ахлати; ***quš saŋï*** – қуш ахлати, тезаги.

سُنگ ***soŋ*** (**сўнг**) – кишининг ортидагилар, оила, авлод.

سُنگ ***soŋ*** (**сўнг**) – "кейин" маъносидадир; ***sen meniŋ soŋda kel*** – сен менинг кейинимдан кел.

سُنگ ***soŋ*** (**сўнг**) – ҳар нарсанинг, ҳар ишнинг охири, кети; ***bu söz soŋïnda ayğïl*** – сен бу сўзни охиридан айт.

[سِنگ اَتتی ***sïŋ etti*** (**синг этти**)] ***qulaqïm sïŋ etti*** – қулоғим жингиллади.

[سِنگ اَتتی ***sïŋ etti*** (**синг этти**) – ғинғиллади] ***kömïnčä sïŋ etti*** – пашша ғинғиллади. Чивин ғинғиллашига ҳам шу сўз қўлланади.

ق ***q*** [ҳарфи]:

[قَنگ اَتتی ***qaŋ etti*** (**қанг этти**) – ғағиллади] ***qaz qaŋ etti*** – ғоз ғағ деб овоз чиқарди. Бу ҳар нарсанинг чиқарган овозининг шу овозга мувофиқ аталиши деган маънодир.

[قُنگ ***qoŋ*** (**қўнг**)] ***qoŋ et*** – мускул гўшти.

ک ***k*** [ҳарфи]:

کُنگ ***küŋ*** (**кунг**) – жория.

[کِنگ ***keŋ*** (**кенг**) – кенг] ***keŋ näŋ*** – кенг нарса. Мақолда (шундай келган): ***Keŋ ton opramas, keŋäšlig bilig artamas.*** Маъноси: "Кенг тўн тўзимайди, кенгашли иш бузилмайди". Бу мақол ишларни бажаришда бошқалар билан кенгашиш, ўзбошимчалик қилмасликка ундаб айтилади.

م ***m*** [ҳарфи]:

مَنگ ***mäŋ*** (**манг**) – қуш дони, хўраги. У йигиб олинадиган дон, демакдир. Мақолда (шундай келган): ***Quš tuzaqa mäŋ üčün ilïnur.*** Маъноси: "Қуш тузоққа хўракни деб илинади". Бу мақол озиқ излаб, қийинчиликка йўлиққан кишига қарата қўлланади.

مَنگ ***meŋ*** (**менг**) – юздаги хол.

(Шоир) шундай деган:

***Beriŋ meŋä söz-kiyä,***
***Meŋlig qara tuz-qïya.***
***Yalwïn tutar köz-kiyä,***
***Muŋum meniŋ biliŋ-ä.***

Айтмоқдаки: Менга биргина сўз айт, ваъда бер, эй қора холли, юзлари ёқимли, эй, сеҳрли кўзлари билан ўз домига илинтирадига гўзал. Севгидаги менинг дарду аламларимни тушун.

[مُنگ *muŋ* (**мунг**)] ***muŋ tağ*** – ўн олти-ўн етти ёшларга кириб, вояга етганда чиққан тиш. ***muŋ tağ öndi*** – ақл тиши тиши чиқди, демакдир.

مُنگ ***muŋ*** (**мунг**) – қийинчилик. Мақолда (шундай келган): ***Erkä muŋ tegir, tağ seŋiriŋä yel tegir.*** Маъноси: "Ел тоғ бурнига (чўққисига) теккандек, қийинчилик кишининг бошига тушади. Тоғ бурнидан (чўққисидан) ел ўтиб кетиб, чўққи ўз ҳолида қолганидек, кишидан ҳам қийинчилик ўтиб кетади".

مِنگ ***miŋ*** (**минг**) – минг, санокда минг. Мақолда (шундай келган): ***Birin-birin miŋ bolur, tama-tama köl bolur.*** Маъноси: "Бирлар тўпланиб, минг бўлади, томчилар тўлиб кўл бўлади". Бу мақол оз бўлса ҳам бир нарсани олаверишга ундаб айтилади.

ن ***n*** [ҳарфи]:

نَنگ ***näŋ*** (**нанг**) – нарса; ***bu ne näŋ-ol?*** – бу қандай нарса?

نَنگ ***näŋ*** (**нанг**) – буюм.

(Билимли) шундай деган:

***Bulmïš näŋig sewär-sen,***
***Aqrun aŋar sewingil.***
***Barmïš näŋig saqïnma,***
***Azraq aŋar öküngil.***

Айтмоқдаки: Бор молингни севасан, унга камроқ севин, чунки у сендан (қўлингдан) чиқиб кетиши мумкин. Қўлингдан кетган нарса учун қайғурма, унга озроқ ачин. Чунки ачиниш сенга (қўлдан кетгани) қайтариб бермайди.

### Бу бўлимнинг *miṣāl* тури

يَنگ ***yaŋ*** (**йанг**) – қолип, андаза. Бу бирор нарсанинг шакли олиниб, сўнгра унга ўхшатилиб ясалган қолипдир. Чунончи, ***börk yaŋï*** – кулоҳ-қалпоқ андазаси. Бунда қоғоздан чўзиқ ёки юмалоқ шаклларда бир нарсалар кесилади ёки ўйилади. Ёки лойдан қувур шаклида бир нарса ясалиб, қалпоқ шоҳиси унга ўлчаниб, унга мослаб кесилади. Ҳар нарсанинг қолипи ҳам шундай аталади.

يُنگ ***yuŋ*** (**йунг**) – жигарга яқин ерда жойлашган, унга тутаган безли гўшт. Уни эркаклар емайдилар, хотинлар ейдилар.

يُنگ ***yuŋ*** (**йунг**) – юнг, туя ёки қўйнинг юнги.

يُنگ ***yuŋ*** (**йунг**) – пахта. Арғу, яғмо ва қарлуқлар тилида.

يِينگ ***yeŋ*** (**йенг**) – енг. Кийим енги.

يِنگ ***yiŋ*** (**йинг**) – бурун суви.

Икки ҳафлилар бўлими тугади.

### Турли ҳаракатлар билан қўлланган *fa'al, fa'ul, fa'il* қолипларидаги сўзлар бўлими

ت ***t*** [ҳарфи]:

تَنگُت ***taŋut*** (**тангут**) – *Sīn* яқинида турувчи бир тоифа туркларнинг оти. Улар ўзларини араблардан деб ҳисоблайдилар.

كِنگُت ***Kiŋüt*** (**Кингут**) – *Uyğur* ҳудудидаги бир шаҳар оти.

سۈڭۈت / سۈڭۈت ***süŋüt / siŋüt*** **(сүнгут / сингут)** – совға. Бу на қайтариб бериладиган, на унинг бараварига бир нарса тақдим қилинадиган тортиқдир. Чунончи, ***bu at meŋä süŋüt / siŋüt berdi*** – бу отни менга совға, тортиқ қилди.

تۈڭۈر ***tüŋür*** **(тунгур)** – хотиннинг яқинлари. Булар ака-укалар, ота-оналардир.

سەڭىر ***seŋir*** **(сенгир)** – тоғ бурни. Ҳар бир девор тумшуғига ҳам шу сўз қўлланади.

سىڭىر ***siŋir*** **(сингир)** – пай, томир.

[قوڭۇر ***qoŋur*** **(қўнгур)**] ***qoŋur ün*** – бўғиқ овоз.

[قوڭۇر ***qoŋur*** **(қўнгур)**] ***qoŋur qoy*** – қўнғир (хира, оч жигарранг) қўй ва бошқалар.

[قىڭىر ***qiŋir*** **(кингир)**] ***qiŋir er*** – ғилай киши. Икки кўзи ҳам ғилай кишини ***iki közi qiŋir*** – икки кўзи ҳам ғилай дейилади.

[مۇڭار ***muŋar*** **(мунгар)** – бунга] ***men muŋar aydïm*** – мен бунга айтдим. Бу ҳозир бўлган киши(ни кўрсатиш) маъносидадир.

مىڭار ***miŋar*** **(мингар)** – булоқ, сув кўзи (ўғузча).

ز ***z*** [ҳарфи]:

تەڭىز ***teŋiz*** **(тенгиз)** – денгиз.

تۇڭۇز ***toŋuz*** **(тўнгуз)** – тўнғиз.

تۇڭۇز ***toŋuz*** **(тўнгуз)** – туркларнинг ўн икки йилларидан бири.

قۇڭۇز ***qoŋuz*** **(қўнгуз)** – ёқимсиз ҳидли қўнғиз (ўсроқ қўнгиз).

كۆڭۈز ***köŋüz*** **(кўнгуз)** – хароба, ўнқир-чўнқирларда туя ва қўйлар кумалоғинининг бир-бирига аралашиб, ёпишиб кетгани.

مەڭىز ***meŋiz*** **(менгиз)** – одам ранги, мағиз. Чунончи, ***qïzïl meŋizlig*** – қизил мағиз одам. Бу кўпинча юз яноғи қизиллигига нисбатан қўлланади.

مۆڭۈز ***möŋüz*** **(мўнгуз)** – шох, ҳамма ҳайвонлар шохи.

مۆڭۈز-مۆڭۈز ***möŋüz-möŋüz*** **(мўнгуз-мўнгуз)** – мўнгуз-мўнгуз дейилган болаларнинг бир турли ўйини. Бу шундай: болалар тиз чўкиб, денгиз лабида ўтирадилар. Сонлари орасига ҳўл кум солиб тўлдирадилар. Сўнг қўллари билан кумни урадилар. Улардан бири (она бошиси) ***möŋüz-möŋüz*** дейди. Қолганлари ***ne möŋüz?*** – ниманинг мўнгузи? (шохи) деб сўрайдилар. У бирин-кетин шохли ҳайвонларни санаб кетади. Унинг кетидан улар ҳам такрорлайдилар. Сўнг она боши шу номлар орасига туя, эшак сингари шохи йўқ ҳайвонлар отини айтиб чалғитади. Болалардан бирортаси унинг кетидан шохсиз ҳайвон отини айтиб юборса, уни сувга итариб юборилади. Мақолда (шундай келган): ***Süsägän uдqa Täŋri möŋüz bermäs.*** Маъноси: "Сузонғич сигирга Худо шох бермайди". Бу мақол бирор ишни қилмоқ истаса ҳам, аммо бу иш халққа зарар бериши мумкинлиги сабабли шу ишни қилмаган одамга қарата айтилади.

س ***s*** [ҳарфи]:

[كەڭكەس ***keŋäs*** **(кенгус)**] ***keŋäs suw*** – оз сув, тўпиқдан келадиган юза сув. Осон ишга ҳам шу сўз қўлланади.

ش ***š*** [ҳарфи]:

سۈڭۈش ***süŋüš*** **(сунгуш)** – суриш, узоқлатиш; найза билан уриш, жанг қилиш.

سۈڭۈش ***Süŋüš*** **(Сунгуш)** – эркак кишиларнинг отларидан.

كەڭەش ***keŋäš*** **(кенгаш)** – ишларда кенгашиш, мулоҳаза юритиш.

غ ***ğ*** [ҳарфи]:

مەڭگ ***maŋïğ*** **(мангиғ)** – қадам, одим; ***anïŋ maŋïğï kör*** – унинг оёқ босишини кўр.

ق ***q*** [ҳарфи]:

تَنْكُقْ ***taŋuq*** **(тангуқ)** – шоҳлар сафарга чиққанда ва шунинг сингари тадбирларда уларга бериладиган совға. Унда таом ва ипак кийимликлар бўлади.

تَنْكُقْ ***taŋuq*** **(тангуқ)** – чавгон ўйинида коптокни тортилган ўровдан ўтказганга бериладиган ипак кийимлик.

تَنْكُقْ ***taŋuq*** **(тангуқ)** – жангда маторид ва байроқлар тепасига осиладиган ипаклик.

[سِنْكُقْ ***sïŋuq*** **(сингуқ)** – синиқ] ***sïŋuq näŋ*** – синиқ нарса. Ўғузлар бу сўзни *ğunna* сиз ***sïnuq*** шаклида қўллайдилар. Буларники қоидага мувофиқ, чунки бу сўз ***sïndï*** (синди) феълидан ясалган. Демак, сўзнинг аслида бурун товуши йўқ.

ل ***l*** [ҳарфи]:

[تَنْكِلْ ***taŋïl*** **(тангил)**] ***taŋïl keyik*** – икки кўли – олдинги оёқларида йўл-йўл чизиқлари бўлган кийик ва бошқалар.

[چِنْكِلْ ***čïŋïl-čïŋïl*** **(чингил-чингил)**] ***yügün čïŋïl-čïŋïl etti*** – юган жингиллаган овоз чиқарди. Бунга ўхшаган ҳар қандай товушга нисбатан ҳам бу сўз қўлланади.

سِنْكِلْ ***siŋil*** **(сингил)** – эркакларнинг ўзидан кичик қиз қардоши.

كُنْكُلْ ***köŋül*** **(кўнгул)** – кўнгил, зийраклик, ақллилик; ***köŋüllüg er*** ибораси шундан олиниб қўлланган, бу "ақлли, зийрак киши" демакдир. Мақолда (шундай келган): ***Közdän yïrasa, köŋüldän yemä yïrar.*** Маъноси: "Дўстлар кўздан узоқлашса, кўнгилдан ҳам узоқ бўлади". Яна: ***köŋlüŋ netäg?*** – кўнглинг қандай?

### Бу бўлимнинг *muḍā'af* лари

يَنْكَكْ ***yeŋäk*** **(йенгак)** – ҳаво.

سَنْكَكْ ***seŋäk*** **(сенгак)** – сув ичиладиган идиш. Ёғочдан қилинган заранг косага ҳам шу сўз қўлланади (ўғузча).

سِنْكَكْ ***siŋäk*** **(сингак)** – ерли халқлар тилида "пашша", саҳроликлар тилида "чивин", демакдир. (Шеърда) шундай дейилган:

***Sendä qopar čaḍanlar,***
***Quḍğu, siŋäk, yïlanlar.***
***Dük miŋ quyu tümänlär,***
***Quḍruq tikip yügrüšür.***

Қиш билан ёз тортишувини таърифлаб, қиш ёзга айтмоқда: Сенда чаёнлар, пашша, чивинлар, халққа озор берувчи ҳар хил ҳашаротлар бор. Сенда илонлар думларини ўраб (гажак қилиб) халққа ҳамла қиладилар.

سُنْكُكْ ***söŋük*** **(сўнгук)** – суяк. Мақолда (шундай келган): ***Eḍgü er söŋüki arïr, atï qalïr.*** Маъноси: "Яхши кишининг суяги тупроқда чириса ҳам, оти мангу қолади". Бу мақол кишиларни яхшилик қилишга ундаб айтилади.

### Тўрт ҳарфлилар

ك ***g*** [ҳарфи]:

تُنْكُو ***tuŋu*** **(тунгу)** – кар, гаранг.

تُنْكَا ***toŋa*** **(тўнга)** – йўлбарс жинсидан бўлган бир хил ҳайвон. У филнинг кушандасидир. Бу сўзнинг асосий маъноси шудир. Лекин бу сўз туркларда маъноси ўзгарган ҳолда қўлланади. Бу сўз кўпинча кишиларга лақаб ўрнида ишлатилади. Чунончи, ***Toŋaxan, Toŋa tigin*** ва

шунинг кабилар. Туркларнинг улуғ хони *Afrāsiyāb* ни ***Toŋa alp er*** деб атар эдилар; "йўлбарс сингари кучли баҳодир киши", демакдир.

سُنْكُو ***süngü*** **(сунгу)** – найза.

[سَنْكَا ***seŋä*** **(сенга)** – сенга] ***seŋä aydïm*** – сенга айтдим.

[سِنْكِى ***siŋi*** **(синги)** – сингадиган] ***bu aš-ol siŋi*** – бу ош сингадиган ошдир.

## Бу бўлимнинг *maṭvī* тури

يَنْكَا ***yaŋa*** **(йанга)** – сув қирғоғи, ҳар қандай ариқ бўйи (ўғузча).

[يَنْكِى ***yaŋï*** **(йанги)** – янги] ***yaŋï näŋ*** – ҳар қандай янги нарса.

يُنْكُو ***Yuŋu*** **(Йунгу)** – *Barman* шаҳарчасига оқадиган катта бир дарёнинг оти. Бу дарё бўйига *Afrāsiyāb* нинг *Barman* деган ўғли шаҳар қурган бўлган. Шаҳар ҳам унга нисбат берилиб, унинг номи билан аталган. Бу – *Rūm* ўлкасининг *Isḥaq* пайғамбарнинг ўғли *'Īsū* нинг ўғли *Rūm* га нисбат берилиб айтилгани кабидир.

## Сўз охирида бурун товуши (*ğunna*) келган сўзлар

شَبِنْكْ ***šebiŋ*** **(шебинг)** – йўғон темир сўйил (чигилча).

سِدِنْكْ كُولْ ***Sidiŋ köl*** **(Сидинг кўл)** – *Qočyar bašï* га яқин бир кўлнинг оти.

قَدَنْكْ ***qaδïŋ*** **(қадинг)** – қайин дарахти. Мақолда (шундай келган): ***Qazïŋ qašïŋa, sögüt söliŋä.*** Бу мақолнинг маъноси юқорида изоҳ қилинган.

قَشَنْكْ ***qašaŋ*** **(қашанг)** – қулни сўкканда ***qašaŋ*** дейилади, "эй паст, пасткаш", демакдир.

ر ***r*** [ҳарфи]:

بُرُنْكْ ***buruŋ*** **(бурунг)** – бир ўқ отими ер; отиш манзили; ***buruŋ attï*** – бир ўқ отими ерга отди.

بُرُنْكْ ***bürüŋ*** **(бурунг)** – ингичка *rā* билан; сув ювиб кетган ёриқлар.

[تِرِنْكْ ***teriŋ*** **(теринг)**] ***teriŋ teŋiz*** – кенг, чуқур денгиз.

Ўғузлар ҳар бир катта ва чуқур нарсага ҳам ***teriŋ*** дейдилар. Шундан олиниб, ***teriŋ orï*** – икки тоғ орасидаги кенг майдон йўл, дейилади; ***teriŋ bilgä*** – илми теран, билимдон ҳаким, каби.

[تِرِنْكْ اَتّى ***tirïŋ etti*** **(тиринг этти)**] ***qulaqïm tirïŋ etti*** – қулоғим тиринглади. Бу шунга ўхшаш ҳар қандай овоз, демакдир.

[تِرِنْكْ اَتْرْدِى ***tirïŋ ettürdi*** **(тиринг эттурди)**] ***yasïn tirïŋ ettürdi*** – у ёйини тиринглатиб отди. Бу ёй отганда камондан чиққан овоздир.

جِرِنْكْ ***jïrïŋ*** **(жиринг)** – лаган, товоқ ва шунинг сингариларнинг овози, демакдир.

[كُرُنْكْ ***körüŋ*** **(кўрунг)**] ***Körüŋ köl*** – *Kāšğar* яқинидаги бир кўлнинг оти.

ز ***z*** [ҳарфи]:

بِزِنْكْ ***biziŋ*** **(бизинг)** – бизнинг. Бу сўз ***biz*** ва نك қўшилишидан ясалган; ***biziŋ ew*** – бизнинг, бизга қарашли уй, демакдир.

ك ***g*** [ҳарфи]:

تِكِنْكْ ***tegiŋ*** **(тегинг)** – соболь [сувсарлар оиласидан бўлган йиртқич ҳайвон].

ل ***l*** [ҳарфи]:

بِلِنْكْ ***beliŋ*** **(белинг)** – ёв келиши сабабли халқ орасида пайдо бўлган қўрқув. Бир нарсадан ҳуркқан кишига ***beliŋči kiši*** дейилади.

بُلُنْكْ ***buluŋ*** **(булунг)** – бурчак, гўша.

تُلُنْكْ ***tuluŋ*** **(тулунг)** – кўз билан қулоқ ораси.

تُلُنْكْ ***tuluŋ*** **(тулунг)** – югандаги бир ҳалқа. У от қулоғининг тагида бўлиб, отнинг боши ва юзидан ўтган қайишлар унга бириктирилади, уни ***yügän tuluŋï*** – юган ҳалқаси дейилади.

[جَلَنْكْ ***jalaŋ*** **(жаланг)**] ***jalaŋ baš͡ï*** – иғвогар, эзма киши.

[جلنكْ ***jalïŋ*** **(жалинг)**] ***jalïŋ ayaq*** – *ṣīn* идиши.

[جَلَنْكْ ***jalaŋ*** **(жаланг)**] ***jalaŋ yer*** – ўт тушган жой каби қора, заранг, ўт битмас ер.

خُلُنْكْ ***xulïŋ*** **(хулинг)** – *Ṣīn* дан келтириладиган, ҳар турли ранглари бўлган бир турли ипак кийимлик.

قَلَنْكْ ***qalïŋ*** **(қалинг)** – қалин, сеп. Мақолда (шундай келган): ***Qalïŋ bersä, qïz alïr, keräk bolsa, qïz alïr.*** Маъноси: "Қалин берса, келинни қиз олади, бирор нарсани истаган киши (у нарса) зарур бўлгач, қиммат бўлса ҳам олади, олишга мажбур бўлади". (Шеърда) шундай деган:

***Berdim seŋä qalïŋ,***
***Emdi munï alïŋ.***
***Emgäk meniŋ biliŋ,***
***Oğrar tünür barğalï.***

Куёв қайин отасига айтмоқда: Сизга қалин бердим, буни олинг. Бу молни тўплашдаги қийинчиликларимни тушунинг. Қайин ота айтмоқда: У кетиш олдида турибди, кетмоқчи бўляпти-ку.

كُلُنْكْ ***kölüŋ*** **(кўлунг)** – кўлмак сув. Унга қушлар қўнадилар.

## Бу бўлимниг *miṣāl* тури

[يَبَنْكْ ***yabaŋ*** **(йабанг)**] ***yabaŋ yer*** – қумли ер. Бу шундай қумки, унга моллар оёғи ботиб қолиб чиқариш қийин бўлади.

ت ***t*** [ҳарфи]:

يَتَنْكْ ***yatïŋ*** **(йатинг)** – юнг тараладиган чарх.

د ***d*** [ҳарфи]:

[يَدَنْكْ ***yadïŋ*** **(йадинг)**] ***yadïŋ suw*** – ер устига ёйилган тарқоқ сув.

ش ***š*** [ҳарфи]:

[يُشَنْكْ ***yüšäŋ*** **(йушанг)**] ***yüšäŋ taš*** – силлиқ тош.

ل ***l*** [ҳарфи]:

[يَلَنْكْ ***yalïŋ*** **(йалинг)** – яланғоч] ***yalïŋ qïlïč*** – яланғоч, қинидан чиқарилган қилич.

[يَلَنْكْ ***yalïŋ*** **(йалинг)** – яланғоч] ***yalïŋ er*** – яланғоч киши. Ҳар қандай ялангоч нарсага ҳам ***yalïŋ*** дейилади.

يَلَنْكْ ***yeliŋ*** **(йелинг)** – ел кўп эсадиган ер; ***bu yeliŋ kün*** – бугун шамолли кун.

## *čīm* ли *ğunna* лилар

ر ***r*** [ҳарфи]:

[بِرِنْجْ ***birinč*** **(биринч)** – биринчи] ***birinč näŋ*** – биринчи нарса. Бу қоидага мувофиқ сўз бўлиб, кам қўлланади.

كُزُنْجْ ***közünč*** **(кўзунч)** – бир нарсага қарайдиган кишилар.

ز ***z*** [ҳарфи]:

بَزَنْجْ ***bazïnč*** **(базинч)** – ипак ва юнг копток.

بَزِنْچْ ***bezinč*** **(безинч)** – танаси ва барглари қизил бўлган бир турли ўсимлик. У боғларда битади; малҳам сифатида ишлатилади.

ف ***w*** [ҳарфи]:

سَوِنْچْ ***sewinč*** **(севинч)** – севинч. Мақолда (шундай келган): ***Öküš sewinč bulsa, qatïğ oxsunur.*** Маъноси: "Кўп севинган киши бирор ишда ундан кўра қаттиқроқ қайғуради". Бу мақол ҳаддидан ошиб ҳовлиқишни ташлашга ундаб айтилади. (Шеърда) шундай деган:

***Mendä bulnur sewinč otï qaδğu atar,***
***Qaršï körüp sağdïč anï učmaq atar.***

Айтмоқдаки: Менда севинч, қувончнинг давоси бор, у қайғуларни даф қилади. Яқинлар менинг иморат(арк)имни кўрсалар, яхшилигидан уни жаннат деб атайдилар.

سَقِنْچْ ***saqïnč*** **(сақинч)** – қайғу, алам.

ل ***l*** [ҳарфи]:

قِلِنْچْ ***qïlïnč*** **(қилинч)** – қилиқ, феълу хўй. Шундан олиниб, ***eδgü qïlïnč*** – яхши қилиқ дейилади. Бунинг тескариси – ёмон қилиққа ҳам шу сўз қўлланади.

قِلِنْچْ ***qïlïnč*** **(қилинч)** – хотинларнинг нозу истиғноси. Шунинг учун хотинларга ***öküš qïlïnčlanma*** дейилади, "кўп ноз қилаверма", демакдир.

كُلِنْچْ / كُلُنْچْ ***külünč / külinč*** **(кулунч / кулинч)** – кулги.

## Бу бўлимнинг *miṣāl* тури

ن ***n*** [ҳарфи]:

يَفِنْچْ ***Yawïnč*** **(Йавинч)** – *Ïla* яқинидаги бир шаҳарнинг оти.

ك ***k*** [ҳарфи]:

يُكُنْچْ ***yükünč*** **(йукунч)** – намоз (қипчоқлар тилида); ***Täŋrikä yükünč yükündi*** – Тангри таъолога юкунди; ***ol begkä yükünč yükündi*** – у бек ва бошқаларга бош эгди.

## Тўрт ҳарфлилар

ت ***t*** [ҳарфи]:

[تُتُنْچُو ***tutunču*** **(тутунчу)** – тутинган, асранди] ***tutunču oğul*** – кишининг тутинган боласи.

ز ***z*** [ҳарфи]:

[سَزِنْجِى ***sazïnčï*** **(сазинчи)**] ***sazïnčï taši*** – гипс.

قَرِنْجَا ***qarïnča*** **(қаринча)** – чумоли (ўғузча).

## Бу бўлимнинг *miṣāl* тури

يُرِنْجَا ***yorïnča*** **(йўринча)** – йўнғичқа (ўғузча).

## *fa'āl* қолипидаги сўзлар бўлими

ر ***r*** [ҳарфи]:

سِنْكَارْ ***sïŋar*** **(сингар)** – бир нарсанинг ён тарафи. Чунончи, ***sïŋardïn yurï*** – бир томондан юр.

[مُنْكَارْ ***muŋar*** **(мунгар)** – бунга] ***muŋar aydïm*** – бунга айтдим.

مِنْكَارْ ***mïŋar*** **(мингар)** – булоқ, чашма кўзи (ўғузча).

ن ***n*** [ҳарфи]:

يَنْكَانْ ***yaŋan*** **(йанган)** – фақат боши оқ бўлган ола қарға.
[سَنْكَانْ ***saŋan*** **(санган)**] ***saŋan näŋ*** – какра таъмли ҳар қандай нарса.

**Бу бўлимнинг *misāl* тури**

غ ***ğ*** [ҳарфи]:
يَنْكَاغ ***yoŋağ*** **(йўнгағ)** – бекка чақимчилик қилиш; ***anï yoŋağ yoŋadï*** – у султонга чақимчилик килди, унинг сирларини фош қилди.
ق ***q*** [ҳарфи]:
يَنْكَاق ***yaŋaq*** **(йангақ)** – оғизнинг икки томонидаги тишлар ўрнашган кўмик, милк.
يَنْكَاق ***yaŋaq*** **(йангақ)** – ҳар қандай нарсанинг ёни. Эшик ёни ***qapuğ yaŋaqi*** дейиш ҳам шундан.
ن ***n*** [ҳарфи]:
يَنْكَانْ ***yaŋan*** **(йанган)** – фил. Буни ўғузлар билмайдилар.

***fa'lī* қолипидаги сўзларнинг ҳар хил ҳаракатлар билан қўлланган намунаси**

ر ***r*** [ҳарфи]:
تَنْكْرِى ***Täŋri*** **(Тангри)** – улуғ ва азиз Тангри. Мақолда (шундай келган): ***Toyïn tapuğsaq, Täŋri sewinčsiz.*** Маъноси: "Кофирларнинг дин бошлиқлари Тангри таъолога ибодат қилади, лекин Тангри субҳоноҳу ва таъоло унинг ишидан рози бўлмайди". Бу мақол бировларга ёқади, деб гумон қилган, аммо иши ёқмаган одамлар ҳақида айтилади. (Билимли) шундай деган:

***Tün-kün tapun täŋrikä boynamağïl,***
***Qorqup aŋar eymänü oynamağïl.***

Айтмоқдаки: Кеча-кундуз Тангри таъолога ибодат қил, йўлдан озиб адашма. Худодан қўрқ, ундан уял, ийман, ўйинкароқлик қилма.

Яратганнинг қаҳрига учрагур кофирлар "осмон"ни ***täŋri*** дейдилар. Шунингдек, улар кўзларига катта кўринган ҳар нарсани, чунончи, "катта тоғ", "ҳайбатли ёғоч"ни ҳам ***täŋri*** деб атайдилар. Шунинг учун ҳам улар шунга ўхшаш нарсаларга сажда қиладилар. Улар билағон кишини ***täŋrikän*** деб аташлари ҳам шундан. Буларнинг гумроҳликларидан Худо паноҳ берсин.
تُنْكْرَا ***toŋra*** **(тўнгра)** – баданнинг кири.
[اُنْكْرَا ***öŋrä*** **(ўнгра)** – чалқанча] ***er öŋrä yattï*** – киши чалқанча ётти.
[تُنْكْرَا ***töŋrä*** **(тўнгра)**] ***er töŋrä tüšti*** – киши тўнтарилиб юзтубан тушди.
تُنْكْشُو ***tüŋšü*** **(тунгшу)** – шамдон.
چَنْكْشُو ***čeŋšü*** **(ченгшу)** – калта пахталик тўн.
چَنْكْشِى ***Čaŋšï*** **(Чангши)** – *Xotan* бегининг оти. *Xotan* ни у қўлга олган эди. Одамлар ***Čaŋšï*** сўзини ***Jämšid*** сўзининг ўзгаргани дейдилар.
ك ***k*** [ҳарфи]:
مَنْكُو ***mäŋgü*** **(манггу)** – мангу, мангулик, чексиз, чексизлик. Бу сўз ҳам от, ҳам масдардир. ***mäŋgü ažun*** – мангу дунё [яъни, у дунё]. (Билимли) шундай деган:

***Tuğup taqï qalmadï mäŋgü erän,***
***Ažun küni yulduzï tutčï tuğar.***

Замонни таърифлаб айтмоқда: Туғилган инсон мангу яшамайди. Аммо дунёни қуёш, юлдуз мангу ёритади, ҳеч шикаст топмайди.

ل ***l*** [ҳарфи]:

[جَنْكَلِى ***čaŋlï*** **(чанглн)**] ***čaŋlï maŋlï*** – болаларнинг бир турли ўйинларининг оти. Бунинг арабчаси الذَوْداه дир.

قَنْكَلِى ***qaŋlï*** **(қангли)** – устига оғир юк ортилган икки ғилдиракли арава.

قَنْكَلِى ***Qaŋlï*** **(Қангли)** – қипчоқлардан бир улуғ кишининг номи.

سَلْنكُو ***salŋu*** **(салнгу)** – майда тош отиладиган сопқон, туппақ.

شُنْكَلا ***šüŋlä*** **(шунгла)** – арғулар ўлкасида битадиган бир ўсимлик. Ўзаги олиб ташланиб ейилади.

قَلِنكُو ***qalïŋu*** **(қалингу)** – сув юзига чиқиш, қалқиш; ***suwda qalïŋuladï*** – сув юзига чиқди, қалқиди.

كُزْنكُو ***közüŋü*** **(кўзунгу)** – кўзгу, ойна.

### Бу бўлимнинг *miṣāl* тури

يَنْكُو ***yaŋqu*** **(йангқу)** – акс садо; товушнинг қайтиши. Мақолда (шундай келган): ***Yazmas atïm – yağnur, yaŋïlmas bilgä – yaŋqu.*** Маъноси: "Янглишмайдиган мерган ёмғирдир, чунки ёмғирнинг мўлжал ўрни – нишонга олган жойи бутун ер юзидир; ер юзи эса жуда кенгдир, бундай кенг жойга отилган нарса хато кетмайди. Қаергадир бир ерга тегади. Ҳар нарсада тўғри айтиладиган – билагон акс садодир. Чунки у сен нима десанг, худди шундай қайтаради". Бу мақол бир ишда хато қилиб, сўнг узр айтадиган кишига қарата айтилади.

ل ***l*** [ҳарфи]:

يَلِنكُو ***yalïŋu*** **(йалингу)** – жориялар ўйнайдиган бир турли ўйин номи. Тартиби шундайки, арқоннинг икки учи бир дарахтга ёки устунга боғланади, сўнг уларнинг бири арқон ўртасига ўтиради – оёқларини сакратиб, баъзан юқори, баъзан қуйи тушиб учади (арғимчоқ).

ك ***k*** [ҳарфи]:

يِنْجَكَا ***yinčkä*** **(йинчка)** – ҳар қандай ингичка нарса; ***yinčkä torqu*** – нафис ипак кийимлик; ***yinčkä qïz*** – нозик, ўйноқи қиз; ***yinčkä kiši*** – доимий ибодат қилувчи киши.

يَنكَا ***yeŋä*** **(йенга)** – янга. У аканинг хотини.

### *fa'ālū* қолипидаги сўзлар

تَيَانكُو ***tayaŋu*** **(тайангу)** – бу сўзнинг асл маъноси *ḥājib* – воситачи, пардачи боши маъносидадир. Лекин *ḥājib* сўзи кўп қўллана бошлагач, бу сўз истеъмолдан қолди. Бу сўз "суянмоқ, орқа қилмоқ" маъносидаги ***tayanđï*** феълидан ясалгандир. Ҳақиқатда, шоҳ ҳам ҳожибларга ишонади, халқ ҳам ўз аҳволларини шоҳга ҳожиблар орқали етказиб, ундан тегишли жавоб олиб беришларига ишонади.

### Бу бўлимнинг *miṣāl* тури

[يَنكِيلا ***yaŋïla*** **(йангила)**] ***ol išïğ yaŋïla qïldï*** – у ишни янгидан қилди, иккинчи марта бошлади.

Уч ҳарфлилар боблари тугади.

## Ҳар хил ҳаракатлар билан қўлланувчи *fa'lil, fan'al* қолипидаги сўзлар

ج *č* [ҳарфи]:

تَنْكُجْ ***teŋüč*** **(тенгуч)** – ярим газ баландлигидаги ҳар қандай нарса. Қозон ва бошқа нарсаларнинг оёқлари каби.

سَنْلَجْ ***senläč*** **(сенлач)** – финдиқ ёнғоғи катталигидаги бир турли ширин олма.

ر *r* [ҳарфи]:

سُنْكُقُرْ ***suŋqur*** **(сунгқур)** – йиртқич қушлардан бирининг номи (шунқор). Бу *toğrïl* дан кичикдир.

قُجَنْكَارْ ***qočŋar*** **(қўчнгар)** – қўчқор. Мақолда (шундай келган): ***İkki qočŋar bašï bïr ešäktä pïšmas.*** Маъноси: "Икки қўчқорнинг боши бир қозонда қайнамайди". Бу мақол бир шаҳарда икки бек, икки бошлиқ бир-бири билан чиқиша олмаслиги, бирининг у ерни тарк этиб чиқиб кетиши кераклигига ишора қилиб айтилади.

قُجَنْكَارْ بَاشِى ***Qočŋar bašï*** **(Қўчнгар баши)** – бир шаҳарнинг оти.

ش *š* [ҳарфи]:

[قَنْكَدَشْ ***qaŋdaš*** **(қангдаш)]** ***qaŋdaš qadaš*** – отаси бир, оналари бошқа болалар. Мақолда (шундай келган): ***Qaŋdaš quma urur, igdiš örü tartar.*** Маъноси: Отаси бир бўлганлар ораларидаги адоват сабабли бир-бирлари билан келишмайдилар. Онаси бир бўлганлар ораларидаги дўстлик сабабли бир-бирларига ёрдам берадилар.

غ *ğ* [ҳарфи]:

[مُنْكَلْغ ***muŋluğ*** **(мунглуғ)** – сиқилган, қийналган, мунгли] ***muŋluğ er*** – сиқилган, тазйиқда қолган киши.

ق *q* [ҳарфи]:

[تَنْكُسُقْ ***taŋsuq*** **(тангсуқ)** – тансиқ] ***taŋsuq näŋ*** – ҳайратланарли ажойиб нарса. Яхшилиги учун аҳён-аҳёнда ейиладиган таомни ***taŋsuq aš*** дейиш ҳам шундандир.

تِرْنَكَقْ ***tïrŋaq*** **(тирнгақ)** – тирноқ.

قِرْنَكَاقْ ***qïrŋaq*** **(кирнгақ)** – қассобларнинг сотур деган асбоби каби нарса. У билан гўшт ва хамир кесилади.

قَزُنْكُقْ ***qazuŋuq*** **(қазунгуқ)** – қозиқ. *Quṭb* юлдузини ***Temür qazuŋuq*** дейиш ҳам шундандир; "темир қозиқ", деган маънода келади. Чунки осмон унинг теварагида айланади.

[چِنْكَرَاقْ ***čïŋraq*** **(чинграқ)]** ***čïŋraq ün*** – баланд ва тиниқ овоз, чинқириқ.

قَنْكَرَقْ ***qaŋraq*** **(қанграқ)** – энгак ости, тумшуқ.

[قَنْكَسِقْ ***qaŋsïq*** **(қангсиқ)** – ўгай] ***qaŋsïq ata*** – ўгай ота; ***qaŋsïq oğul*** – ўгай ўғил.

قَلِنْكُقْ ***qaliŋuq*** **(қалингуқ)** – бош қасмоғи. Пар ва териларга ёпишиб тўпланган ҳар нарсага ҳам шу сўз қўлланади.

ك *k* [ҳарфи]:

تُنْكُلُكْ ***tüŋlük*** **(тунглук)** – туйнук.

چِنْكُلِكْ ***čeŋlik*** **(ченглик)** – сармашиқ дейилган бир ўсимлик.

كُنْكُلَكْ ***köŋläk*** **(кўнглак)** – кўйлак.

ل *l* [ҳарфи]:

دَنْكَالْ ***deŋäl*** **(денгал)** – арпа, буғдойларнинг ўрилгандан сўнг боғланган боғи.

**Бу бўлимнинг *misāl* тури**

يەڭچ ***yeŋäč*** **(йенгач)** – сувда бўладиган кичик бир жонивор (ўғузча).

س ***s*** [ҳарфи]:

[يالنگوس ***yalŋus*** **(йалнгус)** – ёлғиз, якка] ***yalŋus er*** – ёлғиз киши ва бошқалар. Мақолда (шундай келган): ***Yalŋus qaz ötmäs.*** Маъноси: "Ёлғиз ғознинг товуши чиқмас". Бу мақол иш юзасидан бошқаларга ёрдам беришга ундаб айтилади.

ق ***q*** [ҳарфи]:

يانگراق ***yaŋraq*** **(йанграк)** – тоғнинг буриладиган ва тагидан сув оқадиган жойи. Бундай ердан сакраб ва шунга ўхшаш ҳаракат билан ўтилади.

[يانگشاق ***yaŋšaq*** **(йангшақ)**] ***yaŋšaq er*** – эзма киши.

يالىنۇق ***Yalïŋuq*** **(Йалингуқ)** – *Ādam* алайҳис-саломнинг исми. Мақолда (шундай келган): ***Yalïŋuq oğlï yoqaδur, eδgü atï qalïr.*** Маъноси: "Одам боласи ўлиб кетади, эзгулик билан яхши номи қолади". Бу мақол кишиларнинг яхшилик қилишлари кераклигига ундаб айтилади.

يالىنۇق ***yalïŋuq*** **(йалингуқ)** – барча кишиларга нисбатан бирдай қўлланувчи сўз. (Билимли) шундай деган:

***Yağï erür yalïŋuqïŋ näŋï tawar,***
***Bilig eri yağïsïn nelig sewär?***

Айтмоқдаки: Кишининг моли ўзига ёвдир. Ақлли киши қандай қилиб ёвни севсин ?

يالنۇق ***yalŋuq*** **(йалнгуқ)** – чўри. Ўғузлар, қипчоқ ва суворлар тилида.

يانگلۇق ***yaŋluq*** **(йанглуқ)** – ишда, сўзда, ҳаракатда ва бошқа шунинг кабиларда янглишиш.

**Бу бўлимнинг *ğunna* лилари**

تاپچاڭ ***tapčaŋ*** **(тапчанг)** – дастурхон кенглигидаги уч оёқли нарса. Боғбон унинг устига чиқиб, ишком – сўридан узум узади.

جالپاڭ ***čalpaŋ*** **(чалпанг)** – суюқ лой.

ش ***š*** [ҳарфи]:

[چىۋشاڭ ***čïwšaŋ*** **(чившанг)**] ***čïwšaŋ čağïr*** – ўткир май, мусаллас.

چەۋشاڭ ***čewšäŋ*** **(чевшанг)** – қўй юнгини қирқадиган катта қайчи (чигиллар сўзи).

چاۋشاڭ ***čawšaŋ*** **(чавшанг)** – кўзи ёшланиб турадиган одам.

كەۋسەڭ ***kewsäŋ*** **(кевсанг)** – капсан. Хирмон янчилгандан сўнг келган кишига бериладиган дон ҳадяси.

ل ***l*** [ҳарфи]:

[سۇلاڭ ***suwlaŋ*** **(сувланг)**] ***suwlaŋ yïğač*** – бутоғи йўқ дарахт.

[سۇلاڭ ***suwlaŋ*** **(сувланг)**] ***suwlaŋ sač*** – ёйиқ соч.

ق ***q*** [ҳарфи]:

قالقاڭ ***qalqaŋ*** **(қалқанг)** – қалқон. Бу сўзнинг ***qalqan*** шакли ҳам бор.

**Бу бўлимнинг *manqūṣ* тури**

[تايلاڭ ***taylaŋ*** **(тайланг)**] ***taylaŋ er*** – нозик, кўркам, хушбичим, ранги тоза, кийимлари тоза киши. Бу сўз кўпинча йигитларга нисбатан қўлланади: ***taylaŋ yigit*** – кўркам, хушбичим йигит.

**Бу бўлимнинг *čīm* лиси**

غ *ğ* [ҳарфи]:
قَزْغَنْچ ***qazğanč*** **(қазғанч)** – ишлаб топиш, касб, қозонч.
ق *q* [ҳарфи]:
قُرْقُنْچ ***qorqunč*** **(қўркунч)** – қўрқув.
ک *g* [ҳарфи]:
تَزْگِنْچ ***tezginč*** **(тезгинч)** – тоғ ва бошқаларнинг бурилиш жойи. Қинғир-қийшиқ йўлни ***tezginč yol*** дейиш шундан.

**Бу бўлимнинг *miṣāl* тури**

يُرْگَنْچ ***yörgänč*** **(йўрганч)** – йўл ва бошқалардаги қинғир-қийшиқлик, ***tezginč*** маъносида.
يُرْگَنْچ ***yörgänč*** **(йўрганч)** – дарахтларга ўралиб, уни қуритадиган печак ўти.

***fa'lalū* қолипидаги сўзлар**

غ *ğ* [ҳарфи]:
قُنْغُرَغُو ***qoŋrağu*** **(қўнғрағу)** – қўнғироқ.
قُنْغُرَغُو ***qoŋrağu*** **(қўнғрағу)** – қулоқ остидаги туртиб чиққан суяк.
ک *g* [ҳарфи]:
[سَنْگَرَگُو ***seŋrägü*** **(сенграгу)]** ***seŋrägü at*** – бошида иллати бор от. Унинг бурнидан сув оқиб туради. Мудом бурнидан сув (мишиқ) оқиб турадиган болани ҳам ***seŋrägü*** деб калака қиладилар, "мишиқи", демакдир.

**Бу бўлимнинг *miṣāl* тури**

يِنْگْدَگُو ***yiŋdägü*** **(йингдагу)** – болани сўкканда ***yiŋdägü*** дейилади, "эй, мишиқи" демакдир.

**Бу бўлимнинг беш ҳарфлилари**

**Ҳар хил ҳаракатлар билан қўлланган *f a'anlāl* қолипидаги сўзлар**

ق *q* [ҳарфи]:
سِنْگَرْسُق ***siŋarsuq*** **(сингарсуқ)** – отга мингашган икки кишидан орқадагисининг ўтирган ўрни.
ک *k* [ҳарфи]:
مُنْگُزْگَاک ***müŋüzgäk*** **(мунгузгак)** – қўл қавариғи. Бу қўл меҳнатидан пайдо бўлади.

**Охири *ğunna* ли сўзлар**

قَرَنْغُو ***qaraŋğu*** **(қарангғу)** – қоронғи.
[قَزَنْغُو ***qazaŋqu*** **(қазангғу)]** ***yïp qazaŋqu boldï*** – ип қаттиқ ўралашиб, ечилмас даражада чигал бўлди.

**Бу бўлимнинг *misāl* тури**

غ ***ğ*** [ҳарфи]:

[يَنكِلغَان ***yaŋïlğan*** **(йангилған)**] ***yaŋïlğan er*** – ўтган ишни унутиб, ундан хулоса чиқармайдиган, адашадиган киши.

**Бу бўлимнинг бошқа бир тури**

تَنكِلگُچ ***teŋilgüč*** **(тенгилгуч)** – дўлангич дейилган бир куш (ўғузча).

ن ***n*** [ҳарфи]:

تَنكِلگُونْ ***teŋilgün*** **(тенгилгун)** – ўғузлардан бошқа туркий қабилалар тилида дўлангич дейилган қуш.

تَنكْرِكَانْ ***täŋrikän*** **(тангрикан)** – Тангрига топинувчи билимли киши. Мусулмон бўлмаган турклар тилида.

**Бу бўлимнинг олти ҳарфлилари**

ق ***q*** [ҳарфи]:

يَنكَلدُرُقْ ***yaŋalduruq*** **(йангалдурук)** – ёмғирдан, қуёш иссигидан бошни сақлаш учун қўлланадиган ёпинчиқ. У наматдан тикилади.

Бу бўлимда икки *sukun* ёнма-ён келмайди. Чунки *ğunna* нинг ўзи талаффуз учун оғирдир. Бунинг устига икки *sukun* ёнма-ён келса, сўзлаш мумкин бўлмайдиган даражада икки баробар оғирлик пайдо бўлади. Шунинг учун сўзлашда осонлик бўлсин деб, *ğunna* ذلاقه ҳарфлари билан қўшилиб келади. Бу етарли эмас. Икки *sukun* билан *ğunna* фақат ***sözäŋri kiši*** иборасида учровчи бу сўз "беҳуда сўзлар сўзловчи киши", демакдир. Бу иборада ذلاقه ҳарфларидан *ðāl* мавдуд. Шу билан талаффуз осонлашган. Буни яхши билиб ол.

*Ğunna* ли отлар бўлими тугади.

بسم الله الرحمن الرحيم

**[(Сўзимни) раҳмдил ва меҳрибон Оллоҳнинг номи билан (бошлайман)]**

## БУ *ĞUNNA* ЛИ ФЕЪЛЛАР КИТОБИДИР

### ИККИ ҲАРФЛИЛАР БОБИ

ت ***t*** [ҳарфи]:

[تِنكْدِى ***teŋdi*** **(тенгди)**] ***quš teŋdi*** – қуш кўкка кўтарилди. Кўкка қарата отилган ўқ кўкда кўзга кўринмай кетишига ҳам шу сўз қўлланиб, ***q teŋdi*** дейилади (***teŋär***, ***teŋmäk***).

[تَنكْدِى ***taŋdï*** **(тангди)** – танғиди] ***ol anïŋ basïn taŋdï*** – у унинг бошини рўмол билан танғиди. Ҳар қандай нарсани арқон билан сиқиб боғлашга ҳам шу сўз қўлланади (***taŋar***, ***taŋmaq***).

[تُنكْدِى ***toŋdï*** **(тўнгди)** – музлади] ***suw toŋdï*** – сув ва бошқа нарсалар музлади. Яна: ***er toŋdï*** – киши совуқдан тарашадек қотди (***toŋar***, ***toŋmaq***).

س ***s*** [ҳарфи]:

[سِنكْدِى ***siŋdi*** **(сингди)** – сингди] ***aš siŋdi*** – ош сингди, ҳазм бўлди; ***suw yerkä siŋdi*** – сув ерга сингиб кетди.

[سِنكْدِى ***siŋdi*** **(сингди)** – жойлашди] ***söz köŋülkä siŋdi*** – сўз кўнгилга жойлашди (***siŋär***, ***siŋmäk***).

[سِنكْدِى ***siŋdi*** **(сингди)**] ***ördäk qamïšqa siŋdi*** – ўрдак ва бошқалар қамишзор орасига кириб, у ерга сингиб кетгандек бўлди. Биров уй эгасидан сўрамай, унинг уйига ёки бошқа ерга кириб яширинишига ҳам шу сўз қўлланади (***siŋär***, ***siŋmäk***).

م ***m*** [ҳарфи]:

[مُنكْدِى ***möŋdi*** **(мўнгди)**] ***at möŋdi*** – от саркашлик қилди ва тепди (***möŋär***, ***möŋmäk***).

### Бу бўлимнинг *miŝāl* тури

[يِنكْدِى ***yeŋdi*** **(йенгди)**] ***er anï yeŋdi*** – киши бир ишда уни енгди. Ўғуз ва қипчоқлар сўзи (***yeŋär***, ***yeŋmäk***).

### Ҳар хил ҳаракатлар билан қўлланган *fa'aldī* қолипидаги уч ҳарфли сўзлар бўлими

ر ***r*** [ҳарфи]:

[تُنكْرْدِى ***teŋürdi*** **(тенгурди)**] ***er oq teŋürdi*** – киши ўқни кўкка қарата отди, ҳаттоки, ўқ осмонда кўринмай қолди. Қўлдан учирилган қушнинг кўзга кўринмай кетишига ҳам шу сўз қўлланади (***teŋürir***, ***teŋürmäk***).

[سِنكْرْدِى ***siŋirdi*** **(сингирди)**] ***ol tanču siŋirdi*** – у луқма ва бошқа нарсаларни ютди, сингдирди (***siŋürir***, ***siŋürmäk***).

[سِنكْرْدِى ***siŋirdi*** **(сингирди)**] ***yağnï terikä siŋirdi*** – ёғни терига сингдирди (***siŋirir /siŋürir***, ***siŋirmäk / siŋürmäk***).

[قُنكْرْدِى ***qoŋurdï*** **(қўнгурди)**] ***er yïğač qoŋurdï*** – киши дарахт ва бошқаларни кўпорди. Шамол бир нарсани йиқитишига ҳам шу сўз қўлланади (***qoŋurur***, ***qoŋurmaq***).

[كېڭۈردى *keŋürdi* (**кенгурди**)] ***er ewin keŋürdi*** – киши уй ва бошқа жойларини кенгайтирди (***keŋürür***, ***keŋürmäk***).

ز *z* [ҳарфи]:

[تىڭزدى *taŋïzdï* (**тангизди**)] ***er öpkäsindä taŋïzdï*** – кишининг жигари шишди. Бу аччиқдан шишишдир.

[تىڭزدى *taŋïzdï* (**тангизди**)] ***öpkä taŋïzdï*** – жигар шишиб етилди. Бу жигар яхши етилиб пишиши учун унинг устига зираворлар ва сирка солиб пиширишдир (***taŋïzar***, ***taŋïzmaq***).

ش *š* [ҳарфи]:

[تەڭشدى *teŋäšdi* (**тенгашди**) – тенглашди] ***teŋäšdi näŋ*** – бир нарса бир нарсага тенглашди. (Шеърда) шундай деган:

***Meniŋ bilä keŋäšdi,***
***Bilgi meŋä teŋäšdi.***
***Erän bilä süŋüšdi,***
***Alplar bašïn ol yuvar.***

Жанг ҳақида суҳбат қилган бир киши тўғрисида айтмоқда: Мен билан кенгашди, (бу ҳақда) унинг фикри менинг фикримга тенг келди. Жангда эрларни узоқларга улоқтирди. Ботирларнинг бошларини копток сингари думалатди" (***teŋäšür***, ***teŋäšmäk***).

[تۆڭشدى *töŋüšdi* (**тўнгушди**)] ***er töŋüšdi*** – киши ҳолсизланиб бош эгди (***töŋüšür***, ***töŋüšmäk***).

[تۇڭشدى *toŋušdï* (**тўнгушди**)] ***toŋuz toŋušdï*** – тўнғиз қаттиқ тикилиб, кишига ҳамла қилишга интилди. Бирор ишни қабул қилишдан тортиниб, бу ишни ёқтирмагани учун иш буюрувчига ёмон тикилган кишига ***er toŋušdï*** дейилади (***toŋušur***, ***toŋušmaq***).

[سىڭشدى *siŋišdi* (**сингишди**) – сингишди] ***suwlar qamuğ siŋišdi*** – сувлар тамом сингишди. Ҳар қандай суюқ модданинг бошқасига сингишига ҳам шу сўз қўлланади (***siŋišür***, ***siŋišmäk***).

[سۈڭشدى *süŋüšdi* (**сунгушди**)] ***ikki er birlä süŋüšdi*** – икки эр жангда урушди, бир-бирини суришга ҳаракат қилди (***süŋüšür***, ***süŋüšmäk***).

[كەڭشدى *keŋäšdi* (**кенгашди**) – кенгашди] ***ol meŋä keŋäšdi*** – у мен билан кенгашди (***keŋäšür***, ***keŋäšmäk***).

ق *q* [ҳарфи]:

[اۇنقتى *uŋuqtï* (**унгуқти**) – унниқди, синиқиб кетди] ***anïŋ yüzi uŋuqtï*** – касаллик ва бошқадан унинг юзини ажин босибди, ажинлар пайдо бўлибди.

[اۇنقتى *uŋuqtï* (**унгуқти**)] ***barčïn uŋuqtï*** – шойи кийимликнинг оҳори кетибди, ранги айнибди, ялтироғи сўнибди, суви қочибди (***uŋuqar***, ***uŋuqmaq***). Шунга ўхшаш ҳар қандай нарсага ҳам шу сўз қўлланади.

[مۇنقتى *muŋuqtï* (**мунгуқти**)] ***er muŋuqtï*** – киши қийналди, қийинчиликда қолди (***muŋuqar***, ***muŋuqmaq***).

ل *l* [ҳарфи]:

[اۇڭلدى *oŋuldï* (**ўнгулди**) – ўнгалди, ўнгралди] ***sögäl oŋuldï*** – касал ўнгралди, тузалди. Яна ***iš oŋuldï*** – чигал иш ўнгралди, тузалди (***oŋulur***, ***oŋulmaq***).

[اۈڭلدى *üŋüldi* (**унгулди**)– ўйилди] ***yïğač üŋüldi*** – ёғоч ва бошқа нарсалар ўйилди (***üŋülür***, ***ünülmäk***).

[تىڭلدى *taŋïldï* (**тангилди**)] ***taŋïldï baš*** – киши бошини танғиди. Ҳар қандай нарсанинг ип билан боғланишига ҳам шу сўз қўлланади (***taŋïlur***, ***taŋïlmaq***).

[تۇڭلدى *tuŋuldi* (**тунгулди**) – умидини узди] ***er ištïn tüŋüldi*** – киши ишдан умидини узди.

ن *n* [ҳарфи]:

[تَنگِنْدِی *tanïndï* (**тангинди**)] ***er bašïn tanïndï*** – киши бошини ўзи танғиди (***tanïnur, tanïnmaq***).

### *Muḍāʼaf* лар бўлими

[تُنگْتِی *tönütti* (**тўнгутти**)] ***er bašïn tönütti*** – киши ва бошқа кимса бошини эгди (***tönütür, tönütmäk***).

[تَنگِتِی *teŋitti* (**тенгитти**)] ***er oqïn teŋitti*** – эр ўқини кўкка қарата отди (***teŋitür, teŋitmäk***).

[كِينگِتِی *keŋitti* (**кенгитти**) – кенгайтирди] ***er ewïn keŋitti*** – киши уй ва бошқа жойларни кенгайтирди (***keŋitür, keŋitmäk***).

### Тўрт ҳарфлилар

ك ***k*** [ҳарфи]:

[كِينگَادِی *keŋädi* (**кенгади**)] ***ol meŋä keŋädi*** – у ишини мен билан кенгашди (***keŋär, keŋämäk***).

[كِينگُودِی *keŋüdi* (**кенгуди**) – кенгайди] ***yer keŋüdi*** – ер ва бошқа нарсалар кенгайди (***keŋür, keŋümäk***).

### Бу бўлимнинг *laflf* тури

[يُنگَادِی *yoŋadï* (**йўнгади**)] ***ol anï begkä yoŋadï*** – у уни бек ва бошқа кимсага чақди (***yoŋar, yoŋamaq***).

### ТЎРТ ҲАРФЛИЛАР БЎЛИМИ

### Ҳар хил ҳаракатлар билан қўлланган *faʼlaldī* қолипидаги сўзлар

ر ***r*** [ҳарфи]:

[تُنگْتُرْدِی *tüŋtürdi (teŋtürdi?)* (**тенгтурди**?)] ***ol quš tüŋtürdi (teŋtürdi?)*** – у қушни ва ўқни учирди (***teŋtürür, teŋtürmäk***).

[تُنگْدَرْدِی *töŋdärdi* (**тўнгдарди**) – тўнкарди, тўнтарди] ***ol ayaq töŋdärdi*** – у идиш ва бошқа нарсаларни тўнкарди (***töŋdärür, töŋdärmäk***).

[سِنگْدُرْدِی *siŋdürdi* (**сингдурди**) – сингдиртирди] ***süčig ašïğ siŋdürdi*** – ичимлик (шароб) ош ва бошқаларни сингдирди, ҳазм қилдирди (***siŋdürür, siŋdürmäk***). ***ol anï ewkä siŋdürdi*** – у уни уйга сингдирди, яширди.

[مُنگْقَرْدِی *muŋqardï* (**мунгқарди**)] ***ol anï muŋqardï*** – у уни изтиробга туширди, қийноққа солди (***muŋqarur, muŋqarmaq***).

[تَنگْرْدِی *teŋärdi* (**тенгарди**) – тенглаштирди] ***ol bir näŋnï birkä teŋärdi*** – у икки нарсани тенглаштирди (***teŋärür, teŋärmäk***).

ش ***š*** [ҳарфи]:

[تَنگْلَشْدِی *teŋläšdi* (**тенглашди**) – тенглашди] ***bir näŋ birkä teŋläšdi*** – бир нарса бошқа бир нарсага тенглашди (***teŋläšür, teŋläšmäk***).

[تِنگْلَشْدِی *tïŋlašdï* (**тинглашди**)] ***ol meniŋ birlä söz tïŋlašdï*** – у мен билан сўз тинглашди (***tïŋlašur, tïŋlašmaq***).

[تَنْكَلَشْدِى] ***taŋlašdï*** **(танглашди)**] ***kišilär bu ïšïğ taŋlašdï*** – кишилар бу ишга (ишдан) ҳайрон қолишди, танг қолишди (***taŋlašur, taŋlašmaq***). (Шоир) шундай деган:

***Ördi bulït ïŋrašu,***
***Aqtï aqïn müŋräšü.***
***Qaldï bodun taŋlašu,***
***Kökrär taqï maŋrašur.***

Ёмғирни таърифлаб айтмоқда: Булутлар баланд овоз билан юқори кўтарилди. Булутлардан селлар шарқираб оқди. Бу ҳолга кишилар ҳайрон қолди. Булутлар чақмоқ чақтиришар, момақалдироқлар гулдурашар эди.

[مَنْكَشْدِى] ***meŋdädi*** **(менгдашди)**] ***ikki urağut meŋdädi*** – икки хотин бир-бирининг сочини юлди. Бу *mufā'ala* шаклидадир (***meŋdädür, meŋdädmäk***).

## Бу бўлимнинг бошқа бир тури

ش ***š*** [ҳарфи]:

[مُنْكَشْدِى / مِنْكَشْدِى ***niŋädsdi / müŋädsdi*** **(мингашди / мунгашди)** – мингашди] ***ol meniŋ birlä miŋädsdi / müŋädsdi*** – у мен билан бирга от ва бошқа нарсаларга мингашди (***miŋädsür / müŋädsür, miŋäšmäk / müŋäšmäk***).

ن ***n*** [ҳарфи]:

[كُنْكُرَنْدِى ***küŋrändi*** **(кунгранди)**] ***er ïšqa küŋrändi*** – киши ишга бўйин бермай, ўзича бир нималар деб ғўлдиради (***küŋränür, küŋränmäk***).

[كِينْكُرُنْدِى ***keŋründi*** **(кенгрунди)**] ***ol keŋründi*** – киши бироз вақт кенг-тўқ яшади (***keŋrünür, keŋrünmäk***).

[تَنْكَلَنْدِى ***teŋländi*** **(тенгланди)**] ***er ïšïn teŋländi*** – киши ўзининг ишига чора топди (***teŋlänür, teŋlänmäk***).

## Бу бўлимнинг *miṣāl* тури

[يِنْكُشُرْدِى ***yiŋšürdi*** **(йингшурди)** – аралаштирди] ***ol isig suwuğ tumluğqa yiŋšürdi*** – у иссиқ сувни совуқ сув билан аралаштирди, сув илиди (***yeŋšürür / yiŋšürür, yeŋšürmäk / yiŋšürmäk***).

[يَنْكُقُرْدِى ***yaŋqurdï*** **(йангқурди)**] ***er yaŋqurdï*** – киши ғойибдан бир овоз эшитгандай ёки бир нарса сезгандай ўнгу чапга қаради (***yaŋqurar, yaŋqurmaq***).

## Ҳар хил ҳаракатлар билан қўлланган *fa'lādī* қолипидаги сўзлар

د ***d*** [ҳарфи]:

[سُنْكَدَادِى ***soŋdadï*** **(сўнгдади)** – сўнгидан борди] ***ol yağïnï sondadï*** – у ёвни таъқиб этиб кетидан борди. Ҳар қандай нарсани қўлга олиш учун у нарсани таъқиб қилиш, пайига тушишга ҳам шу сўз қўлланади (***soŋdar, soŋdamaq***).

[مَنْكَدَادِى ***meŋdädi*** **(менгдади)**] ***ol anïŋ sačïn meŋdädi*** – у унинг сочини юлди. (Шоир) шундай деган:

***Uðum barïp soŋdadï,***
***Tegir turup aŋdïdï.***
***Sačïn qara meŋdädi,***
***Arzulayu er awar.***

Бир бекни енгган эр ҳақида айтмоқда: Кетидан пойлаб борди, ҳийла билан қўлга тушириш учун эрлар унинг теварагига тўпландилар, ўраб олдилар. Эрлар унинг сочларини юлдилар. Бу ерда халқнинг тўпланишини чиябўри тўпланишига ўхшатилаётир. Чунки чиябўрилар ёлғиз одамга дуч келса, уни ўраб олиб, тилка-пора қиладилар (***meŋdär, meŋdämäk***).

ر ***r*** [ҳарфи]:

[جِنگْرَدِی ***jïŋradï*** **(жингради)** – жингирлатди] ***ol qoŋrağu jïŋradï*** – у қўнғироқни жингирлатди (***jïŋrar, jïŋramaq***). Бунга ўхшаш ҳар қандай овозга ҳам шу сўз қўлланади.

[سُنگْرَدِی ***soŋradï*** **(сўнгради)**] ***er ïšqa soŋradï*** – киши ишга саркашлик қилди, сўзни қайтарди (***soŋrar, soŋramaq***).

[قُنگْرَدِی ***qoŋradï*** **(қўнгради)** – дўриллади, ғўнғиллади] ***oğlan üni qoŋradï*** – боланинг овози дўриллади. Бу (овоз ўзгариши) балоғатга етганда (пайдо) бўлади.

[قُنگْرَدِی ***qoŋradï*** **(қўнгради)**] ***qoy qoŋradï*** – қўйнинг ранги қўнғир бўлди (***qoŋrar, qoŋramaq***).

[مَنگْرَدِی ***maŋradï*** **(манградн)**] ***er maŋradï*** – киши ва бошқалар бақирди (***maŋrar, maŋramaq***).

[مُنگْرَدِی ***müŋrädi*** **(мунградн)**] ***uδ müŋrädi*** – хўкиз мўнгради, мўради (***müŋrär, müŋrämäk***).

ز ***z*** [ҳарфи]:

[مَنگْزَدِی ***meŋzädi*** **(менгзади)** – ўхшади] ***bir näŋ birkä meŋzädi*** – бир нарса бошқа бир нарсага ўхшади (***meŋzär, meŋzämäk***).

ک ***g*** [ҳарфи]:

[تَنگْلَدِی ***taŋladï*** **(танглади)**] ***er ïšïğ taŋladï*** – киши ишга шоширди (***taŋlar, taŋlamaq***).

[تَنگْلَدِی ***teŋlädi*** **(тенглади)**] ***bir näŋ birkä teŋlädi*** – икки нарсани бир-бирига тенг қилди (***teŋlär, teŋlämäk***).

[تِنگْلَدِی ***tïŋladï*** **(тинглади)**] ***er söz tïŋladï*** – киши сўз тинглади, сўзга қулоқ солди (***tïŋlar, tïŋlamaq***).

[سَنگْلَدِی ***saŋladï*** **(санглади)**] ***quš saŋladï*** – қуш тезаклади (***saŋlar, saŋlamaq***).

## Бу бўлимнинг *misāl* тури

ر ***r*** [ҳарфи]:

[يَنگْرَدِی ***yaŋradï*** **(йанградн)**] ***ol bir söz yaŋradï*** – у яшириш керак бўлган сўзни сўзлади, оғзидан гуллади (***yaŋrar, yaŋramaq***).

ل ***l*** [ҳарфи]:

[يُنگْلَدِی ***yuŋladï*** **(йунглади)** – юнгини қирқди] ***ol qoyun yuŋladï*** – у қўйнинг юнгини олди (***yuŋlar, yuŋlamaq***).

## Ҳар хил ҳаракатлар билан қўлланган *fa'ïlādï* қолипидаги сўзлар

[تِنگِيلَدِی ***tïŋïladï*** **(тингилади)**] ***näŋ tïŋïladï*** – ҳовончага ўхшаш оғир бир нарса ерга тушиб, тинғиллаган овоз чиқарди (***tïŋïlar, tïŋïlamaq***).

[جَنگِيلَدِی / جِنگِيلَدِی ***jaŋïladï / jïŋïladï*** **(жангилади / жингилади)**] ***ït jaŋïladï / jïŋïladï*** – ит уришиб, вангиллади. Бу – одатдаги хуришдан бошқачадир. Биров ҳаддан ортиқ ҳақоратли сўзлар сўзласа, ***telim jaŋïladïŋ*** дейилади; кўп вангилладинг, бақирдинг, демакдир (***jaŋïlar, jaŋïlamaq***).

[سُنگُولَدِی ***süŋülädi*** **(сунгулади)**] ***ol anï süŋülädi*** – у унга найза санчди (***süŋülär, süŋülämäk***).

[سِنْكِيلَادِى *sïŋïladï* (**сингилади**)] ***ït sïŋïladï*** – ит совуқ ва шунинг сингари аянчли вазиятдан ванғиллади.

[سِنْكِيلَادِى *sïŋïladï* (**сингилади**)] ***suw sïŋïladï*** – сув совуди, муз қотди.

[سِنْكِيلَادِى *sïŋïladï* (**сингилади**)] ***qulaqïm sïŋïladï*** – қулоғим чинғиллади (***sïŋïlar***, ***sïŋïlamaq***).

[تُنْغَالَادِى *toŋaladï* (**тўнгалади**)] ***er toŋaladï*** – эр ботирлар ва кучлилар ишини қилди (***toŋalar***, ***toŋalamaq***).

[مِنْكِيلَادِى *meŋilädi* (**менгилади**)] ***er meŋilädi*** – киши мия еди. Асли, тўғриси шудир. Сўнг бу сўз арабларнинг طوبى لك ибораси ўрнида қўлланган. Бу "мия учун қўй сўйиш керак" деган маънодадир. Бу қўйнинг энг қимматли аъзосидир. Биров ҳурмати учун қўй сўйилиб, унинг миясини тақдим қилиш энг буюк ҳурматдир. Сўнг бу сўз олдида яхши таоми бор ҳар қандай киши учун ҳам аталадиган бўлган. (Шеърда) шундай деган:

***Anï yetip süŋülädi,***
***Bašïn yanduru yaŋïladï.***
***Erän bayup müŋilädi,***
***Anïŋ alpïn qara boğdï.***

Қўшинни енгган бир эрни таърифлаб айтмоқда: У унга етиб олди, найза санчди, битган ярасини яна янгилади, тушган ўлжаларни кишиларга бўлиб берди. Ёв ботирларини бўгди.

### Бу бўлимнинг *misāl* тури

ل *l* [ҳарфи]:

[يَنْكِيلَادِى *yaŋïladï* (**йангилади**)] ***ol tonïn yaŋïldï*** – у кийимини ва бошқа нарсаларини янгилади (***yaŋïlar***, ***yaŋïlamaq***).

### Бу бўлимнинг бошқа бир тури

[يَشَانْكُرْدِى *yašaŋurdï* (**йашангурди**)] ***anïŋ közi yašaŋurdï*** – унинг кўзи кун тиғидан ёшланди (***yašaŋur***, ***yašaŋurmaq***).

### Бу бўлимнинг беш ҳарфлилари

ر *r* [ҳарфи]:

[تُنْكُرْلَنْدِى *tüŋürländi* (**тунгурланди**)] ***ol meŋä tüŋürländi*** – у ўзини менга қуда ҳисоблади (***tüŋürlänür***, ***tüŋürlänmäk***).

[سِنْكِرْلَنْدِى *siŋirländi* (**сингирланди**)] ***et siŋirländi*** – гўштда пайлар кўпайди. Яна: ***ya siŋirländi*** – ўққа ва бошқа нарсаларга пай ўралди (***siŋirlänür***, ***siŋirlänmäk***).

ز *z* [ҳарфи]:

[مِنْكِزْلَنْدِى *meŋizländi* (**менгизланди**)] ***kiši meŋizländi*** – кишининг чиройи очилди (***meŋizlänür***, ***meŋizlänmäk***).

[مُنْكُزْلَنْدِى *möŋüzländi* (**мўнгузланди**) – шохланди, шох чиқарди] ***qozï möŋüzländi*** – қўзи ва бошқа ҳайвонлар шох чиқарди (***möŋüzlänür***, ***möŋüzlänmäk***).

ك *k* [ҳарфи]:

[سُنْكُوكْلَنْدِى *söŋükländi* (**сўнгукланди**)] ***oğlan söŋükländi*** – бола ва бошқаларнинг кифт суяклари катталашди (***söŋüklänür***, ***söŋüklänmäk***).

ل *l* [ҳарфи]:

[كۅڭۈلدى **köŋülländi** (**кўнгулланди**) – кўнгил берди, кўнгил қўйди] ***er išqa köŋülländi*** – киши ишга кўнгил берди, ишлашга жазм қилди. Боланинг ақли кириб, зеҳни ортишига ҳам шу сўз қўлланади (***köŋüllänür, köŋüllänmäk***).

[سىڭىلدى **siŋilländi** (**сингилланди**) – сингил тутинди] ***ol qïzïğ siŋilländi*** – у қизни сингил тутинди (***siŋillänür, siŋillänmäk***).

**Бу бўлимнинг тўрт ҳарфлилари**

[تۈڭۈرلادى **tüŋürlädi** (**тунгурлади**)] ***ol meni tüŋürlädi*** – у мени ўзининг қудасидай ҳисоблади, қудаси деб билди (***tüŋürlär, tüŋürlämäk***).

[سىڭارلادى **sïŋarladï** (**сингарлади**)] ***ol anï sïŋarladï*** – у уни ёрдамчисиз, ёлғиз бўлгани учун заиф ҳисоблади ва ундан ўч олди (***sïŋarlar, sïŋarlamaq***).

[سىڭىرلادى **siŋirlädi** (**сингирлади**)] ***ol yasïn siŋirlädi*** – у ёйига ва бошқа нарсаларга пай қоплади (***siŋirlär, siŋirlämäk***).

[كەڭىرسىدى **keŋirsidi** (**кенгирсиди**)] ***ešäč keŋirsidi*** – қозон тагидаги нарса куйди, ҳаттоки, ҳиди чиқди (***keŋirsir, keŋirsimäk***).

ك ***g*** [ҳарфи]:

[بىلىڭلادى **beliŋlädi** (**белинглади**)] ***er beliŋlädi*** – киши ўзида юз берган бирор кўркув сабабли уйқусидан чўчиб уйғонди. Ҳайвон тўсатдан чўчиб кетишига, ўзини олиб қочишига ҳам шу сўз қўлланади (***beliŋlär, beliŋlämäk***).

[تولىڭلادى **toluŋladï** (**тўлунглади**)] ***ol qolïn toluŋladï*** – у қўлини энгагига, қулоғининг остларига урди (***toluŋlar, toluŋlamaq***).

**Бу бўлимнинг беш ҳарфлилари**

ك ***g*** [ҳарфи]:

[سېرىڭۈلادى **seriŋülädi** (**серингулади**)] ***er seriŋülädi*** – киши муз ва бошқа нарсаларга тойди (***seriŋülär, seriŋülämäk***).

[سالىڭۇلادى **salïŋuladï** (**салингулади**)] ***üzüm salïŋuladï*** – шийпонда узум саланглаганча осилиб турди. Ҳар қандай нарса баландда осилиб туришига ҳам ***salïŋuladï*** сўзи қўлланади.

[سالىڭۇلادى **salïŋuladï** (**салингулади**) – тош билан урди] ***er ïtïğ salïŋuladï*** – киши итни тош билан урди (***salïŋular, salïŋulamaq***).

[قالىڭۇلادى **qalïŋuladï** (**қалингулади**)] ***er suwda qalïŋuladï*** – киши сув устида қалқиб турди. Бу оёқларини, тиззаларини ҳаракатлантириб, сув узра туришдир (***qalïŋular, qalïŋulamaq***).

ق ***q*** [ҳарфи]:

[يېڭقۇلادى **yaŋquladï** (**йангқулади**)] ***tağ yaŋquladï*** – тоғ акс садо берди. Бу сен берган овознинг акси айнан ўзингга қайтиб эшитилишидир.

[يېڭقۇلادى **yaŋquladï** (**йангқулади**)] ***er qulaqï yaŋquladï*** – киши қулоғи бирор товуш эшитгандай ёки бирор нарса сезгандай бўлиб, ўнгга, чапга қаради (***yaŋqular, yaŋqulamaq***).

[يالىڭۇلادى **yalïŋuladï** (**йалингулади**)] ***qïz yalïŋuladï*** – қиз ва бошқалар икки томони икки нарсага боғланган арқонда ўйнади, арғимчоқ учди (***yalïŋular, yalïŋulamaq***).

[يىنچكالادى **yinčkälädi** (**йинчкалади**) – ингичка деб ҳисоблади] ***ol näŋni yinčkälädi*** – у нарсани ингичка деб ҳисоблади. Нарсанинг ингичкалаштирилишига ҳам шу сўз қўлланади (***yinčkälär, yinčkälämäk***).

ک ***k*** [ҳарфи]:

[ترنکلندی ***teriŋükländi*** **(терингукланди)**] ***suw teriŋükländi*** – сув чуқурлашди, теранлашди (***teriŋüklänür***, ***teriŋüklänmäk***).

[کنکلندی ***köŋläkländi*** **(кўнглакланди)**] ***er köŋläkländi*** – киши ва бошқалар кўйлак кийди (***köŋläklänür***, ***köŋläklänmäk***).

*Ğumma* лилар бўлими тугади. Тангрига шукрлар бўлсин.

بسم الله الرحمن الرحيم

**[(Сўзимни) раҳмдил ва мехрибон Оллоҳнинг номи билан (бошлайман)]**

## БУ ИККИ *SUKUN* ЁНМА-ЁН КЕЛГАН СЎЗЛАР КИТОБИДИР

### ОТЛАР БОБИ

اَلدْرُكْ ***eldrük*** **(элдрук)** – узарлик дейилувчи бир турли ўсимлик.

ن ***n*** [ҳарфи]:

اُرْتْمَانْ ***örtmän*** **(ўртман)** – уй усти, том.

اُرْتْگُونْ ***örtgün*** **(ўртгун)** – арпа, буғдой ғарами.

اَرْسْلَانْ ***arslan*** **(арслан)** – арслон. Ҳукмдорлар ҳам шу сўз билан аталади. Мақолда (шундай келган): ***Alïn arslan tutar, küčin sïčğan tutmas.*** Маъноси: "Ҳийла-тадбир билан арслонни тутиш мумкин бўлса, куч билан сичқонни ҳам тутиб бўлмайди". Бу мақол ишларда зўравонлик йўлини тутмай, яхши тадбир кўриши лозим бўлган кишиларга қарата қўлланади.

م ***m*** [ҳарфи]:

اَلْدُرُمْ ***oldurum*** **(ўлдурум)** – кишининг ўтирадиган ери.

### Бу бўлимнинг бошқа бир тури

تُرْكْمَانْ ***türkmän*** **(туркман)** – булар ўғузлардир. Бу ном билан аталишда уларда бир ҳикоя-ривоят бор: *ðu-l-qarnayn Samarqand* дан ўтиб, турклар шаҳрига қараб йўл олган вақтларда турклар шоҳи *Šu* деб аталган бир ёш киши эди. У катта қўшин эгаси эди. *Balasağun* яқинидаги *Šu* шаҳрини мазкур шоҳ фатҳ қилган, қурдирган эди. Бу шаҳрда ҳар кун беклар учун уч юз олтмиш марта довул чалинар эди. Кимдир биров унга айтди: "*ðu-l-qarnayn* якин келиб қолибди, бизлар у билан урушамизми, нима чора буюрасиз?"

Шоҳ *Šu* эса *ðu-l-qarnayn* келаётганини эшитиб, унинг ўтганини билиб, хабар бериш учун *Xojand* дарёси қиргоғига бир гуруҳ айғоқчиларни юборади. Лекин айғоқчилар яширинча кетишади. Шоҳ аскарларидан бирор киши ҳам (буларнинг кетганидан) хабар топмайди. Шоҳ булардан хотиржам бўлади. Шоҳга: "*ðu-l-qarnayn* билан курашамизми?" – деб савол берганларга ўзининг кумуш ҳовузини кўрсатиб: "Ғоз, ўрдакларга қаранглар, улар сувга қандай шўнғишади", – дейди. Шоҳнинг кумушдан ясалган ҳовузи бор эди. Сафарларда ҳам шоҳ уни ўзи билан олиб юрар эди. Унга сув тўлдирилгач, ғоз, ўрдаклар унга шўнғишар эди. "У билан урушамизми, нима буюрасиз?" – деган саволга шоҳ берган жавоб кишиларни ўйлатиб қўйишади. Улар бу гапдан: "Шоҳ у (*ðu-l-qarnayn*) билан урушмоқчи ҳам эмас, бирор ёққа чекинмоқчи ҳам эмас", деб гумон қиладилар. *ðu-l-qarnayn* йўлга тушади. Айғоқчилар унинг отланганини шоҳга кечаси келиб етказадилар. Шоҳ кечасиёқ довул чалдиради ва Шарқ томонга йўл олади. Шоҳ ҳозирликсиз йўлга чиққанидан халқ орасида, бирор кўнгилсизлик юз бермасайди, деган ташвиш пайдо бўлади. Улов топганлар шошилганча отланиб, хоқон орқасидан йўлга тушадилар. Шошганларидан униси бунинг уловини, буниси унинг уловини олишар эди. Тонг отгунча лашкаргоҳ баланд ер шаклига киради. У вақтларда *Ţirāz*, *Ïspïjab*, *Balasağun* ва бошқа шаҳарлар ҳали бунёд қилинмаган эди. Буларнинг ҳаммаси кейинроқ қурилган. У ердагилар чодир-ўтовларда яшовчи кўчманчилар эди. Шоҳ ва унинг қўшинлари кеч йўлга тушганда, улар билан бирга кетиш учун улов тополмай, йигирма икки киши оилалари билан у ерларда қолиб кетади. Мен уларнинг номларини китоб бошида

кўрсатганман. Уларнинг қорамолларининг тамғаларини ҳам у ерда баён қилганман. Чунончи, *qīnīq, salğur* ва бошқалар шулар жумласидандир. Бу йигирма икки оила улар орқасидан яёв бориш ёки ўз жойларида тураверишҳақида маслаҳат қилишади, булар ёнига икки киши келиб қўшилади. Оилалари ҳам улар билан бирга эди. Улар юкларини орқаларига ортмоғлаб, қўшин орқасидан боришарди. Улар чарчаб-ҳориб, оғир юк кўтаришдан терга тушган эдилар. Бу икки оила, қолиб кетган йигирма икки оилага йўлиққач, улар билан сўзлашдилар. Қўшин кетидан бориш-бормаслик тўғрисида кенгашадилар. Икки оила уларга айтди: "Эй одамлар, *ðu-l-qarnayn* йўловчи бир кимсадир. У бир ерда турмайди. Бизнинг ерларда қолиб кетмай, ўтиб кетади. Ўз еримизда ўзимиз қоламиз". Улар икки оилага айтдилар: ***Qal ač*** – "шу ерда туринглар, оч қолинглар", демакдир. Кейинчалик улар ***xalač*** деб атала бошланганлар. Халачларнинг асли шудир. Улар икки қабиладир.

*ðu-l-qarnayn* келгач, булар унга идрокли кишилар бўлиб кўринди. Уларда туркларни эслатадиган нимадир бор эди. Улардан сўрамасдан илгариёқ *türkmānand* деди. Булар "турклар сингаридирлар" демакдир. Шундан сўнг бу кунгача улар ном билан қолди. Аслида улар йигирма тўрт қабиладир. Лекин халачлардан икки қабила баъзи сабаблардан ўзларини булардан айирадилар. Шунинг учун улар ўғузлардан ҳисобланмайди. Асли, тўғриси шудир.

Шоҳ *Šu Šīn* га етди. У *ðu-l-qarnayn* изидан тушган эди. Уйғурларга яқин бир ерда *Šu ðu-l-qarnayn* га аскар юборди. Бу тўқнашув *Altunqan* дейилган бир тоғда бўлган эди. Бу ҳозир *Altunxan* деб аталадиган тоғ отидир. Сўнг *ðu-l-qarnayn Šu* билан сулҳ тузади. Сўнг уйғур шаҳарларини бунёд қилди. Бир қанча вақт шу ерда турди. *ðu-l-qarnayn* қайтиб кетгач, шоҳ *Šu Balasağun* га қадар олға босди. Ўз номи билан атаган *Šu* шаҳрини қурдирди. У ерга бир тилсим қуришга буюрди. Ҳозирга келиб, лайлак у тилсимли шаҳар рўпарасида тўхтаб қолади, ундан ўта олмайди. Тилсим ҳозирга қадар бузилмай сақлангандир.

**Бу бўлимнинг бошқа бир тури**

ش ***š*** [ҳарфи]:

سَنْدُرُشْ ***sanduruš*** (**сандуруш**) – тортишув. Мақолда (шундай келган): ***Sabanda sanduruš bolsa, örtgündä irtäš bolmas.*** Маъноси: "Экиш даврида кенгашилса, хирмон вақтида жанжал, келишмовчилик бўлмайди". Бу мақол, иш устида олдин пухта тадбир кўриш зарур деган маънода қўлланади.

ق ***q*** [ҳарфи]:

بُرْسُمَاقْ ***borsumaq*** (**бўрсумақ**) – кичик жонивор, бўрсиқ. Бу сўзни семизларга нисбатан қўллаш машҳурдир. Ўғузлар бу сўздан *mīm* ни тушириб, ***borsuq*** шаклида қўллайдилар. Лекин ўғузлар бошқа туркий қабилалар тилида ***bašaq*** шаклида қўлланувчи сўзга *mīm* орттириб, ***bašmaq*** шаклида қўллайдилар.

قِلْدُرُقْ ***qïldïruq*** (**қилдирук**) – буғдой ва бошқа нарсалар ичидаги қилсимон қисм.

[قُرْقُلَقْ / قُرُقْلُقْ ***qoruqluq / qoruqlïq*** (**қўруқлуқ / қўруқлиқ**)] ***qoruqluq / qoruqlïq er*** – қўркоқ киши.

ل ***l*** [ҳарфи]:

[تُرْتُكِلْ / تُرْتُكُلْ ***törtkül / törtkil*** (**тўрткул / тўрткил**)] ***törtkül / törtkil ew*** – тўртбурчак уй. Ҳар қандай тўртбурчак нарсага ҳам бу сўз қўлланади.

ن ***n*** [ҳарфи]:

بَرْسْغَانْ ***Barsğan*** (**Барсған**) – *Afrāsiyāb* нинг бир ўғлининг оти. *Barsğan* шаҳрини у бино қилган. *Maḥmūd* нинг отаси шу шаҳардан.

Баъзилар: уйғур беги отбоқарининг оти ***Barsğan*** эди; бу ернинг ҳавоси яхши бўлгани учун, у отларини шу ерда боққан эди. Сўнг шаҳар унга нисбат берилиб, ***Barsğan*** деб аталган, дейдилар.

بُرسلان ***burslan*** **(бурслан)** – бу сўзнинг асл маъноси "қоплон", демакдир. Шунинг учун ҳам ***arslan-burslan*** тарзида қўллаш бор, "арслон-қоплон", демакдир.

بُرسلان ***Burslan*** **(Бурслан)** – эркак киши отларидан. *Burslan* сўзига (мустақил сўз эмас) арслоннинг эргашма сўзи деб қараш ҳам мумкин. Чунки улар ***arslan-burslan*** шаклида бирга қўлланади, ***burslan*** шаклида айрим қўлланмайди. Лекин тўғрироғи – бу сўз эргаш сўз бўлмай, "қоплон" маъносидаги мустақил сўздир. Чунки эргаш сўз бўлганда, ***Burslan*** киши оти бўлиши мумкин бўлмас эди. Чунончи, арабчада ҳам حسن بسن дейилмай, фақат هذا شئ بسن шаклидагина қўллайдилар.

م ***m*** [ҳарфи]:

[قِرقُلُم ***qïrqlum*** **(қирқлум)**] ***qïrqlum sağu*** – бир турли ўлчов асбоби, тўлганда бир килограмм келади.

## Бу бўлимининг олти ҳарфлилари

[اِكِرچكُون ***ikirčkün*** **(икирчкун)**] ***ikirčkün iš*** – иккиланиб қолинган иш. Чунончи, ***köŋlüm ikirčkün boldï*** – қилиш-қилмаслик устида кўнглим иккиланиб қолди .

كُكُرچكُون ***kögürčgün*** **(кўгурчгун)** – каптар.

## Бу бўлимнинг феъллари

ق ***q*** [ҳарфи]:

[اَلقتى ***alqtï*** **(алқти)**] ***ol tavarïn alqtï*** – у моли ва бошқа нарсаларини йўқ қилиб юборди (***alqar***, ***alqmaq***). Билгилки, икки *sukun* ли ҳарфи ёнма-ён келган сўзлар оздир. Чунки икки *sukun* ли сўзларнинг ёнма-ён келиши фақатгина ذلاقه ҳарфлари дейилган уч ҳарф ***nūn, lām, rā*** лар билан қўшилиб келгандагина мумкин. Бу ҳол исм ва феълларда кенг қўлланувчи қоидадир.

Икки *sukun* лиларнинг ёнма-ён келиши фақат ана шу ҳарфларга боғлиқдир. Бу ҳарфлар талаффузи оғир сўзларни енгиллатади. Икки ҳарф бир ҳарфга айланади. Шунинг учун шоирлар буларни бир ҳарф ҳисоблаб, бир ҳарф қаторида қўллашлари мумкин (вазнга таъсир қилмайди).

ك ***k*** [ҳарфи]:

[اُركتى ***ürkti*** **(уркти)** – ҳуркди] ***qoy ürkti*** – қўй кечаси ёки кундузи чиябўри ёки шунинг кабилардан ҳуркди; ***bodun ürkti*** – халқ ёв келишидан чўчиди. Кишилар орасида хавф, ваҳима пайдо бўлди (***ürkär***, ***ürkämäk***).

[اِركتى ***irkti*** **(иркти)** – тўплади] ***er tavar irkti*** – киши мол ва бошқаларни тўплади (***irkär***, ***irkämäk***).

ج ***č*** [ҳарфи]:

[سُرچِدى ***sürčidi*** **(сурчиди)**] ***at sürčidi*** – от ва бошқа ҳайвонлар чўчиди (***sürčär***, ***sürčmäk***).

[سنچدى ***sančdï*** **(санчди)**] ***ol anï pičäkin sančdï*** – у унга пичоқ ва бошқа нарсалар санчди.

[سنچدى ***sančdï*** **(санчди)** – енгди] ***beg yağïsïn sančdï*** – бек ёвини енгди (***sančar***, ***sančmaq***).

س ***s*** [ҳарфи]:

[كُرسدى ***kürsdi*** (**курсди**)] ***yigit qaŋa kürsdi*** – йигит қонга тўлди, семирди. Ҳаттоки, ундан эркаклик аломатлари кўриниб қолди. Бу сўзнинг асл маъноси хамир ва шунга ўхшаш нарсаларни идишга тўлдириб солингач, бироз вақт ўтиши билан, агар хамир яхши ошса, идишдан кўпчиб тошиши маъносидадир (***kürsär***, ***kürsämäk***). Бунинг асли "такаббур, мағрур киши" маъносида бўлиб, исмга ***-sädi*** қўшиб ясалган феълдир. Маъносини юқорида баён қилганмиз (***kürsär***, ***kürsämäk***).

ق ***q*** [харфи]:

[سَرقدى ***sarqdï*** (**саркди**) – силкиди, сиркиди, сизди] ***suw sarqdï*** – сув сиркиди. Ҳар қандай суюқ нарсанинг бошқа бир нарсадан томчилаб сизиб ўтишига ҳам шу сўз қўлланади.

[سَرقدى ***sarqdï*** (**саркди**) – уюшди] ***adaqïm sarqdï*** – улов устида ўтира-ўтира, оёғим уюшди (***sarqar***, ***sarqmaq***).

[قُرقدى ***qorqdï*** (**қўркди**) – қўркди] ***qul Täŋridän qorqdï*** – банда улуғ ва азиз Тангридан қўркди. Ҳар кимнинг бирор нарсадан қўрқишига ҳам шу сўз қўлланади (***qorqar***, ***qorqmaq***).

Мақолда (шундай келган): ***Qarï öküz balduqa qorqmas.*** Маъноси: "Қари ҳўкиз болтадан қўркмайди". Чунки у одатлангандир.

(Билгин киши) шундай деган:

***Qorqma aŋar otru turup tegrä yara,***
***Qapsa anïŋ alpağutïn andan yar-a.***

Айтмоқдаки: Ёвдан қўрқма, юзма-юз чиқ, унга тик қара, ботирларини улоқтириб ташла, қоғозни бурдалагандек бурдалаб ташла.

[قِرقدى ***qïrqdï*** (**қиркди**)] ***ol qoyun qïrqdï*** – у қўй ва бошқа нарсаларнинг юнгини қиркди (***qïrqar***, ***qïrqmaq***).

ك ***k*** [харфи]:

[سِلكدى ***silkdi*** (**силкди**)] ***er yïğač silkdi*** – киши дарахт ва бошқа нарсаларни силкитди (***silkär***, ***silkmäk***).

**Бу бўлимнинг тўрт ҳарфлилари**

[اَندغَردى ***andğardï*** (**андғарди**)] ***ol anï andğardï*** – у унга қасам ичирди (***andğarur***, ***andğarmaq***).

[كَندگَردى ***köndgärdi*** (**кўндгарди**)] ***ol yïğač köndgärdi*** – у ёғоч ва бошқа нарсаларни тиклаб қўйди.

[كَندگَردى ***köndgärdi*** (**кўндгарди**)] ***oğrïnï köndgärdi*** – ўғрини юмшатиб икрор қилдирди.

[كَندگَردى ***köndgärdi*** (**кўндгарди**)] ***ol anï yolqa köndgärdi*** – у уни йўлга ва бошқа нарсаларга бошлади (***köndgürür***, ***köndgürmäk***).

ن ***n*** [ҳарфи]:

[كِرتكَندى ***kirtkündi*** (**кирткунди**)] ***qul Täŋrikä kirtkündi*** – банда Тангри таъолонинг бирлигига икрор бўлди ва Худонинг Пайғамбарига ҳам ишонч билдирди, тасдиқлади. Киши айтганига ёки қилган ишига икрор бўлса ҳам, шу сўз қўлланади (***kirtkünür***, ***kirtkünmäk***).

Бу бўлимнинг буйруғи беш ҳарфлидир. Чунончи, ***yïğač köndgür*** (ёғочни тикка қил), ***Täŋrikä kirtkün*** (Тангри таъолога ишон) гапларидаги буйруқлар каби.

Бу феъллардан иккинчи бир ишловчига ўтувчи ўтимли феъл ясаш учун ўзакка бир ***tä*** ҳарфи орттириш усули қўлланади. У вақт феълда икки ***sukun*** ли ҳарфнинг ёнма-ён келиш ҳолати пайдо бўлади. Чунончи, ***ol näŋ berklätti*** – у нарсани сақлашга буюрди. Яна: ***ol yïğač köndgürtti*** – у ёғочни ва бошқа нарсаларни тик қилишга буюрди, каби.

Бу бўлимда ўтимли феъл ясовчи *tā* ва *tur*, *ğayn* ва *ğur*, *kāf* ва *kür*, *gür* қўшимчалари қўлланмайди. Чунончи, ***barturdï*** – бордирди; ***ol anï todğurdï*** – у уни тўйдирди; ***Täŋrï ölüg tirgürdi*** – Худо ўликни тирилтирди, гапларидаги *-tur*, *-ğur*, *-kür*, *-gür* қўшимчалари каби.

### Бу бўлимнинг *muḍā'af* лари

ك ***g*** [ҳарфи]:

تِرسْگَاكْ / تِرسْكَاكْ ***tirsgäk / tersgäk*** (**тирсгак / терсгак**) – кўз қовоғининг четларига, яъни киприк чиқадиган жойларига чиқадиган майда-майда тошма, ҳуснбузар.

تِرسْكَاكْ ***tirsgäk*** (**тирсгак**) – тирсак.

*Muḍā'af* исмларда ўртаси *sukun* ли сўз бўлмайди. Фақат مكّه *makkah* сўзигина ўртаси *sukun* лидир. Бу сўзда икки *kāf* бордир. Маккага *Ṣīn* дан келтириладиган бир хил сиёҳдир. Туркий ёзувлар (уйғур хати – *Қ.С.*) шу (сиёҳ) билан ёзилади. Сўз охиридаги *hā* нинг асли *alif* дир.

Ўртаси *sukun* ли сўзлар тўрт ҳарфдан ортиқ ҳарфли сўзларда бўлмайди.

### Бу бўлимнинг феъллари

ت ***t*** [ҳарфи]:

[أرتّى ***arttï*** (**артти**) – ортди] ***arttï näŋ*** – нарса ортди; ***anïŋ eyägüsi arttï*** – унинг қовурғаси ортди. Бу кибрланиш, қаршилик қилишдан киноядир (***artar***, ***artmaq***).

[أرتّى ***örtti*** (**ўртти**) – бекитди, яширди] ***ol örtti näŋni*** – у нарсани бекитди (***örtär***, ***örtmäk***).

[أرتّى ***ertti*** (**эртти**) – ўтди] ***öðläk ertti*** – замон ўтди; ***er ewindän ertti*** – киши уйидан ўтди. Бир ердан ўтган ҳар бир кишига ҳам шу сўз қўлланади (***ertär***, ***ertmäk***).

ت ***t*** [ҳарфи]:

[بِرتّى ***bertti*** (**бертти**)] ***ol anïŋ eligin bertti*** – у унинг қўлини майиб қилди. Ҳар қандай нарсани биров билмай яралаши ёки синдиришига ҳам шу сўз қўлланади (***bertär***, ***bertmäk***).

[تُرتّى ***türtti*** (**туртти**) – суртди] ***köŋä yağ türtti*** – кўнга ёғ суртди. Ҳар қандай нарсани суртишга ҳам шу сўз қўлланади (***türtär***, ***türtmäk***).

[تَرتّى ***tartï*** (**тартти**) – тортди] ***ol yarmaq tartï*** – у танга ва бошқа нарсаларни тортди, ўлчади.

[تُرتّى ***tartï*** (**тартти**) – чўзди] ***ol yïp tartï*** – у ип ва бошқа нарсаларни чўзди.

[تُرتّى ***tartï*** (**тартти**)] ***ol tartïn tartï*** – у таом тортди, келтириб қўйди. Ҳар қандай нарсанинг тортилишига ҳам шу сўз қўлланади (***tartar***, ***tartmaq***).

[تُرتّى ***tartï*** (**тартти**) – тортмоқ, ечмак] ***ol etükin tartï*** – у этигини тортди. Мақолда (шундай келган): ***Suw körmägincä etük tartma.*** Маъноси: "Сувни кўрмагунча этикни ечма". Бу мақол ишларда мулоҳазали бўлишга ундалган кишиларга қарата қўлланади.

[چَرتّى ***čertti*** (**чертти**)] ***ol čertti näŋni*** – у нарсани қутқарди, бўшатди.

[چَرتّى ***čertti*** (**чертти**) – синдирди] ***ol yarmaq üčün čertti*** – у танганинг учини синдирди. Тевараги синдирилган ҳар қандай нарсага ҳам шу сўз қўлланади (***čertär***, ***čertmäk***).

[سُرتّى ***sürtti*** (**суртти**)] ***ol etmäkkä yağ sürtti*** – у нонга ёғ сурди.

[سُرتّى ***sürtti*** (**суртти**) – суркади] ***ol yarmaqïğ tašqa sürtti*** – у тангани ва бошқа нарсаларни тошга суртди (***sürtär***, ***sürtmäk***).

[كَرتّى ***kertti*** (**кертти**) – кертди] ***ol yïğač kertti*** – у ёғоч ва бошқа нарсаларни керти; ***ol qulïn boynï kertti*** – у қулининг бўйнини кертди. Бу қулни хўрлаш, таҳқирлашдан киноядир (***kertär***, ***kertmäk***).

Бу бўлимнинг буйруқ шакли уч ҳарфлидир. Чунончи, ***ert*** – ўтгил, ***kert*** – керт каби. Бу феъллар аслида уч ҳарфли бўлиб, талаффузда икки ҳарфлидир. Ҳар хил сарфланиш (феъл турлари) юқорида баён қилинган қоидага мувофиқ тузилади.

**Бу бўлимнинг тўрт ҳарфлилари**

[أُبْرِتُّمْ ***öpürttüm*** (**ўпурттум**)] ***men aŋar suw öpürttüm*** – мен унга сув ва бошқа нарсаларни ҳўплаттирдим, сув ичиртирдим (***öpürtür-men, öpürtmäk***).

[أَسْرَتَّى ***esürtti*** (**эсуртти**) – маст қилди] ***süčig anï esürtti*** – май уни маст қилди (***esürtür, esürtmäk***).

[إِسِرتَّى ***ïsïrtti*** (**исиртти**) – тишлатди] ***ol aŋar etmäk ïsïrtti*** – у унга нон ва бошқа нарсалар тишлатди. Бошқа бир нарса тишлаган кишига ҳам шу сўз қўлланади (***ïsïrtür, ïsïrtmaq***).

[إِگِرتَّى ***igirtti*** (**игиртти**) – йигиртирди] ***ol küŋkä yïp igirtti*** – у жориясига ип йигиртирди. Қўргонни қўлга олиш учун диққат билан кузатишга буюрилишига ҳам шу сўз қўлланади (***igirtür, igirtmäk***).

[أَلَرتَّى ***alarttï*** (**аларттн**) – олайтирди] ***ol aŋar közin alarttï*** – у унга кўзини ёмон олайтирди (***alartur, alartmaq***).

[إِلَرتَّى ***ilärtti*** (**иларттн**) – илаштирди] ***ol anïŋ köziŋä bir näŋ ilärtti*** – у унинг кўзига бир нарса хаёлини илаштирди (***ilärtür, ilärtmäk***).

[أَمُرتَّى ***amurttï*** (**амурттн**) – тинчлатди] ***ol beg öpkäsin amurttï*** – у бекнинг ғазабини тинчлатди. Бу сўз тойни ўйноқилигидан тинчитиб, ювошлатиб, ром қилинишига, (ёки) қозон қайноғини пасайтириб тинчитилишига ҳам бу сўз қўлланади. (Шоир) шундай деган:

***Tosun münüp sekritsün,***
***Esizlikin amurtsun.***
***Ïtqa keyik qaytartsun,***
***Tutmïš / tïtmïš sanï umnalïm.***

Бир йигитни таърифлаб айтмоқда: У минилмаган бир (ўйноқи) тойни минсин, уни ром қилсин, той устида ов қилсин, ов ҳайвонларини биз томонга қайтариш учун итларни овга солсин. Сўнг биз овни қўлга киритган ҳисоблаб, унинг гўштларини ейишга умидланайлик.

ر ***r*** [ҳарфи]:

[جُبَرتَّى ***čubarttï*** (**чубартти**)] ***oğrï erig čubarttï*** – ўғри кишиларнинг молларига тажовуз қилди, сўйиб олиб, яланғоч қолдирди (***čubartur, čubartmaq***).

Бу сўз ***čubartu(r)sïdï*** шаклида ҳам қўлланади.

[جِبِرتَّى ***čïbïrttï*** (**чибиртти**) – ҳўл чивиқ билан урди] ***ol oğlïn čïbïrttï*** – у ўғлини ҳўл чивиқ, новда билан урди (***čïbïrtur, čïbïrtmaq***).

[قُبُرتَّى ***qopurttï*** (**қўпуртти**)] ***ol erig ornïndïn qopurttï*** – у кишини ва бошқа кимсани ўрнидан қўзғатди (***qopurtur, qopurtmaq***).

[قَبَرتَّى ***qabarttï*** (**қабартти**)] ***etük aδaqïğ qabarttï*** – этик оёқни қабартиб шиширди. Бу шиш қабариб туриш, демакдир (***qabarturur, qabartmaq***).

[قَبَرتَّى ***qabarttï*** (**қабартти**) – бўрттирди] ***ol sözüg qabarttï*** – у сўзни бўрттирди. Сўзни бўрттирадиган, ошириб-тоширадиган кишига ***qabartğan*** дейилади.

[كُبُرتَّى ***köpürtti*** (**кўпуртти**) – кўпиртирди] ***ot ešični köpürtti*** – ўт қозонни кўпиртирди. Бирон ниманинг лаб, сув ва шунинг кабиларни кўпиртиришига ҳам шу сўз қўлланади (***köpürtür, köpürtmäk***).

[قَتَرتّى / قَتِرتّى *qatïrttï / qatarttï* (**қатиртти / қатартти**)] ***atïğ qatïrttï / qatarttï*** – отни қайтарди, қайтаришга буюрди (***qatïrtur, qatïrtmaq***).

[قَجُرتّى ***qačurttï*** (**қачуртти**) – қочиртирди] ***ol anï qačurttï*** – у уни қочиртирди (***qačurtur, qačurtmaq***).

[قَدِرتّى ***qaδïrtti*** (**қадиртти**) – қайирди] ***ol anïŋ boynïn qaδïrttï*** – у унинг бўйнини қайирди (***qaδïrtur, qaδïrtmaq***).

[قَرَرتّى ***qararttï*** (**қарартти**) – қорайтирди] ***ol anïŋ tonïn qararttï*** – у унинг кийимини ва бошқа нарсаларини қорайтирди (***qarartur, qarartmaq***).

[قِزَرتّى ***qïzarttï*** (**қизартти**) – қизартирди] ***ol qïzarttï näŋni*** – у нарсани қизартирди (***qïzartur, qïzartmaq***).

[سَقُرتّى ***sawurttï*** (**савуртти**) – совуртирди] ***ol aŋar tarïğ sawurttï*** – у унга буғдой ва бошқа нарсаларни совуртирди (***sawurtur, sawurtmaq***).

[سَكِرتّى ***sekirtti*** (**секиртти**) – сакратди] ***ol at sekirtti*** – у от ва бошқа нарсаларни сакратди (***sekirtür, sekirtmäk***).

[كَچُرتّى ***kečürtti*** (**кечуртти**) – кечиртирди] ***ol aŋar suw kečürtti*** – у уни сувдан ва бошқа жойлардан кечиртирди. Бировнинг бошқа бир кимсанинг қилмишини кечиришига ҳам шу сўз қўлланади (***kečürtür, kečürtmäk***).

Бу бобнинг буйруғи тўрт ҳарфлидир. Чунончи, ***sekirt*** – сакрат, каби. Лекин бу сўз талаффузда уч ҳарфли кабидир. *İsmi fāil* (ишловчини англатувчи сифатдош), *ismi maf'ūl* (иш бажарилганликни англатувчи сифатдош), жой, пайт ва қурол отлари юқоридаги бобларда баён қилинган қоидаларга мувофиқ ясалади. Буларда қоида бир хил, ўзгармайди.

### Бу бўлимнинг *miṣāl* тури

غ ***ğ*** [ҳарфи]:

يَلتَغا ***yaltğa*** (**йалтға**) – масхара қилиш; ***ol anï yaltğa qïldï*** – у уни мазах қилди, масхара қилди.

ق ***q*** [ҳарфи]:

[يَلدُرُق / يَلدُرِق ***yalduruq / yaldurïq*** (**йалдурук / йалдурик**) – ялтироқ] ***yalduruq / yaldurïq näŋ*** – жилваланган лаган ва бошқа ялтироқ нарсалар. Сersавлат хотинларга ***yaludruq / yaldurïq ešlär*** дейилади, "зийнатли, ясанган хотин", демакдир. Бу сўзларнинг биринчи ҳарфи *yā* ни ўтру билан қўллаш ҳам бор.

يَرِماق ***yarïmaq*** (**йаримақ**) – танга (пул), уйғурлар сўзи. Бу сўзнинг ***yarmaq*** шакли ҳам бор.

### Бу бўлимнинг *muḍā'af* тури

يَرسُغاغ ***yarsğağ*** (**йарсғағ**) – тоғ ва бошқа ерлардаги тирғанчиқ жой.

### Бу бўлимнинг бошқа тури

يُلدُرغا ***yuldurğa*** (**йулдурға**) – қиличдай тик ўсадиган бўйдор бир ўсимлик. Баъзан бу сўз ***yuldurğa (?)*** шаклида ҳам талаффуз қилинади.

ك ***g*** [ҳарфи]:

ايَا يَرسكو ***aya-yersgü*** (**айа-йерсгу**) – кўршапалак (чигилча). Баъзилар ***yarïsa*** дейдилар.

**Охирғи ҳарфи иллатли ([*а*], [*ӓ*] ли) сўзлар**

ғ *ğ* [ҳарфи]:

**йўринчға** (***yoríinčğa***) – йўнғичқа.

[**йилинчға** (***yílíinčğa***)] ***yílíinčğa aš*** – ёғи, тузи, таъми бўлмаган таом.

**йумуртға** (***yumurtğa***) – товуқ ва бошқа қушлар тухуми. Одам ва бошқа ҳайвонлар турмуғига ҳам ***yumurtğa*** дейилади.

[**йимиртға** (***yímírtğa***)] ***yímírtğa yaš*** – исмалоқ, гулкарам каби ҳар қандай томирсиз кўк ўт. Ҳар қандай новдали нарсага ҳам шу сўз қўлланади. Бодрингга ***yumírtğa*** дейилади.

**Бу бўлимнинг феъллари**

د *d* [ҳарфи]:

[**йадти** (***yaδtï***)] ***ol yaδtï näŋni*** – у бир нарсани ёзди. Чунончи, дастурхонга нонни ёзиш каби (***yaδar***, ***yaδmaq***).

[**йўдти** (***yoδtï***)– артди] ***ol tupraq yüzíndin yoδtï*** – у юзидан тупроқни артиб, тозалади.

[**йўдти** (***yoδtï***) – ўчирди] ***ol bitig yoδtï*** – у хат ва бошқа нарсаларни қириб ўчирди (***yoδar***, ***yoδmaq***).

[**йудти** (***yüδti***) – юклади] ***ol yük yüδti*** – у юкни юклади, ортди (***yüδär***, ***yüδmäk***).

[**йидти** (***yiδti***)] ***ol yetgäk yiδti*** – у бўғча ва тўрвани тўлдирди (***yiδär***, ***yiδmäk***).

**Бу бўлимнинг уч ҳарфлилари**

ت *t* [ҳарфи]:

[**йўртти** (***yortï***)] ***atliğ yortï*** – отлиқ отни тез чоптирди, йўрттирди (***yortur***, ***yortmaq***). Бу сўзнинг ***yortar*** шакли ҳам бор.

[**йиртти** (***yírtï***)] ***ol tonïn yírtï*** – у кийими ва бошқа нарсаларини йиртди (***yírtar***, ***yírtmaq***).

ч *č* [ҳарфи]:

[**йенчди** (***yenčdi***)] ***ol qağunuğ yenčdi*** – у қовун ва бошқа нарсаларни оёқ ости қилди, пайҳон қилди, эзди, янчди. Кишининг ҳар қандай нарсани тишлари билан янчиб, бир қисмини бошқа қисмига қўшиб юборишига ҳам шу сўз қўлланади (***yenčär***, ***yenčmäk***).

ق *q* [ҳарфи]:

[**йалқди** (***yalqdï***)] ***ol yağqa yalqdï*** – у ёққа бўкди (***yalqar***, ***yalqmaq***).

Мақолда (шундай келган): ***Yalqsa yemä yağ eδgü, küysä yemä kün eδgü.*** Маъноси: Киши ёғдан бўкиб, лоҳасланса ҳам у тотсиз, тузсиз таомдан яхшидир. Қуёш кишини куйдирса ҳам, туман ва булутли ҳаводан яхшидир.

[**йулқди** (***yulqdï***) – шилди, юлқади] ***taš anïŋ aδaqïn yulqdï*** – тош унинг оёғини шилиб юборди. Ҳар қандай нарсани бошқа бир нарса шилишига ҳам шу сўз қўлланади (***yulqar***, ***yulqmaq***).

[**йулқди** (***yulqdï***) – юлди] ***ol andïn näŋ yulqdï*** – у ундан бир нимани юлди, юлиб олди. Бунинг маъноси – у ундан фойдаланди, демакдир (***yulqar***, ***yulqmaq***).

**Бу бўлимнинг тўрт ҳарфлилари**

ت ***t*** [ҳарфи]:

[يَپُرتّی ***yapurttï*** **(йапуртти)** – ёптирди] ***ol sözüg yapurttï*** – у иш ва сўзни хулосалаттирди.

[يَپُرتّی ***yapurttï*** **(йапуртти)**] ***ol yerig yapurttï*** – у ерни текислатди. Ҳар қандай сочилган нарсанинг бўлакларини бирлаштириш, бириктиришга ҳам шу сўз қўлланади (***yapurtur, yapurtmaq***).

[يَشَرتّی ***yašarttï*** **(йашартти)** – яшнатди] ***yağmur otuğ yašarttï*** – ёмғир ўтларни яшнатди (***yašartur, yašartmaq***).

[يُغُرتّی ***yuğurttï*** **(йуғуртти)** – хамир қилдирди] ***ol anï un yuğurttï*** – у унга унни хамир қилдирди (***yuğurtur, yuğurtmaq***).

[يُگُرتّی ***yügürtti*** **(йугуртти)** – югуртирди] ***ol anï yügürtti*** – у уни югуртирди (***yügürtür, yügürtmäk***).

**Бу бўлимнинг бошқа бир тури**

[يلدرندی / يلدرنْدی ***yaldrandï / yaldrïndï*** **(йалдранди / йалдринди)**] ***kün yaldrandï / yaldrïndï*** – кун бироз ёришди. Чақмоқ, олов ва шунинг кабиларнинг узоқдан ялтирашига ҳам ***yaldradï / yaldïradï*** дейилади (***yaldïrïr / yaldïrar, yaldïrïmaq***).

[يلدرَدی ***yïldïradï*** **(йилдиради)** – ялт этди] ***qïlïč yïldïradï*** – қилич ялтиради. Ҳар қандай бир гавҳар ёки бирон маъданнинг ялтирашига ҳам шу сўз қўлланади. Биринчи ҳарф ***yā*** (ўтру) ли бўлса, "гавҳар ялтироғи", ***yā*** ли бўлса, "нур" маъносидадир (***yïldïrïr / yïldïrar, yïldïramaq***).

**Бу бўлимнинг *manqūṣ* тури**

ج ***č*** [ҳарфи]:

اِينچ ***inč*** **(инч)** – тинч, шундан олиниб, ***könül inčmü?*** – кўнгил тинчми? дейилгани каби.

اِينچ كَنْد ***İnč kend*** **(Инч кенд)** – *Muqanna'* фуқароси яшаган кентнинг оти. Кейинчалик харобага айланган.

گانچ ***gänč*** **(ганч)** – бола. Бу сўз ҳайвонларнинг кичигига ҳам қўлланилади.

گانچ لِيُو ***kenčliyü*** **(кенчлийу)** – хонларнинг тўйларида ёки байрамлари учун ўттиз газ баландлигида қилинган минорадай дастурхон.

**Бу бўлимнинг тўрт ҳарфлилари**

ر ***r*** [ҳарфи]:

قَاوْغَر ***qawğar*** **(қавғар)** – заъфарон ипак кийимлик.

غ ***ğ*** [ҳарфи]:

[بَارْلِغ ***barlïğ*** **(барлиғ)**] ***barlïğ er*** – бадавлат киши.

ك ***k*** [ҳарфи]:

اُوزْلُک ***özlük*** **(ўзлук)** – ўзлик, ўз. Кишининг ўзига хосланган ҳар қандай нарсага ҳам бу сўз қўлланади.

**Бу бўлимнинг феъллари**

د *δ* [ҳарфи]:

[ايدتى *ïδtï* (**идти**) – юборди] ***ol meŋä at ïδtï*** – у менга от ва бошқа нарсаларни юборди. ***Teŋri yalavač ïδtï*** – Тангри таъоло пайғамбарни элчи қилиб юборди (***ïδur, ïδmaq***).

[يېدتى *yeδtï* (**йедти**)] ***anïŋ közi yeδti*** – унинг кўзи заифлашди (***yeδär, yeδmäk***).

[بُودتى *buδtï* (**будти**)] ***er tumluğqa buδtï*** – киши совуқда қотди, совуқдан ўлди (***buδar, buδmaq***).

[تُودتى *toδtï* (**тўдти**) – тўйди] ***meniŋ qarïn toδtï*** – менинг қорним тўйди (***toδar, toδmaq***). Икки тилда ***toδur*** варианти ҳам бор.

[تيدتى *tïδtï* (**тидти**) – тийди] ***ol anï ašqa tïδtï*** – у уни ошдан тийди. Ҳар қандай нарсадан тийилишга ҳам шу сўз қўлланади (***tïδar, tïδmaq***).

[سُودتى *suδtï* (**судти**) – тупурди] ***er suδtï*** – киши ва бошқалар тупурди (***suδar, suδmaq***).

Мақолда (шундай келган): ***Kökkä suδsa, yüzkä tüšür.*** Маъноси: "Кимки кўкка тупурса, юзига тушади". Бу мақол мартабаси улуғ одамлар билан ёвлашувчи кишига нисбатан айтилади. Яъни душманлик ва унинг жафоси тупук юзига тушгандек, ўзингга қайтади, демакдир.

[سيدتى *siδti* (**сидти**) – сийди] ***er siδti*** – киши ва бошқалар сийди (***siδär, siδmäk***).

[قادتى *qaδtï* (**қадти**)] ***er qaδtï*** – киши қор бўронидан ўлди (***qaδar, qaδmaq***).

[قُودتى *qoδtï* (**қўдти**) – қолдириб кетди, қўйиб кетди] ***ol ïšïn qoδtï*** – у ишини қўйиб кетди. Ҳар қандай нарсани қўйиш, ташлашга ҳам бу сўз қўлланади (***qoδur, qoδmaq***). (Кўпни кўрган) шундай деган:

***Oğlum seŋä qoδur-men erdäm, ögüt, xumaru,***
***Bilgä erig bolup sen baqqïl anïŋ taparu.***

Айтмоқдаки: Ўғлим, сенга мерос қилиб эзгу хулқ, одобни қолдираман. Агар илмли, ақлли одамларга йўлиқсанг, уларга яқин бўл, улардан ўрган.

ك *k* [ҳарфи]:

[كادتى *keδti* (**кедти**) – кийди] ***er ton keδti*** – киши ва бошқалар кийим кийди (***keδär, keδmäk***).

[كُودتى *küδti* (**кудти**) – кутди] ***ol meni küδti*** – у мени кутди.

[كُودتى *küδti* (**кудти**)] ***ol qoy küδti*** – у қўй ва бошқа ҳайвонларни кузатди, қўриқлади (***küδär, küδmäk***). Бу ўғузчадир.

**ТЎРТ ҲАРФЛИЛАР**

ب *b* [ҳарфи]:

زانبى *zanbï* (**занби**) – чигирткага ўхшаш бир жонивор. У ёзнинг иссиқ вақтларида кечаси ҳаракатга тушади.

[زانبى *zanbï* (**занби**)] ***Zanbï art*** – *Qočŋar bašï* билан *Balasağun* орасидаги бир дара.

ج *č* [ҳарфи]:

سَاڤچى *sawčï* (**савчи**) – Тангри таъоло юборган элчилар (пайғамбарлар)дан бири. Бу сўзнинг асли "хабар", "мақол" ва "сўз" маъносидаги ***saw*** сўзидан олинган. Пайғамбар ана шуларни (сўзларни) кишиларга етказади.

سَاڤچى *sawčï* (**савчи**) – совчи. Куёв билан келин томон орасида хат билан юрувчи элчи (ўғузча).

ژ *ž* [ҳарфи]:

كَارْژُو ***keržü*** (**кержу**) – ғўлак. Лойдан юмшоқ қилиб ясалиб, камонга қўйиб отилади. Бу сўз икки махраж орасида талаффуз қилинадиган ***žā*** лидир.

ج ***č*** [ҳарфи]:

سَالْچِی ***salčï*** (**салчи**) – ошпаз. Аслида бу сўз ошпаз маъносида бўлса-да, кейинчалик унинг пичоғига нисбатан ҳам қўлланган; ***salčï pičāk*** дейилгани каби.

چَاقْلِی ***čawlï*** (**чавли**) – олов учун ёқиладиган ёнғоқ пўчоғи, шафтоли данаклари.

چُوقْلِی ***čowlï*** (**чўвли**) – тутмоч сузиладиган човли. Бу ҳўл новдалардан чўмич шаклида тўқилиб ясалади.

كَاقْلِی ***kewlï*** (**кевли**) – дарё оғзи.

Бу уч сўз канжакчадир.

**Бу бўлимнинг бошқа бир тури**

غ ***ğ*** [ҳарфи]:

[اَسُرْتْغُو ***asurtğu*** (**асуртғу**)] ***asurtğu ot*** – аксиртирадиган ўсимлик.

اَغْرَتْغُو ***ağratğu*** (**агратғу**) – янчилган буғдойдан қилинган ичимлик (бўза).

ق ***q*** [ҳарфи]:

[اَسُرْتْغُق ***asurtğuq*** (**асуртғуқ**)] ***asurtğuq er*** – ақлли, зийрак киши.

ک ***k*** [ҳарфи]:

اَمِرْچْکَا ***emirčkā*** (**эмирчка**) – қулоқ кемирчаги.

[قَلْدُرْغَا ***qaldurğa*** (**қалдурға**)] ***qaldurğa ton*** – шалдироқ тўн. Қоғоз ва бошқа шалдирайдиган нарсага ҳам шу сўз қўлланади.

**Бу бобнинг феъллари**

ت ***t*** [ҳарфи]:

[اَرْتْلَادِی ***artladï*** (**артлади**)] ***ol anï artladï*** – у уни шапалоқ билан урди (***artlar***, ***artlamaq***).

ق ***q*** [ҳарфи]:

[اِرْقْلَادِی ***ïrqladï*** (**ирқлади**) – фол очди] ***qam ïrqladï*** – фолбин бирор нарса ҳақида фол очди (***ïrqlar***, ***ïrqlamaq***).

ک ***k*** [ҳарфи]:

[اَرْکْلَادِی ***erklädi*** (**эрклади**)] ***ol yerig erklädi*** – у ер ва бошқа жойларни босди (***erklär***, ***erklämäk***). Бу сўзнинг ***eklädi*** шакли ҳам бор.

[اُرْکْلَادِی ***örkladï*** (**ўрклади**)] ***ol atïğ örklädi*** – отни молхонага қаттиқ боғлади (***örklär***, ***örklämäk***).

[تُرْبْلَادِی ***turbladï*** (**турблади**)] ***er turbladï näŋni*** – киши нарсанинг бичимини, намунасини ясади (***turblar***, ***turblamaq***).

[سُرِیْلَادِی ***sürilädi*** (**сурилади**)] ***ol erŋäk bilä sürilädi*** – у бармоқлари билан қуруа ташлаб, толеини синади (***sürilär***, ***sürilämäk***).

[کُرِیْلَادِی ***körilädi*** (**кўрилади**)] ***ol qozï körilädï*** – у кўра (ерда ковланган чуқур)да кўзини пиширди (***körilär***, ***körilämäk***).

ت ***t*** [ҳарфи]:

[سَرْتْلَادِی ***sartladï*** (**сартлади**)] ***ol anï sartladï*** – у уни савдогар деб ҳисоблади (***sartlar***, ***sartlamaq***).

[سَرِيلَادِى / سَرِتْلَادِى *sarïtladï / sarïladï* (**саритлади / сарилади**)] ***yïpnï sarïtladï / sarïladï*** – от куйруғини ип билан боглади. Кичик водийдан юқорилик томон чиқишга ҳам шу сўз қўлланади (ўғузча) (***sarïtlar / sarïlar, sarïtlamaq / sarïlamaq***).

[قِرتْلَادِى / قَرتْلَادِى *qartladï / qïrtladï* (**қартлади / қиртлади**)] ***ol erig qartladï / qïrtladï*** – у кишининг хулқини ёмон деб билди. Жароҳатни, чипқонни тузатишга ҳам бу сўз қўлланади (***qartlar, qartlamaq***).

[تُرقْلَادِى ***turqladï*** (**туркlади**)] ***ol yer turqladï*** – у ернинг бўйини, энини ўлчади. От ва бошқа ҳайвонларнинг танасини ўлчашга ҳам бу сўз қўлланади (***turqlar, turqlamaq***).

ك ***k*** [ҳарфи]:

[بِرْكْلَادِى ***berklädi*** (**берклади**)] ***ol tavarïn berklädi*** – у товарини сақлади. Одамни ва бошқани камаб қўйишига, ҳар қандай нарсани сақлашига ҳам шу сўз қўлланади (***berklär, berklämäk***). Бу сўзнинг асли ***beklädi*** дир. Бу сўз қўриқланган, маҳкам қилинган маъносидаги ***berk yer*** дан олинган бўлиши мумкин.

[تَرْكْلَادِى ***terklädi*** (**терклади**)] ***ol išïğ terklädi*** – у ишини тезлатди (***terklär, terklämäk***).

[تُرْكْلَادِى ***türklädi*** (**туркlади**)] ***ol meni türklädi*** – у мени туркlардан деб ҳисоблади, уларга нисбат берди. Бировни ажам ҳисоблашга ҳам шу сўз қўлланади (***türklär, türklämäk***).

Бу бўлимнинг буйруғи беш ҳарфлидир. Чунончи: ***berklä näŋni*** – "нарсани маҳкам қил" дегандаги ***berklä*** ва "қуруа ташла" маъносидаги ***sürilä*** буйруқлари каби. Лекин бу сўзлар талаффузда тўрт ҳарфлилар сингаридир. Шунинг учун улар қаторида берилди. Чунки икки ***sukun*** нинг бири талаффузда аниқ, очиқ сезилмайди. Шунинг учун шоир буни бир ҳарф ҳисоблаши мумкин. Мен буни юқорида баён этганман. Буларнинг бошқа хил вазифалари юқоридаги бобларда баён қилинган қоидага мувофиқ қиёс қилиб тузилади.

Бу бобдаги феъллар уч хилдир. Биринчи: феъл сўзланган нарса қаторидан ҳисобланиш маъносида келади. Чунончи: ***türklädi*** – туркlардан ҳисоблади каби.

Иккинчи: ўрта ҳарфи ***sukun*** ли отлардан ясалган бўлади. Чунончи: ***tewäy qurtladï*** – туя ва бошқа ҳайвонлардаги қуртчаларни олиб ташлаб тозалади.

Учинчи: бу хил маънолардан ҳеч бири ифодаланмай, феъл ўз маъносида қўлланган. Чунончи: ***ol tavarïn alqdï*** – у молини нес-нобуд қилди. Яна: ***r yalqdï*** – киши ёғли таомдан бўкди, каби.

## ТЎРТ ҲАРФЛИЛАР

د ***d*** [ҳарфи]:

[تُدْرَادِى ***toldradï*** (**тўлдради**)] ***toy toldradï*** – кишилар ҳар тарафдан тарқалди (***toldrar, toldramaq***).

[قُلْدِرَادِى ***qaldïradï*** (**қалдиради**)] ***ton qaldïradï*** – кийим ва бошқа нарсалар шалдиради (***qaldïrar, qaldïramaq***).

[جُلْدِرَادِى ***čaldïradï*** (**чалдиради**)] ***taš čaldïradï*** – тош ва бошқа нарсалар шақир-шуқур қилиб овоз чиқарди. Занжир ва шунинг кабилар ерга тушганда чиқарган овози ҳам шундай (***čaldïrar, čaldïramaq***).

[گُلْدُرَادِى ***güldürädi*** (**гулдуради**) – гулдиради] ***taš quδuğ ičrä güldürädi*** – тош қудуқ ичида гулдираган овоз чиқаради, қудуқ чуқурлигини билдирди (***güldürär, güldürämäk***).

ت ***t*** [ҳарфи]:

***ötünč*** (**ўтунч**) – қарз; ***men aŋar yarmaq ötünč berdim*** – мен унга танга қарз бердим, қарзга танга бердим (ўғузча).

[***utunč*** (**утунч**)] ***utunč iš*** – уялтирадиган иш (ўғузча).

ج ***č*** [ҳарфи]:

***üčünč*** (**учунч**) – учинчи. Тартиб сон. Бу қоидадир. Шундайки, ўндан қуйи сонларда тартибда ўзидан олдинги сондан кейинлик, давом маъноси баён этилса, соннинг ўзига *nūn* ва *čīm* қўшилади: ***törtünč***, ***bešinč*** сўзлари каби; "тўртинчи", "бешинчи" демакдир. Буларнинг асли ***tört***, ***beš***. Тартиб сони маъносини англатиш учун бу сўзлар охирига *ğunna* ли *nūn* билан *čīm* ҳарфлари орттирилади.

Ўнли сонларда ҳам тартиб сони шу усулда ясалади: ***önünč***, ***yigirminč*** каби, "ўнинчи", "йигирманчи", демакдир. Чунки "йигирманчи" "ўн тўққиз"нинг кети, давомидир. Бу қоида умумийдир.

ر ***r*** [ҳарфи]:

***erinč*** (**эринч**) – "зора, балки" маъноларидаги сўздир; ***ol bardï erinč*** – зора у борган бўлса, балки у боргандир.

***urunč*** (**урунч**) – пора.

***irinč*** (**иринч**) – озиқ-овқат мўл-кўллиги. Баъзи тилларда бу сўз икки махраж орасидаги *zā* билан ***irinž*** шаклида қўлланади.

ڤ ***w*** [ҳарфи]:

***awïnč*** (**авинч**) – бирор нарсага ўрганиб қолиш, овиниш.

ك ***k*** [ҳарфи]:

[***ikinč*** (**икинч**)] ***ikinč näŋ*** – иккинчи нарса.

***ökünč*** (**ўкунч**) – ачиниш, пушаймон бўлиш; ***ol aŋar ökünč qïldï*** – у у ишга пушаймон қилди.

***ögünč*** (**ўгунч**) – мақташ.

ل ***l*** [ҳарфи]:

[***ïlanč*** (**иланч**)] ***ïlanč yol*** – эгри, нотўғри йўл.

***ïlänč*** (**иланч**) – камчилиги маълум бўлиб қолган бир ишнинг бошловчисини айблаш.

م ***m*** [ҳарфи]:

***umunč*** (**умунч**) – умид; ***umunč Täŋrikä*** – умид улуғ ва азиз Тангрига.

ن ***n*** [ҳарфи]:

[***ïnanč*** (**инанч**) – ишонарли] ***ïnanč beg*** – ишончли, ишонарли бек.

[***onunč*** (**ўнунч**) – ўнинчи] ***onunč yarmaq*** – ўнинчи танга. Бошқаси ҳам шундай.

**Бу бўлимнинг феъллари**

ك ***k*** [ҳарфи]:

[***yinčkäländi*** (**йинчкаланди**)] ***ol meŋä yinčkäländi*** – у менга нозик муомала қилди, эгилиб букилди.

[***yinčkäländi*** (**йинчкаланди**)] ***ol qïzïğ yinčkäländi*** – қиз ҳарамга олинди.

[***yinčkäländi*** (**йинчкаланди**)] ***qul Täŋrikä yinčkäländi*** – қул Тангрига сажда қилди, рўза тутди, намоз ўқиди; Худодан қўркди (***yinčkälänür***, ***yinčkälänmäk***).

Икки *sukun* ли ҳарфлар ёнма-ён келган сўзлар бўлими тугади. Бу саккизинчи китоб(боб)нинг охиридир. Олам мураббийи – Тангрига мақтовлар бўлсин.

*Maḥmūd bin-al-Ḥusayn* айтади: Китоб бошида туркий сўзлар девонини тузишга, сўзларнинг қоидаларини, аслларини баён қилишга, улар орасидаги фарқларни қиёслаб изоҳлашга, уларни махсус бўлимлар тартиби билан жойлаштиришга умид билдирган эдик. Ваъда бажарилди, тилак юзага чиқди. Ёзиб бўлгач, ортиқчаларини, ўринсиз тушганларини, кераксизларини китобдан олиб ташладим. Энди китоб узоқ замонларга қадар кенг тарқалсин, абадий ёдгорлик бўлсин. (Келинг) китобимиз шу ерда тугаллансин.

Абадий мақтов Тангрига, ниҳоясиз яхшилик унинг пайғамбарига ва бутун авлодларига бўлсин.

Улуғ Тангрининг йўқсил қули *Muḥammad bin Abu Bakr bin Abul-fatḥ as-Sāvasī* сўнг *ad-Damašqī* ни, Худо уни кечирсин, бу китобни муаллифнинг [яъни Маҳмуд Кошғарийнинг] ўз қўли билан ёзилган нусхадан кўчириб ёзиш ишини 664 йил, шаввол ойининг йигирма еттисида, якшанба куни тамомлади.

Муаллиф қўлёзмасининг охирларидаги парчани айнан келтираман: “Китоб ёзишга 464 йил, жумодиу-л-аввалнинг бошларида киришган эдим. Тўрт қайта ёзилиб, таҳрир қилиниб, 466 йил, жумодиу-л-охирнинг ўн иккисида тугади”.

Куч ва қувват улуғ Тангри биландир; у биз учун кифоя; у қандай гўзал ҳимоячидир.

Китоб битди.

*manqūṣ* (منقوص) – охирги ҳарфи *alif, vāv, yā* билан тугаган сўзлар.

*maṭvī* (مطوى) – сўзнинг боши ва охири иллатли ҳарфлар (яъни *vāv, yā*) билан ифодаланиши.

*miṣāl* (مثال) – *vāv, yā* ҳарфлари билан бошланган сўзлар.

*muḍā'af* (مضاعف) – бир ҳарфи икки марта такрорланган сўзлар.

*mujarrad* (مجرد) – асл маъноси "яланғочланган", грамматикада сўзнинг қўшимчалар қўшилмаган туб шаклини билдиради.

*'imāla* (امالة) – "мойил қилиш; оғдириш"; *fatḥa* ни *kasra* [*i*] га мойил талаффуз қилиш, яъни [*e*] сифатида ўқиш.

*'išbā'* (اشباع) – "тўйинтириш", яъни "йўғонлаштириш" дегани.

*'išmām* (اشمام) – [*u*], [*i*] товушларини кучли лабланган ҳолда талаффуз қилиш.

*rakīka* (ركيكه) – "заиф; бўш", туркий товушларга нисбатан "ингичка унли" дегани; ундошларга нисбатан "жарангли" маъносини билдиради: *kāfun rakīkatun* – жарангли *kāf* (яъни [*g*]).

*ṣuluba* (صلبه) – асли "йўғон" дегани; ундошларга нисбатан "жарангсиз" маъносини билдиради: *kāfun ṣulbatun* – жарангсиз *kāf* (яъни [*k*]).

*ğunna* (غنّه) – "думоғда гапириш", фонетикада бурун товушларини (яъни [*n*], [*ŋ*] товушларини) англатади.

*ẓamma* (ضمه) – араб ёзувли туркий матнларда *o, ö, u, ü* унлиларини ифодалаш учун қўлланиладиган диакритик белги (ٗ); бу белги сўзларда тегишли ҳарфларнинг устига қўйилади.

*kasra* (كسره) – араб ёзувли туркий матнларда тил олди, ингичка [*i*] ва тил орқа, йўғон [*ï*] товушларини ифодалаш учун қўлланиладиган диакритик белги (ٖ ) бўлиб, тегишли ҳарфларнинг остига қўйилади.

*fatḥa* (فتحه) – туркий матнларда [*e*], [*ā*], [*a*] товушларини билдирувчи диакритик белги (ٙ) бўлиб, тегишли ҳарфларнинг устига қўйилади.

*xayšūm* (خيشوم) – бурун, думоғ товуши.

*fa'al* (فَعَل) – араб тилшунослигида ишлатиладиган сўз шакллари (қолиплари)дан бири. Араб тилшунослигида сўз туркумлари исм, феъл ва ҳарфга бўлиб ўрганилади. Шулардан исм ва феълларнинг шаклу шамойили ва англатадиган маъноларини тез, қулай ва бир тизимда ўрганиш учун наҳвшунослар ف, ع, ل ҳарфларидан фойдаланиб, вазнлар (қолиплар) ишлаб чиққан. Ушбу вазнлар бўғинлар сони ва унлиларнинг бир хиллигига асосланиб, феъл ва унинг шаклдошлари, майллари ҳамда туб ва ясама исмларни бир-биридан ажратиб олиш учун фойдаланилади. Масалан, فَعَلَ вазни феълнинг ўтган замонларидан бири учун, أَفْعُل вазни буйруқ майлларидан бири учун, فاعِل сифатдошнинг аниги, مَفْعُول вазни эса сифатдошнинг мажҳул нисбатини ифодалаш учун ишлатилади. Феълнинг бошқа майллари, замонлари, улардан ҳосил бўлган шакллар, шунингдек, исмлар ҳам шу тарзда ифодаланади. Масалан, "ёзмоқ" маъносидаги كَتَبَ феълидан ҳосил бўлган бошқа сўзлар ва уларнинг вазнлари қуйидагича бўлади:

كَتَبَ - فَعَلَ - ёзди;

كَتَّبَ - فَعَّلَ - ёздирди;

كَاتِب - فَاعِل - ёзувчи;

مَكْتَبَة - مَفْعَلَة - кутубхона;

كُتَّاب - فُعَّال - ёзувчилар; мактаб ва б.

Вазнга солинаётган сўзнинг ف, ع, ل ҳарфларига тўғри келадиган, яъни уларнинг муқобилида бўлган ҳарфлари сўзнинг асл ҳарфлари ёки ўзак ҳарфларидир.

"Девону лугати-т-турк"да Маҳмуд Кошғарий туркий сўзларни ҳам ана шу қолипларга солиб чиққан. Масалан, *af'al* қолипидаги тўрт ҳарфлилар бўлимида қуйидаги сўзлар берилган:

أَرْمُتْ *armut* – нашвати, олмурут.

أَجْلِج *üčlüč* – қуён тузоғи.

أُدْغُج *oğguč* – ўт шуъласи, аланга.

ارکچ *erkāč* – така, эркак эчки.
اورکچ *orküč* – мавж, тўлқин
اورگچ *orgüč* – ўрилган соч, хотинлар кокили.
Қолган сўз қолиплари ҳам ана шуларга қиёс қилинсин.



## РЕЗЮМЕ

Книга "Диван лугат-ат-тюрк" ("Свод тюркских слов") Махмуда Кашгари является первой научной грамматикой и одновременно толковым словарем древнетюркского языка. Она рассчитана не только для специалистов исламского мира, но и Западных тюркологов. И силу этого заслуживает пристального внимания современных востоковедов.

"Диван лугат-ат-тюрк" был переведен на узбекский язык Салихом Муталлибовым. Перевод был опубликован в 1960–1963 гг. в Ташкенте в трех томах. Следует отметить, это стало основой для изысканий нескольких поколений ученых и продолжает оставаться широкопризнанным. Однако до настоящего времени этот труд не переиздавался, став библиографической редкостью.

Современная исследовательская практика, ее цели и задачи диктуют необходимость переиздания этого труда, что сопряжено с целым рядом доработок, уточнений и добавлений. Материалы словаря заново транскрибированы и переведены на основе первоисточника; интерпретированы в рамках современных научных представлений.

Надеемся, что переиздание памятника будет надежным подспорьем в тюркологических исследованиях.



## SUMMARY

The "Divanu Lugat at-Turk" ("Compendium of Turkic words") by Mahmud Kashgari is the greatest and best known source in history of the Turkic linguistics. It was written as a book informing for Arabic, eastern and western nations about the history, culture and language of the ancient Turkic nations. Therefore nowadays scientists pay much attention to this book.

The book "Divanu Lugat at-Turk" was translated into Uzbek language by Salih Mutallibov. This translation was published in 1960–1963 in Tashkent in three volumes. It can be admitted that S. Mutallibov`s translation has been used by two-three scientists' generations as a scientific source. Even nowadays the honour of this edition is respected.

But it hasn`t been published since that time. It is quite difficult to find that edition. Even experts don`t have that book. It`s becoming very rareable day by day. We were in need of republishing the book, because it is required much and important at turkology. The new edition of the compendium, which you are holding, has been published because of that requirement.

When we were republishing the book we used the handwritten version of it and compared with the previous version. The mistakes on the previous edition have been revised and the missing parts have been set. After having compared Turkic examples on the book with the handwritten version, we rewrote it's transcription.

We have tried to do the best of us to make this book as useful as possible. We hope this edition of the compendium will gain scientists` attention.

## МУНДАРИЖА


Маҳмуд Кошғарий ва унинг "Девону луғати-т-турк" асари ..... 3

**"Kitābu Dīvāni luğāti-t-türki"** ..... 13
[Сўз боши] ..... 13
[Муқаддима] ..... 14
*Hamza* билан бошланган исмлар китоби ..... 28
Бошда *hamza* келган феъллар китоби ..... 80
*Sālim* отлар китоби ..... 132
*Sālim* феъллар китоби ..... 209
*Muḍā'af* отлар китоби ..... 295
*Muḍā'af* феъллар китоби ..... 299
*Miṣāl* сўзлар китоби ..... 324
Бошида ҳарфи иллат бўлган феъллар китоби ..... 344
Уч ҳарфли сўзлар китоби ..... 363
*Manqūṣ* феъллар китоби ..... 386
Икки ҳарфли исмларнинг *ðavāti-l-arba'a* китоби ..... 395
*ðavāti-l-arba'a* сўзларнинг феъллар китоби ..... 409
*Ğunna* ли отлар китоби ..... 443
*Ğunna* ли феъллар китоби ..... 457
Икки *sukun* ёнма-ён келган сўзлар китоби ..... 465

Нашрда учрайдиган арабча тилшунослик атамалари ..... 479
Резюме / Summary ..... 481

**МАҲМУД КОШҒАРИЙ**

# ДЕВОНУ ЛУҒАТИ-Т-ТУРК
# [ТУРКИЙ СЎЗЛАР ДЕВОНИ]

Муҳаррирлар *Лазиз Тангриев, Абдукамол Абдужалилов*
Бадиий муҳаррир *Адилов Жаҳонгирбек*
Техник муҳаррир *Екатерина Корягина*
Компьютерда саҳифаловчи *Бобур Тухтаров*

Нашриёт лицензия рақами AI № 290. 14.11.2016.
2017 йил 4 январда босишга рухсат этилди.
Бичими 84x108 $^{1}/_{16}$ Times New Roman гарнитураси.
Офсет босма. 50,82 шартли босма табоқ. 46,3 нашр табоғи.
Адади 2000 нусха. 5 рақамли буюртма.
Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа
ижодий уйида чоп этилди.
100128. Тошкент. Лабзак кўчаси, 86.

*Телефонлар*: (371) 241-25-24, 241-48-62, 241-83-29
*Факс*: (371) 241-82-69

**www.gglit.uz** **info@gglit.uz**

ISBN 978-9943-03-972-8